

С.ТУРСУНОВ, Қ.РАШИДОВ



Б  ЙСУН

Удк: 94 (575.1)

63,5 (5У)

T91

Турсунов,С

Бойсун\ С.Турсунов, Қ.Рашидов;

Ушбу монография “Сурхондарё – Этнографик макон”га бағишланади.

Монографияда жаҳон цивилизация тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлган, Марказий Осиё тарихида чексиз илмий манбаларда алоҳида таъкидлаб ўтилган, адабий муҳитда қиёсий образлар таҳлил этилган, табиатнинг мўжизакор, виқорли тоғлар билан ўралган муқаддас Бойсун тарихига бағишланади.

Монографияда Бойсуннинг илк инсониятнинг манзилгоҳи, муқаддас Она-замин бешиги, илк аждодларимизни шаклланиши, вояга етиши, санъат ва маданиятга асос солганлиги, хўжалик, моддий ва маънавий маданияти асосларини яратган юрт эканлиги, бу ўлкада мардлик, жасурлик, ор-номус, ватанпарварлик, инсонпарварлик, мардларга хос пахлавонлик илм-тафаккур, шижоатли, меҳнаткаш халқ тарихини ўзида акс эттирган воқеа-ҳодисалар илмий, тарихий тафаккур нуқтаи-назардан таҳлил этилган.

Монография умумий ўрта таълим, академик лицей ва касб-хунар коллежи, олий ўқув юрти талабалари ҳамда профессор-ўқитувчиларга ўқув қўлланма сифатида, шунингдек Бойсун тарихи билан қизиқувчи китобхонларга, сайёҳларга, жаҳон илми-тафаккур аҳлига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Тарих фанлари номзоди И.Шоймардонов

Такризчилар:

Филология фанлари доктори, профессор
А.Абдуллаев

Филология фанлари доктори А.Омонтурдиев

Тарих фанлари номзоди, доцент Ю.Валиқулов

Тарих фанлари номзоди, доцент Т.Пардаев

ISBN 978-9943-373-86-0

С.Турсунов, Қ.Рашидов “Бойсун” Akademnashr нашриёти, 2011 йил.

БОЙСУН ТУМАНИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Ташкил топган вақти	1926 йил 29-сентябр (1962 йил 24-декабрда Шеробод тумани билан бирлаштирилган. 1965 йил 29-декабрда қайта тўзилди).
Ҳудуди	3,72 минг километр квадрат
Чегаралар	Бойсун тумани вилоятнинг ғарбида жойлашган. Шимолий-шарқда Сариосиё, шарқда Қумқўрғон, жанубда Қизирик, Бандихон туманлари, жанубий-ғарбда Шеробод тумани билан, шимолий-ғарбда Қашқадарё вилоятининг Қамаш ва ғарбда Деҳқонобод туманлари билан чегарадош.
Туман маркази	Бойсун шаҳри. Термиз шаҳридан 145 километр узоқликда жойлашган.
Қишлоқ фуқаролар йиғини ва маҳаллалар	71 қишлоқ, 28 маҳалла бўлиб, жумладан Пассурхи, Пулҳоким, Кофрин, Авлод, Бойсун, Дарбанд, Мачай, Работ, Сайроб, Қўрғонча, Кучкак, Даштиғоз, Тўда, Чилонзор, Тиллокамар, Хўжабулғон каби қишлоқлар мавжуд.
Аҳолиси	96532 минг киши
Вилоят марказига	135 километр
Жами ер майдони	371829 гектар
Экин ерлари	22183 гектар
Фермер хўжаликлари	367 та
Умумий таълим мактаблари	55 та
Касб-ҳунар коллежлари	5 та
Шифохона	3 та
Шифобахш масканлар	Омонхона, Хўжамайхона, Хўжақўчқор ота.
Темир йўл	Тошғузар-Бойсун-Қумқўрғон

К И Р И Ш

*«Кўрдим, Кездим, Бойсундай
жой Бу оламда йўқ экан.»*

Усмон Азим

Холисона тарихимизни яратиш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар ватанимиз тарихини кўп минг йиллик даврга тенглигини моддий ва маънавий жиҳатдан бой манбаларга эга эканлигини, халқимизнинг ўтроқ ва муқим яшаб, ўз юрти, тили, маданияти ва кадриятлари билан жаҳон цивилизацияси ривожига муносиб ҳисса қўшганлигини асослаб берди. Ўзбекистон худуди ва унда яшаган халқлар азал азалдан ўз насл насабини, ўзи туғилиб вояга етган юртини муқаддас эканлигини асрлар оша қўлга киритган ютуқлари билан мустақамлаб келди. Узоқ ўтмиш давомида халқимиз қўлга киритган моддий ва маънавий бойликларни сақлаш билан биргаликда уни бойитиш борасида катта меҳнат тажрибасига эга бўлганлигини унутмаслигимиз керак. Ўзбекистон худудида тарихнинг турли даврларида мунтазам тарзда деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга қулай имконият мавжуд бўлган, шу билан бир қаторда халқимиз меъморчилик, шаҳарсозлик, адабий ва бадиий ҳаёт соҳасида ҳам катта ютуқларга эришиш учун оғир синовлардан ўтганлигига тарих шохидлик беради. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси инновацион лойиҳаси асосида 2010 йил 25 февралда тасдиқланган “Сурхондарё – этнографик макон” электрон веб-сайти асосида “Бойсун” электрон веб-сайти тайёрланди. Ушбу электрон веб-сайтида Сурхон воҳасига оид тарихий-этнографик маълумотлар тақдим этилди.** Ватан тарихини холисона ва ҳаққоний ўрганиш борасида мустақиллик йилларида алоҳида таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилди. Мухтарам Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек “Ўзликни англаш – тарихни билишдан бошланади”¹ ғояси асосида холисона тарихий воқеяликни ёритиш, изчиллик, кетма-кетлик ва воқеа-ҳодисаларга танқидий нуқтаи-назардан қараб, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб масалага айланди. Чунки баркамол ёш авлодни комил инсон қилиб, юксак савияли, мустақил фикрлайдиган маърифатли кишилар қилиб тарбиялашда ўтмиш тарих сабоқлари муҳим аҳамиятга эга. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки ватан тарихини ўрганишда, тарихий воқеа-ҳодисаларни таҳлил этишда, халқимиз босиб ўтган тарихий хотирани қайта тиклашда ҳар бир зиёлидан фидойилик талаб этилади. Ўзбекистон тарихининг ажралмас қисми бўлган Бойсун тарихини ўрганиш ҳам ўзига хос илмий аҳамиятга эга. Чунки, ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихини шаклланишида ушбу ҳудуднинг алоҳида ўрни бор, ваҳоланки Бойсун Марказий Осиёда илк инсониятнинг манзилгоҳи сифатида қадимги тош давриданок муҳим макон вазифасини ўтаган. Ўзбекистон Республика Президенти И.А.Каримовнинг “Сурхондарё – этнографик макон” йўналишидаги билдирган фикри Сурхон воҳаси тарихини ўрганиш, уни илмий таҳлил этиш, мавжуд тарих соҳасидаги муаммоларини илмий ўрганиш долзарб масала эканлигидан келиб чиқиб, юксак

¹ Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз – келажак йўқ”. Т.: “Шарқ”, 1998, б-5

маънавиятга эга бўлган Бойсун тарихини илмий монография асосида баён этиб, китобхонларга тақдим этиш муҳим масала қилиб олинди. Хусусан, Бойсуннинг қадимги тош даври билан боғлиқ Тешиктош, Амир Темур ва Мачай ғорлари инсоният маданиятининг қадимий ўчоқлари сифатида жаҳон тарихшунослигида алоҳида ифодасини топган. Бойсун жез даври маданиятининг ҳам асосий марказларидан бири бўлиб, илк аждодларимизнинг руҳий ва маънавий камолотининг шаклланишида, диний эътиқодларнинг пайдо бўлишида энг муҳими илк иқтисодий ва маънавий ҳаётни шаклланишига асос солинган юртдир. Бойсун тарихида Зардуштийлик, Буддизм, Ислом динларини шаклланиши ва ривожланишига хос диний қарашлар алоҳида аҳамиятга эга. Бойсун тарихида иқтисодий ҳаётда юз берган туб ўзгаришлар, ерга ишлов бериш, кулолчилик, тўқимачилик, метал эритиш, уй-жой қурилиши ва инсоният руҳиятида дафн тартиблари билан боғлиқ ғояларнинг шаклланишига асос солинган воҳадир. Айниқса мамлакатимизда илк темир даврининг юксалишида, жамоа бойликларини тақсимлаш, жамоани бошқариш, суғориш иншоотларининг барпо этишда ҳам Бойсуннинг ўзига хос ўрни бор. Бойсун тарихида ватанпарварлик, инсонпарварлик, мардлик-жасурлик туйғулари, Эрон аҳамонийлари, Юнон - македон босқинига қарши курашда унинг мард ўғлонлари Катан ва Австаннинг жасурлиги ҳамда Бойсун мудофаа иншоотлари у ҳақида Юнон-рим манбаларининг тарихий таҳлили муҳим аҳамиятга эгадир. Бойсун Ипак йўли чорраҳасида жойлашиб, ўзининг иқтисодиёти, маданияти, меъморчилиги ва шаҳарсозлигида алоҳида аҳамиятга эга бўлган, Қайроқ тепа, Авлод, Тўда, Дунё тепа, Мунчоқ тепа, Болоқўрғон, Бойсун кўрғони каби меъморий иншоотлари билан алоҳида ажралиб турди. Бойсун-Дарбанд истехкоми, остонаси, Темир дарвозаси, божхонаси ҳамда меҳмондўстлиги ва олижаноблиги билан Кушонлар давлатининг асосий таянчи бўлиб, Хитой, Рим, Парфия савдо-сотик, расмий алоқаларни йўлга қўйишда асосий манзил ҳисобланган. Чағониён давлатининг шимолий-ғарбий ҳудуди ҳисобланган Бойсун бадий маданиятнинг ажойиб ёдгорликларига асос солинган ҳудуд, Эфталлийлар, Тохаристон, Турк ҳоконлигининг ҳарбий стратегик маркази йирик ва қудратли мудофаа иншоотларига эга бўлган ҳамда Фирдавсий каби буюк назм-наво аҳлини ўзига мафтун этган юрт. Ўрта асрларда Салжукийлар даврида ҳамда алоҳида ҳарбий салоҳиятга эга бўлган Қорахонийлар давлатининг сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлашда Бойсун, Термиз ва Чағониённинг сиёсий-ҳарбий жиҳатдан мустаҳкамланишида таянч маркази бўлган. Бойсун Амир Темурнинг ҳарбий жиҳатдан мустаҳкамланишида, ҳарбий кўшинларни тўплаш ва ҳарбий тайёргарликдан ўтказишда ҳам моддий ҳам маънавий маскан ҳисобланган. Буюк алломалар, авлиёлар, шоир ва ёзувчиларнинг ватани, ижод манбаи ҳамда маданий ҳаётнинг юксалишида сўлим, гўзал юрт бўлиши билан биргаликда маърифат, маънавият, илм-фан ривожининг манзили ҳисобланган. Бойсун Мунтаҳойи, Худойберди, Ражаб, Қурбон, Нодир, Абдулла Бойсунийларнинг муқаддас ватани, ижодига қувват берган маскан саналади. Бойсун Бухоро амирлигининг йирик сиёсий марказларидан бири, бекликни маъмурий маркази сифатида муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳарбий истехком ҳисобланган. Бойсун воҳасида Совет ҳокимиятининг мажбурий ўрнатилиши, миллий камситиш, катағонлик

хукумронлик қилган даврда ҳисобсиз қирғинлар, катагонларга қарамасдан иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этиб, халқ ўзлигини, миллий урф-одатларини, маданиятини сақлаган ҳолда фидокорона меҳнат қилган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида мард, жасур ўғлонларни жаҳонда тинчликни сақлашга сафарбар этиб, бутун куч ғайратини ғалабага сарфлаб, маҳаллий аҳоли меҳнатда фидоийлик жасоратини кўрсатди. **Бойсун мустақиллик йилларида озодлик ва эркинликка эришиб, туман ижтимоий-иқтисодий, маданий жиҳатдан ҳар томонлама ривожланиб, мулкка эгалик қилишини янги қирралари шаклланди. Миллий урф-одатлар, кадриятлар, анъаналар тикланиб, Бойсун маданияти ва унинг қўлга киритган ютуқларини жаҳон тан олди. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 17 августдаги 323-сонли қарорига асосан 223 километр масофага мўлжалланган Тошғузор-Бойсун –Қумқўрғон темир йўл қурулиб, ишга тушурилганлиги туман ҳаётида катта унутилмас тарихий воқеа бўлиб, XXI аср мўжизаси деб тарих саҳифаларида ўрин олди.**

ЮНЕСКО иштирокида 2001-2004 йилларда «Бойсун бахори» фольклор фестивали юқори савияда ўтказилди. Туман ҳокимлиги ва ЮНЕСКО нинг ташаббуси билан шаҳар марказида миллий меъморчилигимизнинг илғор усулида «Хунармандлар маркази» бунёд этилди. Бу марказ миллий ва қадимий анъаналаримизни ўзида мужассам этган хунармандчилигимизни меҳнатини жаҳон миқёсида намойиш этиш учун хизмат қилмоқда. Тумандаги «Шалола» ва «Қуралай» ансамбиллари 2003-2010 йиллар давомида Республика миқёсида ўтказилган «Наврўз» ва «Мустақиллик» байрамларида доимий қатнашиб келмоқда. Бундан ташқари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали совриндори ва Республика «Диёр оханглари» кўрик танловларида фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Мустақиллик туфайли туманда табиий хом-ашё ресурслари ишга солиниб, “Тўда”, “Бойсунсоз”, “Дарбанд”, “Қизилнавр”, “Қайроқ”, “Сайроб”, “Омонхона”, “Ғажак” конлари ишга туширилиб, шифобахш “Омонхона”, “Хўжамайхона”, “Хўжақўчқор ота”, “Зилол” сувлари оламга машҳур бўлди. Тадбиркорликнинг ривожланиши туфайли “Жило Файз”, “Хуршид”, “Умид” кичик корхоналари туманнинг кичик иқтисодий таянчига айланди. Туман халқ таълими, касб-ҳунар коллежлари, маданият ходимлари халқимизнинг миллий дурдоналарини ўрганиш, халқ онгига сингдириш, қайта тиклаш бўйича катта ютуқларга эришиб, “Бойсун”, “Қуралай” этнографик халқ ансамбллари дунё назарига тушди. Бойсуннинг миллий ғурури, кадриятлари, урф-одатлари, унинг ифтихори бўлган, Ш.Холмирзаев, У.Азим, Э.Аъзам, Х.Хурсанд, Х.Чоршанбиев ижодиётида, халқ бахшиси Шоберди Болтаев термаларида ўз аксини топди. Бойсун жисмонан бақувват, ор-номус учун курашадиган полвонлар юрти, полвонликни ватан мустақиллиги, озодлиги, тинчлиги, оилага муҳаббат, ота-онага ҳурмат, ёрга вафодорлик тимсоли сифатида қабул қилган Тоштемир Абдуллаев, Абдулла Тангриев, Боходир Ғаниев, Фарход Тўраевларнинг киндик қони тўкилган воҳадир. Бойсуннинг ўзига хос ғурури, унинг қадимдан Дарбанддек остонаси – бўсағаси бўлганлиги, бу юртда поклик, озодалик, файзу-барака, ризку-насибаси бўлганлиги, воҳага хос содда, мард, кўнгли очик,

саховатли, меҳмондўст халқ азал-азалдан буён яшаб келаётганлиги билан ажралиб туради. Бойсунда ўзбек ва тожик миллатининг қадимдан иноқ, дўст, қариндош бўлиб, қиз бериб қиз олиши, куда-анда бўлиши одатий тусга айланган. Бойсунликлар қадим даврдан бошлаб, мусофир одамга жой ва ризқ бериши, адашган одамни ўз манзилига етказиб қўйиши, кўча-кўйда ёшлар катталарга салом бериши, қўшниларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, бир бирларига таом улашиши ва ёшларни мард, жасур, тўғри сўзли ва касбга муҳаббат руҳида тарбиялаши билан ажралиб туради.

Ушбу монографияни тайёрлашда таниқли олимлар академик Э.В.Ртвеладзе, Г.А.Пугаченкова, А.Асқаров, У.Исломов, Мулла Эркаев, А.Қорақулов, профессорлар А.Саъдуллаев, А.Ашуров, Л.Сверчков, В.Мокробородов, Б.Қодиров, А.Авлиёқулов, Б.Бойқулов, Х.Тўраев, Ш.Хуррамов, А.Абдуллаев, Ш.Саматов, Э.Турдиқулов, Ж.Холмўминов, Б.Шойимқулов, Р.Қаландаров, Ж.Омонтурдиев, А.Омонтурдиев, Ш.Шайдуллаев, А.Ҳакимов, фан номзодлари Х.Кичкилов, А.Авлиёқулов, Т.Пардаев, Т.Аннаев, З.Холиқов, Қ.Омонтурдиев, Н.Бердиев, Н.Абдурахмонов, Ғ.Алибоев, Э.Бойниёзов, Ж.Эсанов, Н.Орипов, Ш.Очилдиев, С.Раҳимов, Н.Сариев, Д.Саъдуллаев, А.Тошқулов, М.Турсунов, Р.Тўлаганов, Х.Холмўминов, Ю.Валиқулов, М.Жўраев, И.Абдурахмонов, Р.Абдуллаев, Э.Гюль, С.Алиева, Л.Ремпель кабиларнинг илмий асарлари, мақолаларидан фойдаланилди. Туман ҳокими П.Тангриевнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши туфайли Бойсун тарихи нашрга тайёрланди ва чоп этилди. Шунингдек, Бойсун тарихини тайёрлаш жараёнида техник жиҳатдан мукамал иш олиб бориш ва уни саҳифалашда алоҳида амалий ёрдам кўрсатган компьютер гуруҳи раҳбари, С.Э.Бозоровнинг хизмати учун муаллифлар ўзларининг самимий миннатдорчилигини билдиради. Бойсун тарихини ёритишда этнографик манбаларга, қишлоқлар тарихига, Бойсуннинг табиат мўжизаларига ҳам алоҳида эътибор берилиб, Бойсуннинг ўзига хос табиати, маданияти, этнографияси, маиший турмуш-тарзи, илмий тафаккури, бадиий адабиёти алоҳида таҳлил этилди. Ушбу монография илк бор манбаларга, тарихий ва бадиий адабиётларга, архив ҳужжатлари ҳамда илмий-оммабоп мақолаларга таянган ҳолда умумлаштирилган ҳолда чоп этилди. Ушбу монография бўйича таклиф ва мулоҳазаларни муаллифлар ҳолисона қабул қилиб, кейинги илмий ишларда таҳлил этади деган фикрни билдиради.

“БОЙСУН БАҲОРИ” ХАЛҚАРО ФОЛЬКЛОР ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли фестивал қатнашчилари!

Ҳурматли меҳмонлар!

Аввало сизларни бугунги гўзаллик ва нафосат байрами “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон заминида қутлашдан ғоят мамнун эканлигимни изҳор этмоқчиман.

Ўнлаб хорижий мамлакатларнинг вакиллари иштирок этаётган ушбу санъат анжумани дунё цивилизацияси бешикларида бири, кўхна қадриятлар макони бўлмиш Сурхон воҳасида, қадимий Бойсун тупроғидан ўтаётгани бежис эмас.

Бу бетакрор масканнинг нуфузли халқаро ташкилот – ЮНЕСКО томонидан “Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси” сифатида эътироф этилгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди.

Бу юксак эътирофни асрлар давомида халқ оғзаки ижоднинг энг гўзал намуналарини, миллий урф-одатларини асраб-авайлаб келаётган ўзбек халқининг қадимий ваа теран маънавиятига берилган муносиб баҳо десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу маънода, Бойсун элининг мафтункор санъати ҳам халқимиз яратган бениҳоят бой ва ранг-баранг миллий маданиятнинг ўзига хос бир кўринишидир.

Биз халқимизнинг кўп асрлик ҳаёт тажрибасини, орзу-интилишларини ўзида мужассам этган ўлмас меросимиздан маънавий куч-қувват оламиз, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига асосланган янги ҳаёт, янги жамият барпо этишда мустаҳкам таянч, деб биламиз.

Чунки, халқ руҳининг кўзгуси бўлган фольклор санъати, ўз маъно-мазмунига кўра, одамзод қалбида меҳр-шафқат, муҳаббат ва дўстлик, ҳамжиҳатлик каби эзгу туйғулар уйғотади, ҳар бир инсоннинг ўзлигини қадимий томир-илдизларини англашга даъват этади.

Ишончим комилки, сиз, бугун бошланаётган анжуман иштирокчиларини намоён этиш билан бирга, айти вақтда халқимизнинг қадимий санъати, юксак ижодий салоҳияти, бағрикенглик ва меҳмондўстлик фазилатлари билан ҳам яқиндан танишиш имконига эга бўласизлар.

Мен ушбу санъат байрамини ўтказишга ўз ҳиссасини қўшган ЮНЕСКО вакилларига, барча мутасадди ташкилотларга, узоқ-яқиндан ташриф буюрган фестивал иштирокчилари ва меҳмонларига чин юракдан миннатдорчилик билдираман.

Барчангизга ижодий ютуқлар, санъат воситасида халқларни ўзга яқинлаштиришдек олижаноб ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман¹.

Ислом Каримов
Ўзбекистон Республикаси Президенти

¹ Бойсун туманининг маданий минтақаси. –Т., “Veli” Арт-дизайн маркази. 2001 йил. 3-бет.

I.БОБ. БОЙСУН ҚАДИМГИ ДАВРИДА

Одамзод борки, авлод-аждоди кимлиги, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди”. Миллий борлигимиз, маданиятимиз илдизи, томири ўтроқ бўлган.

И.А.Каримов

Бойсун тумани маданий минтақавий меросининг инсоният оғзаки ва номоддий маданий дурдонаси деб, 2001 йил ЮНЕСКО томонидан “Бойсун туманининг анъанавий маданиятига ва халқ ижодининг қўриқлаш 10 йилга мўлжалланган бош дастури – миллий рўйхатга олиш ва тайёрланиш” лойиҳаси асосида “Инсониятнинг номоддий мероси ва оғзаки ижоди дурдоналари” номинацияси рўйхатига киритилди. “Бойсун дунёда қадимги цивилизация маркази сифатида Осиё ва Ҳиндистонни боғлаб турган қадимги савдо йўлига жойлашиб, унинг моддий ва маънавий мероси, қадимий ва жонли маданияти ва табиати, Зардуштийлик, Буддавийлик ва Ислом динлари мулоқотларини ўзида акс эттирган юрт сифатида юксак маданиятга эга эканлигини” ЮНЕСКО бош котиби Коичиро Матцуура алоҳида таъкидлади. Жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида ўринга эга бўлган 47 та маданият дурдонаси рўйхатига киритилган Бойсун тумани тарихшунослик фанида алоҳида эътиборга эга бўлган воқеа-ҳодисаларни ўз бошидан кечириб, уни тарихини ўрганиш ва ҳозирга ёш авлодга тақдим этиш долзарб масалалар бири ҳисобланади.

ЮНЕСКОнинг Бойсун фольклор ва анъанавий маданиятини сақлаш бўйича мақсадли дастурнинг биринчи босқичи (2003-2004 йиллар) Япония ҳукуматининг Япония Траст жамғармасининг молиявий кўмаги ёрдамида амалга оширилди. Кейинги босқич (2005-2014 йиллар) 10-йиллик “Мастер-план” дастури асосида амалга оширилиб, Бойсунга элатлик-фольклор, археологик ва манзаравий (ландшафтли) қўриқхона ҳолатини бериш мақсад қилиб олинди. Бойсунда ЮНЕСКО ва Ўзбекистон ҳукумати кўмагида ташкил этилган “Бойсун баҳори” Очик фольклор биринчи фестивали 2002 йил 23-27 май кунлари ўтказилди. Фестиваль қатнашчиларига ва меҳмонларга Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов расмий табриги билан мурожаат қилди. Фестивалда Ўзбекистондан 11 фольклор жамоалари ва Тожикистондан “Гаджина” ансамбли, 24 нафар Ўзбекистонлик бахшилар, 2 нафар Қирғизистонлик манасчилар, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Япониядан 16 нафар созанда қатнашди. Фестиваль даврасида ўтказилган илмий анжуманда 40 дан ортиқ Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Япония, Корея Республикаси, Россия ва Франция олимлари қатнашиб, илмий анжуманда “Бойсун декларацияси” қабул қилинди. Иккинчи фестивал 2003 йил 13-18 май кунлари бўлиб, унда Ўзбекистон ва Тожикистондан 12 фольклор ансамбллари, либослар, дизайнерлар қатнашишди. Фестивал доирасида Термизда Халқаро бахши шоирлар кўрик танлови ўтказилиб, ноёб элатлик фольклор муҳитини сақлаш муаммоларига бағишланган илмий анжуман ўтказилди.

Бойсун тарихи инсоният тарихининг ажралмас тарихи бўлиб, тарихий

манбалар, инсоният тараққиётидаги маданий тарихий даврнинг илк босқичи меҳнат қуроллари тошдан ясалганлиги сабабли палеолит (грекча «палайос» қадимги, «летос» тош деган маънони билдиради), яъни қадимги тош даврида бошланганлиги илмий манбаларда асослаб берилди.

Марказий Осиёда палеолит даврига хос меҳнат қуроллари Бойсун ҳудудида топилганлиги ва у илк аجدодларимиз томонидан такомиллаштирилиб, ўзгартирилиб, техник жиҳатдан аста-секинлик билан мукамаллаштирилиб борилганлиги тарихий манбаларда ўз исботини топди. Бойсун инсониятнинг илк манзилгоҳи сифатида палеолитнинг босқичлари ҳисобланган ўрта ва сўнги даврларда инсоннинг пайдо бўлиши ва ақлий жиҳатдан такомиллашиб боришида муҳим рол ўйнаган макон сифатида манбаларда қиёсий таҳлил этилган. Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги одамлар 1 миллион йилдан зиёд вақтдан бери, яъни илк палеолит давридан буён яшаб келаётганлигини археолог олим, академик Ў. Исломовнинг ёзишича, «Ўзбекистон ҳудудида одамнинг пайдо бўлиш тарихининг илк босқичларига оид ёдгорликларни ўрганиш 1938 йилдан бошланган. Шу йили А.П.Окладников бошлиқ ибтидоий давр археологиясини ўрганиш отряди Бойсун туманидаги Сурхондарёнинг Зовталашгансой дарасида жойлашган Тешиктош ғорини тадқиқ қилди. Милоддан аввалги 100-40 минг йилликларга оид Тешиктош ғори дастлаб ўлкашунос Г.В.Парфенов томонидан 1930 йилларда аниқланди. Денгиз сатҳидан 1500 м баландликдаги ғорнинг узунлиги 21 метр, эни 20 метр, баландлиги 9 метрни ташкил қилади. Умумий майдони 300 кв. м, шундан 100 кв. м жойи неандерталлар яшаганлигига гувоҳлик берувчи археологик материалларга эга. Ёдгорлик 5 та маданий қатламдан иборат бўлиб, маданий қатлам 1,5 метрни ташкил этган. Бу ҳол манзилгоҳ бир неча маротаба тарқ этилганлигидан далolat беради. Ғорнинг ҳар бир қатламида биттадан, баъзиларида иккитадан гулхан қолдиқлари сақланиб қолган. Бу гулханлар атрофидан кўплаб тоғ эчкиси, буғу, сиртлон, айиқ, қуён ва ҳар хил қушларнинг суяк қолдиқлари топилган. Энг муҳими, юқори маданий қатламдан 9-10 ёшлардаги неандерталь боланинг қабри топилганлиги ёдгорликни дунёвий аҳамиятга молик даражага кўтарди».

Ушбу антропологик топилма катта қизиқиш уйғотди ва мутахассис олимлардан Г.Ф. Дебец, М.М. Герасимов, М.Д. Гремякий ва В.А. Алексеевлар уни ўрганишда жонбозлик кўрсатдилар. Аниқланишича, топилган неандерталь бола калла суягининг ҳажми 1450 сантиметр куб бўлиб, унинг ирқий жиҳатдан Европа ва Олд Осиё гуруҳига мансуб эканлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Дунё фанида илк ибтидоий одамлар, уларнинг пайдо бўлган дастлабки авлодлари, антропологик тузилиши, қиёфасидаги жисмоний тана ўзгаришлари, ақлий ва тафаккурининг кенгайиб, онгининг ўсиб бориши натижасида илк одамларнинг топилиши, илмий асосланиши ва уни фанга олиб кириши билан боғлиқ тушунчалар, атамалар пайдо бўлди. Ана шундай атамалардан бири неандертал одамлардир. Тешиктошдан топилган неандертал одам қадимги одамлар «палеантроп»ларнинг бир гуруҳи бўлиб, унинг бош мия қутиси, қовурғаларнинг бўлаклари, елка ҳамда сон суяклари ва бошқа ҳолатлари билан анча ҳозирги замон одамларига яқин. Неандертал одам атамаси 1856 йилда

Германиянинг Неандертал водийсидаги Дюссельдор шаҳри яқинидан топилган энг қадимги одам қолдиқлари асосида фанга кириб келди. Неандертал одамнинг бўйин 160 сантиметр, миясининг ҳажми 1440-1450 гр бўлиб, лекин ҳозирги одамларга нисбатан кўзининг устида қалин бўртиғи бўлиб, неандертал одам бундан 200-35 минг йил аввал-въяорм музлиги даврида мустъе маданиятига хос Ғарбий Европада, одатда ғорларда яшаб, йирик ҳайвонларни овлаб, қуроллар ясаб, олов ёкишни ундан фойдаланишни ўрганиб, ибтидоий одамлар тўда-тўда бўлиб яшашган.

Сурхондарё вилоятида қадимги манзилгоҳларнинг пайдо бўлиши тош даврининг мустъе босқичига хос бўлиб, Бойсун тоғидаги Тешиктош ғор маконидан топилган бола склети ўз даврининг оламшумул кашфиёти бўлиб, Ўрта Осиёни ҳам инсоният шаклланган минтақалардан бири сифатида қарашга имкон берган. Археология ва антропология фанларининг янги маълумотларига кўра топилма бундан етмиш беш минг йил илгари мавжуд бўлганлиги илмий жиҳатдан таҳлил этилди.

Ғордан топилган ҳайвонларнинг 667 та суягидан 649 таси кийик суягидир. Ов кўп одамлар иштирокини талаб қилганлиги сабабли у ибтидоий одамларни бирга ҳаракат қилишга жипслаштирган асосий омиллардан бири эди. Яраланган йиртқич ҳайвон билан олишувда кўпинча одамлар ҳалок бўлганлар, улар қўлга киритган ўлжаларини бирга баҳам кўрганлар. Аёллар термачилик, яъни мева-чева териш, илдиз ковлаш билан шуғулланган ва меҳнат қуроллари тайёрлаганлар.

Машҳур антрополог олим ва ҳайкалтарош М. М. Герасимов боланинг қиёфасини яратди, боланинг бош суяги жуда сиқик, пешонаси яйдоқ, паст, қошқовоғи осилиб туради. Чайнаш мускуллари бақувват, ияги текис, бош суягининг ҳолати ва букчайган қомаги ўша вақт одамнинг ҳали қадини ростлаб юришга одатланмаганидан далолат беради. У ўз қиёфаси билан Европада яшаган неандерталь шаклидаги одамларга жуда ўхшайди. Унинг қабри атрофига қўйилган така шохлари болани гўё жинлардан ҳимоя қилган, бу қуёш рамзи бўлиб, диний аҳамиятга эга бўлганлигини тасдиқлайди. Худди шу ўринда академик Б.Ғафуровнинг фикрлари анча эътиборли кўринади, олим Тешиктошдан топилган тош буюмларни ўрта палеолит даврига оид деб ҳисоблайди. Ғордан топилиб ўрганилган 2859 дона тош буюмлардан, 2520 донаси синиқ-учринди, 134 донаси пластинка парракча, 94 донаси тош қуроллар, 101 донаси турли шаклдаки ўзаклар, 10 донаси тош бўлакчалардан ташкил топган. Жумладан, ушбу тош буюмларнинг 339 донаси тугалланган қуроллар сирасига киради. Улардан ўткир учли тошлар пичоққа монанд бўлиб, овланган ҳайвонларни терилашда, дарахтлари қайта ишлашда фойдаланган бўлишлари мумкин. Бу неандерталь одамлар, асосан, тоғ такаси, кийик, айик, сиртлон ва бошқа майда ҳайвонларни овлаган, булар мустъе даврига тўғри келади. Бундан ташқари бола склети атрофида тоғ такаларининг шохларнинг қўйиб чиқилиши, афтидан, маҳсус дафн маросими бўлганини хотирга туширади. Кўплаб тоғ ғорларида қадимий одам қуналғалари аниқлангани ҳолда, муҳими Туркон (Шеробод)дарё соҳилларидаги Бойсунтоғнинг Тешиктош ғорларидан топилган бола бош суякларига монанд бошқа суяклар ҳали ҳануз бутун бошли Марказий Осиёда топилганича йўқ.

Қадимшунос олимларнинг фикри ва хулосасига кўра, Тешиктош ғоридаги ҳаёт мезолит даврида ҳам давом этган. Маданий қатламнинг қалинлиги 40 метрча бўлиб, ундан тоғ эчкиси, айиқ, тошбақа суяклари ҳамда кремний, чакмоктош, оҳактош, қумтош, яшма, кварцит ва бошқа вулканий тош жинсларидан ишланган турли хил тош қуроллари топилди. Тошдан ясалган қурооллар ичида пайконлар, қирғичлар, тош пичоқлар ва тош чопқилар бор эди. Бу топилмалар туфайли ушбу ҳудуд аҳолисининг қадимги ҳаёти ва ҳўжалик соҳасидаги турмуш даражасини аниқлаш мумкин. Умуман, Сурхон воҳасидан қадимги одамлар яшаган 15 та юқори палеолит манзилгоҳлари топилган. Тешиктош ёдгорлиги Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудидан топилган ўрта палеолит (мустье) даврига оид ёдгорликдир.

Маданий қатламларда ўткир учли пайконлар, тош пичоқлар, қирғич, чопқи каби қурооллар ҳам учраган. Бу тош қурооллардан ғорда яшаган аҳоли кўлга киритган ҳайвон терисини тозалашда ва унинг гўштини нимталашда қирғич, пичоқ сифатида фойдаланганлар. Бу гулханлар атрофида кўплаб тоғ эчкиси, буғу, сиртлон, айиқ, қуён ва ҳар хил қушларнинг суяк қолдиқлари топилган.

Бойсун ҳудудида жойлашган қадимги тош даври ёдгорликлари жуда кўп, шундай ёдгорликлардан яна бири Амир Темур ғори ҳисобланади. Бу ғор Тешиктош ғорига анча яқин жойлашган бўлиб, асосан ўрта тош яъни мезолит даврига оиддир. Амир Темур ғорида яшаган ибтидоий одамлар овчилик ва термачилик билан шуғулланганлар. Амир Темур ғоридан топилган тош қурооллар Тешиктош ғоридан топилган тош қуроолларга анча ўхшашдир. Амир Темур ғорида яшаган ибтидоий одамлар овчилик ва термачилик машғулотини билан шуғулланганлар. Ғорда олиб борилган археологик қазув ишлари натижасида бу ердан жуда кўплаб ҳайвон суяқларининг топилиши юқоридаги фикрларнинг исботидир. Ўрта тош даврига келиб, иқлимнинг исиши натижасида ибтидоий одамлар фақатгина ғорларда яшаб қолмасдан, балки пасттексиклар ва водийларга кўчиб чиқиб, макон кура бошлаганлар. Бу даврда улар овқат илинжида ов ўлжалари изидан юриб, уларни таъқиб этиб, асосан дайди ҳаёт кечирганлар. Амир Темур ғори қатламларидан эни 11,5 метр келадиган гулхан, ёғоч, кўмир қолдиғи топилган. Бу жой паст ва захлиги туфайли неандерталь овчиларининг вақтинчалик қўналгоҳи бўлган бўлса керак.

Ғорда олиб борилган археологик қазув ишлари натижасида бу ердан жуда кўплаб ҳайвон суяқларининг топилиши юқоридаги фикрларнинг исботидир. Ғорда уч маданий қатлам мавжудлиги ўрганилган бўлиб, биринчи – иккинчи қатламлар сўнги тош асрига, энг қуйи яъни учинчи Қатлам Ўрта тош (мустье) даврига оидлиги аниқланган. Мезолит даврига келиб одам ташқи муҳитга тобора мослаша борди, унинг яшаш ореали кенгайди. Одамлар бу даврда фақат ғорларда емас, балки тексикларда ҳам маскан кўра бошладилар. Ижтимоий муносабатларда ҳам кескин ўзгаришлар юз берди. Ўша давр одамлари фанда «HOMO SAPIENS» идирокли одам деб номланди. Ҳозирги замон одамларининг уч ирқи европеоид, негроид (хабаш) ва мангалоид қиёфалари ҳам ўша вақтга вужудга келган.

Милоддан аввал 40-35 минг йил аввал тош даврининг сўнги босқичи

юқори палеолит бошланган. У милоддан аввал 12-10 минг йилларгача давом этган. Бу даврда ҳозирги замон одамлари (кроманьон) шаклланди. Одам тўдалари қон-қариндош бўлиб яшай бошлади. Она томонидан уруғдошлик мустаҳкамланиб, матриархат пайдо бўлди. Мехнат тақсимотида эркаклар овчилик билан, аёллар уй хўжалиги билан шуғулландилар. Амир Темур ғори қатламларидан эни 1-1,5 метр келадиган гулхан, ёғоч, кўмир қолдиғи топилган. Бу жой паст ва захлиги туфайли неандерталь овчиларнинг вақтинчалик кўналгоҳи бўлган бўлса керак. Тоғлик қарияларни ривоят қилишларича, бу ғорни Амир Темур номи билан аталишига сабаб, Амир Темур 1360-1365 йиллар оралиғида навкарлари билан келиб яшаган ва ҳарбий машқлар ўтказиб, таёргарлик ўтказилганлигини айтишади.

1951- йилда Тарихшунос С.К.Кабанов Бойсунтоғ Тизмасида жойлашган «Амир Темир» ғорида кузатув ишларини олиб борди. Лекин ғорда археологик қазув ишлари олиб борилмайди, даврлаштриш ҳам назардан четда қолмади. Фақат ғорнинг ичкари қисмидан IХ-Х асрларга оид сопол парчалари топилди. Уларга асосланиб С.К.Кабанов бу ғорни арабларга қарши олиб борилган Муқанна бошчилигидаги кўзғалончиларнинг қароргоҳлари бўлганлигини тахмин қилди.

Мачай ғори – Юқори Мачай ва Қуйи Мачай қишлоқлари оралиғида жойлашган. Бойсунтоғ этақларидаги Мачай сойининг (Туркондарё) юқорисида жойлашиб, Мачай ғори мезолит, яъни ўрта тош даврининг йирик ёдгорлиги. Мачай ғорида овчилар ва балиқчилар жамоаси яшаган, ушбу ёдгорлик 1938-1941 йилларда Г.В. Парфёнов томонидан очиб ўрганилди. 1937 йилда археолог А.П.Окладников мустъе даврига оид иккита қатламни очиб илмий изланишлар олиб борди. Археолог Ў. Исломов 1970-1971 йилларда Мачай ғорини ўрганиб, ундан топилган тош ва суякдан ясалган қуроллар мезолит даврига оид эканлигини исбот қилди. Милоддан аввалги VII-VI минг йилликларига оид, археологик қазув ишлари натижасида бу ердан жуда кўплаб турли шаклларда тошдан ясалган ов қуроллари, тош пичоқлар, шунингдек, суякдан ясалган бигиз, игна ва кўплаб миқдорда ҳайвон суяклари ҳамда инсон суяклари топиб ўрганилди. Антрополог олим Т. Хўжаевнинг фикрига кўра, Мачай ғорида яшаган одамлар антропологик жиҳатдан европоид ирқига мансубдир.

Мачай ғорида яшаган ибтидоий одамлар, асосан, ўзлаштирувчи хўжаликнинг овчилик ва термачилик машғулотлари билан шуғулланганлар. Қолаверса, шу даврда ёввойи ҳайвонларни хонакилаштириш жараёни ҳам айнан мустъе даврида содир бўлиб, Мачай ғоридан топилган суяк қолдиқлари ҳам бу фикрни тўлиқ исботлайди. қизиғи, бу ёдгорлик ўша давр кишиларининг суяк қолдиқлари асосида инсониятнинг антропологик қиёфасини ва ҳайвонот дунёсини ўрганишда бебаҳо манба ҳисобланади. ғордан кўплаб тоғ эчкиси, катта ва кичик шохли ҳайвон суяклари топилиб ўрганилди ва натижада мил. авв. VIII-VII мингинчи йилларда Мачай ғорида яшаган одамлар ҳайвонларни хонакилаштиришга ўтганлигидан далолат беради. Тағин эса ўша одамлар, яъни сизу бизнинг қадимий аجدодларимиз табиатдаги мавжуд тайёр нарсаларни ўзлаштирибгина қолмасдан, балки ишлаб чиқариш иқтисодига кўникма ҳам ҳосил қила бошлаганлар. Мачай ғори дарё сатҳидан

70 метр баландликда табиий тепаликда жойлашган. Кириш қисми жанубга қараган. Бу ғорнинг кенлиги 20 метр, чуқурлиги 11 метр, баландлиги 3-2,5 метр атрофида. Археологик қазув ишлари натижасида бу ерда жуда кўплаб тошдан ясалган ов қуроллари, тош пичоқлар, шунингдек суякдан ясалган бигиз игина ва кўплаб миқдорда ҳайвон суяклари ҳамда инсон суяклари топиб ўрганилди. Мачай ғорида яшаган ибтидоий одамлар асосан ўзлаштирувчи хўжаликнинг овчилик ва термачилик машғулотлари билан шуғуланганлар. Қолаверса шу даврда ёввойий ҳайвонларни хонакилаштириш жараёни айнан мустье даврда содир бўлиб, Мачай ғоридан топилган ҳайвон суяги қолдиқлари ҳам тўлиқ исботлайди. Бу жараён милоддан аввалги 7-6 мингинчи йилларда Мачай ғорида рўй берганлиги исботланди.

Мачай ёдгорлик ўша давр кишиларини суяк қолдиқлари асосида инсониятнинг антропологик қиёфасини ва ҳайвонот дунёсини ўрганишда бебаҳо манба ҳисобланади. Энг муҳими шундаки, ушбу ғорда ибтидоий аجدодларимиз кўли билан ясаган ва уларнинг ўзлари эҳтиёжларига яраша ишлатган, тош қуроллар Фан оламига киритилди. Бу тош қуроллар Марказий Осиёнинг бошқа Мезолит даври манзилгоҳларидан топилган тош қуролларидан ясалган усули ва шакллари жиҳатидан фарқ қилади ва фанда Мачай Маданияти номини олди. Мачай ғорининг тепалигидаги устки қисмидан Кушон подшолиги (милоддан аввал 140-138 йиллар, милодий 78-128 йиллар, милодий I аср охири - II аср ларда) даврида ҳамда Ўрта асрларда ғордан фойдаланганлари ҳақида фанда исбот қилинган.

Энг муҳим томони шундаки, ушбу ғордан ибтидоий аجدодларимиз кули билан ясалган ва уларнинг ўзлари эҳтиёжларига яраша ишлатган тош қуроллар фан оламига олиб киритилди. Бу тош қуроллари Марказий Осиёнинг бошқа мезолит даври мазилгоҳларидан топилган тош қуролларидан ясалган усули ва шакллари жиҳатидан фарқ қилади. Тадқиқ этилган юқоридаги тош қуроллари мезолит даврининг ўзига хос маданиятини ташкил этади ва бу эса фанда *Мачай маданияти* номини олди.

Сурхондарё вилоятида энг қадимги палеолит даврига хос маданият манбаларидан бири

Етимкалос ғори бўлиб, ушбу қадимий манба Бойсун туманининг Бойсун тизмасидаги Етимкалос тоғининг шимолий-ғарбий ён бағрида, туман марказидан 25 мт жанубий шарқда, 880 метр баландликда жойлашган. Юра даврига мансуб гипс қатламларида ҳосил бўлган. Ғор оғзи жанубга қараган эни 3,5 метр, баландлиги 1,7 метр Ички тузилиши мураккаб : бир қанча хоналар ва ҳар томонга йўналган. Турли катталиқдаги йўлаклардан иборат. Йўлакларнинг деярли ҳаммаси охирида торайиб тугаган. Уларнинг эни 1-3 метрдан 7-9 метргача, баландлиги 1-2 метрдан 5 метргача. Саҳнида ғор девори ва қулаб тушган тош парчалари мавжуд. Ғорнинг умумий узунлиги 182 метр, 2 майдони 360 м², ҳажми 700 метрдан зиёд.

Илмий тадқиқотларда ўрганилган, қадимшунос олимлар томонидан илмий таҳлил этилган Девкамар Ғори –Бойсун районидаги Саримос тоғининг жанубий ён бағрида 1315 метр баландликда жойлашиб, тоғ этагидан нисбий 160 метр баландликда жойлашган. Археологик манба юра даврига мансуб охактошларда ҳосил бўлган, кириш қисми равоқ шаклида ,эни 20 метр,

баландлиги 13 метргача. Ғор бир неча бўлак ва хоналардан иборат бўлиб, уларнинг эни 5-10 метр. баландлиги 2-3 метр. Саҳни деярли текис бўлиб, Гуано қатлами билан қопланган. Ғор оғзи қисмидаги охактош ёриқларида ва ғор туридаги шипида сизиб чиққан мумиё изларини кўриш мумкин. Ичкарида узунлиги 6 метргача, эни 1,5 метргача ва баландлиги 0,7 метргача бўлган ҳар томонга йўналган йўлакчалар мавжуд. Ғорнинг умумий узунлиги 46 метр, майдони 423 м², ҳажми 2682 м³ ни ташкил этади.

Бойсуннинг қадимги тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлган Ажинакамар Ғори –Бойсун туманиданги Ҳисор тизмасининг жанубий-ғарбий тармоғида жойлашиб, тоғнинг ғарбий ён бағрида, 1241 метр баландликда. Ғор юқори юра даври охактошларида ҳосил бўлиб, кириш қисми равоқ шаклида, эни 3,5 метр, баландлиги 4 метр. Ғор оғзида юқоридан ажралиб, унинг асосий қисми қулаб тушган баландлиги 1,5 метрли ҳарсанг мавжуд. Кириш қисмидан ичкарига томон ғор кенгайиб, узунлиги 19 метр, баландлиги 16 метр бўлган бўшлиқдан иборат. Шипи гумбаз шаклида бўлиб, саҳнида диаметри 2-3 метрли тош бўлаклари бор. Биринчи хонанинг охирида ғор торайиб, шу жойдан иккинчи хонага ўтилиб, узунлиги 20 метр, эни 3-10 метр, баландлиги 7 метрни ташкил этади. Бу хона атрофи мармар ониксидан ташкил топган ҳосилалар (Сталактит ва сталагмит) дан иборат сув томчилари кузатилиб, ғор ҳавосининг ҳарорати 16 градус, кириш қисмида 28 градус, ғорнинг умумий узунлиги 48 метр, майдони 339 м², ҳажми 1585 м³ ташкил этади.

Сурхондарё ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида қадимшунос олимлар томонидан илмий таҳлил этилган Мингчукур ғори – Бойсун районидаги Бойсун тизмаси таркибидаги Хўжабўзбарак тоғининг шимолий –ғарбий ён бағридаги Мачай дарёси водийсида жойлашган. Юра даври гипс қатламларида ҳосил бўлган ғорни кириш қисмининг эни 27 метрдан зиёд, баландлиги 12 метрни ташкил этиб, ғор бир қанча хоналар ва йўлаклардан ташкил топиб, ғорнинг ички тўзилиши мураккаб. Саҳнасининг шипи ва деворларидан қулаб тушган турли катталиқдаги тош парчалари илмий таахлил этилиб, унинг ичида инсон томонидан қайта ишланган меҳнат куроллари ҳам мавжуд бўлиб, йўлакчаларнинг эни 6-8 метрдан 10-18 метргача, баландлиги 1-2 метрдан 10-12 метргача. Ғорнинг умумий узунлиги 230 метр, майдони 680 метр, ҳажми -1350 метрдан зиёдни ташкил этади.

Милоддан аввалги IV-III асрлардан бошлаб, Бойсун ҳудудидаги қалъа ва қишлоқларга асос солиниб, Бойсун Буюк ипак йўлидаги ташқи савдосида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Чунки, савдо қарвонлари Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Кеш, Нахшаб, Сўғд ва Шош ўлкаларини Бақтрия-Тоҳаристон ва Шимолий Ҳиндистон ерлари билан боғлаган. Натижада Буюк ипак йўли турли ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эга бўлган мамлакатларни бир-бирлари билан боғлаб маданий тараққиётни юксалишига асос солган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки Бойсун аҳолиси ривожланган маданиятга эга бўлиб, кўплаб тарихий манбаларда ушбу ҳудуд аҳолиси ва жой номлари ҳақида маълумотлар қайд этилган. Масалан, Дарбанд (форсийда Дари-Оҳанин, арабчадан Баб-ал-ҳадид), Работ(қарвонсарой ёки мусофирхона), Туркондарё ва бошқалар шулар жумласидандир.

БОЙСУН ГРЕК-ЮНОН ВА КУШОНЛАР ДАВРИДА

*Албатта, ҳар бир миллат ўз
аждодларини эслаш, уларнинг
хурматини жойига қўйишга
интилади.*

И.А.Каримов

Бойсун ҳудуди Шимолий Бақтрия ҳудудида жойлашиб, Паретака номи билан тарихий манбаларда қайд этилган. Маълумки, Курций Руфнинг «Искандар тарихи» ва Аррианнинг (95 175) «Искандар юришлари» асарларидаги хабарларида Шимолий Бақтрия ва Сўғдиёнада жойлашган вилоятлар, қалъалар ва шаҳарлар хусусида қимматли маълумотлар мавжуд. Унинг маълумотларига кўра, Искандар юришларининг учинчи ойида кўшин билан қишлоқ қароргоҳидан чиққан ва Габаза вилояти сари юриш қилган.

Искандарнинг Марказий Осиё жанубий вилоятларига юришининг иккинчи босқичи мил. авв. 327 йилнинг баҳорида бошланган бўлиб, асосан «паретақлар мамлақати» орқали ўтганлиги айтилади. Ушбу вилоятнинг жойлашган ўрни хусусида олимлар турлича фикр билдирадilar. Масалан, В.Томашекиннинг фикрига кўра, Паретака вилояти Бадахшон ҳудудида жойлашган ва у тоғли мамлакат бўлган. В.В.Григорьевнинг тахминича, Паретака атамаси «тоғли мамлакат» маъносини англатиб, у Сурхондарё, Сурхон ва Кофирниҳон воҳаларида, яъни Ҳисор ўлкасининг ўрта ва шимолий қисмида жойлашган. И.Маркварт Паретақани «дарё ювиб турувчи вилоят» деб атайди ва унинг ҳозирги Сурхондарё вилояти ва Тожикистон ҳудудида жойлашганини маълум қилади.

Бақтр давлати кенг бепоён ўлка бўлиб, жанубда Ҳиндикуш (Парапамис), шимолда Сўғдиёна, ғарбда Марғиёнагача (Мурғоб воҳаси) бўлган ҳудудлардан иборат бўлган. Машҳур тарихий манба «Авесто»да бу ўлканинг беқиёс юрт эканлиги таърифланади ва Бахди (Бақтрия) байроқдари доимо баланд ҳилпираб турадиган, яъни шоншавкат ўлкаси сифатида тилга олинади. Бақтриянинг таркибий қисми бўлмиш ҳозирги Сурхон воҳаси ҳудуди Оксининг Ўнг соҳилида жойлашган ниҳоятда раванқ топган йирик шаҳарларга эга бўлиб, улар савдосотиқ ривожланган иқтисодийсиёсий ва маданий марказлар сифатида машҳур эди. Бақтрияни йирик сулолалар бошқаради, унинг сиёсий кучи чексиз, ҳарбий қудрати шу даражада даҳшатли эдики, хатто у йирик давлатларни ҳам кўрқувга солиб турган.

Искандар истилоси. Эрон ахамонийларига қаршли кўпгина ҳудудларни эгаллаган Искандар мил. авв. 329 йилда ўзининг азалий душмани Доро III ни ўлдиртирган Бақтрия сатрапи Бессдан «қасос» олиш баҳонасида Аракс (Амударё)дан кечиб ўтиб, ҳозирги Сурхондарё ҳудудларига бостириб киради. Искандар истилоси арафасида Бақтрия сатраплиги сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан анча ривожланган ўлкалардан бири ҳисобланарди. Курций Руфнинг таъкидига асосланиб Бақтриядан Окс дарёси кечувигача бўлган масофани 400 стадий (75 километр) деб ҳисобласак, Искандар аскарлари Термиз ва Келиф шаҳарлари оралиғидаги кечувдан ўтганлиги маълум бўлади. Ушбу кечув жойи Термиздан ғарбда жойлашган Шўроб ва Чўчкагузар кечуви

бўлган. Искандар Оксдан кечиб ўтади. Бу кечув жойи, Э.В. Ртвеладзе ва А. Сагдуллаевлар фикрича, Шўроб кўрғони (Туркондарё, яъни Шерободдарёнинг давоми Қорасувнинг Амударёга қуйилиш жойи) орқали содир бўлган. Бойсун худудида грек-македон истилоси тўғрисида мавжуд тарихий манбалар куйидаги фикрларни қайд этади. Юнон ва Рим манбаларида қайд этилишича, Спитаменнинг кескин ҳаракатлари Бактриядаги Катен ва Австан раҳбарлигидаги кўзғолончилар томонидан қувватлаб турилди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича Бойсун районидаги жойлашган Ксенеппа аҳолиси кўзғолон кўтариб, Юнон-македон ва Искандар томонига ўтган Бактрия кўшилмаларига зарба берди. Искандар Паретакадаги кўзғолонни бостириш учун Кратер исмли саркардаси бошлиқ қушинни қоддириб, ўзи Амударёдан ўтиб, Зариаспага (Балхнинг иккинчи бир номи) йўл олади. Паретакада кўтарилган кўзғолонга Катан ва Австан исмли жангчилар бошчилик қилишган. Икки ўртада кечган шафқатсиз жанг жараёнида Катан ва бир ярим минг бактриялик кўзғолончилар ҳалок бўлади, Австан эса асирга олинади. Юнонларнинг Паретакадаги айнан мана шу жангги Бактрия тупроғидаги охирги жанглардан бири эди. Тарихий манбаларда акс этган Бозортепа худудида катта сув манбаи бўлиб, македониялик Искандар ҳарбий ҳаракатларни мустаҳкамлаш ва қўшимча кучга эга бўлиш учун ушбу худудда куч тўплаган.

Милоддан аввалги 327 йилда македониялик Искандар бошлиқ қўшинлар қамал қилган Сўғд ва бактрияликларнинг "Сисимифра" ва "Хориен" деб номланган қалъаларидан бири Дарбанд яқинидаги "Темир дарвоза" атрофида жойлашган деб тахмин қилинади. Александр Сисимифр бошлиқ (Дарбандда) Хориен қалъасини қўлга киритишда Оксиарт, Хориен, Датафари каби лашкарбошлар кўмак бердилар.

Хориен қалъасининг баландлиги 20 стадий (3500-3700 м.кв) айланаси эса 60 стадий бўлиб, ҳамма томони нишаблиқдан иборат бўлган. Қояга ёлғизоёқ йўл олиб борган ва қоя атрофини чуқур жарлик камраб олган. Тарихчиларнинг фикрича, Хориен қалъаси "Темир дарвоза" дарада жойлашган бўлиб, "Темир дарвоза" Бактрия билан Сўғдиёна ўртасида чегара вазифасини ўтаган.

Тарихчи Аррианнинг "Искандар юришларининг тарихи" (IV,18-19) асарида Искандар юришлари куйидагича изоҳланади. Қиш қаҳри ҳали кучли бўлганидан Искандар қўшинга Навтакда дам олишга рухсат берди. Кўклам келиши билан суғдлар кўп одам тўплади, деган хабарни эшитгани учун «Суғд қояси» деб аталувчи қояга (petra) етиб келди. Бу қояга Бактриялик Оксиарт-да, хотини ва қизларини яшириб, ўзича бу жойни олиб бўлмас деб ўйлаб, кейин Искандардан юз ўгириб ажралганди. Агар бу қоя олинса, Суғдда бундан кейин ҳам исён кўтаргудек бўлсалар қочадиган жойлари бошқа қолмайди, деган қарорга келишди. Искандар қояга яқинлашганда кўрдикки, гир атроф тиклигидан тўғридан-тўғри хужумнинг фойдаси йўқ. Искандар узоқ камалга ҳозирланиб озик-овқатини ғамлаган. Қалин қор македонларнинг ишини жуда қийинлаштирар, душманнинг эса ичадиган сувини сероб қиларди. Шунга қарамай Искандар қояни олмоққа қарор қилди. Таслим бўлиш ҳақидаги таклифга маҳаллий лашкарлар мазах билан жавоб бердилар. «Искандар аввал бу ёққа чиқоладиган қанотли жангчилар топсин, оддий бандалардан биз кўрқмаймиз!».

Олдинги машқларда катнашиб қояга чиқиш хунарини эгаллаганлардан

300 га яқин киши топилди. Улар ўзларига лозим бўлган махларни тайёрладилар. Махларга зиғирпоя толасининг пишиқ арқонларини боғлаб, қоянинг деворлари роса тик бўлган ва шу сабабдан энг кам кўриқланадиган ерига келдилар. Сўнгра михларни қордан ҳоли бўлган ёки қор қаттиқ музлаган жойларга қоқиб, бир –бирларига Зина бўлиб, ёрдам бериб, бири у ердан, бири бу ердан кўтарила бошладилар. Тонг отганда қояга кўтарилиб тоғнинг чўққисини эгалладилар. Сўнг Искандарнинг буйруғига биноан македон қароргоҳига қараб, зиғирпоя толасидан тўкилган рўмолларни силкита бошладилар. Искандар суғдларнинг энг олдингида турган соқчиларига жарчи юбориб, вақтни чўзмасдан таслим бўлишни, чунки қанотли одам топилиб, тоғ чўққисини қўлга киритганини айтишни ва чўққи томон ишора қилишни буюрди. Маҳаллий лашкарлар чўққини кўрдилар ва кўрқиб кетиб таслим бўлдилар. Асирга олинган жуда кўп аёллар ва болалар ичида Оксартнинг хотини, фарзандлари, жумладан Роксана исмли қизи ҳам бор эди. Искандар унга ишқи тушиб, эхтироси жуда кучли бўлса-да, асираси ҳисобланган қизнинг номусига тегмай, уни уйланишга лойиқ деб топди. Бойсун гўзалининг мафтункорлиги натижасида Македониялик Искандар давлатини меросхўрлари Роксана авлодлари бўлиб қолганлиги тахмин қилинади. Чунки Александр ўз истилоси даврида Юнон-Бақтрия подшолиги ҳукмронлигининг сўнги босқичида Дарбанд мудрофаа истехкомини қўлга олгандан кейин ўз ҳукмронлигини таъминлашга эришган. Дарбанд мудрофаа истехкоми миллоддан аввалги II асрнинг тўртинчи чорагида қурилган бўлиб, унинг қолдиқлари Оққўтол довонида сақланиб қолганлигини 1989-1990 йилларда археолог Ш.Раҳмонов тадқиқотлар натижасида аниқлади. Чунки, археологик тадқиқотлар даврида мудрофаа девори қатламларида Юнон-Бақтрия подшолиги даврига оид сопол идишлар топилди.

Жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлган Кушонлар даврида Бойсун худуди ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, савдо тараққий этиб, мустаҳкам янгидан-янги қарвонсарой, қалъа ва қишлоқлар қурилиб, обод ўлкага айланди. Айниқса, Кушон давлатига асос солган халқлардан катта бир гуруҳининг шимолий юртлардан Бақтрия ўлкасига кириб келиши Бойсунтоғдаги "Темир дарвоза" орқали содир бўлган. Ёвчи (тохар)лардан бири Бойсун атрофида истиқомат қилганлигидан Ҳангарак (Бойсун) сойнинг ўнг қирғоғидаги Оқжар қишлоғи яқинида ўрганилган қадимги мазор гувоҳлик беради.

Миллоддан аввалги I аср ва милодий I асрлар оралиғида ҳозирги Бойсун шаҳри ўрнида Поикалон (Пойи калон) номли мустаҳкам қалъа шаҳар бўлган.

Кушанери-Аслида кўшан деб, (Миллоддан аввалги) 128 йилда Бақтрияга ҳукмронлигини ўрнатган юэчжейлар, туркий қабила бўлмиш қангуйлар айтилади. Хоренлик Мусса эса, «Кўшан ери» деб анча бурунги даврлар хусусида ҳам ишлатади. Унинг Бақтриядаги Арсакийлар ҳукмронлиги ҳақидаги билимлари анча юзакидир. Бу даврда Бойсунтоғ жанубий ён бағирларида бутун воҳада бўлгани-сингари савдо-сотик ишларида кушон ҳукмдорлари номидан зарб этилган танга пуллар муомалада бўлган. Туманқўрғонда қазиб очилган иморатларда Кушон салтанатининг энг ёрқин вакили Канишка I номидан зарб этилган танга пулларнинг учраши бундан гувоҳлик беради. Салавкийлар ва Юнон-Бақтрия давлати ҳукмронлиги даврига оид сопол идишлар Дарбанд мудрофаа истехкоми ва Туманқўрғонни ўрганиш давомида топилган конус шаклидаги

ликопчалар, цилиндирсимон қадахларда юнон кулолчилигига хос анъаналар қисман давом этиб келган.

Милоддан аввалги I ва Кушон подшолиги даври сопол идишлари жуда сифатли ишланиб хилма-хил кўринишга эга. Айниқса, Туманкўрғон юқори қатламида топилган нақшли хум идишлар Шимолий Бактриянинг бу давр кулолчилигида ноёб нусхалар ҳисобланади. Бир хум идиш ташқи томонига муҳр ёрдамида кийикнинг камон ўқи тешиб ўтган тасвири туширилган бўлса, иккинчи хум бўғзида кийикнинг сакрашга шай бўлиб турган икки қатор босма тасвири ўз аксини топган. Кушон давлати ривожланган даврда Бойсун худуди карвон йўллар чорраҳаси бўлиб, Кушонлар империясини божхона тизимини вужудга келишида ва мустаҳкамланишида "Темир дарвоза"нинг аҳамияти ниҳоятга катта бўлиб, сўнгги ўрта асрларга оид ёзма манбаларда "Темир дарвоза" Бўзқалхона деб аталган.

Кўпгина тарихчилар шу пайтгача Бойсуннинг шаклланиши борасида ҳам эллин маданиятининг таъсири мавжуд деб ҳисоблайдилар. Бойсун худуди милоддан аввалги 250 йилда Бактрия сатраплигига бўйсунган. Бойсун Кушонлар давлати таркибида бўлган вақтида нуфузли давлатлари билан савдо-сотик, иқтисодий ва расмий алоқалар учун муҳим стратегик марказ ҳисобланган. Хитой тарихий манбаларида қайд этилган гуйшуанлар милодий I асрда Бактрияда ўз ҳокимиятларини Киоцзюко раҳбарлигида ўрнатиб, унинг асл исми Кудзула Кадфиз эди. Кудзула Кадфиз Хюми, Шуанми, Хэйтун, Гаофу сулолаларидан иборат тўрт ҳокимликни ҳам ўзига бўйсундирди. Бактрияда ҳокимиятни мустаҳкамлашда Бойсун қалъалари мустаҳкам ҳарбий таянч ҳисобланган. Бойсун Кудзула Кадфизнинг ўғли Янгаочжен, яъни Кадфиз II даврда муҳим аҳамиятга эга бўлган ички ва ташқи сиёсатни мустаҳкамлайдиган савдо маркази ҳисобланган.

Бойсун Кушонлар ҳокимиятининг заифлашиши даврида сиёсий келишмовчилик, ўзаро низожанжаллар, ҳокимият учун курашни кучайиши туфайли аста-секин маданий-сиёсий жиҳатдан заифлашиб борган.

Кушонлар даврида Бойсуннинг иқтисодий хўжалиги кенг тараққий этиб, металсозлик, шишасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ривожланиб, олтин, кумуш, кўрғошин, қимматбақо тошлар, қурилиш хом ашёлари қазиб олиш анча такомиллашиб борган. Кадфиз II нинг амалга оширган пул ислоҳоти натижасида 8 грамлик олтин тангалар, кумуш, бронза тангалар Бойсун худудида ҳам савдо муомаласига чиқарилди. Маданий тараққиёт натижасида Бойсуннинг маданий марказларида ёзувлар анча такомиллашиб сўғдча, хоразмча, парфияча, бактрияча ёзувлар мукамаллашиб, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда ижобий натижаларга эришди. Кушонлар даврида Бойсунда саройлар қуриш, архитектура қурилиши ривожланиб, ҳайкалтарошлик, рассомлик, наққошлик санъати энг юқори натижаларга эришди. Кушонлар империясига хос моддий маънавият асослари кенг ривожланиши туфайли расмий, диний, ишлаб чиқариш, турар жой, сунъий суториш, мудофаа, тижоратга тааллуқли қурилиш бинолари билан уйғунлашган ҳолда қурилган.

Кушон подшолиги сиёсий мустақиллигини сақлаш мақсадида шимолий чегара ҳисобланган Дарбанд мудофаа истехкомига алоҳида эътибор бериб, милоднинг 1-11 асрлари оралиғида қайта таъмирлаб, Дарбандни мустаҳкам иншоотга айлантирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Дарбанд қалъаси тош меъморий

услубида ишланиб, уни қўлга олиш ниҳоятда қийин бўлган. Дарбанд истехкоми Сувсизтоғ ва Соримос қоялари оралиғидаги кенг дарани муҳофаза этиб, қарийб 1,5 километрга чўзилган. Бойсун худудига қарашли бўлган Туманқўрғон, Сайробдаги Мунчоктепа иншоотлари асосан қалъа ва қишлоқлар ҳолатида бўлиб, милоддан аввалги II аср охири-милоднинг IV асрлари оралиғида савдо йўллари ёқалаб барпо этилган бўлиб, Кофирун ёдгорликлар гуруҳига киради. Археологик олим Т.Аннаевнинг таъкидлашича Бойсундаги Туманқўрғон, Мунчоктепа каби қалъалар ҳарбий аҳамиятга эга бўлиб, қалъа атрофи икки-уч томондан чуқур жарлик билан чегараланган табиий тепаликлар устида қурилган. Ана шундай қалъалардан бири Бойсун довонидан жануби-шарқий тарафда "Работ" ерларида сақланиб қолган Туманқўрғон ҳисобланади. Кеш ва Нахшабдан Дарбанд орқали Чағониён томон йўл олган қарвонлар ана шу жойда тўхтаб, савдо-сотик қилганлар. Бу жойнинг савдода тутган муҳим ўрнини Работ атамасидан ҳам англаб олиш мумкин. Работ сўзи арабчадан мусофирхона ёки қарвонсарой маъносини англатади.

Олиб борилган археологик тадқиқотларга асосланган Т.Аннаев ушбу давр археологик манбаларига тўхталиб, қуйидаги тарихий маълумотларни тақдим этади. Юнон-Бақтрия ва Кушон подшоликлари даври бойсунликлар моддий маданияти Шимолий Бақтриянинг Термиз ва айниқса, Далварзинтепа шаҳарлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланди. Бу уйғунлик меъморчиликда, бадий, хусусан, мўъжаз санъатда, танга пулларда, металл буюмларда ва кулолчиликда ўз ифодасини топди. Меъморчиликда, жумладан, мудофаа истехкомлари ва иморатлар қурилишида тўғри тўртбурчак шаклидаги хом ғиштлардан кенг фойдаланиш, мудофаа истехкомида йўлак (Дарбанд чегара истехкоми), тўғри тўртбурчак ва ярим айлана шаклидаги буржлар қуриш (Мунчоктепа, Туманқўрғон) илк бор воҳада юзага келиб, кейинчалик бутун Жанубий Ҳисорда жумладан, Бойсунтоғ ва унинг ён бағирларида барпо этилган иншоотлар қурилишида кенг қўлланилган. Дарбанд чегара деворини барпо этишда йўнилган тошларнинг ишлатилиши тоғликлар меъморчилигининг ўзига хослигини намойиш этади.

Бу даврда Бойсунтоғ жанубий ён бағирларида бутун воҳада бўлгани-сингари савдо-сотик ишларида кушон ҳукумдорлари номидан зарб этилган танга пуллар муомалада бўлган. Туманқўрғонда қазиб очилган иморатларда Кушон салтанатининг энг ёрқин вакили Канишка I номидан зарб этилган танга пулларнинг учраши бундан гувоҳлик беради. Салавкийлар ва Юнон-Бақтрия давлати ҳукмронлиги даврига оид сопол идишлар Дарбанд мудофаа истехкоми ва Туманқўрғонни ўрганиш давомида топилган конус шаклидаги ликопчалар, цилиндирсимон қадахларда юнон кулолчилигига хос анъаналар қисман давом этиб келган.

XIX асрда Бойсунда ҳарбий мақсадларда тадқиқот олиб борган рус ҳарбий муҳандислари томонидан тузилган харитада Работ атрофида сўнгги ўрта асрларга оид қарвонсарой ўрни туширилган, ёдгорлик эса Туманқўрғон деб номланган. Оқжарликлар бу қалъани Бойсуннинг марказида сақланиб қолган Қўрғони-боло (Юқори кўрғон)га нисбат этиб, "Пойкўрғон, яъни Қуйи Қўрғон ҳам деб атайди.

Ҳарбий санъатнинг барча турларига монанд услубда бунёд этилган бу қалъа милоддан аввалги I-милоднинг II асрларига қадар ўлка ҳокимининг қароргоҳи бўлиб хизмат қилган. Бойсуннинг илк маркази ҳам Туманқўрғон ва унинг атрофида шаклланган. Милоднинг III асрида Бойсун марказидаги Қўрғони-болонинг жадал

ривожланиши туфайли Туманкўрғон ўз аҳамиятини бутунлай йўқотган ва инқирозга юз тутган. Милоддан аввалги I ва Кушон подшолиги даври сопол идишлари жуда сифатли ишланиб хилма-хил кўринишга эга. Айниқса, Туманкўрғон юқори қатламида топилган нақшли хум идишлар Шимолий Бактриянинг бу давр кулолчилигида ноёб нусхалар ҳисобланади. Бир хум идиш ташқи томонига муҳр ёрдамида кийикнинг камон ўқи тешиб ўтган тасвири туширилган бўлса, иккинчи хум бўғзида кийикнинг сакрашга шай бўлиб турган икки қатор босма тасвири ўз аксини топган.

Бу давр бадий санъат намуналари сирасига Туманкўрғон, Мунчоктепа қалъаларини ўрганиш жараёнида топилган мўъжаз санъат намуналари, яъни терракот ҳайкалчалар киради (терракота-юнонча сўз бўлиб пиширилган лой дегани). Ҳайкалчаларда тахтда ўтирган аёл -маъбуда ёки мусиқа асбобини чалаётган аёл тасвирлари акс этган. Терракот ҳайкалчалар қадимий Далварзинтепа шаҳридан топилган бу турдаги санъат намуналарига айнан ўхшаш.

Бойсун аҳли Кушон давлати ҳукмронлигидан бошлаб жез (бронза) ва темирдан турли-туман тақинчоқ ва қуролларни жуда моҳирлик билан ясаганлар. Ҳалқасимон билан узуклар ва сирғалар, қўнғироқчалар, жез кўзгулар, Бойсунтоғ тошларидан тайёрланган турли рангдаги мунчоқлар шулар жумласига киради. Тақинчоқлар орасида хорижий юртлардан олиб келинган миср пастасидан тайёрланган ҳаворанг мунчоқлар ҳам мавжуд. Бойсунда тоғ ва тоғ олди ҳудудларида лалмикор деҳқончилик хўжалиги раванқ топади. Ерни қайта ишлаш, хусусан, алмашлаб экиш борасида бой тажриба тўпланади, янги-янги суғориш тизимлари бунёд қилинди. Чорвачилик хўжалигини ривожлантириш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилган. Айнан ана шу даврда ҳунармандчилик хўжалиги юксак даражада ривож топиб, ушбу соҳанинг кулолчилиги, металлсозлик, қуролсозлик, тўқимачилик, шишасозлик каби турлари анча юксалган.

Кушонлар даврида маданий ҳаёт ҳам юксакликка бўй чўзган. Подшо Канишка замонидан бошлаб бохтар тили давлат тили деб эълон қилинади. Кушонлар даврида Бойсунда меъморчилик анча юксалиб, турар жой бинолари, ибодатхоналар ва саройлар қуриш анча авж олад, Иморатларни безаш, нақш солиш борасида ҳам ўзига хос тажриба тўпланади. Бу даврда маҳаллий маданият билан ҳинд маданиятининг ўзаро аралашиб жараёни содир бўлади. Айниқса, Канишка замонида Бойсундаги маданият марказларида Будда динининг давлат дини деб эълон қилиниши натижасида буддавийлик эътиқоди билан боғлиқ равишда ҳайкалтарошлик санъати анча юксалади.

Шунингдек, Бойсун ҳудудида II асрда Кушон давлати будда динини Ҳиндистондан Марказий Осиё ва Шарқий Туркистонга тарқатиб, уни давлат дини даражасига кўтарган. III асрда Эронда монийлик дини вужудга келади, лекин у Эронда узок тура олмайди, унинг тарафдорлари Марказий Осиё ва Шарқий Туркистонга қочиб ўтади, кўпроқ савдо йўли устидаги шаҳарларда бу динни тарқатадилар. Баъзи археолог олимлар Марказий Осиёда топилган кўплаб сураткашлик, рассомлик ҳамда ҳайкалтарошлик ёдгорликларидаги сюжетларнинг мураккаблигига қараб, уларни моний дини билан боғлашга ҳаракат қиладилар. Аслида бу ҳол Кушон империяси даври (I-III асрлар) қулдорлик тузумининг Марказий Осиё шароитида энг ривожланган даври

бўлганлиги билан боғлиқдир. Бу даврда, биринчидан, кўчманчи қабилаларнинг суғориладиган ерларда жойлашиши кучайган бўлса, иккинчидан, кулдор зодагонлар жамоалар ерини тортиб олиб, ўзлаштира бошлайдилар. Шу тариқа жамоалар ўз ичидан бузилиб, бутун-бутун қишлоқлар кулдор зодагон деҳқонларга тобе бўлиб қолди.

БОЙСУН БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА

Бу қутлуғ диёрга қадам қўйган ҳар қандай одам ҳам Сурхон воҳасини бепоён кенглиklarини, дашту далаларни кўрганда қалбида қандайдир меҳр, энгиллик ва эркинлик туйғуларини хис этгандек бўлади.

И.А.Каримов

Бойсун қадимдан Бактрия ва Сўғд давлатларини бирлаштирувчи, йўлларни кесишиш жойи бўлган. Бу ердан ахамоний, юнон-македон, кушон ва эфталитлар, қадимги турк ва араблар, сомонийлар, қорахонийлар ва Ғазнавийлар, Хоразмшоҳ ва Чингизхон, Амир Темур ва Бобурийларнинг кўшинлари ўтган. Бойсун ҳудудида биринчи қишлоқ ахамонийлар даврида (эрамиздан аввалги VI аср охири- IV аср охири) пайдо бўлган. Бунга яққол далиллар Мунчоқтепа яқинида ва Султонттепада мавжуд.

Археологик маълумотлар Александр Македонскийнинг юришларига оид антик манбаларда айтиб ўтилган Марғиёна чаманзор давлат айнан Бойсунтоғ этаги бўлган деб тахмин қилишга изм беради. Александр хужум қилган Бактрия қояси айнан Бойсун ҳудудида жойлашганлиги тарихий манбаларда айтиб ўтилган. 2003 йилда Бойсун илмий экспедицияси Александр Македонский даври билан санаси ёзилган думалоқ ёки бутун «Кўрғонзал» қалъаси очилди. Экспедициянинг шов-шувли кашфиёти орасида илгари қайд этилмаган ва ноъмалум бўлган ўзига хос Бойсун сирланган керамикаси XIX аср охири XX аср боши деб сана қўйилган ноёб сўзананинг топилишини чинаккам хайратомуз воқеа деса бўлади. Ўсимлик бўёқларининг улкан қуш қанотлари сингари кенг ёйилиб тасвирланган беагаи Ўзбекистон каштачилигида бундай ўхшашлик йўқлигидан далолат беради.

Буюк ипак йўли даврида савдо қарвонлари "Темир дарвоза", ундан сўнг Оққўтол довонидаги истехкомидан ўтиб, Дарбандга келиб тўхтаган. Савдо қарвонлари Дарбанддан иккига бўлиниб, биринчи йўналиш Сайроб, Шерободдарё ёқалаб Термиз томонига ҳаракат қилган бўлса, иккинчи йўналиши эса Дарбанд орқали Бойсунтоғнинг жанубий ён бағри бўйлаб, Ҳангарак-Кофирун - сой ёқалаб Чағониён юртига кириб борган. Кушон даври билан боғлиқ I-II асрларга оид манбаларда Бойсун қалъалар давлати деган ном билан машҳур бўлиб, бунга мисол Шўробтепа, Узундара, Мачайкўрғон, Мунчоқтепа, Кўрғониболо Мунчоқтепа, Сарибанд ва нихоят катта қалъа «Поёнқўрғон»лари каби тарихий обидалар асос бўлади. Бойсун «Буюк ипак йўли» халқаро муносабатларни мустақамлашда асосий кўрғон бўлиб, дастлаб милоддан аввалги IV аср охирига келиб Македониялик Искандар юришларидан кейин Шарқ ва Ғарб орасидаги савдо йўлларида асосий манзил бўлиб, Ипак йўлининг узунлиги 7

минг километргача етган, ниҳоятда катта худудни қамраб олганди.

Дастлаб карвон йўли Марказий Осиёга биринчи бўлиб Хитойдаги Хан сулоласи даврида (милодий 206-220 йиллар) қудратли Кушон давлати орқали очилиб, у икки йўналишга эга бўлган: Фарбий йўл Месопотамияга, Шарқий йўл Хитойгача чиққан. Бу даврда Кушон подшолиги Рим империяси билан алоқада бўлган ҳамда Шарқ ва Фарб Ўртасидаги кўприк ҳисобланган. Атоқли Хитойлик сайёҳ ва олим Сюань Цзянинг жасурлиги туфайли бу икки йўналиш йўли тарихий жиҳатдан асосланиб, ушбу йўл Бойсундан ҳам ўтган. Бойсун худудида сўнги бронза даври (милоддан аввал II минг йиллик ўрталари - I минг йиллик боши)га оид бир катор ўтроқ дехқончилик ёдгорликлари аниқланди.

Археолог олим С.Ҳакимовнинг таъкидлашича Бойсунтоғ этагида иккита маҳаллий қадимий дехқончилик маданияти воҳалари- Бандихон ва Миршоди ёдгорликлари бўлиб, мустаҳкамланган Бандихон-2 маскани ана шундай марказлардан бири ҳисобланади. Бандихондаги (Бандихон 2) ва Миршодидаги (Қизилбека шаҳри) ёдгорликлари милоддан аввалги I минг йилликнинг дастлабки чорагида Шимолий Бактрия худудида ривожланган муҳофаа тизимига эга бўлган илк шаҳар марказлари сифатида танилган.

Буюк ипак йўлидаги Божхона-Марказий Осиё ўлкаларини боғловчи Суғдиёна ва Бактрия Тоҳаристон савдо йўллари қадим-қадимдан Буюк Ипак йўлининг энг гавжум тармоқларидан ҳисобланган Темирдарвоза орқали ўтадиган марказий йўналиш энг қулай, яқин ва табиийки, доимий йўл ҳисобланган. Бугунги замонавий хариталарга асосан Шаҳрисабздан Оқработ довоғигача бўлган оралиқ тўғри ҳисоблаб чиқилганда 90 километрни ташкил қилади.

Оқсдан ўтган Искандар қўшинлари ҳозирги Сурхон воҳаларини истило қилиб, Юнон тарихчиларининг «Наутакадан чиққан Искандар қўшинлари уч кунлик тоғ йўлларида ўтиб, қор бўронларга учраган дарага етиб келдилар». (Арриан. 1962.3.30.1) деган маълумотларга қараганда йўлнинг бу қисми Қалтаминор довоғи, Дарвозакам дараси орқали ва Ўрадарё бўйлаб Оқработга чиққан. Сўнгра асосий йўл темир дарвоза Дарбанд орқали, Зоғхона довоғи Карна қишлоғи ҳозирги Сайроб қишлоғи, Туркондарё ҳозирги Шерободдарё бўйлаб Шерободга ундан Амударёнинг Шўроб кечуви орқали Балхга борган. Унинг бошқа бир тармоғи Қорасув ва Ангор қишлоқлари, Термиз шаҳри ва унинг Амударё кечуви орқали Балхга борган. Балхга боришини мавсумий тармоқлари ҳам бўлган бу, Темирдарвозадан ўтиб ҳозирги Бўзғалахона, яъни Дарбанд-Шўроб дараси яқинидан ўнг томонга қайрилиб Алами, яъни ҳозирги Аламли ва Гурдарада яйловлари, Туркменистоннинг ҳозирги Хўжаинил қишлоғи орқали Кўхитанг, яъни ҳозирда Хатак, Хомконга боришдаги сой дарёси бўйлаб Келиф гузаридан ўтиб Балхга йўналган.

Ўрта асрларга оид Чуянли ва Мунчоктепа ёдгорликлари қайд қилинган ҳозирги Хомкон қишлоғидан кейин йўл Тангридара орқали яна асосий йўналишга –Шерободдарё бўйига чиққан. Назорат –кузатув иншоатлари, тош деворлар Узундарада бўлгани каби, Тангридарада ҳам кузатилади. Ханузгача бу дара маҳаллий аҳоли ўртасида «тангидево» деб атаб келинади. Даранинг энг тор қисмида жойлашган девор ҳозир ҳам сойнинг чап соҳилидан тик қояларгача яққол кўзга ташланади. Деворнинг айланма йўли орқали дарага кириш жойда

кад кўтарганлиги буж ой стратегик жихатдан муҳим манзил бўлганлигини кўрсатади. Айнан шу дара орқали Хатак ва Лайлагон қишлоқларидан ўтиб, яна асосий йўлга чиқиш мумкин бўлган. Ушбу қишлоқларда ҳамда Танги ва Эгарчи қишлоқларида Кушонлар давридан то Темурийлар давригача бўлган ҳаробалар сақланиб қолган. Сўнгги тош даврларининг қолдиқлари Шеробод дарёсининг ўнг қирғоғида Сарикамиш тизмалари бўйлаб бир чақиримдан ошиқроқ масофада кузатилади. Даранинг чап чеккасида эса қоя устида Тавка қалъаси ҳаробалари жойлашган. Бу қалъа ва тош деворлар дастдаб Кушонлар даврида яхлит меъморий мажмуа тарзида шаклланган бўлса, қалъанинг асосий даври илк ўрта асрларга тўғри келади. Яна бир йўл-Темирдарвозадан ўтгач, яна бир тармоққа ажралиб, Бойсун орқали Чағаниёнга кетган. Шарқий йўналиши ҳам хисор тоғларидан Тошқўрғон довони Оша, тоғ дарёлари бўйлаб Бақтрия Чағаниён ўлкасига чиққан. Қизилсув дарёси дарасида ҳам назорат учун бунёд этилган тош девор қолдиқлари борлиги кузатилади.

Худди шунингдек, Тошқўрғонда йирик қишлоқ ҳаробаси –қўрғон бўлиб, у қадимда мазкур йўл тармоғи назоратига хизмат қилган. Бундай назорат қўрғонлари Сангардак дарёсининг сувайирғичи-Оқсув бўйида, Дахана, Боғча ва Сангардак қишлоқларида ҳам кўзга ташланади. Археологик татқиқотларига қараганда, савдо йўлларининг бу тармоғида милодий 1 асрдан буён мунтазам ҳаракатлар бўлиб турган. Шарқий йўналишининг яна бир тармоғи Лангар ва Ўрадарё бўйлаб ҳозирги Бойсун туманининг Қўрғонча ва Дуоба қишлоқларигача келган бўлса, бошқа шахобчаси Сина қишлоғи орқали Деновгача борган. Савдо ва маданий алоқаларда мавсумий ва маҳаллий аҳамиятга молик йўл тармоқлари орқали ҳам истемол моллари ўлканинг барча худудларига бориши таъминланган. Хисор савдо йўллари кўплаб тош деворлари ва назорат қўрғонлари воситасида муҳофаза қилиб турилган. Бу эса савдо йўлларига бўлган юксак эътибордан яққол далолатдир.

Шеробод даҳнасида дарёнинг чап соҳилидаги қоя устида жойлашган Тавка қалъаси Темирдарвоза (Дарбанд) нинг жанубий қисмида сувсиз тоғ дарасининг устида қурилган. Кухак (Шерхожи) қўрғони ва бу қалъаларда олиб борилган изланишлар Буюк Ипак йўлини ўрганишда ўзига хос кашфиёт бўлади.

Кухак қалъаси-Дарбанд марказидан 3 км ғарб томонда жойлашган бўлиб, қадимий қўрғон ҳисобланади. Чак-чак, Шўроб, Аламли тоғларининг сув оқимлари Дарбанд дарёсига (Туркондарё) келиб қўшилади. Бу дара орқали машҳур жаҳонгирлар ўтган. Бу қўрғон Темир Дарвозадан 200 метр баландликда жойлашган. Давлат чегарасининг шарқий ва ғарбий томонларини назорат қилиш учун ҳарбий қисмининг энг зийрак, хушёр аскарлари шу қўрғонда яшаганлар.

Қўрғон қолдиқларини академик Б.Х.Кармишева, Санкт –Петербург илмий ходими С.И.Иванов, Б.Абдуллаев, академик Э.В.Ртвеладзелар 1986-1992 йиллар давомида текшириб чиқдилар. Қўрғоннинг икки томони баландлиги 6 метр, эни ҳам 5-6 метрдан иборат девор билан ўралган. Бу девор тоғнинг Кўк тоши билан терилган бўлиб, айрим жойларга оқ ганч ишлатилган. Қўрғон ўртасида бир-бири билан туташган 4 та ер ости уйлари қурилган бўлиб, бу уйларда камон қолдиқлари, синиқ пичоқлар, сопол синиқлари топилди. Ер ости

уйларининг узунлиги 20 метр бўлиб эни 5 метрни ташкил этади.

Қўрғондан Темир дарвозага қараб арқон тортилган. Темир дарвозага эса 18 тадан катта-катта кўнғироқлар осилган. Одамларни қайси томонидан келишига қараб арқон тортилган ва бунинг натижасида кўнғироқлар қаттиқ жаранглаган. Ҳозирда қўрғоннинг икки томонидаги чегара деворлари сақланган. Кухак қўрғонидан Чингизхон, Амир Темур каби машҳур жаҳонгирлар ўтган. Археологик топилмалар асосида бу қалъани милоннинг 6-7 асрлари билан боғлаш мумкин. Маълумки ўша даврда Тоҳаристон Ғарбий Турк хоконлиги таркибига кирган. Ўзаро ҳамоҳанг ягона меъморий мажмуани ташкил қилувчи қўрғон ва тош девор, изланишларнинг дастлабки натижаларидаёқ «Божхона» деб талқин қилинган. Тарихий-маданий чегара (Темир Дарвоза) яқинида жойлашганлиги уни «Давлат Божхонаси» деб аташимизга асос бўлади. Ёдгорликни ихчам ва айтиб бир пайтда саловатли кўриниши, хашаматли безатилганлиги, қишги, ёзги қабулхоналари, савдо карвонларидан тушган божларни вақтинча сақлашга мўлжалланган хоналар, карвонлар етиб келгунга қадар уларни кузатиш имконияти бу чиндан ҳам Давлат божхонаси бўлганлигини исботлайди. Маълумки, божхоналар қадим-қадимдан фақат бож олиш масканигина бўлиб қолмай, балки савдо карвонларига хизмат кўрсатиш муассасалари ҳисобланиб, улар яқинида карвонсаройлар фаолият кўрсатган.

Денгизлар оша дунё кезган Буюк Элчи-Ватандошимиз асли келиб чиқиши Бухоролик аждодлари Басанд (Бойсундан)дан бўлган **Умар Камолиддин** фақат ўзигина эмас, балки бир қатор авлодлари юксак мартабали амалдорлар ва ҳар хил соҳаларнинг етук намоёндалари сифатида Хитой мамлакати тарихида катта хизмат кўрсатишган. Бу ривоятни Мулло Ғулом Мирзо Абдуҳоликдан ўқиши оталари Мулло Ҳол Охундан эшитганликлари ҳақида айтиб берган. Хитой давлати номидан биринчи бўлиб Араб мамлакатлари ва Африкага денгиз сафарларини оширган, ҳозиргача жаҳон ва рус адабиётида Буюк Элчи ва денгиз сайёҳатчиси сифатида маълум ва машҳур бўлган Чженгхэ, бизнинг авлодимиз Махмуд эканлигини ҳанузгача билмасалар керак.

Чин давлатда Пекин ҳокими бўлиб иш юритган Умар Камолиддин Сайд Шамсуддин авлоди бўлиб, Хитой манбаларида унинг исми шарифи Ма ,Махэ шаклида кўрсатилади, тарихчи Абдулахад Хўжаевнинг ёзишича «Махмуд исмининг хитойча талаффузидир, ўша замонларда яъни Минг сулоласи(1368-1644)даврида Хитойлар Махмудни-Махэ, Муҳаммадни-Махэма тарзида қисқартириб ёзишган. Махмудни ота-боболари хожи бўлган. Оиладаги олти фарзанднинг тўртаси киз бўлган. Хитойлар Вэн Мин деб аташган акасининг мусулмонча исми эса номаълум. 1831 йилда 12 ёшли Махмуд отаси вафотидан кейин Хитойда Минг сулоласи ўрнатилгандан кейин муғиллар истилосига чек қўйилиб, элчи сифатида Хитой давлатига бориб, ўзаро давлат алоқаларини ўргатишга ўзининг серғайратлиги, фаросати ва баҳодир инсон сифатида Пекин ҳоким Чжу Ли хизматида бўлди. Ўзининг қариндош-уруғлари ва дўстлари билан биргаликда Хитойда савдо-сотик амалий ишлар жараёнига ёрдам бериб, Чжу Лини 1404 йилда ҳокимиятни чиқишига ёрдам берганлигини учун Хитой ҳукумати Махмудга Чжэнг фамилиясини берди. Бу юксак унвон Хитой урф-

одатига кўра Хоқон томонидан фамилия берилиши катта ҳурмат белгиси эди.

Манбаларда таъкидланишича, Хоқон Чэнгэу денгиз йўли билан савдо алоқаларни ривожлантиришига катта эътибор бериб, мазкур ишни Махмудга топширди. Чунки, Махмуд Хоқон Чэнгэу тарафда бўлиб, уруш даврида кемаларни бошқариш ишида кучли билим ва қобилият эгаси эканлигини намойиш эта олган эди. У ҳаммаси бўлиб етти марта денгиз сафарини амалга оширади. Махмуд 1405-1407 йилларда Индонезия ороллариғача етиб борган илк сафарини 63 та кема ва 27 минг киши билан амалга ошириб, унинг ҳарбий кемаларининг узунлиги 14,5 метр, эни 59,5 метр бўлганлиги таъкидланади. Кейинчалик, 1407-1409 йилларда 249 та кема билан Хинд ярим оролининг жанубий қирғоғидаги Нанкин бандаргоҳиғача, 1409-1411 йилларда 48 та кема билан Хиндистон ярим оролининг ғарбий қирғоқларидаги бандаргоҳиғача, 1413-1415 йилларда Форс кўрфазидидаги йирик халқаро савдо маркази Хормос (Хитойча Хулумоси) бандаргоҳиғача, 1416-1419 йилларда Африка қитъасининг шарқий ўлкаларини, 1420-1423 йилларда Африка шимолий қирғоқларида жойлашган бир қатор давлатларни айланиб, зиммасига юклатилган вазифаларни аъло даражада бажариб, Хитойга қайтди. Шунингдек, 1430-1432 йилларда 61 та кема ва 27550 киши билан бўлган бу сафари «Мака сафари» деб номланиб, кемалар Саудия Арабистонига яқинлашганида, Махмуд ҳамроҳларидан етти кишини Маккага ҳаж зиёратига юборган эди.

1433 йилда сафардан Хитойга қайтиб келган 64 ёшли Махмуд каттик касалланиб, Нанкинда вафот этиб, унинг барча дафн маросимлари билан Нанкиндаги Ньюшоушан деб номланган қабристонда дафн этилиб, унинг сафар хотиралари кейинчалик Хитой тарих нафислигида алоҳида ўрганиб, илмий манбаларда ўз аксини топди. Баъзи маълумотларда эса Махмуд сўнгги сафардан қайтиб келаётганида йўлда вафот этган, ҳамроҳлари марҳумнинг сочини унинг оёқ-кийимига солиб, Ньюшоушан тепалигига олиб келиб кўмилганлиги тарихий маълумотларда қайд этилган.

Хитой олимлари Махмуднинг етти мартаба амалга оширган денгиз сайҳатини юксак баҳолаб, минг сулоласини дунёга танитиб, сув йўли билан иқтисодий муносабатлар ўрнатишда амалга оширган хизматларини алоҳида таъкидлайди. Хитой йилномасида элчи Махмуд томонидан амалга оширилган ишлар тарих манбаларида Буюк Ипак Йўли номи билан кенг тарғиб қилинди. 1985 йилда ватандошимиз Махмуднинг биринчи денгиз сафарига 580 йил тўлиши муносабати билан унинг Нанкин шаҳридаги расмий тан олинган қабри қайта таъмирланди.

II. БОБ. ЎРТА АСРЛАРДА БОЙСУН

Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиш мумкин.

И.А.Каримов

Чағаниённинг ўрта асрлардаги тарихи ва географиясини академик В.В.Бартольд мукамал ўрганиб, Чағаниён тарихининг асосий таркибий қисмига Бойсун худуди ҳам кириб, унинг моддий ва маънавий маданиятида алоҳида

аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтган. Шунингдек, Чағаниён ва Бойсун тарихини илмий таҳлил этишда ҳамда холисона фикрларни баён этишда таниқли академиклар Г.А.Пугаченкова, Э.В.Ртвеладзе, У.Исломов ҳамда профессор ва фан номзодларидан Л.И.Албаум, А.С.Саъдулаев, Б.А.Турғунов, М.Х.Исхоков, З.А. Хакимов, Т.Ж.Аннаев, З.А.Аршавская каби олимлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

«Чағаниённинг йирик шаҳарларидан ҳисобланган Басанд аҳолисининг этногенези, эник тарихи, моддий ва маънавий маданияти, хўжалиги, турар-жой биноларини, мустаҳкам қалъалари билан шуҳрат қозонган.

VII-VIII асрлар биринчи ярмида Бойсун худуди Чағониёнга бўйсуниб, савдо-муносабатларида қўлланилган тангалар Чочнинг туркий ҳокими ва Марказий Осиёнинг бошқа вилоятлари ҳукмдорлари тангаларига тақлидан зарб қилинган бу тангаларнинг олд томонида ҳукмдор ва унинг рафиқасининг тасвири, орқа томонида эса юқори ва пастки учлари илгаксимон ромб шаклидаги тамға бўлган. Сосонийлар зарб қилган тангаларга тақлидан яратилган олдинги тангалар билан Чочнинг туркий ҳукмдорлари тангаларига тақлид қилиб зарб этилган мазкур тангаларнинг бир-биридан кескин фарқ қилишига асосланиб, Бойсунда VII асрнинг биринчи ярмида ҳукмдор сулолалар алмашуви содир бўлган ва олдин ҳукм суриб келган эфталлийлар сулоласи ўрнига бу ерда ҳокимиятга туркий сулола келган, дейиш мумкин. Аммо чағонхудотларнинг эски сулоласи ўз мавқеларини сақлаб қолган ҳолда сосонийларга эмас, балки 589 йилда Тохаристонга кириб келган туркларга мослашиб олган деган тахмин бор, чунки турклар бир неча марта Тохаристонга бостириб келганлар. қоон Тун Ёбғу даврида (618-630) Тохаристон узил-кесил туркларга қарам бўлади. Туркий қабилалар Тохаристонга, айниқса унинг шимолий қисмига кўплаб кириб борганлар. Мазкур жараёнлар юз берган вақтда Бойсун худуди Тохаристоннинг шимоли-ғарбий қисмини ташкил этган. Хитой манбаларида (Сюан Цзян, Хой-Чао тафсилотларида, VII-VIII асрлар) Бойсун худуди Термиз ва Чағониён мулкликларига бўйсунган.

VII аср ўрталарида Хуросонни истило қилишни тугаллаган араблар Тохаристон ерларига ҳам ҳарбий ҳаракатларини бошлайдилар. 651 йилда араблар билан бўлган жангда чағониёнликлар ҳам иштирок этадилар. 652 йил бошида Хуросон ноиб Абдуллоҳ ибн Амир Чағониённи, жумладан Бойсунни эгаллашга муваффақ бўлади. Чағониён Тохаристонда нисбатан йирик ва қудратли вилоятлардан саналган ва унинг авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз ҳукмрон сулоласи Тохаристон ҳукмдори бўлади. Чағониён худудига қарашли Бойсунда кўплаб қишлоқлар, йирик шаҳарлар бўлган, улар ўз пулини зарб қилиб чиқарган.

Илк ва ривожланган ўрта асрлар даврида (V –XII асрлар) Бойсун ва уни атрофлари жадал ўзлаштирилган. Туманнинг воҳа қисмидан тортиб Бойсунтоғ ораларидаги ерларда янгидан-янги аҳоли манзиллари пайдо бўлган. Милоннинг II асрида Бойсун марказида юзага келган Қўрғони-боло кенгайиб, йирик иншоот тусини олган. Бу даврда Сайробдаги Ҳисортепа, Гўрдарадаги Дунётепа, Аламидаги Мунчоктепа, Шўробдаги Оқтепалар ўрнидаги қишлоқ ва қалъаларга асос солинди. Бойсун ёқалаб ўтган карвон йўллари бўйлаб мавжуд бир гуруҳ қалъа ва қишлоқлар

ўз аҳамиятини йўқотмасдан йириклашган. Булар Кофуриндаги Мунчоктепа ва Мунчок қишлоғидаги Мунчоктепа ёдгорликларидир.

Араблар истилоси ва ундан кейинги асрларда ҳам Турон-Мовароуннахрни "Жанубий дарвозаси" - "Темир дарвоза" ва унинг билан боғлиқ мудофаа истехкомлари ҳам Ўрта Осиёнинг шимолий ўлкаларини Ҳиндистон ҳудудлари билан боғловчи энг қисқа савдо йўли бўлиб хизмат қилган.

Сўнги йилларда Э. Ртвеладзе, Ш. Раҳмоновлар томонидан амалга оширилган археологик қидирув ишлари туфайли туманнинг Панжоб ва Узундара мавзеларида ҳам Дарбанд мудофаа истехкомлари сингари иншоотлар бунёд этилганлиги аниқланди. "Темир дарвоза"дан 10 километр узокликда жойлашган Узундара истехкоми милоднинг У-УШ асрлари Бойсунтоғга туташ Кўҳитанг тоғларида мавжуд бўлган мавсумий йўлларда Дарбанд давлат божхонасини четлаб ўтган карвонлар гуруҳини назорат қилиш билан бир вақтда Термизшоҳлар ва Чағониён мулкликларини ташқи душманлардан муҳофаза этиб турган.

Илк ўрта асрларда Бойсун тоғ минтақасидан иборат бўлиб, унинг марказий шаҳри Бойсун тоғ этагида жойлашган ва икки томони баланд тоғлар билан ўраб олинган. Бойсун шаҳри сўлим гўша ва у шимоли-шарқий томондан жануби-ғарбга қараб йўналган қуйи тоғ текислигидаги маскандир. VI-XIII аср бошларида Бойсун ўрнида Чағониён шаҳарларидан бири Басанд мавжуд эди. Абу Исҳоқ Истахрийнинг «Китоб масолик ва алмамолик» («Мамлакатлар йўллари тўғрисида китоб»)ида ҳам ушбу маскан атамаси Басанд деб таърифланади. «Ҳудуд алолам»да «Басанд кўп сонли ва жанговар аҳоли яшайдиган мустаҳкам жойдир», деб қайд этилган. Басанд Чағониён марказидан Темир қопуқ орқали Самарқандга борадиган савдо йўли устида бўлиб, археологик манбаларга кўра, Басандда ҳаёт илк Ўрта асрлардан мўғуллар истилосигача давом этган. Мўғуллар босқинидан вайрон бўлган шаҳар кейинроқ қайта тикланади ва Чигатой улуси таркибига мансуб кўчманчи туркий қавмлар унга «Бойсун» деб ном берадилар.

«Бойсун» атамаси таркибида «бой» ва «син» бирикмалари бўлиб, улар манбаларда «улуғ тоғ» ёки «катта тоғ» маъноларни билдириб, қадимий туркий қавмларда турли табиий нарсаларга сиғиниш билан бирга тоққа сиғиниш ҳам мавжуд бўлиб, тоғлар муқаддас саналган. Маҳаллий ривоятларга кўра, бу ерда қадимдан туркий қавмларнинг давлат кишилари яшаган бўлиб, «Бойсун» атамаси бойлар қишлоғи маъносини англатган.

Чағониёнда содир бўлган барча ижтимоий-иқтисодий жараёнлар Араб халифалиги таркибида бўлгани сабабли мусулмон дунёси мамлакатлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечган. 806-810 йилларда аббосийларга қарши кўтарилган Рафи ибн Лайс кўзғолонини бостиришда Бойсун аҳолиси иштирок этишган. IX асрдаги Бойсуннинг сиёсий ҳаёти ҳақида маълумотлар кам сақланган. 821 йилдан бошлаб бу ўлкалар ҳам Тоҳирийлар давлати таркибида бўлган. Буни Абдуллоҳ ибн Тоҳир даврида ёзилган солиқ рўйхатида Босанднинг ҳам учрашидан билиш мумкин.

Йирик олим, қомусий билим эгаси Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий «Тарих ар-расул ва-л-мулук» («Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи»), IX асрнинг иккинчи ярми ва X асрнинг биринчи чорагида яшаган сайёҳ ва географ олим Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форсий ал-

Истахрий (850934) «Масолик улмамолик» («Мамлакатларга олиб борадиган йўллар ҳақида») асарларида кўп мамлакатлар қатори Мовароуннаҳр, хусусан, Бойсуннинг чегаралари, иқлими, маъмурий бўлиниши, аҳолиси ва унинг машғулоти, машҳур кишилари, савдо-сотик масалалари ҳақида маълумот берган. Бозор ичкарасидаги иморатлар хом ғиштдан қурилган, кенг кўчаларга ва майдонга пишиқ ғишт ётқизилган. X аср охирида яшаган Ал-Муқаддасий (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Муқаддасий) ўзининг «Аҳсан ат-тақосим фи маърифат алақолим» («Иқлимларни ўрганиш учун яхши қўлланма») номли асарини ёзиб қолдирган. X асрнинг кўзга кўринган йирик олими Истахрийнинг шогирди сайёҳ географ Ибн Ҳавқал (Абулқосим ибн Ҳавқал ан-Насибий) устозининг илтимосига кўра «Китоб ул-масолик»нинг хатоларини тuzатиб, унга хариталар илова қилади. Ибн Ҳавқал ўзининг «Китоб сурат ал-ард» («Ернинг шакли») номли асарининг Мовароуннаҳр қисмига тарихий воқеаларни киритиб, китобнинг қимматини оширишга эришади.

X аср ёзма манбаларида юртнинг маркази Басанд номида тилга олинган. Ал-Истахрийга кўра, бу манзил Чағониёндан Бухоро ва Самарқанд тараф савдо йўлида жойлашган бўлиб, боғларга бой кўркам қишлоқдир. X асрда номаълум муаллиф томонидан битилган "Худудул-олам" ("Жаҳон мамлакатларининг чегаралари")да Басанд (Бойсун)га кўп сонли жанговор инсонлар истиқомат қилган мустаҳкам манзил (қалъа) деб таъриф берилган.

Дарбанд ва Шўроб қишлоқларида ўрта асрларга оид ёдгорликларнинг мавжудлиги, Дарбанд яқинида карвонсарой ўрнининг қазиб очилиши ал-Яқубий таъкидлаб ўтган шаҳарча ва Чағониён хукмдорларининг қалъаси айни бир иншоот эканлиги, унинг Дарбанд мавзесида жойлашганлигини тасдиқламоқда. Ёзма манбаларда "Темир дарвоза"га яқин мавзелардан яна бири Карна деб юритилган. Сайроб қишлоғидаги Ҳисортепа ва унинг атрофида IX-X асрларга оид сопол идишларнинг учраши Карна манзили, айнан, Сайроб қишлоғига тўғри келади. X— XIII асрлар давомида Бойсуннинг воҳа қисмларида ва тоғ ён бағирларида яна бир қанча янги қишлоқларга, темирчи-хунармандлар устахоналарига асос солинган. Бойсун-Дарбанд автомобиль йўл чорраҳасида жойлашган Бозортепа, Оқжар ёдгорликлари ва Кофуриндаги Ғишттепа X асрда шаклланган.

IX-X асрларга оид ёзма манбаларда Бойсуннинг бир неча жой номлари ҳам тилга олинади. Ана шундай манзиллардан бири Дарбанд ҳисобланган. Ал-Яқубийнинг "Китоб ал-булдан" асарида бу жой Дари -Оҳанин ёки Дарбанди Оҳанин номида келтирилади. Ёзма манбаларга кўра, бу атама "Темир дарвоза"нинг форсийдаги номи билан бир қаторда, шу мавзеда жойлашган шаҳарча номини ҳам англатган. Ал-Яқубий таъкидлашича, бу шаҳарча "Темир дарвоза"га яқин манзилда жойлашган. X асрга оид яна бир тарихий манбада бу ерда Чағониён амирлигига тегишли мустаҳкам қалъа бўлиб, 948 йилда сомоний Нух ибн Наср қўшинининг Чағониён томон юришида вайрон қилинган.

Ушбу маълумотларни Бойсунда зарб этилган ва археолог олимлар томонидан қазиб топилган тангалар орқали англаш мумкин. Мавжуд тангалар шундан далолат берадики, 1025-1027 йилларда Чағониён жумладан, Басанд қорахонийлар давлати таркибида бўлган, 1027-1039 йилларда эса мустақил давлат сифатида фаолият юритган. Аммо 1038-1039 йиллар ва 1042-1043

йилларда Чағониён ва Басанд ўз мустақиллигидан махрум бўлиб, уни қорахоний Бўри Тагин идора қилган.

Чағониён, жумладан Басанд 1056 йидан эътиборан Салжукийлар давлати таркибига кўшиб олинади, 1063 йилга келиб Басандни тўла бўйсундириш учун салжукийлар султони Алп Арслон ҳарбий юриш уюштиришга мажбур бўлади. Басандни 1065 йили Алп Арслон укаси Илёсга икто сифатида инъом этади. Тарихда салжукийларнинг Мовароуннахр ерларига кириб келиши X аср билан боғланади. Ўша кезларда Балхаш кўлининг жанубидан Волгагача бўлган кенг ҳудудда туркий халқларнинг ўғуз қавми яшар эди. Кўплаб қабила ва уруғларга эга бўлган ўғузларнинг бир кичик уруғи орасидан чиққан Салжуқ исмли шахс катта ҳарбий куч бошлиғи даражасига эришади. Салжуқ ўз тарафдорлари билан X асрнинг ўрталарида Сирдарёнинг ўрта оқимларини тарк этиб, дарёнинг қуйи оқими чап қирғоғида жойлашган Жанд вилоятига кириб келади ва шу ерда ўрнашади. Албатта, улар ўша даврнинг ҳукмрон сулоласи бўлмиш сомонийларнинг тарафдори сифатида Мовароуннахрнинг сиёсий ҳаётига фаол аралашиб туради, бу эса табиий ҳол эди. Басандда XI-XII асрларда Салжукийлар салтанатининг ижтимоий-сиёсий марказларидан бирига айланди ва ҳар соҳада тараққиётга эриша бошлади. Бу даврда Басанд ҳудуди кенгайди, бир қатор янги иншоот ҳамда сервиқор бино ва миноралар қад кўтарди. Басандда савдо-сотик ривож топиб, савдо-сотикнинг ривожига қатор омиллар билан изоҳланади, аввало Басанднинг географик жойлашуви, Буюк ипак йўли чорраҳасида эканлиги, иккинчидан, Басандда ҳунармандчиликнинг жадал ўсганлигидандир. Чингизхон бошлиқ мўғуллар босқини арафасида Чўянли ва Мунчоктепа (Хомкон ҳудуди) Хожа Қошқарон, Тўдадаги Оқтепа, Аламидаги Мунчоктепалар темирчи-кончиларнинг йирик қишлоқлари ва устахоналари бўлиб хизмат қилган. Бу қишлоқларда бир неча юзлаб метрларга чўзилган темир ва чўян эритиш печлари ва руда уюмлари Бойсунтоғнинг ўрта асрлар даврида Басанд шахрининг иқтисодий ҳаётида нақадар муҳим ўрин тутганлигидан гувоҳлик беради. Басанднинг ташқи савдосида табиий бойликлар ва улардан тайёрланган ҳунармандчилик буюмлари билан биргаликда зиравор ўсимликлар ҳам муҳим ўрин тутган. Басанд ҳудудида юз берган бу қаби илдам тараққиёт 1220 йилнинг куз ойида Чингизхон бошлиқ мўғул кўшинларининг ҳужуми туфайли тўхтаб қолган, Манбаларда таъкидланишича, Шимоли-Ғарбий Тохаристон (ҳозирги Сурхондарё вилояти, жумладан Бойсун) аҳли кеч кузгача босқинчиларга мардларча қаршилиқ кўрсатганлар. Мунчоктепа, Ҳисорттепа, Бозорттепа, Оқжар қаби ўнлаб манзилларда ҳаёт илдизларининг сўниш XIII асрнинг биринчи чораги охирига тўғри келади.

Амир Темур даврида Бойсун ҳудудида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий ва маданий-сиёсий жараёнлар амалга ошганлигини кўплаб тарихий манбалардан аниқлаш мумкин. Буни қуйидаги тарихий таҳлиллар натижаси изоҳлаб беради. Амир Соҳибқирон ўз дилини Амир Хусайинга қарши муҳолифликка чоғлагач, кўп лашкар тўплаб йўлга тушди. Кахлагадан ўтиб, Бойсун мавзеига етди. Амир Хусайн томонидан Малик ва Абдуллоҳ Байров сиртдан тинчлик ва сулҳ ўрнатмоқчидек, аммо аслида ясовурийлар лашкарини (фитнага) кўзғатиш учун етиб келдилар. Амир Чоку ва Аббос Баходир ҳам шу

мавзеда келиб қўшилдилар. Амирлар Малик ва Абдуллохни қўлга олиш керак деб маслахат бердилар.

Амир Соҳибқирон бунга розилик бермади ва шундай деди: «Бу фикр тўғри эмас, чунки бу кунлар давлатимизнинг бошлангич кунларидир. Агар биз уларни қўлга олсак, бошқа кишилар тисарилиб қоладилар ва биз томонга келишдан иккиланишга тўшадилар. Қайси бир подшоҳ ўз ишини манманлик ва бевафолик асосида кўрса, кишиларга озор бериш ва ҳалок қилишга ошиқса, унинг давлати чайқалиб, қарорсизликка юз тутади. Биз ўз салтанатимизни одамларга эътибор бериш ва уларни ҳимоя қилиш асосига кўраётганлигимиз сабабли уларни юпантириб, хотиржам қиламиз. Ана шундан кейин агар улар бунинг қадрини билмасалар, нонқўрлик мақомига қадам қўйсалар, у ҳолда бизнинг давлатимиз уларни ўз қахру газабига дучор қилади, уларнинг ёмон қилмишлари ўзларига қайтади», деди-да дарҳол отига минди, уларга ижозат бериб қайтариб юборди. Сўнг Қаршига келиб тушди... Бу юртнинг қайтадан иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалиши Темур ва темурийлар даврида содир бўлган. Гарчанд, Бойсун ва унинг атрофида темурийлар даври ёдгорликлари кенг кўламда ўрганилган бўлмаса-да, бу юртнинг темурийлар давлатида тутган ўрни хусусида тарихий манбалар гувоҳлик беради.

1404 йилда "Темир дарвоза" орқали соҳибқирон Амир Темур, саройига йўл олган элчи Руи Гонсалес де Клавихо хотира дафтарида қуйидаги сатрларни учратамиз: "Темир дарвоза" нинг эгаси Темурбек ҳисобланади. Бу дарвоза унга йил мобайнида жуда катта фойда келтиради. Самарқандга ва ундан шимолдаги ерларга кичик Ҳиндистондан келган карвонлар ана шу дарвозадан ўтади".

БОЙСУН ТУМАНИ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРИ

2003-йил Тоҳаристон экспедицияси (раҳбари Е. Ртвеладзе) қошидаги Бойсун илмий экспедицияси археологик отряди Сурхондарё вилояти Бойсун туманида йўналишли тадқиқот олиб борди. Жами туманда 52 та археологик ёдгорлик бўлиб, шундан 30 га яқини биринчи бор аниқланди.

Хўжадахек қишлоғи яшаш жойи. Юқори Мачайдан шимолда 7 км. Бу айвондан X аср охири XI аср бошига тегишли 29 та сопол бўлаклари топилган. Улар орасида иккитаси икки томонлама оқ ангобли пиёла, қора жигарранг нақшли бўлиб, шаффоф глазур билан қопланган. Бундан ташқари, яна иккита глазурланган пиёла, ички томонида оқ анжоб устидан қора, жигарранг ва қизил бўёқли нақш устидан юритилган глазур қолдиқлари бор. Битта пиёла асоси - (узуксимон) доирасимон. Қуюлмаган идиш юқори розетка кўринишидаги, ҳом лой устидан қилинган айлана ва қия пасечкали штампиклар билан безатилган.

Азизқуниш-тепа номи билан танилган XI-XII асрларга оид.

Қизилнавр қишлоғидан 8 км. масофада, Кинтал қишлоғи атрофидаги XI-XII асрга тегишли темир қолдиқлари ва сопол бўлаклари жойлашган жой.

Ўриклисой бўйлаб, Ўрикли қишлоғи яқинидаги, Оқбулоқдаги, XI-XII асрларга тегишли темир қолдиқлари ва сопол бўлаклари жойи

Кўрғонча сойнинг чап қирғоғидаги Лучак қишлоғи яқинидаги XI-XII асрга тегишли темир қолдиқлари ва сопол бўлаклари жойи.

Кўрғонча қишлоғидаги XI-XII асрларга тегишли темир қолдиқлари ва сопол бўлаклари жойи. Кўрғонча қишлоғи, ундан ўзоқ бўлмаган Сурхи жарлигида 1932-йилга қадар, ғорда ёғоч идол турганлиги билан таниқли.

Бундан ташқари, то ҳозирги кунларга қадар Лучак ва Қўрғонча қишлоқлари атрофидан вақти-вақти билан саралаш қийин бўлган бутун идишлар ва уларнинг бўлаклари топилиб туради. Атрофидан олинган мадалар аралаш-бош ўрта асрдан то XIX асргача.

Қайроқ-тепа Қайроқ қишлоғида ўлчамликлари 45x30 метрли, баландлиги 6 метрли овал шаклида. Шимолий қисмида синиқ тошдан терилган сув тўсиғи (обвод) қолдиқлари қолган. Тепа юзасидан XI аср охири XII аср бошларига тегишли темир қолдиқлари (шлак) ва сопол бўлаклари териб олинган: 4та дисксимон тагликда ўзуксимон кесими бор сирланган пиёла, ички томони шаффоф сир билан қопланган, оқ ангопга қора-жигарранг ва жигарранг бўёқларда нақш ишланган. 1 та пиёлада таъмирлаш белгилари бор. 13 та кўза ва туваклар бўлақларидан 10 таси дресва ва шамот кўшимчалари бўлган ҳамир (лой)дан қўлда тайёрланган бўлиб, қия кесиклар ва чизикли-тўлқинсимон нақш билан безатилган. Дастгоҳда ишланган кўзалар банди кесими текис, профилланган. Жойли аҳоли бизга иккита бир турдаги қоида ишланган кўзани кўрсатдилар ва отнинг, уларнинг гапларига қараганда иккита бўлган, терракот ҳайкалчасини бердилар.

Қайроқ қишлоғидан шимоли-шарқ томонга 1 километрларча Олачопон қишлоғидаги жой. Бу ерда айвон саҳнидан қора шишасимон жисм бўлаклари, дастгоҳда ва қўлда ясалган идишлар, шунингдек, 1 та ички томони чиғаноғи бўйлаб спиралсимон-чизикли нақш устидан ҳаворанг сир билан қопланган пиёла топилди. Бир бандли, бўғзигача ва елкаларигача чизикли-тўлқинсимон нақш билан безатилган XVIII-XIX аср кўзасини топширдилар.

Дуоба қишлоғидан жануби-ғарбга 5 километрдаги бино ҳаробалари Тош синиқларидан ҳеч қандай аралашма ишлатмай терилган. Ўлчамликлари 25x15 метр, баландлиги 1,5-2 метр. Қурилиш атрофида ҳар томонга кўплаб икки турдаги: темир шлаклар ва қора шишасимон модда қолдиқлари сочилиб ётибди. Сополнинг ҳаммаси қўлда ишланган, лойга (ҳамирга) дресва ва шамот кўшиб ишланган, қия кесиклар ва чизикли-тўлқинсимон нақш билан безатилган. Сув идишлар йўқ. XVIII-XIX аср билан саналган. Дуоба қишлоғининг ўзида ҳам темир шлаг и топилган, лекин, ишлов бериш излари сезилмайди.

Ҳўжа Қўчқарон ота мазори саҳнида XI-XII асрларга тегишли темир шлаклар ва сопол бўлаклари топилган.

Авлод қишлоғидаги XI-XII асрларга тегишли темир қотишмалари ва сопол бўлаклари топилган жой

Авлод қишлоғидаги уй ҳовлисидаги темир қуйиш қасқони қолдиқлари, XI-XII асрларга тегишли темир шлаклар ва сопол бўлаклари топилган жой.

Тўда қишлоғидаги Оқ-тепа, шунингдек, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғланган. Унга биринчи бор Л.И.Ремпел ўз эътиборини қаратди: "Сойнинг чап қирғоғида Оқ-тепа тепалиги жойлашган. Унинг сополи ўрта асрларга тегишли бўлиб, қўлда ишланган, қизғиш зарғалдоқ нақш билан қопланган; нақш тамға ёрдамида амалга оширилган. С шаклидаги шакллар бўлаклари учраб туради". X-XII асрлар билан саналган. Кейинроқ Тўда қишлоғидаги Оқ-тепа Ўрта Осиёдаги деярли энг катта темир кони бўлиб, темир рудалари ўчоқларда эритилган. Таниқли археолог олим Т.Аннаев

тадқиқотларига асосланиб, куйидаги фикрни таҳлил этиш мақсадга мувофиқ. Темир конидаги 56 темир эритадиган ўчоқлар руда билан тўлдирилган ҳолда сақланиб қолган. Ўчоқлардан 10 таси халқасимон шаклда қурилган бўлиб, бир қаторда жойлашган. Ўчоқлар бўйи 1,5 метр, диаметри эса 1 метрга тенг. Ўчоқлар таг қисмида гилдан ясалган қовурлар жойлашган. Руда эритиш жараёнида бу қовурлар орқали ўчоққа ҳаво юборилиб турилган. Ҳақиқатдан, Оқ-тепа шимолдан-жанубга томон чизиқли чўзилган, оҳақли тепаликдир. Бу ерда оддий оҳақ учун оҳақтош қазиб олинади; қазиб олиш очик усулда амалга оширилган, шу жойнинг ўзида куйдирилган, табиий шабада (поддув) дан фойдаланилган. Бўлак ва қолдиқлар топилган, улар бу ерда бўлиши ҳам керак эмас эди. Ишлар яқин давргача олиб борилган, яқинда оҳақтошни куйдириш учун замонавий печ ҳам бор. Оқ-тепа остонасида унга нисбатан ғарброкда. Ўрта асрларда яшаш жойлари жойлашган бўлиб, сойнинг икки томони бўйлаб айвонлар жойлашган эди. Ҳозирда унинг бир қисмида мазор жойлашган, иккинчисида эса мактаб. Тўда қишлоғида глазуранган сопол бўлаклари учрамайди, лекин. кўплаб станокда ишланган ва қўлда ишланган идишлар бўлаклари топилган. Одатда, улар очик ангоб устидан кўк-қизил бўёқли нақш ёки усиз, баъзи кесик чуқурчали нақшлар билан аралаш ҳолда диграб буради. Қадимий кўрнишдан нақшинкор сопол ишлаб чиқарилган. Қизиқиш XI аср бошида кескин кўпаяди, кейинроқ қизиқиш пасайиб бориб. XI аср охирларига келиб, жуда кам, одатда ўзоқда жойлашган тоғли туманларда учрайди. Шундай қилиб, Тўда қишлоида яшаш жойини XI аср боши билан санаш мумкин.

Шўроб қишлоғига нисбатан жануби-ғарбидаги Дунё-тепа турар жойи. Икки қисмли шаклдаги ўлчамликлари 70x30 метр, баландлиги 4 метр бўлган, шимолий-жануб ўқи бўйлаб чўзилган, баландликдан ташкил топган. Жанубий қисми бузилишга (емирилишга) учраганлиги сабабли турли материаллар топишга имкон бўлди. Бунда асосан қўлда ишланган лойга қил кўшиб ясалган. Сопол идишлар бўлаклари топилган. Улар орасида икки кўза ва қозон бўлаги бор. Шунингдек, битта кумли сепиш орқали шакллантирилган идиш туби бўлаги, ҳамда, очик ангоб билан қопланган дастгоҳ ишланган хумча топилган, уларни бирида оч жигарранг бўёқ оқиб тушган жойлари сақланган.

Дунё-тепа Археология Институтининг экспедицияси томонидан 1980-йилларда ўрганилган. Йиғиб олинган сопол комплекси асосида илк ўрта асрларгача оид деб белгиланди; Дунё-тепа турар жойи - хом ашёни қазиб олиш ва метални қайта ишлаш учун махсуслаштирилган. Дунё-тепа тўғрисида Э. В. Ртвеладзе мақоласида ҳам эслаб ўтилади. Тор дара томон йўлда маҳаллий аҳоли деворлари ҳам ғиштдан терилган қурилмани очган. Бу жойдан олинган археологик материал илк ўрта асрларга тегишли. Дунё-тепадан 400 метр нарида Наубулоқда Дунё-тепадаги каби сопол бўлаги топилган.

Бойсун туманининг Мунчоқ қишлоғида Туркондарё (Шерободдарё)нинг ўнг қирғоғида жойлашган Мунчоқ-тепа маданий қатлами I-XII асрга тўғри келиб, академик Э.В.Ртвеладзе томонидан рўйхатга олиниб, археологик қазилма ишларини Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейи археологик гуруҳи аъзолари Н.Скугарова, К.Шейко томонидан амалга оширилган. Ёдгорлик Кушон подшолиги даврида I-IV асрларга ва V-VII асрларда тўғри тўртбурчак шаклида қурилган бужлар билан ҳимояланган қалъадан иборат бўлган.

Режада нотўғри шаклга эга ва 5 ҳамда 6 метрли икки тепаликдан иборат бўлиб, умуман юзаси 180x90 метр, яъни 2 тага яқин. Ҳар икки тепаликда сўнгги кечки ўрта асрлар мозори жойлашган: қабрлар овал ва овал-тўғри тўртбурчак шаклида тошдан териб белгилаб қўйилган. Бу ердан топилган қўлда ясалган идишлар девори ташқи юзасидаги характерли чуқур ботиклар (кесиклар)га қараганда, қабрлар XVII-XVIII асрларга тегишли.

Мунчоқ-тепа турар жойидан олинган материаллар-зарланган пиёла, дастгоҳда ва қўлда ишланган идишлардан иборат. Шаффоф глазур остидаги нақш ангоб устига жигарранг ёки қора-жигарранг бўёқ билан берилган; бўлақлардан бирида таъмирлаш белгилари бор. Қўйилма бўлмаган дастгоҳда ишланган идишлардан узуксимон асосли кўза туби ўзига тортади. Идишларнинг кўпчилиги қисми қўлда ясалган, лойдан ишланган. Чизикли тўлқинсимон нақшлар, турли-туман қия ва учбурчаксимон кесиклар билан безатилган. Битта ҳолда бундай турдаги нақшлар ранги ўчиб кетган позага қизил-жигарранг бўёқ билан чизилган нақшлар билан аралаш ишланган. Турар жойдан қазиб олинган сопол буюмлар Тўда қишлоғидан топилганлар билан бир хил, айниқса, кўзаларнинг нақш ишланган дасталари. Буларнинг ҳаммаси Мунчоқ-тепани XI аср билан санаш имконини беради.

Мунчоқ-тепадан шимолга 500 метр чамасидаги темир рудаларини қайта ишлаш маркази - Чўянсой, у Чўянсойнинг чап қирғоғидаги иккита унчалик катта бўлмаган чиқит қолдиқлари сочилмаларидан иборат. Бу жойлар 1980-йилларда ҳам ўрнатилган: Мунчоқ-тепанинг юзага келиши Дунё-тепа кетидан илк ўрта асрлар даврига белгиланган.

Шўроб қишлоғидан жанубга Суситоғнинг жанубий қисмидаги Узундара қалъаси ёдгорлигини 1991 йил Э.В. Ртвеладзе томонидан ўрганилди. "Қалъа тўғри тўртбурчак шаклида, унинг ҳар бир бурчаги доира шаклидаги баландлиги 20 метргача бўлган миноралар билан ҳимоя қилинган, деворлар тош плита ва бўлақларидан терилган, кенглиги 15-20 метр. Сақланган баландлиги 2-3 метр, 5-6 метр. Сопол бўйича эр. авв. III-II асрлар - эрамизнинг I-III асрлари билан саналанган, лекин, унинг қурилиши қоясига мос равишда эрамиздан аввалги I-минг йиллик ўрталарида, Узундара марказий-истехком ҳисобланган.

Суситоғнинг шимолий қисми, Шўроб қишлоғидан жанубда, Узундара қишлоғидан жанубда, Узундара қалъасидан шимолда жойлашган Абдуллахон Работи. Абдуллахон (1557-1598 йиллар) асос солган деб тахмин қилинувчи туз конларига олиб борувчи йўлдаги карвон-сарой ҳаробалари. 1991 йилдаёқ Е.В. Ртвеладзе режаси асосида доира шаклида бўлган архитектура қурилишининг тош асрларига оид қолдиқлари аниқланди.

Панжоб қишлоғидаги Тувғон-тепа. Тепа режада бир метрли равоқ билан ажратилган икки қисми; чўзилган-овал бўлиб, ўлчамлари 70x20 метр, баландлиги 1 дан 2 метргача. Тувғон-тепадан 300 м ғарбда сойнинг кесилишидан сопол териб олинган: 1. Диаметри 300 сантиметрли кўпол ишланган идишнинг пастки қисми. Шакли цилиндрик, оқариб-сарғайиб кетган. 2. Ҳудди шундай сифатда ишланган, диаметри 14,5 сантиметрли ясалган тувакнинг таги бўлаги. 3. Диаметри 16 сантиметр. бўлган, синган вертикал қўйилган, бандли ясси қопқоқ бўлаги. 4. 17 сантиметрли ясси қопқоқ бўлаги. Унинг четлари кўтарилган, кесиклар билан безатилган, банди иккита тасмадан

эшилган. 5. Диск шаклидаги қавариқ асосдаги сирланган пиёла таги бўлаги. Икки қисми боши устидан ифлос акрамарин сирланган, устидан радиал йўналишда қора-кўк чизиклар тортилган. XVII аср охири ва XVIII асрлар билан саналган. Панжоб атрофида бошқа ёдгорликлар топилмаган.

"Лойлаган" қўрғони - Бойсун тумани жануби-ғарбий қисмидаги Панжоб ва Хатак қишлоқлари оралиғида жойлашган, "Лойлаган" қўрғон мазори. 5 километрдан каттароқ масофага чўзилган кенг қабрлар майдонидан иборат. Унинг каттагина қисми янги маъмурий-худудий бўлинишига биноан Хатак ва Лойлаган қишлоқлари билан бирга, Шеробод туманига ўтиб кетди. Бу ерда 1973-йил "кретатсия" (майитни куйдириш) урфи қолдиқлари бор бўлган етита "тош девор" казиб топилган мазор. Устидаги ўқувига асосан; қабристон тахминан VI-VII асрларга оид. Айтиш мумкинки, бундай катта қабристон бир неча ўн, ҳаттоки, юз йиллар давомида юзага келган. Лойлаган қабристонидан қабрларни безатиш икки турга ажралиб туради: тошли тупроқдан баландлиги 2 метргача, диаметри 9-10 метр уюлган ва иккинчиси диаметри 2-3 метр, баландлиги 0,5 метргача бўлган тошдан териб ишланган доира шаклидаги қабрлар. Лойлаган қабристонидан юзаки қарашда туркларники билан бир хил боигани билан, уларникидан кескин фарқ қилади; VI аср ўрталарида евразия чўлларида олтой турклари туғюлар билан бирга, уларга хос характерли дафн маросими (урфи) - майитни олтин билан бирга дафн этиш ва устига ёдгорлик ўрнатиш, баъзи тош қўшиш ҳам кириб келганди.

Жанубий Тожикистонда, Бешкент водийсида 1960-йилларда Лойлагандаги қабристон урфига ўхшаш майит куйдирилган қабрлар - Хан-Газа аҳоли яшаш жойи ёнидаги Тулҳар ва Кўкқум қабристонларидан казиб топилган эди. "Бу жойда кўриниб турибдики, қаердадир "ташқарида" (бошқа жойда) куйдирилиб, кулга айланган суякларни унча катта бўлмаган тупроқ ўрага кўмилган. Ўра овал кўринишда шимолдан жанубга қараб чўзилган, тошлар билан тўлдирилган. Ўра тўлдирилгач, тепаси квадратга яқин шаклда тошдан терибли ишланган." Бу қабрларни А.М. Манделштам Хионитларга хос IV аср охирлари V асрлар деб саналади. Бунга, биринчи бўлиб Ўзбекистондаги Лойлаган қабристони ва жанубий Тожикистондаги майит куйдирилган қабристондаги ўхшашликка эътибор берган, В.Л. Литвинский ҳам қўшилишдади ва шунинг учун Лойлаган қабристон санасини янада орқароққа суришни таклиф қилади.

Шўроб қишлоғи марказидаги Шўроб-тепа ёки Шўроб қўрғон. Шакл жиҳатидан диаметри 20 метр, баландлиги 5 метр бўлган доиравий тепалик. Тепа параметри бўйича кесиб чиқилган ва тақалиб қолган, қурилишлар натижасида йўқ бўлиш жараёни давом этмоқда. Шўроб-тепа номсиз тепа деб эсланади, санаси келтирилмаган. XI аср охири XII аср бошларига тегишли сополларни, шунингдек, қизил ангобланган пиёла ёки кубларнинг дасталарни бўлаклари аниқлаб ўрганилди.

Шўроб қишлоғи яқинидаги Оқ-тепа Шакл жиҳатидан. Шимолий қисми 4 метргача баландликка (тепаликка) эга бўлган, 49x35 метр ўлчамли квадрат. Илгари икки марта ўрганилган. VI-XII асрлар билан янгиланган. Ҳозирда тўлалигича бўзилган деб ҳисобланади. Лекин, Оқ-тепа ёмон сақланмаган, режасига асосан кўпроқ карвон-саройга ўхшайди ва X аср охири ва XII аср

боши билан саналади. Оқ-тепада кўплаб сопол фрагментлари (бўлаклари, жумладан, қоида ишланган нақш билан безатилган шунингдек, пишган ғишт бўлаклари йиғилган. Қуйилган идишлар ичида X аср деворлари эътиборга молик. Икки томондан идиш қора ангоб билан қопланиб оқ бўёқ билан нозик нақш ишланиб, шаффоф сифатли сир билан қопланган.

Шўробсойнинг чап қирғоғидаги Шўроб қишлоғидан 5 километр шарқдаги Карвон-сарой. Курилиши Абдуллахон (1557-1598 йиллар) номи билан боғлиқ, яна бир иншоат. Бу ерни 1931-йил Г.В.Парфенов аниқлаб рўйхатга олди. Ушбу манбадан Александр Македонскийнинг кумуш тангаси топилди.

Дарбанд қишлоғига нисбатан ғарбдаги Темир дарвоза ёнидаги мудофаа девори узунлиги 1,5 километр, кенлиги 6-6,5 метр; Шўробсой водийсини Суситоғ ва Саримас чўққилари ўртасидан шимол-жануб чизиги бўйича ажратиб туради. Деворнинг жанубий қисмида қачонлардир Кўрганак ёки Шерхўжа кўрғони деб аталган, тошдан ва хом ғишдан терилган ва замонавий қурилиш даврида тўлиқ йўқ қилиб юборилган қалъа мавжуд бўлган. Девор биринчи бор 1889-йил бош штаб полковниги Белавский томонидан аниқланган; 1938-йил Г.В. Парфенов томонидан ўрганилган ва Кушон даври билан саналган. Э.В. Ртвеладзе қазилмалари бу санани тўлиқ тасдиқлади; девор I-II асрларда қоя устига квадрат хом ғишларни териб, ўртасини тош ва тупроқ тўлдириб қурилган.

Шеробод дарёсининг ўнг қирғоғидаги Дарбанд қишлоғининг ғарбий қисмидаги Султонкул-тепа. Тепа яшаш жойи қурилиши учун режалаштирилган; ҳамма жойда асосан, қоида ясалган сопол фрагментлари, бўлаклари сочилиб ётибди, XI-XII асрлар билан саналади. Э. В. Ртвеладзенинг маълумотига асосан, сопол бўлақларининг баъзилари эрамиздан аввалги VI-IV асрларга хос идишларни эслатади.

Шеробод дарёсининг чап қирғоғидаги Дарбанд қишлоғининг шимоли-шарқий қисмидаги Қапчиғай-тепа. Султонкул-тепа сингари, бу яшаш жойи ҳам замонавий қурилишлар ортида яширинган. Топилган материаллар аралаш, яъни, эрамиздан аввалги III-II асрларга ҳам, XI-XIII аср бошларига тегишлилари ҳам бор. Ўрта аср сополи, асосан, қишлоқнинг пастки қисмида учрайди, бу илгариги текширувчилар томонидан бир неча бор айтиб ўтилган, лекин, грек-бактрия даврига тегишли сопол фрагментлари, бўлаклари бу ерда биринчи бор топилган. Ҳамма сополлар кулолчилик айланасида тайёрланган. Одатда ёрқин ангоб билан қопланган, фақатгина қизил ангоб билан қопланган тувак дастаси, олтин гугурт куйдириш идиши, деворларининг икки бўлаги ва бир қанча тўқ қизил ангобли девор бўлаклари бундан мустасно. Кам сонли бўлишига қарамай, кўрсатилган намуналар Ўрта Осиёда яхши таниқли ва Далварзинтепа, Томоша-тепа, Кампир-тепа, Эски Термиз кўрғони. Шимолий Афғонистондаги Жиға-тепанинг иккинчи давридаги Ойхонум сопол комплекси деб аталувчи турига тегишли. Қарчиғай-тепа сополининг энг кўп ўхшашлиги Эски Термиз шаҳри комплексининг учинчи этапига тўғри келади, у Евтидема (эрамиздан аввалги 230-200 йиллар) тангаларига асосан эрамиздан аввалги III асрнинг охиригача II асрнинг биринчи ярми билан саналган

Эрамиздан аввалги II-III асрлардаёқ Қарчиғай-тепа, Саримас тоғ

массивини кесиб ўтувчи ва Мачай қишлоғига олиб борувчи, бу ерда балки Қарчиғайга синхрон равишда Мачай кўрғон жойлашган, тор жарликни тўсиб турган қарчиғай-тепадан шимолда, жарликнинг тубида Мачайдарёнинг чап қирғоғида Чорвоқ (бошқа номи Гамбус) қишлоғи жойлашган. Бу ерда темирчилик ишлаб чиқаришнинг қолдиқлари топилган. Саримас тоғининг шимолий якунида, жарликдан Мачай қишлоғига чиқаверишда икки тоғ йўли бирлашади, эҳтимол, шунинг учун ҳам бу ерда қадимда Мачай кўрғон қалъаси қурилган бўлиши керак. Ғарбий йўл Ғўзорга, Темир дарвозани четлаб ўтиб, Катта қишлоқ орқали, олиб боради. Шимолий йўл эса, қийинроғи, давомга Оққишлоқ ва Тошкўрғон қишлоқларига ва давоми Қашқадарё воҳасига олиб боради.

Сайроб қишлоғидаги Қалъайи Хисор. Шерободдарёнинг ўнг қирғоғидаги 9 метр баландлик 100х45 метр ўлчамликдаги табиий айвонидаги йирик яшаш жойидир. Жанубий-шарқ, шимолий-шарқ ўқи бўйлаб йўналтирилган. Топилган сопол фрагментлари (бўлаклари) қуйилган, қуйилмаган дастгоҳда ишланган, кўлда ишланган хом лойга безак берилган ва нақш ишланган. Сирланган идишга оқ ангоб устидан қора-жигарранг бўёқ билан нақш ишланиб, шаффоф сир билан қопланган; бош томони устига қирилган нақш ишланиб, устидан зангори ва ултрамарин сир билан қопланган бўлақлар топилган. XI-XIII аср бошларига оид.

Сайроб қишлоғидан жанубий-шарқ томонга 6 километр масофадаги Тиллакамар қишлоғидаги Калла-Тева. Э.В. Ртвеладзенинг маълумотига асосан, ёдгорлик 70х40 ўлчамликдаги лайдан ишланган қалъадир. Ҳозирги вақтда унинг мавжудлиги излари Нўғайкалла тепа археологик манбаси томонида кузатилади. Қалъа XVIII-XIX асрларда қурилган.

Мунчоқ қишлоғидаги Мунчоқ-тепа Шерободдарё (ўнг қирғоғи)нинг ўзани тепасида ҳосил бўлган тепаликдаги квадрат шаклдаги қалъа ўлчамликлари: 60х55 метр, баландлиги 7 метр. Мавжуд маълумотларга асосан, Мунчоқ-тепа эрамиздан аввалги I-II асрларда қурилган, IV асргача узлуксиз фаолият юритган, ўрта асрларга (VI-VII асрлар) дан мўғул даврига (XI-XIII аср бошлари) қадар яшалган.

Мунчоқ-тепадан ғарбга 300 метрда, Мунчоқ қишлоғидаги Мозор-тепа. Мунчоқ-тепа қалъаси ёнидаги, қадимда йирик кенг тарқалган аҳоли яшаш жойи қолдиқлари ҳисобланади. Чўзиқ шакилдаги ўлчамликлари 32х10 метр, баландлиги 2 метргача бўлган, унча катта бўлмаган тепалик сақланиб қолган. Топилган материаллар, худди Мунчоқ-тепадаги сингари: I-II асрларнинг қизил ангобланган идиш бўлаклари; XI-XIII аср бошларига тегишли кўза, тувак, кулдон (очашка), сопол стол -"дастурхон", сирланган пиёла бўлаклари; лекин, эрта ўрта аср материаллари топилмаган. Алоҳида аҳамиятга эга бўлгани, сариқ ангобли ва ташқи юзасидаги горизонтал гофрлари бўлган, эрамиздан аввалги VI-IV асрлар учун хос идишларга ўхшаш, йирик идиш девори бўлагидир. Шу муносабат билан Мунчоқ-тепа ва Мозор-тепалардаги яшаш жойларининг юзага келишини янада эртароқ деб тахмин қилиш мумкин.

Бойсун шаҳри, Сайроб ва Дарбанд қишлоқлари йўллари кесишмасида Бозор-тепа қачондир у, ўлчамлари 40х30 метр, баландлиги 3 метр бўлган марказий тепалик атрофидаги айвонда сочилган яшаш жойи бўлган.. Сирланган

ва нақш ишланган кўлда ясалган сопол, ҳамда, Муҳаммад Текеш Хоразмшоҳ (1200-1220 йиллар) номидан чеканка қилинган тангаларга асосан Бозор-тепани XI-XIII аср бошлари билан саналаш мумкин.

Бойсун шахри шимолий-ғарбий қисмидаги Қалъайи-Боло (Боло-Қўрғони). Бойсун беклиги маркази-ХVIII-ХIX асрлар, қалъа ҳаробалари. 1970 йиллар бошида бу ердан кушон даври тангалари топилган..

Бойсун шахридаги (Пассурхи) Қалъайи Болодан жанубда Номсиз-тепа. "Шаҳаргаз" биносининг қурилишида тўлалигича йўқ қилиб юборилган, топилмалар йўқ.

Бойсун шахри шимолий чеккасидаги, Газа қишлоғидаги Шўрсой жойи. Қабристон девори қурилишида ХVIII-ХIX асрларга кўзаси бўлаклари топилган.

Бойсун шахридан шарққа 5 километр Омонхона қишлоғига бурилишда, Инкобот ва Туякамар қишлоқлари орасидаги йўл бўйидаги қабристон кўрғони. Қабристон диаметри 2 метрли айлана, кўпроқ овал шаклидаги, баландлиги 0,2-0,3 метрли мозорлардан иборат. Тепалик (қабр) майда тошлардан иборат, қабрлар шимол-жануб йўналишида. Қабристондаги мозорлар майдони ўртача 1 гектар.

Бойсун шахридан ғарбга 2 километрда Тўда қишлоғига бурулишдаги Қабристон кўрғони қабрлар тури ҳудди Омонхона қабристонидегидек: айлана ёки овал шаклидаги тош, шағал (майда тош) билан усти ёпилган, диаметри 2 метрли, баландлиги 0,5 метргача.

Сариқамиш қишлоғидаги жой. Уйлардан бирининг қурилиш жараёнида қалинлиги 44,5 сантиметрли пишган ғишт бўлаклари, 11 та сопол бўлаги, ундан 6 таси дастгоҳда таёрланган, 3 таси ёрқин ангоб билан қопланган. Қолган 6 та идиш кўлда таёрланган, улардан бири чизикли нақш ва кўп баргли мухирчалар билан биргаликда безатилган. XI-XII асрлар. Уй эгалари томонидан паст пробали кумуш танга топширилди. Танга Э.В. Ртвеладзе аниқлашига қараганда хижрий 1287 йил, ҳозирги ҳисоб бўйича 1870 йил забт этилган.

Кофрунсойнинг чап қирғоғидаги, Кофрун қишлоғининг жанубий-шарқий қисмидаги Мунчоқ-тепа. Ёдгорликнинг ўлчамлари 28x18 метр, баландлиги 9,5 метр бўлган учдан бир қисми сақланган. 1970-1980 йилларда тепа диаметри 50 метр бўлган, шу вақтда Мунчоқ-тепа I нинг юқориги қатламларини Э.В. Ртвеладзе илк ўрта аср, асосий яшаш даврини - кушон даври билан саналган. Шу жойдан "Чағаниён худоси" типидagi терракот бошчаси топилган.

Мунчоқ-тепа I юзасидан йиғиб олинган ҳамма сополлар кулолчилик айланасида таёрланган: кулранг тупроқлилари ҳам қизил ранг тупроқлилари ҳам бор, охиргилари қизил ёкиёрқин ангоб билан қопланган. Шундай қилиб Мунчоқ-тепа навбатдаги Кушон қалъаси бўлиб, I-III асрларга оид.

Кофрунсой ўнг қирғоғидаги Мунчоқ-тепа I дан жануби-ғарбга 300 метрдаги Мунчоқ-тепа II. Тепалик яшаш жойининг қолдиқлари бўлиб, ундан фақат ноаниқ шаклидаги, ўлчамликлари 25x10 метрли, баландлиги 3,5 метрли тепалик қолган. Топилган сопол ва тўғри тўртбурчак ғиштларга асосан, VI-VIII асрлар билан дастлаб изоҳланган бўлса, кейинги олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида топилган 17 йирик ва ўрта шаклдаги идишлар бўлаклари асосан, кулолчилик айланасида тайёрланган ва ёрқин ангоб билан қопланган бўлиб, ушбу манбалар VII-VIII асрларга оидлиги аниқланди.

Кофрун қишлоғининг шарқий қисмидаги Мозорот-тепа. Ёдгорликнинг бирламчи релефини унинг устида замонавий қабристон аниқлаш қийин. Мозорот-тепанинг шимолий қисмида овал шаклидаги ўлчамликлари 110x60 метр, баландлиги 5,5 метрли тепалик ажралиб туради. Унда жануб томондан ноаниқ шаклидаги 300x240 метр, баландлиги 2 метргача бўлган яшаш жойи ёндошган. Ёдгорлик биринчи бор санъатунослик институти экспедицияси томонидан ўрганилган бўлиб, ушбу манба XIV-XVI асрларга оид.

Оқтепа-Шўроб қишлоғи ёнида. Шўробсой чап соҳилида. Дарбанддан 5 километр ғарбда. Бу жойдан чиққан сополлар XI-XII асрларга тааллуқли.

Оқтепа-Тўда қишлоғи яқинида сойнинг чап соҳилида жойлашган, топилган сопол идиш кўлда ишланган қизил ёзувли ёки тамғали бўлиб, ушбу манба XI-XII асрларга оид. Қадимги руда эритувчи кончилар қишлоғи жойлашган.

Азиз куништепа-Кентала ва Қизилнавр оралиғида жойлашган. Ўрта асрларга оид.

Номсиз манзилгоҳ-Дарбанд қишлоғи ўрнида, чиққан сополлар X-XII асрларга оид.

Номсиз тепа-Эгарчи қишлоғи ёнида жойлашган. Ўрта асрларга оид манзилгоҳ.

Номсиз манзилгоҳ-Мачай қишлоғида бўлиб, Ш.Пидаев маълумотида кўра ўрта асрларга оид.

Номсиз тепа-Кофрун қишлоғи шимолий чеккасида, шу номдаги сойнинг чап соҳилида жойлашган. Топилган сополга ҳамда тўғри тўрт бурчакли ғиштга кўра ушбу манба VI-VIII асрларга оид.

Номсиз манзилгоҳ-Бандихондан 9 километр шимолий-шарқда, Кофрунсойнинг чап соҳилида жойлашган. Топилган сополга ва пишиқ ғиштга қараганда, XI-XVIII асрлар оид макон ҳисобланади.

Номсиз манзилгоҳ-Сарибанд сув хавзасидан 2 километр жанубда жойлашган. Бандихон қишлоғидан 7 километр шимолда. Угрисой ўнг соҳилида. Жануби-шарқий равоқ марказида дарвоза бўлиб, ундан дарёга тушиб борилган. Топилган сополга кўра, ўрта асрлар даврига оид.

Номсиз манзилгоҳ-Бандихон қишлоғи ўрнида жойлашган. Топилган сополга кўра, сўнги ўрта асрларга оид.

Номсиз манзилгоҳ-Авлод қишлоғи яқинида жойлашган. Топилган темир тошқол (шлак) ва сопол буюмларига асосланиб, ушбу манба XI-XII асрларга оид.

Номсиз тепа-Паданг қишлоғи яқинида жойлашган. Темир тошқол топилган.

Қўрғони боло-Бойсун шаҳри марказида жойлашган бўлиб, туб қатлами Кушонлар даврига оид, юқори қатламлари эса илк ўрта асрдан токи XX аср бошларигача тааллуқли.

Мозортепа-Кофрун қишлоғида шу номдаги сойнинг чап соҳилида жойлашган. Тепа ўрнида қабристон мавжуд.

Мунчоктепа-Мозортепадан 300 метрлар жануби-шарқда жойлашган. Қароргоҳнинг асосий шаклланиган вақти Кушонлар даврига тўғри келади. Бу ерда қисман илк ўрта асрлар даврида ҳам ҳаёт бўлган.

Дарбанд чегара истехкоми-Қадимда Бактрия давлатининг шимолий

чегараларини белгиланган мураккаб ҳарбий истехком. Оққўтол довонида жойлашган. Милоднинг V-VIII асрларида оид.

Узундара истехкоми-Истехком «Темир дарвоза»дан 10 километр жануби-ғарбда Кўҳитанг тоғлардаги узундарада бунёд этилган.

Туманқўрғон (Поёнқўрғон) Бойсун марказидан 7 километр жанубда Оқжар қишлоғи яқинида жойлашган. Милоддан аввалги II-I аср ва милодий I-II асрларга оид.

Работ – милоддан аввалги II асрнинг охири ва милоддан аввалги I асрларга оид мозор. Туманқўрғондан 2 километр шимолий-шарқий тарафда Хангарак (Бойсун) сойининг ўнг қирғоғида жойлашган. 1980 йилда “Работ” ариғини тиклаш даврида археологик манба аниқланиб, ушбу қадимий мозор бўйига 100-120 метр, энига қарийб 40-50 метр майдонни ишғол этиб, ушбу археологик манбани археологик олим Т.Аннаев илмий ўрганди. Қадимий мозорда майитнинг лаҳатга бош қисмини шимолга, яни Бойсунтоғга қаратиб кўмишган. Мархумлар кийимлар билан дафн этилганлигини археологик олим Т.Аннаев пахта толасидан тўқилган матолар орқали аниқлади. Қабристондан топилган аёллар бўйнида шода мунчоқ, кулоқларида сирғалар, бармоқларида узук, қўлларида билакузуглар, ён томонларида сопол идишлар билан дафн этилган. Баъзи мархум аёлларни кўкрагида кўнғирокча, ён томонида бронза (жез) ойна қўйиб кўмилган. Қабристонда кўмилган эркакларни қабрларидан камон ўқлари, пичоқлар, бир неча сопол идишлар топилди.

Бозортепа-Бойсун туманидаги Изма манзилгида жойлашган. X-XII асрларга оид ашёвий манбалар топилган.

Ғишттепа-Кофрун қишлоғида жойлашган, X асрга оид.

Хисор тепа-Сайроб қишлоғида жойлашган. IX-X асрларга оид сопол буюмлари топилган. Бу ер Карна манзили деб номланган, айнан Сайроб қишлоғига тўғри келади.

Бойсун туманида яна 11 та археологик ёдгорликлар мавжуд бўлиб, бу обидаларда археологик қазишмалар амалга оширилмаган бўлсада, уларнинг Бойсун воҳаси тарихини ўрганишда муҳим тарихий воқеаларни изохлайди.

БОЙСУН ҲАРБИЙ ИСТЕҲКОМЛАРИ

*Биз ўзбекларни улуг, бунёдкор халқ
деб дунёга тараннум этяймиз ва
аслида ҳам шундай.*

И.А.Каримов

«**Темир Дарвоза**»-Бойсун туман марказидан 35 километр, Дарбанд қишлоғидан 9-10 километр шимоли-ғарбда «Саримос» қоясидаги дарада жойлашган «Темир дарвоза» жаҳонда машҳур бўлиб, бир неча асрлардан буён тарихчиларни қизиштириб келмоқда. «Темир дарвоза»- ҳақидаги дастлабки маълумотларни Чинлик саёх-кохин Сюан Цзян (мелодий 630 ийил) ёзиб қолдирилган. Унинг сўзига қараганда, «Шундай номланадиган ўтиш жойи чап ва ўнгдан тоғлар билан қисиб келган. Бу тоғлар хаддан зиёд баланд. Йўл эса ниҳоятда тор. Хар икки томондан дахшатли темир рангли қоялар савлат тўкиб турибди. Бу жойда икки қопқали ёғоч дарвоза ўрнатилган бўлиб, у темир билан қопланган ҳамда унда кўпгина кўнғироқчалар осилган. Ўтиш йўлини тўсадиган ана шу дарвоза туфайли, у Темирдарвоза деб аталади.»

«Темирдарвоза»-«Темир Капуғ» номи билан VIII асрдаги Туркий битикларда (турк хоқонлари) Бумин ва Истеми Қоон даврида (VI аср) туркларнинг юришлари бориб етган энг чекка жой сифатида бир неча бор эслатилади. Араб-форс манбаларида географик адабиётда дастлабки бу жойни Яъқубий (IX аср) «Дари Оханин». Бобул Хадид номи билан эслатган.

Испаниялик элчи Руи Гансаленс де Клавихо (1404 йил) «Темир дарвоза»га шундай таъриф берган. «Эртаси куни, душанбада, элчилар гуруҳи баланд тоғнинг этагида дам олдилар. Бу баланд тоғнинг чўққисида хилма-хил нақш ва турли-туман безакларга безалиб жуда мохирона бунёд этилган салбсимон бино жойлашган. Бу тоғ жуда баланд, унда инсон қўли билан яратилгандек йўлак бор, бу йўлак дара орқали уни кесиб ўтиш мумкин. Хар тарафдан сип-силлиқ ва бахайбат тоғ чўққилари бўй чўзган. Бу йўлакнинг ўртасида қишлоқ жойлашган бўлиб, унинг тепасида баланд қоялар муаллак тургандек. Бу йўл тоғларда «Темир дарвоза» деб аталади, бу ерларда бундан бошқа йўл йўқ. Бу дарвоза Самарқанд подшолигини Кичик Хиндистондан кўриқлайди. Самарқанд ерларига айна шу дарвоза орқали кириб борилган, Шунингдек Самарқанд империяси аҳли ҳам Хиндистонга бошқа жойдан эмас, худди шу йўл орқали ўтиб боришган...»

«Темир дарвоза» -Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Бобурнинг «Бобурнома» асарларида туркийча «Кахлага» номли остида тилга олинган.

Бўзғалхона (оҳулар уйи) атамаси билан «Темир дарвозани» аталиши илк бор Бухоро хони Муҳаммад Раҳимхоннинг 1757 йилда юришларини таърифлаган Муҳаммад Вафо Кармагийнинг «Туфат ал-хоний» асарида учрайди. Тарихий маълумотларга қараганда «Темир дарвоза»ни энг сўнгги қурилиши VI-VII асрларга амалга оширилган.

«Темир дарвоза» қурилиши жаҳонда етти мўъжизанинг бири ҳисобида тан олинган. Буюк Хитой деворлари қурилишлари билан бир вақтда тўғри келади. «Темир дарвоза» иншоотлари ҳам «Буюк Хитой деворлари» дан мутлақо қолишмайди, бу Бойсун мўъжизаси ҳисобланади. 1995-1997 йилларда

Француз археология илмий ходимлари доктор Клод Рапен бошчилигида «Темир дарвоза»да қазув ишлари бошланди. «Темир дарвозани» Ўрта қисмида жойлашган Оқ қўтан деган жойда 16 та хонани излаб топишга муваффақ бўлдилар. Бу хоналар божхона, ётоқхона, яроқхона, оловхона, мусофирхона, ошхона вазифаларини ўтаган. «Темир дарвоза» орқали ўтадиган «Буюк Ипак йўли» Хитойнинг Чанъан шаҳридан Венециягача чўзилиб 6 минг чакрим (8 минг км)ни ташкил этади. Қадимда бу йўл Савдо йўли деб юритилган. 1877 йили Фердинанд Рихтгофен (1835-1905) Хитойга боради ва «Тарих» номли китоб ёзади-шу китобида «Буюк йўл» сўзи ёнига «ипак» сўзини қўшиб қўяди. Чунки Дунё бозорларида ипак ва ипакдан тўқилган матолар энг юқори ўринни эгаллаган. Дунё савдогарлари бу сўзни маъқуллаганлар. «Буюк Ипак йўли атамаси 1877 йилдан бошлаб юритилган». Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (Б.М.Т) ташаббуси билан 1990 йил «Буюк Ипак йўли»-мулоқот йўли шиори остида 137 та давлат вакиллари 1990 йил 25 март куни Бойсунга келишиб «Темир дарвоза»ни келиб кўришди. Бу жой «Темир Эшик» афсонавий номини олган бўлиб, темир эшикларнинг божхона марказларида бўлиши Буюк Ипак йўли қарвонларининг ўтиб кетишига йўл қўймаслиги ҳамда мудофаа аҳамиятига эга бўлган. Балки, худди шу «Темир Эшиклар» Қуръоннинг «Кахф» сурасида душман қабилаларига қарши Искандар Зулкарнайн (Александр Македонский) ясагирган темир тўсиқлар ўрнатилган афсонавий жойдир. Кейинчалик А.Навоийнинг «Хамса» асарида бу тўсиқ «Искандарнинг ёпирилиб келиши» деб номланган.

Дарбанд қарвон саройи. 1X-X асрларга оид ёзма манбаларда Бойсуннинг бир неча жой номлари ҳам тилга олинади. Ал-Яъқубийнинг «Китоб ал-булдан» асарида бу жой Дари –Оханин ёки Дарбанди Оханин номида келтирилади. Ёзма манбаларга кўра, бу атама «Темир дарвоза» нинг форсийдаги номи билан бир қаторда, шу мавзеда жойлашган шаҳарча номини ҳам англатади. Ал-Яъқубий таъкидлашича, бу шаҳарча «Темир дарвоза»га яқин манзилда жойлашган. X асрга оид яна бир тарихий манбада бу ерда Чағаниён амирлигига тегишли мустақкам қалъа бўлиб, 948 йилда сомоний Нух Ибн Наср қўшинининг Чағаниён томон юришида вайрон қилиниб, XI асрда қайта қурилган. Дарбанд ва Шўроб қишлоқларида ўрта асрларга оид ёдгорликларнинг мавжудлиги, Дарбанд яқинида қарвонсарой ўрнининг қазиб очилиши ал-Яъқубий таъкидлаб ўтган шаҳарча ва Чағаниён ҳукумдорларининг қалъаси айнан бир иншоот эканлиги, унинг Дарбанд мавзесида жойлашган бўлганини тасдиқламоқда.

Дарбанд қарвон саройи (Дарбанд Работи) ҳақида мулло Мирзо Умар қуйидаги маълумотларни беради. «Дарбанд марказида 3 километр узокликда, қадимий Дарбанд қасри кўринади. Турли-туман нақшлар солинган, бу қасрнинг ярими бузулган. Қаср ниҳоятда чиройли, кўркам ва бежирим қурилган. Қасрни қуришда меъморларнинг бор маҳоратлари катта Арк дарвозасининг ниҳоятда кўркам кўрилганлигида, девордаги безакларнинг хилма-хиллигида кўринади. Работнинг тўрт бурчагидаги текисликларда 4 та миноралар қад кўтарган. Қасрнинг икки томонидан пишшиқ ғишт ва қизил тошлардан терилган зиналар мавжуд. Ҳозирги Дарбандилар бу иморатни Работи Абдуллахон деб тилга оладилар.»

Дарбанд работи XI асрда Қорахоний ҳукумронлиги даврида қайта қад ростлаган. Сомонийлар давлати тугагандан кейин Бухоро ва Мовароуннаҳр шаҳарлари Қорахонийлар қўлига ўтади. Қорахон-яъни Абдулкарим Сотук Буғроқхон даврида Бухорода Работи Молик, Минораи Калон, Масжида калон, Вобканд ва Жарқўрғон миноралари, икки дарё (Амударё ва Сирдарё) ўртасида икки қаватли Работи Дарбанд қурилган. Рус сайёҳи Д.Н.Логофет ўзининг «В горах и равнинах Бухаръ» асарида бир вақтлар шаҳарлар қаторига кирган Дарбанд Работини эслатиб ўтган.

Туркистон генерал –губернаторлиги томонидан 1903 йилдан бошлаб Самарқанд-Термиз йўлини қуриш бошланди. Дарбанд Работи 1903 йилгача ўз шаклини йўқотмай бутун ҳолича сақланган. Россия ҳукуматини топшириғи билан Дарбандда мустақкам станция қурилиши бошланди. Қурилиш материаллари етишмаслиги сабабли, Дарбанд Работини буздириб ғиштлари станция пойдеворига ва отхона, ётоқхона қурилишига ишлатилди. 1909 йилдан бошлаб рус аскарлари, 1920 йилдан эса Қизил боскинчилар аскарлари Дарбандга жойлаштирилди. Шу билан Бойсун мўъжизаларидан яна бири ер юзидан супуриб ташланди.

Дарбанд чегара истехкоми. Академик Э.Ртвеладзе Кушонлар ва қадимий Бактрия салтанатининг шимолий сарҳадини, унинг девор, чегара ва қалъаларини ишончли далиллар билан исбот қилиб, фандаги айрим тортишувларга барҳам берди.

Археологик тадқиқотларга кўра «Темир дарвоза» Дарбанд қишлоғидан 9-10 километр шимолий –ғарбда Саримас қоясидаги дарада, мудофа истехкоми эса Оққутол довонида жойлашган чегара деворига милоддан аввалги II аср оралиғида асос солинган. Милодий I аср охирида яъни Кушон салтанатини йирик давлат сифатида шаклланган даврида бу истехком унинг шимолий чегараларини муҳофаза қилувчи иншоот сифатида тўлиқ қуриб битказилган.

Сувсиз ва Саримас тоғлари Ўртасида жойлашган деворнинг узунлиги 1500 метрни ташкил этади. Девор пастроқ тоғ тизмаси бўйлаб Шерхожи (Кухан) қўрғонигача чўзилган. Мудофа истехкомининг баландлиги 2 метрдан 5 метргача бўлиб, унинг бурилишларида бурж миноралари жойлаштирилган. Миноранинг баландлиги 10 метрлар бўлиб, девордан ташқарига қараб 4 метр чиқиб турган. Даставвал бу мудофа истехкоми ички йўлакли бўлиб, қалинлиги 6 метрга тенг бўлган. Кейинги босқичда ички йўлак тўлдирилиб, яхлит девор шаклига келтирилган. Айниқса, истехкомнинг олд яъни ғарбий тарафи ҳарбий санъатининг барча талабларига мос ҳолда бунёд этилган. Бу қисми йўналган тошлардан, ички томони тўғри тўрт бурчак шаклидаги томонлари 32,33 ва қалинлиги 11-12 сантиметрга тенг хом ғиштлардан тахлаб чиқилган.

Тош девор устида камонбозлар майдончаси бўлиб, уларга тўсиқ ортидан туриб отишлари учун махсус кузатиш жойи бўлган. Иншоотни қуришда табиий рельефдан оқилона фойдаланилган. Милоднинг V-VIII асрларида бу истехком меъморий жихатидан деярли ўзгармасдан мавжуд бўлган.

Узундара Истехкоми –Бу истехком «Темир дарвоза»дан 10 км жанубий-ғарбда Кўхитанг тоғларидаги Узундарада бунёд этилган. Узундара истехкоми ҳақида дастлабки маълумот академик Э.Ртвеладзе томонидан исбот қилиниб, фанга киритилган. Ёдгорликда илк қазилма ишларини археолог Ш.Рахмонов

илмий экспедицияси амалга оширган. Бу мудофа истехкоми бир неча бир-бирига боғлиқ деворлар ва қояларда жойлашган кузатув буржларидан ташкил топган. Бу кузатув манзилгоҳларида хушёр, узокни тез илғаб оладиган қоровуллар қўйилган. Улар бир-бирлари билан тутун орқали (диддон ёки дудбон) алоқа қилишган. Бирор хабар-хатар сезилса, тезда тутун орқали хабар берилган. Бу истехкомлар «Темир дарвоза»билан бир вақтда қурила бошланган. Қадимий Бактрия ва Кушонлар даврига тўғри келади.

Бойсун қўрғони - XIX аср ўрталарида Бухоро амири Музаффархон даврида Бойсун алоҳида беклик бўлгач қурилди. Қўрғон XIX асрнинг 70 йилларида Хонгаронсой сойидан 150 метрлар баландликда қурулиб, қўрғоннинг ҳозирги жойи туман ветеринария бўлими, меҳнат биржаси ва бир қанча хонадонлар жойлашган ҳудуд ҳисобланади. Қўрғоннинг умумий майдони 3 гектар бўлиб, узунлиги 800 метр, эни 400 метр майдонни эгаллаб, қўрғоннинг тўрт томонидан баландлиги 10 метрли соқчилар миноралари бўлган. Қўрғоннинг икки томони берк бўлиб, қўрғоннинг шимолий-ғарбий томонидан ва шарқдан қирадиган улкан дарвозаси бўлган. Қўрғонни атрофи айланма девор билан ўраб олиниб, қўрғонни деворини эни 3 метр, баландлиги 6 метрни ташкил қилган пахсали девордан иборат бўлган. Бу қўрғонда Бойсун беги жойлашиб, қўрғон ичида бекнинг маҳкамаси ва ўз оиласи учун турар жой бинолари қурилган. Бек саройи ложувард, пишшиқ ғишт, ганч ва мрамор билан безатилган болохона бўлиб, қўрғон атрофида бошқа вилоят ва мамлакатлардан келган қарвон бошлиқлари билан мол айрбошлайдиган қарвонсарой жойлашган. Қўрғон дарвозаси хашаматли бўлиб, эни 6, баландлиги 8 метр бўлиб, қўрғоннинг деворларига махсус қўнғироқлар осиб қўйилиб, қўриқчилар қоровулликка туришган. Қўрғон дарвозаси улкан чинор ёғочларидан ишланиб. ушбу ёғочлар Хиндистондан махсус келтирилган бўлиб, дарвозаси ўймакорлик санъати билан ишланиб, унда Қуръони Карим оятлари битилган.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида қўрғон ичида совет ҳокимияти идораси жойлашган. 1924 йилда қишнинг жуда совуқ келиши оқибатида, қўрғон дарвозаси бўлақларга бўлиниб, оловга ёқилган. Шу йил ўлат касали тарқалиб, шўронинг жуда кўплаб ҳарбийлари вафот этиб, уларни қўрғоннинг ичида чуқур қовлаб, 15-20 талаб дафн этишган. Қўрғон ичидаги хашаматли уй-жойларга «Қизил аскарлар» нинг 86-отлиқ дивизия қўшинининг отлари сақланганлиги учун яқин яқинларгача «Конний девор»деб аталиб, кейинчалик ушбу отхоналарга 1936 йил матлубот жамиятининг кийим-кечак омборхонаси жойлашган ҳамда кейинчалик бузулиб, ховли жой қилинган.

1936 йилда Иттифоқ Конституциясини қабул қилди. Ушбу ҳужжатнинг 5 боб, 14 моддасига мувофиқ «Янгисини қуриш, эскисини бузиш» ғояси асос қилиб олинди. Натижада шу йили XVIII - XIX асрларда қурилган Бойсун ҳаммоми, 37 та масжид, «Худудия» қўш мадрасаси, усти ёпиқ Тим (бозор) ва бошқа асори-атиқалар бузиб ташланган.

Туманқўрғон қалъаси –археологик олимларнинг аниқлашларича, умумий ер майдони 1 гектарга яқин бўлган Оқжар қишлоғи яқинида жойлашган. Қалъа уч тарафи тик жарлик билан чегараланган табиий тепалик устида барпо бўлган. Қалъа Дарвозаси унинг ғарбий тарафида жойлашган. Дарвозага қалъанинг жанубий- шарқий томонидан сой ўзанидаги йўл орқали

ўтилган. Қалъага кириш қисми пиллапоясимон кўринишида бўлиб, зинапояннинг икки томонида соқчилар турган буржлар жойлашган. Қалъанинг ички қисмидаги биноларга ўтиш жойи ён томондан кўшимча янада мустаҳкамроқ ярим айлана кўринишидаги буржлар билан мухофазаланган.

Туманқўрғоннинг текисликка туташ шимолий-шарқий ва жанубий-шарқий томонлари ички йўлакни мудофаа девори ва унинг ташқи тарафи маълум оралиқ масофада жойлашган ярим айлана шаклидаги буржлар билан мухофазаланган.

Қалъа ва унинг қуйи қатламларидан қазиб топилган сопол идишларга кўра тахминан милоддан аввалги IV асрнинг охирида шакллана бошланган. 1985-1991 йилларда Туманқўрғоннинг жанубий қисмида мудофаа истехкоми ён томони бўйлаб бир-бири билан туташ турли ҳажмдаги 10 дан ортиқ хоналар қазиб очилган. Баъзи бир хоналарнинг томлари ровоқсимон услубда ёпилганлиги, хоналарда кўплаб хумларнинг мавжудлиги улардан хўжалик мақсадларда фойдаланганлигидан далолат беради.

Бу иншоотлар қалъанинг 4 ва 5 қурилиш босқичларини ифодалаб милоднинг II-III асрларига оид. Булардан қуйида яна 3 қурилиш босқичларига оид бинолар мавжудлиги аниқланган. Бу қалъада милоддан аввалги II асрдан милоднинг I асри охирига қадар ҳаёт давом этган. Бу қалъадан маъбуданинг тахтга ўтирган ҳолатдаги тасвирлари, мусиқа (уд) асбоби чалаётган хайкалчалар, бронза (жуз) ва темирдан ясалган тақинчоклар, камон ўқлари ва жуда нафис ишланган сопол идишлар топилади.

Туманқўрғон- баъзи бир адабиётларда ва ерли халқ орасида Пойқўрғон, Поёнқўрғон Пойкалон, Пойикалон, ёки Қуйи Қўрғон деб юритилиб, Қўрғонни болога нисбат берилади. Туманқўрғондан 2 км шимолий-шарқий тарафда Хангарон (Бойсунсой) сойнинг ўнг қирғоғида аждодларимиз мозори жойлашган. XX асрнинг 70 йилларида «Работ» ариғини тиклаш туфайли бу қадимий мозорнинг катта қисми текисланган. Бўйига 100-120 метр, энига қарийб 40-50 метр майдонни ишғол этган бу қадимий мозор сой бўйидаги тепаликда мавжуд бўлган.

Археологлар томонидан қазиб ўрганилган бу мозорда, майитни лахати бош қисмини шимолга, яъни Бойсун тоғ (Катманчопти тоғи) га қарата қўйишган. Қабрларда сақланиб қолган пахта толасидан тўқилган мато бўлаклари мархумнинг кийимлари билан дафн этилганлигидан далолат беради.

Аёллар бўйнига шода мунчоқ, кулоқларида сирғалар, бармоқларида узук, қўлларида билак узуклар, ён томонларида сопол идишлар билан биргаликда дафн этилган. Баъзи бир мархум аёллар кўкрагида кўнғироқча, ён томонида бронза (жез) ойна кўйиб кўмилган. Эркаклар дафн этилган қабрларга келсак ўқлари, пичоқлар ва бир неча сопол идишлар бор. Бир мархум қабрида сопол косага таом солиб кўмилган. Мозорни текшириш жараёнида топилган бу осори – атиқалар Кушон давлати шаклланиш даврининг илк босқичини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Археолог Т. Аннаевнинг ёзишича, XIX асрда рус ҳарбий муҳандислар томонидан тузилган ҳаритада Бойсун районидаги «Работ» атрофида сўнгги асрларга оид карвонсарой ўрни туширилган, ёдгорлик эса Туманқўрғон деб номланган. Оқжарликлар бу қалъани Бойсуннинг марказида сақланиб қолган

«Кўрғони-боло» (Юқори кўрғон) га нисбат этиб, «Пой кўрғон» яъни Қуйи Кўрғон деб атаганлар. Ҳарбий санъатнинг барча турларига монанд бунёд этилган бу қалъа милoddан аввал I ва мелодий II асрларга қадар ўлка ҳокимининг қароргоҳи бўлиб хизмат қилган.

Юнон- Бактрия ва Кушон подшоликлари даврида бу ерда Будда динига эътиқод қилганлар. Туманкўрғонни археологик қазилма даврида бу ердан топилган терракот хайкалчаларда (терракота- юнонча сўз бўлиб, пиширилган лой дегани) тахтда ўтирган аёл маъбуда ёки мусиқа асбоблари чалаётган аёл тасвирлари акс этган ноёб хайкалчалар топилди.

Кўрғони-боло қалъаси- Бойсун марказини шимолида жойлашган Кўрғони боло, милoddнинг III асрида бошлаб жадал ривожланиши туфайли Туманкўрғон ўз аҳамиятини бутунлай йўқотган ва инқирозга юз тутган. Кўрғони болода IX асргача тараққиёт ривожланиб, кўрғонда катта ховузи бўлиб, ховузга сув хўкиз терисидан қилинган қувурлар орқали олиб келинган. Кўрғони боло Мўғиллар босқинига қадар қарийб X аср давомида ўлка ҳокимининг қароргоҳи бўлган.

Бойсун тарихидаги энг ёрқин саҳифалар Кушон давлати ҳукумронлиги билан боғлиқ. Кушонлар даврида Бойсунтоғ ва унинг ён бағрилари жадал ўзлаштирилган савдо йўллари ёқалаб янгидан –янги карвонсарой, қалъа ва қишлоқларга асос солинган. Шулардан бири Работ қишлоғидир. Работ қишлоғи кушонлар ва ундан кейинги илк Ўрта сарлар даврида карвонсарой бўлган. Ипак йўлида жойлашган, ушбу даргоҳ савдогарларни кўниб ўтадиган жойларидан бири бўлган. Кушон давлатига асос солган халқлардан катта бир гуруҳининг шимолий юртларида Бактрия ўлкасига кириб келиши Дарбанддаги «Темир дарвоза» орқали содир бўлган. Хитой ёзма манбаларига кўра, милoddан аввалги II асрга келиб, ҳозирги Сурхон воҳасига, жумладан, Бойсун худудига хунлардан талофат кўрган юечжиларнинг катта бир қисми даюечжилар (катта юечжилар) яшаб турган, Тангритоғ тоғларининг шимолий-шарқдаги худудларни ташлаб жанубга Даха (Тохаристон) ерларига келиб ўрнашди. Натижада кўчиб келган юечжилардан мелодий I асрда Кушонлар сулоласи вужудга келади. Кичик юечжилар, қўшни жужанлардан кўп изтироб чеккач, 417-418 йиллари ўз ватанларини ташлаб, қарийб беш аср олдин кетган аждодлари ўрнашган худудларга 420 йили келиб жойлашдилар, қароргоҳлари Боло кўрғонида бўлган. Кушон давлатини ҳалокатидан фойдаланган Кидарийлар 420-468 йилларда Мовароуннахр ва Тохаристонда ҳукумронлик қилди. 468 йилда Тохаристонда ҳокимиятни қўлга олган Эфталийлар ҳукумронлиги даврида Сурхон воҳаси худудида ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаёт маданий жиҳатдан ривожланиб борди.

Ёвчи-(тоҳар)лардан бири Бойсун атирофида истиқомат қилганлигидан Хангаран (Бойсун) сойнинг ўнг қирғоғидаги Оқжар қишлоғи яқинида археологик олимлар томонидан ўрганилган қадимги мозор гувоҳлик беради. (балки, ёвчиларни ҳозирги авлоди) Ёвчи қишлоғида яшаётгандирлар. Ёвчи (Ёвчи) бир маънони англатилади.

«Сисимифра» ва **«Хориен» қалъаси-** ёзма манбаларда милoddан аввалги 327 йилда македониялик Искандар бошлиқ қўшинлар қамал қилган суғд ва Бактрияликларнинг ушбу қалъалари Дарбанд яқинидаги «Темир дарвоза»

атрофида жойлашган бўлиб, Бойсун тоғлари ва унинг жанубий ён бағриларида милоддан аввалги IV-III асрлардан бошлаб қалъа ва қишлоқларга асос солинган.

Афсонага кўра, жуда қадим-қадимда Хўжабулғон ва Дарбанд автомабил йўллари чоррахасида жойлашган Бозортепа атрофида катта сув манбаи бўлиб, македониялик Искандар Бойсунлик гўзал Рокшанани (Раксана) шу жойда кўриб қолиб, отига ўнгириб кетган экан. Бойсунлик келин, кейинчалик Жаҳонгирга ўғил ином қилган. Махаллий халқ орасида сақланиб қолган бу афсонада маълум даражада тарихий ҳақиқат бор.

Искандарнинг барча ҳарбий юришлари тўғрисида қалам тебратган Кўрций Руфни «Хориен» қалъаси ҳақида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: «Хориен» қалъасининг баландлиги 20 ўтади (3500-3700 м.кв) айланаси 60 стадий бўлиб, ҳамма томони нишабликдан иборат бўлган. Қояга ёлғиз оёқ йўл олиб борган ва қоя атрофини чуқур жарлик қамраб олган. Айрим тарихчи олимларнинг фикрига кўра, Хориен қалъаси «Темир дарвоза» дарасида жойлашган бўлиб, «Темир дарвоза» Бактрия билан Суғдиёна ўртасида чегара вазифасини ўтаган.

Яна бир Юнон тарихчиси Аррианнинг ёзишича, Искандар Хориен қалъасини олишда жуда ҳам қаттиқ қаршиликка учраган. Чунончи, Бактрия шимолидаги Паретакада, яъни Бойсунтоғ ва Кўхитанг тоғ даралари худудларида мавзеларда Юнон босқинчиларига қарши қаратилган махаллий қаҳрамонлар Катан ва Австан раҳбарлигида халқ ғалаёнлари бўлиб ўтган.

Искандар Паретакадаги кўзғалонни бостириш учун Крател исмли саркардаси бошлиқ кўшинни қолдириб ўзи Амударёдан ўтиб, Зарияспага (Балхнинг иккинчи бир номи) йўл олади. Паретакада кўтарилган кўзғалонга Катан ва Австан исмли жангчилар бошчилик қилишган. Икки ўртада кечган шавқатсиз жанг оқибатида Катан ва бир ярим минг Бактриялик кўзғалончилар ҳалок бўлади. Австан эса асирга олинади. Юнонларнинг бу тупроғдаги айнан манна шу жангга охири жанглардан бири бўлган. Юнонлар билан бўлган жангда жуда кўплаб аҳоли қирилиб кетади. Хўжалик ҳаёти издан чиқади, қадимги Бойсун даврига оид бўлган бой маданият инқирозга юз тутди.

Ёзувчи, адиб Махсуд Қориев ўзининг «Спитамен» асарида «Хорён» қалъаси ва унинг хўжайини Хориен ва хотини Оксирит уларнинг қизи Рухшона ҳақида ёзган. Оксиритни гўзал қизи Рухшонага Спитаменни ошиқ бўлиб қолиши, уни бунчалик дилбар, бунчалик келишганлигини ва ёқимтой эканлигини илгари кўрмаган экан.

Мунчоқтепа қалъаси-Бойсун марказидан жанубда Ҳозирги Мунчоқ қишлоғида, Туркундарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Археологлар томонида қазиб ўрганилган ушбу қалъа меъморчилик иншоотлари ва улар билан боғлиқ маданий қатламлар милодий I асрдан XII асрларгача тўғри келади. Ушбу қалъа Кушон подшолиги (I-IV асрлар) ва V-VII асрларда мустаҳкам қалъа вазифасини ўтаган. Ривожланган ўрта асрларга бориб Мунчоқтепа қалъаси ўзининг мавқеини йўқотиб, карвон йўли ёқасидаги қишлоқлардан бирига айланади.

Мунчоқтепа маданияти. Бойсун тарихида алоҳида ахамиятга эга бўлган Мунчоқтепа илмий манбаларда ўз аксини топиб, ушбу манба худудида узоқ асрлардан буён аҳоли турмуш кечириб, ўзига хос моддий маданиятга эга бўлган

3 даврни бошидан кечирган. Биринчиси, Кушон подшолиги давр топилмалари. (Қизил лойдан ясалган идишлар, кушон подшолари Вима Кадфиз, Канишка-1 номидан зарб этилган мис танга пуллар ва мусиқа асбобини ўйнаётган аёл тимсоли мужассамланган мўъжаз санъат намуналаридан таркиб топган.) Иккинчиси, Бойсундаги Туманқўрғоннинг Кушон даврига оид топилмалари.

Учинчиси, Ўрта асрлар даврига оид. (бу топилмалар асосан сирланган турли-туман коса, лаганлар, қўлда ясалган ташқи, томони турфа рангларга безалган товоқ, кўза, хурмача, қозон ва копоқ қаби сопол идишлардир.)

Мунчоктепа қалъаси араб ва Чингизхон истилочилари томонидан икки марта вайрон этилиб икки марта қайта тикланган. Бу қалъада XII аср давомида ҳаёт қайнаган.

Бозортепа қалъаси- Бойсун –Дарбанд автомобилъ йўли чорраҳасидан 300 метр шарқий томонда (ҳозирда Изма) жойлашган. Қалъа томонлари 30x40 метр, баландлиги 3 метр бўлиб, тепада барпо этилган.

Археологик тадқиқотларга кўра, умумий майдон 1 гектардан ортиқ бўлган бу қалъа X-XIII асрларга оид. 1984 йилда археологик олим Т.Аннаев томонидан рўйхатга олиниб, 1985-1986 йилларда ёдгорлик илмий таҳлил этилди. 1987-1990 йилларда археологлар Т.Аннаевлар ва А.Бобоҳўжаевлар ёдгорликни ўрганиб, 15 га яқин турли катталиқдаги хоналар қазиб ўрганилди. Тадқиқот даврида X-XIII асрларга оид Муҳаммад Хоразмшоҳ номидан зарб этилган танга пул, жез, билакузук ва кўплаб хилма хил сопол буюмлар топилди. Қурилиш услуби ва меъморий тузулишига кўра хоналар жанубий-ғарбий ва шарқий қисмларга бўлиниб қурилган. Биноларга шарқий тарафдан қирилган. Хоналар тўғри тўртбурчак шаклида қурилган. Хоналар ичида супалар бўлган. Ҳамда сандаллар қўйилган. Бинолар асосан чағир тошдан қурилган. Ошхона, омборхоналар алоҳида-алоҳида қурилган.

Бозортепа ёдгорлигини қазиб давомида X-XIII асрларга оид Муҳаммад Хоразмшоҳ номидан зарб этилган танга, пул, жез билакузук ва кўплаб хилма-хил сопол буюмлари топилган. Ўрта асрларда барпо этилган Ушбу иншоат Чағониён ҳукумдорлари томонидан қурилган. Чағониён X-XI асрларда ҳозирги Ўрта Осиёнинг энг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланган, аҳолисининг сони ва бойлиги жихатидан Термиздан кейин турса-да, бироқ майдони жихатидан ундан катта бўлган. Тарихий манбаларда қайд этилишича Бозор тепада чиройли (ёпиқ бозор) тимлар, пишиқ ғиштдан қурилган масжид қад кўтариб турган. Ҳар бир ховлидан ариқ ўтказилган. Аҳолиси эътиқодига ва меҳмондўстлиги билан ажралиб турган. Ўзини отлари, жун матодан тикилган кийимлари, гиламлари билан донг таратган.

Бозор тепа атрофидаги ерлар тўкин суғорилиши туфайли қалин дарахтзор бўлган ва у ерларда қишда қуш овланган. Одамлари ўта жанговор ва кўркмас бўлган. Афсоналарга кўра, жуда қадим-қадимда Бозортепа атрофида катта сув манбаи бўлган. Бу ерда темирчи хунармандлар устахоналарига асос солинган. Ота ва туялар сотиладиган ягона бозори бўлган. Бозортепа XI-XIII асрларда гуллаб яшнаган. Чағониённинг жуда кўплаб қишлоқларидан ҳамда, Бухоро, Самарқанддан келиб савдогарлар савдо қилишган.

Бозортепа қалъаси – Буюк ипак йўлида жойлашган. Қалъа 1220 йилда Чингизхон бошлиқ мўғиллар босқини даврида вайрон этилган, қайта

тикланмаган. Ҳозирги-кексаларни айтишича, Шўроларнинг 1920-1937 йилларда Дарбандда турган харбий қўшинлари ушбу жойда ўқув машқларини ўтказган.

1933 йилда Шўролар саркардаси М.С.Будённийни Бойсунга келиши ва кутуб олиш маросими айнан Бозортепада ўтказилган.

Оқтепа қалъаси- X-XIII асрлар давомида Бойсуннинг воҳа қисмларида ва тоғ ён бағрларида яна бир қанча қишлоқларга, темирчи ҳунармандлар устахоналарига асос солинган. Чуянли ва Мунчоқтепа (Хомкон ҳудудида) хожа Қошқаран, Аламгидаги Мунчоқтепалар темирчи-кончиларнинг йирик қишлоқлари ва устахоналари бўлиб хизмат қилган.

Ана шулардан бири Оқтепа қалъаси ва унинг ёнидаги аҳолии истиқомат қилган Тўда қишлоғидир. Тепалик ўрнидаги қадимий қишлоқ одамларни меҳнати билан барпо этилган. Археологик олимларнинг аниқлашларича қишлоққа туташ тоғ қоялари ён бағрларида темирчи усталарнинг темир рудаси эритадиган ўчоқлари жойлашган. Бу ерда бир неча юзлаб метрларга чўзилган темир ва чўян эритиш печлари ва руда уюмлари Бойсунтоғнинг ўрта асрлар даврида Термиз ва Чағаниён шаҳарларининг иқтисодий ҳаётида нақадар муҳим ўрин тутганлигидан гувоҳлик беради.

Оқтепада жойлашган ана шундай ўчоқлардан 10 таси (1990) ўрганилган. Халқасимон шаклда қурилган бу ўчоқлар бир қаторда жойлашган. Ўчоқлардан 56 таси руда билан тўлдирилган ҳолатда сақланиб қолган. Ўчоқлар бўйи 1,50 метр, диаметри эса 1 метрга тенг. Ўчоқлар таг қисмида гилдан ясалган қувурлар жойлашган. Руда эритиш жараёнида бу қувурлар орқали ўчоққа ҳаво юбориб турилган. Бойсуннинг ташқи савдосида табиий бойликлар ва улардан тайёрланган ҳунармандчилик буюмлари билан биргаликда зиравор ўсимликлар ҳам муҳим ўрин тутган. Бойсун ҳудудида юз берган бу каби илдам таракқиёт 1220 йилнинг куз остида Чингизхон бошлиқ мўғил қўшинларининг ҳужуми туфайли тўхтаб қолган ва қишлоқ тўла вайрон этилган.

Манбаларда таъкидланишича, шимолий-ғарбий Тоҳаристон (ҳозирги Сурхондарё вилояти шу жумладан Бойсун ҳам) ахли кеч кузгача босқинчиларга мардларча қаршилик кўрсатганлар. Мунчоқтепа Хисортепа (Сайроб) Бозортепа, Оқтепа каби ўнлаб манзилларда ҳаёт илдизларининг сўниши XIII асрнинг биринчи чораги охиригача (1350 йилгача) тўғри келади. Бу юртнинг қайтадан иқтисодий ва маданий жихатидан юксалиши Темур ва Темурийлар даврида содир бўлган. Ҳозирги Тўда қишлоғи ана шу Оқтепа қалъаси ва қишлоғи атрофида шаклланган. Бу ерда умургузаронлик қилган халқ қадимий халқ ҳисобланади. Кўмир кончилар қишлоғи бўлган ушбу жой жуда кўп тарихий воқеалар шоҳиди бўлган.

Хориен қалъаси, Хориен қояси-Македониялик Искандар (Александр) нинг Туронзаминга қилган босқинчилик юриши даврида маҳаллий эпарх (ҳоким) лардан бири-Хориен раҳбарлигида олиб борилган мудофаа (милоддан аввалги 328 йил) иншоотини Александр босиб олиб, Паретака (тоғлар ўлкаси) вилоятига (Жанубий Ўзбекистондаги Бойсун тоғлари –«Дарбандда» Темир каниз ёнида.) йўл олган. Бу ерлардаги мустаҳкам қалъалардан бирига Хориен бошқа аслзодалар билан ўрнашиб олган. Узоқ муддатга етадиган озиқ-овқат захирасини ғамлаб, мудофаага шай қилиб турган. Қалъанинг баландлиги 20 стадий, айланаси 60 стадийни ташкил қилган.

(1 стадий-176,6 метр). Қалъа тик ён бағрли тоғда жойлашиб, унга фақат биргина тор сўқмоқ йўл орқалигина чиқиш мумкин бўлган. Қоя тепасидан тез оқар тоғ дарёчаси оқиб тушган. Қалъанинг теварак атрофи чуқур хандак билан ўраб олинган. Қамалдагилар кутмаганда Александирнинг шахсан раҳбарлигида македонияликлар қисқа муддатга хандакни миҳлар ёрдамида бир-бирига бириктирилган қарағай (арча) ёғочлари билан тўлдирдилар. Қамалдагилар даставвал душманнинг бу ишларига бефарқ қарашган, бироқ македон кўшини кўплаб шотилар ясаб, тоғ тепасига чиқа бошлаганликларини кўргач, Хориен таслим бўлишига мажбур бўлган.

Александр 500 та жангчи билан қалъага кўтарилиб, унинг нақадар мустаҳкам эканлигига шохид бўлган. Қишнинг қор –бўронларидан силласи қуриган озиқ-овқат захираси тугай деб қолган македон кўшини учун Александр Хориен қалъани ва унинг атрофидаги вилоятни Хориен ихтиёрига қолдириб, ўзи Бактрияга йўл олган.

Ялангтўштепа- шаҳар ҳаробаси (мил. авв. II-I , милодий VII-VIII аср) Бойсун Районидаги Ургулсой дарёсининг қуруқ ўзани бўйида. 1973 йилда академик Э.В. Ртвеладзе томонидан аниқланган. Умумий майдони 30 гектар. 3 қисмга бўлинган: Қўрғон, Шаҳристон ва Кафистон.

Қўрғон тўғри тўрт бурчак тархли (110x 100м), девор ва хандак билан ўралган. Қўрғоннинг жанубий тарафида дарвоза, бурчакларида ярим айлана шаклли миноралари бор. Кушон даврига оид сопол кушонлар, терракотадан ясалган маъбуданинг боши, арфа чалаётган қиз хайкалчаси топилган.

Сарибанд-(форс тўғон боши) Ўрта асрларга оид тўғон (XVI аср) Сурхондарё вилояти Бандихон қишлоғидан 7 км шимолий шарқда Ургулсой ўзанига қурилган. Унинг пишиқ ғиштдан (25-25-5см) ишланган айрим қисмлари сақланиб қолган. Тўғондан бироз баландликда Ургулсойнинг чап қирғоғида Сарибанд номли тепа бор. У баланд хисор (30-30 м) ва атрофи девор билан ўралмаган қишлоқ ҳаробаси бўлиб милоднинг бошларига оид шу ерда дарё ўзанидан қадимда турли тарафларга каналлар чиқарилган. Кушонлар даврида ҳам бу ерда тўғон бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

БОЙСУН ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА

*Маънавият, маърифатни тарғиб қилиш
ҳар бир зиёлининг виждон ишидир.
Маърифатчи фидоий бўлмоғи зарур.*

И.А.Каримов.

Фирдавсийни мафтун этган юрт.

(«Шохнома» да –Бойсун аймағи таърифи)

IX асрда яшаб ижод этган форс-тожик мутафаккир шоири Фирдавсий ўзининг «Шохнома» асарида Бойсун аймағи ҳақида шундай ёзиб қолдирган:

«Муножотдан кейин Барзуни кафо(орқага суриб кетиш)сари андок равон айладиким, тўқсон бош қадам орқасига суриб, то бошига кўтариб, тахтаи заминга андок урдиким, аз фарқ то пошна ерга накш боғлади. Рустам Паланг (арслон)янглиғ Барзу сийнасида тоғдек ижлос(оғирлик) кўргузиб, ул ҳолатда ханжари тахмураси девбандни эллофдан чиқариб, бўғзига қўйди. Бу ханжарни дарозлиги ўттиз икки газ, тўғриси(кенглиги) табон ё оташкадан(қуёшдек) намурд

шулға берур эди. Хохладимки, бошини танидан жудо қилгай, бир овоз Рустам кулоғига келди. Дедиким «Эй Рустам, ба ҳаққи дин васин, қўлингни андек сақла, Рустам назар қилиб, кўрдиким, Барзуни онаси-Шеруя мардонавор, энгил (эркакча) кийгин. Рустам, Сухроб отини эшитиб, Барзу сийнасидан қаро ер устига ханжарни ташлади. Дедиким:

«Нечукдин Сухробга ўғил бўладу?».

Шеруя айтди: «Ул кунекум, Сухроб бу жонибга, юз келтурди. Бойсун деган аймоқдин мени келтуриб ва никоҳига акат (никоҳ қилиб) боғлаб эрди.

Ва бу бозу банд(билак узук) ва манга атом берган аномга. Атом-Рустам ёднома (эсдалик) бериб, экан. Ман санга бердим. Агар ўғил каромат қилса (туғилса), бозусига(билагига)банд этгил. Агар қиз фарзанд туғилса, кокилига боғлагил. Мен атом Рустамни кўриб, жамоли жаҳон орасидан кўзимни ёритиб, ёниб, бу ерларга келсам, у бозубанд нишонаси бирла изларни топиб олурман», -деб бу бозбандни омонат бериб эди. Шохварим (эрим) Сухроб Худойи таолони тақдири бирла ўзларини қўллариди ажал шарбатни ичиб, ҳалок бўлди. Агар бобар қилмасалар, Бозбандни ечиб кўрсинлар...» Шох Рустамнинг навераси Баргунни онаси Бойсунлик келини Шеруя хонимни Бойсун аймоғидан ўз танлаб келин қилиш қилган экан.

Низомий Арузий Самарқандий (XI асрнинг 90 йилларида Самарқандга туғилган)нинг «Чоҳар мақола» ёки «Мажиаъун наводир» асарида ёзишича: «Фирдавсий «Шохномани» ёзаётган вақтида Али Дайлам котиби, Абу Дулар ровийси, Тус ҳокими Қутайба эса ҳомийси бўлиб, фирдавсийга кўмак беради.

«Китобимда бордир шаҳар сараси,

Абу Дулаф, Али Дайлам хисаси !

Мақтов билан ини айладилар шод

Шодликдан юрагим бўлай деб барбод!»... деб ёзган. Фирдавсийнинг котиби Али Дайлам-Бойсун аймоғидан бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас (К.Ф).

Гардизий ва унинг «Зайн ул-ахбор» асари

Машҳур муаррих Абдусаид Абдулхай ибн Заххок ибн Махмуд Гардизий XI асрда яшаб ўтган. Унинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумот кам сақланиб қолган. Нисбасидан унинг ҳозирги Афғонистоннинг шимолий тарафида жойлашган Гардиз касабасида туғилганлиги қайд этилади. У қўшни Ғазна шаҳрида истиқомат қилган ва ўзининг «Зайн ул-ахбор» (хабарлар безаги) асарини ғазнавийлар сулоласидан бўлган ҳукмдор Абдурашид ибн Султон Махмуд даврида (440/1049-444/1053) ёзган. «Зайн ул-ахбор» асари тарихий, географик ва этнографик маълумотларга бой бўлган қимматли манбадир. Форс тилида битилган мазкур асар бизгача фақат икки қўлёзма нусхада етиб келган бўлиб, улар Англия кутубхоналарида сақланмоқда. Ўн тўққиз бобдан иборат бўлган китобнинг дастлабки етти бобида бир қатор шарқ мамлакатларининг энг қадимги даврларидан 1041 йилгача бўлган тарихи ёритилган. Қолган бобларда мусулмонлар, юнонлар, хиндлар, яҳудийлар ва зардуштийларнинг йил ҳисоблари, байрамлари, илму-фанлари ва хоказолар баён қилинган. Шунингдек, алоҳида бир боб туркий қавмлар тавсифига бағишланган.

«Зайн ул-ахбор» форс-тилида бир неча бор қисқартирилган ҳолда нашр қилиниб, ниҳоят 1968 йилда афғон олими Абдулхай Хабибий томонидан Техронда асарнинг тўла нашри амалга оширилди. Асарнинг айрим қисмлари

баъзи ғарб тилларига ўгирилган. Туркий қабилалар ҳақидаги боб академик В.В.Бартольд томонидан рус тилига таржима қилинган. Хуросон тарихига бағишланган бўлимнинг А.К.Арендс томонидан рус тилига қилинган таржимаси Л.Епифанова томонидан нашрга тайёрланиб, 1991 йилда нашр этилган.

«Зайн ул-ахбор»да Чағаниён вилояти ва унинг атрофида рўй берган айрим тарихий воқеалар ҳақида ҳам маълумотлар бор. Ўз даврида сиёсий ҳаётида катта ўрин тутган саркарда ва давлат арбоби амир Абу Али Аҳмад ибн Абу Бакр Муҳаммад Чағоний ҳақидаги маълумотлар, айниқса, диққатга сазовордир.

Асарнинг Хуросон ва Мовароуннахр тарихига бағишланган бўлимнинг мазкур ҳукмдорлар даври тафсиқланган фаслларнинг тегишли қисмлари Абдулхай Хабибий нашридан ўзбек тилига таржима қилинди. Таржима матни орасида келтирилган қавс ичидаги рақамлар асл матннинг саҳифаларига ишорадир.

(Абдусайд Г А Р Д И З И Й)
«ЗАЙН УЛ-АХБОР»дан

Мақтовли (амир)Абу Муҳаммад Нух ибн Наср(даври) (155)...Шундан сўнг Абу Али Чағоний мақтовли амир (Нух ибн Наср)нинг амакиси Иброҳим ва аъёнлар билан Нишопурга келди. Иброҳим ибн Симжур ва Мансур ибн Қоратегин ўз тобелари билан кетиб, Марвга-Нух хузурига боришади.Абу Али 335 йилнинг рабиъ ул-авал ойида Нишопурдан чиқиб Сарахсга келди.У ерда Марвга қараб юрди. У Ойкон қишлоғига етганида, Нухнинг сарханглари ва мулозимларидан кўплаб мактублар келди. Улар Абу Али тарафга ўтишга мойл эдилар.Абу Али Марвдан бир фарсанг масофадаги санг қишлоғига келиб тушди. Нух Бухоро тарафга кетди ва Абу Али Марвга кириб, бир қанча вақт у ерда бўлди.Сўнгра у Бухоро тарафга юрди ва Жайхундан кечиб ўтди...

Абу Али ўз ўғли Абулмузаффар Абдуллох ибн Аҳмадни гаров тариқасида Бухорога жўнатди. Худди шундай қилишди ва бу воқеа 337 йилнинг жумоди ул-охир ойида бўлди. Абдулмузаффар Бухорога етиб келганида мақтовли амир шаҳарни безатиб, уни иззат-икром билан шаҳарга олиб киришни ва саройга жойлаштиришни буюрди. Амир уни ўзининг хос дастурхонига чақирди ва унга чопон ва кулох кийгизишди. (158)Чағаниён вилояти туманларида бири бўлган Босандда бир сохта пайғамбар пайдо бўлди ва у Дари Оханига келди. Унинг номи Маҳди бўлиб, пайғамбарлик давосини қилди. 322 йилда у ошкора дават қила бошлади. Кўплаб одамлар унинг олдига бориб атрофига тўпланишди. Бу Маҳди(камарига)қилич осиб олган бўлиб, ким унга хилоф бўлса, шу қилич билан унга ҳамла қиларди. У бир фирибгар одам бўлиб, турли хил макр-хийлаларни биларди. Чунончи, қўлини ховуздаги сувга тикар ва тортиб олганида ховучи динорга тўла бўларди. Ёки унинг дастурхонидан кўп сонли жамоат овқат ер, аммо тоам асло камаймасди. Унинг жомидан бутун жамоат сув ичар, аммо у жом бўшаб қолмасди. Унинг хос қавмига мансуб одамларнинг ҳар бири кунига бир дона хурмо ер ва бу уларга кифоя қиларди. Бу хабар вилоятларга тарқалгач, жохил омма орасидан кўп одамлар унга томон интилишди. Бухородан Абу Али Чағонийга «Ул сохта пайғамбарнинг ишини бир ёқли қилиш чорасини кўр»-деган мазмунда мактуб келди.

Абу Али Абу Талха Жаъфар ибн Мардоншоҳни(унга қарши)юборди.Варди қишлоғида бўлган Маҳди тоққа чиқиб кетди. Жанг қилиб, уни қўлга олиб, тоғдан

пастга туширишди ва бошини кесиб, тўрвага солиб Абу Алига юборишди. Абу Али ўша пайтда Шумонда эди. У кесик бошни (Махдига)рағбат билдирган барча одамларга кўрсатишни буюрди ва сўнгра Бухорога жўнатди. Абулмузаффар ҳамон Бухорода эди. Бир куни отга миниб юрганида от қоқилиб, у отнинг устидан учиб тушди ва боши бир тошга тегиб, мияси отилиб чиқиб ўлди. Мақтовли амир ғоят ғусса чекди ва уни қимматбаҳо кафанга ўраб, жасади солинган тобутни Чағаниёнга жўнатди. Шунингдек, мақтовли амир Наср шаробдорни таъзия учун Абу Али хузурига юборди. Абулмузаффарнинг вафотидан сўнг икки ой ўтгач, Мансур ибн Қоратегин Нишопурда ўлди.

Мақтовли амир Хуросон спохсаларлигини Абу Али Чағанийга бериб, унга ёрлик ва байроқ юборди. Чағаниён ва Термизни унинг ўғли Наср ибн Аҳмадга берди. Абу Али 340 йилнинг зулҳижжа ойида Нишопурга келди. 341 йилда Хуросоннинг барча ишларини тартибга солди. 342 йилда Райга юриш қилди ва бу шаҳарда Хасан Буйани қамал қилди. Вушмагир ибн Зиёр Хасан Буйага мадад юборди, аммо улар бир иш қила олмадилар. Ўша вақтда Райда отлар орасида ўлат пайдо бўлди ва отлар қирилиб, озайиб қолди. Сўнгра баъзи кишилар икки ўртада воситачи бўлиб сулх тузишди.

Хасан Буйа ҳар йили икки юз минг динор тўлайдиган ва Абу Али қайтиб кетадиган бўлди. Хасан Буйа бу хирожга гаров тариқасида Аббос ибн Довудни Абу Али хузурига жўнатди ва Абу Али Нишопурга қайтиб кетди. Мақтовли амир «Абу Али Хасан Буйа(тарафи)га мойил бўлмаганмикан»,-деб шубҳа қилди. Абу Али (159)одам юбориб аҳволни маълум қилди. Аммо мақтовли амир ғазабидан тушмади. Шундан сўнг, Абу Али Чағаний Нишопур шайхлари, шохид кишилар ва аёнларни ўз узрини айтиш, барча аҳволни маълум қилиб, мақтовли амир шубҳаланаётган нарсада ўзининг бегуноҳлигини билдириш учун Бухорога жўнатди. Аммо Нишопурдан жўнатилган ишончли вакиллар Бухорога етгунича бўлмай, мақтовли амир касалга чалинади ва аҳволи тобора оғирлашиб, 343 йилнинг рабиъ-ул аввал ойида ўша касалликдан вафот қилди.

Шарафиддин Али ЯЗДИЙ «Зафарнома»дан

Амир Хусайиннинг амир Баён Сулдуз билан жанг қилмоққа черик тортгани ва амирлардан мадад сўрагани ҳақида сўз.(в.97а). Амир Қазаганнинг невараси амир Хусайн зудликда Қобулдан отланиб, амир Баён Сулдуз билан жанг тараддудига тушди, лашкарни тузиш ва қуроллантиришга киришди ҳамда элчи юбориб, хазрат Соҳибқирон, амир Боязид жалойир ва амир Хизр Ясаурийдан ёрдам сўради. Улар кенгашиб олганларидан сўнг, ушбуни тўғри топдилар: Хазрат Соҳибқирон ва амир Ясаурий (икковлари) амир Хусайиннинг илтимосини қондирадиган бўлдилар. Амир Боязид эса Жата амирларида тухмат ва ёмонлик қилмоққа мажол қолмасин, деган мақсадда, Туғлук Темурхон томон юрмоқни маъқул деб топди. Амир Боязид ушбу режага кўра йўлга чиқди. Хўжанд вилоятига етганида, Туғлук Темурхоннинг барча лашкарлари билан яна қайтиб келганлиги ва Чу суви бўйида ўз уруғи билан бирикканлиги хабарини эшитгач, мўлжаллаган ўйидан қайтди ва ўша ерда тўхтаб турди. Бошқа томондан эса, хазрат Соҳибқирон ва амир Хизр тартибга келтирилган лашкар билан амир Хусайнга ёрдамга жўнадилар.

Улар дари Оханин деб аталадиган Кахалқадан ўтиб, амир Хусайн қошига етдилар ва биргаллашиб Ҳисори-Шодмон томон юрдилар. Чунки амир Баён

Сулдуз ўша ерда эди, уларга қаршилиқ кўрсатишни ўз имконияти даражасида кўрмагач, қочмоқни ихтиёр қилди ва Бадахшон томон юзланди. Улар кетма-кет таъқиб қилиб юрдилар. Бадашхонга етганларида, ул жойнинг волийси қочди ва мамлакат амир Хусайннинг қўл остига ўтди.

Хазрат Соҳибқироннинг амир Хусайн билан жанг қилмоққа черик тортгани ҳақида сўз.(в.116а,б).

Етти юз олтмиш еттинчи (1365)йилнинг кузида, яъни от йили хазрат Соҳибқирон сон-саноксиз лашкар тузди...Уларни олиб Амир Хусайн билан урушмоққа отланди. Амир Сайфиддинни катта бир гуруҳ билан манглой тайнлаб олдинда жўнатди. Амир Хусайн(ўз вақтида)Шер-Бахромни хийла ва алдов йўлдан оздириб, макр тузоғига илинтирганлиги ҳамда ўзига муте ва қарам қилиб олганлиги сабабли, хазрат Соҳибқиронни ҳам ўша услубда бўҳтон билан ўйнатиш мумкин, деган ҳаёлга борди, минг афсус. Шу пайтда, у Малик баходир ва унинг ўғли Абдуллохни аҳднома ила ул Хазрат қошига жўнатди ва фириб берувчи сўзлардан иборат нома юборди, яъни: «шу пайтгача зарур умумий масалаларни бир-биримиз билан иттифоқда ғолиблиқ тўпини рақиблар ва тенглашувчилар майдонидан юлиб олдик. Маъқул улдурки, бундан кейин ҳам ўша удум сақланса ва ушбу аҳдномага тўла-тўқис ишониб, ҳеч бир дағдаға ҳаёлга келтирилмаса».

Ғолиб лашкар Каҳалқадан ўтиб Бойсун уларнинг Хумоюн қўнимгоҳи бўлиб турган чоғда(элчилар)Малик баходир ва Абдуллох етиб келдилар. Амир Хусайннинг аҳдномаси ва номасини етказдилар ҳамда сулҳ ва ярашмоқдан сўз отдилар. Саодатли Соҳибқирон фурсат беаб турган давлат илхоми билан, Мисра:Сенинг аҳдингга сабо ели ҳам суяна олмас,(деган мазмунни)англаб этди. (Шу сабабдан),ул аҳдномага эътибор бермади ва айтилган сўзларга қулоқ тутмади.

Хазрат Соҳибқироннинг Амир Хусайн устига черик тортгани ва парвардигор июнотининг қўллови билан зафар қозонганлиги ҳақида сўз (1356-136 бетлар).

Амир Хусайн ўз аҳду паймонини бузишни ўйлаб яна душманлик қасдида айёрлик ноғорасини нифоқ палоси тагида чертаётганлиги ҳамда фурсат кутиб ўз муродига ҳийла билан етишиш орзусида эканлиги турли далил ва белгилардан равшан бўлди.

III. БОБ. БУХОРО АМИРЛИГИ ДАВРИДА БОЙСУН БЕКЛИГИ

Биз ўз тарихимизда ҳеч қачон, ҳеч кимга ҳасад, ёвуз ният билан қараган эмасмиз ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилишга ҳақлимиз.

И.А.Каримов

Бухоро амирлигининг XVIII аср охири XIX аср бошларида ижтимоий-сиёсий аҳволи тарқоқ ҳамда зиддиятлар ниҳоятда кучайган бўлиб, 1747 йили Аштархонийлар сулоласи фаолиятига чек қўйилган давр эди. Ҳокимият учун кураш сохта хонлардан бўлган Абдулмўмин ва Убайдуллахонлар кўлида бўлсада, бироқ Бухоро ҳокимиятини амалда манғитларнинг йирик амалдорларидан бўлган Муҳаммад Раҳим (1747-1758) ихтиёрида эди. Катта сиёсий қобилиятга эга бўлган Муҳаммад Раҳимбий кучли ҳарбий интизомга эга бўлган кўшин тузиб, Бухоро тахтини эгалаб, ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказди. Бухоро амирлигига бўйсундирилган Бойсун ҳақида қуйидаги маълумотлар мавжуд.

Ўрта аср **Бисанди** илк бор XVII асрдан бошлаб Бойсун шаклида учрайди. 1758 йилда Муҳаммад Раҳимхон Бойсун ва унинг атрофидаги тоғли қишлоқларни ўзига бўйсундириб, Бойсунни Шеробод беклиги ихтиёрига маъмурий-ҳудудий жиҳатдан бўйсундирди. Савдо йўлида жойлашган Бойсун асосий ҳарбий-стратегик марказ сифатида танилиши билан бирга Бойсунтоғ ва Кўхитанг тоғларидаги темир конлардан фойдаланиш билан биргаликда Дарбандда мрамор ишлаб чиқарилган. XIX асрда Бойсунда тўқимачилик ва хунармандчилик ишлаб чиқариш анча мукамал ривожланган.

XIX асрда Бухоро амирлиги Термиз ва Чағаниён ҳудудини тўлиқ истило қилиб, Бойсун беклиги ташкил этиб, маъмурий бошқарув тизимини мустаҳкамлаб олди.

Бойсун ҳудуди тўлиқ истило қилди. Амир Шохмурод даврида Шарқий Бухоронинг бўйсундирилган ҳудудларида Тархон ёрлиғи жорий этилиб, ўзаро уруш-жанжалларга чек қўйилиб, солиқлар тизими тартибга олинди. Сурхондарё ҳудудидаги ерларни ўзлаштириш, суғориш тўғонларини қуриш, амирлик учун солиқ тўлашни кўпайтириш масаласига жиддий эътибор беришга ҳаракат қилди. Амир Шохмурод ўз сиёсати, тадбиркорлиги, дарвешлик қобилияти билан халқ ўртасида катта обрў топди. Ўзини инсонпарвар қилиб кўрсатиб, Сурхондарё, Ҳисор, Боботоғ этакларидаги ўзаро жанжалларга чек қўйди.

Амир Шохмурод Бойсун шаҳрида мадрасалар қуриб, ёшларни Куръон тиловат қилишга, илм олишга чорлаб, ўз номидан бу ўлкаларда хайр-садақалар ўтказди. Ўзаро урушлар натижасида вайронга айланган Бойсун қалъаларини тиклаш, мадраса ва масжидларни таъмирлаш ишларига маълум миқдорда йиғилган солиқ ҳисобида маблағлар ажратди. Бойсун марказидаги бош масжидларда ўз тарафдорларини йиғиб, ёрлиқлар орқали дарвешлар жамиятини тузиб, одамларни оддий, самимий, камтарона яшашга, дин йўлида боришга, ахлоқсизлик, қаллоблик, ўғирликнинг олдини олишга чақирди. Ўз навбатида ўша даврдаги бу чақириқ муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ягона давлат атрофида

бирлашмаган, ўзаро низо-жанжаллар марказига айланиб, ижтимоий-маданий тараққиёт ривожига солиб таъсир кўрсатган Сурхон ҳудуди учун ниҳоятда зарур эди. Шунинг учун Амир Шоҳмурод халқ орасида «Амири масъум» («Беғуноҳ амир») тахаллусини олиб катта обрўга эга бўлди. Қайд этиш зарурки, Амир Шоҳмуроднинг қатъий ҳаракати туфайли Сурхондарё ҳудуди Афғонлар ҳужумидан ва талон-тарож этилишидан батамом халос бўлди.

Бухоро амирлигининг маъмурий-худудий тузилиши ва идора этилиши шарқона тизимда бўлиб, якка ҳукмронлик ғояси эътиқод рамзи қилиб олинган эди. Амирлик пойтахти бўлган Бухоро шаҳри алоҳида маъмурий ҳудуд ҳисобланиб, унинг атрофидаги бекликлардан бўлган Бойсун беклиги назоратидан иш юритувчи амирга ҳисобот тарзда ёзма билдириб турган. Амирлик бошқариш давлат аппарати маъмурий, молия, суд, миршаблик ва ҳарбий идоралардан иборат бўлган. Уларнинг ҳар бирига амир томонидан олий даражали мансабдорлар тайинланган ва уларга катта ҳуқуқлар бериб қўйилган эди.

Бек-амир томонидан маълум бир ҳудудга тайинланган мансабдор. Бухоро амирлигидан 25 та беклик бўлиб, унинг тепасида катта ҳуқуқларга эга бўлган бек турган. Бек ўзига топширган ҳудудда маъмурий, суд, миршаблик ва молия ишларини ўз қўлида сақлаб турган. Турли жинойий ишларни кўриб чиқиш ва жазо бериш (ўлим жазосидан ташқари) бекнинг ихтиёрида бўлган. Бек ўзига топширилган ҳудудни назорат қилиш ва кўриқлаш учун бир неча ўнтадан бир неча юзга яқин сарбозга эга бўлган. Турли босқинчи тўдалар ва деҳқонларнинг норозилик чиқишлари шу қўшин ёрдамида ёки амир юборган сарбозлар ёрдамида бостирилган.

Беклар маъмурий тузилиши қуйидагича бошқарилар эди. Бек, беклик ёки вилоятлар ижрочиси Бек дастурхончи-иқтисодчи ёрдамчи. 2та закотчи, солиқ хизматчилари, бири бек саройида резидент, иккинчиси эса айланиб юрувчи. Навқар бажарувчи ва миршаб хизматчиси жумладан тунда навбатчилик қилувчи. Доруға-ҳосил йиғиш ва солиқ тўплаш чораларини бажарувчи. Сув билан боғлиқ ишлар эса миробга тааллуқли ходим. Амлақдорлар-мироб ёки оқсоқол томонидан бошқаради.

Амлақдор-ҳар бир беклик амлақдорларга бўлиниб, улар тепасида амлақдор турган ва у бекка бўйсунган. Амлақдорнинг вазифаси ўз туманидаги аҳолидан турли-таман солиқ ва йиғимлар тўплашдан иборат бўлган. Амлақдор етиштирган ҳосил миқдорини аниқлаш ва солиқни белгилаш вақтида ёки турли воқеалар юз бериб қолганда ўз қароргоҳидан четга чиқа олган. Бошқа пайтларда доимо ўз жойида бўлиши шарт бўлган. Амлақдор етиштирилган ҳосилдан солиқ ундириб олгандан сўнг, уни бек ихтиёрига юборган. Масалан, Денов беклиги Хайрабод амлақдори 6290 танга жирож, 9400 танга кафсан йиғиб олиб бек хазинасига юборган. Амлақдор ўз туманида бош миршаб вазифасини ҳам бажариб, гуноҳкорларни калтаклаш ёки жарима солиш билан жазолаган. Ўта хавфли жинойатчиларни бек ҳузурига жўнатган. Амлақдорга ўз навбатида амир ва оқсоқол бўйсунган.

Амин-амлақдор ёрдамчиси бўлиб, у солиқ йиғишда ва аҳолини назорат остида сақлаб туришда амлақдорга ёрдам берган. Амин вазифасига маҳаллий майда мансабдорлар тайинланган. Амин вазифасига маҳаллий майда мансабдорлар тайинланган. Бухоро аминлари бошқа мансабдорлар орасида кўп

нарсадан хабардор шахс ҳисобланган. Эжаевнинг айтишича, улардан аҳолининг турмуши, йўллар, доvonлар, дарё кечувчилар ҳақида аниқ маълумотлар олиш мумкин бўлган.

Оқсақол ҳар қишлоқда бўлиб, бу вазифага аҳоли ўртасида катта обрўга эга бўлган одамни сайлаш орқали тайинланган. Оқсақолликка сайлаш ҳар йили ўтказилиб, агар аҳолига олдинги оқсақол маъқул келмаган бўлса, янгисини сайлашган. Оқсақоллар солиқ йиғиш даврида кўпинча деҳқонлар тарафини олиб, закотчи томонидан қилинган инсофсизликларига қарши курашган.

Тарихчи Ж.Кунитс Бухоро амирлигининг маъмурий тузилмаси ҳақида тўхталиб, Амирнинг ҳокимияти мутлоқ эди. Турли муассасалар бошлиқлари, ҳокимлар у томонидан тайинланар ва фақат унга масъул эди. Муаллиф сўзида давом этиб,- «Мамлакат маъмурий бирлашмалар-вилоятлар, туманлар ва қишлоқларга бўлинарди. Маъмурий амалдорлар беклар, амлакдорлар, оқсақолар эди. Ислом одатига кўра ҳар бир бекликда раислар ва унга итоат этувчилар мавжуд эди. Молиявий бўлим эса закотчилар-марказий ва маҳаллий солиқ йиғувчилар томонидан бошқариларди, ҳар қайси беклик ўзининг суд аппаратига эга бўлиб, у бош қози ва унга бўйсунувчи қозилардан, шунингдек муфтидан иборат эди, ҳамма идоралар амир назорати остида эди. Амир солиқ тўламасди» деб фикр билдиради.

Рус олими А.Губаревич-Радобьшьскийнинг маълумотларига қараганда, амирликнинг 20000 минг кв. верст суғориладиган ерлари бор эди. Аҳолисининг сони 250 минг киши бўлиб, қишлоқ хўжалигида банд ҳар бир эркакка (300-400 минг) 4-5 десятинадан ер тўғри келган. Амирликда ер танқислиги ниҳоятда юқори даражага етиб Бухоро амирлиги таркибидаги Бойсун беклиги иқтисодиётида ҳам қишлоқ хўжалиги етакчи ўринни эгаллаган ва амирликда қишлоқ хўжалиги маълум даражада бўлса-да, ривожланган бекликлар саналган. Буни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин (ҳосилдорлик минг ботмон ҳисобида):

Бекликлар	аҳоли сони (минг киши)	Буғдой (минг бот-мон*)	Арпа (минг ботмон)	Бошқа донли экинлар	Уруғ	Донли Экин- ларнинг буғдойга нисбати
Бойсун	30	40	20	8	3	47

Маълумки, Сурхон воҳаси «Шарқий Бухоро ерлари» деб аталган, тадқиқотчиларнинг маълумотларига қараганда, Шарқий Бухорода деҳқончиликдан кейин чорвачилик етакчи мавқени эгаллаган. Албатта, чорвачилик учун қулай об-ҳаво ва кенг яйловнинг бўлиши унинг ривожига кенг имкон берган. Чорвачилик нафақат озиқ-овқат маҳсулоти, балки воҳанинг ички ва ташқи савдосида муҳим ўрин тутувчи соҳа саналган. Савдогар С. Мазовнинг маълумотларига қараганда, Бухоро амирлигининг 6000000 бош қўй ва эчкиси бор экан. Мазкур даврда Бойсун беклигида қуйидаги миқдорда чорва моллари бўлган:

Бекликлар	туя (бош)	Шохли мол (минг бош)	от (минг бош)
Бойсун	1000	30	25

Бухоро амирлигида қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликнинг ривожланиши натижасида чорва маҳсулотларининг нархи ҳам унчалик юқори бўлмаган. Масалан, 1 ботмон буғдой 15 танга; гуруч 22 танга; арпа 8 танга атрофида баҳоланган.

Тарихчи олим Энкаузе XIX асрда Бухорода ҳаёт ерга боғлиқ бўлганлигини таъкидлаб, аҳолининг 90 фоиз қишлоқ хўжалиги билан банд эди, деб ёзиб «Амирликда XVI асрдан бери маълум бўлган аграр ташкилотлар шакллари давом этарди. 12.2 фоиз ер амрининг шахсий мулки, 55,8 фоизи вақф ерлари, 7,8 фоизи эса аҳолиги тегишли бўлиб, мавжуд ерлар 3 та шаклга:

1. давлат мулки, 2. шахсий мулк, 3. вақф ерларига бўлинганлиги ҳақида маълумот келтиради.

Бошқа бир тарихчи эса бу ҳақида тўхталиб «Барча ерлар амир ёки хонга тегишли эди. Шунингдек, тақсимланган ерлар 4 та шаклга бўлинарди: 1. давлат ерлари, 2 хонга тегишли ерлар, 3. Ишлатилмайдиган ерлар, 4. ҳаробозор ерларга бўлинган. Бухоро хонлигида- Ўрта асрчилик бошқарув тизимининг узок сақланиши тараққиёт ва кушни куч-қувватга салбий таъсир кўрсатади. XIX аср бошларида чўяндан қуйилган бир неча тўп бўлган. Сарбозлар ўқ-ёй, найза, қилич, ойболта каби қуроллар билан қуролланган. Хонликда қўшин асосан отликлардан ташкил топган. XVIII аср охиридаги маълумотларга қараганда Бухоро хонлигининг 10 минг қишилиқ қўшин тўплаш имконига эга бўлган. XIX асрнинг 30 йилларида ёлланма аскарлар сони 19 минг киши бўлиб, улар хизматини турли шаҳар ва ҳарбий истехкомларда ўтаганлар.

Бойсун ҳақида «Зафарнома» асарида тўхталиб ўтилган. XIX асрда Бойсун Сурхондарёдаги 3 та бекликдан бири бўлиб, унда бадавлат ўзбек аҳолиси яшаган. Катта тарихга эга бўлишига қарамасдан Бойсуннинг ўрта асрлардаги тарихи, XVII, XVIII, XIX асрлардаги фаолияти биз учун номаълум бўлиб қолган эди. Шарқшунос Н.А. Маевнинг ёзишича: «Бойсун энг қадимги шаҳарлардан бири бўлиб, қадимги шаҳар қолдиқлари, моддий маданият манбалари вайрон қилиб ташланган, қимматбаҳо тарихий ашёлар бунга мисол бўлади».

XVIII аср ўрталарида Бойсун ҳудуди Ҳисор беклигига бўйсунган эди. 1868 йил охирида Бойсун шаҳрида бўлган халқ кўзғолонидан кейин Бойсун Бухоро амирлигининг мустақил беклигига айланди. Бойсун беклиги тўртта амлақдорлик – Бойсун, Явмчи, Пошхурд ва Дарбанддан ташкил топган.

Бевосита бекликларга тобе амлақдорлардан ташқари Амирга тўғридан-тўғри бўйсунувчи амлақдорликлар ҳам бўлган. Лекин ушбу ҳолат доимий эмас, балки вақтинча бўлган. Масалан, Н.А.Маев XIX асрнинг 70-йилларида Ҳисор ўлкаси бекликлари ҳақида гапирар экан, Дарбанд, Сарижўй ва Файзобод амлоқдорликлари маҳаллий бекка бўйсунмаган ва бу амлоқдорликларни бевосита Амир тайинлайди, деб кўрсатади. Лекин, кейинги давр муаллифлари

ушбу кўрсатилган амлоқдорликларни бекликлар таркибида деб айтиб ўтишган.

Н.А.Маевнинг ёзишича, «Бойсунликлар озгина кўрсатган қаршилиги билан Амирдан ўзларининг мустақил иш юритиш ҳуқуқларини қўлга киритдилар». Бойсун шахрининг Марказий Осиё сиёсий ҳаётидаги ўрнини Н.А.Маев қуйидагича ёзади: «Унда ҳамиша оддий нисбатан тинч қишлоқ ҳаёти ҳукм сурган, Марказий Осиё сиёсий ҳаётида қонли тўқнашувлар ва давлат тўнтаришлардан узоқда бўлган тоғ қуйида жойлашган кўчманчи аҳоли марказлари билан ўраб олинган оддий бир шаҳар эди». Бойсун беклигидаги Пошхурд ва Дарбанд амлоқдорлигининг бир қисми Эгри-Арик (Бойсун) амлоқдорлиги ва Ёмчи (Жомчи) амлоқдорликларини ўз ичига олган. Бойсун беклигига юқори томондан юрилса, Чорбоғ Кориздан (Бошхурд) Пошхурд, (Хотан) Хатак қишлоғи ва Дарбанд орқали ўтилади. Бойсун беклигининг ҳудуди ҳақида Д.Н.Логофет, битта амлоқдорликка кирувчи 10 та қишлоқни қайд этган. 1) Бойсун; 2) Жомчи; 3) Работ; 4) Дарбанд; 5) Сайроб; 6) Хатак; 7) Зарабоғ; 8) Пошхурд; 10) Кокайди.¹

Дахпаракент бекларининг амир олдидаги мавқеига қараб Ғузур, Бойсун, Шеробод бекликлари ўртасида алмашилиб турган. Бойсун воҳаси уч томондан тоғлар билан ўралган, ғарбда Дарбанд, шарқда Бўрихта тоғлари билан туташган.

Бойсун беклигига бўйсунувчи амлоқдорликлар ва унинг аҳолиси

№	Амлоқдорликлар	Ҳовли	Аҳоли сони
1	Бойсун	2000	6000
2	Дарбанд	2500	4500
3	Бошхурд	700	2100
4	Жомчи	5600	46500 киши
	I. Бойсун амлоқдорлиги		II. Дарбанд
	Қишлоқлар		Қишлоқлар
1	Шайит	1	Чамбул
2	Газа	2	Қапчирай
3	Пайгабоши	3	Оқ мачит
4	Шўрсой	4	Испандиёр
5	Работ	5	Кўрғон
6	Инқобод	6	Қизил-қишлоқ
7	Қорабўйин	7	Бозорсой
8	Кофрун	8	Кўшосиё
9	Пасурхи	9	Бирга-бир
10	Сариосиё	10	Човди
11	Авлод	11	Ёлғиз-булоқ
	Пошхурд амлоқдорлиги	12	Кўскак
	Қишлоқлар	13	Чашми

¹ Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов таджики Уз.на. М., Наука. 1976. С. 146.

1	Сайроб	14	Кўшкак
2	Панжоб	15	Ғурум
3	Хатак	16	Сесанги
4	Лайлаган	17	Қўноқпоя
5	Зарабоғ	18	Тошқалок
6	Қорабоғ	19	Қизилкўтан
7	Вандоб	20	талли
8	Шержон	21	Титов
9	Чакоб		Жомчи амлакдорлик
10	Пошхурд		1) Бибиширин
У 10 та қишлоқни ўз ичига олганлиги учун- Даҳпаракент деб аталган.			2) Кўчкак
			3) Боғибола
			4) Чинор

Бўритахта довонидан шарқда жойлашган Қарлуқ тоғи ва дараси орқали Сурхон воҳасига чиқилади. Бойсундан Денов беклигига иккита асосий йўл борган.

1) Қизил газли, Кампир, Ан-Кадут, Дашти-ғоз ва Чош-тепа қишлоқларидан Деновга қараб юрилади.

2) Қайроқ-бел қиридан ўтадиган Улоқ-ўйнар йўли Денов беклигига борадиган энг қисқа йўл бўлган.

Бойсун беклигининг асосий ўтроқлашган аҳолиси ўзбекларнинг кўнғирот уруғига мансуб бўлган. Бекликда 17000 киши яшаган.

Бойсун амлакдорлигида - 2000 хўжалик;

Пошхурдда - 2500 хўжалик;

Дарбандда - 700 хўжалик;

Ёмчида (Жомчи) - 400 хўжалик.

Ғалла тортадиган тегирмонлар Бойсунда-25 та, Пошхурдда-5 та ва Дарбандда-5 тадан иборат бўлган.

Бойсун беклигида ҳам аҳолининг жойлашиши бир текисда бўлмаган, аҳоли дарё бўйи ва унинг ўрта оқимларида, яъни тоғ олди ва ўрта тоғ қисмларида зич жойлашган. Бойсун юқори тоғ зонаси ҳисобланиб, аҳоли зичлиги 1 кв. км.да 6,1 кишини ташкил қилган. Бу ҳолат аҳолининг чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишида бир хил аҳамиятга эга бўлган. Бойсуннинг табиати турли-туман, мевали дарахти, доривор ўсимликлари ва чорваси Бухоро амирининг доимий назоратида бўлган. Бухоро амирининг ёзги дам олиш қароргоҳи Бойсунда жойлашган.

XVIII-XX АСР БОШЛАРИДА БОЙСУНДА МАДАНИЙ ҲАЁТ.

*Илмнинг чеки йўқ, қанча кўп ўқисанг,
билмаган нарсаларни шунчалик
кўпаяверади.*

“Ғавоқиҳ ал - жуласо”

Бойсун-қадимдан ўз маданияти, тарихи, олимлар шоирлар, адиблар, алломалар, муддарислар етишиб чикқан воҳа бўлиб, Шарқий Бухорода алоҳида ўрин тутган тарихий жойдир. Уларнинг ижоди муайян даражада ўз даври илмий адабий мухитига катта таъсир кўрсатганлигини манбалардан яхши маълум.

XIX аср охири - XX аср бошларига келиб, Бойсундаги илмий-адабий мухит ўзига хос ўрин эгаллади. Бунга 1868 йилда Бойсун беклигини ташкил этилиши ва бекликдаги кўш мадраса ҳамда юзлаб мачитларни фаолият кўрсатиши сабаб бўлди. Фақатгина шаҳар марказида 22 та мачитлар фаолият кўрсатган. Бойсун Хисор, Болжувон, Дехинав ва Шеробод бекликларини чоррахасида жойлашганлиги, ўзини гўзал табиати, сўлим гўшалари билан инсонни мафтун этганлиги тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган.

Бойсуннинг Тузбозор маҳалласига бурулишида (ҳозирги «Само» кинотеатри ўрнида) 1870 йилда Бухоро амири Музаффархон даврида меъморий ёдгорлик ҳисобланган «Худудия» мадрасаси қурилиб, орадан озроқ вақт ўтгач иккинчи мадраса Бухоро амири Абдулахадхон даврида қурилиб, фойдаланишга топширилган. Бу мадрасалар кўш мадраса деб ном олган. Мадраса ховлисида усти гумбаз қилиб беркитилган ёпиқ сув хавзаси-сардоба бўлиб, дарвозадан кираверишда чапда дархона, ўнгда масжид, ховли тўрида эса хонақоҳ жойлашган. Мадрасасида муддарис, мутавалли, муаззин, фаррош ва қоравуллар учун махсус хужралар бўлган.

«Худудия» мадрасаси муддарислар: Мулло Худойберди Бойсуний, Мулло Ҳолл Охунд, Мирзо Абдуҳолик ва бошқалар илму таҳлил билан шуғулланган.

Мадраса фақат меъморий ёдгорлик бўлмасдан, тарихий ва маданий жихатидан аҳамиятли бўлган. Бу ерда Бойсуний тахаллуси билан ижод қилиб, ном қозонган Масехо ибн Қози Мулло Мунтахойи Бойсуний, Мулло Ҳолл Охунд, Мулло Ғулом Муҳаммад Али, Мирзо Абдуҳолик, Жўра Мулло Мирзо ўғли, Мулло Шариф, Мулло Нўъмон, Мулло Худойберди Бойсуний, Мулло Дўстмуҳаммад Нодир Бойсуний, Муфти Равшан, Мулло Норкул, Бурихужа Кодирхужа ўғли, Сайид Атақулбек, Шарифмахсум ва бошқалар таҳсил олишган.

Совет ҳокимияти даврида мамлакатда кечган сиёсий жараёнлар туфайли 1936 йилда барча диний ташкилотлар қатори мадраса «Диний хурофат» деб эълон қилиниб, бузиб ташланган. Совет ҳокимияти даврида «Эскисини бузамиз ва янгисини қурамиз» шиори асосида, мадраса ўрнига «Соғлиқни сақлаш поликлиникаси» қурилиб, 1955 йилда поликлиника ҳам бузиб ташланиб, унинг ўрнига маълум муддат савдо дўкони ва чойхона қурилган. 1966 йилда «Само» кинотеатри ишга тушурилган.

Мулла Худойберди Бойсуний - Бойсунда туғилиб, Бухоро шаҳрида мадрасасида таҳсил олган. Мулла Худойберди Бойсуний ўз даврининг йирик муддариси бўлиб, таниқли илм соҳибига айланди.

Маълумки, Бухоро XIX аср бошларида илм-фан ривожланиб, кўплаб илм аҳли таълим олиш учун Бухоро шаҳрига келди. XIX аср охири ва XX аср бошларида Хивада 132 мадраса, Қўқонда 182 мадраса фаолият кўрсатган бўлса, Бухорои Шарифда 400 та мактаб ва масжид, 350 мадраса фаолият кўрсатган.

Мулла Худойберди Бойсуний Ниёзқули деб номланган мадрасада талабаларга сабоқ бериб, алоҳида обрў-эътиборга сазовор бўлди. Ўзбекистон Миллий университети профессори Бегали Қосимовнинг маълумотига кўра,

мазкур мадрасага амир Абдулахад алоҳида эътибор билан қараган, айрим муддарисларнинг жанозасига шахсан қатнашган. Шунингдек, бу мадраса энг кучли, билимдон ҳар томонлама етук муддарислар танлаб олинган. Улар фақат дарс бериш билан кифояланиб қолишмаган. Балки мавжуд ўқиш-ўқитишнинг эскирган усулларини дадиллик билан танқид қилиб, ундан воз кечиши, ўқитишнинг янгича, илғор усулларни тарғиб қилиб, мактаб ва мадрасаларни ислох қилиш ғояси билан чиққанлар. Мулла Худойберди Бойсуний ана шундай реферматор (ислохотчи) муддарислар орасида салмоқли ўринга эга бўлиб, унинг сафдошлари Мулла Фозил Гиждувоний, Абдулла Хўжандий, Мўминхўжа Бобкандий, Хўжа Ўзбекларнинг қарашлари ва ғоялари ўзбек, тожик, туркман ва татар талабаларига кучли таъсир кўрсатган.

Атоқли маърифатпарвар ва олим Шахобиддин Маржоний (1818-1889) ўзининг «Китоби мустафад ал-ахбор фи аҳволи Қозон ва Булғор» («Қозон ва Булғорнинг аҳволи хусусида фойдаланилган хабарлар») номли илмий асарида (42-43 саҳифаларда) ўзининг 1254-60 йилларда (хижрий) Бухородаги Халифай Ниёзули мадрасасида тахсил олганлиги, бу ерда Абдулла Хўжандий, Мулла Фозил Гиждувоний, Хўжа бинни ўзбек, Ал Афсанжий, Хожи Мулла Худойберди Бойсунийлардан сабоқ олганлигини ҳурмат билан тилга олади. Бу ўриндаги муҳим бир факт эътиборимизни ўзига тортди. Бу Мулла Худойберди Бойсунийнинг «Хожи» деб тилга олинганлигидадир. Демак, Бойсуний ҳаж сафарида бўлган ва ва хожи унвонини олган. Ушбу ҳаж сафари Мулла Худойберди Бойсуний умрининг охириги йилларида бўлганлиги ҳақиқатга яқиндир. Чунки мусулмон оламида ҳаж сафари кўпроқ кишиларнинг кексалик даврига тўғри келади.

Маърифатпарвар олим Ш.Маржоний, Гиждувонлик домла Фозил, Мўмин Хўжа Бобкандий ва Мулла Худойберди Бойсуний ҳамда бошқа муддарислар турар эдилар. Улар кераксиз дарсларни олиб ташлаш, мактаб ва мадрасаларни ислох қилиш, ўқиш-ўқитишда янгиликларни жорий этишдан иборат эди. Юқорида тилга олинган ислохотчиларнинг дастурида 6 та масала кенг ўрин олган бўлиб, улар куйидагиларни ўз ичига олади.

1. Қуръони каримдаги ҳар қандай диний масалаларни кишилар тушунган ҳолда эркин фикр юритсинлар.

2. Бировнинг бировга кўр-кўрона эргашиши қатъиян ман қилинсин.

3. Мадрасаларда ўқитиладиган хошия ва шарҳ каби қуруқ мазмунга эга бўлган ва мадраса талабалари учун фойдасиз бўлган ҳамда уларнинг 8-10 йил вақтини бекорга олувчи дарслар жадвалдан олиб ташлансин.

4. Мадрасаларда Қуръони Шариф ва ҳадисларнинг таржималари ва ислом тарихи каби дарслар ўтилсин.

5. Арифметика, тарих, жуғрофия, табобат, хандаса, мантиқ, фалсафа ва бошқа дунёвий фанларни ўтишга қаршилиқ кўрсатилмасин.

6. Мусулмончиликни Муҳаммад пайғамбар давридаги қадимги ислом маданиятига қайтариш.

Бу фикрлар билан майдонга чиқиш, эркин фикрларни тарғиб қилиш осон иш эмас эди, албатта. Асрлар давомида томир отган кўпгина тартиб асосларига қаттиқ зарба бўлиб тушар эди. Шу боисдан бундай чиқишлар «Шаккоклик» ҳисобланар эди, оғир жазо ва шафқатсизлик кутар эди. Мулла Худойберди

Бойсуний буни билар ва сафдошлари билан шунга тайёр эди. Кўринадики, Мулла Худойберди ва унинг сафдошлари дадил, жасур ва шижоатли, кўркмас бўлганлар. Амирнинг қаттиқ қаршилигига дуч келган Мулла Худойберди Бойсуний, домла Фозил Ғиждувоний, Мўминхужа Бобкандий зиндонга ташланиб, оғир жазога дучор бўлдилар. Маржоний эса Бухорони ташлаб Қозонга кетишга мажбур бўлди. Зиндонга ташланган Мулла Худойберди ва унинг сафдошларига амирнинг буйруғи билан орқаларига 75 дарра урилгач, улар мажбур қилиниб, тавба қилдирилди ва бундай ишни давом эттирмаслик учун қасам ичишга мажбур қилинди. Иш шу билан тугадики, улар муддарисликдан бутунлай четлаштирилди. Профессор Бегали Қосимовнинг «Салом, келажак» номли асарида Шаҳобиддин Маржоний ҳақида фикр юритар эканлар, унинг забардаст устозларидан бири Мулла Худойберди Бойсуний деб алоҳида тилга олади. Жаҳонгашта, китоб шайдоси деб таъкидлайди. Илм йўлида «муҷаррад» яъни танҳоликда оила кўрмай ҳаёт кечирганлигини кўрсатиб ўтган. Профессор Бегали Қосимов Мулла Худойберди Бойсунийнинг вафоти йилининг 1847 йил деб ёзганларидан маълумки, бу санага салкам 150 йил тўлади.

Асли Бойсунлик Бухорои Шарифда шуҳрат қозонган, ислохотчи Мулла Худойберди Бойсуний шон-шарафга бурканган аجدодларимиз орасида энг фахрли ўринлардан бирини эгаллайди.

Мирза Салимбек-Ибн Муҳаммад Раҳим (1850-1930)- тарихчи, шоир давлат арбоби, Дипломат. Мирза Салимбек Бухоро амирлигининг Тошкентдаги савдо вакили (1873-1885), Яккабоғ (1893-1898), Нурота(1908-1902), Бойсун (1902-1905), Шеробод (1905-1909), Шаҳрисабз(1910-1913), Чоржуй(1920) вилоятлар ҳокими, Бухоро миршаби(1889). 1885 йилда амир Абдулахад жўнатган элчилар таркибида Петербургда бўлган. 1920 йил 29 августда қизил кўшинлар томонидан ҳибсга олинган ва амирликнинг бошқа амалдорлари билан Сибирга сургун қилинган. 1922-1924 йилларда Бухоро республикаси «Афкоф», «Анжумани тарихи» ташкилотларида ишлаган. Колесов бошлиқ қизил кўшинларнинг Бухоро хужуми пайтида (1918 йиллар) амирнинг Колесов билан музокара олиб борган вакиллар хайъатига раҳбарлик қилган, кейин у девонбеги мансабига, закоти лавозимига кўтарилган.(1917-1920). Мирза Салимбек («Тарихий Салимий»- қадимдан амирликнинг 1920 йилгача тарихи), «Кашкули Салимий»-(Салимийнинг дарвешлар халтаси) 1913 йил, Тошкент «Жомен Гулзор» (Гулзор мажмуи) шеърӣ асари, «Аходиснлэъмол» (амалдаги ҳадислар-1911 йил Бухоро). «Дурратул воизин» («Воизлар сочган дурлар» 1909, Бухоро), «Мухбирул-хикоёт» («хабар берувчининг хикоятлари» 1908, Тошкент), «Каъбулахбор хикоя сари 1909, Тошкент»). Мирза Салимбой тазкира ҳам тузган. Қори Раҳматулла Возекнинг «Тухфатул ахбоб» («Дилга яқин кишиларга тухфа») тазкирасини насирга тайёрлашда ўзига замондош 100 га яқин шойирлар ҳақидаги маълумотларни унга илова қилган. Мирза Салимбек-1902- 1905 йилларда Бойсун беги бўлган. Рус академиги А.А.Сумёнов томонидан «Бухоронинг сўнгги тарихчиси» деб аталган Мирза Салимбекнинг иши биз учун беқиёс аҳамият касб этади. У ўзининг ноёб иқтидори орқасидан оддий мирзоликдан Бухоро Амирининг бош молиячиси, Бойсун (1902-1905) 1905 йилдан бошлаб Шеробод бекликларининг ҳуқумдори лавозимига кўтарилди. Мирза Салимбек ёшлик йилларида Ўрта Осиёнинг Россия томонидан забт

этилиши гувохи бўлди, ёши кексайганида Октябр тўнтариши руй беради, кейин амир ағдарилди ва Бухоро халқ Шўролар Республикаси ўрнатилишини гувохи бўлди. Мирза Салимбекнинг «Тарихи Салимий» мемуари нодир қўлёзма сифатида алоҳида илмий қизиқиш уйғотади. Унинг эълон қилинмаган эсдаликлари Ўзбекистон республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондида 2016 рақами билан сақланади.

Мирза Салимбек-Бойсундаги «Ҳолосия» мадрасасини қурди, ер ва мулкларнинг бир қисмини вақфга топширди. Ёдгорликларини таъмирлади, шунингдек адабий фаолият билан шуғулланди. Бир қатор тарихий, адабий ва диний асрлар унинг каломига мансубдир. Амир Музаффар даври (1860-1885) сўнгра амир Абдулахадхон даври (1885-1911) давриларида ўзини хизматини бошлаган Мирза Салимбек араб, ўзбек ва форс тилларини мукаммал билган. Мирза Салимбек ҳам насрда, ҳам назмда қалам тебратди. Бойсун беклиги даврида жуда кўп ишларни амалга оширди. Адолатликни ўрнатди. 1905 йилдан Мирзо Салимбек Шеробод бек этиб тайинланди.

Масихо ибн Қози Мулло Мунтаҳойи Бойсуний XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган, даврининг етук хаттотларидан, санъаткор шоирлар тоифасига мансуб. Шоирнинг «Раъно ва Зебо» достони бор, исми Масихо ва тахаллуси ҳам Масиходир, ўз исминини адабий тахаллус сифатида қўллаган. У ҳақда қори Раҳматулло Возеҳ (1817-1894) «Тухфатул аҳбоб фи тазкират ул асҳоб» («Дўстлар тухфаси ва суҳбатдошлар зикри») тазкирасида маълумот бериб ўтади: «Масихо, Қози Мулло Мунтаҳойи Бойсунийнинг фарзанди, исминини тахаллус қилиб олди, Бухоронинг машҳур хаттотларидан, настаълиқ хатинини яхши ёзар эди. Бойсун шаҳри қозилари авлодига мансуб». Возеҳ яна давом этиб ёзади: «Маҳфилоро» китобидан «Раъно ва Зебо» ҳикоятинини маснавий тарзида назмда ёзди».

«Маҳфилоро» туркман адиби Бархурдор Фарохий (XVII аср)нинг қаламига тегишли насрий асар, унинг таркибида Шарқ халқларининг кўплаб ҳикоятлари жамланган, Мирзо Масихо ана шу асардан «Раъно ва Зебо» ҳикоятинини назмга солади. «Раъно ва Зебо» катта ҳажмдаги дoston, у тўрт ярим минг байтдан иборат ва 1882 йили шоирнинг ўзи томонидан кўчирилган нусхаси бизгача етиб келган. Мирзо Масихога «Маҳфилоро» таркибидаги «Раъно ва Зебо» ҳикояти ёқиб қолади.

Шоир Масихо Бухоро амирлари Насрулло (1826-1860) ва Музаффар (1860-1885)лар ҳукмронлиги даврида яшаб ижод эган. У отаси Мунтаҳойи вафотидан сўнг Бойсун қозилиги вазифасинини бажаришга киришади, албатта, бу вазифа юксак масъулиятни тақозо этар эди. Боиси иш юзасидан шоир турли табақа вакиллари билан учрашар, у хоҳ камбағал, хоҳ бой бўлсин, ҳукмнинг адолатли бўлиши шарт эди. Чунки, қозининг иши доимо кишиларнинг юмушинини тўғри ҳал этиб беришга қаратилмоғи лозим.

Р. Ҳодизода ва Т. Қораевлар шоирнинг “Раъно ва Зебо” достони мавжудлигинини ўз асарларида қайд қилдилар. Достондаги бир, икки ишорага қараганда, у амир Музаффар замонида яшаган. Икки жойда Амир Музаффар ҳукмронлик йилларида 1826-1860 номи тилга олинганлиги ҳам шундан далолат беради. “Раъно ва Зебо” достонинини топган ва у ҳақда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг тожик тилида чиқадиган “Садои Сурхон” газетасининг 1997

йилги сонларида туркум мақолалар эълон қилган, сўнг эса дostonнинг ўзини ҳам чоп эттирган мухтарам профессор, ҳассос олим Аҳмад Абдуллаев “Масиҳо Бойсуний амир Насрулло ҳукмронлик қилган даврда туғилган бўлиши керак”, - деб битади.

Масиҳонинг туғилган жойи аниқ. Возеҳ ўзининг “Тухфат ул аҳбоб”, “Дўстлар тухфаси” асарида ёзишича, “Масиҳо бойсунликдир”. Шоир ўзининг “Раъно ва Зебо” достони муқаддимасида ҳам бу хусусда тўхталиб ўтган:

*Мен Бойсун мулкида тонгдан токи шом,
Эл-улус ишида банд эдим мудом.
Уларнинг дардига бўлардим малҳам,
Улар дарди билан чекар эдим ғам.*

Масиҳонинг ижтимоий келиб чиқиши қози бўлган. Буни Возеҳ ўз асарида таъкидлаб ўтади: “Масиҳо қози мулла Мунтаҳи фарзанди бўлиб, ... Бойсун вилояти аҳлига мансубдир”. Шоирнинг дoston 413-саҳифасида ўз номини “Қози Мирзо Масиҳо” тарзида битишига қараганда, у ҳам отаси каби қози бўлган. А. Абдуллаев таъкидича, Масиҳо хуснихат ва иншога уста экан. Бу санъатларда шу даражага етадики, тиниш-билишлари орасида катта шуҳрат қозонади. Восеҳ ҳам буни алоҳида қайд қилади: “Маҳосир таҳририда ва васиқалар битишда машҳур ҳаттотлардан”.

Масиҳо таҳаллусни танлаган ижодкор энг катта асари “Раъно ва Зебо” достонини, афтидан, бир йил мобайнида, козилик юмушларидан бўш пайтларида ёзган. Аҳмад Абдуллаев “Масиҳонинг бизга маълум бўлган дostonининг энг аввалги нусхаси 1301 ҳижрий – 1882 мелодий йилда унинг ўз қўли билан кўчирилган”, - дейди. “Раъно ва Зебо” достони 4500 байтдан иборатдир. Ҳар бир ҳикоянинг сарлавҳаси ўзун. Муаллиф шарқ шоирлари дostonчилик анъаналаридан келиб чиқиб, китобхонларни бўлғуси воқеалардан огоҳ қилиб боради. Маълум бўлишича, Масиҳо дастлаб ижодга жиддий эътибор бермаган. Ўзининг айтишича, кўпгина шаклларда адабий асарлар яратган бўлса-да, эътиборсизлик орқасида уларнинг бари йўқолган.

“Раъно ва Зебо” достони шоирнинг юрти Бойсунда ёзилган. Восеҳ дostonни кўрмай туриб, уни мутолаа қилган айрим шохидларнинг фикридан келиб чиқиб, “Масиҳо “Маҳфилоро” китобининг “Раъно ва Зебо” ҳикоясини маснавий тарзида назмда қайд қилиб, “Раъно ва Зебо”ни тарбиб берди. Кўрган одамларга жуда маъқул ва матбуъ бўлмиш” деб битган. Бошқа бир таскиранавис Ҳашмат Масиҳо дostonини ўқиган эди. Шу боис, у Масиҳо Бойсунийни яхши шоирлардан ҳисоблаб, унинг ижодига юқори баҳо беради, “Раъно ва Зебо” дostonидан парчалар келтиради.

*Бу тугма сийратим бўлдилар сармаст,
Сухан гулзори-ла ҳамиша пайваст.
Гоҳи сузиб сўз баҳрида диловар,
Кафтимда ғазалдан келтирдим гавҳар.
Шаъмим партавидан бўлдилар равшан,
Муҳаммасу мусаддасу мусамман.*

Қосим Бойсуний – Бухорий Х1Х асрда Мовароуннахрда яшаган билимли, дунёқараши кенг, фозил инсонлардан биридир. Унинг Бойсунда

качон, қандай оилада туғилиб, тарбия-тахсил олганлиги хусусидаги маълумотлар сақланиб қолмаган. Шуниси аниқки, аллома XIX аср ўрталарида Бухоро амири Насрулло саройида хизмат қилган. Ажойиб хаттот, яхши таржимон сифатида амирнинг эътиборини қозонган. Шунинг учун ҳам унга туркиялик таниқли географик олим Мустафо ибн Абдуллоҳ хожи Халифа Котиб Чалабийнинг 1609-1687 йиллар олам тўғрисидаги тарихий-жўғрофик асари “Жаҳоннамо” нинг форсча-тожикча талқини бажариш топширилган. Ҳижрий 1259 йилда, яъни мелодий 1843 йилда Бухоро амири Насрулло учун 1731 йилда географ Иброҳим Мутафарриқ ноширлигида босилиб чиққан турк тилидаги китобдан форсча-тожикчага таржима ва талқин қилинган китобда рангли 33 та ҳарита бор. Китобда ношир ва муҳаррир Иброҳим Мутафарриқнинг изоҳлари ҳам таржима қилиб берилган.

Китоб муҳаррири сифатида Мир Абул Қосимхўжа ибн мулла Мир Бадалхўжа Бойсуний – Бухорий исми-шарифи кўрсатилган. Бундан кўринадики, қўлёзма ва таржима Қосим Бойсунийга тегишли бўлган. Унинг Бойсуний – Бухорий нисбати эса моҳир таржимон ва етук алломанинг аввал Бойсунда, сўнг Бухорода истиқомат ва ижод қилганлигидан далолат беради.

Қосим Бойсунийнинг “Жаҳоннамо”, “Дунё кўзгуси” асари билан танишиш унинг бирмунча қисқартирилган таржима китоби деган хулосага келишга асос бўлади. Асар Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармасида 109-рақам билан сақланмоқда.

Мулла Абдулҳаким Дарбандий - XIX аср Сурхондарё адабиётининг кўзга кўринган вакилларида биридир. У дарбандлик, 90 ёшли мулла Ҳайдар Авлиёзоданинг айтишича, XIX аср бошларида Бойсун районидаги тоғли Дарбанд қишлоғининг Чанбул маҳалласида таваллуд топган. Дастлабки таълимни ўз қишлоғидаги маҳаллий муллалардан олган зеҳни ўткир Абдулҳаким кейинроқ билимини ошириш учун Шаҳрисабзга йўл олди. Шу ерда таниқли уламо, тариқат аҳлининг етук шахсларидан Аброр Хатибдан таҳсил олди, унинг халифаси, шогирди бўлиб, тариқат йўлларида ўрганиб, хизмат қилиб юрди. Дунёвий ва диний илмлардан баҳраманд бўлди. Саъдий Ҳофиз, Фаририддин Аттор, Ғабғузий, Навоий, Бедил, Сўфи Оллоёр, Машраб асарлари билан танишди. Ўзи ҳам ўзбек ва тожик тилларида ғазаллар, қасида рубоийлар ёза бошлади. Орадан анча йиллар ўтгач, устози, маслаҳати билан Дарбанд қишлоғига қайтиб, мактаб очди. Ўз даврининг саводхон кишиси, шоир сифатида шуҳрат қозонди. Абдулҳаким Дарбандий Деҳқонобод, Қизилча, Шўроб ва бошқа тоғ қишлоқларига ҳам бориб, ҳалқни маърифатли қилиш, кишилар фарзандларини саводхон этиш йўлида хизмат қилди. Унинг ташаббуси билан Дарбанд ва бошқа қишлоқларда бир қанча масжидлар ташкил этилди. Бу масжидларда унинг ўзи ҳам ваъзлар айтган, имомлик қилган.

Абдулҳаким Дарбандийнинг Абдурашид ва Раҳматуллоҳ деган икки ўғли ва икки қизи бор эди. Афсуски, шулардан бири Абдурашид оламдан барвақт ўтади. Бу чексиз айрилиқдан ўртанган ота катта бир қасида ёзиб, бошидан ўтган воқеаларни баён қилиб, Шаҳрисабзга – устозига юборади, ундан руҳий мадад-нажот излайди:

*Эй варақ борсанг салом айтгил Саййид Аброрга,
Ул муҳиби хонадон, аҳли тариқат ёрига.*

*Бир дуойи хайр қилсун ман гариб бечорага,
Шоядо, шарманда бўлмай Аҳмади Мухторга.*

Абдулҳаким Дарбандий умрининг асосий қисмини Чанбул кишлоғида ўтказиб, XIX аср охирида дунёдан кўз юмган. Бу табаррук зотнинг ўғли Раҳматуллоҳ ва икки қизидан бўлган неvara-чеваралари ҳозир Дарбанд кишлоғида яшайди. Абдулҳаким Дарбандий ҳассос шоир бўлиб, анчагина шеър-ғазал қолдирган. Эҳтимол, шеърларини тўплаб, девон ҳам тузган бўлса. Афсуски, бизнинг қўлимизда улар йўқ. Умид қиламизки, вақти-соати келиб, бу шоир шеърлари ҳам топилиб, ўз мухлисларига етиб борар.

Мулла Умар Хўшачин - 1910 йилда Бойсун тумани Дарбанд кишлоғининг саводхон ва ўзига тўқ оиласида таваллуд топди. У кишлоғида бошланғич таълимни олгач, мулла Девонақул, мулла Муҳаммадқул, домудла Имом, мулла Жомий, домудла Соҳибназар, қори Абдуҳофизлардан қироат, тафсир, ҳадис, фикҳ илмларини, Қори Миёнжон эшондан нақшбандия таълимотини ўрганди. Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Бедил, Хусрав Дехлавий, Бобур, Сўфи Оллоёр, Машраб ва бошқа машҳур шоирлар асарлари, шеърлари билан яқиндан танишди. Ўзи ҳам ўзбек ва тожик тилларида шеърлар машқ қила бошлади. 1928 йилда, яъни 18 ёшида мустабид тузумнинг бешафкат сиёсати Мулла Умар ҳаётини ҳам зимистонга айлантирди. Уни ҳам мулла ва бойнинг ўғли деб қамайдилар. Азоб-уқубатларга, айрилиқ ва ҳижронларга тўла ҳаёт бошланади. Мулла Умар умрининг 17 йилини қамоқ ва сургунларда, ватанидан йироқда ўтказди. У 1945 йилга келибгина озод қилинди. Бироқ, кейин ҳам текширувлардан, тазйиқу қувғинлардан боши аримади. Натижада, Дарбанддан Сайробга, Сайробдан Дехқонободга, Дехқонободдан Деновга, Қумқўрғону Шеробод чўлларига кўчишга мажбур бўлади.

Сурункали қамоқ ва қувғинлар мулла Умар соғлигига ҳам ўз таъсирини ўтказди. У умрининг охиригача қўл-оёғи оғриғидан азоб чекади. Мулла Умар қамоқ ва сургундалиги пайтида ижод қилишдан тўхтамади. Она юрти, хешу ақраболари, таниш-билишлари, Устазларини соғиниб, шеърлар битди:

*Тожик ўзим, туркий ёзим,
Дарбанд туққан масканларим.
Келдим Денов, Ҳазорбоғдан
Шеробод ўсган жойларим.*

Таниқли маърифатпарвар шоир, сўфи шоирларнинг кенжа авлоди. Тафсиф, фикҳи, ҳадис, сарфу нахв илмлари билимдони Денов, Қумқўрғон, Шеробод туманларида маорифнинг ривожланишига муносиб хисса қўшган. Хофиз Шерозий, Шайх Саъдий, Жомий, Навоий, Машраб ва Сўфи Оллоёр ижодини ўзбек тилига таржима қилган таниқли таржимон. «Муножот», «Фалак», «Урнибор», «Топмадим», ғазаллари муаллифи.

Мулла Умар 1987 йилда вафот этди. Ундан ўзбек ва тожик тилларида битилган бой адабий-бадий мерос-ғазаллар, муҳаммаслар қолди. Улар асосан диний-ирфоний, фалсафий-ахлоқий аҳамиятга эга. Хусусан, шоирнинг сўфиёна шеърлари ўзининг мазмундорлиги ва муסיқийлиги билан ажралиб туради. Мулла Умар шеърлятида талмех санъати алоҳида ўрин тутди. “Ҳазрати Одам

алайҳиссалом қиссаси”, “Фалак” сарлавҳали шеърларда пайғамбарлар ҳақидаги қиссалар, “Учқудуқ сифоти” сарлавҳали шеърда келтирилган тарихий шахслар шоирнинг қувваи ҳофизаси кучлилигидан далолат беради. Умар Хўшачин шеърлари 2001 йилда Фарғона нашриётида “Муножот” номи остида чоп этилди. Мажмуага сурхондарёлик истеъдодли адабиётшунос-олим, шоир, форс ва ўзбек тиллари билимдони Жаъфар Муҳаммад сўз боши ёзган. Шоир шеърларини нашрга тайёрлаш ва чоп эттиришда ҳам бу заҳматкаш инсоннинг хизматлари катта. Ҳозир мулла Хўшачин фарзандлари Сурхондарё вилоятининг турли жойларида истиқомат қилишмоқда.

Мулла Ҳолиҳмат Панжобий - Менгли ўғли тожик фарзанди бўлиб, 1889 йилда Бойсун беклигига қарашли тоғли Панжоб қишлоғида туғилган. Отаси фарзандининг хат-савод чиқаришига эътибор берган. Шунинг учун Ҳолиҳмат ўз даврининг ўқимишли, билимли кишиси бўлиб, етишади. У она тилиси билан бир қаторда ҳамқишлоқлари қатори ўзбек тилини ҳам аъло даражада билган. Эски мактабда ўзбекча ўқитилиши ҳам бу тилни барча нозиклари билан тушинишига йўл очган бўлса ажаб эмас. Энг муҳими, Мулла Ҳолиҳмат ҳамқишлоқлари, шоирлар мулла Мирзо, мулла Тангриберди (1276-1364) лар каби асосан ўзбек тилида ижод қилган. Мулла Ҳолиҳмат яхши мерган ва табиат аломатларига, ўзгаришларига қараб ҳамда ҳисоб-китоб асосида об-ҳавонинг қандай келишини аввалдан айтиб бера олиш қобилиятига ҳам эга бўлган. Бу ўз навбатида катта билим, зийраклик, ҳисоб-китоб, зукколик талаб қилади. Шоирнинг ғазал ва шеърлари ахборот хусусиятига ҳам эга бўлиб, уларда Панжоб қишлоғида ва унга ёндош тоғлар-дараларда 114 та булоқ мавжудлиги, қишлоқ ҳудуд айланмаси билан 4 тош келиши, бу аҳоли масканида 7 та сув тегирмони ишлаб турганлиги, 4 та мазори (Хўжа Чакчакон ато, Хўжа Гуррез ато, Хўжа Қосим ато, Ҳазрати Шайх ва Туғмозор) борлиги айтиб ўтилади. Мулла Ҳолиҳматнинг шеърлари оммафаҳмлиги, равон ва мусиқийлиги билан ажралиб туради.

Ҳолиҳмат Менгли ўғли 1939 йилда 50 ёшида вафот этган. У киши умри охирида оғир беморликни бошдан кечирган бўлсалар керак. Шунинг учун соғломлик, тўқчилик, бировга хор-зор бўлмаслик қадрини ўқишли, равон мисраларда қуйидагича тараннум этганлар:

*Тан дурустин лаззатин бемор бўлганлар билур,
Кўп ётиб, фарзандларига хор-зор бўлганлар билур.
Бошқа ёстиққа бош қўйиб, афгор бўлганлар билур,
Парчаи нон қадрини кўп зор бўлганлар билур.*

Абдулла Қурбон Ражаб Бойсуний - XX асрда яшаб ўтган таниқли ижодкорлардан биридир. У 1900 йилда Бойсунда такводор деҳқон Ражаб хожи хонадонида таваллуд топган. Абдулла Ражаб Қурбон ҳайит кунлари туғилгани учун исмини Қурбон қўйишади. Анча йиллар Бойсунда яшаган ва фаол бўлиб ишлаган, 1886 йилда туғилган Мирза Салим Дўстмуродов ҳамюрти Абдулла Ражаб Бойсуний ҳақида 1976 йилда педагог-ёзувчи Тоҳир Усмонга қуйидагиларни айтиб берган:

- Қурбон Ражаб хожи Бойсунийни яхши танирдим. Чунки мен Бойсундаги домла Абдусамад Кўчкарий, мулла Жўра махсум, даштиғозлик мулла Муҳаммадилар дарс берадиган катта мадрасада тўрт йил таҳсил олганман.

Қурбон Ражаб Бойсуний эса мулла Ҳамдам мударрис бўлган кичик мадрасада таълим оларди. 1921 йилда навқирон йигит бўлиб етишган Абдулла Ражаб Бойсуний келишган, оқ бадан, қирра бурун, чўзинчоқ юзли, қўй кўзли, қайрилма қошли, кенг пешона ва ширали овозга эга бўлган. У илмга ташналиги, қобилияти билан ажралиб турган.

Мулла Дўст Нодир Бойсуний - XIX асрнинг ўрталарида ҳозирги Работ қишлоқ йиғинидаги Кўчкақ қишлоғида туғилиб ўсган. У оилада учинчи фарзанд бўлган. Отаси уста Қосим косиблик билан шуғулланган Аммо илм маърифат қадрини яхши билганлиги боис ўғлининг хат-савод чиқариши, пухта билим олиши учун ғамхўрлик қилган. Мулла Дўст Нодир Бойсуний дастлаб қишлоғида, сўнг Бойсунда – мадрасада таҳсил олгач, Бухорои Шарифга кетади ва мадрасада ўқишини давом эттиради. Ижод билан машғул бўлади. Мулла Дўст Нодир Бойсуний йирик уламо бўлиб етишади. У Бухорода яшаб қолади. Дастлаб мадрасада мударрис, кейин қози бўлиб ишлайди. Ўзининг билими, ўткир зехни, шеърлари билан тилга тўшади.

Мулло Дўст Нодир Бойсуний Бухоро амири Абдуллахон саройида ҳам хизмат қилган. “Нодир”, “Мулла Дўст Нодир” таҳаллуслари билан шеърлар ёзган. Садриддин Айнийнинг ёзишича, Мулла Дўст Нодир Бойсуний 1923-йилда вафот этган. Унинг икки қизи ва бир ўғлининг ҳозир Тожикистон Республикасида яшаётганлиги ҳақида маълумот бор. Афзал Махдум Пирмастий, Муҳтарам ва Абдий каби тазкиранависларнинг асарларида ҳам Нодир Бойсуний тўғрисида маълумотлар мавжуд. Мулла Дўст Нодир Бойсуний девон тузган. профессор, форс-тожик адабиётлари билимдони Аҳмад Абдуллаев бу девонни кўрганлиги ва ўқиганлиги хусусида айтган.

Мулла Дўст Нодир Бойсуний шеърятининг катта қисмини лирик ғазаллар ташкил қилади. Қуйида, истесно тариқасида, шоирнинг шеърый бадий қувватини тасаввур этишингиз учун бир ғазали асл нусхаси таржимасини келтирдик:

Лаби лаъли Бадахшонни сотгайдур,

Юзи хуршида тобонни сотгайдур.

Зулф зуннори шиқида ётиб зоҳид

Кофирга айланиб, имонни сотгайдур.

Абдулла Ражаб Бойсунийдир - Туркиялик олим Иброҳим Мутлуниг «Туркистон овози» газетаси 1957 йилнинг феврал-март ойидаги сонларида эълон қилинган (8-9 бетлар) «Абдулла Ражаб Бойсуний ҳақида» номли мақоласида келтирилишича, Абдулла Ражаб 1893 йилнинг 15 сентябрида Бухоро хонлигининг Ғиждувон вилояти Нагзакарон туманида (қишлоғи) таваллуд топган бўлиб, асл исми Абдулло, отасининг исми Ражаб, онасининг исми Шарофатдир. Оиласи Нагзакар кўчаларида хўжалар номи билан машҳурдир. Оталари табиблик билан машғул бўлиб, манбаларда таъкидлашича, сувчечак касаллигини даволаш ва уни эмлаш усулини аъло даражада амалга ошириши ота- боболари ўта билимдон ва зиёли қишилардан эканлигидан. Абдулло илк тахсилни ўзи туғилган қишлоғидан олгач, отаси билан Тўрткўл шаҳрига кетди ва у ерда 3 йил яшади. Кейинчалик Абдулло Ражаб Бухоро хонлигининг саройида рус тили бўйича бош таржимон вазифасида ишлаётган тоғасининг парваришида бўлди ва Бухорода машҳур шахслар билан танишгач,

ўз тахсилени қорилик мактабида давом эттирди, сўнгра у ердаги Модари Хон («Хоннинг онаси») номли мадрасани тамомлади.

Бухоронинг маданий ҳаёти Абдуллонинг фикрий бедорлигига катта туртки берди. Бухорода Абдулло диний, дунёвий ва ижтимоий-сиёсий мазмундаги китоблар, журнал ва газеталарни севиб ўқиди. Ўтган аср бошларида Туркистонда Урусия, Туркия, Миср, Эрон ва бошқа шарқий мамлакатлардан юзлаб турли газета ва тўпламлар келиб тургани, улар зиёли ва ёшлар орасида мадрасаларда қўлдан қўлга ўтиб ўқилгани маълумдир. Улардан Абдулло Ражаб ҳам бахраманд бўлди. У туркий тиллардан, мустасно, форс ва араб, шунингдек, рус тилларини ҳам яхши ўрганди. Хурриятпарварлик фикрлари билан ўз дунёқарашини бойитган Абдулло Ражаб жаҳолат ва истибдодга қарши курашиши бошлади. Абдулло Ражаб ёшлигидан Ватан тақдири, халқнинг ижтимоий турмуши, «оқ пошшо» ва унинг ўлкадаги мустамлакачилик сиёсати ҳақида ўйлай бошлайди ва «ёш бухорочилар» ҳаракати фаолияти билан яқиндан танишди. Абдулло Ражаб 1916 йилда Россия ҳукумронлигига қарши олиб борилган миллий ҳаракат ва халқ кўзгалонларида фаол иштирок этди. Доктор Боймирзо Хайитнинг 1997 йил Анқарада нашр этилган «Босмачилар Туркистон миллий мужодала тарихи» асарида шаходат беришича, Абдулло Ражаб 1918 йилнинг феврал ойида Истанбул шаҳрига бориб, Усмонли салтанатнинг бош вазири Талъат Пошшонинг суҳбатига Мушарраф бўлди. Абдулло Ражабнинг маданий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти Бухоро амирлигининг кулаши ва умумбухоро халқ қурултойидан кейин ташкил этилган мустақил давлат-Бухоро халқ жумҳурияти ташкил этилиши даврида янада юксакликка кўтарилди. Бу даврда у истиқлолчилик ғояларини халқ оммаси орасида кенг тарғиб этади.

Истиқлол марказий кометети топшириғига кўра, Абдулло Ражаб аввал Шаҳрисабзда, сўнгра Янги Чоржуйга юборилди. Абдулло Ражабнинг кейинчалик ўз асарида (44-45 бетлар) ёзишича, у истиқлолчилик ҳаракатининг муҳим вазифаларини адо этаётган дамларда бир неча маротаба амир зобитлари ва рус болшевиклари томонидан қамоққа олиниб, маълум муддат тутқунликда сақланди. Йигирманчи йилларнинг иккинчи ярми бошлари Туркистон мухторияти ҳукумати тормор қилинганидан кейин кўпчилик миллат фидойиларининг ҳаёти каби Абдулло Ражабнинг фаолиятида ҳам мудхиш йиллар сифатида кирди. Туркистон мухторияти ҳукуматини ёқлаб чиққан жаҳидчилар қувғин ва таъқиб остига олинди.

Абдулло Ражаб ўзининг кейинги фаолиятини «Туркистоннинг муқаддас даъвати» йўлида олиб борилаётган курашга қўшилгани келган «Ёш турклар инқилоби» нинг қаҳрамони, генерал Анвар Пошшонинг миллий истиқлолчилик ҳаракати билан боғлайди. Абдулло Ражаб Анвар Пошшо хизматида эътиборли кишилар сирасидан, айрим манбаларга биноан Бош Қўмондоннинг «мирзоси» бўлиб фаолият кўрсатди. Айрим хорижлик тадқиқотчилари, масалан, туркиялик Али Бодомчи уни «қурбоши» деб атади. Абдулло Ражаб жўғрофий ва ҳарбий-стратегик жихатдан мақбул, шунингдек, мос жанг позициялари, муҳофаа истеҳкомларини ташкил қилиш учун қулай бўлган Бойсундан паноҳ топган Анвар Пошшо билан биргаликда ҳаракатларда ёнма-ён елкадош бўлиб, жанг қилди. Анвар Пошшонинг ўз ватанидаги дўсти «Ёш турклар инқилоби» нинг

пешволаридан бири Талъат Пошшо билан яқин алоқада бўлган Абдулло Ражабга Бош Қўмондоннинг туйғулари, албатта, хайрхох ва муносабати илк ҳамда самимий эди. Замонасининг ижтимоий, сиёсий ҳолатидан хабардор, тарих ва тақдирни теран англаган истиқлолчилар 1922 йилнинг апрел ойида Бойсун беклигининг Кофрун қишлоғида Анвар Пошшо бошчилигида истиқлолчилик ҳаракатининг қурултойини ўтказдилар. Қурултойда Ватан тақдирини ва юрт ободлигини, миллий ўзликни англаш ва миллий мустақиллик мафкурасини химоя қилиш билан боғлиқ масалалар ҳақида фикрлар билдирилди. Қурултой ишига доно ва жасур жаҳидчи Абдулло Ражаб фаол иштирок этиб, туркистон қурбошиларининг бирлишини талаб қилди. Ёш жаҳидчининг юрагидан отилиб чиққан наъралар ватанпарвар ва фидоий юртдошлари дилига силжиб ўтди ва уларда исёнчилик кайфиятини туғдирди.

Абдулло Ражаб Анвар Пошшонинг баёнот матнини тубандагича келтиради: «орқадослар! Туркистоннинг муқаддас даъвоси йўлида олиб бораётган курашга...биз билан яқин хизмат қилишни хоҳловчилар бўлса, таклиф қиламан, онг ичсин!». Тўпланганлар қаторида Абдулло Ражаб ҳам Ватаннинг «Муқаддас даъво» си йўлида ажнабий босқинчиларга қарши курашиш, юрт истиқлоли шарафини учун онг ичди. Абдулло Ражаб Анвар Пошшонинг Денов вилоятининг юқори қисми ҳисобланган Шеробод, Бойсун, Ғузор ва Қарши ҳудудларида қўлга киритган муваффақиятларга ўз ҳиссасини қўшди ҳамда унинг эътиборини янада уйғотди. Бундан мустасно, Абдулло Ражаб Анвар Пошшога совет ҳокимияти вакиллари билан музокаралар ўтказишга, дипломатик воситалар орқали ўз мақсадини баён этишга яқиндан ёрдам берди. Абдулло Ражаб Анвар Пошшонинг Балжувондаги мағлубиятидан сўнг маълум муддат Хожи Сомий-Салим Пошшо ҳаракатларига иштирок этди ва ўз сафдошлари билан 1923 йил 4 октябрида (З.В.Туон «Бугунги туркий Туркистон ва яқин тарих» асарида (468-бет) бу санани 4 ноябр деб кўрсатган) Афғонистонга хижрат қилди. Ўша пайтдаги афғон амири Омонуллахон (1892-1960 йиллар: 1919-1929 йиллар) шўро ҳукумати талаби билан ватандошларимизни ўз юртидан чиқариб юборди. Туркия Республикаси Президенти Мустафо Камол Отатурк бу воқеалардан хабардор бўлиб, мамлакатдаги оғир шароитга қарамай афғон амирига норозилик билдирган. Туркиянинг биринчи президенти эрки топталган қардошларига эркин матбуот органлари ташкил этиш, илмий марказлар очиш, ўзлари хоҳлаган соҳа билан шуғулланиш имкониятларини мумкин қадар яратиб берди. Абдулло Ражаб Астрабод, Техрон, Табриз йўлидаги бир йиллик сарсонгарчиликдан кейин 1924 йилнинг 1 январидан Туркиядан қўним топди. Абдулло Ражаб ва унинг 12 нафар ҳамроҳи турк оқсоқоллари раиси Ҳамидулла Субҳи Тановар ва ҳориж ваколатхонасининг Шарқ ишлари бўйича бўлим ходимлари Юсуф Акчура ва Аҳмад Оғаўғлининг ёрдамлари билан туркия фуқаролигини олди.

Туркияга келгач муқаддас даъво-миллий истиқлол йўлида олиб борган курашлар шарафини ва хотирасини эътиборини билан «**Бойсуний**» тахаллусини олди. Абдулло Ражаб 1935 йилда касби мактабда мударрис (ўқитувчи) бўлган, унинг оғир ва уқубатли ҳаётига шерик бўлган Мунираҳонум исмли аёлга уйланди ва Иброҳим Мутулунинг таъкиди: «bediz ismli iktisad fakultesinde okuyan bir kizi vardi» (таржимаси: Бедиз исмли иқтисод факултетига ўқиган бир қизи бор эди).

Мухожиратда Абдулло Ражаб Бойсуний аввал Сарвихисор мактаб омборининг мудир, сўнгра эса, «Нур-ул-усмония» кутубхонасининг бошлиғи вазифасида ишлади. 2001 йилда Туркиянинг «Турон вақфи» нашриётида Урол Жаҳонгир томонидан қайта нашр этилган. «Туркистонда истиқлол ҳаракатлари ва Анвар Пошшо» номли асарининг муқаддимасида Абдулло Ражаб мухожирликда Туркиянинг «Оқсарой, Муродпошшо маҳалласи, Тамбурли Жамил бей кўчаси, 47 хонадонда» яшаганлиги қайд этиб ўтилган.

Абдулло Ражаб ҳақгўй сиймо эди. У Ватан ва миллат тақдири ҳақида ҳар қандай вазиятда мардона туриб имкон қадар рост гапни айтган ва айтолган жаҳидчидир. Мухожирликда у юртимиз дардини ҳам сиёсий ҳам иқтисодий, ҳам маданий-адабий жиҳатлари билан ўз асарларида теран ёритишга интилди. Абдулло Ражаб асарларида большевиклар туфайли ўз тинчини йўқотган, ёвузлик, ўғрилик, тубанлик ва хўрликлар майдонига айланган Туркистон зиёлиларини жунбушга келтирган қизил империя ва улар кўраётган жамиятга қарши нафрат туйғулари билдирилган. Унинг аввало миллатпарварлик ғоялари билан суғорилган асарларида босқинчилик иллоти билан заҳарланган, ёлғон-яшиқ ишлари билан бутун дунёни чалғитаётган коммунистик империяга қарши туркистонликлар бирлашиши ва ўз ватанини химоя қилиш қудратига эга бўлишларини қайта-қайта таъкидлаган. Миллатимиз темир парда остида маҳкумона ҳаёт кечираётган бир пайтда Абдулло Ражаб Бойсуний мухожирликдаги юртдошларимиз матбуотида ватандошлари ҳақида ҳақиқатларни дунёга билдириб турди. У бутун умрини халққа, маърифат тарқатишга, буюк давлатчилик шовинизмининг хилма-хил найрангларига қарши курашга бағишлайди. Мухожирликдаги оғир ҳаётни бошидан кечирган Абдулло Ражаб Бойсуний 1954 йилда «Туркистонлилар ёрдамлашма жамияти (Туркистанлилар Йардимласма Дерне-гинин)» ва унинг «Туркистон» журналинини ташкил этди. (Кейинчалик шу жамият асосида ҳозирги Истанбулда «Туркистонлилар култур ва социал-ёрдамлашма дерне-ги» вужудга келган.).

Муҳаммад Амин Буғронинг таъкидлашича, Абдулло Ражаб Бойсуний 1956 йилнинг сўнгги ойларида (аниқ сана кўрсатилмаган) вафот этди. Туркистон миллий ҳаракатчилиги фахрийсининг ўлими бутун турк оламига яшин тезлигида тарқалди ва турк зиёлилари томонидан катта қайғу сифатида қарши олинди. Ўша даврнинг оммавий ахборот воситалари, айниқса, туркистонликларнинг матбуот нашрлари Абдулло Ражаб тўғрисида мақолалар эълон қила бошладилар. «Туркистон овози» газетасининг бош муҳаррири Муҳаммад Амин Буғронинг «Раҳматли Абдулло Ражаб Бойсуний», Иброҳим Мутлунинг «Абдулло Ражаб Бойсуний ҳақида» каби мақолалар юқоридаги фикримизнинг далилидир. Унинг номини Мирзо Хайит, Тохир Чиғатой, Усмонхўжа, Муҳаммад Амин Буғро, Али Бодомчи, Носир Афанди, доктор Нажмиддин Далил каби мухожирликдаги фикрдошлари ҳурмат ва эътибор билан тилга олганлар.

Абдулло Ражаб Бойсуний шўролар даврида гарчи мухожирликда ҳаёт кечирган бўлса ҳам умрининг охиригача таъқиб ва кузатув остида яшади. 1952 йилнинг 21-22 феврал кунлари Ўзбекистон Коммунистик партияси марказий комитетининг X пленумида Абдулло Ражаб Бойсуний нафақат сиёсий жиҳатидан ишончсиз ва давлатга хиёнат қилган шахс, балки «пантуркист ва фашист» деб эълон қилинди. Оқибатда шўролар даврида унинг номи билан боғлиқ барча

нарсалар қаттиқ таъкиб остига олинди.

Абдулло Ражаб Бойсунийнинг машхур асари 1943 йилда (қайта нашри 1945 йил) Истанбулда Чоп этилган. «Туркистонда истиқлол ҳаракатлари ва Анвар Пошшо» асари бўлиб, ундаги маълумотлар ханузгача илмий муомалага киритилмаган. Мазкур асар Туркистонда истиқлолчилик ҳаракати, махсус, Анвар Пошшонинг мухорабалари тарихини ёритишда ягона ва ишончли манба бўлиб хизмат қилади. Асарда муаллиф бевосита ўзи иштирок этган воқеалар ҳақида батафсил ҳикоя қилган ва унда ҳаракат раҳбари Анвар Пошшонинг ёзишмалари ва мактублари, қабул қилинган хужжатлар тўлиқ ҳолда келтирилган. Унда Туркистон харитаси, 48 та расм, 18 та араб имлосидан васиқа мавжуд бўлиб ноёб тарихий маълумотларга бойдир. Асарнинг биринчи боби «Туркистон» номланган бўлиб, унда чор Россияси томонидан Бухоро ва Хиванинг истило этилиши, Хива инқилоби, 1916 йилдаги халқ кўзғалони, амир Олимхоннинг Бухородан қочиши ҳақидаги воқеалар батафсил маълумот берилган.

Асардаги «Анвар Пошшо Туркистонда» номли иккинчи боби 1920-1923 йиллар давомида юртимиз худудларида Анвар Пошшо бошчилигида олиб борган миллий истиқлол ҳаракати, Бойсуннинг Пулҳокимдаги муваққат қароргоҳидаги кечинмалар ва Кофрунда ўтказилган Туркистон қурбошилари йиғинининг мазмуни, унинг қарори, Москва большевиклари томонидан Анвар Пошшо таклиф этилган сулҳ ҳақида ҳикоя қилинади. Асарнинг учинчи «Анвар Пошшонинг шаходатидан сўнг Туркистон миллий мужодаласида Хожа Сами бей» номли бобида Салим Пошшо бошлиқ миллий озодчилик ҳаракатлари, шўролар даврида Туркистондаги сиёсий аҳвол, муҳожирлар томонидан «Туркистон Миллий Бирлиги» нинг ташкил этилиши ва фаолияти тўғрисида ёзилган. Асар мазмунидан Абдулло Ражаб Бойсунийнинг буюк ғоялар билан яшайдиган курашчи қиёфаси ҳамда унинг озод Туркистон ғоясига нақадар содиқ бўлиб қолганлиги яққол намоён бўлади. Япон олими Хисао Коматсу унинг асарини «Туркистон миллий озодлик ҳаракатининг солномаси» деб эътироф этган бўлса, Мехмед Утан, Урал Жаҳонгир каби шарқшунос олимлар тадқиқот ишлари олиб борган. Миллий мустақиллик нашидаси Абдулло Ражаб учун улкан армон бўлиб қолган бўлса-да, у бу ёруғ кунларнинг келишига комил ишонч билан дунёдан ўтди. Унинг номи халқимиз учун фахр ва ифтихор рамзи бўлиб қолмоғи, хур Ватанни орзулаган, истиқлолчилик ҳаракатининг фидойиси сифатида қадрланмоғи даркор. У ўзининг халққа, Ватанга, истиқлолга бахшида этилган ёрқин ҳаёти билан ана шу ҳуқуқни ҳақли равишда қўлга киритди.

Азимов Равшан Муфти (1876-1961) Бойсун районидаги Авлод қишлоғида туғилган. Ёшлигидан ўта зехнли бўлган. Устази Домла Ориф ҳожидан илк илм сабоқларини олган. 14 ёшидан 34 ёшигача Бухородаги «жаҳонбоғи» мадрасасида таълим олган. 1911 йилда 34 ёшида муфтилик даражасига етган. 1913 йилда муфтилик ёрлиғи билан тақдирланган. Амир Сайид Олимхон Бухоро амири этиб тайинланганида, муфти Равшан Бойсун беклигида муфтилик мартабасига ўтирган. Совет ҳокимияти даврида бир неча мартаба тайзиқга учраган. Қабри «Қўрғони боло» қабристониди. 14 ёшигача Бойсун марказидаги «Худудия» мадрасасида таълим олган. Мадрасада Мулло Ҳолл Охунд, Мирзо Абдуҳолик махсум, Домла Ориф Хожи ва бошқалардан илм сабоғини олган... Муфти Домла Равшан 1922 йилдан катағонликка учраган ва

1941 йилгача вилоят қишлоқларида дарбадарлик ва саргардонликда яшаган. 1952 йилда совет ҳукумати томонидан диндор сифатида қамалиб, 1953 йил июлда Сталин вафотидан кейин озодликка чиқарилган. Отаси Азим Сурфи ўта билимли, зеҳнли бўлган. Қуръони Карим, Хадиси-шарифнинг билимдони бўлиб, жувозгарлик иши билан шуғулланиб, сахий амин одам бўлган. Одамларни чироғини беғул мой билан таъминлаб турган. Азим Сўфи 1922 йилда Қизил армия томонидан отиб ташланган. Қабри «Қўрғони Болода». Муфти Равшан Бухородаги «Жаҳонбеги»мадрасасида Домла Ҳамдам билан ўқиган. Равшан Азим муфтилик, домла Ҳамдам раислик унвони билан тақдирланиб Бойсунга қайтган. Мадрасада олдинма кейин Мулло Умар ва Мулло Бадал (иккаласи Пасурхи қишлоғидан), Мулло Абдурахмон(Боғиболодан), Домла Дўст Охунд билан (Кучкак)бирга ўқиган. Домла Дўст Охундни ўғли мулло Шариф Махсум кейинчалик Тожикистонга кўчиб кетиб, жон сақлаб қолган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида 1942 йилда Совет Иттифоқ Олий Совети Президиум раиси М.Каленин, Куйбешовда Ўзбекистонлик бир группа диний илмлар бўйича мутахасис одамларни чақириб, иккинчи жаҳон урушини тақдири ҳақида маслаҳат қилган экан. Бу йиғилишда Домла Муфти Равшан ҳам қатнашиб, совет ҳукумати галабага эришиши башорат этган. Муфти Домла Равшан ўзидан кейин солих фарзандлар қолдирди.

Домла Каримбек(1864-1950) Бойсун беклигида Сарносиё мавзесида туғилган. Оталари Раҳимбекбой ундан Эрназарбой ундан Мулло Ниёз Охунд. Домла Каримбек дастлабки билимини оталари ҳамда амакилари Эшони Қирон хузурида чиқаради. Бойсундаги «Худудия»мадрасасида таълим олиб, ундан сўнг Бухородаги Нодир Девонбеги мадрасасида таҳсил олиб, қайтиб келди. Домла Каримбекнинг укалари домла Хурсанднинг (марҳум 1970 йилда вафот этган) маълумотига кўра у киши Бойсундаги мадрасада бир йил мударислик қилади. Кейинчалик бир неча йил қозилик девонида ишлаган. Халқимиз орасида домла Каримбек ва амакилари Эшони Қирон -Раис ҳақида жуда кўплаб ривоятлар юради. Қуръони Карим, Хадису Шариф тафсифларини яхши мутоола қилганлар. Қуръони Карим оятлари билан турли хасталикка чалинган беморларни дарддан фориғ этиш ҳислатига эга бўлган. Домла Каримбек охири вақтларда Сарносиё қишлоғида яшаб вафот этган. Қабри «Сарносиё» қабристонда.

Норкул Шайх Ражаб ўғли (1879-1975) Бойсун беклигида туғилган. Оталари Ражаб оқсоқол бўлган. Бойсун беклигидаги «Худудия» мадрасасида таълим олди, кейинчалик Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олган. Бойбадавлат ўзига тўқ киши бўлиб отасидан ер, молу-мулк қолган. 1930 йилда барча молу-мулки, алача тўқийдиган дўконлари давлатга мусодара қилиниб, кулок қилинган. Қуръони Карим ва Хадису Шариф тафсифларини мукамал билган. Қуръони Карим оятлари билан турли хасталикларга(кутуриш руҳий касаллик ва бошқа) чалинган беморларни дарддан фориғ этиш ҳислатига эга бўлган.

Норкул Шайхни ўғиллари Азиз Норкуловни айтишича, оталари охириги вақтларда Пойгабоши маҳалласида яшаб вафот этган. Қабри «Қўрғони боло» қабристониди.

IV. БОБ. СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ДАВРИДА БОЙСУННИНГ ИЖТИМОЙ –ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИ (1921-1991 ЙИЛЛАР)

Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч маърифатдир.

И.А.Каримов

Миллий истоклол шарти билан биз ўтмиш тараққиёт йўлимизни ҳеч бир мафкуравий ақидаларсиз ўрганиш ва ёритиш имкониятига эга бўлдик. Чунки «Тарих хотираси, халқнинг жонажон ўлкамизнинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади».¹

Юртбошимиз Ислом Каримов ижтимоий ривожланиш босқичларини чуқур ўрганиш заруриятини, миллий тарихнинг юксалиш ва инқирозлик даврларини мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан тушинтириш, мустамлакача чор ва Совет тузумлари сиёсати салбий оқибатларнинг барча кўриншларини ёритиб бериш ва жамиятни маънавий-ахлоқий камол топишида унинг муҳим аҳамияти касб этишини таъкидлаб ўтамиз.² Бу вазифани бажаришда миллий ўзлигимиз ва қадриятларимизга бегона бўлган «Социализм» деб аталмиш тузумнинг халқимиз турмушига зўрлаб тиқиштирилишига қарши бўлган миллий муҳолифат фаолияти ва тақдирини тадқиқ этиш долзарб масалалардан биридир. Халқ озодлиги, эркинлиги фаровон ҳаёти йўлида курашган миллий арбоб ва зиёлиларнинг аянчли қисматларини ёритиш, уларнинг ёрқин хотирасини абадийлаштириш тарих фани олдидаги муҳим вазифалардан биридир. Совет ҳокимиятининг ўрнатилишининг оқибатлари Бойсун тарих саҳифаларида ўз аксини топди.

1920 йил 10 сентябрда Амир Сайд Олимхон Дарбандга келиб, Бойсун беги ҳамроҳлигида 11 сентябрда Ёлғизбоғ ва Тўда қишлоқлари орқали Бойсунга жўнаб, Чорчинорда тўхтади. Инқирозга учраган амир ўз давлатида мафкуравий бирликни, ўзаро ҳам фикрлиликни вужудга келтира олмай, ҳокимиятининг сиёсий заифлиги туфайли Совет ҳокимиятига қаршилик кўрсата олмади. Ўша даврда маҳаллий халқни чалғитиб, мансаб учун ўз ватанини сотиш эвазига обрў орттиришга уринувчилар ҳам кўп бўлганлигини Дарбанд, Бойсун, Кофрун воқеалари тасдиқлайди. Амир Сайд Олимхонни асрга олиш учун М.В. Фрунзе томонидан юборилган 8-Туркистон ўқчи полки амалга оширган дастлабки қирғинларга айнан шундай кимсалар сабабчи бўлди. Бироқ Сурхон воҳасида дастлабки истиклолчилик ҳаракатини ташкил этганлардан Жўрахон Махсум, Мулла Абдурасул Ҳожи, Сайд Хатиб, Абдурасулбой, Усмон Ҳожи, Бурибой, Қахҳор Ҳожи, Саидхон оқсоқол, Хўжамшукур ва Норқул тўқсобалар миллий кучларни бирлаштириш, ягона миллий озодлик байроғи остида тўпланиб, ор-номус бирлигини сақлаб қолишни энг асосий вазифа деб билдилар.

1920 йилнинг октябр ойи бошларида миллий ҳаракат кучларини

¹ Каримов .И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», -Т.: Ўзбекистон. 1997. –140-бет.

² Қаранг: Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўк». –Т.: Шарк. 1998. 31-б.

бирлаштириш мақсадида Саид Олимхон Бойсун ва Шерободга Олимхон исмли кишини бек этиб тайинлайди. Амирнинг ўзи Душанбе шаҳрида туриб катта миқдордаги қурол-яроқлар билан истиқлолчиларни қўллаб-қувватлайди. Советлар мустабид тузумини батамом йуқотиш учун миллий истиқлол кучлари бирлашиб дадил ҳаракат қила бошлади.

1920 йил ноябрда Саид Олимхон Душанбе шаҳрига боргач Англиянинг махсус Ўрта Осиё бўйича вакили Эссертон орқали Буюк Британия қироли Георг 5 га қуйидаги мазмунда мактуб йўллайди: “Бундай мушкул соатда Олий ҳазратлари ўз эзгулиги ва олижаноблигини кўрсатади ҳамда менга дўстона ёрдам сифатида давлат қарзи ҳисобидан 100 000 фунт стерлинг, 20 минг милтик, ўқлари билан 30 тўп ва зарур жиҳозлари билан 10 аэроплан жўнатади деб ишонаман”. Амир, шунингдек, 2 минг қурол-яроғли ва ҳарбий тайёргарликдан ўтган инглиз ҳарбийларини ҳам илтимос қилиб сўраган эди. Сиёсий вазиятларни жиддийлашишидан хавф сираган Англия ҳукумати амирнинг илтимосини инобатсиз қолдирди.

Амир 1921 йил 4 мартда Афғонистонга ўтган даврда, Бухоро амирлигида яшаган аслзода оилалардан жами 200 минг киши ҳам ўз ватанини тарк этиб, Афғонистон, Эрон ва Туркия мамлакатларига кетдилар. Совет ҳукуматининг ВЧК-ОГПУнинг Қобулдаги резидентураси маълумотларга кўра 1924-1933 йилларда амир Қобул яқинидаги ўз саройида Бухородан муҳожирликка келган йирик амалдорлар Тўрақулбой, Тоайбек, Санақулбек, Қори Мирзобой, Хўжа Девонбеги ва бошқалар бирга яшаган. Қобулдаги муҳожирликда Бухоро амирлиги мусулмонларининг раҳнамоси Ибодулла Муфти ҳам бўлиб, у бутун мусулмон оламида жуда катта обрў қозониб, шариат ва исломнинг мўътабар мушаррихи ва билимдони сифатида рухонийлар эътиборини қозонган, нотик инсон бўлган. 1920-йилларда амир ҳузурига Қобулда яшаган, Бухоро Халқ Совет Жумҳурияти Марказий Ижроия Қўмитасининг биринчи раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев мунтазам келиб турган вақтда бухоролик 320 оила ҳам Қобулда яшаб, асосан, деҳқонилик ва хазматчилик билан шуғулланган.

Саид Олимхоннинг асосий харажатларини афғон ҳукумати ҳар йили ажратган 14-15 минг афғони пули ташкил этиб, бундан ташқари амирнинг йирик капитали хорижий банкларда бўлиб, Пешавордаги инглиз банкида унинг 2 миллион ҳинд рупийси, Париждаги банкларда шахсий жамғарма ҳисобида 180 миллион франк пули сақланган. 1921 йилнинг кузида амир Шарқий Бухорога келиб, Туркиянинг собиқ ҳарбий вазири этиб тайинланиб, 1922 йил 18 майда РКП (б) МК “Туркистон-Бухоро ишлари ҳақида” номли махсус қарор чиқариб, бир қатор ҳарбий-сиёсий тадбирлар ишлаб чиқди.

1922 йилнинг 4 августида Обдара қишлоғида қизил қўшин билан бўлган жанглардан бирида Анвар пошшони ўлдирилиб, унинг асосий ҳарбий кучлари тор-мор этилиб, Саид Олимхон ўзининг собиқ вазири, Эронда инглиз резидентураси билан боғлиқ бўлган Тоғабек Жонмирзаев орқали ҳам иш олиб борди. У Саид Олимхондан тегишли ваколат олиб, инглизларга большевикларни амирликдан ҳарбий йўл билан қувиб чиқариш ва амир ҳокимиятини тиклаш ҳамда мустаҳкамлашни таклиф этади. Амир қуйидагиларга розилик билдиради: тартиб-интизом ўрнатилгунга қадар инглиз қўшинларига Бухорода бўлиш ҳуқуқини бериш, фақат инглиз ҳарбий

инструкторларини таклиф этиш, ҳамма вазирликларга инглиз маслаҳатчиларини чақириш, ташқи савдони кўпроқ инглизлар билан олиб бориш, инглизлар Бухоро давлати ҳудудининг исталган қисмида бирор ён беришни талаб қилишга ҳақлидир ва ҳаказолар. Шу билан бирга амир Саид Олимхон Туркистоннинг большевиклар босиб олган қолган қисмини ҳам озод қилиш ва бунинг учун зарур бўлган барча харажатларни тўлаш мажбуриятини олди. Амир Миллатлар лигаси (ҳозирги БМТ)га Бухоро давлати вакили учун бир ўрин таъминланишини ҳам инглизлардан илтимос қилди.

Қобулда ҳам айнан инглиз миссияси Бухоро муҳожирларининг бутун фаолиятини йўналтирилиб ва мувофиқлаштириб турди. Айти пайтда у Саид Олимхонни совет ҳукуматига қарши бирор бир жиддий ҳаракатга қодир бўлмаган, чекланган раҳбар сифатида билди. Шунга қарамай, инглиз махсус хизмати амирни назардан қочирмади. Чунки Саид Олимхон Афғонистондаги нуфузли муҳожир муҳитида ўз тарафдорларининг йирик гуруҳига эга бўлиб, 1924 йил сентябрида ССЖИнинг мухтор вакили Старк афғон ҳукумати олдига амирни Афғонистондан чиқариб юбориш масаласини қўйди. Шунда амир Омонуллахон ҳозирги пайтда Саид Олимхоннинг нуфузи юқорилиги ва Афғонистоннинг ўзида қўзғолончилар ҳаракати мавжудлигидан бундай қадам хатарли бўлиши мумкинлиги ва уни қабул қила олмаслигини айтди.

Саид Олимхоннинг тахтга қайтиши учун очиқ курашдаги мағлубиятидан сўнг инглиз разведкаси ССЖИ га қарши кўпоровчилик кучларини бирлаштирувчи муҳожирлар сиёсий ташкилотни яратишга ёрдам берди. Бироқ, 1930 йилнинг биринчи ярмидаёқ инглиз разведкаси туркистонлик муҳожирлар сиёсий оқимини бирлаштириш борасида олиб борилган ишларида Саид Олимхон номи эътибордан четда қолди. Бунинг боиси шундаки, бу пайтга келиб амирнинг муҳожирлар орасидаги нуфузи пасайди. Бухоролик муҳожирларнинг асосий раҳбарларидан бири Садриддиннинг бу ҳақдаги сўзлари эътиборлидир: “Энди Англия Туркистонни бошқаришнинг анча замонавий шаклини танлаш йўлидан бормоқда. Чунки нодон, бузук, чор генерали Амир Олимхон шахсини шариат-феодал шаклидаги бошқарилуви билан бугунги Ўрта Осиёга тавсия этишни ақл бовар этмайди, шунинг учун ҳам инглизларда Бухоро амири шахси ўз қимматини йўқотмоқда”.

Аммо кейинчалик ҳам инглиз разведкаси амирни ўз эътибори доирасида тутди. Саид Олимхонга бир пайтнинг ўзида немис, турк ва япон разведкаси томонидан қизиқиш кучайди. Немис разведкасининг Афғонистондаги бухоролик муҳожирлар муҳитидаги фаолияти 1941-1943 йилларда кучайди. Аввало, ССЖИ да яшин тезлигида уруш олиб боришни мўлжаллаган немислар уларга унчалик эътиборини қаратишмади. Бироқ бир қатор мағлубиятлардан сўнг улар бу омилга ўз қарашларини ўзгартиришди. Немис разведкасичи Расмус ва Витцель амир билан унинг ўғиллари – Саид Умархон ва Саид Иброҳим, шунингдек муҳожирлик йўлбошчилари Мубоширхон Тарозий, Кўршермат, унинг биродари Нурмат ва бошқалар орқали алоқа боғладилар.

Муҳожирлар гуруҳини кенгроқ камраб олиш ва барча муҳожирлик қатламлари ҳамда гуруҳларини тўпламоқ мақсадида немис разведкаси “Фаол” номли махсус марказ тузади. Уни Мубоширхон Тарозий бошқаради, ҳарбий кучлар бош қўмондони Кўршермат эди. Немислар “Фаол” учун қурол ва ҳарбий

аслаҳа олишни маблағ билан таъминлаб туришди. Афғон контрразведкаси тинтуви чоғида биргина Муҳоширхондан немислар берган 200 минг афғонига яқин пул топилди. Бундай таъминотдан кейин Афғонистоннинг шимолий вилоятларига Саид Олимхоннинг махфий топшириқ олган кишилари ташкилий ва тарғибот ишлари билан юборилди. ССЖИ ҳудудига эса Ўрта Осиёда Совет ҳукуматига қарши яширин фаолиятини ва кенг қўзғолончилик ҳаракатини ташкил этиш учун шундай кишилар жўнатилди.

Бухоро муҳожирилари йўлбошчилари афғон ҳукумати уларни қўллаб-қувватлайди ёки, ҳеч бўлмаганда, ҳалакит бермайди деб ўйлашди. Бироқ Афғон ҳукумати советлар Бухоро муҳожириятини диққат-эътибор билан кузатаётганини яхши тушуниб, совет ҳукумати муҳожириятни яккалаб қўйиш учун энг кескин чораларни кўриши ва Афғонистоннинг бошига Эроннинг аҳволини тушириш мумкин эди. Шу сабабли, немисларнинг Сталинграддаги мағлубиятидан сўнг немис разведкаси Бухоро муҳожириятига нисбатан кутувчанлик-келишувчанлик муносабатига бирҳам бериб, 1943 йил мартида афғон махсус хизмати ходимлари Қобулда ҳам шимолий вилоятларда Бухоро мухторияти йўлбошлигидаги “Фаол” марказининг барча аъзолари, шимолий вилоятларда асосий раҳбар ҳисобланган Ҳамроқулбек, Қудратиллахон Тўра, Муҳиддин Тўра каби жами 50 киши қамоққа олди. Натижада, муҳожириятнинг омон қолган раҳбарлари Ҳиндистон, Макка, Туркияга кетиб, ҳар қандай шароитда ҳам ватанга қайтишга ҳаракат қилдилар.

Ҳукмрон афғон сулоласи Бухоронинг собиқ амири ва унинг ўғилларини, гарчи бу ўғиллар “Фаол”ни ташкил этишда муҳим роль ўйнаган бўлишса-да, уларни қамоққа олмади, сабаби меҳмондўстлик эҳтироми туфайлигина эмас, балки бу икки сулола ўртасида қадимдан дўстона алоқалар мавжудлиги эди.

1944 йининг 30 апрелида Саид Олимхон вафотидан сўнг унинг Қалъаи Фоту деб номланган қароргоҳида катта ўғли Саид Умархонни амир вориси сифатида расмийлаштириш маросими бўлиб, маросимни марҳум амир маслаҳатчиси Мир Фаттоҳбек Бий ва сарой эшони Яҳё ҳожи Садр ўтказди. Улар Саид Умархонга амирлик либосини кийдириб, меҳмонхонага унинг укаларини таклиф этишди. Укалар Саид Умархон қўлидан ўпиб, унга содиқликка қасамёд этишди. Шундан кейин, маросимга келган барча меҳмонлар навбати билан меҳмонхонага киришди. Охирида Саид Умархон нутқ сўзлади. У муҳожириликнинг энг биринчи вазифаси ватанни Совет ҳукуматидан озод қилиш учун кураш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Саид Олимхоннинг Совет Иттифоқида қолган авлодларининг тақдири турлича бўлди. Уч ўғли – Султонхон, Шомуродхон ва Раҳимхон Олимовлар Бухоро босиб олингандан сўнг Москвага олиб кетилди, бу ерда яшаб, таълим олиб, меҳнат қилишди. 1932 йили Саид Олимхон ўз ўғилларини Афғонистонга қайтариб олишга қаттиқ ҳаракат қилди. Лекин бу уринишлар беҳуда кетди. Ўзининг муҳожирилик кайфиятини яққол намоён этган кичик ўғил Раҳимхон 1937 йил қатағонларида жосусликда айбланиб, олий жазога ҳукм қилинди. Катта ўғил Султонхон Олимов (1910 йилда туғилган), тугалланмаган олий маълумот эгаси, Иккинчи жаҳон уруши ногирони, Москвада яшаган ва ногиронлар артелида ишлаган. Ўртанча ўғил Шомуродхон Олимов (1911 йилда туғилган) Ҳарбий-инженерлик академияси тугатган ва Марказий

аэрогидродинамика билимгоҳи (ЦАГИ)да ишлаган. Бухоро амирлиги сўнги ҳукмдорининг тақдири ва у билан боғлиқ воқеалар қисқача шулардан иборат.

1920 йил ноябрда амир тарафдорлари Бойсун ва Шерободни ўз назоратларига тўлиқ олди, натижада Шарқий Бухоронинг ажралмас қисми бўлган Сурхон воҳасида мустақиллик учун кураш олиб борувчилар сони анча ошади. Мунтазам армиянинг мавжуд эмаслиги, қурол-яроқларининг етишмаслиги, замонавий-ҳарбий мутахассисларнинг деярли йўқлиги ва бошқа қатор қийинчиликларга қарамасдан қисқа муддат ичида Шарқий Бухорода қизил аскарларга қарши тура оладиган катта миқдордаги ҳарбий кучлар тўпланди. Бухоро халқ Республикаси Ревкоми номига жўнатилган қизил аскарларнинг разведка маълумотларида айтилишича, 1920 йил 23 ноябрда «Бойсунда Бўри Тўқсабо қўмондонлигида 7000 киши (5 та пулемёти билан), Денов шаҳрида 1000 киши, Сариосиёда 3000 киши, Сангардак қишлоғида (Юрчига кетиш йўлида) 140 киши, Бахчи қишлоғида (Тошқўрғондан 20 чақирим жануби-шарқда) Эшон боши қўмондонлигида 600 киши, Дарбандда 100 кишидан ортиқ, кўшин тўпланди. Шуниси характерлики, ушбу ҳужжатда ёзилишича, «амир кўшинлари Шарқий Бухородаги кўнгиллилар ҳисобидан тузилган эди». Бироқ кўшинда афғон аскарлари ҳам бўлган. Тарихчи Қ. Ражабовнинг ёзишича, Иброхимбекнинг 4000, Давлатмандбекнинг 5000, Турай Сарининг 2000 кишилиқ кўшини совет ҳокимиятини тугатиш учун ҳаракат қилади. Бойсундаги амир кўшинлари ва ватанпарварларга Бўри Батош, Холтура Амин, амирнинг ноиб Олимхон, Эшон Судур, Қорахўжа, Бўри ва Хўжамшукур тўқсобалар саркардалиқ қилдилар. Бу кўшинлар Бойсун-Чакчак, Шўроб ва Оқдовон, Шеробод, Бандихон йўналишида ҳаракат қилиб, Сайд Олимхон Кулоб, Ҳисор ва Дарбоздаги кучларни бирлаштириб ноябр ойининг ўрталарида унинг кўшинлари Бойсун, Дарбанд ва Шерободни эгаллади. Аммо ўзаро ҳамжихатлик йўқлигидан фойдаланган қизил армия ҳарбий қисмлари 1920 йил 17 декабрдан 1921 йил 4 январигача қизил командир Марсов етакчилигидаги «Ҳисор экспедицияси» Бойсун йўналишида ҳужумга ўтиб, Дарбанд, Шўроб, Оқдовон истеҳкомларини қўлга киритади. 1921 йил 5 январда Дарбанддаги ҳал қилувчи жангда амир кўшинларини мағлубиятга учратиб, Дарбанд, Сайроб, Хўжабулғон, Даҳнаижом, Ёлғизбор, Туда қишлоқларини ишғол этиб, Қоқбели ва Сакратма этаги орқали Бойсун шаҳрини эгаллайди. Советлар ҳукумати ўзининг дастлабки ҳаракатида халқни ўз томонига тўлиқ ағдариб олиш йўлини тутиб, камбағал табақаларни кўпроқ сиёсий ҳаётга жалб этишга киришади. 1921-1922 йилларда советлар ҳокимиятини мустаҳкамлаш сиёсати туфайли Сурхон воҳасида дастлабки совет фирқа кўмиталари тузилиб, ҳокимиятни мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилади. Улар маҳаллий халқ ичидан ўзларига содиқ гуруҳларни йиғиб, ҳокимиятнинг бошқарув ишларига жалб этса-да, саводли, нуфузли маҳаллий халқ вакилларини ҳокимият бошқарувига асло жалб этмайди.

Бойсунда 1921 йилнинг январ ойида инқилобий бошқарув кўмиталари тузилиб, кўмита асосан ички душманларни тугатиш, совет ҳокимиятини тўлиқ ўрнатишни таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб олади. Советларнинг

махсус ГПУ (Бош сиёсий бошқарма), ЧК (Фавқулодда кўмита) бўлинмалари воҳада жосуслик ҳаракатларини ниҳоятда кучайтириб, оммавий тарзда маҳаллий аҳолини қамокқа олиш, қириб ташлаш билан шуғулланди. Большевиклар маҳаллий халқни иккига бўлиб ташлаб, уларни бир - бирига қарши курашга чорлаб, бундан ўзларининг манфаатлари учун усталик билан фойдаландилар. Айниқса, 1921 йил январда Бойсунда ташкил этилган инқилобий кўмитада ишлаган Ибодулла Ҳалимов, Мирзо Салим Дўстмуродов, Мирзо Ғулом Қодирӣ, Жалол Каримов, Қудрат Бобоев, Азим Аннақулов кабилар бу сиёсатни амалга оширишда фаол иштирок этади. Чунки саводи бўлмаган, ватан, халқ манфаатини тўлиқ тушуниб етмаган бундай кишилар халқ қисматини оғир аҳволга солиб кўяди.

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ МИЛЛИЙ КАМСИТИШ СИЁСАТИ

Халқнинг бирлиги, жипслиги ва осойишталиги ҳақида гапирар эканмиз, бу-Бизнинг бебаҳо бойлигимиз.

И.А.Каримов

Советлар сиёсатининг Сурхон воҳасига кириб келиши кескин кураш шароитида амалга ошди, маҳаллий халқнинг асосий қисми бу янги ҳокимиятни норозилик билан кутиб олди. Бухоро амирлиги даврида катта ҳарбий, иқтисодий, сиёсий мавқега эга бўлган Сурхон воҳасини советлар ҳукумати ўз қўлида маҳкам сақлаб қолишга жиддий киришди. У оддий меҳнаткаш халқни зудлик билан ўз томонига ағдариб олиш мақсадида халққа бепул, уйлаганидан ортиқча мулк ваъда қилиб, ишлаб чиқариш қуролига эга бўлмаган, ҳуқуқий тушунчаси йўқ, сиёсий билимларни етарли эгаллаб олмаган халқни ўз сиёсати чегарасига киритиб олди. Натижада совет ҳукумати миллий хусусиятларни чуқур ўрганиб, ички зиддиятлардан фойдаланишга, қариндош-уруғларни, миллий этник гуруҳларни бир-бирига маҳаллий-қарши қўйишга ҳаракат қилади, Бундан сиёсий манфаатлар йўлида усталик билан фойдаланди. Миллатнинг фахри бўлган олиму фозиллар, йирик маҳаллий бойлар, ўткир зехнли дин вакиллари, маҳаллий халқ ўртасида ишбилармон, иш бошқарувчиликда катта обрўга эга бўлган нуфузли одамларни, умуман сиёсий ҳаёт йўналишидан олиб ташлаш ва йуқотишга жиддий киришди. Бу сиёсат туфайли 1920 йилда воҳанинг минглаб аҳолиси қаттиқ сиқув остига олиниб, бир қисми қатағонлик сиёсати билан сургун қилиниб, иккинчи қисми эса қириб ташланди. Халқнинг асосий қисми эса қуруқ ваъдалар таъсири остида советларнинг нотўғри сиёсатига эргашиб кетди. Амирликнинг сиёсий жиҳатдан тугатилиши натижасида Бойсунда йирик ер эгаси Суюн Пинхос ўғли ихтиёрида 600 гектар экин майдони бўлиб, унинг ерлари зўрлик билан тортиб олиниб, 13 та дўкони ҳам Совет ҳокимияти томонидан қабул қилинган қарор асосида давлат ихтиёрига ўтказиб юборилди. Илм-маърифат ва маданий покликка даъват этувчи ислом динига ҳам кескин зарба берилади. Жумладан, Бойсундаги 2 та кичик мадраса ёпилиб,

талабалар қаттиқ сиқувга олинди.

Совет ҳукумати 1925-1930 йилларда миллий озодлик ҳаракатини ғоявий жихатдан тор - мор этиш мақсадида босқинчилик-талончилик билан шуғуллаётган кичик гуруҳлардан иборат тўдаларни «босмачилик»да айблаб оммавий қирғин сиёсатини ўтказди. Совет ҳукумати томонидан амалга оширилган қирғин, зўравонлик, маҳаллий халқнинг мол-мулкни тортиб олиш айбсиз кишиларни қирғин қилиш сиёсатини яшириш мақсадида турли хил уйдирмалар уйлаб топди. Босмачилар томонидан гуёки хотин-қизларнинг номусига тегиш, болалар ва қизларни ўғирлаш, мол-мулкни талаш, уй ва экинзорларни ёқиш, вайрон қилиш ишлари амалга оширилмоқда, деб тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. РКП (б) МК Ўрта Осиё қўмитаси бутун партия қўмиталарига босмачиликни тугатиш масаласига раҳбарлик қилишни шахсан топшириб Республика, вилоят, туманлар, қишлоқларда махсус гуруҳ тузилиб, шубхали кўринган кишиларни қамоққа олиш, қаршилик кўрсатганларни жазолаш, отиб ташлаш тўғрисида 1925 йил 18 октябрда махсус кўрсатма берилди. Бу эса очиқчасига маҳаллий халққа қарши жазо-чора қўллаш совет ҳукуматини тан олмаган, унинг сиёсатидан норози бўлган кишиларни қамоққа олиш, мол-мулкни талон-тарож қилиш, ҳар қандай кўринишдаги миллий озодлик ҳаракатларини йўқотиш учун асосий дастур бўлиб хизмат қилди. Бу нарса саводсиз, овом халқни жиловлаш, ватанни, озодликни, мустақилликни севадиган фидоий инсонларни халқдан ажратиш, миллий туйғуларни топташдан иборат бўлган сиёсат тантанасининг ғалабасини тезлатиш эди. Сурхондарё вилоятида босмачиликни тугатиш баҳонасида камбағал деҳқон, батрак, чорикорларга ер - сув бериш баҳонаси билан уларни кучидан фойдаланиб, маҳаллий бойларни мол- мулкни тортиб олиш, миллий озодлик курашини онгли тарзда тарғиб қилаётган ватанпарварларга қарши қўйиш бош йўналиш қилиб олинди. Мустабид тузум тарафдорлари ўзлари босқинчилик, талончилик сиёсатини бош ғоя қилиб олган бўлсада, ўзларининг манфур сиёсатини яшириш мақсадида воҳага бостириб келиб, миллий ўзликни, мустақилликни, моддий-маънавий маданиятини топтаган, миллатни бир-бирига маҳаллий-қарши қўйиб, амалга оширган сиёсатини пардалаб, ўзларининг манфур ҳаракатларини эмас, балки ватан озоддиги йўлида кураш олиб бориб, миллатни, тилни, ватанни, унинг ору-номусини, молдий бойликларни, миллий кадриятларини, маданиятини ҳимоя қилган кишиларни «босмачи»ликда айбладилар. Маҳаллий овом халқ қўлига қурол-яроқ бериб, миллат ичида ички низоларни келтириб чиқаришга, акани-укага, отани-болага қарши қўйишда фойдаландилар. Миллий озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилган Иброҳимбек ва бошқа озодлик ҳаракати тарафдорларига қарши ўзбек-тожик аҳолисига қарши курашга чақариш, гуёки «босмачи»ларга қарши кураш олиб бораётганларга моддий ёрдам бериш мақсадида халқ томонидан мадад бериш зарур, деган тарғибот ишларини олиб бориб, маҳаллий халқ қўлидаги охириги бурда нонларини, чорва молларини авраш, алдаш йўли билан тортиб олиш сиёсатидан усталик билан фойдаландилар. Шу йўл билан ўзларини халқ мулкни тортиб олаётганлигини «босмачилик тамғаси билан яширишга

ҳаракат қилдилар. Иброҳимбек, Абдуллабек, додхоҳ Ҳайдар Курибий ва муфти Судур раҳбарлигидаги озодлик кураши тарафдорларига қарши 1925 йилда оммавий кураш бошлаган большевиклар ўз мақсадларига эришиш мақсадида ҳеч нарсадан қайтмайдилар. Ҳатто Бойсун, Қизирикдашти ҳудудларидаги қишлоқларга «махсус босмачи кийимдаги Қизил армия гуруҳларини ташлаб ашаддий жиноятларни амалга ошириб, маҳаллий аҳолини қириш, аёлларнинг номусига тегиш, айбсиз кишиларни ўлдириш билан шуғулландилар. Бу билан маҳаллий халқни озодлик кураши тарафдорларга қарши қўйиш билан ўч олдилар. 1925 йил 15 сентябрда Туркистон fronti сиёсий бош бошқармаси оммавий тарзда Сурхондарё воҳасида «босмачилик»ни тугатиш масаласида жиддий кўрсатма берилди. Чунки бу даврда воҳада Мустафоқули раҳбарлигида миллий озодлик ҳаракати кураши катта муваффақиятларга эришиб, Қизил Армия қисмларига қақшатқич зарбалар бериб, большевикларни омма орасида юритаётган ғоявий ташвиқотларнинг нотўғри эканлигини асослаб берган эди. Натижада аҳолининг асосий қисми мустабид тузумни олиб бораётган рижорона сиёсатининг мохиятини тушуниб, миллий озодлик ҳаракатига қўшилиб борган эди. Маҳаллий халқ большевиклар сиёсатига ишонмай, мол-мулкни уларга беришдан бош тортиб, қаршилик кўрсатдилар. Шуни алоҳида таъкиддаш керакки, икки сиёсат, кураш, ғоявий тарғибот таъсирига тушиб қолган маҳаллий халқ мол-мулкни талон-тарож қилишдан кўрқиб моддий бойликларни арзимас пулга сотиш, озиқ-овқатга алмаштириш билан бирга хорижга қочиб кетиш ҳамда чорва молларни ҳайдаб кетиш ёки суйиб йўқотиш йўлига ўтди. Натижада 1920 - йиллар иккинчи ярмида кўплаб миллий бойликларнинг йўқ бўлиб кетишига чексиз чорва молларини қирилиб кетишига, минглаб ватандошларни хонавайрон бўлиб, чет элларда ватангадо бўлишига, ўз юртига яшаш ҳуқуқидан маҳрум бўлишига олиб келди. Ана шу оғир қисматдан воҳа халқини қутқариш учун тенгсиз жангларда тобланган, кам сонли, курол-яроғ етишмасида халқ озодлиги йўлида кураш борилиб борган Мустафоқулибек ва Утан беклар ҳаракати алоҳида аҳамиятга эгадир. Бойсун ҳудудидаги Посурхи, Тилакамар, Бешэркак қишлоқларда ниҳоятда даҳшатли тўқнашувлар бўлиб, тенгсиз жангларда юзлаб кишилар ватан мустақиллиги, озодлиги йўлида жанглар олиб борди. Айниқса, Утанбек ўзининг мардлиги, жасорати билан ҳатто Совет Қизил Армияси кўшинларини ҳам ҳайратга солди. Совет ҳукумати ўзининг олиб бораётган босқинчилик, талончиликдан иборат сиёсатини яшириш мақсадида маҳаллий халқ номидан махсус «босмачилардан» холос қилиш бўйича Ўрта Осиё сиёсий бош бошқармасига, Қизил Армия кўмондонлари номига хатлар, мурожаатномалар уюштириб янги кучларни сафарбар этиш масаласида фойдаландилар. Бундай чақириқлардан иборат бўлган Қизил Армия кўшинлари аёвсиз тарзда террор уюштириш, оммавий қирғин ўтказиш, кўзга кўринган маҳаллий халқни ибратли одамлардан уч олиш, қириб ташлаш воситаларини ишга олдилар. Энг ачинарлиси сиёсий бошқармасининг махсус кўрсатмаси билан Хуррамбекка ёрдам берди баҳонаси билан бутун бошли кўғирот уруғи қабилаларига нисбатан қиғрин сиёсати ўтказилиб, минглаб бегуноҳ кишилар

кириб ташланди. 1926 йил баҳорида мустабид тузум сиёсати таъсирида Сурхондарё воҳасини «босмачилиқдан» оммавий тозалаш сиёсати ўтказишди. Очлиқ қашшоқлик турли хил оммавий касалликлар тинимсиз қирринлар қурбонига айланган воҳа аҳолисининг сони 1920 йилга нисбатан 3/1 га камайди. Ўз навбатида 1926-1930 йилларда аҳолининг ўзига тўқ қисми деярли тугатилиб, бир қисми жон сақлаш учун Афғонистон орқали хорижга қочиб кетган бўлса, иккинчи қисми кириб ташланди ёки Марказнинг махсус кўрсатмаси билан Россияга мажбурий кўчирилиб, «қатағон» қилиниб, кулоқ сифатида мажбурий кўчирилди. Олиб борилган тезкор ҳаракат, амалга оширилган қирғин, миллий камситиш сиёсати туфайли Совет ҳукумати 1926 йил 1 июнда Марказга берган хабарномасида Сурхондарё округида «босмачилиқ» ҳаракати тугатилди, деб ғалаба баённомасини тақдим этади.

Ана шу оғир мустабид тузумнинг илк бошланғич даврида халқни озодлик, мустақиллик йўлига олиб чиқишга, большевикларнинг жирканч сиёсатининг моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қилиб, шу йулда шаҳид кетган минглаб воҳаддошларимизнинг номи тарих саҳифалардан бир умрга учуриб ташланган эди. Ватан озодлиги йулида кураш олиб борган ватандошларимиз номлари халқимиз мустақилликка эришгач тикланди ҳамда бу борада тарихшунослар мукамал ишлар олиб бормоқдалар, Бу эса оғир масъулиятли меҳнатни талаб этади. Сурхондарё воҳасида мустабид тузум сиёсатини ўрнатиш, Совет ҳукуматининг зафарли юришини таъминлаш, маҳаллий халқни большевиклар сиёсатига мажбурий буйсундириш, маҳаллий миллатларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, қирғин сиёсатини ўтказиш, миллий урф-одатлар, кадриятлар, анъаналарни топташ, қатағонлик сиёсатини уддабуронлик билан ўтказиш, миллий бойликларни талон-тарож қилиш ҳамда Марказга жунатишга раҳбарлик қилишда жонбозлик қилиш «жасорат курсатган ҳарбий кумонлардан С.Г.Сергеев «Қизил байроқ» Ч.Берхалиев «Қизил Юлдуз», Ш.Қодиров «Революция ҳимоячиси» орден ва медаллари билан мукофатланди. Ўз навбатида Ўзбекистон КП Сурхондарё партия кўмитасининг раҳбарларидан бир гуруҳи, ҳарбий қисм офицер, солдатлардан катта қисми 1926 йил 9 июнда «босмачилиқ»ни тугатиш борасидаги қаҳрамонлиги учун «Қизил Байроқ» орден билан мукофатланди. Бу тарихий воқелик халқимизнинг ёрқин, лекин аччиқ, ўтмиш тарихидан бир мисол бўлсада, эркинлик, озодлик энг муҳими мустақиллик осонлик билан қўлга киритилмаганлигини, уни асраш-авайлаш мукаддас бурчимиз эканлигидан огоҳ этади.

Ўзбекистон Инқилобий кўмитасининг қарори билан Сурхондарё округи 1925 йилнинг 18 январ куни Бойсун, Шеробод, Сариосиё уездларига бўлинди. Бойсун уезди маркази Бойсун шаҳри бўлиб, уезд учта тармоқга Бойсун, Дарбанд ва Қумқўрғонга бўлинди. 1926 йил 31 августдаги қарори билан эса Қумқўрғон тармоғи Жарқўрғон тармоғи деб тасдиқланди. Ўзбекистон Марказий Ижроия Кўмитасининг 1926 йил 29 сентябридаги сессия қарорида Ўзбекистонда районлаштириш ўтказилиб, Чор Россияси, амирлик ва хонликлар даврида тузилган бўлинмалар Совет ҳукуматининг иқтисодий-сиёсий талабларига, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, кенг деҳқон табақаларига хизмат кўрсатишга,

советлар тузумининг бошқаришига жавоб бермайди деб топилди. Қарор асосида Ўзбекистонда мавжуд 7 та област, 23 уезд ва 241 тармоқ ўрнига 10 та округ, 87 та район ташкил этилди.

Сурхондарё округ маркази Шеробод шаҳри деб белгиланди. Унинг таркибига 6 та район киритилди. Булар Бойсун, Шеробод, Денов, Жарқўрғон, Сариосиё, Паттакесар, (1933 йилдан Термиз райони деб юритилди) районлари бор эди.

Иқтисодий алоқани янада ривожлантириш, ҳаво ва темир йўли, сув йўли ва алоқа воситасини қулайлиги ва ҳарбий ҳимояни ташкил этишнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ҳукуматининг 1927 йил 30 июндаги 68 қарорига асосан Сурхондарё округининг маъмурий маркази Шеробод шаҳридан Термиз шаҳрига кўчирилди. Бошқаришни такомиллаштириш, хўжаликнинг моддий ва иқтисодий қудратини ҳисобга олиш, мамлакат маркази учун зарурий хомашё манбаларини қайта кўриб чиқиш мақсадида собиқ СССР МИК нинг 1930 йил 23 июлдаги қарори билан округлар тугатилиб, районлар ташкил этилди. Бундай маъмурий –худудий бўлинмалар 1936 йилгача давом этди.

1930 йил 13 февралдаги қарорига асосан Сурхондарё округи Бухоро вилояти таркибига киритилди. 1941 йил 6 мартда Сурхондарё области ташкил этилди. Бойсун райони Ўзбекистон МИК сессиясининг 1926 йил 29 сентябрдаги қарорига асосан тузулиб унинг ихтиёрига 19 та қишлоқ кенгаши ва 118 та қишлоқ ўтказилди.

Бойсун район ҳудуди 1935 йил 1 апрелида 559450 гектар ерни ўз ичига олиб, ушбу ҳудудга Шимолдан Яккабоғ райони, Шарқда Ғузор, Жанубий-Шарқда Туркменистон, Жанубда Шеробод райони билан чегарадош деб белгиланди. Шўрчигача 72 километр, Шерободгача 125 километр ва Дехқонободгача 120 километр бўлган. Дарбанд, Хўжабулғон, Сайроб, Мачай, Қизил Наур, Шўроб, Бели Бойли, Бошчорбоғ, Томқончўғай, Пулҳоким, Хауз, Халқажар, Дуғоба, Қўрғонча, Янгиобод, Инкабод, Кофрун, Дехқонобод, Қайроқ қишлоқ Кенгашлари тузулди. 1921 йилнинг январ ойида Бойсунда инқилобий бошқарув кўмитаси тузулиб, унинг асосий вазифаси ички душманларни тугатиш, совет ҳокимиятини ўрнатишни тўлиқ таъминлашни ўз олдига асосий мақсад қилиб олди. Советларнинг махсус ГПУ (Бош сиёсий бошқарма), ЧК(Фавқулотда кўмита) бўлимларини ташкил этилди. Бу кўмиталарнинг асосий вазифаси туман ҳудудидаги жосуслик ҳаракатларини олиб бориш оммавий тарзида маҳаллий аҳолини қамоққа олиш, қириб ташлаш билан шуғулланади. Совет ҳукумати маҳаллий халқни иккига бўлиб ташлаб, амирлик даврида беклик сиёсатидан норози бўлган айрим нопок одамлардан усталик билан ўзларини манфаатлари учун фойдаландилар. 1921 йил январидан Бойсунда ташкил этилган инқилобий кўмитада ишлаган Ибодулла Ҳакимов (Каркилик), Мирзо Салим Дўстмуродов (Кўчкак қишлоғидан), Оллоқул Сиддиқов (Шўрсой қишлоғидан), Мирзо Бозор Ортиқов, Жалол Каримов (Қатари гузардан), Қудрат Бобоев (Эшон гузар), Азим Аннакулов (Газа), Шариф Файзуллаев, Хўжамурод Миродов (Пулҳоким), Мирзо Ғулом Қодирийлар. Советларни инқилобий бошқарув сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этдилар.

1921 йилда Бойсунда ташкил этилган фавқулотда кўмита (ЧК)га Насир Хасанов (Бухоро), ГПУ(Бош сиёсий бошқарма) га Олтибой Абдуллаев махсус

бўлимига Гейзер, Олимжон Акчуринлар (татар миллатига мансуб) фаолият кўрсатди. Бу кўмиталарнинг олиб борган жосуслик ҳаракати туфайли Бойсунлик беғуноҳ минглаб одамлар қатағон, сургун қилиниб, юзлаб одамлар сут терговсиз ваҳшийларча отиб ташланди.

1921 йил 5 январда Қосим Ҳабибуллаев (Пасурхи қишлоғидан). Қодир Ғафуров (Қизил Корея қишлоғидан)лар Бойсун шахрининг оқсоқоллари этиб сайланди. 1921 йил Март ойида Бойсун вилоят фирка кўмитаси қурултойи бўлиб, унда ташкилий масала кўрилди. Қурултой қарорига асосан: Мирзо Рауф Хўжа-фирка ўринбосари, Одина Хўжаев котиб, Қодир Ғафуров, Хожи Хасановлар аъзо этиб сайланди.

1921 йил 18-20 июлда Бойсун уезди деҳқонлар қурултойи бўлиб, унда 200 нафар вакил иштирок этди. Қурултойда вилоят маориф шуъбасининг янги ибтидоий (бошланғич) мактабини ташкил этиш, туман ва кентларда мактаблар ислохотини ўтказиш тўғрисида Абдулла Изитдин маъруза қилди. Устоз мураббий маорифчиларни айтишларича Бойсунда илк бор янги мактабни очиб, маҳаллий халқни саводли қилишда татар йигити Абдулла Изитдиновни хизмати катта бўлди. 1922-1928 йилларда маҳаллий миллат вакилларида Жўра Мирзаев, Раҳмон Рамазонов, Абдулла Ражабов, Равшан Эшқулов, Ҳамид Холиқов, Ҳаким Холиқов, Ғулом Холиқов, Норқобил Оймуродов, Хон Умронов, Абдулла Рахимовлар ушбу мактабга ўқиб уни илк битирувчилари бўлдилар. Кейинчалик Аннакул Жумақулов, Саид Асомитдинов, Нўмон Насритдинов, Маматали Омонов, Сафар Бобоев, Тўқсон Тоғаев, Сафар Омонқулов ва бошқалар битириб, аҳолини саводли қилишда хизмат қилдилар.

ҚАТАҒОНЛИК ЙИЛЛАРИДА БОЙСУН

Умр бизга уни сўнги дақиқаларига қадар мардона химоя қилиш шарти билан берилган.
Ч.Диккнес.

Ўзбекистоннинг советлар даври тарихида кам ўрганилган мавзулардан бири колхозлаштириш, қулоқ қилиш ва сургун этиш ва улар билан боғлиқ деҳқонларнинг аянчли қисмати, умуман миллий қишлоқлар фожеаси масаласидир. Совет даврида бу мавзу ўрганиш учун ман этилган эди.

Президентимиз И. Каримов 1999 йил 12 майда «Шўро тузуми даврида Ватанимиз истиқлоли ва озодлиги йўлида, миллий истиқлол ва тараққиёт йўлидаги интилишлар учун ноҳақ айбланиб, турли жазо ва тазйиқларга дучор қилинган ватандошларимиз номларини аниқлаш фаолиятларни ўрганиш, хотираларини абадийлаштириш мақсадида» эълон қилинган фармонларимизда¹ «шўро тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидоий инсонлар, шаҳид кетган зиёлилар хотирасини абадийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий-ижодий меъросини ўрганиш» зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 декабрда «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисидаги ва 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги» қарорлари Ўзбекистон бу борадаги ишларга нақадар катта эътибор берилаётганлигининг ёрқин

¹ «Ватанпарвар». 1999 йил 13 май

ифодасидир.

Ўзбекистон XX аср 20-30 йилларда конфирқа ва советлар катта сиёсий фитнеса ўйинларни ишга солиб, бир томондан, миллий истиқлолчиларга, жадидларга, миллий арбоб ва ходимларга қарши қирғинбарот қўллади, иккинчи томондан, советлар томонидан ўтганларга умумий авф қилиб, бир оз вақт ўтгач, уларни бирма-бир қатағон қиличидан ўтказди. Тарихимизнинг ана шу аянчли саҳифаларини ёритиш, қатағон қилинган ватандошларимизни номма-ном аниқлаш, уларни фаолиятини ўрганиш тарих фанининг муҳим вазифаларидан биридир.

Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлда «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори¹ ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майда «Қатағон қурбонларни ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги фармойиши² катта имконияти уфқларини очиб берди. мустабит совет тизими даврида қатағон этилган фидойи ватандошларимизни аниқлаш, номини абадий сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида пойтахтдаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида «Қатағон қурбонлар хотираси музейи» нинг ташкил этилиши бу тадбирнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим ижтимоий сиёсий, маънавий мафкуравий масала эканлигини кўрсатди.

Қулоқлар «қишлоқ буржуазияси», «аксиланқилобчилар», «халқ душманлари», «социализм душманлари», «колхоз душманлари» деган ҳақоратомуз, салбий, ёмон отлик номлар билан аталиб келингани ҳаммага маълум. Ўзбекистон истиқлоли айна тарихимизнинг ана шу ачинарли, аламли саҳифасини ёритишга имкон яратди. Бунда Президент Ислам Каримовнинг 1999 йил 12 майдаги фармойишига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори катта имконият уфқларини очиб берди. Қарорда мустамлакачилик даврида қатағон қилинган фидойи ватандошларимизни номма-ном аниқлаш, шаҳид бўлган юртдошларимиз номини абадий сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида кўп жыллик «Қатағон қурбонлари» хотира китобини яратиш, шунингдек, хориждаги турли архив, музей, кутубхона ва бошқа имлий-маърифий муассасалар, мутахассислар билан алоқа ўрнатиш, ватандошларимиз ҳаёти, фаолиятига оид чет эллардаги мавжуд манбаларни излаб топиш ва ўрганиш мақсадида илмий экспедициялар ташкил этишдек улуғвор, илҳомбахш вазифалар белгилаб берилди. Мустақиллик йилларида халқнинг уйқудаги тарихи, маънавияти, миллий мафкураси уйғотилди.

Ўз-ўзидан равшанки, ўзбек тарихшунослиги олдида ҳаётнинг ўзи тарихимизнинг «оқ доғлари» ҳисобланмиш колхозлаштириш ва у билан бевосита боғлиқ бўлган «қулоқлар» тарихини тадқиқ этишни кўндаланг вазифа қилиб қўйди. Нохакдан қулоқ сифатида сургун этилган, қатағон қилинган, ўзга юртларда шаҳид, кетган, кафансиз, жанозасиз кўмилган юртдошларимизни номма-ном аниқлаш, уларнинг бегона юртларда ва ўз зимамиздаги мислсиз оғир, фожеали ҳаёт ва фаолиятини, пахтачилдикдаги оғир меҳнатини,

¹ «Халқ сўзи», 1999 йил 23 июль

² «Халқ сўзи», 2001 йил 2 май

бунёдкорликларини, иккинчи жаҳон урушидаги иштирокларини, ниҳоят, фожеали қисматини чуқур ўрганиш тарих фани олдидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди.

Бойсун туманидан тўқсабо Фузаил ўғли Қаноатни 35 таноп ери ва бошқа мол-мулклари, Умар ўғли Норкулни 17,5 таноп суғориладиган, 3 таноп унумдор ери, ёр тегирмони ва бошқа мол-мулклари, Амир ўғли Махсум Жўранинг 39 таноп суғориладиган ва 39 таноп ҳосилдор ери ва бошқаларнинг мол-мулклари мусодара қилинди. 1927 йилда оммавий тарзда деҳқонларнинг мол-мулкни тортиб олиш, мусодара қилишда мустабид тузум ўз зулмкорлик сиёсатини янада кучайтирди. Бу мудхиш тадбирлар халқни ниҳоятда оғир турмуш кечиришига сабаб бўлди.

1929 йили Бойсун районида бор-йўғи 6 та колхоз бўлиб, коллективлаштириш атиги 3 фоизни ташкил қилган. Сурхондарё округи партия ташкилоти 1930 йилда Бойсун районидаги барча хўжаликларнинг 25 фоизини коллективлаштиришни режалаштирган эди. Бироқ район партия ташкилотининг рақамлар ортидан қувиши натижасида бу режа 75 фоизга кўпайтириб юборилди. Районда 1930 йил 25 апрелдаёқ 58 та колхоз ташкил қилинди. Колхозлар 7670 та хўжаликни бирлаштирган бўлиб, коллективлаштириш даражаси 78 фоизга етади. Бу колхозлар бор-йўғи 25 кун ичида ташкил қилинди.

1930 йилда Сурхондарё округида 23650 деҳқон хўжалигини бирлаштирган 261 та колхоз бўлган, бу эса коллективлаштиришнинг 49,2 фоизини ташкил этиб, жумладан коллективлаштириш Бойсунда 77,4 фоизни ташкил қилган. Бу жараён зарурий тайёргарликларсиз, хўжаликлар ўртасида тушунтириш ишларисиз олиб борилди. Деҳқонлар колхоз ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас эдилар. Хатто, колхоз ташкилотчиларининг ўзлари колхоз қурилишининг асосларини билмас эдилар. Коллективлаштиришда Марказ кўрсатган ихтиёрийликка амал қилинмади, маъмурий-буйруқбозлик усули тўлалигича қўлланилди. Бу буйруқбозлик турли кўринишда: Афғонистонга сургун қилиб юбориш билан кўрқитиш, ерни тортиб олиш, колхозга кирмаган яқка хўжаликларга давлат томонидан ҳеч қандай ёрдам бермаслик, колхозга кирмаганларни қулоқ сифатида руйхатга олиш каби усулларда намоён бўлган.

ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси 1930 йил 28 январда қулоқларни синф сифатида тугатиш Ўзбекистонда колхозлаштириш ва қулоқ қилиш кампаниясига жиддий эътибор берилиб, «коллективлаштириш учун камбағал, ўртаҳол, кенг деҳқонлар оммасининг ҳаракати инкор этиб бўлмас далил ва қишлоқ, хўжалигини қайта тиклаш ва юксалтиришнинг кучли таянчи бўлиб қолди» деган фикр илгари сурилди.

Қарорда колхозчилик ҳаракати кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан техникавий (тракторларни, мураккаб қишлоқ хўжалик машиналарини жорий этиш) жиҳатдан қайта қуроллантиришга асосланиши, деҳқонларнинг оммавий ҳаракати асосида бир қатор районларда ёппасига коллективлаштириш учун қулай шарт-шароитлар етилди, каби нореал ғоя ҳам илгари сурилганди. Қулоққа тортиш — одамларни барча фуқаролик, конституциявий, биринчи навбатда сайлов ҳуқуқларидан маҳрум қилиш эди. Қулоққа тортиш ҳеч қандай судсиз, терговсиз ҳал қилинган. Бу ишлар райком котиби, райижрокум раиси

ва ГПУнинг (давлат сиёсий бошқармаси) маҳаллий раҳбарларидан ташкил топган махсус кенгашлар, «учлик»лар ва «иккилик»лар томонидан бажарилган. Бу шубҳали, шухратпараст, фисқу-фасодга тўлиб тошган «учлик»ларнинг вазифаси экспроприация ва депортация қилиниши мумкин бўлганларнинг рўйхатини тузишдан иборат бўлган.

Мустабид совет режимининг бадавлат ва ўрта ҳол деҳқонларни қишлоқ буржуазияси сифатида тугатиш сиёсати (1929-1933) Ўрта Осиёда ер-сув ислохоти ўтказилиши жараёнида қишлоқлардаги бадавлат хонадонларни «Муштумзур», («Қулоқ») сифатида бадарға қилиш бошланган. Бу ислохот давридаёқ фақат Бойсун районида 523 ўрта мулкдорларнинг хўжаликлари тугатилган ва уларнинг ерлари мусодара қилинган эди. Совет ҳукумати қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш (коллективлаштириш) давидан бошлаб қулоқларни синф сифатида тугатишга жиддий тайёргарлик кўрган. ВКП(б)МК Сиёсий бюросининг «Ёппасига жамоалаштириш» жараёнида қулоқ хўжаликларини тугатиш тадбирлари тўғрисида» ги қарори ва ВКП(б)МК Ўрта Осиё бюросининг «Қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида» ги кўрсатмалари (1930 йил 26 январ) асосида Ўзбекистон Компартияси МК 1930 йил 17 февралда «Коллективлаштириш ва қулоқ хўжаликларини тугатиш тўғрисида» қарор қабул қилган. Ўзбекистон ССР да қулоқ хўжаликларини тугатиш компанияси шу қароридан сўнг авж олган. Қулоқлар сифатида рўйхатга олишган бадавлат хўжаликларнинг молу-мулки тўлиқ мусодара қилиниб, уларнинг оилалари ўзга юртлар (Украина, Шимолий Кавказ, Сибир, Қозоғистон, Узоқ Шарқ ва ҳоказо) га сургун қилинган. Шунингдек республикамизнинг ўзида қулоқлар учун махсус концентратцион лагерлар ва кўчириб келтирилганларнинг 17 та мажбурий меҳнат посёлкалари ташкил қилинган. Совет ҳокимиятига қаршилик қилган «Қулоқ» лар эса қамоққа олинган ва отиб ташланган. 1933 йилда «Қулоқлар» сиёсати асосан амалга оширилиб, 1934-1937 йилларда ҳам кўплаб бадавлат деҳқон хўжаликлари «Қулоқ» қилиниб, совет режими қишлоқда ўз ҳокимиятини тўла ўрнатиб, жамоалаштиришни амалга ошириб бўлгач, сургун қилишган «Қулоқ» хўжаликларига нисбатан ўз сиёсатини биров «юмшатган».

СССР МИК 1934 йил 27 майда «Собиқ қулоқларнинг гражданлик ҳуқуқларини тиклаш тартиби тўғрисида» қарор қабул қилиб, унда «Қулоқлар»нинг сайлов ҳуқуқлари тикланган. Иккинчи жаҳон уруши даврида(1942 йилда) меҳнат сургунида бўлган «Қулоқлар» ҳаракатидаги армия сафига чақирилиб, фронтга жўнатилган. Совет тузуми даврида қулоқликка тортилиб, сургун қилинганлардан тирик қолганларнинг эркин фуқаролик мақомини олиб, ўз юртига қайтиш 20 йилдан ортиқ вақтни (1934-1956) ўз ичига олади. 1925 йил 1-декабрда Бойсун уезди тузулиши муносабати билан қуйидаги таркибда ташкилий кўмита тузулган. Соибов Тошмат маъсул котиб, Юсупов Жўрали-ташкилий бўлим мудир, Усмонов-маъсул котиб, ёшлар ташкилоти бўйича, Хўжаев Тўра ташкилий бўлим мудир, ёшлар билан ишлаш бўйича, Хидирназаров Мирзабағзам касаба уюшма раиси, Тоғаев Собир касаба уюшма Раис муовини, Уранов Мирзаомон «Кўшчи» уюшмаси раиси, Бердиёров Муллакулбой «Кўшчи уюшмаси раис муовини, Хўжа Муродов уезд ижро кўмита раиси этиб сайланган. 1925 йил 1 июлда Бойсун ёшлар ташкилотига

куйидаги таркибда сайланиб, Собиров –маъсул котиб, Шелихов Василий-ташкилий бўлим бошлиғи, Хата Менданов-иш юритувчи.

Совет ҳукумати сиёсатида миллий камситиш ва қатағонлик асосий йўналишлардан бири қилиб олиниб, ушбу масала бўйича 1931 йилда инқилобий қонунчилиги ишлари бўйича 1 халқ суди, халқ терговчиси ва прокурор иш юритди. Совет қонунчилиги халқ орасида кенг тарғиб этилиб, давлат ва жамият мулкнинг сақлаш мақсадида 1932 йилдан бошлаб 2 халқ суди, 2 та терговчи ва прокурор иш юритди. 1931-1935 йилларда Бойсун районида турли айбдорлар ҳужжати 1388 та бўлиб, шундан қонунсиз ҳукум бўлганлар 2017 киши, 174 киши мажбурий хизмат билан қонунсиз жазоланган. 393 кишини айбсиз деб топилган, 112 маротаба суд ўтказилиб, 523 киши қулоқ қилинган. Шундан 308 киши турли муддатларга қамокқа олинган. 1936 йил 9 мартада Бойсун районидаги қишлоқ ўқитувчиларидан Мўминов Тилланазар, Азимжонов Мирзаолим қамокқа олиниб, улар Ўз СССР Олий Суди томонидан 4 йилга озодликдан маҳрум қилинади. 1949 йил 6 июнда Шўроб қишлоқ Кенгаши Малиновский жамоа хўжалигидан Нурманов Эшмамат Деновдан Бойсунга ғалла олиб келиб сотганлиги учун 8 йилга Сибирга сургун қилинган.

1944 йил 10 сентябр район ижроия кўмитасининг 5 сессиясида район халқ маориф мудирининг маъруза матнида Хўжабулғондан 22-23 сонли мактаблардан мактаб мудирлари Шодиқулов, Рахмонов, ўқитувчи Ражабовлар ушбу мактабларда ўзлаштириш 50-55 фоиз, давомат 60 фоиз бўлганлиги учун ишдан олиниб, суд жавобгарлигига тортилиб қамокқа олинган. Мустабид тузум ўз мақсади йўлида ҳеч кимни аямади, ўч олиш, қириш, оммавий сургун ва қатағонликни оддий бир ҳолатга айлантирди. 1949 йил 10 октябрда «Агроном» колхозни аъзоси, камбағал оиладан чиққан Холназаров Исмат «Бир қоп пахта ўғирлади» деб сохта айб қўйилиб, Ўз СССР жиноят кодексининг 113 моддаси 2 қисми билан айбдор топилиб, 25 йил қамок жазосига ҳукум қилинди. Россиядаги Волга-Дон канали қурилишига юборилди. 1934 йилда район фирқа кўмитасининг биринчи раҳбари бўлиб ишлаётган Зокиров оғзаки буйруғига асосан «Бойсун район марказидаги оромгоҳда (парк) ги 2 дона оддий дарахтни кестириб юборганлиги учун» Ўз СССР Жиноят Кодексининг 112 моддаси 3 қисми билан айбдор топилиб, ишдан олиниб, суд жавобгарлигига тортилиб 4 йил қамок жазоси белгиланди. Энг муҳими миллатни бир-бирига қарши қўйиш, миллий урф-одатлари, маданияти умумўхшаш бўлган маҳаллий миллатлар ўртасида низолар чиқаришдан унумли фойдаланилди. Архивларда сақланаётган ҳужжатларни таҳлил этишда шу нарса алоҳида ўрганилдики, кўплаб тергов ҳужжатлари сохта, қалбаки тузулиб, айбдор нима айб қилганлигини билмасдан, кўрқитиш, уриб ҳақоратлаш, майиб – мажрук қилиш туфайли имзо қўйишни билмасдан ўз бармоқларини босиб гумон билан айбдор деб топилиб жазога ҳукум этилган.

1932 йилда Газа қишлоғидан «Бирлик» жамоа хўжалиги раиси Алимардон Худойберидевга «Афғонистон» ҳукумати билан алоқада бўлиб, кўплаб маълумотлар етказиб беришда» айбланиб қамокқа олинди. Унга Ўз СССР ЖК 77 моддаси 1 қисми билан совет ҳокимиятини йўқотмоқчи деган сохта айблар қўйилди. Жисмонан бақувват иродали бу инсонга нисбатан қўлланилган усулларга қийноқларга бардош берди. Уч кунлаб бўйнигача муздек сувга тик

туриш, ўтиришга рухсат бермаслик, овқат бермаслик, тўппончадан унга қаратиб ўқ узиш каби усуллар қўлланилди. Аммо бу сохта айблар судда ўз исботини топмади. Ва суд залидан озод этилиб, жамоа хўжалиги раислигига тикланди.

Сурхон воҳасининг айрим туманларида бундан ҳам оғир мудхиш усуллар қўллашган. Масалан, Шеробод районида деб ёзади Мартиненко-Павлосвкий деган ЧК ходими- қамоққа олганларнинг сўроғи пайтда уларнинг соқол-мўйловлари тукини битталаб юлиб олиш услуги қўлланилган. Махбусларни «Сайратиш» учун уларнинг жинсий аъзоларига спирт, турли бўёқлар суркалган, оғизларига эса ипак қурти пилласи тикиб қўйилган. Бу ишлар маълум бўлиб қолгач, ходимни жазолаш ўрнига бошқаларга унинг услуб намуна қилиб кўрсатилган. «Оби» маҳалласидан Мулло Саид Охунд ва «Тузбозор» қишлоғидан Мулла Жўра Охундовлар истиқлолчилар саркорларидан бири «Сохиб командир билан ўзаро тил бириктириб «Босмачилар»га ёрдам берди улар «Афғонистон» ни жосуслари деб сохта айб қўйилиб, уларни 30 таноб ерлари ва бошқа молу-мулки тортиб олинди. Ўзбекистон СССР ЖК 78 модда 2 қисми билан айбдор деб топилди, суд ва терговсиз Бойсуннинг жанубий шарқида жойлашган «Қизил» мавзесига олиб бориб отиб ташланди. Уларни отиб ташлаган жойида ҳозирда қабрлари сақланган. 1927-1939 йилларда бундай ҳолат кучайиб, Ҳовуз қишлоқ Кенгашидан 6 киши, Хўжабўлғон қишлоқ Кенгашидан 11 киши, Дехқонобод қишлоқ Кенгашидан 9 киши, Инкабод қишлоқ Кенгашидан 4-киши, Дарбанд қишлоқ Кенгашидан 8-киши, Шўроб қишлоқ Кенгашидан 3-киши, Қўрғонча қишлоқ Кенгашидан 5 киши, қулоқ сифатида Сибир ва Қозоғистонга сургун қилишади. Маҳаллий аҳолини оммавий қулоқ қилиш, мол-мулкини талаш, кўзга кўринган деҳқончилик илмини яхши билганларни отиб ташлаш, уларга бўхтон уюштириб, хибсга олиш кучайиб борди. Мустабид тузум сиёсий мафкурасининг асл қиёфасини турли йўналишлар, хийла-найранглар билан яширишга уруниб, ўзбек миллатининг кўзга кўринган фидоийларини йўқ қилиш, қириб ташлаш билан шуғулланиб, катагонлик усулини кенг қўллади.

Ўзбекистоннинг 1920-1930 йилларидаги тарихи, жумладан Совет ҳокимияти олиб борган «Қулоқлаштириш» сиёсати фожиали оқибатларга олиб келди. Ислон Каримов сўзи билан айтганда, ўша мустабид советлар тузуми «Қаттол замон» тақозоси билан ўз даврида бири «Қизил аскар», бири «Босмачи», бири «Қулоқ», бири «Комиссар», яна бири «Муштум зўр», яна бири «Йўқсил» деб гуруҳларга ажратиб ташланди. Бўлиб ташлаш, ҳукумронлик қилиш учун энг маккор усуллар ишга солиниб, бир миллат вакиллари бир-бирига қарши қайраш, адоват ва низо уруғини солиш амалга оширилди. «Шу боис,-деб кўрсатди йўлбошчимиз,-ота боболаримизга ана шундай ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигингиз, балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган давр мохиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим»¹. 1929-1934 йилларда Бойсундан 523 киши қулоқ қилинган. Шундан 308 киши турли муддатларга қамоққа олинган. Шу жумладан қулоқлардан 50 киши, руҳонийлардан 49 киши, муллолардан 16 киши, савдогарлардан 44 киши, бошқалардан 52 киши ноҳақ ҳеч қандай айбсиз жазога ҳукум этилган.

Ўша давр тақозосига кўра қулоқлар рўйхатини туман молия бўлими олиб борган. Район ижроия қўмитаси, туман молия бўлими ва коммунистик фирқа

¹ И.Каримов «Туркистон» газетаси 1999 йил 2 феврал.

вакилидан иборат бу «учлик» ташкилот рўйхатига тушган хўжалик, охир-оқибат кулоқ қилинган. Пасурхи қишлоғидан Курбонбой, Шукурбой, Улуғбойларни 5-10 танобдан ери, иш хайвони ва чорва моли борлиги учун, кулоқ қилинган. Қулоқ деҳқонлар билан бир қаторда ўрта ҳол ва камбағал деҳқонлар ҳам сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар. Советларнинг Ўзбекистон сингари миллий республикаларга нисбатан ўтказган шовинистик сиёсатининг фожеаларидан бири шу бўлдики, улар 1925-1929 йилларда ер-сув ислоҳотини ўтказиш бахонасида қишлоқларда янги ижтимоий зиддиятлар келтириб чиқаришга эришди. Бу ислоҳот туфайли ер-сув ишлаб чиқаришнинг бошқа воситалари миллат бойларига қарашли ерлар мусодара қилинди. Советлар бу мулкларни камбағалларга бўлиб бериб, қишлоқ хўжаликларидаги феодал қолдиқларга барҳам бермоқчи бўлди. Ерлар билан бирга деҳқонларнинг иш хайвонлари, меҳнат қуроллари, асбоб-ускуналари ҳам мусодара қилинди.

Ер-сув ислоҳоти бахонасида ўтказилган бу компания даврида кўплаб «кулоқ хўжалик» лари синф сифатида тугатилди. 1927 йилда Бойсунда 54 кишидан иборат қассоблар, баққоллар, чойхона эгалари, кандолатчилар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Жарима солиш, мулкни мусодара қилиш, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш, қамоққа олиш, ўзга юртларга бадарға қилиш оммавий тус олган жазо чоралари бўлиб қолганди. Ўзига тўқ, тадбиркор фаол деҳқонлар қатлами ана шу тариқа қатағон қилинган эди. Қулоқ қилинганлар ҳар бирининг даромади пул ҳисобида кўрсатилиб, уларни кулоқ деб аташ учун мезон қилиб олинган. ВКП(б)МК Сиёсий бюросининг «ялпи жамоалаштириш туманларида кулоқ хўжаликларини тугатиш тўғрисида» ги мудҳиш қароридан сўнг янада кучайди. Қулоқ қилиш, жамоалаштириш (колхозлаштириш) ишларига аксарият чаласовод, юқоридан берилган топшириққа ақли етмайдиган, қишлоқ хўжалиги ортели низомини билмайдиган, савияси паст кишилар раҳбарлик қилишди. Оқибатда зуравонлик зулум, ўч олиш, ўрта ҳол хатто камбағал деҳқонларни кўп кулоқлар рўйхатига тиркаб юбориш ҳоллари кўп бўлди. Юқорининг кўрсатмасига мувофиқ кулоқлаштириш жамоалаштиришнинг натижаси бўлиши, яъни аввал ихтиёрий равишда колхоз тузиш, кейин кулоқларни синф сифатида тугатиш ишлари амалга оширилиши керак эди. Бу масала қишлоқ советлари қошидаги камбағал батрақлар кенгашида муҳокама қилинди. Жойларда эса аксинча аввал деҳқонлар кулоқ қилинди. Кейин колхозлар тузулди. Одамларга агар колхозга кирмасанг хибсга олиниб, кулоқ қилиниб бадарға қилинасан, ер-сувдан, ғалладан саноат молларидан, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинасан каби дўқ-қўрқитувлар билан жамоалаштириш ўтказилди.

Бойсун районидан Тўқсабо Фузаил ўғли қаноатнинг 35 таноб ери бошқа молу-мулклари, Умар ўғли Норкулнинг 17,5 таноб суғориладиган, 32 таноб унумдор ери, ёғ тегирмони ва бошқа молу-мулклари, Амир ўғли Махсум Жўранинг 39 таноб суғориладиган хосилдор ери ва бошқаларнинг молу-мулклари мусодара қилинди. Шаит ва Пасурхи қишлоқларидаги 23 ўзига тўқ деҳқон, 46 ўртаҳол деҳқон хўжаликлари тугатилди. Бундан ташқари хўжаликлардаги 34 якка деҳқон, 16 муддарис, муфти, 4 савдогарга таллуқли молу-мулклар тортиб олинди. Йирик ер эгаси Суюн Пинхос ўғли ихтиёридаги 600 гектар экин майдони зўрлик билан тортиб олинди. Унинг шахристон марказидаги 13 та дўқони мусодара қилинди. Илм-маърифат ва маданий

покликка даъват этувчи ислом динига ҳам кескин зарба берилди. Шаҳар марказидаги 2 та кичик мадраса ёпиб ташланди ва талабалар қаттиқ сиқувга олинди. Узоқ асрлар давомида яратилган қимматбаҳо ва нодир китоблар, қўлёзмалар миллий санъат обидалари йўқ қилинди. Қўрғондаги хашаматли Бек саройи, масжидлар, мадраса, хурофот белгиси сифатида бузиб ташланди.

1927 йилдан бошлаб оммавий тарзда деҳқонларнинг молу-мулкани тортиб олиш, зўрлаб мусодара қилиш оқибатида туман худудида оммавий халқ қўзғалони, қаршилик кўрсатиш ҳаракати бўлиб, кетмон, болта, шоха ўроқ билан қуролланган, эзилган халқ оммаси қизил босқинчиларга қарши озодлик курашига чиқдилар. 1929 йилда йирик ер эгаси яҳудий Суюн Пинхос ўғлининг шаҳар марказига туташ ерида «Агроном» ва «Ҳамза» жамоа хўжалиги тузилди. Унинг барча молу-мулкани жамоа хўжалиги ихтиёрига олиб берилди. Ўзи эса номаълум сабабларга кўра бадарға қилинди. Районда мажбуран колхозга киритилган деҳқонларга «агар колхоздан чиқадиган бўлсанг қулоқ қилинасан» деб тушунтирилган. Колхоздан фақат қулоқлар чиқиб кетади деган умумий шиор ўртага ташланган. Маъмурий-буйруқбозлик тартибининг кучайишига қарши деҳқонларнинг норозилиги ўсиб борди. Айрим жойларда «Босмачилик» яъни истиқлолчилик ҳаракати қайтадан бошланди.

Хўжамшукур Тўксабо - (1880-1920 Бойсун, Кўктепа) чигатой ўзбекларнинг тўғиз уруғидан бўлган Мулло Қора. (Ахмад Шукуровнинг отаси хонадонида таваллуд топган). Шўро ҳукуматига қарши кураш ҳаракати раҳбарларидан бири. Бойсундаги «Ҳолосия» мадрасасида сабоқ олган. 1914 йилда Бойсун беги хузурида қилган хизматлари эвазига қоравулбеги кейинчалик Бухоро амири томонидан тўксабо яъни лашкарбоши лавозимларига кўтарилган. Хўжамшукур оилада иккинчи фарзанд, тўнғичи Мулло Болта, учинчиси Мулло Бўрибойвачча бўлган.

Ёшлигидан илмга чанқоқ бўлган Мулло Қора барча фарзандларини ўқитиб вояга етказган. Хўжамшукур оилада жангари ва жасурлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Хўжамшукур камгап ва адолатпеша инсон эди деб эслайди, уни таниган Бойсунлик қариялар «Мен-отам Парда Тоға ўғлидан эшитганман-деди унинг тоғаваччаси 80 ёшли Норкул Тоғаев Хўжамшукур тўксабо зийрак, жасур, адолатли инсон эди. Унинг иниси Бўри бойвачча (асл исми Мулло Хазраткул) ишчанлигидан, удабуронлигидан Бўри лақабини олган. Тижорат, савдо-сотик билан шуғулланар эди. Беклик марказида дўкони бор эди. Хисор, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Карки бошқа жойлардан мол-олиб келиб, савдо қиларди. 20 дан ортиқ туяси, карвонбоши ва кўриқчилари бўлган. Туяларини безатиб, орқа ва олдинги оёқларига кўнғироқлар осиб кўярди. Сакратмадан тушиб келаётганида, халқ кўрсин деб, шу ишни қилар экан ана шу хислатлари учун Бойсунликлар уни Бўрибойвачча деб ном қўйган.

Бойсунлик қарияларни эслашларича Хўжамшукур ҳам, Мулло Хазраткул ҳам етим-есирларни бошини силади. Бойсундаги Тимда (ёпиқ бозор) ҳар куни юзлаб етим-есирларга нон ва овқат тайёрлатиб тарқатиб берарди. Хўжамшукур Тўксабо-юрти, ватанини ҳимоя қилиш мақсадида бостириб келаётган қизил империя босқинчиларига қарши Сурхон водийсидаги миллий-озодлик курашининг илк босқичидаёқ жанг майдонига кирди. У истиқлолчиларнинг Иброхимбек, Давлатманбек, Жўрахон Маҳсум, Норкул тўксаболардан кейинги

тан олинган йирик қурбошиси эди. Афсус, номаълум сабабларга кўра улар қўлга олиниб 1920 йил декабр ойида ака-ука Мулло Болта, Хўжамшукур тўқсабо ва Мулло Бўрибойвачча (Мулло Хазратқул)лар халқни кўз олдида ҳозирги Кўктепа манзилига олиб келиниб отиб ўлдирилди. Тўғри булар бугунги мустақиллик кунига етиб келмаган бўлсаларда, улар руҳипоклари замонлар ўтиши билан бизгача етиб келди. Улардан қолган зурриётлар ҳаёт давомчиларидир.

Сохиб Мамадали ўғли - (1888 йил Оби маҳалласи, Бойсун) савдогар, тижоратчи Мамадалибой хонадонида таваллуд топган. Дурмон уруғидан. Мамадалибойнинг ота авлодлари дурмонлардан, унинг онаси Шерободдаги Пошхурд қишлоғидан келин бўлиб тушган. Мамадалибойни иккита хотини бўлган. Биринчи хотини Ашурҳолдан туғилган, оилада иккинчи фарзанд бўлган. Сохиббой дастлаб қишлоқ мактабида савод чиқаради, кейин эса Бойсун беклиги марказидаги «Ҳолосия» мадрасасида таҳсил олади.

Ёшлигидан ўта довурак, жасур бўлиб вояга етади «Қади-қомати келишган, баланд бўйли полвонсифат инсон эди» -деб таъкидлади. «Оби» маҳалласида яшовчи унинг тоғаваччаси 86 ёшли Сувон бобо Уста Шойимқул ўғли (ҳозирда мархум), 16 ёшидан Бойсун беклигида сарбозликка қабул қилинган. 18 ёшидан Бухоро амирлигининг Бойсун беги сарбози, кейинчалик сарбозлар бошлиғи бўлди. Бухорони «Қизил» босқинчилар босиб олганда ўзининг энг сара 200 йигитлари билан Бойсун воҳасида биринчиларидан бўлиб кураш майдониغا чиқди ва Сохиб командир деб ном олди. Шўроларга қарши Сурхон водийсида миллий –озодлик курашининг илк босқиниданоқ жанг майдониغا кирди.

Тарихчи К.Ражабовнинг таъкидлашича Пошшо 1922 йил 10-15 апрелда Кофрун (Бойсун) да Туркистон Қурбошиларининг катта қурултойини ўтказди. Унда Бухоро қурбошиларидан ташқари Фарғона водийсидан келган ҳарбий қўмондонлар ҳам иштирок этади. Шунингдек қурултойда турк зобитлари, Афғонистондан Саййид Олимхон юборган вакиллари ҳам қатнашди. Турк зобитларидан Дониёлбек, Афанди, Хожи Самий, Сурайё Афанди, Али Ризо, Мухиддинбек ва Мухрдор Хўжамурод Миродов, қурбошилардан Эшон Султон, Давлатманбек, Иброҳимбек, Абдуқаюм Парвоначи, Тоғай Сари, Барот, Алимардонбек Фарғонадан Ботир Рўзи, Қаршилиқ Бўри Баттош, тўқсабо, Ўтанбек, Шаҳрисабзлик Жаббор кенагас, Бойсунлик Хуррамбек, Ахмадбек, Икромиддин Хўжа, Мустафоқулбек, Сохиб командир, Салимбек, Эшони Судур (Ўроқхон Қорахўжа), Миршодилиқ Азимбек ва бошқа нуфузли сардорлар иштирок этишди.

1925 йилда Шарқий Бухорода босқинчилар ўз мавқеларини анча-мунча тиклаб олган эди. Улар кўплаб истиқлолчиларни ҳар хил алдов, сохта гап-сўз билан ўз томонларига ағдариб олишга эришишдилар. Ана шундай баландпарвоз алдовларга учганлардан бири Сохиб командир бўлди. Бойсунлик қарияларнинг айтишларича, 1925 йилда Сохиб командир ўз отряди билан келиб қизилларга қўшилди. Шўро ҳукумати Сохиб командирни ўзини туғулиб ўсган «Оби» маҳалласига оқсоқол этиб тайинлади. Орадан 3-4 йил ўтгач 1929-1932 йилларда жамоалаштириш баҳонасида кўплаб ўзига тўқ оилаларни мол-мулки тортиб олиниб, ўзларини «қулоқ» сифатида Сибирга, Қозоғистонга сургун қилиниб, айримлари суд-терговсиз отиб ташланди. Қатағонлик авжига чиқди. Бундай ноҳақликларни кўриб турган Сохиб командирга ҳам навбат етиб борган эди.

Навбат уни ҳам йўқ қилишга келдганда ўзининг яқин-ишончли маслахатчилари орқали билиб, олиши натижасида 1932 йилда Бойсунни тарк этиб, Афғонистонга муҳожирликка жўнаб кетади. Унинг кейинги тақдири номаълум бўлиб қолди.

Дахшатли суронли Инқилобий қонунларга кўра, Сохиб командирга ўхшаб ўз жонини сақлаб, оиласи ва бола чақасини олиб муҳожирликка кетиб қолганларни, қариндош- уруғларидан ўч олиш, уларни молу-мулкини тортиб олиш, ўзларини суд-терговсиз отиб ўлдириш авжига чиққан эди. Бойсунлик Мулло Саид ва Мулло Жўра Охунлар ана шундай бедодлик қурбони бўлдилар. Халқ орасида катта ҳурмат-эътибор топган, Қуръони Карим ва ҳадису шарифларни мукаммал билган, унинг тафсилотларини айтиб бера оладиган, Бойсундаги мадрасаларда ўқиб саводларини чиқарган бу инсонлар Сохиб Командирни яқин одами деб (ҳар иккаласи унинг ота томондан яқин қариндоши, амакилари) Бойсуннинг жанубий қисмида жойлашган Қизил мавзесига олиб бориб, отиб ўлдирдилар.

Мамасиддиқ тўқсабо-Эшони Мамасиддиқ-(1800 йилда туғилиб, Бойсунни Эшон гузарида яшаб, 1915 йил вафот этди. 115 ёшида бу фоний дунёни тарк этган. Амир Музаффархон ва Амир Абдулахадхон даврида Бойсун беклигида (1865) навкар сарбоз бўлиб ишлади. Кейинчалик тўқсабо унвонига сазовор бўлди. Унинг 5 нафар фарзанди ота изидан бориб, ватани, элу-қавми учун жон фидо қилганлар. Булар Туроб Қоравулбеги, Турдикул Мирохўр, Ҳамдам Жебачи, Маматкарим Мирохўр ва Оллокул Қоровулбегилардир.

Ривоят қилишларича: Мамасиддиқ тўғилганида ислом ақидаларига кўра болани бешикка соладилар. Орадан ўн кунлар ўтгандан сўнг, оналари болани эмизиш учун, бешикни очиб қарасалар, бешикда чақалоқ йўқ. Эшикка чиқсаларки, бир оқ симга ўхшаш бир из кетган, шу изни олиб бораверади, из тўғри томарқани пастидаги адирга ундан дўлана дарахтига боғланган. Бола эса саватини ичида дўлана дарахтига осилиб турибди. Болани сават ичидан олмоқчи бўлганида, дўлана дарахтидан 4-5 қадам узокликда оқ сала, оқ ятак кийган бир нуроний чол турганмиш. Нуроний чол қиблага қараб тиловат қилаётган экан. Онаси болани кўтариб олиб келаётганида, халиги нуроний чолга салом берибди. Шунда нуроний чол тилга кириб, бу боланг келажакда халқни бошини силайдиган, жасур саркарда бўлиб етишади. Халқи ва ватани учун кўп хизматлар қилади. Болани эҳтиёт қил, бунинг зуриётидан кўплаб уламолар етишиб чиқади. Энди болангни олиб кетишинг мумкин дебди. Бу Хизраллайсаломни ўгити эди. Болани кўлига олган Ҳазрати Хизраллайсалом унинг орқасига беш панжасини босиб, бу боланг хорлик-зорликни кўрмайди деган экан. Бу ривоятни Эшони Мамасиддиқ тўқсабони чевараси Аваз Оллокулов айтиб берди, у момоси Мусаллам бибидан (1988 йилда 90 ёшида вафот этган) у қайнонаси Мастура бибидан (1950 йилда 84 ёшида вафт этган) у тоғаси Абдукаримбойдан (1922 йилда 86 ёшида вафот этган) ёзиб олган.

1972 йил 90 ёшида вафот этган. Шўроб қишлоғида яшаган. Турсунбобони хикоясида қуйидаги маълумотлар қайд этилади: Мен Бухоро - Бойсун арава йўлида ишлаганман. Ҳар куни бекликдаги барча қишлоқ ва авулардан 1500-2000 киши ишлар эди. Бизларни бажараётган ишимизни назорат қилиш учун Бойсун беклигидан Эшони Мамасиддиқ тўқсабо келиб турарди. Озиқ-овқат

билан таъминлаш ҳам шу кишини ихтиёрида эди. Эшони Мамасиддиқ тўқсабо гавдали, қотмадан келган, узун бўйли, оқ юзли, бир фариштадай одам эди. У от устида туриб ҳаммага салом бериб ҳол аҳвол сўрарди. Биз ишловчиларни яхшилаб иззат-ҳурмат қиларди. Бу одам ана шундай буюк саҳоватпеша эди. Бойсун беги ҳар доим маслаҳат машвираш учун Бухорога Эшони Мамасиддиқни жўнатар экан. Бухорода ҳам уни иззат икром билан кутиб олиб, яна иззат икром билан ўз юртига кузатиб кўярди.

Мамасиддиқ тўқсабо-ватан учун, халқи учун сидқидилдан хизмат қилган. Халол покиза ҳақиқат учун курашган, умрининг охиригача Бойсун беклигига иш юритиб, мард ва жасур ватандошларимиздан бири бўлган. Эшони Мамасиддиқ тўқсабо номи билан машҳур бўлди. Давлат ва дин байроғини баланд кўтариб, беклик худудини ўғри ва қаззоблардан, номаҳрамлардан сақлаш, турли табақа, қабила, элат ва оддий меҳнаткаш халқни бошини бирлаштирди. Қарияларни айтишича, уни Сарносиё қишлоғида 5-6 та сув тегирмони бўлган.

1888 йилга келиб Эшони Мамасиддиқ тўқсабонинг хонадонига хурсандчилик бўлди. Худо унга ўғил фарзанд ато этди. Исмини Оллоқул деб қўйдилар. Ёш Оллоқул 6-7 ёшида тўлганда мактабга ўқишга борди. Кейинчалик бекликдаги «Ҳолосия» мадрасасида сабоқ олди. 16 ёшида отасидан ажралди. Анча билимли, довюрак фаросатли бўлиб ўсган Оллоқул Бойсун беклигига сарбозликка қабул қилинади. Орадан кўп ўтмай унга Қоровулбеги унвони берилиб, Оллоқул Қоравулбеги билан машҳур бўлди. У Бойсун беги Саид Ахмадни ишончини қозонди. 1920 йилда босқинчи қизил аскарлар Бухоро амирини таъқиб қилганларида, Амир Саййид Олимхон билан биргаликда 1920-1922 йилларда Афғонистонда бўлди ва 1922 йилда Бойсунга қайтиб келди.

Бу даврга келиб Шарқий Бухорода шу жумладан Бойсунда Советлар ҳукумати тузулиб бўлган эди. 1922 йил баҳорида Оллоқул Қоравулбеги Бойсунда инқилобий қўмита раиси этиб тайинланди. Орадан кўп ўтмай уни «Жосусликда» айблаб ишдан бўшатишди ва учлик орқали отишга ҳуқум этилди. Лекин бахтли тасодиф орқали (яъни унинг уйи-меҳмонхонасида Петренко исмли рус миллатига мансуб киши яшарди) Ушбу рус миллатига мансуб кишини илтимосига асосан, у отишдан қолдирилиб, ҳозирги Жарқўрғон районидаги «Сурхон» қочоқлар лагерига сургун қилинди. Тарихий манбаларда ёзилишича, «Сурхон Қулоқлаштириш зонасига» жуда кўплаб ватандошлар сургун қилишган.

1928 йилдан бошлаб «Қулоқлаштириш» сиёсати бу оилани четлаб ўтмади. 1928 йилда унинг пешонасига «қулоқ» тамғаси босилиб, Сибирга Сурхондан сургун қилинди. Лекин хали уни Чирчиқдаги хибсхонада 20 минг киши билан сақлаб туришган эди. Уни хибсхонада имом этиб тайинлашди. Орадан сал вақт ўтгач уни Тошкентдаги «шайитлар қабрисонига» олиб бориб отишди. Анашундай қисмат билан бу ёруғ дунё билан видолашди. Ундан Абдувахоб исмли бир ўғил қолди. 83 ёшли Абдувахоб Оллоқулов ҳозирда Шўрчи районидаги «Оқарбулоқ» (Жиндибулоқ) қишлоғида яшайди. Унинг ўғли Аваз Оллоқулов Бойсунда аждодлари юртида умргузаронлик қилади.

Эшниёз Амин Юнусов (1889 Қўшбулоқда туғилиб, 1931 Тошкентда вафот этди. Отаси Юнус обкаш ўлганда (1910) 21 ёшда эди. Эшниёз «Қўшбулоқ» нинг катта бойи-Мамаражаб Элбегининг хизматкори Юнус обкашнинг иккинчи фарзанди эди. Мамаражаб Элбегини молини боқар эди. Эшниёз полвонсифат,

шиддаткор, довюрак, чопагон, яхши мерган, ўткир ўйноқи кўзли, тўғри сўзли йигит бўлган. 1915 йилда Бойсундаги мадрасада чала ярим савод чиқарди. Эшниёз Юнус ўғли- кўнғиротнинг тортувли уруғига мансуб «Ур» қавмидан эди. Минг уйли «Кўшбулоқ» қишлоғида Бойсундан бор-йўғи 18 чақирим узоқда бўлиб, Эшниёз Юнусов шу қишлоқда мударрислик қиларди. Кўп кишилар қатори Эшниёз Амин ҳам вилоятда юз бераётган ҳарбий-сиёсий вазиятни моҳиятига тушуниб етмади. Шўровийлар учун ўз жонини фидо қилган, жуда кўплаб истиқлолчиларни ноҳақ ёстиғини қуритган Эшниёз Юнусов 1931 йилда ҳибсга олиниб «Халқ душмани», «Ватан хоини» да айбланиб, суронли катагон йилларини қурбони бўлди.

Эшони Судур Саййид Тожиддинхон (Ўроқхон Қорахўжа) 1938, Бойсун) Олти уруғ тортувли кўнғирот уруғидан. Амир Олимхон салтанати даврида Бойсун беклигида дин-шариат қоида-қонунларининг бажарилиши назорат қилувчи амалдор бўлган. Унга Бухоро амири томонидан «Судур» унвони ва унинг белгиси сифатида махсус камар инъом этилган. Эшони Судур фарзандлари (Шамсиддин, Амириддин, Икромиддин, Самад, Умбар). Тарихчи К.Ражабовнинг ёзишича, Анвар Пошо 1922 йил 10-15 апрелда Кофрунда Туркистон Қурбошиларининг катта қурултойини ўтказди. Унда Бойсунлик Хуррамбек, Ахмадбек, Икромиддин Хўжа, Мустафоқулбек, Соҳиб Камандир, Салимбек, Эшон Судур (Ўроқхон Қорихўжа) ва бошқа нуфузли сардорлар иштирок этишди. Истиқлолчи Эшони Судур инқилобий кўмитага ишлаши билан бирга, истиқлолчи қурбошиларига, Анвар Пошо лашкарларига озик-овқат, от-улов, керакли анжомлар билан таъминлаб туришда жонбозлик кўрсатди.

Бойсунда Советларнинг жосуслик фаолиятини юритган Олимжон Акчурин истиқлолчи Эшон Судур билан яқин алоқада бўлиб, ошна-оғайин кириб, уни зимдан кузатиб, меҳмондорчиликка келиб кечалари ётиб, суҳбатлашиб, бирга намоз ўқиб чалғитиб, барча бўлаётган ишлардан воқиф бўларди. Охир-оқибат, татар миллатига мансуб О.Акчурин 1938 йилда ўз қўли билан Эшони Судурни отади. Газалик Самариддин Хусановнинг айтишича, Эшони Судур «Кўктепа» мавзесида дафн этилган. Ҳозирда бу жой зиёратгоҳ ҳисобланади.

1927 йилда «Оби» қишлоғи Омонтепа даҳасида яшаган, Оллоқул Қоравулбегини 35 таноб ери, тегирмон ва 2 та мойжувози, 4 бош қўш хўқизи, 1 бош оти, 1000 бошга яқин қўй-эчкиси тортиб олиниб, ўзини эса Сибирга сургун қилинди. Лекин у ҳали чирчиқдаги ҳибсхонада сақланиб турганида уни Сибирга эмас, тўғридан-тўғри «Шайидлар қабристонига» олиб бориб отишди. Оила аъзолари хотини ва фарзандларини «Сурхон» қулоқлаштириш қишлоғига бадарга қилишди.

1934 йилда «Пасурхи» қишлоғидан Усмон ҳожини «Кохбели» даҳасидаги 400 таноб ери, барча чорваси ва уй-анжомлари тортиб олиниб, қишлоқдаги «Қизил Шарқ» жамоасига олиб берилди. Уйи жамоа хўжалиги маъмурий идорасига айлантирилди, ўзини эса Сибирга сургун қилинди. Сурхондарё округида терговчи бўлиб ишлаётган ўғли Абдусаттор Усмоновга «Сен қулоқни ўғлисан отангни бойлигини бизга айтмабсан» деган сохта айб қўйилиб Ўз СССР ЖК бир неча моддаларига асосан қамоққа олиниб, Сибирга юборилди. Яна бир ўғли Абдуғаффор Усмоновга 10 йил қамоқ жазоси берилди. Мулла Раҳим ва

Ҳолхўжа Баққол исмли ўғиллари Тожикистонга яшириниб кун кўрдилар.

1932 йилда «Пасурхи» қишлоғидан ўзига тўқ оила бўлган Ҳамза Саид ўғлини тегирмони, ери ва молу- мулки тортиб олиниб, «қулоқ» қилинган. 1932 йилда Пасурхи қишлоғидан ўзига тўқ оила бўлган Карим Жебачини ери ва молу- мулки тортиб олиниб «қулоқ» қилинган ва хоказо.

Қизил империянинг зўравонлик сиёсати турли миллий ва халқларга мансуб инсонларни ўзлари туғилиб ўсган киндик қони томган она Ватани, юрти ва диёридан қувғин қилди. Сунъий асосда қурилган кўп миллатли улкан мамлакатнинг Европа қисмидан Ўрта Осиёга ва аксинча, шарқий худудлардан Кавказдан Сибирга, Сибирдан жанубга қувғин қилиб, хонавайрон этди. Турли миллатлар, элатларни аралаш –қуралаш қилиб ташлаганлиги рус бўлмаган халқлар учун ғоят қимматга тушгани эндиликда сир эмас.

Бундай манфур сиёсатнинг юритилишидан ҳукумрон миллат ўзининг гегимонлик сиёсатини абадийлаштиришни, рус бўлмаган миллат халқ ва элатларни руслаштириш мақсадини ва ниҳоят маҳаллий халқлар устидан қатъий назорат ўрнатиб, улар устидан ҳукумронлик қилиш мақсадини амалга оширишни, уларни ўз тилидан бой ўтмиши тарихидан, миллий анъаналаридан ва маънавиятидан маҳрум этди, миллий халқларнинг урф-одатларини зўравонлик билан поймол этгани эндиликда очик-ойдин аён бўлиб қолди.

Совет ҳукумати ва ҳукумрон миллат ўзини бу манфур сиёсатини амалга ошириш учун уларни кўрқитиб сталинча катағонлик Катлиом зуғумини зўрлик билан ижро этгани миллатлар, халқлар ва элатлар хотирасида ўчмас қора доғ бўлиб қолганини асло унутиб, у машъум кунларни тарих саҳифаларидан ҳеч қачон ўчириб бўлмайди. Миллионлаб бегуноҳ кишиларнинг ҳаётига чанг солингани тасавур қилиб бўлмайдиган катта жиноят ва хиёнат эканини авлодлар асло кечирмайдилар. Узоқ Бошқирдистон Республикасининг маркази Уфага яқин Дурб эли районида катта бой ва хожи Тилақобил мулла Иброҳим ўғли, Бошқирдистонлик барча бойлар қатори қулоқ қилиниб, молу-мулки, ери ва ҳайвонлари мусодара қилинди. Ўзлари эса Ўзбекистоннинг Бойсун туманига сургун қилинди. Бой фожиали ўлдирилди. Унинг хотини- Музаяна, қизлари Малохат ва Маъмура ўғиллари Ризо ва гўдак узоқ 1928 йилда Бойсунга етиб келдилар. 1932 йилда Музаяна ва қизи Малохат очлигидан ҳаёт билан видолашдилар. Ризо билан Маъмура болалар уйига топширилди. Улар ўқиб тарбия олиб вояга етдилар. Ризо ҳисобчи, Маъмура (китоб муаллифи илк алифбодан сабоқ берган устози) ўқитувчи касбини эгалладилар.

Ўзбекистон ва унинг тоғли Бойсун райони уларнинг иккинчи ватани бўлиб қолди. Бундай қувғинликка учраб, сарсон-саргардон бўлганлар оғир қисматларни ўз бошидан кечирганлар. Жумладан, шундай инсонлардан бири Барот Каримовдир. У 1907 йилда узоқ Татаристон Республикасининг Қозон шаҳрида туғилган. Бу оилани 1929 йилда Бойсунга бадарға қилинди. У тўғридан-тўғри Хўжабўлғон қишлоғидаги 36 сонли мактабга ўқитувчи этиб юборилди. 1926 йилдан ўқитувчилик фаолиятини бошлаган ушбу инсон 1944 йилда эски сил касали билан вафот этди. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1943) бўлган. Б.Каримовни онаси, хотини ва 15 яшар қизига нафақа тайинлангани ва бу нафақани унинг укаси Каримовга беришни сўраб Ўзбекистон Олий Кенгашидан сўралган. Аммо даҳшатли уруш туфайли нафақа хал этилмаган. Бу

оилани қисмати шу билан тугаган, охир-оқибат ҳаммалари бу ёруғ олам билан видолашган. Уруш бошланиши арафасида Бойсунда 12 та қишлоқ кенгашлари, 55 та жамоа хўжаликлари бўлиб, аҳоли сони 34790 нафар кишини ташкил этди.

Район кенгаши ва унинг ижроия кўмитаси ўзининг сессия ва мажлисларида халқ хўжалигини ривожлантириш, йўл қурилиш, ижтимоий-маданий ва маиший объектлар қурилиши, халқ истеъмоли товарлари ва маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш, ободонлаштириш, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, маданият ва аҳолига хизмат кўрсатишга оид бошқа масалаларни муҳокама этиб борган.

БОЙСУНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЖАМОАЛАШТИРИШ СИЁСАТИ

Совет давридаги Ўзбекистоннинг тарихи энг мураккаб ва зиддиятли, оғир йўқотишлар ва талофатлар, фожиали воқеаларга бой, ўтган ота-боболаримиз юрт озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борган қахрамонона курашлари, мағлубиятлари ва зарарлари, фидокорона меҳнатлари саҳифаларидан ташкил топган. Бирок, совет тузуми даврида «Милион-милион бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, яна қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугун ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди»¹

Советлар даврида катта фожа тусини олган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш жараёнида бадавлат деҳқон хўжалиklarининг тугатилиши, «Қулоқ» қилинган деҳқонларнинг оила аъзолари билан бегона юртларда мажбурий сургун қилиниши ва бундай сиёсатнинг мудҳиш оқибатларини холис ва ҳаққоний ўрганиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

1923-1933 йилларда амалга оширилган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш жараёнини Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятида ўзига хос ва оғир шароитларда ўтди. Чунки бу вилоятлар республиканинг бошқа ҳудудларидан фарқли равишда Чор Россияси мустамлакачилигини ўз бошидан кечирмаган, совет режими эса 1920 йилларда ўрнатилган ва ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳамда демографик ҳужжатдан ҳам ўзига хос хусусиятларига эга эди. Ана шу ҳолатларда коллективлаштириш, қулоқ қилиш ва сургун этиш компанияларини ўтказишда ўз таъсирини кўрсатди. Аммо бу тарихий жараён бўйича советлар даврида ҳеч қандай тадқиқот ишлари олиб борилмади, бу мавзуга совет ҳукмронлиги даврида эҳтиёж ҳам, зарурият ҳам сезилмади. Мавзунинг долзарблиги, аввало, Ватанимиз тарихидаги ўзбек деҳқонларининг «Қулоқ» қилиниши ва фожиали тақдири билан боғлиқ бўшлиқни тўлдириш билан белгиланади. Шунингдек, Сурхондарё вилоятидан Шимолий Кавказ сургун қилинган юртдошларнинг ҳаёти ва аянчли қисматини тадқиқ этиш илмий ва амалий касб этади.

1926 йилнинг охири ва 1927 йилнинг бошларида Сурхондарёда қишлоқ хўжалигини янги тузум асосларда қайта қуриш бошланди. Мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг биринчи беш йиллик плани (1929-1933 йиллар) юзасидан Директиваларни қабул қилган ва қишлоқ хўжалигини жамоалаштиришга қаратилган бош йўлини белгилаб берган ВКП(б)15

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майда қабул қилган «Қатағонлик қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги қароридан // Халқ сузи. –2001. 2май

съездидан кейин Сурхондаё округи қишлоқ хўжалигида жамоа хўжаликларини ташкил этиш, Европа инвентарларини жорий қилиш ва экинлар хосилдорлигини оширишнинг интенсив равишда тараққий этиши бошланиб кетди. 1926 йилнинг охирларида жамоалаштириш бўйича округ бюроси тузулиб, унга куйи қишлоқ хўжалик ширкатларини ташкил этишни уюштириш вазифаси топширилди. Шу асосда 1927 йилнинг 24 январида Бойсун районида 3 та-Бойсун, Дарбанд ва Кофрун қишлоқ хўжалик кредит ширкатлари тузилган эди. Бойсун ширкатининг аъзолари 569 киши, Дарбанд ширкатиники- 449 киши ва Кофрун қишлоқ хўжалик кредит ширкатининг аъзолари 519 кишидан иборат эди. ВКП(б)15 съездининг қарорларини амалга ошира бориб, деҳқон хўжаликларига аграрномия ёрдамини уюштирдилар. Аграрномия участкалари ва марказлари ташкил этилиб, деҳқонлар оммаси орасида илғор тажрибаларни ва Фан ютуқларини кенг тарғибот қилиш, ҳамда ёйиш соҳасида амалий ишлар олиб борилди. 1927 йилга келиб, Сурхондарё округида 5 та, шу жумладан Бойсун районида 1 та агромарказ ташкил этилиб, у бутун район территорияси бўйича хизмат кўрсата бошлади. Бойсун агромарказида ўша пайтда 4 борона, 1 совурадиган, 1 саралайдиган машина, 2 сеялка, 2 «Гейда» триери, 4 плуг, 2 пахта сеялкаси ва бошқа қишлоқ хўжалик инвентарлари бор эди.

1927-1928 йилларда Бойсун районининг ҳамма экин майдони 20366 десятина бўлиб, шундан 3824 десятиначини суғориладиган экинзорлар ва 16542 десятиначини лалмикор ерлар ташкил этган. Районда асосий қишлоқ хўжалик ерини ҳисобланган буғдой -1540 десятинага, арпа-960 десятинага, тарик ва кўноқ-96 десятинага, шоли-86 десятинага ва мойли экинлар 344 гектар ерга экилган. Районда қишлоқ хўжалигига яроқли экин майдонлари йил сайин кенгайиб борди. 1927-1928 йилларда 21732 гектарга, 1929-1930 йилларда 26401 гектарга, 1930-1931 йилларда 37131 гектарга, 1931-1932 йилларда 46327 гектарга етди. 1926 йилда районда ветеринария участкаси ташкил этилди. Бу участкада бир врач ва бир санитар ишларди. Собик Иттифоқ томонидан белгилаб берилган қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсатини амалга оширишда 1929 йил буюк бурулиш даври бўлди. 1929 йил давомида Бойсун райони территориясида 8 та янги жамоа хўжалик тузулди. Бу дастлабки колхозларнинг аъзолари ва ер майдонлари куйидагича бўлган: «Қизил Шарк»-Пасурхи қишлоғида тузулиб, 14 та камбағал деҳқон хўжаликларини бирлаштирган ва 127 гектар ер майдонига эга эди. «Ибрат»-Шаит қишлоғида. 16 аъзоси ва 112 гектар ер майдони бўлган. «Ғайрат»-Қорашаит қишлоғида ташкил этилиб, 16 батрак-камбағал деҳқон хўжаликларини ва 94 гектар ер майдонини уюштирган. «Қизил йўл»-Қўрғонча қишлоғида, 12 аъзоси ва 127 гектар ер майдони бўлган. «Қизил Қаҳрамон»-Даштиғоз қишлоғида тузилган. «Қизил Октябрь»-Шахбозор қишлоғида, 86 гектар ери бўлган. Охунбобоев номли-Қайроқ қишлоғида ташкил этилиб, 21 деҳқон хўжаликларига ва 262 гектар ер майдонига эга эди. Шунингдек, Акмал Икромов номли колхоз ҳам ташкил топган. Давлат янги ташкил топган ёш колхозларга катта ёрдам бериб, уларни кўллаб-қувватлади. Колхозлар солиқларни тўлаш, сув ресурсларидан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик машиналари, инвентарлари таъминоти бўйича давлат ва кооператив органларидан ҳар хил имтиёзлар олиб турган. 1930 йилнинг май ойида Бойсун районида 58 колхоз бўлиб, уларга уюшган батрак, камбағал деҳқон

хўжаликларининг сони 6819 та бўлган, 1933 йилга келиб районларни колхозлар 56, улардаги хўжаликлар сони 9624 та, 1934 йилда эса колхозлар сони 50 та бўлган. Колхозлар сонининг камайиши уларнинг йириклаштирилиши натижасидир. 1937 йилнинг охирида районда коллективлаштириш даражаси 93,8 процентгача этди. 1930 йилларда бу колхозлар ўз состави жихатидан асосан батрак-камбағаллардан иборат бўлган. Совет ҳукуматини жамоалаштириш сиёсатига қарши ҳаракатлар ҳам бўлиб ўтиб, масалан, 1930 йилнинг март ойида Сурхондарё округининг Бойсун ва Денов районларида Алимкул Аллаёров ва унинг батраги бошчилигида аҳолини мол-мулки тортиб олиниб, ёппасига жамоалаштиришга қарши ҳаракат бўлиб ўтди. Жойлардаги оммавий қаршиликларга қарамасдан жамоалаштириш сиёсати амалга оширила борди. Қишлоқ хўжалигини янгича асосда қайта қуриш деҳқончиликни механизациялаштириш даражасининг, замонавий қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоб-ускуналари билан таъминлашнинг ўсиши билан бирга олиб борилди. 1936 йилнинг май ойида Бойсун районида машина трактор станцияси ташкил этилди. 1937 йилда бу МТС 25 трактор ва 4 ғалла комбайинга, 1938 йилда эса 29 трактор ва 7 комбайинга эга бўлди. Округнинг шу жумладан Бойсун туманининг меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, янги навларни яратиш учун кураш олиб бордилар ва бу йўлда ижобий натижаларга эришдилар. 1933 йилда Бойсун тумани Мачай қишлоқ Кенгашидаги «Қахрамон» колхозининг аъзоси Муслима Бегимова кўп йиллик меҳнат ва тажрибалари натижасида буғдойнинг янги навини яратишга муваффақ бўлди. 1937 йилда ана шу нав буғдой уруғи экилган ғалла майдонининг ҳар гектаридан 70 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Ўзбекистон ҳукумати 1937 йил 10 августдаги қарори билан маҳаллий селекционер Муслима Бегимованинг хизматларини юксак баҳолади. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг 1937 йил 1 сентябрдаги қарорига асосан унга «Ғалла устаси» деган фахрий унвон берди ва 3 минг сўм пул билан мукофотланди. Янги нав буғдой «Муслимка» номи билан аталди. Бутун Сурхондарё меҳнаткашлари билан биргаликда Бойсун районининг меҳнаткашлари ҳам катта муваффақиятлари билан коллектив хўжалигининг кучи, афзалликлари ва ҳаётийлигини амалда кўрсатди.

БОЙСУН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА

Сурхондарёнинг мард, меҳнаткаш ақл заковатли халқи бор,-Бағри кенг, айни замонда орияти баланд, бу эл фарзандларини хурмат қилмаслик мумкин эмас.

И.А.Каримов

Уруш йилларида барча тинчликсевар халқлар қаторида Бойсун райони аҳолиси ҳам фашизмга қарши курашда алоҳида жасорат намунасини кўрсатди. Бойсунлик жангчилар урушнинг дастлабки кунлариданоқ қўлга курул олиб, Россия, Украина, Белоруссия ерларини душмандан ҳимоя қилишда кўксини қалқон қилди. 1418 кеча-кундуз давом этган мазкур урушнинг барча жанггоҳларида воҳамиз жангчиларининг кўрсатган жасоратлари душман

устидан қозонилган ғалабани таъминлашда муносиб ҳисса кўшди. Уруш йиллари мобайнида вилоятимиз ҳам армиянинг асосий ҳарбий арсеналларидан бирига айланди. Бойсун меҳнат аҳли уруш даврининг оғир йўқотишлари, йўқчилик ва етишмовчиликларига қарамасдан алоҳида сабот ва матонат билан меҳнат қилди, фронт ортини мустаҳкамлаш, иложи борича кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш, уруш туфайли вилоятимизга кўчирилган аҳолига ғамхўрлик қилиш, жангчиларга моддий ёрдам уюштириш, мудофаани ташкил этиш каби барча хайрли ишларда фаол иштирок этди. Уруш халқимизнинг сабр-бардошини, матонат ва иродасини яна бир бор синади. Иккинчи жаҳон урушида халқимиз кўрсатган жасорат, матонат ва сабот бирор бир буйруқ ёки кўрсатма асосида шаклланган эмас, балки юксак инсонпарварлик туйғуси, қалб амри орқали амалга оширилди.

Бойсун районида мудофаа ишлари бўлими 1933 йилда ташкил этилиб, унга ҳарбий хизмат учун биринчи мартаба 1911 йилда туғилган 545 киши чақирилди. Чақирилганлардан ҳарбий мудофаа бўлимига 362 киши ёки 67 фоиз келди. Булардан 63 киши чет унсилардан экани, 8 киши ҳуқуқдан маҳрум кишилар бўлганлиги қайд этилган. Ўша давр коммунистик партия сиёсатидан келиб чиққан ҳолда Совет ҳукуматини ўрнатилишига қарши бўлган маҳаллий аҳоли вакиллари ҳарбий ишларга аралаштирмаслик, уларга ишонмаслик ҳамда совет ҳокимиятига жиддий қаршилик кўрсатган фуқароларни ҳарбий сафарбарликка жўнатмаслик кун тартибидаги асосий масала қилиб қўйилган эди. Бироқ 1930 йилларда Совет ҳукуматига қарши кучлар нисбатини ўсганлигини ҳисобга олиб, маҳаллий аҳоли орасидан совет ҳукуматига сидқидилдан хизмат қилган фуқароларни, уларни фарзандларини ҳарбий сафарбарликка чақириш масаласи муҳим аҳамиятга эга деб топилди. Натижада Бойсун районида 1933 йилда 2 киши ҳарбий хизматга олинган. Қизил аскарликка чақирилганлардан 180 нафари саводсизликни тугатиш курсларига жалб этилган. 1934 йилда 1912 йилда туғилганлардан 562 киши ҳарбий тайёргарликка чақирилди. Чақирилганлардан ҳарбий мудофаа бўлимига 342 киши ёки 55 фоизи келди. Ҳарбий чақириққа келганлардан 197 киши чет унсилар, 3 киши ҳуқуқдан маҳрум кишилар бўлганлиги қайд этилган. Фақатгина 51 киши ҳарбий хизматга олинган. Туманда мудофаа ишлари иккинчи жаҳон урушига қадар шу тартибда олиб борилган. Ўша давр тақозасига кўра маҳаллий миллат вакиллари армия хизматига олишда эҳтиёткорлик билан ёндашилган. Фақат фашистлар Германияси тепасига Гитлер бошлиқ ҳукуматни келиши (1933) ва улар томонидан Польша (1939) ерларини босиб, олишлари, шўро ҳукуматини анча сергаклаштириб қўйди. Натижада 1939 йилдан бошлаб маҳаллий миллат вакиллари ҳарбий хизматга олиш оммавий тусда олиш бошланиб, 1938-1939 ва 1941 йилнинг 1-апрелига Бойсун районида ҳарбий хизматга 662 нафар киши жўнатилган. Совет ҳукумати 1939 йилда Финландияга қарши, 1940 йилда Болтиқ бўйи республикаларининг кейинчалик, Ғарбий Букавина, Бессарабия, Ғарбий Украина ерларини қўшиб олиб, ўз ҳудудларини кенгайтирган. 1941-1945 йилларда Иттифоқ тарихида суронли аммо халқ қахрамонлиги саҳифалари билан битилган. Ўша даврдаги кўп миллатли халқларнинг Ватанга, ўз бурчига садоқати, мардлиги ва матонати тарих саҳифаларида олтин харфлар билан

ёзиб қолдирилди. Маълумки, уруш совет тузумининг мустақамлигини даҳшатли равишда синовдан ўтказиб, 1930-1940 йилларда Европада тарихий тараққиётнинг бутун бориши Иттифоқнинг Германия фашизми билан муқаррар равишда ҳарбий нифокда эканлигини кўрсатди.

Совет ҳукумати ўз қуролли кучларининг жангаворлик қобилиятини ошириш учун ҳеч қандай маблағини аямадилар. Бироқ фашист Германиясининг ҳужуми мамлакат раҳбарияти томонидан йўл қўйилган сиёсий ва стратегик тарздаги кўпол хатолар мавжудлигини кўрсатди. Инсониятга қирғин офат келтирган иккинчи жаҳон урушида 61 мамлакат қатнашиб, 110 млн. киши қўлига қурол олган бўлса, шулардан қарийб 60 миллиони ҳалок бўлди. Урушнинг асосий оғирлиги СССР халқи бошига тушди. Халқларимиз фашизмга қарши оғир жангларда мисли кўрилмаган қаҳрамонлик, мардлик кўрсатиб жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини фашизм қўллигидан сақлаб қола билди.

Москва остонасидаги жангда подполковник М.В.Зимин кўмондонлигидаги 90,94- ўзбек дивизия жангчиларидан 1758 нафар ўзбек фарзандлари мардлик, жасорат кўрсатганлиги учун ҳукумат орден ва медаллар билан мукофотландилар. Ушбу дивизияда жанг қилган бойсунлик ҳамюртимиз Фармонов Одил 1-даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланди. Ўзбек жангчилари, жумладан бойсунлик азамат жангчилар фронтнинг барча нуқталарида қатнашиб, ғалабани қўлга киритишда ўз муносиб хиссаларини қўшдилар.

Немис- фашистларини тор-мор келтиришда Бойсун районидаги ҳар бир қишлоқ кенгаши, жамоа хўжаликлари меҳнат аҳли фронт ва фронт орқасидаги ўз жасоратини кўрсатди. 1941 йилнинг 25 ноябрида Бойсун туман фаоллар йиғилиши бўлиб «унда урушнинг бориши, курашаётган қаҳрамон Қизил қўшинларни зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлаш учун бутун куч ва ресурсларимизни фронтга сафарбар қилиши талаб қилинди...» Қизил қўшни жангчиларига озик-овқат, кийим-кечак тўплаш зарурлиги кўрсатилди ва қарор қабул қилинди. Суронли йилларда туман фирқа кўмитасининг биринчи котиби Бойбўтаев Алиқул (қозоқ миллатига мансуб), туман ижро кўмитаси раислигига 1940-1942 йилларда Пошшоқулов Қобил, сўнгра 1942-1947 йилларда Алимназарова Мастура, 1941-1945 йилларда туман ҳарбий комиссари бўлиб Г.Петренко ишлаган.

Бойсун район меҳнаткашларининг уруш йилларида 1114 марта йиғилишлари бўлиб ўтди. Бойсунликлар урушнинг илк кунларидан бошлаб ўз меҳнатларини фронт билан боғладилар. Давлат мудофаа жамғармасига ҳар бир жамоа хўжалиги айрим шахслар ўз жамғармаларидан фронт учун ҳарбий заём, самолёт, танк учун маблағ ажратдилар. Бойсун районидаги «Ленин йўл» жамоа хўжалиги раиси Худойназар Бойназаров 260 минг сўм, «Кетмон жамоа хўжалиги раиси Қорабой Шойназаров 270 минг сўм, «Трактор» жамоа хўжалигининг раиси Фозилов 58 минг сўм, «Байналмиллол» жамоа хўжалиги раиси Кўчар Орипов 100 минг сўм, «Агроном» жамоа хўжалигидан колхозчи Рашид Ҳолиқов 28 минг сўм, «Трактор» жамоа хўжалиги аъзоси Фозилов 27 минг сўм, «Бирлик» жамоа хўжалиги аъзолари 1942 йилда 115 минг сўм, 1943 йил 210 минг сўм, Бойсунлик Болтаев-115 минг сўм. ўз жамғарма пулларидан

танк калоннаси куриш учун маблағ юбордилар. Уруш бошлангандан то 1943 йилнинг 20 майгача туман аҳолиси ва жамоа хўжаликларидан фронт учун 1 миллион 748,08 минг сўм, жангчиларга совғалар учун 104,8 сўм, 12-гвардиячи ўзбек дивизияси учун 10 минг сўм, кийимлар учун 20 минг сўм жўнатилди. Ўша суронли йилларда Кофрун қишлоқ Кенгашига қарашли Бандихондаги «Ленин йўли» жамоа хўжалигининг ёшлари Ўзбекистондаги барча тенгдошларига мурожаат билан чиқишди. Мурожаатда шундай дейилган эди.: «Қадрли комсомол ўртоқлар, Ўзбекистоннинг барча ёшлари! Манфур немис-фашист босқинчилари бизнинг севикли Ватанимизга хиёнаткорона бостириб киргандан буён 19 ой ўтди. Душман бизнинг ота-оналаримиз фидокорона меҳнати ва пешона тери билан яратган бойликларимизни тортиб олмоқда. Бизни озодликдан маҳрум этиб, қулларга айлантормоқчи, лекин уларнинг мўлжаллари чиппакка чиқмоқда. Совет кишилари ҳеч қачон душманга қул бўлмайдилар. Бизнинг Қизил Қўшинларимиз душманга қақшатқич зарбалар бермоқда. Ўтган 1942 йилда асосий қисмини комсомоллар ташкил этган бизнинг жамоа хўжалигида катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Ғалла хосили ўз вақтида ўриб-йиғиб олинди ва дон тайёрлаш давлат режаси тўла бажарилди. Биз давлатга 4 минг центр арпа ва буғдой, 100 минг килограмм гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топширдик.

Қизил Қўшинларга совға тариқасида 35075 сўм ҳадя этдик. Шу жумладан Қизил қўшинлар учун қудратли жанговор машиналар қурилишига жамоа хўжалигимиз раиси, комсомол аъзоси Худойназар Бойназаров 260 минг сўм, колхозчи Шониёзов 25 минг сўм шахсий маблағини топширди.

Фронтни қуроллар билан таъминлаб турган Тошкентлик ишчиларга 55 центр озиқ-овқат маҳсулотларини жўнатдик, деҳқонларимиз ўз ҳисобидан 15 центр дон бердилар. Ватанимиз учун, фронт эҳтиёжлари учун зарур бўлган нарсани бундан кейин ҳам ҳеч аямаймиз. Бизнинг бу соҳадаги ёрдамимиз тобора кўпаймоқда. Биз фашист босқинчилари томонидан хонавайрон этилган қардошларимиз тақдиридан четда қололмаймиз. Ўз хўжаликларини тиклаб олиш учун уларга ёрдам қўлимизни чўзиш бизнинг фахрли бурчимиздир. Биз «Ленин йўли» жамоа хўжалигининг 16 нафар комсомол аъзоси озод этилган районларнинг аҳолисига ёрдам учун 10 минг сўм пул, 300 кг дон, 13 та тери тўплаб топширдик.

Булардан ташқари 3 гектар экин майдонини ажратдик. Бу ердаги хосилни тўлигича йиғиб, озод этилган районларнинг аҳолиси учун юборамиз. Комсомолларимиз ҳамма майдонларда мўл ҳосил етиштириш учун экинларни меҳр билан парваришlashга қарор қилдилар. Фашистлар Германиясининг СССРга бостириб кириши барча тинчликсевар халқлар каторида Бойсунликларнинг ҳам қалбида фашизмга бўлган нафрат алангасини авж олдирди. Урушнинг биринчи куниданоқ Сурхон элининг азаматлари қўлига қурол олиб фашизм билан бўладиган қонли жангларга отландилар. Ҳарбий комиссариатларга ўзларининг фронтга юборишларини сўраб ёзилган аризалар сони кундан-кунга орта борди. Урушнинг дастлабки ойларида вилоятдан кўнгилли бўлиб фронтга кетиш истагини билдирган ватанпарварлар сони икки минг кишидан ошиб кетди.

Уруш бутун Ўзбекистонликлар каби Бойсун аҳолиси учун ҳам каттик синов бўлди. Саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалиги ишларини муваффақиятли давом эттириш учун, ҳарбий сафарбарлик тадбирларини амалга ошириш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, фронтчилар оилаларига, уруш ногиронларига энг кўп даражада эътибор қилиш, аҳоли яшайдиган манзилгоҳлар ва туман марказини обод қилиш юзасидан ва бошқа жуда кўп ишларда Бойсунликлар ўз зиммасига катта жавобгарликни олдилар. Буни қуйидаги воқеа-ҳодисалар билан тарихий таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Бойсун райони ҳудудий жихатидан кенг тоғли ҳудудлардан иборат бўлиб, Ховуз қишлоқ Кенгаши район марказидан қарийб 100 километр узоқликда жойлашган бўлиб, бу қишлоққа фақат от билан келиш мумкин бўлиб, алоқа ишлари йўқлиги, уруш шароитини эътиборга олган ҳолда буларнинг ҳаммаси ижро қўмита ишларини шубҳасиз мураккаблаштирди, улар учун бир катор қўшимча қийинчиликларни вужудга келтирди. Сизлар ҳам бизнинг ташаббусимизга қўшилишга чақирамиз. Фронт учун, қардошларимиз учун маблағ ва озиқ-овқат маҳсулотлари тўплашни кенг авж олдирайлик. Гитлерга золимлардан озод этилган ака-укаларимиз, опа-сингилларимизга ёрдам кўрсатайлик!

Бу мурожаатдан илхомланган туман ёшлари матонат билан ишладилар.

1943 йил 10 мартада район фирқа қўмитасининг умумий мажлиси қарорларида шундай фикрлар бор: «Совет Ўзбекистон», «Ўзбекистон комсомоллари», танки қуришга ёшлар 321 минг сўм, Қизил Қўшин жангчиларига совға қилиш учун 327 минг сўм пул, 500 та қўл рўмол, 1200 та тамаки халтаси юборилди. Ёшлар кучи билан 130 тонна темир-терсак, 1200 бош майда мол, 1200 кг қуруқ мева, 1771 дона тери, 130 центр дон, 1500 гектар ерга фронт учун ғалла; 1942 йилда 7410 нафар ўқувчи жами 1987 гектар ғалла экдилар. Қуршовда қолган Ленинград мудофачилари учун вилоятдан юборилган 13 вагон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан 800 минг сўм пул ва катта миқдордаги кийим-кечакни тўртдан бир қисми Бойсунликларга тегишлидир. 1942 ва 1943 йилда Сурхондарёдан жангчиларга совға олиб борган вакиллар орасида Бойсунлик Ойша Омонова, Манстура Олимназаровлар ҳам бор эди. 1942 йилнинг ноябр ойидан 1947 йилнинг май ойигача Бойсун туман ижроия қўмитасининг раиси бўлиб ишлаган Манстура Олимназарова хотирасидан:

«Урушнинг учинчи куни эди Ўзбекистон Жумҳурияти Марказий Ижроия Қўмитасининг раиси Йўлдош Охунбобоев Душанбе-Қоратоғ каналини кўздан кечиргач, Тошкентдан қайтаётиб, йўл-йўлақай Бойсунга тушиб ўтдилар. Отанинг даъвати билан «Ижтимоий куч жамоа хўжалигининг Тузбозор маҳалласида кўп кишилик уюштирилган митингда Йўлдош Охунбобоев нутқ сўзлади». 1943 йил 22 майда Бойсун туман Фирқа ташкилотининг 2 конференцияси маърузасидан кейин оммавий фронтни қўллаб-қувватлаш ишлари жадал олиб борилди. Бойсун туманидан 1941-1942 йилларда жами 2248 нафар шу жумладан фақат 1943 йил 1 май кунига қадар 1600 нафар киши ҳарбий хизматга чақирилиб урушга сафарбар этилди.

Бойсун район ижро кумининг 1944 йил 1 декабр 65 сонли қарорида кўрсатилишича: Янгиобод қишлоқ кенгаши ҳисобидан 380 киши, Дехқонобод

қишлоқ кенгаши ҳисобидан 250 киши, Кофрундан 100 киши, Инкаботдан 130 киши, Пулҳокимдан 122 киши, Ховуздан 42 киши, Дуғобадан 101 киши, Дарбанддан 374 киши, Шўробдан 189 киши, Мачайдан 164 киши, Сайробдан 177 киши, Хўжабулғон қишлоқ кенгашидан 125 киши, жами 2154 нафар одам ҳарбийга жўнатилган. Район қишлоқ хўжалигини асосий кўрсаткичларидан бўлган дон ишлаб чиқариш. 1940 йилда 47915 центр, 1941 йилда 48556 центр, 1943 йилда 63583 центр қилиб бажарилиши таъминланди. Агар 1940 йилда дон тайёрлаш 387500 пубга бажарилган бўлса, 1943 йилга келиб кўрсаткич 467068 пубга бажарилиши таъминланди».

Бойсун район тўла ғаллакорлик ва чорвачиликка ихтисослаштирилганди. Бойсун район ижроия ташкилотининг 1943 йил 8 октябрдаги 61/3 қарорига асосан 3-пул-буюм латерияси 1.000.000 сўм атрофида тарқалган. Шу жумладан: Бойсун шаҳрига-40.000, Янгиобод қишлоқ кенгаши 11000, Деҳқонобод-7000, Инкабод-50.000, Пулҳоким-100.000, Кофрун-70.000, Дарбент-40000, Шўроб-40.000, Хўжабулғон-70.7000, Ховуз-20000, Сайроб-20000 сўмлик пул-буюм лотерия билетлари сотилиб, пулли урушга жўнатилган. 1944 йил 30 апрелгача туманда жами 2643 нафар Ватан Уруши хизмати оилаларига ҳамда Ватан уруши ногиронларига 787,7 минг сўм нафақа тўланди ва улар барча солиқлардан озод этилди. Бундан ташқари ўта муҳтож оилаларга 180 дона кўйлак, 12 куртка, 500 пар пайпоқ, 17 дона ботинка, 9 дона кўрпа, 53 дона пуфайка ва 350 кг чой бепул тарқатиб берилди. Бундан ташқари Стаханов, Куйбишева артеллари, маҳаллий саноат ва маорифда ёрдам фонди ташкил этилди. Янгиобод, Дуоба, Хавуз, Хўжабулғон, Деҳқонобод қишлоғи кенгашлари-1,5 -2 гектар ерга ғалла экиб берди. Соғиб ичиш учун-727 бош қорамол бепул тарқатиб берилган. Қизил Қарвон жамоа хўжалиги-65 оилага, Қизил Байроқ-20, Юсупов-17, Трактор-10, Ўзгариш-38 қизил аскар оилаларига ёрдам бериб, томарқаларига ғалла экиб берган. Масалан: «Каленин» жамоа хўжалигига, қизил аскар Бекмирзаев Раҳмон, Розиков Пўлат, «Ижтимоий куч» жамоа хўжалиги қизил аскар Қорақулов Раҳмон, Хўжақулов Бозор «Илдам» жамоа хўжалиги қизил аскар Шоймардонов Тоштемирлар томарқасига экиб беришмагани учун, жамоа хўжалиги раислари қаттиқ жазоланганлар.

Барча жамоа хўжаликларига 2 фоиз ёрдам фонди ташкил этилиб, Охунбобоев жамоа хўжалиги (раиси Хушмуродов Дўскул)га 22 бош кўй, 144 бош эчки, 6 сигир, 30 центр ғалла, кўмир-ўтин ёрдам қилинди. 1944 йилга келиб туман бўйича: 5619 бош қорамол, 53819 бош кўй, 3572 бош от, 36236 бош эчки, 99 бош туялар бўлган. Қорамол, кўй-эчки ва йилқи отлари ҳар бири биридан 49 отардан, товукчилик-24, асаларичилик-6 отар жами 177 отарни ташкил этган.

Уруш натижасида кўмир қазиб олинадиган ҳудудлар душман кўлига ўтиб кетиши муносабати билан мамлакатга кўмирга бўлган талаб ошди. 1942-1944 йилларда Ўзбекистон ҳукумати Бойсун райони Тўда қишлоғидаги кўмир конини ишга тушириш учун катта иш бошлаб юборди. 1942 йил 4 сентябрда туман ижрокумининг 43 сонли қарорига асосан Тўда кўмир кони темир йўл қурилиши учун 264.23 га ер ажиратилди Сайроб қишлоқ кенгаши ҳудудидаги Ленин жамоа хўжалиги еридан-80 га, Каленин-35га, Ворошилов-13га, Хўжабулғон қишлоқ кенгаши ҳудудидаги Телман жамоа хўжалигидан-23 га,

Зарбдор-38,68 га, Трактор-50 га, Молотов-23 га ер ажратиб берилган.

Бу ерга мамлакатимизнинг турли кўмир саноати корхоналаридан юзлаб мутахассислар оилалари билан кўчириб келтирилди. Тўда кўмир конини Болдир темир йўли билан бирлиштириш учун темир йўл қурилиши бошлаб юборилди. Ҳозирги Музработ, Шеробод туманлари орқали Тўдага темир йўл олиб бориш ишида вилоятнинг минг-минглаб меҳнаткашлари сафарбар қилинди. Бир неча минг куб метр тупроқ ишлари бажарилди. Темир йўл излари Россиядан келтирилди. Лекин, 1944 йилга келиб кўмир хавзалари фақат босқинчиларидан озод қилинган, бу ишлар тўхтатилди. Тўда кўмир кон шахтаси маҳаллий саноат тасарруфига топширилди.

1941 йил 27 декабрда 1947 йил 30 декабргача нон ва барча озиқ-овқат маҳсулотларига талон жорий этилди. 1943 йил 24 ноябр 741 –сонли туман ижроия ташкилотининг қарорига асосан душмандан озод этилган Россия ерларидаги халқларга 1012 бош қорамол, майда мол, 919 бош от жамоа хўжаликларидан олиб жўнатилган, бу билан хўжаликлар гўшт топшириш режаларидан озод этилган. 1944 йил 4 апрелдаги 14 сонли район ижроия ташкилотининг қарорига асосан: 4559 бош хисори қўй, 298 бош қора қўйлар, 9182 бош эчки, 981 бош сигирлар соғилиб жами 857673 литр сут соғиб олиниб, давлатга топширилди.

1943-1944 йилларда туман бўйича 33 та сув ва 1 та механизациялашган тегирмонлар ишлади. 1944 йилда Фарход ГЭС қурилишига 52 жамоа хўжалигидаги 250 нафар эркак ва 174 нафар хотин-қизлар сафарбар этилди. Хусусан Деҳқонобод қишлоқ кенгашига қарашли Ғалаба жамоа хўжалигида 6 нафар хотин-қизлар, Сталин-6, Янги замон-5, Байналминал-5, Охунбобоевдан 4 нафар, Янгиобод қишлоқ кенгашига қарашли агроном жамоа хўжалигидан-5, Ижтимоий куч-5, Ибрат-4, Бирлик-4, Димитров-4, Қизил карвон-6, Плуч-4, Дарбанд қишлоқ кенгаши ҳудудидаги Марис-10, Октябрь-8, Кофрун қишлоқ кенгаши ҳудудидаги 4 та хўжаликдан 16, Хўжабулғон қишлоқ кенгашидаги олти та хўжаликдан-24, Пулҳоким қишлоқ кенгашидаги олти та хўжаликдан-25, Дуоба қишлоқ кенгашидаги хўжаликдан 27, Мачай қишлоқ кенгашидаги (1 май, Жуков Охунбобоев) хўжаликларидан-15, Шўроб қишлоқ кенгашидаги 4 та хўжаликдан-24, Ховуз қишлоқ кенгашидан учта хўжаликдан-20 нафар ва Инкабод қишлоқ кенгашидаги 3 та хўжаликдан 12 та хотин-қизлар сафарбар этилди.

Ўша даврларда Душанбе-Қоратоғ канали қурилиши қизгин бораётгани боис бу қурилиш иншоотида туманнинг 324 нафар меҳнаткашлари иштирок этдилар. Шулардан бири «Агроном» жамоа хўжалигининг аъзоси Қодир Бозоров канал қурилишида кундалик тупроқ қазиб чиқариш топшириғини 1150-1200 фоизгача бажариши билан хашарчилар орасида шуҳрат қозонди. Канал штаб раҳбарияти Қодир Бозоровга бир жуфт етик, бир жуфт калиш, 4 метр беқасам, ва фахрий ёрлик билан тақдирлади. Кейинчалик туман раҳбарияти Қодир Бозоровни 1941-1945 йилларда “Меҳнатда ўрнатган” медали билан тақдирланди.

«Бирлик» жамоа хўжалиги уруш йилларида. Ҳаёт-мамот жанги барча қатори, фронт орқасининг заҳматкашлари, биринчи навбатда, колхозчи деҳқонлар учун оғир синов бўлди. Озодлик ва мустақилликни, Ватанни ҳимоя

этиш учун фашист босқинчиларига қарши олиб борилган тўрт йиллик курашда «Бирлик» жамоа хўжалиги аъзоларининг ибратли фаолиятини очик-ойдин тан олиш лозим. Шу мақсадда биз кекса журналист, меҳнат фахрийси Очил Пардаевнинг мазкур хўжалик фаолияти хусусидаги эсдалигини келтиришни лозим кўрдик:

1941-1945 йилларда фаоллардан Алимардон Худойбергенов, Саидбону Рамазонова, Бўри Қодировлар раислик қилган хўжалик аъзолари ҳарбий шароит қоида қонунларига амал қилган ҳолда фронт нимаики талаб қилса бажардилар. Дала ва фермерлар вақт билан ҳисоблашмасдан астойидил меҳнат қилиб, давлатга топшириш ва бозорда сотиш учун деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқардилар. Йирик қурилиш иншоотларига бориб ишладилар, фронтдаги аскарларга озиқ-овқат, иссиқ кийим-кечак жўнатиб турдилар. Жамгармаларини давлат ҳарбий заёмларига беришиб, армия ёшидаги эркаклар мажбурий ҳарбий машқларида қатнашдилар.

Газаликлар юзга яқин фарзандларни «Ғалаба билан ОМОН-эсон қайт» деган кутлуғ ният ва фотиҳа билан фронтга жўнатишди. Ўсмир ёшлар, айниқса, хотин-қизлар фронтга сафарбар этилган ерлари, ака-укалари ўрнини билдирмадилар. Улар учун ўзлари учун, меҳнат қилиб, уруш қийинчиликларига бардош беришди. «Ҳамма нарса фронт учун, куч ғалаба учун» деган муштарак мақсад аскарлар сингари мамлакат ичкарисидагиларни ҳам янада мустаҳкамроқ жипслаштирди, ғалаба бўлган ишончини оширди.

1941йили хўжаликда бириктирилган жамоа ери 2399,2 гектар бўлиб, шу жумладан, экинзор 575,3 гектар боғ, 19,37 гектар полиз, 3 гектар пичанзор, 835 гектар ўтлоқ ва яйловлар 1663,25 гектарни ташкил этган. Қорамолчилик, йилқичилик, қўйчилик ва товукчилик фермаларидан ташқари, тегирмон, темирчилик устахонаси, саройхона каби ёрдамчи тармоқлари мавжуд бўлиб, 170 киши жамоа хўжалигига бирлашганди. Улар қишлоқ кенгашидаги хўжаликлар орасида биринчи бўлиб, йиллик гўшт тайёрлаш режасини муддатидан илгари бажаришди. Сариеғ тайёрлаш режаси 250 фоизга, шунингдек жун, хашак, беда учун режалари ёздаёқ ижро қилиниб, Чорва моллари қишлоғи учун режадан ташқари 272 центр дағал хашак ва 160 тонна беда пичани ғамлаб қўйилганди. Ўша пайтда Душанбе-Қоратоғ канали қизғин бораётгани боис бу қурилиш иншоотига туманнинг 300 дан ортиқ меҳнаткашлари қатори «Бирлик» жамоа хўжалигидан ҳам унга яқин колхозчилар сафарбар этилган эди. Улар мардонавор меҳнат қилиб, ишончни шараф билан оқладилар. Мазкур хўжалиқдан дондор пахлавон ражаб Норбўтаев (урушдан илгари «Бирлик» ка яна бир неча йил раислик ҳам қилган) канал қурилишида кундалик тупроқ қазиб чиқариш топшириғини 1000-1150 фоизгача бажариш билан хашарчилар орасида шуҳрат қозонди. Канал штаби раҳбарияти 1941 йил 5 мартдан бошлаб Ражаб Норбўтаевга ойига 400 сўм маош белгилаб, уни стахоновчилик ҳаракатининг йўриқчиси қилиб тайинлади. Бу тўғрида «Ғалла fronti» рўзномасининг ўша йил 13 апрелдаги сониди «Ўртоқ Ражаб Норбўтаев стахановчилик ҳаракатини инструктори» сарлавхалик хабар ҳам чоп этилган.

Жамоа хўжалиги аъзоси Турди Имомов ҳам укаси Туроб Имомов шу канал қурилишида жасорат билан меҳнат қилганлардан. Қурилишда юксак

унум ва иш сифатида эришган бойсунлик хашарчилардан 60 киши фахрий ёрлик билан мукофотланган. 1942 йил 10 декабрда туман марказида бўлган кўп кишилиқ тантанали йиғилишда топширилган шу юксак мукофотлардан бири «Бирлик» жамоа хўжалиги аъзоси Турди Имомовга насиб этганди. «Ғалла fronti» нинг 1942 йил 13 декабрь сонидида босилган «Илғорларга муносиб мукофот» сарлавхали ахборот ушбу тантана ҳақидадир. 1942 йилда жамоа хўжалиги 87 гектар ерга арпа ва 300 гектарга яқин бахорги буғдой экди. Кузги дон экиш режасини муваффақиятли уддалаб, туман «Ҳурмат тахтаси»дан ўрин олди. Хўжалиқ аъзолари бу фахрий ўринни давлатга ва Қизил Қўшин жамғармасига йиллик дон топширишди. МТС ҳақини тўлаб, 1943 йил хосили учун уруғлик тўплашга эришдилар. Жумладан, 100 центнер ўрнига 1200 центнер уруғлик дон жамғарилди.

Қобил Тоғаев раҳбарлик қилган 1-ғаллачилик бригадаси шу йили бахорги дон экиш режасини 142 фоизга етказган бўлса, Жўрақул Тошматов, Парда Эшматов, Холёр Бозоров сингари меҳнатсевар колхозчилар хўкиз билан ҳар куни нормадаги 30 сотих ўрнига 45-50 сотихгача ғалла экишди. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, уруш йиллари техника этишмаслигидан бошоқли дон сабзавот ва дуккакли экин майдонларининг анча қисми хўкиз ва отқўш билан хайдалиб, кетмон ва бел билан чопиб экиларди. Бошоқли дон экинлари асосан Қуралай, Ойпари участкаларидаги лалмикор ерларда экилиб, 100 фоиз қўл кучи билан уриб-янчиб олинарди. Жамоа аъзолари далада тунаб, хосилни ўриб-йиғиб келишган. Буғдой ўроғида Аҳмад Раҳимов, Аваз Жўраев, Берди Сафаровлар кунига 30-40 сотихгача ғаллани ўриб бошқаларга намуна бўлган. Жалил Эшматов эса беш кунликда энг кўп 1,72 гектар ердаги бошоқли донни ўриб, беллашувда биринчиликни эгаллаган. Жамоа хўжалиги чорвадорлари ва пиллачилари гўшт ва пилла тайёрлаш 1942 йил режасини ҳам муваффақиятли адо этганлар. Уруш йилларида аёллар ва ўсмир ёшлар асосий ишчи кучи бўлиб қолган эди. Улар пиллачилик ва боғдорчиликда, сут соғишда, экин ерларни чопиш, ғаллани хавасдан ва ёввойи ўтлардан тозалаш, хосилни ўриш, янчиш, ташиш ва бошқа юмушларда меҳнат қилганлар. Урушнинг дастлабки йилларида фаол аёлларидан Шарофат Хайитова жамоа хўжалиги фирма ташкилотининг котиби сифатида Хотин-қизларнинг ижтимоий ва меҳнатдаги фаолиятига бош қош бўлди.

Хотин-қизлар ва ўсмирларнинг фидокорона меҳнати туфайли 1942 йили давлатга 412, 3 клограмм юқори Навли пилла етказиб берилди. Фаол аёллардан Тунук Алибоева, Жангил Жабборова бошлиқ звенолар режадан ошириб, 180-200 клограмм пилла топширдилар. Ўша йил охирида вилоятда ва туманда фронт манфаати учун «Зарбдор йигирма кунлик» эълон қилинган эди. Шу муносабат билан шахтада туриб ишлаган Норкул Бердиев, Мўмин Нормуродов, Нормурод Холиёров, Тошман Ражабов, Хуррам Ҳолиқов, Парда Ҳолиқов, Кўчқор Худойкулов, Жума Имомовлар сингари 20-30 лаб ўсмирлар меҳнат frontiдаги ғайрат-шижоатлари билан ғалабага муносиб хисса қўшдилар. «Бирлик»чилар «Совет Ўзбекистони» номидаги эскадрилияга 115 минг сўм нақд пул топширишди. Фақат 1942 йилнинг дастлабки 3 ойда фронтга ўз хўжаликлари маҳсулоти ва маблағидан 5 клограмм сариеғ, 33 килограмм жийда, майиз, 469 сўм нақд пул тўплаб, гўшт учун 3 яшар носов армуғон

этишди. Бу анъана ғалабагача давом эттирилди. Жамоа хўжалиги бошқаруви ўз захирасидан урушга кетган аскарларнинг ночор оилаларига ҳам ёрдам бериб турди. 1943-1944 йилларда колхозчилар ҳарбий заём учун 210 минг сўм топиришди.

Хўжалик аъзолари уруш йиллари Фарход ГЭСи, Бойсун шахтаси ва темир йўл қурилишида ҳамда Россия ўлкаларидаги ишчи-батальонларида ҳам меҳнат қилиб, ўз бурчларини адо этдилар. 1942 йили Бойсун шахтаси ва темир йўл қурилишига хўжаликдан 20 колхозчи сафарбар этилган. 1939-1945 йилларда жамоа хўжалигидан ҳарбий хизматга жўнатилганлардан Қўчқор Маматов, Йўлдош Азимов, Абдулахад Самадов, Фармон Мирзаев, Омон ва Аҳмад Ҳамдамов, Хурсанд Ҳолматов, Омон Бозоров, Ражаб Қоракулов, Тўракулов, Омон Сафаров, Чори Жўраев, Амиркул Бердиев, Раҳимназар Чориев, Муртазо Ҳамроевлар орден ва медаллар соҳиби бўлиб, ғалаба билан жонажон қишлоқларига қайтишди. Афсуски, уруш қурбонсиз бўлмади. Озодлик ва мустақиллик йўлидаги жангларда кўплаб ватандошлар қатори Газаликларнинг қирқдан ортиқ ўғлонлари ҳалок бўлишди ва бедарак кетишди. Мўмин, Чори Ҳолматов ва Бозор, Чоршанба, Амиркул Отахоновлар урушдан омон қайтмади. Жанг майдонларида икки нафардан фарзанди шахид бўлган оилалар ҳам оз эмас. Урушда ҳалок бўлган ва бедарак кетганлар орасида Парда Маматов, Шоймардон Жўракулов, Раҳмон Пардаев, Умбар Рамазонов, Норбой Ҳолиёров, Мўмин Ҳолиқов, Жўра Ражабов, Мамат Ҳамидов ва бошқалар бор.

Суронли йиллар қурбонларини алам ва изтироб ила эслатиб, уларнинг охирати обод, руҳлари шод, Аллохнинг раҳматига муяссар бўлсин, ҳеч қачон уруш бўлмасин, деб дуо қилиб эслайдилар. Бундан ташқари: Ижтимоий куч жамоа хўжалиги аъзоси Турсунов Рўзи, «Маркс» жамоа хўжалиги аъзоси Холтўра Қаландаров, «Ғалаба» хўжалигидан Ғаффор Бадалов, «Иттифок» хўжалигидан М.Маллаев, Тельмин хўжалигидан Хуррам Чориев, «Каленин» хўжалиги (ховуз) Шоймардон Ғофуров «Қизил карвон» жамоа хўжалигидан Шойим Тоғаев, ва бошқалар. Душанбе-Қоратоғ канали қурилишида фидоийлик кўрсатдилар. Душанбе-Қоратоғ, Фарход ГЭС кўрилишларида Бойсунлик хашарчиларга штаб бошлиғи этиб Нормамат Менглиев тайинланди.

Ўзбекистон ўша оловли йилларда душман босиб олган ерлардан кўчириб келтирилган кўп минглаб одамлар учун иккинчи она юрт бўлиб хизмат қилди. 1941-1945 йиллар Сурхондарёга 20709 киши кўчириб олиб келинди. Шу жумладан Бойсун туманига 113 кишига иссиқ жой, озик –овқат, кийим-бош ва иш билан таъминладилар. Айни вақтда кўп миллат ўзбек фарзандлари қардош республикаларнинг саноат корхоналарига ишлаш учун сафарбар қилинди. Масалан: уруш йилларида биргина Бойсун районида Уралдаги саноат қурилишига 160 нафар Запарожье саноатига-105 нафар, Тошкент тўқимачилик комбинатига-60 нафар, ГЭС қурилишларига-410 нафар ишчилар жўнатилди.

Вилоят ижроия қўмитаси «Эвакуатсия қилинганларни жойлаштириш ва яшаш шароити яхшилаш» га доир масалаларни қуриб, маблағ ажратди. Масалан Бойсун районида уй-жой қурилиши учун 41 минг сўм, яшаш шароитларини яхшилаш учун яна 10 минг сўм маблағ ажратилди. Уруш йилларида туман бўйича 30 дан ортиқ хотин-қизлар раҳбарлик лавозимида ишлашди. 70 нафар хотин-қиз қисқа курсларда ўқитилиб тракторларни

бошқариш касбини эгалладилар. Туман хотин-қизлар кучи билан 1270 минг сўм тўпланиб, давлат жамғармасига юборилди. Ғайрат-у шижоати жўш урган Мастура Олимназарова, Турсунова, Салимова, Зайнаб Худойқулова, Қурбоной Алиева, Зухра Мирзаева, Жонбиби Саидова, Робия Муродова, Ойша Омонова, Шарофат Хайитова, Муқаддас Хўжамуродова, Иқлима Бўронова, Розия Поёнова, Туфа Султонова каби ўнлаб жонкуяр хотин-қизлар ўз шижоатларини халқ бахти-саодати йўлига бахшида этдилар.

Зиёда Останоқулова, Норҳол Султонова, Ойрушан Менглиевалар механизаторлик курсини тамомлаб, меҳнат қилишган бўлса, Иқлима Бўронова, Муқаддас Хўжамуродова, Анвара Ёқубова каби фаол хотин-қизлар хўжаликларига раҳбарлик қилишди. Фронт орқасида меҳнат жасорати, маданият ва қишлоқ хўжалигидаги фидокорона меҳнатлари туфайли 1941-1945 йиллардаги «Шавкатли меҳнат учун» медали билан 750 нафар мукофотланганларнинг 66 нафари хотин-қизларни ташкил этади.

«Илғор Сурхон учун» газетасининг 1943 йил 26 феврал сонисида шундай хабар берилган: 1943 йил 25-26 феврал кунлари Термиз шаҳрида «Қишлоқ хўжалик илғорларининг вилоят слети» бўлиб ўтди. Слетда юқори ҳосил усталари, чорвачилик, ипакчилик илғорлари, давлат хўжалиги ва қишлоқ кенгаш раислари, давлат хўжалиги ва МТС ларнинг ходимлари ҳаммаси бўлиб 800 дан ортиқ киши қатнашди. Бойсун районидаги «Кетмон» жамоа хўжалигининг раиси ўртоқ Шойназаровнинг нутқини кенгаш қатнашчилари катта мароқ билан тингладилар. 1942 йилда,- деди К.Шойназаров, биз Бойсун районидаги илғор «Ленин йўли» жамоа хўжалиги билан қизгин мусобақа асосида ишлаб, ҳар икки жамоа хўжалигида ишларнинг суръатига ва сифатини юксалтиришга мувофиқ олиб бордик. Мусобақа шартларининг бажарилишини биринчи марта ўзаро текшириб кўрилганда «Кетмон» жамоа хўжалигининг олдинда бораётганлиги аниқланган эди. Иккинчи марта ўзаро текшириш ўтказилганда, эса «Ленин йўли» жамоа хўжалигининг бизларни қувиб етганлиги маълум бўлди. Бу барча колхозчиларимизга ибрат бўлди, биз қандай қилиб бўлса ҳам, қолақлигимизни тугатишга қарор бердик. Натижада хўжалигимиз экин ошириб бажарди. Қўй-эчкиларнинг умумий сони 1941 йилга нисбатан икки баравар ошди. Давлатга маҳсулот топшириш мажбуриятларини ҳаммаси муддатидан олдин тугатдик ва Қизил Қўшинларимиз учун жанговор машиналар қуришга 800 минг сўмга яқин маблағ йиғиб топширдик. Мен ўзим шахсий жамғармамдан 270 минг сўм бердим.

Вилоятда танк ва авиация қуриш учун пул жамғариш ҳаракати авж олган эди. Бу ишда Бойсун район комсомол қўмитаси котиби Сафар Соҳибов раҳбарлигида 2.068.688 сўм йиғилди. 1943 йил 29 декабрдаги район советининг сессиясида 46 нафар депутатдан 28 нафари қатнашди. Бундан ташқари 50 нафар киши таклиф этилган.

Кун тартибидеда уч масала кўрилган:

1. Мактаб халқ маориф иши.
2. Ҳарбий хизматли оилаларига ёрдам бериш.
3. Шаҳар ободончилиги масалалари муҳокама этилган.

Уруш давридаги иқтисодий таҳлил

1943

194

1945

		4		
Колхозлар сони	48		52	53
Колхозчилар сони	4240			3819
		3869		
Жами аҳолии сони	24227		196	2142
		43	0	
Шу жумладан меҳнатга лаёқатлиси	7848		662	7152
		9		
Шундан эркаклар	2433		226	2552
		6		
Аёллар	3957		308	3130
		9		
Ёшлар	1458		127	1470
		4		
Экилган Экин майдони(гектар)	32852		275	2590
		72	3	
Йиғиб олинди (гектар)	30342		691	1811
		6	1	
Шу жумладан Ғалла (гектар)	27500		591	1632
		9	2	
Олинган ҳосил (центнер)	63583		119	3944
		42	5	
Ўртача ҳосилдорлик(буғдой)	2,13		1,7	1,92
Арпа	2,15		2,1	3

1941 йил 15 августга келиб тумандан 2015 бош от фронтга жўнатилди. Унинг ўрнини қўл кучи қоплади. 1942 йил туманда меҳнат қилаётганлардан қарийб 5000 киши фронт ишларига жалб қилинди.

Кексалар, хотин-қизлар, ўсмирлар фронт орқасида фаол ишладилар. Районда етиштирилган барча дон, зиғир ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўриб-йиғиб олишда кексалар, хотин-қизлар ўсмирлар асосий рол ўйнадилар, улар қўл қўлига таяниб 18-20 соат сермашаққат меҳнат қилдилар. Район ғаллакорлари 1942 йили давлатга 30113 центр ғалла топширишди. Бу 1941 йилдагидан 5618 центрга кўп эди. 1943 йилда 46786 центр, 1944 йилда 11942 центр ғалла топширди. (курғоқчилик бўлган). 1944 йилда чорва моллари бош сони (қўйлар) 1943 йилга нисбатан 10005 бошга кўпайди.

1943 йилда район партия кўмитаси, ижроия ташкилоти ўзининг қўшма йиғилишида саноат тармоқларини ривожлантириш, унинг ишини яхшилаш, мутахассислар билан таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш масалаларини кўриб чиқди. 1934 йилда Тўда қишлоғидан Охунбобоев номли жамоа хўжалиги аъзоларини қўл кучи билан очилган ва жамоа хўжалигига даромад келтирган кўмир кони 1942 йилда қўл кучи етмаганлиги учун ёпилди. Район ижроия кўмитасининг 12 январ 1947 йил пратакол-1 қарори билан қайта рухсат берилиб, кўмир кони артеллар ҳисобига очилди. 1943 йил декабр ойида

маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиргани сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб ҳарбий фронтга ўз вақтида етказиб берганлиги учун Бойсун маҳаллий саноат корхонаси (промкомбинант) раиси Амонов Жума 1944 йил 17 январдаги 171 сонли вилоят ижроия ва партия кўмитасининг буйруғи билан Қизил байроғи ҳамда 1000 сўм пул мукофоти билан тақдирланган.

Уруш даврида жамоа хўжалиги аъзоларидан 340-360 сўм атрофида ҳар йили ҳарбий солиқ олинган. Уруш йилларида районда 60 та тарғибот- ташвиқот гуруҳлари ишлади. Буларда 126 та тарғиботчи, ташвиқотчилар, 114 та дан ортиқ фаоллар, Фақат 1945 йилда улар 2614 маъруза 300 та газета, журнал ўқишлари ўтказилди. 1943 йил Хукумат иккинчи Давлат Ҳарбий Заёмини чиқарди. Бу заёмдан келадиган маблағлар немис-фашист босқинчиларини тезроқ тор-мор қилиш ва босқинчилардан озод қилинган районлардаги халқ хўжалигини тиклашга қарор этилди. Маҳаллий Совет ташкилотлари заём чиқаришдан кузатилган мақсадни ва унинг аҳамиятини тушунтириб, ихтиёрийлик амалига қаттиқ суянган ҳолда барча меҳнаткашларни 3-4 ҳафталик иш ҳақи миқдорида заёмга ёзишча чақириб тарғибот ишларини олиб борди. 1943 йилнинг 5 июнига келиб Бойсун район 3 млн 115 минг сўмга заёмга ёзилдилар шундан 2 млн 703 минг сўмлик нақд пул топширдилар. Янгиобод қишлоғи кенгашига қарашли «Қизил Карвон» жамоа хўжалиги раиси Абдулла Мирзаев 50 минг, «Бирлик»жамоа хўжалиги раиси Алимардон Худойбердиев 50 минг, Хўжабулғон қишлоқ кенгаши раиси Алимназар Алиев 70 минг, Дехқонобод қишлоқ кенгаши қарашли «Сталин» жамоа хўжаликлари раиси Болта Рамазонов-50минг, Кофрун қишлоқ кенгашига қарашли «Ленин йўли» жамоа хўжалиги раиси Худойназар Бойназаров 75 минг сўмга ёзилди ва пулни нақд топширди. Булардан ўртак олган Эсан Тошматов, Қорабой Шойназаров, Мўмин Қувватов, Эрон Примов, Усмон Мирзаев, Рашид Ҳолиқов, Соат Бўронов, Болта Ўринбоев, Сафар Мўминов, Бойтўра Келишганов, Абраҳмат Бўтаев ва бошқалар. Ҳар бири 35 минг сўмдан заёмга ёзилдилар.

Бойсун район меҳнаткашлари 1943 йилнинг март ойига келиб мудофаа фондига 1012 бош қорамол, кўй-эчки, 3250 пуд дон, 2760 килограмм бринза, 2016 килограмм асал, 1268 килограмм майиз, 1803 килограмм қуруқ мева юбордилар. Тошкент шахрининг мудофа корхоналарида ишлаётган ишчи биродарларимизга вилоят томонидан юборилган 48 вагон озиқ-овқатни тўртдан бир қисми Бойсунликлар улушидир. Бундан ташқари ҳар бир жамоа хўжалиги ҳисобидан отлик совет армияси учун 2000 от жўнатилган.

Бойсуннинг мард ва жасур ўғлонлари. Вилоятда фронт учун жангчилар ҳам тайёрланди. Биргина 1942 йилда 193 станокли пулемётчи, 129 та кўл тўпчиси, 173 нафар миномётчи, 101 нафар танкга қарши отувчи 100 нафар афтоматчи, 40 нафар снай перчи, 1943 йилда ҳам 1404 нафар ўқчи, 721 нафар танка қарши отувчи, 151 нафар тўпчи, 250 нафар отлик аскарлар тайёрланиб фронтга жўнатилганларни тўртдан бир қисми бойсунликлардан ташкил топган эди. Бойсун туман ҳарбий комиссирияси (капитан А.Петренко) қошида жангчилар тайёрлаш жойлари ташкил қилинди.

Бойсунлик жангчилар генерал –майор Шебченко кўмондонлигида Сталинград мудофасида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Булардан оддий Аскар Шоймардон Абдуллаев, Бўри Алланазаров, Пулҳоким қишлоғидан

Соат Бўронов, Янгиобод қишлоғи кенгашидан Нарзулло Саматов, Хуррам Жумаев, Дехқонобод қишлоқ кенгашидан Муҳаммад Муродов, Дарбанд қишлоғидан Сафарқул Сатторов, Сайроб қишлоғидан Бердиали Турдиалиев, Шайид қишлоғидан Жўрақул Орипов каби ўнлаб жангчиларимиз бор эди. Иттифоқ Қахрамони подполковник Зайков командирлик қилган бўлимида Бойсунлик жангчилардан 69 таси орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Чорчинордан Лейтенант Хомид Ҳоликов (1920-1944), Кўктепадан отлик Аскар Хурсанд Ашуров (1907-1944). Мачайдан оддий Аскар Атоқул Турдиқулов (1916-1944) Ховуздан оддий Аскар Бўри Қорақулов (1913-1932) ларни жасорати ўша давр ёшлари учун ибрат намунасидир. Булар қахрамонлик унвонига сазовор бўлган бўлмасаларда, қахрамонларча халок бўлдилар. Икинчи жаҳон уруши барча элатлар қатори Бойсунликларнинг ҳам қалбида фашизмга нисбатан нафрат алангаси авж олдирилди. Урушнинг биринчи кунидаяқ Бойсун элининг азаматлари ҳам фронтга отландилар. Ўз байналмилатчилик бурчига содиқ қолган тоғли Бойсуннинг уч минга яқин жасур йигитлари ғалаба онларини яқинлаштиришга муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Шулар қатори 19 ёшли ўспирин Хидоят Сайфутдинов ҳам бор эди. Асли Пасурхи қишлоғидан бўлган бу жасур йигит, ўзининг навқиронлик даврларини фронтда окобларда, ўрмонларда ўтказиб, фашист газандаларни билан яккама-якка олишишга тўғри келди. Фронтда 389 дивизиянинг 1279 ўқчи полки таркибида 2- минамиётчилар ротасида минамиёт мўлжалловчиси сифатида жанг қилган Хидоят Сайфутдинов, ўзининг фронтдаги дўсти бўлган Бойсунлик Разоқ Донаев билан бирга Божув аҳоли манзили яқинидаги 246-4 тепалиги учун бўлган тенгсиз жангларда ўз минамиёти билан душманнинг бир нечта ўт отиш нуқталарни яқсон қилди. Матонатли жангчи Украина тупроғидан фашистларни яқсон қилишда жасорат кўрсатди. Бу жасоратини орадан 50 йил ўтганидан сўнг, Украина президентининг фармони билан 10 апрел 1994 йилда Украинанинг фахрий кўкрак нишони билан тақдирланди. Хидоят Сайфитдинов Польшанинг Колц шаҳрини 15.01-25.01.1945 йилда ўн кунда озод қилишда жасорат кўрсатгани учун Олий Бош Қўмондонни раҳматномасини олди. Гвардиячи сержант Хидоят Сайфутдинов 1944 йилнинг 30 августидан Висла дарёси учун бўлган жангда ўт отиш позициясини эгаллаб, жангчиларимизни дарёдан ўтиб олишларига тўсқинлик қилаётган душман ўт отиш нуқталарини йўқотишда расчёт командири оғир яраланади ва Х.Сайфитдинов ҳеч иккиланмасдан командирликни ўз зиммасига олади ва улар душман ишғол қилган нуқтани ёриб ўтадилар. Ана шу жангда Х.Сайфитдинов ўндан ортиқ фашистларни гумдон қилади. Ҳамюртимиз жанг майдонларида кўрсатган ўнлаб ана шундай жасурликлари учун 3-даражали Шухрат ордени билан мукофотланди. Гвардиячи сержант Хидоят Сайфитдинов фашистларни элба дарёси бўйида муҳим стратегик нуқтани йўқ қилишда кўрсатган жасорати ҳамда Германиянинг Виттенберг шаҳрини ишғол қилишдаги мардлиги учун Олий Бош Қўмондонни раҳматномасини олди.

1945 йил 2 майда Берлинни ишғол қилишда матонат кўрсатганлиги учун 2 даражали Шухрат ордени билан мукофотланди. Рехстагда эса ўз дастхатини ёзиб қолдирди. Гвардиячи сержант Хидоят Сайфитдинов 1945 йил 9 майда Чехославская пойтахти Прагани озод қилишда 368 номерли стратегик нуқтани

йўқ қилишдаги жасорати учун учунчи марта Олий бош Қўмондонни раҳматномасини олди. Гвардиячи сержант Хидоят Сайфитдинов 1946 йил 17 январда «Берлинни ишғол қилинганлиги» учун, 1946 йил 10 сентябрда «Прагани озод қилинганлиги» учун медал билан, 1946 йил 5 апрелда «Улуғ Ватан урушида қатнашганлиги» 1941-1945 йил Медаллари билан тақдирланган.

1945 йилда 1 даражали «Ватан уруши» ордени билан тақдирланган. 1945 йил 9 май Ғалаба байрамини Прагада кутиб олган Гвардиячи сержант Хидоят Сайфитдинов 1946 йил ноябр ойида урушдан соғ ва саломат қайтиб келди. Хидоят Сайфитдиновнинг отаси Сайфитдин бобо ўғлини фронтга кузатар экан: «Ўғлим, душманга омонлик берма, душманни битта қолдирмай қириб, ғалаба билан қайт ва уй-жойимга эгалик қил» - деб оқ фотиҳа берган эди. Нуроний отахонлар ва меҳрибон онахонлар насихатини юрагининг тўрига жо қилган ва уларнинг берган ҳар бир оқ фотиҳасини муқаддас билган тоғли Бойсуннинг азамат шер йигитлари ҳам мислсиз жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатганлардан бири Гвардиячи сержант Хидоят Сайфитдиновдир. Урушдан сўнг унга «1941-1945 йилларда Улуғ Ватан уруши» ғалабасининг 20-30-40-50 йиллик юбилей медаллари билан ҳамда «Армиянинг ташкил топганлигининг» 50-60-70 йиллик юбилей медаллари билан тақдирланган ва эсдалик совғалар билан мукофотланган. Жуда кўп азоб- уқубатларни кўрган бу инсон 1991 йилда юртбошимиз томонидан Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилганида, телевизор олдида туриб кўзидан ёш қалқиган бўлса ажаб эмас. Хидоят Сайфитдинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг фармониға мувофиқ 1995 йил 20 апрелда «1941-1945 йиллардаги Урушда Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги» юбилей медали билан мукофотланди. 1994 йил 6 майда Ўзбекистон Республикасининг «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида бўлган жангларда довжурлик, мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган армия сафидаги жангчилар учун уч даражадан иборат Шухрат ордени ташкил қилинди. Бу орден совет даврида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонидан кейин иккинчи юксак мукофот эди. Сурхондарёлик мард ўғлонлардан уч нафари душман билан бўлган жангларда, қаҳрамонлик кўрсатиб, ушбу орденни тўла нишондори бўлишга эришган. Афсуски Гвардиячи Сержант Хидоят Сайфитдиновга ушбу 1-даражали Шухрат орденини олиш насиб этмади. Урушдан сўнг, қурулиш ташкилотларида ва Работ хўжалигида оддий ишчи бўлиб ишлаган, 4 нафар фарзандни оиласи Шарофат Ҳамроева билан вояга етказди. Қаҳрамонимизни фарзандлари турли касб эгалари. Тўнғич ўғли Саидахмат Сайфутдинов ички ишлар хизмати майори. Ҳозир нафақада. Халол, меҳнат билан суяги қотган Хидоят Сайфитдиновга ғалабанинг 60 йиллигини кўриш насиб этмади. Узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 1998 йилда 76 ёшида вафот этади. Зеро, ҳеч ким ва ҳеч нарса унитилмайди. Уруш йилларида ҳамюртимиз 301-ўқчи дивизия таркибидаги 1050-ўқчи полк жангчиси Бойсун районидаги Хўжабулғон қишлоқ кенгаши худудидаги «Трактор» жамоа хўжалиги аъзоси. Дахнаижомлик Дўстқобил Қушшоқов 1944 йил 25 июн куни Днестр дарёсининг ўнг қирғоғида –Трасполь районидаги Бичек қишлоғи (Молдовия) яқинида «Тил» қўлга туширишда кўрсатган мардлиги учун «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланди. Минг афсуски Ботир жангчи орденини ўз

қўли билан ола олмади. У Молдавиянинг Тирасполь районидаги Малоешти қишлоғи шимолий-шарқида жойлашган фуқаролар қабристонидagi 7-қабрга дафн этилган. Урушдан кейин орден унинг онаси Бегим момога олиб келиб топширилди. Акалари Камол, Зоир, онаси Бибиой ва Курбонойлар қахрамон жигаргўшалари билан фахрланса арзийди. Навқирон йигит ўн тўққиз ёшида ҳаёт билан видолашади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 мартдаги фармони билан 1941-1945 йилларда урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигини муносиб нишонлаш ҳамда 1941-1945 йиллар хотирасини абадийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Хотира китобида 1941 йил 22 июндан 1945 йил 3 сентябргача бўлган даврда ҳалок бўлган, ҳарбий госпителлар ва фашистлар концентрацион лагерларида вафот этган ҳамда бедарак йўқолган Бойсунлик 3042 (уч минг қирқ икки) нафар жангчиларни исми, шарифи, ҳалок бўлган йиллари ва дафн этилган жойлари кўрсатилган. Худди шундай хотира китоби бойсунлик ижодкор-журналист Тохир Усмоннинг «Суронли йиллар қиссаси» (1995) китобида ҳам келтирилган.

Тўда қишлоғидан Тошбоев Абдужаббор бобо билан умр йўлдоши Дўсталиева Қамбар момо 4 нафар фарзанди (Абдуҳолик, Абдувоҳид, Бобонкул, Хушвақт) ни фронтга кузатиб қолган. Жабборов Кўчарни эса туман раҳбарияти захира учун брон билан фронтдан олиб қолди. Шу фарзандларидан фақат Жабборов Бобонкул 2 гуруҳ ногирони бўлиб, фронтдан қайтди. Қолганлари эса турли жангларда қахрамонларча ҳалок бўлди. Тўда қишлоғидан фронтга 90 нафардан ортиқ йигитлар кетиб, катта қисми қайтиб келмади. Урушнинг барча жароҳатлари битди, аммо йўқотилган фарзандлар жароҳати битмади.

Сурхондарё вилояти шу жумладан Бойсун район меҳнаткашлари уруш натижасида вайрон бўлган республикалар хўжаликларига катта иқтисодий ёрдам кўрсатдилар. Биргина 1944 йил декабрида Россиянинг Ростов-Дон вилоятига қорамол, қўй-эчки, от, ғалла, пул ва кийим-кечак воситалари етказиб берди. Бойсунликлардан жангларда кўрсатган мардлик ва жасурлиги учун 2 киши А.Невский, 2 киши 2-3 даражали, «Шуҳрат», 32 киши «Қизил юлдуз» орденлари, 39 киши «Жасурлиги ва мардлиги учун», 26 киши «Жанговор хизматлари учун» медали билан тақдирланди. Ватан урушидан 28 нафар жангчи 1 гуруҳ, 172 нафари 2 гуруҳ, 281 нафари 3 гуруҳ ногиронлари эди. Ватан урушидан қайтган пасурхилик Саъли Саъдуллаев, Работлик Назар Давлатов, Пасурхилик Хидоят Сайфуддинов, Воҳид Аброров, Раҳим Шарипов, Бандихонлик Оқбой Ғаниев, Қатаригузар маҳалласидан Фармон Одилов, Рашид Жумаев, Шаҳар марказидан Вали Галямов, Қосим Қаҳҳоров, Нормамат Хайитов, Ловкадан Қодир Раҳматов, Оллокул Самадов, Газалик Кўчқор Маматов, Дарбандлик Жума Жўраев, Ариқ устилик Турди Атаев, Хайитбой Самадов, Боғбололик Усмон Мустафоқулов, Нажимиддин Қосимов, Сайроблик Жумакул Бердиев, ака-ука Қуллиевлар, Пасурхилик Хофиз Бўриев, Хон Умронов, Ато Бўриев, Украиналик Скринский Ю.У, Пойгабошилик Юнус Хўжаев, Оби қишлоғидан Хофиз Ҳамдамов, Тузбозор қишлоғидан Шукирилло Умаров, Газалик Чори Саидов, Ражаб Қорақулов, Чори Жўраев, Иброҳим Тоғаев, Чорчинор маҳалласидан Мустафоқулов Муқимов, Ҳолбой Фармонов, Самад Фармонов, Аваз Рамазонов, Оби қишлоғидан Рауф Сатторов, Сатторов,

Рўзиев ва бошқа ўнлаб ватандошларимиз урушдан кейин, район тараққиёти учун ўз билим ва хизматларини кўрсатдилар.

БОЙСУНДА САНОАТ ВА ҚУРИЛИШ (1926-1990 ЙИЛЛАР).

1920-1930 йилларнинг ўрталарида Бойсунда тузулган «Қизил Чинор», «Ишчи-деҳқон», «Хотин-қизлар озодлиги», «Ширин», «Қизил Шарқ» ва «Қизил Доска» (Кейинчалик бу артеллар В.Куйбишев, Стаханов ва Телман номи билан юритилган) маҳаллий саноат артеллари аввал саноат корхоналари фаолият кўрсатиб, ушбу артеллар асосида 1972 йилда Бойсун экспериментал шойи тўқиш фабрикаси ташкил этилди. Фабрика дастлаб керамика, охак, қандолат ва металл буюмлари ишлаб чиқарди. Уруш йилларида бу ерда бадий тикувчилик, дўппи тикиш цехи очилди. Бойсун шойи тўқиш фабрикаси биринчи марта атласдан тайёрланган миллий кийимлар ишлаб чиқара бошлади. Кейинчалик фабрикада тайёрлов, тўқиш ва тикиш цехлари ташкил қилинди. Аврли атлас, беқасам, газлама ва тикувчилик буюмлари ишлаб чиқарди. 1975 йилдан бошлаб жанда материали ишлаб чиқарилиб, унитилган Бойсун матоси қайта тикланди.

1974 йилларда твит рўмол ишлаб чиқариш цехи, 1979 йилда тикув фабрикаси ишга тушурилди. Фабрикада жемпир, пайпоқлар, эркак ва хотин-қизлар кўйлаги тикиш цехлари очилди. Фабрикада 1200 нафар ишчилар 3 сменада ишларди. Маҳсулот ишлаб чиқариш 18 млн рублдан (1961 йилги совет пул бирлиги ҳисобида) ошиб кетган эди.

1924 йилнинг охири 1925 йилнинг бошларида ташкил этилган «Қизил Ширкат» артелига Уста Мулла Бобоқул Ҳамро, Мухиддин, Қиёмхўжа биринчилардан бўлиб ширкат ихтиёрига ўтдилар. 1927 йилнинг баҳорига келиб «Қизил доска» ҳунармандчилик артели ташкил этилиб, унинг ихтиёрида 4 та цех барпо этилди. Булар: Темирчилик, Мискарлик, Алачабофлик ва дурадгорлик. Бу цехлар асосан Бойсун марказида, Пасурхи, Боғиболо, Сариосиё қишлоқларида жойлашган бўлиб, дастлаб унинг аъзолари 9 кишидан иборат эди. Бу даврга келиб- алачабофлик, темирчилик, мисгарлик, заргарлик, кулолчилик, дегрезлик, чармгарлик, (кунчилик) охак пишириш, чуптарошлик, сандиқсозлик кенг ривожланди. Сув тегирмонлари, мойжувозлар, қандолатпазлик аҳолини озиқ-овқатга бўлган талабини қондирди.

Бойсунда саноат комбинати 1932 йилда ташкил этилиб, унинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлди.

1932 йилда ташкил этилган Бино корхонасининг асосий кўрсаткичлари центр (ҳисобида).

№	Маҳсулот номи	1933	1934	Жами 1933-1934 йилларда	фоиз
1	Ҳар хил мевалар	4421	8940	12961	100
2	Шинни қилинган	2106	890	2996	-
3	Данак тайёрлаш	500	2000	2500	-
4	Майиз тайёрлаш	5440	-	5440	-
5	Ҳар хил курук мевалар	-	-	-	-
6	Узум	1479	48461	49930	-
7	Тут майизи	-	5642	5642	-

тайёрлаш				
----------	--	--	--	--

Бинокорлик ишига 1931-1932 йилларда 350 минг рубл (1929 йилги пул бирлиги ҳисобида) сарф қилиниб 49 хонали умумий турар жой бинолари қурулди. 1932 йилда бинокорлик ишида 450 минг сўм сарфланиб, 50 койкали касалхона қурилди. 1933-1934 йилларда эса 310 минг сўм сарфланиб, район ижро қўмитаси биноси қуриб ишга туширилди. Ушбу бинода кейинчалик «Шарк тонги» фабрикаси фаолият кўрсатди. 1934 йилда районда 2 мактаб биноси, 1 та ҳаммом, 1 та дорихона(аптека) биноси ва электростануия биноси қуришда, 90 минг сўм сарфланди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида артеллар асосан давлат ҳарбий шартномаларини бажарди. 1945 йилда Стаханов (раиси, Карим Раҳимов), Куйбишев (Раиси Қодир Фозилов), Тельман (раиси Муртозо Розиков) артеллари фаолият кўрсатиб барча ҳисоб китоб ишлари туман маҳаллий саноат (мудир Азизов) орқали олиб борилди. 1927 йилда рус муҳандислари В.Вольнўй ва Кравицкийлар биринчи марта Бойсун тоғидан фойдали қазилмалар излай бошладилар. Тўда қишлоғи Кетмончопти тоғидаги кўмир, Кофрундаги нефт-газ, шунингдек темир, тоғ сланеци, ош тузи, калий тузи ва бошқа ноёб қазилма бойликлари борлиги аниқланди. Бойсунда электр станцияси қурилиши асосан урушдан олдин бошланган бўлсада, амалда 1948 йил 9 майда ишга тушурилди. «Кировец-22» электр двигатели ўрнатилиб, унга қуришда маҳаллий бюджетдан 91354 сўм рубл сарфланди. 1939 йилда Бойсунда буханкали нон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1930 йилларда туманда йўл қурулиш ишлари йўлга қўйилди. 1931 йилда Бойсун –Термиз йўлида 3 та, Бойсун-Пулҳоким орасида ва шаҳар ичидаги йўллар орасида 3 та янги кўприк қурилди. 1933 йилда Дарбанд билан Мачай қишлоғи орасида янги йўл қурилиб 4 та кўприк қурилди. Бойсун-Кофрунгача 13 чакрим янги йўл қурилиб ва 3 та янги кўприк қурилди.

Бойсундан-Сариқамишгача 6 чакрим, Дарбанд-Мачай ўртасидаги 7 чакрим йўл қайта таъмирланди. Лекин бу бажарилган ишлар етарли бўлмади. 1930 йилларда почта ва алоқа ишлари бир мунча йўлга қўйилди. 1933 йилда илк бор туман марказида 100 номерли телефон станцияси қурилди. 1933-1934 йилларда 24 та телефон нуқтаси ўрнатилиб, шундан 2 таси қишлоқ Кенгаши идораларида ўрнатилди. (Дехқонобод, Янгиобод) ўрнатилди. Ўша даврларда алоқа таянчлари оддий ёғочлардан қурилган эди. Бу эса алоқани мунтазам оқиб боришда ҳалақит берарди. Алоқа ишларини бундан ҳам яхшилаш мақсадида почта идораси олдида транспорт иши ташкил қилинди.

Район марказини қишлоқ жойлари билан алоқани мустаҳкамлаш мақсадида 1931 йилда 5 та хат ташувчи (почталион) ҳар ҳафтада қишлоқларга 3 марта хатларни етказиб берган бўлса, 1934 йилда 10 та хат ташувчилар ҳафтада 7 марта чикарилди. Почтанинг қутилари район марказида 1-жойда, қишлоқларда эса 11 жойда ўрнатилганди. 1930 йилларда республика пойтахти ва айрим катта шаҳарлар билан ҳар 10-15 кунда бир марта алоқа бўлди. 1934 йилга келиб, ҳар куни алоқа ишлари йўлга қўйилиб, 1934 йил 7 ноябрда радио тизими яъни, 500 мгц. частотали радио узел ишга тушурилди.

Бойсун районида 1931 йилда келган хатлар сони 17800 дона бўлган бўлса, 1934 йилга келиб, 26025 донага кўпайди. Демак, йилдан-йилга алоқа ишлари

анча тузатилди. 1934 йил 7 ноябрғача 6 та қишлоқ кенгашларига телефон нуктаси ўрнатилди. Булар Инкабод, Пулҳоким, Дарбанд, Шўроб, Сайроб, Хўжабулғон 19 та қишлоқ кенгашлари ҳузурида почта агентлиги ишлади. Қишлоқ хат ташувчиларни сони 50 тага етказилди. 1935 йил апрел ойи архив маълумотларига кўра, Бойсун марказий почта алоқа бўлимида 20 нафар телефон-телеграфда 10 нафар, Радиоузелда 3 нафар мутахасислар ишлади. Почта-алоқа агентлигида 7 бош от, 4 та араба хизмат кўрсатди. Телефон-телеграфда 2,16,6,9,47 ва 160 километрга узатиб берувчи линиялар ўрнатилди.

1948 йилнинг бахорига келиб, Бойсун-Кофрун қишлоқ Кенгаши ўртасида алоқа сими тортилиб, маҳаллий бюджет ҳисобидан 15 минг сўм сарфланди. (1947 йилги пул бирлиги ҳисобида). Марказий телефон ишларини яхшилашда эса 39,2 минг сўм ажратилди. 1947 йил 25 ноябрдаги 195 сонли туман ижроия кўмитасининг қарорига асосан туман марказида янги меҳмонхона биносини қуриш учун 16792 сўм маҳаллий бюджетдан ажратилди. 1927 йилда ташкил этилган Куйбешев ортелида қосиб Мирзаев Ҳолмамат, Нормаматов Аҳмадлар жалб этилган улар саккиз тепкилик атлас тўқиганлар. 1930 йилларда қарийб 1500 шахсий дўконлар бўлган, алача, норпуст, мозори, жанда, ола, нонка, биаз (оқ карбос) лар тўқилган. Мозори-Мазори Шарифдан олинган нусха қизил мато бўлиб, асосан аёллар учун тайёрланган. Норпўсти-яъни жандадан-эркаклар учун тўн тайёрланган.

Уста Раҳмат Мамаёров –жанда, олача тўқишда донгдор бўлган. Уста Қодир, Уста Раҳмат, Уста Абдурайим, Уста Раҳмон уларнинг давомчилари Уста Мамарайим, Уста Расуллар-олача, жанда, нонка туқишда шуҳрат қозонган. Уста Йўлдош Пошшоев, Уста Нарзилло, Уста Собир, Уста Холиёр ва бошқа ўнлаб Усталар етишиб чиққан.

1949 йил «Куйбишев» номли артел 94593 метр алача, 2697 метр жанда, 894 метр абрешин, 90 метр атлас ишлаб чиқаришга эришган. 1957 йилда артел аъзоларидан тўқувчи Муртазоев Ҳолмамат 170 фоиз, темирчи Қўзиев Самад 206 фоиз, Пардозловчи Соҳибов Нор 205 фоиз, Темирчи Норбоев Мамади 135 фоиз, тўқувчилар Маматқулов Умбар, Сафаров Норқул, Каримов Маллалар 162 фоиз, Тиқувчилик цехи мастери Хўжамуродов Боқи 180 фоиз, тиқувчи Бўриева Чўлпон ва Қурбонова Хадичалар 154 фоизга йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режаларини бажарган.

1953 йилда Термиз сут заводи ишга тушгач, бунинг базасида Бойсун сут-заводи цехи 1979 йилда ишга тушурилди. Ўзбекистон ҳукуматининг 1975 йил 11 майдаги қарори асосида районда ишлаб чиқариш кучлари жадал ривожланди. Фақат 1975 йилнинг ўзида 1,8 млн сўмлик қурилиш монтаж ишлари олиб борилган бўлса, 1976 йилда 11,5 млн сўмга етказилди.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш борасида 1970-1980 йилларда иттифоқ маркази томонидан амалга оширилган тадбирлар, асосан, қўйидаги мақсадларга эришишга қаратилган: биринчидан, мавжуд моддий-техникавий потенциални кучайтириш ва тез суръатлар: билан ортиб бораётган меҳнат ресурсларидан кенгроқ фойдаланиш йўли билан республиканинг минерал ҳамда қишлоқ хўжалик хом ашёни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва Ўзбекистон ташқарисида қайта ишлашни ошириш; иккинчидан, минерал ўғит ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик машинасозлигини кенгайтириш туфайли Ўзбекистонни совет

пахтачилигининг асосий базаси сифатида ролини кўтариш.

Албатта, бу мақсадларга эришиш учун амалга оширилган чора-тадбирлар, жумладан тоғ-кон саноатини ривожлантириш, янги ерларни ўзлаштиришни, ирригация-мелиорация иншоотлар, электростанциялар куриш, аҳолини бир қисмини янги очилган конлар яқинига ва янги қишлоқ, туманларга, хўжаликларга кўчириш ва ҳоказо билан объектив боғлиқ ҳолда нафақат йирик, балки ўрта ва кичик шаҳар ҳам кўпгина қишлоқлар ҳам кенгайди, ўсди.

Бойсунда атрофдаги қишлоқларда иш жойлари билан таъминланмаган ёшлар, айниқса хотин-қизлар, сони ортиб бораётгани ҳам ҳисобга олинган эди. Шунинг учун биринчи навбатда енгил саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш корхоналарини куришга ҳамда техникавий ва технологик такомиллаштиришга катта эътибор берилди. Масалан, Бойсунда 1925 йил ташкил қилинган шойи тўқиш майда корхона асосида 1966 йил йирик экспериментал шойи тўқиш фабрика курилиши бошланиб, 1972 йил ишга туширилди. Ўша йилнинг ўзидаёқ бу фабрика 907 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Шаҳардаги вино заводи, қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш заводлари эса 1972 йил 2 млн. 736 минг сўмлик маҳсулот чиқаришди.

Бойсун шаҳарида 1971-1975 йиллар мобайнида курилган тивит рўмол фабрикаси, тикув фабрикаси ўзининг филиалларини туманга қарашли Сариосиё ва Кофрун қишлоқларида ташкил қилишди. Шу туфайли 600 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқ хотин-қизлари иш жойи ва даромад манбаи билан таъминландилар. Бу шаҳарда 1976-1980 йилларда маҳаллий саноат тасарруфида жемпер, пайпоқлар, кўйлақлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва цехлар курилди, мавжуд эски корхоналар қайта курилиб, янги техника ва замонавий технология билан таъминланди. Қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш, пахта тозалаш, консерва, заводларида ва тикув фабрикасида янги асбоб-ускуна, мосламалар ўрнатилди. Натижада ишчиларнинг меҳнат шароитлари, биринчи навбатда меҳнат хавфсизлиги яхшиланди, меҳнат унумдорлигини кўтариш имкониятлари пайдо бўлди, чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатида ҳам анча яхшиланди. Бу борада Бойсун экспериментал шойи тўқиш фабрикасида кўзга илинарли даражада ишлар амалга оширилди. 1970 йилларда фабриканинг асосий ишлаб чиқариш цехларида “ШБ-2155-и1п” маркали шилихтовка қилувчи, “СА-180х2” маркали йиғувчи “УА-300-3М1” маркали калава ўрайдиган ва кўпгина бошқа машиналар, дастгоҳлар, ускуналар ўрнатилди. Шу туфайли фабрикада меҳнат шароитларини бироз яхшилаш, чиқариладиган маҳсулотларни турларини кўпайтириш ва сифатини кўтариш мумкин бўлди. Аммо Бойсуннинг айрим корхоналарида маъмуриятнинг маъсулиятсизлиги оқибатида баъзи йилларда меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифати пасайди. Шунга ўхшаган бошқа нуқсонларни бўлиб туриши шаҳар корхоналарининг фаолиятини бир хилда ўсишига салбий таъсир кўрсатди. Ҳатто кўзга ташланиб турган корхоналардан ҳам вақти вақти билан турли нуқсонлар содир бўлиб турар эди. Масалан, 1975-1979 йилларда шойи тўқиш фабрикаси ва ғишт заводида меҳнат хавфсизлиги бўш бўлиши туфайли 195 соат иш вақти йўқотилди. 1984-1985 йилларда эса ускуналарнинг эскилиги, янги тикиш йигириш асбобларини ўрнатилмаганлиги натижасида 124 соат иш вақти йўқотилди. Бу фабрикада янги тўқув дастгоҳларини турли баҳоналар билан

ўрнатмаслик одат тусига кирган эди. Бундан ташқари ишчиларни форма билан таъминлашда ҳам лоқайдлик қилинар эди. 1975-1979 йиллар давомида ишчиларни иш формаси билан таъминлаш фақат 54,3 фоиз бажарилди.

1980 йилларнинг ўрталарига фабрика раҳбарияти янгиланди. Бу эса фабрика ишчи, техник муҳандис жамоасини иш фаолиятини яхшилашда ижобий таъсир эди. 1980 йилларнинг иккинчи ярмида бу фабрикада анча кенг миқёсда қайта қуриш ишлари бажарилди ва янги ишлаб чиқариш бинода “Чайка” маркали 11 та тикув машиналари қўйилди, 38 та янги иш жойлари ташкил этилди. Шунини ўзи фабрика бўйича ишлаб чиқаришни 24,6 фоизга оширишга омил бўлди. Шунинг учун ҳам ҳужжатхоналарда, илмий ва оммабоп манбаларни бирортасида ҳам бу ҳақда 1970-1980 йилларнинг ярмигача сўз юритилмаган. Ўз навбатида Собиқ совет даврида қурилган жамийи ки саноат корхоналари, шунингдек Бойсун шаҳридаги ишлаб чиқариш технологиясига тўлиқ жавоб беради деган “ғоя” кенг татбиқ этилган бўлиб, ишга топширилган саноат бинолари экологик “талаб” даражасида деб хулосаланган. Аслида эса корхоналарда ўрнатилган чанг ютувчи, ҳаво тозаловчи, чиқиндиларни олиб чиқувчи мосламалар вақтинча ишлар, ёки умуман ишламаса ҳам сўзсиз ишлаб чиқаришда яроқли деб қабул қилинар эди. Бундай аҳволга қарамай, шаҳар меҳнаткашлари барча имкониятларидан фойдаланиб, ўз олдидаридаги вазифани бажаришга фидоийлик қилдилар.

1971-1990 йилларда Бойсундаги саноат, транспорт корхоналарида, қурилиш ташкилотларида ҳар йили ўрта ҳисобда 90 та рационализаторлик таклифлар тушган бўлса, улардан ишлаб чиқаришга 75-80 таси тадбиқ этилган. Бироқ фойдаланилган ихтиролардан ва рационализаторлик таклифларидан тежалган иқтисодий кўрсаткичлар тўғрисида жуда оширилган рақамлар берилганлиги сабабли ҳозир ҳақиқий самарадорлик ҳақида маълумотни келтириш қийин. Шундай бўлса ҳам, амалда кўпгина мутахассис ва илғор ишчилар ўзининг илмий-техникавий ижоди билан ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлган техникавий, технологик муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилишганини инкор этиш мумкин эмас. Масалан, Бойсун экспериментал шойи тўқиш фабрикасида Азиз Норқулов, Қаюм Ўринов, Марзия Рўзиқулов ва бир қатор бошқа ишчи ва мутахассислар меҳнатни унумлироқ бўлишига, дастгоҳлар, асбоб-ускуналардан рационал фойдаланишга, маҳсулот сифатини оширишга ўзларининг ихтиро ва рационализаторлик таклифлари билан кўп кўмаклашишди. Шу туфайли ва умуман меҳнат унумдорлигининг ўсиши сабабли экспериментал шойи тўқиш фабрикаси 1972 йилга нисбатан 1985 йилда ялпи маҳсулот ҳажмини 907 мингдан 5 млн, 90 минг сўмгача етказди, яъни ишлаб чиқариш деярли 5,5 баробар ошди. Бойсундаги бошқа корхоналарда ҳам бу борада анча ишлар қилинди. Лекин бу шаҳарда ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракати саноат, қурилиш, транспорт корхоналарининг муаммоларини ечишдан кўра кўпроқ қишлоқ хўжалигига техникавий ёрдам беришга қаратилган эди.

Бундай шароитда корхоналарнинг муваффақияти фаолияти учун меҳнатни ва ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш, мавжуд техника ва технологиядан унумли фойдаланиш билан бир қаторда мутахассис ва илғор ишчиларни илмий-техникавий ижодини ривожлантириш катта аҳамиятга эга

эканлиги яққол билиниб турар эди. Бироқ Бойсун шахридаги саноат, қурилиш, транспорт корхоналарида мутахассислар етишмаганлиги, ишчиларнинг аксарияти бевосита ишлаб чиқаришга тайёрланиб, касбга тааллуқли маълум бир назарий билимларга эга бўлмаганликлари ҳамда маъмурият, техникавий кенгашлар томонидан корхонадаги техникавий, технологик муаммоларини аниқлаш, ҳал қилишга доимо жиддий эътибор берилмаганлиги оқибатида ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракатининг потенциал имкониятлари тўла намоён бўлмади.

Бойсундаги экспериментал шойи тўқиш фабрикаси ишга тушиш арафасида бу корхоналарда қисқа муддатли курслар очилиб ёш ишчилар турли касбларга ўргатилди. Шойи тўқиш фабрикасида шу йил билан 1980 йилда 300 дан ортиқ ёшлар ишчи касбини эгаллади, улардан 255 нафари хотин-қизлар эди. 1990 йила келиб қисқа муддатли курсларда ва бошқа ўқитиш усуллари билан 230 та ишчи тайёрланди, жумладан 208 та хотин-қизлар. Ўзбекистоннинг ўрта таълим тизимида 1970-1990 йилларда ижобий ўзгаришлар бўлгани туфайли саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа соҳаларга ишга келганларни умумтаълим даражаси ортиб борди. Масалан, Бойсундаги саноат корхоналарида меҳнаткашлар орасидан 1971 йил тўлиқ бўлмаган ва ўрта маълумотлилар 32 фоизни ташкил этишган бўлса, 1981 йилда бу кўрсаткич 59 фоизга етди (тўлиқ бўлмаган ва ўрта маълумотга эга бўлганларнинг салмоғи 16 фоиз эди), 1989 йилда эса – 78 фоизни ташкил этди (тўлиқ бўлмаган ўрта маълумотлилар салмоғи 11 фоизгача камайди).

Масалан, Бойсун экспериментал шойи тўқиш фабрикасининг ишчилари Москва, Марғилон, Наманган шойи комбинатларидаги 1 ҳафтадан 1 ойгача ўқитадиган курсларда ҳамда илғор ишчиларнинг мактабларига юборилиб турилди. 1975-1985 йилларда Бойсун шойи тўқувчиларидан 75 нафари Тошкент, Қўқон ва Москвада малакасини оширишди, 1986-1989 йилларда эса 72 та ишчи Москва, Тошкент ва Андижонда малакасини ошириш курсларида ўқишга юборилди. Бойсундаги экспериментал шойи тўқиш фабрикасининг кўпгина ишчилари норма бўйича белгиланган 12 та дастгоҳлар ўрнига 16 та тўқувчи қизларнинг ҳар бири 18 та дастгоҳда меҳнат қилишга ўтишди. Булардан ташқари, корхонанинг 110 дан ортиқ илғор ишчилари Тошкентлик, Фарғоналик, Марғилонлик ва Наманганлик тўқувчиларнинг ташаббусларига кўшилиб, 1972-1975 йилларда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини анча оширишга ўзларининг ҳиссаларини кўшишди. Натижада, 1971 йилга нисбатан 1975 йилда меҳнат унумдорлиги 3,6 марта юксалди. Бойсундаги экспериментал шойи тўқиш фабрикасининг моҳир ишчилари П. Мирзабекова, С. Мажидова 1978 йили смена топшириқларини 1,5-2 марта ошириб бажариш ташаббуси билан чиқишди. Бу куруқ, асосиз шиоргина эмас эди. Ташаббускорлар ип узилишларни бартараф этишга, дастгоҳдан дастгоҳга ўтиш, тўхтаб қолган дастгоҳни ишга туширишга сарфланадиган вақтни қисқартириш ва нормада белгиланган дастгоҳлардан кўпроғида ишлаш ҳисобига 5200 метр ўрнига 9100-10 минг метр атлас тўқишга эришишди. П. Мирзабекова, С. Мажидоваларнинг ташаббусини фабрикада қўллаб-қувватлаган биринчилардан бўлган оҳоргар А. Абдурахмонов ҳар ойда 360 минг погон метр ўрнига 408-409 минг погон метр толани оҳорлашга эришди.

БОЙСУНДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ВА ИЖТИМОИЙ ТУРМУШ ТАРЗИ (1970-1990 ЙИЛЛАР)

*Саховатли киши шундай
кишики, биров сўрамай, олдиндан
ўзи билиб ҳадя қилади.*

Абдибек Шерозий

Бойсун районида саноат, қурилиш, транспорт, шифохоналар, мактаблар, болалар боғчаларининг, маиший хизмат корхоналарининг сони кўпайган сари улар ишчи ва мутахассис, ўқитувчи, тарбиячи, тиббиётчи ходимлар билан таъминланиб турилган вақтда бу меҳнаткашларнинг оилаларини уй-жойлар билан ҳам таъминлаш зурур эди.

Бойсун районида давлат бюджети ҳисобидан уй-жой қуриш асосан 1970 йилларнинг иккинчи ярмида бошланиб, бунга Ўзбекистон ҳукумати 1976 йил 28 апрелда қабул қилган “Республикада уй-жой фонди, маданий-маиший ва жамоат биноларининг аҳволини яхшилаш чоралари тўғрисида” номли қарори жиддий омил бўлди. Ушбу қарорга биноан 1976 йилдаёқ Бойсун районида маҳаллий бюджет ва корхоналарнинг маблағи ҳисобига 2 та 4 хонали, 1 та 20 хонали, 1 та 16 хонали, жами 2118 кв.м уй-жойлар қурилиши амалга оширилди. Натижада, районда давлатга қарашли уй-жойлар фонди бир йил мобайнида 4133 кв.м дан 6251 кв. метргача етди.

Бойсунда 2-механизациялашган кўчма колоннага қарашли 113-сонли қурилиш ташкилотининг жамоаси катта ҳажмда қурилиш, таъмирлаш ишларини бажариш имкониятига эга эди. 1976-1989 йилларда қурувчилар жамоаси Бойсун районида 30 млн. сўмлик қурилиш ишларини бажарди ва шу борада 100 ўринли ресторан, умумий майдони 9 минг квадрат метрли 21 уй, 18 километр йўл ва йўлак, савдо маркази, 2 чойхонани қуриб фойдаланишга топширди. Аммо 1986-1990 йилларда 350 минг сўмлик қурилиш ишлари турли сабаблар билан бажарилмай келди. 1990 йилда шу қурувчилар жамоаси 140 ўринли болалар боғчасини қурди ва 2 мактабни капитал таъмирлаш умумий майдони 1006 квадрат метр ташкил этадиган 6 уй қуриш ишларини бажарди. Бойсун район коммунал хўжалиги бошқармаси ҳам уй-жойларни таъмирлаш, иссиқ ва совуқ сув билан таъминлаш борасида анча ишларни қилди. 1970-1980 йилларда давлат фондига қарашли 8022 квадрат километр уй-жой капитал таъмирланди. Ундан ташқари районда кенг миқёсда ободонлаштириш ишлари бажарилди, жумладан маориф, маданият соҳаларида, бошқа ташкилотларнинг объектларида 1988 йилларда 5 миллион сўмлик ободонлаштириш, водопровод ўтказиш, газлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ҳамда таъмирлаш ишлари ўтказилди.

1986-1990 йилларда Бойсун районнинг 6 та катта кўчалари реконструкция қилиниб, янада кўпроқ кўкаламзорлаштирилди. Бу борада шаҳар ижроия комитети 1977 йилнинг феврал ойида бошлаган кўп йилларга мўлжалланган ишчи анча фойдали бўлди. Ўша вақтда район ижроия комитети махсус қарор қабул қилиб, унда барча корхона, ташкилот, идораларининг маблағлари ҳисобига ва кучи билан ҳар йили минглаб мевали ҳамда ихота кўчатларини экиш режалаштирилди. 1977 йилда район кўчаларида шу тарзда 38,2 минг мевали, 59 минг мевасиз дарахтлар кўчатлари, жумладан 52,6 минг чинор, 4

минг дона гул экилди. 1985 йилда 65 минг дона кўчат ўтказилган бўлса, 1990 йилда эса районда 167 мингдан ортиқ дарахт ва гул кўчатлари экилди.

Шунингдек, ободонлаштиришда катта камчиликлар ҳам бор эди. Фақат 1986-1990 йилларда режалаштирилган 1,7 километр йўл ва 1,5 километр тротуарга асфальт қилинмади, 4 та кўча электрлаштирилмади. Районда кўкаламзорлаштириш ишлари талабга жавоб бермас эди. Оқар сув бўлмаганлиги ва қаровчиларнинг масъулиятсизлиги ҳамда назорат қилинмаганлиги сабабли кўп дарахтлар қуриб қолар эди. Бойсун кўчалари тор, йўллар узок вақт бузилган ҳолда ётарди. Газлаштириш ва канализация ўтказиш масаласи пайсалга солинарди. Телефон станцияси нормал ишланмасди. Районда ичимлик сув катта муаммо бўлиб, аҳоли сувни ташиб ичарди.

Ободонлаштиришда анча иш қилинганига қарамай баъзи камчилик ва нуқсонлар ҳам бор эди. Масалан, 1988-1990 йилларда 1,3 километр масофа асфальтланмади, баъзи кўчаларга асфальт ёпилмади, янги ташкил этилган, 3 та кўча элеткрлаштирилмади, 3 та кўчанинг четига бетон ариқлар қазилмади. Бу эса, албатта, районда нафақат уй-жой масаласини, балки кўпгина бошқа ижтимоий муаммоларни мураккаблашиш омили бўлди. Сабаби эса шунда эдики, шаҳар ва қишлоқлардаги ижтимоий, демографик жараёнларнинг асосий йўналишлари, хусусиятлари, хўжалик органлари томонидан ўз вақтида ўрганилмади ва амалий сиёсатда акс эттирилмади.

Шунинг учун районда уй-жой, ижтимоий объектларни қуриш ҳар сафар вазият тақозоси билан авж олдирилар эди, бироқ бирор йилда комплекс тарзда амалга оширилмаган. Яна шуни ҳам қайд этиш лозимки, ҳар бир район марказида партия, совет органлари учун ҳашаматли, қимматбаҳо биноларни қуришга маблағ доимо топилиб, аҳоли яшаётган жойларни ободонлаштириш, энг зарур шароитлар билан таъминлаш кўпинча текин ёки арзонроқ услуби билан амалга оширилган. Бундай услуб – асосан ҳашар эди.

Районда уй-жой, ижтимоий соҳанинг объектларини қуриш, ободонлаштириш ишларини бажаришда ҳар қанча камчиликларга йўл қўйилган бўлса-да, 1970-1980 йиллар Бойсунда ижтимоий аҳамиятга молик ижобий ўзгаришлар содир бўлганини ҳам тан олмоқ лозим. Масалан, 1985 йилга нисбатан 1989 йилга келиб давлатга қарашли уй-жой фонди Бойсунда 26,1 минг квадрат метр дан 56,4 минг квадрат метргача ошди. Шундай қилиб, Бойсун районида уй-жой қуриш ва ободонлаштириш соҳасида айрим ижобий кўрсаткичларга эришилиб, тажриба орттирилган бўлса ҳам, аҳолининг эҳтиёжлари қондирилган эмас эди. Айниқса Сурхондарёнинг иссиқ шароити талабига жавоб берадиган уй-жойларнинг кам бўлиши, аҳолини сув билан таъминлашдаги нуқсонлар кўзга яққол ташланиб турар эди.

Районда ўнлаб турар жой бинолари, мактаблар, боғчалар, 110-сонли автобаза, Газадаги касб-ҳунар коллежи, райондаги маданият уйи, алоқа уйи, Работ давлат хўжалигининг янги Қўрғон қурилиши савдо маркази, меҳмонхона, районнинг айланиб ўтган 10,5 километр автомобил йўли, Дарбанд қишлоғида 16 хонали турар уй-жой биноси, участка шифохонаси, бошқарув идора биноси ва бошқа ўнлаб иншоатлар қурилди. 1976 йилда Бандихон чўлини (5,5 минг гектар) ўзлаштириш, йирик чорвачилик мажмуаси қуриш, Шеробод Тош каналдан Бандихон «Ғалаба» канали, «Оққапчиғай» каналини давомини қуриб битказиш,

мактаб, боғча бинолари, 20 дан ортиқ уй-жой қурилди. Бандихонга 1976 йил 8 мартда биринчи телефон нуқталари иш бошлади. 1976 йилда «Ғаллакор» (кейинчалик Ойбек номли) 1980 йилда «Қўрғонча» ва «Мачай» 1980 йилда «Дўстлик» ва «Фрунзе» номли давлат хўжаликлари тузилди. 1981 йилда «Бойсун-газ» идораси очилди, унга қадар Шеробод туманига қарашли газ идораси филиали ишлаб турди. 1924 йилда Термиз-Тошкент ҳаво йўли очилган бўлса, 1936 йилда Термиз-Бойсун ҳаво йўли очилиб, алоқа хизмати яхшиланди. 1940 йилда Самолётларда йўловчилар ташиш бошланди, ва ўшанда Термиз аэропортига ПО-2 самолёти кунди. Урушдан сўнг 1946 йилдан бошлаб, Бойсунга йўловчиларни ташиш бошланди. 1940 йилда «Шўроб» ва «Панжоб» шўр суви устидан катта ҳажмдаги кўприк қурилишида биринчи марта некондицион трубалардан фойдаланилди.

Бойсун район марказида 1970 йилларнинг бошида 4 мактабда 3800 та ўқувчи бўлган. Ёшларни умумий таълимга ўтишини тугаллаш борасидаги ишларни амалга оширишда халқ маорифи органлари билан бир қаторда хўжалик идоралари, корхоналар ҳам фаол қатнашдилар. Маҳаллий бюджетдан ҳамда корхоналарнинг ҳисобидан мактабларни таъмирлаш ишларига ва керакли жихозлар, ўқув асбоб-ускуналари, дарсликлар ва бошқа буюмлар билан таъминлашга 1971-1975 йилларда 0,5 млн сўмдан ортиқ сарфланди. Шу жумладан 131 минг сўм фақат мазкур ўқув асбоб-ускуналар, кўрғазмали воситалар билан мактабларни жихозлаш учун ажратилган эди.

Бойсун шаҳар мақомига эга бўлган биринчи даврда халқ депутатлари Совети ихтиёрига маориф соҳаси учун 110 минг сўм ўтказилди ва тез орада яна 2 мактаб барпо этилди. Шу муносабат билан вилоят ва район раҳбарияти Бойсун шаҳрининг мактаблари ҳамда болалар боғчалари учун олий ва махсус ўрта маълумотли ўқитучи, тарбиячи кадрларни жалб этишга бевосита ёрдам беришди. Бухоро, Термиз, Тошкент педагогика институтлари, Тошкент ва Самарқанд давлат университетлари Бойсун шаҳрининг халқ маорифи муассасаларига 60 дан ортиқ мутахассисларни юборишди.

Маҳаллий бюджетдан ва ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар ҳисобидан 1971-1975 йилларда Бойсунда 2 умумий таълим мактаби, 2 кутубхона, мусиқа ва спорт мактаблари ташкил этилди. Шу йилларда уларнинг фаолиятини таъминлаш учун 480 минг сўм сарфланди. Шуни ҳам қайд этиш керакки, юқори малакали педагог кадрлар сони ўсиб бориши мактабларда, пионерлар уйида ҳамда мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида ўқув-тарбия ишларини бир оз яхшилаш имконини берди. Бойсундаги мактабларда 1970 йилларнинг бошида бу борада жуда жиддий камчиларга йўл қўйилган эди. Совет ва матбуот идораларининг эътиборсизлиги, мактаб маъмуриятининг сусткашлиги натижасида 1970-1974 йилларда ўқувчиларни овқат билан таъминлаш ҳақида мактаблар ва умумий овқатланиш корхоналари ўртасида шартномалар тўзилмаган эди. Фақат ота-оналар жамоатчилигининг юқори ҳокимият идораларига мурожаатидан кейин мазкур нуқсонлар бартараф этилди. Хўжалик органларининг иштирокида мактаб ўқувчиларини турли хунарларни, ишлаб чиқариш жараёнларини ўзлаштиришга жалб этиш ишларини авж олдиришга ҳаракат қилишди. Бу борада жуда кўп камчиликлар бўлса-да, ижобий силжишлар ҳам содир бўлди. Масалан, Бойсундаги 1976 йил 6 та

мактаб (5 ўрта, 2 та 8 йиллик) ва ҳунар-техника билим юртининг ўқувчилари 5 та ишлаб чиқариш устахоналарида турли касбларга ўргатилиб, оддий буюмларни ишлаб чиқариш эди. Мазкур устахоналарда ёғоч ва металлни қайта ишлаш дастгоҳи, кийим тикиш учун 50 машина ва бошқа асбоб-ускуналар бор эди. 1976 йил бу шаҳарда битта ўрта мактабнинг биноси қурилиб фойдаланишга топширилди ва барча мактаб ўқувчиларининг сони 4200 ни, ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларининг сони 423 ни ташкил қилди. 1970 йилларнинг охиридан бошлаб Бойсун мактабларида ўқувчиларни машина ҳайдовчиси, тракторчи, қурувчи касбларига ўргатиш жорий этилди.

1980 йилларда Бойсундаги 8 йиллик мактаб қўшимча бинога эга бўлиб, ўрта мактабга айлантирилди ва уларнинг умумий сони 7 тага етказилди; мактаб ўқувчиларининг сони 5 мингдан ортди. Халқ маорифидаги ижобий силжишлар қаторида болалар уйи, мактаб-интернат, 8 та болалар боғчалари ва бир нечта бошқа муассасалар барпо этилишини ҳам қайд этиш мумкин. Шаҳар аҳолисининг 1-3 қисмини нисбатан кам фарзандли рус, украин, бошқирд, татар, корейслар ташкил этгани ҳам, масалан, халқ маорифи соҳасидаги масалалар Бойсунга қараганда тезроқ ҳамда тўлароқ ечилгани ҳақида кўпгина далиллар тасдиқланмоқда. Аҳолиси 6,6 минг кишини ташкил этган. 1976-1980 йилларда шу қурилиш ташкилоти деярли 8 млн сўм ҳажмдаги ишларни бажариб, Бойсунни айланиб ўтадиган йўл, умумий ўзунлиги 23,5 километр ни ташкил қиладиган марказий йўллар реконструкцияланди, 2 та ўрта таълим мактаблари, 2 боғча, 100 ўринли “Бойсун” ресторани, йирик савдо маркази, 4 чойхонани қуриб фойдаланишга топширди.

Бу борада давлат ва бошқарув органлари томонидан ижтимоий соҳанинг ривожланиши учун маъсулиятини оширишда Ўзбекистон ҳукумати 1976 йил 28 апрелда қабул қилган “Республикада уй-жой фонди, маданий-маиший ва жамоат биноларининг аҳолини чоралари тўғрисида” деган қарори жиддий аҳамиятга эга бўлди. Далил сифатида Бойсун коммунал хўжалигининг 1976-1980 йилларда фаолияти яхшиланганлигини кўрсатиш мумкин. Шу даврда мазкур хўжаликка қарашли қурилиш-таъмирлаш участкаси ўрта таълим мактаблар, болалар боғчаларининг биноларини таъмирлашда 780 минг сўмлик соғлиқни сақлаш тармоғидаги объектларни қуриш-таъмирлашда 115 минг сўмлик, маданият муассасаларининг биноларини таъмирлашда 280 минг сўмлик ишларни бажарди. Коммунал хўжалик бошқармаси шу йилларда 3 та йўлни асфальтлаш, 6 йўлга шағал ётқизиш ва бошқа бир қатор ишларни бажаришга 24,5 млн, сшм сарфланди. Айни вақтда аҳолига жамоат транспорт хизматини яхшилаш борасида жиддий чора-тадбирлар кўрилди. Бойсундаги 3-автоколонна 52 автомашинага эга бўлиб, барча йўналишларда шаҳар аҳолисига хизмат қилган. Йўловчиларни ташишдан ташқари, бу автоколонна машиналарига юк ташиш ишлари ҳам бажарилган. Масалан, 1976-1980 йилларда режадаги 380 тонна ўрнига ҳар йили ўрта ҳисобда 400 тонна юк ташилган.

Ҳар қандай жойда яшовчи аҳолининг ижтимоий-маданий эҳтиёжларини қондириш учун шу жойда ўрта умумий таълим мактаблари, болалар боғчалари, тиббиёт, маданият муассасалари тармоқларининг ривожланганлигига боғлиқлиги маълум. 1970-1980 йилларда Бойсунда 2 каватли, 86 ўринли

туғруқхона, 4-каватли алоқа уйи, ҳаммом-кир ювиш комбинати, ҳар бири 120 ўринли 2 та шифохона (улардан биттаси болалар шифохонаси), 1 та стоматологик поликлиника, 1 та ёзги ва 1 та қишки кинотеатр, 3 та мактаб ва 4 та болалар боғча бинолари қурилди.

Ижтимоий-маданий соҳасининг ривожланиши натижасида Бойсунда 1970 йилга нисбатан 1989 йилда аҳоли сони 5,6 минг кишидан 16,7 минг кишигача ўсгани ҳолда боғчалар сони 2 марта, мактаблар сони 2,5 марта, кутубхоналардаги китоблар сони 3 марта, кинотеатрларда томошабинларнинг сони 4,6 марта, маиший хизмат кўрсатиш (ялпи қиммати) 1054 сўмдан 2923 сўмгача ўсди. Бироқ, аҳолини 10000 кишига тўғри келадиган чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналар сони, масалан, 1985-1989 йилларда Бойсунда 17 дан атиги 18 тага кўпайди. 1986-1990 йилларда Бойсунда маиший хизмат учун зарур бўлган 5 та иншоот қуриб тугалланмади. Шу даврда деҳқон бозорини қуриш тўлиқ яқунланмади. Бундай иллатлар бошқа соҳаларда ҳам учраб турар эди.

Лекин маҳаллий Советлар, касаба уюшмалар, хўжалик ва бошқарув органлари аҳоли сони ўсиб бораётганини, экологик вазиятни ёмонлашаётганини, айрим касалликлар тобора тарқалаётганини, тиббий ходимларнинг етишмаслигини ўз вақтида ҳисобга олиб зарур чора-тадбирларни амалга оширишмаганлар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон аҳолининг ҳар бир 10 минг киши 1971 йил 21 врач, 1990 йил эса 35,8 врач тўғри келган бўлса, Сурхондарё вилоятида бу кўрсаткичлар 13,4 ва 25,5 ни ташкил этган, шу жумладан Бойсунда 114 ва 16,7 ташкил этган. Бойсун шаҳрида умуман бирорта корхона ёки ташкилот ўзининг тиббий муассасасига эга бўлган эмас. Бойсунда 1980 йилларнинг охирида – 1990 йилларнинг бошларида профилакторий ва поликлиникаларни ташкил этишга киришилди. Сурхондарё вилоятидаги Бойсун шаҳрининг Совет, бошқарув идоралари ҳам мазкур масалаларга доир қарорлар ишлаб чиқишди. Уларни бажариш натижасида бу шаҳарларда 1980 йиллар мобайнида замонавий туғруқхоналар, болалар сут кухнялари ва хотин-қизлар консултациялари очилди. Лекин шундан кейин ҳам болалар ва оналар соғлигини сақлаш масаласи мазкур шаҳарларда ўта муҳим вазифа бўлиб қолаверди. 1987 йил Ўзбекистонда бир врач-педиатрга 807 бола тўғри келган бўлса, Бойсунда 1312 бола тўғри келган.

Бойсундаги корхоналар асосан енгил ва озиқ-овқат тармоқларига қарашли бўлгани учун ишчи, хизматчи ва мутахассисларнинг меҳнат ҳақи камроқ бўлган. Бойсун тикув, шойи тўқиш фабрикалари ишчиларининг ўртача ойлик меҳнат ҳақи 1971 йили 98-100 рубл, шойи тўқиш фабрикаси 1977 йил экспериментал ишлаб чиқаришга ўтгандан кейин бу ерда ишчиларнинг ойлиги тикувчиларникига нисбатан анча ортиқроқ бўлди, 1990 йил бу кўрсаткичлар 206,0 рубл ва (тўқувчиларни) 254 рублни ташкил этди. Қурилишдаги ишчиларнинг ўртача ойлиги Бойсунда 1971 йилги 161 рубл, 1990 йилда 282 рублгача ўсди. Халқ маорифи соғлиқни сақлаш, социал таъминот, маданият соҳаларида банд бўлган ходимларнинг маошлари Бойсунда деярли баробар бўлган. Бойсунда уй-жой қурилиши, ижтимоий-маданий соҳанинг ривожланиши юқорида келтирилган таърифдан маълумки, бу борада ҳамма муаммолар ҳал этилмаган бўлса-да, 1970-1980 йилларда аҳоли турмуши учун

зарур бўлган шароитларни бир қисми барпо қилинди. Лекин бу борада қилинадиган ишлар ҳали оз эмас эди. Шундай қилиб, 1971-1990 йилларда Бойсуннинг ижтимоий ва маданий ҳаётида ижобий ўзгаришлар бўлиб, уй-жой қуришда, ободонлаштириш ишларини олиб боришда маориф соҳасини такомиллаштиришда, аҳолига тиббий хизматни кенгайтиришда, унинг моддий-маиший турмушини яхшилашда ва бошқа соҳаларда баъзи бир ютуқларга эришилди. Аммо бу муаммоларни рўёбга чиқаришда кўпгина хатоликлар ва нуқсонларга йўл қўйилди. Уй-жой қурилишида маҳаллий шароит эътиборга олинмади, айрим уйлар сифатсиз топширилди. Жанубий шаҳарларнинг иссиқ иқлим шароитида ободончилик, кўкаламзорлаштириш ва аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эди. Бироқ бу соҳада бир оз иш қилинган бўлса ҳам экилган дарахтларга ўз вақтида қарамаслик оқибатида уларнинг кўпчилиги нобуд бўларди. Ичимлик сувлар эса аҳоли айниқса ёз ойларида ёмон таъминланарди. Бетондан қилинган уйларни 3-4 ва 2-қаватларига сув чиқмас эди. Бунинг устига бинолар иссиқ ёз шароитига мослаштирилмаганди.

Районда боғ-роғлар ташкил қилиш, дам олиш масаканларини қуриш, ариқлар ўтказиш ишлари ўлда-жўлда олиб борилди. Вилоят ва маҳаллий ҳокимият табиат дунёсини авайлаб асрашга, унча аҳамият бермадилар. Улар табиат ва атроф-муҳит муаммолари бўйича кўплаб қарорлар қабул қилган бўлсалар ҳам лекин уларнинг аксарияти амалга ошмай, қоғозларда қолиб кетди. Шу сабабли ободончилик бобидаги кўпгина шаҳарларда қурилган чоратадбирлар ўз ниҳоясига етмади.

Бундай нуқсонлар халқ маорифи ва аҳолининг соғлиғини сақлаш соҳасида кўплаб учраб турар эди. Мактаб, болалар боғчаси ва тиббий муассасаларнинг моддий-техника базаси замон талабларидан анча паст эди. Малакали маориф ва тиббий ходимлари камчиликни ташкил қиларди. Мактаблардаги ўқитувчиларни таркиби турли-туман бўлиб, айрим фанлар бўйича (чизмачилик, чет тили, математика ва ҳ.к.) ўқитувчилари етишмасди. Мактабларга ўқувчиларнинг билимини аниқлаш вақтида айрим ўқитувчилар ҳолисона баҳо қўймасдилар. Бу борада хўжакўрсинлар кучайиб борар эди. Ўқитувчилар орасида юз фоизлик ўзлаштириш бўйича мусобақалар бўлиб, у ҳам ўз навбатида ўқувчиларнинг билимига салбий таъсир қиларди. Шу туфайли ҳам ўқувчиларнинг бир қисми билими паст бўлган ҳолда мактаблардан етуклик аттестатлари олардилар.

БОЙСУНДА ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ.

Бойсунда автомобил йўллари қурилиши тарихи 1930 йиллардан бошланиб, 1929 йил 15 январдаги Ўзбекистон Халқ Комиссарлар Совети қарорига асосан катта йўллар ва тош йўллар бошқармаси ташкил этилиб, уни ихтиёрида 1929 йилда Бойсун йўл қурилиш бўлинмаси иш фаолиятини бошлади. 1931 йилда Сурхондарё вилояти автотранспорт, катта ва тош йўллар бошқармалари ташкил этилиб, ушбу бош бошқарма Бойсундаги мавжуд йўлларни таъмирлаш ишларини олиб борди.

Бойсун районида аҳоли яшайдиган қишлоқ ва овуллари ўртасидаги мавжуд тупроқли ва сўкмоқли йўлларда йўл ишлари учун зарур бўлган

қурилиш хом-ашёси араваларда, от, туяларда бажарилган. 1931 йилда Бойсундан Сурхонгача 10 километр йўлда 3 та янги кўприк, Бойсун-Пулҳоким орасидаги 2 километр йўл ва шаҳар ичида 2 километр йўл ҳамда 3 та янги кўприк қурилди. 1933 йилда Дарбанд билан Мачай қишлоғи орасида 12 километр янги тупроқ йўл очилиб 4 та кўприк, Бойсун билан Кофрун орасида 13 километр йўл таъмирланиб, 3 та янги кўприк қурилиб, Бойсундан Сарикамиш қишлоғигача 6 километр янги йўл қуриб ишга туширилди. Хўжабулғон қишлоғидан марказий давлат йўлигача 10 километр янги йўл қурилиб ишга туширилди. Шунингдек, Дарбанд билан Мачай орасидаги йўлдан 7 километри таъмирланишида колхозчи ва якка хўжаликлар кўмаклашдилар. Кейинчалик ҳашар йўли билан сув иншоотларини қуриш тажрибасига асосланиб автомобил йўлларини қуриш ишлари давом эттирилди.

Катта ўзбек тракти – Ўзбекистондаги умумдавлат аҳамиятига эга бўлган дастлабки энг йирик автомобил йўли бўлиб, пойтахт Тошкентни мамлакатни энг жанубида жойлашган Термиз шаҳри билан боғлайди. 1940 йилда республика ҳукумати узунлиги 724 километр бўлган катта ўзбек трактини қуриш тўғрисидаги махсус қарор қабул қилди. Тракт қурилишига қадар шу йўналишда ўтган карвон йўллари милоддан аввалги V асрдан маълум бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан - 1940 йилларгача “Ўезд почта йўли” номи билан аталган Катта Ўзбек Тракти 1940- йилгача ҳашар йўли билан қурилган. Уни қурилишида йўл бўйлаб жойлашган Ўзбекистондаги 41 район меҳнаткашлари иштирок этиб, Ўзбекистон ҳудудини шимолдан жанубга кесиб ўтган Катта Ўзбек Тракти 6 вилоят ҳудудини ўзаро боғлаган.

Катта Ўзбек Трактини ҳашар йўли билан қурилишида Бойсун район меҳнаткашларидан мингга яқин одам иштирок этиб, ушбу қурилишга асосан ёшлар жалб этилган. Ўша даврларда район ёшлар кўмитасини раҳбари бўлган Абди Тошматов ушбу қурилишга раҳбарлик қилиб, унинг фаолияти Сурхондарё округи (кейинчалик вилоят 1941 йил 6 март) ёшларга намуна қилиб кўрсатилган. Катта Ўзбек Тракти 1960-1980 йилларда бир неча маротаба қайта қурилиб, таъмирланди. Халқаро аҳамиятга эга бўлган Катта Ўзбек Тракти мустақиллик йилларида ҳозирги дунё талабларига мос равишда қайтадан қурилмоқда. Халқаро магистрал йўлига айлантирилиб, кенгайтирилиб, ободонлаштирилмоқда. Йўл бўйлари кўплаб замонавий ёнилғи қуйиш шахобчалари, кемпинг-мотеллар, йўл-индустрия корхоналари, чет эллар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар барпо этилди. Тракт чет мамлакатлар туристик транзит алоқаларида ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Катта Ўзбек Трактини 50 километрга яқин йўли айнан Бойсун туман ҳудудидан ўтиб, ушбу йўл дунё аҳамиятига молик “Темир дарвоза” (Кахалқа), Сайробдаги “Бобочинор”, Хисортепа, Мунчокдаги “Мунчоктепа қалъаси”, Дарбанд чегара истехъкоми, Узундара истехъкоми, Оқкутол довони, Дарбанд работи, Дарбанд кўрғонлари (Шерхожи, Султон, Қапчиғай) каби тарихий ҳудудлардан ўтади. Катта Ўзбек Тракти автомобил йўлидан 10 километр шимолий-шарқда Тешиктош ғори, Амир Темур ғори, Мачай ғорлари бор. Катта Ўзбек Тракти автомобил йўли қурилиши ўзбек халқининг турмушида катта воқеа бўлди. Йўлларни илк бор асфальтлаштириш Бойсун туман 1957-1958 йилларда бошланиб, дастлаб, Бойсун марказидаги Кўрғондан-ўрмон хўжалиги-

эски ҳокимият биносигача бўлган масофа асфальтлаштирилди. 1963-1964 йилларда Дарбанд қишлоғигача, 1967-1968 йилларда Шўрчи (Элбаён) станциясигача, 1976-1977 йилларда Бандихон қишлоғигача автомобил йўллари асфальтлаштирилди. 1975 йилда барча бойсунликларни орзуси амалга ошиб, Сакиртма довони ёпилиб, Бибиширин орқали автомобил йўли ўтказилди. 1976-1977 йилларда Кофрун қишлоғигача автомобил йўли қурилиб, унга замонавий тус берилди. 1978-1982 йилларда Қайроқ-Дуоба қишлоқларигача автомобиль йўли қурилди. 1985-1986 йилларда Дарбанд дараси орқали Мачай қишлоғига янги автомобил йўли дастлаб, хашар йўли билан, кейинчалик давлат бюджети ҳисобида қурилди. 1959-1960 йилларда Дарбанд қишлоғида Туркондарё (Дарбанддарё) устидан автомобиллар ўтадиган кўприк қурилиб, 1982-1983 йилларда Сайробда, 1987-1988 йилларда Хонгарон сойидан туман марказини боғловчи янги кўприк қуриб ишга туширилди. 1981-1982 йилларда “Бешэркак” қишлоғига ўтувчи Шеробод дарёси устидан замонавий янги автомобил кўприги ва йўли қурилиб фойдаланишга топширилиб, 1989-1990 йилларда Инкабод қишлоғи ёнидаги, 1992-1993 йилларда Сарикамиш қишлоғидаги кўприк қурилиб, ишга туширилди. 1975-1976 йилларида “ётиқ” довони орқали автомобил йўл қурилиши бошланиб фойдаланишга топширилади.

БОЙСУНДА МАОРИФ ВА МАДАНИЯТ (1921-1991 йиллар).

*Устоз ва муаллимлар ҳурматини
ўрнига қўйганлар бу дунёда ҳам,
охиратда ҳам саодат топар.*

Кошифий

Совет мустабид тузуми даврида ўзбек миллий маданиятида айрим ижобий силжишлар юз берган бўлса-да, улар кўпроқ масаланинг сон кўрсаткичлари ва ташкилий жиҳатларигагина тааллуқли эди, холос. Шу маънода миллий маданиятнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими шаклланиши даврида ҳолатини таҳлил қилиш муҳимдир. Демократик тамойилларга асосланган Ўзбекистон жамиятининг ҳозирги ҳолати яқин ўтмишда шаклланган маданий ҳаётни қайта ўрганишни илмий эҳтиёж сифатида кун тартибига қўймоқда. Бу эса ҳозирги кунда жамиятни маънавий барқарорлаштириш сиёсати билан уйғундир.

Совет ҳукуматининг амалга оширган маориф ва маданият соҳасидаги сиёсатининг асосий мақсади, миллий маориф ва маданиятни йўқотиш ҳамда саводхонликни амалга ошириш сиёсати орқали совет маъмурий буйруқбозликка асосланган тизимни шакллантириш эди. Мустабид тузум даврида «Маданий инқилоб» тадбирларини амалга оширилиши жараёнида анъанавий миллий таълим тизимидаги мактаб ва мадрасаларни тугатилиши, совет таълим тизимида қатор қийинчиликларни олиб келди.

1920 йилдан Бойсундаги иккита «Ҳолосия» кўш кичик мадрасаси, 72 масжид ва улар қошидаги 72 та савод чиқариш мактаблари ёпиб қўйилди. Мударрислар қувғин қилиниб, айримлари Сибирга сургун қилинди. Чунки, Янги ҳукуматнинг савод чиқариш учун эски ўзбек алифбосидан воз кечиши ҳамда Янги лотин алифбосига ўтиш бўлса, иккинчидан маҳаллий халқ ичидан етишиб чиққан саводхон мутахасисларга ишонмаслик, уларнинг диний ниқоб

(мулла) тамғаси билан қаттиқ сиқув остига олиниши эди.

Советлар даврида Бойсунда аҳолини режали равишда ўқитиш мақсадида 1920 йил Туркистон халқ комиссарлигининг мактабдан ташқари ишлар бўлими қошида саводсизликни битириш комиссияси, Айни чоғда ҳар бир вилоят, уезд ва шаҳарларда шу жумладан Бойсун уездида саводсизликни тугатиш комиссияси тузилди. Бойсунда ташкил этилган мактабларни илк қалдирғочлар Рахмон Рамазонов, Жўра Мирзаев, Аброр Ҳолиқов, Ғулом Ҳолиқов, Тўксон Тоғаев, Равшан Эшқулов, Абдулла Ражабов, Насриддин Нўъмонов қабилар битириб чиқиб, қишлоқ мактабларига ишлай бошладилар. Йигирманчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб катта ёшдагилар учун савод чиқариш мактаблари ташкил этилиб, уларга эркаклар билан бир қаторда маҳаллий хотин-қизлар ҳам жалб этилди. Халқ маорифининг ўқитувчи кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 1926 йилда Термиз шаҳрида бир йиллик педагогик курс ташкил этилди ва 1928 йилга келиб у махсус ўрта билим юртига айлантирилди. Уни дастлаб Бойсундан халқ маорифи қалдирғочлари Жўра Мирзаев, Аброр Ҳолиқов қабилар битириб чиқиб, қишлоқ мактабларида ишлай бошладилар, маданий тарбиявий ишларга раҳбарлик қилдилар.

1930 йилларга келиб воҳанинг барча шаҳар ва қишлоқ мактабларида умумий мажбурий етти йиллик таълим жорий қилина бошланди. Бу борада Ўзбекистон советларининг 1935 йил январида бўлиб ўтган бешинчи съезди халқ комиссарлар Советига 8 ёшдан то 15 ёшгача бўлган ҳамма болаларни мажбурий етти йиллик таълимга тортиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларига янги мактаб биноларини қуриш дастури ишлаб чиқиш тўғрисида кўрсатма берди. Ушбу масала Сурхондарё округ ижроия кўмитасининг 1936 йил 17 декабридаги ва Бойсун район ижро кўмитасининг 1937 йил 12 январидаги сессияси кенгашида муҳокама қилинди ва тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди.

1930 йилларда Бойсунда маданий-маориф ишларида бир мунча ишлар қилинди. Хусусан 1931 йилда ижтимоий- тарбия мактаби ташкил этилиб, унда 198 синф очилди, бунга 6680 бола жалб этилди. Шундан 2688 нафари қизлар ўқишга тортилган. Шу жумладан 5939 нафари колхозчиларнинг болалари ҳисобланади. Ўқишга жалб этилганларни 47 фоизи синфдан синфга кўчган. 1932 йилда 202 синф очилиб бунга 5920 бола жалб этилди. Шундан қизлар 2192 нафари, ўқишга жалб этилганларни 78 фоизи синфдан-синфга. 1933 йилда 206 синф очилиб, бунга 5651 бола жалб этилди. Шундан 3530 нафари қизларни ташкил этди. 1934 йилда 230 синф очилиб, бунга 8050 бола жалб этилиши кўзда тутилди. Район ижроия кўмитаси ўзининг махсус қарори билан ўқувчиларни мактабларга мажбурий қабул қилиб ва назорати қаттиқ ўрнатилган.

Ўсмирлар мактаби: 1931 йилда 19 та ўсмирлар мактабида 608 нафар бола шу жумладан 175 нафар қизлар жалб этилди. Синфдан- синфга кўчганлар 41 фоиз ташкил этди. 1932 йилда 25 та ўсмирлар мактабига 583 нафар бола шу жумладан 147 нафар қизлар жалб этилди. Синфдан-синфга кўчганлар 76 фоизни ташкил этди. 1933 йилда 47 та ўсмирлар мактабига 772 нафар ўғил болалар, 147 нафар қизлар жалб этилди. 1934 йилда 28 та ўсмирлар мактабига 980 нафар бола жалб этилди. ШКМ (саводсизликни тугатиш курси) мактабларини: 1931 йилда 2 гуруҳдан иборат 34 ўқувчи битирди. 1932 йилда 4

гуруҳни 95 ўқувчи битирди. 1933 йилда 4 гуруҳни 80 ўқувчи битирди. 1934 йилда 4 гуруҳга 120 нафар бола жалб этилди.

Мутахассислар тайёрлаш бўйича 1932 йилда 6-ойлик таълим-тарбия курси очилиб, 105 нафар ўқитувчи тайёрланди. 1933 йилда 70 киши, 1934 йилда 20 киши муаллимликни битирди. Бундан ташқари ёзги таътил вақтида бу муаллимлар педагогика техникум ва институтларда малака оширишга юборилди. 1930 йилларда тожик миллатига мансуб болалар учун 15 та ўқув хонаси, 15 та болалар майдончасида тожик тили ўқув курслари ташкил этилиб, адабиёт муаллим ва мураббий билан таъмин этилди. 1934 йилда 243 бола мактабларга жалб этилиб, шундан 231 таси колхоз аъзоларини болалари ва 12 таси яқка хўжаликларни болалардан иборат эди.

Саводсизликни битириш: (ликбез)

Йиллар	Очилган класслар Сони	Тортилган ўқувчилар сони		Ўқув йили натижаси фоиз ҳисобида	Ўқиб битирганлар сони	Умумий аҳолига нисбатан саводлилар фоиз ҳисобида
		Эркалар	Хотин-қизлар			
1931	369	6420	6402	44	5641	20.8
1932	329	4892	5274	51.5	5109	39.5
1933	379	6080	5579	61.9	8132	67.2
1934	249	4453	4157	-	-	-

Районда 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аҳолии сони 28100 кишини ташкил этиб, 1931-1934 йилларда туман ва шаҳар ҳудудида 4 синфдан иборат 8 мактаб қурилди. Райондаги бюджетни кўп қисми маблағ- маориф соҳасига сарфланди. Жумладан, мактаблар учун жами маблағнинг асосий қисми ажратилди. Масалан, 1931 йилда 43 фоиз, 1932 йилда 46,5 фоиз, 1933 йилда 47, 4 фоизни ва 1934 йилда 43 фоизни ташкил этди.

Район бюджети 1931 йилда 1557920 руб, 1932 йилда-2862 800, 1933 йилда 2660.000, 1934 йилда 2726000 рублни ташкил этди. Бу маблағларни қарийб ярми мактаб-маориф соҳасида сарфланди.

Бойсунда чала савод кишилар учун ҳам кенг мактаблар тармоғи ташкил қилинди. Улар саводсизликни тугатиш мактаблари чуқур билим берди. «Маданий юриш» штаби тузулиб, туман комиссияси қошида илмий методик кенгаш ташкил этилган. Бойсунликларга бу соҳада татар миллатига мансуб Изеддин деган шахс раҳбарлик қилган.

1927 йил «Паранжига» қарши бошланган кескин ҳужум маорифга катта таъсир кўрсатди. Ҳужум даврида Бойсунда 2 та (Бойсун маркази ва Дарбандда) саводсизликни битириш мактаби очилиб, уларга қарийб 120 нафар ўзбек ва тожик аёллари ўқиди. 1926 йилдан 1939 йилгача Бойсун савод чиқариш мактабларида мингдан ортиқ саводсиз ва 900 га яқин чала савод ўқиди. 1927-

1928 йилларда туман 1-босқичи мактаблар, деҳқон ёшлар мактаби, хотин-қизлар мактаблари очилди.

Дарбанд, Кофрун қишлоқларида 1 босқичли мактаблар очилиб, унга туман марказидан Жўра Мирзаев, Рахмон Рамазонов, Равшан Эшқулов, Пасурхидан Аброр Ҳолиқов, Дарбандда Тўксон Тоғаев ва бошқа мураббийлар саводсизликни тугатиш соҳасида катта ишлар олиб бордилар.

1928 йилда Бойсун районида 5 та мактаб қурилиб, шундан 4 таси маҳаллий аҳолини маблағлари ҳисобидан ишга туширилди. 3 та мактаб турли хил биноларга жойлаштирилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Бойсунлик кўпгина ўқитувчилар душманга қарши сафарбар этилганлиги туфайли халқ маорифи ишида айрим қийинчиликлар юз берди. 1 октябр 1943 йилда 248 нафар ўқитувчилар ишлаб, шунингдек эвакуация вақтида келиб қолган ўқитувчилар дарс бера бошладилар. 1943 йилдан бошлаб ўқитувчиларни моддий, маънавий ва иқтисодий қуллаб-қуватлаш учун давлат томонидан гугурт, кирсовун, шакар, керосин, чой, кўрпа, макарон, гуруч ва кийим-кечак наряд орқали бериб борилди.

1944 йилда туманда 220 нафар ўқитувчи етишмаганлиги учун сиртқи педагогика фани бўйича икки йиллик курс ташкил этилиб, унда 205 нафар ўқитувчилар тайёрланиб қишлоқ мактабларига жўнатилди.

Бойсунда мактаблар, ўқитувчи ва ўқувчилар сони ҳақида қуйидаги маълумот бор.

	1943- 1944	1944- 1945	1945- 1946	1946- 1947	1947- 1948
Умумий мактаблар сони	45	46	46	46	45
Ўрта мактаблар	2	2	2	2	2
7 йиллик мактаб	11	12	13	16	21
Бошланғич	32	32	31	28	22
Жами ўқувчилар сони	7232	7648	8262	7841	8760
Умумий ўқитувчилар сони	283	279	309	290	273
Олий маълумотли	3	3	3	3	5
2 йиллик институтни битирганлар	4	3	13	46	27
Ўрта маълумотли	8	10	23	41	73

Ўртадан пастки маълумотли	268	263	270	200	168
---------------------------	-----	-----	-----	-----	-----

Уруш арафасида (1939) Бухоро Давлат Педагогика Институтини илк битирувчилари Салим Соhibов, Бўри Хасанов, 1941 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини битирган Сапар Соhibовлар мактабларга дарс бера бошладилар. Маҳаллий миллат вакилларидан олий маълумотли бу ўқитувчилар туманда мактаб-маориф соҳасида жуда кўплаб ишларни амалга оширдилар. Айниқса маҳаллий миллат вакилларидан ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, Янги мактаблар қуриш, мактабларни моддий баъзасини мустаҳкамлаш, дарс савиясини оширишда жонбозлик кўрсатдилар.

1948 йилда Бойсун районидаги мактабларни қишлоқ кенгаши ва жамоа хўжаликлари ҳудудида жойлашиши ҳақида маълумот.

№	Қишлоқ кенгашлари	Жамоа хўжаликлари	Мактаблар	
		Ўрта	мактаблар	
1	Янгиобод	Агроном	№1 Ленин	Ўзбек мактаби
2	Дарбанд	К.Маркс	№9 Сталин	Тожик мактаби
		Тўлиқсиз Ўрта	мактаблар	
1	Дехқонобод	Охунбобоев	№7КИМ	Ўзбек мактаби
2	Дехқонобод	Бойналминал	№8 Фрунзе	Тожик мактаби
3	Дуғоба	Бирлашган куч	№19 Ўзгариш	
4		Правда	№17 Абдурахмонов	
5		Қизил байроқ	№16 У Юсупов	
6	Янгиобод	Агроном	№2 Каленин	Рус мактаби
7		Москва	№3 Курпская	Ўзбек мактаби
8	Дехқонобод	Ғалаба	№5 М. Горкий	Тожик мактаби
9	Шўроб	Каганович	№11 М. Горкий	Ўзбек мактаби
10	Сайроб	Сталин	№41 Каленин	Тожик мактаби
11			№43 Лохутий	
12	Хўжабулғон	Зарбдор	№36 К.Марис	Ўзбек мактаби
13	Кофрун	Ғайрат	№32 Ушинский	
14		Ленин йўли	№33 Қизил	

			байроқ	
15	Инкабод	Ўзгариш	№27 Берия	
16		Комсомол	№31 Ворошилов	
17	Пулҳоким	Тельман	№24Тельман	
18	Янгиобод	Янги замон	№25Чкалов	
19	Сайроб	Каленин	№21Каленин	Тожиқ мактаби
20	Дуғоба	Ободон	№18 Эпунов	
21	Мачай	Қахрамон	№14Андреев	Ўзбек мактаби

1948 йил 16 июндаги район ижроия кўмитасининг 187 сонли қарорига асосан Дарбанд қишлоқ кенгашига қарашли мактаб директори Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Аҳмад Валиев ташаббуси билан 9 сонли Сталин номли ўрта мактаб битирувчиларини битириш маросимини ўтказиш учун давлат бюджети ҳисобидан 8 минг сўм пул ажратиб берилган.

Мактаб-маориф ишларида фаол ишлаган ўқитувчилар Иттифоқ ордени ва медаллари билан (1948 йил 20 август) Масалан: 1922 йилдан педагогика стажига эга бўлган Жўра Мирзаев, Равшан Эшқулов (1929), Лутфулло Исломов (1931), Роҳила Азизова (1931), Ҳаким Холиқов (1930), Салим Соҳибов (1933) лар мукофотланганлар.

Бойсун районида халқ маорифи соҳасида меҳнати синган ўқитувчи ва мураббийлар: Мўминов Ҳамро, Ёдгоров Жалил, Хўшмуродов Ботир, Эшдавлатов Яҳё, Худойшукуров Тўра, Бобоев Асқар, Мўминов Насриддин, Бўриев Ато, Раҳимов Абдулло, Имомбердиев Бозорбой, Аҳадов Мўмин, Ҳакимов Ҳафиз, Холиқов Бўри, Жумакулов Аннакул, Бадриддинов Насриддин, Саъдуллаев Саълим, Давлатов Бердикул, Исломов Муҳаммади, Қулниёзов Холмамат, Ҳамзаев Асадулла, Асомиддинов Саид, Халилов Панжи, Болтаев Эгам, Авазов Холмамат, Оля Ҳақимова, Хўжаев Нарзи, Пардаев Менгли, Холиёров Шомир, Бердиев Эшпўлат, Бердиев Чоршанби, Бўриев Ғаффор, Бўриев Ҳафиз, Бўриев Ражаб, Хабибуллина Зила, Бобоқулов Жалил, Валиев Раҳмон, Аллаёров Сарой, Полвонов Шайна, Раҳматов Муҳаммади, Шоимов Полвон, Маматқулов Қурбон, Равшанов Жўрабек, Рўзиев Алимардон, Қосимов Камол, Султонов Мирзо, Махмудов Холиқберди, Ёров Нормамат, Нарзиев Раҳмон, Соҳибов Умар, Ашуров Акрам, Муртазоқулов Рауф, Холиқова Мархабо, (1923), Муҳаммадиева Роза, Ҳамидова Зулфина, Каримова Шомансур, Алимбекова Анна Алексеевна, Холмирзаев Мухиддин, Бўриев Холиқ, Маматоев Зиёдулла, Сарибоев Чоршанбе, Қосимов Кўчар, Умранов Нор, Мардонов Абдурахмон, Бадалов Рашид, Тўраев Ҳафиз, Ўғлова Валентина, Зиёдуллаев Хикматилло, Дьянова Роза, Ахатов Рофи, Абдураимов Шойим, Юсупов Раҳмон, Шодиев Жума, Исмоилова Халима, Саломов Камолбой, Бозоров Иброҳим, Хайитов Карим, Аъзамов Хурсанд, Назаров Абдухалил, Жўраев Маматраим, Абраев Омон, Қурбонов Нормўмин, Ходизода Кенжа, Жўраев Норпўлат, Жумакулов Тўра, Амиркулов Кўчар, Хайитов Саъдулла, Назаров Аваз, Исмоилов Ваҳоб, Жўрақулов Холиёр, Соҳибқулова Майсара, Маматқулов Омон, Ёдгорова Ира, В.Холиқов, Жума Назар, Бердиев Чори,

Мусулмонов Юсуф, Бобоев Сафар, Хамроев Мухиддин, Тиланов Ўзоқ, Хасанов Қурбон, Рахмонов Истат, Болтаев Мавлон, Камолов Нормамат, Тўйчиев Панжи, Алиқулов Рамазон, Абдурахмонов Нормамат, Хурсанов Рашид, Рахмонов Салим, Рахмонов Қажҳор, Тўрақулов Иброхим, Хамроев Ражаб, Ашуров Равшан, Эшбоев Рўзибой, Рахмонов Ўрал, Хуррамов Абдухамид, Алимардонов Хўжам, Рамазонов Эштемир, Қаландаров Абдумурод, Арабов Норқул, Туропов Чори, Абдузоиров Соқи, Исломов Нормамат, Келдиёров Турсун, Мадатов Муҳаммади, Сафаров Норқул, Тоғаев Юсуф, Шерхонов Зайниддин, Эшонқулов хамро, Акрамов Чўтбой, Саидов Шариф, Эшқурбонов Рўзи, Алимқулов Кенжақул, Эсанов Тўрақул, Эрмаматов Абил, Сафаров Иброхим, Менглиев Шоди, Ғаффоров Хушвақт, Тоғайқулов Тошмамат, Сафаров Нурилло, Жабборов Эркин, Акрамов Хуррам, Абдураззоқова Раъно, Султонова Надежда, Хўжамуродов Йўлдош, Юсупалиев Панжи, Мулкомиллов Чори, Жўраев Нарзулло, Қосимов Содик, Самадов Менглимамат, Тошбоев Ҳамид, Абдуллаев Рўзи, Холиқов Қосим, Хасанова Малика, Қурбонов Жума, Қурбонов Жўрақул, Худойқулов Нурбой, Рахмонов Махмуд, Шойимқулов Аҳад, Солаев Абди, Умаров Норбой, Ҳакимов Норбой, Қаршиева Холбиби, Бўриева Зарбиби, Каримов Эшқурбон, Норқобилов Мала, Тангриев Хуррам, Очилова Пардахол, Шойимов Абдурахмон, Самадов Абдулла, Рамазонов Рофи, Бўриев Фатхулла, Усмонова Бўрихол, Рамазонов Шароф, Ашуров Норхидир, Сохибова Басанда, Хайитов Нарзулла, Бобоева Муҳаббат, Умаров Аҳмад, Буриев Муҳаммади, Ашуров Холмурод, Яхшибоев Чўлли, Сафаров Ҳаким, Нурқобилов Хушвақт, Дўстқулов Абдуғаффор, Рахмонов Сафар, Назаров Қодир, Лутфуллаев Холл, Кенжаев Изатилло, Рамазонов Шайдам, Нарзуллаев Жаъфар, Нарзуллаева Ойдин, Шарипов Воҳид, Саидов Нормамат, Турақулова Майрам, Ҳолиёров Ботир, Маманазиров Бобоназар, Абдураззоқова Гулиноҳ, Сатторов Тўраназар, Тошбоев Шойим, Норбоев Исмат, Ризоев Қудрат, Бўриев Шавкат, Йўлдошев Очил, Қурбонов Нормурод, Амонов Насриддин, Саодатова Норхол, Болтаев Тоир, Хусанов Асомиддин, Кенжаев Фармон, Холлов Халил, Эшонқулов Қодир, Хафизов Турди, Шарипов Холид, Умаров Маннон, Расулов Ҳамро, Амонов Бўри, Суюнов Абдуқодир, Катаева Басанда, Холмўминов Хўшмурод, Абдуллаев Аваз, Худойқулов Абдулла, Эркин Пардаев, Саида Нарзуллаева, Қўзиев Хурсан, Назаров Фармон, Муродов Алланазар, Муродов Янгибой, Тураханов Жўра, Мардаев Очил.

Советлар даврида халқ маориф соҳасида кўпгина хайрли ишлар бажарилди. Айниқса урушдан сўнг мактабларни кадрлар билан таъминлашда республика халқ маорифи вазирлиги кўплаб ишларни амалга оширди. 1947 йилда Бойсун халқ маорифи бўлими мудири бўлиб ишлаган, асл Тошкент шаҳридан бўлган Абдусаттор Ғофуров халқ таълимини йўлга қўйишда бир қатор тадбирларни амалга оширди. 1948-1950 йилларда Абдусаттор Ғофуров туман марказидаги 1-сон умумий ўрта таълим мактабига ўқитувчи бўлиб ишлади. Айни ана шу даврда ўз иқтидори ва ташаббусини кўрсатди. Кейинчалик «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонига сазовор бўлган Абдусаттор Ғофуров мактабда «Чуқурлаштирилган Математика синфи» ташкил этиб дарсдан ташқари кўплаб ёшларга математика сир-асрорларини ўргатди. Ўқитди ва дарс ўтди. Ана шу даврда бир қатор талантли математиклар

етишиб чикди. Чунончи Вахоб Қаҳҳоров, Хидир Сатторов, Нарзи Хўжаев, Норбой Сариев, Рифат Нодиршин, Шомир Холиёров, Холёр Алимардонов, Аваз Назаров каби математика сулолалар етишиб чикди. Шулардан бири болалар уйи тарбияланувчиси Рифкат Нодиршин физика –математика фанлари доктори, Норбой Сариев физика-математика номзоди, Вахоб Қаҳҳоров «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» бўлиб етишдилар.

Ана шундай ташаббус билан кейинчалик 5-сонли мактабда ўқитувчилар Насриддин Нўймонов ва Ато Бўриевлар чуқурлаштирилган «Тил ва адабиёт» синфи ташкил этилиб, дарсдан ташқари тил ва адабиётдан дарс бердилар. Чунончи, Ахмад Абдуллаев, Истат Қосимов, Равшан Рахмонов, Шариф Тоғайназаров, Икромиддинов каби адабиёт ихлосмандлари етишдилар. Ана шулардан Ахмад Абдуллаев, Шариф Тоғайназаров, Равшан Рахмоновлар фан докторлари, профессор бўлиб етишдилар.

Бойсунлик ташаббускор ўқитувчилардан яна бири 28-сонли мактаб ўқитувчиси Сафар Рахмоновдир. Сафар Рахмонов Пулҳокимлик қишлоқ ўқитувчиларини дарсдан кейин қолдириб, «Кимё бўйича» чуқурлаштирилган синф ташкил этиб, кўплаб шогирдлар етиштирди.

Район мактаб-маорифини янада ривожлантиришда урушдан олдин ва уруш даврида кўчириб келтирилган. Кўплаб русийзабон миллатига мансуб ўқитувчиларни хизмати катта бўлди, ана шулардан бири 1941 йилда Бойсунга кўчиб келган, Украин миллатига мансуб Давид Никитович Бондарецнинг қизи Мария Бондарец ва куёви Юрий Скринскийларни хизмати катта бўлди. 1937-1960 йилларгача фаолият кўрсатган 2-сонли (Каленин) рус тили мактабида кўплаб маҳаллий ёшлар ҳам жалб этилди. Улар рус тилида ўқиб ўз билим савияларини оширдилар. Бондариц Д.Н бевосита раҳбарлигида ҳозирги 12-сонли болалар уйи қошида духовой оркестр ташкил этилди.

Совет ҳокимияти даврида маданий-маърифий ташкилотлар аслида ўз олдида пролетар маданиятини яратиш мақсадини қўйган эди. Миллий – маънавий маданиятига бир ёқламалик билан синфий нуқтаи назаридан ёндашиш, ўтмиш маданий меросга, бутун инсониятнинг маданий бойликларига нотўғри муносабатда бўлиш, уни менсимаслик маҳаллий омма орасида норозилик кайфиятларини юзага келтирди. Шундай бўлса-да туманда маданий соҳада айрим ишлар қилинди. 1930 йил Бойсунда шаҳар марказида Сталин номидаги (ҳозирги газампарбобо чойхонаси ўрнида) маданият ва истироҳат боғи ташкил этилиб, унинг ўрта қисмида шимолга қаратилиб, «Халқлар водийси» хайкали ўрнатилди. Дастлаб бу боғда русийзабон халқлар учун рақслар (танца), кино кўрсатувлари (ҳозирги «Бойчечак» болалар боғчаси ўрнида ёзги кинотеатр бор эди), ҳар хил шов-концертлар кўрсатилганди. Бойсун тими (ёпик бозор) буздирилиб ташланди. Туман маркази буйлаб уй-жой бинолари бунёд этила бошлади. Аҳолини маънавий дунёқарашини бойитишда туманда 1932 йил 1 майдан лотин алифбосида газета нашр қилина бошланди. Туман фирқа кўмитаси, ижроия кўмита ва касаба уюшмаси органи бўлган «Қизил мехнатчи» газетаси чоп этилди. Бу газета 1934 йилда «Ғалла fronti» номи билан юритилди ва 1934 йил 15 июнгача Денов районидаги босмахонада босилган. Шундан кейин Бойсун туманида босмахона ташкил этилиб, шу ерда босилган. 1932-1934 йилларда газета ҳар 5 кунда бир марта

чиқарилган бўлса, 1934 йилдан ҳар 2кунда бир марта газета чоп этилган. 1934 йилда Бойсунда радиостанция кўрилди. 1934 йилда 2 та клуб, 1 та қироатхона, 1 та болалар клуби, 1 та болалар кутубхонаси, 22 та қизил чойхона, 1та кинохона, сартарошхоналар ёнида 22 та кироатхоналар ва 1 та хаваскорлар труппаси фаолият кўрсатди. Дастлаб газета саҳифалари ўзбек ва тожик тилида, кейинчалик эса тўлигича ўзбек тилида нашр этилган. Газетанинг илк сони ўша пайтдаги туманнинг биринчи раҳбари Шоир Каримовнинг имзоси билан чақирилган. Ш.Ахмадий, И.Боатов, М.Жумаев, Ф.Газизова, Р.Увайдулина, Х.Турдиалиев, Ж.Сатторов, М.Каримов, Х.Абилов каби абадий ходимлар ишладилар. Рўзномани нашр этила бошлаган дастлабки йилларда унинг атрофига фаол жамоатчи мухбирлар (асосан зиёли ва деҳқон ёшлар) уюшиб, хат-хабарлари билан қатнашиб турдилар. Булар орасида аёллар ҳам бор эди. Хурсанд Эшқулов, Мукаррама Болтаева, Фармон Камолов, Курбон Холмуродов, Йўлдош Саидов, Бобониёз Ражабов, Зиёда Йўлдошева, Равшан Эшқулов, Сафар Саидов, Амонкул Хурсанов, Турди Юсупов, Алимкул Бойбуловлар газетанинг қалдирғоч мухбирлари бўладилар. 1933 йилда уларни сафига Кўрғончалик Норкул Эралиев, Дарбандлик Норкенжа Қозиев, Туроп Сохибов, туман сув хўжалиги ходими Аъзам Хўжаев, тайёрлов идорасининг вакили, Сайроблик Хасан Бойбулов, ўқитувчилардан Инкабодлик Зокир Баходиров, шаҳар марказидан Мажид Муродов, Мачайлик Сафар Уроқов, Шўроблик Жўра Келдиёров, савдо ходими Аликул Хусанов ва бошқа кўплаб кишилар газетанинг фаол мухбирлари сифатида ижод қилдилар.

Ўзбекистон ўз мустақил ривожланиши йўлига ўтаётган ҳозирги даврда шу ва бошқа нуқсонлар бартараф этилмоқда, ижтимоий-маданий соҳадаги бир қатор муаммолар аста-секин ҳал қилинаёпти. Бу соҳага давлат, хўжалик органларининг эътибори кучаётганини аҳолини ҳозирги қийин ҳаётини, жумладан моддий жиҳатдан, анча енгиллаштиришга кўмаклашмоқда.

БОЙСУНДА СОҒЛИҚНИ-САҚЛАШ ТИЗИМИ (1920-1990 ЙИЛЛАР)

Соғлом бўлмаган киши шеър ёза олмайди.

Мискин

Инсон саломатлиги-энг муҳим халқ бойлигидур. XX аср бошларида Сурхон воҳаси Бухоро амирлигининг энг чекка ўлкаси бўлиб, бу ерда бирорта ҳам тиббиёт муассаси булмаган.

Маҳаллий аҳоли касал бўлганда табиб ва кушночларга, айрим муллоларга мурожаат қилган. Улар касалликларни даволашда йиллар, асрлар давомида сақланиб келаётган турли хил гиёҳлар ва ишонтириш усуллари (жаҳр, эскича муллога ўқитиш, зиёратгоҳларга бориб нажот тилаш, чироқ қўйиш, бибимушкулкушод қилиш, бибисешанба маросимларини ўтказиш ва ҳаказо) билан даволашган. Бойсунлик халқ табиблари синган, чиққан жойларини даволаш, айрим касалликларни эмлаш орқали беморларга шифо бағишлаган. Ана шундай табиблардан бири Ариқ-Устилик Жураев Юсуф лақаби (Юсуф гидди бобо ҳам дейишарди.).

Куйдурги, зотилжам, қизамиқ ва бошқа касалликларни даволашган. Юз ёшда вафот этган Юсуф бобо Абу Али Ибн Сино, Абу Бакр ар-Розийларнинг

даволаш усулларидан ҳам кенг фойдаланишган ва асосан доривор ўсимликлар билан беморларни даволаганлар. Яна бири Туда қишлоғилик табиб Ботир бобо Хушмуродов синган-чиққан кўл, оёқ, қовурға, бел синганларини даволаб халқ ҳурматиға сазовор бўлган. Шарқий Бухорода шурулар ҳукумати ўрнатилгач фақат Термиз шаҳридагина ҳарбий фельшерлар томонидан беморлар қабул қилиш ахён-ахёнда бўлиб турган. Сурхондарё округида биринчи касалхона 1924 йил Термиз шаҳрида ташкил этилди. 1925 йилдан бошлаб эса туманларда хусусан Бойсун ва Дарбандда амбулатория ташкил этилди. 1928 йилга келиб Бойсун ва Дарбандда 25 даволаш ўрни ва амбулатория даволаш марказлари фаолият кўрсатди. Кейинчалик Бойсун шаҳрида 25 ўринли касалхона, амбулатория, Дарбанд қишлоғида врачлик амбулаторияси, касалхона қошида эса 3 ўринли туғруқхона ва мавсумий 20 ўринли болалар боғчаси фаолият кўрсатди.

1929 йилга келиб соғлиқни сақлаш ишларига эътибор янада ошди. Тиббиёт ходимларининг сони ортди. Архив маълумотларига қараганда Бойсун туманида соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдамни жамоа хўжалиги аъзоларига яқинлаштириш мақсадида 1931-1932 йилларда 15 ўринли касалхона бор эди. 1933 йилда 45 ўринга етказилди. Шунингдек тиш даволаш ва ҳар хил касалликлар даволаш бўлими очилди. Бундан ташқари Дарбанд, Бели-Бойли, Пулҳоким, Хавўз, Дуоба қишлоқ Кенгшлари қошида тиббий ёрдам марказлари очилиб, тиббиёт ходимлари ва дорилар билан таъмин этилди.

1932 йилда Бойсунда 60 ўринли болалар яслиси ва 40 ўринли вақтинчалик яслилар ташкил этилди. Болаларда тиббий ёрдам бериш консултанцияси ташкил этилди. 3 нафар тиббиёт шифокори (врач) ишлади. Туман ижроқумининг статистик маълумотиға асосан туман соғлиқни-сақлаш идорасига қуйидагича маблағ ажратилган. (1929 йилги пул бирлиги ҳисобида). Соғлиқни-сақлаш ишлари бўйича туман бюджетини 1931 йилда-10,6 фоизи, 1932 йилда 14,7 фоизи, 1933 йилда 16,2 фоизи, 1934 йилда 16,9 фоизи ажратилди. 1934 йилда туман марказида 1 та болалар боғчаси ташкил этилиб, бунда 50 гўдак бола тарбияланди. 50 та болага мўлжалланган болалар майдончаси ташкил этилди. Шунингдек болалар боғчаси бепул овқат, кийим-кечак ва ётоқхона билан таъминланди.

1935 йил 1 апрел ҳолатига кўра Бойсун шаҳрида касалхона 45 койкали бўлиб, 20 нафар мединцина ходимлари туман аҳолисиға хизмат кўрсатди. Туман амбулаториясида 8 нафар медитцина ходимлари ишлаган. Бундан ташқари Бойсун шаҳри, Дарбанд, Халқажар, Дуоба қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатди ҳар бирида 3 нафардан жами 12 нафар Пулҳоким қишлоғида қишлоқ фельдшерлик пунктида 3 нафар медитцина ходими фаолият кўрсатди.

Бойсунда иккинчи жаҳон уруши арафасида ҳам тиббиёт хизмати ривожлантирилди. 1941 йилда туман меҳнаткашлари 4 та даволаш врачлик участкалари ташкил этилди.

1. Бойсун шаҳрида Дехқонобод, Янгиобод қишлоқ Кенгаши худудидаги аҳолини

2. Дарбандда (Дарбанд, Шўроб, Сайроб, Хўжабулғон қишлоқ Кенгаши худудидаги аҳолини,

3. Кофрунда, Кофрун, Инкабод қишлоқ Кенгаши худудидаги аҳолини,

4. Пулҳокимда Пулҳоким, Хавуз қишлоқ Кенгаши худудидаги аҳолиға

хизмат кўрсатади.

1939-1941 йилларда соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантириш, даволашни малакали олиб бориш учун марказий шаҳарлардан туманларга шифокорлар ҳам жалб этилди. Бойсун шаҳрида Астрахон тиббиёт институтини тамомлаган Давидов Ю. С 1898 йилда туғилган, жухуд миллатига мансуб ушбу инсон 1939-1954 йилгача Бойсунда бош шифокор терапевт бўлиб ишлаб, кўплаб касалликларни даволашда астойидил хизмат қилди.

Дарбентда Жеврак, Мария 1919 йилда туғилган, жухуд миллатига мансуб, бу онахонимиз ҳам кўп хизмат қилди. Бундан ташқари Мачай қишлоғидаги медпункт бошлиғи татар миллатига мансуб Валиева София, Кофрунда, ўзбек Насирова Олия, Хавузда украин миллатига мансуб Коваленко Асия, Пулҳокимда украин миллатига мансуб Ласудская Валялар акушер фельдшер бўлиб ишлади.

1944 йилда туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Дасаева Н.Н ишлади. Урушдан олдин ва уруш даврида Бойсунга кўплаб кўчириб келтирилган русийзабон халқлар туман соғлиқни сақлаш ишига салмоқли хисса қўшдилар. Шулардан яна бири 1911 йилда туғилган Жухуд миллатига мансуб Ағаев Маттиё (Самарқанд фельшерлар тайёрлаш курсини битирди.1931) аввал туман соғлиқни сақлаш бўлимини, кейинчалик СЭС бошлиғи ва нихоят 1959-1969 йилларда туман соғлиқни-сақлаш касаба уюшмаси раиси бўлиб эл-юртга сидқидилдан хизмат қилди. 1947 йилда барча касалхонадаги койкалар сони 78 тага, туғиш койкалар сони 11 тага етказилди. Врачлар, қишлоқ врачлик пунктлари билан бирга 21 тага, шу жумладан поликлиника, амбулаторияларга 11 киши ишлади. 6 жойда қишлоқ акушерлик пунктлари фаолият кўрсатди. 1947 йилда туман соғлиқни сақлаш бўлимининг бошлиғи бўлиб Бутко И.М, олий маълумотли врачлар Кравченко А.Ф, Шербак М.А, Захаров А.Е, ўрта маълумотли Ефрененко И.И, Чижова А.А, Мишченко К.Н лар халққа хизмат кўрсатдилар. 1949 йилда Бойсун элининг соғлиғи ва саломатлиғи учун 9 врач, 15 фельшер, 3 акушер, 7 хамшира ишлади. Марказий касалхонада ўринлар сони 58 тага етказилди. Архив маълумотларига қараганда 1949 йилда 2 та касалхона (Бойсун, Дарбанд) 2 амбулатория, 12 фельдшерлик маркази фаолият кўрсатган. 508 нафар касал даволанган. 10432 нафарга медицина ёрдами кўрсатилган. 34 нафар хотин-қизларга тиббий ёрдам кўрсатилди.

1950-1960 йилларда туманда соғлиқни сақлаш соҳасидаги маълум силжишлар бўлди ва тиббий хизмат анча яхшиланди. 1960 йилга қадар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида асосан маҳаллий аҳолидан бўлмаган тиббиёт ходимлари хизмат қилган бўлса кейинчалик Бойсунда туғулиб ўсган, ўрта мактабни ўзбек тилида ўқиб битирган яхудий миллатига мансуб Юсуф Ёқубов Самарқанд Давлат Тиббиёт институтини даволаш факультетини битириб, 1956 йил Туман касалхонасида аввал терапевт, сўнгра бош шифокорнинг ўринбосари бўлиб ишлади. Бойсунлик маҳаллий аҳолидан олий маълумотли шифокорларни илк ва биринчи битирувчиси Аҳад Аъзамовдир. У 1959 йил Тошкент Давлат тиббиёт институтини жарроҳлик бўлимини битириб, туманда жарроҳлик соҳасида кўплаб касалларни даволаб обрў қозонди. Қарийб уч мингдан ортик жарроҳлик оператцияларини ўтказиб, унинг устозлари туман касалхонаси бош хирург яхудий миллатига мансуб Лернер Дауд Саломонивич, Ким Улсонлар эди.

1960 йиллардан бошлаб район тиббиёт хизматда маҳаллий миллат вакилларидан олий маълумотли шифокорлар бирин-кетин битириб ишлай бошладилар. Булар Берди Нормаматов, Раҳмат Хурсандов, Зиёдулла Муқимов, Шаҳодат Азизова, Абдуҳаким Ғаниев, Абдурайим Оллоқулов, Мақсуда Исмоилова, Саъдулла Бобожонов, Иззат Шарипов, (дорихона)Раҳмат Ҳолов, Турсунтош Улашова, Зухра Мисирова, Жума Эрмаматов, Гулсара Рамазонова, Алиёр Хайдаров, Амон Сатторов, Хайрулла Одилов, С.Рахимовлар ишладилар.

1970 йиллардан бошлаб район тиббиёт хизматида Раҳмат Сатторов, Иброҳим Хайдаров, Музрот Назаров, Бойсари Тўхтаев, Соатмурод Ҳамроев, Т.Ҳолмаматова, Иноятилло Умаров, Х.Шарипов, Ҳолназар Рахимов, О.Маматмуродов, Нусрат Худойқулов, Бобоқул Хайдаров, С.Рамазонов, Мўмин Муҳаммадиев, Қудрат Хайдаров, Анора Хонова, Аҳмад Насиров, Ҳолмурод Муҳаммадиев, кейинчалик Бобахон Қулбоев, Ҳамид Ибрагимов, Музаффар Жалилов, Норман Жўрақулов, Хафиз Умаров, Хафиз Қурбошев, Раъно Қурбошева, Мухтарама Сатторова, Қизларгул Чориева, Йўлдош Пардаев, Худоёр Саидов, Саттор Жўраев, Абдуқодир Нормаматов, Қудрат Қодиров ва бошқалар эл-юрт учун хизмат қилдилар. Булар Бойсунда соғлиқни-сақлаш соҳасининг дастлабки қалдирғочлари бўлиб, тиббиёт хизматининг турли соҳалари бўйича етакчи мутахассисларга айланишди.

Абди Ғаниев, Серка Каттаев, Аҳмад Хурсандов, Музаффар Жалилов, Рамазонов ва бошқалардир. Шулардан бири Серка Каттаев кейинчалик тиббиёт фанлари номзоди (эндокринология) даражасига етишди. Ҳозирда Термиз шаҳрида хусусий «Серко» эндокринология диспансери очиб эл саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда. У тиббиёт соҳасига оид ўнлаб китоб ва рисолалар муаллифидир. Туман соғлиқни сақлаш тизими ривожланишида ва тараққий этишда ўзини муносиб хиссасини қўшганлардан яна бири Берди Нормаматов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор» фахрий унвонига сазовор бўлди. Шифокорлардан Зиёдулла Муқимов, Омон Сатторов, Нусрат Худойқуловлар эса «Тиббиёт аълочилари» кўкрак нишонига сазовор бўлди. Бойсунда турли хил касалликларни даволашнинг йирик тармоғи вужудга келиб, улардан кўплаб малакали шифокорлар етишиб чиқди. Аҳолига юқори даражада хизмат кўрсатилди. 1984 йилга келиб, ётиб даволанадиган 7 та касалхонада 354 касал ўрнилари бўлиб, туманда амбулатория, поликлиника 3 дорихона, 24 фелъдшерлик доялик маркази санэпидстанция (С.Э.С) ва бошқа муассасалар аҳоли соғлиқни-сақлаш учун хизмат қилди. Жаррохлик хизмати ривожланиб унинг қошида травматология, артопедия, урология, реанимация ва анестезиология, болалар жаррохлиги бўлим ва соҳалари вужудга келди.

Жаррохлик ишининг ривожланишида Лернер Дауд Саламонович, Ким Унсон, Аҳад Аъзамов, Зиёдулла Муқимов, Берди Нормаматов (қайта тайёрлов ўқиши), Бойсари Тўхтаев, Раҳмат Сатторов, Йўлдош Пардаев, Худоёр Саидов каби шифокорлар жонбозлик кўрсатдилар.

Бойсун районида эл саломатлиги йўлида хизмат қилиб катта орбў топганлардан бири Жўрақулов Норман (1938-2002) Бойсун районидаги Сариосиё қишлоғида туғилган. 1960 йилда Термиз тиббиёт техникумини битирди. Ўқишни битириб жонажон қишлоғига фелъшер бўлиб ишлади. Сариосиё қишлоғидаги фелъшер акушерлик пунктида Қарши тиббиёт техникумини битириб ҳамшира

бўлиб ишлаётган Муҳаррама Қодирова билан оила риштасини боғлади. 6 нафар фарзандли бўлди. Кейинчалик Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетига кириб ўқиб битирди ва туман марказий касалхонада юқумли касалликлар бўлимида аввал шифокор, кейинчалик шу бўлимни бошлиғи бўлди. Эл саломатлиғи йўлида тинмай изланди.

1962 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институтини хирургия бўлимини битирган Зиёдулла Муқимов туман касалхонаси бош шифокори (1974-1985) бўлиб ишлагунига қадар шифохонани бош жаррохли сифатида қарийб уч мингдан ортиқ беморларни жаррохлик йўли билан даволаб, туманда катта обрў қозонди. Қарийб ўн бир йил бош шифокор бўлиб ишлади. Унинг бевосита саъй-ҳаракати билан тоғли Қўрғонча, Мачай қишлоқларида замонавий бинолар қурилиб ётиб даволаниш касалхоналари очилди. Ўнлаб янгидан ФАП бинолари қурулиб фойдаланишга топширилди. Айниқса, маҳаллий хотин-қизлардан ўрта медицина ходимлари тайёрлашда жонбозлик кўрсатди. Унинг ўғли Миршакар (кардиолог), Улуғбек (жаррох) Самарқанд Давлат тиббиёт институтини битириб, туман марказий касалхонасида ишлаб эл саломатлиғи йўлида ишламоқда.

Бойсунда бош шифокори бўлиб ишлаганлар: Турсунали Маматхонов (1985-1988) Рустам Мардонов (1988-1991), Нусрат Худойкулов (1991-1995), Жўра Назаров (1996-2000), Бўри Турдиевлар (тиббиёт хизматида меҳнат қилдилар. Шулардан Жўра Назаров (1990-1996) ва Нусрат Худойкулов (1996-2008) лар «Омонхона» шифо масканида бош шифокор бўлдилар.

1950-1960 йилларда Бойсунда тиббиёт хизматини йўлга қўйишда ва эл саломатлигини яхшилашда Битная Ева Яковлевна(терапевт), Ким Оля(акушер-генеколог), Насиров З.К (Терапевт), Қазиева С.С (генеколог), Башкирцева З.С(педиатр), Нуримова З(стаматолог), Х.Галлиев (терапевт), Парпова С(педиатор), Долженко А.М(терапевт), Долженко Т.И(окулист-врач), Петрова Л.И(терапевт), Плетеной Л.П(врач-генеколог), Шин Валерий (физиотерапия), Мучник С.Е(терапевт), Яковлева Ж.(врач-стоматолог), Аннакулиев С (терапевт) каби тажрибали ва юқори малакали шифокорлар аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда самарали меҳнат қилдилар.

Беморнинг тузалишига ўрта тиббиёт ходимларининг роли қанчалик муҳим эканлигини тасаввур қилиш мумкин, чунки беморнинг кўп вақти навбатчи ҳамшира билан ўтади. Бойсун аҳолисини соғлигини сақлашда Насирова О, Алексева О, Шляпникова Т, Пашкова Р, Червякова К.И, Сайтова Н, Галлиева Р, Трякина Е.А, Муҳаммадиева Ш, Пардаева А, Пардаева О, Зойирова З., Баротова У, Болтаева М, Манзулина К, Сафарова Ш, Залейухина П, Жумаева П, Абзалова З, Шодиева Н., Алиева Ш., Амонова М., Агаева А., Новикова С.К., Оллоқулова Х., Ермеева В., Жабборова Х., Ҳамроева П., Рамазонова З., Исмоилова А., Тўрақулова Ш., Зокирова Н., Ҳолбоева Б., Хан Анжелс., Саломова Р., Қодирова, Ким Анна, Набибулина М., Искандарова Р., Ҳолназарова З. ва бошқа юзлаб ўрта тиббиёт ходимларининг беқиёс меҳнатлари синган.

БОЙСУН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ (1921-1991 йиллар)

*Халқнинг етуғи сахий кишидир,
сахийлик шараф келтиради.*

Аҳмад Югнакий

Совет ҳокимияти томонидан 1920-1930 йилларда амалга оширилган мажбурий жамоалаштириш ўзбек деҳқончилиги тарихида энг фожиали саҳифалар бўлиб, 1927 йилдаги ВКП(б) нинг 15 съезди кооперациларнинг ривожлантириш ва қулоқларга нисбатан янада кескинроқ ҳужум уюштириш масаласига жиддий киришга йўл очиб берди.

ВКП (б) МК нинг 1930 йил 5 январдаги «Коллективлаштириш суръати ва колхоз қурулишига давлат ёрдамини кўрсатиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига кўра, бу жараён мамлакатда беш йиллик ичида, яъни 1933 йилга қадар ниҳоясига етказилиши лозим эди. Айти пайтда ҳамма жойда рақам ортидан қувиш бошланиб кетди. Бунинг натижасида ўлароқ, 1930 йилдаёқ Ўзбекистон ҳукумати қарори билан 17 та «Ёппасига коллективлаштирилган» туман ташкил қилинди. Аслида эса уларда бунинг учун шароит мавжуд эмас эди.

Коллективлаштириш жараёни кўпол конун бузулишлар, бебошликлар билан давом этди. Ўша йиллар ҳужжатларида қайд этилишича кўплаб қишлоқ фуқаролари колхозга ёзилишга мажбур қилинган. Уларни «сайлов ҳуқуқидан, ердан, сувдан, озиқ-овқатдан таъминотдан маҳрум қиламиз» - деб қамоқ жазоси ва куч ёрдамида кўрқитилди. Бундай кўпол маъмурий зўравонлик натижасида, мазкур компания бошланган пайтда битта ҳам колхозни бўлмаган айрим туманлар бир неча ҳафта ичида коллективлаштиришнинг яқунланганлиги тўғрисида рапорт беришди. Жумладан 1929 йилда Бойсун туманида бор-йўғи 6 та колхоз бўлиб, жамоалаштириш 1 фоизни ташкил қиларди. Округ ташкилотчи 1930 йилда тумандаги барча хўжаликларнинг 25 фоизни жамоалаштириш режалаштирилган эди. Бироқ туман фирқа кўмитасининг рақамлар ортидан қувуши натижасида бу режа 75 фоиз бажарилди. Туманда 1930 йил 25 апрелдаёқ 58 та колхоз ташкил қилинди. Колхозлар 7670 хўжаликни бирлаштирган бўлиб, жамоалаштириш даражаси 78 фоизга етди.

Бу колхозлар бор-йўғи 25 кун ичида ташкил қилинди. Бу жараён зарурий тайёргарликларсиз, хўжаликлар ўртасида тушунтириш ишларисиз олиб борилди. Деҳқонлар колхоз ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас эдилар. Ҳатто колхоз ташкилотчиларининг ўзлари ҳам колхоз қурилишининг асосларини билмас эдилар. Жамоалаштиришда ихтиёрийликда амал қилинмади. Маъмурий-буйруқбозлик кўлланилди. Буйруқбозлик турли кўринишда: Сибирга сургун қилиб юбориш билан кўрқитиш, ерни тортиб олиш, колхозга кирмаган якка хўжаликларга давлат томонидан ҳеч қандай ёрдам бермаслиги, колхозга кирмаганларни қулоқ сифатида рўйхатга олиш каби усулларда амалга оширилди. 1937 йилнинг 1-октябр ҳолатига кўра Бойсунда тузилган жамоа хўжаликлари: Қизил Юлдуз, 1-Май, Қизил Юлдуз, Берман, Коммунист, Ғалла fronti, Молотов, Янги Турмуш, Каленин, Байналминал, Будённўй, Энгельс, Кетмон, Киров, Ғалла, Қизил Намуна, Ибрат, Бирлик, Қизил Шарқ, Ижтимоий куч, Агроном, Қизил Карвон, Сталин, Яковлев, Плуг, Янги замон, Охунбобоев, Ғайрат, Бойин Замон, Ленин йўли, Тельман, Октябр, Иғлай Алп, Маркс,

Ворошилов, 1-Май, Гладко, Темфон, Серга, Қахрамон, Баумян, Трактор, Зарбдор, Камуннизм, Сталинизм, Охунбобоев, Ворошилов, Сталин, Ўзгариш, Завод, Қизил Байроқ.

1929 йилда туманда 6 та жамоа хўжаликлари тузилган, булар- «Ибрат» колхози (биринчи раиси-Сохиб Эрали), Газада «Қизил Шарқ» (биринчи раиси-Болта Ҳолид), Пасурхида «Агроном» (биринчи раиси-Мамаёр Рўзиев), Пойгабошида «Ҳамза» (биринчи раиси-Юнус Хўжаев), Обида орадан 2 йил ўтгач, «Ҳамза» колхози «Агроном» колхозига бирлаштирилган.

Октябр (биринчи раиси- Валиқул Йўлдошев) Дарбандда ва «Қизил Юлдуз» Хавузда бўлган. Кейинчалик бошқа барча жамоа хўжаликлари зудлик билан тузилган. Кўплаб манбаларда қайд этилишича қишлоқларда милиционерлар юриб, жамоа хўжалигига аъзо бўлмаган деҳқонларни қамокқа олаётганлиги, жамоа хўжалигига мажбурий аъзо қилинаётганлиги акс эттирилган. Бойсунда 1934 йил 19 та қишлоқ кенгашлари фаолият кўрсатиб, булар: Дарбанд, Хўжабулғон, Сайроб, Мачай, Қизилнавр, Шўрб, Белибойли, Бешчорбоғ, Том Қапчуғай, Пулҳоким, Хауз, Халқажар, Дуғоба, Кўрғонча, Янгиобод, Инкабод, Кофрун, Деҳқонобод, Қайроқ. Шунингдек, 58 та жамоа хўжалиги ҳудудида 19 та қишлоқ кенгашлари фаолият кўрсатган. 1936 йилда янги ташкил этилган Деҳқонобод районига Белибойли, Бошчорбоғ ва Том Қапчиғай қишлоқ кенгашлари ўтказилиб, Қайроқ, Қизилнавр ва Деҳқонобод қишлоқ кенгашлари Деҳқонобод районига ўтказилди. 1942 йилда Шўрчи тумани ташкил этилиши муносабати билан Халқажар қишлоқ кенгаши Шўрчи тумани ихтиёрига берилди. Уруш бошланиш арафасида туманда 55 та жамоа хўжалиги ва 12 та қишлоқ кенгаши фаолият кўрсатди. Бошқа жойларда бўлганидек Бойсунда ҳам ер-сув ислохоти катта қарама-қаршилик асосида амалга оширилди. 1933 йилда районда 260094 центнер ғалла этиштирилган бўлса, 1934 йилда туман бўйича 51285 гектар ерга лалми ғалла экилиб, олинган ҳосил 352419 центнерни ташкил этди. Оби-ҳавони яхши келиши муносабати билан жамоа хўжаликларида уруғлик ва бошқа фондлар учун 207725 центнер ёки 1246350 пуд ғалла район омборларига қолдирилди. Районда 1934 йилда 8550 гектар ер шудгор қилиниб, 6084 хўжалик колхозларга жалб этилди. 1934 йил 25-28 сентябрда район чорвадорларининг қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда чорвачиликни ривожлантириш долзарб масала қилиб қўйилди.

Бойсун чорвачилиги ҳақидаги маълумотлар

Йиллар	1929	1930	1931	1932	1933	1934
Отлар	4958	-	4614	6790	4899	4311
Қорамоллар	17638	16380	12999	16848	13738	9911
Қўйлар	76057	73775	51527	29099	-	26517
Эчкилар	131404	-	104114	58675	-	44026
Туялар	573	583	814	402	173	174

Туман жамоа хўжаликларида 1934 йилга келиб, чорвани барча турлари икки-уч барабар камайиб кетди. Бунинг асосий сабаби жамоалаштиришда қўпол хатоларга йўл қўйилди. Ишбилармон, Тадбиркор ўзига тўқ чорвадор оилалари

кулок, бадарға ва сургун қилинди. 1930 йилларда ташкил топган жамоа хўжаликлари нихоятда кам қувват бўлиб, мавжуд жамоа хўжаликлари ихтиёрида 23 та плуг, 61 та омож, 112 та от бор эди. 1930 йил ноябр ойи охирида округ партия кўмитасида махсус йиғилиши ўтказилиб, жамоа хўжалик раҳбарларини қайта сайлаш йўли билан янгича тозалаш усули амалга оширилди. Деҳқончиликни яхши тушунадиган кишилар яна сиқув остига олиниб, уларни ўрнига қишлоқ хўжалигини деярли билмайдиган деҳқончиликдан мутлақо беҳабар Москва, Лелинград ва Ивановодан келган ишчи- хизматчилар тайинланди. «Йигирма беш мингчилар» номи билан келган кўплаб кишилар деҳқончиликни билмаслик оқибатида жиддий хатоларга йўл қўйилди. Архив маълумотларига қараганда 78 оила Бойсун туманига кўчириб келтирилди. Оқибатда жиддий муаммо ва нуқсонларга йўл қўйилиб, халқни алдаш, қўшиб ёзиш, ортиқча ваъдалар бериш, етиштирилган маҳсулот таннархини тўғри ҳисобламай кам ҳақ тўлаш, халқнинг турмуш тарзининг пасайиб кетиши каби ҳолатлар юзага кела бошлади. 1933 йилда туман бўйича жун тайёрлаш режаси 46884 килограмм ўрнига 27745 килограмга ёки 59 фоиз бажарилди. 1934 йилда режа 24050 килограм ўрнига 21988 килограмга ёки 91,6 фоиз бажарилди. 1934 йилда гўшт тайёрлаш режаси 2707 центр ўрнига 2050 центрга ёки 80 фоизга бажарилди. 1933 йилда катта тери тайёрлаш режаси 500 дона бўлиб, аслида 275 донага ёки 55 фоизга, майда тери режаси 15000 дона бўлиб, аслида 6900 донага ёки 42 фоизга бажарилди. 1934 йилда катта тери режалаштирилган 360 дона ўрнига 270 донга ёки 75 фоизга, майда тери 8000 дона ўрнига 5442 донага ёки 68,2 фоизга бажарилди. Бринза ёғи тайёрлаш режалаштирилган 5262 килограм ўрнига 26,31 килограм ёки 50,6 фоизга бажарилди. 1926-1927 йилларда Бойсун уездида 2490 десятина яъни 249 гектар ер экин майдонлари мавжуд эди. 1934 йилда район бўйича 411 пилла тайёрлаш каробка бўлиб режалаштирилган 8216 килограм ўрнига 5858 килограм ёки ҳар бир каробкасида 14,4 килограмдан пилла тайёрланди.

1935 йилда режалаштирилган 425 каробка пиллани ҳар бир каробкасида 18 килограмдан 7650 килограм ўрнига 6500 килограм тайёрланди. Районда ишчи транспорт воситаси сифатида эшак ва туядан кенг фойдаланилди, булар умумий отарнинг 4,1 фоизни ташкил этади. Отлардан фойдаланиш асосий ўринни эгаллаб, от транспорт воситаси бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам 1934 йил 25-28 сентябрда бўлиб ўтган туман чорвадорларнинг қурултойида «отчиликни тараққий эттириш, от қулунларини алоҳида боқиб тарбия қилиш учун жамоа хўжаликлари ҳар бир қулун учун 0,5 гектар экин ерини ажратиш ва экиш ва ғалла солиғидан озод қилиш шуниндек отларни ем билан таъминлаш учун алоҳида ер фонди ташкил этиш ва ҳар бир яхши тарбия қилган қулунга 25 меҳнат кунигача мукофотлаш» лозимлиги ҳақида қарор қилинди.

Жамоа хўжалиklarини оммавий тузиш натижасида Бойсун тумани бўйича 1930 йилда қуйидагича кўрсаткич аниқланди. Жамоа хўжаликлар сони 56 та, деҳқон хўжаликлар сони 196 та, жамоа хўжаликка аъзо бўлганлар сони 9624 киши, суғориладиган ер майдони 302 гектар, лалми ерлар 835 гектарни ташкил этди. 1936 йилда жамоа хўжаликларига хизмат кўрсатиш учун машина-трактор станцияси (МТС) ташкил этилди. Урушдан кейин МТС ларни моддий базаси яхшиланди. 1948 йилга ер хайдаш СХТЗ-3 тракторлари 7 дона, НАТИ-2-4 дона,

ЧТЗ-2 дона, шунингдек сеялка, ўриш машиналари, ғалла ўриш комбайнлари ва бошқа машиналарга эга бўлди. 1950 йилга келиб ҳамма Маркадаги ер хайдаш тракторлари 14 та, плуг 15 та, культиватор 1 та, ғалла экиш сеялкалари 9 тага етди. Омонхоналик Зиёда Останокүлова (мархум) ни 1975 йил 14 июндаги суҳбатидан: Мен ҳозир 75 ёшга кирдим, уруш даврида Россия мамлакатидан қизлар келиб трактор хайдашни ўргатдилар. Ҳамма эркаклар урушга кетган, асосий иш биз хотин-қизлар зиммасида қолди. Даштиғоздан Қирмиз Хайитгул, Пулҳокимдан Иқбол исмли жами 6 нафар қизлар трактор хайдашни ўргандилар. Биз кеча кундуз трактор билан ер хайдадик. У даврдаги тракторлар ҳозирги тракторларга ўхшамасди, Амеркадан олиб келган «Гудзон» тракторлар эди. Ўзим рус тилини яхши ўргандим. Ҳозир пенсиядаман. Зиёда Останокүлова 1930-1932 йилларда «Қизил тўлқин» ва «Янги замон» жамоа хўжалигида раис бўлиб ишлади. Жамоа хўжалигида 50 та қўш бўлган. Ер хайдаб, ғалла, нўхат, зиғир экилган. Пилла етиштирилган.» Шайид қишлоғидан Норҳол Султонова, Пойгабоши қишлоғидан Зиёда Бўриева ва бошқалар фаол хотин-қизлар сифатида тарих саҳифасида қолдилар.

Бойсун МТС ларда 1947 йилда қуйидагича ер тракторлар билан хайдалган.

Тракторчилар фамилияси, исми	Трактор маркаси	Хайдалган ер майдони (Услов га)
Зоиров Файзулло	СХТЗ	1265 га
Авлиёқулов	СХТЗ	611 га
Маматов	НАТИ	1144
Сагторов Абди	СтЗ	537
Раимов	СХТЗ	1450
Каримов Ўрал	СХТЗ	1930
Қурбонов	ЧТЗ	1283
Акулицев	ЧТЗ	1565

Урушдан кейин МТС ларга Э-6 ғалла ўриш комбайнлари, аввал 6 та, сўнгра 2 та келтирилди, шундан 2 тасини ўзи янчиб, 1954 йилда «Сибиряк», 1956 йилда «Нива» ўзи юрар ўриш комбайнлари келди. Бу комбайнларни биринчи бўлиб Шариф полвон Хасанов бошқарди. Унинг шогирдлари илғор комбайниёрлар етишиб чиқди. Бойсун давлат хўжалигидан Равшанов Неъмат, Қорабоев Бобоҳон, Ҳамроев Ғайрат, Сайроб давлат хўжалигидан Жумаев Шодди, Темиров Разоқ, Дарбанд давлат хўжалигидан Устаев Неъмат, Работ давлат хўжалигидан Худойқулов Абдулло, Рахимов Бобоҳонлар шулар жумласидандир.

Бошланиб кетган уруш шароитида район қишлоқ хўжалигини ҳарбий изга солиб қайта қуриш ишини амалга оширишда қатор қийинчиликларга дуч келишди. Албатта, ушбу қийинчиликларни халқнинг метингдек иродаси, чексиз сабр-бардоши, мардонавор меҳнати енгиб чиқди. 1942 йил 26 сентябр туман ижроия қўмитасининг анжуманида «ғалла майдонларини кенгайтириш ва хосилдорлигини ошириш ҳамда чорвачиликни ривожлантириш» тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Дон маҳсулотларига бўлган талабни ошириш борисини

тушунган ғаллакорлар ва чорвадорлар астойдил меҳнат қилдилар.

Буни қўйидаги маълумотдан ҳам билиш мумкин¹.

Йиллар	1943	1944	1945	1946	1947	1948	1949	1950
Жами жамоа хўжаликлар сони.	48	52	53	54	54	55	56	56
Улардаги хўжаликлар сон	4240	3869	3819	3762	3754	3752	3695	3709
Жами аҳолии	24227	19643	21420	22095	21690	27631	28353	22910
Шу жумладан меҳнатга яроқли аҳолии	7848	6629	7152	7131	-	-	-	-
Шундан эркаклар	2433	2266	2552	2716	-	-	-	-
Хотин-қизлар	3957	3089	3130	3114	-	-	-	-
ўспиринлар	1458	1274	1470	1301	-	-	-	-
Жами экилган майдон(га)	32852	27572	25903	25511	26413	26154	25814	24471
Ўриб олинди(га)	30342	6916	18111	15557	-	-	-	-
Шу жумладан бошоқли дон(га)	27500	5916	16322	15164	-	-	-	-
Жами олинган хосил(к)	63583	11942	39445	23545	20318	-	-	67068
Ўртача хосилдорлиги ғалла 1га	2,13	1,7	1,92	1,10	-	-	-	-
Арпа 1 га	2,15	2,1	3,0	1,65	-	-	-	-

Районда қишлоқ хўжалигидаги аҳволни тубдан яхшилаш учун ёшларни турли мутахасисликлар бўйича курсларга юборилди ва уларни малакасини оширишда айрим ишлар қилинди. Фақатгина Бухородаги ипакчилик соҳасидаги курсларга 3 хотин-қиз юборилди. Районнинг ўзида чорвачилик билан шуғулланувчи кадрлар тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди. Ташкил этилган бу курсни 1943 йил 5 октябрда 24 нафар киши тамомлади. Шундан 20 нафари хотин-қизлар эди. Урушдан олдин 1940 йилда бошланган Душанбе Қоратоғ канали қурилишида туманнинг 324 нафар меҳнаткашлари иштирок этдилар. 1944 йилда Фарход ГЭСи қурилишига 52 та жамоа хўжалиги ҳисобидан 274 киши асосан хотин-қизлар юборилди. Янгиобод қишлоқ Кенгаши «Агроном» жамоа хўжалигидан 5 киши, ижтимоий куч 5 киши, Ибрат 4 киши, Бирлик 4, Димитров 4, Қизил Карвон 6, Плуг 4 киши жами 32 нафар киши юборилди. Дехқонобод қишлоқ кенгашидан 26 нафар, Инкабод қишлоқ Кенгашидан 12, Пулҳоким 25, Хауз 20, Дуоба 27, Кофрун 16, Дарбанд 18, Хўжабулғон 24, Сайроб 25, Шўроб 24, Мачай қишлоғи кенгаши ҳисобидан 15 нафар киши юборилди.

1948 йил 1 январ ҳолатига районда мавжуд бўлган чорвани бош сони ҳақида маълумот.

Район бўйича	Жамоа хўжаликлари	Жамоа хўжалиги	Ишчи ва хизматчилар	Бошқа давлат	Ҳаммаси
--------------	-------------------	----------------	---------------------	--------------	---------

¹ Қаранг, ЎзР БДА Сурхондарё бўлими, Жилд-45,64-65-варак.

		аъзолари		муассаса идораси	
Қорамоллар жами(бош)	4485	2245	167	55	6952
Шу жумладан сигир	618	1157	83	8	1866
Қўйлар жами(бош)	44983	8538	676	124	54321
Шу жумладан онаси	24997	4741	399	54	30191
Эчкилар жами(бош)	25197	11275	550	296	37318
Шу жумладан онаси	12279	6737	341	137	19494
Отлар жами(бош)	2386	244	33	46	2709
Шу жумладан биялар	961	79	6	-	244
Туялар жами(бош)	220	-	24	-	244
Шу жумладан онаси	68	-	12	-	80

Бойсун районида 1949 йилда биринчи мартаба 750 гектар ерга лалми Пахта экилди. Ҳосилдорлик 14065 центнерни ташкил этди. Шу жумладан «Агроном» жамоа хўжалиги 22,5 центр, Мачай қишлоқ кенгаши бўйича 45 центр, Қўрғонча Қишлоқ Кенгаши бўйича 60 центр, Янгиобод қишлоқ кенгаши бўйича 165 центр, Деҳқонобод қишлоқ кенгаши бўйича 75 центр ҳосил олинди. Кофрун қишлоқ кенгашига қарашли Ленин йўли жамоа хўжалигига ҳар гектар пахтадан 8 центнердан, Ғайрат 6 центрдан пахта етиштирилди. 1952 йилда Москвада Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги машиналар бўйича кўргазма бўлиб ўтди. Бу кўргазмада райондошларимиздан бир группаси бориб қатнашди. Ленин йўли жамоа хўжалиги раиси Ҳолмурот Жўраев, Ғайрат жамоа хўжалиги механизаторлар бригада бошлиғи Орол Каримов, Маликов жамоа хўжалиги бош чўпони Бойқўзи Менглиев, Молотов жамоа хўжалиги бош чўпони Азиз Поёнов, Киров жамоа хўжалиги бош подавони Менгли Жўраев, МТС тракторчилар бригадаси бошлиғи Саттор Абдиев, Ғайрат жамоа хўжалиги ферма мудирини Ғани Алимов, Жданов жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Равшан Норбоев, Ленин йўли жамоа хўжалиги зоотехниги Мажит Эшқулов, Сталин номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Қайим Абдурахимовлар қатнашди.

1949 йилда мавжуд 56 жамоа хўжалигидан 34 та жамоа хўжалиги пиллачилик билан шуғулланди. Пилла етиштириш 103 фоизга бажарилди. Карл Маркс жамоа хўжалиги пиллабоқари Анбар Мирзаева «Агроном» жамоа хўжалиги пиллабоқари Зиёда Қодировалар пилла етиштириш режаларини 200 фоизга бажарди. «Қизил Карвон» жамоа хўжалиги пиллабоқари Сатторова Байна 5 каробка пиллани ҳар бир каробкасидан 76 киллограмдан жами 380 киллограм, «Агроном» жамоа хўжалиги пиллабоқарлари Жўраева Норой 5 каробка пиладан 400 киллограм, Бекназарова Рўзигул 6 каробкадан 490 киллограм, «Бирлик» жамоа хўжалигидан Алибоева Тунук ва Жабборова Жанғиллар 180-200 киллограм ва бошқа ўнлаб звено бошлиқлари пилла етиштиришда фаол иштирок этдилар.

1950 йилда Бойсун туманида мавжуд бўлган қишлоқ кенгашлари, жамоа хўжаликлари, ер майдони, хўжалик сони ва хўжалик раҳбарлари ҳақида маълумот.

№	Қишлоқ	Жамоа	Жамоа	Мавжуд	Жамоа хўжалиги
---	--------	-------	-------	--------	----------------

	Кенгашлари	хўжаликлари	хўжалиги ер майдони(га)	хўжалик сони	раҳбарлари.
1	2	3	4	5	6
1	Янгиобод	Агроном	776	103	Ҳолиқов Р
		Ижтимоий куч	813	165	Тоғаев М
		Ибрат	711	138	Олимназарова М
		Қизил Карвон	855	177	Поёнов
		Москва	736	144	Хакимов
		Бирлик	675	85	Юсупов Т
		Димитров	855	77	Мирзаев
2	Дехқонобод	Сталин	1376	133	Рамазонов Б
		Ғалаба	1544	116	Расулов
		Янги замон	1138	101	Каримов
		Бойнал Минал	1200	114	Розиқов
		Охунбобоев	1138	67	Қобилов
3	Инкабод	Жданов	819	50	Рахимов Т
		Ўзгариш	839	38	Назаров
		Иттифок	1180	48	Жўраев
		Комсомол	1397	35	Шаметов
4	Мачай	1-Май	861	76	Норқулов
		Кахрамон	848	93	Турназаров
		Охунбобоев	547	40	Мўминов С
5	Кофрун	Ғайрат	-	96	Маматалиев
		Ленин йўли	-	98	Бойназаров
		Пятилетка	-	43	Жуммаев
		Янги ҳаёт	-	25	Қурбонов У
6	Шўроб	Коганович	984	44	Буттаев А
		Роккасовиский	953	47	Рўзиев
		Малинковский	717	29	Рахимов
		Ворошилов	821	46	Бегимқулов
7	Дарбанд	Октябр	1556	210	Фармонова Ж
		К.Маркс	1593	225	Омонов Ж
8	Пулҳоким	Телман	-	51	Сатторов С
		Энгельс	-	42	Тошматов
		Киров	-	36	Пошшоқулов К
		Ғалла	-	40	Бўронов
		Қизил тўлқин	-	29	Нормуродов
		Усмон Юсупов	-	105	Хидиров
9	Хўжабулғон	Трактор	1116	53	Журанов
		Зарбдор	1357	66	Жуммаев Б
		Тельман	3161	20	Назаров
		Молотов	316	20	Раҳмонқулов
		Коммунизм	656	14	Тошев

		Социализм	663	44	Ашуров
10	Дуғоба	Қизил Байроқ	-	89	Пиримов
		Правда	-	95	Сафаров
		Ободон	-	42	Рамазонов
		Бирлашган куч	-	28	Эралиев
		Фрунзе	-	33	Сохибов
11	Сайроб	Сталин	862	90	Турдиев
		Каленин	698	50	Дуков
		Ворошилов	706	68	Тўрақулов
		Қизил Ўзбекистон	756	61	Расулов
		Ленин	386	64	Тошев
12	Хауз	Каленин	-	52	Ҳолиёров
		Янги турмуш	-	48	Ҳолниёзов
		Молотов	-	39	Пиров
		Большевник	-	31	Тошматов
		8-Март	-	17	Манниёзов

1948 йилда жамоа хўжаликлари ҳукумат қарорларига асосан урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклашда астойидил меҳнат қилди. Ўша давр тамойилларига кўра 100 пудчи звено ва бригада бошлиқлари жасорат кўрсатиб ишлади. «Ғалаба» жамоа хўжалигидан Бадалов Ғаффор, Истатов Раҳим, «Агроном» жамоа хўжалигидан Султонова Норҳол, Бўриева Мастура, Байналминалдан Собирова Иззатой, Хурсандова Фозила, Нуров Эрон, Иттифоқдан Тожиев А, Маллаев М, Пировдан Жумаев, Тельмандан Чориев Хуррам, Энгелъевдан Тошматов Эсан, Қизил Карвондан Ражабов Хайдар, Сталиндан Йўлдошев М, Дўстқулов Ҳамид, Димитровдан Хусанов Менгли, Ўзгаришдан Алимов Абдурахмон, Камсомолдан Қувватов Султон, Ибратдан Юсупов Самат, Муротов Х., Агрономдан Хайдаров Искандар, Қаҳҳоров Ахат, Ғайратдан Ҳолбоев Х, 1-Майдан Имомбердиев Х. ва бошқа ўнлаб кишилар жасорат кўрсатиб ишладилар.

ВКП(б)Мк 30 Май 1950 йил ва Ўзбекистон ҳукуматининг 26 июн 1950 йилги «Колхозларни йириклаштириш» ҳақидаги қарорига асосан тумандаги 56 та жамоа хўжалиги 19 та йирик жамоа хўжалигига айлантирилди. Булар: Усмон Юсупов, Киров, Телман, Энгелъс, Каленин, Правда, Фрунзе, К.Маркс, Қахрамон, Охунбобоев, Малотов, Ворошилов, Дмитров, Жданов, Москва, Сталин, Ғайрат, Болшовик, Ленин йўли жамоа хўжаликлари бўлиб қолдилар.

Масалан: Янгиобод қишлоқ Кенгашидаги Агроном, Ибрат, Ижтимоий куч жамоа хўжалиги бирлаштирилиб Жданов жамоа хўжалигига айлантирилди ва ҳоказо. «Дуғоба» қишлоқ кенгаши худудидаги Фрунзе, Ободон ва Бирлашган куч жамоа хўжалиги йириклаштирилиб Фрунзе жамоа хўжалиги деб юритилди.

Жамоа хўжаликларининг йириклаштириши ҳақида маълумот

№	Йириклаштирилгунча			Йириклаштирилгандан кейин
	Фрунзе	Ободон	Бирлик куч	
				Фрунзе

1	Хўжалик ходимлари сони	33	41	20	94
2	Ҳамма ёшдаги аҳолии	317	326	161	804
	Шундан ишга яроқлиси	101	106	57	264
	Хотин-қизлар	44	58	34	136
	Эркак	57	48	23	128
3	12 ёшдан 16 ёшгача ўсмирлар	16	31	8	55
4	Ишга яроқсиз қариялар кексалар	21	11	15	47
5	Колхозга беркитилган ер майдони(га)	2673	1508	2380	6561
а)	хайдаладиган ер майдони	486	465	355	1306
	Шу жумладан партов ерлар	70	44	93	204
б)	боғ ва ток экилган ер майдони	25	13	5	43
в)	табiiй пичанзорлар	15	5	-	20
г)	ўтлоқ яйловлар	63	335	568	966
6	Томарқа ер фондининг ҳаммаси(га)	8,92	11,80	7,30	28,02
7	Давлатга дон топшириш(ц)	503	593	644	1740
8	Давлатга чорва маҳсулоти топшириш	591	818	937	2346
9	Ишлаб чиқариш бригадалар сони	3	3	1	7
	Шу жумладан ғаллачилик	2	2	1	5
	Боғ-тоқчилик	1	1	-	2
10	1949 йилда 1 меҳнат кунига ўртача ҳисоб билан пул	1,27	099	014	-
	Ғалла	0615	0280	0476	-
11	Қорамоллар(бош)	81	43	38	162
	Шу жумладан сигир	10	10	10	30
12	Қўй эчки	312	132	67	511
13	Отлар	13	3	3	19
14	Ишчи отлар	4	-	2	6
15	Ишчи хўккизлар	21	21	7	49
16	Колхозни колхозчилардан қарзи (сўм ҳисобида)	30356	35537	540	66433
17	Дебитор қарзи	2900	2015	2471	7386
18	Кредитор қарзи	46123	27141	28773	102037

Юқорида кўрсатилган архив маълумотларига қараганда жамоа хўжаликларини иқтисодий аҳволи ўта ночор бўлган. Урушдан кейинги глобаллашув даврида бу хўжаликлар замон талабларига жавоб бера олмади. Натижада ҳукуматнинг махсус қарорига мувофиқ аввал тоғ зонасидаги жамоа хўжаликлари йириклаштириб, аҳолини кўпчилиги чўл зоналарига кўчириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Урушдан олдин 1939-1940 йилларда Мачай, Дуоба, Қўрғонча қишлоқлари кўчирилди. Мачайликлар Қорасувга (ҳозирда

Ангор тумани) кўчирилиб «Озод Бухоро» жамоа хўжалиги ташкил этилди. Унинг раиси этиб Гаффоров сайланди, Тошбой Нуримов хосилот бўлди. Мачайлик қаррия-кексаларни айтишича, кўчирилганларни айтишича, кўчирилганларни аҳволи анча аянчли бўлди. Яшаш учун уй-жой йўқ. Озиқ-овқат, сув етарли эмас. Кўчиб борганларни кўплари оғир хасталикларга чалинди. 18-20 соатлаб ишлаш, жазирама иссиқ. Бу аҳволни ўз кўзи билан кўриб келган «Қахрамон» жамоа хўжалигини ўша даврдаги раиси Ихлима Бўронова, уруш давом этаётган дахшатли бир даврда пойтахтга бориб Ўзбекистон ҳукумат раҳбарларига учраб, 1943 йилда қайтадан Мачайга кўчириб келди. Бу жасоратли, довюрак аёл ҳақида Бойсунликлар фахрланса арзийди.

Совет ҳокимияти иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда иқтисодий аҳволни ўнглаб олиш, халқ хўжалигини изга тушуриш, аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш масаласида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон ҳукумати чорвачиликни ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат билан, саноатни хом-ашё билан таъминлаш учун чора тадбирлар ишлаб чиқди. Ҳукуматнинг 1950 йил 24 январдаги «Ўзбекистон СССР даги Колхозчи хўжаликларнинг ўз қарамоғидаги томарқа, ер ва мол сони нормаларини камайтириш тўғрисида» ги қарори мамлакатда жамоа чорвачилигини ривожлантириш масаласига йўл очиб берди. Ушбу қарор асосида Бойсун районидаги аҳолидан белгиланган режадан ошиқ бўлган 264 бош от, 312 бош қорамол, 1092 бош қўй ва эчкилар жамоа хўжаликлари чорвачилик фермалар ихтиёрига ўтказилди.

Собиқ СССР Марказ коми ва СОВминнинг 1961 йили чиқарилган иккинчи қарорига асосан 1 бош она эчки, 1 бош қорамолга тенглаштирилиши эвазига ёки бозордаги 1 бош она эчкини харид нархи 15-20 сўм бўлиб турган бир вазиятда шахсий хўжаликлардаги ҳар бир бош она эчкига 40 сўм солиқ тўлаш (1961 йилги пул бирлиги ҳисобида) ставкаларни жорий этилиши туфайли фақатгина Бойсун туманида қарийб 27 минг бош эчкилар мажбуран сўйиб юборилди.

Мустабид тузум даврида чиқарилган ушбу қарор зўраворликка асосланган бўлиб, шахсий хўжаликларда мавжуд бўлган чорва молларини сонининг кескин камайишига олиб келиниб, маҳаллий аҳолининг жиддий қаршилигига учради. Кўплаб чорва моллари аҳолии томонидан сўйиб юборилиб, арзон нархларда сотиб юборилди. Тангимуш қишлоқ кенгашига қарашли Кучкак қишлоғидан Худойназар Абдиловни 215 бош эчкиси зўравонлик билан тортиб олиниб, давлат ихтиёрига ўтказилди. Натижада урушдан кейин энди ўзини иқтисодий жихатидан тиклаб олаётган аҳолига нисбатан кучли тазйиқ ўтказилди.

1950 йилларнинг иккинчи ярми ва 1960 йиллар бошларида ирригация ва мелорацияни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, 1952 йил сентябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси 11 курултойи қарорлари жиддий таъсир ўтказди. 1950 йилларнинг ўрталарида Совет ҳукуматининг «Қуруқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳисобига 1954-1955 йилларда дон етиштиришни кўпайтириш тўғрисида» (1954 йил, 27 март) ҳамда «Пахта етиштиришни кўпайтириш учун Ўзбекистон СССР ва Қозоғистон СССР да қуруқ ерларни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида» ги (1956 йил, 6 август) қарорлари қабул қилингандан кейин қуруқ ерларни ўзлаштиришга эътибор кучайди. Амударёнинг қуйи қисмида катта ирригация ва мелорация ишлари олиб борилди. Натижада ёппасига Сурхон-Шеробод даштлари ўзлаштирилиб,

1954 йилда Бойсунликлар Сурхон-Шеробод чўлини ўзлаштиришга биринчи бўлиб сафарбар этилди. Райондаги 19 жамоа хўжалигидан 270 хўжалик дастлаб мажбурий кўчирилди. Бойсун тоғ тизмалардаги тоғли аҳолини мажбурий кўчириш сиёсати 1963 йилгача давом этди. 1954 йил Бойсун районидаги-Дуғоба, Қайроқ, Қўрғонча, Гуматак, Олачопон, Дехиболо, Яккатол, Назари, Авлод, Кучкак, Сариосиё, Сайроб, Панжоб, Дарбанд, Хожабулғон, Кофрун, Мачай, Қизилнавур, Кентала, Пудина, Сарикамиш, Паданг, Чорбоғ, Инкабод, Омонхона, Даштиғоз, Работ, Пасурхи, Ариқ Усти, Боғиболо, Чорчинор, Пойгабоши, Оби, Тузбозор, Газа, Шўрсой, Қорабўйин, Питов, Фотма булоқ, Тўда, Дахнаижом, Тиллокамар, Мунчоқ, Хомкон, Бешэркак, Узункудук, Бандихон (1963 йилгача) Шўроб, Селибойли қишлоқларининг аҳолиси яъни У.Юсупов, Киров, Тельман, Энгельс, Каленин, Правда, Фрунзе, К.Маркс, Қахрамон, Охунбобоев, Молотов, Ворошилов, Димитров, Жданов, Москва, Сталин, Ғайрат, Болшевик ва Ленин йўли жамоа хўжаликларидан 1000 дан ортиқ кишилар Шеробод массивини ўзлаштиришга киришиб кетдилар.

1957 йилда Бойсун районида келган чўлқуварлар 3400 гектар майдонга пахта экиб, хўжаликларда пахтачиликни механизациялашга алоҳида эътибор бериб, Музработ чўлларида пахта, ғалла, беда, макка, экишни йўлга қўйди. Пахтакорлар 1957 йилда 4030 тонна пахта етиштириб, гектар бошига ҳосилдорликни 11,9 центнерга, 1958 йилда 15 центнерга, 1959 йилга келиб 18 центнерга етказди. 1956 йилдан бошлаб Шеробод чўлларида «хрущёвский» ва «Шилигин» номи билан аталадиган уй-жойлар қурилиб, бўлимларга электр моторлар ўрнатилиб, электрлаштириш бошланди. Қишлоқ марказларида биттадан кудуқ қазиб ишга тушурилиб, 1954 йил июл ойида Занг каналидан нав қурилиб сув олиб келинди. Унғача Шеробод дарё сувидан фойдаланиб турилди.

Чўлқуварларни фарзандларига таълим тарбия бериш мақсадида 1954 йили ҳозирги марказий таъмирлаш устахонаси биносида биринчи мактаб очилиб Ҳолиқ Муродов директорлик қилди. Кейинчалик давлат хўжалигининг 1,5 бўлимларида ҳам мактаб очилди. Чўлнинг бугунги қиёфага киришида забардаст Бойсунликларни алоҳида ташаббуслари, салмоқли хиссалари бор.

Эргаш Жўраев, Нормамат Менглиев каби чўлқуварлар қалбига йўл топа олган етакчи раҳбарлари етишиб чиқди. Биринчилардан бўлиб Собир Сатторов, Очилди Эргашев, Муллаберди Болтаев, Нормамат Мисиров, Маматқул Мироб, Абдурашид Саидов, Ҳамроқул Муродов, Парда Эшмуродов, Берди Холмуродов, Абди Ғойипов, Сувонқул Назаров, Бобоқул Омонқулов, Тангри Мирзаев, Равшан Қурбонов, Раҳмон Рўзибоев, Дони Муқимов, Омон Пойнов, Момоной Салоева, Нормамат Файзуллаев, Худойқул Файзиев, Юсуф Иброхимов, Нарзи Хўжақулов, Ҳақберди Умаров, Амирқул Холлиев, Ҳамроқул Курбонов, Алим Бўриев, Бозор Холлов, Сафар Мирзаев, Турди Дўстов, Худойқул Рахимов, Шойим Содиқов, Холиёр Рахимов, Ғаффор Жабборов, Усмон Девонқулов, Парда Ўроқов, Худоёр Алимардонов, Очилди Алланазаров, Шосайд Ёқубов, Тошқул Жўраев, Ҳамдам Шоймардонов, Исматулла Мусаев, Болта Каримов, Бахри Шарипов, Умарали Хўжақулов, Алибой Муртазоқулов, Норой Момо Мирзамўмин қизи, Ҳамро Жабборов, Берди Бурхонов, Эгамқул Турсунов, Ашурқул Жалилов, Аъзам Худойқулов, Қодир Жалилов, Холиқ Абишев, Турсун Шодиев, Маъруфхон Рашидов, Холбой Шарипов, Турди Дўстов, Турди Рўзибоев, Бахриддин Самадов,

Хакберди Умаров, Боки Самадов, Болта Шеркулов, Наби Ражабов, Умид Болтаев, Худойберди Абдиназаров, Дони Норкулов, Мустафокул Шоймардонов, Аликул Холиқов, Тўти Фармонова, Зулфина Набиева, Иқбол Худойбердиева, Ҳамид Равшанов, Тўйчи Бўриев, Алимардон Маматов, Ориф Саидов, Абракул Эшниёзов, Арбоб Дуков, Нормурот Азимов, Шердон Эшқобилов, Гофуров, Мамади Рахимов, Омон Тошматов, Тўракул Каримов, Алламурод Донаев, Худойназар Бойназаров, Исмоил Тошпўлатов, Ахмад Рахимов, Норқобилов, Гундаев, Насир Раупов, Назиркул Худойкулов, Туроб Жабборов, Холмўмин Саидов, Шамсиддинов, Юнусов, Хакимов, Эшмуродов, Хуррам Холиқов, Чори Қувондиқов, Чори Абдурахмонов, Алимардон Маматов, Мамади Рахимов, Норбой Нормаматов, Васил Хамроев, Махмуд Хамроев, Бозор Халлиев, Мамарахим Холиқов, Холназар Мирзаев, Бўри Шойимов, Исмат Рахматов, Парда Сафаров, Усмон Бекпўлатов, Эшбой Бойназаров, Алламурод Донаев, Эшқувват Омонов, Иброхим Рахимов, Нусратилло Тоғаев, Ражаб Химматов, Файзулло Алимов, Рўзибой Хайдаров, Мамади Нормаматов, Парда Худоёровларнинг оилалари чўлга келишди.

Биринчи чўлқувар Нормамат Менглиев ўзининг қахрамонона меҳнати билан кишилар қалбидан абадий ўрин олиб қолди. У Бойсун туман ижроия кўмитасининг раиси бўлган пайтларидаёқ халқнинг зўр ишончини қозонишига муваффақ бўлди. Кейинчалик чўлда илк бор ташкил этилган Жданов номли жамоа хўжалигига (колхоз) раиси ва «Бешқўрғон» давлат хўжалигига директорлик қилди. Умрининг охиригача 3 бўлим бошлиғи ва бошқа сохаларда ишлади.

Чўл забткорларининг етакчиси Бойсун туман партия кўмитасининг биринчи раҳбари Эргаш Жўраевни тиниб- тинчимас иши таҳсинга сазовордир. У дастлабки кунлари ишда барака бўлмаётганлигидан ачинарди. «Омоч ва хўкизлар билан деҳқончилик қилиш» усулларини давр тараққиёти аллақачон инкор этганку. Биз бўлсак оғир чўл шароитида ҳам ана шу эски усулга ёпишиб олганмиз. Районлардан техникалар йўлга чикди, деб хабар беришганига ҳам анча кўп бўлди-ю, ҳамон дарак йўқ. Ишқилиб тезроқ келсин-да, деб куйинарди. Оташин чўлқувар Эргаш Жўраев 1958 йилгача шу вазифада ишлаб, халқнинг юксак ишончини қозонди. Кейинчалик у давлат хўжалиги (савхоз) директори, бўлим бошқарувчиси, катта агроном, «Бешқўтон» ўрмон хўжалиги директори бўлиб ишлади. Хосилдорликни ошириш, массивни ободонлаштириш борасида ўзининг бутун куч ва билимини сарфлади.

Кофрунликлар собиқ колхоз раиси Холмурот Жўраевнинг номини фахр билан тилга оладилар. Чунки у биринчи бўлиб халқ қишлоқларини чўлга ундаган кишилардан. 1954 йилда Кофрундаги Ленин йўли номли колхоздан кўчиб келиб бир биргадага бирлашган кишилар 100 гектар майдонга уруғ қадаб, режадаги 80 тонна ўрнига 90 тонна пахта давлат пахта пунктига етказиб берилди. 1955 йилда умумий пахта майдони 375 гектарга етказиб, режадаги 8 центроўрнига ҳар гектаридан 12 центрдан пахта етиштирилди. Жамоа хўжалигининг Парда Ўроқов бошлиқ бригадаси аъзолари 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 16 центнердан пахта хосили олдилар.

«Колхозимизда 2 та дизель, 4 та универсаль трактор бўлиб, уларни Холноз Ашуров, Ашуркул Жалилов, Эшмирза Саидмуродов бошқаришарди.

Техниканинг етишмаслиги натижасида 3 та оқсой кўшилган от билан культивация ишларини бажарардик. Прораб Бўри Ахмедов бошчилигида колхозчилар учун янги уйлар қурила бошланди. Эшбой Бойназаров директор бўлган (у 1969-1976 йилларда Сайроб қишлоқ кенгаши раиси бўлди) тўрт синф хонали мактабда 21 нафар ўқувчи таълим оларди. Чорва учун озуқа жамғариш мақсадида 30 гектар беда етиштирдик-деб эсларига олди. «Бешкўтан» қишлоқ кенгаши раиси (ҳозирда мархум) Ҳолмурод Жўраев.

1954 йилда Дарбандликлардан 85 нафар киши 7 бригадага бирлашиб, К.Маркс номли колхоз туздилар. Улар чўл инжиқликлари билан курашиб меҳнатнинг зўри билан ҳар гектар пахта майдонидан 8 центнердан ҳосил етиштирган бўлсалар, 1955 йилда 470 гектар майдондан давлатга 500 тонна аъло сифатли пахта топширдилар. 1957 йилда чўлқуварлардан Жўра Шаметов, механизатор Нур Ражабов, Чоршанбе Бекмуродов, Робия Рахимовалар давлат мукофотиغا сазовор бўлдилар. Тоғликларни чўлга етаклаган Шариф Бобоев узок йиллар қишлоқ Кенгаши раиси сифатида ҳозирги Халқободликларга бош бўлиб, катта обрў топди. Шариф Бобоев 1950-1952 йилларда Самарқанд колхоз кадрлари тайёрлаш икки йиллик таълим масканини битирди. Бу олов қалб инсон ҳақида Дарбандликлар фахр билан тилга оладилар.

Чўлга хужум бошлашда тоғликларга етакчилик қилганлардан яна бири Собир Сатторовдир. У Дуғоба, Қайроқ, Қўрғонча, Олачопон, Яккатол, Дехиболо, ва Пулҳоким қишлоқларидан олов қалбларни тўплаб чўлга отланди. Қуруқ ерларни ўзлаштириш осон кечмади. Кексаларнинг сўзига қараганда Собир Сатторовдек ишчан, мард меҳнатсевар инсонлар камдан-кам топилади. «Янғобод» қишлоқ кенгаши ҳудудидаги Таскент қишлоғидаги жамоа хўжалиги Собир Сатторов номига қўйилганлиги унга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиром ҳисобланади. Чўлга кўчиб келишдан олдин у Усмон Юсупов номли жамоа хўжалиги раиси бўлиб ишлади. Биринчилардан бўлиб чўлга отланганлардан яна бири Норқул Сатторов 1945-1952 йилларда Дуғоба қишлоқ кенгаши раиси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати бўлди. 1952-1954 йилларда Дуғобадаги «Қизил Байроқ» жамоа хўжалиги раиси бўлди.

Чўлқуварларнинг иккинчи вакиллари ҳисобланган Хуррам Холиқов 1958-1962 йилларда «Янғобод» давлат хўжалиги фирма кўмитаси раҳбари кўмитаси раҳбари бўлиб ишлади. Бу ташаббускор ва фидойи инсон чўлга кўчиб келиб ишлаётганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Пахта яккаҳокимлигида ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик 8 центнердан 16-18 центнергача, айрим бригадаларда 28-30 центнерга етказилди. Умарали Хўжакулов-Бойсуннинг тоғли Қизилнавур қишлоғида туғилди. 1954 йилда биринчилардан бўлиб чўлга кўчиб келди. 1956 йилда ташкил этилган К.Маркс жамоа хўжалигини бошқарди. Кейинчалик бўлим бошлиғи бўлди. 1960 йилда бўлим пахта режасини 110 фоизга бажарди. 1961 йил ҳар гектар пахта майдонидан 19 центнердан 1963 йилда 28 центнердан пахта ҳосили олди. Ориф Саидов-Бойсуннинг тоғли Қўрғонча қишлоғида туғилди. 1954 йилда биринчилардан бўлиб чўлга отланди. Қуруқ чўлда 1956 йилда ташкил этилган Киров номли жамоа хўжалигини бошқарди. Кейинчалик бўлим бошлиғи бўлди. Чўлга кўчиб келишдан олдин жамоа хўжалиги раҳбари ва Дуғоба қишлоқ кенгаши (1953) раиси эди. Асрлар давомида тоғларда маскан қуриб, боғи-роғлар бунёд этган. Тоғ аҳолисининг

чўлни обод қилиб, янги шароитга мослашиши жуда оғир кечди.

«Чўлга кўчиб келганлар ертўлаларда яшарди. Сувнинг танқислиги, ёзда чанг, кишда тиззагача лойгарчилик, бўлганлигидан, юриш мушкул эди. Чўлнинг гармсели-ю, дам-бадам ҳуруж қиладиган «Афғон» шамоли, устига-устак «Пашшахўрда» деган офатнинг тарқалиши чўлқуварларнинг тинкасини қуритди. Ернинг захи шу даражада эдики, баъзан ботиб кетган тракторни у ердан чиқариб бўлмас, ер ўз қаърига тортарди». Ориятли чўлқуварлар бу машаққатларни енгиб қаҳраган чўл бағрида боғ-роғлар бунёд этишди. Баъзан қийинчиликка дош беролмай, қочиб кетганлар ҳам бўлди. Аммо кўпчилик тоғликлар ҳар қандай синовларга бардошли эканликларини намойиш этишди.

Эл-юрт орияти учун кўрашган чўлни обод қилишда ўз хиссаларини қўшган Умур Хўжамурод, Эсонтурди, ҳар икала Темур Полвон, Ғофур, Хамро, Саттор, Жумма, Ахмад, Нормаммад, Шоберди, Норқобил, Қўзибой, Тохир, Раҳмат, Тўра, Таваккал, Сафар, Чори каби ўнлаб полвон ва Чопағонларнинг мардлиги-ю, жасоратлари ҳозирги ёшларимизга ибрат бўла олди. 1954 йилда кўплар қатори «Қизил Карвон» жамоа хўжалиги аъзоси Алибой Муртазоқуловлар оиласи ҳам чўлга кўчирилди. Ҳозирда 84 ёшни қоралаган Нороймомо Мирзамўмин қизини хотирлашча, «Бизни оиламизни ҳам Бешқўтонга кўчирди. Кўчиб бордик. Жазирама чўл, иссиқ, нафас олишда инсон қийналади. Буйрадан чайла қилиб ёзи билан яшадик. Чўл пашшаси қўймайди. Чўл шамоли иккинчи бало. Эрталаб турсак кўрпа-ёстик тўла қум, қозонларимизни ўчоғи қумга тўлар эди. Яна қайтадан қозар эдик. Бироз вақтдан кейин доқадан пашшахона қилиб ётиб турдик. Хўжайиним Алибой эрталаб 5 дан кеч 8 гача далага, суғориш ер хайдаш, экиш, агат иши билан банд. Ҳар вақт Бойсундан от, туя, хўкиз олиб келиб сўйиб берарди. Биз Бойсунликлар қайси колхоз ҳисобидан кўчирилган бўлсак шу оталиққа олиб қарашарди. Олма, ёнгоқ, майиз, шинни, жийда мевалари етказиб бериларди. Кейинчалик қишга яқин ҳар бир хўжаликка 2 хонали чўл шароитига мос уй қуриб беришди. Унинг ён атрофида хожатхона, молхона, ўчоқхона, тандирхонани ҳар ким ўзи қуриб олди. Орадан икки йил ўтгандан кейин «Янгиобод» совхози тузулди. Бўлим тузулди. Бошлиғимиз Нормамат Менглиев бўлди. Менглиев эрталаб соат 4 дан ҳар бир пашшахонани отни устидан туриб, қўлидаги узун таёғи билан уриб, одамларни уйғотиб, ишга юборарди. Чўлга кўчиб борганимизни кейинги йили қовун, тарвуз экдик, яхши ҳосил олдик. Мевали ва манзарали дарахтлар экилди. Ҳосили мўл бўлди. Шундай қилиб 11 йил чўлга ишлаб 1965 йилда Бойсунга қайтиб келдик. Оллохга шуқуронлар айтаман-ку, биз ўша даврларда ёш оила қўлимизда эмизикли болаларимиз билан чўлни барча қийинчиликларига бардош бериб, сабр-тоқат билан яшадик.

Парвардигорга шуқурки, мустақилликни ҳам кўрдик. Давлатимиз кундан-кун фаровон бўлиб бораяпти. Одамларимиз яшаш учун ҳаракат қиляпти. Ҳозирда чўлни кўриб кўзимиз ишонмайди. Биз Бойсунлик чўлқуварлар чўлни обод қилганликларидан бир-умр фахрланиб юришлари мумкин. Шўролар даврида қайнотамни қулоқ қилишган. Отини, ерини, моли-мулкини тортиб олди. Шўролар томонидан 3-4 маротаба текшир-текшир ўтказиб тинкасимизни қуритди. Охири Жарқўрғонга «Сурхон» ерига кўчирди. Урушдан кейин Бойсунга қучиб келдик, энди нафас олиб турган эдик, яна Бешқўтонга кўчирди.

Ўша суронли йиллар чўлқуварлардан яна бири Холик Абишевдир. 1954 йил Бешқўтон массивига кўчирилишидан олдин тумандаги «Агроном» кейинчалик Жданов колхозида бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Оловқалб, забардаст ушбу инсон кўплар қатори чўлга отланди. 1956 йилда тузилган Жданов колхозидан кейинчалик то умрини охиригача «Янгиобод» давлат хўжалигида пахта бригадири бўлиб ишлади. 1970-1975 йилларда пахтани гектар бошига хосилдорлигини 8 центнердан 30-34 центнергача етказди. Бу даврда Хамро Жабборов бўлим бошлиғи, Берди Бурхонов-механик, Эсанкул Турсунов, Ашуркул Жалилов-тракторчи, Аъзам Худойкулов, Қодир Жалилов, Боқи Самадов, Турсун Шодиевлар пахта бригадири Болта Шеркулов, Наби Ражабов, Умид Болтаев, Фаффор Жабборовлар оддий сувчи бўлиб ишладилар.

Сурхон-Шеробод чўлини ўзлаштиришда муносиб хисса қўшганлардан яна бири Қурбон Амиркуловдир. 1954 йилда падарибузруквори Амиркул Тилобов биринчилардан бўлиб чўлга кўчди. Кўчириш режаси асосан тоғлик худудида яшаётган Бойсун туман аҳолисига қаратилган эди. Шунинг учун Кампирчорбоғ Паданг, Инкабод қишлоқларидан кўчирилганлар бир мавзеда жойлашдилар. Тўғри Қурбон Амиркулов ўзининг «Тақдир битимлари» китобида ёзишича у иккинчи авлод чўлқуварларидан ҳисобланади. «Мен-қишлоқнинг оддий боласи умрим давомида Ватанимиз ва халқимизнинг бошидан нималар кечган бўлса, барчасига шерик ва ҳамроҳ бўлдим» - дейди. Чўлни обод қилишда ушбу инсонни меҳнати муносиб тақдирланди.

Сурхон Шеробод чўлини ўзлаштиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшганлардан яна бири Бандихонлик Холик Муродов. 1954 йилда биринчилар қатори чўлга кўчиб келди. Ўз тақдирини чўлқуварларни болаларини ўқитиш, билим бериш ва келажакда ёш мутахасис кадрларни тарбиялаб вояга етказишда муносиб хисса қўшди. Кейинчалик ўз тақдирини хўжалик ишига боғлади.

1980 йилларида Музработликлар 100 минг тонна пахта, 100 минг тонна ғалла етиштириб, ишлаб чиқариш бўйича ташаббускор бўлди. Пахта хосилдорлиги 27-28 центнердан 30-32 центнергача айрим пахта бригадаларида хосилдорлик гектар бошига 55-60 центнерга етказилди. Музработ обод масканга айлантирилди. Ирригация ва мелорация ишлар яхшиланди. Республикамизда етакчи туманлардан бирига айланди.

«Бешқўтон» массиви 1959 йилдан эътиборан Шеробод туманига олиб борилди. 1959-1969 йиллар давомида чўлда жуда катта ишлар қилиниб, чўлқуварларнинг шижоати ҳақида кўплаб ҳикоя қилиш мумкин. Биринчи чўлқувар механизатор Имом Шукуровнинг «Уч авлод қувончи» Бойсунлик олим Қулмамат Авлиёкуловнинг «Шеробод машъали» китобларида чўлнинг илк қалдирғочлари ҳақида батафсил ҳикоя қилишган.

1951 йилнинг Бахоридан бошлаб Панжоб, Шўроб, Селибели, Қоработқоқ аҳоли марказлари, Шўрчи районига қарашли (ҳозирги Олтинсой тумани) Жиндибулоқ қишлоғидаги Қоратепа (ҳозирда Гулистон) мавзесига 64 хўжалик 100 фоиз мажбуран Музработга кўчирилди. 1949 йилда Шеробод районидаги Хомкон, Калламазор қишлоқлари аҳолиси Ангор райони(ҳозирда «Таллимарон») га тўлиқ кўчирилди. 1959 йилда Совет ҳукуматини «Хутор системасини тугатиш, қишлоқларни шаҳарларга яқинлаштириш ҳақидаги» махсус қароридан сўнг қишлоқларни кўчириш авжига чиқди.

Сариосиё Авлод қишлоқ аҳолиси Сариосиё районидаги «Шарғун посёлкасига кўчирилди. Ҳозирда бу аҳоли марказида Бойсунликлар қишлоғи бўлиб 350-400 нафар аҳолии истиқомат қилади. Бу кўчиришлар 1963 йилгача давом этди. 1962-1965 йил декабр ойигача Бойсун районини Шеробод районига бирлаштирилиб юборилди. Қашқадарё вилояти Сурхондарё вилоятига кўшиб юборилиб, вилоят маркази этиб Термиз шаҳри белгиланди. Бу ишлар ўша давр Совет ҳукуматининг урушдан кейинги миллатга нисбатан тазйиқи бўлди.

1950 йилларнинг охири 1960 йилларнинг бошида барча жамоа хўжаликлари тугатилиб, улар бирлаштирилиб давлат хўжалиги тузулди. Хўжаликларда шахсий ёрдамчи хўжаликларининг майда ва қорамол, товук, қуён сақлашлари таъқиқланди. Бу эса қишлоқ хўжалиги тармоғини хусусан чорвачиликни ривожлантиришга катта зарар етказди. Аҳоли аҳволи оғирлашиб, 1961-1964 йилларда яна озиқ-овқат маҳсулотларига картонча (талон) тизими жорий этилди. Жамоа хўжаликларини тугатиш, уларни ўрнига давлат хўжаликларини ташкил этиш, деҳқонлар ва давлат хўжалигига ишчиларини ривожлантиришга рағбатлантириш, қишлоқ меҳнаткашларининг маънавий бойитишга ва жисмоний камолга йўналтириб, қишлоқ аҳолисининг онгида ва турмушидаги ўтмиш сарқитларини тугатишга кўмаклашиши лозим деб белгиланди. Афсус, бу сиёсат нотўғри эди.

Бойсун туманидан Сурхон-Шеробод воҳасига кўчиб борган аҳолини кундалик ишларини йўналтириб туриш учун вилоят «штаби» тузулиб, 1954-1956 йилларда унга Саъми Саъдуллаев раҳбар этиб тайинланди. Вилоятда қуруқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, суғориш, ирригация ва мелорацияни янада яхшилаш асосида пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалик соҳасига ташкилотчилик қилганлигини ўз кўзи билан кўриб, таҳлил этиб ижро этган. Ушбу топшириқларни бевосита қатнашиб ва уни ижро этган Саъми Саъдуллаев кексалик даврида яъни 1976 йилда «Сурхондарёда қуруқ ва бўз ерларини ўзлаштириш, пахтачиликни янада ривожлантириш учун кураши (1959-1970 йиллар Сурхондарё вилояти мисолида) мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаб, тарих фанлари номзоди бўлди. Унинг номзодлик диссертациясида келтирилган маълумотлар келгуси авлод ёшлари учун тарихий ҳужжат бўлиб қолди.

Сурхондарё вилоят ижроия кўмитасининг 18 апрел 1949 йил 220 сонли, Бойсун туман ижроия кўмитасининг 18 май 1949 йил 114 сонли қарорларига асосан «Сурхон» савхозига Бойсун туманидан қуйидагича кўчирилган: Сайроб қишлоқ кенгаши Ленин жамоа хўжалигидан 35 хўжалик, Сталин жамоа хўжалигидан 25 хўжалик, Ворошилов жамоа хўжалигидан 10 хўжалик, Дарбанд қишлоқ кенгаши Октябр жамоа хўжалигидан 15 хўжалик, К.Маркс жамоа хўжалигидан 20 хўжалик, Янгибод қишлоқ кенгаши ижтимоий куч жамоа хўжалигидан 10 хўжалик, Деҳқонобод қишлоқ кенгаши Янги замон жамоа хўжалигидан 10 хўжалик ҳаммаси бўлиб 125 хўжалик кўчирилди.

Бойсун-халқ хўжалигини ривожлантиришда ўзини меҳнати билан муносиб ҳисса қўшганлар. Шулар жумласидан Алиев Холмирзо, Жўрақулов Нормурод, Менглиев Қорабой, Атаев Турди, Алимрдонов Холиёр, Ҳамидов Хайдар, Тошматов Эсан, Нуоров Эрон, Собирова Иззат, Холикова Зиёда, Шаропов Абдулло, Розикўлов Норқул, Пиримов Эрон, Мирзаев Усмон, Тоғаев Нормат,

Муродов Болта, Бўронов Соат, Мукаев Зайнулло, Мирзаев Дамин, Поёнов Омон, Ўринбоев Болта, Рахимов Карим, Эшқулов Хурсан, Каримов Мамараим, Жумаев Рашид, Донаев Алламурод, Келишганов Бойтўра, Хўжамқулов Омон, Бегимқулов Худойшукур, Юсупов Турди, Хўшмуротов Дўстали, Ашуров Соат, Камолов Мирзо, Жумаев Жўра, Турсунов Иброхим, Пиров Муҳаммади, Бозоров Назар, Турсунов Иброхим, Тошпулатов Исмоил, Эшқурбонов Хожиқул, Сиддиқов Ҳамро, Мустафоқулов Чўтбой, Эшқулов Мажит, Умаров Шуқурилло, Жумаев Аҳмад, Жабборов Бўри, Ёдгоров Рашид, Солаев Раҳмон, Каримов Ҳолид, Нуров Рамазон, Самадов Оллоқул, Қосимов Салом, Диёров Имом, Кўчкинов Муҳаммади, Рўзиқулов Чўтбой, Ғаниев Оқбой, Устаев Махмуд, Ҳамроқулов Рўзиқул, Нурматов Жўра, Бобоқулов Ашурқул, Ҳамроқулов Неъмат, Музропов Эшболта, Абдурахмонов Ҳолиқул, Бозоров Боли, Аминқулов Норбой, Катаев Мухитдин, Худойқулов Менгниёз, Йўлдошев Салоҳиддин, Нормаматов Ҳолмамат, Мирзамуродов Акрам, Шойимқулов Нормамат, Эшмуродов Эрмўмин, Алиёров Дўсиёр, Менглиев Қудрат, Назаров Райим, Сатторов Салим, Қодиров Юсуф, Имомов Исмат, Бўриев Шоймардон, Рашидов Ҳамид, Хасанов Жўрақул, Абдурайимов Раҳматхожи, Асимов Шомат, Хаитов Нормамат, Қосимов Ваҳоб, Қудратов Ҳамид, Мустафоев Норбой, Рашидов Наби, Қурбонов Қодир, Фозилов Нормамат, Абдурайимов Қахҳор, Холмаматов Абдурахмон, Жабборов Махмуд, Хурсандов Омон, Бозоров Кўчар, Бўриев Қахҳор, Бўриев Абдурашид, Умаров Неъмат, Рамазонов Неъмат, Маматалиев Абдулло, Назаров Мустафоқул, Пардаев Йўлдош, Аҳмедов Хоним, Таланов Юрий, Шойимқулов Собир, Солаев Зариф, Тўрақулов Пўлат, Арслонов Каромат, Норматов Темир, Скриниский Ю.И, Бондариц М.Г, Бобоев Йўлдош, Азамов Воҳид, Жалилов Ғаффор, Холиков Парда, Абдухолиқов Хурсанд, Равшанов Хафиз, Равшанов Хайрулло, Эшқобилов Шердон, Хайдаров Жума, Турнаев Руфат, Бекмуродов Мамаюсуф, Болтаев Шайдулло, Одинаев Тангриқул, Чоршанбиев Хидир, Погребияг.Г.Д, Тўраев Мамат, Нормаматов Пўлат, Набиев Саид, Абулхайров Нарзилло, Раҳмонов Истат, Сатторов Рамазон, Раҳмонқулов Иброхим, Алиев Хусанд, Алимов Хикмат, Ҳамроев Ҳамид, Жумаев Жалил, Маслюкевич Виктор, Бочарова А.А, Тошбоев Шойим, Акрамов Аҳмад, Сатторов Жумалар ўзларининг муносиб меҳнатлари билан ҳисса қўшдилар.

Шунингдек районнинг тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшган районнинг биринчи раҳбари бўлиб ишлаганлар: Ағаев Зиё(1926-1930), Назиров (1930-1932) Каримов Шоқир (1932-1934), Зокиров(1935-1937), Папов В.Н(1937-1939), Бойбўтаев Алимқул(1939-1945), Тошматов Абди(1945-1947), Саидов Очил(1947-1949), Ҳакимов Мухтор(1950-1952), Хидоятлов Музаффар(1952-1955), Жўраев Эргаш(1955-1957), Сағитов Азизқул (1957-1959), Асомов Салоҳиддин(1960-1961), Давлатов Жума(1961-1962), Бойсун тумани Шеробод районига қўшиб юборилди. (1962-1965 декабр), Холиқов Хуррам (1966-1970), Муҳаммадиев Эсерган (1970-1973), Шарофиддинов Химойиддин(1970-1973), ижроия қўмита раиси (1973 -1975), биринчи раҳбар, Насретдинов Бахшилло(1975-1978), Соатмуродов Алламурод (1978-1985), Хомяк В.П (1986-1987), Ҳамроев Тўрақул (1987-1991), 1991 йил 1 сентябр мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилиши биланок, ҳокимлик лавозимлари жорий этилди. Бойсун туманининг илк ҳокими Тўрақул Ҳамроев

(1992 март-2002 октябр), Бойниёзов Эркин (2002-2008), Тангриев Панжи(2009 йил март ойида), шу билан бирга вилоятда ва бошқа туманларда ишлаб ўзларини амалий ёрдамлари билан хисса қўшганлардан : Хуррам Жўркулов, Нусратулла Тоғаев, Эшқобил Жўрақулов, Омон Жўрақулов, Чоршанбе Сафаров, Парда Сафаров, Хайрилло Мажитов, Очилди Эргашев, Умарали Хўжақулов, Тошбой Бердиев, Холмурот Жўраев, Шариф Бобоев, Чори Қувандиқов, Мамади Нормаматов, Парда Худоёров, Файзулло Алимов, Собир Саъдуллаев, Ҳаммид Жабборов, Ботир Алимов ва бошқалар. Бойсун давлат хўжалигига 211307 га ер майдони 6 та бўлим ташкил этилиб, давлат идора ва муассасаларида ишловчилардан ташқари барча хўжаликлар унинг ихтиёрига ўтказилди. Район ижро қўмитасининг 4 –декабр 1957 йил 233 сонли қарорига асосан туман бўйича жами ер майдони 298887 гектарини ташкил этиб, шу жумладан хайдаладиган ер майдонлар 18568 гектарни, шундан сувли 3496 гектар (Бешқўтон ичида), лалми ер майдони 27095 гектарни ташкил этган. Бойсун районида мевали боғлар, тоқлар 1116 гектарни ташкил этиб, шу жумладан боғлар 704 гектар, узумзорлар-397 гектара, тут майдонлари-15 гектар, ўрмонлар 11724 гектар, аҳолии томарқа майдонлари 626 гектарна ташкил этди.

Бойсун районида чорвачилик хўжаликлари тўғрисидаги 1 октябр 1957 йилдаги маълумот таҳлили

№	Район бўйича	«Бойсун» давлат хўжалиги	«Бешқўтон» давлат хўжалиги	Жами район Бўйича
1	Қорамоллар	3525	1575	5100
2	Шу жумладан-Сигир	1070	530	1600
3	Қорақўли қўй-хаммаси	10900	2040	13000
4	Хисори қўй-хаммаси	43100	19900	63000
5	Эчкилар	19100	8900	28000
6	Отлар	2614	1386	4000
7	Товуқ	9000	5500	14500

1960 йилга келиб, Бешқўтон массиви Шеробод районида қўшилиб, Бойсун райони ихтиёрида «Бойсун» давлат хўжалиги-ягона давлат хўжалиги сифатида фаолият юритди.

Дастлаб хўжаликни Бойсун район ижроия қўмитасининг раиси бўлиб ишлаган Сафар Соhibов раҳбарлик қилди (1957-1959), кейинчалик қозоқ миллатига мансуб Тасбу Устемиров (1959-1962), Қахҳор Бўриев (1962-1966), Эшмамат Маматқулов (1966-1970), Шукур Қаршиев (1970-1978), Ғани Алиев (1978-1986), Ҳолмурод Рахимов (1986-1989), Хидир Чоршанбиев (1989-1993), Бекқул Тошбоев (1993-2000), Бойназар Норқобиловлар раҳбарлик қилишди.

1964 йилда хўжалик гўшт-ёғ йўналишидаги «Бойсун» насилчилик заводига айлантирилди. Дастлаб гўшт-ёғ йўналишидаги думбали, дағал-жунли хисори қўй зоти отлари ташкил этилди. Кейинчалик Ангор зотли твит етказиб берадиган эчкичилик соҳаси ҳам ташкил этилди. 1989 йилда хўжаликни умумий ер майдони 97134 гектар бўлиб шундан хайдаладиган ер майдони 7598 гектарни ташкил этиб, 4248 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 1303 минг сўм соф фойда билан яқунлади. Хисори қўйлар бош сони 29109 бошга, шу жумладан она

қўйлар 15505 бошга, эчкилар 14486 бош, шу жумладан она эчкилар 6250, паррандалар 6200 бошга етказилди.

Хисори қўй зоти - гўшт-ёғ йўналишидаги думбали, дағал жунли қўй зоти. Тожикистоннинг Хисор тоғи этаклар халқ селекцияси йўли билан чиқарилган қадимги қўй зотларидан бири. Хисори қўй зоти танасининг узунлиги ва кенглигини йирик думбаси, тоғ шароитига ва яйловдан-яйловга кўчишга мослашганлиги, тез етилиши, кенг кўкрак қафаси, бақувват оёқлари билан бошқа думбали қўйлардан фарқ қилади. Кўчқор ва совлиқлари туқол. Туси малла, қўнғир, қора камдан-кам оқ. Кўчқорларнинг қарчиғай баландлиги ўртача 87 см, узунлиги 85 см, совлиқларники 79 ва 75 см. Кўчқорларининг тирик вазни 110-120 кг (160-180 кг), совлиқларники 80-90 кг (110-115 кг) гача, думбаси ўртача 15-20 кг (30кг) гача, 4,5-5 ойлик эркак қўзиларнинг тирик вазни 50-54кг, серпуштлиги 110-120 фоиз. Хисори қўй зотлари серсут қўйлар ҳисобланади ва совлиқ сути қўзиларни парваришlashга сақланади. Жуни сифати паст. Кўчқорларникидан 1,3-1,5 кг, совлиқларидан 1-1,2 кг жун қирқиб олинади. Жун фақат наMAT (кигиз) тайёрлашда ишлатилади. Йил бўйи яйловда боқилади. Хисори қўйлардан бошқа думбали қўйларнинг зот хусусиятларини яхшилашди. Янги зотлар чиқаришда фойдаланилади. Хисори қўй зоти иштирокида Тожикистон қўй зоти чиқарилган.

1969 йилда хўжаликдаги барча қорамоллар «Боботоғ» хўжалигига олиб борилиб, ихтисослаштириш йўлга қўйилди. Дастлаб хўжаликни маъмурий идораси (1957-1964) йилларда район марказида, 1964 йилдан бошлаб, «Даштиғоз» кишлоғи кўчирилди. Хисори қўйлар бош сони қарийб 80 минг бошга етказилди. Хўжалик 1993 йилда жамоа, 1999 йилда ширкат, 2007 йилдан буён фермер жамоа хўжалиги уюшмаси тузулиб, фермер хўжаликлари ташкил этилди. Хўжалик аҳли ўзларининг илғор кишилари билан халқли равишда фахрланадилар. Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати этиб сайланган сутсоғувчилар: Ойсоат Тоғаймуродова, Ойсоат Жумаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор Рахмон Равшанов, чорва дарғалари Болта Қудратов, Чори Янгибоев, Хуррам Шуқуров, Рўзи Тошбоев, Чутбой Рўзиқулов, Очил Жўрақулов, Мустафоқул Нодиров, Юсуф Нормуродов, Рауф Равшанов, Мусулмон Хайдаров, Тоштемир Назаров, Жўра Жуммаев, Мухаммади Кўчкинов, Имом Диёров шунингдек Бахром Рамазонов, Иброхим Чориев, Алламурод Рахимов, Намоз Хўжанов, Юсуф Болтаев, Рамазон Махсум Хурсанов, Нажим Мухиддинов, Рустам Хурсанов, Рахмон Ғаниев, Махмудхўжа Йўлдошев, Бобоҳон Қорабоев, Неъмат Равшанов, Ғайрат Ҳамроев, Чори Нормуродов, Мирза Даминов, Тўрабой Маммадиев, Хосият Хуррамова, Хосият Бурхонова, Мамаюсуб Чориев, Лола Ражабов, Қодир Жўрақулов, Эшбой Менглиев, Холиқ Мамасолаев, пиллачи Ойсулув Қобилова, Тунук Намозова ва Норқобилова, шунингдек Мирза Султонов, Эргаш Шуқуров, Холбой Пардаев, Жума Мўминов, Сафар Менглиев, Неъмат Сатторов, Тошпўлат Рахимов, Абрайқулхожи Эшниёзов Алимқул Даминов, Ғани Алимов Хожимурод Ҳолбоев, Намоз Абдурахмонов, Қаям Рахмонов, Эсан Тўраев, Ҳамид Ибрагимов, Аллаберди Сохибов, Исо Тошбоев Турдиали Алламуродов, Берди Равшанов, Эсан Хусанов, Эргаш Ражабов, Эшмурод Йўлдошев, Эсан Диёров, Мардон Қурбонов, Менглихожи Тошбоевлардан ҳақли равишда фахрланадилар.

«Работ» давлат хўжалиги- 1964 йилда Бойсун давлат хўжалиги таркибидан чақирилиб, боғ-токчиликка ихтисослаштирилган хўжалик ташкил этилди. 1989-йилда умумий ер майдони 6018 гектар шу жумладан хайдаладиган ер майдони 1892 гектарни ташкил этди.

Хўжалик базасида узумни қабул қилиш (вино йўналиши бўйича) пункти ташкил этилган. Хўжаликда 2000 бош қорамолга мўлжалланган (сут йўналиши бўйича) замонавий қорамолчилик комплекси қурилиб ишга тушурилди. (1982). Дастлаб хўжаликда Неъмат Умаров(1964-1973). Кейинчалик Неъмат Рамазонов (1973-1977), Хўжам Худоёров(1977-1985), Рустам Жабборов(1985-1991), Абдужаъфар Акрамов (1991-1996), Жалил Менглиев(1996-2003), Нормурод Алланазаров(2003-2006) раҳбарлик қилишди. Хўжалик 1992 йилдан жамоа хўжалигига, 1999 йилдан ширкат хўжалигига, 2006 йил 16 январдан фермерлар уюшмасига айлантирилди. Бугунги кунда хўжалик ахли ўзларини илғор кишилари билан ҳақли равишда фахрланмоқдалар. Орол Каримов, Жўрақул Эралиев, Мадат Қодиров, Ёдгор Холиқов, Ҳамид Тошқулов, Муста Имомов, Холмамат Ёров, Соли Мамарасулов, Абдулла Худойкулов, Холмурод Чориев, Салим Дўстқулов, Шукур Маматов, Равшан Маматов, Холмамат Нормаматов, Ваҳоб Умаров, Ражаб Мусулмонов, Разоқ Чоршанбиев, Қудрат Эсанов, Бабоҳон Рахимов, Чори Тўрабоев, Бўри Жабборов, Холмўмин Шойкулов, Жума Хайдаров, Жўра Нодиров, Ҳамид Қудратов, Қодир Қурбонов, Донохол Рўзиқулова, Дусанов Парда Холиқов, Самад Тўраев, Болта Холмаматов, Равшан Норбоев, Рашид Холиқов, Музаффар Асроров, Равшан Бобоқулов, Мажит Сатторов, Қулмамат Гаффоров, Холиёр Рахимқулов, Хамро Холлов, Берди Очиллов, Холбой Шарипов, Салим Мамарахимов, Салим Хамдамов, Умрполвон, Тожи Қосимов, Ахмад Рамазонов, Чўтбой Холмаматов, Салоҳиддин Йўлдошев, Юсуф Бекқулов, Холмурод Намозов, Ваҳоб Қосимов, Қодир Жалилов, Турғун Ахмедов, Абдуқаххор Расулов, Нормурод Мусаев, Саттор Хамроев, Очил Жўраев, Юсуф Жўрақулов, Чўтбой Хурсанов, Нормамат Холиқов, Расул Мавлонов, Жўра Чориев, Жума Хасанов, Вали Ғалламов ва бошқалар.

«Сайроб»-давлат хўжалиги 1958 йилда Бойсун давлат хўжалигидан ажралиб чиқди ва қоракўлчиликка мўлжалланган хўжалик ташкил этилди. 1926 йилда «Сайроб» қишлоқ кенгаши тузулган, унинг биринчи раиси этиб араб миллатига мансуб Тўра Али ўғли Раис бўлган.

1931-йилда районда ёппасига коллективлаштириш бошланган. Район марказида яшовчи зиёли Мирзаев Жўра Сайроб қишлоғидаги бошланғич мактабда илмий бўлим мудирини, ўқитувчини бўлиб ишлаган ва қишлоқда жамоа хўжалигини тузиш бўйича район фирқа кўмитасининг вакили сифатида иштирок этган. Жамоа хўжалигини тузишда Совет ҳукуматининг раҳбарларидан бири Каленин иштирок этди. Шунда илк бор қишлоқда 3 та жамоа хўжалиги тузулиб, жумладан, 1) Файзулла Хўжаев номли жамоа хўжалиги (биринчи раиси Тўра Али ўғли. Унгача қишлоқ Кенгаши раиси бўлган). 2) Каленин номли жамоа хўжалиги (биринчи раиси Холбой Дона). 3) Ворошилов номли жамоа хўжалиги (биринчи раиси Тўрақулов Сарибой)

Ўзбекистон ҳукуматининг махсус қарори билан хўжалик кўк ва қора сурга ихтисослаштирилган қоракўли кўйлар олиб келиниб ривожлантирилди.

Хўжаликда дастлаб Тоғаев (1958-1960), Нормуродов (1961-1964)

кейинчалик Омон Тошматов(1964-1975), Рахмон Бўриев (1975-1986), Хайиткул Маматкулов (1986-1990), Шукур Пардаев(1990-1994), Холмурод Рахимов(1994-1996), Акмал Чошев(1996-1998), Абдимўмин Бойбулов(1998-1999), Мамаражаб Хусанов(1999-2001), Холмурод Рахимов(2001-2008), Эркин Эсанов(2009 йилдан) лар раҳбарлик қилишади. Дастлаб 2 бўлим 3 ферма ташкил этилиб 40 минг бош қоракўли қўйлар беркитиб берилди. Хўжалик район, вилоят ва республикада донгдор хўжалик бўлиб қолди. Хўжаликдан меҳнат қаҳрамони Эргаш Шамаев етишиб чиқди. Хўжалик Омон Тошматов (1964-1975), Рахмон Бўриев(1975-1986) раҳбарлик қилган йилларида самарадорлик ва иқтисодий кўрсаткичлар яхши бўлди. Хўжаликда кейинги 20 йил ичида (1996-1986) мол бош сони 2 бараварига ўсди. Хўжалик ободонлаштирилди. Хосилдорлик ошди. Ерларни мелоратив ҳолати яхшиланди. Хўжалик 1970 йилда Бутуниттифок халқ хўжалик кўргазмасини Олтин медалига сазовор бўлди.

1985 йилда умумий ер майдони 59399 гектарни, шу жумладан хайдалган ер майдони 4637 гектарни ташкил этди. Қорамоллар бош сони 740 бошга шу жумладан сигирлар 390 бошга, қоракўли қўйлар бош сони 28000 бошга шу жумладан она совлиқлар 16100 бошга етказилди.

«Сайроб» 1992-2000-йилларда жамоа хўжалиги, 2000 йилдан ширкат хўжалигига айлантирилди. «Сайроб» ширкат хўжалиги, хўжалик аъзоларининг шартнома асосида ва ҳамкорликда, хўжалик юритиш мақсадларини кўзлайдиган ихтиёрий бирлашиб, иш юритиш асосида ташкил этилган бўлиб, мулк муассислик шартнома ва хўжалик Устав асосида қурилган.

Хўжалик ахли ўзларининг илғор кишилари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Алланазар Алиев, Болта Алиев, Маматкул Бойбулов, Кенжа Менглиев, Арбоб Дуков, Бўри Жуммаев, Жумакул Бердиев, Сафар Баротов, Усмон Ризаев, Самандар Зоиров, Кенжа Назаров, Райим Назаров, Эргаш Шамаев, Қўнғир Суюнов, Жовли Диёров, Эрмўмин Эшмуродов, Хакназар Хаққулов, Холмурод Шониёзов, Дўсиёр Алиёров, Холбой Эсанов, Саъдулла Диёров, Тўрабой Одинаев, Воҳид Тангрикулов, Сафар Мўминов, Абдимурод Қулиев, Эшбой Бойназаров, Болта Сатторов, Абдуллахон Боқиев, Аваз Бойқобилов, Омонов Исмоил Омонов, Одина Акабоева, Завра Бозорова, Маматкул Рахимкулов, Примкул Рахимкулов, Розия Бекматова, Жўрабек Равшанов, Шоди Туропов, Шоймардон Болтаев, Мухиддин Катаев, Шермат Тилабов, Холтўра Хайитмуродов, Жума Шойимов, Мамасаит Улашов, Норбой Аминкулов, Рўзи Алламуродов, Ахмад Қулмўминов, Шодмон Эшмуродов, Тўхта Кенжаев, Муҳаммади Дуков, Шайдулло Болтаев, Исмоил Бахромов, Арслонхон Бахромов, Нарзулло Бердиев, Басанда Катаева, Норбиби Атаева, Розия Валиқулова, Олим Аъзамов, Боли Бозоров, Бозор Тошпўлатов, Махматнаби Бердимуродов, Панжи Қурбонов, Оқбой Ғаниев, Шердон Эшқобилов, Абдумўмин Воҳибов, Шодди Жумаев, Рамазон Бобомуродов, Абдумажит Кенжаев, Исмоил Рамазоновлар фидокорона меҳнати билан хурматга сазовор бўлди.

«Дарбанд» давлат хўжалиги-Ўзбекистон ҳукуматининг махсус қарорига асосан 1970 йилда йилқичиликка ихтисослаштирилган хўжалик ташкил этилди. «Сайроб» давлат хўжалигига қарашли: Дарбанд, Шўроб, Гурхожи, Қоработқоқ, Газа, Хўжадияк, Пастки Мачай, Ўрта Мачай, Юқори Мачай, Қизилнавр, Кентала қишлоқлари ушбу хўжаалик ихтиёрига ўтказилди.

1989 йилда Умумий ер майдони 34795 гектарни, шу жумладан хайдаладиган ер майдони 3933 гектарни ташкил этди. Қорамоллар бош сони 797 бошга, шу жумладан сигирлар 376 бошга, эчкилар 3926 бошга шу жумладан, она эчкилар 1841 бошга, отлар 483 бошга шу жумладан, биялар 190 бошга, паррандалар 2500 бошга этказилди.

Хўжаликда дастлаб Ҳамид Қодиров(1970-1971) раҳбарлик қилди, кейинчалик Иззат Қаҳҳоров (1971-1982), Абдуҳаким Мўминов(1982-1986), Раҳматилло Хайдаров (1986-1989), Нажмиддин Тангрикулов(1996-1999), Жўра Каримов, Холиёр Назаров, Хўшмурод Холмўминов, Анвар Кенжаевлар раҳбарлик қилди. Хўжалик 1992-1996-йилларда жамоа хўжалигига, 1996-2005 йилларда ширкат хўжалигига, кейинчалик фермерлар уюшмасига айлантирилди.

Хўжалик аҳли ўзларини илғор кишилари билан фахрланадилар, Жумладан, Абраҳмат Бўтаев, Абди Солаев, Жума Жўраев, Тўтти Чориева, Юсуф Маматкулов, Неъмат Хамроқулов, Абдуқаҳхор Рамазонов, Рустам Азимов, Гуломқодир Алибоев, Шерали Хуррамов, Чори Абдурахмонов, Норқул Примов, Авлиёқул Мирзаев, Сафаргул Омонова, Менглимамат Эрмаматов, Қаюм Нормаматов, Қарши Беккамов, Раҳим Бобоев, Неъмат Шайнаев ва бошқалар.

«Мачай» давлат хўжалиги-Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига асосан беда-уруғчиликка мўлжалланган, ихтисослаштирилган хўжалик ташкил этилди. «Дарбанд» давлат хўжалиги ҳисобидаги Пастки Мачай, Ўрта Мачай, Юқори Мачай, Қизилнавр, Кентала, Хожадияк, Газа кишлоқлари бириктириб, берилди. 1989 йилда умумий ер майдони 7535 гектарни, шу жумладан, хайдалган ер майдони 1116 гектарни ташкил этди. 60 тонна беда уруғи етиштирди. Эчкилар бош сони 1415 бошга, шу жумладан она эчкилар 700 бошга этказилди.

Дастлаб хўжаликда Маматкарим Тўраев(1980-1985), Собир Маматалиев (1985-1990), Хусан Раҳимов(1990-1992), Давлатмурод Жўраев(1992-1993), Турсунқул Атақулов(1993-1995), Қобил Рашидов(1995-1998), Тожимурод Поёнов(1999-2003), Бахтиёр Одинаев(2003-2005)лар раҳбарлик қилди.

Хўжалик 1992-2005-йилларда жамоа хўжаликлигига, 2005-йилдан деҳқон-фермерлар уюшмасига айлантирилди. Бугунги кунда тоғли хўжалик аҳли ўзларининг илғор кишилари билан фахрланадилар. Жумладан, дон устаси-селекционер Мислима Бегимова, унинг умр йўлдоши Соатқул Худойқулов, шунингдек Ихлима Бўронова, Умарали Хўжақулов, Холмат Саидов, Сафар Мўминов, Кенжа Ражабов, Болта Ўринбоев, Умбар Эшназаров, Нормурод Омонов, Норпўлат Каримов, Тураназар Норқулов, Мустафоқул Олимназаров, Жўраназар Омонтурдиев, Хусан Шайнаев, Тошбой Нуримов, Эшонқул Отақулов, Маматраим Тоғаев, Маматраим Каримов, Маматраим Жўраев, Сайлов Мустафоқулов, Норпўлат Жўраев, Боймурод Алимов, Ражабали Бекпўлатов, Сафар Худойбердиев, Нормат Одинаев, Сафарали Жўрақулов, Тиловмурод Бозоров, Хуррам Эшқувватов, Эрмўмин Абдулмўминов, Саттор Бекмуродов, Беккелди Сафаров, Нормат Эшонқулов, Эшдона Холбоев, Юсуф Мамараҳимов, Мусулмон Омонқулов, Эгам Абдирахимов ва бошқалар.

«Кўрғонча»(кейинчалик Дуоба 1990 йилдан) давлат хўжалиги беда-уруғчиликка ихтисослашган хўжалик Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги вазирлигининг 23 декабр 1979 йил 597 сонли буйруғига асосан ташкил этилди. Бойсун давлат хўжалигидан ажратиб берилган. Қайроқ, Дуоба, Гуматак,

Қўрғонча, Дуболо (Дехиболо) Назари, Яккатол, Алачопон қишлоқлари таркибида ташкил этилди. Хўжалик 1992 йил жамоа хўжалигига, 2006 йилдан 25 та хўжалиги уюшмасига айлантирилди.

Хўжаликка Хидир Чоршанбиев (1980-1989), Умедилло Исмоилов (1989-1994), Болта Ғаффоров (1994-1997), Панжи Қурбонов(1997-2006), Бахтиёр Ғиёсов, Зиёдулло Абдуллоевлар раҳбарлик қилдилар. 1988 йилда умумий ер майдони 14530 гектарни, шу жумладан хайдалган ер майдонлари 1100 гектарга етказилди. 110 тонна беда уруғи етиштирилди. Давлатга 65 тонна беда уруғи сотилди. Хўжаликда Денов, наслчилик бирлашмасидан олиб келинган Абердин-ангус зотли қора моллар кўпайтирилди. Эчкилар бош сони ошди. Хўжалик қарийб 500 гектар янгидан боғ барпо этилди. Шу жумладан, Катта ховворда 12 гектар, Оқтош 12 гектарни, Гашназа 10 гектарни, Дуоба 25 гектарни, Гуматак 15 гектарни, Айлангарсойда 14 гектарни, Яккалмурут участкасида 15 гектар асосан олманинг хумойин нави барпо этилди.

Хўжаликни «Хаввори пўстак» массивига 13 км янгидан ариқ қазилиб сув келтирилди ва 30 гектар янгидан боғ ташкил этилди. Хўжаликда теракчилик ва тут кўчати экиш йўлга қўйилди. 1984 йилда хашар йўли билан 12 хонали участка касалхонаси ва маъмурий бино қуриб битказилди. Шунингдек 1980-1984-йилларда «Кийик» маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қурилиб ишга тушурилди. 30 кмли Бойсун-Дуоба телефон линиялари ўтказилди. Дуоба ва Гуматак қишлоқлари 1989-йилда телефонлаштирилди.

Тошбулоқдан Дуоба қишлоғига 1987-йилда сув қувурлари орқали тоза ичимлик суви олиб келинди. Дуоба қишлоғида 35 квт подстанция қурулиб Дехиболо, Олачопон, Яккатол қишлоқлари 1984-1985-йилларда тўлик электрлаштирилди.

Тоғли хўжалик ўзларини илғор кишилари билан фахрланадилар. Жумладан, Шарипов Хикмат, Абдуллаев Зиёдулла, Абдуллаев Назар, Мирза Нуров, Қудрат Жумаев, Эшбой Тошев, Эшқувват Омонов, Ислон Султонов, Асрор Ботиров, Шойим Муродов, Мухтор Исаев, Саъдулло Темиров, Қарши Худойбердиев, Равшан Махмудов, Рўзибой Ахатов, Жаббор Саидмуродов, Омон Бобониёзов, Ашур Пардаев, Элмурод Хасанов, Расул Ёқубов, Уста Тош Ўрал Бобомуродов, Ғаффур Холиёров, Рўзибой Ахатов, Исмоил Мухбиллаев, Қурбон Исомитдинов, Хабибулла Нарзуллаев, Соат Жумаев, Тилавмурод Зокиров, Асрор Ботиров, Ёрмўмин Қурбонов ва бошқалар.

«Авлод» давлат хўжалиги 1980 йилда Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига асосан тузилиб, асаларичиликка ихтисослаштирилган мазкур хўжалик «Работ» давлат хўжалигидаги Авлод, Сариосиё, Боғиболо қишлоқлари бириктириб берилди. Хўжаликка Матлаб Абдурахмонов (1980-1989), Раҳмон Бўриев (1989-1994), Баходир Қодиров (1994-2000), Хабибулла Султонов (2000-2003), Абдуўжафар Акрамов(2003-2006) лар раҳбарлик қилдилар.

1989 йилда хўжаликка умумий ер майдони 180 гектарни, шу жумладан хайдаладиган ер майдони 150 гектарни ташкил этди. 870 центнер асал етиштирди. Эчкилар бош сони 600 бошга шу жумладан она эчкилар 330 бошга етказилди. Хўжалик 1992 йилдан жамоа хўжалигига, 1996-2005 йилгача ширкат хўжалигига, 2006 йилдан фермерлар уюшмасига айлантирилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш 1980 йилларга келиб, совет

хукуматининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида озиқ-овқат муаммоларини ҳал этишнинг бош йўналишида катта қийинчиликларга олиб келди. Натижада Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетнинг 1992 йил май ойида бўлиб ўтган пленумида 1986-1990 йиллар ва 2000 йилгача бўлган даврда мамлакатни иқтисодий ривожлантириш мақсадида қабул қилган озиқ-овқат программаси ўзининг ижобий натижасини бермади.

1985 йилда КПССнинг навбатдаги пленумида “Агросаноат комплексини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида” қабул қилган қарорида қишлоқ хўжалигини янгирақ усулда бошқаришни ташкил этиш мақсадидаги режасига биноан Агросаноат комплексида ягона бошқарув органлари тузилди. Районларда Агросаноат бирлашмалари (РАПО) қайта ташкил этилиб, барча қишлоқ хўжалиги идора, ташкилотлари Агросаноат бирлашмаларига бириктириб берилди. Хўжалик юрителишнинг иқтисодий усулларига ўтилганда ва ўз ҳаражатларини ўзлари қоплаш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш асосида тўлиқ хўжалик ҳисоби ўтиш асосида ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга ўтилди. Бироқ, ушбу режа фақат хом-хаёлдан иборат бўлиб, ўз таъсирини топмади. 1987 йил январ ойида “Қайта қуриш ва Партиянинг кадрлар сиёсати тўғрисида” ги қарори қабул қилиниб, ишлаб чиқаришда демократияни янада ривожлантиришга меҳнат жамоаларида ўз-ўзини бошқарувни изчиллик билан тадбиқ этишга, ҳар бир меҳнаткаш ўзини амалда ўз корхонасининг “Хўжайини” деб ҳис қиладиган шароитлар вужудга келтиришга ҳаракат қилинган эди. Ушбу ҳолатни бажарилишига маъмурий буйруқбозлик тузуми имконият бермади. 1986 йилда “Мамлакат Агросаноат комплексини хўжалик юрителишнинг иқтисодий механизминини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги қарорига иш ҳаққи фондини 1987 йилдан бошлаб хўжаликларнинг ўзи реализация қилган (ялпи) қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳар 100 сўми ҳисобидан беш йиллик учун баровар нормативлар бўйича барпо этилади, деб кўрсатилган механизм амалда иш бермади. Барча даражадаги (район, вилоят) бошқарув органларининг фаолиятида демография кенгайиб борди. Агросаноат комплексининг барча бошқарув органлари фаолиятида хўжалик ҳисоби принципларини кучайтириш вазифа қилиб қўйилди, ишнинг пировард-натижалари учун уларнинг иқтисодий манфаатдорлиги ва моддий жавобгарлигини ошириш йўлга қўйилди. Юқори бошқарув тизими фаолиятига асоссиз аралашувига чек қўйилса-да, амалда хўжалик юрителишнинг маъмурий усулларида иқтисодий усулларига ўтишга имкон бермади. Ўз-ўзини бошқарув шароитида катта-кичик раҳбарларнинг, барча даражадаги мутахассисларни омилдорлиги, уддабуронлиги, маънавий қиёфаси ва сиёсий етуклиги учун малакаси этишмаслиги сабабли Агросаноат комплексининг молия-кредит механизминини хўжалик ҳисобига ўтказиш амалда натижа бермади. Хўжалик ҳисоби икки хил: умумхўжалик ва ички хўжалик ҳисоби шаклида намоён бўлиб, аммо улар ўртасида ички иқтисодий алоқалар механизми ишламади. Меҳнатни ва унга ҳақ тўлашни режалаштириш, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг илғор усуллари, жамоа пудратчи, оила пудрати жорий этишда имкониятлар эътиборга олинмади.

1987-1989 йилларда Бойсун районидаги 10 та давлат хўжалиги бирин-кетин меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг ижара пудратига ўтиш бўйича

иш шартлари ишлаб чиқилган бўлса-да, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бригада коллективи, звено, оила ва айрим шахслар билан тузиладиган ижара пудрат шартномаси ва чек тизимини жорий этишга маъмурий буйруқбозлик тизими тўсқинлик қилди. Харажатларни ҳисоб-китоб қилиб боришда пул тарқатиш тизимлари жорий этиш, ушбу тизим районда биринчи бўлиб, “Бойсун” давлат хўжалигида ташкил этилди. Бироқ, ушбу тизимни бажаришга маъмурий-буйруқбозлик тизими тўсқинлик қилди.

Хўжаликлар иқтисодий ночор аҳволда бўлиб, йиллар давомида иқтисодий зарар билан ишлаб келиб, хўжаликларни бир-икки йил ичида молиявий фойда билан яқунлашига имконият берилмади. Қайта қуриш даврида туманда иқтисодий кўрсаткичлар асосан юз сўмлик маҳсулотни ишлаб чиқиш учун сарфланган харажатнинг фойдаси 17-30 сўмни ташкил этарди холос. Натижада хўжаликлар ҳар йили миллионлаб зарар берардилар.

Ўзбекистон ҳукуматининг 1989 йил 30 августдаги 212 сонли ҳамда 6 октябрдаги 329 сонли “Ўзбекистон СССР Агросаноат комплекси бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” қарорларига асосан район, вилоят Агросаноат бирлашмалари тугатилиб, уларни ўрнига район давлат кооператив иттифоқи тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

БОЙСУНЛИК ФИДОИЙ ИНСОНЛАРИ.

Инсон юксак камолотга эришиши йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий билишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз ўзи интилайтган сўнги даражадаги бахт-саодатга эришади.

Абу Наср Фаробий

Сохибов Сафар (1917-1987) Бойсун районидаги «Дуоба» қишлоғида туғилган. Термиз Педагогика ўқитувчилар малакасини ошириш институти (1937) ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини (1941) тугатди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1967) мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Вилоят ва туман ёшлар кўмитаси, вилоят ва туман ижроия кўмиталарида раҳбарлик лавозимларида ишлади. Сурхондарё вилоят халқ маорифи бўлими мудири (1951-1956 ва 1964-1977) сўнгра халқ маорифи касаба уюшмаси раиси мувофи бўлиб ишлади.

Бойсун давлат хўжалигининг илк директори (1957-1959) бўлди. Сурхон воҳасида халқ маорифини янада ривожлантириш, маҳаллий кадрлардан мутахассислар етиштириш, замонавий мактаб ва болалар боғчалари биноларини кўришда шахсан фидойилик намуналарини кўрсатди. Ташаббускор, изланувчан, камтарин ва фидойи инсон.

Тоғаев Тўқсон 1898 йилда Бойсун районидаги «Дарбанд» қишлоғида туғилган. 1930-1939 йилларда туман халқ маорифи бўлими мудири бўлиб ишлади. Фидойи, камтарин ва салоҳиятли инсон сифатида танилиб, туманда миллий кадрларни тайёрлаш, ўттизинчи йилларда ёшларини билим олишга йўналтирувчи мураббий сифатида эл назарига тушди. Ўша даврда араб

алифбосидан, лотин алифбосига ўтишдаги энг қийин даврларини мардонавор енгиб, туманда мактаб соҳасида маънавий-тарбиявий ишларини олиб берди. Турмуш ўртоғи Сафарқулова Пошшоҳон (1917-1962 йй) билан биргаликда маданий маиший ишларни ривожланишида муносиб ҳисса қўшиб, туманда маърифат ишларини ташкил этиб, аҳолини саводини чиқаришда, мактаб қурилишига, ободонлаштириш ишларида фаол раҳбарлик қилди. Т.Тоғаев Дарбанд қишлоғини ободонлаштириш ишларига раҳбарлик қилиб, хўжалик худудида боғ ташкил этишда, янги ариқни қурилишида, маданий оқартув муассасаларини қуришда раҳбар бўлиб танилди. Унинг ташаббуси билан Дарбанддаги булоқ сувларидан фойдаланиш, ягона йўл тизимини қуриш, болалар дам олиш оромгоҳини ишга тушириш, қишлоқни ичимлик суви билан таъминлаш ишлари амалга оширилди. Энг муҳими ибратли оила, саховат фидойиси, шогирдларга муносиб усстоз сифатида эл назарига тушиб, 1973 йилда вафот этди. Т.Тоғаевнинг ибратли ҳаёти мамлакатимиз тараққиёти, ижтимоий маънавий ҳаётида муносиб ҳисса қўшган фидоий инсон сифатида тарих саҳифасида қолди.

Тоғаев Нусратилло 1931 Бойсун районидаги Дарбанд қишлоғида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1953 йил 15 августда Бойсун туманидаги 9-мактабда ўқитувчи бўлиб иш бошлаб, 1959 йил 1 сентябрдан 10-мактабда директор бўлиб ишлади. 1959-1960 йилларда 41-ўрта мактабда директор ҳамда тил ва адабиёт фанидан ўқитувчи бўлиб, ишлаш даврида ўзининг билими, саховати, ташкилотчилиги, инсонпарварлиги билан эл назарига тушди. Халқ манфаатлари йўлида хизмат қилган фидоий инсон Н.Тоғаев 1961-1962 йилларда Бойсун туманидаги №10, №41-ўрта мактабларда директори бўлиб, мактабни ўқув-услубий жараёнини мустаҳкамлашда, мутахассис ўқитувчилар билан таъминлашда катта тажрибаларга эга бўлиб, ўз касбига садоқати, ташкилотчилиги, тўғри сўзлиги ва тафаккур илмига эгаллиги билан кўплаб шогирдлар тайёрлаб берди. Унинг фидоийлиги, ўз касбига садоқати ва ташкилотчилиги туфайли 1963 йил 15 мартда №51 мактабда директори бўлиб ишлаётган вақтида республика раҳбарияти Шеробод райони партия қўмитасига ғоявий мафкуравий ишлар бўйича мутахассис вазифасига ўтказди. Шеробод туманининг иқтисодиётини ривожланишида, маънавий-маърифий ишларнинг юксалишида халқ таълимини мутахассислар билан таъминлашда ўзининг ташкилотчилиги билан танилди. Натижада 1964 йил 10 июлда Шеробод партия қўмитасининг ғоявий-мафкуравий ишлар бўйича бўлим бошлиғига ўринбосар вазифасига тайинланди. 1965 йил 29 мартда Шеробод туман партия қўмитасининг ғоявий мафкуравий ишлар бўйича тарғибот ва ташвиқот ишлари иккинчи котиби этиб тайинланди. Н.Тоғаев ўзининг тўғрисиўзлиги, ишбилармонлиги, кадрларни танлаш қобилияти, камтарлиги, энг муҳими раҳбар сифатида ташаббускорлиги билан давлат ва халқ назарига тушди. Унинг ташаббускорлиги билан Шеробод туманида мавжуд мактаблардан 10 таси тўлиқ қайта таъмирланиб, унинг таклифи билан 4 та янги мактаблар, 13 та қишлоқ жойларда мактабгача таълим муассасалари қуриб ишга туширилди. Шеробод туман марказидаги 6-аҳоли манзилгоҳининг лойиҳасини тайёрлаш ва уй-жой қурилиш ишларига раҳбарлик қилди. Таниқли раҳбар, фидоий инсон Н.Тоғаев 1970 йил 5 январда Гагарин райони ижроия қўмитаси раиси

лавозимида иш бошлаб, туманни халқ хўжалигини ривожланишида қатъий фикр эгаси, тўғри маслаҳатчи, фидоий инсон сифатида танилди. Ижроия қўмитаси раислиги даврида район марказида 4 та икки қаватли уй-жой биносини қурилишида, маданият саройи, марказий туман шифохонасини маданият ва истироҳат боғини қурилишида ҳамда район марказининг комплекс режа асосида қурилишида бевосита раҳбарлик қилди. Н.Тоғаев таклифи ташаббуси билан районда 14 та мактаб, 4 та касалхона, 12 та янги аҳоли манзилгоҳ ва қишлоқлар қурилди. Шунингдек, 7 та давлат хўжалик марказларида клуб ва кинотеатрлар ишга туширилди. Туман Марказий кутубхонаси, ва 4 та маданий оқартув клуб бинолари ишга туширилди. Н.Тоғаев маънавият соҳасида амалга оширган ишлари натижасида 250 дан ортиқроқ хонадон тўлиқ электрлаштириб, газ таъминоти йўлга қўйилди. Унинг саховати фидоийлиги, оилапарварлиги, меҳнатсеварлиги ва ўз касбига садоқати туфайли минглаб шогирдлари район иқтисодий тараққиётининг ривожланишида хисса қўшди. 1975 йил 29 декабрда янги ташкил этилган Шоликор давлат хўжалигига раҳбар этиб тайинланиб, шоли экин майдонларини кўпайтириш билан биргаликда, янги шоли навларини яратиш устида изланишлар олиб бориб, хўжалик аҳолисини манфаатларини ҳисобга олган ҳолда хўжаликда уй-жой, маданий маиший бинолар қурилишида раҳбарлик қилди. Мутахассисларни танлаш, жой-жойига қўйиш бўйича ташкилий ишларни амалга оширди. 1978 йил 28 декабрда Ободон қишлоқ кенгашига раис, 1980 йил 11 августда район қишлоқ хўжалиги касаба қўмитаси раиси лавозимларида фаолият кўрсатиб, эътиборли инсон, яқин маслаҳатчи, район ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг фидоий инсони, энг муҳими халқ манфаатларини ҳимоя қилган таниқли ташаббускор раҳбар сифатида фаолият кўрсатди. Н.Тоғаев ўзининг садоқатли умри даврида ватан, халқ манфаатлари учун хизмат қилиш билан бир қаторда одамларни эртанги ҳаётга бўлган умидини мустаҳкамлаш, ногирон, кам таъминланган оилаларни қўллаб қувватлаш, уларга ижтимоий ёрдам бериш, айниқса, ёшларга эртанги орзу умидларини амалга ошириш учун одамийлик, инсонийлик ғояларини сингдиришда хамиша ибратли бўлиб келди. 2002 йилда вафот этган Н.Тоғаевнинг ҳаёт йўли халқимиз ва давлатимизнинг ижтимоий иқтисодий ва маданий тараққиётига муносиб хисса қўшган инсон сифатида тарих саҳифаларида абадий муҳрланди.

Тошматов Абди (1914-1956) Бойсун районидаги «Чаган» қишлоғида камбағал-деҳқон оиласида туғилган. Ёшлигида ота-онасидан етим қолган, катта акаси қўлида тарбия топган ва кейинчалик меҳрибонлик уйида (дегдом) тарбияланган. 1930 йилда 16-ёшли Абди Тошматов комсомол сафига кириб, Термиз Шаҳридаги (Совпаршкола) совет –партия мактабига ўқишга юборилган. Термиздаги мактабни аъло баҳолар билан битириб, жонажон Бойсун туманига қайтиб келади ва тумани ёшлар қўмитасида бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди. Кейинчалик Бойсун тумани ёшлар қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланади. 1935-1937 йилларда 42-тоғли-кавалерия полкида армия хизматини ўтайди. 1937 йилда армия сафидан қайтгач Бойсун туман ижроия қўмитаси кадрлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлайди, кейинчалик эса яна туман ёшлар қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлайди.

Бойсун туман ёшлар кўмитасида ишлаш даврида, туман ёшларидан 200 нафар ёшларни Термиз-Тошкент автомагистрал трактида ишлашга жалб этилди. (Шўроб қишлоғи ёнида). 1938 йилда ВПК(б) аъзоси бўлган. 1940 йилдан фирқа ишига ўтади. 1942 йилда Бойсун туман фирқа кўмитасининг кадрлар бўйича котиби, жуда оз вақтдан сўнг Сурхондарё вилоят фирқа кўмитасининг кадрлар бўйича раҳбари бўлиб ишлайди. 1943-1945 йилларда Москвада ВКП(б) қошидаги фирқа кадрларини тайёрлаш фирқа мактабини ўқиб битирди. Бойсун туманига қайтиб келади ва туман фирқа кўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди.

1945-1947 йилларда қишлоқ хўжалик соҳасида шу жумладан ғалла ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш режаларини вилоятда биринчи бўлиб бажаради. 1948 йилда Сурхондарё вилоят фирқа кўмитасининг мафкура котиби этиб сайланади. 1947 йилда Ўзбекистон Олий Совети дерутати (Бойсун округида) ва 1951 йилда иккинчи маротаба қайта Ўзбекистон Олий Совети депутати этиб (Денов округида) сайланади. 1951 йилда Москвадаги КПСС МК Олий фирқа мактабига ўқишга юборилади.

1955 йилда Олий партия мактабини битириб, жонажон вилоятига қайтиб келади ва Ангор туман фирқа кўмитасининг биринчи котиби этиб сайланади. Ангор туманида кўплаб ободончилик ишларини бажарди. Шунингдек пахта, дон ва чорва маҳсулоти ишлаб чиқаришда вилоятда қарвонбошчилик қилди. 1956 йил 12 сентябрда 42 ёшида бевақт оламдан кўз юмди. У собиқ СССР нинг орденлари билан ҳамда Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиғлари билан мукофотланган.

Оиласи Узукой ая Вахоб қизи билан 4 нафар фарзандни (Хидоятилло, Кароматилло, Бахтиёр ва қизи Зумрад) вояга етказди. Ҳозирда 12 нафар набиралари, 6 нафар чеваралари бор. Ўғли Бахтиёр Термиз Давлат университетида рус-тили кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Спорт билан мунтазам шуғулланган. Кези келганда тўйларда от супуриб чопағонлик қилган. Довжорак ташкилотчи ташаббускор ва фидойи инсон.

Бўтаев Абраҳмат- Бойсун районидаги Шўроб қишлоғида 1920 йилда туғилган. Абраҳмат Бўтаевни на фақат Бойсунда, балки Сурхон воҳасида таниқли дарғалардан ҳисобланади. Отаси Бўта бобо, боболари ҳам овчилик билан шуғулланган. Чорвани иридан-сиригача биладиган инсонлардан. Ана шундай хонадонга ўсиб улғайган Абраҳмат бобо Бўтаев навқирон эпчил, ҳозир жавоб 18 ёшида 1938 йилда армия сафига хизмат қилиб, 1941 йил март ойида қайтиб келди. Уруш бошланмасдан 3 ой олдин Святополда (ҚРИМ) хизмат қилган ҳарбий зобит ўқ отиш бўйича рота бўйича ўтказилган ҳарбий машқда катта маҳорат кўрсатди. Ўша давр тамойилларига кўра бешта ўқ билан бир нишонни уриш бўйича биринчи ўринни олиб, 300 сўм пул ва мактов ёрлиғи билан тақдирланган эди, чунки уни 5 та ўқидан 4 таси аниқ нишонга теккан эди.

«Ёшлигимда мен қушларни осмонга учириб, отиб олар эдим» - дейди биз билан суҳбатда ҳозирда 90 ёшни қоралаган отахонимиз, бизни сулолалар овчилик билан ҳам шуғулланган. 1941 йил март ойида ҳарбий хизматдан қайтиб келган Абраҳмат бобо «Шўроб» қишлоқ кенгашига маъсул котиб бўлиб иш бошлади. Касаллиги туфайли урушга бора олмаган Абраҳмат Бўтаевни қишлоқдошлари катта ишонч билан уни колхоз раиси вазифасига сайлайдилар. 1944-1950 йилларда аввал Рокасовский номли, кейчалик колхозлар

бирлаштирилиб 1950 йилдан Каганович номли колхозда раис бўлди. 1951 йилда Ўзбекистон халқ комиссарлари советининг қарорига мувофиқ, майда-кичик қишлоқлар Хутор сифатида тугатилиб, шу жумладан Шўроб қишлоғи 100 фоиз Шўрчи районидаги Қоратепа массивига янги ерларни ўзлаштириш учун кўчирилди ва Абрахмат Бўтаев барча колхоз аъзолари ва колхоз молу-мулки билан Шўрчидаги Қоратепага кўчиб бориб, яна колхоз раислик вазифасини давом эттирди.

Шундай қилиб сурункасига 22 йил колхозни раҳбарлигини бошқарди. 1966 йилда тақдир тақозоси билан яна туғилган қишлоғида кўчиб келиб аввал «Сайроб» сўнгра «Дарбанд» савхозида бўлим бошлиғи бўлиб 1985 йилгача ишлади. Шўрчида ишлаш даврида Қоратепа массивидан 500 га яқин ер ўзлаштириб, 15 км канал қаздириб сув олиб келди. Каленин колхозини 1800 га ери бўлиб, 5500 тоннага ёки ҳар бир гектар ердан 34-35 центнергача пахта олиб (1953-1963) вилоятда донг чиқарди. Чорвачиликка эътибор берди. Қўйларни 8000 бошга, қорамолларни 1500 бошга, йилқиларни 700 етказди. Бу колхозда панжоблик ҳамшаҳарлар ҳам кўчириб берган эди. 1953-1963 йилларда ҳамма хўжалик республика, вилоятга танилди. 1953 йилда вилоятда ўша даврда фаолият кўрсатган 110 та колхоз, совхоз ичида пахта режасини биринчи бўлиб бажарди. 1953 йил октябр ойининг биринчи ўн кунлигида жуда катта мувоффақиятлари учун унга «Волга-21» енгил автомашинаси, пул мукофоти билан тақдирланди.

Шўробда колхоз раиси бўлиб ишлаш даврида тумандаги 56 колхоз ичида (1948-1950) лалми ғалла хосилини гектар бошига 12 центнерга етказди. Зиғир, беда уруғи етиштириш кўпайди. Колхозни 10 та қўш хўкизини 35 та қўш хўкизга етказди. Урушдан сўнги 1948 йилда биринчи марта, 1950 йилда иккинчи марта вилоят советига депутати бўлди. 1948 йилда тумандан тўрт киши вилоят Кенгаши депутати, булар: А.Тошматов (фирқа котиби), Б.Тўрақулов (раисполком раиси), А.Бўтаев (колхоз раиси), Р.Пирназарова (Газада мактаб директори). 1948 йилда вилоят облизполком раиси Раббим Ортиқов (Самарқандлик) ни шахсан топшириғи билан бизни Термизга махсус самолёт олиб бориб, олиб келар эди деб хотирлади. 1945-1966 йилларда жамоа хўжалигини раиси бўлди. Шўрчидаги «Қоратепа» массивидаги жамоа хўжалигига Ворошилов номли, сўнгра Хурушев, кейинчалик Каленин номи берилди. 1966 йилда Бойсун районидаги «Сайроб» давлат хўжалигига қарашли Шўроб қишлоғига кўчиб келди. Шунда Шўробда 25 хўжалик бўлган, уни катта ташкилотчилиги эвазига 120 хўжаликка етказилди. Чорва моллари бош сонини қўйларни бўлимда 5000 бошга, йилқиларни 500 бошга, қорамолларни 800 бошга етказди. Аламлига 300 га беда экди. Йўл қурди, янги мактаб биноси қурилди. Каленин Колхозни бош хосилоти бўлиб ишлаган. Панжоблик Бердимуродов Махматнабига топшириб қайтиб келдим. Колхозда Аллаёров Бойтўра, Жуллаев Турдиқул, Валиев Бердиназар, Жумақулов Эшгул (пахта бригадири бўлган) каби шўровийлар жонбозлик кўрсатдилар. А.Бўтаев Шўрчида ишлаш даврида Шўрчи МТСида партком бўлиб ишлаган Соатмуродов Жўрақулов билан бирга ишлаган.

А.Бўтаев 1953-1958 йилларда туман Кенгаши совети депутати этиб сайланди. Шўро ҳукумати орден ва медаллари билан мукофотланди. У «Ўзбекистон Республикаси Шухрат медали» билан тақдирланган. 1957 йилда Москвада ВДНХ делегат бўлдим, пахта соҳасида олтин медал олдим. «Илғор

пахтакор» фахрий унвон олдим» - деб эслайди. А.Бўтаевни биринчи оиласи Сохибжамол ая билан 2 қиз 4 ўғли: Усмон-фан номзоди, Умбар, Хасан (ўқитувчи), Абдурайим (инженер) бўлиб ишлайди. Иккинчи оиласидан 3 қизи бор: Қизи Бахтигул Бўтаева-Қизирик туман ҳокими хотин-қизлар раиси бўлиб ишлайди. (2008) У ташкилотчи ташаббускор ва фидойи инсон.

Қурбонов Норқул – 1922 йил 5 декабрда Бойсун тумани Сайроб қишлоқ кенгашига қарашли Панжоб қишлоғида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1939 йил “Галля Фронты” газетасида техник ходим бўлиб, иш бошлаган. Меҳнаткаш, фидойи, изланувчан Н.Қурбонов ҳалол ва виждонан ишлашни ўзига масъулият деб қабул қилган. 1940-1942 йилларда Сурхондарё областини “Илғор Сурхон учун” газетасида корректор ҳамда махсус мухбир бўлиб ишлаб, 1942 йил май ойида Иккинчи жаҳон уруш ҳаракатларида иштирок этди. 1942 йил май ойидан, 1942 йил октябр ойигача Ғарбий Фронтнинг 118-ўқчи дивизиясининг 463-ўқчи полкида сиёсий раҳбар ҳамда ҳарбий ҳаракатдаги қисмлар учун сиёсий шарҳловчи бўлиб, фронтда иштирок этди. 1942 йил октябр ойида жароҳатланиб, 1943 йил январ ойида Москва вилояти Загорск ҳарбий шифохонасида даволанди. 1943 йил январдан 1945 йил декабргача Иккинчи жаҳон уруши ҳаракатларида иштирок этиб, Брянский, Болтиқ Бўйи, Байкал бўйи ҳарбий фронтларида курсант, ҳарбий ҳайдовчи, махсус НКВД бригадаси қисмларида хизмат қилди. 1945 йил декабрдан 1948 йил июн ойигача 296-ҳарбий батальон, Будапешт-Хинган, Кутаиси ҳарбий қисмларида техника таъминоти бошлиғи бўлиб ишлади. 1948 йил сентябрдан 1949 йил сентябргача Сурхондарё вилояти ҳарбий-жисмоний тарбия ёшлар кўмитаси бўлими партия кўмитасига раҳбарлик қилди. 1949 йил октябрдан вилоят ёшлар кўмитаси масъул котиби, вилоят ёшлар кўмитасининг раҳбари, 1952 йилдан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар кўмитаси қошида ташкил этилган икки йиллик партия мактабида ўқиди. 1955 йилда Шўрчи тумани партия кўмитасининг котиби, 1956 йил августдан МТС партия кўмитасининг секретари бўлиб ишлади. 1956 йилда Ангор тумани “Ленин йўли” газетасининг редактори, 1958 йил Термиз тумани тарғибот-ташвиқот гуруҳининг раҳбари лавозимларида фаолият кўрсатди. 1959 йил апрелдан – 1960 йил майгача Термиз давлат педагогика университети кадрлар бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади. 1960-1962 йилларда Термиз шаҳар партия кўмитаси ташкилий бўлимининг ходими бўлиб фаолият кўрсатди. 1962 йилдан умрининг охиригача Термиз шаҳрида жойлашган “Союзнефтэкспорт” таъминот базасида катта инженер вазифасида фаолият кўрсатди. Н.Қурбонов ўзининг бутун умри даврида ҳалол меҳнат қилиш, фидойилик, инсонпарварлик, меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш, ватан манфаатларини ҳимоя қилишга бутун куч ғайратини сарфлади. Ёшларга, оила аъзоларига адолатли, камтарин инсон, меҳнатни кадрлаш, энг муҳими тўғри сўз ва касбга меҳр билан қараш масъулиятини сингдиришга куч бағишлади.

Хўжамқулов Абдулло (1908-1985) Бойсун районидаги «Паданг» қишлоғида туғилган. Меҳнат Қахрамони. Бошланғич маълумотни қишлоғидаги мактабда олган. У ўттизинчи, қирқинчи йилларда қишлоғидаги жамоа хўжалигида ишлади. 1945 йилдан бошлаб Шўрчи районидаги «Камсомол 30 йиллиги» давлат хўжалигида кўчиб бориб ишлади. А.Хўжамқулов меҳнатсеварлиги, инсонпарварлиги, ҳалол, пок, дўстларга содиқ инсонлиги

билан барчанинг иззат ҳурмати қозонди. Хўжаликда жут етиштириш бўйича звена бошлиғи бўлиб ишлади. Унга бириктилган 10 гектар ерга агротехника қоидалари асосида ишлов бериб ҳар йили жутдан мўл ҳосил олишга еришиб борди. А.Хўжамқулов звеноси 1951 йилда 10 гектар ернинг ҳар гектаридан 8,1 центнердан жут уруғи етиштириб, бошқа хўжаликларнинг жут уруғи билан тўла таъминлашда катта ҳисса қўшди. Бу хизматларини ҳисобга олиб 1952 йил 2 октябрда Абдулло Хўжамқуловга **Мехнат Қаҳрамони** унвони берилган. А.Хўжамқулов узоқ йиллар ўзининг беминнат меҳнати билан хўжаликдаги турли соҳа ишларини бажариб келди. У 1985 йилда вафот этган.

Хўжамқулов Маматмурод (1905-1994) Бойсун районидаги «Паданг» қишлоғида туғилган. Мехнат Қаҳрамони. 1930-1940 йилларда Бойсун районидаги собиқ «Қизил куч» жамоа хўжалигида деҳқон бўлиб ишлади.

1941 йилда Шўрчи районидаги «Комсомол» (30 йиллиги) давлат хўжалигига кўчиб келиб ишлади. Бу хўжалик вилоят бўйича жут етиштиришга ихтисослашган эди. У бригадага бошчилик қилди. 1951 йилда 50,3 гектар ернинг ҳар гектаридан 8,3 центнердан жут уруғи етиштирди. Ҳар йили кунжутдан юқори ҳосил олишни таъминлаганлиги учун 1952 йили Маматмурод Хўжамқуловга **Мехнат Қаҳрамони** унвони берилган. У кўп йиллар хўжаликда ҳалол меҳнат қилиб, халқ ҳурматига сазовор бўлган. 1964 йилда иттифок миқёсида нафақага чиққан эди. 1994 йилда вафот этди.

Шамаев Эргаш (1927-1989) Бойсун районидаги «Хомкон» қишлоғида туғилган. Мехнат Қаҳрамони. Қишлоқда дастлабки маълумот олгач, чўпонлик касбини танлаган. 1946-1957 йилларда Шеробод районидаги Ленин номи жамоа хўжалигининг қўйчилик фермасида бош чўпон бўлиб ишлайди. У қўйларни яхши парваришлаб, тўлатиш режани ҳар йили ортиғи билан бажарди. Ундан кейин Термиз районидаги «Таллимарон» давлат хўжалигига ўтиб, 1958 йилгача қўйчилик фермасига бош чўпон бўлиб ишлаб, катта тажриба орттиради. Ҳар 100 бош қоракўли қўйлар, она қўйдан 120-150 тадан қўзи олди. Э.Шамев 1958 йили Бойсун районидаги «Сайроб» давлат хўжалигининг Чилонзор фермасида бош чўпон бўлиб ишлади. У Сурхон воҳаси чўпонлари орасида чорвачиликни (Қоракўлчилик) ривожлантиришнинг ўзига хос мактабини яратди. У қайси хўжаликда ишлаган бўлса доимо чорвачилик маҳсулотларидан: тул олиш, тери, жун тайёрлаш шартнома режаларини ўз вақтида уддалаб келди. 1965 йили отаридаги ҳар юз совлиқдан 144 тадан, 1966 йилда эса 149 бошдан қўзи олган. Э.Шамаев 1960-1965 йилларда қоракўлчилик соҳасида мусобақа ғолиби бўлди. Чорвачиликда қўй, мол сонини янада кўпайтириш, унинг жун, гўшт вазнини оширишда арзигулик ишлар ишлар қилди. 1966 йили чорвачиликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Мехнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланди. Бир қанча орден ва медаллар соҳиби бўлди. У 1965-1982 йилларда токи нафақага чиққанига қадар мусобақа ғолиблигини ўз қўлида сақлаб юрди. 1975-1980 йилларда 415 бош қоракўли она совлиқнинг ҳар юз бошидан 190-290 тадан ортиқ қўзи олиб, вилоят ва туманда энг юксак кўрсаткичга эришди.

У 1977 йилда Қашқадарё вилоят Деҳқонобод районидаги «Деҳқонобод» давлат хўжалиги бош чўпони Мехнат Қаҳрамони Амирали Эшбоевни чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича (тул олиш, тери, жун) ортида қолдириб Республикада ғолибликни қўлга киритди.

Қоракўл тери, жун тайёрлаш шартномаларини доимо ортиғи билан бажариб эл-юрт хурматиға сазовор бўлган донгдор чўпон 1989 йилда вафот этди. **Мехнат Қахрамони** хотираси учун Чилонзор қишлоғидаги 45-сонли мактабга 1991 йилда Эргаш Шамаев номи қўйилган ва унинг бюсти ўрнатилган.

Алламуродов Бўри- 1947 йил 10 июнда Бойсун районидаги «Кофрун» қишлоғида туғилган. Кўплар қатори Донаевлар оиласи Шеробод чўлига Бешкўтон массивига 1954 йил кўчиб келди. Отаси Донаев Алламурод – Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси. 1964 йилда Янгиобод қишлоғи марказидаги 1-сонли Ибн Сино номли мактабни битирди. 1962-1964 йилларда ўқувчилар пахтачилик ишлаб чиқариш бригадасини бошқариб, 10 гектар пахта майдонининг ҳар бир гектаридан 20 центнердан пахта ҳосили олди. Уни ташаббуси республика ёшлар кўмитаси томонидан мақулланди. Унинг бу ташаббуси республика ва вилоят ва туманларда ана шундай юзлаб ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларини ташкил этишда ўрнак бўлди. Унинг ташаббусини қуриш учун ўша йиллардаги республикамизнинг биринчи раҳбари Ш.Рашидов шахсан келиб кўрди ва у билан суҳбатлашди. Мактабни тамомлагач Москвадаги Темирязов номидаги қишлоқ хўжалиги Академиясига ўқишга кириб, 1969 йил битирди. 1969-1971 йилларда Армия сафида хизмат қилди. 1971-1977 йилларда вилоят ёшлар кўмитасида оддий инструктор, бўлим бошлиги кейинчалик вилоят ёшлар кўмитасининг биринчи котиби вазифаларида ишлади. 1977 йилда вилоят фирқа кўмитасида ишга ўтди фирқа кўмитасининг қишлоқ хўжалиги бўлимини бошқарди. 1978-1982 йилларда республика Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалиги ишлари бўйича бўлими мудирининг ўринбосари бўлди. 1982-1985 йилларда республика Марказий Комитети ёшлар ташкилотининг биринчи котиби этиб сайланди.

1985-1987 йилларда Сирдарё вилояти фирқа кўмитаси иккинчи котиби бўлиб ишлаб, 1987-1990 йилларда Наманган вилоят фирқа кўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди. 1990-1994 йиллар Ўзбекистон республикаси касаба уюшмалари республика Кенгаши раиси, лавозимига сайланди, айна пайтда МДХ мамлакатлари касаба уюшмалари конфедерацияси кенгаши аъзоси бўлди. Республика касаба уюшмалари рўзномаси «Ишонч» газетасини (1991) ташкил этишдаги ташаббускорларидан бири. У Хитой, Япония, Афғонистон, АҚШ, Монголия, Европа давлатлари ва бошқа кўпгина хорижий давлатларда хизмат сафариди бўлди. 1994 йилдан буён нафақада. 3 марта Ўзбекистон Олий Советининг депутаты ва бир маротаба Иттифоқ Олий Советининг депутаты этиб сайланди. У қарийб ўн йил давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг президуми аъзоси бўлди. Орден ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган. Оилада 3 ўғил ва 2 нафар қизи бор. Бўри Алламуродов ташаббускор, изланувчан ва фидойи инсон. У қарийб ўттиз йил она Ватани учун хизмат кўрсатди. Юрт равнақи учун ватанпарар намуналарини кўрсатитишини ўзи ҳозирги ёшлар учун ибрат намунасидир. У Бойсун дарғаси.

Амиркулов Қурбон- Бойсун районидаги «Кампирчабоғ» қишлоғида 1939 йил туғилган. Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтини (ТИИИ.СМХ) 1971 йилда битирди. 1989 йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Пахтакор. Икки чакрик - ўн йил Ўзбекистон Олий Мажлиси депутаты бўлди. Ишбилармон. У ўзи ҳақида 1954 йил «Тақдир битиклари» китоби муаллифи. Биринчи чўлқуварлардан. «Мен-қишлоқнинг оддий боласи умрим

давомида Ватанимиз ва халқимизнинг бошидан нималар кечган бўлса, барчасига шерик ва ҳамроҳ бўлдим. Шу Ватан, шу халқнинг орасида ўсдим, улғайдим, меҳнат қилдим. Умуминсоний ақидаларни унутмай, аждодларимиз ўғитларига амал қилиб яшадим. Ҳаётим давомида ақлимни, ҳунаримни ишга солиб, халол меҳнатим билан эл-юртга наф етказишга, шу юртнинг ўғлони сифатида унга хизмат қилишга ҳаракат қилдим.» - деб ёзади у ўзининг китобида. У қаерда, қайси лавозимда ишламасин ҳамиша ўз меҳнати, халол меҳнати билан эл оғзига тушди. Тиниб-тинчимас, саховатпеша бу инсонни Музработ туманида амалга оширган ишлари таҳсинга сазовордир. Қишлоқ хўжалигини кимёлаштириши корхонасига ропа-роса 10 йил ишлади. Вилоятнинг еттита туманига (Шеробод, Термиз, Жарқўрғон, Ангор, Бойсун, Қизирик, Музработ) минерал ўғитларни ўз вақтида етказди. Бунинг учун катта ташкилотчилик ишларини олиб борди.

Биринчилардан бўлиб, ташаббус кўрсатиб, корхона қошида ёрдамчи хўжалик ташкил этди. Жуда қисқа вақт ичида қорамоллар бош сонини 150 бошга етказди. Унинг ўша давр учун катта маъсулияти эди. Унинг ташаббуси «Кўргазмали ёрдамчи хўжалик» сифатида эътироф этилди. Бунинг учун у Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари бўлган Шароф Рашидовнинг раҳматига сазовор бўлди. 1984 йилда «Музработ дон маҳсулотлари комбинатига раҳбар этиб тайинланди. Энди уни ҳақиқий ишбилармонлиги намоён бўлди. 27 минг тонна шолини қабул қилиш омбори қурулишини бошлаб юборди ва тез орада қурулиш битди. 1985 йилда груч тозалаш, омукта ем ишлаб чиқариш цехлари қурилди. Корхонадаги ёрдамчи хўжаликдаги қорамоллар сони 400 бошга етказилди. Энди янги молхона қурулиши бошланди. Бу молхоналарнинг қурулиш материаллари ҳар хил чиқиндилар ҳисобидан барпо этилди. 1989 йилда янги Лимонхона қурилиб битказилди ва элеватор қурулишини бошлади. Кейинчалик дон маҳсулотлари комбинати учун юз тонналик тегирмон қурулиши бошланди.

Совет ҳокимиятини инқирозини сезган ишбилармон, ўзини Олий мажлис депутатлик ваколатидан фойдаланиб Россиядан бир нечта заводларга бориб, газ қувури трубаларини олиб келиш учун шартномалар тузиб қайтди. Тез орада Виксинск қувур заводидан (Москва вилояти) 219 мм қувурдан 200 тонна, Первоуральск қувур заводидан (Свердлов вилояти) 1500 тонна қувурлар олиб келинди. Ўша даврларда тоғли Қорабоғда фуқаролик уруши бораётган бир вақтда (1990) ўзини ҳаётини хавф-хатарга қўйиб Сумгаит қувур заводи (Азарбайжон республикаси) дан 90 вагон қувур олиб келишга эришди. 1992 йилда Россия заводларидан яна 400 вагон газ қувурлари олиб келинди. Бу газ қувурлари Бойсун, Музработ туманларига, Сариосиё районидаги, «Хуфор» қишлоғига, Термиз районидаги ҳозирги «Халқабод» жамоа хўжаликлари ва бошқа қишлоқларни газлаштириш учун фойдаланилди.

Юртбошимизни хайрли ташаббуси билан Бойсун туманига «Ўзнефтвер» бирлашмаси ҳамкорлигида Тангимуш орқали газ қувури олиб келишда ташаббус кўрсатди. Трасса ишларида ишлаётган барча ишчиларга бепул озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турди. Сержахл ва чўрткесар, ишбилармон, саховатли бу инсон сидқидилдан меҳнат қилиб, юрт равнақи келажак авлод учун, Она-Ватанни гуллаб яшнаши учун фидоийлик намуналарини кўрсатди.

Музработ дон маҳсулотлари комбинанти фаол ишчилари учун томарқаси

25 сотихдан иборат бўлган 18 та замонавий уй-жой қурулиб, корхона ишчиларига тарқатиб берди. Барча шароити ҳисобга олинган шинам ва мустаҳкам 250 ўринли мактаб биноси қурулиб ишга тушурилди. Мактаб биноси ёнида мўъжазгина спорт зали, янги чорвачилик комплекси, балиқ хавзаси ва сутни қайта ишлаш кичик цех ва чойхона қурулиб ишга тушурилди. Корхона қошидаги ёрдамчи хўжаликни янада ривожлантириш, чорва бош сонини кўпайтириш ва озуқа базасини яратиш мақсадида қаровсиз ётган абгор, ташландиқ, шўр сув чиқиб, ботқоқ бўлиб қолган 40 гектар ерни олиб, озуқа майдонига айлантирилди.

Узунлиги 1,5 км, эни 300 метр, баландлиги эса 10-20 метргача бўлган тепаликларни бузиб, тупроғини халиги 40 гектарлик майдонга 1,5 метр баландликда унумдор тупроқ ташиб тўлдириб чиқди. Пайғамбаримиз (С. А. В.) «Яхшиликни чехраси очик одамлардан кутинглар» деб марҳамат қилганлар. Бойсун туманидан олий Мажлисга (1995-1999) депутат этиб сайланган вақтида кўплаб мухтож ва кам даромадли оилаларга ёрдам кўлини чўзди. Тумандаги 12-Мехрибонлик уйида тарбияланувчилардан 20 нафарини суннат тўйи ва уларни ҳар бирига банкдан ҳисоб дафтарчаси очиб берди. Мехрибонлик ўйини ёрдамчи хўжалигидаги боғига сув чиқариш учун 1 км атрофида темир сув қувури ёрдам қилди. Бойсун туманининг Паданг, Кампирчабоғ, Инкабод, Даштиғоз қишлоқларида сув танқислигини ҳисобга олиб, «Санжар» тунел сув қурулиши бошлаб юборилди. Лойиҳа бўйича узунлиги 1770 метр бўлган тунелни 1620 метри қазилди. Қолган 70-80 метри айрим сабабларга кўра қазилмай қолиб кетди. Агар ушбу тунел қурулиш охирига етказилса тумандаги қарийб 3000 гектар янги ер ўзлаштирилди. «Ақл-куч, фаросат-мўъжиза» дейдилар. Термиз шаҳридаги «Юбилей деҳқон бозори» ёнида салобатли, ичи ва сирти нақшин-ғишт билан безатилган супермаркет биносини кўриб ишга туширди.

«Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги тўйи муносабати билан ўтказилган халқаро миллий кураш турнирида ғолиблар учун «Тико» автомашинасини совға қилди. Чорвачилик ва деҳқончиликдан олаётган кўшимча даромадлар ҳисобига ҳар йили хайрия совғалари топшириб келди. 2000 йилда «Мехнат-роҳат» корхонасига Ат-Термизий (собиқ Искра) хўжалиги кўшиб берилганда, бу хўжаликни қарздорлиги 549 миллион сўмни ташкил этиб, 370,3 миллион сўм ашёлар қарз ҳисобига хизмат кўрсатувчи ташкилотларга бериб юборилган эди.

«Қаловини топсанг-қор ҳам ёнади» дейди доно халқимиз. Келинг, «Ўздонмахсулот» Давлат Акционерлик Корпаратцияси томонидан 2002 йил 15 ноябдаги хатига назар ташлайлик. «Ат-Термизий» ширкат хўжалиги «Мехнат-Рохат» хусусий корхонасига қўшилгандан сўнг икки йил мобайнида ғалла хосилдорлиги 17,4 центнердан 42 центнерга ошди. Шоли хосилдорлиги 22,3 центнердан 42,1 центнерга ошди. Натижада корхона 2001 йилда шоличиликдан 280,8 млн, сўм фойда олиб, ҳар бир ишловчининг ойлик маоши ўртача 37614 сўмдан тўғри келган бўлса, 2002 йилда мос равишда фойда 447,0 млн сўм бўлиб, ўртача иш ҳаққи 94500 сўмни ташкил қилган.» тасанно. Тадбиркорлик билан қилинган барча ишларни қуролмаган хасадчилар ҳам топилди. Уларга ўз вақтида зарба берилди. Тиниб-тинчимас қахрамонимиз шу кунларда нафақада бўлса ҳам, ўз маслаҳати билан ёшларга ибрат намунасини кўрсатмоқда. 2005 йилда комбинат қошида бир кечаю-кундузда 50 тонна (ўзини лойхаси бўйича)

ўн ишлаб чиқариладиган тегирмон қурилиб ишга тушурилди. Чўл иқлимга мослаштирилган 700 бош қорамолга мўлжалланган янги чорвачилик комплекси қурилиб ишга тушурилди. Балиқ хавзасини қуриш учун 75 км узоқликда жойлашган Ванбод сойидан 1750 автомашина ёки 50 минг тонна тош келтирилди ва 72 кунда балиқ хавзаси қурилиб ишга тушурилди. Болалигидан Бойсуннинг «Кампирчабоғ» қишлоғида ўтин териб, мол боқиб юрган, ўзини ақл-заковати, билими, тафаккуринг эга бўлган бу дарға ҳақида ҳар қанча ёзилса арзийди.

Яхши ҳунар эгаси-касб устаси бўлиш бошқа-ю, раҳбарлик қилиш бошқа раҳбарлик лавозимига интилиш чўққига тирмашиб чиқишдек гап. Ҳар қадамда кўзга кўринмас «Офат» лар бор. Бу офатлардан омон-эсон ўтиш ва кўзга кўринган «раҳбар» бўлиш учун қишида аллоҳ берган «Азизий» ақл бўлиш зарур. Ха у Бойсун элининг ҳақиқий –дарғасидир.

Холиқов Хуррам -1931 йилда Бойсун районидаги «Газа қишлоғида туғилган. У дастлабки маълумотни қишлоғида олиб, кейинчалик туман марказидаги 1-сонли ўрта мактабда ўқиди. Урушдан сўнгги оғир йилларда Қумқўрғон давлат хўжалигида оддий аравакаш бўлиб ишлаган. Кейинчалик туманга қайтиб келди. 1947-1950 йилларда район марказидаги 1-сонли ўрта мактабга ўқишни давом эттириб уни битирди. 1950-1954 йилларда Бухоро Давлат педагогика институтида ўқиб битирди ва туман марказидаги 1-сонли жонажон мактабига ўқитувчи бўлиб ишлади. 1958 йилда туман фирқа кўмитасида лектор-пропагандист бўлди. Х.Холиқов 1958 йилда кўплаб Бойсунликлар қатори Шеробод чўлига кўчиб борди ва илк марта тузилган «Янгиобод» давлат хўжалиги фирқа кўмитасида котиб бўлди. Бу даврда Бешқўтон қуруқ ер массиви Бойсун районига қарарди. 1960 йил феврал ойидан эса Шеробод райони ихтиёрига олиб берилди. 1962 йил ноябр ойидан 1963 йил январ ойигача Шеробод районфирқа кўмитаси мафкура бўлими бошлиғи бўлди.

1963 йил январ ойида Бойсун райони тугатилиб, Шеробод районига кўшиб юборилган ва 1963 йил январ ойидан Шеробод районига фирқа кўмитасида мафкура котиб бўлиб ишлади. 1965 йил март декабр ойларида Шеробод район райижрокум раиси бўлиб ишлади. 1965 йил декабр ойида Бойсун район қайта тузулиши мунасабати билан 1966 йил январ ойидан 1970 йил сентябр ойигача Бойсун район фирқа кўмитасида биринчи котиб вазифасида ишлади. Бунда унинг тажриба ва ташаббускорлиги қўл келди. Районда халқ хўжалигини барча тармоқларини айниқса чорвачилик, ғаллачилик, пиллачиликни ривожлантиришда муносиб хисса қўшди. Районда кенг кўламли ободонлаштириш ва қурилиш ишларини олиб борди.

Х.Холиқов 1970-1972 йилларда вилоят кинолаштириш бошқармасининг бошлиғи, 1973-1975 йилларда вилоят яйловларини ўзлаштириш бирлашмасининг бошлиғи вазифасида ишлайди. 1976-1979 йилларда Бойсун район қуруқ Бандихон массивида очилган «Ғаллакор» (кейинчалик «Ойбек») давлат хўжалигини бошқариб, 1979-1987 йилларда район «Ўзселхозтехника» (ҳозирда машина трактор парк) бошлиғи бўлди. 1987-1994 йил март ойигача район қишлоқ хўжалиги бошқармасида бош агроном бўлиб ишлаб, 1994-2000 йилларда район марказидаги «Пойгабоши» маҳалла фуқаролари оқсоқоли бўлиб ишлади. Бойсун районида биринчи раҳбар бўлиб ишлаш давомида унинг бевосита ташкилотчилиги ва саъй-ҳаракати билан Шерободдан Бойсунгача 1966 йил

электр тармоғи олиб келинди, район марказида 1967 йил 120 ўринга мўлжалланган касалхонаси янги замонавий биноси, 1969 йил ҳокимият биноси, 1968 йил 13 километрли Авлод-Бойсун тоза ичимлик суви қувури, 1970 йилда 400 ўринга мўлжалланган ҳозирги «Само» кинотеатри замонавий биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Унинг бевосита ташаббуси билан эгри ариқ, бўз ариқ ва Корез ариғи қайта таъмирланди. Шунингдек Бандихон массивини ўзлаштиришга муносиб хисса кўшиши эвазига туманда ғалла ишлаб чиқариш рекорд даражада 28 минг тоннага етказилиб, давлатга 4000 тоннадан кўпроқ ғалла сотилди. Бандихон чўлида 11 минг гектар янги ер ўзлаштирилди. Хосилдорлик ҳар бир гектар сувли ғалладан 14,5 центнерга, лалми ғалладан 8,7 центнерга етказилди.

Бандихон чўлида кетма-кет тўртта юқори кўтариш (подём) 100 та дизел ёқилғиси билан ишлайдиган сув насоси қўйилиб, ишлатилди. Бу жуда оғир ва маъсулиятли иш эди. Буни ҳам уддасидан чиқди. Х.Холиқов совет давлатининг кўплаб орден ва медалларига сазовор бўлди. Ўзбекистон республикасининг «Кўкрак» нишони билан тақдирланган. Вилоят ва район халқ депутатлари кенгаши депутати бўлди. Х.Холиқов Шеробод ва Бандихон чўлини ўзлаштиришда, шунингдек Бойсун районида жуда катта ободонлаштириш ишларини олиб боришни ўзи бугунги авлод ёшлари учун ибрат ва жасорат намунасини берди. У Бойсун дарғаси.

Худойназаров Отамурод - Бойсун районидаги «Кофрун» қишлоғида 1928 йил туғилган. 1965 йил Мехнат қахрамони. Кофрун қишлоғидаги «Ғайрат» жамоа хўжалигида ишлади. Уруш йилларида қишлоғидаги 28-сонли бошланғич мактабда ўқиди. Дардан сўнг шу жамоа хўжалигида ишлаб, ёш ўспирин бўлишига қарамай хўжаликда тер тўкиб мехнат қиларди. Яроқли эркаклар урушга кетиб, хўжаликда асосан қариялар, хотин-қизлар ёш ўспиринлар қолган эди. Булар қўш хайдаб, экин экиб, далаларни суғорарди. Шундай оғир шароитда ёш ўспирин хўжаликда тер тўкиб мехнат қилиб, урушдан кейин кўплар қатори бу оила ҳам Денов районидаги «Хазарбоғ» давлат хўжалигига кўчиб борди.

У «Хазарбоғ» да жойлашган механизаторлар тайёрлаш курсида ўқиб, 20 йил давомида хўжаликда механизатор бўлиб ишлади. Шеробод чўлини жадал ўзлаштирилиши муносабати билан, ёшларни чақириғига кўшилиб, 1967 йилда у ўзининг бригадаси билан Шеробод даштига кўчиб ўтди ва «Янгиобод» кейинчалик «Комсомолобод» (ҳозирда Т.Бердиев, Ш.Бобоев) давлат хўжалигида пахтачилик бригадири бўлиб ишлади.

Ўзлаштиришнинг биринчи йилида 50 гектар пахтанинг ҳар бир гектаридан 21,1 центнер ўрнига, 23,5 центнердан пахта хосили етиштириб, жами хосил машиналар ёрдамида териб олинди. Бу эса 1 центр пахтанинг нархини 18 сўмга камайтиришга олиб келди. Янги ерларни ўзлаштиришда ва мул хосил етиштиришда ҳар доим механизацияга қаратилган. 1967 йилда фақат Янгиобод давлат хўжалигидаги 58 та пахтачилик бригадасини 17 тасига мутахасис агрономлар ва механизаторлар билимига эга одамлар тайинландилар. Ана шулардан бири Отамурод Худойназаров эди. Музработдаги янги ерларни ўзлаштиришга биринчилардан кўшилган таниқли механизатор Отамурод Худойназаров «Комсомолобод» давлат хўжалигига кўчиб ўтиб, 1970-1986 йилларда ҳар бир гектар пахта майдонидан 37-42 центнергача пахта хосили

етиштириб, районда ва вилоятда карвонбошчилик қилди.

Шеробод дашти пахта учун бўлган курашда зарбдор сохага айланди. Катта, оғир иш натижасида ҳар йили янги ва массивлар ўзлаштирилди, давлат ўзлаштирувчиларни замонавий техника билан таъминлади.

Юрак амри, қалб кўри билан курик савхозга келган Отамурод Худойназаров кўриқ ерларни комплекс механизациялашда бор билимни, кучи ва махоратини кўрсатди. Чунки ўша даврларда кўриқ пахтасидан юқори ҳосил олишда пахтачиликни комплекс механизациялаш катта аҳамият касб этарди.

О.Худойназаров 1976 йилдан шу хўжаликнинг 6- бўлимида бўлим бошлиғи, 1980 йилдан мазкур хўжаликда яна бригада бошлиғи бўлиб ишлади. 1974 йилда 9-чакриқ Иттифоқ Олий Советининг депутати бўлиб сайланган. Чўлни боғу-бўстонга айлантиришда унинг захматли меҳнати синган. Бу тиниб-тинчимас Пахтакор ер хайдашдан бошлаб, етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишгач бўлган барча юмушларда иштирок этарди. Унинг чўлдаги жасорати ҳозирги ёшларга ибрат намунасиدير. «Меҳнат қилсанг-роҳат топасан» дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат меҳнатда донг таратган, мусабаканда пешкадамлик қилган, ишда ташаббускор бўлганларни хизмати эъзозланиб, улар муносиб тақдирланади.

Сафаров Холмўмин- Бойсун районидаги «Кофрун» қишлоғида 1942 йил туғилган. Уруш даврида бу оила Жарқўрғон районидаги «Сурхон» давлат хўжалигига кўчиб ўтди. Унинг авлод-аждодлари «Кофрун» қишлоғида яшаб умргузаронлик қилган.

Холмўмин Сафаров мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ машҳур механизатор Ш.Қудратовнинг «Чўл-жасорат майдони», «Пахтакор-жасорат кўрсат» ва «Механизаторликни эгаллаш» керак каби чакриқларга кўшилишни ният қилган эди. Шунинг учун ҳам механизаторлик касбини эгаллаган қалби олов ёшлардан бири бўлиб чиқди. У дастлаб хайдов тракторида ишлади. Сўнг Қарши шаҳридаги механизациялаш техникумига ўқишга кирди ва уни тугатиб, 1967 йилда Шеробод чўлига қайтди. Билим ва малакаси ошган Холмўмин Сафаров 26 ёшида Қизирик районидаги (собик Ленин йўли) «Кунчиқар» жамоа хўжалиғи (собик Ленин, кейинчалик Будённий давлат хўжалиғи) пахта далаларидан ХТ-1,2 маркали пахта териш машинаси бункеридан 376 тонна, 1969 йилда эса 400 тонна пахта териб берди. Ҳар центнер пахта нархини бир неча баробарга арзонлаштирди.

1970 йилда шу хўжаликнинг 7 бўлимида 70 гектар ер олиб пахта экди. Бу бригада «Комсомол-ёшлар бригадаси» номини олди. У раҳбарлик қилган бригада аъзолари йилдан-йилга пахта ҳосилдорлигини ошириб бордилар. Холмўмин Сафаровнинг ўзи эса 1972 йили пахта териш машинасида 620 тонна пахта териб, республикада энг юқори кўрсаткичга эришди. Бригада аъзолари янги Фан ва техника ютуқларини жадал жорий қилиб беришди. Далага ўз вақтида маҳаллий ўғит бериш, чуқур шудгорлаш, экин олдидан суғориш, шўр ювиш, ғўза ораларида унумли ишлашда энг янги тажрибаларга асосланадилар. Натижада Х.Сафаров бу меҳнатлари эвазига 1977 йил 27 октябрда Иттифоқ Давлат мукофотига сазовор бўлди. 1979 йил Иттифоқ Олий-Советига депутатликка сайланди. Мустақиллик йилларида хўжалик раҳбари бўлди. Айни пайтда фермер хўжалиғи раҳбари сифатида фаолият кўрсатмоқда. 2006-2009 йилларда ҳар бир

гектар ғалла хосилдорлигини 75-80 центнерга, пахта хосилдорлигини гектар бошига 40-45 центнерга етказди. Унинг ҳаёт йўллари ҳозирги ёшларга ибрат намунасиدير.

Пошшоқулов Қобил (1902-1993) Бойсун районидаги «Қўш булок» қишлоғида туғилган. 1939-1943 йилларда район ижроия кўмитасининг раиси бўлиб ишлади. Уруш йилларида фронт орқасида фидоийлик кўрсатди. Таниқли раҳбар. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ташаббус кўрсатди. Жамоа хўжалиги ва қишлоқ кенгаши раиси бўлди. 1939 йил 29 декабрда бўлиб ўтган илк маҳаллий кенгаши депутаты.

Саидов Очил 1910 йилда Бойсун районида туғилган. Район ижрокум раиси (1947-1949) сўнгра районининг биринчи раҳбари (1949-1950) бўлиб ишлади. Уруш даврида ва урушдан кейинги даврларда фидоийлик намуналарини кўрсатди. Таниқли раҳбар уруш оилаларига, ёшларга, мактаб-маориф, соғлиқни сақлаш ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муносиб хисса қўшди.

Қулматов Ғани 1904-йил Бойсун районидаги «Пулҳоким» қишлоғида туғилган. Ижро кўмитаси раиси, қишлоқ кенгаши ва жамоа хўжалиги раиси бўлди. Ташаббускор инсон. Районда чорвачилиқни ривожлантиришда ва ободончилик ишларида фидоийлик намуналарини кўрсатди.

Тўрақулов Болта 1916-йилда Бойсун районида туғилган. Ижро кўмитаси раиси (1949-1953). Маърифатпарвар. Ташаббускор ва фидоий инсон. Уруш даврида район ёшлар етакчиси, районда қишлоқ хўжалиги соҳасида ободончилик ишларида жонбозлик кўрсатди.

Жўраев Эргаш - Шеробод районидаги «Талашқон» қишлоғида туғилган. Районда биринчи раҳбар бўлди (1954-1957). Сурхон-Шеробод чўлини ўзлаштиришдаги ташаббускорлардан бири фидоий ва ватанпарвар инсон.

Авлиёқулов Эронқул (1924-2009) Бойсун районидаги «Тўда» қишлоғида туғилган. Ёшлар етакчиси. Ижро кўмита раиси, жамоа хўжалиги раиси бўлди. Бойсун-Шеробод ва Музработ районларида раҳбарлик лавозимларида ишлади. Биринчи чўлқуварлардан (1954) Маърифатпарвар, фидоий инсон.

Менглиев Нормамат (1914-1969) Бойсун районидаги «Шайит» қишлоғида туғилган. Ижро кўмита раиси. Районда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда жонбозлик кўрсатди. Бойсун, Шеробод ва Музработ районларида хўжалик раҳбари бўлди. Биринчи чўлқуварлардан (1954). Сурхон Шеробод чўлини ўзлаштиришда ташаббус кўрсатди.

Тоғаев Мустафоқул (1895-1973) Бойсун районидаги «Навлулион» қишлоғида туғилган. «Янгиобод» қишлоқ кенгаши раиси (1941-1950). Жамоа хўжалиги раиси. Фронт орқасида фидоийлик намуналарини кўрсатди.

Жонқобилов Мамарайим (1902-1992) Бойсун районидаги «Кофрун» қишлоғида туғилган. Қишлоқ кенгаши ва жамоа хўжалиги раиси. Ташкилотчи раҳбар. Ташаббускор ва фидоий инсон.

Худойбердиев Алимардон (1904-1986) Бойсун районидаги «Газа» қишлоғида туғилган. Жамоа хўжалиги раиси ва районида раҳбарлик лавозимида ишлади. Фронт орқасида фидоийлик намуналарини кўрсатди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ташаббускорларидан бири. Ташкилотчи раҳбар.

Маъмуров Абдурайим (1905-1969) Сирдарё вилояти «Замин» районида туғилган. Ўша давр тамойилларига кўра Бойсун районига сафарбар этилди.

Районда раҳбарлик лавозимларида ишлади. Жамоа хўжалиги раиси. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фидойлик намуналарини кўрсатди.

Муҳаммадиев Аҳмад (1896-1966) Андижон вилоятидаги «Пахтаобод» районидаги «Кўқон» қишлоғида туғилган. Ўша давр тамойилларига кўра Бойсун районида ишга юборилган. Ўрта Осиё номидаги университети агрономия бўлимини битирди (1930). Қишлоқ хўжалигини (дала-деҳқончилик) ривожлантириш ва маҳаллий кадрларни курсларда (1931) ўқитиш ва уларга деҳқончиликни (буғдой) сир-асрорларини ўргатишда фидойлик намуналарини кўрсатди.

Имомқулов Умар (1906-1994) Бойсун районидаги «Авлод» қишлоғида туғилган. Районда жудда катта ободончилик ишларида бош-кош бўлиб, район марказини кўкаламзорлаштиришда, дарахтлар экиш, сувлаш, йўлакчаларни гулигулзорга айлантиришда катта хизмат қилди. Ташкилотчи ва ташаббускор фидойи инсон. Район комуннал хўжалиги идорасини бошқарди (1945-1970).

Собиров Саъдулла (1910-1950) Хоразм вилоятида туғилган. Ўша давр тамойилларига кўра Бойсун районида сафарбар этилди. Сув хўжалиги соҳасида етук мутахасис. Жамоа хўжалиги раиси (1944-1947) «Атала fronti» даврида район марказига хашар йўли билан ариқ қаздириб, сув чиқарган. Ташкилотчи ва ташаббускор. Ҳозирда «Собир» ариғи номи билан юритилиб, ушбу ариқдан Пойгабоши, Оби ва Мустақиллик маҳаллаларида яшовчи аҳоли сув ичади ва суғоради.

Давлатов Чори (1912-1993) Бойсун районидаги «Паданг» қишлоғида туғилган. Районда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фидойи инсон. Қишлоқ кенгаши ва жамоа хўжалиги раиси. Сурхон-Шеробод чўлини ўзлаштиришда муносиб хисса қўшди (1955-1960) ташкилотчи раҳбар.

Содиқов Кенжа (1909-1988) Бойсун районидаги «Дарбанд» қишлоғида туғилган. Районда маъсулиятли раҳбарлик лавозимларида ишлади. Район фирқа кўмитасининг кадрлар бўйича раҳбари бўлди. Иккинчи жаҳон уруши даври йилларида районда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, фронт ортида катта ташкилотчилик намуналарини кўрсатди. Маърифатпарвар, фидойи инсон.

Сатторов Собир - Бойсун районидаги «Пулҳоким» қишлоғида туғилган. Қишлоқ кенгаши ва жамоа хўжалиги раҳбари бўлди. Биринчи чўлқуварлардан (1954) Сурхон-Шеробод чўлини ўзлаштиришда фидойлик намуналарини кўрсатди. Ташаббускор, фидойи инсон. Музработ районида унинг номида ширкат хўжалиги фаолият кўрсатади.

Йўлдошев Валиқул (1884-1945) Бойсун районидаги «Дарбанд» қишлоғида туғилган. Қишлоқ кенгаши ва жамоа хўжалиги раҳбари бўлди. Уруш ортида қишлоқ хўжалик соҳасида фидойлик намуналарини кўрсатди.

Алиев Алланазар 1917- йилда Бойсун районидаги «Тиллокамар» қишлоғида туғилган. Қишлоқ кенгаши ва жамоа хўжалиги раҳбари бўлди. Районда чорвачиликни ривожлантиришда фаол меҳнат қилди. Уруш даврида ва урушдан кейинги йилларда эл-улусни ишга жалб этишда, меҳнат суръатини оширишда фидойлик намуналарини кўрсатди. У ҳақида элда кўплаб ривоят ва марсиялар халқда сақланиб қолган.

Холиқов Рашид (1908-1999) Бойсун районидаги «Чор-чинор» қишлоғида туғилган. Жамоа хўжалик раҳбари бўлди (1944-1950). Районда қишлоқ

хўжалигини ривожлантиришда фидойлик намуналарини кўрсатди. Ташаббускор фидойи инсон. Самарқанд Давлат Университети қошидаги кадрлар тайёрлаш икки йиллик институтини битирди(1950-1952). Фронт орқасида қолган уруш инвалидлари, урушга сафарбар этилган аскарларни оила аъзолирига кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатди. Уруш даврида қариндош уруғларидан 18 нафар ўғил ва қиз болаларни ўз тарбиясига олиб вояга етказди.

Мирзаев Абдулло (1901-1994) Бойсун районидаги «Чорчинор» қишлоғида туғилган. Жамоа хўжалиги раҳбари бўлди. У раҳбарлик қилган жамоа хўжалиги (боғдорчилик, сабзавотчилик, ғаллачилик) катта ютуқларга эришди. Ташаббускор, талабчан ва фидойи инсон.

Рамазонов Болта 1900- йилда Бойсун районидаги «Қорабўйин» қишлоғида туғилган. Жамоа хўжалиги раҳбари бўлди. Районда қишлоқ хўжалигини (боғдорчилик, лалми, ғаллачилик, чорвачилик) ривожлантиришда ўзининг муносиб хиссасини қўшди. Жамоа хўжалигини илғор хўжалик даражасига етказди. Фидойлик намуналарини кўрсатди.

Бойназаров Худойназар - Бойсун районидаги «Бандихон» қишлоғида туғилган. Ленин йўли жамоа хўжалиги раҳбар бўлган, ташаббускор, талабчан, изланувчан. Уруш даврида жамоа хўжалиги ёшларини республика ёшларига қарата мурожаатини ташкил этишдаги ташаббускорлардан бири. Фидойлик намуналарини кўрсатиб, ўз шахсий жамғармаси ҳисобидан урушга 260 минг сўм пул топширди.

Шойназаров Қорабой - Бойсун районидаги «Кетмон» қишлоғида туғилган. Жамоа хўжалигини раҳбари бўлди. Ташаббускор, талабчан районда қишлоқ хўжалигини (чорвачилик, ғалла, деҳқончилик) ривожлантиришда фидойлик намуналарини кўрсатди. Ўз шахсий жамғармаси ҳисобидан урушга 270 минг сўм пул топширди.

Саидов Холмат (1902-1991) Бойсун районидаги тоғли «Мачай» қишлоғида туғилган. Қишлоқ кенгаши ва жамоа хўжалиги раҳбари бўлди. Районда қишлоқ хўжалигини (чорвачилик, лалми деҳқончилик) ривожлантиришда, эл-улусни ишга жалб этишда уруш даврида ва урушдан кейинги йилларда фидойлик намуналарини кўрсатди. У раҳбарлик қилган даврларда машҳур «Мислимка» буғдой нави яратилди.

Саидов Ориф (1922-2004) Бойсун районидаги «Кўрғонча» қишлоғида туғилган. Жамоа хўжалиги раҳбари бўлди. Районда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муносиб хисса қўшди. Биринчи чўлқуварлардан (1954). Бойсун Музработ ва Қумқўрғон районларида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда фидойлик намуналарини кўрсатди. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси. Сурхон-Шеробод чўлини ўзлаштиришда ташаббус кўрсатди.

Жумаев Райим (1909-1980) Бойсун районидаги «Хўжабулғон» қишлоғида туғилган. Қишлоқ кенгаши ва жамоа хўжалиги раҳбари бўлди. Районда уруш даврида ва урушдан кейинги тикланиш даврларида қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришда (лалми деҳқончилик, чорвачилик) фидойлик намуналарини кўрсатди, ташаббускор инсон.

Усмонов Умар (1905-1985) Бойсун районидаги «Тузбозор» қишлоғида

туғилган. Жамоа хўжалигини раҳбари бўлди. районда қишлоқ хўжалигини (чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик) ривожлантиришда фидойилик намуналарини кўрсатди. Ташкилотчи ва ташаббускор.

Қувватов Мўмин 1902- йилда Бойсун районидаги «Тиллокамар қишлоғида туғилган. Жамоа хўжалигини раҳбари бўлди. Районда чорвачиликни ривожлантиришда (қўйчилик, отчилик, эчкичилик) фидойилик намуналарини кўрсатди. Ташкилотчи раҳбар.

Мўминов Сафар (1904-2001) Бойсун районидаги «Кентала» қишлоғида туғилган. Жамоа хўжалиги раҳбари бўлди. Районда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фидойиларидан бири. Ўрмончилик соҳасида ҳам жонбозлик кўрсатди. Ташкилотчи раҳбар.

Дуков Арбоб 1904- йил Бойсун районидаги «Сайроб» қишлоғида туғилган. Жамоа хўжалиги раҳбари бўлди. Районда қишлоқ хўжалигини (чорвачилик) ривожлантиришда тул олиш, моллар бош сонини кўпайтириш ва сақлаш, маҳсулдорлигини оширишда фидойилик намуналарини кўрсатди. Ташкилотчи раҳбар.

Менглиев Кенжа (1900-1994) Бойсун районидаги «Сайроб» қишлоғида туғилган. Бойсун, Зомин (Сирдарё) районларида раҳбарлик лавозимларида ишлади. Жамоа хўжалиги раҳбари бўлди. Районда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ташаббус кўрсатди. Ташкилотчи ва фидойи инсон.

Қурбонов Улуғберди (1918-2002) Бойсун районидаги «Работ» қишлоғида туғилган. Жамоа хўжалиги раҳбари бўлди. Районда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фаоллик кўрсатди. Биринчи чўлқуварлардан (1954). Ташаббускор инсон.

Мирзаев Парда (1901-1986) Бойсун районидаги «Бешэркак» қишлоғида туғилган. Жамоа хўжалиги раҳбари бўлди. Районда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муносиб хисса қўшди. Тул олиш, моллар бош сонини кўпайтириш ва сақлаш, маҳсулдорлигини оширишда фидойилик намуналарини кўрсатди. Ташкилотчи раҳбар.

Жўраев Аъзам (1918-2006) Бойсун районидаги «Дарбанд» қишлоғида туғилган. Район молия бўлими, жамоа хўжалиги раҳбари, савдо тайёрлов ва умумий овқатланиш корхоналарида самарали меҳнат қилди. Районда қишлоқ хўжалиги соҳасида фидойилик намуналарини кўрсатди. Ташкилотчи раҳбар.

Хакимов Азиз (1914-1997) Бойсун районидаги «Сариосиё» қишлоғида туғилган. Жамоа хўжалигини раҳбари бўлди. Районда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фидойилик намуналарини кўрсатди. Ташаббускор инсон.

Аъзамов Нормамат (1927-1999) Бойсун районидаги «Қўрғонча» қишлоғида туғилган. Ёшлар этакчиси. Район ижро кўмитаси раиси, қурулиш ва бошқа қишлоқ хўжалиги идораларида раҳбарлик қилди. Районда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фидойилик намуналарини кўрсатди. Маърифатпарвар ташаббускор инсон.

Жабборов Ҳамид (1930-2008) Бойсун районидаги «Оби» қишлоғида туғилган. Вилоят ва район қишлоқ хўжалиги техника ва механизмлар идорасида раҳбарлик қилди (1966-1986). Олтинсой районида ижро кўмита раиси бўлди. Ташаббускор, фидойи инсон.

Тошматов Омон (1927-1998) Бойсун районидаги «Даштиғоз» қишлоғида

туғилган. Жамоа ва давлат хўжалиги раҳбари бўлиб ишлади. У раҳбарлик қилган даврда «Сайроб» давлат хўжалиги қорақўли қўйлардан тул олиш, моллар бош сонини сақлаш ва кўпайтиришда, маҳсулдорлигини оширишда, кўк сур териларини етиштиришда республикада карвонбошчилик қилди (1966-1975). Ташаббускор инсон.

Жуммаев Аллаберди. (1935) Бойсун районидаги «Кофрун» қишлоғида туғилган. Жамоа (Сариосиё) ва давлат (Музработ, Бойсун) хўжалиги раҳбари бўлди. Районида пахта, дон, чорва маҳсулотлари етиштиришда фидойлик намуналарини кўрсатди. Ташкилотчи раҳбар.

Саъдуллаев Собир (1935) Бойсун районидаги «Пасурхи» қишлоғида туғилган. Ёшлар етакчиси (Ангор), район ижро кўмитаси раиси (Термиз) ва вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасидаги маъсулияти вазифаларда ишлади. Вилоятда қишлоқ хўжалигини (пахта, дон, сабзавот, полиз) ривожлантиришда фидойлик намуналарини кўрсатди. Ташаббускор ва ташкилотчи раҳбар.

Бўриев Раҳмон (1933) Бойсун районидаги «Пасурхи» қишлоғида туғилган. Хўжалик раҳбари бўлди (1975-2004). Унинг раҳбарлигида «Сайроб» давлат хўжалиги вилоятда карвонбошчилик қилди. Қорақўли қўйлардан тул олиш, маҳсулдорлигини ошириш, бош сонини кўпайтириш ва сақлашда ташаббус кўрсатди. Ташкилотчи раҳбар.

Рамазонов Баҳром (1932-2003) Бойсун районидаги «Шайид» қишлоғида туғилган. Бойсун давлат хўжалигида лалмикор деҳқончиликка таяниб, агрономия қоидаларига амал қилиб, сел сувлари минерал ва маҳаллий ўғитлардан унумли фойдаланиб, лалми буғдой етиштиришда (12-14 ц) юқори кўрсаткичларга эришган. Ташаббускор ва фидойи инсон.

Қудратов Болта - Бойсун районидаги «Тузбозор» қишлоғида туғилган. Районда гўшт-ёғ йўналишидаги думбали, дағал жунли хисор қўйчиликни (бош чўпон) ривожлантиришдаги тангимушлик дарғалардан бири. Қўйларни (Кўчқор) йирик вазнини 110-115 кг, совлиқларнинг 80-90 йилгача етказиб, вилоят миқёсида (1950-1970) карвонбошчилик қилди. Ташаббускор фидойи инсон.

Пухтаев Темур 1932- йил Бойсун районидаги тоғли «Мачай» қишлоғида туғилган. Районда қора кўли қўйлардан тул олиш, сақлаш, кўпайтиришда фидойлик намуналарини кўрсатди (бош чўпон). Икки чакриқ Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати (1976-1983). «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвонига сазовор бўлди (1974).

Янгибоев Чори - Бойсун районидаги «Питов» қишлоғида туғилган. Районда (бош чўпон) гўшт-ёғ йўналишидаги думбали, дағал жунли хисори қўйчиликни ривожлантиришда кофрунлик дарғалардан бири. Ташаббускор ва фидойи инсон.

Суюнов Қўнғир (1931-2002) Бойсун районидаги «Бешэркак» қишлоғида туғилган. Тажрибали чорвадор. Районда қорақўл қўйларни ривожлантириш, тул олиш, бош сонини кўпайтириш, сақлаш, жун етиштиришда фидойлик намуналарини кўрсатди. Ташаббускор.

Хакқулов Хакназар (1924) Денов районида туғилган. Тажрибали чорвадор. Районда ва вилоятда Кўк қорақўли тери етиштиришда, қўйлардан тул олиш, бош сонини кўпайтириш, сақлаш ва маҳсулдорлигини оширишда фидойлик намуналарини кўрсатди. Ташаббускор.

Нурматов Жўра 1942- йил Бойсун районида туғилган. Қоракўлчилик усталаридан бири. Районда қоракўл қўйларни ривожлантиришда ва улар маҳсулот етиштиришда (тул, жун, гўшт) фидоийлик намуналарини кўрсатди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» (1980). Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати (1983-1987) ташаббускор.

Узоқов Малик 1935- йил Бойсун районидаги «Мунчоқ» қишлоғида туғилган. Районда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда (чорвачилик) салмоқли хисса қўшди. «Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган чорвадор» (2009) фахрий унвонига сазовор бўлди.

АЁЛЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Сизлар учун энг зўр бойлик ва энг улуг мартаба, энг улкан фазилят ифбатли бўлишдир.

Олимат ал-Банот

Совет ҳокимияти дастлабки йилларида хотин-қизларни жамият ҳаётидаги иштирокини таъминлаш масаласида маълум маънода тадбирлар ўтказилиб, аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш, саводсизликни тугатиш, ишлаб чиқаришга жалб этиш соҳасида бирёқлама сиёсат амалга оширилди. Ушбу сиёсатнинг асосий мақсади совет ҳукуматини омма орасида таъсирини мустаҳкамлаш ва Марказ манфаатларига мослаштирган ҳолда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу ислоҳотларнинг асосий мақсади миллий урф-одатлар, анъаналар ва маросимларни камситиш, оила эътиқодлари хос бўлмаган Европа урф-одатларини маҳаллий хотин-қизларга сингдириш соҳасида кўплаб қўпол хатолар амалга оширилди. Шунга қарамадан совет ҳокимияти йилларида ўзбек хотин-қизлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок этиб, миллий ғурур ва эътиқодларни ҳимоя қилган ҳолда жамият ҳаётида катта ўзгаришлар қилишда қатнашди. 1927 йилда Бойсун районида хотин-қизлар билан ишлаш бўлими ташкил этилиб, бўлимга ўз даврининг илғор аёлларидан бири арман миллатига мансуб Сусанаджон Раис, Кубил эса котиб этиб сайлашди. Кейинчалик Байна Қурбонова, Розия Поёнова, Шарофат Хайтова мудира этиб тайинландилар.

1926-1927 йилларда район фирқа ва ижроия кўмитасида масъул вазифаларда ишлаган Бойсунлик Тўхта Расулова, Момақиз Солихова, Туфа Султонова, Тўтти Султонова, Норҳол Султонова, Анбар Ёқубова кабилар ижтимоий ишлаб чиқаришига иштирок этди. Ана шундайлардан бири Бойсуннинг Шўрсой қишлоғидан бўлган. Сиёсий ҳокимият учун кураш жараёнида кўплаб хотин-қизлар аёвсиз жазоланди. Жумладан, Бойсунлик **Истиной Бўронова** 1922 йилнинг баҳорида фожиали ҳалок бўлди. Бойсуннинг Катаригузар маҳалласида яшаб умргузаронлик қилган Ойша Омонова (марҳум) тақдири ҳақида «Сурхондарё тарихидан лавҳалар» китобида қуйидаги маълумот қайд этилган: «Ўт юкланган эшакни миниб келаётган Ойша тепаликда яқинлашганда одамлар йиғилишиб, шовқин кўтаришаётганининг устидан чиқади. Бойсун дўпписи остидан қалин, жамалак сочлари ташиб чиқиб турган Ойша шоша-пиша эшакдан сакради-да, ўзини одамлар орасига урди. «Бу шармисорни хайдаб юбориш керак...», «Ҳаммани саводхон қиламан деб

аёлларимизни юзини очмоқчи!» «Э, бекор айтибсан, сенга топирадиган фарзандимиз йўқ», қулоғига кетма-кет ана шундай тахдидли овозлар урула бошлади. Тўдада яна шовқин кўтарилди. Лекин бу гал орадан тўрт-беш киши қўлини кўтарди. Гап нима ҳақида эканлигига фахми етган 14-15 ёшли Ойша ҳам қўл кўтарди. Муаллима Байна Чоршанбиева мактабхонанинг қаерда бўлиши ва дастлаб нималарни ўрганишларини келишиб, тарқалишга рухсат берди. Қишлоқдаги қариялар чойхонаси ёнидаги кичик бир уй мактаб бўлди. Унда 35 га яқин хотин-қиз савод чиқара бошлади. Бир куни Ойшанинг синфдоши Наврўзгул Қурбонова мактабга келмади. Қўрғонча қишлоғидан қатнайдиغان Наврўзгулни маърифатга қаршилар ўлдириб йўл бўйига осиб кетишди. Нихоят кўрқинчли фожиаларга тўла бир йил ҳам ўтди. Ўқиш-ёзишни бир мунча ўрганиб олган Ойшани фаол сифатида Самарқандга ўқишга юборишди. Ўшанда мен билан бирга Мукаррама Болтаева, Туфа Султонова деганлар ҳам эди деб эслайди Ойша Омонова. Биз ўшандан Бойсунда биринчи бўлиб узокда ўқишга кетганлардан эдик. Шунинг учун бизни ҳар қандай йўл билан ўқишдан қайтариб олиб кетишга уринганлар ҳам бўлди. Натижа чиқмагач, ўқиш жойимизга имзосиз хат юборишди. Хатда «Сизлар кимларни ўқитаяпсизлар, улардан бири Ойша Омонова бўлса, унинг отаси Бойсунда эшонлик қилиб, ҳаммани алдаб пулини олиб юрибди...» деб ёзилган экан. Хатдаги гаплар иғво эканлиги даров аниқланди. Чунки менинг отам йўқлигини ўқитувчилар жуда яхши билишар эди. Ўқиш-ўрганиш йиллари тугади. Ойша илм, жасорат билан қишлоғига қайтди. У 1931 йилдан тумандаги «Майда миллатлар шуъбаси» га раислик қила бошлади. Шуъба аъзолари жуда жасорат кўрсатиб ишладилар. Буни қуролмаган айримлар Ойшанинг жонига қасд қилишга уринишди. Лекин бу сафар ҳам ёш қизни иродасини буколмадилар. Суронли йиллар ортда қолди. Ойша Омонова қишлоқда ёш қизларни маърифатга тортди. Турсуной Самиева, Зайнаб Худойқулова, Қурбоной Алиева, Жонбиби Саидова, Зухра Мирзаева, Робия Муродоваларни мактабга жойлаштиришди. Ўз даврининг жасоратли аёллари ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳар қандай тўсиқларга сабр ва чидам билан бардош берган, азоб-укубатлар иродасини бука олмаганлар ҳақида тўхталмай иложимиз йўқ. 1927-1928 йилларда Термиз шаҳрида очилган фирма ва совет мактабида ҳам ўқиб бошладилар. 1928-1929 йилларда маҳаллий хотин-қизлардан мутахасис кадрлар тайёрлашга катта эътибор берила бошлади. Дастлабки билим олган бир гуруҳ ёшлар Тошкентга турли ўқув юртларига йўлланма билан юборилди. Бойсун туман хотин-қизлар бўлими йўриқчиси бўлган Шарофат Хайитова аёллар орасида самарали иш олиб берди. 1926-йилдан бошлаб Сурхондарё округида хотин-қизлар қурултойи ўта бошлади. Ана шундай қурултойлардан бири Бойсун туманида ҳам ўтказилди. Бу қурултойларда долзарб масалалар қўйилди. 1930 йилларнинг бошларида Сурхон хусусан Бойсун хотин-қизлари турли хўжалик ва раҳбарлик ишларига фаол иштирок эта бошладилар.

Бойсунда гиламчилик, тикувчилик ва шунга ўхшаш ортелларни ташкил этилиши, хотин-қизларни бу ишларга жалб этилиши яхши самара бера бошлади. 1929 йилнинг январ ойида бўлиб ўтган округ фирма конференцияси қарорлари Сурхондарёда халқ маорифи ва маданиятини янада ривожлантиришда катта рол ўйнади. Хотин-қизлар ўртасида саводсизликни

тугатиш ишлари қизитиб юборилди. 1931 йилда Бойсунда саводсизликни тугатиш ишига сафарбар қилинган 35 нукта ишлади. Уларга Рохила Азизова, Саодат Бўриева ва бошқа аёллар ўқитувчилик-рахбарлик қилдилар. 1932 йилда 6 ойлик таълим-тарбия курси очилиб 105 киши муаллим қилиб чиқарилди. 1933 йилда 70 киши, 1934 йилда 20 киши, тайёрланган. Бундан ташқари ҳар йили муаллимларни ёзги таътил вақтида педагогика техникум ва институтларга бириктирилган. Булар орасида маҳаллий хотин-қизлар ҳам бор эди. Бойсунга саводсизликни тугатиш ва ёшларни ўқитиш учун хали маҳаллий кадрлар етишиб чиқмаганлигини ҳисобга олган совет ҳукумати Татаристон, Бошқирдистон ва Олтой ўлкасидан кўплаб ўқитувчиларни айниқса хотин-қизларни жалб этди. Ана шундай ўқитувчилардан Бадриддин Каримов ва унинг оиласи Шамсунур Каримова, Фая Ахунжанова, Кашшоф Каримов ва унинг оиласи, Каримова. Суронли ўттизинчи-қирқинчи йилларда туман халқ хўжалигида маҳаллий хотин-қизлардан жуда кўплаб халқ хўжалик илғорлари етишиб чиқдилар: Улар қишлоқ хўжалиги, маориф ва бошқа соҳаларида сидқидилдан меҳнат қилиб жасорат намуналарини кўрсатдилар.

Булар: Ойрўзи Абулқосимова (Плуг жамоа хўжалиги), Ғозин Алимова (У.Юсупов), Сафаргул Аминова (10- мактаб ўқитувчиси Дарбанд), Зайнаб Ашурова (9- мактаб ўқитувчиси Дарбанд), Валхин Амонова («Ғалла»), Холбиби Амонова («Тўлкин»), Анбар Абдуназарова (Дарбент), (Маркс), Зайнаб Оқсоколова (Октябр, Дарбанд), Чучук Алимова (Байналминал), Ширин Бозорова (Бирлик), Майрам Бойсоатова (Тельман), Турсун Бадалова (Қизил Байроқ), Зайнаб Бобоева («Ғалаба»), Рўзигул Бекназарова (Оби маҳалла, Агроном), Рухсат Маллаева, Бибисора Алиева, Шапоатова (Мачай), Мукаррама Болтаева (Тузбозор), Иқлима Бўронова(Мачай), Муслима Бегимова (Мачай), Рўзи Вохидова (Тельман ортели), Сапия Жўракулова (К.Маркс, Дарбанд), Рахмонгул Жуммаева (сотувчи), Турдиҳол Жуммаева («Ғалла»), Зубайда Қосимова (тикувчи), Байна Қудратова (Бирлик), Чаманхол Қодирова (6- мактаб ўқитувчиси), Норой Қурбонова (Октябр, Дарбанд), Қурбоной Қосимова (Қизил Байроқ), Турсун Менгликулова, Саида Мақсудова (ҳисобчи Ленин), Жамол Мирзаева (тўкувчи), Ражабгул Мирзаева (Хавуз), Тўхта Мавлонова (Димитров), Турсун Маматкулова («Ғалла»), Шарофат Набиева (тикувчи), Обод Нормуродова (Комунизм), Химмат Пардаева (тўкувчи), Турсун Ражабова (тикувчи), Тўхта Расулова, Иззат Рахимова (Ибрат), Шарофат Ражабова (Иттифок), Бодом Рамазонова (Иттифок), Бодомой Ражабова (Иттифок), Ўғил Ражабова (20- мактаб ўқитувчиси), Тўти Норхол ва Туфа Султоновалар, Байна Сатторова (Карвон пиллачи), Норбиби Сайтмуротова («Плуг»), Иззатой Собирова (Авлод), Менгнор Соатова(Охунбобоев), Ойнахол Суюнова (Тельман), Улдон Турдикулова (Маркс), Озода Ўринова (Каленин пиллачи), Хосият Хидирова (тикувчи), Шарофат Хаитова (Бирлик), Зиёда Холиқова (Авлод), Ойрўзи Хўжаева (тикувчи), Жангил Хасанова (Бирлик), Ойсоат Холиқова (Тельман), Ихбол Хафизова (тикувчи), Норой Холтўраева (К.Маркс), Хосият Ахмедова (К.Турдиев), Қурбоной Холова (У.Юсупов), Мискол Хурсанова (Янги Замон пиллачи), Унгал Холбоева (Охунбобоев, Улдон Чориева (Бирлик), Қизларой Чориева (Димитров), Хаитбиби Чоршанбиева (К.Маркс, Дарбанд), Зиёда Қодирова (Агроном), Иззат Шукурова (Тельман),

Хамро Эшматова (Ворошилов), Мамасулув Эшмуротова (Молотов), Анбар Ёкубова, Саида Ёрова (пиллачи), Муқаддас Хўжамуродова (Ибрат), Робия Жумакулова (Октябр, Дарбанд), Ашур Аъзамова (Октябр, Дарбанд), Зубайда Миннарова (Ғалла), Момоқиз Солиева (Маркс, Дарбанд, Холдона Ғаффорова (Тўлқин).

Юқорида номлари зикр этилган аёлларимиз кейинчалик фронт орқасида меҳнат жасорати, қишлоқ хўжалигидаги фидокорона меҳнатлари туфайли 1941-1945 йиллардаги «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотландилар.

1938 йилда Ўзбекистон Олий Кенгашида бўлиб ўтган илк сайловда маҳаллий хотин-қизлардан, Хавузлик Ражабгул Мирзаева депутат этиб сайланган бўлса, Район Кенгаши депутати этиб, Амонова Ойша, Рўзиева Шарбат, Хамзаева Момохон (Пулҳоким), Алимова Г (Кетмон), Нормуротова Иқбол (Кўрғонча), Рахмонова Ихпол (Зарбдор), Акрамова Норой (Дарбанд), Устаева Момақиз (Дарбанд), Каримова Қорақиз (Дехқонобод), Хайитова Шарофат (Бирлик) сайландилар. Шулардан Омонова, Рўзиева, Олимназаровалар район ижро кўмитаси аъзоси бўлдилар.

Урушдан кейин 1948 йилда бўлиб ўтган маҳаллий сайловларда район кенгаши депутати этиб Абдуллаева Тожинисо, Олимназарова Мастура, Пирназарова Ражабой, Хўжамуродова Муқаддас, Собирова Иззатой, Холмуродова С. (Хавуз), Шодмонова Зарбиби (Хўжабулғон), Жуммаева Розия (Бекматова Розия) (Сайроб), Рахмонова Турдихол, Болтаева Байна, Жўраева Норой (Оби), Каримова Зулайхо, Махмудова Халима, Иванова Мариялар сайландилар. Урушдан сўнг туман ижтимоий фаолияти ишларига маҳаллий хотин-қизлардан кўпроқ раҳбарлик лавозимларига ишлаш йўлга қўйилди.

Қосимова Ойпошша - район хотин-қизлар бўлими мудир, Пирназарова Ражабой - район ёшлар ташкилоти раҳбари, Жумаева Розия- «Сайроб» қишлоқ Кенгаши раиси, Рахмонова Турдихол- «Хавуз» қишлоқ Кенгаши раиси, Хўжамуродова Муқаддас- «Ижтимоий куч» жамоа хўжалиги раиси, кейинчалик эса «Янгиобод» қишлоқ кенгаши раиси бўлиб ишладилар.

Район ижроия кўмитасининг 1948 йил 20 август, 203 сонли қарорига асосан 1931 йилдан ўқитувчи бўлиб ишлаётган Азизова Рохилани ҳукуматнинг орденига сазовор бўлди.

Турсуной Самиева (1917-1996) Бойсундаги Кўрғонча қишлоғида таваллуд топган. 1934 йилда Турсунойлар қишлоғидан 70 нафар ёшлар ташкилотига аъзо бўлган эдилар. Бу даврларда икки қарама-қарши мафкура кураш олиб бораётган давр эди.

Тоғ қизи Турсуной Самиева 1935-1936 йилларда Тошкентдаги раҳбар ходимлар тайёрлаш курсини тугаллаб қайтди. Уни округ ёшлар ташкилотининг пионерлар бўлими мудираси этиб тайинлашди. Шу йилларда округда «Пионерлар алангаси» деб номланган газета ҳам босилиб чиқар эди. Т.Самиева ана шу газета орқали хотин-қизларга қарата ташвиқот ва тарғибот қилар эди. Ёшлар ишига фаол иштирок этган Турсуной Самиевага катта ишонч билдириб 1939 йилда Денов районида ёшлар кўмитасига биринчи раҳбар этиб сайлашди. Тез орада ўзини кўрсата олган Турсуной Самиева 1941-1948 йилларда вилоят миқёсида турли лавозимларда ишлади. 1949 йилда Москвага ВКП(б) МК нинг Олий партия мактабига ўқишга кетди. У ердан қайтгач вилоят ижроия

қўмитасининг Раис уринбосари Термиз шаҳар ва Бойсун район ижроия қўмитаси раиси ва бошқа маъсулиятли вазифаларда ишлади. Турсуной Самиева 1 март 1959 йилда бўлиб ўтган Олий Кенгаш сайловида Ўзбекистон Олий Кенгаш депутати бўлди. У биринчилардан бўлиб «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Мастура Олимназарова (1919) Бойсун районидаги тоғли Мачай қишлоғида туғилган. Мехнат фаолиятини 1939 йилда бошлади. Уруш йилларида 1942 йил ноябр ойидан 1947 йил март ойигача район ижроия қўмитасининг раиси бўлиб ишлади. «Сессия-мени ижрокум раислигига яқдиллик билан сайлади - деб эслади кекса онахонимиз биз билан суҳбатда, ана шу кундан бошлаб зиммамдаги катта маъсулиятни хис этиб, элнинг оғир қисматига шерик бўлганман, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай мехнат қилдим ». Мастура Олимназарова қайси вазифада ишламасин улови фақат от бўлган. «Бир куни Шўроб қишлоғидан ошиб Гурхожидан ўтаётганимда деб хотирлайди, арчалар шитр-шитр этгани қулоғимга чалинди. Хавфсираб у томонга қарасам, 3 қочоқ йўлимни тўсиб мени қўлга тушуришга шайланишяпти, ёнимда 8 ўқли тўппончам бор. Зудлик билан уни олиб, қочоқларни мўлжаллаб кетма-кет ўқ уздим. Уларнинг бирига ўқ теккан бўлса керак, инграган овоз эшитилди-ю, шериклари бир зумда ғойиб бўлишди. Мен ўшанда 23 ёшда эдим.

Юз берган воқеани Сурхондарё вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби Саидовга айтганимда, у киши койиб: Нега район ижроия қўмитасининг раиси қишлоқларга борганда, соқчи олиб юрмайди? Ҳозир ҳар жойда қочоқлар санғиб юрипти. Ғоят эҳтиёт бўлиш керак. Ахир Сизнинг ҳаётингиз биргина ўзингизга, оила аъзоларингизга эмас, балки халққа зарур. Шундай экан, эл раҳбари эканлигингизни бир сония ҳам унутмадик», - деб насихат қилган эди.

1943 йилнинг феврал ойида Сурхондарё вилояти номидан фронтга озиқ-овқат, кийим-кечак, ҳарбий анжомлар олиб бордик. Вилоят фирқа қўмитасининг котиби Саидов бизларга бош эди. Тошкентга марказкум боғига бориб, бетоб бўлиб қолган Йўлдош ота Охунбобоевни кўрдик. У киши ҳола-аҳвол сўрагач, фаолларга менинг саломимни етказинглар, жангчиларга далда беринглар. Сафарларинг бехатар ўтсин. Боринглар - деб бизга жавоб берди. Бир ҳафтадан кейин радиодан эшитсам Йўлдош ота оламдан кўз юмибди. Ўша оғир йилларда Бойсуннинг барча ёшу қарилари, эркагу аёллари фронт учун мехнат қилган.

Архив ҳужжатларга асосида олиб қараганда Мастура Олимназарова Бойсунда жуда кўп хайрли ишларни бажарди. Айниқса мактаб-маориф, соғлиқни сақлаш фронт орти оилаларига ёрдам бериш, фронтдан жароҳат олиб қайтган жангчиларга ер бериш, уларни уй-жой билан таъминлашда ўзини кўрсатиб ишлади. Ўша даврларда фронт орти жангчи оила хондонларига бепул мингга яқин сигир билан таъминланганлиги архив ҳужжатларда сақланган. Айниқса аҳолини ТИФ ва бошқа юкумлиқ касалликларига чалинмаслик, уларни профилактика қилишда Бойсунга Марказ томонидан юборилган кўплаб русийзабон медицина ходимларига шарт-шароит яратиб беришда жонбозлик кўрсатди. Кейинчалик район пиллачилик идорасининг раҳбари, жамо хўжалиги ва қишлоқ Кенгаши раиси, ҳамда савдо соҳаларида самарали мехнат қилди. У

мустақил Ўзбекистоннинг «Шухрат» медали билан тақдирланган (1994).

Ҳамида Азизова (1925-1959) Тошкент шаҳрида туғилган. Отаси Азиз Қориев ишчи, онаси Ихболнисо Собирхўжаева уй бекаси бўлган. 1932 йилда Тошкент шаҳридаги Охунбобоев номли Ўрта мактабни 4-синфини битирди. Ўша давр тақозоси кўра 1937 йил бу оила Бойсун районида кўчириб юборилган. Кейинчалик ўқишини район марказидаги 1-сонли мактабга давом эттирди. 1940-1942 йилларда аввал 1-сонли мактабда бошланғич синф ўқитувчиси сўнгра район халқ маорифи бўлимида методис бўлиб ишлади. 1942-1945 йилларда район прокуратурасида ишга тақлиф қилиниб, прокурор ёрдамчиси бўлиб ишлаб, Тошкент шаҳрида суд ва прокуратура ходимларини қайта тайёрлаш курсида ўқиб, ўз малакасини ошириб қайтди. 1945-1948 йилларда аввал вилоят сўнгра республика прокуратурасида маъсул вазифаларда ишлади. 1948-1950 йилларда Шеробод район фирқа кўмитасида 1950-1951 йилларда вилоят фирқа кўмитаси хотин-қизлар билан ишлаш бўлими бошлиғи бўлиб ишлади. 1952 йилдан Бойсун район ижроия кўмитасида маъсул котиб, сўнгра район фирқа кўмитасида мафкура котиб бўлиб ишлади. 1954-1958 йилларда Тошкент шаҳридаги Олий фирқа мактабини ўқиб битирди. 1958-1959 Бойсун район фирқа кўмитасининг 2- котиби бўлди. 1959 йил октябр ойида вилоят фирқа кўмитасининг котиби этиб сайланди, ammo афсуски иш бошламасдан оғир дардга чалиниб, 34 ёшида вафот этди. У уруш даврида ва урушдан кейинги даврларда районда жуда кўплаб хайрли ишларни бажарди. Район ва вилоят халқ хўжалигини ривожлантиришда жуда катта ташкилотчилик ва ташаббускорлик ишини олиб борди. Камтарин ва фидойи инсон. Унинг турмуш ўртоғи Саъми Саъдуллаевдир. У ўзидан кейин 4 нафар содиқ фарзандлар қолдирди.

Зиёда Холиқова-(1912-1997) Бойсун районидаги «Авлод» қишлоғида туғилган. Шахмат бўйича аёллар ўртасида 1946 йил Ўзбекистон чемпиони бўлган. Ўша даврдан келиб чиқиб, сувинер шахмат тахтаси билан тақдирланган. Отаси Холиқ полвон бўлган. 1930-1932 йилларда Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Давлат Университетида тахсил олган, лекин шароит оғирлигидан университетни битира олмади. Ўттизинчи, қирқинчи йилларда айниқса уруш даврида ва урушдан кейинги йилларда жамоа хўжалигида хосилот раиси тафтиш комиссиясининг раиси ва жамоа хўжалигида хотин-қизлар билан ишлаш кўмитасининг раиси бўлиб ишлади. Ташаббускор фидойи инсон.

Иззатой Собирова-(1923-1972) Бойсун районидаги «Авлод» қишлоғида туғилган. Уруш даврида ва урушдан кейинги оғир йилларда ўз меҳнати билан фидойилик намуналарини кўрсатди. Район кенгаши депутаты этиб сайланди. Фронт орқасидаги меҳнат жасорати қишлоқ хўжалигидаги фидокорона меҳнатлари туфайли 1941-1945 йиллардаги «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланган. Жамоа хўжалигида тафтиш комиссияси ва хотин-қизлар билан ишлаш кўмитасининг раиси бўлиб ишлади. Илғор пиллакор ташаббускор. Кам таъминланган оилаларга ўз шахсий ҳисобидан маблағ ёрдам берган.

Зиёда Қодирова-(1900-1984) Бойсун районидаги Пойгабоши қишлоғида туғилган. Жамоа хўжалигида илғор пиллачи бўлган. 1938 йилда қўлида 6-ойлик

ўғил боласи (Рахматилло) билан Бухоро шахрига пиллачилик соҳаси бўйича ўқишга борган. Ўқишдан қайтиб келиб «Агроном» жамоа хўжалигида биринчилардан бўлиб жамоа хўжалигида раиснинг мувовини этиб сайланди. Қарияларни айтишича хўжаликда «Лайлак бахори» («Мислимка» нави бўлса керак) ғалла экиб, ҳар гектаридан 45-50 центнергача ғалла етиштирган.

Кейинчалик пилла етиштириш бўйича илғор бўлдиё 1945-1960- йиллар Район Кенгаши депутати ва 1945-1950 йиллар район хотин-қизлар кенгаши аъзоси бўлди. Кейинчалик пилла етиштириш бўйича илғор район кенгаши депутати ва қайнотаси Абдулқосим Бобобекдан жувоз, озгина ер ва хусусий чойхона ери Қодир Бобоевга қолганлиги учун совет ҳукумати томонидан барча молу-мулк тортиб олинди, эри Қодир Бобоевни қулоқ қилган. Бахтли тасодиф сургун қилинмай қолдирилган. Ташаббускор ва фидойи инсон.

Тўфа, Тўтти ва Норҳол Султоновалар- Бойсун районидаги Ариқ-усти қишлоғида туғилганлар. Оталари Султон бобо оддий деҳқон оналари Рухсатбиби чевар аёл бўлган. Бу қизлар ўз тақдирларини совет ҳукумати билан боғладилар. Район тараққиётини юксалтиришда жасорат кўрсатиб ишладилар. Буларни тақдирлари оғир кечди.

Тўфа Султонова – савод чиқариш мактабини битириб, фаол хотин-қизлардан бўлиб етишди. Раҳбарлик лавозимларда ишлаб, матбуот жамияти раиси бўлди. Район кенгаши депутати этиб 1938 йил илк бор сайланди.

Норҳол Султонова – савод чиқариш мактабини битириб, фаол, жамоатчи хотин-қизлардан бўлиб етишиб, 1929-1935 йилларда ҳозирги 12-сонли меҳрибонлик уйида мураббий бўлиб ишлади. 1935 йилда механизаторлар курсини битириб, маҳаллий хотин-қизлар ичида илк трактор - НАТИни бошқарди. Уруш йилларида район пиллачилик идорасида пиллачилик агроном бўлиб ишлади. Бир неча маротаба район кенгаши депутати бўлди.

Тўтти Султонова – савод чиқариш мактабини битириб, фаол, жамоатчи хотин-қизлардан бўлиб етишди.

Зиёда Останокүлова (1900-1986) Бойсун районидаги Омонхона қишлоғидаги Қизил Тўлқин жамоа хўжалигида колхоз раиси бўлиб ишлади. Хўжаликда 50 та қўш бўлган, асосан ғалла, нухат, зиғир экилган. Пиллачилик билан ҳам шуғулланган. Уруш даврида тракторчи бўлиб ишлади. Ўша даврларда Россиядан тракторчи хотин-қизлар ишга юборилган ва трактор – НАТИни бошқариш, ер хайдаш улар томонидан маҳаллий хотин-қизларга ўргатилган рус тилини яхши ўрганган. Даштиғоздан Сапарова Қирмиз, Абилова Майрам, Хайитгул, Пулҳокимдан Ихбол Холмуродова исмли қизлар жалб этилиб, кейинчалик Қоратоғ каналини қазишда иштирок этди.

Муслима Бегимова (1896-1953) Бойсун районидаги Мачай қишлоғида туғилган. Мачайдаги «Қахрамон» жамоа хўжалигининг аъзоси. Ўттизинчи йилларнинг машҳур халқ селекционерини. Кўп йил давомида тажриба иш олиб бориб, буғдойнинг янги серхосил навини 1933 йил олишга муваффақ бўлди. 1937 йилга келиб бу янги нав гектар бошига 70 центнердан хосил берди. М.Бегимова бу янги нав олиш ишига умр йўлдоши Соатқул Худойқуловни ҳам жалб этди. У ҳам катта тажриба иши олиб бориш натижасида гектар бошига 35 центнердан хосил берадиган янги буғдой навини олишга муваффақ бўлди. 1937 йил 10 августда Ўзбекистон ҳукумати бу селекционер оиланинг хизматларига

юкори бахо берди. Уларнинг бу иши юксак тақдирланди. 1937 йил Муслима Бешимова (қарорида Муслима Бегиева бўлиб ўтган) га етиштирган ғалла навига «Муслимка» нави ва ўзига «Дон етиштириш устаси» деган фахрий ном ҳамда 3 минг сўм пул мукофоти, Соаткул Худойкуловга эса минг сўм пул мукофоти берилиб, М.Бегимова «Мехнат Қизил Байроқ» ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги Халқ комиссарлигига буғдойнинг янги хосил қилинган бу навларни кўпайтиришда халқ новаторларига ҳар томонлама ёрдам бериш топширилди.

Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом улар ҳақида марсия яратди.

Эр-хотин жаннатдан қувилган экан,
Худонинг Буғдойин еб қўйгани учун,
Мислима онанинг «Муслимка» нави,
Буғдойин номини еб кўрган киши.
Дунё жаннатига мутлоқ киради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети ва Халқ Комиссарлар совети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғорлари, новаторларини ҳамisha қўллаб қувватлаб, уларни ташаббусини кенг ёйишга алоҳида эътибор берди. Иқлима Бўронова(1909-1953), Мукаддас Хўжамуродова, Пирназарова Ражабой (1926-1993)лар Бойсун районидаги «Газа» қишлоғида туғилган. Мехнат фаолиятини 1941 йилда бошлаганғич мактаб ўқитувчиси сифатида бошлаб, 1941-1948 йилларда 6,1,32- сонли мактабларда ўқитувчи бўлиб ишлаб, 1948-1950 йилларда район ёшлар кўмитасида раҳбар лавозимларида фаолият кўрсатди. Иқлима Бўронова 1950-1957 йилларда «Газа» қишлоғидаги 6-сонли мактабда директор бўлди. 1957-1962 йилларда Қарши давлат педагогика институтни физика-математика факултетини битириб, 1962-1966 йилларда аввал ўқитувчи, кейинчалик мактаб директори бўлиб ишлади. 1966-1967 йилларда Бойсун район фирқа кўмитасининг котиби бўлиб ишлаб, 1967-1969 йилларда Москвада Олий фирқа мактабини битириб, 1969-1970 йилларда вилоят фирқа кўмитаси йўриқчиси вазифасида ишлади. 1970-1975 йилларда вилоят социал-таъминот бошқармасининг бошлиғи бўлиб, 1975 йилдан 1986 йилгача вилоят медицина техникумида директор ўринбосари бўлди. 1948-1957 йилларда халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати этиб сайланди.

У мактабда ишлаш даврида кўплаб шогирдлар етиштирди. Мактабда ўқув-ишлари, давомат ва ўзлаштириш бўйича район мактаблари ичида яхши кўрсаткичларга еришди. Тажрибали педагог ташаббускор ва фидойи инсон. Фаол хотин-қизлар район тараққиётига ўз хиссасини муносиб қўшиб бордилар. Шулар жумласидан, 1949 йилда «Қизил Карвон жамоа хўжалигининг аъзоси Сагторова Байна (Чорчинор) 5 каробка пилладан 380 килограм, Карл Маркс (Дарбанд) жамоа хўжалиги аъзоси Мирзаева Анбар 3 каробка пилладан 180 килограм пилла топшириб пешқадам бўлдилар.

Илғор ишчилардан Бозорова Сарвар, Салимова Норбиби, Тошқулова Зиёда, Ғаффорова Байна, Панжиева Басанда мехнатда ўрнатилган кўрсатиб ишлади. Кейинчалик Юсупова Тошхол, Донаева Хикмат (Боғболо), Нормаматова Зиёда (Оқтупроқ) Жўраева Норой, Имомова Хамро (Пойгабоши), Бекназарова Рўзигул, Аъзамова Зиннат, Нурова Тўтти (Оби) лар пилла етиштиришда илғор

бўлдилар. 1959 йил 1 мартда Ўзбекистон Олий Кенгаши ва маҳаллий Кенгашларга сайлов бўлиб ўтди. Турсунхол Самиева Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати этиб сайланди.

Шунингдек Басанда Баротова, Хамро Имомова (Оби), Сарвоз Бозоровалар вилоят кенгаши депутатлигига, Азизова Хамида, Мамаражабова Майрам, Қодирова Шарофат, Оллоёрова Майсара, Жумаева Ойсоат, Бурхонова Хосият, Қодирова Сафаргул, Сатторова Майрам, Шодиева Шарофат, (Пасурхи) Олимназарова Мастура, Салимова София (Оқжар), Омонова Ойша, Чориева Тўтти (Дахнаижом), жами 15 нафар хотин-қизлар район кенгаши депутати, 54 нафари хотин-қизлар қишлоқ кенгаши депутати этиб сайландилар ва район тараққиёти учун фидоийлик намуналарини кўрсатдилар.

Халқ хўжалигини ривожлантиришга муносиб хисса қўшиб, 1970-1990 йилларда район тараққиёти учун ўз хиссаларини қўшганлардан: Фотима Ахужанова, Сония Болтаева, Пардахол Мирбекова, Чўлпон Рахмонова, Холиқова Хикмат, Рашидова Гулсара, Ибрагимова Санобар, Усмонова Раъно, Тўракулова Нарзи, Мирзаева Хикмат, Хамидова Мухтарам, Сатторова Мухтарам, Равшанова Норбиби, Салимова Ханифа, Еремеева Вера, Қурбонова Мавлуда, Абдурайимова Хурсаной, Сохибқулова Майрам, Фармонова Жумагул, Норматова Тошой, Исматова Хосият, Рашидова Малика, Рашидова Саломат, Нормурлдова Саодат, Аловутдинова Мукаррам, Имомова Кенжаева Хожар.

БОЙСУН МЕХРИБОНЛИК УЙИ ТАРИХИДАН

*Сен халққа қанча аралашсанг, халқ
ҳам сенга шунча ёндашади.*

“Оталар сўзи”

Совет ҳокимиятини дастлабки йилларидаги оғир иқтисодий қийинчилик, сиёсий қатағонлик, миллий камситиш, маҳаллий аҳоли ўртасида оммавий касаллик ва қашшоқлик туфайли минглаб одамлар турли хил касалликлар ва очлик туфайли ҳалок бўлдилар. Боқувчисидан ажралган, қаровсиз қолган ҳамда ота-онасидан махсус ажратиб олинган болаларни тарбиялаш, асраш ҳамда Совет мафкураси асосида билим тарбия бериш мақсадида махсус Мехрибонлик уйлари ташкил этилди. Шундай Мехрибонлик уйларида бири 1928 йилнинг 13 июнида Бойсун районида ҳам ташкил этилиб, Тўра Хўжаевнинг бевосита раҳбарлигида бўлиб ўтган Бойсун район фирка кўмитасининг биринчи ижроия йиғилишида 1924 йилдан бошлаб Бойсуннинг бек Қўрғонида фаолият кўрсатаётган болалар интернатини етим ва қаровсиз қолган болалар учун махсус Мехрибонлик уйига айлантирилди. Мехрибонлик уйига директор этиб, педагог Абдулла Изитдиннинг таклифи билан Жўра Маллаев (1928-1930) тайинланиб, Мехрибонлик уйига Файзулло Хўжаев номи берилди. Кейинчалик болалар уйга Эркин Раҳимов (1930-1932) Нўъмон Раҳимов (1932-1936) лар раҳбарлик қилди.

Ижодкор – журналист Тохир Усмоннинг «Мехрибонлик уйимиз» китобида ёзилишича 1930 йилга келиб болалар сони 70 нафардан ошган. Шунингдек болалар уйига интернетда тарбияланаётган етим болаларни ҳам олиб келиб қўшдилар. Ўша йиллар болалар уйида қизлар 20 нафар, ўғил болалар сони 54 нафарга етди.

Болалар уйининг биринчи мураббий-тарбиячиси Норхол Султонова бўлган. Ташкил этилган болалар уйининг биринчи тарбияланувчилари орасида чағанлик Абди Тошматов, туман марказидан Очил Саидов, Шўрсой қишлоғидан Саттор Ҳамдамов, Саттор Имомов, Чорчинор қишлоғидан Салим Сохибов, Хурсанд Рамазонов, Равшан Рамазонов, Мачай қишлоғидан Эргаш Маматқулов, татар миллатига мансуб Анвар Абдулмин, Қўрғонча қишлоғидан Сафар Сохибов, Мурод Атоев, Болта Тўракулов, шунингдек Рухсат Юсупова, Шарофат Арабоева ва бошқалар бор эди.

1930 йилларда болалар уйида 140-160 нафар болалар тарбияландилар, улар орасида Мулла Эркаев, Равшан Абдурахмонов, Нормамаат Хайитов, Дони Саидов, Раҳмонберди Омонов, Турди Атоев, Рўзи Чориев, Ҳикмат Хасанов, Шариф Тоғайназаров, Ғани Саидов, Ғани Рамазонов, Робия Шомирзаева, Тўра Шомирзаев, Иқбол Оллоёрова, Қудратбону Муртазоева, Нарзулла Саидов, Рустам Азимов, Файзи Қурманаев ва бошқалар бор эди.

Уруш даврида Бойсун болалар уйида тарбияланувчилар сони 250-300 кишига, урушнинг охирига йилларида болалар сони 400-500 дан ошиб кетди. Ҳар ҳафтада ёки икки ҳафтада бир марта ички ишлар бўлими, ҳамда маҳаллий ҳукумат вакиллари, атроф қишлоқлардан, маҳаллий кучаларидан, бозорлардан силласи куриган, дармонсизликдан юра олмай қолган етим болаларни топиб болалар уйига олиб келиб топширардилар. Шунингдек эвакуация қилинган болалар ҳам кўпчиликни ташкил этарди. Ўша йилларда болалар уйи ҳар бир

болага 500 грамм нон, 2 маҳал иссиқ овқат, ширин чой, ҳар хил мураббоблар берарди. Улардан баъзилари бу ёруғ дунёдан кўз юмушарди. 1936-1942 йилларда меҳрибонлик уйининг раҳбари бўлиб ишлаган, асл Шерободлик Қизларсулув Рустамова умрининг охиригача оналик меҳрини, қалб кўрини меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг буюк онаси сифатида намоён этди.

1942-1944 йилларда меҳрибонлик уйининг раҳбари бўлиб ишлаган Тожинисо Абдуллаева раҳбар бўлиб ишлаган даврлар урушнинг энг дахшатли даврларига тўғри келади. Уруш дахшати ҳамма хонадонларга кириб борган, бутун халқ Эл-юрт учун кечаю-кундуз хизмат қилиб, жангчиларга қурол-яроғ, ўқ-дори, кийим-кечак, озиқ-овқат етказиб бериш билан банд бўлган даврда ҳам ўзбек халқи етим болаларни биринчи даражали ғамхўрлик қилгани тарих зарварақларга мухрланиб қолган. Тўғри ўша суронли йилларда ётоқ жой ғоят танқис бўлиб, баъзан бир краватда икки бола ётар ёки ётоқхонага қатор ўрин талашиб, ёнма-ён ётиб туришга тўғри келарди. Ўша оғир йилларда Хамро Бўтаева, Қумри Жабборова, Ҳурмат Усмонова, Анна Мешкова, Соро Абдулмина, Исломова, Шодиева, Назарова, Нагима Каримова, Шамсинур Каримова, Ф.Зайниддинова каби хизматчи хотин-қизлар, тарбиячилар болаларни ардоқлаб-авайлаб парваришладилар.

1944-1945 йилларда меҳрибонлик уйи раҳбари бўлиб Лутфулло Исломов ишлади. Ғоят қаттиқ қўл, талабчан, серҳаракат, синчков бўлган бу инсон даврида меҳрибонлик уйида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Уруш йилларида болалар уйида бош тарбиячи бўлиб ишлаган Соро Умарова Абдулина меҳрибон, жонкуяр ташкилотчи сифатида болалар ўртасида обрў-эътибор топди. 1985 йилда Қозоғистоннинг Кукчатов вилоятига қарашли Имонтов бекатида камбағал оиласида туғилган Соро Абдулмина, инқилобдан сўнг, 1922 йилда Коммунага кириб ишлади. Ликбезда (Ш.М.К) ўқиб савод чиқарди. 1938 йилда Бойсунга кўчиб келиб, аввал боғча мудираси бўлиб, сўнгра болалар тарбия уйида бош тарбиячи бўлиб ишлади.

Уруш йилларида меҳрибонлик уйини «Қизил Карвон» жамоа хўжалиги (раиси Абдулла Мирзаев) оталиққа олган эди. Сабзавот билан тўла таъминларди. Тўдадаги кўмир конидан кўмир, ўрмон ҳисобидан ўтини туя, от ва эшак ташиб келтирилди. Урушдан кейин ҳам болалар уйида ҳаёт, турмуш ва айниқса таъминот осон кечмади. Бу ерга янги раҳбарлар, тарбиячилар тез-тез алмашиб турилди. Ана шулардан бири, урушдан қайтган татар йигити Комил Ахмедшин эди. У болалар уйида бош тарбиячи бўлиб ишлади. Бу тиниб-тинчимас ва талабчан педагог, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига виждон билан сидқидилдан хизмат қилди. 1940-1950 йилларда болалар уйида тарбияланган ёшлар орасида хилма-хил ихтисосга эга бўлган олий маълумотли бир гуруҳ мутахассислар олимлар етишиб чиқди. Улар Фан докторлари, профессорлар Рифқат Нодиршин, Шариф Тоғайназаров, Қурбонмурод, Холмўминов, Бозор Илёсов, Мўмин Саторов, учувчи Бўри Мирзаалиев, педагог Тохир Усмонов, Зулайхо Тангриқулова, Инженер-геолог Рахмон Абраев, ҳуқуқшунос Неъмат Ҳамроев, Усал Абдиев, ветеринар врач Рустам Аъзимов, иқтисодчи Жума Хасанов, врач Саъдулла Бобожонов, Турсун Эшқобилов, маданият ходими Рофи Бўриев, Робия Шомирзаева, рассом Рўзи Чориев, Тўра Шомирзаев, Бобоқул Рахмонқулов ва бошқалар.

Урушдан сўнг то ҳозирги мустақиллик давригача 12-сонли меҳрибонлик уйига қуйидаги ташкилотчи, етук педагог инсонлар раҳбарлик қилганлар: Жўра Мирзаев, (1945), Ориф Рамазонов (1946), Холиқ Каримов (1947), Мария Альтарова (1948), Нодир Абушаев (1949), Равшан Эшқулов (1950), Саид Асомидинов (1951), Карим Қодиров (1952), Холиёр Алимардонов (1952-1956), Қўшша Жўрақулов (1956-1958), Салим Сохибов (1958-1960), 1960-1964 йилларда Бойсун болалар уйи Шўрчи ва Қарши шаҳарларига кўчирилган, 1964 йил июн ойида қайта ташкил этилган.

Ахмад Валиев (1964-1983), Қодир Назаров (1983-1986), Йўлдош ААХожимуродов (1986-1987), Бахриддин Равшанов (1987-2002), Бўри Чориев (2002-2004), Муҳаммади Норқулов (2004) йилдан раҳбарлик қилиб келмоқда.

12-сонли Бойсун меҳрибонлик уйига 1964-1983 йилларда қарийб 20 йил раҳбарлик қилган мохир педагог, ёшлар мурабийи устоз Ахмад Валиевни хизматини алоҳида таъминлаш жоиз. Болалар уйининг эски биноси Қизиллар босқинидан олдин, амирлик даврида Бойсуннинг катта судхўр бойи-яхудий Суюн Пинхасовнинг шахсий ховлиси бўлган эди. 1960 йилларга келиб бу бинолар яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Шахсан Ахмад Валиевнинг саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан 180 ўринли Янги замонавий ётоқхона биноси, овқатланиш хонаси, замонавий мактаб биноси ҳамда 16 хонадонга мўлжалланган уй-жой бинолари қурилиб ишга тушурилди. Унинг ён атрофи ободонлиштирилди. «Авлод» қишлоғида ёзги дам олиш маскани барпо этилди.

Дунёни гўзаллик безайди - деб айтишади донолар. Шундай экан Бойсундаги меҳрибонлик уйини академик - мусаввир Рўзи Чориевсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Рўзи Чориев 1931 йилда Шеробод районидаги Пошхурд қишлоғида туғилди. Ота-онасидан бир яшарлигида ажралди. Шерободдаги 3-сон ва сўнгра 1936 йилдан бошлаб Бойсундаги 1-сон (ҳозирда 12-сонли) Термиз ва Сурхон посёлкасидаги болалар уйида тарбияланди. «Онамни эслай олмайман. Холамни айтишича 8 ойлик гўдаклик вақтимда оламдан ўтган. Кўп ўтмай отамдан ҳам ажралган эканман. Мен туғилган йилларда замон нотинч, очарчилик бўлган. Жамоа хўжалиги ташкил этилган йилларда кўп ишлар бўлиб ўтди. Кўпчилик одамлар бадарға қилинган. Қамалган даврлар бўлган экан. Одамлар бир бирларидан шубҳаланиб яшаган замон бўлган экан» - деб хотирлайди Рўзи Чориев. 1946 йилда «Меҳрибонлик уйи» иккига бўлинди. 150 нафар қизлар ажратилиб, алоҳида 16-сонли қизлар уйи ташкил этилиб, ҳозирги «Бойчечак» болалар боғчаси биносига кўчиб ўтди. Қизлар уйига илк раҳбар этиб уруш қатнашчиси, меҳридарё, фидойи инсон Оллокул Самадов (1946-1947) раҳбар этиб тайинланди. 1946 йилда ташкил этилган 16-сонли қизлар уйи билан кўшиб ҳисоблаганда, ўша пайтда Сурхондарё вилоятига 27 та болалар уйи ҳаракатда эди.

Мустақиллик йилларида Бойсундаги 12-сонли «Меҳрибонлик уйи» истиқлол мафкураси талаблари асосида тарбияланувчилар учун яшаш, ўқиш ва таъминот шарт-шароитларини, тарбиявий ишларни уй шароитига мослаштириш, ранг-баранг усулда олиб борилмоқда. Бунда мавжуд миллий талаблар, халқ педагогикасининг пешқадам анъаналари, илғор тарбиявий тажрибалар миллий дастур ҳаракат қўлланмаси бўлмоғи зарурлиги кўндаланг

қилиб қўйилди. Қарийб 80 йилдан ошиқ фаолият кўрсатган «Меҳрибонлик уйи» да қарийб 3000 нафардан ошиқ болалар тарбияландилар. Улар совет ҳукуматининг турли-туман жойларига меҳнат қилиб умургузаронлик қилдилар. Кейинги йилларда ушбу масканда тарбияланаётган болалар шарт-шароитининг бекаму-қўст бўлишига давлат томонидан катта эътибор берилди. Таълим-тарбия соҳасида хизмат қилаётган педагоглар янгича ишлаш, яратиб берилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш, таълим-тарбия самарадорлик замон талаблари даражасига ташкил этишга қаратилди. «Меҳрибонлик уйи» жамоасининг болалар уйида намунали ишларни ташкил этиш, таълим тарбия соҳасида эришган юқори кўрсаткичлари туфайли 2004-2006 ўқув йилларида Республикада «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» деб тан олиниб, 1-даражали диплом ҳамда компьютер синфи билан тақдирланди. 2007-2009 йилларда меҳрибонлик уйида мавжуд бўлган бинолар ички қисмлари қайта таъмирланди. Замонавий шаклга эга бўлган соябонлар, гулзорлар, Фавворалар ташкил этилди, Янги жихозлар ва асбоб-ускуналар ва мебеллар билан таъминланди.

«Меҳрибонлик уйи» да болаларнинг яшаши, дам олиши, билим олиш хоналарини жихозлашда-уй шароитига яқинлаштириш, таълим-тарбия жараёнида ёки бошқа ўзаро муносабатларда ҳам тарбияланувчиларнинг ака-ука, опа-сингил сифатида мулоқот қилишлари ўзаро тотув бир-бирларига меҳрибон бўлишлари йўлга қўйилди. «Меҳрибонлик уйи» да қўшимча таълим ва тарбиявий ишлар асосан 4 та «Марказ» орқали мувофиқлаштирилиб олиб борилди.

1.Тарбияланувчиларни маънавий-эстетик руҳда тарбиялаш, ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш мақсадида «Маънавий-маърифий марказ»;

2.Иқтидорли болаларни саралаш, уларга қўшимча билим бериш, барча болаларнинг мактабга олган билимларини мустаҳкамлашга қаратган «Марказ» ва унинг таркибида: «Компьютер сабоқлари», «Репититорлар хизмати», «Кутубхона», ва «Қироатхона» хизматлари ташкил этилди.

3. «Касб-хунарга йўналтириш маркази»-таркибида «Тикув-бичув», «Зардўзлик, каштачилик», «Дурадгорлик», «Юмшоқ уйинчоқлар ясаш», «Радиотехника», «Нафис санъат» тўғарақлари ташкил этилди.

4. «Соғломлаштириш маркази» - таркибида тиббиёт хонаси, физиотерапия муолажаси хонаси, Тиш даволаш, изолятор, гренажёрлар кураш зали, рухшунос хонаси, сартарош хоналар ташкил этилди. «Меҳрибонлик уйи» жамоасининг асосий эътибори айниқса мактабгача ёшдаги болаларга, уларнинг соғлом, баркамол ва зукко бўлиб етишишларига қаратилди.

«Учинчи минг йиллик боласи», «Эртақлар оламига саёҳат» хоналари, «Тирик табиат» бурчаги, шунингдек «Оила» фольклор ансамбл ташкил этилган.

2009 йилда «Меҳрибонлик уйида» етти миллатга мансуб 100 нафар болалар тарбияланди.

Володина Вероника – Бойсун районидаги 10 сон ихтисослаштирилган мактаб интернатининг ўқувчиси. Қизириқ туманида 1994 йил туғилган, 2005 йил 12-сон “Меҳрибонлик уйи” тарбияланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 3 мартдаги ПК-1294 сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси “Зулфия” номидаги Давлат мукофоти совриндори.

“Аълочи” жамоат ишларида фаол, санъатга иштиёки баланд, “Оила” фольклор ансамбили аъзоси. Матиматика, адабиёт ва расм фанларига ўта қизиқади.

Меҳрибонлик уйи маъмурияти томонидан таъсис этилган “Комиллик” стипендияси соҳибаси, турли кўрик-танловлар ғолиби. “Янги авлод”, “Камалак жилоси” каби республика кўрик танловлари ғолиби, “Мен ва менинг ҳуқуқларим” иншолар ғолиби, 2-Республика болалар форуми иштирокчисидир.

2007 йил “Камолот маликаси” спорт мусобақасида, 2008 йили “Дўппи тикдим ипаклари тиллодан” танловида, 2009 йили “Оқида қизлар” кўрик танлови, 2009 йил Ёшлар форуми доирасида ўтказилган “ОИТС-келажак сари” расмлар кўрик танловлари ғолиби бўлди. Туман Ҳокимлиги ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ундан ортиқ фахрий ёрлиқлари ҳамда дипломлари билан тақдирланган. У ўзи ҳақида шундай дейди: “Мен рус қизиман. Болалигимдан меҳрга муҳтож бўлиб ўсдим. Меҳрибон ота-оналари бор тенгдошларимни кўрсам, баъзан ота-онам бўлсайди дердим ҳам. Бошимни силашга бир меҳрибон қўл топилишини орзу ҳам қилардим. Шу юксак мукофот кўксимга тақилганидан, номим мухташам саройларда янграётганидан шуни тушиндимки, шу Ўзбекистон деган меҳрибон юрт менинг онам, бошимни силаган улуғ юртбошим ота каби азиз экан. Онажон халқимнинг эҳтироми азиз юртбошимнинг ғамхўрлиги тимсоли бўлган “Зулфия” мукофоти учун минг бор раҳмат.

Шу эъзозларга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан. Ватаним равнақи йўлида хизмат қилувчи ёш авлод вакили бўлишга ҳамиша ҳаракат қиламан”.

V. БОБ. БОЙСУН ЭТНОГРАФИЯСИ

*Азиз халқингга доимо яхшилик қил,
қилган яхшилигинг улардан сенга
қайтади.*

Муҳаммад Жабалрудий

Қадимги анъаналар туфайли жаҳон дурдонаси сифатида намоён бўлишда алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг эвазига Бойсун маданиятини ўрганишга эътибор ортимоқда. 2003-йилдан Ўзбекистон Бадиий Академияси Санъатшунослик ИТИ асосида тузилган, ўлка халқ санъатини комплекс ўрганиш бўйича Бойсун илмий экспедицияси иш бошлади. Экспедиция Япония траст фондининг ЮНЕСКО орқали ажратган гранти маблағи ҳисобига СМИ группасининг фаол қўллаб қувватлаши ҳисобига ташкил қилинган. Экспедиция ишида тарихчилар, археологлар, этнографлар, филологлар, театршунослар, мусиқашунослар ва санъатшунослар, бадиий хунармандчилик муаммолари билан шуғулланувчилар иштирок этдилар. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида илмий хулосалар яқунланиб, экспедиция натижаларига бағишлаб илмий тўплам яратилди.

ЮНЕСКО ташкилоти иштирокида 2001-2004 йилларда «Бойсун бахори» фольклор фестивали юқори савияда ўтказилди. Бу тадбир туфайли туман маданий меросини ўрганиш жаҳон санъатшунослари томонидан кенг эътироф этилмоқда. Жумладан, бу мақсадлар учун туман ҳокими 2004 ва 2006 йилларда Корея республикасига таклиф қилинди ва халқаро анжуманларга қатнашиб қайтди. Туман ҳокимлиги ва **ЮНЕСКО** ташкилотининг ташаббуси билан шаҳар

марказида миллий меъморчилигимизнинг илғор усулида «Хунармандлар маркази» бунёд этилиб, 2010 йил туманда 70 нафардан ошиқ киши иш билан таъминланган. Бу марказ миллий ва қадимий анъаналаримизни ўзида мужассам этган хунармандчилигимизни меҳнатини жаҳон миқёсида намойиш этиш учун хизмат қилмоқда. Марказий маданият уйи атрофидаги ташландиқ жойларда қурулиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, маданият уйи атрофида 2 та фавора қурилди. Тумандаги «Шалола» ва «Қуралай» ансамбиллари 2003-2007 йиллар давомида Республика миқёсида ўтказилган «Наврўз» ва «Мустақиллик» байрамларида доимий қатнашиб келмоқда. Бундан ташқари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали совриндори ва Республика «Диёр оҳанглари» кўрик танловларида фахрли биринчи ўринни эгаллади. 2004 йилда Бойсун қишлоқ йиғини ҳудудидаги «Хўжақўчкор ота», Паданг қишлоғидаги ва Сайроб қишлоқ йиғинига қарашли Хомкон қишлоғидаги мақбаралар янгидан тикланди ва тарихий қадамжоларга айлантирилди. 2004 йилда шаҳар марказидаги Маданият уйи атрофи қайта таъмирланиб, ободонлаштирилиб «Болажон» сайлгоҳи ташкил этилди.

Туманнинг қўшни Шеробод тумани билан чегарасидаги Чилонзор қишлоғида туман дарвозаси «Алпомиш» монументи миллий меъморчилигимиз асосида қад ростлади. «Кўшшатут» участкасидан «Бойсун-Шеробод-Термиз» автомобил йўлининг ёқасида 200 гектар боғ яратилиб, 6 км масофадан ариқ-канал қазилиб сув келтирилиб, Кофрун маҳалласида 100 гектар янги боғ барпо этилди.

Бойсун этнографиясини мукаммал ўрганиш учун олиб борилган тадқиқотлар натижасида илгари аниқланган 22 та археологик манбаларга қўшимча равишда яна 30 та янги ёдгорликлар аниқланиб, жами 52 ёдгорликлар ҳақида маълумотлар илмий асосланди. Туман ҳудудида 2003-йилда грек-бактрия даврининг улкан ёдгорликларидан бири Қўрғонзол шаҳрида археологик қазилма ишлари олиб борилиб, янги манбаалар аниқланди. Шунингдек илмий тадқиқотчи В.Мокробородов туман ҳудудига хос иқтисодий-хўжалиқ, сиёсий ва диний-маданий жараёнлар ҳақида маълумотлар илмий таҳлил этилди. Бойсун археологиясини ўрганишда таниқли олимлар академик Э.Ртвеладзе ва профессор А.Саъдуллаевлар 1970-йилларда Сарибанд ва Бандихон турар жойлари бўйича тадқиқотлар ўтказди.

Бойсун этнографиясини ўрганишда таниқли этнографлар тарих фанлари доктори А.Ашуров ва илмий тадқиқотчи А. Қаюмовларнинг Бойсун аҳолиси турмушига бағишланган илмий тадқиқотлари ҳамда Жўраев ва Абдурахмоновлар томонидан тайёрланган халқ маданиятининг турли шакллари -ўйин ва байрамларини ўрганиши муоаммоларига бағишланган илмий ишлари, Л.Абдурахмоновни Бойсун туманининг узоқ бурчакларидаги халқ ўйинлари ҳақидаги янги маълумотлари, Р.Абдуллаевнинг турар-жойга оид материаллари, "Бойсуннинг мусиқа мероси", "Бойсун маросимлари ва маросим қўшиқлари" каби илмий ишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек А.Хақимовнинг Бойсунда энг кенг тарқалган анъанавий хунармандчилик - қўлда тўқишни ҳар томонлама санъатшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилганлиги, Э.Гюлнинг халқ тўқимачилигининг турли кўринишлари - гиламдўзлик, кигиз тўқиш ва тўқимачиликка бағишланган илмий

тадқиқотларида Бойсун тумани гиламларининг бадий хусусиятлари ва технологияларини очиб берувчи илмий ишлари фундаментал ишлари бўлиб ҳисобланади.

Таниқли олим А.Хақимов ва С. Алиевларнинг Бойсунда сопол мактабга бағишланган илмий тадқиқотлари, С. Аҳеванинг терини, ёғочни қайта ишлаш ва сандиқлар таёрлаш каби ҳунармандчиликларнинг ривожланиш даражасини кўрсатувчи илмий ишлари ҳамда Бойсун тумани ўзбеклар ва тожикларнинг анъанавий маданиятини ўзида акс эттирган илмий ишлари Бойсун этнографиясини илмий ўрганишга асос бўлди.

БОЙСУН АҲОЛИСИНING ЭТНИК ТАРКИБИ

Этногенез жараёни турли халқларнинг аجدодлари тарихидан бошланади. Узоқ тарихий тараққиёт йўлида аجدодларимиз мураккаб этногенез жараёнларини бошдан кечирганлар. Бу жараёнлар антропологик қиёфалар, қабилалар, халқлар ва элатларнинг аралашиб кетиши, маданий анъаналарнинг кўшилиб, янги асосда ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган. Этногенез ва этник тарих масалалари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу йўналишдаги айрим кузатишларни юнон, хитой, араб, эроний ва туркий тилларда ёзилган қадимги ҳамда ўрта аср муаллифлари ва сайёҳлари асарларида учратиш мумкин. Улар ўз асарларида халқларнинг ташқи қиёфасидаги умумийлик, баъзи урф-одатларнинг яқинлиги ва тилларнинг ўхшашлигини таъкидлаганлар. Аммо улар бу жараёнларнинг асл сабабларини очиб бера олмаганлар. XIX-XX аср бошларида олиб борилган тадқиқотлар нисбатан самарали бўлишига қарамай, бу тадқиқотлар ҳам халқларнинг этник келиб чиқиши, маданияти ва тилларидаги ўхшашлик сабаблари ва моҳиятини тўла очиб бера олмади.

Этногенез ва этник тарихни ўрганиш алоҳида илмий тафаккурни талаб қиладиган муҳим долзарб масаладир. Ўзбек давлатчилиқ тарихини ҳолисона ёритишда ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ўрганиш ва этнологик жиҳатдан илмий таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Бугунги кунда ўзбек халқининг этногенезини ўрганиш ва унинг ҳолисона тарихини қайта яратиш, анъаналарини, турмуш тарзи ва маданиятини ўрганиш билан боғлиқ ишлар жуда катта қизиқиш уйғотмоқда»¹.

Тарихдан маълумки, Бойсун воҳасида қадимдан ўзбек ва тожик халқлари ёнма-ён яшаб, ўтроқ суғорма деҳқончилик маданияти соҳиблари бўлганлар. Шунингдек, воҳада ўзбек халқи таркибидаги турк, қатағон, кўнғирот каби халқларнинг вакиллари яшаган. XIX аср охирида Бухоро амирлигида 27 беклик бўлиб, Бойсун беклиги Сурхон воҳасида эди. 1924 йилги районлаштириш комиссияси материалларида Бойсунда аҳолининг этник таркибини муайян бир тарихий изчиллик асосида беришга ҳаракат қилдик. Аввало воҳанинг уруғчилик анъаналарига эга бўлмаган, этник ва локал хусусиятларни ўзида мужассам этган ва асосан ўтроқ деҳқончилик ҳудудларида яшаган ўзбек-чиғатой, хўжа, ҳардури каби этник ва ижтимоий гуруҳлар келтириб ўтилди.

Кўнғирот уруғининг этногенезини ўрганишда тарихий манбаларнинг

¹Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари / Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –Б. 218.

ўрни беқиёсдир. Чунки айнан манбалар орқали биз кўнғиротларнинг келиб чиқиши ва уларнинг Ўрта Осиё ҳудудига кўчиб ўрнашиш тарихини ўрганиш имкониятига эга бўламиз. Кўнғиротлар ҳақида маълумот берувчи тарихий манбалардан бири XIV асрда яшаган машҳур Шарқ тарихчиси Рашидиддин Фазлуллоҳ Қазвиний (Ҳамодоний) нинг «Жомеъ-ат-товарих» асаридир. Таниқли ўзбек олими Х.Дониёровнинг таъкидлашича, Рашидиддиннинг ушбу асари шу вақтгача Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан мўғуллар деб атаб келинаётган ўзбек (туркий) қабила ва уруғларнинг аслида ким эканлигини аниқлаш учун бевосита калит бўлиб хизмат қилади.

Кўнғиротларнинг XV-XVIII асрлардаги тарихини ўрганишда Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тарихи Муқимхоний», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланом», Абулғозийнинг «Шажараи турк» каби асарлари муҳим аҳамиятга эга.

Кўнғиротлар-ўзбек халқининг қадимий тарихига ва ўзига хос маданий турмуш тарзига эга бўлган муҳим таркибий қисми, бўлаги бўлиб, ўтмиш тарихимизнинг турли даврларида халқимиз томонидан яратилган моддий ва маънавий маданият намуналарига баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиб келган уруғлардан биридир.

Кўнғирот- қатор адабиётларда кўнғир от мингани учун- кўнғирот аталган дейилган. Қозоғистондаги Қонғурат тапонимлари этнонимдан, этноним эса қонғур Қот қўшма тақозосида юзага келганлиги айтилган. Бу –халқ этимологияси. Кўнғирот қадимги туркий сўз. Сўз охиридаги –т аффикси кишилар жамлигини, жамоани билдирган.

Кўнғир-(талаффузда кўнғир) сўзининг ранг билдирувчи кўнғир сўзига мунасабати йўқ. Кўнғир мўғилча хун, керей (қора қарға, қарға киши) сўзларининг кўшилмаси.

Сурхон воҳасида ўзбекларнинг юз, қатағон, тоқчи, дўрмон, чиғатой каби уруғлари орасида кўнғиротлар ҳам алоҳида мавқе ва нуфусга(аҳоли сонига) эга. Рус олимаси Б.Х. Кармишеванинг маълумотларига кўра, IX-X асрларда воҳа аҳолисининг айрим қисмини Дашти Қипчоқдан келиб чиққан уруғлар, жумладан кўнғиротлар ташкил этган. Айрим олимлар кўнғиротларни турклашиб кетган мўғул қабилаларидан бири деб ҳисоблашади. Тадқиқотчи И.Умаров кўнғиротларга бағишланган рисоласида «Кўнғиротлар турк-мўғул қабилалари орасида Чингизхонга энг яқин қавм бўлиб ҳисобланган»-деб ёзади.

Кўнғиротлар XIII-XV асрларда Хоразмнинг сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнагани тарихдан маълум. Н.П.Магидовичнинг фикрига кўра, XV аср бошларида Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳрга юришларида хоразмлик ўзбек кўнғиротлари ҳам қатнашган ва уларнинг ватанимиз жанубий воҳаларига оммавий равишда жойлашуви шундан бошланган. Чунки, Шайбонийхон забт этилган воҳаларни истилода иштирок этган ўзбек қабилаларига бўлиб берган. Рус олими А.А.Семеновнинг ёзишича, XVI-XVII асрлардаги ўзбек тарихий манбаларида Термиздан шимолдаги ерларнинг кўнғиротлар юрти деб аталиши таъкидланади. Кўнғиротлар ва унинг таркибидаги уруғлар уларнинг воҳа бўйлаб жойлашувини янада ойдинлаштирувчи тадқиқотлар давом этмоқда.

Кўнғиротлар бешта катта уруғга бўлинади: Вахтамғали, Қўштамғали, Қонжиғали, Ойинни ва Тотувли. Вохтамғали 18 та уруғга бўлинган: қозоқли,

очамайли, қорақўнғирот, чанчиқли, болғали, баймоқли, жилонтамғали, абокли, тароқли, ирғоқли, бўгажили, чўмичли, хандакли, қайчили, уювли, болғали, ишқили, кесовли. Қўштамғали 16 уруғга бўлинган: қорақасмоқ, қорақалпоқ, кўчахўр, тўлангит, утрокли, кал, туловмат, мавлиш, кулоби, кўса, чол, бармоқ, саврибузар, самбуру, бандикучук, оқпичоқ. Қонжиғали 14 та уруғга: қораурсоқ, нўғай, улус, молтака, чуллик, қўлдовли, чала, қуюн, қорабувра, қора, дўска, кўртўғай, желкиллак, тўпқора. Ойинлилар 12 та уруғга бўлинган: ойтамға, чурон, качай, бешбола, хожибачча, оқтона, тупор, кал, қовға, туркман, қорақалпоқ, қора. Тортувли 6 уруғга бўлинган: тўғиз, мўнка, обохли, майдатўба, ўр, чўпоқ.

Қўнғиротлар қуйидаги уруғларига бўлинган бўлиб, улар ҳақида қуйидаги гуруҳларга бўлинган.

Қарға - Ғарбий Сибир Туркий халқларнинг қанға уруғи бор. Ўзбекларда кўп учрайдиган уруғлардан бири-қарға. Қўнғиротларнинг қанжиғали бўлимининг қорағурсоқ уруғининг бир тармоғи –қарға. Жилонтамғали бўлимининг қарға деган уруғи бор.

Қийғочли - уруғ номи. Қўнғиротларнинг вохтамғали бўлими таркибидаги 16 уруғнинг бири. Баъзи қипчоқ шеваларида қалдирғочнинг бир тури

Қорағурсоқ- қўнғиротларнинг қанжиғали бўлимининг уруғларидан бири-қорағурсоқ. Ўзбек халқи таркибидаги уруғлардан бири ҳисобланади. Қурсоқ, ғирсоқ, қарсак уруғининг бир тармоғи қорағурсоқ бўлган. Оққурсоқ ёки чопқирсоқ ҳам бўлган.

Қорсак- мўйнали ҳайвон, чўл тулкиси.

Қорақанжиғали- қанжиғалиларнинг бир тармоғи.

Қорақасмоқ- қўнғиротларнинг вахтамғали бўлимидаги 16 уруғнинг бири- қорақасмоқ, орагасмоқ.

Қорабўйин- Бойсун қўнғиротлари тортувли бўлимининг майда тўда уруғи таркибида қорабўйин, қорамўйин бор. Қорақалпоқ ва туркманларда ҳам мавжуд. Туркий халқларга, қипчоқларга хос этноним.

Қорашуллик- Қорақалпоқлар арус қўнғиротининг шуллик уруғи бор. Қашқа- сурхон қўнғиротларида бу уруғ номи- чўллик. Чўллик – қанжиғали бўлимига қарашли 14 уруғнинг бири. Шуллик, чўллик - бир этноним, қорашуллик шу уруғнинг бир тармоғи.

Қуйли-ўзбек уруғларидан, дурман қабиласига қараган.

Қуйин- қуйин, қуйун, қуюн- қўнғиротлар қанжиғали бўлимига қарашли 14 уруғнинг бири. Қуюнни, қуюнли ҳам дейишади. Қанжиғали уруғи номи билан аталган.

Қулдовли- қўнғиротлар қанжиғали бўлими 14 уруғнинг бири қулдовли. Қорақалпоқ қўнғиротларининг ҳам қулдаулу уруғи бор. Қулдов тамға шакли. Молларга кўп чизик, тилик кўринишида белги қўйилган. Тамғасига қараб уруғ номланган.

Айинли, ойинли, ойилли- қўнғирот Ўзбеклари таркибига кирган қабилалардан бири. Айинли икки катта бўлимга, ҳар бир бўлим яна кичик уруғларга бўлинади:

1.Оқтўнли: бешбола, ойтамғали, оқтана, туркман, чурон ва бошқа

2. Қоратўнли: Қорақалпоқ, қувук, қочай, тўнсар, ёмғурчи ва ҳоказо.

Ойтамғали- ўзбек халқининг дурман, қипчоқ, қўнғирот. Нурота туркманлари ва бошқа йирик қабилалар таркибига кирган уруғлардан бири. Ойтамғали Ўзбекистон, Қозоғистон худудида учрайди. Ойтамғали қирғизлар таркибида ҳам бўлиб, «Ойтама» деб аталади.

Очамайли- очамайшоқ, очамай, очмайли-қўнғиротлар вахтамғали бўлимининг бир уруғи. Ачамайли, очамайли, ашамайли - ўзбекларнинг дурман, кенагас, найман, қўнғирот, қурама, юз қабилалари таркибига кирган йирик уруғлардан бири-Қорақалпоқлар ва Қозоқлар таркибида ҳам бор.

Ўзбек қўнғиротлари ва Қорақалпоқ қўнғиротларига мансуб қабила. Бу қабила Қорақалпоқ қўнғиротларининг Шуллиқ бўлими таркибига киради. Очамайли қабиласи 13 уруғдан ташкил топган. Улар XIX асрнинг ўрталарида 750 га яқин хўжалиқдан иборат бўлган.

Авоқли - қўнғирот қабиласи вохтамғали, тортувли бўлимларининг авоқли шахобчаси бор.

Арслонбойи - Қўнғиротларнинг вахтамғали бўлимига қаршли уруғлардан бирининг шахобчаси.

Боймоқли- қўнғиротларнинг вохтамғали бўлимининг 18 уруғидан бири ёки боймоқли.

Бешэркак- қўнғиротларнинг вахтамғали бўлимидаги гиламбови (гиламбоғи) уруғининг бир тармоғи.

Бойбичча - жами Ўзбекистон Қўнғиротларининг бойбичча - бойвичча уруғи бўлган.

Бойбўри - қўнғиротларнинг Бойбўри, Қорақалпоқларда Бойбура деган уруғ бор.

Бойовул - Қўнғиротлар тотувли уруғининг бўлимларидан бири бойовли. Бойовли ва Боғаналилар Кофрунда бор.

Бугажили – Қўнғирот қабиласининг вохтамғали бўлимидаги 16 уруғнинг бири. Кенагас, Қозоёқли, Ачамайли қабилалари таркибидан ҳам бўлган.

Бўлак кесавли - кесавли-жузларнинг 16 уруғдан бири.

Вахтамғали- аслида увоқ эни увоқ «Уч қисми эгик, ўроққа ўхшаш» шаклида бўлган. Ўзбекларнинг увоқ уруғ тамғали деган уруғи ҳам бор.

Гидамбоп - ўзбекларда гиламбоби деган уруғ бор.

Дусга - Жанубий Ўзбекистон қўнғиротлари қанчиғали бўлимининг бир уруғи.

Желкиллақ - қўнғиротларининг қанчиғали бўлимидаги 14 уруғдан бири.

Кўса - қўнғиротлар вохтамғали бўлимига қаршли қўнғирот уруғининг бир тармоғи қўштамға таркибидаги 16 уруғнинг бири. Сурхондарё туркман жузларининг жилонтамғали, Форсiston лақайларининг 4 ўғил уруғларида ҳам кўса тармоғи бор.

Мунка- қўнғирот қабиласи тортувли бўлимига қаршли 6 уруғининг бири. (Мунка –улкан, йирик, гавдали, жуссали кишига Мунка лақоби берилган.)

Нўғай- уруғ номли қўнғиротларнинг қончиғали бўлимида 14 уруғдан бири. Қадимий туркий уруғлардан бири.

Ойинни –жан Ўзбекистон қўнғиротларининг тўртинчи бўлими - Ойинни ёки ойинли.

Охшиқ- Туркманларнинг ших деган уруғи бор. Қўнғиротларнинг айинни бўлимидаги бешбола уруғининг бир тармоғи-оқшиқ.

Қўштамғали (қўнғирот) бўлимининг бир шаҳобчаси шикбачча. Қорабоғ (Шеробод) қишлоғида яшовчи чиғатойлар 15 гуруҳдан иборат. Шулардан бири – шихлар. Шихназар деган қўнғирот (ойинни) лар уруғининг бир тармоғи (уруғнинг бўлими) ҳам бор. Минг қабиласига оид уруғлардан бири ҳам оқшақ деб аталади.

Чанчиқли- қўнғирот қабиласи.

Сариқ- қўнғиротлар қўштамғали бўлимининг қорағурсоқ уруғи тармоғи сариқ. Туркманларнинг сариқ-сариг-сару уруғи бор. Форсистон лақайларида саричол уруғи, сори, соримраз, саримвачча уруғлари бор. Қатағонларнинг ҳам сари-сори, сариқатағон, сарибош уруғи бор. Манғит, батош ва бошқа уруғ қабилаларининг ҳам сари-сариқ-сори уруғи бор. Сариқ сўзи йирик қабиланомларига ҳам қўшилган: сари уйшйн, сари уйғур, сари найман, сари қипчоқ, сари қанғли, сари қирғиз, сари нўғай.

Татар тилида сариқ-қўй. Сарукчўлиқ –қўйчилик.

Сарсон - қўнғиротларнинг кичик уруғ тармоғи.

Тароқли- қўнғирот қабиласи вохтамғали бўлимининг тароқли деган уруғи бор. Туркманжузлари жилонтамғали бўлими, Хоразм қўнғиротларининг тароқли уруғи бор. Бу уруғларнинг тамғаси тароқ шаклида бўлган.

Тортувли - қўнғиротларнинг вохтамғали, қўштамғали, қанжиғли, айинни, тортувли қаби беш бўлими бор. Қўнғиротлар бу бўлимларни ота деб аташди. Тамғасига қараб номланган: тамғаси тортуғ (тўрт туғ) тўрт найзали, шохсимон бўлган.

Тўғиз - Бойсун қўнғиротлари тортувли бўлимининг тўғиз деган уруғи бор. Қозоқ, Қорақалпоқ, Олтойларда тоғуз (тўғиз) уруғи мавжуд. Бошқирларнинг ай қабиласи кошсу уруғи таркибида тоғуз деган этник шаҳобча қайд қилинган.

Тупқора- Қўнғиротларнинг қанжиғали бўлимига қарашли уруғлардан бири- тўпқора.

Тупор- умумтуркий қипчоқ уруғи, қозоқ ва қорақалпоқларда ҳам тупор уруғи бор. Қўнғиротларнинг айинни бўлимига қарашли уруғлардан бири- тупор. 1960 йилларда Музработ туманига кўчиб борган тупорлар, ўз қишлоқларини Тупор деб аташган.

Узун - Қўнғиротлар қўштамғали бўлимига қарашли банди кучук уруғининг кўса, узун, бешоғоч, бойботир, жубув, дамфорин, ғалламулла, хўжа, тармоқлари бор. Зарафшон қипчоқларида, қозоқ қипчоқларининг Ўртажуз, Қирғизларнинг бағиш қабиласи таркибида ҳам узун уруғи бор.

Бойсунда қадимдан бошқа туркий уруғлар ҳам истиқомат қилиб, уларнинг ижтимоий маданий ҳаёти тарихий манбаларда ўз аксини топган.

Чиғатойлар - тарихда чиғатой улуси номи Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чиғатой номи билан боғланган. Чингизхон ўз қўли остидаги ҳудудларни ўғилларига бўлиб бераётганда, иккинчи ўғли Чиғатойга Қашқар, Еттисув ва Мовароуннахрни берди. Шу туфайли ҳам бу ҳудуддаги халқлар ўзларини Чиғатой номи билан Чиғатой улусига бўйсунувчи Чиғатай халқи деб атаган. Сурхондарё ҳудудидаги маҳаллий ўтроқ аҳоли ҳам ўзларининг этник номини

унутиб чиғатойлар деб атаган. «Чиғатой» улуси, «чиғатой»лар ҳақида илмий адабиётларда турли далиллар келтирилади. Н.Хаников, А.Борнс, И.П.Магидович, Г.Маллиций, А.Н.Писарчик, Б.Х.Кармишева каби муаллифлар чиғатойлар ҳақида турлича фикрлар билдиришган.

«Чиғатой» сўзининг этимологик маъноси «тоғни қуёшга қараган», «тоғ ёнбағри» каби маъноларни англатади. Шарқий Бухоро халқлари тарихини ўрганишга, бутун умрини бағишлаган тарихчи олим И.П.Магидовичнинг фикрича: «Чиғатойлар Дашти қипчоқ ўзбеклари келгунга қадар Мовароуннаҳрда ўтроқ бўлиб яшаган туркийзабон ва форсийзабон халқлардир». Шулардан энг эътиборлиси Н.Г. Маллицкийнинг фикри бўлиб, у шундай ёзади: «Дашти қипчоқлик ўзбек уруғларига қарши ўтроқ турк ва тожик халқлари қаттиқ туриб курашадилар. Улар ўзларини «чиғатойлар» деб атайдилар. Ўрта Осиёни Дашти қипчоқ ўзбеклари бутунлай эгаллагандан сўнг, кўпгина турк ва тожикларга мансуб бўлган чиғатойлар темурийлар авлодига ўз содиқлигини билдириб, Бобур изидан Ҳиндистонга кетиб қолдилар. Ҳозир ҳам ўша чиғатойлар авлодига мансуб бўлган чиғатойлар ва барлослар Агра ва Деҳли шаҳарлари яқинида яшайдилар».

Маълумки ўша вақтда бу ҳудудларда форсийзабонлар, яъни тожиклар, туркийзабонлар, яъни турли турк қавмлари яшашган, лекин уларнинг барчаси XIII аср ўрталаридан бошлаб бир ном билан, яъни «чиғатой» номи билан аталган. Бу ном Дашти қипчоқ ўзбеклари бу ҳудудларни забт этгунга қадар барча маҳаллий аҳолига тааллуқли бўлмаган. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Бойсун ва Шеробод бекликларида яшаган ўтроқ аҳоли ўша туркийзабон ва форсийзабон чиғатойларнинг авлодлари эди. шунинг учун ҳам чиғатойлар ўзларини шу ҳудуднинг «туб аҳолисимиз» деб аташган.

Чиғатойлар Дашти қипчоқ ўзбекларидек уруғ-қабилаларга бўлинмайди, бунга сабаб қадим-қадимдан уларнинг авлод-аждодларининг шу ҳудудда азалдан (автохон) муқим яшаб келгани бўлса керак. Шунинг учун ҳам чиғатойларни «уруғ-қабилаларга бўлинмайдиган» аҳоли деб таъкидлаш мумкин. Уларнинг авлоди қон-қариндошлиги, бош отадан тарқалиши, қайси ҳудуддан келиб чиқиши билан номланади. Масалан, «авлод», «тўда» ва ҳудуд номлари кўшиб айтилади. Чиғатойлар яшаган қишлоқларга Жанубий Сурхондарёда: Бойсун, Шеробод, Дарбанд атрофларида, Кўҳитанг тоғларининг шарқий ён бағирларида ўндан ортиқ Чиғатой қишлоқлари мавжуд. Бу қишлоқлар умумий ном билан Дахапаракент деб ҳам аталади. Бу қишлоқлар жумласига Вандоб, Шержон, Пошхурд, Зарабоғ, Қорабоғ. Панжоб. Сайроб, Дарбанд, Чакоп қишлоқлари киради. бу қишлоқлар ичида Вандоб ва Шержон энг қадимги қишлоқлардан ҳисобланади.

Бойсун атрофидаги Кўчқак, Авлод, Пасурхи, Кўрғонча, Қорабўйин, Бибиширин, Шайид, Боғбола, Чинор, Кўкчи қишлоқларида асосан тожик чиғатойлари яшашади. Этнографик маълумотларга қараганда, чиғатойлар томонидан ўтказилган маросимлар ўзига хослиги билан ажралиб тургандир. Бу маросимлар ўз мазмун ва моҳиятига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади.

Фарзанд дунёга келиши билан боғлиқ маросимлар (ақиқа, чилла кўчди, бешик тўйи ва ҳаказо қабилар).

1. Табиат ҳодисалари ва ғайритабиий кучлар билан боғлиқ маросимлар (суст хотин, ё ҳайдар, дарвешона).
2. Анъанавий хўжалик ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ маросимлар (шоҳмойлар, хирмон кўтарар).
3. Тантанали, маиший маросимлар (бешик тўйи, суннат тўйи, мучал тўйи, мўйлов тўйи).
4. Диний урф-одатлар билан боғлиқ маросимлар (Пайғамбар тўйи, мавлуд).
5. Дафн маросимлари.

Чиғатойлари томонидан ижро этилиб келинган кўплаб кўшиқлар деҳқончилик билан боғлиқ бўлиб, ранг-баранг усулда ва улардан бизга қадар «Кўш кўшиқлари», «Ўрим ёки ўроқчилар кўшиқлари», «Хирмон кўшиқлари», «Хўп майда» каби жанрлари етиб келган. Бевосита кўш ҳайдаш пайтида ижро этилганликлари туфайли, меҳнат кўшиқларининг бир тури кўш кўшиқлар деб юритилади. Кўш билан ер ҳайдаш нафақат деҳқон учун, балки кўшни тортувчи хўкиз, от ёки бошқа ҳайвонлар учун ҳам оғир бўлган. Чунки бу меҳнат кишидан ҳам жисмоний, ҳам руҳий куч талаб қилади. Кўш ҳайдашнинг барча оғирликлари кўш кўшиқларида хўкиз тилидан нозик ифодаланган:

Шоҳларим бор газ-газ қулоч,
Устида ўйнар қалдирғоч.
Ҳайдай десам қорним оч,
Мен кўшга қандайин ярайин.

Деҳқон тилидан:

Ўроқ билан олмоқ-солмоқ.
Кўш ҳайдамоқ бормоқ-келмоқ.
Ҳаммасидан қийин экан
Эй хўкизим рўзғор қурмоқ.

Ҳар бир қишлоқда «гўянда» халқ оғзаки ижодкорлари бўлгани каби, Дарбанд, Қопчиғай, Оқмачит қишлоқларида ҳам халқ оғзаки ижодларининг намуналари қолган. Бу кўшиқлар тожик тилида айтилган:

Баҳор омад, баҳор омад,
Баҳор лолазор омад,
Биёбанҳо гулистон шуд,
Қамарҳо жумла бўстон шуд,
Баҳор омад ба нек рўзй
Бидўз таки гулдўзй
Баҳор омад, баҳор омад,
Баҳори лолазор омад.

Шунингдек Дарбанд қишлоғида дафн маросимлари билан боғлиқ одатлар ўзига хосдир. Масалан, Дарбанд қишлоғи аҳолиси томонидан марҳум дафн этилгандан сўнг, 3 пайшанба куни жумаги қиладилар ва одамлар келиб фотиҳа килиб кетадилар. Яъни Дарбандда жойлашган кўплаб қишлоқларда Қопчиғай, Омачит, Сесанги, Ғурумларда етиси (7), йигирмаси (20), қирқи ўтказилмайди. Охирги учинчи жумагида хатми Қуръон бағишлайдилар. Беш ойдан кейин азадан чиқарилади. Бунда аёлларнинг кийимлари кўк кийимдан оқ рангга ўтади.

Хулоса қилиб айтганда, Бойсун аҳолисининг қўнғиротлардан кейинги катта қисмини чиғатойлар ташкил қилади. Бугунги кунга келиб, қачонлардир

ўзларини чиғатойлар деб атаган аҳоли вилоятимизнинг барча қишлоқ ва шаҳарларида, қолаверса республикамизнинг кўпгина жойларида учратиш мумкин. Масалан, вилоят маркази Термиз шаҳри аҳолисининг асосий қисмини қишлоқлари номидан келиб чиқиб Панжоби, Сайроби, Дарбанди деб аталувчи чиғатой гуруҳлари ташкил қилади.

Хуллас, ҳар бир қавмнинг моддий ва маънавий ҳаётидаги ўзига хослик. Унгагина таалуқли хусусиятлар, ушбу қавмни бошқа этник гуруҳлардан ажратиб туради, унинг мавжудлигини исботлайди. Айнан моддий ва маънавий маданиятидаги ўзига хос этник хусусиятлар қавмларнинг ўзлигини билишига, тарихий урф-одатларини ривожланишига, миллатнинг камол топишига замин яратади.

Турклар асосан Сурхондарёнинг ўрта ва юқори оқимларида деҳқончилик, чорвачилик, қисман савдо-сотик билан шуғулланган. «Турк» атамаси ҳақида фикр билдирган академик В.В. Бартольд унинг тўла маънода этник атама эмаслигини таъкидлайди. Урхун ёзувларида ҳамда кейинчалик шарқшунос олимлар – А.Ю. Якубовский, А.Н. Бернштам, С.П. Толстов асарларида «турк» сўзи ҳар хил қабилаларнинг сиёсий бирлашмасини англатади, деб изоҳ берилади. Машҳур этнограф олим академик К.Шониезов «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» асарида турк атамаси 445 йилдан бошлаб манбаларда тилга олиниб, уларнинг эфталийларга қаттиқ зарба бериб, Мовароуннаҳрни эгаллаганликлари ва Амударё соҳилларига чиққанликлари қайд этилади. Турк хоқонлиги даврида – VI-VIII асрларда Тоҳаристон ҳудудида 27 вилоят мавжуд бўлиб, улар турклар томонидан идора қилинган. Шундан биттаси Сурхон-Шеробод ҳудудига тўғри келган. Қайд этилган маълумотларга асосланган ҳолда турклар VII-VIII асрларда Бойсун ҳудудида кириб келиб, маҳаллий ўтроқ турк қабилалари билан аралашиб муқим жойлашганлар, дейиш мумкин.

Қатағон. Қатағонлар ҳақида Абулғозий Баҳодирхон, Муҳаммад Солиҳ, Н.Г. Маллицкий, Б.Х. Кармишева, С.М. Абрамзон ва бошқалар ўз асарларида тўхталиб ўтганлар. Абулғозий Баҳодирхон «Шажарайи турк» асарида Аланқувонинг Нурдан уч ўғил – Букун Қатағон, Бускун Чалчи, Буданжир Мунқакни кўрганлигини айтиб, Букун Қатағон қатағон элининг бош бобоси, деб таъкидлайди. Қатағонлар Бойсун воҳасида кўмирчи, кўксой, ажина, бутошиқ, исбилмас, хўяки оила-қариндош уруғларига бўлинадилар. Қатағонлар Сурхон воҳасининг Сариосиё, Денов, туманларида кўпчилликни ташкил этади. Қатағонлар Ҳисор тоғ тизмасининг Сангардак, Вахшивор қишлоқларида яшайдилар. Тоғчи қатағонлар қарапойча, норбадал, кўмирчи, кўксой, ажина, бутошиқ, исбилмас, хўяки оила-қариндош уруғларга бўлинадилар. Қатағон (ўзбек таркибидаги йирик қабила. Бир қисми қирғиз ва қозоқлар таркибига кирган. Қатағонларнинг катта бир қисми Афғонистоннинг шимолий районлари асосан (Қундуз ва Тошқўрғонда) ҳам яшайди. 1905-1914-йилларда фақатгина Бухоро амирлигининг Қўрғонтепа ва Кулоп бекликларида қатағонлар 24 минг киши яшаган. Қатағонлар Кўхитанг тоғининг шарқий ён бағриларида, Вахш, Сурхон, Панж ва Ясу дарёларининг бўйларида яшаганлар. Қатағонлар бир неча уруғларга бўлинган. Ўтмишда улар чорвачилик билан шуғулланишган. Асрлар давомида қатағонларнинг кўпчилиги маҳаллий

халқлар таъсири остида ўтроқлашиб, деҳқончилик қилганлар. Сангардак тоғида Хубон, Чанглоқ, Боғча, Тожик қишлоқ, Дунанги қишлоқлари бўлиб, бу ҳудудда яшовчи аҳоли асосан катогон уруғига мансубдир. Сангирдаклик катогонлар ўзларини Афғонистоннинг Қундуз ва Балх вилоятларидан келганмиз дейишади. Сангардакликлар катогонларнинг қайси даҳасидан эканликларини билишмаса-да, ўзларини бу ерларга биринчи кўчиб келган ота-боболарини номини сақлаб қолишган. Яъни ҳозирги вақтда кишиларни даҳаларга эмас, балки авлодларга бўлишади. Айтишларича, Сангардакка афғонистондан Шохрух Махсум, Шохонбой, Шоқосим махсум каби кишилар кўчиб келишган экан. Сангардак қишлоқларида яшовчи ҳар бир катогон ў шажараси (генеологияси)ни юқорида келтирилган номлар билан боғлашади.

Манғитлар - 92 ўзбек қабиласининг биридир. Бу борада барча ўтмиш муаррихлари ҳамфикр. Чунончи, Фазлуллох Ибн Рўзбехон Исфохоний ўзининг «Мехмоннамои Бухоро» асарида шундай ёзади: «Ўзбеклар мансуб жамоанинг уч тоифаси Чингизхон улуси машҳурларидир. Бири қули шайбонийлардирки, бир неча аждод ўтиб, бугунги кунда хазрати (шайбонийхон)улар хонидир.

Иккинчиси қозоқ тоифасики, қудрати ва шижоати билан дунёга машҳурдир.

Учинчиси, Манғит жамоасини Хожитархон подшолари шулардандир.

Манғит сулоласи тарихчилари ёзишича, XVIII асрга келиб, Моваронуахрда манғитлар 12.000 ташкил қилган. Улар 3 фирка (гурух) ва бир неча уруғга бўлинган.

1. Тукманғит фирқаси, булар бек жамъи ва бой жамъига бўлинган.

2. Оқманғитлар

3. Қораманғитлар

Манғитлар элининг : Қўзи-қўчқор, кўкалдори, қорапир, бобурдоқ уч уруғлари бор. Уч уруғ- ўз навбатида эсарбой, кулик, бойгунди тоифаларига бўлинган. Қораманғитлар 9 фиркага бўлган: Чуки, уники, кўса, бовурчи, кула туғмоли, парча, қора, тоз (тос), бешкал. Бундан ташқари қурама уруғлари ҳам бўлган, булар юзга яқин фиркага бўлинган. Бухоро амирлари манғитлар уруғидан бўлган. Бухоро амири Шохмурод Бухоро тахтига XVIII асрда ўтиргач Самарқандга Марв ва Эроннинг бошқа шаҳарларидан 17 минг оилани кўчириб келтирди. Бу Эрон тилли халқлар ўзларини тожик дейишади.

Кесовли ва қозиёқли уруғлари хусусида Н.Ф. Ситняковский тузган ўзбекларнинг кўнғирот уруғи генеалогик жадвалида қозиёқли ва кесовли вахтамғали қабиласи таркибида, кўса эса кўштамғали таркибида кўрсатилади, қозиёқли эса, биз юқорида қайд этганимиздек, кўнғирот уруғи таркибида гавдаланади. И. Магидовичда ҳам қозиёқли кўнғирот уруғи таркибига киритилган.

Уруғларнинг бу каби номланишида ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар сабаб бўлган. Масалан, қозоёқли деб номланиши ҳақида халқ орасида шундай ривоят мавжуд: «Сирдарёда бир подшо бўлиб, қозиси билан ер-сув масаласида тортишиб қолади. Аҳолининг маълум қисми қозини қўллаб-қувватлайди. Подшо қозини ўлдирмокчи бўлганда, подшоликда хизмат қиладиган бир киши қозига подшонинг ниятини айтади. Шунда қози ўзининг тарафдорлари билан тунда подшолик ҳудудидан қочади. Ҳозирги Сурхондарё ҳудудларига келиб

жойлашади. Қозоёклилар қози билан келган кишилар авлодидир».

Қурама- Ўзбек халқи таркибига кирган этник группалардан бири-курама. Х.Дониёров уларни ўзбек уруғи сифатида қайд этган. XV-XVI асрларгача курамалар Дашти Қипчоқда яшаганлар. XVII-XVIII асрларда Ўрта Осиёга келиб маҳаллий халқларга сингишиб, турли йирик уруғ қабилалар билан аралашиб кетган.

Еттиуруғ – ўзбек-қипчоқлар таркибидаги йирик уруғлар гуруҳи. Еттиуруғ айтамғали, қўштамғали сирғали, қамчили, жувонли, саманотли, чумичли-уруғлардан иборат бўлган. Еттиуруғ таркибидаги бу уруғ номлари ўзбекларнинг бошқа йирик қабилалари таркибида ҳам учрайди. Масалан: айтамғали кўнғирот, Дурман, куромада; қўштамғали –найман, юз, Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани Сайроб қишлоғи атрофида яшовчи чигатой ва бошқа қабилаларда. Еттиуруғ ўзбек халқи таркибига сингиб кетган.

Қоракўз- умумтуркий этноним. Кавказ ўғизларининг қоракўзли уруғи бор. Эронда яшовчи туркий халқларнинг қорагёзли, гарагюзли (қоракўзли) қабиласи борлиги маълум. Улар Ҳамадон вилоятида яшаган. Фарғона қипчоқларнинг шатай уруғида қоракўз уруғи тармоғи бор. Қоракўз ва кўзтамғали этнонимлари бир хил номланишига эга. Тамғаси –кўз- қош думалоқ тешик (халқа) шаклида бўлган.

Тожиклар. Воҳада тожик ва ўзбек аجدодлари қадимда, илк ўрта асрларда ва кейин ҳам доимо бирга бир худудда аралаш, ёнма-ён яшаб келганлар. Маҳмуд Кошғарий «Тотсиз турк бўлмас, бошсиз бўрк бўлмас» яъни тожиксиз турк бўлмаганидек, бош қалпоқсиз (бош кийимсиз) бўлмас, деган мақолни бежиз келтирмаган.

Воҳанинг Дарбанд, Сайроб, Панжоб қишлоқларида истиқомат қилади. Аҳоли этник таркибининг ранг-баранглиги минтақага хос локал этномаданиятнинг шаклланишига муҳим асос бўлиб хизмат қилган. Қолаверса Бойсун воҳасига хос этнолокал хусусиятлар турли этник ва этнографик гуруҳларнинг номлари - этнонимларда, маҳаллий аҳолининг қариндош-уруғчилик анъаналари, лаҳжалари, турмуш тарзи, хўжалиги ва урф-одатлари билан боғлиқ халқона қарашлар, афсона ва ривоятларда ёрқин намоён бўлган. Қолаверса этнолокал хусусиятлар маҳаллий аҳолининг моддий ва маънавий маданиятида, турмуш тарзи ва хўжалик анъаналарида ҳам ўз аксини топган.

Тоғчиқавми: ўз миллий мустақиллигини қўлга киритгач, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, тараққиёт ва янгилашни йўлидан қатъият билан бормоқда. Мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Тарихий мафқурани шакллантириш, чинакам маънавий-ахлоқий кадриятларни тиклаш учун қулай имкониятлар яратилди. Ватан тарихи ва ўзбеклар этногенезини тўлақонли ва ҳаққоний ўрганиш Давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди миллий уйғониш даврида тарихда ким эдигу, яқин ўтмишда ким бўлиб яшаганимизни, аجدодларимиз қайтарзда умргузаронлик қилганлигини рўй-рост тасаввур қилиши лозим. Шу боисдан ўзбекларнинг шаклланишида фаол иштирок этган қавмлардан бири-тоғчиларнинг ўтмиши ва кечмишини ҳолисона ўрганиш этнология-элшунослик

фанининг долзарб муаммоларидан биридир.

Тоғчи|тоқчи|, тахчи|-ўзбек уруғларидан бири. Бу сўз «тоғлик» деган маънони англатади. Элшунослар фикрича, (К.Ш.Шониёзов, Б.Х.Кармишев ва бошқалар) тоғчилар дастлабки ўзбек қабилалари гуруҳига киради. Улар баъзан ўзларини Дашти кипчоқ-қатағонларига ҳам мансуб деб биладилар. Лекин тоғчиларнинг аجدодлари Жанубий Ўзбекистон ҳудудида дашти кипчоқ ўзбеклари келмасидан ҳам бурун яшаганлар. Бу қавм вакиллари тоғларда истиқомат қилганликлари сабабли, тоғчилар (тоқчилар, тахчилар) деб аталган. Қатағон уруғининг жон қатағон тармоғида тахчи гуруҳи мавжуд. Тоғчилар сони ва нуфузи жиҳатидан чиғатойлар ва кўнғиротлардан кейин туришиб, асосан Сурхондарё воҳасида яшаганлар. Бойсун беклигида учта йирик-тожик чиғатойлар, хўжалар ва тоғчилар доимо ёнма-ён истиқомат қилганлар. 1924 йилги маълумотларда Бойсун туманида 5605 нафар тоғчи қайд этилган. **Тоғчи, тоқчи, тахчи** - ўзбек уруғларидан биридир. Бу сўз «тоғлик» деган маънони англатади. Бойсун туманида Туркундарёнинг (Мачайдарё) юқори қисмида Қизилновур, Кўмирчи, Кентала, Кўксойда қишлоқларида чубош қатағонларга мансуб тоғчилар истиқомат қилади.

Чубош қатағонлари икки гуруҳга бўлиниб, булар Худойберди ва Аллахмат гуруҳига бўлинади. Бойсуннинг Қайроқ, Яккатол, Олачапон, қишлоқларида ҳам тоғчи- қатағонлар яшайди. Қатағон уруғининг жон қатағон тармоғида тахчи гуруҳи бор. Тоғчилар сони ва нуфузи жиҳатидан чиғатойлар ва кўнғиротлардан кейин туруб, асосан Сурхон воҳасида яшаганлар. Бойсун беклигида (1868-1920) учта йирик тожик-чиғатойлар, хўжалар ва тоғчилар доимо ёнма-ён яшаганлар. 1924 йилги маълумотларда Бойсун туманида 5605 нафар тоғчи яшаганлиги қайд этилган.

Тоғчиларнинг озсонли қисмлари Бойсун шаҳар атрофларида ҳам кун кечирганлар. Бойсуннинг Новлон (навлулиён бўлса керак) маҳалласида бир неча тоғчи-оилалари тожик –чиғатойларга қўшни бўлган. Сарисийё қишлоғида тоғчилар тожик- чиғатойлар ва хўжалар ҳамда кўнғиротлар билан бирга турмуш кечирган. Аҳолисини асосий қисми тожик- хўжалар ҳисобланган. Авлод қишлоғида 30-40 тоғчи оиласи алоҳида маҳаллани ташкил этган. Элшунос Б.Кармишевнинг фикрига кўра, тоғчиларнинг жисмоний кўриниши бошқа этник гуруҳлари каби бир хил эмас. Уларнинг ташқи қиёфасида монголоид ирқига хос белгилари камроқ бўлиб, тоғда яшовчи тожикларга кўпроқ ўхшайди.

Тоғчиларнинг тили турк ва қарлуқларнинг тилига яқин бўлиб, қатағонлар шеvasи каби ўзбек тилининг қарлуқ лақжасига киради. Уларда ички никоҳ – эндогалия анъаналар жуда кучли сақланган бўлиб, фақатгина баъзан тожик ва турклар билан қиз олиб беришган. Маҳаллий кўнғирот, дурман, юз, лақай каби ўзбек қабилалари билан никоҳ алоқалари умуман тақиқланган эди. Тоғчиларнинг асосий анъанавий машғулотлари чорвачилик (қўй, эчки боқиш), деҳқончилик ва ҳунармандчиликдан иборат эди. Ҳунармандчиликда арча кесиб, чўян эритиш, кўмир, руда казиш билан шуғулланганлар. Улар сув тегирмонларни кўпроқ қуриб ишлатишган. Тоғчилар аجدодларининг келиб чиқишини Афғонистоннинг Қундуз (ўзбек қатағонлар юрти) ва Балх вилоятларига боғлайдилар. Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларининг тоғчилари

Амударёнинг ўнг томонида яшовчи ўз уруғдошлари билан ҳар томонлама алоқада бўлишган.

Этнографик маълумотларга кўра, тоғчилар Жанубий Ўзбекистоннинг қадимги туб (автохтон) туркий қавмлардан бири ҳисобланадилар. Дашти Қипчоқ ўзбекларнинг юришларида, тоғчилар қатағонларга кўшилиб шимолий Афғонистонга кетишган. Кейинчалик турли феодал низолар туфайли тоғчилар-тоғчи қатағон номи билан ўзларининг юртларига қайтиб келганлар. XX аср бошларида содир бўлган иқтисодий ва сиёсий жараёнлар туфайли тоғчиларнинг кўпчилиги ўзбеклар, баъзи гуруҳлари эса тожиклар таркибига сингиб кетиб, мазкур миллатларнинг муштарак қисмига айландилар. Ҳозирда Бойсун шаҳар марказида, Авлод, Сариосиё, Даштиғоз, Омонхона, Саройтош қишлоқларида тоғчи-қатағонлар умргузаронлик қиладилар. Улардан кўплаб машҳур чобағонлар ва полвонлар етишиб чиққан.

Совет ҳокимияти йилларида, 1940 ва 1949-1956-йилларида жуда кўплаб тоғчилар Денов, Жарқўрғон, Сурхон ва Музработ туманларига мажбуран кўчирилган. Ҳозирда ўша ерда истиқомат қиладилар. Шерободдарёнинг юқори оқими (Мачайдарё)да яшовчи чубош-қатағонларга мансуб бўлиб, Қизилновур, Кўмирчи, Кўксой, Кентала (Кенгдала) қишлоқларида кун кечиришган. Чубош-қатағонлар икки гуруҳга бўлинган: худойберди ва алахмат. Панжобдаги Лайлагон қишлоғида ҳам тоғчилар туришган. Шарқий Туркистон худудида тоғлик этник гуруҳларнинг келиб чиқиши, турмуш тарзи ва хўжалик фаолиятида ўзбек тоғчиларининг маълум даражада алоқадорлик жиҳатлари мавжуд. Тоғчиларнинг жисмоний кўриниши бошқа этник гуруҳлари каби бир хил эмас. Уларнинг ташқи қиёфасида монголоид ирқига хос белгилар камроқ бўлиб, тоғда яшовчи тожикларга кўпроқ ўхшайди. Тоғчиларнинг тили турк ва қарлуқларнинг тилига яқин бўлиб, қатағонлар шеvasи каби ўзбек тилининг қарлуқ лаҳжасига киради. Уларда ички никоҳ-эндогамия анъаналари жуда кучли сақланган бўлиб, фақатгина баъзан тожиклар ва турклар билан қиз олиб беришган. Маҳаллий қўнғирот, дўрмон, юз, лақай каби ўзбек қавмлари билан никоҳ алоқалари умуман тақиқланган эди.

Тоғчиларнинг асосий анъанавий машғулоти чорвачилик (қўй, эчки боқиш), деҳқончилик ва хунармандчиликдан иборат эди. Хунармандчиликда арча кесиб, чўян эритиш, кўмир, руда қазиш билан шуғулланганлар. Улар сув тегирмонларни кўплаб қуриб ишлатишган. XX асрнинг бошларида содир бўлган иқтисодий ва сиёсий жараёнлар туфайли тоғчиларнинг кўпчилиги ўзбеклар, баъзи гуруҳлари эса тожиклар таркибига сингиб кетиб, мазкур миллатларнинг муштарак қисмига айландилар. Мухтасар қилиб таъкидлаш лозимки, юртимизнинг жанубий сарҳадларидаги пурвиқор тоғ этакларида азалдан умргузаронлик қилган нуфузли ва сарбаланд қавм-тоғчиларнинг этник тарихини янги тарихий-этнологик манбалар асосида ҳаққоний тарзда ўрганиш ва халқимизга сингдириш, миллий ўзликни янада теранроқ англашда ҳам жамиятимиз маънавиятини оширишга хизмат қилади.

Сарой- ўзбеклар таркибига кирган йирик қабилалар уюшмаси. 1924-26 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатида Ўзбекистон территориясида яшовчи саройларнинг сони 50 мингдан ортиқ бўлиб, уларда 18 минги Бухоро воҳасида яшаганлари қайд қилинган. Саройлар таркибида бир қанча кичик ва катта

қабилалар мавжуд бўлган. Сарой қабиласи таркибида тоғчи уруғи бор.

Масалан: аз-сарой, қипчоқ –сарой, қорабоғ-сарой, кўнғирот –сарой, Можар-сарой, кигиз-сарой, найман-сарой ва бошқалар. Саройлар этник бирлашма сифатида XIV-XV асрлар давомида Дашти Қипчоқда шаклланган бўлиб, XVI асрда бошқа ўзбек қабилалари билан бирга ҳозирги Ўзбекистон территориясига келиб жойлашган.

Учтамғали-йирик уруғлардан бири. XX асрнинг бошларига қадар сақланиб келган. Улар қипчоқлар таркибида бўлишган. XV-XVI асрлар давомида Нўғай Ўрдасининг ерларида кўчиб юрганлар. Нўғай Ўрдаси емирилгач (XVI асрнинг 2 ярми) Учтамғалиларнинг бир қисми Азов денгизининг соҳилларига кўчиб ўтиб, кейинчалик нўғай халқининг, Дашти қипчоқда қолган қисми эса Зарафшон водийсидаги қипчоқлар, Тошканд воҳасидаги қурамалар ҳамда қозоқ, Қорақалпоқ, қирғиз халқлари таркибига сингиб кетган.

Тўққиз –ўғиз-тўғиз-ўғиз (қадимда туркийга ўғиз қабила) қадимий туркий қабила иттифоқларидан бири. Тўққиз-ўғиз қабила иттифоқининг асосан 9 қабила ташкил қилган. Улар ҳозирги тива, олтой, теленгут, уйғур халқларининг илк аجدодлари ҳисобланади. Ҳозирда уйғурлар таркибига сингиб кетганлар.

Кийикчи - Б.Х.Кармишева- кийикчиларни манғитларга мансуб деб қарайди.

Олачопон - жалайирларнинг Қорачопон уруғи, шунингдек оттунни, оқчапон, олачопон деган уруғлари ҳам бўлган.

Оқлар - оқ туркман уруғи: Ўзбек халқининг уруғ, уруғ бўлимлари номида оқ сўзи кўп такрорланади: оқманғит, оқших, оқпичоқ, оққўйли, оқтўнни, оқпалтак, оқсори, оқтамғали, оқчепкан, оқтона, оқчаноч, оқтелпак, оқбўрибой, оқбой. Бу тип этонимлар кўпчилигининг зид номлари ҳам бор: қораманғит, қорақалпоқ, қорателпак, қорақўнғирот, қоракуччи, қоратўнни (кўктўнни), қорақўйли, қоратона, қоракалтак, қорачичоқ ва хоказо.

Патос - Сурхондарё туркман – жузларининг вахтамғали бўлимида патос, болахур, кўса, қарға, йурға, ёс, тарокли, эгарчи (иярчи) уруғлари бор.

ҚАДИМИЙ МАҲАЛЛА АНЪАНАЛАРИ

Бойсун зонаси - шаҳарнинг ўзи Бойсун тоғ тизмасида жойлашган бўлиб, унинг тўртала томони тоғлар билан ўралиб турганининг ўзи шаҳарни ташқи душманлардан сақлаб турувчи «керага» га ўхшатишадилар.

Тарихчи Б.Кармишева шаҳарда қўрғон, мачит ва мадраса, катта ёпиқ тим (бозор), савдо-сотик дўконлари ва хунармандчилик ривожланганини ёзиб қолдирган.

XVII асрдан бошлаб Бойсун-Бухоро амирлигининг Бойсун беклиги ташкил этилиб, бу ерда асосан ўтроқ аҳоли яшаган бўлиб, улар савдо-сотик, хунармандчилик ва деҳқончилик билан шуғулланганлар.

Баҳор келиши билан шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқ аҳолиси, ўзларини боғ ва дала ҳовлиларига кўчиб ўтганлар. Шунингдек, шаҳар аҳолисидан ташқари Авлод, Сарисийе, Боғиболо, Кўшкак, Қорабўйин ва Пасурхи қишлоқларида ҳам худди шундай ҳолат мавжуд бўлган. Бойсун маркази ва унга туташ қишлоқлари аҳолиси фақат икки тилда ўзбек ва тожик тилида сўзлашиб,

бу ерда турк кўнғирот, катагон, чигатой, дурман, ҳардури ва бошқа аҳоли маҳалла (гузар) ларда аралаш яшайди. Шаҳарнинг ўзи Ариқ-усти, Тузбозор, Кўктепа, Чор-чинор, Оби, Пойгабоши, Н.Азамов, Шўрсой, Газа, Мустақиллик, Ю.Қодиров маҳаллаларга бўлиниб, қарийб 30 мингдан ошиқ аҳоли яшайди. Бойсунда XVI-XIX асрларда тўқувчилик айниқса ипак тўқувчилиги, темирчилик, заргарлик, кулолчилик, кунчилик, мисгарлик ва бошқа соҳалар кенг ривожланган. Гузарлар касбига қараб заргаргузар, қассобгузар, чармгарлар, дегрез гузар, кулолгузар, дукчилар гузари, нонвойлар ва бошқаларга бўлинган.

Ариқ усти маҳалласида 500 дан ошиқ хонадон бор. Аҳолиси асосан ўзбек-кўнғиротлари яшашади. Хотин-қизлар каштачилик, зардўзлик, гилам тўқиш, кигиз тайёрлаш билан шуғулланса, эркаклар ўймакорлик, устачилик ва темирчилик билан шуғулланади. Маҳаллада суннат, никоҳ ва бешик тўйлари ўтказилади. Маҳаллада яшовчи Хўжамов Умбар (1910-йил) «Кўш хайдаш», «Майда», «Ё рамазон», «Мирхайдар» халқ кўшиқларини маромига етказиб куйлайди.

Кўктепа маҳалласида ўзбек кўнғиротлари, катагон, шу жумладан Чигатой ва тоқчилар яшашади. Маҳаллада 90 ёшдан ошган эркаклар, 100 ёшдан ошган аёллар кўп. Аёллар асосан тикувчилик, каштачилик, гиламчилик билан шуғулланса, эркаклар деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик билан шуғулланади. Суннат, никоҳ ва бешик тўйлар сақланган. Тўйларда «Келин салом», «ёр-ёр», «тўйлар муборак» каби лапар ва кўшиқлар доира билан айтилади. Тўйларда сурнай, доира, думбира, дутор ва чанқовуз ишлатилади.

М.Хўжаева (1907) «Алла», «Турай-турай», «Чирай-чирай» халқ термаларини, шунингдек Хурсандова Тўтти, Ф.Ғаффорова, М.Дониева каби аёллар халқ кўшиқларини маромига етказиб айтишади. Ражабова Нодира, Мирзамўминова Норой, Мирзамўминова Анор «Суст хотин», «Рамазон», «Алла», «Ёр-ёр», «Келин салом» каби халқ термаларини яхши билишади. Холиқ Рахмонов чўпон бўлган, ёшлигидан чавандоз-кўпкарида қатнашган, кўш хайдаган. Шу билан бирга дўмбирани сайратган. Унинг хотини Юсупова Хадича биби халқ табобати билан шуғулланади. Кўплаб касалликларни даволайди. Шу билан бирга «Хўш-хўш», «Турай-турай», «Чирай-чирай» ҳамда «Алла» халқ ашулаларини яхши айтади. Холиқ Рахмонов зардолидан тайёрланган дўмбираси (ҳозирда сақланган) билан «Алла», «Ё рамазон», «Онам», «Дўмбирам» куйларини маҳорат билан ижро этган.

Тузбозор маҳалласида Тўхта Шарипов (1929-2009) дўмбирада халқ куйларини чалиш устаси бўлган. У амакиси Жума Қодировдан 10 ёшидан бошлаб дўмбира чалишни ўрганган. 70 дан ортиқ куйларни чалади. Унинг тут дарахтидан бўлган дўмбирасини Сариосиё кишлоғидан бўлган Уста Омон томонидан ясаб берилган. У дўмбирани яхши чалганлиги учун гап-гаштакларга таклиф этилган.

Н.Азамов маҳалласида истиқомат қилувчи Шокир Омонов (1969) сурнай чалишни 1986 йилдан бошлаб ўрганган. Зикр Умаровни ўз устози деб билади. Халқ кўшиқчилигидаги «Бойсунча», «Бойсун мавригиси», «Тўёна», «Пойга от куйи», куйларини маромига етказиб чалади. Унинг 45 смли бўлган ёнғоқ ва зардоли дарахтидан Бойсунлик уста Худойберди томонидан ясалган сурнай кўплаб тўй- хашамларга хизмат қилмоқда.

БОЙСУННИНГ АНЪАНАВИЙ ХЎЖАЛИГИ

*Сахийликнинг натижаси яхши
номлилик, эзгулик берувчи безакдир.*

Абулбаракот Қодирӣ

XIX аср Шарқий Бухоро беклиги бўлган Бойсунда қишлоқ хўжалиги маълум маънода ривожланиб, қадимий деҳқончилик анъаналари сақланиб қолган эди Бойсунда донли экинлар: бугдой, арпа, жўхори, беда экинларидан пиёз, шолғом, сабзи, ловия, полиз экинларидан: қовун, тарвуз экилган. Боғбонлар шафтоли, ўрик, олча, нок, ёнғоқ, бодом, анор, анжир, тут, узум етиштирганлар. Қуритилган мевалар амирликнинг ташқи бозорга чиқарадиган асосий маҳсулотлардан бўлиб, 1887 йилда 20000 пуд қуритилган мева четга сотилган.

Бойсун беклигида вақф ерлар қабристон, масжид, мадраса, хонақо каби муассасаларга васият қилиб қолдириш ёки хайр-эҳсон қилиш орқали вужудга келган. Вақф ерлардан келадиган даромад мутавали қарамоғига келиб тушиб, у вақфга боришда томонлар ўртасида тузилган ҳужжат шартларига кўра тақсимланган. Вақф ерларни сотиш, гаровга қўйиш, расман ман қилинган бўлса ҳам, лекин улар турли баҳоналар билан сотилган ва сотиб олинган. Денов қозилик текширишида Бойсун бекликда 35 ботмон ер яширинча вақф ерлари сотилганлиги аниқланди. Бойсун беклигидаги 18,2 фоиз вақф ерларини ташкил этган. Беклар ҳокимият бошқарувида ўз сиёсий мавқеини мустаҳкамлашда, маъмурий-иқтисодий бошқарув тизимидаги йўл қўйган хато-камчиликларни яширишда ва бошқа ишларни амалга оширишда диний уламоларнинг кучидан кенг фойдаланар эди. Шунинг учун қозилар бекларнинг сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлашда, қайта тайинлаш, тафтил ишлари амалга ошириладиганда алоҳида ҳимояни ўз зиммаларига олар эдилар.

Бойсун беклигида ерга эгалик ҳақи бошқа бекликлар каби амир ёрликларида кўрсатилган ҳужжат асосида олиб борилиш билан бирга, ушбу бекликлардаги ерлар ҳосилдор, географик ҳудуди қулай иқлим шароитига эга бўлганлиги учун ҳам амирнинг назорат вакиллари солиқ олиш жараёнига жиддий эътибор билан қарар эдилар. Амирлик назоратида бўлган танҳо ер эгалиги (ўрта асрларда иқтаъ, суюрғол деб аталган)га карвонсаройлар, тегирмонлардан келадиган даромадлар кирган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб танҳо маълум бир хизмат учун вақтинчалик бериладиган бўлди. Баъзида у маошга ёки қўшимча равишда берилган. Бойсун карвонсаройлари, тегирмонлари алоҳида нуфузга эга бўлиб, беклар томонидан назорат қилиб турилган. Бойсунда 2 та карвонсарой, 45 та тегирмон мунтазам иш фаолияти солиқ назоратида бўлиб, ўз вақтида амир хазинасига солиқ тўлаб турган. Бекликларда граждандан ёки ҳарбий кишилар янги мансабга тайинланганда, улар амирдан танҳо инъом қилишни сўраб мурожаат қилишган. Бойсун беклигида асосий деҳқончилик экинлари бошоқли экинлар бўлиб, дон маҳаллий аҳоли ҳам эҳтиёжини қондириш билан бирга ташқи бозорга ҳам катта миқдорда чиқарилган бу бекликларда лалми деҳқончилик ҳам маълум миқдорда ривожланиб, дончилик алоҳида эътибор беришиб, об-ҳаво қулай келган даврда

ҳиссадорлик анча юқори даражада бўлар эди. Бойсун беклигида ўртага бир таноб ерга 2-2,5 пуд ғалла сочиб 33 пудгача, арпанинг 2 пудидан 25 пудгача бир десятина ердан 300 пудгача ҳосил олинган. Маҳаллий ҳунармандлар томонидан тайёрланган тегирмонларда донли экинлардан ун тайёрласалар, техник экинлардан мойжувозлар ёрдамида мой олишган. Ҳунармандлар томонидан тайёрланган тегирмон ва мойжувозлар қарийиб ҳар бир қишлоқда бўлиб, ўша ҳудудда яшайдиган аҳолига хизмат кўрсатган. Ўнта ун тегирмонида бир кеча-кундузда 1500 пудгача ун тайёрланган.

Бойсун қишлоқларида аҳоли турли хил касб-ҳунар билан шуғулланиб бориш натижасида темир буюмларга бўлган эҳтиёж кўп бўлганлиги туфайли шаҳарда ўнга яқин темирчилик устахоналари мавжуд бўлган. Шарқий Бухоро бекликларда тоғли ҳудудлар кўп бўлганлиги, бекликни ҳимоя қилишга бўлган талаб натижада қурол-яроқ ишлаб чиқаришга бўлган эҳтиёж кўп бўлган. Қурол-яроқсозлик устахоналар қилич, найза, қолқон, пичоқ, сувлик, тақол ва турли хил катта-кичик қуроллар, майда буюмлар ишлаб чиқарилган. Бойсун беклигида мавжуд темир, тошкўмир рудаларидан фойдаланиб, Бойсун беклигида 25 руда эритиш печлари бўлиб, унда 50 киши фаолият кўрсатган. Оддий босқон кучи билан тайёрланаётган меҳнат буюмлари оғир меҳнат эвазига яратилсада, ташқаридан келтирилаётган сифатли қурол-яроқсозлик, игнасозлик, михсозлик каби темирчилик буюмлари маҳаллий усталар томонидан тайёрланган меҳнат маҳсулотларини сиқиб чиқара бошлади. Аграр соҳага мослашган Шарқий Бухоро бекликларида кўпроқ қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган меҳнат қуроллари, тепкили бел, кетмон, ўроқ, омоч, сўқа тишли омоч, арра, қайчи, шоха ва бошқа меҳнат қуроллари тайёрланган. Қишлоқдаги усталар ҳам оддий меҳнат қуроллари тайёрлашни ўзлаштириб олганлар. Тоғли ҳудудлар бўлган Бойсун ҳудудида темирчи усталар синчли уйларни қуришда ёғочдан уй қуриш (чўбкор)ни жуда яхши ўзлаштириб олганлар. Усталарнинг доимий иш қуроли бўлган болта, арра, теша, пойтеша, омбир, катта қалпоқли михлар мунтазам тарзда устахоналарда тайёрланган. Уй қурувчи усталар учун тайёрланган болта 60 тийин, омбир 1 сўм 40 тийин, арра 30 тийин, теша 30 тийин, катта қалпоқли михнинг 1 донаси 5 тийиндан сотилган. Бойсун беклигида чўян қуриш корхонаси бўлиб, тошкўмир ёқилғисидан фойдаланилган. Чўян қуйиш устахоналарида ойда икки марта чўян эритилган, чунки бу иш машаққатли бўлиб, оғир меҳнатни талаб этган. Бойсун беклигида қопқоғи очиладиган чиройли туфдонлар тайёрланиб, дастилуй-туфдон деб аталган. Гўзал ва нафис мис буюмлари нақшлигининг мураккблиги ҳамда хилма-хиллиги билан ажралиб туриб, мисгар наққош катталиги 12-24 вершок бўлган, палов ейишга мўлжалланганлаган лаганни тайёрлаш учун бозордан 8 сўмдан 12 сўмгача бўлган материални сотиб олиб, ундан 3-3,5 ҳафта давомида юқорида айтилган лаганни тайёрлай олган ва унинг бозор нархи 30 сўмдан 50 сўмгача бўлган. Мис офтоба тайёрлаш учун мискар 2 сўмлик материал сарфлаб, уни ясашга 2 кун, нақшлашга бир ҳафта вақт сарфланган. Бойсун ҳудудида металлни қайта ишлаш соҳаларидан бири заргарлик санъати кенг ривожланган. Заргарлик устахоналарида хотин-қизлар учун чиройли тақинчоқлар кумуш, мис, тилладан тайёрланиб, рангли тошлар билан безатилган туморлар учун ғилофлар тайёрланган. Уста заргарларни иш қуроллари, тарози, дам даҳандам,

ўчоқ, бута, сандон, манқал, дастаманқол, дастакчўб, қайчи, кира, рачкоса, оташчиروق, резак, сувон, болға, болғача, омбир, омбирча, чисток, санчи манак, ҳақиқи сағири, заргар қум, сумба, қолиб, муҳр қалам, масқол, дупоя, босма дамдандан иборат бўлган. Халқимизнинг «Дунёда аёл зоти бор экан, заргар ишсиз қолмайди» деган мақоли заргарларга берилган бекиёс тарафдир. Аёллар учун заргарлик буюмлар ранг-баранг, нафис ва чиройли бўлиб, улар турли хил ўзига хос белгиларга эга бўлган. Заргарлик буюмлари; - «Зеби сина», «тилла баргак», «ақиқ», «қўлтиқ тумор», «заркокил», «халқай Муҳаммади», «халқай сепоя», «халқай-бешоёқ», «тиллақош», «бибишок» каби турли хил номлар билан ажралиб туради. Заргарлик касбини эгаллаган усталар турли хил буюмлар тайёрлашда ўз маҳоратларини кўрсатиб, эл орасига алоҳида нуфузга эга бўлиб, амалдорлар ўз буюртмаларини ана шундай истеъдодли усталарга тақдим этганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бойсун беклигида ўтин пули, қамиш пули, сув пули, тўй пули, мактаб пули, амина пули каби турли хилда солиқ турлари бўлган. Бундан ташқари сўйиш пули бўлиб, яъни қассобларга ойига 20 танга миқдорида маош тўланган. Шунингдек, маҳаллий бойлар, оқсоқоллар меҳмонларнинг ҳурмати учун муштак солиғи тўланган, унга кўра ҳар бир деҳқон олган ҳосилдан 1 чора (2 кг) миқдорида солиқ тўлаган. Шарқий Бухоро бекликларида мактаб пули солиғи ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра ота-оналар фарзандларининг ўқиши учун ўқитувчиларга (яъни муллаларга) Қушбеги ҳужжатлари асосида 15-20 танга солиқ тўлаши қайд этилган.

Бухоро амирлигининг Шарқий бекликларида ва қишлоқларида XIX аср охирида даруғона, яъни маҳаллий беклик ва унинг атрофидаги амалдорлар учун йиғиб олинган солиқ бўлиб, шу йиғиб олинган солиқлар ҳисобидан закот олинган. Бу солиқ Бойсун беклигида XIX асрнинг 2-ярмида ўтин пули, қамиш пули, сув пули, чўп пули, тўй пули, даллол пули, муроб пули, амина пули каби турли хилда солиқ турлари бўлган. Бундан ташқари сўйиш пули, яъни 1 қўй 20 танга, 2 эчки 28 танга ҳажмида белгиланган экан. Шунингдек маҳаллий бой оқсоқоллар меҳмон рамзи учун муштак солиғи ҳар бир деҳқон олган ҳосилдан 1 чора (2 кг) ҳосил солиғи берганлар. Шарқий Бухоро бекликларида мактаб пули алоҳида ажратилиб, ота-оналар фарзандларининг ўқиши учун ўқитувчиларга Қушбеги ҳужжатлари асосида 15-20 танга тўлаши қайд этилган. Халқ ҳунармандлари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорларни имконият даражасида таъминлаши талаб даражасида бўлсада, лекин уларнинг турмуш даражаси анча паст ва ачинарли аҳволда бўлган. Чунки маҳаллий бекликлар, иш бошқарувчилар ҳунармандчиликнинг ривожланишига моддий-маънавий жиҳатдан амалий ёрдам бермаганлар. Солиқ ва мажбуриятларни ўз вақтида тўлаб туришга қарамасдан қўшимча солиқларга, ноқонуний мажбуриятларни бажаришга жалб этилган. XIX асрнинг 80-90 йилларида Россия мустамлакачилик сиёсатини жанубий Сурхон ҳудудида ўрнатиш натижасида Бойсун беклигида ҳудудларига Россиядан келтирилган арзон ва сифатли маҳсулотларнинг кириб келиши маҳаллий ҳунармандчилик тизимига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Маҳаллий ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар анча паст баҳоларда сотиб олиниб, ҳунарманд меҳнати ниҳоятда қадрсизланган эди. Фақатгина бек ихтиёрида бўлган

хунармандларгина турли хил ортиқча солиқ, йиғим ва ҳашарлардан озод қилинган эди. Бухоро амрилигидаги йирик шаҳарлар ўзларини хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқиши билан алоҳида нуфузга эга бўлиб, айрим маҳсулотлари билан ажралиб турган. Масалан Бойсун беклигидаги хунармандлар кулолчилик маҳсулотлари, темир буюмлар ҳамда тери маҳсулотларига қайта ишлов бериш, хунармандлар маҳсулоти миллий ифтихоримиз бўлган анъанавий кийимларда алоҳида ўз аксини топиб, миллий каштачилик санъати ниҳоят даражада ривожланиб, ҳар бир худуд ўзининг зардўзлик ва каштачилик анъанаси билан ажралиб турган. Бойсун беклигида кенг тарқалган Бойсун дўпписи ўзининг айлана жиҳози, сочиқ пўпик жилоси, нақшнинг пухта ва қалин нафис иплар билан тўқилиши, намгарчиликка чидамлилиги, жун иплардан мустаҳкам тўқилиши билан ажралиб турган. Бойсун дўппилари асосан бахмал, сатин, сидирға шоҳидан тайёрланган. Бойсун, Кўҳитанг, Ҳисор, Боботоғ тоғ тизмалари ҳамда тоғ олди қишлоқларда Бойсунда тикилган мўйнали ҳамда қўй терисидан тайёрланган ичига бахмал ёки бўз матодан тикилган телпаклар кўплаб тайёрланиб, телпак тикадиган хунармандчилик устахоналарининг махсус савдо дўконлари бўлган. Бойсун воҳасида миллий урф-одатларимизга анъанавий жило бериб келган тўқима чопонларини тайёрлаш, тўқиш қадимий тарихга эга бўлиб, деҳқончилик маданиятининг ривожланганлиги, пахта ипларидан, момик толасидан тайёрланган чопоннинг инсон танасини совуқдан сақлашдаги хизмати беқиёсдир. Чопонлар одамларнинг ёшига, хизмат вазифаси, лавозимига қараб бичилган. Чопон табиий иқлимга хос тўқилиб, Бойсун чопонлари ўзининг тўқилиши, матоси, астар ҳамда нақш беазаги билан ажралиб турган.

Бойсун кулолчилиги. Кулоллик – хунармандлар лойдан турли-туман идиш, буюм, қурулиш материаллари ва бошқа ишланадиган маҳсулотларни, яъни махсус тупроқдан қорилган лойдан пиёла, коса, товоқ, лаган, кўза, хурмача, тоғора, хум, тандир ва бошқа буюмларни тайёрлаб, уларни сирлаб, безаб, хумдонда пишириш билан шуғулланади. Асосий асбоби-чарх. Тупроқдан идиш тайёрлашни одамлар неолит даврининг бошларидаёқ (милоддан аввалги 5 минг йиллик) билганлар.

Дастлаб кулолчилик билан аёллар шуғулланган. Милоддан аввалги 4 минг йилликларни охирлари (Месопотамия) да ва 3 минг йилликнинг бошлари (Миср) да кулол чархи ихтиро қилинган. Чарх ихтиро қилингач кулолчилик билан эркаклар шуғуллана бошлаган (идишлар махсус ўчоқ ва хумдонда пиширилган) VIII-XII асрларда Мовароуннахрнинг барча тоғлик туманларида яшовчи халқларда кулолчилик анча ривожланганлигини археологик қазималаридан топилган топилмалар бунинг ёрқин исботидир. Айниқса XIV-XVIII асрларда кенг ривожланган. Кулолчилик маҳсулотларининг шу жумладан идишларнинг шакли асрлар оша давр ва дид талабларига мос ўзгара борди. Ўрта Осиёда сувга бўлган катта эҳтиёж сопол идишларнинг кўпайишига олиб келди. Айниқса ўзбеклар ва тожиклар яшайдиган шаҳар ва қишлоқларда кенг ривож топди. Россияда XIX асрда арзонбаҳо чинни ишлаб чиқаришнинг кенг йўлга қўйилиши, марказий Россиядан чинни маҳсулотларини кўп келтирилиши Мовароуннахрдаги кулоллар бозорини бир мунча сусайтирди. Лекин арзон сопол идиш ва буюмларга бўлган талаб кулолчиликни узлуксиз давом этишини тақозо

этди.

Кулолчиликда асосий хомашё – тупроқ. Келиб чиқиши ва таркиби турлича бўладиган тупроқларда турли хил кулол маҳсулотлари учун лой тайёрланади. Лой икки соатча оёқ билан тепилиб, муштлаб, пиширилади. Кейин нам матога ўраб қўйилади. Кейинги куни яна бир соатга пиширилгандан сўнг идиш тайёрлашга киришилади. Лой қанча кўп пиширилса, сополнинг сифати шунча яхши бўлади. Кулолчиликда асосий қурол-чарх. Кулол чархи катта ва кичик икки ёғоч ғилдиракдан иборат бўлиб, ёғоч ўқ билан ўзаро бирлаштирилган. Кулол пастдаги катта ғилдиракни оёғи билан айлантириб туради. Юқоридаги ғилдиракнинг устига лой қўяди, унда идиш тайёрлайди. Тайёрланган идишлар қурутилиб, хумдонда қиздирилади. Сирланадиган идишлар эса сирланиб, шундан кейин яна бир марта хумдонда қиздирилади. Бойсундаги археологик қазилмалардан топилган манбалардан маълум бўлишича кулолчилик милоддан аввал II-IV асрларда ривожланган.

Пойгабоши маҳалласидан Эшонқуловлар оиласи- кулолчилик соҳасида усталик қилган. Асли келиб чиқиши Бухорои-Шарифдан бўлган кулол Эшонкул бобо ва унинг сулолавий оиласи Бойсунда кулолчилик соҳасида уста бўлган биринчи авлод ҳисоблансада, унинг иккинчи авлодига мансуб фарзандлари кулол уста Иззатулло Эшонқулов, Рамазон Эшонқулов лойдан най шувуллоқ, тандир, кўзача, тувак, офтоба тайёрлаган. Умид Эшонқулов ушбу сулолани учинчи авлоди ҳисобланади. У кулолчилик билан шуғулланади. Унинг ижодида анъанавий ўзбек кулолчилиги билан замонавий керамика анъаналари уйғунлашган. Ўрта асрлар кулолчилики яхши ўрганган Умиджон анъанавий (лаган, гулдон) ва янги шакилли безак идишлар, совға буюмлар яратди. Уларнинг беағида ўсимликсимон нақшлар бир қаторда мавзули, ҳайвон шакллари ва ёзувли тасвирлардан мохирона фойдаланилди. Унинг хонадониди ЮНЕСКО ташкилотининг ташаббуси билан 2002 йил «Бойсун кулолчилиги» уй музейи ташкил этилди.

2003 йил 14-19-майда бўлиб ўтган “Бойсун баҳори” иккинчи халқаро фольклор санъати фестивали доирасида анъанавий маданият муаммосини сақлаш масалаларига бағишланган халқаро илмий анжуман ҳам бўлиб ўтди. Ушбу тадбирлар доирасида Бойсун кулолчилиги тарихини ўрганиш масаласида алоҳида тадқиқотлар олиб борилиб, кулолдан ясалган сопол хуштак-ўйинчоқлар тайёрлаш жараёнларини Бойсунлик кулол устаси – Иззатилла Эшонқулов тайёрлаган. Бу уста кулол 1930 йилда Бойсунда туғилиб, Бойсун шаҳридаги Ш. Рашидов кўчасида яшайди. Устанинг авлодлари Бухоро яқинидаги Баҳовуддин Нақшбанд қишлоғидан 1880 йилда Бойсунга Қора Жебачи кўчиб келиб, кулолчилик билан шуғулланган. Отаси Эшонкул Қораев ҳам, бобоси Қора Жебачи (миршаб) ҳам кулол бўлишган. Қора Жебачи Бухородан Бойсунга келиб шу ерда қолиб кетган. Қора Жебачининг отаси уста Бобоҳон, унинг отаси уста Аҳмад ҳам кулолчилик билан шуғулланишган. И. Эшонқуловнинг ҳовлисидаги кулоллик устахонани отаси Эшонкул Қораев томонидан 1927-1928 йилларда қурилиб, 1990 йил И. Эшонқулов бетоблиги туфайли устахона иши тўхтаб қолган.

Кулолчилик учун тупроқни Бойсундан 3 километр наридаги Пасурхи қишлоғидан келтириб, кулолчиликда идишларга қорамтир ялтироқ тус бериш

учун кўрғошиндан фойдаланишган. XX аср бошларида Бухорода уста Қора Жебачи ва уста Эшонкулдан бўлак яна беш киши: уста Мамасаид (уста Эшонкулнинг амакиси, уста Қора Жебачининг акаси), уста Тўра, уста Фозил, уста Гофур, уста Боймурод ҳам кулолчилик билан шуғулланган. И. Эшонкулов 12 ёшида устозлари ёрдамида коса, товоқ хум, пиёла, кўза, офтоба, тувак, турли шаклдаги хуштак (улар орасида чумчуксимон, такасимон, кўчқорсимон, найсимонлари бўлган) сингари буюмларни тайёрлаб, И. Эшонкулов ўзи ҳам, лаган, кўза, дасшўй, хум каби буюмларни ясаб, анжуманга ўзи ясаган иккита сирланган лаган ва иккита сирланмаган кўзачани тақдим этди. Сирланган лаганлардан бири беш панжа шаклдаги безак-гул билан нақшланган бўлиб, у жуда жозибадор. XX аср Марказий Осиё кулолчилигида бунга ўхшаш сопол буюм топилмайди. Лаган нақшлари қалами техникасида бажарилган, унга ёруғ фонга нафис, жимжимадор йирик нақшлар ишланган. Кўк-зангори ва яшил рангда ишланган бу нақшлар жуда чиройли ва жозибадор. Шу пайтгача Бухоро қадимий анъанавий кулолчилиги тўғрисидаги маълумот берувчи манбалар мавжуд эканлиги фанда маълум бўлса-да, аммо унинг намуналари аниқ эмас эди. Қолган иккита лаган нақшлари анъанавий. Улар “панжа” нақшларидан тамоман фарқ қилади. Бу лаганлар шойи тўқиш фабрикаси кулолчилик цехида қолипда тайёрланган. Шу хилдаги кулолчилик буюмларини Деновлик Зухур Расулов ҳам тайёрлаган бўлиб, сирланган кулолчилик буюмларини фақат аждодлари кулол бўлган усталаргина ясаган.

И.Эшонкуловнинг жияни Тўра Эшонкулов кўғирчоқ ясайдиган уста кулол бўлиб, 1954 йилда Бойсунда туғилган, Бойсун шойи тўқиш фабрикасида электр муҳандиси бўлиб ишлаб, фабрикада 1950 йилларда кулолчилик цехи ташкил этилган. Айти шу цехда 1983 йилда ҳам ака-ука Эшонкуловлар, шунингдек, устанинг шогирди Худойкул Йўлдошев ва Самарқанддан келган уста Дадахон ишлаган. Уста Т. Эшонкулов 1990 йилдан бошлаб хуштак, ўйинчоқлар яшаш билан шуғуллана бошлайди. Улар икки хил: зооморф (қуш ва ҳайвонлар) кўринишли ва найсимон шаклли. Уста Т. Эшонкулов отаси Нарзулла Эшонкулов ясаган сирланган ва сирланмаган ажойиб кулоллик буюмларини сақлаб, ўрганиб, ўзи ҳам сарғиш-қизил тусли, тўпбарггулли безакгуллар билан нақшланган лаганлар, косалар, сирланмаган кўза, обхўрак (қушлар қафасига қўйиладиган сув идиши), ушпуллак кўзачалар тайёрлаган. Сирланган лаган ва косалар Ургутнинг машхур сарғиш-қизил керамикаси ўйма нақшлари асосида берилган. Катта лаган нақшлари Бухоро кулоллик мактаби “панжа” безакларига ўхшайди.

Ўйинчоқлар хумдонда пишириб олиниб, ўйинчоқ тайёрлайдиган хумдон тўғри бурчакли печка бўлиб, пастида темир панжараси бор. Унга қуритилган ўйинчоқлардан 300 таси жойлашади ва пиширилади. Уста тупроқни Пасурха қишлоғидан келтиради. Кулол ака-ука Эшонкуловлар ҳам тупроқни ўша ердан олиб келишган. Уста Т. Эшонкулов келтирилган тупроқни майдалаб, икки марта элакдан ўтказиб, кейин бу тупроқни бўз матога солиб, ёғочдан қилинган махсус идишларда уч кеча кундуз ивитиб қўяди. 20 кг тупроққа тахминан 9 литр сув ишлатади. Тайёр бўлган лойдан ўйинчоқлар яшаш учун алоҳида бўлакчалар ажратиб олиниб, бир кунда 30 тача ўйинчоқ ясайди. Ўйинчоқлар ясаб бўлингач, бир-икки соат мобайнида қуритилади. Шундан сўнгина товуш

чиқадиган тешик қилинади. Кейин ўйинчоқ яна бир-икки кун қуритиб қўйилади. Ана ундан кейин хумдонга солинади. Хумдонга 300-400 тача ўйинчоқ қўйилиб, уларни пишириш учун 10 кун вақт керак бўлиб, пишириш жараёни икки соат давом этиб, ўйинчоқларни пишириш учун тахминан бир челак кўмир керак бўлади. Т. Эшонқулов тайёрлаган ўйинчоқлари Самарқанд, Бухоро ва Қаршида ҳам сотилади.

Бойсунлик Пардахол Эшонқулова ҳам ўйинчоқлар ясаш билан шуғулланиб, унинг отаси Холбой Эшонқулов кулоллар сулоласидан бўлиб, у Бойсундаги шойи тўқиш фабрикасидаги оҳак цехида кулол бўлиб ишлаган. Пардахол ўйинчоқлар ясашни отасидан ўрганган. У ҳам амакиси уста Тўра сингари қуш ва най шаклидаги ўйинчоқлар ясайди. Акмакисининг хумдонига ясаган ўйинчоқларини пиширади. У ўзига турли қушлар, жонзотларнинг қиёфасини ҳам ўйинчоқларида акс эттиришга уринади. Аммо тажрибаси камлигидан улар кўнгилдагидай чиқмайди. Пардахолнинг айтишича, унинг Шаҳрисабзда яшайдиган акаси Эсон Холбоевич Эшонқулов ҳам ўйинчоқлар ясайди.

Бойсун кулолчилиги асослари ва унинг тараққиётини илмий ўрганиш асосида Бойсун сирланган керамикаси тарихини ўрганиш асосида Бухоро кулолчилигида йўқолиб кетган анъаналарни тиклаш ҳамда Бойсунча хуштак ўйинчоқлар, сирланган сопол идишларини ишлаб чиқарилишни қайта йўлга қўйиш имконияти юзага келади.

Кунчилик. Ўзбекистонда чармни қайта ишлашда эчки, қўй, бузоқ, от, хўкиз, сигир, эшакларнинг терисидан замш, сахтиён, юфти туридаги чармлар ясалган. Қўпол сахтиён – саур ўзига хослик билан ажралиб турган: от ёки эшак терисининг ички қисми ингичка ва майда қилиб кесилиб, ичига тарик солиниб, қуритилиб ва урғлардан тозалагандан сўнг чиройли, ўзига хос сатҳ пайдо бўлган. Мис қириндилари билан бўялгандан сўнг сахтиён чиройли яшилсимон феруза рангга айланиб, сахтиён 32 кун давомида тайёрланиб, 12 кунда чарм қайта ишланиб, тайёр ҳолга келтирилган. Тайёр бўлган чарм 20 кунда бўялган. Саур чарми нақшли ва мустаҳкам бўлиб, тузилиши жиҳатидан турли хил бўлган чармлар босма нақшлар, занжир кашталар, чоклар, рангли чармдан аппликациялар, металл қопламалар билан безатилган, ёрқин бахмал билан тикиб чиқилиб, ингичка симлар, мунчоқлар, шокилдали қўнғироқчалар билан безатилган. Чарм бўялиб, устига нақш солинган. Шу тарика эркаклар кийими, отларнинг эгар-жабдуқлари, лочин овининг анжомлари безатилган. Кенг шимлар (чамбарлар) – овчи ва спорт мусобақаларида, халқ ўйинларида (отчопарлар, улоқ, поло, кураш) иштирок этадиган одамнинг қулай кийими – сариқ ёки пушти-қизил рангли замшдан тайёрланган (чарм марена ва испарак билан бўяларди). Бой одамларнинг саёҳат ёки лочин овига киядиган чамбарлари рангли тўпбарггулли нақшлари танбур (занжир) усулида тўқиб чиқарилган. Ипак билан чармда тикиш эркакларнинг иши бўлиб, бугунги кунда ҳам ҳунармандчиликнинг бу тури билан фақат эркаклар шуғулланишади. Бозордаги устахоналарида ўтириб, улар тез ҳолда, тамбур илгакли чок билан чамбарлар, ёстик-жилдлари, оёқ-кийим, бахмал ва мовут жабдуқ, ёпқичларга чиройли нақшлар солишади. Улар кашталарни ўзларининг кўникма ва ижодий тасаввурларига таянган ҳолда олдиндан расм чизмасдан кашта солишади.

Қалин чармдан енгил ва мустаҳкам юк чемадонлари (яхдонлар) қилинган. Тилла-жигарранг чармдан ясалган яхдон, босма нақш ёки нақш ҳосил қилувчи рангли чок билан безатилган, бу нақш ичига саурдан ёрқин ферўза ранг қопламалар киритилган. Шунингдек, осма сумкалар, чарм флагалар ва чинни идишлар (таркаш) учун йўл футлярлари ҳам безатилган. Китобларнинг рангли жилди ва қоғозлар учун папкалар мазкур соҳанинг соф шаҳар турлари бўлган, улар медалонлар кўринишидаги нозик босма нақшлари билан, хошиялари ажойиб ўсимлик мавзулари билан безатилган; баъзида босма матн бутун муқовани эгаллаган.

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида ҳунармандчиликнинг пасайиши ҳам ташқи, ҳам ички сабаблар: республикамиздаги чарм маҳсулотларининг нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Ўрта Осиёда қўлланилишининг камайиши билан боғлиқ. Ўтроқ турмуш тарзининг кучайиши ҳам кўчманчилар рўзғор буюмларининг сиқиб чиқарилишига олиб келди. Бойсунда ҳам чарм маҳсулотларининг қўлланилиш доираси қисқарди, бироқ бугунги кунда чармдан тикилган оёқ-кийимларни ишлаб чиқариш ривожланмоқда, уларнинг асосий истеъмолчилари фольклор ансамбллари ҳисобланади.

Бойсун туманида чарм маҳсулоти Сайроб (А.Саидалиев), Пулҳоким (чарм устаси С. Қаюмов), Шўроб (Э.З. Қодировлар), Авлод (С. Ибодов), Қизил Навр қишлоқларида тайёрланади. Авлод қишлоғининг пойафзал устахонасида 1971 йилда туғилган уста Собир Ибодов ишлайди, бу ҳунарни у Хабиб бободан ўрганган, 15 йилдан бери ҳунармандчилик билан шуғулланади. Маҳсулотларининг тури – маҳси, мукки (Бойсундаги “Шалола” гуруҳи учун махсус пошнализ оёқ-кийим), андозлардан (ёғоч қолиплар) иборат.

Материал сифатида ёш бўлмаган молларнинг териси олинади, чунки бу чарм мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Этикларнинг пастки қисми қўлда бажарилган нақш билан, устки қисми машиналарда солинган нақшлар билан безатилган. Ранглар – қора, қизил, оқ бўлиб, иплари – нейлондан материалдан иборат.

Сайробда 1966 йилда туғилган уста Саидалиев Абулфайз ишлаб чиқарадиган маҳсулот турлари – улоқ учун этиклар, қамчи, ковушлар, маҳсилар ва эгарлардан иборат бўлиб, у асосан буюртма асосида ишлайди. Чармни анъанавий технология асосида қайта ишлайди. Масалан, маҳси тайёрлаш учун таканинг териси олинади. Чармни ишлаш усули жуда осон: тери жунлари ички томонга қилинган ҳолда поҳол билан бирга ўралади. 2-3 кундан сўнг у чирий бошлайди. Сўнг тугун ечилади ва жун ўзидан-ўзи тушиб кетади. Бех (бодом ёки ўрик дарахтидан) қайнатишади ва терига қўйишади, 3-4 кун шу суюқликда ушлаб туришади. Бу ҳол чармга жигарранг бериб, сув ўтмайдиган ҳолга келтиради. Таркибида олтингугурт мавжуд алоҳида навли гилга (зок) сув қўшилади ва бўтқасимон ҳолга келтирилади ва терининг ички қисмига суртилади, бунда тери қора рангга киради. Зокни Қашқадарё ёки Бандихондан келтиришади.

Кенг тарқалган чарм маҳсулотлари сонига пўстаклар – теридан ясалган ўзига хос, ёрқин гиламлар (1960-1990 йиллар) киради. Улар Беш эркак, Қизил Навр қишлоқларида топилган. Пўстакларнинг нақши ўзига хос, мавҳум композициялардан иборат – бир рангли квадрат марказий майдон зид рангли

рамкалар билан хошияланади (жигарранг асосда қизил тўртбурчак, 1,5x2 м; марказида мовий тўртбурчакли пўстаклар, 1,5x2 м). Бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш усули анъанавий бўлган. Жун аввал бўялади ва тайёр бўлаклар ягона қисмга тикилади.

Бойсунда шунингдек Пулҳоким қишлоғида териси ички томонга қараган подачилар пўстини ҳам тикилган. Рўзғорда кенг тарқалган яна бир маҳсулот – супралардир. Ишлатилишига қараб тери ивителилар ва ёғланарди, натижада рўзғорда ишлатиладиган чарм ҳосил бўларди; эчки ва қўй терилари ивителиб, ишлов бериларди. Замш тайёрлаш учун чарм олдин номокоп сувда ивителилар, кейин дудланарди; Саҳтиён тайёрлаш учун туз ва мис оксиди ишлатиларди.

Бугунги кунда, ўтмишдагидай сингари, чармга ишлов бериш учун қўлда қилинган анжомлар ишлатилади: учлари ташқарига қайрилган думалоқ шаклдаги ўтмас тигли темир ранда-доскун, у билан ивителиган тери тозаланган; терини жундан тозалашда ишлатилган пўлат ранда-ўроқ; пўлатдан ясалган ҳарошак, терини чўзишда ишлатилган ярим доира шаклидаги, тол новдалари билан егилган ва тортилган корчуб роми.

Хулоса қилиб айтганда, Бойсунда шу кунларда ҳам чармдан кийим, оёқ-кийим, рўзғорда кенг қўлланиладиган уй-рўзғор ва сафарбоп буюмлари тайёрланади.

Ёғоч ўймакорлиги. Ёғочга нисбатан ашё, бой ранг ва текстурага эга маҳсулот сифатида қаралиши, унинг кенг қўламда ишлатилишига олиб келди. Бойсунда ёғочга ишлов бериш ишлари ўз тарихига эга. Сайробнинг Жума мачитига ўрнатилган XIX асрда тайёрланган ўйма нақшли устун бунинг исботидир.

Ёғоч ўймакорлик рўзғордаги кўпгина буюмларни – турли хил тагликлар, сандиқлар, қутичалар, бешиклар, кириш эшиклари, токчаларни безаб туради. Аҳолининг ёғочдан ясалган рўзғор буюмларига бўлган талабни дурадгорлар қондирадилар. Турли хил рўзғор буюмлари, уй жиҳозлари ва мусиқа асбобларига безак беришда Бойсун усталари фақат нақшли ўймакорликни қўллайдилар. Материал сифатида дурадгорлар эса терак, ёнғоқ, қарағай дарахтларини ишлатишган. Рўзғор учун ишлатиладиган ёғоч буюмлар учун қўлланилган оддий сатҳсиз ўймакорлик халқ санъати тушунчаларига хос ва табиий материалнинг гўзаллигини ифодаловчи сифатини кўрсатади.

Қишлоқ аҳолисининг кенг қатламларига мўлжалланган сандиқ, бешик ва бошқа рўзғор буюмларида оддий сатҳсиз ўймакорлик қўлланилган. Сатҳсиз уч қиррали ўйма ва қавсли ўймакорлик нақшларни ёғочда ўйиб олиш йўли билан бажарилган. Бундай нақш қутичаларни, ошхона анжомлари ва озиқ-овқатлар учун ажратилган токчаларни, бешиклар, ёғочоёқлар, эгарлар, баъзида ўқловларни безар эди. Ўйма нақшга – учбурчаклар, тўпбарггуллар, қавсчалар, чизиқлар силлиқ буюмларни ёруғлик ва соя ўйини билан жонлантириш эди. Фақат паст шикафчалар ва жавонларнинг олд қисми тўлалигича нақшдан иборат бўлиб, келиб чиқиши қадимги мавзулардан иборат оддий нақшлардан – ўсимликсимон ва геометрик шакллардан фойдаланилган.

Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган асосий асбоблар-теша, болта, арра, искана, ранда, омбур ва бошқалардир. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб усталар ишни осонлаштирадиган ва енгиллаштирадиган дурадгорлик

дастгоҳларини қўллай бошлашган, шу сабабли оммавий рўзғор буюмларидан илгари нақшлаб ўйилган қисмларни токарли деталларга алмаштирилган.

Дурадгорлар асосан Бойсун (Изатилла Рўзиев, наслий усталар Норқулов Наби ва унинг ўғиллари Рахматилла ва Умидилла), Боғбола (Абдурасул Қахҳоров), Мунчоқ (Бахтиёр Жўраев ва ўтов устаси Абдумўмин Воҳидов) қишлоқларида яшайди. Сайроблик ўтов ясаيدиган уста Нурали Тимуров, Мачай қишлоғида усталар Самадов Ойбек ва Омонқулов Эгамлар ишлайди.

Илгари ёғоч усталари рўзғорда қўлланиладиган аниқ буюмларни ишлаб чиқарар эдилар. Масалан, бешикчи, тароқчи, сарроқлик дурадгор-усталар мавжуд бўлган. Бугунги кунда ҳамма дурадгорлар кенг мутахассис ҳисобланадилар. Бойсунда ясаладиган бешиклар ўзгача: Фарғона водийси ва Тошкентда ясаладиган турли рангда бўялган (ёғочнинг ёрқин сатҳини сақлаган ҳолда, аввал минерал, кейинчалик анилин бўёқлари қўлланилган) ва хоналарга ўзгача чирой бахш этган бешиклардан фарқли равишда, Бойсун бешиклари фақат нақшларни куйдириш ва ўйма усулида бажарилган. Бойсун усталарининг фикрича, халқ табобати бешикларни бўяшни тақозо етмайди.

Бешиклар конструкцияси оддий: улар лола (ҳарротин дастгоҳида кесиб олинади), куш (лоланинг учларидаги 2 та вертикал ушлагич), ярим ой шаклидаги ийма, уларнинг орасидаги панжара, каптоли, ўрта қисмлардан иборат. Анъанавий тузилмага қўшимча-чақалоқларнинг сўргичларини сақлаш учун мўлжалланган тортма киритилган. Бешиклар нақшида каштачилик ва сандиқларда учрайдиган нақшлар қўлланилади: ой гул, лола гули, панжара ва ҳоказо.

Ёғоч буюмларидан яна бири – жавондир. Тузилиши жиҳатидан у бир ёки икки табақали бўлиши мумкин, олд қисми ўйма нақшлар билан безатилган (уларнинг рангини янгилаб туриш мақсадида, ҳаммаси мовий бўёқ билан бўялган). Шундай жавонлардан 10 таси қайд қилинди, асосан 1960-1970 йилларда тайёрланган. Жанубий Ўзбекистоннинг кўчманчилик маданиятига тааллуқли турли хил рўзғор буюмлари ҳам ажойибдир. Бу – Мунчоқ қишлоғидан Бахтиёр Жўраевнинг уйида топилган – чинникапгир (пиёлалар учун махсус қути, шуни қайд этиш керакки, чинни идишлар учун чармдан ҳам йўл қутилари тайёрланган). Шунингдек, унинг уйида XIX асрнинг охири – XX аср бошларида ясалган эгарлар, оёқ-кийим қолиплари, халаджи (пахтани уруғдан тозалайдиган қўл дастгоҳи).

Ўтовларнинг тайёрланиши ҳам Бойсунда қадимги анъаналарга эга наслий усталардан бири 1980 йилда туғилган Воҳидов Абдумўмин хунарни отаси Тўралиев Воҳиддан ўрганган. Битта ўтовни тайёрлаш учун 10 кун муддат керак бўлиб, ўтов учун асосий материал – терак бўлиб, битта ўтовда 10-20 та терак кетади. Ходаларни маҳкамлаш учун михларнинг ўрнига чарм ишлатилади. Битта дарахтни битта ўтовда тайёрлаш учун 4 кун вақт кетади. Ходаларни эгадиган тиз дастгоҳи калин ёғочдан иборат. Унинг бир учи ерга қоқилган ходаларга, иккинчиси махсус мослама ёрдамида ерга киритилган. Ўтовнинг катталиги ходаларнинг сонига боғлиқ – 50, 60, 80 та хода бўлиши мумкин. Сайробда ўтов тайёрлайдиган уста – 1930 йилда туғилган Тимуров Нурали ҳам ўтов тайёрлаб, ўтовнинг ходаларини қуритадиган мослама ва уларни эгадиган дастгоҳ турибди; сўнгги марта улардан 1985 йилда

фойдаланган. Умуман олганда, ёғочни қайта ишлаш санъати Бойсунда шу кунгача сақланиб келмоқда. Ўрта аср анъаналарини сақлаган ҳолда у янги турдаги буюмлар билан тўлиб бормоқда.

Сандиқлар. Бадиий хунармандчиликда Бойсун уйларини жиҳозлашда қадимги анъаналардан кенгроқ фойдаланиб, бунда хунармандлар томонидан тайёрланган сандиқлар алоҳида аҳамиятга эга. Сандиқлар Бойсунда қадимдан тайёрланиб келиб, унинг асосий вазифаси асосан кийимларни, майда рўзғор буюмларни сақлашга мўлжалланган. Бойсундаги сандиқлар терак, ёнғоқ, қарағай дарахтларидан тайёрланиб, уларнинг олд қисми тунука билан безатилган.

Ҳажми ва тури бўйича сандиқлар икки усулга бўлиниб, сандиқни бирига ўрнатиш усули фақат Бойсунда қайд қилинган. Остки сандиқ таглик деб аталиб, олд қисмига ўрнатилган ойнали эшикчасидан очилган, асосан майда рўзғор буюмлари ҳамда идиш-товоқларга мўлжалланган устки сандиқ тузилиши оддий қилиб ясалган ва тепага қараб очилган. Сандиқларнинг устига тахмон (гилам ёки палас нақшига эга бўғжома билан кўрпа, кўрпача, ёстиқлар, тугунлар ёпилган) тахланган. Бугунги кунда кўпгина уйларда сандиқлар мебелнинг ёгона тури бўлиб қолган.

Тунука қоқиб безатилган сандиқлар маълум бадиий аҳамиятга эга, чунки уларнинг безак йўсинларида кўчманчилик анъаналари яққол кузатилади. Тарих тақозоси билан ўтроқ ва кўчманчи халқлар орасида юзага келган муносабатлар ижтимоий кўникма ва анъаналарнинг аралашиб кетишига олиб келган, бунинг натижасида ўтроқ ҳаёт тарзига ўтилган бўлишига қарамай, санъат намуналарида кўчманчи маданият анъаналари сақланиб қолган. Турмуш тарзи ҳамда ўзбек ва тожик миллатига мансуб халқлар урф-одатларининг умумийлиги ҳам Бойсуннинг бадиий хунармандчилигида ўз аксини топган.

Сандиқлар асосан яшил ёки қизил бўёққа бўялиб, тунукадан кесиб олинган ялтироқ, кумушранг, рангли ёки нақшли чизиқчалар билан безатилиб, улардан нақшлар, кўп ҳолларда сандиқнинг девор ва қопқоғига қоқилган тўрсимон композициялар ҳосил бўлади. Сандиқлар шаклига лўнда, аниқ ифода, мақсадга мувофиқлик ва мутаносиблик хосдир. Нақш тузилиши икки тархликдан иборат –узоқдан бутун композиция, унинг тақсимланиши ва йирик мавзулар яхши кўринса, яқиндан майда нақшнинг нозик ишланмаси намоён бўлади. Сандиқлардаги нақш тузилишининг асосий тамойили асосий безак мавзуси ҳошияли билан чекланишида ифодаланади. Сандиқнинг ён қисмлари нақшинкор ҳошия билан тугалланади. Сандиқ нақшлари Бойсун амалий санъатининг ҳамма турлари учун анъанавий бўлиб, асосан геометрик шакллар ўсимликсимон, зооморф (ҳайвонот дунёсига оид), соляр нақшлар ва нарса-буюмларнинг тасвири камроқ ифодаланади.

Сандиқларнинг нақшларини қуйидагича тавсифлаш мумкин: Бойсун, Даҳнайжон қишлоқларида геометрик; Бойсун, Омонхона қишлоқларида ҳайвонлар тасвири-кийиклар расми туширилган сандиқлар (ҳайвонлар тимсоли (асосий элемент “кўчқорак”, Бойсун); Бойсун, Айлангар қишлоқларида соляр нақшлар – тўпбарггуллар; Оқмачит қишлоғида нарса-буюмлар тасвири-заргарлик буюмлари тасвирланган нақшлар.

Нақшларда кўчманчилик маданиятига хос анъанавий мавзулар алоҳида

ўринни эгаллайди. Масалан, “кўчқорак” (кўйнинг шохи) нақши Бойсуннинг ҳам гиламлари, ҳам кигизларига хос нақш. Ҳайвон тимсолларидан “кирмак” (чувалчанг), “зулук”, “илон изи” нақшлари ҳам кенг қўлланади. Геометрик нақшлар асосан шакл ажратувчи чизикларда, нақшларнинг сиртини ифодалашда қўлланилади.

Композиция жиҳатдан ажойиб бўлган кийик тасвирли нақшлар Бойсунда ва Омонхона қишлоғида қайд этилган; бу нақш, маҳаллий аҳолининг сўзларига қараганда, ГАЗ автомобилларининг капотларига қистирилган оҳу тасвирли тимсолдан олинган. Шуни таъкидлаш керакки, бу мавзу Бойсун каштачилигига ҳам тегишли, бироқ улардаги кийик тасвирларининг келиб чиқиши ўзгача. Кийик тасвири композициянинг марказий қисмида тасвирланган “мадохил” медалонининг ичига туширилган, атрофларига “палак гул” тўпбарггуллари жойлашган. Иккала сандиқнинг асоси қизил рангда, яшил, оқ, қизил ранглар қўлланилади. Маҳаллий буюмлар турини ифодаловчи, олд тарафи уч қисмдан иборат композицияли сандиқлар ташкил этади, бунда марказий, асосий қисм (таглик сандиқларнинг ўртасида ойнали эшикча жойлашган) каттароқ, икки ёнидаги қисмлар эса тўпбарггуллар билан нақшланган. Зооморф элементлар – “кирмак”, “зулук”, “кучкарок”лар тасвирланган олд қисмининг сирти ингичка чизиклар билан ҳошияланган. Бойсун, Айланган қишлоғида қайд этилган сандиқлар шундай. Ўз ўрнида тўпбарггуллар композициялар жуда кенг тарқалган. Бунга Айланганда яшовчи Ҳолова Исонанинг уйида топилган XX асрга таалуқли сандиқ мисол бўла олади.

Шу билан бирга, ён қисмлари устунлик қилиб, асосий маънони ифодаловчи композициялар ҳам мавжуд. Бундай сандиқларнинг ноёблиги – уларнинг остки қисмида гуллар, барглар, анор дарахти (ҳосилдорлик тимсоли) меваларининг гажаксимон новдалари билан ифодаланган ўсимликсимон “ислими” нақши, алоҳида равишда сариқ рангли ясси ҳассага (жезл) солинган ва кўшимча безакли нақшнинг мавжудлигидадир.

Ушбу кўшимча нақш ҳаёт ва ҳаракатга тўла, эркин чирмашиб ўсаётган новда тинчлик, тенглик, барқарорлик туйғуларини бахш этадиган ингичка ҳошияли рамка билан тугатилишини ифодаловчи чуқур рамзий маъноли ечим ҳосил бўлади. Бу ердаги тўпбарггуллар, бошқа композициялардан фарқли равишда, остки қисмда жойлашган. Заргарлик буюмлари Сурхондарёда кенг тарқалган бешта кокилани ингичка чамбар кўринишидаги “беш оёқли сирға” билан ифодаланган. Сандиқларнинг безакларини умуман таҳлил қилганда, маҳаллий маданиятнинг ўзига хос хусусияти – кашта, гилам, кигиз, сандиқ, амалий санъатнинг бошқа турларида халқ санъатининг маълум услубий йўналиши ва рамзий – тимсолий яхлитлигини ташкил этадиган нақшларнинг ўхшашлиги ажралиб чиқади. Бойсун сандиқлари - бу мақсадга мувофиқлик шакл, материал, нақш ва қўлланилишнинг ўзаро боғлиқлигидир.

Бойсун кандақари (мисгар, мискари). Кандакорлик (мисгарлик)-амалий санъат тури, ўймакорликнинг метал буюмларини ўйиб, чизиб нақш, тасвир ишлаш соҳаси. Буюмларни безашда кандақари (ўйиб, кесиб) қолипаки (қолип ёрдамида), симқори (симдан фойдаланилиб) шунингдек, буюмларнинг қисмлари (қопқоқ, даста ва бошқа) ва икки қаватли буюмларини безашда шабақа (панжарали қилиб ишлаш) усуллари қўлланилади. Анъанавий ўсимликсимон ва

хандасий нақшлардан кандакар яратилган.

Нақш ёки тасвир замини пўлат қалам (асбоб) лар ёрдамида чуқур ёки саёз ўйилади, замин саёз ўйилганда рангли лаклар билан бўялади, пардозланади, чекма, ўйма, катак, параллел кесма чизиқлар билан жило берилади. 1930 йилдан металл сиртига кимёвий моддалар таъсир эттириб нақш, тасвир яратиш усули ҳам қўлланилади. Археологик топилмаларга қараганда милоддан аввал IV-II асрларда топилган металл буюмлар бунинг ёрқин исботидир. Бойсундаги археологик қазишмаларида топилган топилмалар жуда қадимдан мавжудлигидан далолатдир. Араблар истелосидан кейин афсонавий тасвирлар ўрнини хандасий нақшлар, безак даражасига етказиб ишланган араб ёзуви (байт) лари эгаллаган.

XVIII-XIX асрларда Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда қандакорлик марказлари бўлган. Бойсундаги қандакорлик (мискарлик) айнан Бухоро қандакорлик мактаби таъсирида вужудга келган. Буюмларни ўртача ҳажмда нафис, байтларни кўп қўллаган ҳолда беаганлар. XIX аср охири - XX аср бошларида ясалган қандакорлик буюмларидан чойдиш, мис, кўза, коса, лаган, лаъли, кашкул, офтоба, кумғон, дастшўйлар ҳозир ҳам Бойсунлик айрим хонадонларни беаб турибди.

Мискарлик - мисдан қуроллар, уй-рўзғор ашёлари, турли буюмлар яшаш касби. Ҳунармандчиликнинг қадимги турларидан. Қадимда мискарлар соф мисни совуқлайин ишлаганлар, шу туфайли мис буюмлари юмшоқ ва мўрт бўлган. Кейинроқ мискарлар буюмларни мис ва қалай қотишмасидан ҳосил қилинган бронзадан ясаганлар ва бундай буюмлар бир мунча пишиқроқ бўлган. Нақшкор мис идишлар яшашнинг қадимий маркази Бухоро бўлган. XI-XII асрларда Термиз мискарлари ҳам майда гул солиш санъатида шуҳрат қозонган.

Бойсун мискарлари мис идишларини, асосан икки йўл билан эритиб қуйиб ва болғалаб ясаганлар. XVIII-XIX асрларда - XX аср бошларида Бойсун мискарлари ясаган офтоба, кумғон, лаъли, чойдиш, мис кўза, коса, лаган, кашкул ва дастшўйларга майда гул солиш санъатида шуҳрат қозонганлар. Бойсун мискарлари (мискар) Бойсундаги мискарларни бобокалони Бобожон Мискар бўлган. У Бойсун бекининг таклифига асосан XIX асрнинг охирида Қаршидан келиб, шу ерда муқим яшаб мискарлик қилган. Унинг ўғли Аъзам Мискар (Аъзам Бобожонов 1888-1976) кўплаб шогирдлар етиштирган. Бойсуннинг «Оби» маҳалласида яшаб ўтган Саттор мискар (Жабборов Саттор 1907-1970), «Пойгабоши» маҳалласида яшаб ўтган Нормамат мискар, Шерободлик Қурбон мискар шулар жумласидандир. Бундан ташқари Бойсунда, Дўстмурод мискар, Маматкул мискар, Жаббор мискар (Жаббор Рамазонов 1900-1986) яшаб ўтган ва улар томонидан ясалган кўза, лаган, чойгўш, кумғон, лаъли, офтоба, коса, кашкул, дастшўйлар айрим хонадонларда сақланган.

Бойсун мискарларидан яна бири Дўстмурод мискар бойсуннинг чорчинор мавзесида яшаб ўтган. Дўстмурод томонидан ясалган мис офтоба, мис лаган, мис чойгўш, мис кўза, пичоқ, чанқовулар ҳаммани мафтун этган. Сулоланинг давомчиси бўлган Маматкул мискар асосан темирчилик устаси бўлиб, Бойсун музофотининг тоғли қишлоқларида қайроқ, Дуғоба, Қўрғонча, Дехиболо, Хауз, Сила ва Хонжизда каби қишлоқларида биринчи уста бўлиб хизмат қилган.

Мис косалардаги битиклар - Термиз Археология музейида сақланаётган

мис коса XIX асрга оид Бухоро мисгарлик санъатининг намунаси бўлиб, у қизғиш мисдан ишланган бўлиб, Бойсунлик мискарлар томонидан ясалган.

Коса - ярим сферлик шаклда бўлиб, гардиши ташқи томонга тўғри қайрилган. Ички томонининг марказида ярим сферик қабарик шакл устида кичик «жом» жойлаштирилган. Кичик «Жом» нинг атрофида 40 та «калит» симон илмоқ бўлиб, улар занжирлар билан марказий илмоққа туташган. Идишнинг тагдони халқасимон бўлиб, унинг маркази чуқур калиб ишланган. Идишнинг ички ва ташқи томонлари «настаълик» ва «абжад» услублардаги арабча ёзув билан безалган. Мазкур мис коса «Жоми шифо» деб аталиб, «Шифо косаси» сифатида ишлатилган. Уни «Қирқ калит»- «чил калит» деб ҳам аташган. Идишнинг гардиш қисми 21 сантиметр, кичик жомнинг гардиши 7 сантиметр, баландлиги 5,5 сантиметр, тагдон гардиши 10 сантиметр ташкил қилади. «Жоми шифо» ёки «Қирқ калит» деб аталувчи мазкур мис косада Оллохнинг 6 та сифати қайд этилган:

1. Ё Ханнон- эй шавқатли зот:
2. Ё Маннон-эй марҳаматли зот:
3. Ё Даён-эй ажрим қилувчи зот:
4. Ё Бурхон-эй барча нарсани далил - исботи ва асоси бўлган зот:
5. Ё Субхон-эй жамики мақтов ва ҳамду сано эгаси бўлган зот:
6. Ё Унвон –эй унвонлар эгаси.

Идишнинг ички томонининг таг қисмида Қўрғоннинг «Оятал курсий» оятидан парча битилган. Идиш деворининг ташқи қисмида эса Оллохнинг яна 6 та сифати битилган:

1. Ё Қозий-эй мухтожларнинг хожатини чиқарувчи зот.
2. Ё Розий-эй рози бўлувчи зот.
3. Ё Кофий-эй мавжудодларга ҳамма нарсани етарли қилиб куйгувчи, кифоя қилувчи зот.
4. Ё Шофий-эй дардманларга шифо берувчи зот.
5. Ё Вофий-эй _____ турувчи зот.
6. Ё Муофий-эй гуноҳларни кечирувчи ва авф этувчи зот.

Идишнинг девор қисми ва тагдонида дира ва ярим доира ичида «абжад» орқали дуолар битилган. Маскур мис идиш махсус диний маросимда ишлатилиб, идишларда йиғилган ёмғир сувига «Жоми шифо» қирқ марта ботирилиб, сўнг беморга ичирилган. Мис идишларни эпикграфик услубда безаш мусулмон Шарқи дунёсида уйғониш даврига кенг тарқалган.

Бойсуннинг заргарлик санъати. XIX аср охири - XX аср бошларида Бойсун заргарлик санъати тегишли бўлган аёллар, эркаклар ва болалар заргарлик тақинчоқлари, от абзаллари, олтин ва кумуш мухрлар ва идишларни ташкил этади. Бошқа амалий санъат турлари каби заргарлик соҳасининг ривожини Сурхон воҳасида турмушни мавқеини белгилаб беради. Бойсунда хунармандлари томонидан яратилган буюмлар жуда машҳур бўлган. Чунки Бойсун минтақасида Буюк Савдо йўлида жойлашган жой эди.

Заргарлик - баддий хунармандлик соҳаси - олтин, кумуш, мис, қалай каби рангли металллардан зеб-зийнат буюмлари (тақинчоқлар, безак буюмлари яшаш каби.) Заргар безак буюмлари тайёрлашда қуйиш болғалаб (зарб бериш) яшаш, халлаш (олтин ва кумуш суви юритиш) ўйиб ёки бўрттириб нақш яшаш,

босма, зигирак, савот кори, калипаки, шабака каби усуллардан кенг фойдаланилади.

Қимматбахо тошлар (гавҳар, феруза, дур, хақиқ ва бошқа) га ишлов бериб заргарлик буюмлари (баргак, бибишак, билакузук, бозубанд, бозгардон, балдоқ, булоқи, бўйинтумор, гажак, дуо тузи, жевах, жига, заркокил, зебигардон, зулф, исирға, кокил, ойбалдоқ, осматузи, санчоқ, тавқ, тилла, баргак, тилла тузи, тиллақош, турунж, узук, шокила, қошқарбалдоқ, халқа каби) яратилган. Заргарлик қадимдан милоддан аввал ривож топган. Заргарлик асосан олтин ва кумушдан фойдаланишган. Бойсун олтин ва кумушсозлик баддий мактаби тақинчоқларининг таркиби, техник ҳамда баддий услубнинг ўзига хослиги билан Бухоро баддий мактабига яқин туради. Заргарлик ишларида тоблаш, ўймакорлик, кесма, филигранъ, текис ва чуқур ўймакорлик, чизмачилик, сайқаллаш, олтин суви юритиш, сирлаш каби усуллар қўлланилган. Филигранъ буюмлари бўлиши «Панжара», «Бозбандча», «Қатмала», «Мохитилло» каби билакузуклар Бухоро заргарлик мактабининг асосий хусусиятларини ўзида мужассам этган.

Бойсун заргарларини буюмлардаги ранг-баранг ва бекиёс нақшинкор безаклар «Ислимий» ва хандасавий шакллардаги қатъий чизиқларнинг ўзига хос гўзаллиги кишини беихтиёр хайратга солади. Нақшларда ёзувчилар, шеърлар, Қуръон сураларига ҳам алоҳида эътибор беришган. Нозик араб имлосида битилган ёзувчилар буюмларга ўзгача ифода бахш этган. Қуръондан парчалар, шахс ва исм ва бошқа нарсалар ўйиб ёзилган. Эрон ферузаси ва хақиқ заргарлар томонидан алоҳида кадрланган. Тошлар сеҳрли хусусиятга эга деб ҳисобланган.

Чунончи, ёқут, лаъл, нилум (санфир), зумрад, қизил яхонт (рубин), марварид ва жавохирлардан қимматбахо буюмлар яшашда кенг фойдаланилган.

Тақинчоқлар таркиби ўзида аҳолининг жинсий бўлинишини акс эттирган. Аёллар тақинчоғи 3-4 ёшдан то кексалик давригача тақилган. Бойсун шаҳар келинчаклари бой, ранг-баранг сепии алоҳида ажралиб турган. Бинобарин тақинчоқлар авлодлар, сулола давомийлигини билдирган. Тўй тақинчоқларига бош, бўйин, кўкрак безаклари: «Қошитилло», «Боло-абру», «Тилло баргак», «Мохитилла» каби зеби-зийнатлар кирган. «Кишитилло»нинг дастлабки шакли олтин қошлар кўринишида бўлган ва қошлар устидан тақилган. Тақинчоқларни бора-бора тош кўзлар, кейинчалик эса, тошлар билан безалган яхлит тасма эгаллади. Қолипсимон маълум бир услубга солинган япроқли «Баргак» тақинчоғи гул ва барглардан ясалган гулдастага ўхшайди. У яшаш ва туғилиш рамзини билдиради. «Бибишак» бой хотинларга яъни бегойимларга тегишлиликни англатади. Бошни безайдиган тақинчоқ-безаклар «Синсила» ёки «Силсила» дейилиб, икки хил маънони яъни «занжир» ва «сулола» маъноларини билдиради.

Соч тугнагич эса «сарсўзан» деб аталган. «Сочпопук», «Туф» каби шаклдаги турли хил кумуш детали ипак боғичлар ўрим сочларнинг асосий зийнати ҳисобланган. Улар гўёки сочларни беркитиб туриш ва ёмон кўзлардан асраш учун ишлатилган. Бойсун заргарлик санъатига хос бўлган зиракларнинг барча асосий турлари-доирасимон- «кундалсози», «муҳаммади», «қашқар балдоқ», «шибирма» ва бошқалар мавжуд. «Шибирма» қизларга балоғат ёшига етганда ёки тўй куни совға қилинади. Зираклар, анъанавий филигранъ техникаси услубида тайёрланиб, оч-қизил ёқут, феруза марварид билан жило берилган. Бу

ерда кўкрак тақинчоқларидан маржон, бозбандчанинг олтин ва кумуш ўрнатилган ярим қимматбаҳо тошли, жимжимадор қатмола шарчали, тангачали шода мунчоқларнинг бир неча тури заргарлар томонидан ясалган.

Заргарлар дастпона нақшлар билан жило берилган билакузук ва узук, айниқса беш йўлли «дастпона-панжара» флигранъ билакузуклари жуда машҳур бўлган. Ҳар бир узук араб имлоси билан безатилган. Улар қўл покизалигини сақлаб туради, дейишган. «Тумор» (тўртбурчак, учбурчак), «Бозбанд» лар ҳам илохий хусусиятларга эга деб ҳисоблашган. «Бозбанд» балиқ тангачаларини эслатувчи «майдаланувчи феруза» техникси усулида тайёрланган. Балиқ тўкинлик, кут-барака тимсоли сифатида ифода этилади. Бойсунда отга тегишли кўкрак пешбанди, бош, бўйин, шунингдек эгар-жабдуқ безакларининг энг асл намуналари тайёрланган. Улар кумушдан ясалган ҳамда феруза ва қимматбаҳо тошлар билан жило берилган. Бойсун заргарлари томонидан ясалган олтин ва кумуш идишлар Бухоро амирига совға қилинганлиги ҳақида маълумотлар бизгача етиб келган. Пардозлаш, сирлаш ва ўймакорлик ишлари маромига етказилган, олтин, кумуш, ёқут, феруза каби қимматбаҳо тошлар ўз даврида Бойсун заргарлик мактабининг бекиёс санъат дурдоналаридан гувоҳлик беради.

Бунинг ёрқин далили 2001-2005 йилларда «Бойсун-бахори» фолкълор фестивалининг бўлиб ўтганлиги, 2001 йилда ЮНЕСКО томонидан «Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси» сифатида эътироф этилишидир. Бойсун фестивалига 2002 йил қатнашиб ўз таъсуротлари билан ўртоқлашган Япониянинг Токио университетининг Профессори Ф.Хорухисонинг фикрича: «Бойсун мен ўйлаганча оддий қишлоқ эмас экан, балки ўз маданияти, фолкълор санъати, халқ оғзаки ижоди, ҳунармандчилиги билан дунё маданиятига ўзига хос ҳисса қўшган гўзал юрт» - деб берган изоҳи муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, Бойсун заргарлик-ҳунармандчилиги дунё ҳунармандчилигининг илк шаклланишига асос солган ҳудуд сифатида тарихий манбаларда ўз аксини топган.

Бойсун ҳунармандчилигининг шуҳрат топишида нафис ва бектакроп гўзалликни буюмда акс эттирган заргар ҳунармандларнинг хизмати бекиёсдир. Заргарлик санъати билан шуғулланган ҳунармандлар асрлардан-асрларга ўзига хос санъат мактабини яратиб, оилавий заргарлик сулолаларини шакллантирди. Жумладан, уста Худойкул заргар, Остонкул заргар, Хайит кичкина, Абди заргар, Қурбон Мурот заргар, Холмамат заргар, Хуррам заргар, Менгнор заргар, Мавлонкул заргар, Қулмамат каби заргарлар Бойсуннинг Тузбозор мавзесида заргарлик мактабининг оилавий сулолари ҳисобланади.

Иброҳим заргар, Исмоил заргар, Сафар заргар, Мукум заргар, Рахмонкул заргарлар Пойгабоши қишлоғида яшаб ижод қилган. Ҳамид заргар, Кенжа заргарлар Кўктепа қишлоғида, Махмудзаргар, Мулло Нурман заргар, Хурсан заргар Омонтепа қишлоғида умургузаронлик қилган. Бойсун заргарларини кейинги авлоди совет ҳокимияти даврида, яъни 1953-1954 йилларгача фаолият кўрсатган. Мустақиллик йилларида Бойсун заргарлари сулоласини давомчиси бўлган Хомид заргарни чевараси Файзулло Ҳамидов ушбу заргарлар ишини давом эттириб, Пойгабоши маҳалласида заргарлик устахонасини ташкил этди. Файзулло заргар томонидан сирға, аёллар тақинчоқлари, лотибинди, блакузук, кифти, понча, холбинди, сирға, узук, шокила, кўзгу, безаниш буюмлари ва бошқа

буюмлар тайёрланмоқда.

Иморатсозлик-уй қурулиш ва ғишткорлик санъати. Аждодларимиз иморат қуришда унинг сифатига алоҳида эътибор берганлар. Тарихга назар солсак Бойсун туманидаги масжид, мадраса, хонақолар ўта мустаҳкам хумдонда пиширилган ғиштлардан бунёд этилган. Чупқори усулдаги уйлар тумани халқининг азалий удуми билан боғлиқ. Чунки у зилзилага бардошлилиги, қишда иссиқ, ёзда салқин бўлиши билан ажралиб туради. Ғишт қўйиш учун фақат ариқ, қудуқ сувидан ишлатилиб, шўр сувдан асло фойдаланилмаган. Ғишт қуёш иссиғида қуригандан сўнг, хумдонда пиширилган. Ўтин сифатида зардоли, саксовул, шўра поясидан фойдаланилган, чунки улар ёнганда юқори ҳароратга эга бўлади, ғишт совугандан сўнг маълум вақт сувга ташлаб қўйилиб, унинг пишиқлиги, ярқилиги чидамлилиги аниқланган. Агар ғиштда кемтик, мўртлик аломатлари кўринса иморатга ишлатилмаган.

Бойсун шаҳристонида қурулиб, ҳозирда йўқ бўлиб кетган «Калосия қўш мадрасаси», Бойсун ҳаммоми, Мулла Холл Охунд, Мулло Абдулло масжидлари, Омонхонадаги «Оқ мачит», ҳозирда ягона сақланиб қолинган Мирзо Абдуҳолик масжиди (ҳозирда дўкон) ва бошқа обидалар уста-меъморланинг санъат гулдасталари бўлган. Совет ҳокимияти давридаги миллий камситиш, динга қарши ташвиқоти, тазйиқ, кўрқитиш шунга олиб келдики, халқ маънавияти, маърифати масканлари ҳисобланган масжид-мадрасалар бузиб ташланди ҳамда унинг фаолиятдан фойдаланиш қатъиян тақиқланди. Натижада Бойсун беклигидаги 72 та масжитлар бузилиб, вайронага айланди. Ашурийлар сулоласига асос солган уста Ашур Бойсун усталарининг бобокалони ҳисобланади. Уста Ашур-сандиқчи-кандакор уста бўлиб, Бойсун беклигида кандакор сандиқ, эшик, ўймакор работи дарвозалар ва бошқа ёғоч буюмлари яшаш билан ном чиқарган. Хали-хануз айрим хонадонларда унинг ясаган ўймакор сандиқлари сақланган. Уста - Ашур XIX асрнинг 70 йилларида Чорчинор қишлоғида яшаб ўтган. Кўплаб шогирдлар етиштирди. Унинг сулоласидан 20 дан ортиқ усталар етишган ва ҳозирда авлод давомчилари бор. Уста –Ашур кандакор сандиқчи, уста Каримбой-заргар, уста Бекмат-темирчи, уста Мажит махсум-гулкор, уста Қаххор махсум-қурувчи, уста Ғаффоров махсум-дурадгор, уста Райимбобо-заргар, Райимназар-темирчи уста, уста Назар-темирчи, уста Йўлдош-темирчи, уста-Шойимқул-темирчи, уста Аъзам-этиқдўз, Неъмат махсум-дурадгор уста, қурувчи, Чўтбой-қурувчи усталар.

Айтишларича уста Ашурни аждодларидан уста-қурувчилар Хиндистоннинг Агра шаҳридаги «Тож махал» қурулишида ҳамда Деновдаги Оталиқ мадрасасини қурулишида қатнашган. (Бу ривоятни, 1974 йилда 84 ёшида вафот этган Қаххор Махсум Мулло Райим ўғли айтиб берган).

Бойсун ҳаммоми Бухоро хони Абдулахадхоннинг даврида Бойсун беги Мирзо Салимбек (1902-1905) томонидан бунёд қилиниб, меъморчиликнинг хақиқий ва ноёб санъат асари асосида қурилган, Бойсун ҳаммоми, асосан, гумбаз ва равоқлардан иборат бўлиб, иссиқлик доим бўлсин учун уч метр ер юзасидан пастга қурилган. Шунингдек, уч хонада иссиқхона, мўътадил, ювинадиган хоналарининг ҳаммасида иссиқлик турлича, биринчи хонаси-ечиниш, асосий марказга кирилгач гумбази баланд, кенг бўлиб, ундан сўнг иссиқхонага ўтилган. Иссиқхона тагидан ёқилган олов туфайли қизиб, тош

қизиши натижасида пайдо бўлган иссиқдан одамларни бели, суяк оғриғидан шифо топганлар. Гумбаз юқорисида туйнук бўлиб, ундан ёруғлик тушган, ҳаммом ҳам танага соғлиқ, тозалик келтириши билан бирга маънавият маркази ҳисобланган. Тарихий маълумотларга қараганда ушбу ҳаммом 1936 йилда совет ҳукумати томонидан «Эскилик сарқити» сифатида бузиб ташланган. Унинг пишиқ ғиштлари қурулишда ишлатиб юборилган. Ушбу ҳаммомга «Қизил империя» раҳбарлари бўлган Г.И.Оржоникидзе, Я.Х.Петрес, С.С.Каменевлар ҳам 1922 йилда ювинганлар.

Бойсунда иморатсозлик ном чиқарган усталардан яна бир - Қози Хатиб бўлиб, Бойсунда чўптарошлик билан шуғулланган. Фарзандлари орасида Бекмурод исмли ўғли, ўта зехли ва қобилиятли бўлиб, иморатсозликда, чўптарошликда қобилиятли бўлган. Ўғиллари ичида Рўзи исмли фарзанди элга танилган уста бўлиб етишди.

Уста Рўзи Бекмуродов (1901-1968) Бойсун марказидаги Тузбозор маҳалласида умргузаронлик қилиб, беклик даврида кўплаб мачитларни қурулишида хизмат қилди. Кейинчалик совет ҳокимияти даврида «Стаханов» артелига аъзо бўлиб, жамоа хўжалиги учун омовч-бўйин турик шунингдек кандакори сандиқ, эшик, бешик тайёрлаган. 1948 йилда то умрининг охиригача туман маҳаллий саноат корхонасида чўптарошлик уста бўлиб ишлади. Унинг фарзандлари Эшонқул ва Жума ҳам уста бўлиб етишди. Улар тўртинчи авлод усталари сулола давомчилари бўлган Эркин, Тўлқин бешинчи авлод усталари ҳисобланади.

Уста Жума (ҳозирда мархум) олий маълумотли педагог сифатида 1-сонли умумий таълим мактабида уста Эшонқул эса, 5-сонли умум таълим мактабида шогирдлар устачиликдан дарс беради. Кўплаб шогирдлар етиштирди. Уста Жума Рўзиев 1970-1980 йилларида қишлоқларда кўплаб чўпқори усулда иморатлар қуриб берган. Бундан ташқари бу сулола усталари бешик, эшик, дераза, ҳам ясаб халқга хизмат қилиб келмоқдалар. Уста Норқул, уста Тилло, уста Файзулло, уста Холбой каби кўплаб чўптарошлик усталар ўтган.

БОЙСУНДА - МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК

Ҳунармандчилик-миллий анъанавий майда товар ишлаб чиқариш, оддий меҳнат қуроллари ёрдамида яқка тартибда ва қўл меҳнатига асосланган саноат тури. Ҳунармандчилик Ўзбекистонда шу жумладан Бойсун туманининг халқ хўжалигида ҳозирда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳунармандчилик инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти билан вужудга келиб жамият ривожланиши давомида аста-секин деҳқончилик ва чорвачиликдан ажралиб чиқди. Бухоро амирлигининг энг кўхна шаҳарларидан бири бўлган қадим Бойсунда XVIII-XIX аср ва XX асрнинг 50 йилларигача ҳунармандчилик кенг ривож топди. Кулоллик, дурадгорлик, темирчилик, мисгарлик, бинокорлик, тоштарошлик, ўймакорлик, каштадўзлик, кунчилик, тикувчилик, тўкувчилик, заргарлик, дегрезлик, туникасозлик ва бошқа ҳунармандчилик кенг ривожланди.

Ҳунармандчилик қандай табиий ресурсларнинг мавжудлигига қараб ривожланган. Ўрта асрларда ҳам ҳозирги Бойсун районидаги айниқса

қишлоқларда ҳунармандчилик ривожланган. Чўянли ва Мунчоктепа (Хомкон худуди), Хожа Кошкарон, Тўдадаги Оқтепа ва Аламлидаги Мунчоктепалар темирчи-кончиларнинг йирик қишлоқлари ва устахоналари бўлиб хизмат қилган.

Бу қишлоқларда бир неча юзлаб метрларга чўзилган темир ва чўян эритиш печлари ва руда уюмлари Бойсунтоғнинг ўрта асрлар даврида ҳунармандчиликни кенг ривожланишига ашёвий далидир. Пиллачилик ривожланганлиги эвазига тўқимачилик, каштадўзлик, чорвачилик ривожланганлиги туфайли кунчилик ва тўқимачилик (жун ва тери), Бойсунтоғнинг ўрмонга бурканиши эвазига ёғочсозлик, дурадгорлик, ривож топди.

Жамият тараққиёти босқичлари, меҳнат тақсимооти билан алоқадор ҳолда ҳунармандчиликнинг уч тури шаклланган:

- 1) Уй ҳунармандчилиги.
- 2) Буюртма билан махсулот тайёрлайдиган ҳунармандлар.
- 3) Бозор учун махсулот тайёрлайдиган ҳунармандчилик.

Уй ҳунармандчилиги аввалда ва ҳозирда энг кўп тарқалган тури бўлди.

Бойсун туман худудида милоддан аввал I аср ва милодий I асрларда Кушонлар даврида қарор топган Туманқўрғон қалъасини қазिश пайтларида ҳунармандчиликни дастлабки муҳим тармоғи ҳисобланган сопол буюмлар ишлаб чиқариш ва тўқимачилик, заргарлик, темирчилик буюмлари ишлаб чиқариш вужудга келганлиги археологик қазилмаларда топилди.

«Бойсун аҳли Кушон давлати ҳукумронлигидан бошлаб жез (бронза) ва темирдан турли-туман тақинчоқ ва қуролларни жуда маҳорат билан ясаганлар. Халқасимон билакузуклар ва сирғалар, қўнғироқчалар, жез кўзгулар, Бойсунтоғ тошларидан тайёрланган турли рангдаги мунчоклар шулар жумласига киради.

Буюк Ипак йўлида жойлашган ҳозирги Бойсун тумани худудидан Шарқ ва Ғарб Араб халифалиги, Хиндистондан Европа мамлакатларига савдо-сотик ишларини йўлга қўйилиши муҳим манба ҳисобланади. IX-X асрларда Бухоро, Самарқанд, Кеш ва бошқа йирик шаҳарларда ҳунармандчиликни ривожланиши катта аҳамият касб этади. XIII асрда мўғиллар босқини ҳунармандчиликка хусусан Бойсундаги темирчи-кончиларнинг йирик қишлоқлари ва устахоналарини вайрон этилиши ҳунармандчилик ривожига катта зарба берди.

Темурийлар давлатини вужудга келиши ҳунармандчилик ривожига жуда катта ижобий таъсир кўрсатди.

Бухорода хусусан Бойсун худудида ҳунармандчиликни барча турлари XX асрнинг 20 йилларигача сақланди. Фақат Бойсун худудида ҳунармандчиликнинг 30 га яқин тури ривож топган. Бойсун Шаҳристонидаги ёпиқ Тимда (бозор) ҳунармандларнинг 53 та дўкони бўлган. Ўзида хилма-хил касбкорларни бирлаштирган терини қайта ишлаш соҳасида кунчилар, этикдўзлар, махсидўзлар, ковушчилар, эгар-жавдуқчилар, телпакчилар, пўстинчилар, камарчилар, тўқимачилик соҳасида бўзчилар, атласчилар, гиламчилар, шолча ва намагчилар, тақачилар, мисгарлар, чилангарлар, заргарлар каби касблар бўлган. Булар ҳунармандчиликнинг тармоқ тузилишини белгилаган.

Шарқдаги мусулмон ижтимоий табақасида уста, халифа ва шогирд каби ижтимоий тоифалар мавжуд бўлган. Ҳунармандчиликнинг ички тартиб ва қоидалари бўлган. Авлоддан-авлодга ўтувчи одатлари ва удумларига риоя этилган. Масалан, иш бошлашдан олдин уста ўз пирини ёдга олиб ундан мадад

сураш, шогирдига фотиха бериш каби одатларга амал қилинган. Ўзбекистон Россия мустамлакасига айлангач, ҳунармандчилик метраполияси саноатининг рақобатига дуч келиб, ўзининг илгариги мавқеини йўқотган бўлишига қарамай, унинг кўп тармоқлари сақланиб қолди.

Чунки, у миллий эҳтиёжни қолдирадиган товарларни чунончи, кийим-кечак, идиш-товоқ, турли уй-рўзғор буюмлари, майда меҳнат қуролларини яратиб, уларни маҳаллий бозорларга етказиб берди. Ҳунармандчиликни яшовчанлигини таъминлашда чет элдан келтирилган хом ашё, материаллар, кичик ускуналар муҳим рол ўйнайди. Масалан: АҚШ дан келтирилган тери буёғидан фойдаланиб кўпчилар амиркон номланган юпқа чарм ишлаб чиқара бошлади. Шу муносабат билан амиркон этик, махси ковушлар пайдо бўлди. Германиядан «Зингер» фирмасининг тикув машиналари келтирилиши билан тикувчилик (чеварлик) кенг ёйилди.

XX асрнинг 20 йилларида совет ҳокимияти қарор топиши билан Бойсун худудидаги ҳунармандчиликнинг асосий қисми дастлаб «Қизил Шарқ» ва «Қизил доска» кейинчалик Куйбишев, Стаханов, асбоб-ускуналар давлат томонида етказиб бериладиган, яратилган маҳсулотлар дўконлар ва матбуот-кооператцияси орқали сотиладиган бўлди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг ҳунармандчилик ривожига янги давр бошланди, халқ ҳунармандчиларига бозор қоидалари замирида қайтадан тикланди. Маҳаллий саноат корхоналарнинг биринчилар қатори хусусийлаштириш натижасида майда давлат корхоналари ҳунармандларнинг хусусий корхоналарга айлантирилди ва яқка тартибда иш олиб боришга руҳсат этилди. 1995 йил 24-25 октябрда Тошкентда БМТ нинг Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонаси билан Амалий ҳамкорликда Ўзбекистон халқ усталари ва ҳунармандлари 1- Республика ярмаркасида Бойсунлик ҳунармандлар ҳам иштирок этди.

Республика Президенти И.А.Каримовнинг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ баддий ҳунармандчилиги ва Амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармони ва бошқа тадбирлар ҳунармандчиликни тикланиши ва янада ривожланишида унинг унитилган баъзи турларини қайта тиклашга муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ҳунармандлар дастлаб Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар палатасига, сўнгра савдо-саноат палатасига кирдилар. Улар махсус ташкилот- «Ҳунарманд» Республика уюшмасига бирлаштирилди. Шу жумладан Бойсунда тадбиркорлар, ҳунармандлар ва фермер хўжалиklarининг ҳар йили ўтказиладиган «Ташаббус» туман кўрик танловига иштирок этадилар. Бойсунда – чўянчилар бор. Улар биз чўянчи уруғидан бўлганмиз, аждодларимиз чўянчилик билан шуғулланган деб аташадилар. (Манбаларда ёзилишича, чўянчилар уруғи эмас балки ҳунармандчилик касб-кори ҳисобланади).

Чўян-ҳар хил уруғ буюмлар (қозон, меъморлик безаклари ва бошқа) кийиш учун мўрт материаллардир. Чўяндан кулранг, оқ ва оралик турларига бўлинади. Қуймалар олиш учун ишлатиладиган кулранг чўян қуймакорлик чўяни деб аталади.

Дегрезлик-дегрез (форс, қозоқ, қуймоқ) қозон қуювчи, умуман чўяндан турли буюмлар қуювчи уста. Дегрезлик (чўянгарлик)-чўян эритиб ундан турли буюмлар қуйиш касби. Ўзбекистон шу жумладан Сурхон воҳасида Бойсунда

кадимдан чўяндан уруш қуроллари, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалик ва рўзғор буюмлари (масалан, қозон) ясалган.

Чўянгарлар қозон, қорачиқ, чиққоя, милтиқ нили каби чўян буюмларини, хатто замбарак, тўп-машвар ҳам қуйганлар. Дегрезлар гула чўян ёки эски чўян буюмлари содда усулда (ёндўкон ва вагранкада) эритиб ва махсус қолипларга қуйиб турли буюмлар ясалган. XX асрда оғир саноатни ривожланиши туфайли дегрезлик касби барҳам топди. «Бобурномада» дегрезлик, чўян қуйиш жараёнини ёзиб қолдирган. XV-XVI асрларда ёзилган манбаларда «Дегрез» ёки «Чўянгар» сўзи кўп учрайди.

Археолог олим Т.Аннаевнинг ёзишича, X-XIII асрлар давомида Бойсуннинг воҳа қисмларида ва тоғ ён бағриларида темирчи-ҳунармандлар устахоналарига асос солиниб, юқорида тақидлаганимиздек янги қишлоқлар вужудга келган. Бойсунлик 75 ёшар Равшан бобо Сувоновнинг айтишича Орифбой исмли бобоқалонлари Гузар беклигидан кўчиб келиб Бойсунга яшаган ва чўянчилик билан шуғулланган. Бу ҳунарни фарзандлари ва шогирдларига ўргатган. Уста Сувонов (лақаби сувонов дегре) асосан толага Тиш, панжара, қозон, сув тегирмонига себак, бешкўз, турум, чўян печка ясаган. Ҳозирда уйда барча дастгоҳлар сақланган. Улар томонидан ясалган чўян печкалар Бойсундаги айрим хонадонларда сақланган.

Темирчилик ҳақида- «Абу Муслимнома» қўлёзмасида (форс тилида) ва «Пахлавон Ахмадий Замчи» номли китобларида (Тошкент, 1904 йиллар нашр этилган) Абу Муслимнинг (747-749) йиллар барча ишлари, ҳаёти, инсонпарварлиги ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Китобда Абу Муслим Марв шаҳридан уста Хурдаки Хубқори бошчилигида ҳунармандларни, темирчи усталарни, Дарбандга келтирилганлиги, бу усталар Темир дарвоза ва кўрғонларда хизматда бўлган соқчилар ва аскарларга камон, қилич, отларга керак бўлган барча асбоблари ясаб берадилар ва Дарбанддаги Қапчиғай кўрғонида яшайдилар. Абу Муслим шу ерда туриб раҳбарлик қилганлиги батафсил ёзилган.

Археологик изланишлар натижасида Қапчиғай Кўрғони VI асрда қурилганлиги маълум бўлган. Бу кўрғон Заххон кўрғони ҳам деб юритилади. Кўрғоннинг пастки қисми дам олиш ва яшаш хоналари қурилган бўлса, юқори қисмида темирчилик устахоналари ташкил топган бўлиб, хоналар сони 16 та бўлиб, бу ерда турли асбоблар, ҳарбий қуроллар тайёрлаган. Бу ҳақида «Абу Муслимнома» тарихий китобида батафсил ёзилган. Демак, Бойсунда темирчи усталар 1400 йил олдин яъни VI асрда Дарбанддаги Қапчиғай Кўрғони атрофида шаклланган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ҳозирда Бойсунда темирчи усталарнинг бизгача учта авлодлари етиб келган. Булар Чорчинорда яшаб ўтган уста Ашур сандиқчи, темирчи, қандакорнинг авлодлари, иккинчиси - Оби маҳалласи темирчилар гузариди яшаб ўтган уста Қурбон авлодлари, учинчиси- Чорчинорда яшаб ўтган уста Қосим авлодларидандир.

Бу учта авлодлар ҳақида батафсил тўхтаб ўтамиз.

1.Уста Ашур (халқда Ашурийлар авлоди деб танилган) асли шаҳри Кешдан (Шаҳрисабздан) XI асрда Бойсун беклиги томонидан тақлиф қилинган ва темирчилик, сандиқсозлик, қандакорлик билан шуғулланиб, кўплаб

шогирдлар этиштирган. Уста Ашурни аждодларидан айримлари Бобур замонида Хиндистонга (Агра) бориб «Тож маҳалда» куриш ишларида қатнашганлиги ҳақидаги маълумотлар бизгача етиб келган. Уста Ашурни бизгача 7 авлод (пушти) темирчи, мискара, ёғоч устаси, қандакорлик ишлари билан шуғулланган. Кейинги авлодларидан Чорчинор маҳалласида яшаб ўтган уста Райимназар, отаси уста Наврўз, бобоси уста Нурмаматлар темирчи уста бўлганлар. Улар пичоқ (Бойсун пичоғи бошқа пичоқлардан кўринишидан ажралиб туради) чанқовуз, ўроқ, поки, бигиз, пилтакашак, бел, кетмон, парма ясаб халқга хизмат қилган. Газа қишлоғида яшовчи Ашурийлар сулоласига кирувчи темирчилардан: Уста Нормамат, отаси уста Шойимкул, бобоси уста Йўлдош, ундан Бекмат, ундан уста Нурмамат темирчи уста бўлганлар. Уста Шойимкулни фарзандлари Нормамат, Норали, Зиёдулло, Намоз, Мамади.

Набиралари: Тоштемир, Ўрал, Эркин, Тўлқин, Ғайрат, Шавкат, Норкул, Абдуғани, Рустам темирчи, уста бўлиб, улар томонидан: пичоқ, ўроқ, доскалла, печка, чанқовуз, печка карнайи, оташкурак ва бошқа 20 хилдан кўпроқ анжом буюмлари ясаб эл-улус олқишига сазовор бўлганлар.

«Оби» маҳалласида темирчилар гузарида яшаб умргузаронлик қилган темирчи усталардан ака-ука Йўлдош, Ёқуб, Жўрабойлар уларнинг фарзандлари уста Саттор, уста Жаббор, уста Қодир, мулло Ғаффор, уста Одил, уста Қаххор, уста Қудрат, уста Маматкул, уста Шойимкул, уста Хурсандлар ва уларнинг фарзандлари уста Муртозокул, уста Хамид, уста Очил, уста Холмамат, уста Қосим, Уста Иззат, Уста Абдулло томонидан ясалган 20 хилдан ортиқ уй-рўзғор анжомларидан: пичоқ, бел, кетмон, чанқовуз, туга, оташкурак, печка, карнай, ўроқ, доскалла ва бошқа уй-рўзғор буюмлари ясаганлар. Асл келиб чиқиши дурмон уруғидан бўлган Қурбонбеги зурриётидан бўлади. Ака-укалар ичида энг зийрак ва зукко бўлиб ўсган Йўлдош онасининг рухсати билан Шерободга бориб, темирчи усталарга шогирд тушди ва ҳунар ўрганиб Бойсунга қайтди. Бу ҳунарни укасига ўргатди. Бу сулоладан 20 -лаб темирчи усталар етишиб чиқди.

Бойсундаги уста-темирчилардан яна бири Уста Қосим бобо-Бойсуннинг Чорчинор маҳалласида яшаб ўтган, салкам 100 йил умр кўрган. Унинг сулоласидан кўплаб темирчи усталар етишганлар. Кетмон, белкурак, болта, ўроқ, тоқ қайчи, қозик, нурват, пичоқ, чанқовуз ва ҳоказолар ясаган. Айниқса унинг томонидан ясалган жарангдор чанқовузлар хали-хануз эл гапиради. Бу чанқовузлар сифатли, чидамли ва жарангдорлиги билан ажралиб турган.

Пичоқсозлик - пичоқ, устара, ханжар ва бошқа кесгир асбоблар ясаш каби, ҳунарсозчиликнинг қадимий турларидан бири. Илк палеолит давридан маълум. Дастлабки кесгир қурол тошдан ясалган. Жез даврида мис ва жездан пичоқлар ясалган. Темирнинг кашф этилиши пичоқсозлик санъати тараққиётида катта бурулиш бўлди.

Шарқ мамлакатларида хусусан Ўрта Осиёда пичоқсозлик қадимдан ривожланган. Бойсун худудида (Туманкўрғон, Мунчоктепа, Кўрғони боло) олиб борилган археологик қазилмалар натижасида милoddан аввал I-III асрларга оид пичоқ намунаси топилган. VI-XII асрларда пичоқ ясаш ривожланиб, уни безаш технологиялари ўзгарган. XV-XVII асрларда ёнга олиб юрадиган пичоқ турлари пайдо бўлди. Кейинчалик пичоқсозликнинг ўзига хос мактаблари пайдо бўлди. Бухорода ва амирликдаги даврларда пичоқсозлик санъати ривож топди.

Бойсун пичоқсозлик мактаби Сурхон воҳасидаги бошқа жойлардаги пичоқсозликдан кескин фарқ қилади. Бойсунда пичоқсозликнинг ўзига хос санъати бор. Пичоқ асосан темирчилик дўконларида ясалган. Ясалиш усулига кўра темирчи Нормамат Шойимқуловлар сулоласи пичоқлари, уста Райимназар пичоқлар, уста Қосим бобо сулоласи пичоқлари, Мачайда уста Турдимурод пичоқлари, Дехиболода уста Нуриддин пичоқлари Оби маҳалласида, уста Одил бобо ва уста Муртозоқул Жабборовларни сулоласи пичоқларни ясалиш услуби бир-биридан фарқ қилади. Чорчинор маҳалласида яшовчи Қодир хожи Хакимовни уйида бобоси Мирзо Абдуҳоликни пичоғи сақланган. Пичоқ 1875 йилда ясалганлиги ёзилган. Тузулишига кўра пичоқ тўғри, ўлчамига кўра ўрта суямлик, безатилишига кўра содда, камдан-кам гули, ясалишига усулига кўра Бойсун пичоғи, Мачай пичоғи, Қўрғонча пичоғларига бўлинади. Ишлатилишига қараб ўткир учли ва тумтоқ учли қилиб ясалган.

Бойсунда 1932 йилдан бошлаб темирчилик дўконлари «Қизил Шарқ» артелига бирлашиб, пичоқ, ўроқ ва бошқа ўткир учли дастгоҳлар ясалган. Илгари ва ҳозирда ҳам пичоқларни темирчилик дўконларида уста босқон дамгир кучи билан ясашди. Унинг дастаси суяк, ҳайвон шохи, мугуз ва ёғочдан тайёрланади. Темирчи усталар пичоқга ажратилган темирни кесиб, метал бўлакчасини ўтда қиздириб, сангдонга қўйиб болға билан уриб тиғ чиқаришган. Сувга тиқиб олиб кескирлиги ошириш жараёни сув бериш дейилади. Пичоқ пўлатнинг қаттиқлигига қараб сув берилади. Сўнгра уни ғирага қистириб, катта эгов билан эговланади, тиғи чархланади, лока қирраси бўйлаб ишқалаб, тиғ юзига сой (кома) очилади. Пичоқ қорамтир тусга кириши учун зок (суяк модда) га ботириб олишади. Сўнгра даста ўрнатилади. Бойсунда тайёрланган пичоқлар фақат уй-рўзғорда ва мол сўйишда ишлатилади.

Халқ меъморчилиги. Халқ бинокорлигига қизиқиш, халқ санъатига бўлганлиги сингари гоҳ ортади, гоҳ сўниб қолади. Бунга сабаблар кўп. Халқ меъморчилиги кўп қиррали бўлиб, ўзини турлича намоён этади: баъзан ҳаётнинг қадим тарзи билан боғлиқликда ўрганилганда, этнография ва ижтимоий асосий аҳамият касб этади, баъзан бадиий ҳунармандчилик ва миллий меъморлик ривожини масалалари билан боғлиқ ҳолда. Булардан охиригиси санъат тарихчилари ва меъморлари диққатини жалб этиб, қизиқишни янада орттиради. Қизиқарли, бироқ қадим архаизм ва халқ меъморчилиги, унинг техник қолоқлиги ва замонавий ҳаёт тарзи билан мувофиқ келмаслиги меъмор ва тадқиқотчиларни берк йўлга олиб кириб, доводиратиб қўяди. Замонавий бинокорлик ишларида туб бурилиш бўлмас, шунингдек, тадқиқотчилар қарашлари янгиланмас экан, зиддиятлар ечимини топмайди. Тўғри халқ меъморчилиги ва санъати бўйича академик пухта билимлар ўз аҳамиятини сақлаб қолади, лекин олимларнинг ўтмиш маданиятига нисбатан конфессионал қизиқишлари бугунги кун талаби билан боғлиқ эмас, фанни ҳам деярли ҳаракатлантираётгани йўқ. Унга фақатгина акслантирувчи эмас, балки ёруғликнинг кучсиз нурларини ҳам изчил тарзда намоёйиш этиб турадиган экран керак бўлади. Бундай экран халқ меъморчилигини ва асосан, унинг изчил асосини тўлалигича тушунилишига имконият яратиши, замонавий меъморчилик тадқиқотчилари, сингариларга хизмат қилиши мумкинлиги тўғрисидаги фикр бирмунча

гайритабий туйулиши мумкин.

Халқ бинокорлиги ва замонавий меъморчилик кўп жиҳатдан бир-бирига зид. Уларнинг техник жиҳатлари, ўлчамлари турлича, маиший ва маъмурий вазифасига кўра ҳам фарқ қилади; меъморчиликнинг эстетик омилларига мос келмайди. Халқ меъморчилиги – халқ турмуш тарзининг кўриниши. У ҳаёт тарзига кўра ўзини намоён этади ва унинг талабларига жавоб беради. Замонавий меъморчилик маълум ҳаёт тарзидан илгарилаб кетади ва янгича борликни касб этади, кичиктуманлар, туманлар ва шаҳарлар ўлчамларида фаол маъмурий кучни бошқаришни ўз зиммасига олди. Халқ бинокорлигининг айрим омиллари замонавий меъморчилик омилларига нимаси биландир ўхшашлиги жуда ажабланарли. Гап шундаки, халқ бинокорлиги турар-жойларининг фазовий-шаклий композицияси тарихий услублар, айниқса, қадим безаклар сингари тезлик билан барҳам топмайди. Шунга кўра халқ бинокорлигидаги мавжуд фазовий-шаклий композициялар қурилиш нураб кетган ва уни сақлаб қолинишининг ҳеч бир маъноси бўлмаган бир пайтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Ўзини замонавий меъморчиликда солиштирама ўрганилиш жараёнида намойиш этадиган меъморчилик асосларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш жуда муҳимдир.

Замонавий меъморчиликни ўтмиш намуналари ўзгача ҳажмли шаҳарсозлик, янги қурилиш хом ашёлари ва қурилмалари, замонавий интерьер (бинонинг ички қисми)ни техник жиҳозланиши сингарилар. Лекин меъморчиликнинг етакчи йўсини, яъни ҳажмий-фазовий йўсин муносабатлари гўё назардан четда қолгандек.

1 Рангли экранга рангли чизма тасвирни йириклаштириб турилиши жараёнида чизма тасвирдан экранга ранг тушади: айтайлик кучли ва ёрқин. Шундай жараён меъморчиликда ҳам содир бўлсин дейлик. Шарқ халқлари меъморий ёдгорликларида бундан ёрқинроқ бўлади. Образли қилиб айтганда “яшилтоб”, лекин “қизилтоб”ни учрамайди. Учли равоқларни, сумалаксимон ҳосилаларни, гириҳий ва ўсимликсимон мураккаб нақшларни кўрамиз, лекин баъзи ҳолларни ҳисобга олмаганда, Шарқда халқ турар-жойлари ва қурилишнинг бошқа турларида қадимдан қўлланиб келинаётган бошқа кўпгина меъморий ечимларни эътибордан четда қолдирамай.

Юқорида А.И. Герсеннинг эпиграф сифатида келтирилган сўзларини қандай такрор айтмай бўлади: “Одамлар безакдорликни яхши кўришади, ҳақиқатда эса улар биргина мақбул жиҳатни кўришади – орқада ҳатто, ўсимлик ўстирма, асл ҳақиқатлар фақат кубик тарзда намоён бўлади ва барча уч ўлчам уларга зарур”.

Ғиштин гумбаз, равоқ ва сумалаксимон ҳосилалар тизими дунё меъморчилик тарихида Шарқнинг бебаҳо ҳиссасини ташкил этади, бироқ улар замонавий қурилишда муомаладан чиққан. Тиргак-тўсинли тарз ёғоч ва тошда бир мунча умумий шаклда қўлланилади; лекин у тарихий услублар сиқувида бўлиб, замонавий муҳандисликка йўл очиб берди. Халқ меъморлиги диний-маданий ва сарой туридаги бинолардан, равоқ ва гумбазли қурилиш тарзини тиргак-тўсинли тарздан авзал кўрганлиги билан хусусиятланмайди. Ўрта Осиёда гумбазли турар-жойлар кам учрайди, лекин гумбазлар карвонсарой, ҳамом сингари умумхалқ фойдаланадиган жамоа иншоотларида қўлланилган.

Халқ меъморчилиги қай тарзда гавдалантирилмасин, маҳаллий кўриниши, шунингдек, фазовий ҳажм ва меъёрий унсурларнинг нафис ва соддалиги билан ажралиб туради. Кенг қўламлик ва қурилмалик, шаклнинг изчил тарзи, ҳажмлилик ва мутаносиблик халқ бинокорлигининг муносиб эстетик хусусиятлари ҳисобланади.

Айнан шу аломатлар халқ бинокорлигини замонавий меъморчилик билан яқинлаштиради. Темир-бетон ҳам бир вақтлар меъморчиликда ёғочли қобирға қурилмаси ўзлаштирилганчалик ўзлаштирилмайди. Фазовий шаклнинг оқилона соддалиги қозикчали ип ёрдамида ҳам ўлчланади. Ўлчов воситалари бадий шакл сифати билан эмас, қурилиш ишлари техникаси билан белгиланган. Ислон талаблари ва феодал тузумни ҳисобга олмаганда ўрта Шарқнинг санъат асарларига тарихий чекланган даврда муҳр қўйган хусусиятига кўра бирлашади: ҳовли атрофидаги ёпиқ бинолар гуруҳида; ёпиқ ҳовли қўлланилишида, ўз навбатида “очиқ ҳаводаги айвон” кўринишидаги махсус майдон ва ўтовлар; ўша ва бошқа бинолар ҳамда майдончаларни бирфазовий бутунликда ярим очиқ ёки бутунлай очиқ турдаги айвонлар ва майсзорлар билан бирлаштиришда. Экинзорлар, суғориш манбалари, маҳаллий шароит талаб этган инсоляция ва гелиотермия сингариларни ҳисобга олган бошқа эҳтиёж чоралари барчаси биргаликда мажмуанинг йирик лойиҳасини ташкил этади.

Ўзбекистон текисликлари ва чўл ҳудудларидаги қишлоқлар меъморчилиги асрлар давомида юзага келган аянчли манзаларни намоён этганча жуда ҳароб ҳолга келган. Эртанги кунга умидсизлик ва қурилиш ҳом ашёсининг доимий танқислиги халқ меъморчилигини ҳақиқий санъат даражасига кўтарилишига ҳалақит бериб келмоқда. Кўзга кўринган маҳаллий масжидлар шаҳарлик усталар томонидан қурилган. Фақатгина ғиштли, йўқолиб бораётган феодалча қалъаларни эслатувчи баланд деворли минорачали “кўрғон”лар ҳамда “ҳовли”лар ўзларида қадим меъморий хусусиятларни сақлаб қолдилар. Мазкур меъморчиликнинг яримқалъалилик хусусияти ва ибтидоийлик деярли рамзий шакл аллақачон унинг келажагидан орқада қолиб кетди. Вақт шошилмоқда: бу турдаги қишлоқ кўрғончалари ўзларига махсус тадқиқотни жалб этмасданоқ кўз ўнгимизда ғойиб бўлишди.

Тоғ ҳудудларидаги меъморчилик шуниси билан қизиқарли. Чорвачилик, лалмикорлик ва суғориш ишларининг ривожланиши амир-амалдорлар ва авлиё пирлар шарафига ажойиб иншоотлар барпо этилишига восита бўлди. Лекин асосий гап тоғли қишлоқлар меъморчилигида. Маҳаллий уста-қурувчилар, ўймакор ва тоштарошлар томонидан қурилган бундай уй-жойлар содда ва ўзига хослиги авлоддан-авлодга сақлаб қолган. Уларнинг меъёрий асарлари Бухоро ва Самарқанд сингари катта шаҳарларга хос бўлган зерикарлик ва такрорийликдан ҳоли этилганча табиат манзараси билан табиий уйғунлаштирилган.

Тоғли қишлоқларда бадий ўймакорликни юқори даражадаги мумтоз услубда бажариш мушкулдир. Лекин шунга қарамай ҳозиргача тўсин таглигида исму шарифлари ёзиб қолдирган маҳаллий халқ ўймакор ва усталарнинг ижод наъмуналари жонли ва завқлидир. Аслида ўймакор устунлар биз учун асосий аҳамият касб этмайди. Халқ бинокорлигида эмас, бинони лойиҳалаштирган,

тиклаган ва безакдорлик ишларини бажарган меъмор-уста-ўймакор бир кишининг ўзи эканлигида (ўша замонлардаги усталар тоштарошлик, ўймакорлик ишларини ҳам ўзлари олиб боришган).

Ўзбекистоннинг барча ҳудудида, жумладан, тоғли ҳудудларида мавжуд халқ меъморчилигини ёрқинроқ ва изчил тарзда очиб берувчи асосий негизлари излаб топилиб, маиший шарт-шароитлар ҳисобга олиниб, маҳаллий меъморий унсурлар ва қоидаларни, бинокорлик санъатининг тарихий изларини қидириб топиш муҳим аҳамиятга эгадир. Тарихий услубларга тақлид қилмасдан туриб, улар Ўзбекистон халқ меъморчилигининг нафақат самарали безакдорлигини, балки унинг фазовий кенгликларидаги “кубиклик” ни ҳам англашлари мумкин эди.

БОЙСУН –МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРИ ВА ГИЛАМ ЖИЛОСИ

Анъанавий кийимлар ҳар бир халқ моддий маданиятининг ажралмас қисми сифатида мазкур халқнинг келиб чиқиши, турмуш тарзи, эстетик диди ҳамда миллий хусусиятларини тўлароқ англаб олишга ёрдам беради. Шуингдек, анъанавий кийимлар халқнинг моддий фаровонлигини акс эттирувчи воситалардан бири саналади. Кийимлар халқ тарихини чуқур ўрганишда қимматли маълумотлардан бири бўлиб хизмат қилади.

XIX аср охири - XX аср бошларида ўрганилаётган ҳудуд аҳолисининг анъанавий кийимлари узок даврлар мобайнида Марказий Осиёда яшаб келаётган халқларнинг ва этник гуруҳларнинг бир-бирлари билан яқин алоқада бўлганлигини, бу алоқа ўз навбатида ҳудуд аҳолисининг анъанавий кийимларига ўз таъсирини ўтказганлигини кўрсатди. Лекин умумий ўхшашликка қарамай, Бойсун воҳаси аҳолиси ўз анъанавий кийимларида ўзларига хос минтақавий ва этник кўринишларни сақаб қолган. Бу ўзига хослик анъанавий кийимларнинг бичилишида, тикилишида, матоларнинг танланишида ўз аксини топган. Масалан, тадқиқотлар жараёнида олинган маълумотларга қараганда бичикчилар матоларни қайчи билан кесишмаган, балки қўл билан йиртиб айрим қийиқ жойларни пичоқ билан кесишган. Кесишлар асосан бўй, енг ва ён қийиқлардан иборат бўлиб, аксарият қўлда тикилган. Бичикчи ва тикувчилар у ёки бу кийимлик матодан иложи борица қийқим чиқармасликка ҳаракат қилишган. Чунки қадимги матоларнинг эни шуни тақозо этган.

Шу билан бирга қадимги урф-одатларга кўра кийим бичишда ёки унинг қийқимларига ёмон кўзли ёки «назари бор» кишиларнинг нигоҳи тушса ўша кийимни кийган киши касалланади, деган эътиқодлар бўлган. Кийим-кечаклар қишлик ва ёзлик қилиб тикилган. Ёзлик кийимлар асосан бир қават, астарсиз ва пахтасиз, қишлик кийимлар эса аксинча астарли ва пахтали бўлади. Кийимлар уни киядиган кишиларнинг ёшига, оила ҳам жамиятда тутган ўрнига қараб турли матодан ҳар хил қилиб тикилган. Шунингдек, кийим учун танланган матонинг ранги ҳам катта аҳамиятга касб этган.

Масалан, сувли қишлоқлар аҳолиси (чиғатоёлар, тоқчилар асли турклар) кўпроқ пахтадан, дашт худди қишлоқлари аҳолиси (асосан ярим ўтроқ ўзбек уруғлари) жундан, шаҳарлар аҳолиси эса (асосан бойроқ хонадонлар) шойи ва ипакдан тайёрланган матолардан кийим-бош тайёрлашган. Кекса чеварларнинг

айтишларича, кийимлар ранги тўй-тантаналарга, қувноқлик (кўпроқ қизил) ва таъзия либослари хафачилик(оқ, қора, кўк), рамзлари сифатида намоён бўлган.

Кийимларнинг ранги асосан кишиларнинг жинсига ва ёшига қараб танланган. Ёшларни катта ва улуғ кекса кишилар кўпроқ оқ, кулранг, ёшлар қизил ва сариқ рангдаги кийимларни кийишган. Ўзбекистоннинг барча худудлари каби Бойсун воҳасида ҳам миллий ўзбек кийими деярли шаклланиб бўлган, худудидаги шаҳар ва қишлоқлар эркак аҳолиси деярли бир нусхадаги («бир кийимлик») тўн, кўйлак, чорик ятак, иштон, дўппи, салла, телпак, қовуш-махси, этик чорик ва турли хилдаги ёрдамчи кийимлар кийишадиган бўлишган. Шунингдек юқоридагилардан ташқари чорвадор аҳолии кўпроқ чакмон (чакмонларнинг бакоти, босма, қоқма ва бошқа турлари бўлган) кебанак, пўстин каби устки кийимлар кийишган. Ўрганилаётган худуд хотин-қизлари ҳам ўша давр ижтимоий-иқтисодий шароитига мослашган ҳолда кийинганлар. Лекин хотин-қизлар кийимлари ҳам ёшларига қараб бичилиши, тикилиши, ранги мато турига қараб фарқланган. Эркаклар кийимлари кўпроқ бўз, қалами, олча (бу матоларни маҳаллий косиблар тўқишган) йўл-йўл тик, танка бекасам (бу матоларни бозорларга бошқа худудлардан келган савдогарлардан сотиб олишган) каби матолардан тикилса, хотин-қизлар кийимлари кўпроқ шойи, зарбоф, адрас, чит сатин каби матолардан тайёрланган.

Хотин-қизлар кийимларидан энг асосийси кўйлак-иштон ҳисобланган. Хотин-қизлар кўйлаги уч типга бўлинган. Масалан, қизлик даврида кийган ёқаси очикроқ кўйлак «кифтак», келинлик пайти кийган кўйлакни «боғичи» кўйлак деб юритганлар. Анъанага кўра қизлар турмушга чиққанларида никоҳ кунлари ва тўйдан сўнг учинчи куни қизлик кўйлаklarини хотинлик кўйлаklarига алмаштирган. Мазкур кўйлак келиннинг эндиликда хотинлар қаторига ўтганлигини билдиради. Хотин-қизларнинг энг муҳим анъанавий кийимларидан яна бири уларнинг лозим (иштон) лари саналган. Хотин-қизлар лозими икки ёки уч хил матодан тикилган. Бунинг сабаби қуйидагича: ҳамма хотин-қизлар ҳам кийим кечак сотиб олиш учун қурби етавермаган. Шунинг учун лозимнинг кўзга ташланадиган қисми, яъни пойчалари, янги матодан кўзга кўринмайдиган қисми липпасига эски матодан ғиштдаги рангли матодан тикилган. Одатда ёш қиз-жувонларга тикиладиган лозимлар учун очик рангли матолардан катта ёшдаги аёлларга ҳамда қарияларга эса оддийроқ рангли матолардан фойдаланилган. Кундалик кийиладиган кўйлак ва лозимлар кўпроқ маҳаллий, оддий матолардан, тўй-тантаналарда кийиладиганлари эса иложи борича шойи атлас каби ипакли қимматбаҳо матолардан тикилган.

Лозимларнинг тепа қисми иштонбоғ билан боғланган бўлиб, пойчаларга жияклар қадалган, жияк ковуш устига тушиб турган. Худуд хотин-қизлари кийим кечакларидаги ўзига хослик айниқса уларнинг бош кийимларида яққол кўзга ташланган. Бош кийим деганда энг аввало дўппи, кўзда тутилади, албатта. Аммо хотин-қизларнинг ҳаммаси ҳам дўппи киявермайди. Дўппини асосан турмушга чиқмаган ёш қизлар, айрим ҳоллардагина ёш келин ва ёш хотинлар кийишган. Бу худудда асосан айлана, чека попуги тўқ қизил бойсуний тўртбурчак ироқи дўппилар кийиш удум бўлган.

Ўрта ва катта ёшдаги аёллар «култа» деб аталадиган бош кийими

кийишган. Култанинг бош қисми айлана, бошга кийиладиган жойи думалок, орқасига тушиб турадиган соч қолипи бўлган. Айрим жойларда уни «кийгич» ҳам деб аташган. Кийгични кўпроқ дашт чорвадор қишлоқлар аёллари кийишган бўлса, сувли ўтроқ қишлоқлар аёллари «касава» кийишган, у пахта ёки жун қотишмаси ҳамда бир неча хил матодан чамбарак шаклида тайёрланган ва ўрта қисми очик қолдирилган. Худуд хотин-қизларининг ўзига хос бош кийимларидан яна бири «бош» ёки «салла» деб аталади. Бу бош кийимни асосан фарзанд кўрган кўнғирот аёллари (ярим ўтроқ ўзбек уруғи) кийишган. Аёллар бошларига аввал ярим дўппи шаклидаги кийгични кийиб унинг устидан беш-етти метрлик салла ўрашган. Бу бош кийимнинг худди шу қисми бош деб аталиб, унинг устидан еттитадан, тўққизтага, тўққизтадан ўн биттагача (гоҳо ўн еттигача) турли рангдаги ва номдаги матолардан тайёрланган уч бурчакли ёки тўрт бурчакли қийиқлар ранги аниқ кўринадиган қилиб ўралган. Шунинг учун ҳам мазкур бош кийим салла деб юритилган. Бу бош кийим Чамбаршоҳ деб аталган. У кўпроқ бой хотинларга мансуб бўлган. Бош ёки салланинг ораси, устки қисми очик қолдирилган, унга нина, ип, калит, пул, рўмолча, гугурт, қурут ва хо казолар солинган. Мазкур бош кийим устидан учбурчак қилиб катта рўмол олинган.

Бош салла баъзан «такія» деб аталмиш бу бош кийимларнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, улар оиларнинг иқтисодий аҳволини ҳам акс эттирган. Шу боисдан бош кийимлар «Бойбош» ва «Камбағалбош» деб ажратиб келинган. Бойбошга ниҳоятда катта ва хилма хил рўмоллар ўралган. Камбағалбошга ўралган рўмоллар эса жуда оддий ва камсонли бўлган.

Бош кийимлар устидан ёпиниб юриладиган ёпинчиқлар бўлган. Ўрганилаётган Бойсун худудида хотин-қизлар шариатга кўра доимо бошларига бирор нарса: желак, жегда ташлаб юришган. Шуниси қизиқки, бу худудда паранжи ёпиниш таомили учрамайди, лекин кўнғирот хотин-қизларида бошга ёпиниб юриладиган, аксарият қизил ёки тўқ-қизил духобадан тикилган паранжи нусха ёпинчиқ кўртакур ва кўртакуроқ деб номланган.

У қизларга келин бўлганларида ёпинтирилиб, умрининг охиригача сақлаган. Узоқ дашт қишлоқларида яшовчи чорвадорларнинг аёллари кўп ҳолларда ёпинчиқсиз, юзи очик юрган. Қизлар билан турмушга чиққан ёш келинларнинг соч ўришлари ва тутишларида катта фарқ бўлган. Қизлар сочларини бир, икки, тўрт, олти, саккиз, ўн икки, қирқ ва ундан ҳам кўп майда қилиб ўриб юришган.

Келинлар эса сочини иккита қилиб ўриб, фақатгина тўғри очиб бош кийим остига яшириб юрган. Хотин-қизлар сочларига турли тақинчоқлар (жамалак, тахтажамалак, соч попук, пўпак) тақишган. Бу тақинчоқлар хотин-қизлар ёшига турмушга чиққан-чиқмаганига фарзандлари бор-йўқлигига қараб танланган.

Бу даврга келиб худуддаги шаҳарлар ва баъзи йирик қишлоқларда заргарлик устахоналари ишлай бошлаган. Уста заргарлар шаҳар ва қишлоқлар аҳолисига уларнинг буюртмалари асосида турли-туман тақинчоқлар ва безакларни (узук, билакузук, сирға, балдоқ, латива, кўкракка ва бўйинга тақиладиган маржонлар) тайёрлаб берганлар. Аксарият заргарлар буюртмачиларни кутиб ўтирмасдан ўзлари тайёрлаган заргарлик буюмларини

қишлоқма-қишлоқ юриб сотган ёки мол-мулкка дон-дунга алмаштирганлар. Шу тариха даврга келиб аҳоли ўртасида безак ва тақинчоқлар янада оммавийлашиб боради, бунга Шарқий Бухоронинг Россия томонидан истило қилиниши билан бошқа худудлардан келган заргар косибларнинг кўпайиши ҳам ўзига таъсирини кўрсатди.

Тақинчоқ ва безаклар хотин-қизларнинг ёшига, кийим рангига, мато йўлига ва тикилиш услубига қараб танланган ва тақилган. Улар тақилиш ўрнига қараб турли гуруҳларга бўлинган. Шунга қараб бошга сочга, қулоққа, бурунга, кўкракка, бўйинга, қўлга тақиладиган тақинчоқ ва безаклар мавжуд бўлган. Бошқа тақиладиган тақинчоқлар турига тиллақош, силсила, мохитилла, хатабак кабилар кирган. Тиллақош кумушдан ишланиб, бош кийим устидан кийилган ва қош устига тушиб турган, шунинг учун ҳам тиллақош дейилади. Бу безакни кўпроқ сувли қишлоқлар хотин-қизлар (чиғатойлар, тоқчилар, турклар) тақишган. Силсила ҳам кенг тарқалган тақинчоқлардан ҳисобланиб, уни маҳаллий халқлардан ташқари кўшни худудлардан келган туркманлар, араблар ҳам тақишган. Силсила кўпроқ тўй-хашамларда байрам кийимлари билан тақилган. Қарияларнинг шохидлик беришларича қадимий силсилалар тўрт қисмдан иборат бўлган (хатабак, силсила, гўйша ва чеккадуо).

Хатабак ости яшил, усти тўқ-қизил духобадан тикилган унга бир неча қатор қилиб бодом нусха кумушдан ясалган шакллар осилган. Силсилада эса уч-тўрт қатор метал ва кумушдан ясалган шакллар бир-бирига занжир орқали уланган. Силсила одатда хатабакнинг устидан тақилиб, хатабакнинг бир қисми силсила остидан кўриниб турган. Силсила чамбаршоҳ (кўнғиротларда) устидан ҳам тақиб юрилган. Хотин-қизларнинг пешонага тақиладиган ярим ой шаклидаги тақинчоғи мохитилла деб аталган. У кумушдан ишланиб, турли рангдаги шиша кўзлар билан безатилган. Мохитилла бош кийимларга илгаклар билан беркитилган, бир қисми пешонадан тушиб турган, бошқа қисми эса қулоқлар ёнидан икки томонга осилиб турган. Энг кўп ва кенг тарқалган яна бири соч попук ва жамалаклар бўлган. Қора ип ёки ипакдан, баъзан эса қора жундан тайёрланган иплар учларига данакдек думалоқ кўнғироқлар осилган, булар сочга қўшиб ўрилган ёки махсус тахтачага боғлаб, орқадан сочга қўшиб боғланган. Одатга кўра худуддаги барча хотин-қизлар имконлари борича сирға тақишга ҳаракат қилишган. Аксарият қизларнинг ёшликларида қулоқларини тешиб (улаш туфайли, кекса кампир қизалоқ қулоғини тешиб) унга маълум вақтгача ип ўтказиб, сўнг сирға тақилган. Худудда кўп тарқалган тақинчоқлардан билакузук, узукларни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак, чунки ҳар бир хотин-қизда бу тақинчоқлардан бири албатта мавжуд бўлган.

Шунингдек, Бойсун воҳаси заргарлари эски-тангалардан ҳам турли тақинчоқлар ясаган. Улардан кўкракка осиладиган ва сочга тақиладиган тақинчоқлар тайёрланган. Худудга хос аёллар тақинчоқлардан бурунларига тақиладиган сирғаларни алоҳида таъкидлаш лозим. Сирға бурунларни асосан кўнғирот аёллари, тақишган. Бунда сирға буруннинг икки четига бурун паракларига ҳамда бурун ўрта деворига тақилган. Шунга кўра бу сирғалар латива, измак, аравак (арабак) каби номлар билан юритилган бўлса, ўрта деворга тақилганлари бўлови, бурун балдоқ деб ҳам юритилган.

Кўнғирот хотин-қизлари кўпроқ бўйинга ва кўкракка тақиладиган мунчоқ

маржонларни ёқтиришган. Кўп ҳолларда мунчоқ ва маржонларни ўзлари тайёрлашган. Бу мунчоқ ва маржонлар жавак, гулбдан, хапамат деб аталган. Шунингдек, безак ўрнида туморлар ҳам ишлатилган. Улар кўпроқ тумор бўйин тумор деб юритилган. Қизиғи шундаки, бой савдогар оилаларининг эркаклари ҳам қўлларига қимматбаҳо узуклар тақиб юришган. Шунингдек, улар тақинчок сифатида саллаларига жива тақишган. Камарларини пичоқлари хинларини қимматбаҳо тошлар, безаклар билан безатишган.

Бойсун воҳаси хотин-қизлари ҳаётида безак ва тақинчоқлар билан бир қаторда каштачилик ҳам муҳим аҳамият касб этган. Каштачилик минтақавий ҳарактерга эга бўлиб, ҳар бир минтақанинг ўз услуби бўлган. Масалан, кўнғиротлар кўпроқ кўйлақларининг ёқаларига кашта ишлатган, чигатой, ўзбек, тожик чигатойлари хотин-қизлари каштани кўпроқ кўйлақларнинг энгларига, кўйлақ олдига ишлатишган. Умуман олганда каштачилик воҳада кенг тарқалган. Одатга кўра, келинлар оқ матодан кашталаниб тикилган сўзанлар остида куёвнинг ўйига кузатилган. Ёш келин-куёвларнинг хонаси турли-туман каштачилик буюмлари билан безатилган. Кўрпа-ёпқичларига, ёстик жилдлари, сочиқ ва хаттоки баъзи уй-рўзғор буюмларига ҳам кашта тикилган. Бойсун воҳаси заргар усталари, мохир каштачилари томонидан тайёрланган билаузуклар, сирғалар, ханамат, гулбандлар ўзининг чиройлилиги билан кишини лол қолдирадиган ойнахалта, буғжаома, жойпўш зардевор сўзаналар республикамизнинг қолаверса хорижнинг бир талай нуфузли музейларида бебаҳо тарихий ёдгорлик сифатида жой олган.

Бойсунда - мато тайёрлаш. Ўзбек халқининг анъанавий кийимлари узок тарихий жараёнлар давомида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда урф-одат, маросим анъаналар таъсирида шаклланган. Бинобарин, кийимлар ҳақида гапирганда уларнинг асоси бўлган матолар ва мато тайёрлаш усулларига алоҳида тўхталмоқ жоиз бўлади. Бойсунда мато уй шароитида тайёрланган. Матолар кўпроқ жундан, пахтадан маълум миқдори эса пилладан тайёрланган. Чорвачилик билан шуғулланган дурмон, юз, кўнғирот, турк каби уруғ аҳолиси жундан мато тўқиганлар. Пахтани Денов ва Шеробод бозорлардан савдо карвонлари олиб келиб сотганлар ва аҳоли бундан мато тўқиш учун фойдаланилган.

Тоғли худудларда жойлашган Тўда, Мачай, Қизилнавр, Кентала, Дуоба, Қўрғонча, Яккатол, Хавуз, Дехиболо, Пулҳоким, Сарикамиш, Пудина, Чаган, Кофрун, Даштиғоз, Инкабод, Узунқудук, Тиллокамар, Хўжабулғон, Дахнаижом, Шўроб, Паданг, Чорбоғ, Работ, Фотмабулоқ, Қиличбоғ, Чилонзор, Пудина, Бешэркак қишлоқларида яшовчи чорвадор оилалар асосан жундан мато тўқиганлар. Дарбанд, Сайроб, Панжоб, Бибиширин, Пасурхи, Кучкак, Авлод, Сариосиё, Боғиболо, Шайид, Газа, Шўрсой қишлоқларида яшовчи аҳоли асосан пахтадан шунингдек, айрим ҳолларда жундан мато тўқиганлар. XIX аср охири - XX аср бошларида пахта ва жундан мато тўқиш анча тараққий этган ва бозорда истеъмолдан ортиқча бўлган пахта, жун ҳамда мол териларини сотганлар. Арқон, Айил каби буюмлар учун урчукдан мато тўқиш учун эса чархдан фойдаланилган. Чарх қадимдан ишлатилиб келинган бўлиб Япония ҳамда Хиндистондаги чарх шакллари билан бир хил бўлган. Жундан фойдаланишда, аввал у махсус жун тароқда таралган, сўнгра урчук ёрдамида йигирилиб, ип ҳолатига келтирилган.

Жундан мато тўқишда «ўрмак» деб аталувчи тўкув дастгохидан фойдаланилган. Жундан кигиз, гилам, шунингдек хуржун, қоп, чакмон, чолвар (шолвар) ҳамда турли хил арқон иплар тайёрланаган. Ипларга ранг бериш яъни бўяшда аввал иплар ювилиб сўнгра ишқорли сувда қайнатилиб, оқар сувда чайилган. Одатда матоларни қора, қизил, сариқ рангларда уй шароитида, яшил рангли бозорларда махсус бўёқчиларга яъни нилчиларга бўятишган. Қора рангни анор, ёнғок пўстлоғидан, сариқ рангни чечак ўсимлигидан, қизил рангни руян ўсимлигининг қурутилган илдизидан тайёрлашган. Шунингдек ипларни табиий ранглари (оқ, қора) сақланган. Туя жунидан малла рангли кийимлар, асосан чакмонлар тикилган. Бойсунда авлоддан - авлодга ўтиб келаётган қадимий матолардан-олача, бўз, хонатлас, шойи, беқасам, жанда кабилардан тикилган. Бойсун ҳудудида аввалдан кундалик турмушда кенг ишлатилиб келинган мато турларидан бири-бўздир.

Жанда- ўзига хос бўёқлар жилоси – навбатма-навбат тўқилган тўқ-сарик, тўқ-қизил ва оқ-қора йўллардан иборат. Улар худди Бойсун табиатида хос бўёқларни, унинг ўрмонсиз тоғ ёнбағрини, кўёш орқали куйдирилган қояли ерни, чуқур дўваллар ва жарлик соясини ўзгача тасвирлайди.

Бўз-қадимий мато бўлиб, кўпроқ эркаклар учун кийим-кечак тикилган. Илгари аёллар кийими учун ишлатиладиган мато-олачадир. Олачанинг қизил, хаворанг, яшил каби турлари мавжуд бўлиб ола яъни йўллари майда ва тор бўлган.

Беқасам - йўл-йўл мато бўлиб, тўқишда орқоғи уришидан йўғонлиги учун юзида кўндаланг чивиклар ҳамда ўзига хос товланма нақшлар мавжуд. Беқасамнинг ўриш иплари тўқишдан олдин, бўяганлиги боис унинг нақши икки томонлама, хилма-хил ва турли-тумандир. Беқасамдан туман аҳолиси чопон, камзул ҳамда кўрпачалар тикишда фойдаланганлар.

Паранжи - (арабча-фаражи-кенг кўйлак) кўпчилик мусулмон аёлларининг ёпинчиғи, чачвон билан ансамбль ҳосил қилган. Аёллар гавдасини бошидан оёқ яшириб туришга хизмат қилади. Бичими кенг тўн шаклида бўлиб, елкадан пастга томон торайиб борувчи узун бандаги (енги) этакка яқин жойда бир-бирига чатиб бирлаштирилади. Аёл юзини чачвон тўсиб туради. Авра-астрали қилиб тикилади. Авраси бахмал кимхоб, банорас, олача ва бошқа матолардан тикилиб, четлари кашта тикиб, каштали жияклар тутиб безатилади. Астари чит, сатиндан тайёрланади, ҳамда четларига зангори, пушти ёки сидирға шойидан адип қилинади. Паранжини икки ёни (чўнтак урни)га тик тушган (25 см узунликда) 2 та жияк туташтириб чатилади, жияклар учидан попукчалар чиқарилган, баъзан кўнғироқчалар осилган. Қадимги Мисрда пайдо бўлган ва бошқа мамлакатларга тарқалган. XVI асрдан аёлни бегона кўзлардан яширувчи ёпинчиғига, узун енглари безак қисмига айланган. Паранжи ёпиниш ислом шариатида мос келган. XX асрдаги ижтимоий ўзгаришлар жараёнида (айниқса 1930 йиллардан бошланган «Ҳужум» ҳаракати ва бошқа туфайли) паранжи деярли урфдан қолган.

Бойсунда - гилам тўқиш қадимдан тўқилиб келинган. Тарихшунос В.Г.Машкова гиламдўзлик санъати тарихини ҳақли равишда эрамиздан аввалги минг йилликлар маданияти билан боғлайди. Қадимшунос Г.А.Пугаченкова сак, суғд, массагетлар яъни қадимги аجدодларимиз гиламдўзликни эрамиздан аввалги

III-II асрларда оммавий равишда тўқилганлигини эътироф этади.

Бойсун тоғи этагида яшовчи аҳоли (асосан кўнғиротлар, чигатоилар) қадимдан гиламчилик билан шуғулланган. Улар босма кигиз, содда тўқилган олачадан тортиб тақир гилам, қоли (қолин) гиламларгача тайёрлашган. Хонадонларда асосан тўқилган туз халта, ойна халта, дастурхон, хуржунлар, қоп, шунингдек от жабдуқларини учратиш мумкин.

Олачанинг қоқма олача тури орқов (кўндаланг тўқилган) қаттиқ тут ёки ўрик ёғочидан ясалган 0,6-0,7 м лик тўқув дастгоҳи (қилич) билан уриб-қоқиб тўқилганлиги учун шу ном билан аталади. Касмалдакка содда, қирқоёқ шаклидаги гул солиб тўқилган. Гулдор олача сербезаклиги билан қоқма ва касмалдакдан фарқланади. «Қулфи-калит», «Кўзи-тиши», «Майизгул», «Ханжар учи», «Қуроқгул», «Туморгул», «Балиқ кўз», «Иттовон» каби шакллар олачага ўзига хос жило беради. Ҳар бир безак шакли ўзига хос рамзий маънога эга.

Масалан: «Қулфи-калит» - бир-бирига қарама-қарши шаклда тушурилган, шохдор қўчқор калласини эслатувчи шакл бўлиб, у хонадон эшиги дўстига очик, душманга ёпиклигини билдирувчи рамздир.

«Қуроқгул» - бир-бирига занжирсимон чирмашиб кетган тоғ-эчкисининг бурма шохини эслатади. Бу безак гиламга икки ёш (келин-куёв) бир-бири билан кўша қарисин деган ниятда тикилади.

«Иттовон»- нухасида гиламнинг тўрт бурчагига тўртта нўхатдек ҳол тушурилади, чиллали келинчак ва ёш гўдакни ёмон кўзлардан асраш мақсадида қилинади.

«Ханжаручи», «Туморгул» - бир-бирига ўхшаш учбурчак шакллар бир қарашда пичоқнинг учи ёки туморга ўхшаб кетади. Гўёки у хонадонга қаратилган ёмон нафасни кесиб, уй соҳибини асраб авайлайди. Гиламга чироз тўқилмайди, балки гиламга гир айлантирилиб 3-4 метр энликдаги оқ, қора рангли хошия шаклида тикилади. Чироз ўзига хос безак шаклини ўташ билан бирга тўқилган ипни тўзиб кетишдан сақловчи химоя вазифасини ҳам ўтайди.

Тақир-гилам тўқилиш ва гул солиниши усули билан гиламчилик технолгиясига яқин турса-да, патсизлиги туфайли олачага ҳам ўхшаб кетади. Шунинг учун ҳам тақир номини олган. Бойсун гиламчилигининг ўзига хос тўқилиши, ранг бериш ва гул солиши бўйича Сурхон воҳасида тўқиладиган гиламлардан фарқ қилади ва гиламчиликдаги энг нодир намуналари тўқилади. Унинг сербезаклиги, ўзгача жозибаси билан одам диққатини ўзига жалб қилади. Буни «Бойсун бахори» фестивалида иштирок этган чет эллик қадимшунос ва меҳмонлар томонидан эътироф этилди. Кўхна гилам намуналари ҳозирда ҳам айрим хонадонларда сақланмоқда. Гиламлар уларнинг турли шаклдаги безаклар халқлар тарихи этнографиясини ўрганишда ажойиб манба бўлиб хизмат қилади.

Кигиз босиш - жун толалардан кигиз (намат) буюмлари тайёрлаш кигиз босишда жун толаларнинг тўқилиш хусусиятлари (дағал-майинлигига физик-механик хусусиятлари: пластинкалиги, эластиклиги, чўзулувчанлиги, киришувчанлигига аҳамият берилади. Илгари ва ҳозирда ҳам Бойсун қишлоқларида асосан ўзбек кўнғиротларида кигиз босиш қўлда бажарилади. Кигиз босиш касби, асосан қадимдан чорвачилик билан шуғулланган барча халқлар орасида кенг тарқалган. Сурхон воҳасида хусусан Бойсунда кигизнинг гулдор, ифодали рангбаранг нақшли турлари тайёрланади. Бешэркак, Узунқудук

қишлоқларида тайёрланган кигизлар ўз ранги нақши, гули билан Хомжонда ёки Пулҳоким ва Даштиғозда тайёрланган кигизлардан фарқ қилади.

Кигиз билан асосан аёллар шуғулланади. Ювиб тозаланган ва саваланган жун навлари бўйича (юзлик, оралик, орқалик) ажратилади. Хўлланган жун намаат ёки буйра қалин устида текис ёйилади: аввал гули хосил қилинади, сўнг оралик ва навбати билан оралик қисмлари бир текис ёйиб чиқилади, устидан қайноқ сув қуйилади, сўнг намаат думалатиб ўраб йиғилади, арқон билан боғланади. Ўрамаоёқ билан тепилади, билакланади, думалатилади. Вақт-вақти билан сув сепиб хўллаб турилади. Маълум вақтдан сўнг ўрам ечилади, сув сепилади ва яна ўралади ҳамда тайёр булгунга қадар бостириш давом эттирилади. Сўнг тайёр бўлган кигизга сўнгги пардоз берилади яъни четлари тортилади, текисланади, ортиқча туклари қирқиб ташланади. Бойсунда оқ, кулранг ва рангли кигиз хиллари тайёрланади. Кигизни оёқ кийими ичига солинадиган юпқароқ тури (патак тайёрлаш) ҳам алоҳида соҳа ҳисобланади.

Бойсун туманидаги Сариосиё қишлоғида яшовчи уста Мусулмон Қаҳҳоров томонидан тўкилиб келаётган қадимий жанда матосининг ранги – тўқ сариқ, тўқ қизил ва оқ-қора чизиқларнинг навбатма-навбат тасвирланиши билан боғлиқ бўлиб, уста ўзи яшайдиган Сариосиё қишлоғи табиатининг ранглари, унинг ўрмонсиз тоғ ён бағирларини, офтобда куйган тошлоқ ерларини, довол ва жарликларнинг чуқур сояларини ўзида мужассамлаштирган жанда матосини тўқиган. Уста тайёрлаган чопон (тўн) да ингичка яшил – маҳаллий табиатни ифодаловчи яна бир белги – тоғлар ўсимликларга хасис-тасма ифодаси туширилиб, Сариосиёдан бир неча километр узоқликда хушманзара, гуллаган водийлар дунёси матоларда ўз аксини топган. Сариосиёда устанинг авлодлари мато тўқиш билан шуғулланиб, уни бу хунарга ўргатган онаси, наслий тўқимачи Нарзи Қаҳҳорова бўлиб, устанинг онаси дастгоҳда атлас ва алачани тўқиган.

М. Қаҳҳоров Бойсундаги атлас ва беқасам тўқийдиган фабрикада ишлаб, матони тайёрлаш жараёнини мустақил ўрганиб, оқ пахта ипларни Жарқўрғондан, бўёқларни Денов бозоридан сотиб олиб келиб, эски анъанавий Алишер Навоий шеърларида эсга олинган жанда матосини қайта тиклаган. М. Қаҳҳоров анъаналарга эътибор бериб, жанда матонинг эни 50 см, битта тўнни тайёрлаш учун 7-8 метр мато кетишини яхши билиб олган. Устанинг жанда матосини сотиб олиш учун ёнига қўшни қишлоқлардан, ҳатто Тошкент, Термиз шаҳарларидан, фолклор жамоларининг артистлари келишади. Жанда Бойсуннинг ўзига хос рамзи бўлиб қолган. Бу матодан тикилган тўнлар фахрли меҳмонларга совға қилинади. Бойсун фолклор ансамблининг артистлари ҳам жандадан тикилган концерт костюмларига эга; улар жамоанинг шахсий расмий хужжати бўлиб қолган.

Мусулмон Қаҳҳоров саксондан ошган, унинг кўп сонли авлоди – 6 та ўғли ва 2 қизи – ҳаётда ўз ўрнини топган, лекин уста анъана узилиб қолмаслигига ишонади, чунки бу ерда, Бойсунда унинг шахсий, алоҳида замон ўзгаришларига бўйсунмайдиган ҳаёти мавжуд.

БОЙСУН САНЪАТИ ВА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ

Аждодларимиз санъати- зардуштий ва буддавийлар даври мусиқа санъати (милоддан аввалги IV-III милодий VII аср) ҳақидаги илк маълумотларни Абу Бакр Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида келтирилади: «Афросиёб ўз куёви Сиёвушни ўлдирди. Сиёвушнинг эса Кайхусрав исмли ўғли бор эди». Бухоро аҳолиси Кайхусравнинг отаси Сиёвуш ўлиши муносабати билан ажойиб кўшиқ яратди. Машшоклар бу кўшиқни «Қини Сиёвуш» («Сиёвуш қасоси») деб атаганликлари ҳақида маълумот берилади. Бу кўшиқни ҳамма жўр бўлиб айтган: Декламатсиячилар (каваллон) бу кўшиқларни (суруд) «Жодугарнинг йиғиси» (гристани муғон) деб атайдилар. Ана шу воқеадан буён 3000 йилдан кўп вақт ўтди» Зардуштийлар даврида Сарой маросими мусиқа ижрочилик амалиёти юқори даражага кўтарилган. Мисол тариқасида «Кири» кўшиқчилигини келтириш мумкин, буни нафақат саройда, ҳатто кенг аҳоли ўртасида ҳам ижро этишган.

Абу Райхон Беруний келтирган маълумотларга кўра, шу даврда Марказий Осиёда маҳаллий аҳоли йил давомида 7 турдаги байрамни нишонланган. Байрамлардан «Наврўз» гуё подшоҳнинг туғулиш куни сифатида тантана қилинган. Бу даврда кифара, флейта (най), арфа (чанг), энг қадимги чолғулардан дулноғора, йирик резноғора, ҳарбий ноғора, кичик ноғора, дойра(дапп) таблак, хинд табласи, кус, табира каби ўрма чолғулари кенг қўлланилган. Бохтар, суғдада жўр бўлиб куйлаш, яққа тартибда кўшиқ айтиш ликопча, дойра, най ва бошқа мусиқий чолғулар жўрлигида рақс санъати ривож топган. Олти торли кичик бурчакли арфа, икки торли мотна чолғулари ҳамда икки томонли доул ҳам бўлган. Кушонлар даврида-қадимги буддавийларнинг мусиқа санъатида аёл чолғучиларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этган. Аёллар иштирокида уд, борбад, табла, дойра, чанқовуз, занг, санж, арфа ва конуссимон чолғуларда этилиши билан бирга хофизлик услублари ҳам анча ривож топган. Эркаклар ижроси эса ноғора, катта ноғора (икки томонли ноғора) аль-табралар, кус, дапп, кичик таблас, хинд табласи, гонг, дунай, шохфар, коранай, сафеднай, катта санж каби чолғулар билан боғлиқ бўлиб, асосан базм ва ҳарбий юришларда ижро этилган.

Тарихий манбаларга қараганда IV-VII асрларда «Самой Наврўз», «Сози Наврўз», «Мусиқаи Наврўз», «Нози Наврўз», «Наврўзи Ҳаро», базмлари бўлиб ўтган. VII асрда шарқий машҳур санъаткори, назариётчи ва амалиётчи Борбаднинг мусиқа санъатидаги ўрни жуда салмоқли бўлган. У асли Парфияннинг қадимги пойтахти Нисо шаҳрида туғилган ва вояга етган. Дорбад диний ва фолкlor кўшиқлари билимдони бўлиб, у байрамларда ўша даврда машҳур бўлган «Сиёвуш қасоси» «Эрик қасоси», «Яздонофарин» каби кўшиқларни юксак маҳорат билан ижро этган. Борбад Марвазийнинг ижодида, айниқса ҳарбий кўшиқлар кўп бўлган. Унинг кўшиқлари бутун Шарқда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган. Кўшиқлар кўпинча урма чолғулар жўрлигида ижро этилган.

Манбаларда таъкидланишича, Борбад Наврўзнинг ҳар бир кунига бағишланган 360 дан ортиқ куй ижод этган. У яратган 30 та тарона «Ой сокинлиги», «Жамшид ойнаси», «Кириш боғи», «Рух йўллари», «Тахт», «Тавдлст шаҳти», «Кўм-кўк», «Сарвистон», «Марварид соябон» каби номларда

машхурдир. Улардан 148 тасини номи ҳозир ҳам турли манбаларда эсланади. Барбад давридаги ҳарбий кўшиқлардан «Мозандарон» кўшиғи айниқса машхур бўлиб, жанг майдонларида ва ғалаба тантаналарида ижро этилган¹.

Бойсун мусиқа мероси. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Ўзбекистоннинг қадимий масканларидан биридир. Бу ўлка ўзига хос ижтимоий-маданий тараққиёти тарихига эга. Қадимги Юнон-Бактрия ва Кушон салтанати маркази саналган, савдо йўллари чорраҳаларида жойлашган, ўтмишда Осиёнинг энг ривожланган ҳудудларидан бири ҳисобланган бу воҳа, эндиликда қадимий анъаналарни, беқиёс аҳамиятга молик моддий ва маънавий меросни сақлагани туфайли халқ ижодиётининг ўзига хос маданият кўрикхонасига айланиб қолган. Сурхон-Бойсун заминида қадимий халқ анъаналари янги замон руҳига мос тарзда раванқ топган.

Бойсун – ғоят ажойиб мусиқа маданиятига эга бўлган ҳудуд ҳисобланади, унинг анъаналарида ўтмиш замонларга хос жиҳатлар сақланиб қолган ва уларда узоқ асрлар давомида шаклланган ранг-баранг мусиқа асарлари (болалар кўшиқ айтимлари ва чолғу чақирикларидан то дастурий чолғу куйлари, йирик ашулалар ва дostonларгача), ўйин-рақслар, беқиёс оҳанглар мавжуд. Улар ҳозир ҳам раванқ топиб, кўпгина инсонларга маънавий-руҳий озиқа бермоқда. Бойсун минтақаси аҳолиси ҳозир ҳам қадимий анъанавий ҳаёт тарзи ва хўжалик фаолияти билан яшамоқда. Бу ерда фарзанд туғилишидан тортиб, никоҳ тўйларигача, “Наврўз” дан то ҳосил байрамларигача, даволаш ва аза-мотам одатлари қадимий маросим, урф-удумлари, эътиқоди ва анъаналари асосида ўтказилиб келинмоқда. Аҳолисининг кийим либослари ва халқ ҳунармандчилиги (каштачилик, гиламдўзлик, тўқимачилик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги ва бошқа) ҳам анъанавий, ўзига хосдир.

Бойсун халқининг бой ва ранг-баранг бадиий мероси кўп асрлик анъаналарга эгадир. Ушбу ўзига хос халқнинг тарихий хотираси, минг йиллик маънавий тажрибаси бўлмиш кўп қатламли мерос ичида мусиқа алоҳида аҳамият ва катта ўрин эгаллаб туради, у ўзига хос миллий хусусиятлари ва чуқур образли, таъсирчанли мазмуни билан ажралиб туради. Унда халқнинг дунёқараши, эътиқоди, руҳи, халқнинг турмуши, тарихи, қиёфаси, маиший тарзи ўз ифодасини топган. Бойсун мусиқа меросининг асосий хусусияти – бу оғзаки тарзлик. Ушбу мерос ўзида иккита йирик қатламни қамраб олади – мусиқа фольклори ёки халқ мусиқа ижодиёти (унинг ижодкори, ижрочиси ва тингловчиси омма, халқ бўлган), улар маълум вазият-маросим меҳнат, оила ва ҳоказо, маконда ташкил топган; иккинчиси – мумтоз мусиқаси ёки оғзаки-профессионал мусиқаси (уларнинг ижодкори халқ намоёндалари – етук хонанда, созанда ва бастакорлар бўлган), ҳар бири ривожланган куй, мураккаб шакл ва ранг-баранг ижро услуб-усуллари билан ажралиб туради.

Бойсун халқининг ўз илдизлари билан ўтмиш замонларга бориб тақаладиган мусиқа мероси – барча хилма-хил жанрлари ҳамда бой тасвирий воситалари билан бугунги кунгача сақланиб, ривож олиб келмоқда. Қахрамонлик, ботирлик, тарихий ва романтик-лирик мазмунидаги эпик асарлар – дostonлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбек мусиқа чолғулари ҳамда мусиқа амалиёти, мусиқа ижрочилиги услублари билан боғлиқ бўлган чолғу мусиқаси

¹ «Қаранг, Мозийдан садо» журнали, 2004, 64 бет.

жанрлари ҳам ғоят ранг-баранглиги ва бойлиги билан тавсифланади.

Бойсун мусиқа мероси ҳар қандай халқ ижоди каби воҳа аҳолисининг дунёқараши, фикри, орзу-умидлари, уларнинг турмуши ва ахлоқи, меҳнати ва руҳи, фалсафаси, ижтимоий ва миллий озодлик учун кўрашининг ифодаси сифатида гавдаланади. Унинг мавзу жиҳатдан серқирралиги, жангларга бойлиги ва ҳаётда тутган ўрнининг хилма-хиллиги ҳам ана шу билан боғлиқдир.

Бадий анъана – бу санъатнинг узоқ вақт давомида халқ тажрибасидан ўтиб одат тусига кирган хусусият, “ҳақиқий халқ гуруҳи”ни ифодаловчи ҳамда халққа хос бадий кўриниш, унинг ижодида чуқур илдизи борлигини кузатиш мумкин. Анъана қиёфаси кенг қамровлидир – у халқнинг мусиқа маданиятидаги миллий услублар хусусияти, халқ ижрочилиги услублари, усуллари ва бир қатор аҳамият хусусиятлари (санъат дунёсини аниқлаш учун зарур бўлган) билан боғлиқдир.

Бинобарин, бадий, айниқса, мусиқа анъаналарининг кўпқирралиги ва бойлиги шундан иборат. Фолклор-халқ оғзаки ижодини, унинг тарихи, турмуш тарзи, меҳнати, одат ва маросимларни ифодаловчи омилдир.

Бойсуннинг анъанавий мусиқасининг шаклланиши ва ривож топиши бевосита у ерлик халқнинг этник тарихи билан боғлиқдир. Бойсун халқи этногенези хали тадқиқ қилинмаган бўлса ҳам, аммо, тарихий, этнографик, археологик, антропологик ва бошқа илмий маълумотларга кўра, у ерда инсоннинг энг қадимий турар жойи борлиги аниқланган (Тешиктош ва Амир Темур ғорларининг қазилмалари буларга яққол далилдир). Бойсунликларнинг мусиқа маданияти ҳақидаги илк маълумотларни Кушон Бактрия, Тоҳаристон, Чағаниён моддий маданияти ёдгорликлари бизгача етказиб берган. Уларда айрим мусиқа чолғуларнинг тасвирларини кўриш мумкин. Уларни турли маросимларда қўлланиши ҳақида сарой деворий суратлари ва меъёрий безаклари дарак беради. Моддий маданият ёдгорликлари тасвирланган бой ва хилма-хил мусиқий ҳаёт, кейинчалик, халқ ва халқ профессионал ижрочиларининг ижодкорлик ва ижрочилик фаолиятлари ривож олади (ўрта аср оғзаки ва ёзма манбалар, жумладан, халқ қаҳрамонлик эпоси “Алпомиш” бунинг далили).

Бадий ижодиётнинг ажралмас таркибий қисмларидан бири бўлган Бойсун мусиқа мероси кўп асрлик тарихий йўлга босиб ўтди. У шакл жиҳатдан хилма-хил, мазмун жиҳатдан эса бой бўлиб, ўзининг баркамол анъаналарини яратди. уларни асрлар оша асраб-авайлаб етказиб келди. Фольклор санъатининг намоёндалари – созанда ва хонандалар ўзларининг ижодларида эстетик, афсунгарлик, ижтимоий ва коммуникатив функцияларни бир-бири билан боғлаб беришган. Уларнинг ижодида қуйидаги мусиқий жанрлар ўрин олган: кўшиқ-маросим ва меҳнат кўшиғи, дoston-халқ эпоси, йиғи-сиғи айтимлари, чолғу куй – турли мавзудаги чолғу оҳанглари ва куйлари.

Бойсун мусиқа фольклори аҳолининг иқтисодий-маиший ва ижтимоий-психологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда асрлар давомида шаклланди. У ўзбек ва тожик халқлари мусиқа маданияти воситаларини сингдирган ҳолда, инсоннинг оилавий ҳаёти ҳамда унинг хўжалик фаолияти, дини ва табиий ҳодисаларга дахлдор турли вазифаларни ўзида акс эттиради. Зеро, Бойсун

музыка фольклорининг жанр тизими инсоннинг турли эҳтиёжига хизмат қилиб, унинг ҳаёти ва ҳамма фаолияти тизимини акс эттиради. Турли этноснинг музыка фольклори жанрлари таркиби, унинг турли даври тарихида маълум этноснинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичи, унинг ҳаётидаги хўжалик-маданий типологияси, унинг маданият, турмуш шароити ва анъаналарининг аниқ шакллари ва бошқа этноснинг маданияти билан ўзаро боғланиши билан шартланади.

Айтим (халқ кўшиқлари, айтимлар, йиғи-сиғилар) ва чолғу (чақириклар, оҳанглар, усуллар, куйлар) жанрлари халқ маросимлари билан кенг боғлангандир. Булар орасида маросим кўшиқлари (мавсумий, тўй-маросим, аъза-мотам, диний-ибодат) кўпчилигини ташкил этиб, ҳамма қишлоқларда мавжуд. Шу билан бирга меҳнат, алла, лирик кўшиқлари ҳам кенг тарқалган; маиший, тарихий ва ҳажвий кўшиқлар ҳам сақлангандир. Бадиий мавқеи ва мазмунига қараб жанрлар умумий, ўзига хос ва ягона турларига бўлинади.

Халқ кўшиқлари, ўз навбатида, музикавий хусусиятлари билан ҳам умумлашган айрим жанр ва турлардан иборатки, бунда мавзу талқини ва кўшиқнинг ижро этилиш муҳити, услуби асосий ўрин тутди. Умумий жанрлар таркибига маълум ҳаётий жараёнларда, масалан, меҳнатда (деҳқончилик, чорвадорчилик ва хунармандчилик кўшиқлари), бола тебратишда (алла кўшиқлари), тўй маросимларида (Бешик, Суннат, Мучал ва Никоҳ тўйлари билан боғлиқ кўшиқ-айтимлари ва чолғу куйлари), аъзада (дафн ва мотам айтимлари) ижро этиладиган музика асарлари киради. Ўзига хос жанрларга лирик ва маиший кўшиқлар ва кўшиқ жанрлари – терма, кўшиқ, лапар, ялла ва ашула киради. Бойсун минтақасидаги мавриги, қарсақ, байтлар ва айтишувлар (ишқий-лирик ва ҳажвий мавжуда кенг тарқалган). Қишлоқларда оммабоп бўлиб кетган дoston термалари ва бахши термалари ҳам ушбу гуруҳга киради. Ягона жанр турлари ижрочилик услублари ва ифодавий воситалари билан маҳаллий анъаналарга таянган – садр, жаҳр, алас, кўшнос, гўянда, туя қадам каби айтим-кўшиқлардан ташкил топган.

Шу билан бирга Бойсун музика фольклори маълум жўғрофий ва этник минтақаларга мос ҳолда маҳаллий тафовутларга ҳам эга. Масалан, воҳанинг пасттекислик қисмидаги аҳоли маданияти тоғлик аҳоли маданиятидан фарқ қилади. Мачай ва Қўрғонча каби қишлоқларида фольклор намуналарининг маросим (жумладан, диний-ибодат айтимлари ва тўй кўшиқлари); Сайроб ва Дарбандда меҳнат (асосан, сут соғувчилар ва жунга ишлов берувчилар) ва алла кўшиқлари; Бойсун шаҳрида эса мавзу ва ижро анъаналари хилма-хил бўлган халқ кўшиқлари – кўшиқ, ялла, лапар, ва ашула жанрларида ижро этилади. Яккатол, Олачопон, Пулҳоким ва Кофрун қишлоқларида кўш хайдаш, ҳосил йиғим-терими ва уларга ишлов бериш билан боғлиқ меҳнат кўшиқларини ижро этиш характерлидир, шунингдек, афсунгарлик ва бахшичилик кўшиқлари учрайди. Авлод, Сариосиё, Мачай, Қўрғонча қишлоқлари ва туман марказига хос сўфийлар маросимларида урф бўлган “жаҳр”, шунингдек “алас” (“халос”) чолғу жўрлигисиз куйлаб ижро этилади. Жумладан, “жаҳр” да куй ва айтим ижросидаги ҳаракат, расм-русум, атрибутика, тузилма (Қўрғончада кўбиз билан, Мачайда дўмбира билан) ва ўзига хос ритмик зарблар (Бойсун шаҳрида доира жўрлигида), уларнинг шаманлик билан муштараклигидан дарак беради.

Халқ кўшиқлари. «Суст хотин», «Маида», «Бойсун мавригиси», «Муборакбод», «Кўк салла», «Лолачага Ишим бор», «Янгажон», «Бедана чертмоқ», «Наврўз», «О, зам-зам», «Кўш хайдаш», «Шохмойилар», «Ўроқчилар кўшиғи», «Алла», «Хавор-хавор», «Турна келди», «Ха, дурси-дурси», «Бойсун ёр-ёри», «Якку-якку-як», «Уфу жақала», «Айлансин ёр», «Ё, рамазон», «Ковушим», «Ошпаз кўшиғи», «Ким оладиё», «Келгин ёр ўйнайлик», «Хут», «Хай ёр-ёр», «Дўст бўламиз лолача», «Ҳамал-ҳамал», «Тул бобо», «Халинчак», «Воқуба», «Ха жўш» каби халқ кўшиқлари қадимдан буён халқ томонидан қуйланиб келинади.

Бойсун кўшиқчилиқ санъати тўрт гуруҳга бўлинади:

Биринчиси: Бойсун шаҳри ва унга яқин бўлган қишлоқлар Сариосиё, Авлод, Пасурхи, Бибиширин, Кўшқак, Қорабўйин, Работ, Шайит, Газа, Пойгабоши, Кофрун, Даштиғоз, Омонхона, Пулҳоким, Тўда.

Иккинчиси: Туманнинг шимолий-шарқий томонидаги Қўрғонча ва унинг атрофидаги қишлоқлар.

Учинчиси: Туманнинг шимолий-ғарбий қисмидаги Мачай ва унинг атрофидаги қишлоқлар.

Тўртинчиси: Туманнинг жанубий-ғарбий қисмидаги Сайроб ва унинг атрофидаги қишлоқлар.

Буларни бир-биридан этник жихатидан, миллатларни тил ва айрим урф-одат, маросимларидан ҳамда кўшиқчилиқ соҳасидаги айтишув ва ижро этиш услубларидан фарқ қилади.

Бойсун туманида яшаб ижод қилаётган соз усталари ва санъаткорлар ҳақида қуйидаги маълумотлар тақдим этилди. Халқ кўшиқлари : Хўжамов Умбар, Маллаева Раҳима (Кўчқак). «Алла»: Хурсандова Тўтти, Бозоров Нормўмин (Авлод). «Келин салом»: Ўринова Раҳима (Пасурхи). Сайл кўшиқлари: Муҳаммадиева Нарзи (Авлод). Чанқовуз чалиш: Маллева Халима (Авлод). Халқ кўшиқлари: Умаров Холмуҳаммад, Мардонов Ваҳоб, Маматқулов Турди (Авлод). Дўмбира: Шарипов Тўхта (шаҳар), Раҳмонов Холиқ (Ю.Қодиров). Халқ ва амалий кўшиқлари: Асадова Ўғил (Пасурхи). Дутор - Ёўлдошев Шермамат (Чилонзор). Дўмбира уста - Назаров Иброим (Пулҳоким).

Дўмбира-Бобоқулов Қудрат (Даштиғоз). Чанқовуз ва халқ кўшиғи-Холиёрова Турсун (Даштиғоз). Кўшна-Бобоқулов Исроил (Даштиғоз). Дўмбира чалиш - Эшматов Хусан, Эшматов Қандахор (Бешэрқак). Дўмбира чалиш - Рахимов Дониёр (Омонхона). Дўмбира чалиш - Назаров Дўстқора (Дарбанд, Санчил). Сурнай - Жумаев Бўриқул (Тўда). Халқ ашуласи - Нарзиева Холида (Авлод). Дўмбира устаси - Алланазаров Зоир (Қизилнавур). Дўмбира чалиш - Пухтаев Савур (Юқори Мачай). Кўчқоров Хуррам (Хомкон). Нуров Ибодулла (Дуоба). Қодиров Нурназар (Қизил Навур). Дўмбира яшаш уста Файзуллаев Исмоил, Низомов Абдурахмон (Дуоба), Эшонқулов Одил (Юқори мачай), Холбоев Эштона (Пастки Мачай). Халқ кўшиғи - Каримов Тоштемир (Назари). Бахши - Абдуназар Поёнов (Хомкон). Халқ кўшиғи - Қодирова Ўғлон (Авлод). Сурнай, дойра - Худойқулов Абдурайим, Зоир, Ботир, Худойқулов Абдурайим, Зойир, Ботир, Худойқул (Кўчқак). Ўрик, ёнғоқ ва туғдонадан ясалган сурнайни ўзлари ясайдилар. Сариосиё қишлоғидан Мусулмон Қаххоров (1932-2005) олача (жанда) тайёрлаган, отаси ва бобосидан ўтган. Холиқ Сўфи, Исмаат Сўфи, Хуррам

Сўфилар ўтган. Абдурахимов Раҳмат дўмбира, дутор ясайди. Эсанов Раҳмат чанқовуз темирдан ясайди. Равшанов Али қўшнаи, чўпон най, ғажирнай тайёрлайди ҳам ўзи чалади, куйлайди. Пасурхидан - Асадова Ўғил (1957) дўмбра чалади, дойра чалади, чанқовуз, халқ кўшиғи - Нуратова Набот (Даштиғоз).

Бойсунда дўмбира тайёрлаш

Қишлоқ номи	Узунлиги мм	Мензура мм	Дека мм	Чуқурлиги мм
Кўшкак	770	630	190	70
Сариосиё	790	470	150	130
Сайроб	840	560	150	100
Бешэркак	820	530	170	110
Даштиғоз	850	630	150	130
Дуба	940	680	180	190
Мунчок	870	580	160	180
Назари	870	560	20	120
Бойсун	880	660	210	160
Хомкон	950	660	200	160

Дойра чалиш-Сатторова Сора, Жумаев Бўрикул, Холмирзаева Байнаҳол Тўда қишлоғи.

Таниқли мусиқашунос олим Музаффар Наимов томонидан Сурхон кўшиқлари билан боғлиқ ижодий изланишлар олиб бориб, унинг илмий тадқиқотлари натижасида Бойсун санъат ахли ҳамда кўшиқ санъатига оид манбалар илмий жамоачиликка “Сурхондарё ижодкорлари”, “Сурхон кўшиқлари” номли рисолалари туфайли тақдим этилди. Ушбу рисоладан маълум маънода фойдаланилди.

Хайрулло Насриддинов 1949 йилнинг 1 ноябр куни Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида таваллуд топди. У ўрта мактабни битиргач, 1967 йили Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида меҳнат фаолиятини бошлади. 1972-1976 йиллари Хайрулло Насриддинов Тожикистон Давлат Санъат олийгоҳининг драма ва кино актёри бўлимида таҳсил олади. 1976-1977 йилларда эса Лоҳутий номидаги Тожикистон Давлат академик драма театрида актёр бўлиб ишлади. 1977-1982 йилларда Бойсун туман маданият уйида режиссёр, услубчи, директор сифатида фаолият кўрсатади. 1979 йилда «Биз Сурхондарёданмиз», 1980 йилда «Ўзбекистон куйлагай» Респуб-лика телефестивалларида ғолиб бўлган. 1982-1987 йилларда «Наргис» (фольклор) ва «Бехруз» (эстрада) дасталари ташкилотчиси ва бадиий раҳбари бўлиб ишлади. 1985 йилда Ғалабанинг 40 йиллиги, 1988 йилда «Бутуниттифоқ қуролли кучлари ташкил топганлигининг 70 йиллиги» медаллари билан тақдирланган. 1987-1991 йилларда Бойсун туманидаги «Ситора», «Шалола», «Бойсун» фольклор дасталарида бадиий раҳбар бўлиб ишлади. 1990 йилда Буюк Британия давлатида ўтказилган «Жаҳон фольклор фестивали» иштирокчиси бўлган. 1989 йилда Бутуниттифоқ ёшлар кўмитасининг «Аъло меҳнат учун» медали, 1994 йил «Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

1995 йилда Сурхондарё вилоят касаба уюшмасининг «Адиб Собир Термизий» мукофоти совриндори, 1996-1997 йиллари «Ширу-шакар» фольклор дастаси билан

«Ўзбекистон - Ватаним маним» кўрик танловининг туман, вилоят, республика давраси ғолиби ва совриндори бўлган. 2002 йилдан ҳозирга қадар Маннон Уйғур номидаги вилоят мусикали драма театрида олий тоифали хонанда ва актёр сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. У 2003 йилда мамлакатимиз театрлари орасида «Йил актёри» номинацияси совриндори бўлган, 2004 йилда «Наврўз 2004» Тожикистон Давлат «Галаконцертида» ижро этиб, Тожикистон Президентининг махсус соврини билан, 2006 йили «Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Хайрулло Насриддинов кўп йиллик ижрочилик маҳорати учун Тожикистон ҳукуматининг «Тожикистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлган. Унинг ўттиздан ортиқ кўшиқлари Ўзбекистон ва Тожикистон радио ва телевидениесининг олтин фондига ёзиб олинган, ўнлаб спектаклларга ёзилган мусикалари томошабинлар томонидан қизгин олқишланмоқда. Унинг ўзбек ва тожик тилларида яратилган қирққа яқин кўшиқлари хонандалар томонидан севиб ижро этилмоқда. Хусусан, А.Навоийнинг «Кўрмадум», «Хайф», «Қилди ёр», Х.Шерозийнинг «Турк жонони», «Ҳофиз хасрати», «Не бўлди», Л.Шералининг «Дил бошқаю, мен бошқа», «Орзу», И.Кенжаевнинг «Ифтихор», «Отам», «Йиғлайман», «Тожикон», Ж.Мухаммадзоданинг «Нидо», «Хуш келдингиз», «Бағишлов», Шохиднинг «Меборанд», «Бирафт», «Тафсир», Х.Чоршанбиевнинг «Бойсунга кел», «Бойсун орим-борим», «Термизим», Ш.Раҳматуллаевнинг «Гўзал», «Ғазал», Х.Жалилнинг «Ҳисор тизма тоғлари», «Ҳавас» каби кўшиқлари шулар жумласидандир.

Умедилло Холбоевич Туробов 1957 йилнинг 10 октябр куни Бойсун туманида таваллуд топган. У 1976-1981 йилларда Термиз Давлат мусика билим юртида, 1985-1990 йилларда Тошкент Давлат Маданият институтининг «Оммавий байрамлар режиссёри» бўлимида таҳсил олган.

У ўз меҳнат фаолияти даврида билимли мутахассис, ташаббускор раҳбар ва меҳрибон устоз эканини кўрсатди. Умедилло Холбоевич Туробовнинг «Тоғли қизга» И.Шомиров шеъри, «Олтин булоқ», «Бахшиёна» У.Азимов шеъри, «Дардиндан», «Булар» Камина шеъри, «Наврўз» Т.Шукуров шеъри, «Термиз таронаси», «Истиқлол» А.Худойназаров шеъри, «Бойсунтоғлари», «Санам», «Сурхондарёмсан», «Бойсун баҳори» У.Туробов шеърлари каби кўшиқлари халқимиз томонидан олқишларга сазовор бўлган.

Умедилло Туробов марказий маданият уйига ишга келган кундаёқ ўзининг юксак талантини, ноёб овоз соҳиби эканлигини намоён қилди. Марказий маданият уйи қошидаги «Шалола» ашула ва рақс ансамбли дастурларини бойитиш ва ансамбли Республика телевидениесига ҳамда Халқ ансамбли даражасига олиб чиқишда ўзининг муносиб ҳиссасини кўшди. У Бойсун фольклор этнографик ансамбли мусика раҳбари ва хонандаси сифатида ижод қилиб, бу ансамбл дастурларини бойитишда жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Умедилло Туробов Бойсун халқ фольклор-этнографик ансамбли билан биргаликда, қатор фестивал ва кўрик танловларида иштирок этган. Жумладан, 1980 йилди Москвада ўтказилган халқаро фестивал, Ўзбекистон маданияти кунлари, Хужум ҳаракатининг 60-йиллиги, «Ўзбекистон Ватаним маним» кўрик танлови, «Алпомиш» достони яраатилганлигининг 1000 йиллиги, «Шарқ тароналари» мусика фестивали, Республика мақом ижрочилиги кўрик танлови, «Биз Сурхонданмиз»

телефестивали ҳамда Республика марказида ўтказилган "Мустақиллик" ва "Наврўз" умумхалқ байрами тантаналари, Термиз шахрининг 2500 йиллиги тадбирларида фаол иштирок этган ва муносиб тақдирланган.

Умедилло Туробов Бойсун ансамбли иштирокчилари билан биргаликда «Бойсунда қор эриганда», «Унутилган қўшиқ», «Арча, тандир, олов», «Шарқ бозори», «Бойсуннинг бир куни» каби фильм концертларда ўз қўшиқлари билан суратга тушган. Умед Туробов Республика ва вилоят марказида ўтказилган «Ўзбекистон Ватаним маним» қўшиқлар кўрик танлови ғолиби.

У 1991 йилда Буюк Британияда ўтказилган фольклор фестивали иштирокчиси ҳисобланади. Туркия, Афғонистон, Франция мамлакатларида ижодий сафарларда бўлиб, ўзининг санъати билан хорижий мамлакат халқларида яхши таассуротлар қолдирди. У 2002, 2003, 2004, 2005 йилларда бўлиб ўтган «Бойсун баҳори» халқаро очиқ турдаги фольклор фестивали қатнашчиси, фестивал мадҳияси муаллифи ва ижрочиси ҳисобланади.

Умед Туробов ушбу хизматлари эвазига халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг гранти билан мукофотланган.

Сагтор Хурсанович Қурбонов 1959 йилда Бойсун туманида туғилган. 1975 йилда «Шалола» жамоаси сафида Польша Халқ Республикасида ўтказилган «Жаҳон тоғли ўлкалар фольклор фестивали» да иштирок этган. 1976-1981 йилларда Тошкент Давлат маданият институтининг маданий-оқартув ишлари факультети «Хор дирижёрлиги» бўлимида таҳсил олган. 1981-1986 йилларда Бойсун туман маданият уйида бадиий раҳбар, «Шалола» ашула ва рақс халқ жамоаси бадиий раҳбари, «Қуралай» болалар фольклор-этнографик намунали халқ жамоаси бадиий раҳбари, маданият уйи директори вазифасида ишлади. 1987 йилда «Бойсун» фольклор-этнографик халқ жамоаси сафида Афғонистонда, 1990 йилда Англияда, 1993 йилда Туркияда ўтказилган фольклор фестивали ва гастрол концертларда иштирок этди. У «Қуралай» болалар фольклор-этнографик намунали халқ жамоасининг ташкилотчиси сифатида бир неча халқ қўшиқларини тўплаб, саҳналаштирди.

1993 йилда халқ қўшиқ ва рақсларидан иборат «Мучал тўйи» дастури Республика телевидениеси орқали намойиш этилган. 2000 йилдан Термиз Давлат университети катта ўқитувчи вазифасида ишламоқда. 2004 йил Термиз Давлат университетида «Жайхун» фольклор-этнографик жамоасини ташкил этган. «Қувноқ карвонсарой», «Хуш келибсан, Наврўзгинам», «Ватан хур-аср янги», «Ўтмишнинг нурли эртаги», «Оқрабонтнинг ойдин оқшоми», «Ватан тароналари», «Кўхна Сурхон садолари» каби фольклор мусикали композицияларининг муаллифи.

«Фольклор мусиқа ўқитиш методикаси» ва «Хор ўқитиш услубияти» номли услубий қўлланмаларни нашрга тайёрлаган.

«Сурхондарё болалар фольклорининг замонавий талқини» номли мавзуда илмий иш олиб бормоқда.

Тўй маросим қўшиқлари. Лайла-ло. Сурхондарёнинг тоғли қишлоқ худудларига хос қўшиқ бўлиб, тўйларда фақат аёллар томонидан ижро этилади. Қўшиқда қизларнинг ёрларига нисбатан севги-муҳаббатлари ҳазил сўзлар орқали акс эттирилади. Қўшиқ доира жўрлигида ижро этилганда уфори усуллар силсиласида қизалокдан кампиргача даврани тўлдириб рақсга тушишади. Қўшиқ шўх, рақсбоп оҳангда ижро этилади.

Пахтаро гир (Пахтани ол). Тоғли қишлоқларда азалдан ўзбеку тожик бир оиладек яшаб келишади. Улар бир-бирлариюшг тилларига тушуниб, кўплари икки тилда ҳам гаплашаверадилар. Тўй маросимларида ҳам ўзбекча, ҳам тожикча кўшиқлар ижро этилади.

Никох. тўйида куёв келингиш уйга киргизганидан кейин аёлларимиз томонидан "Пахтаро гир" кўшиғи ижро этилади. Икки аёл кўлларига оппоқ пахта олишиб, шу кўшиқни куйлашади. Кўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб енгил, ҳазил, юмор тариқасида куйланади.

Нақш. Суннат тўйи куни туш пайтида элга ош тарқатилгач, "нақш" базми бошланади. Базмда эркаклар икки томонга бўлиниб, бир-бирларига қарата байт айтишни бошлашади. Байтни бир киши айтиб қолганлари бас, бас, бас, бас сўзларига жўр бўлишади. Иккинчи томон ҳам шу тариқа давом эттириб даврани қиздиришади. Айтишувнинг ҳар бир банди янги сўзлар билан бадихагўйлик тарзида бойитилиб боради. Ҳар бир банд ўз мазмунига эгадир. Айтиладиган сўз бўғинларига маълум товуш тўғри келади, шу туфайли регитатив ижро услуби ҳосил бўлади. Ижрочилар овози баланд товушларда жаранглайди. Ритмик услуби раво, ижро ҳаракат жараёнида намоён бўлади. Кўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб, тез темпода чолғу жўрлигисиз ижро этилади.

Ёр-ёр. Бу кўшиқларнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Кўп йиллар фарзандларини вояга етказиб келин-куёв либосида кўриш, висол оқшомларида айтиладиган ёр-ёр кўшиқларини ҳар қайси ота-она интиқлик, соғинч ва умид билан кутади. Қизни ота-онаси уйдан узатаётганда ва куёвнинг хонадонига кириб бораётганда ёр-ёр кўшиқларининг айтилиши беихтиёр ота-оналар кўзида севинч ёшларини пайдо қилади. Бу кўшиқда ота-онанинг таърифи, орзу-умиди, келин ва куёвнинг бахти, саодати, мухаббати, вафоси, серфарзанд бўлишлари иштиёқ билан куйланади. Доира жўрлигида бу кўшиқларни куйлаётган аёлларимиз ҳазил-мутойиба тариқасида келин-куёвга, оғайниларига, кўшниларига атаб ҳазиломуз бандлар ҳам тўқиб куйлашади.

Наврўз кўшиқлари. Охай-охай. "Наврўз" сайлларида ижро этилиб, байрамга ўзига хос кўтаринкилик кайфияти бахш этади. Кўшиқ ёрга нисбатан ҳазил-мутойиба сўзлардан иборат бўлиб, шўх, ўйноқи оҳангда ижро этилади. Кўшиқ фақат аёллар томонидан куйланиб, унинг ҳар бир банди бир хил оҳангда айтилади.

Оҳ-воҳ. "Наврўз" сайлларида фақат эркаклар томонидан ижро этилган кўшиқлардан бири ҳисобланади. Кўшиқ шўх, енгил лапар услубида айтилади. Кўшиқ мазмуни севги мухаббат, ёрга, сайл иштирокчиларига нисбатан ҳазил сўзлардан иборат бўлсада, асосий мақсад иштирокчиларни ўйинга, рақсга чорлаш бўлган. Кўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб, куйи калта диапазонда енгил ва жозибали характерда ижро этилади.

Бедана. Баҳор келиши билан атроф кўм-кўк либосга ўраниб олади. Бир томонда майсалар қийғос очилса, бир томонда лола, қизғалдоқлар фалакка қараб бўй чўзиб, шамол таъсирида гўёки рақсга тушаётгандай тебраниб туради. Табиатнинг фусункор фаслида халқимиз қадимдан сайлларга чиқишиб хурсандчилик қилиб, кўшиқлар

куйлашган. Майсазорларда бир жойдан бошқа жойга кўниб "пит-пилик" деб сеҳрли сайрашлари билан одамни ўз оғушига тортадиган бедана куши ҳақида ҳам кўшиқлар тўкишган. Кўшиқда бедананинг чиройли сайраши, қизларнинг баъзи қирралари ҳазил, юмор тариқасида енгил, шўх ўйинбоп характерда куйланади.

Мавсумий меҳнат маросим кўшиқлар. Ёзи. Буғдой ўрими пайтида тарафматараф бўлиб айтиладиган бу кўшиқ ўроқчилар кўнглини кўтариб, уларга тегиклик бахш этиб, чарчоқларини унутишга ёрдам берган. Кўшиқ сўзлари чўзиб куйланиб, байт охирида эса ҳамма "обло" сўзига жўр бўлишган. Кўшиқ куйи жозибадор, бир оҳангда диалог шаклида бўлиб, жўрсиз айтилган. Шунинг учун куйловчилардан катта маҳорат талаб этилган.

Йилнома—тақвим кўшиқлар. Раббиман. Рўза ойининг учинчи кунида хонадонма-хонадон юриб айтиладиган кўшиқ Сурхондарёда "Рамазон", "Раббиман" деб аталади. Шундай кўшиқларни айтувчиларни рамазончилар ёки раббиманчилар дейишади. "Раббиман" кўшиғининг асосий мазмуни хонадонга яхшилик, ризқ-рўз, хонадон соҳибларига эса яхши ниятлар тилаш ва рўза ойининг муқаддаслиги, файз-баракот келтирувчи ой эканлиги куйланади. Раббиманчилар эрта сахардан ёки кечга яқин уч киши уйма-уй юриб шу кўшиқни айтишади. Бир киши кўшиқ бандларини айтса, қолган икки киши раббиман нақоратига жўр бўлишади. Кўшиқ охиригача ижро этилиб бўлгач, хонадон эгалари имкон даражада раббиманчиларга топганини кўнгиладан чиқариб беришади. Бу кўшиқни ҳавас, ғурур ва қувонч билан ёшу қарилар ижро этишади.

Турли мавзудаги халқ кўшиқлари. Во вelay (Вой ўлай) Айрилиқда қолган севикли ёр томонидан чўзиб куйладиган "ғамгин кўшиқ бўлиб, яккаҳон томонидан ижро этилади. Кўшиқ сўзларида душманга нисбатан нафрат туйғулари яққол кўзга ташланади. Кўшиқ диапазони квинта ораллиғида бўлиб, мусиқа жўрлигисиз куплет тарзида айтилиб, бир оҳанг қайта-қайта такрорланади. Воҳанинг тоғли Ўшор қишлоғига хос бу кўшиқ бошқа жойларда қайд этилмаган. **Ҳай доғу доғ.** Бу кўшиқ йигитнинг севгисига нисбатан айтилган дил дардларини изҳор этиши, ёр висолига етишиш учун ўртаниш, қизнинг камон қошлари, уни кўрганда ақлу хушидан айрилиб лол қолиши, ишқ ўтида ёниши ва соғинч каби ҳистуйғулар шўх оҳанглар орқали куйланади. Кўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб, мусиқа чолғулар жўрлигида, айниқса доирада уфур усулларининг садоланиши кўшиққа янада кўтаринкилик руҳиятини бағишлайди.

Дўрма. Кўшиқда йигит ва қизнинг гулзорда сайр қилишлари, қизнинг гўзаллиги, ёшлик шўхликлари, сурма тортилган қошу кўзларининг мафтункорлиги, ноз-карашмалари, йигитнинг қизга нисбатан муҳаббати лирик оҳангда куйланади. Кўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб, ўртача тезликда шўх, ўйноқи тарзда ижро этилади.

Ҳуёлло. Сурхон воҳасига хос бўлган алла кўшиқларидан яна бир тури бўлиб, улар боболаримиз томонидан болани юпатиш, эркалаш, суйиш, овутиш кўшиғи сифатида алоҳида ўрин тутади. Болани эркалаш айрим ҳолатларда ухлатиш, ором олдириш учун айтиладиган бу кўшиқ ўзига хос регитатив оҳангда такрорланиб, сатрлар охирида "йу-хуй" сўзлари такрорланади. Кўшиқ

оҳанги бир ҳолат ва услубда айтилади, унинг диапазони калта(терция оралигида) ритм услуби равон, шакли ҳам текис даврия тузилишида. Бу қўшиқнинг нафақат сўзлари, балки оҳангида ҳам воҳага хослик сезилиб туради, ушбу айтимлар ўзининг лиро-эпик характери билан ажралиб туради.

Лолача. Уфор усулида ижро этиладиган бу қўшиқда ёрнинг "лола" ўсимлигига қиёсий ўхшатилиши, эркалатиш, ёрга етишиш каби сўз ўйинлари куйланади. Қўшиқ ўйноқи, рақсбоп характерда ижро этилади. Яккахон ҳар бир куплетни куйлагандан кейин қолганлар нақоратга жўр бўлишади. Сўз бўғинларининг доира усуллари билан ҳамоҳанг бўлиши қўшиққа янада кўтаринкилик бахшида этади.

Воҳ-воҳ тўрам. Қўшиқда ёр(тўра)га нисбатан ҳазиломуз илтижоси, эркалига, унга зеб бериб турувчи кокили сочларига тақилган жамалага, унинг гўзаллиги ва нозиклига куйланади. Қўшиқ мусиқа чолғулар жўрлигида енгил, шўх, ўйноқи оҳангларда ижро этилади. Қўшиқ ижроси давомида "бўлама"(бўлармиш) каби сўзларнинг бир неча бор такрорланишида бойсунликларга хос шева яққол сезилиб туради.

Алла. Она қалбининг тўридаги орзу-армонлари дард-ҳасратларини ва бешиқда ётган боланинг қошу кўзларини, келгусида ўсиб улғайиб камол топишини, висол оқшомлари насиб этишини ифодаловчи сўзлар маълум оҳанглар билан, нолалар билан жилоланиб ҳамоҳанг бўлиб алла қўшиғига айланади. Оналар алласининг оҳанги ва ижроси ҳеч қачон бир-бирига ўхшамайди. Бешиқни бир маромда секин-аста тебратилиши қўшиққа майинлик бахш этиб, боланинг тиш ухлашига ва ором олишига ёрдам беради. Маълумки, қўшиқ чолғуларсиз ижро этилади, шунинг учун куйловчидан катта маҳорат талаб этилади. Бу алла қўшиғида даҳшатли уруш қанчалар оналарнинг тинчини бузиб, кулфатлар келтиргани ва урушга кетган аскарларнинг севиқли ёрлари томонидан куйланган айрилик, соғинч, ўкинч каби ғамгин нолалари ўрин олган.

Янгажон. Қайноға(қайни) томонидан янганинг қошлари, кўзлари, юзларининг гўзаллиги ва кийган либослари ярашганлигини ҳазил-мутойиба тариқасида таърифлаб айтиладиган қўшиқ бўлиб, хуш-чақчақ, енгил, шўх, рақсбоп оҳанглар билан айтилади. Қўшиқ бандлари яккахон томонидан ижро этилиб, нақоратга эса ҳамма жўр бўлади.

“Қулоқ чўзма” маҳаллий ёшларнинг навқиронлик, мардлик ва жасорат кўрсатиш мактаби бўлиб келган. Улар даврга чиқар экан жони оғришига қарамасдан, ўз мақсади сари интиладилар. Айни пайтда у халқимизнинг томоша шаклидаги энг қизиқарли, оммавий ўйини ҳамдир. Чунки унда ўндан ортиқ йигитлар овулдошлари олдида ўзларининг нимага қодирликларини намоёиш этадилар.

Шўрб қишлоғидан ҳам бу борада бой материал қўлга киритилди. Мисол учун “эшак минди” ўйин-томошасини олиб кўрамыз. Ўйин очиқ майдонда уюштирилади. Иштирокчилар беш кишидан тенг икки гуруҳга бўлинадилар. Ерга узунлиги икки қадам бўлган тўғри чизик чизилади. Гуруҳ бошлиқлари шу чизик устидан бошларидаги дўппиларини бор кучлари билан олдинга отадилар. Шунда қайси бирининг отган дўпписи чизикдан узоқроқ жойга бориб тушса, ўша томон ғалабага эришган ҳисобланади.

Худди шунга ўхшаш томошавий ўйинлардан яна бирини “шоғулоқ” номи билан Пойгабоши маҳалласи (ўтган аср бошларида турли мусобақалар, сайил ва байрамларни ўтказишга мослаштирилган кенг майдон) ва Дуоба қишлоқларида ўз ҳолатини сақлаб қолган. Сариосиё қишлоғида эса фақатгина “эшак кўпқари” ўйини расмга айланиб, ўйинда асосий восита – сўйилган улоқдан фойдаланилгани учун “шоғ улоқ” деб ном олган. Томоша кўпинча тўй ва байрамлар муносабати билан дарё қирғоғида ўтказилган.

“Дўғиш” – баҳор фасли кўкламда байрам ва тўйлар муносабати билан очиқ майдонда уюштирилади. Иштирокчилар ёши чегараланмаган. Ўйинчилар тенг икки гуруҳга бўлинадилар. Ўзларига сардор сайлаб олишади, қуръа ташланади. Омади келган томон ўйинни биринчи бўлиб бошлайди. Яъни улар рақиблари кетига тепадилар. Иккинчи томон эса бунга йўл қўймасликка интиладилар. Зарба аниқ бўлгандагина ҳисобга олинади ва у ерга ўтиришга мажбур. Шу тариқа ҳужумчилар рақиблари сонини камайтириб бораверади. Мусобақа бир томоннинг тўлиқ устунлигига қадар давом этади. Охирида ғолиблар рақибларига турли шарт қўйиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Анъанага кўра эшак бўлиб ҳанграши, ит қиёфасига кириб хуруши, хўроз каби қичқириши, эчки қиёфасида мараши, ҳеч бўлмаганда бирорта шеър ёки латифа айтиши лозим.

“Жаҳар” – ҳасталанган беморлар танасидан ёвуз руҳларни ҳайдаш маросимидир. Тартиби шундай: Бемор ўртага ўтқизилади. Сўфилар қўлида қамчиси билан кириб келади. Ёнига ўтириб олдин оллоҳга илтижо қилиб фотиҳа ўқийди. Жонлиқ сўйилади. Етти пуштига, Симён пари, Муллакуш пари, Зангиотага илтижо қилиб беморнинг дардига шифо сўрайди. Ўртага супра ёйилади, чироқ ёқилади, ният қилинади. 7 хил (ҳар бири 33 мартадан такрорловчи тасбеҳларни такрорлайди), ҳар бир тасбеҳ оралиғида қамчи билан беморнинг елкасига уриб турилади. Кейин сўфининг қиёфаси жиддий тусга кириб, А. Яссавий ҳикматлари ижро этилади, изидан Сўфи Оллоёрга ўтилади.

“Алас” – ёш болалар танасидан турли балоларни даф этишга қаратилган қадимий маросимлардан биридир. Маросим болалар кечаси қўркса, ифлос жойларни босганда руҳиятига ўрнашиб олган бало-қазоларни ҳайдаб чиқариш мақсадида қўлланилади. Бодом Муртазоева ижросидаги алас тожик тилида олиб борилади.

Юқоридагилардан ташқари Дуоба, Гуматак, Назари, Кўрғонча, Олачопон, Яккатол, Деҳибало қишлоқларида фақатгина тоғ қишлоқларига хос бўлган “қавзоқ” ўйини бор. Бу ўйин ўтмишда “ғаззол” деб аталган. Ғавзоқ одатда тўй бошланишидан икки кун олдин ўтказиладиган ўтин оши маросимида ўтказилади. Шу кунни ўтин олиб келиш учун ўтинчилар гуруҳи аниқланади. Сўнг эрталабдан тоққа чиқиб ўтинларнинг қуриганлари тўланади.

Бойсунда театр санъати. XX асрнинг бошларида Бойсун қадимдан ўзининг санъати билан машҳур бўлиб, бойсунлик санъаткор Хожи Болта раққоснинг ижро этган рақслари, Орзигул деган раққоса аёлнинг бетакрор рақс ижролари, хофиз уста Қурбон Давлатмамат ўғли ва Мулла Жума Дуторийларнинг кўшиқлари ҳақида Бойсун аҳолиси орасида ҳозиргача афсоналар юради. «Бойсун» фольклор - этнография халқ ансамбли 1929-йилда ташкил топиб, дастлаб «Кўк кўйлакчилар» номи халқ театри сифатида иш

бошлаган. Бу театр Иккинчи жаҳон уруши бошлангунга қадар фаолият кўрсатган. «Кўк кўйлак» - ташвиқот жанридаги эстрада- театр бўлиб, «Жонли газета» асосида иш юритган. 1920-1930 йилларда театр гуруҳи кўк кўйлак кийиб чиққанликлари учун «Кўк кўйлак» деб ном олган. «Кўк кўйлак» чиларга сахна, декоратсия, грим ва алоҳида либоснинг йўқлиги учун шаҳар майдонларида, деҳқон бозорларида ва дала шийпонларида томошалар кўрсатган. 1935 йилдан «Ғаллачи» давлат мусиқали драма театри ташкил этилиб, ушбу театр жамоа аъзоларини кўпчилиги урушга сафарбар этилиши муносабати билан ўз фаолиятини тўхтатган.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин, театрнинг урушдан омон қайтган ходимлари Бойсун район Маданият уйи қошида бадий хаваскорлик тўғараги ташкил этиб, бу бадий тўғаракка хофиз Иноят Ғофуров, камон устаси Акрам Орипов, сурнай ва найнинг талантили устаси Ражаб мехтар Дониев, хофиз ва дутор созандаси Зикрулла Абдуллаев, дойрачилар Зиёдулла Абдуллаев, ака-ука Ваҳоб Муқимов ва Оллоқул, Абдухалил Назаров, Равшан Абдурайимов, Пўлат Тоғаевлар фаолият кўрсатди.

1961-йилда туман Маданият уйи қошидаги бадий хаваскорлар тўғараги замирида ашула ва рақс ансамбли тузилиб, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси бойсунлик Шукур Холмирзаев ва машҳур кино режиссор Учқун Назаровнинг таклифи билан унга «Шалола» деб ном беришган. «Шалола» ансамбли жуда тез шуҳрат қозонганиб, ансамблга кўпгина истеъдодли ёшлар билан тўлдирилган. Ансамблга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, гижжак ва дуторнинг мохир ижирочиси Қаюмжон Абдулхайров бадий раҳбар этиб тайинланган. 1975-йилда Польша Республикасининг Закопанье шаҳрида 8-жаҳон тоғлик ўлкалар фольклор фестивали бўлиб, бу халқаро фестивалга Бойсуннинг Шалола ансамбли ўзининг Фольклор дастури билан иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, «Кумуш болта» совринига созовор бўлган эди. 1986-йилда Бойсун туман Марказий маданият уйи қошида «Бойсун» фольклор-этнография дастаси тузилди. Дастага Холик Хурсандов бадий раҳбар, Хабиб Умаров мусиқа раҳбари этиб тайинланган.

Азим Сурнай. Тоғлик Кўрғонча қишлоғида туғилиб, кейинчалик Бойсун туманининг Авлод қишлоғида яшаган. Тахминимизча XVIII асрнинг охирларида вафот этиб, сурнай, най, ноғора, доира асбобларини чалишда уста бўлган. Сурнай- (форсча-сур-тўй, байрам ва най-тўйда чалинадиган най) пуфлама, тилчали мусиқа чолғу асбоби. Ўзбек, тожик, уйғур ва бошқа халқларда кенг тарқалган профессионал созлардан. Асосий танаси 400-550 мм узунликдаги мевали дарахт (ўрик, тут, ёнғоқ) ёғочидан, ички томони цилиндр, баъзида конус шаклида, карнайчаси кенгайтирилган ҳолда ясалади.

Қарияларнинг айтишича, Азим Сурнай кечалари айвонида ўтириб най чалса қишлоқ жим-жит бўлиб қолар экан. Азим Сурнайнинг жуда кўп шогирдлари тарбияланганлиги, санъаткорлар билан учрашиш учун Афғонистон, Бухоро, Самарқанд, Фарғонага борганлиги ҳақида маълумотлар бор. Азим Сурнай ажойиб раққос ҳам бўлган. Қадимий эркакча рақсларни ижро этганида томошабинлар лол қолишган. Бойсун туманида яшаган санъаткорларга Азим Сурнайнинг таъсири жуда катта бўлган.

Дони Мехтар. XIX асрнинг 80 йилларида Тузбозор маҳалласида

туғилган. Бойсундаги биринчи машшоқлар гурухи ташкилотчиларидан бири, сурнай ва найнинг ажойиб ижрочиси бўлган. 1929 йилда Бойсун туманида «Кўк кўйлакчилар» халқ театри тузилганда, театрда созандалик қилган. Қадимий куйлар, ўйинлар ва рақсларнинг билимдони бўлган. «Мавриғи» туркумини устаси бўлган.

Уста Қурбон Давлатмамат ўғли. 1870 йилларда Бойсун туманининг «Санъаткорлар қишлоғи» Катаригузарда туғилган. 18 ёшда Бухоро амирининг саройига таклиф қилинган. Амир саройида машхур хофизлардан, созандалардан таълим олган. Амир саройида 8 йил хизматда бўлган, Бойсунга қайтиб келиб, умрининг охиригача Бойсунда яшаган.

Уста Қурбоннинг иккинчи касби «Новвой» лик бўлган. Халқ орасида уста Қурбон хофиз танбурни бекиёс яхши чалолганлиги учун «Уста Қурбон Танбурий», доира асбобнинг тенгсиз усулчиси бўлганлиги учун «Уста Қурбон дойра-даст» деб ном олган. Уста Қурбон хофиз Бойсунда ўз тоғаси Карим ноғорачи, Дани Мехтар, ўз жияни ва шогирди Мулла Жума дуторий Шариф ўғли ва бошқа санъаткорларнинг бошини бириктириб машшоқлар гуруҳини тузди. Бу гуруҳ нафақат Сурхон воҳаси балки Қашқадарё воҳаси, Тожикистоннинг Хисор ўлкаси худудларидаги барча баобрў тўйларда, халқ сайлларида ва байрамларида ўз санъатини намойиш этган. 1929 йилда Бойсун туманида «Кўк кўйлакчилар» халқ театри ташкил этилганида бу ижодий гуруҳ театрнинг асосий таянчи бўлди. Уста Қурбон хофиз ўзбек макомларини билимдони ва ижрочиси бўлиб қолмасдан, қадимий маросим кўшиқлари, халқ кўшиқлари, қадимий рақсларни ҳам билимдони бўлган. Уста Қурбон хофиз Бойсун туманида ўзидан санъаткорлар сулоласини қолдирди. Унинг шогирдлари, фарзандлари ва неваралари орасида кўплари санъат йўлини танлаганлар. Уста Қурбон хофиз 1950 йилда вафот этган.

Уста Карим ноғорачи. 1880 йилларда туғилган. Уста Қурбон хофизнинг тоғаси. Бойсун районидаги барча доирачиларнинг устози ҳисобланади. Унинг санъати ҳақида шундай ривоят бор. Уста Карим Бойсун беклигининг қўрғонида ноғорачилик қилган. Хар куни тонгда қўрғон устида ноғора чалиб шаҳар аҳолисини уйғотган. Бойсун беклигига бир сариқ киши бек этиб тайинланган. Бир куни бек аёнлар билан Бойсун шаҳри кўчаларидан ўтаётганда Карим ноғорачи унга салом беришга улгурмай қолган. Иззатталаб бек жahl устида Карим ноғорачини бир-икки қамчи урган. Бекнинг бу ишидан норози бўлган Карим ноғорачи қўрғон устига чиқиб, хар хил овоздаги ноғораларни чала бошлаган. Чалинган ноғоранинг овозини эшитган шаҳар халқи хайрон бўлиб қулоқ солишса, ноғоралар:

-Як мираки зап-зардаки зардак манна зад ! - деб гарипаётгандек эмиш. Бу сўзларнинг ўзбекча мазмуни : «Бир сап- сариқдан сариқроқ бек мени урди!»- дегани бўлади.

Бу ноғора усули қайта-қайта чалинавергач, бек ҳам эшитиб, Карим ноғорачидан узр сўраб, унинг елкасига чапон ёпган экан.

Қариялар: «Карим ноғорачининг кулида ноғора билан доира одамдек гапирар эди»-деб хикоят қилганлар.

Абдулла Карим ўғли. Уста Карим ноғорачининг ўғли Абдулла доирачи Бойсун туманининг Тузбозор қишлоғида «Катаригузар»да туғилган. Саводи

бўлганлиги учун Мулла Абдулла дейишган. 1984-йилда 86 ёшда вафот этган. Бойсун санъатида ном қолдирган санъаткорлардан бири.

Барот Карим ўғли. Уста Карим ноғорачининг ўғли. Ширали овоз билан кўшиқ куйлаган. Танбур ва дуторни яхшигина чала олган. Касаллик туфайли ёш вафот этган.

Мулла Жума Дуторий Шариф ўғли. 1890-йилларда «Санъаткорлар қишлоғи» Катаригузарда туғилган. Карим ноғорачи ва Уста Қурбон хофизнинг шогирди. Бухорода мадрасада тахсил олганлиги учун «Мулла», дуторини бетакрор черта олганлиги учун «Дуторий» деб атаганлар. Бойсун туманида тузилган. «Кўк кўйлакчилар» театрида созанда ва хофиз бўлиб ишлаган.

Мулла Жума Дуторий ҳам ўз устози уста Қурбон хофиз каби «Ўзбек мақом»ларининг билимдони ва ижирочиси бўлиб қолмасдан, қадимий маросим кўшиқлари ва рақсларини ҳам жуда яхши билган санъаткор бўлган. Мулла Жума дуторий 1964 йилда вафот етган.

Хожи Болта раққос. Бойсун туманида туғилган. 1960-йилларда вафот этган. Бойсун районидаги тўйлар ва байрам сайлларида Хожи Болта раққос «Мавриғи» ва «Сарбози» услубидаги рақсларни ижро этган. Кўрган қарияларнинг айтишича, Хожи болта «Пичоқ» рақсини ижро этганда, унинг шижоатли рақсида одамларнинг қалбида кўркув уйғонар экан. Хожи Болта раққоснинг ўғли Аҳад Болтаев яқин йилларгача отасининг рақсларини ижро этиб келди.

Орзигул раққоса. Бойсунда туғулиб, яшаган. 1930-йилларнинг охирида вафот этган. Бу аёлнинг рақс ижроси санъати афсоналар тарқалган. Унинг энг машҳур рақси устма-уст кўйилган тўрт ғиштнинг устида туриб рақс ижро этган. Бу рақснинг туркий халқлар орасида кенг тарқалганлиги ҳақида маълумотлар бор. 1989-йил Қозоғистоннинг пойтахти Алма-Атада ўтган «Олтинолма» Халқаро мусиқа фестивалида Хитойнинг Қошғар шаҳридан келган Мастура исмли уйғур раққоса сахнада ғишт устида туриб қадимий рақсни шунчалик махорат билан ижро этди-ки томошабинлар тик туриб уни олқишладилар.

Хурсанд Қурбон ўғли. 1905-йилда «Катари гузар»да туғилган. Уста Қурбон хофизнинг ўғли. «Кўк кўйлакчилар» театрида ғижжак чалган ва кўшиқ айтган. 1975-йилда вафот этган.

Мулла Умар дуторчи. Бойсун туманида яшаган. Мадраса кўрган мулла. Дуторнинг ажойиб ижрочиси.

Зикрилла Умар ўғли. Мулла Умар дуторийнинг ўғли. Бойсун туманининг «Тузбозор» қишлоғида 1926-йилда туғилган. Туманда биринчилар қаторида Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё давлат Университетини битирган. Бастакор, машшоқ ва хофиз. Бойсун шаҳрида мусиқа мактабини ташкил этишда фаол хизмат кўрсатган. Бойсун санъатида ўчмас из қолдирган устоз. 1994-йилда вафот этган.

БОЙСУН ФОЛЬКЛОР ЭТНОГРАФИЯ ХАЛҚ ДАСТАСИ ТАРИХИ

*Бирор касбу хунар орқасидан ризку
насибага эга бўлиб яшаётган одам,
шу касбини ўзгартирмасун.*

Ҳадис

Бойсун туманида қадимий кўшиқлар, рақслар ва урф-одатлар жуда яхши сақланиб қолган бўлиб, буни маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва унинг онгидаги бадий кўриниши дейиш мумкин.

Бойсун районидаги тоғлик қишлоқларда қадимги табиат фасллари билан боғлиқ бўлган «Мехржон», «Наврўз» каби байрамлар тантана билан ўтказиб келинган. Барча диний эътиқодларнинг ўрнини ягона Ислом дини эгаллагандан кейин ҳам бу қадимий байрамлар ва удумларга исломий Рух берилиб, байрам қилиш давом этган. Бойсун худудида яшовчи аҳолининг энг истеъдодли намоёндалари ушбу байрам ва маросимларда халқимиз ардоқлаб келган санъат учкунлари, қадимий рақслар, қадимий маросим кўшиқлар, қадимий маросимларни ижро этганлар.

Совет ҳокимияти даврида ансамблнинг дастурларида «Миллатчилик ва эскилик сарқитлари бор» деб, катта минбардан қоралагани сабабли ансамбл қарийб 10 йиллар давомида ўз фаолиятини сақлаб қолди. Лекин бойсунлик санъаткорлар ўз фаолиятларига содиқ қолиб, чидам билан қадимий санъатларини йўқолиб кетишига йўл қўймасдан, ижодкорликни давом эттирдилар.

1985-йилда «Совет Ўзбекистонни» газетасида Машхур «Шалола» қаёққа йўқолди?» деган мақола чоп этилди. Бу мақола ансамблнинг келажаги учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Сурхондарё вилояти ва Бойсун тумани раҳбарияти ансамблни тиклаш ишларини қўллаб қувватладилар. Айниқса, Бойсун фирқа қўмитасининг 1-котиби бўлиб ишлаган Алламурод Соатмуродов «Шалола» ансамблини тиклаш ишларига бош-қош бўлди. Ҳамжихатлик билан қилинган ишлар ўз самарасини берди. Ижодий гуруҳ тузилиб, ансамблнинг фольклор ва этнографияга оид программалари қайта тикланди. Ижодий гуруҳга маҳаллий санъаткор Холиқ Хурсандов раҳбарлик қилди. Ижодий гуруҳ Бойсун тумани худудидаги қишлоқларнинг қарияларидан қадимий маросимлар, кўшиқ ва рақслар, халқ оғзаки ижоди намуналарини йиғдилар.

Тошкент Давлат Маданият Институтининг домлалари Саодат Йўлдошева, Баходир Саримсоқовлар бевосита ёрдам ва иштироки билан ижодий гуруҳнинг тўплаган материаллари илмий ўрганилиб, шу материаллар асосида ансамбл учун дастурлар тайёрланди. Ижодий гуруҳ аъзолари ва олимлар Саодат Йўлдошева, Баходир Саримсоқовларнинг таклифи билан Янги ансамбл ташкил этилиб, унга «Бойсун» фольклор этнография дастаси деган ном берилди. Ансамбл аъзолари ўз олдларига Ўзбек халқининг йўқолиб бораётган қадимий маданий мероси, қадимий рақслар, қадимий кўшиқлар, қадимий урф-одатлар йиғиб, ўрганиб, қайта саҳнага олиб чиқишдек мураккаб мақсадни қўйдилар. 1987-йилнинг август ойида даста жамоаси Тошкентда бўлиб ўтган «Хужум» ҳаракатининг 60 йиллигига бағишланган тантананага қатнашади. 1987-йилнинг сентябрида ансамбл Москвада бўлиб ўтган «Ўзбекистон Республикаси

кунлари»га таклиф қилинди ва Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари вставкаси майдонида ўз санъатини намойиш қилиб, вставка дипломи ва кўкрак нишони билан тақдирланди. Шундан бошлаб «Бойсун» дастасининг ижодий парвози бошланди. 1987-йилнинг апрел ойида Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивали кўрик-танловиинг республика босқичи Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Бу кўрик танловга «Бойсун» дастаси ўзининг «Дехқоннинг бир йили» номли 30 минутлик дастури билан қатнашди. Ушбу фестивалда Республика миқёсида сахнада биринчи марта Ўзбек халқининг қадимий маросими кўшиқлари «Суст-хотин», «Наврўз», «Хўп майда», «Чорлов», «Лола-сайли», «Якку-як», «Уфу-жақала», «Келгин ёр» каби кўшиқларни ва рақсларни намойиш этдилар. «Бойсун» дастасининг дастури томошабинларга ҳам, хакамлар хайъатига ҳам улкан таъсурот қолдирди. Хакамлар хайъати «Бойсун» дастасининг ижодини юқори баҳолаб, уни «Олий ўрин» га лойиқ деб топди.

1987-йил «Бойсун» дастаси учун жуда омадли йил бўлиб, Май-июн ойларида Ўзбекистон телевидениеси режиссори Эдуард Давидов билан ҳамкорликда Бойсун тумани «Бойсун» дастаси дастури асосида «Бойсунда қор эриганда» номли фильм-концерт суратга олинди. 1987 йил июл-август ойларида «Ўзбекинохроника» студияси режиссори Темурмалик Юнусов бошчилигидаги ижодий гуруҳ билан ҳамкорликда Бойсун дастасининг дастури асосида «Унутилган оҳанглар» номли фильм суратга олинди. 1987 йил сентябр ойида «Бойсун» фольклор этнография халқ дастаси Афғонистон республикасида ижодий сафарда бўлди. Даста ўз дастурларини қаерда намойиш этмасин, томошабинларнинг олқиши ва таҳсинига сазовор бўлди. «Бойсун» дастаси кўшни республикалар ва хорижда ном чиқарди. Даста қошидаги ижодий гуруҳ фаолияти яхшиланиб борди. Даста Янги дастурлар яратди. Дастанинг ижоди ҳақида кўплаб фильмлар, фильм- концертлар яратилди.

Режиссор Умид Ортиқов ва Темурмалик Юнусовлар билан ҳамкорликда «Шарқ бозори», «Қадимий ўйинлар» кўпкари фильмлари суратга олиниб, намойиш этилди. 1987-йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги «Бойсун» дастасига «Халқ ансамбли» унвонини берди.

1988-йил сентябр ойида Москва шаҳрида «Олтин хўроз» халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтди. «Бойсун» дастаси бу фестивалга юксак даражада қатнашиб, фестивалнинг 1-даражали дипломи билан тақдирланиб, фестивал ғолиби сифатида Англия қироллигининг Биллингэм шаҳрида ўтадиган халқаро мусиқа фестивалига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. «Бойсун» дастасининг шухрати янада ортди. 1989-йил феврал ойида «Бойсун» дастаси жамоаси Ўзбекистон агитпоезд билан Тожикистон Республикасининг зилзиладан талофат кўрган «Шарора» ва «Окули боло» кишлоқларида бўлди, ҳамда Сирдарё вилоятининг кўпгина район ва хўжаликларида бўлиб, аҳолига ўз санъатини намойиш қилиб, олқиш олди. 1989-йил май ойида республика фольклор фестивалига қатнашиб яна «лауреат» унвонига созавор бўлди. 1989-йил Тошкент шаҳрида Халқлар дўстлиги саройида Арманистонда зилзиладан талофат кўрган аҳолига ёрдам бериш мақсадида «Хайрия» концертига қатнашди. «Бойсун» дастаси 1989-йилда Қозоғистон Республикасининг Алма-Ата шаҳрида ўтган «Олтин олма» халқаро фестивалига иштирок этиб, юксак соврин билан қайтди. Кейинчалик бу фестивал «Осиё овози» деб номланади ва

ҳамюртимиз Равшан Намозов Бойсун кўшиқларини ижро этиб, бу фестивалнинг лауреатлигига созавор бўлган эди. Шу йилнинг ўрталарида «Бойсун» дастаси Тожикистон республикасининг Марказий телевидениеси орқали ўзининг «Ширу-шакар» деб номланган дастурини намойиш этди. Бундан ташқари Тожикистон Республикасининг Регар шаҳрида ўтган «39-параллел» номли халқаро фестивалда муваффақиятли қатнашди. 1990-йил Ўзбекистон телевидениеси «Наврўз» тематикасига бағишланган телемарафонга муваффақиятли иштирок этди. «Бойсун» дастасининг энг муваффақиятли ижодий сафарларидан бири 1990-йил август-сентябр ойларидаги Буюк Британия бўйлаб ўтган сафари бўлди. Бу сафарда «Бойсун» дастаси Англиянинг 11 та шаҳрида бўлиб, «Биллингэм халқаро фольклор фестивали», «Милтон Кейнс халқаро мусиқа фестивали» каби Буюк Британиянинг олти нуфузли фестивалларига қатнашиб, Ватанимизга фестивал ташкилотчиларининг 6 та раҳматномасини олиб қайтди.

1991- йилда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг эълон қилиниши «Бойсун» дастасининг янада ўсишига сабаб бўлди. Мустақиллик шарофати билан Ўзбек халқининг миллий кадрятлари тикланди. «Бойсун» дастасининг ижодий фаолияти Республикамиз кадрятларига айланди. Дастанинг умуммиллий кадри ошди. Миллий байрамимиз «Наврўз» нинг тикланиши, миллий маросимларимизни миллий мафкурамизнинг ажралмас қисмига айланиши ҳам даста ижодига ижобий таъсир кўрсатиб, дастанинг янгидан ижодий юксалиши бошланди. «Бойсун» дастаси Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрида ўтадиган «Наврўз» ва «Мустақиллик куни» тантаналарининг доимий иштирокчисига айланди. 1993-йилда Республика ҳокимиятининг ташаббуси билан «Бойсун» дастаси Туркия давлатининг (қадимий Эфес) Селчик курорт шаҳрида ўтадиган халқаро фестивалга қатнашиш шарафига муяссар бўлди. Бойсун дастасининг тинимсиз ижоди меҳнати Ватанимиз мустақиллиги даврида юксак кадр топди. Ўзбекистон Республикасининг халқаро обрўи ортган сари хориж мамлакатларининг юртимиз маданияти ва санъатига нисбатан ҳурмат-эътибори кучайди. Даста иштирокчилари бу орада Францияга сафарда бўлиб, ўзбек қадимий санъатини намойиш қилди. 1999-йил апрел ойида халқаро ЮНЕСКО ташкилоти Бойсун туман худудини «Жаҳон халқ ижодиёти дурдонаси» деб эълон қилди. Бу юксак унвоннинг берилишида «Бойсун» фольклор этнография дастасининг хизмати бекиёс бўлди. ЮНЕСКО нинг ташаббуси билан Бойсун туманида «Бойсун бахори» деб номланган фестивал ташкил этилиб, 2002-2005 йилларда фестиваллар жуда муваффақиятли ўтказилди. Бойсун худудини тарихи, маданияти, халқ амалий санъати, мусиқа санъати ҳақида илмий текширишлар натижаси бўлган китоблар чоп этилди. Бу фестивалда «Бойсун» дастаси марказий ўринда турди.

«Бойсун» фольклор- этнография халқ дастасининг ютуқлари нимада? Эътибор бериб ўрганилса, «Бойсун» дастаси қадимий маданиятимизнинг дурдоналарини авайлаб асраб келган халқимизнинг юрагининг туридаги орзу умидини ўзида мужассам қилганини кўрамиз. Дастанинг ижодий фаолиятидаги энг муҳим ҳолат, унинг йўқолиб кетиши мумкин бўлган қадимий санъатимизни қайта тиклаб, яна халқимиз инъом этди. «Бойсун» ансамбли ўзининг фаолияти давомида халқимизнинг бой меросига катта ҳурмат билан қарашини кўрсатди.

Бу ансамбл Республикамиздаги бошқа ансамбллардан репертуари бойлиги, ижро услубининг мукамаллиги, программаларининг илмийлиги, ижрочиларнинг баланд махорати билан ажралиб туради. «Бойсун» халқ дастаси ҳақида республика ва иттифоқ матбуотида кўплаб мақолалар эълон қилинган. Ҳозир ансамблнинг репертуарида ўтмиш меросимизни талқин қилувчи «Хўп майда», «Наврўз», «Суст хотин», «Лола сайли», «Гап-гаштак», «Гам гаштак», «Бойсун мавриғи», «Турна келди», «Шохмой», «Якку-як», «Уфу» «Бойсунча ёр-ёр» каби ўзига хос программалар бор.

Ансамблнинг энг кекса қатнашчиси Ашуров Хайрулло 75 ёшда бўлса, энг кичик қатнашувчиси Юлдуз Хурсандова 8 ёшда. Бу турли ёшдаги ва турли касбдаги одамларни ўзбек халқининг қадимий маданиятига нисбатан бўлган жонкуярлик, фидойилик ва ҳурмат бирлаштирган. Ансамбл қатнашувчилари одоби, санъатига нисбатан бўлган эътиқоди билан кўзга ташланиб туради. Дастанинг ижросидаги ҳар бир кўшиқ, ҳар бир маросим, ҳар бир рақс илмий асосланган. Бунда олима Саодат Йўлдошева, олим Баходир Саримсоқовлар ва уларнинг шогирдларини бекиёс хизматлари бор. Дастанинг олимлар билан қилган ҳамкорлиги унинг юксак натижаларга эришишига омил бўлди. «Бойсун» дастасининг ижодий фаолияти узлуксиз давом этмоқда. Даста аъзоларининг ҳар бири ёш истеъдодлардан ўринбосарлар тайёрлашга ҳаракат қилади. Ижоднинг давомийлигини таъминлаш учун Бойсун Маданият уйида «Қуралай» болалар фольклор-этнография дастаси тузилган ва бу дастага Тошкент Давлат Маданият Институтини тугаллаган Саттор Қурбонов баддий раҳбар этиб тайинланган эди. «Қуралай» дастаси ҳам тезда ўз ўрнини топиб, болалар дастасининг ижоди Маданият вазирлиги томонидан тақдирланиб, дастага «Қуралай» болалар фольклор-этнография намунали ансамбли» унвони берилди. Ҳозир «Қуралай» болалар дастаси «Бойсун» дастаси билан бир қаторда ижодий фаолият кўрсатмоқда. Ўзбек халқининг қадим-қадим ақидаларини жамлаган халқ ижодиёти сўнмас хазина. Бу хазинанинг бир қисминигина «Бойсун» дастаси қайта жонлантириб, Ўзбек халқига тортиқ қилди. Хали ўрганилиши лозим бўлган мавзулар кўп. Ўзбек халқининг ижодиёти соҳаси хали кўплаб истеъдодли тадқиқотчиларни кутаяпти. «Бойсун» фольклор этнография халқ дастасининг ижодий фаолияти ҳеч қачон ўз қадрини йўқотмайди. Чунки бу даста Ўзбек халқининг ўлмас ижодиёти ва санъатининг дурдоналарини ўзида мужассам қилган.

Абрайқулов Жума - (1939-2006) Бойсун районидаги Пулҳоким қишлоғида туғилган. Олий маълумотли ўқитувчи. Чанқовуз чалиш осон эмас. Бунинг учун ижрочи жуда катта рухий ва жисмоний куч сарфлайди. Одамларни ўзига жалб этувчи сирли ва кўз илғамас чанқовуз оханглари ичдан чиқариш учун кишига табиат ато этган қувват зарурдир. Агар чолғучи қалб оташида қайнаган меҳрини чанқовузга беролмаса, бутун вужуди бир нуқтага жамланмаса, куйнинг киши туйғусини қитиқловчи, дилини тортувчи орзиқтирувчи илохий сеҳри йўқолди. Чанқовуз ясамалик ва бефарқликни, юзакилик ва лоқайдликни ёқтирмайди. Жума Абрайқулов элга хизмат қилишдек бурчини сидқидилдан ўтаган, халқ санъатига фидойилик, касбига садоқат намуналарини кўрсатган, солих фарзандлари тарбиялаган. Ўзидан яхши ном қолдирган инсондир.

Ж.Абрайкулов 2002-2005 йилларда бўлиб ўтган «Бойсун бахори» халқаро фольклор фестивалда иштирок этиб ўз санъатини намойиш этди. ЮНЕСКО нинг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Ўзбекистон давлат илмий-оммабоп ва хужжатли фильмлар киностудияси ижодкорлари 2004 йил кузида «Чанқовуз» чи фильмини суратга олишди. Қалби сиймосида шундоқ ақс этган ижодкорни турли ракурслардан кузатишлар, чанқовузнинг минг хил созу нағмаларига йўғрилган Бойсун ва Қумқўрғон манзаралари, халқ хунармандчилиги, урф-удумлари ва турмуш лавхалари Ўзбекистон тарихининг ёрқин бир бўлағи бўлиб кино тасмаларига мухрланди.

Чориев Чоршанбе - 1952 йилда Бойсун районидаги Газа кишлоғида туғилган. 2006 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Тошкент театри ва рассомчилик санъати институтини 1978 йилда битирди. 1978 йил август ойида Сурхондарё вилоят М.Уйғур номидаги мусикали драма театрида актёр, олий тоифали санъаткор лавозимида сермахсул ижод қилди.

У ўзининг ўттиз йилдан ошиқ ижоди давомида бир қатор ранг баранг образларини ўз маромида етказиб келди. Жумладан: Х.Расул асари «Қишлоқда келган куёв» да - йигит, Р.Муҳаммаджонов асари «Давлат-болалари»да –Ботир, Ч.Айтматов асари «Момо ер» да Қосим, К.Абдуабиев асари «Амир Темур ва Йилдиirim Боязид»да Шайх Нуриддин, Н.Парда асари «Адиб Собир» да-Отасиз, У.Азим асари «Бир қадам йўл»да –Жўра Раис, Х.Хурсандов асари «Ўлдинг азиз бўлдинг»да –Маҳалла раиси, Уйғун ва Иззат Султон асари «Алишер Навоий» да –Нажмиддин, И. Отакулов асари. «Қамашган кўзлар» да –Баҳром, К.Яшин асари. «Гулсара» да-Қодиржон, У.Хожибеков асари «Аршин мол олон» да-Аскар, М.Хайруллаев асари «Аллам сеники» да-Кўтос, Ш.Пардаев асари «Осмонсиз уй» да-ўғил, Ҳамза асари «Жононга бордим бир кеча»да –Бошловчи, М. Бобоев асари «Ўчмасин чирок»да –Раж, Ж.Худойбердиев асари «Байрамдаги жиноят» да-Қодир, Х.Хурсандов асари «Кампир топайми дадажон»да –Жума бобо, Салом, У.Азим асари «Алпомишнинг қайтиши»да Ултонтоз, М.Бобоев асари «Ўлим халқаси»да –Бек, Х.Хурсандов асарлари «Судхурнинг Пари кизи» да-Салим, «Мухаббатим қисматим менинг»да-Мўмин, Қилич Ботир - Шер, Ш.Рахматуллаев асари «Шох ва шоир»да-Сайд Барака, М.Хазраткулов асари «Интизор»да чол каби бир қатор образлар яратди ва халқ олқишига сазовор бўлди.

Ч.Чориев нафақат актёр, балки эл севган хонанда ҳамдир. Ўзбек халқ кўшиқларини маромига етказиб ижро этади. Ёшлар мураббийси. Ўнлаб шогирдлар етиштирди. 1994 йил вилоят касаба уюшмалари томонидан таъсис этилган «Адиб Собир Термизий» мукофоти сохиби бўлди.

Орипов Ҳамид -1956 йилда Бойсун районидаги «Шўрсой» кишлоғида туғилган. 1999 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Тошкент театри ва рассомлик институтини 1977 йилда битирди. 1977 йил август ойида М.Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусикали драма театрида драма актёри (олий тоифали) лавозимида сермахсул ижод қилди. У ижоди давомида бир қатор образларни ўз маромига етказиб ижро этди. Шу жумладан: И.Султон ва Уйғур асари «Алишер Навоий» да- Навоий, Н.Парда «Собир Термизий» да-Термизий, У.Азим «Алпомишнинг қайтиши» да Алпомиш, К.Абдунабиев «Амир Темур ва Йилдиirim Боязид» да-Султон, М.Бобоев «Мухаббатим қисматим менинг» да

ўғил, Х.Хурсандов «Кампир топайми дадажон» да – Ашур, Ш.Рахматуллаев асари «Шох ва шоир ривояти» да-Шоир, Х.Хурсандов асари «Погон таққан одамлар» да-Тўраев, Х.Хурсандов асари «Қайсар чолнинг қилиғи» да-Султон, ва бошқа ўнлаб образларни яратди. Ёшлар мураббийси. Ўнлаб шогирдлар етиштирди. Хамид Орипов 2005 йилдан театр директори.

Қосимова Сайёрахон -1965 йилда Бойсун районидаги «Боғиболо» қишлоғида туғилган. 2002 йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. 1990 йил Буюк Британия, 2006 йил Франция, 1987 йил Россия гостролларида бўлган.

«Олтин олма» (Олмат ота, 1990), «Мархабо талантлар» (1979), 2002-2005 йилларда Б.М.Т нинг ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган «Бойсун» фольклор этнографик» фестивали совриндори. 2002 йилдан «Шалола» рақс-ансамблининг мусиқа раҳбари бўлиб ишламоқда.

Отаси Рахим Қосимов най чалган. Бибиси Муҳаррам Ўзбекистон халқ артисти Тамарахонимни лапар, куй-қўшиқларини хаваскор бўлган. Оилавий мухит таъсирида Халима Носирова, Муножот Йўлчиева, Замира Суюнова айтган ашулаларга қизиққан ўқувчилик давридаёқ Ўзбекистонда Хизмат кўрсатган артист Санобар Рахмонова томонидан айtilган қўшиқларни ёдлаб мактаб хаваскорлик тугарагига қатнашган. Абдуфаттох Жамолов (мархум), Зиқир Умаров (мархум), Камол Абдулхаев, Холиқ Хурсандовларни ўзининг устози деб билади. «Муножот», «Дугоҳ», «Қашқарча Ушшоқ» каби классик қўшиқларни ўз маромига етказиб куйлайди. «Ошпаз холла», «Дадажон», «Ҳолинчак», «Тун», «Вох-воҳ турам», «Тўлдирма», «Суймали», «Ёрғучок», «Чеча» каби фольклор –этнографик йўналишидаги халқ қўшиқларини мохирлик билан ижро этади.

Қозиева Сайёра - 1958 йилда Бойсун районидаги «Тузбозор» қишлоғида туғилган. 1994 йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

Сайпиев Жумма -1957 йилда «Чорчинор» маҳалласида туғилган. Оилада 6-фарзанд бўлиб туғилган. Отаси Бўри Сайпиев (мархум) дутор ва танбур чалган. Бойсунлик Мулло Жума Хофиз отасига устозлик қилган. Жума Сайпиевни санъатга кириб келишида, отаси Бўри Сайпиев ва амакиси Ашуртозиқул Ниёзовлар тўртки бўлган. Ўқувчилик йилларидаёқ дутор, рубоб ва дойра чалишни ўрганган. Унинг илк «Космонаватлар» қўшиғини мактабда ижро этган ва мактаб хаваскорлар тугарагига қатнашган. Англия (1988), Афғонистон (1987), Туркия(1991), Франция (2003), Россия(1988) йилларда гостролларида бўлган. Абдулла Қодирий номидаги маданият институтини (1995) оммавий байрам режиссиёраси бўйича тамомлаган. Ўзбек ва тожик халқларининг Бухоро Шашмақоми бўйича «Насруллохий» классик мақоми ашуласини ижро этиб, фестивал лауреати бўлди. «Феруз» (Огахий), «Эйсабо», «Назора қил» (Навой) ғазаллари билан айтиладиган қўшиқларни маромига етказиб куйлади. Шунингдек фольклор-этнографик халқ ижодиёти йўналиши бўйича «Майда», «Хай-ёр-ёр», «Тулбобо» ва бошқа ашулаларни ижро этган.

«Келгай-му келмагайсан», «Сим-сим», «Айладинг» ашулаларга ўзи ёзиб, куй басталаб ижро этди. Халқ оғзаки ижоди ва мақом йўналиши бўйича 100 га яқин ашулалар ижро этди. Ўғли Собиржон Сайпиев ота йўналишидаги хонанда, қизи Гулирухсор Сайфиева Тошкент театр ва рассомчилик институти талабаси (мақом йўналиши бўйича). Жума Сайфиев- «Шалола» рақс ансамбли

«Бойсун»-фольклор этнографик ансамбли ва 1978 йил «Қуралай» ёшлар рақс ансамблининг баддий раҳбари бўлиб ишлаган.

Туропов Умиджон – 1957 йилда Бойсун районидаги «Оқтупроқ» қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат маданият институтини 1990 йилда битирди. Буюк Британия (1991), Афғонистон (1991), Туркия (1994), Франция (1998) мамлакатларида ижодий сафарда бўлди.

Москвада ўтказилган Ўзбекистон маданияти куйлари (1980), «Ўзбекистон Ватаним», «Алпомиш достонининг 1000 йиллиги», «Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги», «Шарқ тароналари», «Биз-Сурхондарё» дамиз, кўрик танлов конкурсларининг ғолиби, Фарғона водийсида ўтказилган Ўзбекистон халқ артистлари Маъмуржон Узоқов ва Жўрахон Султонов юбилейи телевизион фестивали, Хоразмда бўлиб ўтган «Мақом ижрочилари» телевизион фестивали яккаҳон ижрочи ва мақомчилар фестивали ғолибидир.

«Бойсунда қор эриганда», «Шарқ бозори», «Унитилган кўшиқ», «Арча тандир олови», «Бойсуннинг бир куни» фильмларида ўз кўшиқлари билан суратга кўшган. 2002-2005 йилларда бўлиб ўтган «Бойсун бахори» халқаро очик турдаги фольклор фестивали мадхияси муаллифи ва ижирочисидир. Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг фестивал совриндори. У туман маданият марказий уйи «Шалола» ашула ва рақс ансамблида дастлаб мусиқа раҳбари ва баддий раҳбари бўлди. Хушовоз хонанда, халқимиз севиб ардоқлаб келади, унинг ижросида юздан ортиқ ашула, лапар, мақом йўналишидаги ашулалар ижро этган.

Хурсандов Холик - 1945 йилда Бойсун районидаги «Катаригузар» маҳалласида туғилган. Низомий номидаги Тошкент Педагогика институтини 1977 йилда битирди. 1990 йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Кўплаб халқаро ва республика фестивал ва танловларни иштирокчиси ва ғолиби. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевни ўз устози деб билади. Болалигидан ёзувчи бўлишни орзу қилган. Илк хикояси «Гулистон» журналинда босилган(1969). Республика «Ёшлик» журналинда «Чопон кийган аёл» тарихий романи босиб чиқарилган(1980). Кейинги йилларда матбуотда «Ўлганлар ёлғон гапирмайдилар», «Қиёматдан бир кун олдин», «Мухаббат кўр туғилади» қиссалари чоп этилган.

1998 йилда Ўзбекистон Республикаси театрларида биринчи илк драматик асари «Кампир танлайми дадажон» асари (Фарғона вилоят театри, Катта кўрғон шаҳар театри, Сурхондарё вилояти театрларида), «Мухаббатим қисматим менинг», «Ўлдинг-азиз бўлдинг», «Хотинимнинг уч шайдоси», «Топталган туйғу», «Судхўрнинг пари қизи» асарлари Сирдарё Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё вилоят мусиқали драма театрларида, «Хотинимнинг уч шайдоси», “Топталган туйғу” асарлари Муқумий номидаги республика мусиқали драма театрида, режиссор М.Умаров ҳамкорлигида «Аёлгу» асари Ўзбекистон академик театрида сахналаштирилиб кўйилган.

Ижодкор Холик Хурсандов 1985 йилдан бошлаб, Ўзбек халқининг (Бойсун-Сурхон йўналиши) ўлмас ижодиёти ва санъатининг дурдоналарини ўзида мужассам этган тоғли худуд халқ оғзаки ижодиёти, қадимий удумлар, рақслар, кўшиқлар ва маросимларни йиғиш ва сахнага олиб чиқиш ҳамда тарғибот билан шуғулланган. «Бойсун фольклор этнография халқ дастаси» ни

ташкил этди ва 1986 йил унинг баддий раҳбари бўлди.

СУРХОН БАХШИЧИЛИК МАКТАБИ.

Бойсун-Шеробод бахшичилик мактабига Сурхондарё вилоятидаги: Шеробод, Бойсун, Жарқўрғон ва Денов туманлари, Қашқадарё вилоятидаги Гузар, Дехқонобод туманлари, Туркменистонни Чоршанги тумани, Тожикистонни Қабодион ва Шартуз туманларида яшаб ижод этган бахшилар асосан Сурхон бахшичилик мактаби ижодий махсулидир. Булар Бахши Шерназар Бердиназар халқда Шерка бахши (1855-1915) номи билан танилган, у ўз навбатида Қосимқўр бахши (XIX асрнинг 2 ярмида яшаб ўтган) дан таълим олган бўлса, у ўз навбатида Бобо бахши шоирнинг шогирди ҳисобланади. Бобо бахши XIX сарнинг биринчи ярмида яшаб, ижод этган. Шерназар бахшини шогирдлари: Мардонакул Авлиёкул ўғли, Ахмад юзбоши, Саодат юзбоши, Чори юзбоши, Нормурод Шерназар ўғли, Жўра Эшмирзо ўғли, Худойкул Лақай, Эсон Шомурод ўғли ва бошқалар. Алим юзбошини шогирди Холиёр Абдуназар Карим ўғли 1897 йилда Паданг қишлоғида туғилган. 1929 йилда Фольклоршунос олим Ходи Зариф Бойсунда бўлиб, Абдуназар бахшидан «Амир Қочди» достонини ва бир қанча термаларни ёзиб олган. Бойсун-Шеробод бахшичилик мактабини асосчиларидан бири Умар шоир Сафар ўғли қарийб 20 та достон ва юзлаб термаларни ёддан айтган. Ҳозирги Шеробод-Бойсун бахшичилик мактаби бахшилари Шерка бахши, Холёр бахши, Умур базшиларнинг давомчиларидир. Ҳозирги бахшичиликда Мунчоқ қишлоғидан, Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Бахши Болтаев Хомкон қишлоғидан Абдуназар Поёновлар шулар жумласидандир. Уларнинг шогирдлари-Шодмон Эгамберди, Урал Рахимов, Йўлдош Сувонов, Бахтигул Бобоева ва бошқалар. Бахшичилик нафақат Бойсун туман марказида, балки чекка қишлоғларида Мунчоқ, Тўда, Тангимуш, Даштиғозда ҳам бахшичилар етишиб чиқмоқда.

Шоберди Бахши Болта ўғли. (Болтаев Шоберди) - Бойсун районидаги «Мунчоқ» қишлоғида 1944 йилда туғилган. Термиз Давлат Педагогика институтини 1972 йилда битирди. Мунчоқ қишлоғидаги мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Шобердининг бахшичиликка фаолияти айрича жиҳатларга эга. Унинг ижодига таалуқли терма ва достонларнинг мавзуи ва мазмуни фалсафий мушоҳидаларга бой ҳолда долзарб муаммоларни қамраб олиш билан ўта муҳимдур. Унинг ижод бисотида тегишли «Алпомиш», «Олтинқовоқ», «Қунтуғмиш», «Малла савдогар», «Сулувхон», «Санамгавҳар», «Ойпарӣ», «Оллоназар олгинбек» достонларни эл севиб тинглайди ва бу достонларни бахши мароқ билан куйлайди. Бахшининг «Мехмондур», «Тилар», «Нима ёмон», «Кунларим», «Думбира», «Ойпарӣ» ва бошқа талай термалари аллақачон эл олқишига сазовор бўлган асарлари қаторига киради.

2000 йил «Ўзбекистон халқ бахшиси» юксак унвон сохиби бўлди. Хассос ижодкор Хидир шоир 2009 йил «Ўзбекнинг ўз алпи бор» достонини айнан Шоберди бахшига бағишланган. Шоберди терма айтадим, достон куйлайдими ҳаммасини юракдан куйлайди ҳам сел бўлиб куйлайди ва барчани ўзига махлиё этиб дўмбирасини сайратади.

Абдуназар Поёнов Хомкон қишлоғида туғилган. «Олтин қовоқ», «Малла савдогар», «Аллоназар Олчинбек», «Хомкон», «Алпомиш», «Келиной»,

«Кунтуғмиш», «Гўрўғлининг туғилиши», «Турсун мерган», «Давркул полвон» каби дostonларни куйлайди. У ўзи яратган «Алпомиш дostonига» кирувчи «Турсун мерган» ва «Давркул полвон» дostonлари 2000 ва 2003 йилларда нашр этилди. Шеробод-Бойсун бахшичиликда «Алпомиш», «Ёдгор», «Хурсина», «Кунтуғмиш», «Ёзи билан Зебо», «Келиной ва Гўрўғли» дostonига кирувчи «Нурали» дostonларини куйлаб келмоқда. Инсоният янги даврга кадам куйди. Янги асрда дунёнинг кўплаб халқлари ўз миллий кадрятлари, урф-одатлари ва маънавий-маданий маросимларига тобора қизиқиш билан қарамоқда. Зеро инсонни англаш учун у мансуб бўлган халқнинг урф-одат ва анъаналарини баддий тафаккур намунаси ҳисобланган халқ оғзаки ижодини ўрганиш лозим. Ўтмишни ўрганмай туриб ёруғ келажак яратиш бағоят мушкул. Сирасини айтганда халқ оғзаки ижодини ўрганиш-халқнинг турмуш тарзи, урф-одати, анъаналари, тарихи бугунги ва келажаги, уй-кечирмалари ҳамда рухиятни ўрганиш демакдир. Бундай ижод сахнасини англаш эса бахшичилик санъати сирларини ўрганишдан бошланади. Бахшичилик неча-неча асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келётган ғаройиб санъатдир. Хар бир бахши хотирасида ўтмиш анъаналарини сақлаб, уни авлодларга етказган ва бу эпик анъана хар гал ижро жараёнида янада бойиб, янгиланиб борган.

Шарофиддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур (1370-1405) ҳукумронлиги йилларида Давлатшоҳ бахши деган киши бўлган. «Акбарномада» эса Мирбахши деган бош бахшини номи тилга олиб ўтилган.

«Кутатғу билиг», «Хибат ул-хақойиқ», «Мероснома» каби абадий меросимизнинг нодир намуналари ҳам «Бахши» деб аталувчи котиблар томонида кўчирилган. Бахшиликнинг эътиборга молик яна бир хусусияти устоз-шогирдлик анъанасидир.

Бахшилик узоқ тарихга эга. Бу анъана ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Бойсунда- бахшичилик санъати ҳам узоқ тарихга эга. Бу юрт бахшилари юрти десак муболаға бўлмайди.

Бойсунлик Улаш Бахши Ғози ўғли (1892-1969) юксак махоратли бахши бўлган. Қорабўйин уруғидан чиққан Работ қишлоқлик Мулло Эрмамат бахши Бадалов халқ оғзаки ижодига қизиқди, дўмбира чертишни падари бузруквори Бадал бободан, кейинроқ қайнотаси Мерган овчидан ўрганди. Ўспиринлик йилларидаёқ дўмбира жўрлигида термалар айтиш, халқ дostonларидан парчалар ўрганишга интилди. Унинг араб тилидаги саводхонлиги, мактаб йилларида эса лотин графикасини яхши ўрганиш, мунтазам машқ ва устозлар мадади бахшичилик санъатининг нозик сирларини эгаллаш йўлидаги орзусини рўйобга чиқишига имкон берган. Таланти юксала бориб, 1950-1956-йилларда юқори чўққисига кўтарилган, номи район аҳолиси орасида Мулло Эрмамат бахши сифатида танилган.

Эрмамат бахши ижоди давомида йигирмадан ортиқ халқ дostonлари, жумладан «Алпомиш», «Авазхон», «Даллижон», «Кунтуғмиш», «Мисқол пари», «Бологардон», «Базурғон», «Кундуз ва Юлдуз» каби дostonларни ўзига хос услубда махорат билан куйлаган. Мулло Эрмамат бахши Бойсун районидаги Ёмчи, Питов, Кофрун, Бандихон, Тўда, Газа, Тоба қишлоқларида ўз санъатини намойиш этган. 1938-йилда Газалик Худойкул Турдиалиев томонидан мулло Эрмамат бахшини термалари ёзиб олинган. Иккинчи жаҳон

урушидан сўнг фольклоршунослар Музаяна Алавия, Ходи Зариф туманимизга ташриф буюриб, Мулла Эрмадат бахши билан учрашиб, ундан айрим терма дostonларини ёзиб олган.

БОЙСУНЛИК МУСАВВИРЛАР

З.М. Бобурнинг ҳоласининг ўғли Мирзо Муҳаммад Хайдар ёзган «Тарихи Рашидий» асарида мусаввирлар ҳақида жуда қимматли ва ноёб фикрлар ёзиб қолдирган. Мирзо Муҳаммад Хайдар 1500 йилда Тошкентда таваллуд топган. Унинг отаси Муҳаммад Хусайн Кўрагон дуғлот қабиласига мансуб нуфузли амирлар хонадонидан бўлиб, Ўратепа ҳокими эди. Онаси Хўбнигорхоним эса Тошкент хони Султон Махмудхоннинг синглиси яъни Захриддин Муҳаммад Бобурнинг онаси Қутлуғойим билан опа-сингил бўлган.

«Тарихий Рашидий» асарида шундай ёзади: «Мусаввирлардан бир Шох Музаффар бўлиб, у Устад Мансурнинг ўғли эди. Султон Абдусаид Амир Темурнинг набираси замонида Устад Мансурдан яхшироқ мусаввир йўқ эди. Шох Музаффар мўйқалами ғоят нозик, соф ва нафис ва пишшиқ бўлиб бўёқлари томошабиннинг кўзини қамаштирар эди. Яна бири Хожа Абдулхай деган киши эди. Хожа Абдулхайдан кейин Шох Музаффар ва Бехзод бўлиб, улардан кейин то бизнинг кунларгача уларга тенг келадиган бошқа киши пайдо бўлмади. Уларнинг ҳар иккаласини Мир Алишер тарбият қилган. Мавлоно Мирак наққош замон ажойиботларидан бири бўлиб, Бехзоднинг устози ҳисобланади ва ҳар турли пахлавонлик машқларини ҳам бажарарди. Яна бир мусаввир Бобо Хожидир. Яна бири Мавлоно Дарвиш Муҳаммад эди, Мирзо Муҳаммад Хайдарнинг устози ва Шох Музаффарнинг шогирдидир. Мавлон Дарвиш Муҳаммад - «найза учида шерни кўтариб турган суворий тасвирини шу қадар майда қилиб чизганки, бунинг барчасини битта гуруч (дони) билан бекитса бўлади.

Мусаввир Рўзи Чориев-Бойсунлик мусаввирларнинг бобокалони ҳисоблансада Бухоро амирлиги ва совет ҳокимияти давриларида Бойсундан бирон бир етук мусаввир етишмаган. Сурхон воҳасининг академик-мусаввири Рўзи Чориев асли Шерободнинг Пошхурд қишлоғидан бўлиб Бойсундаги Мехрибонлик уйида 1 ёшидан 18 ёшигача тарбияланган. Бу нозик таъб мўйқалам устаси Бойсунликлар қалбидан жой олган. У ҳар доим Бойсунни унинг иккинчи она юрти деб ҳисоблаган.

Рўзи Чориев 1931 йил 28 августда Шеробод тумани Пошхурд қишлоғида туғилиб, 2004 йил 18 сентябрда Тошкент шаҳрида вафот этди. Рангтасвир устаси, 1977 йил Ўзбекистон БА фахрий академиги, 1987 йил Ўзбекистон халқ рассоми, 1959 йил Беньков номидаги республика рассомлик билим юрти тугатиб, 1965 йил Репин номидаги Ленинград рассомлик, хайкалтарошлик ва меъморчилик институтини тугатган. 1966-1973 йиллар Тошкент педагогика институтида дарс бериш билан биргаликда, унинг ижодий асарларида ўлка манзаралари, ўтмиш ва бугунги кун кишиларнинг қиёфасини ёрқин бўёқларда катта маҳорати билан акс эттирган. Р.Чориев ижоди ранг тасвирга миллий рух, урф-одатлар, замондошлар, машхур намояндалар образлари туркумини олиб кириши, қишлоқларда тасвирий санъат галереяларини ташкил қилиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Портретлар («Замондошим», «Дўстим», «Келин. Шохи

сўзана», «Фиръавн.Эркак портрети», «Бойсунлик қария», «Пошхурдлик киз Барно», «Сайроблик чол», «Қиш. автопортрет»,) маиший ва тарихий («Сухбат», «Хумсон оқшоми», «Олтин топган кони», «Най. Чўпон бола», «Бойсун», «Бахор») «Шеробод манзараси», «Боғлар» ва б.) ва шу кабилар мавзулардаги асарлари машҳур. Р.Чориев Ўзбекистон тасвирий санъати тарғиб қилишда фидоийлик кўрсатган. Унинг ташаббуси ва бевосита иштирокида Республика болалар ижодиёти маркази, вилоятлар (Сурхондарё ва б.) да тасвирий санъат музейлари ташкил қилинган. Ёш рассомларга ғамхўрлик кўрсатган. 1969 йилдан Халқаро кўرғазмаларда қатнашиб келган. Европа (Италия, Швеция, Греция ва б.), Осиё, Африка мамлакатларида ижодий сафарда бўлиб, тассуротлари асосида қатор асарлар яратган. Р.Чориев ҳақида 2004 йил «Кўнғил камалаги ёки Рўзи Чориевни эслаб» фильми яратилган. Р.Чориев асарлари республика ва хорижий мамлакатларининг музейлари ва хусусий тўпламларида сақланади. «Чорвоқ водийси», «Сурхондарё одамлари» асарлари туркуми учун 1983 йил Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, 1998 йил «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган.

Тўра Шомирзаев. Бойсунлик рассом Республика рассомлик билим юртини тугатган. Тошкент, Самарқанд ва Душанбе шаҳарлардаги ижодий, муҳитдан нафас олиб кўрган ижодкорлардан. Аммо у қалби тубидан чинаккам хоҳиш-истакни орадан ўн йил ўтиб пайқади. Пойтахт Тошкентдаги Либослар уйи биносидаги деворидаги мозайка, марказий Универмаг биноси интерьеридagi бадиий безаклар. Бу орада Самарқанда – Архитектура институтида бадиий кулолчиликдан дарс берди.

Йирик объектларда буюртмалар бажарди. Душанбеда «Помир» ресторан ва бошқа бинолардаги сопол-қошиқ безакларини ишлади.

У «Гоген Бойсунда» номли картинасини яратганида тасвирий санъат соҳасида XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаб ўтган Франциялик машҳур рассом Поль Гогенни яратган буюк асарларига эҳтиром билан қарайди, унинг асарларини кўриб ўрганиб мушоҳада қилади. Бойсунлик Гоген-одатда санъат аҳли, рассомлар пойтахтда яшаши, бу ердаги ижодий муҳитдан баҳра олиб ижод қилишни зарурий эҳтиёж деб биладилар. Гоген ўз асарларини яратиш учун узок ўлкаларга Тамти ва Полинезияга сафар қилган эди. Чунки Гоген излаган, топган асарларида қўлланган рангларни барчаси Сурхон воҳасида хусусан Бойсун диёрида мавжуд. Фақат уни излаш англаш ҳис этиш учун ўлкани яёв кезиш, ижод машаққатларига бардош бериш керак эди. Рассомнинг илк ижодий ишларидан бири бахши тимсоли эди. У бунини яратди. «Кўнғирот аёллари» туркум асарида Бойсунинг олис тоғли қишлоғи-Хомкондаги Ўзбекларни кўнғирот уруғи аёлларини акс эттирди. Ижодкор «Тоғлар манзараси», «Тоғ йўлида», «Полвон», «Момо», «Бойсун баҳори», «Тушлик», «Она», «Манзара», «Ким кучли», «Рақс», «Хашарча», «Бахор» каби картиналари рассомга шуҳрат келтирди. Бойсунлик машҳур Ўзбек миллий кураши бўйича Жаҳон Чемпиони бўлган Тоштемир полвон Муҳаммадиевни ижодий портретини катта иштиёқ билан яратди.

У машҳур академик рассом Рўзи Чориевни ўзини устози деб билади.

**Бу замин тупроғи зардир, олтиндир,
Қуёш ерга тушган, минглаб ёлқиндир.**

**Ранглари бекиёс бу олам ори,
Сени деб хар юрак рассом, оқиндир.**

БОЙСУН АҲОЛИСИНИНГ АНЪАНАВИЙ ТУРМУШ-ТАРЗИ ЎТМИШДА ВА ҲОЗИРДА

Қизилнавр қишлоғи – Мазкур қишлоқ Мачайдарёнинг чап томонида жойлашган бўлиб асосий аҳолисини тоғчи-қатағонлар ташкил этиб, хўжалиги асосан лалмикор деҳқончилик ва чорвачиликни ташкил этади. Қизилнаврда 200 гектарга яқин қадимдан экилиб келинадиган лалмикор ерлар мавжуд бўлиб, бугунги кунда бу ерда ширкат хўжалигининг ўрнида фермерлар уюшмаси ташкил этилган. Дарёнинг чап тарафида Арпапояда 60 гектарга яқин, Кенгдалага боришда Мобирлида 50-60 гектарга яқин ўрмонли худудда картошка, Кенгдалада ўрмончилик хўжалиги бўлиб 1930 йилларда ташкил этилган. Қишлоқда асосан чорвачилик ривожланиб, деҳқончиликда ҳам лалмикор ерларга арпа ва буғдой экилганлиги боис боғдорчилик унчалик ривожланмаган. Арпапоя обикор бўлиб, булоқлар суви билан суғорилиб деҳқончилик қилинган. Чорвачиликда асосан от (йилқи) асосий тармоқ ҳисобланиб, шунингдек, эчки, кўпроқ қўй ва қорамол боқилиб, чорва кўпинча Ўрикли ва Жабаяк каби катта-катта лайловларда ривожланган. Отлар кўпқаридан олдин 40 кун боқилиб, 40 кун совитилиб, уста чавандозлар кўпқарига сафарбар этилади. Хунармандчиликда омов, кўш, эгарсозлик, заргар усталар, халажи, чарх ясовчи усталар бўлган. Аёллар турли хил пахтадан ва жундан хожари, чумчуккўз, тақир каби турли туман номдаги гиламлар тўқийдилар.

Тўй маросимлари. Тоғчи-қатағонларда асосан ички никоҳ маросимига амал қилинган, лекин ҳозирда бу анъана бузилиб бормоқда. Тоғчи-қатағонларни олдинлари Боботоғдаги тоғчи қатағонлар билан никоҳ муносабатлари бўлган, лекин ҳозир ўзаро оилавий алоқалар мавжуд эмас. Эркаклар ва аёллар совчи бўлиб боришади. Кўпинча икки эркак совчиликка боришади. Қатағонларда совчини – элчи дейишади. Совчилар совчиликка боришганда “Элга тушган элчидан, қизга келган совчидан. Бир қорабайчўри сўраб келдим” деб мурожаат қилган.

Қатағонларда ҳам бошқа туркийларда бўлгани сингари “нон синдириш”, “тўққиз товоқ”, “ижоб тўйи”, “бет очар” каби маросимлар ўтказилади. Тўй жўнатишда бўлғуси келиннинг уйига 15-20 та қўй, бир қоп гуруч, 20-25 минг сўм қалин пули ёки шир (сут) ҳаққи берилади. Никоҳ олдинлари келиннинг уйида, ҳозирда куёвнинг хонадонидан маҳалла муллеси томонидан ўқилади. Аёлларни олдинлари никоҳдан сўнг бошига катта салла ўраши расм бўлган, ҳозирда ўралмайди. Никоҳ тўйида қизнинг онаси биргаликда тушириб борган. Никоҳда бериладиган ёки кўйиладиган нарсалар доимо жуфт бўлган. Қизиғи шундаки, Қатағон аёллари ҳам никоҳдан сўнг Ўрта Осиё араблари сингари наттиба тақишган. Суннат тўйлар асосан ўғил боланинг тоқ ёшида ўтказилади. Тўй тантаналари асосан 3 кун давом этиб кўпқари, олиш (кураш) уюштирилади.

Мотам маросимлари: Қатағонларда инсон вафоти муносабати билан ўтказиладиган мунгли маросимдир. Мотам маросимлари жуда кўп расм-русум,

одат ва кичик маросимлар мажмуидан ташкил топган.

Мачай қишлоғи – Шерободдарёнинг юқорисида жойлашган бўлиб, Шерободдарёнинг Мачай қишлоғига бўлган қисми Мачайдарё деб аталган. ўтмишда Мачайдарёнинг номи Туркан (Гурган) дарё бўлган.

Мачай қишлоғи уч қисмдан: Юқори Мачай, Ўрта Мачай ва Қуйи Мачай қишлоғи. Юқори Мачай ва Ўрта Мачай қишлоқларининг ўртасида машҳур Тешиктош ғори жойлашган. Мачай сўзининг этимология бўйича яқдил фикри мавжуд эмас. Халқона этимологияга кўра Мачай сўзи уч хил маънони англатган.

Биринчиси, Мачайдарёнинг тошдан-тошга урилиб қизариб оқаётганини кўрган боболар “ма чой” дейишган ва бундан кейинчалик Мачай сўзи пайдо бўлган экан. Бошқа бир қарашга кўра, Мачай қишлоғи нисбатан чуқурликда жойлашгани боис “манна чоҳ” дейилган ва кейинчалик Мачай бўлиб кетган экан. Учинчи фикрларга кўра Мачон деган қабила номидан келиб чиққан. Мазкур уч қишлоқда ҳам ўзбек кенагаслар, барлослар, турклар, хардурилар, қисман эронийлар яшашади. Асосий аҳоли 350-360 йил олдин кўчиб келган дейишади. Бугунги кунда биргина Юқори Мачай қишлоғида 372 хўжаликда жами 1576 киши яшайди.

Хўжалиги. Асосий машғулоти тури деҳқончилик ва чорвачиликни ташкил этиб, деҳқончиликда лалмикор ерларга буғдой, арпа, зиғир экилади. Лалмикор ерлардан ҳам мўл ҳосил олинган. Бу ерларда олдинлари ўзига хос алмашлаб экишга амал қилинган бўлиб, бир йил экилган ерларга иккинчи йил экилмаган. Ер шудгор қилиб қолдирилган ва йил бўйи қор ҳамда ёмғир сувидан тўйиниб дам олган. Йил ёмон келиб, ёғингарчилик бўлмаса, ёш боланинг устига жанда кийдириб сув сепилган. Деҳқончилик билан боғлиқ “Дарвешона” ва “Қозон тўлди” маросимлари ўтказилган. Чорвачилиги кўпроқ қўй, эчки қисман йилқи ва қорамол боқилади. Қўй ва эчки жунидан, шунингдек, кейинги даврларда пахтадан Гожари гилам, Кўчқормайиз, Имомсултони, Аждар гилам каби гиламлар ва турли-туман ўлчамдаги кигизлар тайёрланган ва уларнинг айримлари сотувга ҳам чиқарилади. Ҳунармандчиликда дурадгорлик яхши ривожланган. Уста-дурадгор Тураббой бобо ёғочдан турли ўймакорлик буюмлари: нақшли сандиқлар, дўмбира, ҳалажи, чарх каби кундалик эҳтиёж буюмларини ясаган.

Анъанавий таомлар: шўрва, қайнатма шўрва, палов, жалама (шавла), куртоба, ширингурич, буғдой ёрмасидан ош қилинади.

Тўй маросимлари: Совчиликка борилганда “Биз сизнинг уйингизга кунда ёргани келдик” деб мурожаат қилинади. Никоҳ маросимларида олдинлари келиннинг қалинига ер ҳам берилган. Баъзилар хаттоки қуда бўлишдан олдин ерини ҳисобга олиб қиз берганлар. Хатто мол пули етмаганлар ерини бериб эвазига келин олганлар ёки ўрнига бир неча йил ишлаб берганлар. Шунингдек, қалинига 20-30 та мол берилган, ҳозир 15-20 та қўй, 15-20 минг сўм пул, икки той пахта, бир қоп ун, бир қоп гуруч, 10 кг мой ва мева-чевалар берилади.

Мотам маросимлари: Мачай аҳлининг дафн маросимларида марҳум кекса ёшли бўлса ўша куни дастурхон ёзилиб, қўй сўйилган. Агар ёш бўлса етти кун мобайнида ҳеч қандай дастурхон тузатилмаган. Биринчи кун исқот

(хайрот) – келганларга пул тариқасида тарқатилган. Олдинлари танга пулларни тобутнинг устидан сочиш расм бўлган. Марҳумни унинг яқин қариндошлари – суяк эгалари ювади. Қабрга ҳам унинг яқин қариндошлари, кўпроқ тоғаси кўяди.

Мачай қишлоғида бошқа қишлоқлардан фарқли равишда марҳумни хотирлаш билан боғлиқ “етти”, “қирқ”, “йил оши” маросимларигина ўтказилади. Марҳумнинг яқин қариндошлари мотам рамзи сифатида кийган ўзларининг мотам кийимларини марҳум вафотидан сўнг бир йил ўтгандан сўнг қозон остига олиб куйдирилган.

Сариосиё маҳалласи. Бойсуннинг Сариосиё маҳалласи жами 501 хўжалик, 2165 та аҳоли яшайди. Бундан 1065 таси аёллар. Сариосиёда чўлок, дарбанди, жўғи, тоқчи-қатағон, қурама, қассоб уруғлари яшайди.

Сариосиё дегани тожикча Сари-боши, осие-тегирмон, яъни тегирмон боши деган маънони билдиради. Бу жойдан Бойсунни сув билан таъминлайдиган ариқ оқиб ўтади. Мазкур ариқда олдинлари 32 та тегирмон бўлган ва шу боис, бу ерни тегирмон боши дейилган экан. Мазкур қишлоқда Хўжа Сирпўши Вали қабри мавжуд. Хўжа Сирпўши Вали Абдуҳолик Гиждивонийнинг устозларидан бири бўлган. Дастлаб қишлоққа чўлоқлар келиб ўрнашган деган ривоятлар мавжуд.

Сариосиё дарбандилари ва Дарбандлик дарбандиларнинг ҳам пирлари Шаҳрисабздаги Боқихон, Набихон эшонлар бўлган.

Хўжалиги. Сариосиёликлар олдинлари асосан косибчилик, темирчилик, тегирмон яшаш билан шуғулланишган. Шунингдек, улар турли-туман олачалар ҳам тўқиганлар. Сариосиё олачалари ҳаттоки Афғонистонда ҳам машҳур бўлган. Бу ерда деҳқончиликда лалми экинлар экилган. Шунингдек, узумчилик ҳам анча ривожланган. Олдинлари ҳар бир кишининг шахсий дала ҳовлилари бўлган. Жўғи уруғининг ота-боболари дукчи бўлишган. Қассоблар эса ҳайвон сўйиб қассобчилик билан шуғулланишган. Сариосиё қассоблари бутун Бойсун аҳлини гўшт билан таъминлаб турган. Тоғчи-қатағонлар эса темирчилик билан шуғулланишган.

Тўй маросимлари. Сариосиё дарбандилари совчиликка борганда “Сизлар бизнинг хешу таборамсиз, шу боис қариндошликни мустаҳкамлаш учун сизнинг уйингизга ёвчи (совчи) бўлиб келдик” – деб мурожаат қилишган. Совчи ишни пишириб кетгандан кейин Фотиҳа тўйи ўтказилган. Фотиҳа тўйида 4 та қўй, икки каллак (бир каллак 50 кг.) гуруч, сабзи, картошка, 50 тагача қўйлак берилган. Бу ердан ҳам Кўрпа тикар, Ижоб тўйи, Рукишод (Бет очар) каби маросимлар ўтказилган. Вакил ота Сариосиё дарбандилари “шойид” дейилади. Келин қирқ кун мобайнида чилла сақлайди. Қизнинг онаси бирга тушириб боради.

Мотам маросимлари. Жон бериш арафасида турган одамнинг олдида Ёсин сураси ўқилади ва мазкур уйдаги барча нарсалар макруҳ бўлади деб олиб чиқилади. Жон чиққандан сўнг майитни маҳрам сувига олинади. Бу ерда бошқа қишлоқлардаги сингари ўликни “меҳмон қилиш” одати йўқ. Марҳумнинг энг яқин кишиларидан, агар улар бўлмаса, уруғ ичидаги ихтиёрий шахслардан тўрт киши ювади. Аёл кишини ювишда ҳаттоки уни ювиш учун ишлатиладиган сувни ҳам номаҳрам одам кўрмасин деб ичкарида иситилар экан. Эркак

майитни ювиш учун сув ташқарида 3 та тош қўйиб иситилган. Марҳумни ювиш учун атиги иккита чойнак ва иккита коса олиб келинади. Кафан учун 25 метрлар чамаси оқ сурп ишлатилган.

Мотам маросимларида йиғи, айниқса марсия айтиб йиғлаш алоҳида ўринни эгаллайди. Дафн кунидаги йиғида эркаклар ва аёллар (айниқса аёллар) баланд овозда дод солиб, юзларини юлиб, марсия айтиб йиғлайдилар. Сариосиё маҳалласида махсус йиғлаб садр тушувчи махсус гўяндлар ҳозирда ҳам мавжуд.

Марҳум дафн этилган куни “сиёҳбордори” қора ош қилиш расми бўлган. Фақат мазкур таом марҳум дафн этилгандан сўнг қўшни хонадонда ёки яқин қариндошларнинг уйида тайёрланади. Олдинлари етти кун мобайнида ҳозирда уч кун мобайнида марҳум чиққан хонадонда олов ёқиб овқат тайёрланмайди. Майит ювилган жойга дафндан сўнг ҳар кеча иккитадан чироқ қўйилади. Шунингдек марҳум ювилган жой тупроғининг етти жойидан олиниб қабрнинг устига тўкилади.

Марҳумнинг яқин кишилари мотам рамзи сифатида кўк рангли кийимни унинг йилигача кийишган. Эътиборли томони шундаки, олдинлари марҳумнинг яқин эркак қариндошлари ҳам қирқ кун мобайнида кўк желак кийишган. Марҳумни хотирлаш билан боғлиқ етти, йигирма, қирқ, Сол оши (йил оши) ва Ийда Рамазон ҳамда Ийда Қурбон билан боғлиқ ҳайитликлар каби маросимлар ўтказилади. Дафн маросими ва ундан кейинги марҳум хотираси билан боғлиқ маросимлардан дастурхонларда нарсалар тоқ қўйилган. Неъматларни тоқ қўйиш ёки тоқ тарқатиш одати заманида шу хонадонга келган ўлим жуфт бўлмасин, деган маъно ётади.

БОЙСУННИНГ МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАРИ

Хонамиз дўстлар оёғидан топар нур-у, зиё,

Уй-фонус, меҳмон шаму, мен эса парвонаман.

Меҳмон ҳар қанча турса хизматин айлай бажо,

Кетса меҳмон, мен мисоли мажнунга девонаман.

(Домла Мир Ҳаттот).

Бойсунда меҳмондорчилик. Бойсунда-ёру биродар, қариндош-уруғ ва дўстларникига тез-тез бориш-келиш қилиб туришни энг яхши инсоний фазилатларидан бири деб билади халқимиз. Ўз уйига келган ҳар бир меҳмонни яхши очик кўнгил билан кутиб олишлари ҳам бир фазилатдир.

Дарахт-борки, унга куш қўнади, уйки бор, демак унга албатта меҳмон келади. Меҳмондўстлик наинки инсонийлик боғидир, балки шу боғнинг энг ширин мевасидир. Бойсунда меҳмонни нон ва хушбўй Кўк чой билан кутиб олинади. Кейин бошқаси. Агар баҳорда ёки ёзда туман атрофидаги дашт қишлоқларига қўноққа бориб қолсангиз албатта бир коса қатик ёки чолоб билан нон олиб келинади. Ўзбек хонадони учун меҳмоннинг муҳим ёки номуҳими каттаси ёки кичиги деган гап бўлмайди.

Остонадан қадам ранжида қилган ҳар қандай киши бир пиёла чой ичиб кетишга ҳақи бор. Чунки у меҳмон-да! Бойсунда-меҳмондорчиликда борсангиз, қайси уйга қадам қўйманг, дархол дастурхон ёзилиб, ширинлик келтирилади.

Дарҳақиқат, ширинлик ва қандолат дастурхоннинг кўркидир. Одатда дастурхонда турли хил қиём, ҳолва, қанд-курс сингарилар қаторида майиз, туршак, писта, бодом, жийда, ёнғоқ каби қуруқ мевалар, олма анор, узум каби хўл мевалар қўйилади. Палов, хом шўрва каби таомлар берилади. Туманнинг деярли барча қишлоқларида, мезбон озми-кўпми нимаинки нарсаси бор экан, барига барака деб меҳмонни олдиға қўяди. Меҳмонни иззат - ҳурматини жойига қўяди.

Бойсунда- меҳмонға сарпо кийдириш одатининг икки маъноси бор; Бири-ўзининг яқин кишисига, қариндошиға сарпо кийдирса, бу билан узоқлашмаслик бегоналашмаслик, ҳамжиҳатлик истаги бўлса, иккинчиси-бегона кишиға ҳам сарпо кийдириш одати бор, бу эса у билан дўстлик риштасини боғлаш маъносини билдиради.

Бойсунда яна бир одат бор-ки агар икки томонда куда-андачилик риштаси боғланса ҳам, сарпо кийдирилади. Бунда эркакларға алоҳида, куда бўлиб келган хотин-қизларға алоҳида сарпо кийдирилади. Сарпо кийдириш удуми меҳмондўстликда ҳақиқий дўстлашишнинг, қариндошға айланганликнинг ёки қадрдон бўлиб қолганликини рамзий ифодаси ҳисобланади. Шу сабабдан мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён чет эллардан келиб элимизнинг меҳмони бўлган кишиларға ҳам миллий уст-бош кийдирилади, бу асрий меҳмондўстлигимиздан келиб чиққан ажойиб анъана, меҳмонға нисбатан эзгулик нишонаси бу! Сайробда бўладими, Панжобда-ми, Бешэркак қишлоғидами, Мачай ёки Қизилнавр, Кенталаға-ми, Даштиғоз, Кофрун, Работ ёки Пулҳокимда-ми, Дуоба, Қурғонча, ёки Дехиболо ёки Айлангарсойда-ми, Дарбанд ёки Шўроб, Хўжабўлғон, Тиллокамарда-ми, Авлод, Пасурхи ёки Кўчкакда-ми хуллас қаерда меҳмонда бўлсангиз албатта илиқ кутиб олади. Агар остонасига бориб бир кишини суриштирсангиз, албатта киринг чой ичинг деб айтишади. Бундай олийжаноблик асрдан-асрга ўтиб бизгача етиб келган бўлса нежаб.

Бойсунда-меҳмон сўраб емайди, меҳмонни олдиға нима олиб келиб қўйилса ана шуни тамади қилади. Агар меҳмонни уйига таклиф қилган бўлса, меҳмонға атаб, атайин патир, нон пиширилади. Катта тўйларда нонларни бетига ош, гўшт, мева-чева, қанд-курс қўйиб, дастурхонға қўйилади ҳам олиб кетилади. Бу одат ҳозир ҳам бор.

Бойсунда чорлаш-чақирик. Бойсунда никоҳ тўйидан сўнг келин ёки куёв шарафига ҳар икки куда уйида ўтказиладиган биринчи чақирик, зиёфат, маросим. Ўзбекларда келин Чоркесар (чорлар) тўйдан кейин бир хафта ичида келиннинг ўз ота-онасиникиға куёвнинг яқин қариндошлари, кўни-қўшнилари билан меҳмон бўлиб боришидир (эркаклар иштирок этмайди). Бунда куёвнинг онаси қудасиникиға ҳар хил совғалар, миллий таомлар, ширинлик ва бошқа нарсалар келтиради. Келиннинг онаси зиёфат тугагач, аёл қудаларға

Келин салом. Келин кўрди-келин кўриш Бойсунда жумладан янги келинчакни кўриш одати. Никоҳ тўйининг эртасига ўтказиладиган «бет очар» маросимидан бошлаб бир йилча давом этади. Куёвнинг қариндошлари, танишлари, кўни-қўшнилари (ҳамсоялар) ва бошқалар келин кўришға келадилар. Келин уларни салом (таъзим) қилиб кутиб олади. Дастурхон ёзилади. Келиннинг хонаси сеп ва сарполар билан безатилади. Келин ясалган ҳолда, юзига тур тўтиб, келганларға салом қилади сўнг чой узатади. Келин кўрдига келганлар келиннинг сарпо ва сепларини томоша қиладилар, бироз

ўтиргач, келинга бахтли турмуш тилаб кайтадилар.

Келин таъзим билан эгилиб қайнота ва қайнонасига салом қилади. Улар салом жавобини бериб, келиннинг бошига кўрмана куядилар. Сўнг куёвнинг ака-укалари, қариндош ва яқинлари навбат билан келиб, дастурхончи кўлига кўрмана(одатда пул, мато, рўмол ва ҳоказо) берадилар.

Бойсунда Садо байрами-Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича «Бу бахман оининг ўйин, томоша ва хурсандчилик авжига чиқадиган унинг кунидир. Сада форсча «сад» сўзидан бўлиб, Наврўзга қадар 50 кун ва 50 тун қолганлигини англатади. Сада байрами Наврўзга ҳақиқий тайёргарликнинг ўзига хос бошланиш нуқтаси, дебочаси бўлиб хизмат қилган. Қадимги Хоразмликларнинг «Чири» маросимига ўхшаб кетадиган бу байрамнинг пайдо бўлишини аллома шундай изоҳлайди:

«Чирининг ўн бешинчи куни «ажғор»дир, маъноси шуъла, олов ёқишдир. Қадимги замонларда бу байрам биринчи маротаба олов ёқишга эҳтиёж сезилганда пайдо бўлган». Ушбу байрамда олов ёқиш анъанасини келиб чиқишини эса Беруний Заҳҳоқ ҳақидаги ривоят билан асослайди. Заҳҳокнинг вазири булмиш Армоил шох амрига биноан ҳар куни иккита эркак одамни ўлдириб, уларнинг миясини ҳукумдор елкасидан ўсиб чиққан илонларга таом қилиб пишириб беришга мажбур бўлган. Аммо, Армоил икки эркакдан фақат биттасини қурбон қилиб, иккинчисини кўйиб юборар ва ўрнига кўй миясидан овқат тайёрлар экан. Шу зайлда Заҳҳоқ шохлиги адо бўлгунча озод этилиб, Дамованд тоғига яширинган эркаклар сони 100 нафарга етибди. Фарудин шох бўлгач, Армоил бу сирни ошкор қилади. У одамларни тоққа юбориб, Заҳҳокдан омон қолган барча эркакларга олов ёқишни буюради. Шу тарзда Сада байрами вужудга келади.

Абдулқосим Фирдавсийнинг машҳур «Шохнома» асарида қадимги асотир ва ривоятларга таянилган ҳолда айтилишича, Сада байрамини пайдо бўлиши Хўшанг подшолиги замонида тўғри келади. Ривоятларга кўра, Каёний сулоласи (Қаюмарс авлоди)дан бўлган шох Хўшанг ўз яқинлари билан тоғ сайрига чиқиб, бир бадшакл илонга рўпара келади. Хўшанг тимқора ранги ва қонхўр кўзлари ёмонлик рамзи бўлиб кўринган махлукни мўлжалга олиб тош отади. Шу пайт унинг тоши муқобил томондан учиб келаётган ваҳимлаи тошга шиддат билан урулиши натижасида олов пайдо бўлади. Бу лахзани кўрган Хўшанинг ниҳоятда таъсирланиб, чиққан оловни «Фуруғи Изиди»яъни яздон олови деб айтади.

Абдусаид Махмуд Гардезийнинг «Зайн ул-ахбор» асарида (XI аср) маълум бўлишича, Сада байрами баланд, хушманзара жойларда нишонланган. Оловни ёқиш учун ўтин орасига нафтга тўлиқ найлар қўйилган. Базмгоҳда шох ва вазирларга тахтлар ўрнатилиб, кимхоб кўрпалар тўшалган, нознеъмат дастурхонлари устида ангубин, гулоб ва олтин жомларда шароблар қуйилган. Байрам шодиёналарини яна бир ажойиб манзараси эътиборни тортди. Сада байрамида бургут, ғоз ва кабутар манзараси қушларни тутиб, оёқларига узун иплар билан ичига нафти шимдирилган пахта тикилган ёнғоқларини боғлаб қўйишган. Ҳамма базмда ҳозир бўлгач, шох ижозати билан шу ёнғоқларга ўт қўйилиб, қушлар учуриб юборилган. Бу ҳолни мўшакбозлик(тарфбози) деб номлаганлар. Базмгоҳ чеккасига байрамнинг асосий унсурларидан ҳисобланган сада дарахти ўрнатилиб, рангба-ранг қоғозлар ва лойдан ясалган уйинчоқлар

билан безатилган ушбу дарахт атрофида карнай-сурнай, ноғора, доира садолари остида рақса тушганлар. Ўша даврлардан буён ажам анъаналари устивор мавкеда бўлган оловга, ўтга топиниш Сада байрамини нишонлашда ҳам асосий ўринни эгаллаб келган.

Чунки, Фирдавсий таъкидлаганидек, Парвардигори Олам томонидан ёвузлик ва қабохатни бартараф этиш учун яратилган олов муқаддас ва пок унсур ҳисобланган. Шу жиҳатдан ҳам оташпарастрлар оловни рушнолик манбаи сифатида эъзозлаб, унга эътиқод қилганлар.

Шу тариқа кўп ўтмай Машрик Замин халқларининг янги қут-барака, қайтадан барк уриб яшариш, орзу-умидларга бош бўлган сурурли Наврўз байрами кириб келган.

Бойсунлик дорбозлар- Сурхон худудидан топилган археологик материаллар, қоятошларга ўйиб ва чизиб ишланган расмлар қалъа ва сарой деворларини беаган деворий тасвирлар қўлёзма китобларга, ишланган мўъжаз расмлар ёзма манбаларда келтирилган қайдлар, бу худудда дорвозлик санъати қадимдан ривожланганлигини кўрсатади. Хусусан, Зараутсойдан топилган қоятош расмларида ов манзаралари, чавандозлар, овдан кейинги шодиёналик, ҳайвон ва қушларни тасвири, отда чавандозлик маҳоратини намойиш этиш ва бошқа лавҳалар акс эттирилган. Тупроқ қалъа, Жарқўтон, Болаликтепа, Холчаён, Далварзинтепадан масҳарабозларнинг сопол ҳайкалчалари топилган деворий расмларда масҳарабозлар ва турли ниқоблар акс эттирилган. XVII-XVIII асрларда Туркистондан санъаткорлар Россияга бориб ўз санъатини намойиш қилган Бухоролик дарвозлар(Мир Ориф тўдаси)Москвада бир йили (1784-1785 йиллар) дор тикиб томошабинларга тинмай нафис ўйинлар кўрсатишган.

Бойсунлик Ҳамро Дорбоз (Рўзиев Ҳамро) санъаткорлар маҳалласи бўлган Катаригузар мавзесида туғулиб вояга етган. У балоғат ёшига етгач ўз-ўзидан оддий арғамчинлардан дор тикиб, маҳалладошларига кўрсатган. Бойсунга келиб ўз дорвозлик санъатларини намойиш этаётган водийлик Жўра Хўжа Норхўжаев раҳбарлигидаги дорвозчилардан илтимос қилиб, дорга чиқиб, ўз ўйинини кўрсатганида у эндигина 11 ёшида бўлган эди. Кейинчалик уларга шогирд тушиб, 10-12 йил дор устида ўйин кўрсатди. Дорбоз Ҳамро Рўзиев(1957) билан бойсунликлар ҳақли равишда фахрлансалар арзийди.

БОЙСУН ПАХЛАВОНЛАР ЮРТИ

*Мард келдинг, мард кетгил, тоқатинг тоқ бўлса ҳам,
Ўтма номард кўпригидан сув сени оқизса ҳам.*

Оразий

Бойсун тумани халқ оғзаки ижодида алоҳида аҳамиятга эга бўлган афсоналар, ривоятлар, эртақлар, топишмоқлар ва латифалар асрлар давомида бойиб, халқнинг маънавий бойлиги ҳисобланиб келмоқда. Халқ оғзика ижодиётининг ноёб маънавий бойлиги ҳисобланган «Алпомиш», «Гўрўғли», «Хасанхон», «Нурали», «Шерали» сингари дostonлар, миллий кўшиқ, лапарлар ҳамда халқ оғзаки ижодиёти дунё маданиятида ўз ҳурматини топди. “Алпомиш” дostonи ҳақида 1952 йил 28-31 мартда Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида алоҳида муҳокама бўлди. Совет мафқураси асосида бўлиб ўтган ушбу муҳокамада дostonнинг мазмуун ва

моҳияти камситилиб, гўёки дostonда хонлар ва беклар шаънига ҳамду-санолар ўқилиб, босқинчилик ва зўравонлик тарғиб, қилинган ҳамда диний оҳанглар, илохий кучга ишониш, илохиятнинг мавжудлиги каби ғоялар тарғиб қилиниб, дostonда диний ғоялар кенгроқ таҳлил этилган деб унинг миллий маънавий мероси камситилди. Йиғилишда халқимизни маънавий қахрамонига айланган Алпомиш қиёфаси сохта талқин этилиб, унинг мардлиги, жасурлиги, ватанпарварлиги, инсонпарварлиги махсус бузиб талқин этилди.

Масалан, Машхур халқ куйчиси Ўтар шоир Сафаров айтган «Ойпари» дostonи қайта ишланиб, нашр этирилгандан сўнг, ўғли Қорабахшига китобни ўқитиб ўксиган, бу мен айтган дoston эмас, деб йиғлаган экан. Мустақиллик ана шундай истироблар, қон ютишлар исқанжасида қолган халқимиз қалбига нур, умидларига қаноат, дардларига малҳам бўлиб келди. «Алпомиш» дostonи қадимий аждодлармизнинг ижодий даҳосининг бебаҳо бадиий ёдгорлиги сифати жаҳон халқлари эпик ижодиёти намуналари орасида алоҳида ўрин тутди. Айниқса, давлатимизнинг мустақиллиги қўлга киритилгандан сўнг мустақил ривожланиш даврида миллат бирлиги маънавий уйғониш, миллий ғурур ва ўз-ўзини англаш рамзига айланганлигини алоҳида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш дostonи яратилганлигининг 1000 йиллиги тўғрисида»ги қарори дoston яратилишини чуқурроқ ўрганиш лозимлигига, дostonни қайта тикланишига асос бўлди. Алпомишни яратилиши хусусида илмий, бадиий ҳамда оммабоп фикрлар мавжудлиги ҳисобга олган ҳолда қуйидаги изоҳларни талқин этиш мумкин:

Биринчи «Қипчоқ» талқин. Қипчоқ уруғининг ғарбга силжиши билан Қозоғистон, Бошқирдистон, Татаристон, Аҳбазия ва уларга яқин ҳудудлар халқлари орасида яратилган ва кенг тарқалган «Барчин Суллу», «Алпомиш» номлари билан боғлиқ катта-кичик оғзаки ижод намуналари.

Иккинчи «Олтой талқин». Бенихоя кенг ҳудудларни ишғол қилувчи тоғли Олтой этаклари ва Энасой сохилларида қадимги Турк хоконлиги даврида тахминан V-VII асрларда «Алип-Манаш» - «Алпомиш» номлари билан машхур бўлган дostonлар ва эртак афсоналар.

Учинчи «Ўғиз талқини». Туркий халқлар, хусусан, озор, туркман, турк, ўзбек ва бошқалар орасида яшаб келаётган катта-кичик асарлар, чунончи, «Дада қўрқит» дostonи ва бошқалар.

Тўртинчи Ана Дўли туркларининг шимолий – шарқий қисмида жумладан, Бойбурт, Эрзурут, Эрзуржон ва уларнинг теварак атрофида тарқалган «Бамси-Байрак» хикоялари, афсона, ривоятлар.

Бешинчи «Қўнғирот талқини». Ўзбекларнинг ўтроқлашувидан кейин юзага келиб, мукамал ҳолда кенг тарқалган ва жонли оғзаки аънаналарида яшаб келган дostonлар туркуми.

Ўзбеклар ўтроқлашган кейин мукамаллашган бешинчи талқин «Қўнғирот талқини» мустақиллигимиз туфайли қайта туғилди. Сабаби мактаб ўқувчиси дарслигида йўқ, оммавий йиғинларда бахшилар тилида айтилмайдиган, халқ оғзаки ижоди ноёб дурдонасини кўпчилик билмасди.

«Алпомиш» дostonида Алпомиш юртига қайтгач Бойсун-Қўнғирот гуллаб яшнаган Ватанга айлагани куйланганидек истиқлол туфайли Ўзбекистон жаҳонда ўз ўрнини тиклади. Ўзининг тимсолларига, полвонларига - алплари-ю

муқаддас қадамжоларига эга бўлди.

«Алпомиш» достонининг муқаммал Қўнғирот талқини яратганининг 1000 йиллиги байрами муносабати билан «Алпомишнинг қайтгани» ни қуйлаб халқ ижодида қўшиқлар яратилди.

Қайта қол Алпомиш

Достонинг битилди, минг йиллар ўтди,
Адашган дарёлар ўзанга қайтди.
Юртингда оқ-ойдин тонглар ҳам отди,
Қайта қол Бойсунга, Алпомиш ўғлон.

Сени унутмаган муқаддас Турон,
Ёднома ёзади мадҳингга Усмон.
Эй, улуғ бобомиз, эй, азиз инсон,
Қайта қол Бойсунга, Алпомиш ўғлон.

Хилпирар Бобуру, Навоий тўғи,
Охиста кезади Темурбек руҳи.
Турон замин узра эркнинг Шукухи,
Қайта қол Бойсунга, Алпомиш ўғлон.

Ойнакул ялтирар, соғинчи-армон,
Чилвир чўли эса гуллаган бўстон.
Қалмоқлар тўйингга бўлади меҳмон,
Қайта қол Бойсунга, Алпомиш ўғлон.

Лукларинг Нор туя бўлиб юрибди,
Бойчибор зурриёди, сурув бўлибди.
Дўстинг Қоражон ҳам кутиб турибди.
Қайта қол Бойсунга, Алпомиш ўғлон.

Соф севги тимсоли Барчиной кутар,
Йўлингга Буритахт дашти зор ётар.
Бугун пойгаларда Бойчибор ютар,
Қайта қол Бойсунга, Алпомиш ўғлон.

Бойчибор тулпорлар сувлигин чайнар,
Бойсунтоғ бағрида чашмалар қайнар.
Қўнғирот Шоберди мадҳингни қуйлар,
Қайта қол Бойсунга, Алпомиш ўғлон.

Сенга она-Ватан Бойсун-Қўнғирот,
Истибдод йиллари сен эдинг нажот.
Адолат тикланди, юрт бўлди обод,
Қайта қол Бойсунга, Алпомиш ўғлон.

Истиклол нур сочар-таниди жаҳон,
Қўрғон ва юрт тўкис мусаффо осмон.
Тўйингни бошлашга бердилар фармон,
Қайта қол Бойсунга, Алпомиш ўғлон.

Овозинг сасидан титрасин тоғлар,
Достонинг шавқидан кўнгиллар чоғлар.
Бойсунда номингга яратдик боғлар,

Қайта қол Бойсунга, Алпомиш ўғлон.

Бугун бутун бўлди ўзбекнинг нони,
Рохатда Бойбўри-Бойсари жони.
Қўнғирот бийлари кутмоқда сени,
Қайта қол Бойсунга, Алпомиш ўғлон.

Бойсун-Қўнғиротда истиклол. Ёш ҳам шод, кекса ҳам шод. Халқ қўшилиб, қайта қол Алпомиш деб чин дилдан азиз-авлиёларни ўртага қўйиб куйлади. Халқ илтижоларига чидай олмай Барчиной ҳам «Қайта қол тўрам»,- деб кўзида ёш билан, қайғули боши билан, эгик бошда, қалдирғоч қанотидай, нам бўлган қоши билан куйлаб турган жойи:

Қайта қол эгам (Ойбарчин тилидан)

Боғбони бор боғлар гулзор бўлади,
Қаровсиз боғ зоғга ошён бўлади.
Эгали юрт жаннатмакон бўлади,
Истиклол куёши юртимда порлар.
Ватанга даркорсан, қайта қол Эгам.

Мол эгаси, чексиз яйловда чўпон,
Чўпонни хоритар, отарда чабон.
Сарбонсиз қолган эл, дунёда сарсон,
Халқ бўлсин-да элим, бўлмай оломон.
Халққа сарбон зарур, қайта қол Эгам.

Чидадик, мешқобчи бўлганда Ота,
Ҳеч ким айтолмади, бу ишлар хато.
Айтолган, Боқийга кетдилар, хатто,
Азиз бўлсин юртда жамики Ота.
Бойбўри бобом зор, қайта қол Эгам.

Айтолмаган дилда, қанча алам бор,
Кунтуғмиш Онамиз, йиғлади зор-зор.
Бодом бикач қилди бизга кўп озор,
Бойчечак ниш урди, юртимда бахор.
Оналар соғинди қайта қол Эгам.

Виқорли-қорли тоғ бўлади баланд,
Хиёнаткор бўлмасин, ҳеч қачон фарзанд.
Яйловда товони ёрилди Ёдгор,
Дилида, тилида деди Отам бор.
Ёдгоржонинг кўтар, қайта қол Эгам.

Дил изхорин куйлар бахши-қўшиқчи,
Йигитга меҳрибон доим эгачи.
«Хала деди-хала» кўлда химичи,
Эгачинг қон йиғлаб, бўлди туячи.
Қалдирғоч кўзи тўрт, қайта қол Эгам.

Қуртламаса қори деманг уни тоғ,
Боғбонсиз дарахтзор бўлолмайди боғ.
Кўнглингдан кетмайди Ултон берган доғ,

Сизни кўриб дўстлар, кўнгли бўлсин чоғ.
Дўст Қоражон илхак, қайта қол Эгам.

Инсон кўраркан не бор тақдирда,
Ёмғир берди, оху туғилгач чўлда.
Сен кетдинг-гу ботир кўпайди элди,
Ултонтоз не кунлар солмади менга.
Кўзларим тешилди, қайта қол Эгам.

Х. Чоршанбиев (Сувоний)

Бойсун-чавандозлари. Ўзбек халқ мақолаларининг бирида от йигитнинг қанотидир, дейилган. Чиндан ҳам шундай. От олис сафарларда, жангу-жадалларда-яъни Ватанни босқинчи душманлардан ҳимоя этишда йигитнинг ҳамроҳи, ҳамкори, чинаккам дўсти бўлган. Тулпорларнинг йуртиб юришлари, йўрғалаб юришлари, ёлларини баҳор шаббодасида хилпиратиб чопишлари, кўкка сапчиб икки оёқда туришлари кишига завқ келтиради. Отлар ҳақида жуда кўп афсона ва ривоятлар бор. Алпомишнинг Бойчибор Гўрўғли ва Авазхоннинг Ғирот тулпорлари ҳақида дostonларда мадх этилган. Инсонга отдай меҳрибон, содиқ жонивор бўлмайди.

Истеъдодли баҳши Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Кундуз ва Юлдуз» деган достонида бир лавҳа бор. «Авазхон душман аскарлари билан жанг қилиб, кўпини қириб ташлайди. Охири ўзи ярадор бўлиб хушдан кетиб қолади. Шунда Ғирот ўз соҳибини белбоғидан тишлаб тоққа олиб чиқиб кетади. Ёвлар уни қувиб етолмайдилар. Авазхон хушига келиб, кўз очиб қараса, Ғирот теппасида кўз ёш тўкиб турганмиш. Шунда Авазхон Ғиротни: «Жоним Ғирот, молим Ғирот, сени минган топгай мурод» деб эркалаган экан.

Манбаларда ёзилишича: Соҳибқирон Амир Темур ҳам чопқир отларни жуда кадрлаган. Чунки отлар жангларда, олим сафарларда унинг содиқ дўсти, доимий ҳамроҳи бўлган. Соҳибқиронни неча бор ўлимдан, душманларнинг қилич ва найзаларидан асраб қолган.

Умар Хайём ўзининг «Наврўзнома» асарида ҳам «От ва унинг фазилятлари ҳақида ёзиб қолдирган. Айтадиларки, тўрт оёқлилар ичида отдан яхшиси йўқ, чунки у ўтловчи тўрт оёқлиларнинг подшоҳидир.

Расул алайхи-с-салом «Хайр йилқининг пешонасига ёзилган» - деган.

Форслар отни «боджон» (елжон), румийлар «бодпой»(шамол оёқли), турклар «қутлуғ-қадам » ва «Бахтиёр этувчи», хиндлар «тахти равон», араблар ердаги Бурок деб атаганлар.

Айтишларича, куёш гардунини кўтариб юрувчи фаришта «алус» деб аталувчи от суратида эмиш.

Афридундан сўрадилар: «Эй шох! Нега сен отда юрмайсан?» У жавоб берди: «Яздонга етарли даражада миннаддорчилик билдира олмайман деб кўрқаман».

Кайхусрав айтдики: «Менинг подшоҳлигимда отдан қимматлироқ нарса йўқ».

Халифа Маъмун айтдики: «От қандай яхши, у осмони Гардон ва тахти равондир».

Хазрати Али айтдики: «Хақ таоло инсонни юксалтириш ва шайтонни паст

қилиш учун отни яратган».

Муҳаммад ибн Абу Суфр айтганки: «От-қилич ярқираганда қон ёмғирини ёғдирадиган булутдир». Отларнинг хосиятлари, фазилатлари, яхши аломатлари ҳамда уларга куйган номлари ҳақида форсларда кўплаб афсона ва ривоятлар сақланиб қолган.

Қадим ота-боболаримиз от ўргатувчиларни Аспжаллоб яъни отни ўзига жалб этувчи деб атаганлар. Отларнинг зотини, ёшини, феъл атворини яхши биладиган одамлар Синчи деб юритилган. Бизнинг кунларимизга келиб, от ўргатувчилар тренер деб атала бошлади. Ўзбек халқининг қадимий анъанавий спорт ўйинларидан бўлмиш кўпқари (улоқ) жуда қадим замонлардан буён бизгача етиб келди. Илгарилари кураш, кўпқарисиз суннат тўйлари ўтказилмаган. Айтишларича ўзига тўқ оилалар хафталаб кўпқари (улоқ) ўтказар эканлар. Ўзбекистоннинг ҳамма жойларида бўлганидек, Бойсунда ҳам совет ҳокимияти йилларида кўпқари (улоқ) ўтказиш, мафкурага тўғри келмайди деб қатъиян ман этилди. Отлар давлатга гўшт режасини бажариш бахонасида топширилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, 1997 йил 14 январдаги Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги» қарорига асосан от спорти машғулоти ва мусобақалари жонлантирилди. Жойларда чавандозлик мактаблар, клублар ташкил этилиб, миллий кўпқари ўйинларига рухсат этилди.

Кўпқари (улоқ) ўйини чавандозликни олий даражадаги миллий ўйини бўлиб, ўсиб келаётган ёш авлодга ота-боболаримиздан мерос бўлиб, қолган миллий ўйинларни ўргатишдан иборатдир. Юртимизда отчиликни ривонжлантириш ҳам муҳим вазифамиздан биридир. Ҳеч қачон, ҳеч бир замонда ва ҳеч бир мамлакатда спортчи ўз-ўзидан танилмайди, ўз-ўзидан доврўғ қозониб, чемпион ҳам бўлмайди. Устозларга кўп нарса боғлиқ. Бойсунлик чопағонларнинг бобокалонларидан бири XX аср бошларида яшаб ўтган доврўғли Саттор чопағон Очилдиев Бойсун беги Мирзо Салимбек (1902-1905) ни шахсий чопағони бўлган. Доврўғли чопағон Совет ҳокимиятининг катағонлик сиёсати қурбони бўлди.

Саттор Чопағон Ғузорда ўтказилган Наврўз байрами сайлида (Кўпқари-улоқ) унга тенг топилмаган. Шунда Ғузор беги қойил қолиб: «Бундан кейин кимнинг хотини ўғил туғса, отини Саттор қўйинлар деган экан. Бу гап ҳозирда ҳам чопағонлар орасида юради». 1934-йилда Бойсунда бир сайлда бир ярим центнер ғаллани қопга солиб, оғзини бойлайдилар-да, қайси чопағон от устида туриб, шу қопни бир қўллаб кўтариб, юз мертга олиб борса ўзиники деб эълон қилинади. Шунда Саттор чопағон биринчи интилишида ғалабага эришганлиги ҳақида халқда гап юради. Бойсунлик чопағонлардан яна бири доврўғли Холи чопағон Мамаюсуповдир. У «Хомкон» да туғулиб, Чилонзор қишлоғида вояга етди. 18-ёшарлигидан чопағонлик қилди. Доврўғли чопағонлардан. От спорти бўйича Ўзбекистон Республикаси чемпиони. Агар спортчи чиндан ҳам жисмонан бақувват, эпчил, шиддатли ва қайтмас бўлса ҳар қандай рақибини енгади. Бундай хислатларга эга бўлган Холи чопағон кўплаб совринларни қўлга киритди. Саксондан ошиб, бу ёруғ оламдан кўз юмган қахрамонимизни хотирасига бағишланиб 2006-2008 йиллар хотира турнири ўтказилди. Туман ҳокимининг ташаббуси билан ўтказилган бу хотира турнири чопағонни она қишлоғи

Чилонзорда унинг туғилган кунида ўтказиб келинмоқда.

Бойсунда доврўғи етти иқлимга кетган 1947 йилда туғилган Файзи чопағон Норқобил бор. Бойсун районидаги Саройтош қишлоғида туғилган. Қиякамар қишлоғида яшайди. Отаси Норқобил чопағон, бобоси Иброхим чопағон, тоғаси Ислонкул ва Хурсан чопағонлари бари етти пушти чопағон бўлиб ўтган. У Саройтошлик Холиёр Тиллаев ва Нормамат Тошбоевларни ўзининг устози деб билади. Улардан чавандозликни сир-асрорини ўрганди. Файзи чопағон Норқобил 17 ёшидан чопағонлик қилиб, 12 ёшидан от чоптирган. Тошкент, Жиззах, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ҳамда кўшни Тожикистон, Туркменистон Республикасига бориб, от спорти мусобақаларида қатнашди ва фахрли ўринларни олиб келди.

Омади келган чавандозимиз олтимиш тўртинчи йилдан саксон тўққизинчи йилгача йигирма олти йил, собиқ Иттифоқ биринчилиги беллашувларида Ўзбекистон шарафини химоя қилди, ор талашди. Бир эмас беш бор «Суюр папоқда» (Озарбайжонча спорт ўйини) саккиз бор чемпион бўлди. Яна терма команда аъзоси бўлишдек шарафли иш Ўзбекистон терма жамоа саркорлиги эса яна бир Бойсунлик алп чопағон Қурбонмурод Холмуродовга топширилганди.

Растов (1979), Олма ота (1980), шунингдек Душанбе, Бишкек, Бокуда бўлиб ўтган бутуниттифоқ от спорти мусобақаларида Ўзбекистонни шарафини химоя қилди ва командани биринчи ўринни олишда ўзининг муносиб хиссасини кўшди. Тожикистон Республикаси Қабодион районидаги бир тўйда 11 бош от ажратганлигини, Туркменистон Республикаси Марв районидаги бир тўйда эса 13 бош хўккиз (қорамол) ажратганлигини фахр билан эслайди.

Ўзбекистон СССР Министрлар Совети хузуридаги физкультура ва спорт комитетининг 1980 йил 9 октябрдаги қарори билан унга ўзбек миллий улоқ бўйича «Ўзбекистон республикаси спорт мастери» унвони берилди (гувоҳнома №129). Кўпкари (улоқ), човғон-от устидан туриб хоккей ва боскетбол ўйини ҳамда озарбайжонча от устида боскетбол «Суюр папоқ» ўйинларида энг зўр саналган Россия, Озарбайжон командаси эмас, балки ўзбек жамоасини ғолиб келишида Бойсунлик икки чопағон команда сардори Қурбонмурод Холмуродов ва Файзи Норқобилларни кураш олиб бориши тарих варақларида ёзиб қолдирилди. Нурулло, Чори, Юсуф, Ғайрат Ибрагимовлар, шунингдек Шоберди Гундаев каби мохир, чаптаст чавандозлар унинг шогирди ҳисобланади.

Бойсун мардлик, жасурлик тимсоли сифатида ўзининг чавандозлари билан фахрланади. Алпомиш авлодлари бўлган чавандозлар ватан обрўйи, ор-номуси, виждони ҳамда мустақиллиги учун доим чакқонлик, абжирлик, ҳушёрлик ва кучлилиқни ўзларида акс эттирганлар. Тўй кўпкариларида юрт, қишлоқ, овул ор-номуси учун куч синашиб, ақл-тафаккур ва билак кучларини кўрсатган қуйидаги машҳур чавандозлар ҳақида маълумот тақдим этишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Зиёдулла Норлиев, Эрнийез Норлиев (Чилонзор), Саттор чопағон Очилдиев (Чорчинор), Иброхим Чопағон (Саройтош), Норқобил Ибрагимов(Саройтош), Ислонкул Хўжакулов(Саройтош), Хўжамшукур Донаев (Кофрун), Тошбой Чопағон(Қайроқ), Пўлат Чопағон (Қайроқ), Нормамат Тошбоев (Саройтош), Хўжамурод Чопағон (Паданг), Холмўмин Чопағон (Паданг), Холиёр Тиллаев (Саройтош), Бўта Чопағон (Қизилнаур), Бердикул чопағон (Газа, Мачай), Ғани Чопағон (Қизилнаур), Омонкул Чопағон (Шўроб),

Поёнкул Чопағон (Шўроб), Норқобил Аликулов (Кампирчорбоғ), Шоёнкул Чопағон (Шўроб), Норов Мамасола (Тангимуш), Бўта Чопағон (Шўроб), Холиқ Мамасолаев (Тангимуш), Холи Чопағон Мамаюсупов (Чилонзор, Хомкон, Сайроб), Сайлов Мустафоқулов (Газа, Мачай), Саман Чопағон (Чилонзор, Хомкон, Сайроб), Хурсан Исомов (Саройтош), Абрайкул Тошанов (Тангимуш), Файзулло Чопағон (Хожадияк), Марка Тошанов (Тангимуш), Хайитмамат Чопағон (Хожадияк), Хайитали Тошанов (Тангимуш), Файзи Норқобилов (Қиякамар, Саройтош), Кўчар Чориев (Тангимуш), Шайдулло Чориев (Тангимуш), Алимурод Хўжамшукуров (Кофрун), Қобил Чопағон (Кофрун), Кўзибой Чопағон (лакаби бургут) (Кампирчорбоғ), Ғаффор Сариев (Кофрун), Маматмурод Чопағон (Тиллокамар), Холмўмин Шайқулов (Работ), Чори Чопағон (Работ), Рўзи Чопағон (Дарбанд), Хушмамат Гулбаев (Тиллокамар), Абдумажит Норқобилов (Кампирчорбоғ), Нурилло Чопағон (Панжоб), Луқбой Чопағон (Панжоб), Абракул Чопағон (Инкабод), Абрахмат Чопағон (Шўроб), Тошбой Чопағон (Саройтош), Нарзилла Омонов (Саройтош), Карим Чопағон (Омонхона), Нормамат Чопағон (Пулҳоким), Абдурайим Чопағон (Пулҳоким), Қодир Қорақулов (Қизилнавор), Абдурайим Чопағон (Қизилнавор), Бўри Холмўминов (Паданг), Жуллон Чопағон (Мачай), Чори Чопағон (Тўда), Маммади Чопағон (Инкабод), Полвонхон Чопағон (Қайроқ), Аъзамхон Чопағон (Қайроқ), Эшонхон Чопағон (Қайроқ), Норхол Чопағон (Чилонзор, Сайроб), Музаффар Чопағон (Чилонзор, Сайроб), Ташат Холмўминов (Паданг), Карим Зоиров (Работ), Нурали Чопағон (Тиллокамар), Чори Ибрагимов (Даштиғоз), Шодмон Эшмуродов (Тиллокамар), Юсуф Ибрагимов (Даштиғоз), Абдувоҳид Чопағон (Тиллокамар), Жўра Холмўминов (Паданг), Холтўра Тиллаев (Қиякамар), Холтўра Хуррамов (Паданг), Тожи Холмўминов (Паданг), Мўмин Холмўминов (Паданг), Қурбонмурод Холмуродов (Инкабод, Кетман), Ахмад Муродов (Тиллокамар), Чори Чопағон (Қизил Тўлқин, Омонхона), Бўри Чопағон (Кофрун), Ражаб Чопағон (Кофрун), Нурилло Ибрагимов (Қиякамар), Чори Чопағон (Қиякамар), Шоберди Гундаев (Даштиғоз), Шапаат Чопағон (Тангимуш), Қосим Чопағон (Шўроб), Нурали Тиллаев (Даштиғоз), Хўжакул Чопағон (Қизил Тўлқин, Омонхона), Парда Чопағон (Қизил Тўлқин, Омонхона), Холмурод Тиллаев (Даштиғоз), Асрорхон Ботиров (Қайроқ), Норқобил Бобониёзов (Қайроқ), Саъдуллахон Чопағон (Қайроқ), Эргаш Гулбоев (Тиллокамар), Қудратхон Убайов (Тангимуш), Воҳид Товашов (Тиллокамар), Норкул Тошбоев (Саройтош), Қаюм Назаров (Тиллокамар), Эшпўлат Рахимов (Тангимуш), Нурали Авазов (Тиллокамар), Холиқ Қурбонов (Тангимуш), Амиркул Чопағон (Мачай), Ахмад Тошанов (Тангимуш), Неъмат Чопағон (Қизилнавор), Нодир Чопағон (Қизилнавор), Файзибой Чориев (Тангимуш), Хуррам Чопағон (Хожадияк), Рахмон Чопағон (Хожадияк), Мардон Чопағон (Тангимуш), Панжи Чориев (Тангимуш), Абдуллахон Чопағон (Тангимуш), Шоқир Чориев (Тангимуш), Рўзи Чопағон (Шўроб), Бўрон Норқобилов (Даштиғоз), Ғайрат Норқобилов (Қиякамар), Алишер Гундаев (Даштиғоз), Юсуф Ибрагимов (Даштиғоз, Саройтош), Бахтиёр Мамасолаев Турдибой ўғли (Тангимуш).

Бойсун полвонлари. Кимда юрак кучли, қўл ҳам кучлидир! (Абулбаракот Қодирӣ). Қадим-қадимдан, юртнинг орини пахлавонлар, мард ўғлонлар,

тадбиркор ва ақли донолар олишган. Ривоят қилишларича Султон Хусайин Мирзо Пахлавон Али Рустайини енган пахлавон Дарвеш Муҳаммадни олқишлаб «Ким менинг бошимни азиз тутишни истаса, Дарвеш Муҳаммадга ином берсин» деган экан. Полвонларни кўнгли жуда нозик бўлади. Уни овлаш, кадр-қимматига етиш осон эмас. Полвон халқи тарбияга, эътиборга ҳамиша муҳтож. Шунинг учун ҳам подшоҳлар ўз саройларига полвонларни сақлаб, уларга алоҳида эътибор билан қарашган. Жойи келганда жангу-жадалларсиз, фақат полвонларни беллатириб шу билан мамлакатнинг устунлигини синашган.

Ўзбек халқ ижодиётининг ноёб ва нодир намуналари бўлган «Алпомиш», «Қирққиз», «Авазхон», «Гўрўғли», «Рустамхон», «Равшан», «Ёдгор», «Кунтуғмиш», «Тошбосар» сингари дostonлар, жасур момомиз Тўмарис ҳақидаги ривоятларда ботирлик, полвонлик мисли кўрилмаган даражада баланд пардаларда куйланди. Буюк шоир А.Фирдавсийнинг машҳур «Шохнома» асарида инсоннинг рухий ва жисмоний куч-қуввати, унитилмас сатрларда мадх этилган. Шунингдек Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида кураш ҳақида қимматли маълумот бор.

Буюк саркарда Амир Темурнинг «Темур тузукларида», Алишер Навоийнинг «Ҳамса» сида ҳам жисмоний куч фазилатлари, одамларнинг қахрамонликлари катта махорат билан таъриф этилган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси ҳам ўзбек миллий курашига бағишланган. Агар минг йилдан кўп тарихга эга бўлган «Алпомиш» дostonига диққат билан эътибор берадиган бўлсак ҳам асосий икки жиҳатини илғаймиз. Бир томондан, асар ўзбек оғзаки адабиётининг нақадар баланд нуқталарга чиққанлигини исботласа, иккинчи томондан эса дунё, инсон рухий ва жисмоний камолот билан обод, барқарор эканлигини каттик туриб эътироф этади. Дostonдаги воқеалар бундан минг йиллар аввалги даврни ўз ичига олади. Қадимда аждодларимиз тўй-томошаларни, сайлларни ўтказишда кураш, пойга, мерганлик каби куч, махорат, эпчилликни талаб этадиган машқларни, мусобақаларни одат қилиб олишган. Дostonда тасвирланишича, кадр-қиммати баланд, сахичирой Ойбарчинга қалмоқлардан совчи келади. Шунда Кўнғирот элининг тўраси, гапга этар кайвониси Алпомиш бундан хабар топади. Лекин бу орада нозик ва қалтис вазият юзага келади. Ойбарчин икки ўртада келишмовчилик, жанжал-низо бўлмаслиги учун тадбир ишлатади. Барчага баробар шарт қўяди. У ўзига ҳаридор бўлган барча йигитларга қарата шундай дейди:

Қирқ кунлик йўл Бобоҳоннинг ораси,
Бобоҳон тоғидан пойга қиламан,
Бобоҳондан пойга қилиб ўздирса,
Оти илдам бойваччага тегаман.
Ёй тортишса, ёйи синмай қолганга,
Минг қадамдан танга пулни урганга.
Мен тегаман шул қарағай мерганга,
Кураш қилиб тўқсон алпни йиққанга.
Мен тегаман нор билакли полвонга.

Кўриниб турибдики, қадимда гўзал, баркамол қизларга уйланиш шунчаки

асон кечмаган. Чуқур шаклланган урф-одатларга кўра болаларни ҳар томонлама жисмонан чиниқтириш, кураш илмини эгаллаш, отда пойга кўйиш, мерганликка ўргатиш кабилар халқимиз ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланган.

Қадим замонларда Марказий Осиёда яшовчи аجدодларимиз кабилалари ҳақида, грек тарихчилари шундай ёзиб қолдирган: «Саклар дунёдаги барча мерганлар орасида ўқни зоя кетказмайдиган жуда мохир мерганлар сифатида шуҳрат қозонган эдилар». Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўзбек миллий кураши тарихи уч ярим минг йил аввалги даврга бориб тақалади. Бу ҳазилакам вақт эмас. Ана шу улкан вақт ичида миллий курашимиз мисли кўрилмаган даражада ривожланди, ўзининг кўп қиррали шакл- тамойилига эга бўлади. Қадимда Наврўз сайллари полвонларининг катта курашларисиз ўтказилмаган. Полвонлик куч, довюраклик, юрт она ватан манфаатларига қисматиға, миллат тақдириға бориб тақалади.

Йўлдошали полвон - XX асрнинг бошларида Даштиғозда яшаб ўтган. Унинг шогирдлари Саманчи полвон (Ҳакимали), Дамин полвон (1910-1992), Холмамат полвон.

Дамин полвон - 1930-1950 йилларида довруғли полвон бўлган. Унинг ўғли Холмамат полвон Даминов (1955) Бойсун районидаги Даштиғоз қишлоғида туғилган. Бойсунлик полвонлар ичида Дзю-До кураши бўйича илк СССР спорт мастери. Довруғли полвон бўлган(1974-2000). Жисмоний-тарбия институтини битирган Холмамат полвонни шогирдлари: Худойберди полвон, Тоштемир полвон, Муҳаммадиевлар, Давлат Чориевдир.

Рамазон полвон- XX асрнинг бошларида Чорчинорда яшаб ўтган. Унинг ўғли Холмамат полвон (лақаби почча калон), унинг ўғиллари: Нормурод полвон, Норқобил полвон (лақаби Қора полвон), Рўзибой полвон, Чори полвонлар етишган.

Холмамат полвон - узун бўйли, жуссали, оёғи узун, панжалари кенг, келбатли бўлган. Айтишларича фақат бир маротаба кўрашда йиқилган экан. Ҳеч ким уни курагини ерга текизолмаган. У урушдан олдин ва урушдан кейинги йилларда полвонлик қилган.

Маматали полвон - Бойсун районидаги «Оқтупрок» қишлоғида ўтган асрда яшаб ўтган. Маматали полвон келбатли, жуссали, панжалари узун, оғирлиги 110 кг бўлган. Унинг ўғли Омон полвон ҳам курашган. Айтишларича Бойсундаги (Кофрун, Дехиболо) ва Лангар ота (Қашқадарё) полвон тошларини кўтара олган. Ягона шахс. У урушдан олдин ва урушдан кейинги полвонлар сулоласидан.

География илмининг катта олими, араб сайёҳи Макдисий ёзиб қолдирган маълумотларига қараганда Самарқанд, Балхга ўтказилган Наврўз сайлларида, Қурбон хайитларида одамларни ўзаро кураш тушганликларини қайд қилиб ўтган. Амир Темур ва унинг мохир лашкарбошилари жангчиларнинг жисмоний машқларига хусусан курашга алоҳида эътибор беришган. Захриддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида кураш сахналари ишонарли тарзида тасвирланган. Бойсун воҳасида қадим замонлардан буён («Алпомиш») номи узоқ-узоқларга кетган полвонлар юрти бўлишган. Иккинчи жаҳон урушидан олдинги ва кейинги йилларда нафақат туманда, балки вилоятимизда, республикамизда, Ўрта Осиё Республикаларида ҳам ном қозонган. Бойсунлик

полвонлар кўп бўлишган.

Масалан: Умир, Тўро, Қосим, Хидир, Наргуч, Бердиёр, Исмаи, Равшан, Холмамат, Самончи, Дамин, Тўрабой, Тоштемир, Абдурахмон, Туроб, Рамазон, Ашр, Жаббор полвонларни нафақат Бойсунликлар балки Сурхон воҳаси ахли то хануз катта ҳурмат ва эъхтиром билан тилга оладилар.

Полвонлар ўзбек миллий кураши доврўғини дунё миқёсида тарқатган ботир, эпчил, юртпарвар, ориятли полвонлардир. Бундай номдор полвонлар сафида Ғуломқодир Алибоев (Қизилнавр), Холмамат Даминов (Даштиғоз), Шоберди Гундаев (Даштиғоз), Жумакул Эшонқулов (Дарбанд), Худойберди Муҳаммадиев (Даштиғоз), Хурсан полвон (Чорчинор), Нормурод полвон (Чорчинор), Соли Мамасолаев (Пасурхи), Хапин полвон, Самандар полвон (Хожадияк), Сафар полвон (Тиллокамар), Карим, Холиёр, Қорақўл, Саттор полвонлар (Қизилнавр), Жўра полвон (Кентала), Аъзам, Жўра, Нор, Сувон, Фармон, Нурали полвонлар (Авлод), Холтўра, Тойлоқ, Хўжакелди, Дўсттўқсабосар, Исоқул, Хидир, Соатхожи, Қодир, Эгамберди полвонлар (Шўроб), Бўри, Хўжамшукур, Умбар полвонлар (Кофрун) лар борки, уларни минглаб одамлар танишади, то хануз улар ҳақида хикоя қилишади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганданоқ, мухтарам Президенимиз И.А.Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбек спорти-кураш дунёнинг бир неча давлатларида тарғибот қилинди (1992-1998) мамлакатимизнинг бир неча шаҳарларида Президент соврини учун халқаро турнирлар ўтказилди. 1998 йил 6 сентябрда дунёнинг 28 мамлакат вакиллари ташаббуси билан Тошкентда КХА 1 таъсис Конгресси ўтказилди ва кураш Халқаро Ассоциацияси ташкил топди. Бугунги кунга келиб дунёнинг 87 мамлакатида кураш миллий федерацияси ташкил этилган.

Ўзбек спорти-кураш бўйича Америка, Африка, Европа, Оқсания, Осиёнинг қатор давлатларида ўтаётган нуфузли чемпионати турнирлар ўтказилмоқда. Сурхондарёда ўтказилаётган Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий Халқаро кураш турнири (2010 йилгача 9- маротаба ўтказилди). Ўзбек курашини юксакликка олиб чиқди. Чунки бу турнирларда жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларидан шу жумладан, Узоқ Бразилия мамлакатларидан Карлос Хонарато, Александр Каструги каби курашчиларининг қатнашиши ўзбек курашига бўлган иштиёқни билдиради.

Термизда Ўзбек кураши бўйича ўтказилаётган хотира турнирида Бойсунлик Сара полвонларни қатнашиб, фахрли ўринларни олаётганликларидан бугун ҳар бир Бойсунлик фахрланади. Даштиғозлик Тоштемир Муҳаммадиевнинг илк халқаро турнирига ўз вазни бўйича ғолиб келишини ўзи Бойсунлик алпларни дунёга танитди. **Муҳаммадиев Тоштемир** - (1968) Бойсун тумани Даштиғоз қишлоғида туғилган. Кураш бўйича оғир вазнда жаҳоннинг мутлоқ чемпиони (1999 Тошкент), халқаро миқёсидаги спорт устаси (1999) Муҳаммадиев ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро мусобақа ғолиби (1995,1999 Термиз). Ўзбекистон чемпиони (1998), тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган(1999).

Тиллокамарлик Абдулла Тангриев ўз вазни бўйича халқаро турнирида 5 марта ғолибликни қўлга киритди. Довруғли полвонни турнир

майдонида пайдо бўлиши Бойсунликлар учун эсда қоларли ва қувонарли воқеалардан бири бўлди. Билагида кучи кўп, кураш тушиш услубига кўра тезкор ва шиддатли бўлган полвонимиз дзю-до кураши бўйича олимпиада (Хитой, кумуш) ва бир неча маротаба жаҳон, Осиё, Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Ривоят қилишларича: XX асрнинг бошларида Денов (Дехинав) беги тўй қилган экан. Тўйга Бойсундан 7 нафар полвон боришади. Аввал кичикрок полвонлар, тўйнинг 3 кунда номдор полвонлар курашга чиқишади. Шунда навбат Бойсунлик Эрбой полвон (Газалик, Қорақуловларнинг бобоси) ва Эрмамат полвон (Пиштиурдаклик, Қажумов домланинг бобоси) га келади. Тўйга келган барча полвонларни бу икки полвон курақларини ерга тегизган экан.

Одамлар орасида: «Туркман келди, ҳаммани курагини ерга текизяпти»-деган гап тарқалди. (изох:Туркман келди сўзи, бу иккала полвон кенагас (тарокли) уруғидан бўлиб, юз башаралари ҳозирги туркманларга ўхшаш, узун бўйли, келбатли бўлганлар). Эрмамат полвон Бойсун бегининг полвони бўлиб, «Сиёпоча» номини олган, сабаби қора махси кийиб юрар, бекнинг овчиси ҳам бўлган экан. Ривоятларга қараганда қайси бир жийинда (тўйда) Бойсун беги Мирзо Салимбек (1902-1905 йилларда Бойсун беги бўлган) ениги учи чакмонини ерга ташлаб, ким-ки шуни бурда-бурда қилса катта мукофот беришини айтади. Шунда Эрмамат полвон ушбу чакмонни бураб-бураб бурдалаган экан.

Ривоят қилишларича, бир туйда Эрмамат полвонга 3 яшар қизни тортик қилишади, лекин полвон ёш қизга қарамасдан, даврадан чиқиб кетади. Халиги қизни Работ қишлоғидаги бир кампирга олиб бориб беришадилар. Кампир қизни балоғат ёшига етказиб, турмушга беради. Кунлардан бир кун Работ карвонсаройида кўноқ савдогарларнинг бир бўталоғи қудуққа тушиб кетади. Хеч ким тортиб ололмайди. Шунда халиги турмушга чиққан қиз болани беш ойлик хомиласи бўлишига қарамасдан бўталоғни арқонга боғлаб, бир ўзи тортиб олган экан. Айтишларича Умур полвон шу қизнинг зиёротидан экан.

Хўкиз кўтарган малика. Қадим замонда Ғозиддин полвон деган полвон ўтган экан. У шохининг қизига ошиқ бўлиб қолибди. Шох қизи полвонга шарт қўйибди:

-Чиндан мени севсанг, югуриб бораётган кийикнинг олдинги икки оёғини тушовлаб от, яъни отган ўқинг бир вақтда унинг икки оёғини ҳам тешиб ўтсин.

Полвон бу шартга рози бўлибди. Ва сохибжамол маликанинг айтганини адо қилибди.

-Мени барибир ҳам бу билан хайрон қолдиролмайсан, -дебди шохнинг ўжар қизи, -бу ҳунарингни ҳар қандай киши бажариши мумкин. Кўп машқ натижасида сен беҳато ўқ отадиган бўлгансан. Ғозиддин полвон Маликанинг бу гапларидан хафа бўлиб чиқиб кетибди. Орадан икки йил ўтибди. Малика полвонни хузурига чорлабди. Бутун халойиқни тўплабди. Ўртага икки яшар хўкизни чиқарибди-да, дебди:

-Ким шу хўкизни кўтариб, нарвон орқали томнинг тепасига чиқара олади?

Аввалига маликанинг бу саволи, ишидан ҳамма хайрон бўлибди. Сўнгра маликанинг шартини бажариш учун девқомат полвонлар, шу жумладан, Ғозиддин полвон ҳам уриниб кўрибди. Лекин оғирлиги тўрт юз кило тарози босадиган наввосни хеч бир полвон кўтара олмабди. Шунда хеч ким кутмаган хайратомуз воқеа юз берибди. Икки яшар новвосни маликанинг ўзи шартга

кўтарибди-ю, нарвон орқали том тепасига чиқарибди. Турган гапки бу ҳолатдан барча хайратга тушибди. Шунда малика хайрон-лол қолган одамларга дебди:

-Менинг бу ишим машқларнинг натижасидир. Мен бу наввосни бузоклигидан ҳар куни кўтариб том устига чиқаришни машқ қилдим. Шунинг учун ҳам ҳеч бир қийналмасдан уни даст кўтариб томнинг устига олиб чиқдим.

Ха, мен машқ қилишда, чиниқишда гап ва хикмат кўп. Бир қарасангиз бу бир афсона. Лекин уни ҳақиқатга айлантирса бўлади. Афсона ҳам гоҳида бекорга тўқиб чиқарилмайди.

Полвонни удумлар тарбиялайди. Полвонтош (оғирликни кўтариш) қадимий жисмоний машқлардан ҳисобланади. Бундай тошлар муайян масофаларга тартиб билан териб қўйилган. Аввал кичик тошлар, кейин эса тошлар катталашиб бораверади. Охирида эса катта тошлар қўйилган. Полвон тошлар карвон йўлларининг чоррахаларига ҳам қўйилган. Тош кўпинча оқ ёки кўк бўлиб, узокдан кўриниб турган. Тош чорраханинг шу ерда жойлашганлигини билдирса, иккинчи томондан, полвонларнинг куч синаш воситаси ҳам бўлган. Полвонлар полвонтошни жойидан силжитишга ҳаракат қилишган. Агарда полвонтошни ким жойидан силжитса, у энг зўр полвонлардан бири сифатида улуғланган ва олқишланган. Бойсунда иккита жойида полвонтошлар ҳозирда сақланган.

1) Кофрунда. 2) Дехиболо йўлида.

Бойсунлик Маматали полвон полвонтошларни кўтаргани ҳақида халқда ривоят сақланган. Ариқ қазиш ва сув чиқариш халқимизда «Фарходлар» давридан келаётган қадимий одатлардир. Чим тутиш одати ана шу ариқ қазиш юмушидан келиб чиққан. Маълумки, ариқ қазиш кишидан анчагина жисмоний кувват ва куч, махорат талаб қилади. Ариқ қазиш ўзи осон иш эмас-да. Айтишларича, қадимда бир элнинг одамлар ариқ қазишаётганда, ариқни кесиб ўтадиган йўлда бир йўловчи келиб қолади. Ариқ қазувчилардан бири йўловчига белкуракда чим олиб, унинг устига бир бурдгина нон узатибди. Йўловчи тўхтаб нонни олиб егач, «келинг, қорним оч эди, нон бердингиз, ариқнингизни қазишай деб қисқагина вақт ичида бир ўзи ариқни тозалаб бериб кетган экан. Шундан сўнг чим узатиш одати русум бўлиб, кейинчалик чим узатган кишининг ишга қарашиб юбориш ёки у билан курашга тушиб, агар ғолиб бўлса, ўз йўлини давом эттирадиган, енгилса, рақибига ёрдам қилиши зарур бўлган одатлар шаклланган.

Урушни полвонлар тўхтатишган. Ўтмишда шундай даврлар, замонлар бўлганки, икки қабила, овул ёки уруғ орасида бўлган урушни қон тўкмасдан, икки томоннинг полвонлари хал қилишган. Қайси тарафнинг полвони йиқилса, ўша тараф мағлуб ҳисобланган ва қон тўкмасдан ўз манзил маконига қайтиб кетишган.

Кураш усуллари. Миллий курашнинг пайдо бўлиши айрим манбаларга қараганда, уч ярим минг йил аввалги тарихга бориб тақалади. Қадим-қадимдан ота-боболаримиз кураш тушиб, ўзаро куч синашиб, беллашиб келганлар. Кураш майдонида мардлик, халоллик асосий ўлчов, мезон ҳисобланган. Шу тариқа кураш халқнинг урф-одатига айланиб кетган, қон-қонига сингиб кетган.

Курашнинг тарихи инсоният тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Йиллар, даврлар, асрлар ўтиши билан кураш усуллари бойиб, такомиллашиб бораверган. Масалан, ҳозирга келиб курашнинг 400 дан ошиқ усули борлиги ҳам

фикримизни ёрқин исботлаб турибди. Миллий курашнинг бухороча усулида асосан рақибни оёқ билан чалиб йиқитиш билан бир қаторда, унда чексиз ҳунар, услубларнинг ишлитилиши киши диққатини ўзига тортади. Бу нарса яна бир қараганда шуни кўрсатадики, курашимиз асрлар оша жилоланган, ҳар жихатдан такомиллашиб, чирой очиб борган. Ҳар ернинг полвони ўзига хос кураш усулини ишлатган. Масалан, Сурхондарёлик шу жумладан Бойсунлик полвонлар оёқ билан чалиб йиқитиш бобида мохирдирлар. Масалан, бизнинг полвонларимиз оёқ билан чалиб йиқитишда «ёнбош», «тўғаноқ», «қоқма», «бурама», «норпўш», «қўшша» сингари кўплаб усулларни махорат билан ишлатадилар. Бундан ташқари, оёққа чалмасдан «учадан», «кифдан», «қайтарма», «бурама», «кўтариб бураб ташлаш», «ийиндан ошириб ташлаш», «силтаб отиш» каби кўплаб усулларни ҳам усталик билан ишлатадилар. Бу кураш усуллари фақатгина хужумкорликда ишлатилади. Кураш тушиш усуллари, хийлалари булар билангина чекланиб қолмайди. Рақиб хужумига қарши ишлатиладиган ва ҳимояланадиган усуллар ҳам бениҳоя кўпдир.

БОЙСУН ҚАДАМЖОЛАРИ

*Яхшилик яхши ном келтиради, саховат
эса кишини бахтиёр қилади.*

Муҳаммад Ҳусайн

Тарихга назар ташлаганда Ўрта Осиё араблар томонидан истило қилингандан кейин, ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудудида пайғамбар авлодаларидан чиққан Сайид хожа, хўжа, шайх зотлари кўпайганлиги маълумдир. Булар Ўрта Осиё бўйлаб шу жумладан вилоятимиздаги тоғли қишлоқларда яшаб, маҳаллий аҳолии ўртасида ислом динини тарғиб қилиш масалалари билан машғул бўлганлар. Улар умрларининг охиригача шу ерда яшаб, ўша жойда вафот этган ва дафн этилган. Улар умрларининг охиригача яшаб қишлоқларида шогирдлар тайёрлаганлар ва ўзларидан кейинги давомчилари деб фатво берганлар. Маҳаллий шогирдлар томонидан уларнинг қабрлари кўриқланиб зиёратгоҳга айлантирилган. Вилоятимиз тоғли қишлоқларида шу жумладан Бойсун ҳудудида яшаб ўтган бундай авлиё зодаларнинг тарқалиши бўйича қуйидиги рўйхатни келтириш мумкин:

Хўжаи Кон (Оқтошда), Хўжаи фил (Куйтангда), Хўжаи пок, Хўжа Соат, Хўжаи Дат, Хўжа Барот, Хўжа Барг (Олтинсойда), Хўжа Улкан, Хўжа Анко (Шеробод туманида), Хўжа Гулрез ёки Хўжа Гуррезота, Хўжа Чакчакон (Панжобда), Хўжа Тезгузар, Султон Хўжа Чашма, Хўжаи Гургур (Қўрғончада), Хўжа Майхона (Дарбандда), Хўжаиғор (Сангардакда), Хўжа Мулки (Қумқўрғонда), Хўжа Маматшоҳ, Хўжа Чордара, Биби Сабз (Сайробда), Хўжабулғон Ота (Хўжабулғонда), Хўжа Сурхпуш (Чорчинорда), Хўжа Сир Пуш (Сариосиё қишлоғида), Хўжақўчқор Ота (Паданг), Ҳазрат Султон Валий (Омонхонада), Сиддиқ Сахоба (Омонхонада), Хўжа Хурдак (Дарбандда), Уштур Санг Ота (Қорагутда), Хўжа Тангимуш Ота (Тангимушда), Хўжасавпешота мозори Шох, Қушвали Ота, Аламли Ота (Мачайда), Бибиширн (Қорабўйин), Чилонзор Ота (Сайробда), Хўжа Сулаймон Кассир (Бузруг), Хўжа Ғойиб, Хўжаи Нур, Хўжаи Лукмони Ҳаким, Султони Чашма, Пахлавон Ахмади Замчи ёки Хўжаи Дод (Дехиболо, Қўрғончада), Бобосохиб (Сохиб Зода), (Саримозорда),

Худойдот Ота (Худойдотда), Вақтдон Ота (Омонхонада), Бойсун Жийдали Ота (Кофрун), Сайид Неъматуллохи Мадани (Хазрати Лангар), (Пасурхи қишлоғида), Чўпон Ота, Чилтан Ота, Санги Султон (ҳаммаси Авлод қишлоғида), Оқтош Ота (Қайроқда) ва бошқалар.

Азалдан ҳам мусулмон халқимиз Оллох таоло ва унинг Расулидан ташқари яна акбиё ва авлиёларга, донишманд бузрукворларга эътиқод ва эҳтиром билан яшаб келади, уларнинг хоки-пойини зиёрат қилиб руҳий-маънавий ибрат олади. Одамларнинг бузрукворларини эъзозлаши покликни, маърифатини, иймонни эъзозлашдир ва муқаддас инсоний орзуларининг мужасссами пок парвардигорга мухаббатнинг ифодасидир. Авлиёларнинг табаррук руҳларини ёдлаш, уларга дуо ўқиш, орқали биз ўз қалбимизни, виждонимизни тозалаш, ҳаёт тарзимизни ростлик ва эзгулик сари мувофиқлаштиришни ҳам ўйлаймиз. Чунки авлиёларнинг ҳаёти, сўзлари ва эзгу амаллари халқимизга ибрат, сабоқдир.

Бойсун тоғлари табиати, бу худуддан ўтган савдо йўллари ва жойларида истиқомат қилган халқ ва элатлар ҳамда қадамжолар ҳақидаги қимматли маълумотлар XIX аср ва XX аср бошларида бу ерларда бўлган рус сайёхлари, сипохийлари ва жуғроф олимлари ҳисоботларида мавжуд.

Бойсун туманининг ҳар бир қишлоқларида қадамжолар мавжуд бўлиб, бу табаррук зиёратгоҳни қадимдан буён халқимиз зиёрат қилиб келмоқда. Тўғри бу қадамжоларни айримлари ҳозирда манбаларда топилмаган бўлсада, Ўзбекистон мустақиллика эришганидан сўнг, бу жойлар ободонлаштирилди. Обод масканга айлантилди. Ана шундай қадамжолар Бойсун тумани худудида талайгина, биз уларни айримлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Бойсун-Жийдали- (Жийдали ота) зиёратгоҳи. Бойсун туманининг жанубида. Оқжар билан Кофрун қишлоғи ўртасида Дарвозақум-Қуралай мавзесида жойлашган. «Хонгарон» сойнинг ўнг томонида Жийдали ота қабри бор. «Хонгарон» сув омборининг қурилиши туфайли қабр тупроғи «Хонгарон» сойнинг чап томонига 2002 йил кўчирилди.

Ҳозирда Жийдали Ота мақбараси қурилган. Мақбара баландлиги 8 метр, икки хонақодан иборат бўлиб, гумбазсимон. Мақбара пишшиқ ғишт, ганж билан шарқона усулда қурилган. Унга рамзий қабр ўрнатилган. Мақбара қурилишида Ибрагимов Усмон (бош уста) Рўзиметов Дилшод, Рамаков Фарход, Ибрагимов Искандар каби жами 15 нафар Хоразмлик қурувчилар томонидан 2002 йил барпо этилди. Мақбара қурилишида Кофрун маҳалла раиси Хожимурод Холбоев сардор этиб тайинланди. Кофрунлик ўзига тўқ оилалар ва хомийлар ҳисобидан бунёд этилди. Бойсун (Жийдали-Бойсун)- «Алпомиш» достонидаги эпик юрт, кўнғирот уруғининг ватанидир. Бойсунлик ижодкор Т.Усмон ўзининг «Бойсун баёзи» китобида ҳозирги Қорақалпоғистон республикасидаги Кўнғирот ва унинг бошқа туманларида яшаётган ва маҳаллийлашиб кетган қадимги Етели-Бойсун Кўнғиротларидан бўлган уруғ-аймоқлари ҳозир ҳам ўзларини: «Биз Жийдали-Бойсундан бўламиз, Кўнғир-отмиз» деб ифтихор билан эслайдилар-деб ёзган.

«Алпомиш» достонида «Бойсари ва унинг уруғ аймақлари Етели-Бойсундан Орол соҳилига бориб, ўзларининг бобокалонлари юрти бўлмиш Жийдали – Бойсун номини яшаб келган жойларини яъни Орол бўйидаги Бойсунни шу ном билан яъни «Бойсун» деб атаганлар.

Бойсун халқининг пири Муршиди. Сўнгги пайтларда туманимиз

худудида кўпгина тарихий воқеалар бўлганлигини ва шу билан бирга Хазрат Султон Валий, Хожа Сурхпуш саҳоба (Қизил айзон), Хожа Қўчқор ота, (Хожа Қошқарон ота), Жийдали Бойсун ота, Хўжабулғон ота, Бибиширин, Хожа Майхона ота каби қуддусий шайх ва пирлар ётганлигини эндигина қайта англаб, уларни таний бошладик. Уларнинг тарихи ва халқ учун қилган ишларини етарли ўрганилмаган бўлсада, лекин изланишлар хали тўхтамади.

Бойсун туман марказидан кунчиқар шарқий қисмида Омонхона қишлоғида 10 гектарга яқин майдонда кўхна қабристон ястаниб ётади. Бу ердаги қадимий қабр тошлар, ҳамда қабрлар устидан ўсиб турган иккита улкан pista дарахти ҳам исботлаб турибди. Худди ана шу қабристонда Хазрат Султон Валийнинг муқаддас мазорлари бор. Мусулмон оламида илми ҳол (Авлиёлик илми) ни эгаллаганлардан бири Хазрат Султон Валий ҳисобланади. Хазрат Султон Валийга Хизр алайҳиссалом зикри хуфий таълимини ўргатган бўлсада, пайғамбаримизнинг авлодларидан бўлган Сиддиқ Саҳобий Икром руҳлари Хазрат Султон Валийнинг тарбият қилган. Ҳозирда Деновда яшовчи асли Бойсунлик Тўхтаҳон хожи Аланов 2002 йил май ойида ташаббус билан чиқиб, ушбу қабристонни обод қилиш-га киришди. Ўқшининг ташаббусини туман ҳокимлиги, қолаверса барча Бойсунлик меҳнат жамоаларига, ҳамда аҳолига маъқул тушди.

Тезда ушбу қабристонни обод қилинди ва Хазрат Султон Валий муқаддас қабрлари устига маҳобатли мақбара қурилди. Тўхтаҳон Хожини шахсий жамғармалари ҳисобидан қабристонни ёнида 3-гектарлик боғ ташкил этилди ва Оличабулоғидан 4-км қувур ётқизиблиб, сув олиб келинди. Албатта, қабристондаги «ахли кубур» бизнинг илтифотимизга, ободончилигимизга мухтож эмас, улар вафот этган кишилар. Лекин, биз тириклар учун, тарих учун, миллат учун, қолаверса зиёратга келувчиларга шарт-шароит учун ҳам керак. Донолар бежизга «Миллатнинг қандайлигини билмоқ бўлсанг, унинг ё бозорига ё-мазорига бор» деб бежиз айтишмаган.

Азалдан ҳам мусулмон халқимиз Аллох таоло ва унинг расулидан ташқари, яна анбиё ва авлиёларга, донишманд бузрукворларга эътиқод ва эҳтирос билан яшаб келади. Уларнинг хоки-пойини зиёрат қилиб, рухий-маънавий ибрат олади. Одамларнинг бузрукворлари эъзозлаш покликни, маърифатни, иймонни эъзозлашидир ва муқаддас инсоний орзуларини мужассами пок парвардигорга муҳаббатнинг ифодасидир. Авлиёларнинг табаррук руҳларини ёдлаш, уларга дуо ўқиш орқали биз ўз қалбимизни виждонимизни тозалаш, ҳаёт тарзимизни ростлик ва эзгулик сари мувофиқлаштиришни ҳам ўйлаймиз. Чунки авлиёларнинг ҳаёти, сўзлари ва эзгу амаллари бизга ибрат ва сабоқдир. Улуғ, комил инсонларнинг сийрат ва суратида илохийлик ва инсонийлик мужассамдир, зотан, илохийликни инсонийликдан ва инсонийликни илохийликдан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди. Улуғ инсонлардаги қудрат ва каромат, маънавий етуклик уларнинг тақволари эвазига Аллох берган бир илохий неъмат, унинг қудрати ва камолотининг муайян миқдордаги ифодаси ва давомидир. Шунинг учун комил инсонлар ҳаётини ўрганиш ҳам инсоннинг ўзини, ҳам яратувчиси таниш ва билиш калитидир.

Энди Хазрат Султон Валий ким ва қайси даврда яшаганлар, хизматлари нимадан иборат эканлиги ҳақида тўхталиб ўтаемиз. Омонхоналик 80-ёшли

Иноятиллохон хожи Лутфуллахон ўғли, 80-ёшли Тўхтахон хожи Алланхўжа ўғли, Бойсун туман маркази Қизил-Корез мавзесида яшовчи 80-ёшли Лутфуллахўжа Бўри хўжа ўғли ва Бибиширин мавзесида яшовчи 60-ёшли Норзилло махсум Мулло Абдулхайрхон ўғли, ҳамда Омонхона, Саримазор, Денов, Олтинсой, Термиз шаҳрида яшовчи хазратнинг авлодлари, шунингдек Омонхоналик турк қавмларини айтишларича, шайхнинг эл орасида катта нуфузга эга эканликларини таъкидлайдилар.

Омонхонадаги шифобахш сув, Авлоддаги Бошчашма, бевосита хазратни кароматлари ила содир бўлганлигини таъкидлайдилар. Хазратнинг дуоларини олиш учун Бойсунга ташриф буюрган Мовороуннахр ҳукмдори Соҳибқирон Амир Темур билан Дидоркамда Санги Султондаги учрашуви у кишининг ўз даврида катта нуфузга эга эканликларидан далолатдир. Шамсуддин Султон Валий дарвешона яшаганлар. Бу ерда «Дарвеш» сифат сўзи бўлиб, уни камситиш маъносида тушунмаслик керак. Дарвешларнинг ботини-маънавият кони, ахлоқи эса-инсониятнинг зебу-зийнати: Рафтори хулқи таъриф тафсимиздан юқори, уларнинг мартабаси Арши аъло. Комилликка эришган инсонлар шайхлар, комил дарвешлар сийрати маърифатини эгаллаш йўлида деярли бир хил.

У кишининг исми шарифлари Сайд Шамсуддин бўлиб, халқ эса у кишини эса қоларли сифатлари билан Хазрат Султон Валий Балогардон деб эслашади. Асли Бистомда туғулиб, Балхда яшаган ушбу муқаддас зот, тақдир тақозоси ила Бойсуннинг Омонхона (асл Эминхона, Эмин-Эркинхона маъносида) қишлоғида яшаб, шу ерда макон топганлар. Хазрат Султон Валийнинг туғилган жойи, авлоди, тарихлари, қолдирган мерослари манбаларда кам учрайди. У киши ҳақида форс-тожик тилида Бухорода чоп этилган «Тазкират ул-авлиё» асарининг 3- жилдида қисман айтиб ўтилади. Ривоят қилишларича, Хазратни Омонхонада синов кутади. Яъни ғойибдан қирқ кун бир оёғда тикка ҳолда чиллада туриш вазифаси топширилади. Чилланинг ўттиз тўққизинчи кунида Хазрат чарчаб қолади. Унга дам олишга рухсат берилади ва шундан кейин чиллани яна давом эттирмоқчи бўладилар. Шунда ғойибдан келган овоз: -вазифани тўлик бажарганингизда «Казогардон» бўлардингиз, энди «Балогардон» сиз, қувватингиз келадиган балоларни даф этишга етади, сиздан нажот сўровчиларга Аллохнинг нияти билан шифо беринг-дейди. Шундан сўнг Омонхонадаги шифобахш сув отилиб чиққан экан. Бу ривоят Хазрат Султон Валийнинг ислом йўлида нақадар комил инсон бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Шайх Сайид Шамсуддин хазратларини Бойсуннинг Дийдоркам мавзесига Соҳибқирон Амир Темур билан учрашишларини ҳисобга оладиган бўлсак, хазрат XIII асрда яшаб ўтганликларидан далолат беради. У зот Соҳибқирон вафотидан сўнг бу фоний дунёни тарк этган бўлиши мумкин. Албатта, бу тахминий уриниш. Агар Хазрат Султон Валий ҳақида манбалар топилса, аниқлик янада мукаммаллашади, деган умиддамиз. Хазрат Султон Валий кўп йиллар Омонхонадаги Ёппакамарда чилла тутиб, ибодат ва зикирлар қилиб юрганлар. Ўша пайтларда бу ишини овозаси нафақат Чағаниёнда-балки бутун Чигатой улусида таниқли бўлиб, хизматларига одамлар келишган. Ривоят қилишларича Соҳибқирон Амир Темурни хазинадорларидан бири бўлган Назар Мамат Турк умрининг охиригача садоқат билан хизматда бўлганлигини фахр билан гапирадилар. Хазратни дуолари доим ижобат бўлган. У кишининг кўрсатган

кароматларини эл ханузгача айтиб юради. У киши ҳақидаги ривоят ва кароматлар «Хазрат Султон Валий» китобида атрофлича ёзилган. Фаридуддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» асарида авлиёлар таснифи келтирилган. Муаллифнинг кузатишича, авлиёлар бир неча хилга бўлинади, чунончи: маърифат ахли, муомиллат ахли, мухаббат ахли, тавҳид ахли, мискин факирлар ахли ва бошқалар. Лекин шундай шахслар борки, юқоридаги сифатларнинг барчаси уларда жамланган бўлади. Бундай инсонлар туфайли кишилар қалбига илоҳий хикматлар ёғдуси кириб боради.

Шайх Азизиддин Насафий: «Жумла мавжудод одамзотга шунинг учун сажда қиладики, одамлар орасида комил инсонлар бор. Бас, жумла одам комиллар туфайли шарафлидур. Мавжудод ичра комил инсондан улуғроқ, шарафлироқ ва донороқ зот йўқ. Чунки комил инсон энг пастдан энг юқори мартабалардаги мавжудоднинг хулосаси фаришталар, рухоний мавжудодлар ва арши курси, самовати, кавокиб, ҳаммаси комил инсон хизматидадурлар ва ҳамиша комил инсон теграсини тавоф қилурлар ва комил инсон ишларини бажо қилурлар. Комил инсон илм мазҳаридур, комил инсон илоҳий зот сифатларининг ҳам мазҳаридур» - дейди. Хазрат Султон Валийнинг халқ комил инсон деб билгач, у киши наздида илоҳийлик ва инсонийлик тажассумининг мукамал ва олий даражаси одамларнинг одамини бутунликча, азим уйғунликда қуриш, орзу-хаёллари, камолот машъали бўлиши баробаридаги аниқ шахслар яъни валиюллох инсонлар рутбасини тан олиш ва қонунлаштириш ҳамдир.

Чунки комил инсон барча илмлардан зохирий ва ботиний донишмандликдан беҳабар, қалбида ғойиб асарлари жўш уриб турган зот деб биладилар. Жумма намозларининг бирида, «саримозор» жомъе-масжиди имом-хатиби Хайдаркул Хожи Сохибқулов:- «Улуғ китобларда келтирилишича, Аллох бандасини яратганда, тилни ақлга, вужудни нафсга, қалбни ўзига бўйсундирган экан. Биз кўп ҳолларда нафсга банда бўлиб, йўлимиздан адашиб қоламиз. Қалбимиз буюрганини эмас, тилни ҳар томонга буриб, нафснинг измига бўйсуниб қоламиз деди. Имом-хатибимизни айтган бу гаплари ҳақ.

Султон Валий хазратлари нафсдан ғолиб чиқиб, қалб ҳукмига тўлиқ бўйин берган комил инсон бўлган. Ҳар бир даврнинг етук инсонлари бўлганидек, у киши ҳам ўзлари яшаган даврнинг етук улуғ авлиёларидан бири бўлиб, Бойсун халқини исломийликка даъват этганлар. Дуоба, Қўрғонча, Назари, Айлангари, Дехиболо шунингдек Пангат, Бештахта, Вахшивор, Хавуз, Оқсув, Ёби, Овчи, Ифор, Бодихаво (бу кишлоқлар Олтинсой ва Денов туманлари худудида), ҳамда Омонхона, Авлод, Басанд, Сариосиё, Боғиболо, Дахнаижом, Работ, Мирқоракўз, Оқжар, Бибиширин халқи у кишига байъат қилган, ҳамда ўзларининг пири муршида деб билган. Биз у кишининг ҳаётларини тўлиқ ўрганишга ҳаракат қилдик. Лекин қабрларида бирон белги, тош ёзуви сақланмаган. У киши ҳақида манбалар 1937 йилги қатағон кунларида куйдирилиб ёки кўмиб ташланган бўлса ажаб эмас. Султон Валий хазратлари ҳақидаги маълумотларни оғзаки айтилган ривоятларга асосланиб ёритишга ҳаракат қилдик. Шояд келгуси авлод бу киши тўғрисида асосли бир фикр айтишар. Бундай улуғ зотлар биз учун доимо эъзозда бўлиб узулмас тарихимиздир. Бундай улуғ зотлар бугун ва эртамининг кўра олишга, ўзлимизни таниб олишимизга кўмаклашади, деган умиддамиз. У кишининг пок руҳи, яшаган камтарона ҳаёт йўллари, инсоният учун кўрсатган

ахлоқий-тарбиявий ишлари ибрат бўлиб қолмоғи лозим.

Хожа Сиддиқ саҳоба зиёратгоҳи. Хожа Сиддиқ саҳоба баъзи риоят ва манбаларда қараганда VII асрнинг охири - VIII асрнинг бошларида Ўрта Осиё мамлакатлари, яъни Мовороуннахр худудида Қутайба ибн Муслим хазратлари 366 саҳоба икромлар билан Исломни тарқатиш мақсадида сафар қилишади. Орада бир неча йиллар ўтгандан кейин, кунларнинг бирида Омонхона дарасидаги қоя ва тошдаги Гуттакамар тепалигида хожа Сиддиқ Саҳоба хазратлари билан бир қаторда хазрат Хўжаи Вакдон ва бир неча саҳобалар, тобеинлар йиғилишиб Ислом таракқиёти учун амру-маъруф қилиб турган бир пайтда душманлар у кишига тажовуз қилишган. Шунда у киши ўзларининг мўъжизавий хикматларини ишга солиб кўздан ғойиб бўлиб қолган эканлар. Ҳозирги кунгача шу жой мусулмонлар томонидан зиёрат қилиниб келинади. Хазратни ҳозирги олимлар ва тарихшунос уламолар томонларидан Жаъфари (тайёр) ёки хазрати пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо Соллоллоҳу Алайҳи Вассалламнинг амакивачалари деб тахмин қилинмоқда.

Аниқ исм шарифлари ҳозирги кунгача аниқ эмас. Аниқ қабрлари тўғрисида маълумотлар йўқ. У киши пири жаҳон (жаҳон пири) унвонига сазовор бўлганини тахминий суҳбатларда эшитганмиз. У киши айнан Хазрати Султон Валий Балогардоннинг пирлари, сийрат-синоат таъсуроти билан рухан сўзлашганлиги тўғрисида бир неча ривоятлар бор. Хожа Сиддиқ Саҳобани зиёрат қилиниши, совет хокимияти вақтида тақиқлансада, 1946 йилда Саййид Абдуллахонни (лақаблари, Эшони Ўроқ) фарзандлари Пўлот Мирзабоши Эшон бобонинг ташаббуслари билан қурилган масжид-хонақоҳ фаолият кўрсатиб турган. 1968-1969 йилларда қорнинг қалин тушиши натижасида бу хонақоҳ вайрон бўлган. 1972 йилда Омонхона қишлоқ аҳли томонидан қайтадан хонақоҳ янгидан тикланди ва тунука билан ёпилган. Кейинчалик 1980 йиллар яна бир марта Тўхтаҳон Хожи томонидан қайта таъмирланган. 2005 йилдан бошлаб Бобохонов Мутоирхон томонидан қайта тикланмоқда. Ҳозирча ниҳоясига етмаган.

Зиёратгоҳ ёнида тепалик ва шифобахш булоқ бор, тошлар билан қопланган. Маҳаллий халқ томонидан ўғил тош, қиз тош деб аталган. Бу тошларни сувга чайиб, суви ичирилса фарзанд талабларга Оллохнинг қудрати билан фарзанд ато этади. Яқинда бу хонақоҳ муллеси бўлган Бобохонов Мутоирхонга Бухородан 2-нафар дам олиб кетганлардан келган саломнома хатда ёзилишича, Омонхонада дам олиб, Хожа Сиддиқ Саҳоба зиёратгоҳини чин ихлос билан зиёрат қилганликлари учун, бу оилаларда фарзанд ато этилганлигини кўрсатилган.

Бибиширин мақбараси –Бойсун районидаги муқаддас гўшалардан бири бўлган зиёратгоҳдир. Қабристонда Бибиширин мақбараси қад кўтарган. Мақбарани баландлиги 8-метр бўлиб, махсус ғишт ва ганч билан безатилган. Мақбарани олд қисми пешайвонли бўлиб, гумбазсимон шаклида ёпилган. Зиёратгоҳни ёнида Домла Кулобийга, унинг фарзандлари томонидан мақбара қурилган.

Ривоят қилишларича Бибиширин зиёратгоҳи Омонхонада абадий макон топган буюк соҳибқаромат авлиё Султон Валий хазратларининг туғишган сингиллари Бибирайхон бўлади. Бибиширин бибимиз ўз замонида ҳақ муомиласи ва маърифат бобида беназир бўлган. Накл кишиларича, Бибиширин

бибимиз туғилган кечаси Хақ Таолодан нидо келиб, «сени шундоқ бир мартабага етказайки, осмондаги фаришталар сенга хавас қилсин» деган экан. Кундузги Рўза тутар, кечаси тонгга қадар намоз билан машғул бўлар экан. Зиёратгоҳ эл ичида машхур. Бибиширин номи билан юритиб келинади. Бибиширин манзилгоҳи ҳар доим гавжум. Бу зиёратгоҳ мана қарийб 600-650 йилларки муқаддас гўшалардан бири бўлиб, келмоқда.

Совет хокимиятининг 1920-1950 йиллардаги диний эътиқодимизга нисбатан олиб борган зулмкорлик сиёсатидан эсон-омон бизгача етиб келган Бибиширин хонақоҳи 1986 йилда айрим ғаламислар томонидан бузиб ташланган эди. 1988 йилда асл Пасурхи қишлоғидан бўлган, ҳозирда Бибиширин мазоратидан абадий макон топган мархум Ҳамид Каримов, ҳамда Қорабўйин қишлоғидан ака-ука Абдуллаевларнинг ҳаракати билан Бибиширин хонақоҳи қайта тикланди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, 2002 ва 2007 йилларда қайта таъмирланди, гузар ва обод масканга айлантирилди. Сурхон воҳасида ягона бўлган, аёл зотидан чиққан авлиё Бибиширин масканини янада обод қилишга туман ҳокимлиги кўмагида эзгулик ишлар амалга оширилди. Бибиширин зиёратгоҳини ҳар хафтанинг чоршанба кунларида зиёратчилар келиб зиёрат қиладилар. Бу муборак маскан кишиларни эзгуликка, диний ва тарбиявий юксаклика чорлайди, раҳмдил, меҳр-мурувватли, халол ва пок бўлишига ундайди. Ўтмишда ўтган донишманд, авлиёларга бўлган эътиқодимизни янада оширади. Бинобарин азиз авлиёларга, буюк шайхлар, уламолар қадамжоларини зиёрат қилиш ва у орқали уларни руҳини шод этиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ривоят: Хазрат Султон Валий кузатиб юрган эдиларки, бокира сингиллари Бибирайхон ҳар чоршанба куни кечаси уйдан ғойиб бўлар экан. Кунлардан бир кун кўппак кучукларини олиб, йўлга тўшадилар. Бир мушкил ерлардан ўтадилар, ногоҳ бир баланд тепага етадилар. (Ҳозир бу тепа Қоравултепа деб юритилади). Узоқдан қарасаларки, улкан бир катта дарахт тагида тахт қурилган бўлиб, оппоқ кийимлар кийган, чиройли кўркам бир киши тахт устига ўтирар эди. Орадан анча вақт ўтгандан кейин ҳар томондан тўп-тўп одамлар келишарди. Қирқ киши бўлдилар. Кўп турфа сўзларни сўзлашдилар. Тахтга ўтирган ул Хазрат сингиллари эди..., ул келганлар эса хирклар(чилтанлар) эди. Шунда ногоҳ сингилларини Кўзи Хазратга тушади.

Энди мени акам кўрдилар деб Аллохга илтижо қилади, Аллох бу илтижони қабул қилиб ва шу ердаги ғорга кириб ғойиб бўлган эканлар. Кейинчалик шу ғор устидан хонақоҳ қурилган. Т.Аннаевнинг «Бойсун археологик ёдгорликлари» китобида ёзилишича XVII-XVIII асрларда барпо этилган Бибиширин ва Хожа Қошгарон (Хўжа Кўчқор ота) мақбаралари туманнинг меъморий ёдгорликлари сирасига киради». Зиёратчилар ҳар чоршанба куни келиб, зиёрат қилиб кетадилар. Бибиширин зиёратгоҳини чин ихлос билан зиёрат қилганларга эса фарзанд талабга фарзанд, давлат талабга давлат ато этади.

Яна бир хикоят: Бибиширин мазороти атрофида ҳозирда кўплаб аҳолии яшайди. Қорабўйин номи билан юритиладиган ушбу қишлоқ фуқаролари зиёратгоҳ атрофида ўз томарқа ерларига экилган узум ва бошқа мевалар ўта ширин бўлади. Бойсун худудини бошқа ерларда бундай эмас. Балки шундай

бўлса керакки, бу зиёратгоҳни Бибиширин деб аталиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Агар йўлингиз тушиб Бойсуннинг дехқон бозорига кириб қолиб, узум харид қилмоқчи бўлсалар, қаерни узуми деб сўрайдилар, агар Бибиширин узуми ёки узум шинниси дейилса, бас дарров харид қилиб оладилар. Бу ҳақиқат:

Пахлавон Аҳмад Замчин ёки Хожан Дод зиёратгоҳи. «Абумуслимнома» қўлёзмасида (форс тилида) ва «Пахлавон Ахмадий замчи» номли китобларда Абу Муслимнинг барча ишлари, ҳаёти, инсонпарварлиги ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. 747-749 йиллар Араб халифалигининг шарқий қисми Мовароуннахр ва Хуросонда Аббосийлар – Уммавийлар ҳукумронлигига қарши кўзғалон кўтаради. Бу кўзғалонга **Марфлик** Абдурахмон Ибн Асад(727-755) бошчилик қилади. Уммавийларга қарши ҳаракатни кучайтириш мақсадида Абу Муслим Марв яқинидаги Сафисанж, Махувон қишлоқларини қароргоҳга айлантириб, халифаликка қарши ташвиқот олиб боради. 748 йили Хуросон валийси Наср Сайёрни енгадилар ва халифа Марвон 2 ни тахтдан олиб ташлайдилар. Муҳаммад пайғамбарнинг амакиси Аббос авлодидан Абдулло Саффоқ (749-754) халифа бўлади.

У Моваруннахрни обод қилишда кўп ишлар қилади. Шу жумладан Қадимий Карвон йўлида жойлашган Кент ва қишлоқларга соқчи ва сарбозлар сонини кўпайтириб, мусулмонликка даъват қилиш учун кўпгина кўзга кўринган лашкарбошиларни жўнатади. Шулардан бири бўлган Пахлавон Ахмади Ҳамчи келиб, Чўлибайр тоғи ёнида жойлашади. Шу ерда жойлашган Қорабодом, Пангат, Дуоба, Оксув, Назари (Луччак) Кўрғонча Дехиболо қишлоқ ахлини мусулмончиликка даъват этган. Абу Муслим Марв шаҳридан уста Хурдаки Хубкари бошчилигида хунармандларни, темирчи усталарни «Темир Дарвоза» ёнида Дарбанд қишлоғига келтириб Қапчиғай кўрғонига жойлаштиради. Бу усталар хизматда бўлган соқчи ва аскарларга, лашкарбошиларга камон, қилич, отларга керак бўлган барча асбобларни ясаб берадилар. Тарихда уч қахрамон бўлиб, булар: Рустами Достон нутқи билан, хазрати Али Зулфиқор қиличи билан, Абу Муслим болта билан жанг майдонига кирганлар. «Пахлавон Ахмади Замчи» китобида ёзилишича Абу Муслим учун уста Хурдак оғирлиги бир пуд (16 кг) келадиган болта тайёрлайди. Болта ўтмас бўлиб чиқади ва уста Хурдак бу ҳақида темирчилар пирларидан маслаҳат сўрайди. Улар Дашти Карболога бориб, Хазрати Алидан қолган Зулфиқор қиличидан бирор парчасини топиб келтириб қўшса болта ўткир бўлади деган маслаҳатни беришган.

Тарихдан маълумки, 661 йили рамазонойнинг 17 кунидаги Куфа шаҳри, Фрот дарёси ёнида Уммавийлар сарбози Абдурахмон ибн Мулжим ал-Муродий Хазрати Ажнинг бошига қилич солиб ўлдиради. Зулфиқор эса Алининг ўғиллари Хасан ва Хусайн қўлида қолади. Язид топшириғига биноан 55 ёшга кирган Хусайинни Карбало даштида шахид қиладилар. Зулфиқор от туёқлари остида парчаланиб кетади. Шамир исмли киши Хусайиннинг бошини танасидан жудо қилади. Муавия ўғли Язид Хасанни ҳам захарлаб ўлдиради. «Абу Муслимнома» китобида ёзилишича, Абу Муслим Карбало даштига бориб Алининг Зулфиқор қиличидан бир парчасини топади. Бу қилич парчасини қўшиб, уста Хурдак яна бир болта ясайди. Буни синаш учун турли жойлардан вакиллар тўпланишади. Пахлавон Ахмади Замчи эса Чўлибайр тоғи ёнида назорат қилиб туради. «Исми Аъзам» оятини ўқигандан сўнг Абу Муслим болтани зарб билан чинор дарахтига

уради. Лекин дарахт кесилмайди. Шунда ҳамма вакиллар «Абу Муслимнинг болтаси дарахтни кесмади, бу ҳаммаси лоф экан» деб бақира бошлайдилар. Ана шундай вақтда Чўлибайр (бу чўлибайр Дарбанд қишлоғини юқори қисмида) дан Пахлавон Ахмади Замчи чинор шохини мўлжаллаб камон отади. Камон ўқи Абу Муслим болта билан чопган чинор шохига келиб тегади ва чинор аста-секинлик билан қулаб тушади. Мовароуннахрда Абу Муслимнинг иши ривожланганлиги обрў-эътибори ортганлигини эшитиб, халифа Ал-Мансуруни Бағдодга меҳмонга таклиф этади. Зиёфатдан кейин Халифа Ал-Мансур Абу Муслим ва унинг ходимларини ўлдиради ва ўз соқчилари, сарвозлари, лашкарларини турли жойларга юборади. Ривоят қилишларича: Унинг лашкарлари Чўлибайрга (Дехи боло қишлоғига яқин) ҳам етиб келади. Узоқдан туриб, кетарга айғоқчилар юборадилар. Бу айғоқчилар эшак миниб Қўрғонча Қўрғонига келиб «биз тоғга туз олишга бораяпмиз, бир кечагина дам олишга рухсат беринг» - дейдилар. Улар қўрғонни бошдан оёқ билинтирмасдан кўз билан кўриб ҳамма ишни биладилар ва эртасига «Туз» бахона жўнаб кетиб тўғри Чўлибайрга бориб халиф Ал-Мансур томонидан юборган лашкарбошиларга хабар берадилар. Эртасига чошгоҳда Пахлавон Ахмади Замчи ёки Ахмади Кулохи Дарроз ҳам дейдилар бошчилигида лашкарлари билан дам олиб турганларида, қўққисдан хужум қилиб, ҳамма одамларни ўлдирадилар. Охири Пахлавон Ахмади Замчини бир ўзи қолиб, бир наъра тортиб, «Дод» деб урушга киради ва шайид бўлади.

Шундан буён неча асрлар ўтдики, биз зиёратгоҳини «Хўжаи дод» - деб юритилади. Пахлавонни Ахмади Замчинни қабри Қўрғонча қишлоғида алоҳида кўмилган. Ҳозирда қабри сақланган. Қабр бошида ўнг қўлдаги беш панжа таёкга қўйилган. Биринчи (мис) билан тоза нуқрада ясалган. Бу панжага орқа томондан Тожик-форс тилида панжани олд томонига турк-ўзбек тилида, кафтига эса араб тилида «Дунёдан – қабрга бораётганинда ҳеч нарса олиб кетолмайсан» деб ёзиб қўйилган. Бешпанжани ёнида куба қўйилган, катта чинор дарахти бор. «Дунё мана шундай куббадай, минг бой-бадавлат бўлсанг ҳам, бу дунёдан ҳеч нарса олиб кетолмайсан дейилган. Қишлоқ ахли ҳар Чоршанба куни ушбу зиёратгоҳни зиёрат қиладилар. Ҳозирча зиёратгоҳ таъмирланмай турибди. Қўрғонча Жомъе масжиди имом- хатиби Мулло Абдунабини айтишича, маҳалла ахли таъмирлаш учун иш олиб бораяптилар.

Хожа Сурх Пуш (Қизил Айзон) зиёратгоҳи. Абу Муслимнинг энг довюрак яловбардорларидан яна бири Хожи Сурх Пуш (халқда Қизил Айзон) ёки Абдужиона Ибн Алхам (92-ёшли Мулло Исмоил Ҳамдам ўғли Қорабўйин қишлоғи) ёки Дудмони кухи Сурхи (88 ёшли дехибололик Мулла Хикматилло Зиёдулло ўғли) ёки Хожои Сурх Пуш Саҳоба (70-ёшли Бибиширинлик Нарзулло Махсум Абулхайрхўжа ўғли) зиёратгоҳи ҳақида.

Абу Муслим замонида халифалик Уммавийлардан Аббосийларга ўтганда унинг тавсиясига кўра Хожа Сурх Пуш ўзининг жанговор отряди билан Мовароуннахрга қолади. Суғдларни мусулмонликка даъват қилиш учун Бойсун унинг абадул-абад макони бўлиб қолади. Ҳозирди кўмилган қабрлари Чорчинор мавзесидаги Қизил тепаликда жойлашган Хўжа Сурх Пуш ёки Дудман Кухи Сурхи-Дудмон форсча, олов ёқувчи, кухи сурхи-қизил тепа маъносини англатади. Ана шу тепада туриб келаётган душманни олов ёқиб хабар берилган бўлса ажаб эмас.

Ривоят қилишларича, Хожа Сурх пушни саллалари қизил рангда (Норшайит) бўлганлигини эътироф этадилар. Яна бир ривоят айтишларича, Хожа Сурх Пуш пайғамбаримиз авлодларининг яловбардор - лашкарбошилари деб эътироф этадилар. Яна бир ривоятда Хожа Сурх пушнинг ранглари қизил, қизил рангли кийим кийган, қизил сала ўраб юрган. Авлиёсифат бир киши бўлган дейишадилар. Яна бир ривоят Хожа Сурх Пуш Сахоба жиход билан келиб, шу ерда шохид бўлган, араб лашкарбоши, туғбардори, «Да ёри бихишти» ни бири Сайид Ваққос (Шеробод). Хожа Сурх Пуш (Бойсун), Шохизинда, Хазрати Шайх Ибн Аббос, Хўжа Дониёр, Хўжа Сарнграссон, Хўжа Санг Паррон (хаммаси Самарқандда), Уккоша (Туркистон) ва бошқалар келиб Мовороуннахрда жангда Шайид бўлганлигини эътироф этишади. Бу зиёратгоҳ ҳозирда ободонлаштирилган. Қабрлари устида 8 метрли гумбазсимон хонақо қурилди. Ҳар чоршанба куни элу-улус келиб зиёрат қилиб ҳақларига дуо қилади. Унинг атрофида қарийб III - асрга тенг Хўжа Сурх Пуш ёки Қизил Айзон қабристонидан бор.

Хўжа Қўчқор ота - (Хожа Кошқарон ота - Т.Аннаевнинг таҳлил бўйича). Бойсун районидаги Паданг қишлоғининг шимолидаги зиёратгоҳ. Туман марказидан 6-7 чакрим узокликда, ҳозирда ободонлаштирилган. 8 метрли хонақо барпо этилган. Гумбазсимон Хонақо пишшиқ ғишт, ганчдан қурилган. Азалдан мусулмон халқимиз Чоршанба кунлари бу қадамжони зиёрат қиладилар. Қадимшунос олимимиз Т.Аннаев –бу ёдгорлик XVI асрда барпо этилганлигини «Бойсун-тарихий археологик» китобида ёзиб қолдирилган.

Ривоят қилишларича: Қадимда Самарқанд Эшон пирларидан тулангит уруғига мансуб бир пир ўтган экан. Бу халқ бой-бадавлат экан. Кунлардан бир кун учта ака-ука булар Хўжа Қўчқор ота, Бойқўчқор ота, Шойқўчқор ота шу жойга келиб қолган эмиш. Кунлардан бир кун ушбу жойга 5 та нияти, мақсади бузуқ одамлар келиб қолибдида, булардан тилло ҳадя сўраганмиш. Шунда буларни қора ниятини билган Хўжақўчқор ота мени 2 шартим бор, шунга рози бўлсанг, кейин айтаман деган экан. Биринчи шартим 2 ракат намоз ўқишга ва наварасига тегмасликка даъват этибди. Унгача хассини ерга икки марта урган экан сув чиқибди. Сувдан тахорат олиб, икки рокат намоз ўқибди-да, унга ва чанга салом бериб Оллохдан илтижо тилаб, турган захотиёк ер ёрилиб Хожа Қўчқор ота шу ғорга киришлари билан катта тош келиб ёпилибди ва кўздан ғойиб бўлибди. Тоғнинг тепасига ўтин тергани чиқиб кетган Бойқўчқор ва Шойқўчқорни ва халифасини шайид қилибдилар. Ҳозирда Хожақўчқор тоғининг тепасида шундай қабр жойлари сақланган. Бу авлиёни кароматларидан бири чин ихлос билан илтижо қилганларга фарзанд талабларга фарзанд ато этадилар. Ҳозирда ҳам кўплаб мусулмонлар ёш болаларини олиб бориб, биринчи сочини олдириш удум бўлиб қолган. (бу ривоятни Хўжақўчқор ота зиёратгоҳи шайхи Паданглик мулло Рўзибойдан ёзиб олинди). Яна бир ривоятда: Хўжа Қўчқор ота, Хўжа Бойқўчқор ва Хўжа Шойқўчқор уч ака-ука Хисор томондан Бойсунга келаётганида йўлда қароқчиларга учрайди. Оллохдан нажот сўрайдилар ва ҳозирги макон топган жойларга ғойиб бўладилар... (бу ривоятни 81 ёшли Норкул Тоғаев (Кўктепа маҳалласи) айтиб берди.

Хўжамайхона ота зиёратгоҳи. Хўжамайхона катта дарада жойлашган бўлиб, суви Мачай дарёга, ёки қадимги номи Тургон дарёга бориб қўшилади.

Хўжамайхонани биринчи бор кўрган киши беихтиёр чуқур хаёлга ботади. Асрлар оша ана шу сувнинг бир маромда оқиши кишини ажаблантиради. Хўжамайхонани минглаб қариялар, саркардалар, дин пешволари, шайх ва хожилар келиб зиёрат қилиб кетган. Тарихий манбаларда ёзилишича, буюк Соҳибқирон давлат арбоби Амир Темур ҳам ушбу зиёратгоҳга келиб, зиёрат қилганлиги ҳақидаги манба бизгача етиб келган. Хўжамайхонада Бойсундан боришда чап томонда Хазрати Боховуддин Балогардон чиллага ўтирган жойларини бўлганини, ўнг томонида эса Хазрати Мил Кулол чиллага ўтирган жойларини белгиси бор. Хўжамайхона мазорининг атрофи қалин дарахтлар билан ўралган. Сув зовнинг тубидан чиқиб айланиб 3 та тоғ зинаси орқали дарёга кўшилади. Табий пайдо бўлган бу 40 метрли зиналар, худди махсус ясалган зиналарга ўхшайди. Лекин минг афсус бўлсинки, ҳозирги вақтда бу зиналар қаттиқ шикастланган. Япония олимларининг ёзишларича, Хўжамайхона суви Осиё қитъасининг энг биринчи тоза, филтрланган шифобахш сув бўлиб, инсон аъзосига фойдали бўлган темир ва олтин моддалари мавжуд экан. Хўжамайхона деб номланган бу манзил, ўз табиий-манзараси, хуш хавоси, сувининг тиниқ, тотли ва шифобахшлиги билан кишини хайратга солади. Кексаларнинг айтишича, Хўжамайхона суви билан Мачайдарё суви ўртасида боғлиқлик бор экан. Негаки Мачайдарё суви тошса, Хўжамайхона суви ҳам тошар, камайса камаяр экан. Иркутсклик ғоршунослар, бу ерда анча фурсат туриб, Хўжамайхонанинг ажиб жумбоқлари ҳақида бош қотирдилар. Ғаввос кийимларини кийиб Хўжамайхона ёнида жойлашган ва ўша ердан сув оқиб келаётган ғорга кириб қарийб 2 км масофада ичкари юриб бордилар. Уларнинг айтишларига қараганда ғор оғзида катта кўл сувлари мавжуд бўлиб, ичкарига қараб борган сайин бу кўллар ўрнига шиддат билан ғувуллаб оқаётган сувга дуч келиш мумкин. Яна шуни айтиш лозимки, ғор туби кўринмайди, тахминан 10 км дан ортиқроқ ичкарига қараб чўзилган экан. Хўжамайхона ота, пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом амакиваччалари ва кўёвлари бўлмиш хазрати Алини аждодларидан бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Хўжамайхона ҳақидаги тарихий манбалар ҳозиргача бизга етиб келган эмас.

Уштур Санг Ота. Уштур Санг Ота мазори Қорагут тоғидан юқорирак Сувсиз тоғининг ён бағрида жойлашган. Катта тошайвон остида ғор бўлиб, ғор атрофини заранг, бодомча, писта, чакки, мушша дарахтлари қамраб олган. Ривоят қилишларича, бир замонлар босқинчилар келиб қишлоқ ахлини талаган эканлар. Одамлар улардан қутулиш мақсадида ҳар томонга қараб қочишибди. Шу қишлоқни мўтабар бир кишиси ҳамма рўзғор асбобларини туясига ортиб, хотин, бола-чақаси билан тоққа қараб қочибди ва бир ғорга кириб яширинибди. Босқинчилар сезиб қолиб, ғорга яқинлашадилар. Буни сезган оила бошлиғи бошқа иложи қолмаганлиги сабабли ғордан ташқарига чиқади ва қиблага қараб худога илтижо қилади. «Худо худованда, босқинчилар кўлига тушмайлик, илоҳо руҳимизни абадият маконига олиб кет, сенинг бандангмиз, сен бизни холоскоримизсан» дейди. Шунда бирданига ҳамма қарахт бўлиб қолади ва ғордаги бутун оила туяси билан тошга айланиб қолади. Босқинчилар ғорга кириб бу воқеани кўриб кўрқиб кетадилар ва бошқаларни тутишга киришадилар. Лекин ҳеч кимни тутолмайдилар. Бу бир ривоят ҳолос. Лекин шунга қарамай ҳар чоршанба куни бу мазорни халқ зиёрат қилади. Мол сўйиб худойи қилишади.

1976-1978 йилларда тадқиқотчилар мазкур зиёратгоҳдаги ғорга кириб, ҳамир қилиб турган ҳолда тошга айланган аёл ва унинг қизларини акс этувчи тошни кўриб, бирин-кетин тош туя остидан ўтиб, гуноҳдан пок бўлиш, ҳамиша яхшилик йўлини танлаш, ҳар бир ишга чин юракдан эътиқод қилиш, иймон деган улуғ сўзга қатъий риоя қилишни тасаввур этганлар. Зиёратчилар мазорнинг мўмиёли сувидан ичиб, ўз ниятларини изҳор этганлар. Бундай қадамжолар Дарбанд қишлоғида ҳам мавжуд бўлиб, булар: 1.Мазори Сангоб. 2.Деволту. 3.Чилламазор. 4.Писта мазор. 5. Хўжа хурдак.

Ривоятларга қараганда етти ака-ука бир замонлар яшаган эканлар. Яшаш манзиллари алоҳида-алоҳида бўлиб, бир-бировлари билан борди-келди қилмас эканлар. Натижада еттовлари ҳам ғойиб бўлишган экан. Биродарлардан Хўжа Фил, Хўжа Махмуд, Хўжаипок-Куйтан томонда, Хўжа Анқо, Хўжаи Ғор-Тангридара томонда, Хўжа Майхона Дарбанд томонда, Хўжа Сирхпўш Бойсунни Сариосиё қишлоғи томонида жойлашган.

Бобосохиб (Сохиб Зода) Саримозор Зиёратгоҳи. «Саримозор» мавзесида аниқроғи «Саримозор» жомъе масжиди ичида Бобосохиб (Сохиб Зода) нинг қабрлари бор. «Саримазор» қабристониди дафн этилган Сохиб Зода Хазрат Миён Муҳаммад Алининг амакилари Хайдарқул хожини пири ҳисобланади. Сохиб Зода Хазратнинг ўғиллари Миён Тўра Абдулмажитхон Бойсунлик Муфти Равшаннинг пирларидир. Миёнов Хошим ва Миёнов Умар Миён Муҳаммад Аминнинг укаларидир. Ҳозирда Тожикистоннинг Хавод туманида яшовчи Шайх Миён Бўритош ва укалари Миён Муҳаммад Амин Омонхоналик хўжаларга пир ҳисобланади. Миён Муҳаммад Амин оталари Миён Зоҳитиллахон (лақаблири Қора Миён Хожи) боболари Қори Сохиб, ундан Руҳи Пок Сохиб, ундан Руҳи Пуш Сохиб, ундан Ҳаким Сохиб, ундан Бабосохибдир.

«Саримозор» нима маънони беради? «Сар» форсча бош деган маънони беради яни бош мазорни ёки мазор бошини англатади. «Саримазор» мавзесида қарийб II асрлик тарихга эга хўжалар (эшонлар) ва беклар қабристони бор. Бу қабристонда азалдан хўжалар ва беклар дафн этилган. «Саримазор» мавзесини шимолий-ғарбида «Қўрғони боло» қалъаси (Ҳозирда қабристон), шимолий – шарқида Хожа Сурх Пуш Саҳоба мақбараси, шимолий томонда Хожа Сирх Пуш мақбараси (Сариосиё қишлоғи) бор.

«Саримозор» жомъе масжиди. Бойсун худудида жомъе масжидлар XVII-XVIII асрларда қурилган. Ўшанда худуд бўйича 94 та, шу жумладан фақат беклик марказига 22 та масжидлар ишлаб турган. Ўз даврининг хашаматли меъморий обидалардан саналган. Улар ҳақида куйидаги маълумотлар бор.

Жомъе Масжидлари хашаматли тўртбурчакли, устунлари ила тўрт томонга кетадиган, кенг равоқлари қалқонсимон, қанотларга ўрнатилган гумбазлар хонақоҳ сатхининг 4 бўлакка ажратиб туради. Бу масжидлар ўрта асрларга оид анъанавий услубда тамирланган. Бундай услуб XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларига қадар қўлланиб келинган. Хашамдор гумбазли масжидлар қишлоқларда анча сийрак учрайди. Одатда қишлоқ масжидлар ҳам шаҳар гузарларидаги каби устунларга ўрнатилган ясси тўсинлар билан ёпилиб, бу устунлар қишлоқи хонақоҳ ва айвон куббаларини тутиб туради. Бир калоннали тўртбурчак хонақодан иборат ва икки томонлама «Г» шаклига ўхшаш айвонли масжидлар кўп учрайди. Ушбу меъморий шакл бутун Ўрта Осиё бўйлаб

тарқалган.

«Албатта масжидлар Аллохникидир, Аллох билан бирга бошқани дуода шерик қилманглар». Маълумки, масжидлар совет хокимияти даврида топталди, бузиб ташланди. Ошхона, Савдо дўкони, дорихона, ғалла омбори, ётоқхона, хатто молхона сифатида фойдаланилади. Бойсундаги жомъе масжидлари ҳам шундай кўргуликларга дуч келган эди. Бойсун «Саримазор» жомъе масжиди мустақиллик туфайли қайта қурилди. Тарихий бинонинг пойдевори обдон таъмирланиб, унинг устунлари ва ёғочлари янги иншоот учун фойдаланилди. Шарқона меъморчилик санъати анъаналарига таяниб, гўзал шакл ва шамойлга эга бўлди. Эски масжид ўрнига янгиси қурилиб, ишга тушурилди. Кейинги вақтларда иншоот сатхи ҳозирги замон талабларига мос тушмай қолди.

Дунётепа зиёратгоҳи. Ривоят қилишларича Лутфиллохон эшон бобонинг иккинчи боболари Мамаюсуфхўжа Бухоро амири Музаффархон даврида Бойсун бегининг (ўша даврларда Бойсун беги асли Кешлик бўлган Насруллобек бўлган экан) осмон вақтларини белгилаб, айтиб турувчи, яъни мунажжими бўлган экан. Кунлардан бир куни Мамаюсуфхўжа ой чиқишини кузатиб туриб, уни чиқиши ҳақида бекка хабар қилиш учун Омонхонадан боради. Бойсун кўрғонига етгач, дарвозадаги соқчиларга:- «Омонхонадан мунажжим келди, шуни бекка хабар қилинглар мени қабулга чорласин» - дейди. Бойсун беги мунажжимни қабул қилади. Мунажжим бугун ой кўрганлигининг хушxabарини айтади. Бу хушxabарни эшитган бек, Мамаюсуфхўжага шохона тўн ва қирқ танга миқдорда маош билан тақдирлаб жўнатади. Мамаюсуфхўжа Бойсундан-Омонхонага қайтиб келаётганда, йўлда дам олади. Қайтиб эшагига минаётганида бир кўк чумчуқ аввал бошига, сўнгра чирқиллаб учуб бориб бир ҳарсанг тош устига кўнади. Бундан ажабланган Мамаюсуфхўжа бунда бир сир-синоат бормикан деб кўнглидан ўтказди ва яна йўлида давом этади. Халиги чумчуқ келиб кўлига ўтириб, икки-уч маротаба тумшуғи билан уради-да, яна чирқ-чирқлаб халиги ҳарсангтош устига бориб кўнади.

Бу сафар Мамаюсуфхўжа эшакдан тушиб, халиги тошни олдига келиб, аввал хилла чўпи билан, сўнгра пичоғи билан тош остини ковлайди. Озгина ковлаши билан тош остидан катта Хазина борлиги кўринади ва бу олтин тангаларни белидаги белбоғига боғлаб, тўғри Бойсун бегининг кўрғонига равона бўлади. Кўнғонга етгач, қоравуллар хайрон қолади. «Мамаюсуфхўжа бугун бекга учраб кетган эди, яна нимага қайтиб келди экан» - деб кўнгилларидан ўтказдилар. Дарвоза таққиллагач, Бойсун бегига киришини ва зарур юмуш билан қайтиб келганлиги ҳақидаги хабарни бекка етказдилар. Бек рози бўлиб, Мамаюсуфхўжани ўз қабулига чорлайди. Мамаюсуфхўжа бўлган воқеаларни бирма-бир айтиб беради ва барча олтин-жавохирларни бекни олдига кўяди. Бек эса барча мулозимларини қабулига чорлаб, бўлган воқеаларни айтиб беради. Мулозимлари эса бу олтин-жавохирлар халлолик билан топилганлигига ҳеч қандай шубха йўқлигини айтадилар ва барча олтин-жавохирларни Мамаюсуфхўжага қайтариб берадилар. Мамаюсуфхўжани қистови билан бек бир кафтига сикқанча бу олтин-жавохирларни олади ва қолган барчасини қайтариб беради. Ана шундан буён Бойсуннинг кун чиқиш томонида, Дийдоркам-Паданг қишлоқлари оралиғидаги тепани Дуниётепа дейишаркин. Бу воқеа шу ерда содир бўлган экан.

Ривоят қилишларича, Омонхонанинг кун чиқар томонида **Хўжа Вақтдона ота** зиёратгоҳи бор. Бу мунажжим авлиё ота осмондан бўладиган барча сир-синоат, ҳодиса-воқеаларни кузатиб турар экан. Бўлиб ўтган барча воқеа-ҳодисалар ҳақида Бойсун бегини хабардор қилиб туриши ҳақида хали-хануз гапирадилар.

БОЙСУН ҚИШЛОҚЛАРИ

*Ватан надир, туққан ерим, тургон ерим,
Ўсиб-униб, ўйнаб-қулиб юргон ерим.*

Сидқий Хондойлиқий

Қишлоқ аҳолиси асосан деҳқончилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида банд бўлган аҳоли манзилгоҳи. Қишлоқ фақат аҳолисининг машғулоти билан эмас, балки ижтимоий-иқтисодий, маданий, табиий-географик ва турмуш тарзи билан ҳам шаҳардан фарқ қилади. Қишлоқ-Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузумидаги энг қуйи буғун, қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий хусусияти аҳолини ердан қай даражада фойдаланиши, жойнинг табиий географик шарт-шароитлари билан боғлиқ. Шу боис қишлоқлар тарихан катта-кичик бўлган. Турар жойлар ҳам шунга қараб жойлашган. Текис, серсув ва тупроғи серунум. Умуман табиий шароити қулай жойларда йирик қишлоқлар жойлашиб аҳолиси анча гавжум яшаган, асосан деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланган. Масалан: Авлод, Пасурхи, Дарбанд, Работ, Чилонзор, Дахнаижом, Тиллокамар, Хўжабулғон, Мунчок, Сайроб, Пулҳоким ва бошқа. Қишлоқлар: текис лекин суви кам бўлган жойларда (чўл ва даштларда) аҳоли кўпроқ чорвачилик билан машғул бўлган. Бундай жойларда қишлоқлар кичик, бир-биридан анча узоқда, асосан қудуқлар ёнида жойлашган: Ажрим, Кучкак, Тангиммуш, Кофрун, Хожадияк, Шўроб, Фотмабулоқ, Питов, Ёмчи, Узун қудуқ, Бешэркак, Панжоб, Ўртабўз, Инкабод, Даштиғоз, Кокбели ва бошқа.

Тоғли ҳудудларда асосан қишлоқлар, кўпроқ сой ва булоқлар бўйида таркиб топган: Тўда, Хомкон, Назари, Олачопон, Яккатол, Гуматак, Дехиболо, Қўрғонча, Дуоба, Қайроқ, Кентала, Қизилнавур, Мачай, Ёлғизбулоқ, Оқжар, Мирқоракўз, Сарикамиш, Пудина, Омонхона, Қўшбулоқ, Чаган, Сели-бели, Эгарчи, Ўрикли, Оқбулоқ ва бошқа.

Ҳозирда тумандаги қишлоқлар қишлоқ кенгашлари ва маҳалларга бирлаштирилди. Тарихда маҳаллаларнинг бир қишлоққа бирлашиши аҳолининг деҳқончиликнинг муайян тури билан шуғулланиши, бир қабилага мансублиги, бир ариқдан сув ичиши, хашар, тўй ва маракаларни бирга ўтказиши ва шу қабиларга боғлиқ бўлган. Қишлоқ кишиларнинг ижтимоий ва тарихий таркиб топган бирлигидир. Уларнинг вужудга келиши жамият тараққиёти ва ҳудудий меҳнат тақсимотидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади. Санъатнинг ривожланиши ва урбанизация муносабати билан дунёда қишлоқ аҳолиси салмоғи камаймоқда. Масалан: XX асрнинг 20-йилларида Бойсун туман ҳудудида 201 та, 1935-йилга келиб эса 165 та қишлоқ мавжуд бўлган. 2009-йилда эса 72 та қишлоқда аҳоли яшайди. Қишлоқларда аҳоли салмоғи ортмоқда, туғулишнинг нисбатан юқорилиги, оилаларни кўпчилиги қишлоқ шароитида яшаб

келаётганлиги билан боғлиқ. Қадимий қишлоқлар аҳолининг мавсумий манзилгоҳларидан ташкил топган. Қишлоқлар дастлаб кишиларнинг қиш фаслида истиқомат қилган жойи сифатида вужудга келган.

Одамлар аста-секин деҳқончилик билан шуғулланиб ўтrockлашиб қолган. Ибтидоий жамият даврида шаклланган уруғ бирлашмалари ўтrockлик даврида ҳам сақланиб бир уруғ бир қишлоқга ўрнашган. Масалан: Бойсунда Қорабўйин қишлоғи қўнғиротнинг тортувли қабила тармоғи бўлган, Майдатовоқ уруғининг Қорабўйин уруғ тармоғи номи билан аталган. Карвон йўлларида, дарёларнинг кечув жойларида ҳам қишлоқлар юзага келган. Масалан: Дарбанд, Работ, Оқжар, Қайроқ (улоқ-ўйнар) ва бошқа. Ҳунармандчилик ва савдо ривожланиб, деҳқончилик ажралиб чиқа бошлагач, шаҳарлар юзага келди. Дастлабки даврларда қишлоқлар жамоа бошлиғи, кейинчалик сайланадиган жамоа оқсақоли ёки жамоа йиғини томонидан бошқарилган. Қишлоқларнинг ташқи кўриниши даврдан даврга ўтишида ўзгариб борган. Бойсун худудида Мунчоктепа, Бозортепа, Хисортепа, Оқжар, Қўрғони боло, Оқтепа (Тўда), Ғишттепа (Кофрун) каби X-XIII асрларда шаклланган қишлоқлар мавжуд бўлган. Тарихий манбаларда ёзилишича бу қишлоқларни сўниши Чингизхон босқини даврида тўғри келади. Темурийлар даврида бу қишлоқларга қайта ҳаёт бағишланган. XIX асрга оид манбаларда таъкидлашича Бойсунда 5 минг аҳоли истиқомат қилган. 2004-йилдаги маълумотларга қараганда Ўзбекистонда 63,5 фоиз аҳоли қишлоқларда истиқомат қилади. Бу кўрсаткич Англияда-11фоиз, Германияда-12 фоиз, АКШ да- 21 фоизга яқин ташкил этади.

Пасурхи - «Работ» фуқаролар йиғини худудидаги қишлоқ. Туман марказидан 4 километр, яқин темир йўл бекати Бойсундан 12 километр, масофада. Маҳалла аҳолиси 4156 (2009) киши. Чорвачилик, деҳқончилик, боғ-тоқчилик билан шуғулланади. Узумни маҳаллий навларидан тойфи, песабанд, жовуз, кўп яхши ва ширин бўлади. Одамлари ишбилармон ва тадбиркор. Кўплаб фидойи инсонлар етишиб чиққан. Аҳолиси зич яшайди. Бойсунсой (Хонгаронсой) дан сув ичади. Аҳолиси қувур билан Тўда қишлоғида олиб келинган булоқ сувидан ва Бойсунсойдан улов билан сув ташиб ичади. Газлаштирилган. Умумий таълим мактаби, қишлоқ врачлик маркази, савдо дўконлари, тегирмон, мойжувоз бор. Аҳолига почта хизмати кўрсатиш шахобчаси, ёқилғи-мойлаш ва тарқатиш шахобчаси, электр энергияси билан таъминлаш корхонаси жойлашган. Мачит фаолият кўрсатади. Топоними. Пасурхи – паст Сурхи (қуйи сурхи); сурхи сўзи форсча қизғиш-қизғиш тепалик номи. Баъзилар бу номни «Қизил дўнгнинг орқа томони» деб тушунишади.

Авлод - «Авлод» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги қишлоқ. Туман марказидан 6 километр, яқин темир йўл бекати Бойсундан 18 километр масофада. Маҳалла аҳолиси 2009 йилда 2184 киши. Асосан форсийзабон Чигатой тожиклари яшашади. Чорвачилик, асаларичилик, деҳқончилик, боғдорчилик, сабзавотчилик билан шуғулланади. Маҳаллий «Бойсун» қизил олмаси кўп яхши ва ширин бўлади. Бу олма Сурхон воҳасининг бошқа минтақаларида етиштирилмайди. Умумий таълим мактаби, савдо дўконлари, тегирмон бор. Электрлаштирилган. Жомъе масжиди фаолият кўрсатади. «Хонгарон» сойидан ва бош булоқ сувидан сув ичади. Авлод қишлоғи-туман марказининг шимолда жойлашган. Энг сўлим гўшаларидан бири. Бойсунтоғ тизмасига тутшиб кетган.

Салкин, денгиз сатхидан 2200 метр баландликка жойлашган. Авлодлик кекса қарияларни айтишича (Рустамбобо Умаров ва бошқа) авлод-аждодлари Балхдаги Дари Суфдан келганликларини эътироф этишади. Эмишки, кимки Дари Суфга бориб овоз чиқарса, дара «суф» деган овоз чиқаришармиш. Аждодлар қачон Авлодга келиб ўрнашиб, яшаб қолганлари ҳақида, бирон-бир далил ҳозирча топилмади. Тарихдан маълумки, Балх аҳолиси икки маротаба Мавороуннахрга кўчирилган. Биринчи маротаба, Мовароуннахр ҳукумдори Амир Темир 1370 йилда Балхда Амир Хусайин устидан ғалаба қозонгандан сўнг, Балх аҳолиси Мовароуннахрга кўчирилганлигини: Шарафиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» китобида ёзиб қолдирган. Иккинчиси XVI-XVII асрларда Бойсун – Шайбонийларнинг (1500-1599) Балх мулклиги тасарруфида бўлган.

Мовароуннахр Балх вилоятида 1500-1699 йилларда, қарийб бир аср қараган, бу ҳақида Абдуллохон ўзининг «Шайбоннома» китобида ёзиб қолдирган. Ўша давр тақозосига кўра Балх аҳолиси Мовароуннахрга кўчирилган бўлиши мумкин. Бунинг ёрқин далили, Бойсунда форс-тожик тилида сўзлашувчи аҳолини айрим қисми ўзларини аждодлари Балхдан келганликларини айтишади. Археологик олимларни аниқлашларича XI-XII асрларга даврланган Авлод қишлоғи яқинида қалъа ва тепа топилган. Ушбу жойдан топилган Темир Тошқол (Шлак) ва сопол буюмларни харобадан топилиши қишлоқни 800-900 йил атрофида шаклланганлиги эътироф этилади. Авлод ҳудудидаги манзиллар: Чинорак, Чорраха, Тавлук, Жуни-Жунак, Соябед, Юрти-Қозоқ, Қутани туғдонадор, Тоба, Замини пишти тоба, Бешазор, Замин, Калло, Эллик, Дара, Арра, Сурхи, Паси Калон, Ҳарқуш, Қўрғондара, Шириндара, Санги калон, Миращур, Сурхибузук, Санги Султон, Кўксой, Як-арча, Булқоқ, Қорадўнг, Лолим, Йўнғичқазор, Толзор, Кўхи кабути калон, Кампир кўли, Кўхи баланди Фарход,(кўхи калонзода)Лалми, Аннакавон, Гужум, Пасты (чукур), Кўхи зари Якум (зартоғ-1), Кўхизари дуом (зартоғ-2), Уч Эмчак, Пила-1, Пила-2, Забизард, Дара. Авлод қишлоғида тожик миллатига мансуб аҳоли яшайди. Авлод булоқлари - Сари чашма, Чашмаи Мурод, Чашмаи Охун, Чашмаи Қўзибой, Чашмаи Осиё, Чашмаи Арра. Сойлари- Охангарон(хангарон) темирчилар яшаган сойлик, Дарёи Саричашма.

Авлод маърифатпарварлари: Рамазоний (Бухоро амирлигида қушбеги яъни бош вазир лавозимида ишлаган.), Домла Ориф хожи-Бухорои Шарифдаги мадрасаларнинг бирида муддарислик қилган. Мирзо Умар Юсуф ўғли, Мулло Равшан (муфти), Домла Охун (Махмуд Мала ўғли), Мулло Норкул (Норкул Жўра ўғли). XIX асрда яшаб ўтган ака-ука Қори Ашуркул ва Қори Мансур XX асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган Муфти Равшан кейинчалик Тузбозор (Саримазор) мавзесида яшаган. Ўздан кейин ўнга яқин солих фарзандлар қолдириб, 1961 йилда бу фоний дунёни тарк этган. Қабри Қўрғони боло қабристониди.

Зиёратгоҳлар - Зартоғ-1, Зартоғ-2, Чўпонота, Санги Султон, Чилтан ота. Авлодда яшаётган уруғлар Ашурмахмати, Губбакийлар, Тоғчи ва Авлодилар. Каромат Тўқсабо, Норкул Тўқсабо каби етук кишилар Хисор беклигида хизматда бўлганлар.

Полвонлари - Жўра Полвон, Нор полвон, Аъзам полвон, Сувон полвон, Фармон полвон (лақаби Саманчи полвон), Нурали полвон. Совет ҳокимияти даврида Ибодулла Назаров, Умар Имомқулов, Абдулатиф Норқулов (халқ

таълими бўлими мудир), Иззатой Собирова (депутат, жамоатчи аёл), Зиёда Холиқова (шахматчи), Авлодда туғилиб Шарғунда яшаган Шаҳриёр Хурсандов (Мехнат қахрамони ва олий Совет депутати), Хайдар Турсунов каби етук кишилар етишиб чиққан. Сухроб Умаров Авлодлик илк 2008 йил фан номзоди. XIX аср охири - XX асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган Домла Ориф хожига Садриддин Айний, Эшони Муфти, Эшони Қози шогирд тушганини ўзининг таржимаи холида ёзиб қолдирган. Қабри Авлод қабристониди. Ривоят қилишларича: Домла Ориф хожи икки маротаба муқаддас хаж сафарини адо этган.

1914 йилда Бухоро амири Сайид Олимхон Санкт-Петербургга боради ва Россияда тўнтариш эҳтимоли борлигини билиб келади ва Домла Ориф хожини тезда Бойсунга жўнатади. Бойсундаги ҳозирги Саримазор масжидида имомхатиб бўлади. 1930 йилда Домла Ориф жуда каттиқ касал бўлади ва амакилари отга миндириб Авлодга олиб келади ва Рамазон ойининг учинчи даҳаси Лайлат-ул қадр кечаси вафот этади. Ҳозирда қабрлари устидан катта анжир дарахти ўсиб чиққан. Айрим касалликлар ушбу жойдан шифо топмоқда.

Домла Рамазоний ҳақида - Домла Рамазоний авлодда туғилиб, ўсган. Кунлардан бир куни оёқ яланг Бухорога бориш учун йўлга тушади. Йўлда оёқ яланг юролмади, оёқлар қабрган. Оллохга илтижо қилади, уни илтижоси қабул қилиниб, ғойибдан Бухорога бориш уқтирилади. Бухорога бориб отбоқарлик қилади. Боқилган отлар тезда семириб кетади. Бу гап Бухоро амирига етгач, амир домла Рамазонийни ўз саройига отбоқарликка таклиф этади. Кейинчалик амир ишончини қозониб, Сарой табибларидан бири бўлиб шуғулланади. Табибликдан хабари бўлган Домла Рамазонийни Бойсунга келишида Дарбанд амлақдорлигида заҳарланиб ўлдирилган. Жасади Бухорога олиб кетилган ва ўша ердаги қабристонларни бирида дафн этилган.

Айтишларича, унинг жанозасида Бухоро амири Сайид Олимхон қатнашган экан. XX асрда яшаган Авлодлик Уста Савур Хўжакул ўғли Авлод ҳақида қуйидаги мисраларни битган:

Занги дилро меварад боди хавойи Авлод,

Катман задай Фарход, кўхаш нишондор Авлод.

Номи дарёхаш Охангарон оби вай, басад дард даво Авлод,

Сарғашмаш етмиш танг, хоки вай ба чашим тўтиё Авлод.

Ажрим - Бойсун Фуқаролар Кенгаши ҳудудидаги қишлоқ. Қишлоқ ўртасидан Тошғузур-Бойсун Қумқўрғон темир йўли ўтган. Чорвачилик (асосан эчкичилик), лалми деҳқончилик билан шуғулланади. Қишлоқ электрлаштирилган. Умумий таълим мактаби. Савдо дўконлари бор. Булоқдан сув ичади. Твитли эчкичилик ривожланган. Яйловлари чорвага мослашган. Қишлоқдан дондор чорвадорлар етишиб чиққан. Мавзелари: Учкамар, Кунтиймас, Аччиққўл, Жайракамар, Такдирли, Ачима, Қизил Қўтан, Қоракамар, Ғаллакамар, Сардоба, Бойвиччасой, Мамантепа, Гадейтопмас, Шақоли кам, Азлар Қўтон, Сут туғилди. Булоқлари: Чўчибулоқ, Каттабулоқ, Анор булоқ, Жорма булоқ, Чагангу булоқ. Даралари: Оққапчиғай дара, Бандихон дара, Танги мушота дараси, Оқдара.

Ариқ усти - Бойсун туман марказининг шимолий – шарқий томонида жойлашган қишлоқ. Туман маркази билан туташган, яқин темир йўл бекати

Бойсундан 13 километр узоқликда. Маҳалла аҳолиси 2009 йилда 2400 киши. Эгри ариқдан суғорилади. Қувурлардан сув ичади, тўлик газлаштирилган, Дала-деҳқончилик, боғ - токчилик билан шуғулланади. Ариқ усти-яъни эгри ариқни усти, шимолий, юқори томони маъносини англатади. Умумий таълим мактаби, тегирмон ва мойжувоз бор. Ариқ усти қишлоғи худудида ҳокимият биноси, кўп қаватли уйлар, дорихона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари бор. Гузари- Навлулион, Кўктепа.

Боғиболо - «Авлод» қишлоқ фуқаролари йиғинига қарашли қишлоқ. Туман марказидан 5 километр, яқин темир йўл бекати. «Бойсун» дан 15 километр масофада. Маҳалла аҳолиси 2009 йилда 1971 киши. Чорвачилик, деҳқончилик қисман сабзавотчилик ва боғдорчилик билан шуғулланади. Ёнғоқ, олма яхши хосил беради. Қисман асаларичилик билан ҳам шуғулланади. Эгри ариқдан суғорма деҳқончилик қилади. Сув қувурлари орқали сув ичади. 2008 йилда газлаштирилди. Савдо дўконлари тегирмон ва мойжувоз бор. Қишлоқ амбулаторияси хизмат кўрсатади. Топоними – Боғиболо - форс изофа боғҚболо юқори боғ. Бошқа боғларга нисбатан ёки аҳоли марказидан юқорида жойлашган (ёки атрофида ташкил бўлган.) боғ. Аслида Боғиболо. Боғи-болони жанубий-ғарбида Қўрғони боло қабристони бор. Шарқдан Хожа Сурх Пуш (қизил Айзон) қабристони билан туташган.

Бешэркак- «Сайроб» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги қишлоқ. Бойсун туман марказидан 48 километр яқин темир йўл бекати «Дарбанд» дан 40 километр масофада. Маҳалла аҳолиси 2009 йилда 679 киши. Лалми деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Умумий таълим мактаби ва савдо нуқталари бор. Қудукдан сув ичади. Тегирмон бор. Топоними - Бешэркак аҳолининг айтишича, чорвадор қўнғиротлар қишлоқ ўрни - яйловни беш эркак туяга сотиб олган эмиш. Бу ривоят. Беш эркак-патроним, қўнғиротларнинг вахтамли бўлимидаги гиламбови (гиламбоғи) уруғининг бир тармоғи. Этнонимиядаги ўғил (беш ўғил), уруғ (уч уруғ), пўчок (мирзапўчок, қирпичок), ота (турота) каби сўзларнинг бир кўриниши - Эркак патроним ойконимга ўтган. Бешэркакда – қоракўлчилик ривожланган. Қўнғир Суюнов, Жовли Диёров, Ўзбекистон Олий Кенгаш депутати (1971-1975) Дусёр Алиёров каби чорва дарғалари етишиб чиққан.

Бибиширин- «Работ» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги қишлоқ. Туман марказидан 4 километр яқин темир йўл бекати Бойсундан 8 километр масофада. Аҳолиси 2009 йилда 1909 киши. Асосан форсийзабон Чигатой тожиклари яшайди. Чорвачилик, деҳқончилик, боғ-токчилик билан шуғулланади.

Бибиширин зиёратгоҳи бор. Ҳозирда ободонлаштирилган. Узуми ширин ва мазали бўлади. Маҳаллий навлардан тойфи, песабонд, жовуз, хусайни узумлари етиштирилади. Умумий таълим мактаби, савдо дўконлари, мойжувоз ва тегирмон бор. Бибишириндан етук ва фидойи олимлар етишиб чиққан. Бибиширин қишлоғи худудида «Бойсун санъати музейи», «Алпомиш боғи ва Алпомиш стадиони ҳамда теннис корти» жойлашган.

Гуматак- «Қўрғонча» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги қишлоқ. Туман марказидан 35 километр, яқин темир йўл бекати Бойсундан - 46 километр масофада. Дуоба қишлоғининг шимолидаги қишлоқ. Аҳолиси 2009 йилда 503 киши. Чорвачилик, деҳқончилик (буғдой, арпа, нўхат, зиғир, беда уруғи) қисман

боғдорчилик билан шуғулланади. Булоқлардан сув ичади. Гуматак дарёсидан сув ичади. Қишлоқдан Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Рамазон Абдуллаев, ва Республикада таниқли ҳуқуқшунос Эргаш Менглиевларни она юрти. Топоними- «Гуматак»- яъни «гумм таги» сўзларидан хосил бўлиб, қишлоқ этагидаги сойда чуқур гум бор. Ўша гумга нисбат бериб, қишлоқнинг номи ҳам шунга монанд атала бошлаган.

Газа- Бойсун туманининг шарқда жойлашган қишлоқ. Туман маркази билан туташган. Маҳалла аҳолиси 2009 йилда 2870 киши. Эгри ариқдан сув ичади. Дала деҳқончилик, боғ-токчилик билан шуғулланади. Умумий таълим мактаби, қишлоқ врачлик амбулаторияси, маҳалла идораси, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, тегирмон ва мойжувози бор. Юк автомобиллари унитар корхонаси ва қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик коллежи биноси, ғишт заводи жойлашган. Сув қувурларидан сув ичади. Сув тақчиллиги учун кўплаб ток ва мевали дарахтлар нобуд бўлган. Қишлоқдан вилоятга, туманда хизмат қилган номдор раҳбарлар, шунингдек Алимардон Худойбердиев, Хуррам Жўрақулов каби дарғалар етишиб чиққан. Топоними: Газа-тоғ этаклари ва нотекис адирларда қирсимон чўзиқ баландликларнинг ошиб ўтадиган йўл бўлган қисми. Очгаза, Оқгаза, Тўқгаза, Қорагаза каби турлари бор. Қишлоқ жойлашиш ўрнига кўра номланган. Газа-Юқори Газа ва Куйи Газа тарзида иккига бўлинган.

Даштиғоз - Бойсун қишлоқ фуқаролар йиғинидаги қишлоқ. «Бойсун» фуқаролар уюшмаси бошқарув идораси, фуқаролар йиғини идораси, болалар боғчаси, умумий таълим мактаби, клуб, дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш нуқталари, қишлоқ врачлик амбулаторияси жойлашган. Замонавий спорт кураш комплекси 2008 йил қуриб ишга тушурилган. 2009 йилда қишлоқ булоқ суви билан таъминланиб, аҳолиси 2009 йилда 3104 киши. Лалми деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Туман марказидан 13 километр, яқин темир йўл бекати, Бойсундан 23 километр узоқликда. Топоними Даштиғоз- «Дашт» тожикча калима. Эроний тилларда ҳам амалда бўлган. Суғд тилида «дағишт» «дахшт» тарзида бўлган. Яғноб тилида эса дашт-маъносини чўл, текислик, водийнинг туби, майдон. Форс ва тожик тилларида дашт-биёбон, сахро, кенг, текис, жой экинзор. Ўзбек тилида-дашт-экилмай ётган сувсиз ер, чўл, кенг очик майдон. Ғоз-сўзи ўзбек тилида ғоз парранданинг бир тури бўлиб, ёввойи ёки хонакилаштирилган бўйи узун сувда сузувчи йирик қушларнинг номидир. Даштиғоз-ғоз яшаган дашт, ғоз яшашига мос дала ва хоказо.

Даштиғоздан ўзбек кураши бўйича машхур жаҳон чемпиони Тоштемир Полвон Муҳаммадиев етишиб чиққан.

-Даштиғоз (халқда)-дашти хазина яъни тупроғи унумдор, хосилдор.

-Даштиғоз (халқда)-ғозлар дашти, кўл бўлган шунда ғозлар сузиб юрган.

-Даштиғозда: тўғиз, овокли, ур, шоликор, хуросон уруғлар яшайди.

Дахнаижом- «Дарбанд» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги қишлоқ. Қишлоқнинг шарқий томонидан Туркондарё оқиб ўтади. Қишлоқ ўртасидан 1912 йилда қазилган Бўзариқ оқиб ўтади. Деҳқончилик чорвачилик, сабзавотчилик ва боғдорчилик билан шуғулланади. Умумий таълим мактаби, савдо нуқталари бор. Тегирмон ва мойжувоз қурилган. Топоними: Дахнаижом - форсча изофа дахна+и+жомнинг дахнаси. Суғд. Жан+жон+жом-каноя, булоқ, сув манбаи,

жилга, сув. Дахнаижом - дарёнинг тор жойи, сув дарбанди.

Дарбанд- «Дарбанд» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқ. Туман марказидан - шимолий-ғарбда 25 километр узоқликда. Тошғузар - Бойсун-Қумқўрғон темир йўли ўтган. Бекати ва темир йўл депоси жойлашган. Қишлоқ ўртасидан Туркондарё оқиб ўтади ва шундан сув ичади. Умумий ҳудуди 595,4 километр квадрат. Дарбанд қадимий қишлоқ. «Темир дарвоза», «Темир қапуғ» (туркийча), Дари-Оханин (форсча) шу қишлоқ ҳудудида бўлган. Маҳалла аҳолиси 2009 йилда 3341 киши. Асосан форсийзабон тожиклар яшайди. Чиройли обод маскан. Жуда кўплаб олимлар, шоирлар, ёзувчилар ва машҳур кишилар етишиб чиққан.

Чорвачилик, боғдорчилик, деҳқончилик, сабзавотлик билан шуғулланади. Дашнабод анор тури кўп, яхши ва ширин бўлади. Қишлоқда қишлоқ фуқаролар йиғини биноси, Дарбанд касалхона биноси, дорихона, 3 та умумий таълим мактаби, болалар боғчаси, кутубхона, клуб, кўплаб савдо дўконлари, сув тегирмони, мойжувоз ва кўплаб овқатланиш нуқталари жойлашган. Дарбандга-2007 йил 24 август кунда Тошғузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли очилиши муносабати билан Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ташриф буюрган. Тапоними: Дарбанд-маҳаллий аҳоли нутқида Дарбанд, Дербанд, аслида ороним. Форсча изофа дар(а+й)и+банд. Алишер Навоий асарларида Дарбанд-тўсиқ, бўсаға, эшик олди, тоғдан ўтадиган йўлнинг киравериш жойи, даранинг танг, сиқиқ жойи. Дарбанд-эшик табақаларининг зич ва маҳкам тутиб туриш мақсадида қуйиладиган тиргакчўп, тамға, икки вилоят ёки мамлакат чегараларини кўрсатувчи табиий тўсиқ, хад белги, қалъа, қўрғон. Дарбанд ўзбек тилига ҳам ўтган. Фозил Йўлдош ўғли Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан, Ислом шоир Назар ўғли дostonларида Дарбанд сўзи бир неча маъноларда қўлланган. Эшик қоравули, дарвозабон («Авазнинг арази» дostonи), икки тоғ оралиғининг бошланадиган тор, қисик жойи («Кундуз билан Юлдуз»), вилоятлар ёки мамлакатлар оралиғида табиий чегара тўсиғи («Муродхон»).

Бундай чегара вазифасини тоғ ичидаги тордара, дара ичидаги йўл бажарган. А.Навойининг «Тарихи мулки аҷам» асаридаги қипчоқлар хужум қилган шаҳар ва вилоят номи Дарбанддир. Каспий денгиз бўйида-Кавказда Дарбанд шаҳри бўлган. Доғистонда Дарбанд шаҳри ва унинг қадимий тош деворлар ҳаробаси мавжуд. Дарбанд топоними ва географик атама бўлиб, таркибида дара сўзи бор. Дарбанд-даранинг қисик жойлари Темур дарвоза, дарвозаи Оханин номлари билан ҳам аталган. Қадимий туркий битикларида эса Темур Қапуғ (қапуғ, қопқа-дарвоза) Дарбанд сўзининг топонимия тахлили «дарвозалик жой», «Эшик олди манзилгоҳи» маъноларини англатади.

Чунки юқорида қайд этилган илмий тахлиллар Дарбанднинг Дар- «эшик, дарвоза», Банд- «ёпилган, тўсилган, бекитилган» маъноларини англатади.

Бойсун транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи 2009 йилда қурилиб ишга тушурилди. Дарбанд темир йўл бекати 2008 йил ва темир йўл транспортига тезкор хизмат кўрсатиш депоси 2008 йилда қурилган. Дарбанд-қадимий форсий-пахловий сўз бўлиб, уч маънони:

1. Тамғали маҳкам эшик.
2. Икки давлат ва вилоят чегара сарҳадидир.
3. Қадимий пахловий тилда қўрғон маъносини билдиради. Бойсунлик олим

Жаббор Омонтурдиев «Дарбанд атамаси форс-тожик тилида йўли берк кишлок деган маънони билдиради» деб ёзган. Дарбанд қадимий тоғ ёнбағриларида жойлашган кишлоклар жумласига киради. Кишлоқ катта тоғлар-Сувсиз, Чўлбайир ва Саримаск орасида жойлашган бўлиб, катта «Туркон» дарёси ана шу кишлокнинг ўртасидан ўтади. Халқи 3 минг йилдан буён яшаб келмоқда. Дарбанд кишлоғи орқали икки томондан «Буюк ипак йўли» ўтади. Икки карвон йўли ўтганлиги учун 16 та карвонсаройлар ҳамisha хизматда бўлган.

Буюк ипак йўлининг бир тармоғи Дарбанд темир дарвозаси орқали ўтган. Ипак йўли жанубдан: Ҳиндистон, Афғонистон, Балх, Термиз, Шеробод, Сайробга; Шарқдан: Хутан, Қошғар, Хисор, Қўлоб, Дехнав, Бойсун орқали Дарбанд темир дарвозасига келиб Бўзгалахона дарасида иккига бўлинган. Буларнинг бири Шўробдан Қоработқоқ, Лангар, Шахрисабз, Самарқанд томон, иккинчиси Чак-чак, Оқработ, Ғузур, Қарши, Бухоро томонга қараб кетган. Бу йўл орқали Қуруши Қабир, Искандар Зулқарнайн, Доро-1-2, Қутайба Ибн Муслим, Чингизхон, Амир Темур, Бобур Мирзо, Шайбонийхон ва бошқа кўплаб саркардалар ўз юришларини амалга оширганлар. Хитой сайёҳи Чжан Цян 136 милодий йилда Ўрта Осиёда 20 йиллик саёхатидан сўнг Осиёнинг тоғу тошлари, дарёлари ҳам Бойсун ва Дарбанд хақида батафсил ёзиб қолдирган.

Дарбандаги Темир Дарвоза жаҳонда машҳур бўлиб, бир неча асрлардан буён тарихчи археологларни қизиқтириб келмоқда. Темир дарвоза кейинроқ Турк битикларида «Темир қапуғ», араб-форс манбаларида «Темир Кахлага», «Дари Оханин», «Бабул хадида» деб кўплаб қайд этилган.

Сохибқирон Амир Темур Саройига келган испан элчиси Руйи Гонсалес Б.Клавихо 1404 йилда ушбу дарвозадан ўтган биринчи ва илк Ғарбий Европалик элчи ҳисобланади. 1982 йилда академик Э.В. Ртвеладзе бошчилигида археологик қазилма ишлари олиб борилди. 1995-1997 йилларда Франция археологик академияси, Швецария, Англия, Германия археологик олимлар келиб ўргандилар. 1998 йилда Япониядан 100 ортиқ сайёҳлар келиб кўрдилар. «Буюк ипак йўли» атамаси 1877 йилдан йилдан бошлаб юритилган, 1877 йили Фердананд Рихтхофен (1835-1905) Хитойга бориб, «Тарих» номли китоб ёзиб, шу китобда «Буюк йўл» сўзи ёнига «ипак» сўзини қўшиб қўяди. БМТ нинг ташаббуси билан 1990 йил «Буюк Ипак йўли-мулоқот йўли» шиори остида 137 та давлат вакиллари Бойсунга келишиб Темир дарвозани кўрдилар. Дарбанд кўрғонлари - Шерхожи кўрғони, Султон кўрғони, Қапчиғай кўрғони. Дарбанд тоғлар номлари - Саримаск, Қорамаск, Каттапай, Аламли, Сувсиз, Чўлибайр. Карамаск - тоғнинг юқори дарасида Ғовурган деган жой бор. Икки томони тош билан терилган деворлари ханузгача сақланиб қолган. Ривоятларга кўра, қариб мункиллаб қолган қарияларни бир хафталик озик-овқати билан Ғовурғонга олиб кетишар, у ердан тирик қайтишга руҳсат берилмас экан. Бу дара ичида қолган қариялар ҳаётидан кўз юмушга мажбур бўлганлар. Искандар Зулқарнайн милоддан олдинги 331 йилда Ўрта Осиёни истило қилгач, бу урф-одатлар ман этилиб, Ғовурғонлар бузуб ташланган. Қарияларни айтишича бундай Ғовурғонлар Қизилнаврда, Кўхитанг (хўйтан) да, Қорамаскда, Боботоғда, Вахшиворда ҳам бўлган экан. Италия сайёҳи Марко Поло шундай деб ёзади: «800 йил олдин Дарбанддаги 500 хўжалик турли кишлокларда яшаганлар. Уларнинг урф-одатлари суғдийча бўлиб, ўзлари ҳам суғд тилида сўзлашганлар».

Академик Этнограф Б.Кармишева ўзининг «Очерки Этнической истории южных районов Узбекистана и Тожикистан» (1976 йил) асарида Дарбандда куйидаги қишлоқлар борлигини ёзиб қолдирган: Қанжиғай, Оқмачит, Испандиёр, Бирга-бир, Қизилқишлоқ, Сапчил, Гурум, Чанбул, Сесанги, Қушосиё, Човди, Иноят, Ялғизбулоқ бу қишлоқлар Шеробод (Туркан) дарёсининг икки томонида жойлашган. Дарбанд халқи келгиндилар эмас, балки аجدодлари яшаб келган қадимий юрт деб ёзган.

Академик Э.Ртвеладзе ҳам шу фикрга қўшилган. Хисори Шодмондан бошлаб Кўйтан тоғигача, Варзобдан бошлаб Ҳанузгача, Сина, Хонжизза, Қўрғонча, Бойсун, Дарбанд, Сайроб, Панжоб, Мачай, Хатак, Шержонгача бўлган жойлар халқи қадимий халқ ҳисобланади. Дарбандда-Дарбанд дараси, Коскак, Қорагут, Питоб, Толли, Боғиболо каби қишлоқлар, ҳам вужудга келди.

Дарбанд булоқлари - Кахти Ганбус, Лочин, Чашмаи Халима, Мирзошо, Қаду деб номланган. Қадимда Дарбанд дарёси устида 4 та кўприк мавжуд бўлган. Пули Сарсон, Абузиё Кўприги, Йўлдошмуҳаммад кўприги, Мулло Қулахмад кўприги.

Дарбанд қадамжолари - Мазори Сангоб, Деволту, Чилламазор, Писта мазор, Хўжа майхона, Уштур Сан гота, Хўжа Хурдак.

Дарбанд карвонсаройлари - Саройи подшоҳ ва Амирхожи, Маматқулхожи карвонсаройи, Маъмур арбоб карвонсаройи, Тўрақулхожи, Чертинг, Оқина, энг каттаси Работ карвонсаройи ва Султонқул карвонсаройлари. Йўловчиларга доимо хизмат қилиб келган.

Саройи подшоҳ - Дарбанд қишлоғи ўртасида катта тўрт бурчакли девор ва иморат билан жойлашган жой бўлган. Бу бинонинг қурилиши Амир Абдуллахон даврида бошланган. Бухоро амирлигида олий ҳукумдор амир ҳисобланиб, ижро этувчи ҳокимият қўшбеги қўлида эди.

Амирлик маъмурий жиҳатидан бекларга, беклик эса амлоқларга бўлинган. Беклар ва амлоқдорлар амир томонидан тайинланган. Бухоро амирлигида 24 беклик бўлиб, шундан 3 таси ҳозирги Сурхондарёда бўлган Дарбанд амлоқдорлиги Бойсун беклигига қарамасдан тўғридан тўғри Бухоро амирлигига қараган. Амлоқдорларни асосий вазифаси-хирож йиғиш, деҳқонлар етиштирган ҳосилни йиғиб олиш, солиқни ўз вақтида тўламаганларни жазолаш жарима солишдан иборат бўлган. Шунинг учун Дарбандда Сарой подшоҳи қуриш шарт бўлган ва қурилган. Бухоро амири вакиллари, элчилари, карвон бошлиқлари шу Сарой подшоҳига кўниб, дам олишар ва яна йўлга равона бўлишган.

Бухоро амири ҳуқуқий жиҳатидан мустақил ҳукумдор бўлсада, аслида рус подшосига қарам бўлган. 1890 йилдан, бошлаб Дарбандга Туркистон генерал-губернаторининг аскарлари келиб, саройнинг юқори қисмида ҳарбий лагер ташкил этганлар. Самарқанд-Термиз йўли ташкил этилган вақтда рус армияси 6 ойлаб лагерда дам олиб, ҳарбий машқ ўтказиб турганлар.

Дарбанд амлоқдорини ишларини кузатиб, жосуслик қилганлар. Бу ҳақиқат-Дарбанддаги урф-одатлар ва маросимлар ҳақида Академик Бобожон Ғофуровнинг қайд этишича тожикларнинг тарихи бутун Ўрта Осиё халқлари қатори кўпгина хорижий Шарқ тарихи аввало Хиндистон, Покистон, Афғонистон, Эрон, Араб мамлакатлари билан боғлиқдир. Дарбанд халқининг қайси авлодга мансублиги, келиб чиқиши, қачон пайдо бўлганлиги ҳақида

ҳозирча бирон бир далиллар, ёзувлар, кўрсатмалар йўқ. Шунинг учун дарбандийларнинг урф-одатлари, маросимлари, тили-қадимийдир.

Маросимлардан бири бўлган Наврўз байрамини яхши ўтказадилар. Ҳар бир уйда нон, етти хил таом, дон новдаси, бир даста исирик кўшилган. Қизлар чиройли тақинчоқлар тақишиб, турли-туман кийимлар кийишиб давра қатнашчиларини юзига сув сепадилар, ўйинга тушадилар, ашула айтадилар. Тош теришиб бу йилги хосилнинг яхши бўлишини ният қилиб, тошларни орқаларига ирғитишадилар. Катта-катта дошқозонларда сумалаклар пиширилади ва қишлоқ аҳолисига тарқатилади. Уй-жойлар тозалаш, кўкат ва гуллар билан безаш, ота-оналар, яқин кишилар билан дийдорлашиш, мархумларнинг қабрини зиёрат қилиш каби ишлар бажарилади. Дастурхонларни турли хил таомлар, пишириклар билан безатилади. Ёшлар топишмоқлар, хазил сўзлар қизиқарли ўйинлар кураш ташкил этадилар. Маросимлардан яна бири бу тўй-маросимлардир. Бу удум Одам Сафулло ва Момоҳаводан қолган удумдир. Худованда Карим дунёдаги етти иқлимдан бирини ширин қилиб яратган бўлиб, бу оиладир. Икки ёшнинг ҳаётини пайванд этиш ниятида совчиликка бориш, нон ўшатиш, сарполар тайёрлаш, сеп йиғиш, тўққиз товоқ жўнатиш, тўй жўнатишга оид қанчадан-қанча саъй-ҳаракатлар ўзбек ва тожик халқларида бир хилдир. Дарбанд халқида «келин салом» одати йўқ. Келинни фақатгина мусиқа, кўшиқ ва рақслар билан куёв уйига қабул қиладилар. Суннат тўйлари 1,3,7 кунгача давом этади. Илгарилари суннат тўйлари кўпқарисиз миллий курашларсиз ўтказилмаган. Ҳозирда тўйлар маҳалла ва уруғ бошлиқлари томонидан соддалаштирилган тартибда ўтказилмоқда. Маросимларнинг энг қадимгиси бу мархумни дафн этиш маросимидир. Дарбандда ислом дини кириб келгунга қадар зардуштийлик дини ва маросими ҳукум сурган. Мархумни кўмиш олдидан аёлларнинг садр тутиши одати зардуштийлик маросимларига хосдир. Ўлик чиққан уйдан мархумнинг яқинлари бўлган хотин-қизлар сочларини ёйиб, бошларини яланг қиладилар. Белларини боғлайдилар, садирга кирадилар. Юзлари тирналган аёллар унга жўр бўладилар. Ҳамма чап ва ўнг томонига бурилганида кўлларини вазминлик билан қарсиллатадилар. Садир 4-5 соат тинмай давом этади. Ўртада турган аёлнинг ўрнини бошқаси эгаллаб, давом эттиради. Садирда ҳолдан тойиб ўтириб қолганларни, ҳатто хушдан кетиб йиқилганларини ҳам учратиш мумкин. Бўғиқ кучли овозларда дод солиб йўқлаш, юзларнинг қонталаш бўлиши, ёйилган сочлар, бир хилда оёқ босишлар, кўлларни қирсиллатиш - буларнинг ҳаммаси дахшатли манзара бўлиб кўринади. Бу манзара ҳатто қабр бошида, яъни ўликни қабрга қўйгандан кейин ҳам такрорланади. Ҳозирда сақланмаган.

Бойсун шаҳри ва шаҳар атрофида яшовчи тожикларга нисбатан Дарбанд, Сайроб, Панжоб халқи орасида «жумаги» деган одат бор. Бир киши ўлгандан кейин 3 та пайшанбада мол сўйилиб, овқат пиширилади. Махсус хоналарга аёллар кириб уввос солиб, баланд овозда бақириб йиғлашади. Сўнгра бошқа хонага кириб овқатланишади. Дуоба, Кўрғонча, Дехиболо, Хўжадияк, Авлод, Сариосиё, Пасурхи, Кўчкақда яшаб келаётган тожик миллатига мансуб аҳолига бу маросим йўқ. Дарбанд ахли сунний бўлиб, нима сабабдан жумаги (пайшанбалик) ўтказиш ҳақида бирор манбада кўрсатилмаган. Бошқа жойларда мархумнинг еттиси, қирқи ва йили ўтказилади.

Мархумнинг 3 та жумалигида (пайшанбалик) овоз чиқариб йиғлаш, 4 та

сарихоклигини (киши ўлгандан кейин уни эшлаш, овқат ейиш) ўтказиш Хайрот ёки Эритиш бериш каби маросимлари ҳозирда Дарбанд оқсоқоллари ва маҳалла бошлиқларининг ташаббуси билан тартибга келтирилган. Аёллар учун қабристонда мато йиртиб тарқатиш, аёлларнинг кўмиш маросимида қабристонга бормаслиги, ҳар бир жумагидаги дастурхонга 3 дона нон ўраб бориш қатиян ман этилди.

Дарбандда ҳозирда сақланиб қолган 3 та уруғ ва унинг шохлари бор.

1. **Момаги авлоди**- Шехона, Бобоавази, Малики, Бешкал, Мирзокними, Пирати шохларига бўлинади.

2. **Шодихўжаги** - Тапкуха, Жовпайаи, Санги сафей, Дўстмахмати шохларига бўлинади.

3. **Буччаги** - Саоти, Хорсангини, Мирсангини, Хукаки, Қозибароти, Мисофири шохларига бўлинади.

Дуоба - «қўрғонча» қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудидаги қишлоқ, туман марказидан 30 километр яқин темир йўл бекати. «Бойсун» дан 40 километр масофада туманнинг шимолий-шарқда жойлашган. Маҳалла аҳолиси 2009 йилда 1700 киши. Асосий форсийзабон тожиклар яшайди. Чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик сабзавотчилик билан шуғулланади. Эчкичилик яхши ривожланган. Ёнғоқ ва олмадан кўп ҳосил олинади. Қайроқ ва Дуоба дарёсидан ва жуда кўплаб булоқ сувларидан фойдаланилади. Қишлоқ фуқаролари йиғини биноси, қишлоқ врачлик маркази, савдо дўконлари ва маиший хизмат шахобчалари, умумий ўрта таълим мактаби, тегирмон ва мойжувоз бор.

Гузарлари – Қизил Қишлоқ, Турк қишлоқ, Паста Дуоба. Топонимии - Дуоба-Дуғоба, Дуоба, Дуоб- «икки сув қўшилган» жой топонимининг талаффуз шакли.

Дехибола - қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқ. Туман марказидан 50 километр, яқин темир йўл бекати «Бойсун» дан 64 километр масофада. Аҳолиси 2009 йилда 750 киши. Асосан форсийзабон тожиклар яшайди. Чорвчилик, деҳқончилик қисман боғдорчилик - бедачилик билан шуғулланади. Мевали дарахтлардан олма яхши, ширин ва кўп бўлади. Умумий таълим мактаби, савдо дўкони, тегирмон, мойжувоз бор. Булоқдан сув ичади. Топоними – Дехибола - форсча изофа дехҚиҚболо-юқори қишлоқ, юқори томондаги қишлоқ. Аслида - Дехиболо, яъни боло (форсча) - юқори демақдир. Деболо, Дейболо, Диболо каби кўринишлари ҳам бор.

Дехиболо қишлоғи - ривоят қилишларича Дехиболо қишлоғи тахминан бундан 800 йил олдин пайдо бўлганлиги манбаларда қайд этилади. Дехиболо – мавзесида 7 та қишлоқ бор. Булар: Қорабодом, Пангат, Дуоба, Оқсув, Назари, Қўрғонча, Дехиболо. Гузарлари: Зервароз, Обизой. Ҳозирда Денов туманига қарашли Останамозорда (Хайрабодда) абадий макон топган «Дехиболо» қишлоғида яшаб ўтган Қурбоний Валий ҳақ даражасига етишган. Қурбоний Валий-Сўфи Оллоёрнинг шогирди, Самаги уруғидан бўлган. Дехиболода 3 та уруғ - аймоқ истиқомат қилади. Булар: Шерхожи, Гиёси, Самаги уруғларидир. Қишлоқдан Сўфи Бобоназар-шоирлик даражасига етишган. 1920-йилда 76 ёшида вафот этган. Қабри Дехиболо қишлоғи мазоротида. Дехиволо қишлоқ атрофини 7 та бузруглар ўраб турибди: Вулар: Жануб томонидан-Хожа Сулаймон Кассир (Бузруг), Шарқ томондан - Хожа Ғоив ва Полвони Замча, Шимоли-Шарқ

томонидан Хожаи Нур, шимоли-ғарб томонидан Хожа Лукмони Хаким, ғарб томонидан - Султони Чашма қишлоқдан етук исломшунослар етишиб чиққан, ана шулардан бири Мулло Хикматилло Мулла Зиёдулла ўғли ва унинг фарзанди Қори Абдулла Мулло Хикмат ўғли қорилик даражасига эришди. Ҳозирда Музработ туманида яшаётган Қори Мулла Абдулло Мулло Хикмат ўғли Қуръони Карим ва хадиси Шарифни тафсилотларини мушохида қилишда етук исломшунос ҳисобланади.

Дехиболода: Оқбои, Рўзибои, Муродали, Боймурод, Абдурахмон, Абдузоир, Болта полвонлар ўтган.

Эгарчи - (Бойсун-Бешэркак) - Эгарчи қишлоғи-аслида Шеробод туманидаги қишлоқ фуқаролари йиғинига қарашли қишлоқ. Кейинчалик Бойсун тумани Сайроб қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Туркондарёнинг чап томони. Бешэркакка боришда йўлни чап тарафида барпо этилган, қишлоқ номи ҳам Эгарчи деб аталади. Қишлоқ 12 хонадондан иборат. 49 киши истиқомат қилади. Ўқувчилар Чилонзор мактабига қатнаб ўқийди. Қишлоқ Электр энергияси билан таъминланган. Туркондарёдан сув ичади. Туркондарёдан насос орқали сув чиқарилган. Лалли деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Қишлоқни кун ботар (ғарбий) томонидан Тошкент-Термиз автомобил шох йўли ўтган.

Фотмабулоқ - «Бойсун» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқ. Туман марказидан жанубда 20 километр, яқин темир йўл бекати 7 километр масофада. Топоними – Фотмабулоқ - фотмани булоғи. Қишлоқ шу номдаги булоқдан сув ичади. Чорвачилик ва лалли деҳқончилик билан шуғулланади.

Мунчоқ- «Сайроб» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқ. Катта ўзбек тракти Шох автомобил йўли ўтган. Маҳалла аҳолиси 3256 киши. Туркондарё (Мачайдарё, Шеробод дарё) дан сув ичади. Деҳқончилик, чорвачилик, бағдорчилик билан шуғулланади. Умумий таълим мактаби, қишлоқ врачлик амбулаторияси, савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси ишлаб турибди. Мол қабул қилиш маркази жойлашган. Қишлоқ ҳудудида бўрдоқчилик комплекслари бор. Топоними: Мунчоқ-форсча бурж- қалъа, кўрғон, минора, мезони. Ак аффикси кўшилиб, бурчак- бурчок – мурчок-мунчоқ тарзида ўзгарган. Мунчоу (бурж+ак) қалъа, минор (сибор қишлоқ). Мунчоқтапа – I-IV асрларда Кушон подшолиги даврига оид ва маданий қатламлари 1 асрдан XII асрларгача боради. Мунчоқдан - Ўзбекистон халқ бахшиси Шобердибахши Болтаев етишиб чиққан.

Мирқоракўз - «Работ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқ. Туманнинг жанубида жойлашган 4 километр, яқин темир йўл бекати Бойсундан 6 километр масофада. Умумий таълим мактаби, савдо дўкони тегирмон ва мойжувоз бор. Қишлоқ тўлиқ газлаштирилган. Деҳқончилик, чорвачилик, қисман сабзавот, полизчилик ва боғдорчилик билан шуғулланади. Топоними - Қоракўз деган яйлов ҳам бор. У Дахнаижом мавзесида. Қоракўз - умумтуркий этноним. Кавказ уруғларининг қоракўзли уруғи бор. Эронда яшовчи туркий халқларнинг қорачёзли, гарагюзлу, (қоракўзли) қабиласи борлиги маълум. Улар Хамадон вилоятида яшаган. Фарғона кипчоқларнинг шатай уруғида қоракўз уруғ тармоғи қайд этилган. Тамғаси кўз-қўш думалок тешик (халқа) шаклида бўлган. Тамғасидан уруғ, уруғига нисбатланиб қишлоқ номланган.

Қорақўз - Яккабоғ, Дехқонобод, Бойсун, Денов қатағонларининг уруғи ҳам бўлган. Ўзбек, Қозоқ, Туркман ва Қорақалпоқ халқларида машхур бўлган дostonлардан бири «Қорақўз ойим». Қорақўз номининг яралишида уруғ номларининг ҳам хиссаси бор, албатта. Қишлоқ номининг яратилишига уруғ номи асос бўлган.

Мачай - «Мачай» қишлоқ фуқаролари йиғини худудидаги қишлоқ. Қишлоқ учга яъни: Юқори Мачай, Ўрта Мачай, Пастки Мачайга бўлинган. Туман марказидан 40 километр, яқин темир йўл бекати Дарбанддан 15 километр масофада жойлашган. Қишлоқни Мачайдарё (Туркондарё) кесиб ўтади. Икки томони баланд тоғлар билан ўралган. Тупроғи қизил, жигарранг, оқ тупроқ, кулранг тупроқлари ҳам бор. Чорвачилик (қўй, эчки, қорамол), лалми Дехқончилик (буғдой, арпа, зиғир, нўхат, беда уруғи қисман сувли боғдорчилик билан шуғулланади. Умумий ер майдони (худуди)- 161,7 километр квадрат. Маҳалла аҳолиси 2009 йилда 4090 киши. Мачайдарёдан сув ичади.

Қишлоқни табиати гўзал, манзарали жой. Иккита ўрта умумий таълим мактаби, қишлоқ врачлик шифохонаси, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари бор. Сув тегирмони, мойжувоз, темирчилик устахонаси мавжуд.

Дунёда машхур Тешиктош ғори, Мачай ғори, Амур Темур ғорлари жойлашган. Қишлоқдан таникли олимлар сулоласи етишиб чиққан. Буғдойнинг «Муслимка» каби ижодкори машхур селекционер Муслима Бегимованинг она юрти. Топоними: Мачай этноним. Форсчада Матчо- Мастчо-Мастчоҳ туман (қишлоқ) бор. Форсчадаги бу қишлоқ номи X аср араб сайёҳи Ибн Хавкал асарида Масжо шаклида қайд этилган. Мачай-Мачайи қадимий Масжо топонимининг ўзгаргани, топоним этнонимга ўтган. Топонимнинг морфема тузулиши масс-мос+жо; масс+мос+тоғ, тоғ, тоғлик; баландлик. Мас-мос компонентли номлар: Саримас (Бойсун), Ўлмас, Ҳаммаси тоғ, баландлик номлари. Жо-ўрин, жой. МасжоҚу- йимасжолик, -Т аффикси(с) ва(ж) товушлари кўшилувида орттирилган. Тарихи: Мачайлик халқ таълими фахрийси, «Шухрат» медали совриндори Эшпўлат Бердиевнинг 2001-йил «Бойсун овози» газетасида эълон қилинган мақоласида ёзилишича: «Мачайликлар XVII асрнинг охири - XVIII асрнинг бошларида Шаҳризабзнинг Кенагас қишлоғидан ҳозирги жойларга кўчиб ўтганлар. 280-310 йиллар олдин ўта бадавлат, қошлари узун, оғирлиги 160-200 клограмм келадиган Аваз Қорақош, Мулла Муҳаммади деган қишилар ҳозирги Мачайнинг Газа ва Хужадияк қишлоқларига борадиган йўл чеккасидаги чимтолда (ҳозирги Мозари Шох-Қўрғонбеги кўмилган қабр ёнида) макон топганлар.

Кейинчалик улар Юқори Мачай (ўша пайтда тўқайзор бўлган) томонга кўчиб ўтганлар. Ривоят қилишларича: Кунлардан бир кун Мулла Муҳаммади ҳозирги Бошчорбоғ қишлоғидан тўрт нафар ўғлига келин қилиш учун отини миниб ўша ёққа жўнайди. Бир пайт овдан қайтган Аваз Қорақош оиласидан Мулла Муҳаммадини суриштирса уни Бешчорбоғ қишлоғига ўғилларига келин қилишга кетди деб айтади. Қаранг, шунча узоқлашиб кетган дўстига бир зумда етиб келган Қорақош «Сен узоқдан қиз излама, менга бешта қиз бор, хоҳлаганингни келин қил» деб айтади. Йўлда битишиб келган дўстлар маконга қайтиб келгач, катта тўй қилишиб элга Ош берадилар. Қорақошнинг тўрт нафар қизи Мулла Муҳаммадига келин бўлади. Бу гаплар айнан, Мачайлик 110-98 ёшга

кириб вафот этган Эргаш Мавлон ўғли, Тошбой Нуримов, Муҳамади Алимов, Жўракул Жўраев сингари кексалар айтиб беришган. Айнан, Мачайликларни қавми Мулло Муҳаммадининг ўғиллари номи билан: Авлоди Яраш, Авлоди Нурум, Авлоди Бекмурод, Авлоди Қуват уруғларидан тарқалган. Мачай халқи шу авлодлар ва яна Хўжабулғон, Дарбанд қишлоқларидан кўчиб келган якам-дуккам оилалар: Авлоди Розик, Авлоди Ғози уруғларидан кўпайган.

Мачайликларни урф- одатлари: қурбонликка мол сўйиш, қизларига фотиха тўй бериш, келин қилиш, тўйлардаги удумлар, мархумларни дафн-этишгача бўлган барча маросимлар ўтказилади. Ҳозир ҳам бир оилада қиш ғами учун 5-10 бош така, сарка, қўй трамодан бошлаб боқилади. Қишда сўйилиб то бахоргача уларни истемол қилишади. Боқувдаги молларга кўпроқ тол дарахти шох-шахобчалар билан боқишади, бунда моллар тез семириб етилади.

Мачай қишлоғи атрофидаги даҳалар. Кўрғон, Қахрамон, Кўк бет, Сари Дўнг, Аламли ота, Қўшвали ота, Мирзокул Сўфи бобо, Кармиш, Катта Кўри Тўғай, Кичик Кўри Тўғай, Арча кўмди, Билқиллоқ, Тахта, Тўлоқ, Урисин толи, Оличали булоқи, Пасти, Арпапоя, Юқори Арпапоя, Қизил Котни кўприги, Ярашни Кўриги, Зикрни ичи, Кўк, Туробни коми, Дўнгача, Товушқонли, Ўрта Мачай Лалмиси, Мияги, Шивоғли қўтон, Юлдуз кўл, Хонақали, Мачит, Саридўнг, Қурбонмуроти, Тулкихона, Қўшқудуқ, Сарқудуқ, Жавпоя, Қўшчашма ери, Дарёб, Етимтов, Шар-Шар, Мозоршоҳато, Қизил Газа, Дарё, Хўжа Кўчқор, Лалми, Йилқи ёткич, Уч қатли, Алмуритли нов, Жарқўчқон, Шўрбулоқ, Културани тоқчаси, Гужум, Бодомчали ва бошқа.

Сойлар - Амонкулни сойи, Тошлоқ сой, Оққишлоқ сой, Гуллоқ сой, Узунсой (ичаксой), Кўксой, Қизилсой, Каждара сойи. Булоқлари: Қурбонмурод булоғи, Оби-ширин, Говхона, Пудина, Сарикудуқ, Қўшчашма, Ойнабулоқ, Оллоёр ери булоғи, Жавпоя, Қўшқудуқ, Чуччи булоқ, Оличабуюлоқ, Худойкул булоқ ва бошқа. Зиёратгоҳлар: Хўжарушнойи ота, Мозори Шох, Хўжасовпешота, Аламли ота, Мирзокул Сўфи, Қўшвали ота.

Назари - (луччак) «кўрғонча» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги қишлоқ. Туман марказидан 45 километр, яқин Темир йўл бекати Бойсундан 60 километр масофада. Аҳолиси 2009 йилда 408 киши. Асосан форсийзабон тожиклар яшайди. Назари қишлоғини қадимги номи Луччак деб аталади. Чорвачилик, Дехқончилик (буғдой, арпа, нўхат, зиғир, беда уруғи) қисман мевали боғдорчилик билан шуғулланади. Олма ва ёнғоқ мўл ва кўп ҳосил беради. Умумий таълим мактаби, савдо дўконлари, тегирмон ва мойжувоз бор.

Гузари Айлангар: - айлангар сой атрофида аҳоли яшашади. Бойсун туман марказида яшовчи кўплаб форсийзабон Чигатой тожиклари ўзларини аждодлари айлангар сой атрофида яшаб ўтганлигини эътироф этишади ва шу туфайли улар ўзларини «айларгари» қавмидан деб билишади. «Аслида» айлангар –кенагаслар» дир.

Омонхона - Бойсун қишлоқ фуқаролари йиғинидаги қишлоқ. Туманнинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган. Туман марказидан 30 километр, темир йўл бекати Бойсундан 40 километрни ташкил этади. Лалми дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Аҳолиси 600 киши. Омонхонада-авлиё, хазрат Султон Валий зиёратгоҳи бор. Булоқ сувидан сув ичади. Омонхона шифо санаторияси, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталари. Умумий таълим

мактаби, тиббиёт нуқтаси, тегирмон ва мойжувоз фаолият кўрсатади. «Омонхона» шифо суви қадоқланиб чиқарилади.

«Омонхона» - атамаси икки сўз бирикмасидан ташкил топган. «Омон»- соғ, саломат, тинч, осойишта, мазмунларини билдирса, «Хона» - сўзи эса жой, ўрин, манзил, маскан каби тушунчаларни англатади. «Омон»- киши исми, форсча хона уй, ховли, кўрғон, овул, қишлоқ. Омон деган кишига қарашли қишлоқ.

Омонхона - «Эмин хона», «Эмин эркин» юриш ва бошқа. Омонхона булоғи - шифобахш. Сарик касаллиги, ўт пуфаги, қандли диабет, хафақон ва бошқа касалликларга даво. Омонхонада «Оқ мачит» бор. Ҳозирда ишлаб турибди.

Оқжар - «Работ» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги қишлоқ. Туманнинг жанубида жойлашган. Туман марказидан 6 километр, яқин темир йўл бекати. Бойсундан 4 километр масофада. Тегирмон, мой жувоз бор. Деҳқончилик, чорвачилик ҳамда қисман сабзавотчилик ва полизчилик билан шуғулланади. Топоними - Оқжар-жар ёқасидаги оқ тупроқли, Хонгарон сойининг чап соҳилидаги қишлоқ.

Олачопон- «Кўрғонча» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги қишлоқ. Туман марказидан 50 километр, яқин темир йўл бекати, Бойсундан 66 километр масофада. Булоқлардан сув ичади. Деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Асосан тоғчи қавмлари яшайди. Аҳолиси 2009 йилда 370 киши. Умум таълим мактаби, тиббий марказ, савдо ва маиший хизмат нуқталари бор. Обжувоз ва тегирмони бор. Олма, ўрик дарахтлари мўл ва яхши ҳосил беради. Оқ терак яхши ўсади. Аҳолиси ўрмон хўжалиги иши билан банд. Топоними Олачопон - Икки морфемадан иборат олақчопон (чобон). Чопон-авра билан астар орасига пахта солиниб қавилган, пежак иссиқ кийим. Ўзбек тилига араб тилидан ўзлаштирилган. Чопон-сўзининг қадимий шакли-жубба, XV аср ўзбек тилида жубба-бўйи, енги узун кенг тўн: Жангда киядиган кийим, янтаксимон узун кўйлак ва ҳоказо.

Украина ва Полякларнинг уст кийими жўпан деб аталган. Рус тилида жупан-кафтан (чакмон) сингари устки кийим. Грекча-зипони (кўртка) немис тилига-шубе-узун ва кенг уст кийим ва ҳоказо. Оқ тўнли, оқ тўғли, олачопонли, оқчапонли сўзларининг яратилиши Ўзбекистон халқларининг ҳарбий-сиёсий турмуши билан боғлиқ. Чопон дастлаб ҳарбий кишиларни кийими бўлган. Яратилиш даври VIII-X асрлар. Жалойирларнинг қорачопон уруғи, шунингдек оқ тўнни оқчапон олачопон деган уруғлар ҳам бўлган.

Омонтепа - Бойсун туман марказининг жанубий томонида жойлашган қишлоқ. Туман маркази билан туташган яқин темир йўл бекати Бойсундан 12 километр масофада. Аҳолиси _____ киши. «Собир» ариғидан суғорилади ва қувурлардан сув ичади. Қишлоқ 1996 йилда тўлиқ газлаштирилган, 1967 йилда ичимлик суви билан таъминланган ва электрлаштирилган. Дала-деҳқончилик, боғ-тоқчилик билан шуғулланади.

Откамар - «Бойсун» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли қишлоқ. Тангимуш мавзесидаги қишлоқ. Тошғуззар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли ўтган. «Оққапчиғай» каналидан сув ичади. Аҳолиси _____ киши. Сувли деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Ғалла, пахта, беда, ер ёнғоқ яхши ўсади ва ҳосил мўл бўлади. Сабзавотчилик, полиз маҳсулотлари билан шуғулланади. Топоними Откамар – Ой+камар-қўшма сўз, жойнинг рельефига асосланиб ном берилган.

Тоғолди аҳоли асов отларни тутиш учун бир чеккасида кириш йўлаги бўлган, тевараги зов, тик жарлик ёки баландликлардан фойдаланилади. Откамар-тевараги тик баландлик бўлган, тор йўлакчи пасткам жой. Откамар-1930-1957 йилларда туман марказидаги «Агроном» колхозига қарашли ер майдони бўлган.

Пулҳоким - қишлоқ фуқаролар йиғинидаги қишлоқ. Туман марказидан 21 километр, энг яқин темир йўл бекати. Бойсундан 34 километр, маҳалла аҳолиси 2009 йилда 2430 киши. Ғаллачилик, чорвачилик билан қисман боғ-токчилик билан шуғулланади. Савдо, маиший хизмат шахобчалари мавжуд. Қишлоқда умумий таълим мактаби, қишлоқ врачлик маркази жойлашган. Тегирмон, Жоме масжиди бор. Топоними – Пулҳоким қишлоқ номи азалий шакли Пулухокин. Тожиқча пул-кўприк, анхор устига қурилган йўлакча. Хок-сўзининг маъноси тупроқ. Пул, хок сўзлари у – изофа шаклчаси бўлган бириқиб, бирикма ҳосил қилган. Хок-сўзига-ин-кўшимчаси кўшилган. Ўзбек тилидаги-ли, лик кўшилмасига мос келади. Пулҳоким тупроқ (лой) дан қилинган кўприк демақдир. Пулҳокимда - узум яхши бўлади. Майизи ўта ширин. Қишлоқдан мамлакатимиз ва вилоятимиз миқёсида жуда кўплаб машҳур кишилар, шифокорлар етишиб чиққан. Ўндан ортиқ фан фидоийлари бор. Хисори қўйчилик яхши ривожланган, тажрибали ва донгдор чорвадорлари бор. Булоқдан сув ичади. Қишлоқдан Абду Тошматов каби дарғалар етишиб чиққан.

Пудина - «Бойсун» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги қишлоқ. Туман марказидан 16 километр, темир йўл бекати Бойсундан 26 километр масофада. Қишлоқни ғарбий қисмидан Бойсун-Шўрчи автомобил йўли ўтган. Лалми деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Хисори қўйчилик ривожланган. Умумий таълим мактаби, тиббий маркази, савдо ва маиший хизмат нуқталари, тегирмон ва мойжувози бор. Қишлоқ ўртасидан Пулҳоким сойи оқиб ўтади. Булоқдан сув ичади. Топоними – Пудинали - ялпиз пудина (форсча талаффузда пудина) дейилади.

Панжоб - Сайроб қишлоқ фуқаролари йиғини худудидаги қишлоқ. Бойсун туман марказидан 60 километр, яқин темир йўл бекати, Дарбанддан 40 километр узоқликда. Аҳолиси киши. Асосан форсийзабон Чигатой тожиқлари яшашади. Панжоб - қадимий форсий - пахлавий сўз бўлиб «панжоб» яъни бешсув маъносини англатади. Форс-тожиқ тилида «об» сўзи булоқ, ҳамда суюқлик маъноларини англатади. Панжоб атамасидаги «об» сўзи эса булоқ маъносини ифода этган. Бундай сувлар яъни булоқ сувлари беш дарадан оқиб келади. Булар: Хазорхона, Бинерез, Қачдара, Камарак, Товсанг дараларидир. Панжоб - дарасининг ичкарасидан яъни пешкаи Малгузар (Молгузар тури) дан опок Шўр сув отилиб чиқади ва дарё бўлиб оқади. Бу Шўр сув дарёси асрлардан буён бир меъёрда тоғ камарини тешиб оқиб ўтади. Бу шўрсув асли Хомкондаги катта Кенгбешбулоқ деб аталалувчи кўлдан келади. Оқим туз кони орқали ўтгани учун тоза сув шўрланади. Умуман Панжобда 114 та булоқ мавжуд бўлиб, ҳаммаси бир сойга томон оқиб, охири Шўрсув дарёсига қўшилади.

Академик Б.Х. Кармишевнинг ёзишича Пошхурд воҳасидан шимолий йўналишда дахпаракентга кирувчи панжоб қишлоғи жойлашган. Олиманинг қайд қилишича, қишлоқ аҳолиси асосан Чигатой-тожиқлар бўлиб, юқори Лайлаган қишлоғида яшовчи ўзбеклар билан қуда-андачилик қилиб келганлар. Панжоб яқинида суғориладиган ерлари бўлиб, улар ёзда ана шу ўз боғи ва дала

ховлисига кўчиб келиб яшаганлар. Шу боисдан юқори Лайлаган қишлоғининг аҳолиси тожик тилини билмасалар ҳам, Панжобдан кўчманчи бўлганда ўзларини Чиғатой-тожиклар деб ҳисоблаганлар. Юқори Лайлаган ва Хатак дарёсининг қуйи оқими бўлиб, Шеробод дарёси соҳилида жойлашган Калламазор қишлоғига бўлган худудлар кирган. Бу худуддаги аҳолининг кўпчилиги элбели, элбеги уруғидан бўлиб, Хўжабулғон қишлоғидан кўчиб келган ва Б.Х.Кармишеванинг кўрсатишича улар ҳам элбеги –тожиклардир. Б.Кармишева Юқори Лайлаганликлар ҳақида икки хил фикр мавжудлигини айтади. Бири-бу ерда яшовчи қўнғирот ва тоқчилар уларни Чиғатой-тожиклар дейиш, иккинчиси-Лайлаганликларнинг ўзларининг қўнғирот уруғи-элбегилар деб аталиши.

Лайлаганликлар узоқ вақтдан бери панжобликлар билан қиз бериб-қиз олиб келганликлари учун, Чиғатой, тожикларига ўхшаганмиз деб тушунтирадилар. Панжобда панжобликлар тарихини очишда, албатта унинг халқи бошқа жойдан кўчиб келганми ёки туб жой аҳолиси, деган савол ҳаммани қизиқтиради. Бу саволга жавоб бериш учун Б.Х.Кармишеванинг қуйидаги фикрини келтирамиз. Шерободдарё хавзасидан учта катта тожик қишлоқлари (Панжоб, Сайроб, Дарбанд) мавжуд бўлган. Бу номлар битта қишлоқга мансуб бўлмасдан, балки бир неча қисм (гуруҳчаларга тегишлидир) яъни махсус номларга эгадирлар. Бу қишлоқчалар худди занжирсимон ҳолда бир сой бўйлаб ўзлари мансуб қишлоқнинг квартал (даха) ларида жойлашган. Бундай қишлоқлар Дарбандда-13 та, Сайробда-13 та, Панжобда-2 та, бу икки қишлоқ ички ва ташқи Панжоб деб аталади.

Панжоб Дахпаракентнинг (Панжоб, Сайроб, Дарбанд, Хатак, Зарабоғ Қорабоғ, Пошхурд, Шержон, Кerezет, Вандоб) энг йирик қишлоқларидан бири бўлса ҳам, амлақдорлик фақат Дарбандда бўлган. Бухоро амирлигида 24 та беклик, 2 та амлақдорлик шундан ҳозирги Сурхондарё худудида 3 та беклик ва Дарбанд амлақдорлиги бўлган, ўша даврда Бойсун беклигига тўрт пора Кент бўлиб, улар Пошхурддан то Мачайгача ҳисобланган.

Амлақдорлик даврида панжобликлар Кўҳитанг бозорига бориб савдосотиқ қилганлар. Панжоб, Сайроб, Дарбанд, Бойсун аҳолисининг қадимий тарихи, уларнинг келиб чиқиши, қадимий яшаш тарзи, умуман шу тоғ ёнбағрларидаги қишлоқларнинг дунё юзини кўриши махсус тадқиқотларда ханузгача исботини топмаган. Лекин археологик қазилмаларда, этнографик ва нумизматик маълумотларда қоя тошларига ўйилган сурат (тасвир) ларда (Зараутсой) мавжуд.

Панжобликлар исломгача зардуштийлик яъни оташпарастликка сиғинганлар. Ҳозирда оташпарастликдан баъзи урф-одатлар сақланиб қолган. Масалан: сувга тупурмаслик ва ифлослантирмаслик, тўйларда келинни гулхан атрофида айлантириш ёки куёв томонидан кўтариб сакраш, ўлик чиқаришдан уч кун, соат 15-16 лар орасида баъзи касал турларига чироқ (пахта) ёқишлар, каттик кўрққан кишиларнинг бошини латта билан алас қилиш, чақалоқни бешикка боғлашда арча билан алас қилиш каби удумлар ўша даврдан қолгандир. Мусибатхонага кўни-кўшни қариндош-яқинлари томонидан овқат пишириб олиб келиш одати мавжуд. Бундай удумлар Панжоб, Сайроб, Дарбанд ва Бойсун ва унинг атрофидаги қишлоқларда хали-хануз мавжуддир.

Панжобда ҳам Ғовурғон мавжуд бўлган, бу ғовурғон Кўҳитанг тоғида

бўлган. Панжобда 5 та уруғ ва унинг авлодлари сақланиб қолган. 1.Саънони, 2. Шехони, 3. Каънони, 4.Ошиқи, 5.Шаҳристонани. Панжобда ҳар бир уруғ бошида ўзлари сайлаб қўйилган оқсоқоллари бошқарадилар. 1.Саънони уруғи асосан бешта авлоддан иборат бўлиб, 18 та шохга бўлинади. 1. Махмадамин авлоди - Тоғайли, Химматали, Мулминали, Тўра шохларидан. 2. Аскар авлоди - Давлатмихмат, Эрихмат, Бекмихмат шохларидан. 3. Катта али авлоди - Ражаби, Шодди, Қурбонали, Имомали шохларидан. 4. Окназар авлоди- Дўстали, Хатаки, Ойназари, Турсуни шохларидан. 5.Қўзи авлоди - Жўрамурод, Рўзикул, Мирзаҳамдам, Миродали шохларидан иборат. 2. Шехони уруғи асосан 3 авлоддан иборат бўлиб, 13 та шохга бўлинади. 1. Рафиқ авлоди - Тўлакбой, Отамурод, Розикарбоб, Рамазон, шохларидан. 2. Боқи авлоди - Мираб бобо, Карим, Калонхўжа, Саид ва Қозибобо шохларидан. 3. Бобогул авлоди – Махматшехи, Солиқи, Барот, Амимкул шохларидан иборат. 3. Каънон-Солиқ уруғи - асосан 2 авлоддан иборат: бўлиб 10 та шохга бўлинади. 1.Каънон авлоди - Қаландар, Зардбой, Говкуш, Парвона, Махмадмўмин шохларидан. 2.Солих-авлоди- Олим, Шамси, Пондаги, Бердиали, Ўрозали шохларидан иборат. 4.Ошшиқ уруғи асосан 3 авлоддан иборат бўлиб, 10 шохларига бўлинади. 1.Молик авлоди- Эрихматбой, Мирвойигит, Уста Амир, Абдуҳакимбой шохларидан. 2. Сулаймон авлоди – Девонқул, Алижон, Бута шохларидан. 3. Сайид авлоди –Хайрулло, Аликул, Шомихматбой шохларидан иборат. 4. Шохистаноғи уруғи - асосан 4 авлоддан иборат бўлиб, 8 шохга бўлинади. 1.Гадойали авлоди - Расул, Нафас шохларидан иборат. 2. Ғусса авлоди- Хўжамкул, Турди шохларидан иборат. 3.Хўжаёв авлоди - Рамазон, Абдужаббор шохларидан. 4. Пир авлоди - Шербўта, Ғойибберди шохларидан иборат.

Панжобликларни вужудга келишидан бошлаб ҳозирги кунгача юқорида келтирилган оқсоқоллар, уруғлар, авлодлар ва шохлар бошқариб келмоқдалар. Шундай таркиб бўйича давом этади. Панжоб қишлоғи-денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда жойлашган. бўлиб, асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Аҳолиси асосан Панжоб тожиклари иккига бўлинади. Ички ва Ташқи Панжобга бўлинади. Сайроб, Эгарчи, Хатак, Шўроб, Лайлаган қишлоқлари билан чегарадош. Ички Панжобдан – Тошкент - Термиз автомабил йўлигача 24-25 километр. Панжоб-Қадимий Бойсун-Хисор тоғ ён бағрида жойлашган қишлоқ бўлиб, унга тоғ арчалари, писта, бодом, заранг, ўрик олма, ёнғоқ, чикка, узум ўсади. Чинор дарахти, турли шифобахш ўсимликлар ўсиб турадиган гўзал бир жаннатмакондир. Қадимий тарихий жойлари: Хўжачакчакон ота, Новиоб, Хазрати Шайх, Качдара, Шоту, Бинирез, Кали Дамгирак, Пириги, Нови сухта, Хоки сафед, Биби Ширин, Дахни Панжоб, Капакуйди, Кўриқи Калон, Арратош, Кали Робаканак, Сафедак, Ховли Эшон, Қўрғони Олим, Кали Қўрғон, Хўжагуррезота (хўжа Гулрез ота), Кали Мачит, Газак, Оғзикатта Атала, Олуча. Зиёратгоҳлари: Хўжа чакчакон ота-ривоятларига кўра пайғамбар авлодларидан яъни авлиёларидан бўлиб, ҳаётларининг охиригача Панжобда яшаганлар. Кофирлар кўлига тушмаслик учун, Оллоҳга сажда қилиб, ички Панжобга қараб қочганлар.

Бор нарсалари-қозон, кубиси, қопдаги уни, чорва моллари билан бирга тошга айланганлар. Ҳозирги вақтда ҳам ички Панжобнинг Пешкайи Молгузардаги тошларда бундай тасвирлар (тош тасвирлари) мавжуддир. У

киши Ислом динини ва араб ёзувини тоғли қишлоқларда тарқатган шахсларидан биридир.

Пешкайи Молгузар - форсча сўз бўлиб, Молгузарнинг туридир. Бу ерда молгулар (темирчилар) яшаб, хўжалик учун зарурий майда темир буюмлар ва мехнат куруллари ясаганлар.

Хўжачакчакон ота панжоб сувининг бошланиш жойи ҳам ҳисобланади, чунки панжоб суви ўша ердан тоғни тешиб (ердан баландлиги 2-2,5 метр) худуди қувурдан чиқиб, тушаётгандек оқиб келмоқда.

Хазрати Шайх - пайғамбарнинг авлодларидан, авлиё. Маккага хаж сафарига бориб келган. Дахни Панжобга салгина кирилгач, чап томонда хазрати Шайх қабрлари бор. Бу майдонда қадимдан бери Панжоби ва элбегилар рамазон ва Қурбон Хайит намозларини ўқиб келганлар. Бу киши аслида кулол бўлиб, шу қабрлари ўрнига кулолчилик устахоналари мавжудлиги ривоят қилинади. Ҳозирда ўша ерда элбегиларни қабристонни жойлашган.

Биби-ширин- ривоятларга кўра, парилар зотидан бўлиб, қадим вақтларда яшаб, кофирлар кўлига тушмаслик учун Оллоҳга сажда қилиб, Дахни Панжобнинг чап томонидаги хазрати Шайхнинг юқорироғида чақалоғи билан тошга айланган, тош тасвири ҳозир ҳам мавжуд.

Хўжа Гурезато - ёки Хўжа Гулрез ота - ривоятларига кўра, авлиё авлодларидан бўлиб, шу ерда яшаб вафот этган. Қабри ташқи Панжобда, бу қабристон Хўжа Гурезота номи билан аталади. Айтишларича, кишиларнинг кўзига «гул» тушса (кўриш хиралашса) ўша ерга келиб зиёрат қилиш орқали соғайиб кетганлар. Шундан бу зиёратгоҳни Хўжа Гулрез ота ҳам деб аташади. Гулрез-дегани форсча сўз бўлиб, гул тўктирувчи демакдир.

Питов- «Работ» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги қишлоқ туман марказидан жанубга 16 километр, яқин темир йўл бекати Бойсундан 3 километр масофада. Умумий таълим мактаби, савдо дўкони, тегирмон бор. Топоними – Питов-битов-дара. Водий тоғнинг баланд чўққиси ё тизмаларига бориб бирлашганда ўтиш имконияти бўлмаган юқори қисми, боши берк жойи Питов деб аталган. Қишлоқ жойлашиш ўрнига кўра номланган. Чорвачилик ва лалми деҳқончилик билан шуғулланади. Булоқдан сув ичади.

Паданг - «Бойсун» қишлоқ фуқаролари йиғини худудидаги қишлоқ. Туман марказидан шарқда 5 километр, яқин темир йўл бекати «Бойсунда» 15 километр масофада. Аҳолиси ___ киши. Асосан чорвачилик лалми, деҳқончилик билан шуғулланади. Қишлоқда янги замонавий умумий таълим мактаби, савдо дўконлари, мой жувоз ва тегирмон жойлашган. Қишлоқдан Бойсун-Қўрғонча автомобил йўли ўтган. Қишлоқнинг шимолида «Хўжақўчқор ота» зиёратгоҳи бор. Ҳозирда ободонлаштирилган. Қишлоқдан Хўжамқулов Абдулла ва Хўжамқулов каби мехнат қаҳрамонларининг она юрти.

Пишти ўрдак - Бойсун туманининг шимолида жойлашган қишлоқ. Туман марказидан 2,5 километр, яқин темир йўл бекати. Бойсундан 12,5 километр масофада. Деҳқончилик, чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланади. Олмаси ва нашваттиси кўп, ширин ва мазали бўлади. Хонгаронсойдан олинган эгри ариқ орқали суғорилади. Бош чашма (авлод) дан туман марказига ўтказилган сув қувурдан сув ичади. Ўрик, олма, нашбатти кўп ва хўп етиштирилади. Савдо дўконлари, сув тегирмон ва мойжувоз бор. Топоними -

Пишти ўрдак-форсча пушта+йи-руд+ак изофасининг ўзгарган шакли. Пушт-тепа, баландлик, руд-арик, анхор, йи-изофа-ак аффикси кўпчилик маъносини билдиради. Арик бўйидаги тепа, анхорча ёнидаги баландлик.

Работ- «Бабот» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқ. Бойсун туман марказидан 12 километр, Бойсун темир йўл бекати шу қишлоқ ҳудудида жойлашган. Аҳолиси 2009 йилда 3814 киши. Дехқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик билан шуғулланади. Умумий ўрта таълим мактаб, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари бор. Қишлоқ врачлик амбулаторияси фаолият кўрсатади. Умумий ер майдони (ҳудуди) 89,9 километр квадрат. Работ фуқаролар қишлоқ йиғини, Работ фуқаролар уюшмаси биноси жойлашган. Хонгарон сойи сувидан ва Туркундарёдан насос орқали олиб келинган сувдан ичади. Топоними- Работ (работ)- Гузар тепа. Работ-работ-ар, сўз бўлиб VIII-IX асрларда форс, ўзбек тилларига ўзлашган. Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида - карвонсарой, мусофирхона, ўзга юртдан келган кишилар истиқомат қиладиган Сарой-работ деб аталган. Работлар шаҳар ташқарисида XVIII асрда эса йирик аҳоли марказлари ёнида, бозор атрофида ва савдо йўлларидаги бекатларда қурилган. XIX асрда тўртбурчак шаклида қурилган битта дарвозаси бўлган кўрғонлар работ деб аталган. Работ сўзининг кўрғон маъноси ҳам бўлган.

Работда- умумий майдони 1 гектарга яқин милоддан аввалги II асрдан милоднинг I асри охирига қадар ҳаёт давом этган. Туманкўрғон (Пойкўрғон) Кушон подшолари даврида қурилган қалъа қад кўтарган ҳозирда унинг ҳаробалари бор. Работда милоддан аввалги II асрнинг охири ва милоддан аввалги I асрларга оид қабристон бор. Работдан кўплаб қишлоқ хўжалиги фидойилари етишиб чиққан. Работдан-ноёб археологик объекти-эрамиздан аввалги IV асрга тегишли «Кўрғонзал»-қадимий қалъаси 2003 йилда очилди.

Тузбозор - Туман маркази билан туташган. Маҳалла аҳолиси 3393 киши бўлиб, «Сармазор» жомеъ масжиди жойлашган. Масжид 1986 йилдан бошлаб қайта фаолият кўрсатиб, таъмирланди.

Жомеъ масжидига 1989 йилдан имом-Хатиби Хайдарқул Хожа Соҳибқулов раҳбарлик қилиб келмоқда. Маҳаллада умумий ўрта таълим мактаби Япония грантига эга бўлиб, кўплаб савдо ва маиший хизмат кўрсатиш дўконлари бор. Маҳалла аҳолиси Авлоддаги бош чашмадан қувурлар орқали олиб келинган сувдан ва 1902 йил қазилган Эгри арик, 1945 йил Хонгарон сойидан қазиб чиқарилган ариқдан сув билан таъминланиб, дехқончилик қилади. Маҳалла гузарида 2004 йил ташкил этилган «ЮНЕСКО» нинг Халқ Санъати ҳунармандчилиги музейи фаолият кўрсатмоқда.

Тўда - қишлоғи туман марказидан 15 километр шимолий ғарбда жойлашиб, яқин темир йўл бекати Бойсундан 21 километр, 2009 йилда маҳалла аҳолиси 1068 киши. Қишлоқ Кетмончопти тоғининг ён бағрида жойлашиб, асосан лалми дехқончилик, чорвачилик қисман боғ- токчилик билан шуғулланади. Қишлоқда дастлаб саноат асосида кўмир қазиб чиқариш 1935-1962 йилларда йўлга қўйилиб, 1991 йилда кўмир қазиб олиш давлат дастурига киритилган. Қишлоқ аҳолиси асосан булоқлардан сув ичиб, қишлоқда умумий таълим мактаби, савдо дўконлари, тегирмон ва мойжувоз мавжуд. Археологик манбаларда кўрсатилишича қишлоқда дастлабки ҳаёт X асрда шаклланиб,

қишлоқни тарих саҳифаларида ўрин олишида Эронкул Авлиёкулов каби қишлоқ хўжалиги ходимлари, Қулмуҳаммад, Озод, Нурмуҳаммад Авлиёкулов каби олимлари ва шоир-ёзувчиларини алоҳида хизмати бор.

Тиллокамар- «Сайроб» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги қишлоқ. Туман марказидан 23 километр, яқин темир йўл бекати Дарбанддан 14 километр масофада, қишлоқни шарқий қисмидан Туркондарё оқиб ўтади ва шу дарё суви ва Бўзариқ каналидан сув ичади. Умумий таълим мактаби, савдо нуқталари, тегирмон ва мойжувоз бор. Дехқончилик ва чорвачилик ҳамда сабзавотчилик ва боғдорчилик билан шуғулланади. Бойсуннинг фахри бўлган, жаҳон ва олимпиада чемпиони машҳур полвон Абдулла Тангриевнинг юрти ҳисобланади. Топоними - Тиллокамар форсча тилл+и+камар изофасининг ўзгаргани. Тиллокамар-Таллакамар-Тиллакамар.Тилл-тепа, баланлик, эски кўрғон ўрнида пайдо бўлган дўнглик. Камар-тоғ бағрида, адирда, қир каби баландликларнинг ён томонида ўйиқ жой, ботиқлик, ярим халқасимон ер. Тиллокамар кўрғон жойдаги тепа. Қишлоқдан Шодмон Эшмурод ўғли, Эргаш Гулбой ўғли каби чопағонлар ва Сафар полвон етишиб чиққан. Ривоят - Халқасимон ғор бор, ана шу ғорга келиб яшаган, бой, қароқчилардан бир одам кутқарган, кейин белидаги тилло камарни ечиб берган.

Тангимуш- «Бойсун» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги қишлоқ. Туманнинг жанубида жойлашган. Тангимуш ота зиёратгоҳи бор. Туман марказидан 43 километр, Тошғузар -Бойсун-Қумкўрғон темир йўли ўтган. Темир йўл вокзали қурилган. Чорвачилик (ҳисори кўйчилик, эчкичилик), дехқончилик полизчилик, сабзавотчилик билан шуғулланади. 1974 йилда «Оққапчиғай» канали ўтган ва шу каналдан сув ичади. Аҳолиси 2286 киши. Қўнғирот уруғига мансуб туркийзабон ўзбеклар яшайди. 3 та замонавий умумий ўрта таълим мактаби, қишлоқ врачлик шифохонаси, умумий овқатланиш шаҳобчаси, чойхона, жуда кўплаб савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари бор. Автомобилларга ёқилги қуйиш шаҳобчаси фаолият кўрсатади.

«Етиксой» мол бозори хафтанинг Пайшанба куни фаолият кўрсатади. Тангимушдан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадорлар Болта Қудратов, Очил Жўрақулов, Мамасалобой Норов, Мамасолаев Холик, Рахмонкул Равшанов, Хуррам Шукуров каби таниқли инсонлар етишиб чиққан.

Тангимуш - Бойсун районидаги дара. Шимолий-шарқда Такасакраган ва жанубий-ғарбда Шеробод тизмаларини кесиб ўтган. Бойсун сойлигини Сурхондарё водийси билан туташтиради. Узунлиги 2 километр. Яқин жуда тор, юриш қийин. Кўп жойда айниқса Ғарбий қисмида тош уюмлари учрайди. Узункудук ва Даштиғоз қишлоқларини боғлайдиган сўкмоқ йўл ўтган. Хўжаипок-Термиз сув қувури ўтган ва шундан ҳам сув ичади. 1980 йилгача кудуқлардан сув ичган.

Гузарлари – Боёнқора, Оқзов, Откамар, Қўбиздара, Аннани дараси, Қора дара, Ойбулоқ, Карри Жорма, Оқмазор, Ётиқ ота. Тангимушдан: Кўчар чопағон, Шайдулла чопағон, Шапоат чопағон, Мардон чопағон, Абдуллахон чопағонлар етишиб чиққан юрт. Зиёратгоҳи - Тангимуш ота катта азизлар ва Ётиқ ота каби зиёратгоҳи бор. «Узункудук» ва «Кампир шайит» қабристонлари бор.

Сариқамиш - Бойсун қишлоқ фуқаролар йиғинидаги қишлоқ. Туман марказидан 21 километр, Темир йўл бекати Бойсундан 31 километр масофада.

Қишлоқ ўртасидан Бойсун-Шўрчи автомобил йўли ўтган. Лалми деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Хисори кўйчилик ривожланган. Умумий таълим мактаби, савдо ва маиший хизмат нуқталари бор. Тегирмон ва мойжувоз бор. Булоқдан сув ичади. Топоними Сарғалиши- Қишлоқ одамлари сариқ қамиш (сарғайиб қуриб қоладиган қамиш), Сар+и+қамиш-сар+қамиш (қамиш кўп ва қалин ўсадиган жой) тарзида изохлайдилар. М.Қошғарийда сарган-ер-шўртон ерда ўсадиган ўсимлик. Бу хил ерлар Сарган-Ер-Шўртоқ ер деб аталади. Қамиши қуриб қоладиган тўқайга сарған қамиш дейилади. Сарған қамиш бирикмаси соддалашган: сарғанқамиш, -сарғанг қамиш-сарға: қамиш-сарға-миш- сарғамиш-суви камлиги туфайли қуриб, сарғайиб қоладиган қамишзор, тўқай сариқамиш, Сарикқамиш.

Сайроб - «Сайроб» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги жойлашган қишлоқ туман марказидан 25 километр, яқин Темир йўл бекати. Дарбанддан 22 километр масофада. Маҳалла аҳолиси 2009 йилда 3521 киши. Асосан форсийзабон Чигатой тожиклари яшашади. Чорвачилик, деҳқончилик (арпа, буғдой, зиғир, нўхат, беда уруғи) билан шуғулланади.

Булоқлардан сув ичади. Минг ёшли учта Чинор дарахти сақланган ва давлат мухофазасига олинган. Умумий ер майдони (худуди) 1095,4 кв². Савдо дўконлари, чойхона, ошхона, новвойхона бор. Автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси бор. Қишлоқ тўлиқ газлаштирилган. Жомъе масжиди бор. Қишлоқ фуқаролар йиғини ва «Сайроб» ширкат хўжалик маъмурий бинолари жойлашган. Кўплаб олимлар етишиб чиққан. Сурхондарёлик илк олим академик Мулло Эркаевни она ватани. Халқи мард ва шижоатли. Қишлоқдан умумий ўрта таълим мактаби, касалхона бор. 1994 йил сентябр ойида Сайробга Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташриф буюрган. Ўзбекистон Республикасининг собиқ биринчи раҳбари Ш.Рашидов «Сайроб»да бир неча маротаба, охириги марта 1978 йил 4 май куни ташриф буюрган ва мемориул-комплексини очилишида иштирок этган. Топоними «Сайроб» - Сайр+и+об-қайнаб чиқадиган сув, қайнар булоқ деб изохланади. Сероб (суви кўп чашма деб изохлаш ҳам мумкин. Сайрам, Сайроб дастлаб сув ва баландлик номи сифатида шаклланган. Сайроб қишлоғи баланд чўққининг жанубий-шарқий ён бағридаги камар ва унинг ёнидаги баландликда жойлашган ва ҳоказо.

Археологик олимларнинг аниқлашича, ёзма манбаларда «Темир дарвоза» га яқин мавзелардан яна бири «Карна» деб юритилган. Сайроб қишлоғидаги Хисортепа ва унинг атрофида IX-X асрга оид сопол идишларни учраши Карна манзили айнан «Сайроб» қишлоғига тўғри келади.

5 та уруғ ва унинг авлодлари ҳақида. (ҳозирда сақланган). 1.Авлоди келдик - 4 шохга бўлинади. (Вали, Нодирхони, Бурхони, Боқиги). 2.Майда уруғ - 2 шохга бўлинади. (Наими, Камоли). 3.Мардона уруғи - 3 шохга бўлинади. (Эрназарий, Аталиқ, Гилдирий). 4.Авлоди-арбоб - 4 шохга бўлинади. (Хайитий, Дўстбойи, Бекмахмати, Ражабий). 5.Авлоди-етти уруғ - 6 шохга бўлинади. (Шовдин, Насан, Ортиқ, Амак, Нафас, Қозихўжаназарий).

Сариосиё - Бойсун туманиниг шимолий томонида жойлашган. Туман марказидан 3 километр, яқин темир йўл бекати Бойсундан 13 километр масофада. Аҳолиси 2108 киши. Чорвачилик, деҳқончилик, ток-боғдорчилик, сабзавотчилик билан шуғулланади. Олма, ношвутти меваси мазали, ширин

бўлади. Умумий таълим мактаби, савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, қишлоқ врачлик амбулаторияси, сув тегирмони ва мой жувози бор. Аёллари чевар. Одамлари ишбилармон ва тадбиркор. Авлоддаги бош булоқдан ва Хонгарон сойдан сув ичади. Қассоблар сулоласи етишиб чиққан. Топоними - Сариосиё-сар-«бош», Осиё- «тегирмон», тегирмон боши ёки тегирмон юқорисидаги қишлоқ. Сариосиё номи туркий (ўзбек, қирғиз, қозоқ, озарбайжон) ва эроний (тожик, форс, пушту, Дарий, қадимги суғд, хоразмий) халқлар яшаган худудига хос. Бу ном асосан тоғ этакларидаги водийларда кўп тарқалган.

Сариосиё катта сойнинг кунчиқар томонида бўлиб, Боғи-боло, Кўчкак ва авлод қишлоқлари билан ёнма-ёндир. Қишлоқ ўртасидан Эгри ариқ оқиб ўтади. Бу гўшанинг табиати гўзал ва оромбахш. Бундан 650-700 йиллар илгари қишлоқ ўрнида булоқ, арчазор бўлиб, Бойсун (Басанд) шаҳарчасига туташиб кетган. Ҳозирги ариқ, тегирмон ва йўл бўлмаган. Қишлоқнинг қуйи қисмида 3-4 оила хўжалар ўтроқ яшаган. Бу ердаги ҳозирги қабристон ҳам дастлабки хўжалар қавмига мансуб бўлган. Сариосиё туманига қарашли Хуфар қишлоғидан уста Шомурод ва Жомурод исмли ака-ука бу ерга илк қадам босган. Улар бу худуддан олдин Жувоздаҳама қишлоғида бўлиб, шу ер аҳолиси учун тошни ўйиб, жувоз ясаб беришган экан. Ака-ука усталарнинг бу ноёб ҳунаридан Бойсун беги хабар топади. Хуллас, улар бекликнинг таклифига биноан Бойсунга келган. Табиийки, ўша даврларда ҳунарманд кишиларга эҳтиёж сезиларди. Ака-укага эса сув чиқариб, Бойсунни ободонлаштириш вазифаси юклатилади. Шу ерда қолишга розилик билдирган усталар бекнинг мулозимлари билан ҳозирги Авлод қишлоғи томон йўл олишади. Ака-укалар ҳозирги Сариосиё қишлоғига қараб ариқ изини чизиб, тахминий лойихалаштириб, Чорчиноргача келадилар. Шундан сўнг хашар йўли билан сув ўтказиб, Сариосиё қишлоғини ватан қилиб оладилар. Ҳунарманд ака-укалар Чорчинордан бошлаб Сарчашмагача 7 та тегирмон қурадилар. Кексаларнинг айтишича, яқин йилларгача етти тегирмон ҳам мавжуд бўлган. Дастлабки, яъни бош тегирмон қурилган жой Сариосиё деб аталган. («Сар»-бош, «осиё» - тегирмон). Мазкур ривоятга қараганда сув келтириш шарофати билан ариқ адоғига ҳозирги Боғи-боло қишлоғидаги чинорларни ҳам эккан эканлар.

Катта Хуфарнинг охиредлар авлодидан бўлган ака-укалар авлодидан бўлган ака-ука Шомурод ва Жомурод маҳаллий муқим халққа айланишади. Кейинчалик уларнинг зурриётларидан билимли инсонлар, косиб ҳунарманд, амлақдорлар, қози қўшбеги ва имомлар етишиб чиққан. Ака-ука ерларни ўзлаштириб, қўш хўкиз, қўш тегирмон боғ-роғлар ва тоқзорлар барпо этган.

Сув ҳаёт манбаи бўлгани боис кейинчалик изма-из қўшни туманлардан кўчманчи аҳолилар кела бошлаган. Қишлоқнинг ўрмонзор ва сўлим яйловлари қорамол, қўй-эчки ва йилқи боқишда кўл келишини англаган чўпонлар Бандихон томондан иккинчи бўлиб келишади. Сўнг Дарбанд томондан икки ака-ука келиб, улар ҳам чорвачилик билан шуғулланганлар. Кейинчалик бошқа уруғ ва қавмлар наширачилар, карачилар, шайитилар, қўшчилар келиб қўним топганлар.

Қишлоқ худудида мансуб микротопонимлар маъносидан хулоса чиқариб унинг тарихи қадимийлигини билиш мумкин. Сариосиёда 50 га яқин тарихий жой бўлиб, уларнинг аксарияти ўз географик маъноси билан киши диққатини

тортади. Пуштиурдак, Боғот, Булбулхона, Дўлтахона, Пашшахона, Ҳаркуш, Кўчмаксанг, Шайхбулоқ, Олчабулоқ, Қайроқсанг, Тол, Зоғорасанг, Чумчуқли, Эшонзамин, Булоқи, Тошкул, Қўлибужур, Хўжақўчқорота, Қорабулоқ, Октош, Дарачук, Жинкамар, Жамиласой, Кўчик, Ражабхавори, Шоти, Чинорак, Жийдали, Ҳарра, Чорраха, Нав, Нахутпоя, Қулоқхамвори, Морхона, Шапалакхона, Чорнава, Темирўлди, Окбулоқ, Камар, Каттасанг, Мерганҳарра, Кўксой, Пишқоқ, Тоба, Лолум, Гурум, Шаршар, Тоқча, Расулқишлоқ, Хирмонжой.

Мазкур тарихий манзиллар ҳамма замонларда, хусусан рус босқини даврида ҳам кузатув жойи ҳамда алоқа ва химоя нуқталари бўлиб хизмат қилган.

Инкабод - Бойсун қишлоқ фуқаролар йиғинидаги қишлоқ. Бойсун туман марказидан 7 километр, яқин темир йўл бекатидан 17 километр, маҳалла аҳолиси 2009 йилда 2985 киши. Лалми деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Булоқдан сув ичади газлаштирилган. Қишлоқда умумий таълим мактаби, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталари бор. Қишлоқ фелъшерлик маркази, тегирмон ва мой жувоз ишлаб турибди. Қишлоқ ўртасидан Бойсун-Шўрчи автомобил шох йўли ўтган. Қишлоқдан Шухрат Тошматов каби фан доктори етишиб чиққан.

Ўртабўз - «Бойсун» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги қишлоқ. Туман марказидан 17 километр яқин, Темир йўл бекати. Бойсундан 27 километр масофада. Чорвачилик, лалми деҳқончилик (арпа, буғдой, масҳар, зиғир) билан шуғулланади. Бойсун-Шўрчи автомобил шох йўлининг ўнг томонида. Савдо дўкони, тегирмон ва мой жувоз бор.

Узунқудук - «Сайроб» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги қишлоқ. Туман марказидан 61 километр, яқин темир йўл бекати Дарбанддан 53 километр масофада. Туманнинг жанубий-ғарбида жойлашган. Аҳолиси 15 хонадондан иборат. 62 киши истиқомат қилади. Қудукдан сув ичади. Узунқудук қишлоғи ўқувчилари Бешэркак қишлоғига қатнаб ўқийдилар. Савдо нуқтаси бор. Лалми деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Қорақўйчилик ривожланган, сур ва қора, кўк қоракўл тери етиштиришда воҳада етакчи ўринда туради. Эрмўмин Эшмуродов каби чорва дарғалари етишиб чиққан.

Қиякамар - «Бойсун» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги қишлоқ. Бойсун туман марказидан 12 километр, яқин темир йўл бекати 22 километр. Лалми деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Булоқдан сув ичади. Қишлоқда мактаб, савдо нуқталари бор. Топоними – Қия+камар: қия-қиялик, зов, жар, қиялик, камар-ғор, катта ғор, камар, тоғ ости, камари. Қиякамар-тоғчи қавмлари яшашади. Машҳур чобағонлар етишиб чиққан.

Қамишлов - «Сайроб» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги қишлоқ. Туман марказидан 40 километр, яқин темир йўл бекати. Дарбанддан 30 километр масофада. Аҳолиси 20 хонадондан иборат бўлиб, 80 киши истиқомат қилади. Лалми деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Қамишлов - 1960 йиллардан кейин шаклланган қишлоқ. Топонимии - Қамишлов-қамишли жой, қамиш, ўт, алаф, ибораларга васса ўрнига ишлатилади. Новда ва шоҳида Қамишловга Деҳқонобод туманидан кўчиб келган аҳоли яшашади.

Қизилнавур - «Мачай» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги қишлоқ. Туман марказидан 56 километр, яқин темир йўл бекати Дарбанддан 36 километр

масофада жойлашган. Маҳалла аҳолиси 2009 йилда 479 киши. Асосан Чигатой-тоғчи қавмлари яшайди. Туркондарёдан сув ичади. Чорвачилик, деҳқончилик, қисман боғдорчилик ҳамда ўрмончилик ишлари билан шуғулланади. Умумий ўрта таълим мактаби, қишлоқ фельдшерлик участкаси, савдо шаҳобчалари жойлашган. Сув тегирмон бор. Бўта, Фани, Чори, Неъмат, Нодир каби номдор чопағонлар етишиб чиққан. Карим, Холиёр, Қаракўл, Саттор каби полвонлар юрти. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор Рустам Азимовни она юрти. Қизилнавур гузарлари - Катта қишлоқ, Қизилсой, Кўксой, Кўмирчи. Тоғлари - Шаршара тоғ, Хўжа гур-гур ота, Сарикия тоғи, Жунгаланг тоғи, Инғирчоқ тоғи ва бошқа. Адирлари - Тилло тепа, Арпапоя тепа, Жуваяхт тепа, Кўшшолмурод тепа, Маъмурли тепа ва ҳоказо. Сойлари - Қизилсой, Қувликсой, Чакмоқсой, Жухинсой, Ўрикисой ва бошқа. Булоқлари - Булоқлисой, Катта булоқ, Отқулоқ булоқ, Тилло булоқ, Жухин булоқ, Шамолла булоқ ва бошқа.

Кентала - «Мачай» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқ. Туман марказидан 64 километр, яқин Темир йўл бекати Дарбанддан 44 километр масофада жойлашган. Аҳолиси 2009 йилда 386 киши. Асосан Чигатойларга мансуб тоғчи қавмлари яшайди. Деҳқончилик, чорвачилик, қисман боғдорчилик ва ўрмончилик билан шуғулланади. Туркондарёдан сув ичади. Умумий таълим мактаби, қишлоқ фельдшерлик маркази, савдо дўконлари, сув тегирмон бор. Кенталадан Жўраполвон етишиб чиққан. Кентала гузарлари - Аййиғижжак, Қўрғонча, Ўрикли, Катта тош. Кентала Адирлари - Жухин адири, Анор ўлди, Чойлар, Тарипоя.

Қайроқ - «Қўрғонча» қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудидаги қишлоқ. Туман марказидан 18 километр, яқин темир йўл бекати Бойсундан 28 километр масофада. Аҳолиси 2009 йилда 250 киши. Асосан Чигатой тоғчилари яшайди. Чорвачилик, деҳқончилик (буғдой, арпа, нўхат, зиғир, беда уруғи.) ва қисман боғдорчилик билан шуғулланади. Қайроқсой ва булоқлардан сув ичади. Умумий таълим мактаби, савдо дўконлари, тегирмон бор. Ёнғоқ, олма кўп етиштирилади. «Октошота» зиёратгоҳи бор. Қайроқ гузарлари - Алачопон, Фарнабод. Топоними - Қайроқ-қайроқтош кўплигидан шундай аталган. Қайроқ (қайроқли) деган уруғ ҳам бўлган, масалан, қозоқларнинг кўнғирот қабиласида (қайроқ) уруғи кайд қилинган. Тоғлари - Кўкжар, Октош ота, Желлик, Бешарча, Найзакутал, Тузлоқ, Саркар, Қорақўлхожи бобо, Саройтош, Ўнбир улик, Қўбиздара, Қўниш. Булоқлари - Оличабулоқ, Сассиқбулоқ, Катта булоқ, Тўғиз булоқ, Оқ булоқ, Жўжабулоқ, Қайнарбулоқ.

Кампирчорбоғ - Чорбоғ-Бойсун қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқ. Туман марказидан шарқда 6 километр, яқин темир йўл бекати. Бойсундан 16 километр масофада. Чорвачилик, лалми деҳқончилик билан шуғулланади. Булоқдан сув ичади. Қишлоқда умумий таълим мактаби, савдо дўконлари, тегирмон ва мойжувоз бор. Қишлоқ тўлиқ газлаштирилган. Топоними - Чорбоғ-суғд тилида сарвах-қаср. Қадимги туркий тилда сарваг-қаср. Уйғур ёзувида битилган олтин ёруғ ёдгорлигида пишпак отлиг сарвагинта туру тегинур мен (яъний пишпак отлиг қаср – қўрғонда яшайман) гапида шу сўз акс этган. Кампирчорбоғ - Сурхон воҳаси қишлоқ хўжалиги дарғаси. Фидойи инсон. Қурбон Амиркуловни она юрти.

Қўрғонча – қишлоғи - Бойсун туман марказидан 60 километр шарқда

«қатар» мавзесида жойлашган. Аҳолиси 950 киши. Асосан форсийзабон тожиклар яшайди. Чорвачилик, деҳқончилик, мевали боғдорчилик қисман сабзавотчилик ривожланган. Олма, ёнғоқ, мўл ва кўп хосил беради. Умумий таълим мактаби, қишлоқ врачлик маркази, савдо дўконлари тегирмон ва мой жувоз бор. Қўрғонча сўзининг маъноси – араб тилидан олинган бўлиб, Қатар-тўрт томони ёпиқ, қамоқ жой маъносини англатади.

Қўрғончада - Шохтут, Айлангар, Дехи Малик, Зой, Туркмантала, Гут Хокин ва Қўрғонча даҳалари жойлашган.

Қўрғончадаги уруғ – аймоқлар қуйидагича: Гулаки, Шерри, Зояти, Мўминаки, Арбоби, Ғуломи, Калони, Мироди ва бошқа. Бухоро амири Амир Музаффархон даврида Қарши беги Қози Абдусамадни Қўрғонча қишлоғига қози қилиб юборган. Чунки Бойсун худуди ҳам Қарши беклигига қарам бўлган. Қози Абдусамадни учта фарзанди бўлган. **Булар:** Гулмаҳмат, Йўлмаҳмат ва Абдузоҳит. Ривоят қилишларича: Амирлик даврида хаф-хатардан, душманлардан сақланиш мақсадида Қатар қишлоғида кичкина қўрғон қура бошлаганлар. Аммо айғоқчиларни амирга етказган нотўғри хабарига кўра, Қўрғон охирига етказилмай қолиб кетган. Айғоқчилар Қарши беги амирга нисбатан лашкар тайёрлапти деган нотўғри фикр билдирилган. Шу билан қўрғон қурулиши охирига етказилмай қолиб кетган. Хазрати Султон Валийнинг даъвати билан Қўрғонча ва унинг атрофидаги барча қишлоқлар исломни қабул қилганлар деган ривоят қилинади.

Совет ҳокимиятигача Қўрғонча қишлоғидан етук одамлар етишиб чиққан. Арбоби авлодидан Қори Абдукарим Бухорода Мир Араб мадрасасида 27 йил ўқиб Қори-Мураттаб даражасига етишган. Бойсунга муфтийлик давосини қилган. Лекин хотини томонидан захарланиб ўлдирилган. Бундан ташқари Мулло Одина Маҳмат, Мулло Муслим, Домулло Амин, Мулло Иброҳим, Мирзо Ориф ва бошқалар. Булар барчалари Бухорода ўқиб, илми-амалда тенги йўқ бўлиб етишганлар. Мулло Одина Маҳмат-ёзувчи Садриддин Айний билан Бухородаги мадрасада бирга ўқиган. Домулло Амин – 1922 йилда Совет ҳокимияти томонидан «Кўктепа» да отиб ўлдирилган. Мулло Иброҳим-Қозоғистоннинг Кустанай вилоятига сургун қилинган ва ўша ерда абадий макон топган.

Мирзо Ориф - Бухорода 20 йил ўқиган, Қарши беклигида 1920-йилдан сентябр ойигача Мирзолик қилган. Қаршида унинг номида «Мирзо Ориф» мадрасаси қурилган. Бу мадраса шўролар даврида совет мактабига айлантирилган. Тахминан 1940-йилларда бузиб ташланган. Шўроларни зулмкорлик даврида Тошкентда қамоқда бўлган ва ўша ерда вафот этган. Қамоқда бирга бўлган – Эшони Аброри Хатиб, Мирзо Орифни жанозасини 12 киши билан бирга ўқиганлар ҳақидаги гап қишлоқга етиб келган.

Ҳозир мустақиллик даврида қишлоқда кўпгина зиёли исломшунослар етишиб чиққан.

Булар: Мулло Аллаёр, Мулло Соҳибкул, Мулло Хайдаркул, Мулло Абдунаби, Мулло Мухидилло (мархум), Мулло Рўзибой (Назари қишлоғидан) ва бошқалар. Қўрғончада Шотут қишлоғи билан бирга 75 хўжалиги бор, аҳолиси 950 киши, 160 нафар ўқувчиси бор. Қўрғончада ҳунармандчилик ривожланган. Булар уста Шариф, уста Фузайл, уста Хусайн, уста Абдусалом полвон ҳам бўлган, мерган ҳам бўлган. Булар Дўмбира, дутор, дух, чарх, халложи ясаган.

Уста Назар-темирчи уста-нахал, пичоқ, ўроқ, пилтакашак, болта, теша, темир қозик, от тўға ва бошқа.

Уста Мислим - қошиқ, товоқ ясаган. Қўрғонча қишлоғида туғилиб вояга етганлардан Бойсун беклигида: Рўзибой бахши, Тош бахшилар ўтган. Тошдевонбеги, Иброхим Арбоб- кентга девонбеги бўлган. Саид Тилабов-Сайроб, Қўрғончада 1940 йилгача қишлоқ кенгаши раиси бўлган. Ориф Саид хожининг отаси, Нарзиқул хожи Орифнинг бобоси Қўрғончаликларнинг илк ўрта асрлардаги «Шаббути» лари бўлган. Шаббути сўзининг маъноси - аҳоли ёрда яшаб, ташқарига кечаси гулхан ёқиб чиқар эканлар. Ана шу туфайли Шаб-кечаси, бут-тутун маъносини англантилади.

Совет ҳокимияти йилларида Еттипарча ва Қаторкент қишлоқлари 1922-1930 йилларда қишлоқ кенгашига айлантирилиб, унинг илк ижро қўмита раиси этиб Тошпўлат Пир ўғли (1890-1924) сайланган. Ўқимишли, саводли Тошпўлат Пировнинг отаси Пир бобо асли Бухоронинг Ғиждувон туманидан бўлиб, уни бу ерга амирлик даврида оқсоқол этиб тайинлашган. Шўроларни алғов-далғов 1924-йилларида Тошпўлат Пировни вахшийларча ўлдиришди. Шундан кейин бу қишлоқ «Тошпўлаткент» деб юритилди ва шу номда қишлоқ кенгаши номи юритилган.

1974 йилда Бойсун шаҳар марказидаги кўчаларнинг бирида унинг номи қўйилди. Тошпўлат Пировнинг ўғли Исмоил Тошпўлатов биринчи чўлқуварлардан (1954), Исмоил Тошпўлатовни ўғли Умидилло Исмоилов фан фидойиси даражасига етишди. Қўрғончадан Совет ҳокимияти йилларида Турсунҳол Самиева (илк Олий кенгаш депутаты), Сафар Сохибов (илк олий маълумотли педагог), ҳамда ўнлаб фан номзодлари ва Фан докторлари етишиб чиқди.

Кофрун - «Бойсун» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқ. Туманнинг жанубида жойлашган. Туман марказидан 18 километр, яқин темир йўл бекати Бойсундан 8 километр масофада. Кунқўрмас сойининг чап соҳилида жойлашган. Қишлоқни шимолий қисмидан Тошғузар-Бойсун –Кумқўрғон темир йўл бекати 2007 йилда ўтган. 2007 йил Хонгаронсой сув омбори қурилиб ишга тушурилган. Чорвачилик, лалми деҳқончилик (буғдой, арпа, нўхат, зиғир) билан шуғулланади. Хисори кўйчилик ривожланган. Аҳолиси 2009 йилда 3043 киши. (асосан Тўғиз, Аллоб) қишлоқда Бўри Алламуродов, Холмўмин Сафаров, Абдуҳолик Муродов, Мамараим Жонқобилов, Алланазар Жумаев каби таниқли инсонлар етишиб чиққан. Умумий ўрта таълим мактаби, қишлоқ врачлик амбулаторияси, савдо ва маиший хизмат нуқталари бор. Қишлоқ тўлиқ электрлаштирилган. «Кунқўрмас» сойдан сув ичади. Бойсун Жийдали ота зиёратгоҳи бор. Қишлоқ Меҳнат қахрамони, чўлқувар Худойназаров Отамурод ва Давлат мукофоти лауреанти Холмўмин Сафаровларни она юрти.

Топоними - Каприн- қадимги эронни тилларига мансуб қўшма сўз. Қиёс

а)кух+и+пир+он-кухипирон- кўпирон-капиран-каприн-катта тоғли жой, қадимий тоғли жой.

б)Хох+и+пир+ин. X-IX асрлар форс тилида Хох-сарой, қаср, қўшқ, иморат, пир-қари, кекса. Топономияда эски, -ин аффикси хослик мавжудлик маъносини билдиради. Кохипирин - ко: пирин-ка: пирин-капирин-каприн-кўхна Сарой, қадимги қўрғон; Қўрғон ҳаробаси, оқтепа. Балки Кохипарин бўлиши ҳам

эҳтимол, боиси Кох (сарой) ва пир (тоғ), ун-кўплик кўшимчаси бўлиши ҳам мумкин. Демак, тоғ саройи, тоғдаги Сарой яъни баланддаги Сарой.

Кўчкак- «Работ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқ. Туман марказидан 4 километр, яқин темир йўл бекати Бойсундан 14 километр масофада. Маҳалла аҳолиси 2009 йилда 2453 киши. Асосан форсийзабон чиғатой тожиклар яшайди. Чорвачилик, деҳқончилик, боғ-токчилик билан шуғулланади. Бойсунсой (хонгаронсой) дан ва булоқ сувидан сув ичади. Қишлоқ тўлик газлаштирилган. Умумий таълим мактаби, савдо дўкони, тегирмон ва мойжувоз бор. Қишлоқдан Бухоро амирлигига садоқат билан хизмат қилган кўшбегилар сулоласи етишиб чиққан. Қишлоқдан: Мулла Дўстмухаммад, Нодир Бойсуний, Мулла Худойберди, Қоравулбеги Бойсуний, Мулла Барот Охунд, Мулло Абдурасул Хожи каби ўз даврининг фидойи инсонларини она юрти.

Топоними - Кўчкак - форсча кўх(тоғ)Қча (кичрайтириш маъносидаги аффикс) Қкичик тоғ, ёлғиз баландлик-к аффикси мавжудлик, борлигини билдириб, Кўхчак-Кўчак-ёлғиз баландлик (ёнидаги гузар) қишлоқ жойлашиш ўрнига нисбат, баландлик устидаги кўрғон ва унинг ёнидаги аҳоли марказлари устидаги тепалик номи билан аталган. Гузарлари- Кўксой, Якарча, Лалми, Қанди, Сойчашма.

Кўчкак- «кўчкак» сўзининг асосий негизи «кўшк» бўлиб тожик тили қомусида «шаҳар ташқарисига қурилган хашаматли қаср» маъносида изоҳланган. Кўшк-Ўрта Осиё меъморчилигига хос қадимий иморат мўри, кўркам бўлиб одатда боғларда қурилган. «Византия элчиси Земарх 538 йилда Ўрта Осиё ҳудудидаги туркий кўчманчилар хоқони ўрдасида олтин тўрт товус хайкали кўтариб турган тахт-кўшкни кўрганлигини такидлайди.» «Илк ривожланган ўрта асрларда (V-XII) Бойсун ва унинг атрофлари жадал ўзлаштирилган. Туманнинг воҳа қисмидан тортиб Бойсун тоғ ерларида янгидан-янги аҳоли манзиллари пайдо бўлган. Милоднинг II асрида Бойсун марказида юзага келган Кўрғониболо кенгайиб, йирик иншоат тўсини олган». Бойсун хушманзара ва сўлим гўшалардан бири бўлиб, тоза оби-хавоси, гўзал табиати билан одамларни мафтун этган. Ана шундай жойлардан бири Кўчкак қишлоғидаги «Газаи Шоди» деган жой бўлиб, у қишлоқнинг шарқий томонига жойлашиб, бу жойда хашаматли қаср бўлган. Қаср бўлганлигининг далили-исботи ўша жойда яшаган одамлар ўз уйлари атрофидаги ерлардан турли хил кўзалар ва ҳар хил аёллар тақинчоқларини топишган. 2003 йил 5 июн кунида «Гази Шоди» гузарида яшовчи фуқаро Шерали Бекмуродовнинг дала ховлисидан чуқур казиш пайтида 6 дона кўза, бир сопол сават ва мисдан ясалган қуш сопи топилган. Кўчкак қишлоғида яшовчи 90 ёшли Мусулмон Пардаевнинг ҳикоя қилишича Кўчкак кўшкидан Кўрғони болога булғор (яъни мол терисидан тикилган шланкага ўхшаш сув қувури) билан сув чиқарилган. Кўрғони боло II аср охирлари III асрда мавжуд бўлиб, XVIII-XIX асрларда Бойсун бекини ёзги қароргоҳи ва кузатув минораси бўлган. Ривоятларга қараганда Балх ҳукумдорлари вақтида Бойсунга келиб дам олган. Тарихдан маълумки, ҳозирги Сурхондарё вилояти XVI асрда Балхга қараган, чунки Амир Темур ўлиmidан сўнг тахт учун курашган унинг фарзандлари, набиралари Мовороуннахрни иккига бўлганлар. Балх, Хуросон, Хирот ва Хоразм Сурхондарё вилояти Темир Дарвозагача (Дарбанд) Шохрух Мирзо тасавурида бўлган. Шохрух Мирзонинг ўлиmidан кейин ҳам анча

вақтгача Балх ҳукумдорлари идора этган. Ана шунинг учун ҳам Бойсунда ва унинг теваарак атрофидаги қишлоқларда бобокалонлари Балхдан бўлган жуда кўп уруғ-аймоқларни авлодлари яшайди. Балх ҳукумдорлари Бойсуннинг хусусан Кўчкакнинг табиати, хушҳаво ва манзараларига мафтун бўлиб, ўз хотинларига атаб кўшиқ барпо қилган бўлса ажаб эмас.

80 ёшли Қаххор Холмуродовнинг айтишича, бу ерлардан ўша давр бегойимлар тақинчоқлари топилган. «Боғимнинг ерини ағдараётган эдим, белнинг учига бир шодда маржон илиниб чиқди. Бу қимматбаҳо маржон тошларнинг тешигидан ажриқ томирлари ўсиб чиққан экан. Улардан тозалаб олдим. Бир вақтлар қурилган бу кўшк асрлар давомида емирилиб, йўқ бўлиб кетган.»

А. Фирдавсий айтганидек:

***Кўп олий қасрлар бўлурлар ҳароб,
Уриб қору-ёмғир, шамолу-офтоб.***

Хофиз Убайхининг «Тухфатул-ахрор» асарида «кўшк» сўзи «манзара» маъносида берилган. Даврлар Оша «кўшк» - сўзи ўзига кичикликни билдирадиган тожикча- «ак» қўшимчасини олиб «Кўшкак» сўзини олган. «Кўшкак» топонимии «катта бўлмаган қаср» маъносини билдиради. Совет ҳокимияти йилларида «Кўшкак» сўзи русийзабонга айлантирилиб «кўчкак» деб аталган. Бу қадимий диёр бой тарихга эга. Бу масканда қадимдан тожикларнинг қадимий авлоди суғдлар яшаб келиб, уларнинг урф-одатлари сақланиб қолган. Даврлар ўтиши билан суғдча сўзлар ишлатилмасдан суғдча сўз ўрнига тожик сўзлари ишлатилган. Масалан: «лав» сўзи суғдча «лагв» сўзидан олинган бўлиб, «инкор қилинди», «бузулди» маъносини билдиради.

Балдуз - маъноси шундай бўлган, агар бирор кишининг хотини вафот этса, кейинги уйланишида ўз хотинининг сингисини олган ва бу «балдуз олди» деб аталган. Вақтида суғдлар шундай урф-одат мавжуд бўлган.

Бойсун тоғларида темир рудаси кўп бўлиб, Кўчкак қишлоғи Катманчопти тоғининг пастидаги Маталиқ жойда чўян рудаси эритмаси мавжуд бўлиб, 1990 йилларда ана шундай ўчоқлардан 10 таси ўрганилган. «Халқасимон шаклда қурилган бу ўчоқлар бир қаторда жойлашган. Ўчоқлардан 56 таси руда билан тўлдирилган ҳолда сақланиб қолган».

Абу Исҳоқи Истахрийнинг ёзишича «...халифа Муътасим, Абдулло Ибн Тохирга мактуб ёзиб юборган. Абдулло Ибн Тохир ўз навбатида бу мактубга шундай жавоб берган: «Мовароуннаҳрда уч юз минг калот (қалъа ё қишлоқ) бор». IX-XII аср муғиллар босқини даврида мавжуд калот ва қишлоқлар йўқ бўлиб кетган.

Кўчкак қадамжолари: Питаймозор (Хушмати Карим), Бобобекалла, Зингар ота, Шахиди аъло (Эшони Хатиб), Ғойиб Эрон, Собирсой Ғойиб. Кўчкак теваарак атрофидаги гузарлар, булоқлар номи: Ҳардури, Чагри, Қопқона, Кўкёл, Сангисафед, Чинор, Гурум, Чашмилло, Чагат, Дўлтахона, Ойбарак, Чилдухтарон, Чашми, Катманчопти. Гажирка, Оқбулоқ, Лойқасиёх, Қабихона, Жайрахона. Кўчкак қишлоғида ҳозирги кунда 2342 аҳоли истиқомат қилади. Кўчкак қишлоғида 17 та этник гуруҳга бўлинган аҳоли яшайди. Булар: Хожизардакаийлар, Сангардакийлар, Чағирийлар, Барокентлар, Булбулийлар, Хўжалар, Қушбегилар, Калисурхлар, Култанглар, Кенагаслар, Туланғийлар,

Турклар, Тоқчилар, Гузарийлар, Ашурчўлокилар, Ашурмахмаддийлар ва Шайитилар. Кўчкак маърифатпарпарлари: Мулла Дўстмуҳаммад, Нодир Бойсуний, Мулла Худойберди, Қоравулбеги Бойсуний, Мулло Абдурасул Хожи, Мулло Рўзибой, Мулло Барот Охунд, Эшони Хатиб Муддарис, Сарик муддарис, Самад, Мулло Худойкул, Мулло Эхсон, Мулло Курбон.

«Ҳардури» - ҳардурининг луғавий маъноси борасида ҳам маълумотлар жуда кўп. Ҳардури аслида форс-тожик сўз бўлиб, дастлаб ҳудудий гуруҳ номи бўлган, сўнг этнономга айланган ижтимоий этно тушунчадир. Ҳардури Хиндистонда яшайдиган туркий қабилалар билан этник алоқалари мавжуд бўлганлиги тарихий манбалар мавжуд. Ривоят қилишларича, ҳардурилар Бойсун кўрғонини олгандан сўнг маҳаллий аҳоли «кўрғонни ким эгаллаб олган, қаердан?» -деганларида «Дурдан, яъни ҳар дурдан» деб жавоб беришган. Маълумки «дур» сўзи форсий сўз бўлиб «узок» деган маънони билдиради.

Иккинчидан Хуросоннинг Балх вилоятида хазрати Дараи Юсуф маҳалласининг Дур қишлоғидан етти киши Яккабоғ районидаги Тутак қишлоғига келиб яшайдилар. Учинчидан ҳардурилар тоғлардаги дараларда яшашганлиги туфайли «ҳар дараги» маъноси ҳам бор.

Халқ изоҳида ҳарҚдури (дуриҚи-даралик, жойлик)-турли дарали, ҳар хил кишилар уюшмаси деган мазмунни ҳам ифодалайди.

Тўртинчидан, ҳардурилар авлоди турли миллатлардан иборат бўлган.

Ҳардури қавми уч шохга бўлинади: Калисурх, Култанг, Қушбеги, Ҳардури гузарларида асосан ҳардурилар қавми билан, турк ва Кенагаслар яшашади. Кўчкак урф-одатлари ва маросимлари: - Кўчкак қишлоғининг урф-одатлари бошқа халқ урф-одатларидан айрим жиҳатларидан фарқ қилади.

1.Қадимий ва муқаддас байрамларидан бири бу Наврўз байрамидир. Шу куни болалар ота-оналарига, қудалар келин ва куёвга «идона», «иден» ёки «байрам совғаси» берадилар. Наврўз дастурхони бошида янги йилнинг келиши даврларида Қуръон оятлари тиловат қилинади. Одатда Наврўз дастурхонига битта ойна ва мевалар қўйилади. Дошқозонда сумалаклар пиширилади. Яна бир удумлари бу «мушкул кушод» ёйинки «Бибимушкул» ўтказадилар. Азал-азалдан инсон бошига кулфат ёки мушкулот келса, у албатта бирор нарсага сиғинган ё илтижо қилган. Кейинчалик бу сиғиниш анъана ва урф-одатга айланган. «Бибимушкул» маросими зардуштийлик динига мансубдир, одатда аёллар ўтказган. Ҳозир ҳам шу маросим давом этмоқда. Ҳар ҳафтанинг Чоршанба куни ўтказиладиган бу маросимга етита аёл иштирок этиб, дастурхон ўртасида чирок ёкилади.

Бибиотин томонидан «Бобоҳоркан» қиссаси ўқилади. Олов атрофида ўқиладиган «Бобоҳаркон» қиссаси Зардуштийлик динига мансуб бўлиб, олов атрофида суҳбат қуришган ва гулханни чарс-чарс ёнишини кўп каби соатлаб тинглашган. Кўчкакда мархумни дафн этиш маросими худди Дарбанд қишлоғидагидек бўлиб ўтади. Лекин улардан фарқли-ўлароқ мархумни 6-ойдан кейин эслаш яъни «Барги сабзи» маросими ҳозирда сақланган. Маросимга асосан аёллар қатнашиб мархумни ёд оладилар. Аёллар бошига Кўк ўтлардан бошларига қўйиб, яхши гаплар билан мархумни эслайдилар. Ҳозирда бу маросим сақланган.

Қоработқоқ - «Дарбанд» қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудидаги қишлоқ. Катта ўзбек тракти автомабил йўлининг чап томонида жойлашган. Туман

марказидан 40 километр, яқин темир йўл бекатидан 23 километр масофада жойлашган. Чорвачилик, лалми деҳқончилик (буғдой, арпа, зиғир, нўхат) билан шуғулланади. Булоқдан сув ичади. Топоними – Қоработқоқ - тош ёки тошли баландлик тагидан доимо сизиб оқиб чиқадиган озгина сув, ўтлар ўсиб турадиган балчиқли жой-қоработқоқ, баъзи жойларда-қорабалчиқ. Табиий гидромухити асосида номланган. Суви аримайдиган жой-Қоработқоқ. Гидроним жой номига айланган.

Қорабўйин - қишлоғи «Работ» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги қишлоқ. Туман марказининг жанубий-ғарбий томонида жойлашган. Маҳалла аҳолиси 2887 киши. Асосан форсийзабон тожиклар яшайди. Умумий таълим мактаби, савдо дўконлари тегирмон ва мой жувози бор. «Хонгарон» сувидан сув ичади. Қувурлар орқали сув келтирилган. Газлаштирилган. Асосан деҳқончилик, чорвачилик қисман боғдорчилик билан шуғулланади..

Гузарлари - Қўрғонча. Топоними - Қорабўйин-қорамўйин - туркий халқларга қипчоқларга хос этноним. У ўрта асрларда қипчоқ иттифоқига хос уруғ бўлган. Кўчманчи қипчоқлар билан бирга бўлган. «Қорабўйин» - қўнғирот уруғининг «Қорабўйин» уруғи тармоғи бор. XX аср бошларигача тўғизларни «қорабўйин» уруғ тармоғи яшаган ва шу номда юритилган.

Ёмчи- «Работ» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги қишлоқ. Туман марказидан 15 километр, Қишлоқ ўртасида Тошғузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли 2005-2008 йилларда ўтган. Бойсун темир йўл бекати жойлашган. Деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. 2000 бош қора молга мўлжалланган чорвачилик комплекси ҳамда савдо нуқталари бор. Ўқувчилар қишлоқдан 4 километр узоқликда жойлашган Работ қишлоғидаги умум таълим мактабида катнаб ўқийди. Хонгарон сувидан сув ичади. Топоними - Ёмчи қадимий қишлоқ. Жом, ём, ёмчи номларини яралиш тарихи мўғиллар истилоси (XIII аср) билан дахлдордир. Жом сўзига “-чи” - қўшимчаси қўшиб “ёмчи” сўзи таркиб топган. Ёмчи - касб-ҳунарга оид сўз. Мўғиллар ҳукумронлиги даврида эса унвон саналган ва уларга маълум миқдорда имтиёзлар берилган. Мўғиллар томонидан қурилган ёмхона, бекат маъносини беради. Шунингдек, Кушон давлатига асос солган халқлардан катта бир гуруҳининг шимолий юртлардан Бақтрия ўлкасига кириб келиши Бойсунтоғдаги «Темир дарвоза» орқали содир этилган. Ёвчи(тоҳар)лардан бир гуруҳи Бойсун атрофида истиқомат қилганлигидан Хонгарон (Бойсун) сойининг ўнг қирғоғидаги Оқжар қишлоғи яқинида. (бу айнан ҳозирги Ёвчи қишлоғидан бўлиши мумкин) ўрганилган қадимги мазор гувоҳлик беради.

Шўрсой - Бойсун туман маркази билан туташган. Яқин темир йўл бекати. Бойсундан 12 километр масофада. Қишлоқ Шўрсой сойининг икки томонида жойлашган. Қувурлардан сув ичади. Маҳалла аҳолиси 2009 йилда 3825 киши. Савдо дўконлари, мой жувоз, ёғочни қайта ишлаш цехи ҳамда умумий таълим мактаби бор. Чорвачилик, дала-деҳқончилик, боғ-токчилик билан шуғулланади. Маҳалла худудида Гишт заводи, 2 та албастр ишлаб чиқарадиган цех, дон қабул қилиш идораси, газ ва бензин қуйиш шахобчаси жойлашган. Қувурлардан сув ичади. Бойсун маҳаллалари орасида ягона спорт мажмуаси хашар йўли билан 1994 йил барпо этилган. Қишлоқ тўлиқ газлаштирилган.

Топоними - Шўрсой:-Шўр-аччиқ сувли сой, суви Шўр-аччиқ сой. Эгри

арикдан суғорилади. Гузарлари - Шўрсой, Тоба, Юқори Наврўз. Тоба ва Шўрсой қабристонлари бор. Туманда 6 та маҳалла фуқароларига тегишли 1990 йилда ташкил этилган янги Шўрсой қабристонлари бор.

Шўроб қишлоғи - Бойсун районидаги шимолий-ғарбида жойлашган қишлоқ. Туман марказидан 34 километр, яқин темир йўл бекати, Дарбанддан 13 километр масофада жойлашган. Қишлоқдан Шўроб сойи оқиб ўтади. (суви шўр). Аҳолиси 2009 йилда 1172 киши. Аламидаги булоқдан сув қувурлари орқали сув олиб келинган, шундан сув ичади. Дехқончилик (буғдой, арпа, зиғир, беда уруғи). Чорвачилик билан шуғулланади. Қисман боғдорчилик бор. Умумий таълим мактаби, қишлоқ врачлик маркази савдо дўконлари, тегирмон ва мойжувоз бор. Қишлоқнинг кунчиқар томонидан катта Ўзбек автомобил тракти йўли ўтган.

Топоними - Шўроб-шўр-аччиу, талх. Ягноб тилида Шўр, шўражар, сув ўтган чуқурлик. Об-форсча, сув- туркийча маъноларини англатади. Шўроб қишлоғидан Тошғузар-Дехқонобод-Бойсун –Қумқўрғон темир йўли 2007 йилда ўтган. Шўроб мавзелари - Чак-чак, Оксой, Сувсиз, Аламли, Каттапай, Окназар, Саримас-1. Шўроб гузарлари - Темир Дарвоза, Хазилмуш, Бўғзалахона, Окмазар, Сейбели, Карвон Қочди, Паттали, Чорва, Дара, Катта томчи, Питов томчи, Қоработқоқ, Туябўйноқ, Гурхожи. Соилари - Мавлак, Сувли Дара, Катта бўзгала, Селебели сойи, Қизил сой, Туябўйноқ сой, Шўроб сой. Булоқлари - Эшон булоқ, Хидир булоқ, Олма булоқ, Хайриншик булоғи, Ойинли қудук, Қудуқли Хаччасой, Қорабулоқ, Жойма булоқ, Мияли булоқ, Оқ булоқ (аламида).

Тоғлари - Саримас, Қорамас, Тобут тоғи ва бошқа. 1.Ривоятлар - Тобут тоғи - бу тоғда Абу Муслим замонида шу ҳудуд бек, ҳокимлар ўлса, ўликни «Арабистон» га олиб кетиш олдидан, тоғни тепасига ўликни қолдириб, «ўлган кишини жасади» қотсин деб қолдирармиш, шу-шу бу тоғни «тобут тоғи» дейишади. Қорамас тоғида - катта «Қорабулоқ» бор, хушманзара жой. Бухоро амирлари келиб дам олган. Ҳозирда айрим белгилар сақланиб қолган. Захриддин Муҳаммад Бобур - шайбонийхонлар тақибидан қочиб, «Аламли» деган жойда яшаганлиги ҳақида фикрлар мавжуд. Аламлида бир неча таноб ерга писта дарахти экдириб обод қилган. Аламлида карвон йўли ўтган. Туялар писта дарахтини емаслиги учун, туяларни оғзини маҳкам бойлаб карвон ўтган. Захриддин Муҳаммад Бобур - шайбонийлар тақибидан даврида «Каттапой» мавзесига келиб, жуда катта карвон Сарой қурдирганлиги ва икки йил шу ерда яшаганлиги эътироф этилади. Ҳозирда айрим ҳаробалар сақланган. «Каттапай» аслида Каттабой деган бой-бадавлат одам яшаганлиги ривоятларда қайд этилади. Кунлардан бир кун Каттабой ёш қизга совчи юборган эмиш. Шунда қизи ота онаси бу ишни қизимиз хал қилади дебдилар. Шунда қизи тушмагур шундай шарт қўйибди, агар шу шартимни бой бобо бажарсалар мен розиман деган экан. Шарт шуки, менга 20 та қўй, 30 та тухли, 40 та айғир от, 50 та бўри, 60 та ахта қўй, 70 та нўхта ва 80 та тахта тайёрласин, - дебди. Шунда Каттабой барчасини тайёрлаш мумкин, лекин 50 та бўрини ушлаш оғир деб ўйланиб, Бобур Мирзони олдида борибти-да, барча воқеаларни бирма-бир айтиб берган экан. Бобур Мирзо қизни шартини дарров англаб етиб, бойга шундай жавоб берган экан. Одам 20 ёшида қўй бўлади, 30 ёшида тухли бўлади, 40 ёшида айғир от каби бўлади, 50 ёшида бўри, 60 ёшида ёшида ахта қўйга ўхшаб қолади, 70 ёшида уйга ўтириб

қолади, 80 ёшида у дунёга равона бўлади - деб тушунтириб айтган экан. Каттабой дарров қизни мақсадини билиб, ўз шаштидан қайтган экан.

Шайбонийхон Бобур Мирзони «Аламли» ердан кувиб юборгандан сўнг, аламлидан-аламли бўлган деган ривоят ҳам бор. Бу ривоятни 1932 йилда туғилган Шўроб қишлоғида яшовчи Эгамберди полвон Қодиров қайд этган. Шўроб қишлоғида яшовчи уруғ-аймоқлари - Оқпичоқ, Мовлуш Тиловмат, Қулдовли, Чолбачча, Бандикучук.

Чорчинор - Бойсун туманининг шимолида жойлашган қишлоқ. Туман марказидан 3 километр, яқин темир йўл бекати, Бойсундан 15 километр масофада. Маҳалла аҳолиси 2009 йилда 2387 киши. Дехқончилик, боғдорчилик ва қисман сабзавотчилик билан шуғулланади. Чинор қишлоғида 5 та бобочинор дарахти давлат муҳофазасига олинган. Уларнинг ёши 900-1100 йил атрофида. Қишлоқни шимолий қисмидаги тепаликда Хожа Сурх Пуш Сахоба Валий зиёратгоҳи ва қарийб 700-800 йиллик атрофида бўлган қабристон жойлашган. Умумий таълим мактаби. Савдо дўконлари, мой жувоз ва тегирмон бор. Қишлоқдан эгри ариқ оқиб ўтади. 1900 йилда Бойсун бегининг фармойиши билан хашар йўли билан қазилган ариқ: Боғиболо, Чинор, Газа, Ариқ усти ва Шўрсой, Қизил корез, Тоба, қисман Кўктепа ва шаҳар аҳолисини дехқончилик суви билан таъминлайди. Чорчинор болалар оромгоҳи жойлашган. Қишлоқ тўлиқ газлаштирилган. Кўплаб фидойи инсонлар етишиб чиққан.

Яккатол - «Кўрғонча» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқ. Туман марказидан 57 километр, яқин темир йўл бекати Бойсундан 75 километр масофада. Туманнинг шарқий томонида жойлашган аҳолиси 2009 йилда 312 киши. Асосан Чиғатойларга мансуб тоғчи қавмлар яшайди. Ўрмончилик ишлари билан шуғулланади. Чорвачилик, дехқончилик, (буғдой, арпа, зиғир, нўхат) қисман мевали боғдорчилик билан шуғулланади. Умумий таълим мактаби, савдо дўкони, мойжувоз ва метпункт бор. Қишлоқ тўлиқ электрлаштирилган. Яккатолда ўрик сентябр ойида пишади. Топоними - Яккатол – Биттатол - битта тол дарахти кўкарган жой.

Чилонзор - «Сайроб» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқ. Туман марказидан 43 километр, яқин темир йўл бекати Дарбанддан 30 километр масофада. Маҳалла аҳолиси 2009 йилда 3614 киши. Қишлоқ ўртасидан катта Ўзбек тракти автомобил шох йўли ўтган. Чилонзор ота зиёратгоҳи бор. Топоними - Чилон жийданинг бир тури. Ўзбек абадий тилда бу тур жийдани Чилонжийда дейишади. Чилонзор, чилон ўсган жой демакдир. ўсимлик ва дарахт номларига - зор, -ли қўшимчаси қўшилиб, ўрин-жой оти ва жой номлари ясалган, ўсимлик ё дарахтнинг кўплиги, борлиги мавжудлиги каби маънолар англатилади. Чилонзорда - Хомкон қишлоғидан кўчиб келган уруғлар яшашади. Қишлоқ асосан 1960 йилдан шакллана бошлаган. Аждодлари Хомкондаги Қамчибулоқ қишлоғида яшаганлар. Хомконликларнинг бош бобоси Ниёзбороқ, унинг ўғиллари Хўжаксар-Якказарангда яшаганлар. Унинг кейинги тармоқлари Калламазорда ва сўнги тармоқлари ҳозирда Чилонзорда яшашади.

Қишлоқдаги умумий таълим мактаби Япония давлат грантига сазовор бўлган, савдо ва маиший хизмат нуқталари, автомобилларга ёқилғи куйиш шахобчаси, қишлоқ амбулаторияси бор. Қишлоқ дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Қорақўйчилик тури ривожланган. Чилонзордан - машҳур

чўпон, Мехнат Қахрамони Эргаш Шамаев етишиб чиққан.

Туркондарё ва булоқ сувидан сув ичади. Қишлоқга қувурлар орқали «Хўжа майхона» булоғидан сув келтирилган.

Хўжабулғон - «Сайроб» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқ. Туман марказидан 18 километр, темир йўл Дарбанд бекатидан 11 километр, масофада. Маҳалла аҳолиси 2009 йилда 3707 киши. Қишлоқ ўртасида Туркондарё (Мачайдарё) оқиб ўтади. Туркондарёдан олинган Бўзарикдан сув ичади. Қишлоқ ўртасидан Бойсун-Термиз автомабил йўли ўтган. Қишлоқ тўлиқ газлаштирилган. Умумий таълим мактаби, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, қишлоқ врачлик амбулаторияси бор. Қишлоқда Хўжабулғон ота зиёратгоҳи бор. Дехқончилик чорвачилик ҳамда сабзавотчилик боғдорчилик билан шуғулланади. Топоними – Хўжабулғон - хўжа(лар)-форсча - «Хўжайин», «Соҳиб» ҳақида икки фикр. 1.Хўжалар дастлабки тўрт халифа: Абу бакр, Умар, Усмон ва Алидан (Алининг Фотимадан бошқа хотинларидан) тарқалган авлодлар.

2.Пайғамбаримиз давридаги саркардларнинг авлодлари. Хўжалар аслзодалиқда (оқсуяқликда) сайидлардан кейин турганлар. Термиз шаҳридаги Солихобод (Саловат) қишлоғи хўжалари Халифа Али авлодига унинг ўғли Хусайнга мансуб эканлиги ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд.

Хўжадияк - «Мачай» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқ. Туман марказидан 52 километр, яқин темир йўл бекати Дарбанддан 30 километр масофада. Аҳолиси 2009 йилда 664 киши. Асосан форсийзабон тожиклар яшайди. Чорвачилик, лалми дехқончилик (буғдой, арпа, нўхат, зиғир) билан шуғулланади. Қисман боғдорчилик билан шуғулланади. Булоқдан сув ичади. (Толли булоғи). Умумий ўрта таълим мактаби, савдо нуқталари бор. Қишлоқ тўлиқ электрлаштирилган. Тегирмон бор. Шимолий-ғарбда Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод туманига қарашли Белибойли ва Бошчорбоғ қишлоқлари билан чегарадош. Қишлоқда Хўжадахяк ота зиёратгоҳи бор. Гузарлари - Боло қишлоқ, Паст қишлоқ, Тошқўтон, Қоплон дара, Пишти камар, Душоҳ кўли, Замон Мирган, калон. Сойлари- Узунсой, Кўксой, Сойи Мачай. Тепалари - Дўнги Сурхи, Камарбоши, Гавхона, Айри, Тарози кўтон. Қишлоқдан Хапин полвон, Самандар полвон каби етук полвонлар ҳамда Файзулла чопағон, Хайитмамат чопағон, Хуррам чопағон ва Рахмон чопағонлар етишиб чиққан.

Хомкон - Бойсун ва Шеробод районидаги қишлоқ. Туманнинг ғарбий қисмида жойлашган. Чорвачилик, лалми дехқончилик (буғдой, арпа, нўхат, зиғир) ва ўрмончилик билан шуғулланади. Майдони 100 гектарга тенг «Хомкон» катта Шўр сув кўли бор. Туз кони бор. Умумий таълим мактаби, савдо дўконлари жойлашган. Хомкон сой суви ва булоқдан сув ичади. З.М.Бобурни Хомкон орқали Хиндистонга ўтганлиги ривоят қилинади. Топоними – Хомкон (хомкон) асли туз кон демакдир. Жанубий Ўзбекистоннинг икки тили шеваларида тоғ бағриларида чуқур жой, кам, кам, камар, ботиқ жой. Қон(ком) сув ўзани, анхор, йирик ариқ қазиб оқизилган сув. Хомкон (хам+и+кон) чуқур сув ўзани, чуқурликдан оқадиган сув, сувли чуқурлик.

Шайид, Лофка, Оқбулоқ, Кўктепа, Омонтепа, Оби, Пойгабоши, Корез, қишлоқлари ҳозирда Туман маркази бўлиб, қолди. Ҳозирда бу қишлоқларда маҳаллалар жойлашган ва шу номда юритилади. Аҳолиси 15032 киши.

Пойгабоши қишлоғида 2005 йилда «ЮНЕСКО» нинг кулолчилик санъати музейи жойлашган.

Гузарлар. Элшунос этнограф Н.А.Кисляковнинг 1950 йилда олиб борган тадқиқоти бўйича «Сайроб» да 13 та гузар борлиги қайд этилган. Булар: Илолик, Кабути, Ганда, Қабчуғай, Чинор, Пайкум (Пайкуб), Қали Қўрғон (қалъаи Қўрғон), Қизилжар, Қулдук, Қали Мушкил(Қалъаи Мушкил), Абгир, Минчоқ, Бодомчалик.

Этнограф олима Б.Х.Кармышеванинг “Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана” (М.: Наука, 1976. – 324 с.) асарида «Дарбандда» 13 та гузар борлиги қайд этилган: Қамчиғай, Оқмачит, Испандиёр, Бирга-бир, Қизилқишлоқ, Сангчил, Гурум, Чамибул, Сесанги, Қўшосиё, Човди, Иноят, Ялғизбулоқ.

Техника фанлари номзоди, профессор Рўзимурод Қаландаровнинг «Панжоб ва Панжобликлар тарихи» китобида (1997) ёзилишича; Панжоб қишлоғида асосан 2 та катта қишлоқ, булар- Ички Панжоб ва Ташқи Панжобда 24 гузар борлиги таъкидланган. Булар: Хўжачакчаконота, Навиоб, Хазрати шайх, Качдара, Шоту, Бинирез, Қали Дамгирак, Пириги, Нави сухта, Хоки сафед, Биби Ширин, Дахни Панжоб, Кўпақўйди, Кўрики калон, Арратош, Қали Робаканак, Сафедак, Ховли Эшон, Қўрғони олим, Қали Қўрғон, Хўжагуррезота (Хўжа Гулрез ота), Қали Мачит, Газак, Оғзикатта. Кўчкак қишлоғида 17-гузарлар борлиги аниқланган. Ҳардури, Чагри, Қопқона, Кўкёл, Сангисафед, Чинор, Гурум, Чашмилоло, Чагат, Дултахона, Ойбориқ, Чилдухтарон, Чашми, Катманчопти, Гажирка, Оқбулоқ, Лойқисиёқ.

VI. БОБ. БОЙСУН МЎЪЖИЗАЛАРИ

*Инсоннинг хунари унинг бойлиги.
“Оталар сўзи”*

Яда-тошининг қудрати - «Яда» атамаси кўпчилик олимларнинг эътирофига, Авестода келтирилган «Яду» (ёки «Яту») яъни «Сехр-жоду» сўзи билан боғлиқ. «Яда» атамаси билан боғлиқ тушунчаларни қадимий Шарқ ёзма манбаларида ҳам учратиш мумкин. Хитой сайёҳи Си Юй Вин-дзянь Лу- «яда» тоши ҳақидаги маълумотида, уни оқ, қора, кулранг, кўк, яшил ва сариқ рангларда бўлишини таъкидлайди. «Яда» тоши ҳақидаги маълумотлар X асрда яшаган араб географи Ибн ал-Фқихнинг «Китоб ахбор ал-булдон» («Мамлакатлар ҳақида ахборотлар китоби») ҳамда Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарларида ҳам қайд этилган.

Абу Райхон Берунийнинг «Минералогия» асарида «яда» тоши ҳақида маълумот бериб, мазкур тош туркий халқлар орасида нафақат ёмғир чакирувчи, балки ғалаба ва омад рамзи сифатида ҳам қадрланганлигини ёзади. Илохий қудратга эга бўлган мазкур «Яда» тоши ҳақидаги маълумотлар қирғиз халқининг «Манас» эпосида ҳам учрайди ва уни «джай» тош деб аташган. Яда тоши ҳақида В.В.Бартольд ҳам ўз асарида тўхталиб, уни «Нефрит» тоши деб тахмин қилади.

С.Е.Моловнинг ёзишича XIX асрнинг охирида Шарқий Туркистонда «яда» чилик билан шуғулланган Мулла Айни хосил-йиғини терими даврида ёмғир чақирганликда айбланиб, қаттиқ жазоланган. Хитой сайёҳи Си Юиннинг

ёзишча, ёмғир чақириш учун тош тол пўстлоғи билан боғланиб, тоза сувга солинган, ёфингарчилик кўп бўлганда, уни бартараф этиш учун эса тош халтачага солиниб, от думига боғлаб қўйилган ва сеҳрли дуолар ўқилган. Бундан ташқари, агар совуқ чиқариш керак бўлса, дуо ўқиётган одам тошни белига боғлаб олган. Шарқий Туркистонликларда (Бойсун ҳам шунга киради) «Яда» тошидан хатто чанқокни қондирувчи восита сифатида фойдаланиш одати бўлган. Элшунос олим К.Шониёзов яда тошини қадимданок туркий халқларнинг турмуш тарзида муҳим ўрин тутганини ва у ҳақида илк ўрта аср ёзма манбаларда маълумотлар учрашини таъкидлайди. Бироқ «Яда» тоши ҳозиргача алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Миллий Ҳаммомлар - X асрда Чағаниёнда яшаб ижод этган Абу Мансур ал-Қумрининг «Китоб ат-тансиф фи-л-истилохат ат-тиббия» («Тиббий атамалар ва унсурлар луғати») асарида қуруқ ҳаммом ҳақида қуйидаги тафсилот берилган: «Кир ювиш жомига ўхшаш кенг (цилиндрик) идиш ясалиб, унинг ичига ёғоч курси қўйилади. Жом усти иккита тенг бўлакдан иборат ёғоч қопқоқ билан ёпилиб, ундаги курсига ўтирган одамнинг боши ташқарига чиқиб туради. Шундан сўнг ердан ушбу жом сиғадиган баландликда чуқур қовланиб, жом шу чуқурга ўрнатилади. Кейин унинг четидан айланасига эни бир тирсак (50-60 см) жой қолдириб, атрофидан ҳам эни яна шунча ва баландлиги жом бўйидан бир товон (20-22 см) ча зиёд айлана чуқур қовланади. Чуқурда ҳарорати ердан ўтиб, жомни иситадиган, унда қуруқ иссиқ ҳаво ҳосил қиладиган, бироқ одам танасини қуйдирмайдиган даражада олов ёқилади. Шундан сўнг, одам жом ичига тушурилиб, курсига ўтказилгач, икки бўлакли ёғоч қопқоқ ёпилганида унинг боши қопқоқ ташқарисида қолиши шарт. Шу зайлда ҳамом ичида одам терга ботгунча ўтирарди ва кейин ташқарига чиқарилади».

Абзак (ванна) - шаклан ҳозирги замонавий ваннага монанд бу сиғимнинг узунлиги 135-170 см, баландлиги 47-50 см, эни эса одам елкасидан кенгроқ. Абзак ҳарорат ва сув босимига чидамли силлиқ ишловга мос жисмлардан ясалган. Шифобахш ўтлар солинган иссиқ сув тўлдирилган обзанга бемор ўтказилиб, бош қисмигача ёғоч қопқоқ ёпилган.

Хуллас, тарихий манбалар ва ашёвий далиллар асосида яратилган абзаннинг чизма шакли Ўрта Осиё халқлари ваннани яқин даврларда европаликлардан олмаганлиги, балки, аксинча бу қадимдан Шарқда кенг ривож топган тиббий мослама ва муолажалар шакл ва услубияти анъаналари Ғарб мамлакатларига тарқалганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, ҳозирги ҳаётимизда кенг амал қилинаётган **сауна** аслида ўтмишда иссиқ ҳаволи «қуруқ ҳамом» номи билан Ўрта Осиёда машҳур бўлган ва X аср табиблари беморларни даволашда ундан кенг фойдаланишган. Халқимизнинг қадимги турмуш маданияти, даволаш услублари, воситаларининг унутиб келинган муҳим икки тури абзак ва қуруқ ҳаммомни бўлиш Ватанимиз бой маданий тарихидан далолат беради.

Кетмончопти тоғлари – Кетмончопти тоғи этакларида Бойсун шаҳри жойлашган. Хисор тизмаси таркибидаги Бойсун тоғларининг жанубий-ғарбий қисмидаги тоғ. Энг баланд жойи 3159 метр. Жанубий-ғарбда Туркундарё (Дарбанддарё)си ва шимолий-шарқда Олчасой (шимолда) билан Қайроқсой (жанубда) водийлари оралиғида жойлашган. Узунлиги 23 километр. Шимолий-

шарқда Хўжа Гургурота тоғи (энг баланд жойи 3109 метр) туташ.

Кетмончопти тоғи-юқориги палеозойнинг вулканаген жинслари, чўкинди ётқизиклари кумтош, юра даврининг охактошлари, ён бағриларида бур даврининг чўкинди, жинсларидан тузилган.

Жанубий-ғарбий ёнбағирлари тикроқ. Сувайирғич қисми нисбатан кам парчаланга, ясси. Лекин юра даврининг охактошлари нурашга чидамлилиги сабабли тик деворсимон шакл хосил қилган. Худди кетмон билан чопилгандек кўринишга эга. (Тоғнинг номи шундан келиб чиққан бўлиши мумкин.) Бу ажойиб шакл Бойсун, Тўда, Авлоддан яхши кўриниб туради. Бу тоғда булоқлар жуда кўп. Ён бағриларида тўқ-бўз тупроқларда турли хил буғдойикзорлар, шунингдек наъматак, зирк, тоғолча, бодом ва бошқа тарқалган.

Кетмончопти тоғида- шарқий қисмида Қўйкушок жойлашган. Қўйкушок дейилишига сабаб, Қўйкушокдаги тошларга синчковлаб разм солсангиз, тошлар худди қўйларга ўхшаб бош қисмини ҳам қилиб ўтлаб тургандай курасиз. Бойсунлик қарияларнинг айтишларича, агар қишда қўйкушокни қор кумса, шу йили Бойсунда сув кўп бўлади деб ривоят қилинади. Кетмончоптини жанубий қисмида Хожа Қўчқорота (Хожа Қошқарон Ота) зиёратгоҳи жойлашган. Зиёратгоҳ 2007 йилда ободонлаштирилган. Бу ерни Хожа Қўчқорота тоғи деб ҳам айтишади. Бойсун элини мафтун этган кетмончопти тоғи ғарбида Бойсун кўмири кони жойлашган. 1936 йилда Тўда қишлоғида очилган кўмири кони, уруш даврида ва урушдан кейин 1956 йилгача Сурхон воҳасини кўмири билан таъминлаган. Кейинчалик ёпилди. Мустақиллик туфайли ушбу кўмири конини очиш ишлари жадал равишда олиб борилмоқда.

Кетмончопти тоғи- нафақат Бойсунликларни, балки «Бойсун бахори» фестивалида иштирок этган. Япония, Корея, Олмония, Франция, Хитой каби мамлакат олимларини ҳам мафтун этган.

Бойсун Тошкўмири Кони-Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида юра қатламларида жойлашган кон. Бойсунтоғнинг Жанубий-ғарбий тармоғи бўлган кетмончопти тизмасининг Жанубий ён бағрида. Туман маркази Бойсундан 10 километр Жанубий-шарқда, Шўрчи темир йўлидан 60 километр нарида. 1940-йилларда ўзлаштирила бошлаган. Кўмири қатламлари ассиметрик кўтарилган Кетмончопти тоғида тахминан 25 километр квадрат майдонни эгаллаган. Кон геоморфологик ва тектоник жихатдан 3 қисм (шимолий-ғарбий ва жанубий) дан иборат. Қуйи Ўрта юра жинслари орасидан 22 та кўмири қатлами топилган. Шунинг, иккитасидан кўмири қазиб олинади. Кўмири «Т» маркасига мансуб ва юқори калорияли. Ундан кокс-брикет ишлаб чиқариш мумкинлиги аниқланган. Кўмирининг аниқланган захираси 15 миллион тонна. 1996 йил 10 минг тонна кўмири қазиб олинган. Истикболда кўмири қазиб чиқаришни йилига 100 минг тоннага этказиш мўлжалланган. «Керага тоғи» нинг номи Бойсунни ўраб турган тоғни Чиғатойлар шундай деб атаган.

Бойсун тоғларини маҳаллий номланиши. Кетмончопти тоғи, Туким қисилди тоғи, Тари поятағи, Арпа поя тоғи, Қудуқ тоғи, Билқиллоқ тоғи, Гулоқ тоғи, Ўр булоқ тоғи, Қўнғиз булоқ тоғи, Тошмачит тоғи, Чунтоғ тоғи, Мулали тоғи, Кампир кўли тоғи, Дарбанд кўли тоғи, Кўри туғай тоғи, Санжар тоғи, Бешарча тоғи, Дўконсой (чўянчилар макони), Кўри туғай тоғи, Қизилсой тоғи, Алмуритли тоғи, Ўрикли тоғи, Қайроқ тоғи.

Бандихон Сарикамиш қирлари - Бойсун тоғининг жанубий-ғарбий қисмидаги қирлар бўлиб, 70 километр чўзилган, Тангимуш қишлоғини кесиб ўтиб сарикамиш Пудина, Чаган қишлоқларигача етиб боради. Ўртача баландлиги 800-1000 метр. Энг баланд жойи 1216 метр. Бойсун тоғларидан бошланган бир қанча дарёлар (Кофурун, Анжарасой, Пулҳоқим ва бошқа) билан чуқур кесилган ва алоҳида баландлиги 1050 метр бўлган Така сакради тоғи қирларга (унинг энг баланд чўққиси Қағна 955 метр.) ва бошқа ажралган.

Ён бағриларида куруқ сой ва жарликлар ҳам кўп. Худди яйлов сифатида фойдаланилади. Тупроғи бўз, сур-кўнғир асосан шувоқ, шўра, кўнғирбош, рўян, оқ каврак ва бошқалар ўсади.

Чўлибайр тоғлари – Бойсун районидаги тоғлар. Хисор тоғ тизмасининг жанубий-ғарбий тармоқларидан бири. Сурхондарёнинг ўнг ирмоқлари. Холханжар ва Тўпалангдарё орасида жойлашган. Энг баланд жойи – 3812 метр. Ён бағрлари асиметрик тузулишга эга. Кўплаб дарё тармоқлари билан кесилган. Ён бағрларидаги бўз, жигарранг, кўнғир тупроқларда буғдойдошлар, турли бўталар ўсади. Арчазорлар бор. Худудидан яйлов сифатида фойдаланилади. Худди шундай номланиш Дарбанд худудида ҳам бор.

Хўжапирёқ тоғи – Бойсун тизмасининг шарқий тармоқларидан бири. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари чегарасида. Тўполонгдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Деярли кенглик бўйлаб 30 километрга чўзилган. Баландлиги 3500-4000 метр, энг баланд жойи 4425 метр (Хўжапирёқ чўққиси) сувайирғич қисмининг баъзи жойлари текис, кўп қисми қоялардан иборат. Шимолий-шарқий ва жанубий ён бағрлари Тўполангдарё ва унинг ирмоқлари билан зич ва чуқур кесилган (уларнинг кўпчилиги дара шаклига эга) Қадимги музлик рельеф шакллари (Троғлар, Мерена уйумлари) ҳамда кичик ҳозирги замон музликлари ва доимий қор қатламлари учирайди. Ўйлига 700-800 миллиметр ёғин тушади. Типик кўнғир, оч кўнғир, ўтлоқ дашт баланд тоғ тупроқлари тарқалган. Ўт ўсимликлар ўсади, арчазорлар бор. Хўжапирёқ тоғи яйлов сифатида фойдаланилади.

Бойсун свитаси - (Сурхондарё вилоятидаги Бойсун қишлоғи номидан) – ўрта ва юқори юра даврига мансуб ётқизиклар. 1959 йилда алоҳида свита сифатида ажиратилган. Бойсун Свитасида кумтош, алевролит, мергел, гил ва охактош қатламлари учрайди. Фаунанинг кўп қолдиқлари топилган. Қалинлиги 240 метр. Хисор тизмасининг Жанубий-ғарбий (Кўхитанг ва бошқа) тармоқларида тарқалган.

Бойсун Сойлиги – Бойсун тизмасининг Жанубий-ғарбий этакларидаги сойлик. Бойсун Сойлиги шимолда Чағил тоғлари, шарқда Шеробод-Сарикамиш қирлари, Жануб ва Жанубий-ғарбда баланд тепаликлар ва паст тоғлар билан ўралган. Мутлақ баландлик 1200 метр. Бойсун Сойлигида қиш унчалик совуқ эмас, ёз иссиқ ва қуруқ. Январнинг ўртача температураси - 0,8 градус, июлники 27 градус. Ўйлик ёғин миқдори 445 миллиметр, асосан қиш ва баҳорда ёғади. Бойсун Сойлигини шимолда Бойсун тизмаси этакларидан ва Чағил тоғлари ён бағрларидан бошланувчи сойлар кесиб ўтади. Бу сойлар фақат баҳорда тўлиб оқади, қолган вақтларда куриб қолади. Бойсун Сойлигида кумоқ, шўртоб ва бўз тупроқли ерлар кўп, деҳқончилик қилинади. Ясси тепалик ва қирларида лалми буғдой ва арпа экилади.

Туркондарё - (Ҳозирда Шерободдарё) - Амударёнинг охири унги ирмоғи, Ирғойли ва Қизилсой дарёлари қўшилишидан ҳосил бўлади. Мачай қишлоғига Мачайдарё у ердан Шерободгача Шерободдарё, Шеробод шаҳридан қуйилиш жойига Қорасув дарё деб аталади. Умумий узунлиги 177 километр. Хавзасининг майдони 2950 километр квадрат. Ўртача сув сарфи май ойида 20,6 м³/сек, июл ойида 18,3 м²/сек. Тоғлардан чиқиш еридаги ўртача сув сарфи 7,5 м²/сек. Сув оқими йил давомида нотекис тақсимланган. Хавзасидаги сойликларнинг узоқ жинслари сувни яхши ўтказди, ёғиннинг кўп қисми шу жинслар орасига сизиб, кейинчалик бир меъёрга дарё ўзанига қайтиб чиқа бошлайди. Шу тариқа оқим фасллар давомида бар текис тақсимланади. Қуйи оқимида дарё суви камайиб кетади. Дарёдан Дарбанд, Дара, Сесанги, Хўжабулғон, Тиллокамар, Пастки Сайроб, Мунчоқ ва Шеробод қишлоқлари (Қалламазор ва бошқа) қишлоқлари сув олади. Туркондарё - Ўрикли, Жавпоя, Чоя, Жайхун, Гуллок, Қизилнавр, Шаршарадан бошлаб, Бойсун ва Чўлбайир тоғлари орқали оқиб келади. Дарёга Хўжадияк, Қорамаск, Навбулоқ, Газа, Саримаск, Тоғларидаги бир неча булоқлар ва сойлар қўшилади. Дарё узоқ тоғлардан оқиб келаётганлиги сабабли Хўжамайхона мазори сувига 6 ой ифлос оқади. Хўжамайхонадан оқаётган сув дарё суви билан тенгдир. Дарё суви билан Хўжамайхона суви қўшилгандан кейин сувни ранги ва таъми ўзгаради. Чунки Хўжамайхона суви тоза сувлар бўйича олдинги ўринда туради. Воҳамиздаги ҳар бир дарё ўз қишлоғи билан бирга тилга олинади.

Дарбанд дарёси ҳозирги Сурхондарё харитасида Шеробод дарёси деб ёзилган. Сурхон воҳасида ҳам қадимдан шу вақтгача дарё номлари ўзгариб келмоқда. Қадимда Чағанруд деб аталган дарё XV асрдан бошлаб Сурхон дарёси деб номланган. Денов яқинидаги Сурхоб номи дарёни, кейинчалик Сурхон деб аташган. Дарбанд дарёси 1225 йилдан бошлаб Турган ёки Туркан дарё деб юритила бошланди. Тарихий манбаларда ёзилишича, Чингизхон 1220 йили Мовароуннахрни ишғол этади. Самарқанд ва Бухорони босиб олиб, 11 кунда Термиз қалъасини босиб олади. Қалъада бўлган барча жонзотни қириб ташлайди. Қишни Амударё бўйида ўтказди. Чингизхонни иккинчи ўғли Чиғатойхондан бошлаб уларнинг энг охири авлодлари 140 йил Мовароуннахрда ҳукмдорлик қилади. Шу 140 йил давомида Дарбанд дарёсининг суви энг тоза сув бўлганлиги учун, уларнинг аскарлари ҳар йили 6 ой давомида Дарбанд дарёси қирғоқларига яшаб, дам олганлар, балиқ овлаганлар. Маҳаллий халқ Чингизийларни Туркон ёки Тургон яъни турклар деб атаганлар. Дарбанд дарёсини Туркан ёки Турган дарёси деб аталишига шу сабаб бўлган. Шу даврда Дарбанд халқи Турк тилида сўзлаша бошлайдилар.

Мачайдарё – Шерободдарёнинг Бойсун районидаги Мачай қишлоғига бўлган бош қисми. Бойсун тоғидан (3922 метр) бошланади. Узунлиги 44 километр, хавзаси 127 километр квадрат.

Хангаронсой – узунлиги 82 километр, хавзасининг майдони 55,08 метр квадрат. Хисор тизмасининг жанубий тармоқлари бўлган Кетмончопти тоғларининг жанубий этакларидаги булоқлардан бошланади. Бошланиш қисмида Авлод қишлоғига, Қўрғондара, кейинроқ Кофрун қишлоғига Хангарон номи билан маълум. Бойсун қишлоғидан қуйироқда дарё ўзани иккига бўлинади: ўнг томони Олақўтон (узунлиги 35 километр) деб аталади.

Ботмабулоқ (Фотмабулоқ) қишлоғи ёнида ер ости грунт сувларининг қўшилиши натижасида суви нордон-шўрроқ. Бандихонтангиси ёнида иккита ўзан яна бирлашиб дарё Кофрун номини олади. Қорақат тангисидан қуйироқда дарё кўп сонли сойларга бўлиниб кетади.

Улардан энг каттаси, қуруқ ўзанли Тақир дарёси қуйироқда Тақиркўлсой деб аталади. Дарёни сув билан таъминлашда қор сувларидан ташқари, унга юқори қисмида қуйиладиган кўп сонли булоқлар катта аҳамиятга эга. Шу боис Хонгорондаги сув оқими йил давомида деярли бир текис тақсимланган. Дарёнинг ўртача кўп йиллик сув сарфи Бойсун қишлоғи ёнида 0,64 м³/сек, ўртача йиллик сарфи 1,67 м³/сек дан кўп, сувли йилда 0,190 м³/сек гача (кам сувли йилда) ўзгариб туради. Тўлинсув даври март - август ўрталарида бўлади. Энг кўп сув сарфи апрел-июлда кузатилади. Йиллик энг кам сув сарфи октябр-феврал ойлари.

Хўжаипок - Бойсун туманидаги дарё. Сурхондарёнинг ўнг ирмоғи. Бойсунтоғнинг шарқидаги Хўжабузборак тоғдан 3360 метр баландликдан бошланади. Узунлиги 91 километр, хавзасининг майдони 765 метр квадрат, ўртача баландлиги 695 метр. Йиллик ўртача сув сарфи 16,8 м²/секдан (кўп сувли 1969 йилда) 2,49 м³/сек гача (кам сувли 2001 йилда) ўзгаради. Қор ва ёмғирдан тўйинади. Дарёнинг гидро энергия захираси 1 млрд кВт/соат. Хўжаипокдан экинзорларни суғоришда фойдаланилади. Қайроқ, Дуоба, Диболо, Қўрғонча, Оқсув, Фангарт қишлоқларидан оқиб ўтади. Хўжаипокнинг турли қисмлари қайси қишлоқ ёнидан ўтишига қараб Халқажар, Қизилсув, Хўжабузборак, Қўрғончасой, Тентаксой деб юритилади.

Шотутсой – Бойсун туманидаги дарё. Халқажарнинг ўнг ирмоғи. Хисор тизмасининг жанубий-ғарбидан, Хўжапирёк чўққиси бағридан бошланади. Узунлиги 14 километр. Хавзасининг майдони 157 километр квадрат. Йиллик сув сарфи 4.72 м³/сек. Кўп йиллик сув сарфи қуйилиш жойида 1,82 м³/сек. Қор ва ёмғир сувларидан тўйинади, шу боис доимо серсув. Шотутсой водийсида ёввойи ток, шунингдек тоғолча, ўрик, ёнғоқ ва бошқа мевали дарахтлар ўсади.

Шотутсой яқинида Қўрғонча ва Дехиболо қишлоқлари жойлашган. Машхур Шотут осма йўллари бор. Ҳозирда 10-12 хўжалик истиқомат қилади. Шотут даҳасига аҳолини кўчиб келиши муносабати билан замонавий қишлоқ барпо этилмоқда. Аҳолиси лалмикор деҳқончилик ва чорвачилик билан қисман дарё жиякларида обикорлик ва мевали (олма) дарахтлари экилган.

Қайроқсой - Бойсун туманидаги дарё. Хўжаипокнинг ўнг ирмоғи 2860 метр баландликда. Бойсунтоғнинг шарқий ён бағрида булоқдан бошланади. Гуматак жилғасининг қуйилишидан (Чапдан) Келкенсой деб аталади. Узунлиги 27 километр, сув йиғиш майдони 2404 километр квадрат.

Кажар Дарёси- Бойсун ва Шўрчи туман территориялари орқали ғарбдан шарққа томон оқувчи дарё. Бойсун тоғ билан Сурхон тоғнинг шарқий ён бағрида 3921 метр баландликдан бошланади. Узунлиги 70 километр, хавзасининг майдони 1700 километр квадрат. Йиллик ўртача сув сарфи 4,7 м³/сек. Ёмғир ва қор сувларидан тўйинади. Дарёга узунлиги 5-10 километр бўлган 22 та сой келиб қўшилади ва Сурхондарёга бориб қўшилади. Дуоба, Қарлук, Чоп қишлоқларидан оқиб ўтади.

БОЙСУН АРИҚЛАРИ

Эгри ариқ – 1906 йилда Чорчинор маҳалласида яшаб ўтган муддарис Мулло Холл Охунд раҳбарлигида Бойсун бекини фармонида асосан хашар йўли билан қазилган. Узунлиги 9 километр, 1 м³ сув сиғимида эга. 450 гектар майдонни суғоради. 1969-1970 йилларда Бойсун туман ҳоқими бўлиб ишлаган Х.Холиқовнинг ташаббуси ва сай-ҳаракати туфайли қайта таъмир қилинган. Сув Газа, Шўрсой қишлоқларига Корез орқали эмас балки янгидан ёнидан ариқ қазилди. Ариқ тўлиқ бетонлаштирилди. Эгри ариқ 1986-1990 йилларда яна қайта таъмир қилинди.

Бўз ариғи – 1912 йилда қуриб битказилган. Узунлиги 24 километр, сув сиғими 1,5 м³, 1968-1970 ва 1986-1989 йилларда қайта таъмир қилинди. 1985-1986 йилларда Бойсун туман ҳоқими бўлиб ишлаган, украин миллатига мансуб Хомяк В.П. ташаббуси билан ариқ Тиллокамаргача ундан пастки Сайробгача 12 километрга узайтирилган. Бу ишда Бойсун туман қишлоқ хўжалиги бошқармасининг ўша давридаги бош ирригатори мархум Чори Саидовнинг хизмати катта бўлган. Ҳозирда ушбу ариқдан Дахнаижон, Хўжабулғон, Тиллокамар, Пастки Сайроб аҳолии ер майдонлари ва фермерларни 670 гектар ери суғорилмоқда.

«Работ» ариғи – 1905 йилда қазилган, узунлиги 2,5 километр, сув сиғими 100-120 метр. Работ фермерлари ва аҳолини 450 гектар ери суғорилади. 1969-1971 йилларда Пойгабоши маҳалласидан бўлган Бўри Жабборовнинг сай-ҳаракати ва ташаббуси билан хашар йўли орқали қайта қазилиб кенгайтирилди.

«Ёмчи» ариғи – 1909 йилда қазиб чиқарилган, узунлиги 4,5 километр сув сиғими 80 литр. Работнинг 3 та фермер хўжалиги ва аҳоли ер томарқаси суғорилади.

«Оллоб» ариғи – 1910 йилда қазилган, узунлиги 1,5 километр, сув сиғими 100-110 литр. Кофрун қишлоғи Гайрат фермерлари ва аҳоли томарқаларидан 255 гектар ер суғорилади.

«Пасурхи» ариғи – 1910 йилда хашар йўли билан қазилган. Узунлиги 5 километр, сув сиғими 40 литр. Пасурхи қишлоғи аҳолиси ери суғорилади.

«Мачай» ариғи – 1930 йилда хашар йўли билан қазилган. Узунлиги 8 километр, сув сиғими 200-250 литр.

«Тегирмон» ариғи (Мачай) – 1930 йилда хашар йўли билан қазилган. Узунлиги 2 километр, сув сиғими 80-100 литр атрофида.

«Дуоба» ариғи – 1933 йилда хашар йўли билан қазилган. Узунлиги 1,5 километр. Сув сиғими 50-60 литр.

«Собир» ариғи – 1945 йилда хашар йўли билан қазилган. Узунлиги 3 километр, сув сиғими 60 литр, Пойгабоши, Оби, Мустақиллик маҳалла аҳоли ери суғорилади. Ариқ «Аграном» колхозни раиси бўлиб ишлаган, асл Хоразмлик Саъдулла Собировнинг шахсий ташаббуси билан қазилган ва унинг номи берилган.

«Панжоп» ариғи – 1966 йилда хашар йўли билан қазилган «Сайроб давлат хўжалигининг раҳбари Омон Тошматов ва панжоблик Бердимуродов Махматнабининг ташаббуси ва сай-ҳаракати билан қазилган.» Узунлиги 2,5 километр, сув сиғими 70 литр. Ташқи Панжоб, Газа қишлоқлари аҳолиси ва фермерлари ери суғорилади.

«**Тангимуш 1**» **ариғи** – 1976 йилда Бойсун давлат хўжалиги томонидан қазилган, узунлиги 1 километр атрофида.

«**Тангимуш 2**» **ариғи** – 1977 йилда Бойсун давлат хўжалиги томонидан қазилган, узунлиги 1,5 километр. Ҳар иккала ариқ ҳисобидан 860 гектар фермер ва деҳқон хўжалиги ерлари суғорилади.

«**Дарбанд**» 1-2 насос станцияси – 1988 йилда қурилиб ишга тушурилган. 500 метр баландликка сув олиб беради. Дарбанд, Сайроб, Работ фермерлари деҳқон хўжаликлари ва аҳолии ҳисобидаги 970 гектар сув билан таъминлайди.

«**Истара**» насос станцияси - 1988 йилда қурилиб ишга тушурилган, узунлиги 1 километр бўлган 80 метр баландликка сув олиб беради. Фермер ва деҳқон хўжаликлари 525 гектар ери суғорилади.

«**Истара**» **1 ариғи** – 1976 йилда қазиб ишга тушурилган. Узунлиги 1 километр, сув сиғими 200 метр. Фермер ва деҳқон хўжаликларини 106 гектар ери суғорилади.

Бойсун сой - (Хонгарон) – март, апрел, май ойларида - 1,5 м³, июн, июл, август ойларида – 200 литр, сентябр-декабр, январ-феврал ойларида – 150 литр сув беради.

Туркондарё (Туркон, Дарбанд, Мачай) – март, апрел, май ойларида - 3,5- 4 м³ гача, июн, август ойларида -1,5-2 м³, сентябр, октябр, ноябр ойларида - 1-1,2 м³, декабр, январ, феврал ойларида -800 литр -1 м³ гача сув беради.

Мироб-сув хоқими. Мироб - (мир (арабча) «амир» сўзининг қисқаргани, яъни бошлиқ, раис, пешво, бек маъноларини англатади: **об - (форсча)** сув тақсимоти ва суғориш тизими, шунингдек, ариқ-каналлар қозиш ишларига раҳбарлик қилувчи маъмурий бошлиқ. Бу сўз оммалашгунга қадар туркий тили халқлар «Сув боши» атамасини қўллашган. Турк сайёҳи Э.Челебининг (XVIII аср ўрталари) эсталикларида туркийларда жамоа маъмурияти бошлиғи «Сувбоши» маъмурий бирлик эса, сув бошлиқ дейилиши таъкидланган.

Давр ўтиши билан этномаданий жараёнлар натижасида сув боши атамаси «Мироб» билан алмашинади. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Марказий Осиёда суғориш ва ирригация қурилиши ишларига қозилар бошчилик қилишган. Ўрта асрларда эса йирик ирригация иншоотларини барпо этилишига хонларнинг ўзлари бевосита раҳбар бўлишган. XVI-XVIII асрларда Бухоро хонлигида сув хўжалиги ишлари шахсан вазир – «Оталиқ» назоратида эди. Оталиқдан ташқари, айрим суғориш тармоқлари «мироблар», «амини-об» ва шаҳар каналининг «арбоблари» томонидан бошқарилган. XIX асрда Бухоро хонлигининг барча сув хўжалиги тизимларига бошлиқ этиб «мирохўр» ёки «тўқ сабо» унвонидаги шахслар амир томонидан тайинланган.

- Асосий каналларнинг мироблари – «Панжбегилар» ,

- Дарёнинг юқори оқимидан сув хайдаб келувчилар – «Обандозлар» ёки «манкувватлар»,

- Тўғончилар –«Бархбон» ёки «Бандибон» лар дейилган,

- Сув-суғориш тизимининг қўйи тизими амалдорлари – «махрам» лар,

- Суғориш тизимлараро дарё сувининг тақсимотини кузатиб турувчи - «Оброн» лар,

- Шаҳарликларнинг мироблари – «жўйбон», «Арбоб», «Пойкорлар»

дейилган.

Бухорода хусусан Бойсун беклигида ариқ-завурларни тозалаш ишлари, сувдан фойдаланишни мироб, ариқ-амин ва бош мироблар томонидан амалга оширилган. Сув тақсимотидан ташқари мироббоши зиммасида ариқ, тўғон ва каналларни ҳар йили бир марта хашар йўли билан тозалашни уюштириш, бузилган жойларни тозалаш ишлари юклатилган. Бош ариқдан сув оладиган катта-кичик ариқлар (ён ариқ, шох ариқ, дахалар) ни назорат қилувчи кичик мироблар мироб-бошига бўйин сунган. Мироблар одатда эрта баҳорда оилали, обрўйли ва суғориш билан боғлиқ юмушларни пухта биладиган кишилардан сайлаган. Мироб ишини амин назорат қилган. Сув масалалари билан низолар чиқса бек ва қозига ҳисоб берган. Мироб одатда 2-3 та, баъзан 3-4 та қишлоқга хизмат қилган. Бош мироблар давлат хазинасидан маош олишган, маҳаллий миробларга эса хазинадан маош тўланмаган, уларни сувдан фойдаланувчиларнинг ўзлари таъминлашган. Миробга деҳқонлар миробона» ҳисобида яъни ҳар бир деҳқон хўжалиги бир-икки ғалвир (8-10 килограмм) ҳажмидаги буғдой, шоли ёки пул ҳисобида тўланишидир. Қадимда ўзбек тилида миробдан ташқари ариқчи, сувтўра, сувбеги, сепоячи, коризчи, сувчи каби сувчиликка оид шахс номлари мавжуд бўлган ва ҳозир ҳам айрим шева тилларида қўлланилади.

Ҳозир амалиётда қўлланилаётган атамалар: сувчи, уста сувчи, бош сувчи, сув бошлиғи, ирригатор, мелиоратор, гидротехник ва ҳоказо. Бойсун туманида жуда кўплаб мироблар ўтган. Ана шулардан бири Абдухолик мироб Муҳаммадиев Газа қишлоғида яшаб умргузаронлик қилган Холик мироб 9 километрли «Эгри» ариғнинг бош мироби бўлган. Ҳаммаси бўлиб, 1937-1960 йилларда 18 катта-кичик қишлоқларни сув билан таъминлаб, халққа хизмат қилган. Обрўйли ва суғориш билан боғлиқ юмушларни пухта билган.

Сақиртма ёки сақратма – Тарихлар гувоҳи бўлган кўхна давон ҳақида иқтидорли ижодкор журналист Кушон Абдуллани хикоясида «Бойсун баёзи» (1996-йил 148-156) жуда яхши таърифланган. Биз ушбу китобдан жуда қисқартирилган ҳолда хикоя этмоқдамиз: Бу жойдан ҳамма томон жуда равшан кўринади. Шимолда басавлат, қорли Кетмончопти чўққилари, унинг пойида кўркамагина Тўда қишлоғи, жануб ва кунботарда пойонсиз қир-адирлар, пастда кунчиқарда эса кўк-яшил ранг аралаш уйлар мавжуд. Шаҳар, юрт бир сўз, билан айтганда- «Бойсун». Бу жойдан ҳамма вақт, айниқса тонг маҳали ёхуд кечқурун, кунчиқарга назар ташлаган киши пастдаги манзилнинг суратини, унинг хуснини ўз нигоҳида илк бор кашф этади гуё.

Бу ер гўзалликни намоён эта олган, энг ажиб жой бўлса ажаб эмас. Бу ер – Сақратма. Сақиртмани жойлашиши рельефини ўзи мўъжиза. Бу табиат мўъжизасидир. Бу жойдан кечки Бойсун жилосини шарқ томондан кўриб завқланишимиз мумкин. Бу довон тарихнинг не-не воқеа-ҳодисаларига гувоҳ бўлмади дейсиз. Не-не кимсаларни ўтишини ҳам кузатган бу кўхна довон бизга минг йиллардан садо беради. Бу йилларда мўғул оти туёғининг излари, араб найзасининг қолдиғи, Юнон ва Эрон тиғининг акси мужассам. Пастда ястанган бу сўлим гўшага буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг нигоҳи тушган, бу тепаликларда Ҳазрат учқур отидан тушиб ором олгандир. Самарқанддек пастда ўз чиройини кўз-кўз қилаётган мангу мўъжаз шаҳар Бойсунга не-не

жаҳонгир-у, не-не саркардалар ўтиб келмаган. Бухоро амирининг ёзги дам олиш қароргоҳи Бойсунда жойлашган эди. Сақратма – Бухоро амирлиги даврида Хисор, Юрчи, Бойсун бекликларини марказ билан боғлайдиган асосий қарвон йўлида жойлашган довон, катта бир бекат бўлган. Амирликка юборилажак бож-хирожлар шу ердан олиб ўтилган. Энг муҳими Туркистоннинг охирги амира Сайд Олимхонни қадами теккан жой. Сақратмадан XX аср бошларида қонсираган қизил армия кўшини ва саркардалари хайкириб ўтишди. Бу дунёни, Оржонкедзе, Петрес, Каменов, Фрунзе, Ворошилев, Куйбишев каби қизил йўлбошчилар бу довондан ўтган. Анвар Пошо, Иброҳимбек, Бўри Тўқсабо, Бўрибойвачча, Эшонун Судур, Соҳиб Камандир, Давлат Мадбек, Хуррамбек каби ватан озодлиги учун курашган танти ва мард, жасур истиқлолчилар бу довондан туриб босқинчи қизилларга қарши курашдилар.

1930 йилларда юрт, ватан озодлиги учун курашган юртпарвар инсонлар «ёт унсирлар», «қулоқ» деб Сибир ва Қозоғистонга ноҳақ сургун қилишганлар, иккинчи жаҳон урушида қатнашган 3000 нафар ҳамюртларимизни маълум қисмини ушбу довондан олиб ўтишган. 1920 йилларда ушбу довондан 12 ёшида ўтган Мулло Эркаев 60 ёшида академик бўлиб қайтди. 1960 йилларда Ўзбекистонни биринчи раҳбари бўлган Ш.Рашидов, 1970 йилларда академик – рассом Рўзи Чориевни ушбу довонда кутиб олиниб, сўнгра Бойсун шаҳрига қадам ранжида қилганлар ва ҳоказо.

Омонхона ғори - бу ғор бошқа жойлардаги ғорларга ўхшамайди. Ғор оғзидан бошланган йўлакнинг узунлиги 3-3,5 метрдан иборат. Ғор оғзидан бир киши зўрга кира олади. Ичкари йўлак оғзига қараганда анча кенгайиб боради. Ғорнинг ички қисми 50-60 метр. Шуниси қизиқки, ғор ичкарасидаги ҳарорат ёз ойларида 5-6 градус совуқни ташкил қилса, қиш ойлари Қ20 градус иссиқ бўлади. Айтишларича, қадим замонларда буён иссиқда айнийдиган озиқ-овқатларни ёки қорин терисига жойланган ёғни (қорин ёғи) шу ғорга келтириб қўйиш одат тусига айланган. Ҳозирги омонхоналикларни айтишича, бу ғор «замонавий музлатгич» (холодильник) вазифасини ўтамоқда. Қўшни қишлоқлардан ҳам ҳар ким қорин ёғи маҳсулотини олиб қўйиб кетади. Бу ғорда қўйилган қорин ёғлари 5-10 йиллаб туришган, маҳсулот ҳеч айнимайди, таъми бузулмайдди, яхши сақланади. Бу ғорга ҳамма ҳам кириб чиқавермайди. Кўпчилик сайлаган масъул одам иштирокида амалга оширилади.

Омонхона ғорида шу пайтгача ўғри тушганини ҳеч ҳам эслашмайди. Ғор оғзига ҳеч қандай қулф осилмайди. Мушук ва ит ғорга киришмаслиги учун, ғор оғзига оғирроқ тош билан ёпиб қўйилади. Табиатни бу мўъжизаси сир-асрорини ҳозиргача мутахассислар томонидан ўрганилмаган.

Омонхона булоғи - инсон танаси учун шифобахш бўлган бу булоқ сувини ер юзига отилиб чиққанига 600 йилдан ортиқ вақт ўтишига қарамасдан, ҳеч вақт қуримаган. Булоқ сувининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигига қарашли Н.А.Семашко номидаги саломатликни тиклаш ва тиббий даволаш илмий-текшириш институтида ўрганилиб, сув таркибида сульфат иони 71 мг. экв, магний иони 44 мг. экв, азот иони, 88 мг. экв, р.н -0,8 биоқувват мавжудлиги аниқланган.

Бундан ташқари булоқ сувининг таркибида кремний кислотаси, темир, алюминий ва бошқа микро элементлар мавжуд бўлиб, сульфат ва магний

ионлар меъёридагидан бир неча баробар кўплиги учун юқори даражада ўт сурувчи, сийдик хайдовчи ҳамда қон босимини тушуриш хусусиятларига эга.

Бундай таркибдаги сув инсон танасини, жигар ва ўт пуфаги йўлларини тўлиқ ювиш қувватига эга. Мазкур булоқ сувини кимёвий усулда тайёрланган Гемодез суюқлиги билан солиштирадиган бўлсак, булоқ сувининг таъсири ва шифобахшлиги гемодездан ҳам афзал ва кучлироқ бўлиб, тиббиёт тили билан айтганда, булоқ сувини «таббий гемодез» деса бўлади.

Омонхона булоқ суви инсон танасидаги қуйидаги касалликларга шифо бўлиши амалиётда аниқланган.

- А) Сурункали гепатит (сарик касаллиги)
- Б) Сурункали холистет (ўт пуфаги ва йўлларини ялиғланиши)
- В) Ошқозон ичак тизимида учрайдиган барча касалликлар (гастрит, дуоденит, комет)
- Г) Қандли диабет
- Д) Ошқозон ости безининг ялиғланиши (панкреатит)
- Е) Хафакон (қон босими).

Бойсун арчалари – арча дарахти Бойсунтоғда қачон пайдо бўлганлиги ҳақида тарихий манбалар мавжуд эмас. Арчани барги Қримда ўсадиган кипорис дарахтига ўхшаш. Бойсун тоғда баландлиги 5-10 метр хатто 25 метргача борадиган арчалар бор. Уларнинг томирлари ер ён бағри бўйлаб ўсади. Арчалар жуда секин ўсади. 50 ёшли арча 3 метргача, 100 ёшли арча 10-25 метргача бориши мумкин. Арчаларни 2000 ёшга кирганлари ҳам бор. Айрим арчалар Амир Темур, Улуғбек, Умар Хайём, Рудакий, А.Навоийга тенгдошлари ҳам бор. Ривоят қилишларича, тоғда яшовчи аҳоли ўғил бола туғилса арчадан эгар ясаб боласини ўтиргизар экан-ки болам жасур, мард ва кўркмас бўлсин, она ватанини химоя қилсин деб.

Арча дарахти қалам ишлаб чиқаришда ишлатилади. Арча дарахтидан қилинган қалам билан улуғ бобоқалонларимиз ўзларини бизгача етиб келган китобларини ёзиб қолдирганлар. Арчадан Иккинчи жаҳон уруши даврида порох тайёрланган, ногиронларни даволашда арча бальзами ишлатилган. Арча сиропи қанд ва ликёр ишлаб чиқаришга ишлатилади. Шунингдек ацетон, фурфурол, уксус ва чумоли кислотаси, глюкоза, шунингдек микраскопларга ишлатиладиган иммерсионли мой олинади. Айтишларича «мўмиё» ушбу арчадан озуқа олармиш.

Арча - табиатни тоза, соф хаво қилишда, одамлар саломатлигини тиклашда тенги йўқ дарахт ҳисобланади. Арчалар денгиз сатхидан 3400-3700 метр баландликдаги тоғларда ўсади. Арча ерни эрозиядан, ер ўприлишидан сақлайди. Арча қишда қорларни тезда эриб кетишига, бахорда эса сел сувларини камайтиришга хизмат қилади. Ёзда эса одамлар ва ҳайвонларга бошпана ва озуқа манбаи ҳисобланади. Кейинги вақтларда кўплаб арчалар кесиб юборилди. Арча сув манбаи ҳисобланади. 1960 йилларгача арчани кўплаб кесилган, фақат 1960 йилдан кейин арчани кесиш тақиқланди. Арчани турлари: сафет арча, сари арча, қора арча, қизил арча, ўрик арча.

1928-1934 йилларда Ўрта Осиё арчалари экспорт қилинган. 1928-йилда қалам ишлаб чиқариш бўйича миллиордер фабриканд Фабер фирмаси Бойсуннинг арчаларидан қалам ишлаб чиқарган, арчани шимолий Африкага

экишни тафсия қилган экан.

1928-1934-йилларда ва уруш йиллари ҳамда урушдан кейинги 1950-йилларгача Москвадаги Красина фабрикаси қалам ишлаб чиқариш учун арча дарахтини ишлатган. Арчадан тайёрланган қалам бўялмайди, у ялтираб туради.

- арчадан уй-қурилишида ишлатилади.

- арчадан тандир гўштга ишлатилади.

- арча кўмири билан метал эритилган (ўрта асрларда) ва ҳоказо.

Ўрмонлар Бойсун туманининг катта майдонини эгаллаган. Туманимиз ўрмонлари асосан Зарафшон арчадан иборат бўлиб, туман табиатни муҳофаза қилиш бўлими, туман ўрмон хўжалиги, мутахасислари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, ўрмондаги арча дарахтларини муҳофаза қилиш йўлида изланмоқдалар. Маълумки арча ва шу турдаги дарахтлар ҳар гектаридан 6 тоннадан 14 тоннагача тирик жонзот учун зарур бўлган кислородни ишлаб чиқаради. Шу билан биргаликда 15-20 тонна карбонат ангидрит газини ютади ва 12-20 тоннагача чангни ушлаб қолади. Ҳозирги туман ўрмон хўжалигига қарашли ўрмонларда арчалар билан қопланган майдонлар 50 фоизни ташкил этади.

Чорчинор – Бойсун туман марказиди уч километр шимолда, баландликда жойлашган, оромгоҳ. Баъзан чинор деб ҳам аталади. Бойсундан 25 километр ғарбда Сайроб қишлоғида иккита улкан чинор ўсиб турибди, бу жой ҳам оромгоҳдир. Бойсунинг бу икки оромгоҳи саёхатчилар ўртасида машҳур бўлиб, уни дунёнинг деярли барча жойларидан меҳмонлар келиб зиёрат қилишган. Бундай улкан чинорлардан бири Бойсуннинг Кўчкак қишлоғида ҳам ўсиб турибди. Одамлар Чорчинорни зиёратгоҳ деб билишгани ҳисобсиз асрларга бориб тақалади, чунки чорчинордан 500 метр шимолий-шарқида Хазрат Сурх Пушнинг зиёратгоҳи мавжуд. Зиёратгоҳ ободонлаштирилиб, Чорчинор тагидан 1902 йилда хашар йўли билан қазилган эгри ариқ ўтади. Илк ўрта асрларда Чорчинор тагида булоқ мавжуд бўлган. Чорчинор манзили зиёратгоҳини тарихи шундай: Ривоят қилишларича, араб лашкар бошиларидан бири (айрим манбаларда шайх, валий) Хўжа Сурх Пуш асл исми Абдужуона Ибн Алҳам Абу Муслим даврида (750-755) Бойсун ҳукумдорларидан бири бўлади ва ҳозирда қуриб қолиб йўқолиб кетган чашманинг атрофида тўрт туп чинор дарахти экади. У милодий 810-815 йилда вафот этган. Жасади ўзи яшаган Қизил тепадаги уй ичига қўйилган, шунинг учун айрим манбаларда бу зотни «Дудбоний кўхи сурхий» ҳам деб аташган. Чорчинорни шимолида қадимий қабристон бор. Тарихий манбаларда, хусусан XIX асрнинг 60 йилларида бу ерда бўлган рус сайёҳи А.П.Фетченконинг маълумотларига қараганда бу қабристонга Бойсун бек ва ҳокимларнинг жасадлари қўйилган.

Сайроб қишлоғидаги чинор ҳам тўртта бўлган, қишлоқни фуқароси 90 ёшли Кенжа бобо Менглиевни айтишича (ҳозирда мархум) 1926 йилда чашмани юқорисида ўсиб турган чинор ўз-ўзидан ёниб кетган ва бу ёнишни гувоҳи бўлган. Бу ерда ўртача бир ховуздек келадиган чашмадан неча асрлардан бери сув чиқиб, қишлоқ хонадонларига оқиб беради. Одамлар чашмага келиб сиғинишади, кўнглига туккан ниятига эришиш ва мушкулларини осонлаштириш учун унинг ёқасида мол ёки товуқ сўйишади. Чашмадаги балиқларни истеъмол қилиш эса ислом йўли билан ман этилган.

Унинг ёнида мачит бўлган, ҳозирда вайрон қилинган. Ҳозирда бу улкан чинор ўсиб турибди. Унинг ёнида 1972-йилда экилган 10 дан ортиқ ёш чинор дарахти бор. Чинорлар йиллар ўтиши давомида ўз илдизларидан, шунингдек кўшимча ниҳол экиш натижасида кўпайган. Чинорларнинг энг кексаси 850 ёшга кириб, унинг баландлиги 26 метр, йўғонлиги 15,6 метр келади. Бу дарахтнинг қаваги катта бир уйнинг хонасини эслатади. Ҳозирда Чинорнинг ер билан туташ танасига эшик ўрнатилиб, ички хонасида 12-16 киши жойлашиб, бу хона савод чиқариш мактаби бўлиб, маҳаллий аҳоли ушбу чинорнинг номини «мактаб чинор» деб атайти. Совет ҳокимиятининг дастлабки даврида чинорнинг бағрида эски мактаб бўлиб, 1920 йилда Қизил армия кавалерияси двизияси штаби, кейинчалик янги мактаб, қишлоқ кенгаши, кутубхона жойлашган. Унинг диаметри 30 м. келадиган шохлари соясида йўловчилар дам олишади.

Табиатнинг бу мўъжизасини ҳозирги вақтда давлат муҳофазасига олинган. Чинор ғиштли ва темир панжаралар билан ўраб олинган бўлиб, унинг жанубий-ғарбида қадимий қабристон бор. Қабристонда иккита хонақо қишлоқни беаб турибди. Кўкак қишлоғида улкан бир туп чинор дарахти бор. Чинор дарахтининг баландлиги 25 метр, йўғонлиги 7 метр 70 сантиметр. Хар томонга осилиб ўсаётган шохлари 14-46 метрга тенг. Ривоят қилишларича Машраби девона Вахшиворга Сўфи Оллоёр зиёратига бораётганида ариқ бўйига чинор дарахтини экиб кетган экан. Сўфи Оллоёр - XVII-XVIII асрнинг 1-чорагида яшаб ижод қилиб, Вахшиворда яшаган. Шоирнинг «Сабот ул-ожизин» асари шу жойда яратилган. Демак, юқоридаги ривоятга асослансак Кучкак чинори тахминан 300 ёшда.

Бойсун туман марказида 104 ёшли яна бир улкан чинор дарахти сақланган. Чинор дарахти Муртазоқулов Нуриддин бобо хонадонида ва шахсан унинг қўли билан экилган. Бу чинор дарахтлари давлат муҳофазасига олинмаган. Чинор дарахтининг баландлиги 18 метр, йўғонлиги 4 метр, хар томонга осилиб ўсаётган шохлари 8-10 метрга тенг. Бойсуннинг собиқ ҳокими А.Соатмуродовнинг (1978-1985) ташаббуси ва сўай-ҳаракати билан 1979-йилда туман марказий кўчаларининг икки томонида 1000 донга чинор дарахти экилган эди. Чинор дарахти кўкка бўй чўзиб яхши ўса бошлади. Лекин афсус 1995-1996 йилларда бу чинорлар кесиб ташланиб, ўрнига арча (туя) дарахти экилди.

БОЙСУНДА ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ

*Яхши ишлов берилмаган ердан,
яхши ҳосил унмайди.*

“Оталар сўзи”

Бойсун-Флораси

Инсоният ҳаёти ўсимликлар олами билан узвий боғланган. Наботот олами инсонни тўйдиреди, кийинтиради, ҳавони поклаб боради. Сўлим гўшалар яратиб, хўжалик ва қурулиш манбаси бўлиб хизмат қилади.

Кўзга завқ берадиган гўзал манзара яратиб, тупроқни эрозиядан сақлаб, намликни ушлаб, об-ҳавони тозалаб туради. Машҳур Юнон табиби Гиппократ (эрамиздан олдинги 460-377 йиллар) ўзининг «Корпус Хиппократикум» асарида доривор ўсимликларнинг 236 тасини тасвирлаб, даволаш хусусиятини баён

қилган. Юнонистонлик машхур олим Аристотель (эрамиздан олдинги 384-322 йиллар) ва Теофраст ботаника фанининг асосчиси ҳисобланган. Қадимий Рим медицинасида сезиларли из қолдирган Асклепиад (эрамиздан олдинги 128-56 йиллар), Римнинг машхур табиат фанининг билмдони К.Гален (Жомнус хакам эрамизнинг 130-200 йилларда яшаган) лар халқ табобатига улкан ҳисса қўшганлар. Хиндистон, Тибет, Хитой ва Араб шунингдек Ўрта Осиё мамлакатлари олимларини табобат соҳасида улкан хизматлари бор. Абд Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Мусо Ал-Хоразмий, Абу Бакр Муҳаммад Ибн Зақария Ар-Розий, Абу Райхон Муҳаммад Ибн Аҳмад Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Шарофиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Юсуф Илохий, Абу Содик Муттатабиб, Абу Мансур Бухорий, Араб Муҳаммад ўғли Абулғозихон каби уламолар табобат илмига ўлкан ҳисса қўшганлар.

«Фармокогнозия курси» китобини муаллифи А.Ф.Гамерман, доришунос П.С.Массагетов ҳамда шифобахш ўсимликлар устида атрофлича илмий-тадқиқот ишларини олиб борган ўзбек олимларидан О.Содиқов, С.Юнусов, С.Саҳобиддинов, Х.Холматовлар олиб борган ишлари таҳсинга сазовордир. Бойсун-ўсимликлар дунёсининг хилма-хиллиги турларга ғоят бойлиги ва уларнинг халқ хўжалигидаги муҳим салмоғи билан нафақат Сурхон воҳасида, балки Ўзбекистонда ўзига хос ўринга эга. Бойсун флораси узоқ тарихга эга. Бунда ўсимликлар ўсмайдиган жой йўқ. Чўл, адир, тоғ, яйловларда ўсимликлар ўсади. Тоғолди текисликларни асосан бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар қоплаган. Бу ерларда дарахтлар учрамайди. Айрим буталар эса баҳорда ёмғир сувлари оқадиган ўзанлар атрофида учраб туради. Бойсунда тоғ олди текисликларида ўсимликларни ўзига хос икки гуруҳи ҳамда қавмларини ташкил этади.

1.Эфемер ўсимликлар - булар бир йиллик ўсимлик бўлиб, об-ҳаво илиқ ва сернам бўлган пайтларда ривожланиб, қишда оби-ҳавога қараб турли даражада ўсишда давом этади ва ривожланиши анча жадал кечади.

2. Эфемероид ўсимликлар- булар кўп йиллик ўсимликлар бўлиб, булар ҳам об-ҳавога мос равишда кўзда, қишда ва баҳорда ўсиб ривожланади. Масалан: Лоланинг ғунчалари тупроқ остида шаклланади. Бундан ташқари исирик, шувоклар, қўнғирбошини учратиш мумкин.

Адирларда кўзикулоқ, каррак, какра, шашир, катрон, астрагал, ширач каби кўп йиллик ўтлар ўсади. Адирларда писталар ўсади. Ҳозирда турли мақсадларда аёвсиз кесиб олиниши туфайли камайиб кетган. Шунингдек буғдойик, так-так (тоғ арпа), андиз, гулхайри каби бўйи баланд кўп йиллик ўтлар тошлоқ ва шағали жойларда бодом, наъматак турларининг вакиллари буталар, астрагал ҳамда пиёз туркумига мансуб турлар кенг тарқалган. Бойсунда тоғларни арчаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Жаҳонда энг қимматбаҳо ҳисобланган қизил арча (зайтун арча) ўсади. Улар тоғларнинг кўрки бўлибгина қолмай, тоғ ёнбағриларини эрозиядан сақлашда ишончли манбаидир. Арчалар жуда узоқ -300 - 700, хатто 1000 йиллар мобайнида ўсиб ривожланади. Кенг баргли дарахтлардан заранг, чаканди, дўлана, писта, бодомча, ёнғоқ, тол, терак, шумтол ва камхастаклар кўп тарқалган. Тоғлардаги мевали дарахтлар мевасидан одамлар ва ҳайвонлар озиқ-овқат сифатида фойдаланилади. Тоғларда-учқат, наъматак, зирк, ирғай, табулги, чия, қизилча каби буталар кенг тарқалган. Тоғ шароитига мослашган ёввойи беда, мармарак, шашир, ривоч, кийик ўт, чой ўт, зира,

қизилтикан, лола, ширач ва турли бошокли дуккакли ва пиёзли ўсимликларга дамба-дам дуч келиш мумкин. Яйловларда терон, бетага, шувоқ, султама, исфарак, ёронгулларга бойлиги ўзига хос манзарани хосил қилади.

Бойсун флораси фойдали ўсимликларга ниҳоятда бой. Лекин ундан фойдаланиш оқилона ташкил этилмаган, ўсимликларни фойдали турлари тобора камайиб бормоқда. Бойсунда-доривор ўсимликлардан фойдаланиш узок, тарихга эга. Кишилар ибтидоий замонлардаёқ касални, ярадор хайвонлар баъзи ўтларни еб соғайиб кетишга эътибор берганлар. Даврлар ўтиши билан табиат яратиб кўйган доривор ўсимликларнинг аҳамияти ошиб бораверган. Милоддан анча олдин қадимги Миср, Хиндистон, Хитойда доривор ўсимликлардан фойдаланиш усуллари ёзилган кўлланмалар пайдо бўлган. Ўрта Осиё халқ табобати асрлар мобайнида бой тажриба тўплади. Жаҳон медицинасига катта ҳисса қўшган энциклопедист олим Абу Али Ибн Сино доривор ўсимликларга алоҳида эътибор берган. У турли хил ўсимликларнинг дориворлик хусусиятлари тўғрисида ёзиб қолдирган.

Ҳозирги пайтда дунё бўйича илмий таботот ва халқ табототида жами 12000 дан ортиқ ўсимлик туридан фойдаланилмоқда. Ўзбекистонда ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларнинг ўзи 4000 турдан ортиқ. Шулардан 500 дан кўпи шифобахш ўсимликлар ҳисобланади. Бойсун тоғ ён бағриларида, дала-даштлари, қир-адирларида эса 300 дан ортиқ шифобахш ўсимликлар ўсади.

Зиравор ўсимликларидан: седана, зирк, зира, қоракат, мурч, кунжут.

Доривор ўсимликлари: наъматак, чаканда, жийда, гулхайри, эрман, қичитки ўт, қирқ бўғим, зуптурум, руян, равоч, кўкнор, мойчечак, оққалдирмоқ, дармана, ялпиз, бўймадарон, занжавул, дуғбой, минг томир, олқар, кийик ўти, контепар, айиқ-қулоқ, қўй пудинаси, бута кўз, арпабодиён, ифор, исмалоқ, чукри, ҳаррон, газанда, далачой, ширинмия, лимон ўт, ўлмас ўт, бинафша, петрушка, баргизуб, қоқу, тирноқ гул, акация, наврўзгул, от қулоқ, моврак, момақаймоқ, лола, қизғалдоқ, укроп, келин тили, қариқиз, заъфарон, сачратқи, кўзиқулоқ, жамбил, райхон, кашнич, эл бахоси, наъматак, макка попуғи, мухаллас, зира, татим, нарғис, сакам, ит узум ва бошқа.

Бойсун тоғларида ўсадиган такасақол (теке-сағўз, така сақич) - дан каучук олинишини ҳар ким ҳам билмаса керак. Иккинчи жаҳон уруши даврида республика ҳукуматининг қарори билан такасақол йиғилиб, мудофаа фондига жўнатилган.

Санобар (*pinus pineta*) Италия, Қорағайи- қорағайдошларга мансуб чиройли доим ям-яшил дарахт. Очiq уруғларига киради. Танаси тўғри, бўйи 15-25 метр, диаметри 1 метрча. Шох-шаббаси ёшлигига конуссимон, қариганда ясси соябонсимон. Игна барглари тўқ яшил, узунлиги 10-15 сантиметр, эни 15-20 миллиметр, 1 жуфтдан тўп бўлиб, асосан чўзиқ навдалар учида жойлашади. Уруғи йирик, қорамтир, узунлиги 1-2 сантиметр. Ёввойи ҳолда тарқалган.

Ёғочи симолали, пишиқ, уруғи (пиниоли - деб аталади) ёғли (50 фоиз) ва оқсилларга бой бўлиб, тўғридан-тўғри ва қовуриб истеъмол қилинади. Уруғидан овқатга ишлатиладиган мазали ёғ олинади.

Ёзувчи Примқул Қодиров «Юлдузли тунлар» тарихий романида «Санобар» - нина баргли оч хаворанг тусдаги гўзал орагайсимон дарахт. Бизда Сайробда ва Ялта атрофида учрайди деб ёзган.

Биосферадаги мувозанатни сақлашда ҳайвонларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳайвонлар сайёрамизнинг генофонди, унинг маҳсулоти инсон ҳаёти учун тенги йўқ озуқа, хомашё ва эстетик завқ бағишлайди. Ер юзида 1,5 миллиондан зиёд ҳайвон турлари мавжуд. Аммо кейинги икки аср ичида унинг 300 дан ортиқ тури йўқолиб кетди.

Ўзбекистонда 682 тур умуртқали, 32484 тур умуртқасиз ҳайвон мавжудлиги аниқланган. Республикада мавжуд бўлган ёввойи ҳайвонларнинг 99 туридан 32 таси, паррандалардан 410 туридан 21 таси, балиқларнинг 79 туридан 5 таси «Қизил китоб» га киритилган. Бойсун ҳудудида мавжуд бўлган ёввойи ҳайвонларнинг 76 туридан 20 таси, паррандалардан 384 туридан 17 таси, «Қизил китоб» га киритилган.

Масалан: шалпангқулоқ, қўнғир айиқ, сиртлон, қоплон, хонгул, жайрон, арҳар, лочин, турна, бизгалдоқ, эчкиэмар, Осиё кобраси ва бошқалар бор. Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган ҳайвон ва парранда судралувчилардан ҳозирги вақтда туман ҳудудидаги сут эмизувчиларнинг 11 тури, қушларнинг 160 тури, судралиб юрувчиларнинг 20 тури учрайди. Бунда туман табиатини муҳофаза қилиш ташкилотининг ўрни бор.

Булар ичида: суғур, қўнғир айиқ, олачипор қоплон, Туркистон ёввойи мушуги, гепард, қор қоплони, жайрон, бурма шохли эчки, Бухоро ёввойи қўй, лайлак, оқ лайлак, Қарчиғай, чўл бургути, серсоқол, кўзойнакли илон, бургут, ғажир, юмалоқ бошли калтакесак, қўнғир эркемар, илон, бўри, тулки, ёввойи чўчка, қуён, мархур, чия бўри, силовсин, тоғ эчкиси, каклик, калхат, лочин, бой ўғли, чил, олашакшак, қарға кабилар бор.

Бойсун ҳудудида илгари йўқолиб кетган оқ турналар кишламоқда. Бу турналар ҳозирда Туркондарёни Қалламозор қисмида ва Дарбанд дарасида учратиш мумкин. Бу бўлимни шоир Абдулла Ориповнинг табиатни муҳофаза қилишга бағишланган қўидаги шеъри билан яқунламоқдамиз:

Асраймиз ўсимлик хилларин тайин,
Асраймиз ҳайвонлар камёб зотин.
Хатто атрофларини ўраб атаин,
Қўриқхона деймиз сўнгра отини.
Мунис мавжудодга меҳр-шавқат бу,
Бу инсон қалбида балққан жамият.
То яшар қандайдир бу янглиғ туйғу,
Ҳар нечун қирилиб кетмас табиат.

Бойсунда балиқлар асосан қадимдан дарё ва сойларда маҳаллий балиқлар: Амударё гулбалиғи, Ширмохи, Туркистон мўловдори, лойхўрак, зоғора балиқ, лаққа балиқ ва бошқалар бор. Сайроб ва Хўжамайхона зиёратгоҳи булоқ сувларида Маринка балиғи учрайди. Лекин уларни тутиб овламайдилар ва истеъмол қилмайдилар. Хашоратлардан чегирткалар (30 туридан кўп), тенг, ҳартумлар (ўсимлик битларини 80-100 тури), саратонларни (200-300 тури), Қўнғизлар (минга яқин) тури, турқанотлиларни (15 тури), капалакларни (700-800 турига яқин), тарқалган кейинги вақтларда чўл зоналаридан ғўзапояларга илашиб келган искаптопарлар тарқалмоқда. Ўргимчаксимон чаёнлар, фалангалар, ўргимчаклар яшайди. Сув каналлари ва ҳайвон каналлари учрайди.

Чиғаноқли хивчинлилар, чувалчанглар, сув қўнғизлари қориноёқли ва қоратанли қўнғизлар мавжуд.

Судралиб юрувчилардан – калтакесак, чипор илон, Туркистон агамаси, сариқ илон, кўзойнакли илон, ўқ илон, чарх илон, тошбақалар учрайди.

Сут эмизувчилардан- юмронқозик, кўрсичқон, кумсичқон, қўнғир олахуржинча, оддий дала сичқони, қўшоёқлар, бўри, типратикан, тулки, товушқон, ёввойи қуён, тўнғиз кўп учрайди. Илвирс ва қоплон учраб қолади. кўршапалак, уй сичқони, кулранг каламуш каби ҳайвонлар яшайди.

Қушлардан - хўжасавдоғар, қарғалар, тўрғайлар, чумчуклар, бедана, чил, каклик, кўк қарға, мусича, майна, читтаклар, фотмачумчуклар, худуд, қизил иштонлар, зарғалдоқ кўп.

Йиртқич қушлардан- тасқара, болтаютар парвоз қилиб юради.

Бу минтақада яшовчи қушларнинг қанотлари калта, думи узун бўлиб, бошқариш вазифасини ўтайди. Қалдирғоч, бойўғли, укки, хакка, зағча бор. Катта тақабурун кўршапалаклар, мўйловли ва уч рангли тунги кўршапалаклар, кечки кўршапалаклар ҳаёт кечиради. Дарахтзорларда қора калхат, қора каптар, гўнг қарға, вахимақуш, уй чумчуғи, булбуллар, қораялоқ учрайди.

Овланадиган ҳайвонлардан - бўри, тулки, чиябўри, қорқулоқ, сувсар, қуён, сайғоқ (оққуйруқ) ва тўнғизлар гўшт учун овланади.

Овланадиган қушлардан - ўрдак, кўк каптар, чил, бедана, каклик. Зараркунандалар айниқса лалми экинларда чигирткалар хумкаллақўнғизлар, симқуртлар, қора танли қўнғизлар. Кандадалар, ёввойи тунлам, қадардина, бошоқли дон экинларда буғдой трипси, шилимшиқ курт, катта бошоқ бити, зарарли хасва, бизилдоқ қўнғиз дон арракаши, швед пашшалари, дуккакли дон экинларида - нўхат бити, нўхат донхўри, ғўза тунлами ва бошқа тарқалган.

Лалми беда зараркунандаларидан - беда бити, холдор битлар, Бухоро тилла қўнғизи, туганак филчалари, фитономида беда филчаси ва беда уруғхўри мавжуд. Айниқса, масҳарнинг-ихтисослашган зараркунандаларидан-масҳар қора бити, масҳар илдиз бити, масҳар парвонаси ва бошқа учрайди.

Сабзавот, полиз ва боғ зараркунандаларидан - помидор, қалампир арча кўзги тўплам, ўсимлик шираси, кусак қурти, қайруқли бузоқбош, шиллик курт, пиёзга-илдиз канаси, ўсимтанематодаси,

Полиз экинларига - ўргимчаккана, полиз шираси, полиз қўнғизи, чегерткалар ва бошқа, картошкага-сим куртлар, кундузи туклама, кейинги вақтларда 1970 йиллар бошидан колорада қўнғизи (Мачай тоғ зонасида) дан ўсимликлар зарарланмоқда.

Боғларни - олма қурти, лива ўргимчакканаси, нок қандаласи, калконбитлар, қонли ва барг битлари, шира, пустлоқ ости қўнғизлари, тоқа-ўргимчаккана, тоқ унсимон қурти, ёнғоқга-ёнғоқ қурти, ёнғоқ катта ва кичик битлари, анорга-комсток қурти, анор шираси, анор қурти, анжирга-анжир парвонаси қуртлари шикаст етказди.

Омбор зараркунандаларидан - омборда сақланадиган дон маҳсулотларида 47 тур каналар (ун канаси, чўзинчоқ кана, турон канаси, қорамтир кана кабилар). Хашаротлардан омборхоналарда сақланадиган маҳсулотларга ғалла кармачиси, муғомбир қўнғиз, Мағриб қўнғизи, ун литаси, омбор қуяси, ун парвонаси учрайди. Бундай маҳсулотларни истеъмол

қилинганида улар турли ўткир ошқозон ва ичак касалликларини келтириб чиқаради. Туркистон каламуши, пластинка тишли каламуш, кўрсичқон, кўп учрайди.

Бойсун худудида ўтзорлар бўлмаганидан тез битадиган ўт экиб (халк тилида йўнғичка беда дейишади), йилига тўрт-беш марта ўриб олишади, ғарамлаб, пичан ўрнида сотишади ва шахсий хўжаликлари чорваларига беришади. Пичан эса ниҳоят тўйимли. Деярли йил бўйи ўсадиган ўсимликлардир. Бойсунда боғлар, токзорлар кўп, мевасини ўзлари ейишади. Ортиқчасини сотишадилар. Қисман четга чиқаришади. Урикдан қоқи қилишади. Узумдан майиз ва шинни шарбати тайёрланади. Олмадан қоқи қилиб, талқон қилишади ва ҳар хил мураббо тайёрлашадилар. Катта-катта боғлар одатда бир қанча бўлақларга ажратилиб, бирида мева, иккинчисида узум, учинчисида полиз экинлари етиштирилади. Кўпинча қатор ораларида ҳам полиз ва пиёз бошқа мевалар экишади. Тўртинчисида эса ажойиб мевали дарахтлар экиб, ўртасини гулзор қилиб қўйишади, чорсу шаклида мўъжаз хавуз қилиб, хавуз теварагида супа қилишади. Хавуз атрофига тол дарахти айрим ҳолларда гужум дарахти экишади. Супаларга хордик чиқариб дам олишади ва ёз ойларида ётоқ ўрнини ҳам босади.

Хавузларга сув боғларни суғориладиган ариқдан оқиб келади. 1970-йилгача сув қувурлари 1968-1969-йилларда ўтказилган. Бундай хавузлардан 142 та бўлган.

1950-йилги архив маълумотларига қараганда, Ижтимоий куч жамоа хўжалиги худудида 19 та, Ибратда 20 та, Қизил Карвон 11 та, Бирлик 13 та, Агроном 24, Ғалаба 14, Ғайрат жамоа хўжалиги худудида эса 18 та ва ҳоказо хавузлар бўлганлиги қайд этилган. Бу хавузларга навбатма-навбат сув хўжалиги идораси томонидан сув ажратиб берилган. Хавуз сувлари ўша теварак атроф хавосини мўътадиллаштирган. Қадимдан бу хавузлар инсон ва ҳайвонларни сув ичиш манбаи бўлиб келган.

Супалар атрофида гул ва кўчатлар экиб қўйилади. Бойсунда хилма-хил атиргул, гунафшаранг гулсафсар, кўқонгул, гулхайри, чиннигул, нузбўйгул, гултожихўроз кабилар очилиб ётади. Март ойида ўрику-шафтолилар олмалар тиғиз гуллаб, боғлар ажойиб манзара касб этади. Бойсун худудидаги олма, олча, беҳи, нок, олхўри, анор, анжир, кўксултон, хурма, мусалласбон резоварлар ўсади. Буларнинг меваси жуда ширин серсув бўлади. Айримларини хиди бор. Дуоба, Қўрғонча мавзесида ёнғоқ, олма кўп бўлади. Олманинг хумойи навининг беш-олти хили жуда ширин бўлади. Ёнғоқ дарахти кўп ўсади, меваси ҳам кўп бўлади.

Авлод мавзесида олмани бир неча тури шу жумладан вилоят худудининг бошқа бирор жойда ўсмайдиган Бойсун қизил олмаси яхши ўсади, меваси ширин хиди бор. Работ мавзесида бодом, ўрик кўп ўсади, яхши мева беради. Хўжабулғон мавзесида анвойи ўриклар кўп, меваси йирик ширин бўлади. Жийда яхши мева хосили беради. Дарбанд мавзесида анор яхши мева беради, анорнинг нордон ва ширин навлари бор. Ўрик яхши мева беради. Пасурхи, Қорабўйин, Бибиширин мавзеларида (дахаларида) узум яхши хосил беради. Меваси кўп бўлади. Узумдан майиз ва шинни тайёрланади ва ширин бўлади.

Кофрун мавзесида эртачи олма яхши хосил беради ва ширин бўлади. Пулҳоким мавзесида узум яхши хосил беради. Айниқса жавуз узумни кўп ва

ширин бўлади. Изма мавзесида тойфи узум яхши ўсади, кўп хосил беради. Хосили йирик бўлади. Айниқса қора ва оқ кишмиши ширин бўлади. «Санобар» нина баргли оч хаворанг тусдаги гўзал қорағайсимон дарахт. Бизда Сайробда ва Ялтада атрофларида учрайди. Бу жойларда жуда хилма-хил узум нави экилади. 1975 йилгача анжир ва анор кўчати қишда ерга кўмиб кўйишарди. Оби-хавони экологияни ўзгариши билан ҳозирда бу кўчатлар кўмилмайди.

Бойсунда 1960 йилда фуқаро Очил Саидов хонадонида ва Сафар Сохибов ўз томарқасида хурмо дарахтини эккан илк киши ҳисобланади. Ҳозирда бу хурмо кўчатлари сақланган. Ҳозирда деярли барча томарқаларида хурмо кўчати экилади ва кўчатлар қишда кўмилмайди. 1922 йилдан бошлаб Европада экиладиган сабзаёт экинлари масалан, лавлаги, шолғом, карам, картошка экила бошланган. Бойсунда ўрмон хўжалиги ташкил этилиб, асосан қизил зайтун арчаси ўсади. Бундан ташқари шумтол, қушқўнмас қайрағоч, писта, қайин, терак мажнунтол ва бошқа дарахтлар ўсади.

Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоб» га 1984 йилда киритилган 163 та ўсимлик туридан 74 тури Бойсун тумани ҳудудида учрайди. Шундан қуйидаги ўсимлик турлари йўқолиш арафасида. Коровин ширачи, ёввойи анор, қизғиш астрагал, хисор искандари, оқ лола, туберген лоласи, Литвинов қарағи, Ошанин пиёзи ва бошқалар. Туманда 100 дан ортиқ доривор ўсимлик турлари мавжуд. Туманнинг флораси жуда бой бўлиб, ўсимликлардан дори-дармон ва озиқ-овқат сифатида кенг қўлланган имкон беради.

1930-1966-йилларгача Кентала, Қизилнавр, Қизилола, Гуллокдан кесилган ёғочбоп ҳарилар ва ўтин учун ишлатиладиган арчалар сол қилиб боғланиб Туркондарёдан оқизиларди ва Дарбанд қишлоғига етиб келганда сувдан олиб сотиларди. Ҳозирда сув камлиги оқибатида ва техникани кўплиги инobatга олган ҳолда бу ишлар тўхтатилган. Туманда учрайдиган ҳамма дов-дарахтлар кўчатдан ёки уруғидан кўпайтирилади, жуда тез ўсади. Булар-терак, тол, мажнунтол, тут, мевали ва манзарали дарахтлар узум кабилардир. Яна бир жуда катта дарахт бор, барги қуюқ, пояси қаттиқ айниқса боғларга кўрк беради. Форс тилида «гужум» ёки «гужум нарбо» деб аталади. Ҳозирда кўпроқ маданийлаштирилган арча-туя, қайрағоч, кипорис экилади. Шаҳар марказини арча-туя деб номланувчи дарахтлар безаб турибди. Қишин-ёзин кўмкўк бўлиб ўсувчи ушбу дарахтлар шаҳар ҳуснига кўрк бағишлаб турибди.

Бойсунда 1996-йилгача (газ қувури олиб келингунга қадар) бирдан-бир ёқилғи Тўда кўмири ва турли дарахт шох-шаббалари, қуриган кўчат дарахти сойлар атрофида ўсадиган жангил ҳисобланган. Чорвадорлар мол тезаги қий ва чалмадан ҳозиргача фойдаланилади.

Бойсунликларни эрмаги оз шулардан бири овдир, ҳозирда тақиқланган. 1970 йилгача този итлар билан ов қилиш бўлган. Бу итларнинг юнги қора, мала, оқ-қора қулоқлари узун юнгли бўлиб, қирим итларига ўхшаб кетарди. Ҳозирда сақланмаган. Бойсун бозорларига балиқлар Амударё, Сурхон сув омбори ва Жиззах, Сирдарёдан кўллардан келтирилиб сотилади. Бойсунда-мол кўп боқилади. Бутун Шарқда одат бўлганидек ҳар ҳолда қўй гўшти афзалроқдир. Бозорларида қорамол гўшти билан бир қаторда қўй, эчки, сарка гўшлари сотилади. Ўзбек уруғлари орасида қўнғирот уруғи шу билан донг таратган. Аҳоли йирик қўй боқишади. Буларнинг думбаси катта ва сермой бўлади. Яна

бошқа бир зотли қоракўли кўйлар ҳам бор. Худди шу зотдор кўйлардан қоракўл териси олинади. Бу терилардан телпак, палтоларни ёқаси тайёрланади. Бойсунликлар бу зотли кўйни кам боқишади ва бозорда ҳам учрайди. Бойсунда-от, туя каби моллар сақлашади. 1960 йилгача ҳар бир хонадонда от боқилган ва кўпқариларда кўшилган. Совет ҳокимияти даврида барча отлар тортиб олиниб, гўштга топширилди. Кўпқари ўтказиш эскилик сарқити деб эълон қилиниб, ман этилди. Мустақиллик туфайли яна хонадонларга от боқиш ва кўпқарига рухсат берилди.

Форс-тилида отларнинг номлари: Алус, чарма, сурхчарма, тазийчарма, Кинг, бодхинг, магасхинг, сабз хинг, песа, кумайт, шабдез, хуршид, гурсурх, зардрахш, сиёхрахш, хурмогун, чашина, шўлак, песа, абргун, хокранг, деза, бехгун, майгун, бодравий, гулгун, аргувон, бахоргун, обгун, нилгун, абркос, навбар, сапид зарда, бурсар, бинафшагун, абдас, зоғчашм, сабзкуст, сиймгун, аблак, сапад, саманд.

Отларнинг кам учрайдиган ранг-баранг зотлари ҳам бор. Бойсунликлар отни номини яхши билишмайди. Фақат икки-уч хил отларни номини билишадилар. Айтадиларки, тўрт оёқлар ичида отдан яхшиси йўқ, чунки у ўтловчи тўрт оёқларининг подшоҳидир. Расул Алайхисалом «Хайр йилқининг пешонасига ёзилган» деганлар. Форслар отни «Боджон» (элжон), румийлар «бодпой» (шамол оёқли), турклар «Қутлуғ қадам» ва «Бахтиёр этувчи», хиндлар «Тахт-у равон», араблар ердаги Буроқ деб атаганлар.

Хусрав Парвезга Шабдез (тўн рангли - қора от) деган отни миниш учун келтирдилар у айтадики: «Шоҳ инсонлар йўлбошчиси, от эса тўрт оёқлилар йўлбошчисидир».

Хақ Субханаху ва таоло айтадики: «менинг отни яратганим ибратимдир».

Афросиёб айтадики: «Эгар от андоғким, кўкка ой!».

Халифа Маъмун айтадики: «От қандай яхши, у осмон-и гардон ва тахт-и равондир».

Хазрати Али Ибн Абу Толиб (р.а) айтган: «Хақ таоло инсонни юксалтириш ва шайтонни паст қилиш учун отни яратган».

Абдуллох ибн Тохир айтдики: «мен учун отга миниш фалак бўйинига минишдан афзалроқ».

Нўмон Мунзир айтдики: «От - тун одамларнинг хисоридир ва агар от бўлмаса, ҳарбийларга жасур одамлар деган ном нолайиқ бўлур эди».

Наср ибн Сайёр айтдики : «От - бу жанг тахти ва жанг қуролининг гулидир».

Мухаллаб ибн Абу суфр айтдики: «От - қилич ярқираганда қон ёмғирини ёндирадиган булутдир».

Бойсун деҳқон бозорида сотилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан: қовун-тарвуз, хандалак, ошкади, турп, сабзи, картошка, шолғом, пиёз, мош, нўхат, ловия, зиғир, кунжут кабилар 90 фоиз асосан четдан Шўрчи, Денов, Олтинсой, Жарқўрғон, Ангор туманларидан, шунингдек Сирдарё, Самарқанд вилоятларидан ва Фарғона водийсидан келтирилди. Гуруч кўпинча Хоразмдан олиб келиб сотилади.

VII. БОБ. БОЙСУН-МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ИЖТИМОЙ - ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

Фақат биз озодлик ва эркинликка эришгандан кейингина Сурхоннинг ҳақиқий тарихини очиб бериш, тиклаш ва ўрганишга эътибор қаратилди.

И.А.Каримов

Бойсун тумани - Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятининг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, туман ҳудудининг 10-15 фоизи текислик ва обикор дехқончилик учун қулай ерлар ҳисобланади, туман қуруқ субтропик иқлим минтақасида жойлашган бўлиб, қиш мавсуми қисқа ва ёз мавсуми узоқ чўзилади. Экин майдонларини суғоришда Бойсунсой, Пулҳокимсой, Хўжабўз, Баракадарё Шотутсой, Қайроқсой ва Шерободдарё сувларидан фойдаланилади. Туманнинг ер тузулиши тўқ тусли бўз ва шўрхок тупроқдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик қўлга киритилганидан кейин, Бойсун тумани ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида ижобий натижаларга эришмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида туман саноатини ривожлантириш, замонавий технологияларни жорий этиш бўйича аниқ чоратadbирлар амалга оширила бошланди. Енгил-саноат корхоналарини замонавий техника ва технология билан жиҳозлаш ишлари олиб борилиб, қийинчиликлар бартараф этилмоқда.

Бойсун туманида 1991-1993 йилларда иқтисодий сиёсатни мустаҳкамлаш аҳоли турмуш даражасини пасайиб кетишига йўл қўймаслик учун иқтисодий ислохотларни амалга оширишга жиддий киришилди.

Мустақиллик йилларида Бойсун туманининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳақида маълумот.

Йиллар	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Аҳоли йиллик ўртача сони (минг. киши)	62,9	65,2	67,6	69,2	72,1	74,2	76,2	78	79,7	81,3
Меҳнат ресурслари сони (минг киши)	27,7	28,6	29,5	30,7	31,4	31,4	32,6	33,5	35,2	36,6
Саноат: ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йил нархда (миллион сўм)	18,5	72,7	81,6	13,1	42,4	78,3	123,1	135,3	293,2	507,2
Қишлоқ хўжалигги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жами 2000 йил Нархда (миллион сўм)	122,1	172,8	201	310	343,1	1071,8	1251	2186,1	3333,4	5609,1
Шу жумладан ғалла ишлаб чиқариш	1036	10471	6628	4239	5338	2595	4009	7814	3076	1724

(тонна)										
Фермер хўжаликлар сони	12	17	71	88	86	70	80	41	48	57
Ичимлик сув тармоқлари километр ҳисобида.	23,2	-	10,8	12,69	54,8	20,3	18,5	18,3	28	24,4
Таббий газ тармоқлари километр ҳисобида.	-	-	-	-	-	47,7	38,2	50,3	35,7	36,22

Бойсунда ободонлаштириш ва кўркамлаштириш. Мустақиллик йилларида туман марказини кўркам гўшага айлантириш мақсадида туман ҳокимлигининг «Ободонлаштириш ва кўркамлаштириш дастури» ишлаб чиқилиб, барча корхона ташкилотлар, таълим муассасалари, маҳаллалар ва хўжалик хонадонлари ободонлаштирилиб, манзарали кўчатлар экилди. Шаҳарнинг Олмазор кўчаси 3 километр атрофида тўлиқ асфальтланиб, кўчалар таъмирланди, тунги ёритиш мосламаларини доимий ишлаши таъминланди. Туман марказида туман ҳокимининг қарорига асосан 10 гектар ер майдони истирохат боғига айлантирилди.

2006-2010 йиллар давомида туманда ижтимоий маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил этиш бўйича амалий ишлар қилиниб, жумладан «Омад» МЧЖ га қарашли барча сартарошхоналар, пойафзал таъмирлаш устахоналари, тикув цехлар тўлиқ қайта таъмирланиб, санитария гигиена талабларига ва архитектура қоидаларига мослаштирилди. “Ўрал” кичик корхонасига қарашли шаҳар марказида жойлашган ҳаммом биноси шунингдек, «Бойсун дехқон бозори» барча қулайликларга эга бўлган ҳолда қайта таъмирланди.

Амалий ва маънавий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш эвазига тумандаги тадбиркорлар томонидан шаҳарсозлик қоидаларига мос ҳолда Бойсун ресторани қайта таъмирланиб, 400-ўринга мўлжалланган юқори даражада умумий овқатланиш хизмати кўрсатиш ва тўй-ҳашамлар ўтказиш масканига айлантирилди. Худди шундай фойдаланишга турган икки қаватли бино «Супермаркет М» тадбиркор Мажит Холиқов томонидан қайта таъмирлаб, ҳамда савдо ва сервис хизмати кўрсатиш қулайликлари билан фойдаланишга топширилди. Шаҳар марказидаги Ат-Термизий, А.Навоий, Олмазор кўчаларида жаҳон андозаларига мос келадиган савдо хизмати кўрсатадиган барча қулайликларга эга бўлган 23 та минимаркетлар, бозор атрофида маиший ва савдо хизмат кўрсатиш нуқталари қурилиб фойдаланишга топширилди. Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ишлаб чиқарувчи қувватига эга бўлган корхона, ташкилотларнинг ишлаб чиқариш технологиялари модернизациялаштирилиб қувватларда тўлиқ ва самарали фойдаланиш эвазига ишлаб чиқариш ҳажмлари ва маҳсулот турлари кўпайди. Масалан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2004 йилда 1089509 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 290020590 минг сўмни ташкил қилди. Халқ истеъмол ишлаб чиқариш жами 2007 йилда 2004 йилга нисбатан 298 фоизга барча манбалар ҳисобидан қурилиш ишлари ҳажми 2007 йилда 2004 йилга нисбатан 1206 фоизга, савдо товар айланмаси 2007 йилда 2004 йилга нисбатан 134 фоизга, пулли хизмат кўрсатиш ҳажми 90 фоизга, маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 166 фоизга ўсишга

эришилди.

БОЙСУНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, қишлоқ хўжалигидаги мос ва ўзига хос тузулмалар тузулди. Деҳқон, фермер хўжаликлари, жамоа хўжаликлари, ширкат хўжаликларини тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бозор муносабатларини чуқурлаштириш мақсадида агрохизмат қишлоқ хўжалиги ташкилотлари тузилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмолчиларга қайта ишланган ва тайёр ҳолда етказиб берилмоқда. Шунингдек, хўжаликлардаги қайта ишлаш корхоналарининг кичиклиги, кўпчилик ҳолларда улардаги технологияларни ҳамда жиҳозларнинг эски бўлганлиги сабабли маҳсулот таннархини арзон сифатини юқори ва рақобатбардош бўлишини таъмин эта олмади. Кўп ҳолларда эса қайта ишловчи корхоналар маҳсулот қабул қилишни яхши йўлга қўймаганлиги оқибатида кўплаб маҳсулотлар нобуд бўлишига йўл қўйилди. Ушбу масалани бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қарорига асосан туман, вилоят деҳқонлар уюшмаси тузилди. 1993 йилдан бошлаб эса давлат хўжаликлари тугатилиб, унинг базасида жамоа хўжаликлари тузилди. Чунки кейинги йилларда жамоа хўжаликларида (колхозларда) ишлаб чиқариш самарадорлиги давлат хўжаликларида (савхоз) нисбатан бир мунча ошди. Шунинг учун ҳам тумандаги камдаромадли ва зарар билан ишлайдиган барча давлат хўжаликлари, жамоа хўжаликларида айлантирилди. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида кооперация тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида” қонунлар қабул қилиниб, бошқариш ҳуқуқларидан фойдаланилди.

1994 йилдан бошлаб жамоа, ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари иш юритдилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қарорига асосан зарар билан ишлайдиган кам рентабелли жамоа хўжаликлари ҳисобидан қорамолчилик отарлари хиссадорлик (акционерлик) жамиятлари тузулиб, барча чорва моллар, бино, ускуна ва айрим техника, ер яйловлар улар ихтиёрига олиб берилди. Ана шундай хиссадорлик (акционерлик) жамиятларидан туманда 19 та тузилиб, фаолият юритди. Булар, Паданг, Қиличбоғ, Қизилнавр, Ёмчи, Қорабўйин, Панжоб, Мунчок, Хўжабулғон, Сиёсат, Янги қишлоқ, Чавди, Галаботир, Дахнаижом, Зафар, Дуоба, Шомбулоқ, Галабулоқ, Шотут ва Гашназа. Кейинчалик бу хиссадорлик жамиятлар тугатилиб, уларни ҳаммаси фермер хўжаликларида айлантирилди. Фермер хўжалиги ҳақида қуйидаги маълумотларни тақдим этишни мақсадга мувофиқ деб китобхонга тақдим этдик.

Фермер – қишлоқ хўжалиги тадбиркори, фермер хўжалиги эгаси. Ўзбекистонда мавжуд қонун ҳужжатларига кўра, 18 ёшга тўлган қишлоқ хўжалигида тегишли билим, малака ва иш тажрибасига эга бўлган ҳамда муомалага лаёқатли фуқаро фермер бўлиши мумкин.

Фермер хўжалиги – хусусий ёки узоқ муддатга ижарага олинган ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланадиган хўжалик. Фермер хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва фаолият кўрсатиш

тартиби турли мамлакатларда турлича бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни индустрлаш ва ихтисослаштириш даражаси, капитал ҳажми ва шу каби омиллар билан белгиланади.

Ўзбекистонда дастлабки фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган “Дехқон хўжалиги тўғрисида” қонунига мувофиқ дехқон хўжалиги шаклида ташкил этилди. Дастлаб йирик қишлоқ хўжалик корхоналари таркибидаги ички фермер хўжаликлари ва мустақил юридик шахс сифатида фермер хўжалик фаолият кўрсатади. 1990 йилларнинг охирларидан бошлаб фермер хўжалигини ташкил этиш ва унинг фаолиятига доир ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида” қонун (1998 йил 30 апрел, янги таҳрири 2004 йил 26 август) билан тартибга солинади. Ўзбекистонда фермер хўжаликлари ердан ижара асосида фойдаланадилар ва улар майдонлари 50 йилга ёки 30 йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади. 1994 йил 1 январда Бойсун туманида 72 дехқон (фермер) хўжалиги тузилган бўлиб, улар қуйидаги ҳудудларда жойлашган эди.

Бойсун қишлоқ кенгаши ҳудудида 6 та: Қўшбулоқ, Қуралай, Ажрим, Оқбулоқ, Сарайтош.

Работ қишлоқ кенгаши ҳудудида 22 та: Санжар, Бойсун, Чорчинор, Газа, Чинсой, Наврўз, Поёнқўрғон, Ёнабулоқ, Қўлкамиш, Қўштут, Оқжар, Лимон, Тошқўтон, Қорабўйин, Чалчик, Бунёдкор, Зокир, Йўлдош, Тузбозор, Андатра.

Сайроб қишлоқ кенгаши ҳудуди 12 та: Чинор, Йурак, Бешэркак, Паданг, Чорвадор, Лук-Лук, Катта Майдон, Чамбил, Илдам, Талаш, Тиллокамар, Шер-Шер.

Дарбанд қишлоқ кенгаши ҳудудида 23 та: Умед, Адолат, Бузаот, Муборак, Нисо, Ибрат, Даҳнаижом, Азим, Обишифо, Барот, Саховат, Чорбоғ, Боғи-Баланд, Қумсой, Питов, Работ, Барака, Холикабуд, Дарбанд, Элбеги, Шўроб, Карвон, Жайхун.

Мачай қишлоқ кенгаши ҳудудида 4 та: Тешиктош, Оби ширин, Газа, Каттапай.

Авлод қишлоқ кенгаши ҳудудида 4 та: Бародар, Товуқчилик, Авлод, Асаларичилик. Ушбу дехқон (фермер) хўжаликларига жами 1121 гектар ер майдони, шу жумладан, 122 гектар сувли ер, 181 гектар яйловли майдонлар ажратилиб, улар ихтиёрига 50 автомашина, 7 та ер ҳайдов ва ғилдиракли тракторлар беркитиб берилди. Улар ҳисобида 221 бош қорамол шу жумладан 76 бош сигир, 632 бош майда, 1316 оила асалари ва 100 бош парранда мавжуд эди.

Туманда илк бор ташкил этилган дехқон (фермер)хўжаликлари: Оқ булоқ (раҳбари Пардаев Ашур), Қуралай (раҳбари Диёров Хурсанд), Қўлкамиш (раҳбари Амиров Карим), Кичкина (раҳбари Хўжамуродов Р), Шўрак (раҳбари Хайитов Абдусалом), Мутлоқ (раҳбари Одинаев Тўрабой), Чамбил (раҳбари Тангриқулов Ваҳоб), Питов (раҳбари Кенжаев Анвар), Шўроб (раҳбари Бўтаев А.), Тешик тош (раҳбари Жуманазаров Ф.), Газа (раҳбари Мавлонов М.), Барадар (раҳбари Жўраев Б.), Пишқоқ (раҳбари Авазов Умбар) ва бошқалар. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий тадбирларнинг ҳал қилувчи бўғинида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган

ислохотлар жараёни туради. Бунинг бош сабаби шуки, Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоиздан кўпроғи қишлоқда яшайди, қолаверса саноатга хом ашё етказиб берадиган, одамларни кийинтирадиган ҳамда тўйдирадиган соҳа ҳам қишлоқ хўжалигидир. Вилоят қишлоқ хўжалиги истиқлол йилларида жуда катта ўзгаришлар жараёнини ўз бошидан кечирди. Ушбу соҳани тубдан ислоҳ қилиш, аҳолининг мулкка бўлган янги муносабатини қарор топтириш осон кечмади. Бироқ амалга оширилаётган ислохотлар жараёни Сурхон дехқони фаолиятида улкан ўзгаришлар ясади. Ер ўзининг ҳақиқий эгасини топди, мулкчиликнинг ширкат, ижара, оилавий пудрат ва фермерлик шакллари қарор топди, хуллас, деққон ернинг ҳақиқий хўжайинига айланди. Совет мустабид тузумидан мерос бўлиб қолган эскича ишлаш тартиблари ҳаётнинг шиддатли оқимларига бардош бера олмай қолди. Ўтган давр мобайнида вилоят меҳнат аҳли қишлоқ хўжалиги соҳасида улкан синовлардан ўтиб, бой тажриба тўплади. Барча синов ва мавжуд қийинчиликлардан муваффақият билан ўтишда соҳа вакиллариининг мулкка бўлган муносабати ўзгарди. Меҳнат аҳли ўзини ернинг ҳақиқий эгаси деб билганлиги ва қилинган захматнинг манфаатларидан баҳраманд бўлаётганлиги асосий белгиларчи омил бўлиб хизмат қилди. Истиқлол йилларида қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг тамомила янги шакли фермер хўжаликларининг ташкил топиши муҳим аҳамият касб этди. Вилоят қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг сони йилдан-йилга ошиб борди, буни қуйидаги мисолдан ҳам билиб олса бўлади. Агар 1992 йилда вилоятда жами 261 та фермер хўжалиги фаолият юритган бўлса, 1995 йилда мазкур хўжаликлар сони 2003 тага, 1999 йилда эса 2814 тага етди. Агар 1992 йилда вилоятдаги фермер хўжаликлари 2272 гектар ерда дехқончилик қилган бўлса, 1999 йилга келиб фермер хўжаликлари дехқончилик қилаётган ер майдонининг сатҳи 14155 гектарни ташкил этди. Мулкчилик шакллариининг ўзгариши дехқон ва чорвадорнинг меҳнатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди. Мустақиллик йилларида вилоят қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида жуда катта тажриба қўлга киритилди.

Туман иқтисодининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 56 фоиз қишлоқ хўжалигида банд. Қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаси чорвачилик бўлиб ҳисобланади. Туманда 858 гектар сувли ғалла, 1229 гектарга яқин лалми ғалла, 250 гектар пахта, сабзавот, полиз ва бошқа тур экинлар экилади. Туманнинг тоғ олди зоналарида жойлашган Авлод, Работ, Дуоба қишлоқ йиғини ҳудудларида боғдорчилик ва узумчилик ривожланган. Туманнинг қиши илиқ келадиган жанубий массивларида полиз ва сабзавот етиштириш учун қулай шароит мавжуд. Туманнинг шарқий-жанубий қисмида Бойсун қишлоқ фуқаро йиғини ҳудудида ҳисори наслчилик кўйларини етиштириш йўлга қўйилган. 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши асосида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасида фермер хўжаликлари оптималлаштирилди ва уларга кенг имконият ва қулайликлар яратиб берилмоқда.

Бойсун туманида қишлоқ хўжалигини асосий кўрсаткичлари.

	Ўлчов бирлиги	2007-йил	2008-йил
1 Қишлоқ хўжалигида фойдаланаётган жами ерлар	Гектар	326968	296292
Шундан:			
Суғориладиган ерлар	Гектар	3427	3260
Ййловлар	Гектар	244366	244366
Лалми ерлар	Бирлик	19001	19001
2 Қишлоқ хўжалиги корхоналари	Бирлик	81	81
Шу жумладан:			-
Ширкатлар	Бирлик	1	1
Бундан ташқари:			-
Ёрдамчи хўжаликлар	Бирлик	13	9
3 Фермер хўжаликлари	Бирлик	674	509
4 Пахта майдонлари	Гектар	250	250
Пахта ҳосилдорлиги	ЦҒга	25,9	22,9
Пахта етиштириш	Тонна	647,8	573,1
5 Ғалла майдонлари(сувли)	Гектар	1574	2465
Ғалла ҳосилдорлиги	ЦҒга	42,6	41,9
Етиштирилган ғалла	Тонна	6697,4	6744,0
6 Сабзавот майдонлари	Гектар	381	349
Сабзавот ҳосилдорлиги	ЦҒга	329,9	307,9
Етиштирилган сабзавот	Тонна	12568,4	12129,4
7 Полиз майдонлари	Гектар	80	84
Полиз ҳосилдорлиги	ЦҒга	422,5	414,1
Етиштирилган полиз	Тонна	3380,0	3478,0
8 Қорамоллар	Бош	28378	29290
Шу жумладан: Сигирлар.	Бош	13869	14180
9 Майда моллар	Бош	261054	262003
Шу жумладан: она майда мол	Бош	135451	135843
10 Паррандалар	Минг бош	82,0	104,6
11 Отлар	Бош	167,7	1658
12 Ялпи қишлоқ хўжалик махсулотлари қиймати Қиёсий нархларда			
	Миллион сўм	29330,0	29408,5

Ҳаракатдаги нархларда	Миллион сўм	29330,0	34403,8
-----------------------	-------------	---------	---------

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ҳосилдорликни ошириш, айниқса чорвачиликни ривожлантириш ва кўпайтириш борасида ижобий ишлар қилинди. Жумладан, гўшт ишлаб чиқариш ҳажми 2007 йилда 2004 йилга нисбатан 13 фоизга, сут ишлаб чиқариш 7 фоизга, тухум ишлаб чиқариш ҳажми 26 фоизга, пахта ишлаб чиқариш ҳажми 6 фоизга, пилла ишлаб чиқариш ҳажми 21 фоизга, хўл мева ишлаб чиқариш ҳажми 16 фоизга, картошка ишлаб чиқариш ҳажми 5 фоизга, узум ишлаб чиқариш ҳажми 50 фоизга ўсишга эришилди. Қорамоллар бош сони 2007 йилда 2004 йилга нисбатан 6 фоизга, шу жумладан сигирлар 185 га, қўй-эчкилар сони 2007 йилда 2004 йилга нисбатан 18 фоиз, паррандалар бош сони эса 2007 йилга нисбатан 21 фоизга ўстирилди, яъни қорамоллар сони 26654 тадан 28378 тага, қўй-эчкилар 221118 тадан 260854 тага, паррандалар 67682 тадан 81950 тага кўпайтирилди. Бойсун иқтисодиётида муҳим ўрин тутган Хонгарон сув омбори ҳақида қуйидаги маълумотни тақдим этиш мақсадга мувофиқ.

Хонгарон сув омбори - Бойсун туман марказида 3-4 километр жанубда, Оқжар қишлоғидан пастда, Дарвозақумга яқин жойда Кофрун қишлоғи ҳудудида қурилган. «Тўпаланг сув ГЭС» қурилиш бошқармаси қарашли бўлинма бунёдкорлари қурган «Хонгарон» сув омбори 8,5 миллион кубметр ҳажмда сув тўплаш қувватига эга. Сув омборининг чуқур сатҳидан 10 метр кўтарилган. Бунга 50 мин кубметр шағал тош ётқизилди. Сув омбори ҳозирда 700-800 минг кубметр ҳажмда сел суви сақламоқда. 8,5 миллион кубметр сел сувини сақлаш учун дамбани 25 метр баландликда кўтаришга тўғри келади. «Хонгарон» сув омбори қурилиши биринчи навбати 1993 йилда қурила бошланиб, 2007 йилда ишга тушурилди. Унинг ташкилотчиси Кофрунлик алп йигит Эркин Донаевдир. Эркин Донаевнинг саъй-ҳаракати, ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги асосида лойхалаштирилган. Кейинчалик республика бюджетидан пул маблағи ажратилиб биринчи қавати навбати қурилди.

Бойсун тумани Сурхондарё вилоятини қишлоқ хўжаликка ихтисослашган туманларидан бири бўлиб, чорвачилик туман ихтисосини асосий негзини ташкил қилди. Туманда қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар 296292 гектар бўлиб, шундан суғориладиган ерлар 3260 гектар, экинзорлар 22183 гектар, ўрмон хўжалигига қарашли ерлар 56106 гектарни ташкил этиб, шундан 20590 гектари арчазорлар билан қопланган, туманда 648 гектар боғлар ва 490 гектар узумзорлар бор.

Бойсун тумани Сурхондарё вилоятининг қишлоқ хўжалигига ихтисослашган туман бўлиб, унинг асосини чорвачилик ташкил этади. Туманда 2010 йилда яроқли экин майдонлари 296292 гектар бўлиб, шундан 3260 гектар суғориладиган ерлар, 22183 гектар экинзорлар, 26106 гектар ўрмон хўжалик ерлари мавжуд. Шунингдек, 20590 гектар арчазорлар билан қопланган боғлар, 490 гектар узумзорлар, 648 гектар боғлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб беришга хизмат қилмоқда. Тумандаги жамоа ва шахсий хўжаликларда 30316 бош қорамол, 273359 қўй ва эчкилар, 182000 бош парранда, 1651 бош йилқи боқилмоқда. Туманда 2009 йилда 2789 тонна мева ишлаб чиқарилиб, 15206 сабзавот, 3738 тонна полиз, 3383 тонна узум аҳоли эҳтиёжларига етказиб берилди.

Мустақиллик туфайли туман қишлоқ хўжалиги ривожланиб, моддий техник жиҳатдан тараққий этиб, аҳолини талаб-эҳтиёжларини қондиришда муҳим соҳага айланиб, ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифат ва самарадорлигини оширишда юқори натижаларга эришиб бормоқда.

БОЙСУНДА ИЖТИМОЙ-МАИШИЙ СОҲА

Мустақиллик йилларида туман марказидаги Автошохбекат мажмуаси кенгайтирилиб, архитектурага мос ҳолда қайта қурилиб, туман марказидан шаҳарлараро қатнов транспортлари таъминланиб, аҳолига транспорт хизмат кўрсатиш ҳажми ва даражаси оширилди. Автотранспорт соҳасида дастлаб 2004 йилда 1763 та иш ўрни яратилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 2090 тага етказилди, яъни 327 та кўпайди. Туманда янги объектларни ишга тушуриш ҳисобидан 2004 йилда атиги 4 та иш ўрин яратилган бўлса, 2007 йилда 150 та иш ўрин яратилди, худди шундай тадбиркорликни ривожлантиришдан 2004 йилда 174 та бўлган бўлса, 2007 йилда 587 та меҳнат шартномаси асосида касаначилик меҳнатини ташкил қилиш 168 тани ташкил қилди. Туманда яшовчи фуқароларга кенг кўламда маиший хизмат кўрсатиш шароитлар яратиш мақсадида 2003 йилда 3 та Пулҳоким, Кофрун ва Работ маҳалла гузарлари, 2004 йилда Хўжабулғон гузари, 2005 йилда эса Авлод ва Сариосиё маҳалла гузарлари фойдаланишга топширилди.

Туманда 2004 йилда 7510 та хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланиб, аҳолининг сув билан таъминланиш даражаси 52,5 фоиз, 2005 йилда 7841 та хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланиб, аҳолининг сув билан таъминланиш даражаси 52,6 фоиз, 2006 йилда эса 8150 та хонадон ичимлик суви билан таъминланиб, аҳолининг сув билан таъминланиш даражаси эса 52,7 фоиз, 2007 йилда 25 километр масофада «Хўжамайхона-Дарбанд-Чилонзор» йўналишидаги сув қувурининг ўтиши муносабати билан Тиллокамар, Сайроб, Мунчоқ, Чилонзор қишлоқларида яшовчи 10 минг нафар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминланишга эришилди. 2007 йилга келиб туман бўйича аҳолининг сув билан таъминланиш даражаси 56,3 фоизга етказилди.

Туман аҳолисининг табиий газ билан таъминлаш даражаси 2003 йилда 52,3 фоизга бўлган бўлса, 2004 йилда 55,2 фоизни, 2005 йилда 55,3 фоизни, 2006 йилда эса 55,5 фоизни ташкил этади. 2007 йилда туман бўйича аҳолининг газ билан таъминлаш даражаси 66,2 фоизни ташкил этди. Табиий газ билан таъминланган хўжаликлар сони 6500 тани ташкил этди.

Туманда уй-жой қурулиши 2004 йилда 27237 квадрат метрни ташкил қилиб, 2005 йилда 30524 квадрат метрни, 2006 йилда 40078 квадрат метрни ҳамда 2007 йилда 41379 квадрат метрни ташкил қилади. Туманда бозор иқтисодиёти тизимларини шакллантириш мақсадида жадал суръатлар билан хусусийлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватидан унумли фойдаланиш 2007 йилда 2006 йилга нисбатан 150 фоизга кўпайган. Туманда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу ҳисобдан янги иш ўринлари яратиш 2004 йилга нисбатан 84 фоизга, ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш ҳисобидан 2004 йилга нисбатан 4 фоизга, уй меҳнатини ташкил қилиш ҳисобидан эса 2004 йилга нисбатан 122 фоизга, кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш

ҳисобидан эса 2004 йилга нисбатан 33 фоизга кўпайди.

Туманда 2007 йилда «Бибиширин» зиёратгоҳида таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, зиёратчилар учун тўлиқ шарт-шароитлар яратилди. «Саримозор» жомеъ масжиди ва «Хўжа Сурхруши Вали» зиёратгоҳида том қисмини метал каркас билан ёпиш ишлари олиб борилди ва ободонлаштирилди. 2009 йилда Бойсун туманида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Туман иқтисодиётининг барча тармоқларида ўсиш суръатлари таъминланди, жумладан, саноат тармоқларида маҳсулотлар ишлаб-чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан амалдаги нархларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 130,1 фоизни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 122,6 фоизни, юк айланмаси 103 фоизни, йўловчи айланмаси 109,2 фоизни, алоқа хизматлари 110,9 фоизни, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 103,5 фоизни, савдо хизмати кўрсатиш 134,4 фоизни пулли хизматлар кўрсатиш 178,6 фоиз ташкил қилди.

2009 йилда 37 та микрофирмалар, 16 та кичик корхона, 89 та якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари, 3 фермер хўжаликлари янгидан ташкил этилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига туманда 1216 та янги иш ўрни барпо этилди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминланишини яхшилаш мақсадида «Пасурхи» ва «Кучкак» маҳаллаларида 2,9 километр ичимлик суви қувури тортилиб, фойдаланишга топширилди. «Авлод» йўналиши бўйича Боғиболо-Сариосиё қишлоқларида 3,5 километр газ қувури тортилиб аҳолини табиий газга бўлган эҳтиёжи қондирилди. Аҳолининг сув билан таъминланиш даражаси 59,9 фоизга етказилган бўлса, газ билан таъминланиш даражаси 66,6 фоизга етказилди.

Туманда 2009 йилда ташилган юк ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,6 фоизни, юк айланмаси 46,8 фоиз миллион тонна-километрни ташкил этиб, 103,0 фоизни, йўловчи ташиш 5330,6 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110,2 фоизни, йўловчи айланмаси 48,8 миллион километр йўлни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109,2 фоизни ташкил этди. 2009 йилда 31,4 минг метр квадрат уй-жой қуриб фойдаланишга топширилди.

2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаравонлиги йили» дастурида белгиланган вазифаларни сифатли ва самарали даражада бажарилишини таъминлаш борасида барча чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, аҳолининг ижтимоий мухтож қатламига тегишли тартибда моддий ва маънавий кўмаклар доимий ташкил қилинмоқда. Туман бўйича 40 нафар кам таъминланган оилаларга бепул қорамол берилди. 2009 йил мобайнида 35 миллион сўмлик турли шаклдаги моддий ёрдамлар ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларида уй-жойларни қуришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПК-1167-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2010 йилда туманнинг Сайроб қишлоқ фуқаролар йиғини Хўжабулғон ҳудудидан 25 та ва Работ қишлоқ фуқаролар йиғини Мирқоракўз ҳудудидан 50 та якка тартибда уй-жойлар қурилди.

Бойсун туманида ижтимоий соҳа асосий кўрсаткичлари.

№		Ўлчов бирлиги	2007 йил	2008 йил
1	Жами касалхоналар	Бирлик	3	3
	Шу жумладан			
	Қишлоқ касалхоналари	Бирлик	2	2
2	Касалхоналардаги ўринлар	ўрин	265	265
3	Амбулатория поликлиника қуввати	Смена-қатнов	940	940
4	Ҳақимлар	киши	131	126
5	Ўрта тиббиёт ходимлари	киши	724	764
6	Қишлоқ Врачлик Пунктлари	Бирлик	13	13
7	Амбулатория поликлиника муассасалари	Бирлик	17	17
8	Фельдшерлик акушерлик пункти	Бирлик	25	25
9	Тез ёрдам Станциялари	Бирлик	1	1
10	Дорихоналар сони	Бирлик	12	12
11	Ҳар 10 минг аҳолига тўғри келадиган:			
12	Ҳақимлар сони.	киши	14,1	13,4
13	Ўрта тиббиёт ходимлар сони	киши	71,1	80,1
14	Касалхоналардаги ўринлар сони	ўрин	28,5	28,5

Бойсун туманида аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар.

	Ўлчов бирлиги	2007-йил	2008-йил
--	---------------	----------	----------

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш.

Қиёсий нархларда	сўм	39419	413521
Ҳаракатдаги нархларда	сўм	386115	420887

Аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш

Ҳаракатдаги нархларда	сўм	364939	474752
-----------------------	-----	--------	--------

Аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги маҳсулотари ишлаб чиқариш

№		Ўлчов бирлиги	2007 йил	2008 йил
1	Гўшт	Кг	80,3	78,8
2	Сут	Кг	194,1	190,0
3	Тухум	Дона	87,6	87,1
4	Ғалла	Кг	74,5	73,1
5	Картошка	Кг	47,3	51,1
6	Сабзавот	Кг	139,8	131,3
7	Полиз	Кг	37,6	37,7
8	Хўл мева	Кг	30,9	33,5
9	Узум	Кг	45,8	30,9

Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари.

Қиёсий нархларда	сўм	326251	318964
Ҳаракатдаги нархларда	сўм	326251	373143

Аҳоли жон бошига савдо товарбороти

Ҳаракатдаги нархларда	сўм	285508	367540
Қиёсий нархларда	сўм	285508	324682

Аҳоли жон бошига пулли хизмат кўрсатиш

Ҳаракатдаги нархларда	сўм	21538	28997
Қиёсий нархларда	сўм	21538	24993

Аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш

Ҳаракатдаги нархларда	сўм	46562	73264
Қиёсий нархларда	сўм	46562	69379

Ижтимоий соҳа кўрсаткичлари.

Туғулиш	киши	2210	2399
Вафот	киши	384	401
1000 киши ҳисобига табиий ўсиши	киши	24,2	25,7
1000 киши ҳисобига ўлим	киши	4,2	4,3
Жон бошига ўртача уй-жой	метр квадрат	15,2	15,3

Бойсун туманидаги аҳолининг таъминоти.

Табиий газ билан	Фоиз	55,6	55,7
Ичимлик суви билан	Фоиз	59,6	59,9
1 январ ҳолатига мавжуд аҳолии сони	2008-йил	2009-йил	2010-йил
	91504 киши	93251 киши	102126 киши

Бойсун туманида савдо соҳасида хизмат кўрсатиш. Туманда аҳолига савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ривожланиб бориб, 2008 йил жами савдо айланмаси нодавлат тармоқ корхоналари ҳиссасига тўғри келди. Кичик бизнесни салмоғи савдода олтмиш уч фоизни ташкил этди. Бойсун тумани марказидаги буюм бозори қайта таъмирланди ва кўплаб савдо, умумий овқатланиш ҳамда маиший хизмат нуқталари қурилиб ишга тушурилди. Тумандаги ихтисослашган мол бозори қайта таъмирланиб, катта ҳажмда қурилиш ишлари амалга оширилди. Бойсун тумани марказида барча қулайликларга эга, замонавий меъморчилик услубида қурилган Деҳқон бозори ишлаб турибди.

Бойсун туманида савдо ва пулли хизмат кўрсатиш

Кўрсаткичлар номи		2007 йил	2008 йил
1	Жами чакана савдо айланмаси (умумий овқатланиш билан) (миллион сўм) Шу жумладан:	25667,2	33887,2
-	Озиқ овқат маҳсулоти	18923,8	23495,3
-	Ноозиқ-овқат маҳсулоти	6743,4	10391,9
2	Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиши		

Ҳажми амалдаги нархларда (миллион сўм) Шу жумладан	1936,9	2873,6
Маиший хизмат ҳажми (миллион сўм)	418,6	675,5

Бойсун туманида барча манбалар ҳисобидан қурулиш. Туманда ижтимоий-маданий ва халқ хўжалигидаги объектлари қурулишига ҳам жиддий эътибор берилиб, 2008 йилда аҳоли маблағи ҳисобидан 40623 м² уй-жой, 19 та маиший хизмат нуқтаси, 18 та савдо ва умумий овқатланиш нуқтаси, 30,5 километр сув қувури, 2 километр газ тармоғи трассаси, замонавий архитектура талаблари асосида савдо ва умумий овқатланиш нуқталари, йўллар, бошқа объектлар қурилди.

		Ўлчов бирлиги	2007 йил	2008 йил
1	Жами капитал қуйилмалар Шу жумладан:	Миллион сўм	86958,7	87480,5
-	Хорижий ва Давлат қуйилмалари	Миллион сўм	85431,3	85401,5
-	Аҳоли маблағ ҳисобидан	Миллион сўм	1527,4	2079,0
2	Бажарилган пудрат ишлари Шу жумладан:	Миллион сўм	9635,3	12834,2
-	Давлат капитал қуйилмалари	Миллион сўм	8107,9	10755,2
-	Аҳоли маблағ ҳисобидан	Миллион сўм	1527,4	2079,0

Бойсун шаҳар ва қишлоқларда 2008 йилда аҳоли маблағи ҳисобидан қурулиб, ишга тушурилган қишлоқ ижтимоий инфратузилма объектлари.

		Ўлчов бирлиги	2007-йил	2008-йил
1 -	Ишга тушурилган ижтимоий объектлар			
	Уй-жойлар	Минг м ²	41,4	40,6
	Мактаблар	Ўқувчи ўрни	1/490	1/216
2 -	Газ қувурлари	Километр	4,5	2,0
	Шу жумладан			
	Қишлоқ жойларида	Километр	4,5	2
3 -	Маиший хизмат нуқталари	Бирлик	10	19
4 -	Савдо объектлари	Бирлик	7	15
5 -	Умумий овқатланиш объекти	Бирлик	3	3
6 -	Сув қувурлари	Километр	11,0	30,5
	Шу жумладан			
	Қишлоқ жойларида	Километр	11,0	30,5
	Аҳоли маблағлари ҳисобидан	Километр	11	30,5
7 -	Қишлоқ врачлик маркази	Кабил/см	1/50	-

БОЙСУНДА ТИББИЁТ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида халқ соғлиғини сақлаш масаласида янги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар амалга ошди. Ижтимоий масалалар орасида халқ саломатлигини сақлаш, тиббий муассасалар тизимини қайта ўзгартириш шошилинич тиббий ёрдам кўрсатишни кучайтириш замонавий билимга эга бўлган тиббиёт ходимларини тайёрлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Мустақиллик йилларида "ОИТС билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида" (14.06.91й.), "Давлат санитария назорати тўғрисида" (03.07.92й.), "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида" (29.08.96й.), "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида" (25.04.97й.) "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси тўғрисида"ги (19.08.99й.) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қабул қилинди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган қонунларда халқ таъаботининг бой анъаналарига, илмий фан ва техниканинг илғор ютуқларига, олим ва мутахассисларнинг заковату салоҳиятига суяниши кўзда тутилган. 1992 йилдан бошлаб Бойсун касалхоналарини таъмирлаш, кўшимча даволаш хоналари қўриш, хорижий мамлакатларда замонавий тиббий асбоб-ускуналарни олиб келиш сезиларли ўсди.

Япония фирмаларида ишлаб чиқарилган 5 та ультратовушли, 85 та эндоскопик аппарат, "МТ-322" маркали автокардистогрaф, чақалоқлар учун интенсив терапия блоки, "ВХ-5" маркали аксиметрлар ўрнатилди. Дастлабки йиллардан бошлаб тиббиёт хизматини яхшилаш мақсадида пуллик хизмат жорий этилди. Энг муҳими Шарқ таъаботининг қадимги тажрибалари асосида даволаш мақсадида 1990 йилдан "Шарқ таъаботи" маркази ташкил этилди.

Бойсун касалхоналарида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги 2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури" асосида жуда катта ижобий ишларни амалга оширди.

Бойсун соғлиқни сақлаш бўлимида беморларни даволашнинг янги замонавий усуллари кенг қўлланилиб, врачларнинг малакавий билим доираси сезиларли ўсишга эришиб, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларининг даволаниш усулларида кенг фойдаланилди. Япония, Финландия, Франция, АҚШ ҳамда Германиядан келтирилган янги замонавий тиббиёт соҳсидаги асбоб-ускуналардан фойдаланиш, биохимик анализаторлар ва бошқа замонавий апаратуралар шифокорларга янада самарали ишлашлари учун қулай имкониятлар яратди. Шунингдек Германиянинг "Силинес" фирмасидан келтирилган "Сироскоп ЦХ" модели ренгендиагностик апаратидан 2 дона ўрнатилди. Энг муҳими туман аҳолисининг соғлиғини сақлаш учун сунъий буйрак гемодиализ, сувни филтрлайдиган ва одам организми учун мос суюқлик етказиб берадиган филтрлаш апарати, бир неча ўнлаб автоклавлар, кардиоманитор ва стоматологик комплекс фойдаланишга топширилди.

Бойсунда тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида 2003 йилда Бойсун марказида «Катталар ва Болалар» поликлиникаси ҳамда Аёллар маслаҳатхонаси мажмуаси барпо этилиб фойдаланишга топширилди. Марказий касалхонанинг Терапия ва Туғруқхона бўлимлари қайта таъмирланди ва

замонавий талабларга мослаштирилди. Бойсун қишлоқ йиғинининг, Кофрун қишлоғида 2004 йилда 50-қатновга мўлжалланган архитектура талабларига мослаштирилган замонавий Қишлоқ Врачлик Маркази қурилиб фойдаланишга топширилди. Дарбанд қишлоқ йиғини Дарбанд қишлоғида 50 ўринга мўлжалланган қишлоқ участка шифохонаси қайта таъмирланиб, тўлиқ асбоб-ускуналар билан таъмирланди. 2006 йилда эса Бойсун қишлоқ йиғинининг Даштиғоз маҳалласида замонавий кўркам Даштиғоз Қишлоқ Врачлик Маркази қурилиб ишга тушурилди.

2003 йилда туман марказий касалхонасига Нурали Хасанов бош шифокор бўлиб, касалхона учун кўп тармоқли поликлиникани қуриб ишга тушириб, унда катталар, ўсмирлар, болалар, хотин-қизлар бўлимлари мавжуд эди. 2000 йил апрелда Худоёр Саидов раҳбарлигидаги шошилинич тиббий ёрдам бўлими, Саттор Жўраев раҳбарлигидаги юқумли касаликлар бўлими, Нарзулло Ражабов раҳбарлигидаги ички касалликлар бўлими, Ёдгор Бозоров раҳбарлигидаги туғруқ тизими, Йўлдош Пардаев раҳбарлигидаги жарроҳлик бўлими, Файзинисо Ҳолмуродова раҳбарлигидаги диагностика бўлими (лабаратория, рентген, ўзи, дендоскатия), Малика Ҳамидова раҳбарлигидаги стаматалогия бўлими. Шунингдек Махмуд Қосимов раҳбарлигидаги Саломатлик маркази, табобат бўлими билан биргаликда эл орасида соғлиқни-сақлаш бўйича ташвиқот, тарғибот ишларини олиб боради. Ҳозирда туман соғлиқни сақлаш бўлимида малакали жарроҳ, терапевт, педиатр, акушер-гинеколог, стаматалоглар хизмат кўрсатмоқдалар. Лабаратория, Физотерапия кабинетлари ташкил этилди. Туман аҳолиси малакали, кўп қиррали тиббий ёрдам олишга эришди. Янги тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланиб, тиббий ёрдамнинг доираси кенгайди. Бу даврга келиб, туман шифокорларининг кўп қисми малака-ошириш олийгоҳларида малака ошириб, клиник орденатураларни тугатиб келдилар. Эл саломатлиги йўлида жасорат намунасини кўрсатдилар.

Омонхона Тиббий шифохонаси - жигар церрози, ўт йўллари, хафакон (қон босими), қандли диабет, ошқозон хасталиклари билан оғриган беморлар булоқ сувидан шифо топишмоқда. **Омонхона**-булоғининг сув таркиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Н.А.Семашко номидаги саломатликни тиклаш ва тиббий даволаш илмий-текшириш институтида ўрганилиб, сув таркибида сульфат иони 71 мг, экв, магний иони 44 мг, экв, азот иони 88 мг, экв, р.н-8,0 бикувват мавжудлиги аниқланган. Бундан ташқари, булоқ сувининг таркибида кремний кислотаси, темир альюминий ва бошқа микроэлементлар ҳам мавжуд бўлиб, сульфат ва магний ионлари меъёрдагидан бир неча баробар кўплиги учун юқори даражада ўт сурувчи, сийдик хайдовчи ҳамда қон босимини тушуриш хусусиятларига эга. Бундай таркибдаги сув инсон танасини, жигар ва ўт пуфаги йўллари тўлиқ ювиш қувватига эга. Мазкур булоқ сувини кимёвий усулда тайёрланган гемодез суюклиги билан солиштирадиган бўлсак, булоқ сувининг таъсири ва шифобахшлиги гемодездан ҳам афзал ва кучлироқ бўлиб, тиббиёт тили билан айтганда, булоқ сувини «Табиий гемодез» деб аталса тўғри бўлади. Ҳозиргача Омонхона булоқ суви инсон танасидаги қуйидаги касалликларга шифо бўлиши амалиётда аниқланган:

-сурункали гепатит (сарик касаллиги);

-сурункали ҳолистит (ўт пуфаги ва йўллари яллиғланиши);
-ошқозон-ичак тизимида учрайдиган барча касалликлар; гастрит, дуодент,
комет.

-қандли диабет; -ошқозон ости безининг яллиғланиши (панкреати);
-хафакон (қон босими)

Мустақиллик йилларида 2009 йилда марказий касалхона шу жумладан Сайроб ва Дарбанд касалхоналардаги жами ўринлар сони 265 та бўлди. 126 нафар ҳақимлар, 764 нафар ўрта тиббиёт ходимлари, эл юрт учун хизмат қилди. 13 та қишлоқ врачлик марказлари, 25 та фельшерлик акушерлик маркази эл саломатлиги учун хизмат кўрсатди. 12 та дорихоналар дори-дармонлар етказиб турди. Ҳар 10 минг аҳолига тўғри келадиган ҳақимлар сони 13,4 кишига, ўрта тиббиёт ходимлари сони 80,1 кишига, касалхоналардаги ўринлар сони 28,5 ўринга етказилди. Касални даволашдан унинг олдини олиш қулай ва соғлиқни сақлашнинг асосий йўналишларидан биридир. Бунинг учун кишиларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, умумий ва касб касалликларининг олдини олиш, иш жойларида шикастланишнинг олдини олиш, меҳнаткашларнинг яшаш шароитини яхшилаш, дам олишни таъминлаш, асосан санитария-эпидемиология станцияси ходимларига, умумий даволаш муассасалари хизматчиларига юклатилган. Бу хизматларини санитария - эпидемиология станцияси (С.Э.С), санитария, эпидемиология, паразитология, дезинфекция бўлимлари, лабораторияси мавжуд бўлган хизмат кўрсатиш муассасасидур. Аҳоли яшайдиган хонадонларни, жамоатчилик ташкилотларининг тозалигини таъминлаш, даволаш, касалликларининг олдини олиш ишларини ривожлантириш тозалик, турмуш маданиятини яхшилаш аҳоли орасида юқумли касалликлар камайишига олиб келди. Аҳолини юқумли касалликларга қарши эмлаш, олдини олиш (профилактика), аҳолига умумий санитария-гигиена ишларини ўргатиш, меҳнат шароитини яхшилаш, кишиларнинг дам олиши, овқатланиши, уларни зарарли одатлардан чекиш ва ичишдан тийишдан иборатдур. Бунинг учун халқ орасида суҳбатлар олиб бориш, ховли санитария паспортларини ташкиллаштириш ва унда кўрсатилган қўлланмаларга амал қилишларига эришиш катта аҳамият касб этади.

Бу ишларни амалга оширишда этакчи мутахасис-шифокорларимизнинг хизматлари беқиёсдир. Туман соғлиқни-сақлаш бўлими йилдан-йилга ривожланиб борди.

2004 йил давомида Тангимуш, Паданг, Дехиболо қишлоқларида ва 2005 йил Алачопон қишлоғида Фельшерлик Доялик Марказлари ташкил қилинди. Узоқ тоғли Қўрғонча қишлоғида 2003 йилда замонавий Қишлоқ Врачлик Маркази қуриб фойдаланишга топширилди. 2007 йил марказий касалхонага қарашли қон куйиш бўлими қайта қурилди, шуниндек марказий касалхонага қарашли туғриқ бўлими, реанимация бўлими, терапия бўлимлари қайта таъмирланди, Омонхона қишлоғида эса табобат маркази барча қулайликларга мос ҳолда фойдаланишга топширилди.

Туман тиббиёт бирлашмасига 2009 йилда Малазиянинг Патранас компаниясининг ижтимоий ташаббуслари қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 32983 миллион сўмлик тиббий жихоз ва асбоб-ускуналар ҳамда биринчи ёрдам дори-дармонлари берилди. Бундан ташқари Буюк Британиянинг

Норварли Лимитет компаниясининг 15 январ 2009 йилдаги 002F1-сонли келишувига мувофиқ Япония грантининг мурувват ёрдами кўрсатилди. Гуманитар ёрдамнинг умумий қиймати 80 минг АҚШ долларига тенг. Ушбу берилган асбоб-ускуна ва тиббий аппаратураларда туман аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишда бир қанча қулайликлар туғилди. Болалар бўлими, юқумли касалликлар ва хирургия бўлимлари таъмирдан чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 майда «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» ги ПК-1114-сонли қарорини ижросини таъминлаш ва тез ёрдам кўрсатиш бўлимини моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, туман аҳолисига тез ёрдам кўрсатиш хизматини сифатини яхшилаш мақсадида «Саломатлик-2» лойиха доирасида туман тиббиёт бирлашмасига 3 та ДАМАС, 1 та УАЗ русумли санитар автотранспорт машинаси берилди.

Бойсун туманида 2010 йилда 265 ўринга мўжжаланган 3 та касалхона «Омонхона» шифо маскани, 25 та фелдшерлик доялик маркази, 14 та қишлоқ врачлик маркази, аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Мустақиллик йилларида туманда тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида катта натижаларга эришиб, аҳолини мунтазам тиббий кўриқдан ўтказиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, замонавий тиббий хизматни янада юксалтириш соҳасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

БОЙСУН ТУМАНИ АҲОЛИСИНИ СОНИ

Аҳолиси - асосан ўзбеклар, шунингдек тожиклар ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 километр квадратга 24,0 киши тўғри келиб, туманда аҳоли сони 2010 йилда 93 минг 251 кишини ташкил этди. Жумладан, шаҳарликлар 26036 киши, қишлоқ аҳолиси 64671 кишини ташкил этади.

Туман аҳолиси кўп миллатли бўлиб, 2010 йил туманда ўттиз еттидан ортиқ миллат вакиллари тинч-тотув истиқомат қилиб, аҳолининг табиий ўсиши ўртача бир йилда 2399 киши бўлиб, туман аҳолисини йиллик ўсиши 2,6 фоизни ташкил этди. Шаҳар аҳолисини салмоғи қишлоқ аҳолисига нисбатан йилдан йилга кўпайиб бормоқда ва ҳозирги кунда жами аҳолининг 27,9 фоизи шаҳарда, 82,1 фоизи эса қишлоқларда истиқомат қилади. Туман марказидаги маҳаллаларда ва Бойсун, Сайроб, Работ, Дарбанд қишлоқ фуқаро йиғинларида аҳоли зич жойлашган. Аҳоли зичлиги инobatга олиниб, Кофрун, Работ, Тангимуш, Пасурхи ва Қорабўйин аҳоли манзилгоҳларига шаҳарча мақоми берилди.

1935 йил 1 июл ҳолатига кўра Бойсунда мавжуд бўлган аҳоли сони қуйидагича.

Район бўйича	жами	Шу жумладан	
		колхозлар	бошқалар
Ҳамма аҳоли яшайдиган манзиллар	165		
Жами аҳоли район бўйича	34790	24747	10043
Шу жумладан: Ўзбеклар	18544	12800	5744
Тожиклар	16246	11947	4299
Шундан хотин-қизлар	16813	12052	4761
Шу жумладан: Ўзбеклар	8001	5429	2572
Тожиклар	8812	6623	2189

Бойсун қишлоқ Кенгашлари бўйича 1935 йил 1 июлгача аҳоли сони.

Хўжаликлар номи	жами	
	Колхозчилар	Бошқалар
Янгиобод	3641	1839
Дехқонобод	3150	1934
Қўрғонча	1120	15
Дарбанд	2038	775
Шўроб	1451	262
Сайроб	1931	375
Мачай	1256	359
Хўжабулғон	1315	1592
Халқажар	1422	144
Пулҳоким	2115	730
Инкабод	1217	720
Дуғоба	1491	91
Кофрун	1803	1150
Хавуз	827	77
Жами:	24747	10043

Бойсун райони таркибига кирувчи шаҳар маҳаллалари ва қишлоқ фуқаро йиғинлари.

№	Шаҳар ва Қишлоқ фуқаро йиғини	Ташкил Тошган йили санаси	Қишлоқ йиғини маркази	Туман марказига яқин темир йўл бекати ва унгача масофа(км)	Ер майдони худуди (км квадрат)
1	Шаҳар	1975 йил	Бойсун	Бойсун-12	577,0
2	Авлод	1992йил	Авлод	Бойсун-17	379,0
3	Бойсун	1930 йил	Даштигоз	Бойсун -14	1294,8
4	Работ	1964йил	Работ	Бойсун-1	89,9
5	Сайроб	1930йил	Сайроб	Дарбанд-22	1095,4
6	Дарбанд	1930 йил	Дарбанд	Дарбанд-1	595,4
7	Мачай	1980 йил	Ўрта Мачай	Дарбанд-32	161,7
8	Қўрғонча	1980 йил	Дуоба	Бойсун-36	471,4
	Жами:				3718,3

Бойсун районида 1989 йил мавжуд аҳолини миллий таркиби.

Миллатлар	Сони	Фоиз ҳисобида	
1	Ўзбеклар	56090	60,15
2	Тожиқлар	36918	39,59
3	Руслар	19	0,02

4	Туркманлар	47	0,05
5	Татарлар	56	0,06
6	Украинлар	9	0,01
7	Қозоқлар	9	0,01
8	Лакслар	18	0,02
9	Бошқирдлар	9	0,01
10	Бошқа миллатлар	68	0,08
Жами аҳоли:		93251	100

2009 йил 29-мартдаги маълумот.

№	Маҳаллалар	Мавжуд хўжалик сони	Жами Аҳоли сони	шу жумладан		Мехнатга лаёқатли аҳоли
				Хотин-қизлар	Эркаклар сони	

1. Шаҳар маҳаллари.

1	Газа	562	2873	1480	1393	1288
2	Шўрсой	583	3926	2022	1904	1759
3	Пойгабоши	553	3274	1686	1588	1467
4	Оби	526	2599	1339	1260	1165
5	Н.Аъзамов	658	3716	1914	1802	1665
6	Тузбозор	532	3393	1747	1646	1521
7	Ю. Қодиров	540	3153	1624	1529	1413
8	Чорчинор	470	2387	1229	1158	1070
9	Ариқ Усти	511	2421	1247	1174	1085
10	Мустақиллик	480	2373	1222	1151	1063
Жами:		5415	30115	15510	14605	13496

2. Авлод Қишлоқ Йиғини

11	Авлод	505	2184	1125	1059	979
12	Сариосиё	626	3379	1740	1639	1514
13	Кучкак	572	2543	1310	1233	1140
14	Боғи-боло	456	1971	1015	956	883
Жами:		159	10477	5190	4887	4516

3. Бойсун қишлоқ йиғини

15	Пулҳоким	618	2430	1251	1179	1089
16	Даштиғоз	696	3104	1599	1505	1391
17	Кофрун	640	3043	1567	1476	1664
18	Тангимуш	508	2286	1177	1109	1024
19	Инкабод	587	3020	1555	1465	1353
20	Қудуқсой	501	1944	1001	943	871
Жами:		3550	15827	8151	7676	7093

4.Работ Қишлоқ Йиғини

21	Пасурхи	986	4156	2140	2016	1863
22	Қорабуян	672	2927	1507	1420	1312
23	Бибиширин	502	1909	983	926	856
24	Работ	722	3781	1947	1834	1694
25	Тўда	225	1168	602	566	523
Жами:		3107	13941	7180	6761	6248

5.Сайроб Қишлоқ Йиғини

26	Сайроб	714	3521	1813	1708	1758
27	Мунчок	635	3256	1677	1579	1459
28	Чилонзор	705	3613	1861	1752	1619
29	Хўжабулғон	645	3702	1907	1795	1659
Жами:		2699	14092	7258	6834	6315

6.Дарбанд қишлоқ йиғини

30	Дарбанд	698	3341	1721	1620	1497
31	Сангчил	726	3723	1917	1806	1668
32	Шўроб	210	1172	604	568	525
Жами:		1634	8236	4242	3994	3691

7.Мачай қишлоқ йиғини.

33	Юқори Мачай	391	1986	1023	963	890
34	Ўрта Мачай	424	2104	1084	1020	943
35	Қизил Навр	146	847	436	411	380
Жами:		961	4937	2543	2394	2213

8.Қўрғонча қишлоқ йиғини.

36	Дуоба	359	2022	1041	981	906
37	Қўрғонча	206	1125	579	546	504
38	Дехиболо	145	876	451	425	393
39	Алочопон	137	878	452	426	393
Жами:		847	4901	2524	2377	2196
Ҳаммаси:		20372	102126	52597	49529	45768

№	Шаҳар ва Қишлоқ Фуқаро йиғини номи	Қишлоқ фуқаро йиғини	Қишлоқлар сони	Маҳаллалар Сони.
Туман бўйича		8	56	39
1	Шаҳар	1	-	10
2	Авлод	1	4	4
3	Бойсун	1	15	6
4	Работ	1	5	5

5	Сайроб	1	11	4
6	Дарбанд	1	8	3
7	Мачай	1	6	3
8	Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғини.	1	7	4

Бойсун туманида доимий яшовчи мавжуд аҳоли сони.

		1-Январ 2009 йил		
		Шу жумладан		
		Мавжуд аҳоли	Шаҳарда	Қишлоқда
1	Бойсун шаҳри	26036	26036	
2	Авлод	9153	-	9145
3	Бойсун	14684	-	14539
4	Работ	12914	-	11996
5	Сайроб	14457	-	13019
6	Дарбанд	7404	-	7519
7	Мачай	4409	-	4231
8	Қўрғонча	4194	-	4222
Жами:		93251	26036	64671

Бойсун туманида аҳолининг меҳнат билан бандлиги.

Бойсун туманда 2008 йил 1-январ ҳолатида ишламаётган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ва ёшига кўра имтиёзли шартларда нафақа олувчи шахслардан ташқари меҳнатга қобилиятли ёшдаги шахслар (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар) 41790 кишидан кўпроқ бўлиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритиб келмоқдалар. Меҳнатга қобилиятли шахслардан ҳафтада камида ёлланиш бўйича икки соат мобайнида иш бажарган шахслар иш билан таъминланган ҳисобланадилар. Шу сабабли бандлик хизмати бўйича рўйхатга олинган ишсизлар сони 1604 кишини, шундан аёллар 863 кишини ташкил этди. Тумани иқтисодини ривожланишида кичик бизнес соҳасини улуши сезиларли даражада ортиб бормоқда ва улар қуйидагичадир:

Саноат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда салмоғи 34 фоиз. Савдо товар абароти хизматида салмоғи 63 фоиз, маиший хизмат кўрсатишда салмоғи 53фоиз, қурулиш ва таъмирлаш ишларида салмоғи 94 фоизга бажарилди. Мустақиллик йилларида туманда аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлар мунтазам олиб борилмоқда.

БОЙСУН САНОАТИ

Мустақиллик йилларида бозор муносабатларига ўтиш Президентимиз И.А.Каримов тақдим этган “Ўзбек модели” асосида ва бозор иқтисодиётининг умумий қонуниятларига қатъий амал қилган ҳолда ислоҳотларнинг амалга ошириш ва унинг натижалари асосида муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлар бажарилди. Мамлакатимизда ислоҳотлар қуйидаги асосий йўналишларда яъни:

мулкий ислоҳотлар, институтцион ислоҳотлар, аграр ислоҳотлар, ташқи иқтисодий фаолият ислоҳотлари, ижтимоий ислоҳотлар асосида амалга оширилди. Ўзбекистонда ислоҳотларнинг асосий мақсади бозор муносабатларига ўтиш, унинг старатегик мақсадларини белгилаш тамойилларига жиддий эътибор бериб, Ўзбекистон халқлари турмуши ва фаолияти учун зарур бўлган шарт-шароитларни таъминлайдиган кучли ва мунтазам ривожланиб боровчи иқтисодий тизимни барпо этиш; республикада кўп укладли иқтисодиётни, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ҳар томонлама ўсиши учун асос бўладиган хусусий мулкчиликни вужудга келтириш, унинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш; корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинлик бериш, уларнинг ҳўжалик ишларига давлат йўли билан аралашмаслик; иқтисодиётга чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш, моддий ва табиий ресурслар ҳамда меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишни таъминлаш; жаҳон иқтисодиёти интеграциялашиб бориш; аҳолининг дунёқарашини ўзгартириш, уларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш.

Бойсунда саноат корхоналарини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан биргаликда, техникавий жиҳатдан эскирган ва ишлаб чиқариш жараёнида талаб даражасида маҳсулот ишлаб чиқармаётган ҳамда деярли маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини йўқотиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган саноат корхоналарини қайта тиклаш мақсадида бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта тадбиркорларни ривожлантириш кўмаклашувчи жамғармани ташкил этиш тўғрисида”ги фармони асосида давлат назортида турган корхоналарни хусусийлаштириш асосида ишлаб чиқариш қувватни қайта тиклаш масаласига алоҳида эътибор берилди. Натижада Бойсун туманида бир қатор маҳаллий саноат корхоналари хусусийлаштириш асосида ишлаб чиқариш технологияси қайтадан таъмирланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Масалан, Бойсун шойи тўқиш фабрикасида маҳсулот ишлаб чиқариш 1972 йил -927500 сўмни, 1985 йил -5 миллион 354 минг сўмни, 1991 йил -17 миллион 235 минг сўмни ташкил этиб, ишлаб чиқариш қуввати ўсиб борди.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилиши муносабати билан Бойсун шойи матолар ишлаб чиқарувчи фабриканинг иқтисодий аҳволи яхшиланиб, янги-янги типдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтилди. Шойи, атлас ва беқасамни бежирим мато қилиб турадиган сунъий толалар Москва ва Киев шаҳарларидан олиб келинар эди. 1993 йилга келиб, Бойсун шойи тўқиш фабрикаси ҳам бозор иқтисодиётига аста-секин мослашиб, фабрика «Ишонч» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Натижада фабрикада тадбиркорликка алоҳида эътибор берилиб, сочиқлар, мебел жилдлари, аҳоли эҳтиёжи учун зарур тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Иқтисодий аҳволни яхшилаш мақсадида, 1995 йилда пиллакашлик цехи курилиб, бунинг натижасида 30 тонна пиллани қайта ишлаш имкони яратилди. Пилла цех ишлаб чиқарган маҳсулотини Корея, Японияга экспорт қилди. 1996 йили корхона янги технологияни жорий этишга қарор қилди, Тошкент шаҳридаги «Бойтун» фирмаси билан шартнома тузиб, 20 миллион сўмлик дастгоҳларни

келтириб, ўрнатди. Натижада хом ашё масаласи ҳал этилди. Бойсун тумани чорвачиликка ихтисослашгани тумани бўлгани учун жун хом ашёси йиғиб олиниб, фабрикада жун маҳсулотларидан аҳоли эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан ташқари корхона жамоаси хотин-қизлар учун турли ҳажмдаги жун рўмоллар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди. Шу билан бирга яна қўшимча «Ч-11-200 Ш» русумли иккита пахта қавийдиган, сават тайёрлайдиган дастгоҳлари ҳам ўрнатилиб, корхона жамоаси қайта ишлаган жун қолдиқларидан куртка, палто, телпак, тўнларга пахта ўрнида ишлатиладиган ваттани тайёрлашга киришди. Бу материалнинг 30 фоизи жун қолдиғидан, 70 фоизи эса пахта тозалаш заводлари, саноат корхоналари чиқиндиларидан тайёрланди.

Умуман олганда, 1991–1995 йилларда вилоят енгил саноат корхоналарида техника янгиликларини жорий этиш кенг кўламда олиб борилди. Деярли барча корхоналарда эски жиҳозлар ўрнига янги техника ва технологиялар олиб келиб ўрнатилди. 1991-2005 йилларда бу ишларнинг ҳаммаси вилоят аҳолисининг енгил саноат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш, маҳсулотлар сифатини яхшилашга эришиш, оғир қўл меҳнати шароитида ишлаётган цех ва устахоналарни янги замонавий техника билан жиҳозлаш мақсадида амалга оширилди.

Кончилик саноати ҳақида Президент И.Каримов тўхталиб, шундай деган эди: «Ўзбекистон катта кўмир захираларига эга. Унинг геологик захиралари бўйича Марказий Осиёда 2-ўринда туради. Ўзбекистонда Ангрен, Шарғун ва Бойсун конларида кўмир қазиб чиқарилади. Уларнинг умумий захираси 2 миллиард тоннани ташкил этади.¹ Бойсун тумани ҳокимлиги янги инвестицион лойиҳаларни танлашда ва уларни жойлаштиришда, саноат жиҳатидан суст ривожланган жойларда кўпроқ ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий хом-ашё ресурсларидан тайёр маҳсулотлар, кўпроқ экспортбоп моллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратди. Маълумки, Бойсуннинг Тўда кўмир кони ўзининг активлиги билан жаҳонда етакчи ўринларда туради. Кўмирнинг кулчанглиги 10 фоизгача бўлган қисмидан ноёб активлашган хом-ашё ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси курилиб, зарур хом-ашёни истеъмолчиларга етказиб берувчи корхона 2001 йилда ташкил этилди. Шу вақтга қадар Ўзбекистонга ҳар йили 120 тонна активлашган кўмир четдан валюта ҳисобига сотиб олиб келтирилар эди. Четдан сотиб олинган ҳар бир тонна хом-ашёнинг жаҳон бозоридаги нархи 1200 АҚШ долларига тенг эди. Демак, Бойсунда активлашган кўмирни ишлаб чиқарувчи корхонанинг бунёд этилиши республика олдидаги ҳаётий муаммони ҳал этишда муҳим роль ўйнади. 2003 йил 28 январдаги Тошғузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлини куриши ҳақидаги фармони, туфайли асрлар бўйи орзу бўлиб келаётган ишларга қўл урилди. Бойсун районидаги Тўда кўмир конида 1996 йилда 13 минг тонна кўмир қазиб олиниб, конда 120 кишилик жамоа хизмат қилди. Конда 3 йўналиш бўйича маҳсулот қазиб олиниб, кунига 40-50 тонна кўмир ишлаб чиқарилиб, Бойсун тумани эҳтиёжи учун йилига 10 минг тонна кўмир тайёрланади. Асосий

¹ «Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» -Т., «Ўзбекистон» 1997 й. 236 бет».

истеъмолчилар эса тумандаги ташкилот, корхоналар ва аҳолидир. Конда 2005 йилда асосий муаммо сақланиб турибди. Бу тайёрланган маҳсулотни кондан олиб кетиш ва истеъмолчиларга етказиш муаммосидир.

Мутахассислар аниқлаб, харитага тушириб берилган кон захираси 29 миллион тоннани ташкил этиб, бу захира 300 йилга етади. Тўда кўмир конида қазиб олинаётган маҳсулот махсус мосламалар ёрдамида портлатилади. Сўнг эса майдаланган кўмир вагончалар билан ташқарига чиқарилади. Натижада маҳсулотнинг 70 фоизга яқини майда кўмир ва кукундан иборат бўлади. Бу эса кўпинча харидларнинг ва истеъмолчининг талабига жавоб бермайди. Шунинг учун кон маъмурияти Ўзбекистон 1996 йил «АК Кўмир» акционерлик жамияти ва Ўзбекистон Фанлар Академияси Кимё институти олимлари билан ҳамкорликда ушбу ишнинг техник ва иқтисодий асослари ҳамда технологиясини ишлаб чиқишди ҳамда бунинг учун махсус сертификат олинди. 2002 йилда Тўдада кичик брикет корхонаси қуришга киришилиб, 2002 йил мустақиллик байрами арафасида 58 миллион сўмлик брикет корхонаси бунёд этилди. Натижада 18 киши иш билан таъминланди. Брикет корхонасининг қуввати йилига 8 минг тоннани ташкил қилди. Брикетнинг қулайлиги шундаки, дунёнинг исталган нуқтасига олиб кетишга мўлжалланган. Ҳар бири 2 кг бўлган брикет ғиштлари бугунги кун талабларига тўла жавоб беради. Иккинчидан, бошқа конлардаги Брикетга мазут қўшилади ва ундан қўлланса ҳид чиқади, мўрини тезда қурим босиб қолади. Бу эса экологик жиҳатдан талабга жавоб бермайди. Бойсун кўмирига эса маҳаллий маҳсулот ва Денов ёғ заводидан совун чиқиндиси «Соалсток» аралашмаси олиб келиб қўшилади. Бу ғиштарнинг 18 фоизни, намлиги 7 фоизни, иссиқлик қуввати 6,2 кг. калорияни, оғирлиги 2 кг ни ташкил этади. Бойсун кўмири 8 ярим кг. калориягача иссиқлик бера олади. Мамлакатимиздаги Ангрен, Шарғун кўмирлари 3 ярим кг килокалория иссиқлик бериши имконига эга. 1997 йилда Бойсунда бўр ишлаб чиқариш цехи ишга тушиб, ҳар куни 25-30 тонна бўр ишлаб чиқарилиб, тайёр маҳсулотлар Шеробод ва Музрабод донни қайта ишлаш корхоналарига сотилди. Бу ерда бир йилда 10 минг тонна юқори сифатли бўр маҳсулот ишлаб чиқарилди. 2001 йилда Бойсун карбит заводидан Украинанинг «Укראгрообъединения» ҳамкорлигида «Комруг» кўшма корхона ташкил этилди. Унинг Низом жамғармаси 18 миллион 735 минг АҚШ долларига тенгдир. Корхона Бойсунда ишлаб чиқарилган карбит ва графитли электродни Жаҳон бозорига чиқарди.

Хулоса қилиб шуни алоҳида қайд этиш мумкинки, мустақиллик йилларида Бойсунда ҳам кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этилиб, уларда саноат маҳсулотлари, халқ эҳтиёжи моллари, аҳолига турли хил хизмат кўрсатиш ишлари йўлга қўйилди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг бир қисми бозор иқтисодиёти қийинчиликларига бардош бера олмасдан, инқирозга учраб, фаолиятини тўхтатган бўлса, уларнинг кўпчилиги қисми, ўзининг фаолиятини такомиллаштириб, ишлаб чиқараётган, маҳсулот сифатини ошириб, таннархини камайтириб, жамиятда ўз ўрнини топа бошлади. Тадбиркорлар, маҳсулотларни ички ва ташқи бозорга чиқишига эришиб, корхона иқтисодиётини мустақамлаб бордилар. Бу эса мулкдорлар синфининг шаклланишига, халқнинг кичик ва ўрта бизнес томон ишонч билан ўтишига имконият яратди. Бойсун туман

қишлоқларда маҳсулотнинг қайта ишлаш аҳолини иш билан таъминлаш, муаммоларни ҳал этиш мақсадида кичик ва ўрта бизнес ва қўшма корхоналари ташкил этилиб, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни янада мустаҳкамланиб борди. Бойсунда жаҳон андозаларига тўғри келадиган кичик ва қўшма корхоналар қурилиб, ишга туширилди. Чет эл сармоядорларининг мамлакатимизга кириб келишига кенг йўл очилди. Хориж сармоядорларининг манфаатлари давлат томонидан тўлиқ кафолатланишига эришилди. Совет мустамлакаси йилларида қоқоқ деб эътироф этилган Бойсунда мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига тўғри келадиган маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқарувчи ва ташқи бозорга экспорт қилувчи қўшма корхоналар қурилиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Янги ишчи ўринлари яратилди, жаҳон бозорларига маҳсулот чиқариш йўлга қўйилди.

Бойсунда ўрта ва кичик бизнес. 2009 йилда «Хуршид» кичик корхонаси томонидан 50,8 фоизининг АҚШ доллари миқдорида мебел ишлаб чиқариш ускунаси, «Жило-Файз» хусусий фирмаси томонидан 61,0 минг АҚШ доллари миқдорида ғишт ишлаб чиқариш заводи, «Файз Рамз» фермер хўжалиги томонидан 89,3 минг АҚШ доллари миқдорида колбаса ишлаб чиқариш цехи, 25 минг АҚШ доллари миқдорида кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, 50 минг АҚШ доллари миқдорида пластик ишлаб чиқариш цехи, «Бахтиёр Одилбек» хусусий фирмаси томонидан шпаклёвка ва брусчатка ишлаб чиқариш цехи, Бойсун Савдо қурулиш хусусий фирмаси томонидан нон ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, «Шамс-Нурафшон» хусусий фирмаси томонидан 20,0 минг АҚШ доллари миқдоридаги полэтелен қоқлар ишлаб чиқариш ускунаси, «Бойсун уяли алоқа» корхонаси ва «Бойсун Дурдонаси» хусусий фирмаси томонидан мебел ишлаб чиқариш корхонаси йўлга қўйилиб жами 10 дан ортиқ лойхалар амалга оширилди. Мазкур лойхаларни амалга ошириш ҳисобида 110 та янги иш ўринлари яратилди.

Ушбу кўрсаткич йўналишлари бўйича янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ҳисобига 74 та қайта тикланадиган, модернизация ва кенгайтириладиган ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди. Туманда 149 та кичик корхона ва микрофирмалар ташкил қилиниши натижасида 1008 та, мавжуд кичик корхоналарни ва бозор инфратузулмасини ривожлантириш туфайли 31 та, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида 867 та, фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига 193 та, уй меҳнатини барча шакллари ташкил этиш ҳисобига 342 та иш ўринлари яратилди. Жумладан: бошқа йирик корхоналарда 62 та, кичик саноат корхоналарида 95 та, пудрат шартномалари асосида 43 та, миллий ҳунармандчилик ҳисобидан 37 та, аҳоли томорқаларида чорвачиликни ривожлантириш ҳисобига 105 та иш ўринлар яратилди. Қўшимча қабул қилинган инқирозга қарши дастур ҳисобидан 848 та иш ўринлари яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2009 йил 22 сентябрдаги йиғилиш баённомасига асосан Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш корхоналарини таркибий ўзгартириш ҳисобидан Бойсун туманида ишлаб чиқариш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 500 миллион сўм миқдорида

имтиёзли микрокредитлар ажратилди. «Бойсун Мажнунтол» фермер хўжалигига 40 миллион сўм ажратиб, натижада паррандачиликни ривожлантириш учун 13 та иш ўрни яратилди. Бойсун «Тери» хусусий фирмаси 50 миллион сўм терини қайта ишлаш ускунасини олиб, 25 та иш ўрни яратди. «Алайир минимакс» хусусий корхонаси 45 миллион сўм тош майдалаш ускунасини олиб, 18 та иш ўрнини яратди. «Дони метар» хусусий корхонаси 40 миллион сўм нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ускуналар олиб, 10 та иш ўрнига эга бўлди. «Жийдали Бойсун» МЧЖ 50 миллион сўм «Пласмасса идишлар ишлаб чиқариш» ускунасини олиб, 15 та иш ўрнига эга бўлди. «Эксемтейд АБК» хусусий корхонаси 30 миллион сўм политэлин маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналарини ўрнатиб, 15 та ишчи ўрнига эга бўлди. «Бойсун-Дурдонаси» хусусий корхонаси 14 миллион сўм дурадгорлик ускунаси сотиб олиб, 10 иш ўрнига эга бўлди. «Саодат» кичик корхонаси 30 миллион сўм автомашиналарга техник хизмат кўрсатувчи ускуналар сотиб олиб, 15 кишини иш билан таъминлади. «Жаббор Мамат» фермер хўжалиги 25 миллион сўм иссиқхона қуриб, 15 кишини иш билан таъминлади. «Бойсун уяли алоқа» хусусий корхонаси 20 миллион сўм дурадгорлик ускуналарини сотиб олиб, 10 кишига иш ўрнини яратди. «Бахром ўғли Дилшод» хусусий фирмаси 44 миллион сўм трансформаторларга техник хизмат кўрсатиш ускуналарини сотиб олиб, 15 та ишчи ўрнига эга бўлди. «Дилижаҳон» хусусий корхонаси 40 миллион сўм тикув машиналари сотиб олиб, 17 та иш ўрни яратди. «Хаитов Фарход» деҳқон хўжалиги 12 миллион сўм иссиқхона қуриб, 10 кишини иш билан таъминлади. «Бекзод Қушбегизода» хусусий корхонаси 20 миллион сўм тикув машиналари сотиб олиб, 12 та иш ўрнига эга бўлди. Мансуров Абулфайз фермер хўжалиги 40 миллион сўм селофан халталар ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олиб, 15 та иш ўрни яратди. Туманда жами 500 миллион сўм кредит маблағи ҳисобидан 215 та янги иш ўринлари барпо этилди.

Бойсунни ижтимоий иқтисодий ривожланишида бир қатор тадбиркор ишбилармонни хизматлари беқиёсдир, жумладан, «Хуршид» кичик корхонаси раҳбари Ёқиб Тўрақулов, «Жило-Файз» фирмаси раҳбари Бахриддин Маматов, «Акбаршоҳ» фирмаси раҳбари Хуршида Оллоқулова, «Жалол тоға» хусусий фирмаси раҳбари Неъмат Атоев, «Умид» кичик корхонаси бошлиғи Неъмат Абдуллаев, «Илхом БТ» фирмаси бошлиғи Зариф Умаров, «Айлангари» фирмаси бошлиғи Тохир Ражабов, «Орзу» кичик корхонаси раҳбари Бахриддин Рашидовларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли инвестицион лойҳалар амалга оширилиб, янги иш ўринлари яратилди, бозорлар ўз маҳсулотлар билан бойитилди. Улар томонидан эса доимий равишда районидаги кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилмоқда ва маҳаллаларнинг ободонлаштирилиш ишларида ҳам ўзларининг хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

«Жило-Файз» хусусий фирмасига Хитой Республикасидан 31,9 минг АҚШ доллари миқдоридан янги асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатилди ва ишга тушурилди. Натижада корхона маҳсулотлар тури 20 дан оширилди, ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Инкабод маҳалласида «Сурхон мед Коттон» МЧЖ томонидан шифобахш сувни қадоқлаш цехи чет эл инвестицияси ҳисобига янги технология билан жихозланиб ишга туширилди. Мустақиллик йилларида Бойсуннинг ижтимоий-иқтисодий таараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган

“Умид” кичик корхонасининг бошлиғи Абдуллаев Неъмат Ортиқовичнинг хизматлари алоҳида аҳамиятга эга. 1960 йил 1 апрелда Бойсунда туғилган тадбиркор Н.Абдуллаев 1983 йил Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини инженер-механик-технолог бўлимини тугатиб, 1983-1986 йилларда Сурхондарё маҳаллий саноат бошқармаси бошлиғи ўринбосари, 1986-1995 йилларда Бойсун шойи тўқиш фабрикасида цех бошлиғи, бўлим бошлиғи вазифаларида ишлаб, 1995 йилда “Умид” кичик корхонасини ташкил этди. Тадбиркор Н.Абдуллаев туман иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиб, ўзининг инсонпарварлиги, ватарпарварлиги, фидоий меҳнатсеварлиги билан халқ хурматига сазовор бўлди. У ҳомийлик ишларини йўлга қўйиб, туманнинг маориф ва маданияти ривожига, ёш авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. 2006 йил “Ҳомийлар ва шифокорлар” йили муносабати билан 12-сон вилоят меҳрибонлик уйига 450 минг сўм болалар кийими, болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 1,5 млн сўм, 2008 йилда меҳрибонлик уйига 1,5 млн сўмлик болалар кийимини бепул тақдим этди. Таниқли ва ташаббускор тадбиркор “Хуршид” кичик корхонаси бошлиғи Тўлақулов Ёқуб Жабборович 1959 йил 7 мартда Бойсун туманида туғилди. 1977 йил Денов касб-ҳунар техника бўлимини тугатиб, дурадгор касбини эгаллади. Меҳнаткаш камтарин инсон Бойсун маиший корхонасини фаолиятида муносиб ҳисса қўшиб, 2000 йилда “Хуршид” кичик корхонасига асос солди. Тадбиркор Ё.Тўрақулов 2006-2010 йилларда муруват ташаббуси билан чиқиб, 100 дан зиёд қарияларга моддий ёрдам бериб, “Саломатлик марказига” 1,5 миллион сўмлик амалий ёрдам кўрсатди. Тинимсиз изланишлар натижасида корхонани замонавий техник жиҳозлаш учун Тошкент шаҳридан 18 миллион сўмлик мебелсозликка оид янги технологиялар олиб келди. Унинг чинакам меҳнати эвазига 2001 йилда “Хуршид” кичик корхонаси “Ташаббус 2001” республика кўрик танловида қатнашиб, энг яхши ҳунарманд номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Корхона 107 турдан ортиқроқ маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Эл хурматига сазовор бўлган тадбиркор “Жило-файз” хусусий фирмаси бошлиғи Маматов Бахриддин Бўриевич 1973 йил 30 июлда Бойсун туманида туғилди. 1993 йил Термиз кооператив техникумини ҳисобчи – иқтисодчи бўлимини тугатиб, меҳнат фаолиятини Бойсун туманидаги “Истеъдод” жамғармасидан бошлади. Тинимсиз изланишлар ва ташкилотчилиги туфайли 2000-2002 йилларда “Файз” савдо ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этди. 2002 йилда “Жило файз” хусусий фирмасига асос солди. Фирма 2006-2008 йилларда 12-сонли вилоят меҳрибонлик уйига 1,5 миллион сўмлик, 3-сонли “Зебо” болалар боғчасига 1,9 миллион сўмлик мебел маҳсулотларини ҳомий ҳисобида таъминлади. 2001-2007 йилларда туман ва вилоятда ўтказилган “Ташаббус” кўрик танловларининг ғолиби ҳисобланади. 2007 йилда корхона республика тендерига қатнашиб, 1250,0 миллион сўмлик ўқув мебелларини мактаб, касб-ҳунар коллежларига етказиб берди. Энг муҳими корхона Германия, Польша, Хитой давлатлари билан мебел ишлаб чиқаришда ўзаро ҳамкорликни ташкил этиб катта натижаларга эришди. Бойсун туманида таниқли тадбиркор Аллақулова Хуршида Абдураимовна 1966 йилда 9 майда Бойсун туманида туғилган. Тадбиркорнинг фаолияти натижасида 2006 йил 15 августда “Акбаршоҳ Бойсуний” хусусий фирмасига асос солиниб, ушбу фирма кенг кўламда халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва етказиб

бериш билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Тадбиркор Х.Аллакулованинг ташаббускорлиги, тадбиркорлиги, инсонпарварлиги туфайли 2007 йил 1-сонли болалар боғчасига, 2008 йил вилоят 12-сон меҳрибонлик уйига, “Маҳалла” хайрия жамғармасига, 2009 йилга 6-сон мактабга хомийлик ёрдамлари ташкил этилди. 2009 йилда Х.Аллакулованинг ташаббуси билан “Болажон” хиёбонига 300 минг сўм миқдорда хомийлик ёрдами берилди. Шунингдек туманни ободонлаштириш, байрамларни ташкил этиш ҳамда кам таъминланган оила фарзандлари, ногирон ва боқувчисини йўқотган болаларга мунтазам тарзда хайрия ёрдамлари бериб келмоқда.

Тумандаги кичик ва ўрта бизнес корхонлари 2010 йилда 1000,0 миллион сўмдан ортиқроқ маҳсулот ишлаб чиқариб, чет эл инвестицияларини кенгрок жалб этди. Туманга чет эл инвестициясини жаб қилишдан асосий мақсад туманни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш орқали аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришдан иборатдир. Бу йўлда амалга ошириладиган ишлар:

- чет эл инвестициясини жалб қилиш;
- иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш;
- хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш. Бу йўналиш катта сармоялар талаб қиладиган соҳа, бироқ бу соҳанинг ривожини аҳолининг турмуш даражасига бевосита ижобий таъсир қиладиган йўналишлар; аҳолининг бандлик даражасини кескин яхшиланиши ва даромад манбаларига эга бўлиш, маҳаллий бюджет тушумларининг ошиши ва нисбатан арзон маҳсулотлар билан таъминланиш кескин яхшиланишига олиб келади. Хизмат кўрсатадиган соҳаларни ривожлантиришда, туманнинг географик жойлашувидан келиб чиққан ҳолда меҳмонхона хизмати ва туризмни (саёҳатчиларга кўрсатиладиган хизмат) ривожлантириш лозим. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиёти бозор муносабатларига асосланган мамлакатларда бўлганидек иқтисодий кўрсаткичларни кескин ошириш, аҳолининг иш билан бандлик даражасини яхшилаш, сифатли ва нисбатан арзон маҳсулотлар ва хизматлар билан таъминлашни юксалтиришда асосий йўналишлардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Малайзия давлатига ташрифида **Бойсун инвестицион лойиҳасини** амалга ошириш бўйича таклифи туманни салоҳиятини янада кенгрок ривожланишига таъсир кўрсатди. Туманда асосан ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати, полиграфия саноати, енгил саноат, озиқ-овқат саноати қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш кўзда тутилган.

Бойсун туманида мавжуд хўжалик юритувчи субъектлар сони.

	2009 йил 1-январ ҳолатида	
	Жами бирликда	Жамига нисбатан Фоиш
Жами хўжалик субъектлари	1540	100
Шу жумладан: Давлат корхоналари	141	20,1

Фермер хўжаликлар	509	72,5
Кичик корхона ва микрофирмалар	442	63,0
Маъсуляти чекланган жамияти	57	8,1
Бошқа корхоналар	391	55,7

Бойсунда саноат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш. Туман саноатида тоғ-кон, қурулиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил ва озиқ-овқат саноати алоҳида ўринга эга бўлиб, саноат корхоналарининг асосий қисми Бойсун шаҳрида жойлашиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнес корхоналари салмоғини ортиб бормоқда. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнесни салмоғи ўттиз тўрт фоизни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда салмоғини 59 фоизни ташкил қилди.

Туманда тоғ-кон саноатини ривожлантириш мақсадида Гажак газ конини ишга тушуриш, Аргиллит (керамзит) каръеларини ўзлаштириш, Қўшма корхона базасида активлаштирилган кўмир ишлаб чиқариш, бошқа тур халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш мақсадида кичик корхона ва микрофирмаларга кенг имкониятлар яратилди. Бойсун туманида саноат ишлаб чиқариш мустақиллик йилларида анча ривожланиб, замонавий савдо корхоналари қурилиб, ишга туширилиб, маҳсулотни сифат ва самарадорлиги йилдан йилга ошиб борди. Саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2005 йил нархларида 1768,6 миллион сўм, 2006 йилда 2155,8 миллион сўм, 2007 йилда 3031,4 миллион сўм, 2008 йилда 3880,6 миллион сўм, 2009 йил 5192,5 миллион сўм ва 2010 йилининг биринчи ярмида 4637,1 миллион сўм маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Тумандаги алебастр, гипс, глауконит, боксит, сланец, қизилқум тоши, доломит, таркибида сероводород бўлган табиий газ, охактош, бур конлари захираларидан фойдаланиш учун чет эл инвестициялари жалб қилинди. “Жило Файз” хусусий фирмаси томонидан 2010 йилда 1 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 67,3 минг АҚШ доллари миқдорида шартнома амалга оширилди. Бойсунда “Хуршид” кичик корхонаси томонидан 50,8 минг АҚШ доллари миқдорида мебель ишлаб чиқариш ускунаси, 50 минг АҚШ доллари миқдорида пластик ишлаб чиқариш цехи, Бахтиёр Одилбек хусусий фирмаси томонидан 4 миллион сўмлик шпаклёвка ва брусчатка ишлаб чиқариш цехи, Бойсун савдо қурилиш фирмаси томонидан нон ва коондитор маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи каби еттида лойиҳалар амалга оширилди.

Бойсун туманида ёқилғи саноатини ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжуд. Бойсун Кўмир хиссадорлик жамияти томонидан 2003 йилда 81908 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2004 йилда 31766 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 июлдаги 290-сонли қарорига асосан Бойсун Кўмир хиссадорлик жамияти Шарғун Кўмир хиссадорлик жамияти таркибига қўшилган. Бойсун кўмир хиссадорлик жамияти томонидан 2004 йилда 2113 тонна кўмир ишлаб чиқарилган. 2010 йилда корхона Шарғун кўмир хиссадорлик жамияти таркибида фаолият кўрсатмоқда. «Тошғузар-Бойсун-

Қумқўрғон «темир йўлининг қурилиши натижасида Тўда кўмир қонида йилига 150-200 минг тонна кўмир ишлаб чиқариш имкониятларини яратди. Шу билан биргаликда Тўда кўмир қонида брикет кўмир ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун имкониятлари мавжуд бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот жаҳон стандартига жавоб бера олади. Туманда таркибида сероводород бўлган газни қайта ишлаш имкониятлари мавжуд бўлиб, лойиха асосан Бойсун туман Гажак ва Кофурун участкаларида амалга оширилади. Лойихани амалга ошириш натижасида олтингугурт маҳсулотини четга экспорт қилиш имконияти яратилади.

Туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат асосида қайта ишлаб чиқариш ривожланиши натижасида мева ва сабзавотларни консервалаштириш ишлари анча ривожланди. Туманда 709 гектар мева майдонлари мавжуд бўлиб, 2004 йилда 2407 тонна мева ишлаб чиқарилган, 411 гектар сабзавот майдонлари мавжуд бўлиб, 2004 йилда 11341 тонна сабзавот ишлаб чиқарилган. Полиз экинлари майдони 131 гектар бўлиб, 2004 йилда 3822 тонна полиз ишлаб чиқарилган, токзорлар 542 гектар бўлиб, 2004 йилда 2742 тонна узум ишлаб чиқарилган. Туманда ишлаб чиқарилаётган мева, сабзавот, полиз, узум маҳсулотлари қайта ишланмасдан тўғридан-тўғри истеъмолчига етказилмоқда.

Туманда 2000 минг тонна мева ва узумни қайта ишлаш учун асбоб-ускуналар мавжуд бўлиб, ишлаб чиқариш цехи Работ ширкат хўжалигида асосан 5 гектар ер майдонига жойлашган, инвестиция киритиш хисобига узумни қайта ишлаш натижасида вино маҳсулоти, истеъмол учун энг зарур бўлган шинни маҳсулотини ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳудуднинг экспорт ҳажмини кўпайтириш имкониятини берди. Бу эса ўз навбатида озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарни тўлиқ қувват билан ишлашига имконият яратади. «Хўжамайхона–Бойсун» сув трассасининг умумий узунлиги 54 километр бўлиб, шундан 29 километри яъни «Хўжамайхона –Дарбанд» қисми фойдаланишга топширилган. Ушбу сув трассасининг иккинчи қисми «Дарбанд-Бойсун «сув трассаси бўлиб, унинг лойиха қиймати 1991 йил нарҳида 5541,6 минг сўмни ташкил этди. Мазкур сув трассасининг умумий узунлиги 24,9 километр бўлиб, диаметри Д-400 миллиметр бўлган сув қувурини тортиш режалаштирилган, ушбу сув трассаси қурилиб ишга туширилиб, тумандаги 11 та қишлоқ ва айниқса туман марказида истиқомат қиладиган 35 мингга яқин аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имкониятлари яратди. Ўз навбатида инвестиция жалб қилиш эвазига Хўжамайхона сувидан қадоқланган сув ишлаб чиқариш учун имкониятлар пайдо бўлади.

Шўробсой туз қонида янги технологиялар жалб қилиш эвазига аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган туз маҳсулотини ишлаб чиқариш учун имкониятлар пайдо бўлди. Туманда мавжуд бўлган ёввойи писта, дўлана, аччиқ бодом, уч қот, туғдона, зирк, чаганда (облипиҳа) ва бошқа ноёб дарахтлар, зас дугбой, андус, коврак, айиқ қулоқ, чой ўти, харрон, ипор, ўлмас ўт, қон тепар, оқ чайир, кийик ўти ва бошқа доривор ўтлардан турли хил доривор маҳсулотлар тайерлаб турли хил шаклда қадоқлаб четга экспорт қилиш мумкин. Бойсун тумани гўшт ишлаб чиқариш салоҳияти бўйича Сурхондарё вилоятида олдинги ўринларда туради.

Туманда 2010 йилда 3902 тонна тирик вазинда гўшт маҳсулоти ишлаб чиқарилган. Бу эса ўз навбатида гўштни қайта ишлаб колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун имкониятлар пайдо қилади. Колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича мини цехлар ташкил этилган тақдирда Сурхондарё вилоятини тўлиқ колбаса маҳсулоти билан таъминлаш имконияти яратилади.

2009 йилда туманда ОАТБ Агро банк Бойсун филиали томонидан “Файз Рамз” фермер хўжалигига гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш технологиясини сотиб олиш учун 125,0 миллион сўм кредит маблағи ажратилиб, мазкур фермер хўжали томонидан Хитой халқ республикасидан гўштни қайта ишлаш технологияси олиб келинди. Шу билан биргаликда туманда 25 минг АҚШ доллари миқдорида кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. ОАТБ Агро банк Бойсун филиали томонидан “Бойсун тангри ховуз” фермер хўжалигига чорвачиликни ривожлантириш (четдан насилли қора мол сотиб) олиш учун 55,0 млн сўм кредит маблағи ажратилган.

Бойсун тумани 1990 йилгача вилоятда энгил саноати энг ривожланган туман ҳисобланган. “Умид” кичик корхонасида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ОАТБ Агро банкининг маблағлари ҳисобидан 300,0 миллион сўм кредит олинди, Хитой Халқ Республикасининг XINCHANG HILDE MACHINERY CO LTD компанияси билан 152,0 минг АҚШ доллари шартнома ишлари амалга оширилди. Мазкур кредит маблағининг ўз вақтида конвертация қилиниб, тўқимачилик технологиялари 2010 йилнинг 2 чорагида олиб келинди. Кредитни мақсадли ишлатиш учун туманда қўй ва эчки бош сонлари 251913 бошни, қорамол бош сонлари 27756 бошни ташкил этиб, йилига 5 минг дона катта тери ва 80 минг дона майда терини қайта ишлаш учун хом ашё мавжуд. Шу билан биргаликда туманда йилига 686 дона қорақўл терисини ишлаб чиқариш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд. Йилига 275 тонна жун маҳсулотларини қайта ишлаш учун технологиялар жалб қилиш эвазига ички истеъмол бозорини ўз маҳсулоти билан тўлдириш, четга маҳсулот сотиш орқали валюта манбаларидан унумли фойдаланилмоқда.

Дуоба керамзит хом-ашёси конини ўзлаштириш натижасида Тангимуш зонасида темир йўлга яқин жойда керамзит маҳсулотини қайта ишлаш учун ҳозирги кунда Керамзит заводи фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш инвестиция жалб қилиш ҳисобига қурилиш саноати учун зарур бўлган керамзит маҳсулотини ишлаб чиқариш учун янги технологиялар жалб этилди. Агрокомқурилиш МЧЖ 1970 йилдан буён фаолият кўрсатиб, корхонада қўшимча алебастр цехлари, гипс ишлаб чиқариш цехлари, мебел ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 2003 йилдан эътиборан корхона маъсулияти чекланган жамият шаклига ўтказилган. Корхона ҳозирги кунда умуман фаолият кўрсатмаяпти. Корхонада ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаганлиги ва бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмаётганлиги сабабли асосий ишчи ва хизматчилар ишламасдан бекор турибди. Корхонанинг умумий ер майдони 2 гектар бўлиб, бино ва иншоотлар майдони 0,5 гектарни ташкил этади. Корхона газ, сув, электр энергия билан таъминланган. Телефон тармоғи мавжуд. Автомагистрал йўлидан 1 километр узоқликда Тошғузар–Бойсун–Қумқўрғон темир йўлининг қурилиши натижасида темир йўлдан узоқлиги 16 километр ташкил этди.

Туманда медицинада фойданиладиган гипс маҳсулоти ишлаб чиқариш учун Шўроб гипс кони, Дарбанд гипс кони, Қизилнаур гипс конлари фаолият кўрсатмоқда. Панжоб зонасида мрамарнинг алоҳида турлари мавжуд бўлиб, ушбу ишлаб чиқаришни йулга куйиш учун янги замонавий технологиялар талаб этилмоқда. Гипс ишлаб чиқариш бўйича янги технология жалб этилиши натижасида медицинада энг зарур бўлган гипс маҳсулотини ишлаб чиқариш имкониятлари пайдо бўлади. Туман асосан тоғли ҳудуд эканлиги сабабли шағал, мебел ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Энг асосийси ушбу сув трассаси қурилиб фойдаланишга топширилиб, туман аҳолисининг 30-35 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бу эса туман аҳолисининг ижтимоий ахволига, унинг турмуш тарзига, айниқса аёллар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишда ижобий таъсир кўрсатмоқда.

«Хангаронсой» сел суви омбори қурилиши натижасида тумандаги Кофурун, Работ қишлоқларида 1500 гектар ғалла ва боғдорчилик учун суғориладиган ерларни ўзлаштириш ҳамда шартли суғориладиган 1500 гектар майдоннинг сув таъминоти яшиланди. Туманда активлаштирилган кўмир ишлаб чиқариш учун Тўда кўмир конида тўлиқ имкониятлар мавжуд бўлиб, активлаштирилган кўмир асосан озиқ-овқат саноатида, медицинада ишлатилмоқд. Лойиха учун 1,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағи сарфланди. Сурхон инвестицион блокининг ер остини геологик ўрганишни олиб бориш лойиха учун 10,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағи ажратилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида Бойсун иқтисодиёти ислохотлар самараси натижасида катта ютуқларни қўлга киритди. Саноат корхоналари қайта таъмирланиб, янги замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Энг муҳими Бойсун иқтисодиёти учун янги тармоқ бўлган қўшма корхоналар чет эл саноатининг замонавий ишлаб чиқариши қувватига эга бўлган тармоқ шаклланди. Иқтисодиётни молиявий тизимини мустаҳкамлаш мақсадида Банкларнинг фаолияти такомиллаштирилиб, янги замонавий ишлаб чиқариш учун технологияларни сотиб олиш натижасида Банк тизими шаклланди.

БОЙСУН ТУМАНИДАГИ ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ

Аҳолини талаб ва эҳтиёжлари асосида замонавий транспорт коммуникацияси шаклланди. Транспортнинг янги хизмат кўрсатиш соҳаси йўлга қўйилди. Туман аҳолиси, корхона ташкилотларига транспорт ҳамда почта, рақамли алоқа хизмати кўрсатиш кундан-кунга яхшиланиб, туманнинг асосий транспорт тизими автомобиль ва Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 17 августдаги 323-сонли қарорига асосан 220 километр масофага мўлжалланган Тошғузур-Бойсун –Қумқўрғон темир йўл қурулиб, ишга тушурилганлиги туман ҳаётида катта унутилмас тарихий воқеа бўлди. Бу йўналишдаги темир йўлни ва Бойсун, Дарбанд бекатини ишга тушурилиши, уяли телефон алоқасини яхшилаш, халқ хўжалиги тармоқларини шу жумладан саноатни, қишлоқ хўжалигини, қишлоқ инфратузулмасини, ижтимоий соҳани жадал суръатлар билан ривожлантириш имкониятларини берди.

Тошғузур-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли-Ўзбекистоннинг жанубий худудида барпо этилган йирик темир йўл магистрали бўлиб, йўлнинг умумий узунлиги 220 километр. Темир йўл ўтган худудларда 6 та темир йўл станцияси (Тошғузур, Дехқонобод, Оқработ, Дарбанд, Бойсун, Қумқўрғон), 10 та разъезд (Қайирма, Бузархур, Жаркудук, Қорадахна, Чашмаи Хофизон, Оқназар, Шўроб, Пулҳоким, Тангимуш, Оқжар) 44 та кўприк, 508 та сунъий иншоотлар барпо этилди.

Мазкур йўл мамлакатнинг ягона мустақил темир йўл тармоғини яратиб, жанубий вилоятларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, табиий ер ости бойликларини ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Темир йўл линияси юк ташиш масофаси қисқариши натижасида миллий иқтисодиётга транспорт сектори иши самарадорлигига ортди. Қўшни давлатлар темир йўлдан фойдаланиш учун сарфланадиган валюта тўловлари тежалди. Темир йўл ўтган худудларда табиий газ (Зеварда, Адан, Ўрта булоқ, Шўртан, Муборак, Лалмикор ва бошқа) газ конденсати ва нефт (Кўктумшук, Шимолий ўртабулоқ), тошкўмир (Бойсун, Шарғун), полиметалл (Хандиза) конларини ўзлаштириш, тоғ саноати ва қишлоқ хўжалик соҳаларини ривожлантириш ҳисобига минтақаларни ишлаб чиқариш қувватларини оширишга эришилди. Темир йўлнинг бош бюртмачиси «Ўзбекистон темир йўллари» давлат -акционерлик компанияси. Унинг лойиҳаси компаниянинг «Боштранслоиҳа» ва «Тоштемир йўл лойиҳа» институтлари томонидан ишлаб чиқилган. Темир йўл линияси қурилишининг умумий қиймати 447,3 млрд сўм (ёки 66,6 миллион АҚШ доллори) ташкил этди. Қурулишни амалга оширишда Япония халқаро ҳамкорлик банкнинг 66,6 млн, АҚШ доллори миқдоридаги имтиёзли кредит жалб этилди. 2004 йил 30 августда Магистралнинг 1 босқичи Тошғузур-Дехқонобод участкаси (56,8 километр) қуриб битказилди ва ишчи поездлари ҳаракати ташкил этилди. 2005 йил 5 майда магистралнинг 2 босқичи Қумқўрғон-Бойсун участкаси (59,1 километр) қурилиши якунланди ва поездларнинг ишчи ҳаракати очилди. 2005 йил охирига қадар «Дехқонобод» станциясининг узвий давоми бўлган 26,5 километрли темир йўл қурилиши якунланди. 2007 йил 24 августда темир йўл қурилишининг 3 босқичи Бойсун-Дехқонобод участкаси (104 километр) қурилиши якунланди ва поездларнинг ишчи ҳаракати очилди.

Қурилиш мураккаб рельефли жойда қалтис техник ечимлар асосида амалга оширилди. «Тошғузар» ва «Қумқўрғон» денгиз сатхидан 470 ва 400 метр баландликда бўлса, энг баланд нуқтаси бўлган денгиз сатхидан 1575 метр баландликда «Чашмаи Хафизон» ва «Оқработ» бекатлари оралиғи ҳисобланади. Темир йўл магистраларида 272 метрли кўприк ва баландлиги 42 метр бўлган кўприк бунёд этилди. 54 миллион 3 тупроқ ва 25 миллион 3 портлаш ишлари бажарилди.

Иш 3 сменада ташкил этилди. Япония, Россия ва Хиндистондан келтирилган улкан техникалар ҳамда 150 тонна юкни кўтара оладиган Германиядан келтирилган ва компьютерлаштирилган кўчма кран жалб этилди.

«Аср мўъжизаси» деб тан олинган ушбу темир йўл қурилишида ўзини меҳнати билан элга танилган Хайробоғдаги 166-йўл машина станцияси машинисти бўлиб ишлаган Ҳамза Маҳкамов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан 2007 йил тақдирланди.

2007 йил 24 августда Дарбанд қишлоғида «Тошғузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этди. Ушбу қурилишни ишчи ва техник кадрлар билан таъминлаш мақсадида 2008 йил Дарбанд қишлоғида «Темир йўл транспорти» коллежи қурилиб, ишга тушурилди. 2009 йил май ойидан бошлаб, пассажир поездлар қатнови йўлга қўйилди. Йўл қурилиши ва уни мунтазам амалга ошириш натижасида 1966 йилда Дарбанд-Бойсун-Шўрчи автомобил йўли, 1974 йилда Тангимуш-Бандихон афтомобиль йўли, 1976 йилда Сайроб-Хўжабулғон-Бойсун автомобил йўллари қурилиб ишга туширилди.

Бойсун автотранспорт корхоналари ва хусусий секторидаги мавжуд автотранспортларни юк ташиш кўрсаткичлари қуйидагичадир:

		Ўлчов бирлиги	2007-йил	2008-йил
1	Темир йўл станциялари	Бирлик	2	2
2	Автовокзаллар	Бирлик	1	1
3	Юк ташиш	Минг тонна	1310,0	1488,0
4	Юк айланаси	Минг т/км	54382,0	69807,0
5	Юк ташишдан даромад	Минг Сум	3752380,0	5132042,0
6	Йўловчи ташиш	Минг қиши	5174,0	6244,0
7	Йўловчи ташиш айланаси	Қиши/км	54685,0	59363,0
8	Йўловчи ташишдан даромад	Минг сум	778043,0	1008346,0

2003 йилда Авлод-Сариосиё қишлоқларини боғловчи 40 поғоно-метр узунликда кўприк, Қўрғонча қишлоқ йиғини Дуоба қишлоғидаги 36 поғоно-метр узунликдаги кўприк қуриб, 2005 йилда Пулҳоким маҳалласида 30 поғоно-метр узунликдаги кўприк қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, тоғ зонасида жойлашган Паданг-Гуматак қишлоқлари орасида 36 километр йўл қайта таъмирланиб, тўлиқ шағал ётқизиблиб, тоғли Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолисининг йўл шароити яхшиланди.

Шунингдек туман худудидан ўтувчи халқаро аҳамиятдаги ва ички хўжалик йўлларида таъмирлаш ва кенгайтириш ишлари олиб борилди. Масалан: 2007 йилд 4К 619 «Бойсун - Туда» автомобил йўли, 18 поғоно-метр узунликдаги кўприк, 2005 йилда 4К 611 Бойсун - Работ 4 километр даги автомобил йўли, 2006 йилда М-39 «Тошкент-Термиз» автомобил йўлининг 26,6 километр масофада 4Н 605 автомобил йўлининг 8 километридаги 27 поғоно-метр кўприк, 2007 йилда 4Н 605 «Дарбанд-Мачай» автомобил йўли 7 километр, 4Н 613 «Бойсун-Дуоба» автомобил йўли 3 километр, 4К 619 «Бойсун - Шўрсой» автомобил йўлининг 3 километр масофалари тўлиқ таъмирланиб, равон йўللарга айлантирилди.

Аср қурулиш деб ном олган «Тошғузар-Бойсун Қумқўрғон» янги темир йўл линиясининг асосий қисми Бойсун ва Дарбанд темир йўл бекати қурулиш ва унга боғлиқ коммуникация тизимларини яратиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, айниқса «Бойсун» темир йўл бекати билан шаҳар марказини боғловчи автомобиль йўллари кенгайтирилиб, замонавий талабларга мослаштиришда, темир йўл ўтиши муносабати билан бузилишига сабаб бўлган 194 та хонадонни кўчириш уларга янги уй-жой қурулиши учун 19,4 гектарга ер томорқалари ажратиб берилди. Тумандаги яна бир тарихий воқеа алоқа тизимида ҳам кескин ўзгаришлар бўлди. 2007 йилнинг 28-ноябридан бошлаб эски алоқа станциядан Жанубий Корея билан Хитой давлатлари ҳамрохлигида ишлаб чиқарган янги рақамли станция ўтказиш ишлари бошланиб, 2007 йилнинг 10-декабрига тўлиқ ишга тушурилди. Ушбу янги рақамли станция 3072 абонентга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда 2250 абонентларни улаш ишлари амалга оширилди.

Янги рақамли алоқа тизимининг яна бир афзаллиги Сурхондарё вилоятидаги туманлар билан тўғридан-тўғри боғланиш имкониятига эга бўлди. Туманда алоқа соҳасининг яна бир тури модем алоқа хизмати ташкил этилиб, «МТС» компаниясининг тармоқлари билан бир қаторда «Беллайн» компаниясининг тармоқлари ҳам иш юритмоқда. Туманда чет эл инвестицияси эвазига ишлаб чиқаришни кучайтириш борасида тадбиркорлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб қувватламоқда.

БОЙСУНДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВА МАДАНИЯТ СОХАСИ.

Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-мафкуравий муаммоларининг ечими, кадрлар тайёрлаш тизимининг раванг топиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шунингдек, бозор муносабатларига асосланган ривожланган жамият қуриш вазифасини ўзгариб турадиган бозор иқтисодиётини яхши биладиган, маркетинг, менежмент, молия, кредит ва савдо масалаларини тушунадиган, ишбилармон мутахассис-миллий кадрларга эга бўлмасдан муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди. Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири-буларнинг барчаси, авваламбор замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини

барчамиз англаб етмоқдамиз»¹. Маълумки таълим тизими жаҳондаги барча мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий, ғоявий маданий ҳаётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Республикамининг миллий мустақилликни қўлга киритиши натижасида халқимизнинг маънавий-маърифий ҳаётида ҳам чуқур ўзгаришлар содир бўлиб, ёш авлодни тарбиялаш усуллари ва йўналишларида миллий имконият ва руҳиятимизга мос тамойиллар ишлаб чиқилди. Ёш авлодни тарбиялашнинг янги тизими қарор топди. Президент И.Каримов мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ ёшлар тўғрисида тўхталиб, «Ҳар бир инсоннинг, айниқса эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз раванқ топишининг асосий шартидир», -деб таъкидлаган эди².

Бойсун туман халқ таълими бўлимига қарашли таълим муассасалари мустақиллик йилларигача 51 та умумий ўрта таълим мактаблари мавжуд бўлган бўлса, ҳозирги кунда 55 та умумий ўрта таълим мактаби, 1 та Давлат ихтисослаштирилган мактаб интернат мавжуд. Мустақиллик йилларигача мактабгача таълим муассасалари 9 та бўлган бўлса, ҳозирги кунда 10 та мактабгача таълим муассасалари фаолият юритмоқда.

Мактабгача таълим тизимидаги ислохотлар натижасида болаларни мактабга ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, уларнинг шахсий қобилиятларини шакллантиришдан иборат бўлди. Бойсун туманида 5964 ўқувчи мактабларга, 1 минг болалар мактабгача таълим муассасаларида таҳсил олдилар. Мустақилликка эришгач таълим-тарбия соҳасига алоҳида эътибор берилиб, таълим ислохоти ва унинг истиқболларини белгиловчи тамойиллар белгилаб олинди. Таълимнинг устивор соҳаси ва асослари 1997 йил 29 августда қабул қилинган "Таълим тўғрисида" ги қонун таълимнинг барча йўналишларини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришни имконият ва кафолатларини яратди. Ислохотлар натижасида таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги ва демократиявийлиги, таълим тизимининг узлуксизлиги, изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги таъминланди. Таълимда, умуминсоний ва миллий маданий-маънавий қадриятларнинг устуворлиги, миллати, эътиқоди, динидан қатъий назар барча фуқаролар учун таълим олиш имконияти яратилди. Президентимиз И.А.Каримов ҳали мустақилликка эришмай туриб, бу масалада: "Кишиларнинг умумтаълим ва профессионал даражасини ошириш, янги талаблар асосида кишиларнинг саводхонлигини ўстириш, узлуксиз таълим системасини жорий этиш энг муҳим масала" эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурида баркамол авлодни тарбиялаш, таълим тизимини тубдан кўриб чиқиш, профессионал билимларни эгаллаш, ёш мутахассисларни тайёрлаш муҳим масала қилиб қўйилган. Шунинг учун Академик лицей, касб-хунар коллежларида таълим бериш жараёнини мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитишни таъминлаш, касб-хунарни эгаллашга бўлган салоҳиятини

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Т., «Ўзбекистон», 6-жилд, 1998. 325 бет

² И.А.Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». -Т.: «Ўзбекистон». 1992. 23 б.

кучайтириш зарур.

ТУМАНДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВА МАДАНИЙ МУАССАСАЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Номланиши	Ўлчов бирлиги	2007-йил	2008-йил
1 Умумтаълим ўрта мактаблар	Бирлик	54	54
Уларда ўқитувчилар	киши	1961	2091
Уларда ўқувчилар	киши	20595	20214
2 Мактабгача тарбия муассасалари			
Боғчалар	Бирлик	10	10
Боғчалардаги болалар	Болалар	743	1081
3 Касб-хунар коллежлари	Бирлик	4	5
Улардаги ўқитувчилар	Қиши	285	400
Улардаги талабалар	Талабалар	2286	2682
4 Мехмонхоналар сони	Бирлик	1	1
Улардаги ўринлар	бирлик	40	40
5 Кинотеартлар	Бирлик	1	1
1000 аҳолига тўғри келадиган ўрин	Ўрин	4,9	4,9
6 Клублар ва маданият муассасалари	Бирлик	7	7
Улардаги ўринлар сони	Ўрин	1290	1290
1000 аҳолига тўғри келадиган ўрин	Ўрин	1,3	1,3
7 Стадионлар	Бирлик	1	1
Улардаги ўринлар сони	Ўрин	60000	60000
8 Теннис кордлари	Бирлик	1	1
Улардаги ўрин	Ўрин	670	670
9 Спорт заллари	Бирлик	34	34
10 Кутубхоналар сони	Бирлик	23	23
Кутубхоналарни китоб фонди	Минг экземпляр	187	184,7

Туманда 45-сонли умумий ўрта таълим мактаби 45 минг АҚШ доллари миқдорида Япония элчихонаси грантини, 1-сонли умумий ўрта таълим мактаби 9 миллион сўм, 35 сонли умумий ўрта таълим мактаби 20 миллион сўм «Осиё тараққиёт банки» грантини олишга эришдилар.

Шунингдек 2004 йилда 200 ўқувчи ўрнига мўлжалланган Қўрғонча қишлоқ йиғинидаги 18-сонли мактаб биноси, Сайроб қишлоқ йиғинидаги 270 ўқувчисига мўлжалланган 13-сонли мактаб биноси, Работ қишлоқ йиғинидаги 33-сонли мактабнинг Саригиёзи қишлоғида 120 ўқувчига мўлжалланган биноси, Мачай қишлоқ йиғинидаги 16-сонли мактабнинг 60 ўқувчи ўрнига мўлжалланган филиали қуриб фойдаланишга топширилди. Таълим соҳасини тубдан яхшилаш,

моддий техник базани мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг таълим олиши учун айниқса мактабларнинг кўркамлиги, ободончилигига алоҳида эътибор берилди.

Туманда умумтаълим Давлат Дастури асосида реконструкция қилинган мактаблар 2005 йилда 53-сонли, 2006 йилда 48-22-сонли, 2007 йилда 20-17-18-51-39-сонли мактаблар капитал таъмирланди, 2005 йилда 8-12 8-12-25-40-сонли мактаблар 2005 йилда 5-сонли, 2006 йилда 7-19- сонли, 2007 йилда 15-сонли мактаблар жорий таъмирланди. 2007 йилда 34-сонли мактаб янгидан қурилиб, барча қулайликлар билан ўз ўқувчиларига топширилди.

Тумандаги Дарбанд қишлоғида 435 ўқув ўрнига мўлжалланган Алоқа ва транспорт касб-ҳунар коллежи қурилиб фойдаланишга топширилди. 2009 йилда 15-сонли, 52-мактабда, 55-сонли мактабларда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 4,9,10,27,33,47-сонли мактабларда ва 10-сонли ихтисослаштирилган мактаб интернатида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида умумий ўрта таълим мактаб биноларида 2 та янги қурилиш, 18 та капитал реконструкция, 26 та капитал таъмир, 6 та жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. 3 та умумий ўрта таълим мактаби Дастур асосида таъмирланмади.

Туман халқ таълими бўлимининг 26 та кўрсаткичи бўйича вилоятдаги эгаллаб турган ўрни куйидагича

2005 йил	11 ўрин
2006 йил	2 ўрин
2007 йил	4 ўрин
2008 йил	4 ўрин
2009 йил	3 ўрин

Туман мактабларини битирувчи ўқувчиларнинг олий ўқув юртига кириш бўйича вилоятдаги ўрни куйидагича

2005 йил	1 ўрин
2006 йил	2 ўрин
2007 йил	2 ўрин
2008 йил	3 ўрин
2009 йил	3 ўрин

Мактаб ўқувчиларнинг фанлар олимпиадасида вилоятда эгаллаган ўрни

2005 йил	4 ўрин
2006 йил	7 ўрин
2007 йил	6 ўрин
2008 йил	2 ўрин
2009 йил	4 ўрин

Умумий ўрта таълим мактаблари мустақиллик йилларига қадар 7 та умумтаълим мактабларида “Агат”, “Корвет”, “ҲАМАНА”, “Москва” номли компьютерлар билан таъминланган бўлса, ҳозирги кунда 28 та умумтаълим мактаблари замонавий Пентьюм IV ўқув компьютер синфи билан таъминланди. Давлат дастури асосида 7 та умумтаълим мактаби маънавий-маърифий ишлар учун компьютер билан таъминланиб, Осие тараққиёт банки гранти асосида 2, 10, 31, 41-умумий ўрта таълим мактабларида ахборот ресурс марказларини ташкил этиш мақсадида 40 минг долларлик жиҳозлар билан таъминланди.

Шунингдек Осиё тараққиёт банки гранти асосида 10, 25, 31, 41-умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилган кластер мактаблари учун 2 комплект ўқув компьютер синфи ва жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди.

Мустақиллик йилларига қадар туман марказида 8 та умумтаълим мактабида алоқа тизими мавжуд бўлган бўлса, 2010 йилда 33 та умумтаълим мактаби ва 1 та мактабгача таълим муассасасига Перфектум Мобайл симсиз телефон алоқаси билан таъминланиб, мактаблар интернет тизимига ҳам уланди.

Мустақиллик йилларига қадар 12 та умумтаълим мактаби тоза ичимлик суви билан таъминланган бўлса, 2010 йилда 36 та умумтаълим мактаблари тоза ичимлик суви билан таъминланди. Мустақиллик йилларида 10 та умумтаълим мактаби, 7 та мактабгача таълим муассасаси газ тармоғига уланди. Мустақиллик йилларига қадар умумий ўрта таълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш тизими мактаб кутубхона фондидан амалга оширилган бўлиб, дарсликлар сифати ва таъминланиш кўрсаткичи паст даражани ташкил қилган бўлса, 2010 йилда умумтаълим мактабларининг 1-4 синфларини дарсликлар билан таъминлаш 100 фоизни, 5-9 синфлар дарсликлар билан таъминлаш 98.7 фоизни ташкил қилди. Дарсликлар сифатига эътибор берилган ҳолда 1 синфлар ҳар йили, 2-4 синфлар 2 йилда, 5-9 синфлар 4 йилда дарсликлар алмаштирилмоқда.

Мустақиллик йилларига қадар умумтаълим мактабларининг 20 тасида спорт зал мавжуд бўлган бўлса, 2010 йилда 32 та умумтаълим мактабларида замонавий, жиҳозланган спорт заллари билан таъминланган. Барча умумтаълим мактабларида спорт майдончалари ташкил қилинди. Мактабгача таълим муассасалари мустақиллик йилларига қадар жиҳозлари эскирган, таъмирталаб ҳолатга келган бўлса, ҳозирда Жаҳон банки гранти асосида 20 минг долларлик ўйинчоқ ва спорт жиҳозлари билан таъминланди. Мустақиллик йилларида туман мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган маънавий маърифий ишлар йўналишидаги тадбирларнинг сифат ва самарадорлиги ҳамда кўлами бениҳоят ўсди. “Ўзбекистон ватаним менинг”, “Сиз қонунни биласизми?”, “Конституция бахтимиз пойдевори”, “Келажак овози”, «Янги авлод» танловларида туман, вилоят, республика босқичларида иштирок этиб келмоқда. Ўқувчилар билан Ўзбекистон қахрамони, халқ шоири А.Орипов, марҳум халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев, Халқ шоири Усмон Азим, ёзувчи Эркин Аъзамлар билан мароқли учрашувлар ўтказилди. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан ташкил этилган «Қуралай» фольклор ансамбли 2010 йилда Янги авлод кўрик танловининг республика босқичида грантини кўлга киритди. 10-ДМИ 8-синф ўқувчиси Володина Вераника 2010 йилда «Зулфия» номидаги Давлат мукофотиغا сазавор бўлди. Шу йилларда 19 нафар ўқитувчи Давлат мукофотиغا, 67 нафар ўқитувчи Халқ таълими аълочиси кўкрак нишони билан тақдирланди.

Туманда 5 та касб-хунар коллежлари (Бойсун Қишлоқ хўжалиги ва транспорт касб-хунар коллежи, қурилиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи, Маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи, Агросаноат касб-хунар коллежи, Транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи) мавжуд бўлиб, 2629 нафар талаба таълим олади.

Мустақиллик даврида туманда 3 та касб-хунар коллежлари (Маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи, Агросаноат касб-хунар коллежи,

Транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи) янгидан куриб фойдаланишга топширилди. 2010 йилда тумандаги «Қишлоқ ва транспорт» касб-хунар коллежида талабалар ётоқхонасини капитал таъмирлаш учун 96,0 миллион сўм маблағ, «Курилиш ва иқтисодиёт» касб-хунар коллежида талабалар ётоқхонасини капитал таъмирлаш учун 76,0 миллион сўм маблағ сарфланди. Тумандаги касб-хунар коллежи 2007-2010 йилида 2845 нафар битирувчи бўлиб, 96,8 фоизи ишга жойлаштирилган. Шундан 78 нафар ўқувчи республика олий ўқув юртларида ўқишга кирган. Туманда ҳар йил касб-хунар коллежи битирувчиларининг ишга жойлаштириш бўйича белгиланган график асосида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказиб келинмоқда. Туманда касб-хунар коллежлари ўқитувчилари ўртасида “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси”, “Йилнинг энг яхши услубчиси”, “Йилнинг энг яхши психологи” танловларининг туман босқичи ўтказилиб, ғолиблар вилоят босқичига иштироки таъминланди.

Тумандаги касб-хунар коллежларининг спорт заллари замон талаблари асосида жихозланиб, спорт майдончалари чимлаштирилди. Қишлоқ хўжалиги ва транспорт касб-хунар коллежида чорвачилик ва дехқончилик йўналишлари бўйича ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилинган бўлиб, 38 гектар ер майдони ажратилган. Курилиш иқтисодиёт касб-хунар коллежида чорвачилик ва дехқончилик йўналишлари бўйича ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилиниб, 42 гектар ер майдони ажратилган. 2010 йилда Агросаноат касб-хунар коллежида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ишга туширилиб, Маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи қошида тикувчилик йўналиши бўйича кичик корхона ташкил этилди.

Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, мустақиллик натижасида халқ таълими мазмун ва маъно жиҳатдан юксалиш даражасига кўтарилди. Янги замонавий мактаблар, болалар боғчаси курилиб, асосий қисми ҳозирги таълим талаблари асосида қайта таъмирланди. Мактабларни чет эл мамлакатларининг замонавий таълим бериш ютуқлари билан яқиндан боғлаш моддий техник таъминотини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Баркамол авлодни тарбиялаш масаласида мактаб, лицей ва коллежларнинг амалий аҳамияти анча мустаҳкамланди. Олий ва ўрта таълимнинг таълим стандартлари асосида фаолияти кучайтирилиб, фан ва техника тараққиёти ишлаб чиқаришга жалб этилди. Янги замонавий таълим берадиган мутахассисларга бўлган эҳтиёж амалий жиҳатдан таъминланиб борилмоқда. Мустақилликни акс эттирувчи, ватанпарварлик туйғуси билан суғорилган тарихий, бадий асарлар яратилди.

Туманда ўқувчи-ёшларга миллий-тарихий анъаналаримизни ўргатишга ва халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Республикада катта обрўга эга бўлган «Шалола» ашула ва рақс халқ ансамбли 1967 йилда ташкил этилган. Ансамблга 1969 йилда халқ ансамбли унвони берилган. “Шалола” ансамблининг номланиши сабаб илк баҳор кунларида Бойсун тоғ этаклари ажойиб манзарани кашф этади. Тоғдаги қорлар эриб, кичик-кичик жилғалар ҳосил қилиб, пастга оқиб тушади. Сувларнинг майин шилдираши шалоладай мавжланади. Ана шундай гўзал манзара киши қалбини завққа тўлдиради. Хамюртимиз Ўзбекистон Халқ

ёзувчиси Ш. Холмирзаев ана шу гўзал манзарага қиёслаб ансамблнинг номини «Шалола» деб қўйган.

«Шалола» ашула ва рақс халқ ансамбли таркибида 10 ёшдан 60 ёшгача бўлган ёш хаваскор ижрочилар, созанда-ю хонандалар, раққосалар, устоз-хофизлар, актёрлар фаолият кўрсатади. «Шалола» ашула ва рақс халқ ансамблининг юқори натижаларга эришишининг бош сабабларидан бири, куй, кўшиқ, рақс ва ижронинг уйғунлигидадир. «Шалола» ашула ва рақс халқ ансамбли ижодий фаолияти даврида Республикамиздаги кўрик-танловларда юқори натижаларга эришиш билан бир қаторда кўплаб ижодий сафарлар ва халқаро фестивалларда фаол иштирок этиб келмоқда. 1975 йилда Польша давлатининг Закопани шаҳрида бўлиб ўтган Тоғли халқларнинг VIII жаҳон фестивалида фахрли II ўринни эгаллаган. 1980 йилда ансамблнинг дастури собиқ иттифоқ марказий телевидениясидан намоиш қилинган.

1985 йилда Болгарияда, 1986 йил Афғонистонда, 1990 йил Англияда, 1998 йил Туркияда хизмат сафарида бўлиб қайтди. Ансамблнинг асосий вазифаси ашула ва рақс йўналиши ҳисобланади. Халқимизнинг ўлмас мероси бўлган мақомларимиз, мумтоз куй-кўшиқларимиз, анъанавий ижро йўналишидаги асарларимизни ўрганиб уларни албатта келажак ёш авлодга қолдириш мақсадида хайрли ишлар қилинди ва бу ишлар давом эттирилмоқда.

«Бойсун» фольклор-этнографик халқ ансамбли, у ўзбек миллий халқ анъаналарини, мусиқа ва кўшиқларини қайта тиклашни ўзига мақсад қилиб фаолият кўрсатаётган ансамблдир. «Бойсун» ансамбли ўз дастурида қадим фольклоримизнинг бугунги замон сахнавий кўриниши орқали халқ оғзаки ижодиёти анъаналарини тиклаш ва такомиллаштириш, миллий маросимларга ҳурмат билан қараш, уларни сақлаб қолиш, эъозлашда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Истиқлол туфайли анъана ва маросимларимизни тиклаб бу кунги авлодларимизга қадимда ўзбек фольклори қандай бўлса шундайлигича куйлаш, ижро маҳоратини кўрсатиш имконига эга бўлдилар. «Бойсун» ансамбли, боболаримиз, момоларимиз қалб кўрини бериб куйлаган кўшиқларини нафақат ижро этиб, балки унга ҳозирги замон руҳини ҳам қўшиб Ўзбекистон бадиий санъатида ўзига хос услуб билан жой олган ягона фольклор мактабларидан биридир. Ўша ягоналиги туфайли «Бойсун» ансамбли йиллар давомида халқ ижодиётига, урф-одатларига маросимларига қанчалик таяниб дастур тайёрлаган бўлса, шунчалик санъат сирларини мукамал ўрганиб, катта тажрибалар тўплаб, хаваскор жамоадан профессионал даражасига чиқиб олди.

«Бойсун» ансамбли ўз репертуарида қадимий этник турмуш билан боғлиқ урф-одатлар, ўзига хос маросим ва удумларни бадиий ғоявийлигини сахнавий кўринишлар орқали янада тўлдириб, сайқал бериб ўз мухлисларига эга бўлиб бормоқда. Ансамбль халқ амалий санъати анъаналарини намоиш этиши билан бир қаторда халқ кўшиқлари, лапарлар, айтишувлар, ўлан ва ёр-ёрлар, алла айтишувларини айримлари созсиз, айримлари миллий мусиқа асбоблари ёрдамида (доира, най, ғижжак, рубоб, дутор) ёки қадимий мусиқа асбоблари (чанқовуз, сибизға, ушпуллак, қовоқноғора, лойкўза ноғора, дучўба, думбира) жўрлигида ижро этиб келмоқда.

«Бойсун» ансамблининг дастурлари асосида 1987 – йил «Бойсунда қор эриганда», «Унитилган оҳанглар», 1988 йил – «Кўпкари», 1989 йил – «Тандир,

олов, нон», «Болалар ўйини», 1990 йил – «Шарқ бозори», 2005 йил - «Бойсуннинг бир куни», номли бир-биридан ажойиб фильмконцертлар Республикамиздаги режиссиёрлар томонидан ишланган. Айни пайтда бу дурдона фильмлар Республикамиз телевиденияси орқали намойиш қилиниб келинмоқда.

«Бойсун» ансамбилида воқеликка муносабатлари ўзига хос ифодасини топган. Мавсўм ва маросим кўшиқлари ижрочи томонидан куйлашдан олдин, маросимларни уюштирадилар. Уларнинг ўтказилиш тартибларини ҳам, расим-русумларини, куй, кўшиқ ва рақсларни мавсумий маросимларга бағишлаб сайқал бериб, ижро этадилар. «Бойсун» ансамблининг ўзига хос қиёфага, хусиятларга эга бўлишининг мазмуни, халқнинг турмуш тарзини, эътиқодини, миллий руҳини, характерини чуқурроқ очиши ва урф-одатлар, маросимларига қанчалик таяниши эса мустақиллик туфайли бу жараён кучайди.

«Қуралай» болалар фольклор этнографик намунали халқ ансамбли 1991 йилда ташкил этилган. «Қуралай» болалар фольклор этнографик намунали халқ ансамбли бадий раҳбари Усмон Йулдошев ансамблнинг Қуралай деб номланишини шундай таърифлайди.

Ансамбл созандалари қадимий чолғу-асбоблардан чанковуз, сибизға, шувиллоқ, думбира, сурнай, най, доира каби мусиқа чолғуларида, Сурхон воҳасига хос урф-одат ва маросимларни тараннум этувчи куй-кўшиқларни ижро этиб келмоқда. «Қуралай» болалар фольклор этнографик намунали халқ ансамблининг миллий либослари ҳамда улар томонидан ижро этиладиган куй-кўшиқ ва рақслари билан Сурхон воҳасига хос бўлган урф-одат ва маросимларни ўзида мужассамлаштирган ансамблнинг либосларига назар ташлар эканмиз ўзимизнинг миллий кийимлардан келиб чиққан холда каштали кийимлар, лола гул дўппи пўпаклар, ковуш, мўккилардан иборат.

Мустақиллик йилларида Бойсунлик таниқли шоир-ёзувчилар ижодига алоҳида эътибор берилмоқда. Бойсун туманида миллий кадриятлар, унитилган урф-одатлардан тарғиб қилган “Бойсун баҳори” очик Халқаро фольклор фестивали ЮНЕСКО ҳомийлигида ўтгани муносабати билан Бойсун «Осмон остидаги очик музей» деб тан олинди. Бойсунда сақланиб қолган миллий кадриятлар, кўшиқлар, халқ ҳунармандчилиги, урф-одатлари “Инсоният номоддий мероси дурдонаси” деб эътироф этилди. Бойсун туманида 2002-2005 йилларда ўтказилган “Бойсун баҳори” фестивалининг баркамол авлодни тарбиялашда, аҳамияти беқиёс бўлди.

Бойсун туманида туғилиб ижод қилган ва ҳозир ҳам самарали ижод қилаётган Ўзбекистон Халқ ёзувчиси марҳум Шукур Холмирзаевнинг 60 йиллик ва 70 йиллик юбилей тантаналарининг ўтказилиши, Тожикистон Халқ ёзувчиси Саттор Турсуннинг 60 йиллиги муносабати билан ўтказилган юбилей тантаналари айниқса, Бойсунлик баркамол авлодлар қалбида янада Ватанга ифтихор, Ватан ғурури туйғуларини ўстирди. Ўзбекистон Халқ шоири Усмон Азимнинг республикада ҳамда хорижий мамлакатларида ўзининг ҳикоя ва повестлари, киносенарийлари билан шуҳрат қозонаётган Эркин Аъзамовнинг 60 йиллик тўйлари муносабати билан ўтган тадбирлари ёшлар қалбида Ватан туйғусини мустаҳкамламоқда.

Ўзбекистон Халқ бахшиси Шоберди Болтаев ижодидаги ўлмас

достонларимиз бутун Ўзбекистон халқи қатори Бойсун халқи қалбида юртга, Юртбошига садоқат ва меҳр уйғотмоқда.

Мустақиллик йилларида Бойсунлик ижодкорлар Ватанни мадҳ этувчи асарлар яратмоқдалар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Холик Хурсандовнинг драммалари, Ўзбекистон Ёшлар уюшмаси аъзоси Исмат Норбоевнинг ҳикоялар тўплами, ижодкор-ёзувчи Хидир Чоршанбиевнинг “Ватан шани” бахшиёна достонлари алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон спортчилари маънавий ва жисмоний баркамолликнинг юқори натижаларига эришиб, қадимий спорт удумлари, урф-одатларни қайта тикладилар. Спортни янада ривожлантириш соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш масаласида қонун ва қарорлар ишлаб чиқилди.

1992 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" Қонун қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамаси эса Ўзбекистонда оммавий ва профессионал футболни янада ривожлантириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, футболчиларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш, Ватанимиз футболининг халқаро нуфузини ошириш мақсадида 1993 йил 17 январда Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларининг тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида махсус қарор қабул қилинди. "Мамлакатда соғлом авлод" Давлат Дастури ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги миллий маънавиятимиз тикланиб, миллий ўйин ва спорт турлари бўйича оммавий мусобақалар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги 271-сонли "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори ҳамда "Соғлом авлод йили" комплекс режаси асосида шаҳар халқ таълими бўлимида қатор тадбирлар ўтказилди.

Туманда спортни ривожлантиришда ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2003-2004 йилларда Шўрсой маҳалласи ҳудудида жойлашган 300 ўринга мўлжалланган Болалар ва Ёсмирлар спорт мактаби 35 миллион сўмлик хомийлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ қайтадан қурилди. Ҳозирги кунда ушбу мажмуада спортнинг 14 дан ошиқ турлари, жумладан, футбол, волейбол, баскетбол, миллий кураш, эркин кураш, стол тенниси ва баддий гимнастика ва бошқа турлари бўйича доимий равишда спорт тўғараклари фаолият кўрсатиб келмоқда. Туман марказидан узоқда жойлашган ҳудудлардан ёш болалар ушбу БУС мактабида 25 ўринга мўлжалланган ётоқхоналарида яшаб спорт турлари билан мунтазам равишда шуғулланмоқда.

2004 йилда Работ маҳалласи ҳудудидан «Работ» спорт мажмуаси қурилиб, 2010 йилда спортнинг футбол, волейбол ва баскетбол турлари бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Шаҳар марказидаги «Алпомиш» ўйингоҳи қайтадан таъмирланди. 2006 йилда эса Инкабод маҳалласи ҳудудида жойлашган 22-мактабда 9x18 ҳажмдаги спорт зал, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қурилди.

Авлод қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Сариосиё маҳалласи ҳудудидан хомийлар томонидан спортнинг футбол, волейбол ва баскетбол майдонлари қурилиб фойдаланишга топширилди. 2007 йилда Мустақиллик

махалласи худудида жойлашган 39-мактабида 9x 18 ҳажмдаги зал, Дуоба маҳалласи худудида жойлашган 17-мактабида 9x18 ҳажмдаги спорт зал, Даштиғоз маҳалласи худудида жойлашган 20-Болалар ва Ўсмирлар спорт мактабида 12x24 ҳажмдаги спорт зал қурилиб ишга тушурилди.

Бойсун туманда жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор берилиб катта ютуқларга эришилмоқда. Туман ҳокимлиги қарашли умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида талаба ёшлар ва ўқувчиларни мунтазам спорт билан шуғулланишлари учун 37 та, 12x24, 18x9, 2 та 36x18 ҳажмдаги спорт зал, 49 та футбол майдонлари, 1 та спорт стадион, 19 та баскетбол, 16 та кўл тўпи, 61 та волейбол, 12 та энгил атлетка ядро фойдаланиш учун майдонлар доимий фаолият юритмоқда. Мазкур спорт зал ва майдонларда жами спортнинг 16 тури бўйича 324 та спорт секция, спортнинг волейбол, баскетбол, кўл тўпи, футбол, стол теннис, баддий гимнастика, спорт гимнастикаси, миллий кураш, белбоғли кураш, дзюдо, эркин кураш, энгил атлетика, шахмат, шашка, мини футбол турлари бўйича талаба ёшлар ва ўқувчилар узлуксиз шуғулланиб келмоқдалар.

Умумтаълим мактабларининг 21 тасига Умуммиллий Давлат дастури асосида 37 хилдаги спорт асбоб-анжомлари билан таъминланди. Тумандаги 17-, 20-, 22-, 39-, 52-умумтаълим мактабларида Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси томонидан 12x24, 18x9 ҳажмдаги спорт зал қурилиб, тўлиқ ҳолда спорт жихозлари билан таъминланди. Туманда «Умид ниҳоллари», «Қувноқ стартлар», «Кураш шоу», «Отам, онам ва мен» спорт турлари бўйича Камолат биринчиликлари, спорт турлари бўйича туман биринчиликлари, умумхалқ байрамларига бағишланган спорт мусобақалари, Халқаро болалар куни муносабати билан мусобақалар ўтказилиб келинмоқда. Туманда 2005 йил 20-сонли спорт мактаби ишга туширилиб, туманда Алпомишлар авлодини вояга етказишга муносиб хисса қўшиб келмоқда.

Миллий кураш бўйича жаҳон мутлоқ чемпиони Тоштемир Абдуллаев, Миллий кураш бўйича бир неча марта жаҳон мутлоқ чемпиони, Олимпиада кумуш медал совриндори Абдулло Тангриев, кураш бўйича республика 1-чемпиони Давлат Чориев, 2008 йил Туркияда ўтказилган ёшлар ўртасида Кураш мусобақасида 1-ўринни эгаллаган БУСМ шуғулланувчиси Ғаниев Баходир ва Фарход Тўраевлар республикамиз байроғини жаҳонда кўтариб, Бойсунликларнинг ҳам фахри хисобланади.

Туманда ўтказилган 2010 йилда Барчинойчи қизлар клуби ўртасида ўтказилган бахсда тумандаги спорт клублардан қарийб 233 нафар Барчинойчи қизлар мусобақада турли вазн тоифаларда қатнашиб, фахрли биринчи ўринни эгаллаган шуғулланувчи полвон қизлар вилоятда ўтказилган бахсларда йўлланма олиб, 1 та биринчи, 2 та иккинчи ўринларни эгаллаб қайтишди. 8-март Халқаро Хотин қизлар байрами муносабати билан 2010 йилда вилоятда ўтказилган спортнинг энгил атлетика мусобақасида тумандаги 4-, 33-сонли умумтаълим мактаб жамоаси вакиллари фахрли 1-, 2-, 3-ўринларни турлар бўйича эгаллаб, вилоятда мазкур тур бўйича умумжамоа бўйича 2-ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Туман ўқувчилари спортнинг волейбол ва стол тенниси тури бўйича 8 нафари 2003 йил Хоразм вилоятида ўтказилган Республика босқич

мусобақаларида, 2006 йил Қашқадарё вилоятида ўтказилган Республика босқич мусобақаларида 12 нафар, 2009 йил Сирдарё вилоятида ўтказилган Республика босқич мусобақаларида 11 нафар ўқувчилар мусобақаларда иштирок этиб, турли хилдаги номинациялар билан тақдирландилар.

БУСМнинг шуғулланувчилари 2005 йил «Очиқ гилам» вилоят биринчилигида 6 нафар ўқувчилари турли вазн тоифаларида 1-ўринни эгаллаб, Фарғона вилоятида ўтказилган мусобақада иштирок этиб, 2 нафари 2-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. «Умид нихоллар» спорт мусобақаларининг 8-9 синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган спорт турлари бўйича мусобақада тумандаги БУСМнинг ўқувчилари спортнинг стол теннис тури бўйича 1-ўринни, кураш тури бўйича 2-ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар ва республика босқич мусобақаларига йўлланма олдилар. «Баркамол авлод» спорт мусобақасида тумандаги касб-хунар коллежи талабалари спортнинг волейбол тури бўйича 1-ўринни, кураш ва енгил атлетика турлари бўйича 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Бойсун туманда маданий-маърифий ишлар соҳасида катта ижобий натижаларга эришилмоқда. Туманда 8 март Халқаро хотин-қизлар куни муносабати хар йили барча қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва шаҳар маҳалла фуқаролар йиғинларида «Ибратли келинчак» кўрик- танлови, касб-хунар коллежлари талаба қизлари ўртасида «Менинг сочим-менинг гўзаллигим», «Оқида қиз» кўрик-танловлари ўтказилиб борилди. «Наврўз» байрамини ҳам муносиб кутиб олиш мақсадида туман хотин-қизлар кўмитаси туман маҳалла маслаҳатчилари билан биргаликда бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, узоқ йиллар туманда фаолият юритган фахрий аёлларнинг ҳолидан хабар олинмоқда, бир қатор мурувват тадбирлари ўтказилиб борилди.

Бойсун қишлоқ фуқаролар йиғини Инкабод маҳалласида ҳам катта тадбир ўтказилиб, Сариосиё туманида бўлган воқеаларда халок бўлган Машраб Бобоевнинг ота-онаси ҳолидан хабар олиниб, уларга туман ҳокимлиги ҳамда мудофаа бўлимининг совғалари топширилди. «Наврўз» байрами муносабати билан барча маҳалла фуқаролар йиғинларида «Отам, онам ва мен спортчилар оиласи» шиори остида спорт мусобақалари ҳамда спортнинг миллий турлари бўйича спорт мусобақалари ўтказилди, ғолиблар хомийлар томонидан тақдирланди. Хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилиб борилмоқда. Хотин-қизлар ўртасида кураш мусобақалари, турли байрамлар арафасида спортнинг турлари бўйича Хотин-қизлар спартакиадалари, қизлар ўртасида теннис спорт тури бўйича «Камолот маликаси» номли мусобақа ўтказилиб келинмоқда. Спортнинг нафис тури бўлган бадий гимнастика ривожига алоҳида эътибор қаратилган.

Умуммиллий маънавий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдириш, қадимий ва бой тарихимиз, бебаҳо меросимизга ёшлар қалбида меҳр-муҳаббатни кучайтириш, халқимизнинг юксак маънавий қадриятларидан бири устоз-шогирд муносабатлари орқали амалий безак санъатининг гўзал, беқиёс турларидан бири бўлган, жойларда йўқолиб бораётган каштадўзлик, дўппидўзлик санъатини асл ҳолида асраб қолиш ва ёш авлодга санъат сир-асрорларини тарғиб этиш орқали маънавий оламини бойитиш, ўз хунарини,

бетакрор, гўзал санъатини келгуси авлодга безавол етказиш мақсадида ижод қилаётган кекса авлод вакилларининг меҳнатини қадрлаш, уларга эътибор ва уларни рағбатлантириш, дўппидузлик санъати билан шуғулланиб келаётган ёш хунарманд қизларимизнинг ўз истеъдодини намоёни қилиш, ижодий ишлари билан кўрғазмаларда иштирок этиш имконини яратиш, янги иш ўринларини кўпайтиришга эришиш мақсадида «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан» кўрик танловининг туман босқичи ўтказилиб борилмоқда.

Тадбир тумандаги умумтаълим мактабларда ва касб-хунар коллежларда тахсил олаётган иқтидорли ва истеъдодли қизлар иштирок этганликлари ҳамда мазкур танлов иштирокчи қизлар Танишув, Фалсафий қарашлар баёни сахнавий кўриниши, Энг қадимий ва энг замонавий бош кийим, Энг қадимий дўппидўзлик анжومي, Дўппилар ва либослар кўрғазмаси, Дўппилар кўрғазмасини ташкил этиш каби шартлар асосида ўтказилиб борилмоқда. 2008 йилда ушбу кўрик-танловнинг вилоят босқичида Бойсун Агросаноат касб-хунар коллежи талабаси И.Рустамова ғолибликни қўлга киритди ва республика босқичида иштирок этиб, фахрли 2-ўринни эгаллаб қайтди.

Хар йили 7 апрел – “Саломатлик куни” муносабати билан тумандаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида тадбирлар уюштирилиб, тадбирда кўпроқ хотин-қизлар ва ёшлар жалб этилади. 15 май «Оила куни» муносабати билан ҳам оила муқаддаслиги мавзусида давра-суҳбатлари, оилалар ўртасида спорт мусобақалари ва учрашувлар ташкил этилади.

1-июнь-Халқаро болаларни химоя қилиш куни муносабати хар йили «Сурхоннинг жажжи гўзали» кўрик-танловини туман босқичи ўтказилади. 2009 йилда ўтказилган ушбу кўрик-танловда 1-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси Хамдамова Севинч 1-ўринни эгаллаб, вилоят босқичига қатнашиб, олий ўринни эгаллаб, вилоят хотин-қизлар кўмитасининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлари билан тақдирланди. 2010 йилда ҳам ушбу кўрик-танловнинг вилоят босқичида 8-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси Назарова Шахризода иштирок этиб, фахрли ўринни эгаллаб қайтди.

VIII. БОБ. БОЙСУНДА АДАБИЙ МУҲИТ (1960-2010-йиллар)

*Уламолар суҳбатида бўл, пок, соф
ниятли кишиларга талпин.*

“Амир Темури ўғитлари”

Бойсунда мустақиллик йилларида адабиёт, фан ва бахшичилик, фольклоршунослик, санъат соҳасида маълум юксалишлар кўзга ташланади. Бу йилларда адиб ва шоирлар, санъат ва фольклоршунослик, бахшиларнинг сермахсул ижод даври бўлди. Истиқлол Бойсун воҳасида адабий ҳаракатчилигига янги-янги номларни инъом этди. Кўплаб ижодкор ёшлар адабиёт оламининг сеҳрли ирмоқларига илк қадамларини қўйдилар.

Бойсунда адабий муҳит асосан 1960-йилларда Шукур Холмирзаев, 1970-йилларда Эркин Аъзимов, Усмон Азамов, Саттор Турсуний ва мустақиллик йилларида кўпроқ ёшлар ижод қилдилар. Уларнинг кўпларини биринчи шеърий тўпламлари, хикоялари нашр этилди. Ҳақиқий адиб ҳаётнинг мазмуни сўзга

содикликда намоён бўлади. Адабиётга садоқат-ҳақиқатга садоқатдир.

Шукур Холмирзаев 1940-2004 йилларда яшаб ижод қилган. Ўзбекистон қаҳрамони шоир Абдулла Орипов куйидаги фикрни қайд этган эди: «Қоғоз қоралаб юрган ҳар кимни ҳам, мен ёзувчиман, деб даъво қиладиганларнинг ҳаммасини ҳам ҳақиқий ёзувчи деб бўлмайди. Ҳақиқий ёзувчининг тимсолини биз Шукур Холмирзаевга ўхшаган адиблар мисолида кўрамиз. У том маънодаги ёзувчи эди. Ёшларимиз жаҳон адабиётини Шукур орқали ўрганишлари керак. Чунки, унинг асарларида жаҳон адабиётининг энг илғор анъаналари юксак даражада мужассам бўлган. Шукур Холмирзаев адабиётимизда ўз мактабини яратди».

Дарҳақиқат адиб ўзбек ҳикоячилигида беназир бир мактаб ярата олди. Бу эса катта истъедод қатори катта меҳнат, катта муҳаббатни талаб қиладиган машаққатли масъулият эди. Унинг бетакрор ҳикояларида ўзбек миллий руҳининг улуғвор манзаралари тирик суръатларда акс этди. Миллийлик унинг асарларида етакчи кучдир. Ўзбекнинг мардлигини куйлаган адиб, у ўзбек тилининг бойлигини намоён қилган ва бу тилнинг хайратингиз мўжизалари билан шу халқ руҳиятининг юксак қирраларини-мардлиги тантилиги, мағрурлигини ўзига хос тарзда маҳорат билан баддий талқин этди.

Шукур Холмирзаевнинг ҳикоя ва қиссаларида, бир томондан, ёшлик ва талабалик йилларининг ўзига хос романтикаси ифадаланган бўлса, иккинчи томондан, ёзувчи туғилиб ўсган Бойсун туманида яшовчи турфа табиатли кишилар ҳаёти, жамиятда ва улар руҳий оламида кечган кураш ва ўзгаришлар ўзининг баддий талқинини топди. Кейинчалик Бойсун ва бойсунликлар ҳаёти Шукур Холмирзаевни ижодининг асосий мавзуси даражасига кўтарилиб, ёзувчи ижодида реалистик тасвирининг устувор йўналишига айланишида муҳим омил бўлди. Холмирзаевнинг воқеликдаги мураккаб ҳаётини жараёнлар ва кишиларнинг зиддиятларидан иборат руҳий оламини кашф эта боргани сайин унинг дастлабки ҳикоя ва қиссаларидаги романтик пафос энди ўз ўрнини реализмга бўшатиб берди ва ёзувчининг ўзбек адабиётига «Шавқатсиз реализм» унсурларини олиб киришига имконият яратди. Шукур Холмирзаев 1980-1990 йилларда яратган асарларида мазкур даврдаги жамият ва халқ ҳаётининг чуқур баддий тахлилини берди.

Шукур Холмирзаев «Сўнги бекат» (1976), «Қил кўприк» (1984), «Йўловчи» (1987), «Олабўжи» (1992), «Диназавр» (1- китоб, 1996) сингари романларини ёзди. Ш.Холмирзаевнинг «Сўнги бекат», «Йўловчи» ва «Олабўжи» романларида совет жамиятининг 1970-1980 йилларига келиб ичдан емирила бошлагани Эркин баддий образлар орқали акс эттирилади. Бу романларда кўтарилган ижтимоий масала ёзувчининг «Диназавр» романида ўзининг янгича баддий талқинини топди. Совет давлатининг халқпарвар давлат эканига, у олиб борган ички ва ташқи сиёсат халқ ва мамлакат манфаатига хизмат қилувчи сиёсат эканига астойдил ишонган кишининг ҳаёти ва руҳий оламидаги зиддиятлар кураши тасвири мазкур романнинг марказида туради.

Шукур Холмирзаев ёзувчилар орасида биринчилардан бўлиб ўзбек халқи тарихининг «Босмачилик ҳаракати» деб атаб келинган даврини ўргана бошлади. Ёзувчининг «Қил кўприк» романи ва «Қора камар» (1987) пьесасида шу мавзу ўз ифодасини топди. Уларда адашган кишилар фожеаси образлари эркин

гавдалантирилган. Унинг «Қора камар» номли драмаси ёзувчига катта шуҳрат келтирди. Шукур Холмирзаев пьесаси асосида Аброр Хидоятлов номидаги Ёшлар театрида сахналаштирилган «Қора камар» спектакли ёш авлодга тарихий ўтмишга янгича ёндашиш майлининг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнади. Шукур Холмирзаевнинг ўзбек хотин-қизларининг совет давридаги фожиали тақдирига бағишланган «Зиёфат» пьесаси ҳам ёшлар театрида сахналаштирилган (1990).

Шукур Холмирзаев сўнгги йилларда Ш.Бурхонов, Б.Зокиров, Р.Чориев, Шуҳрат, О.Ёқубов, У.Умарбеков, А.Орипов, М.Қўшжонов сингари таниқли адабиёт ва санъат намоёндалари ҳақида эсселар ва адабий танқидий мақолалар ёзди. Шукур Холмирзаев роман жанрида бир қатор асарлар ёзгани ва бу асарлар шу давр ўзбек романапислиги тарихида муайян ўринга эга бўлишига қарамай, аввало хикоянавис у ўз хикояларида А.Қодирий, А.Қаххор каби ўзбек ёзувчиларининг энг яхши анъаналарини давом эттириш билан бирга ўзбек хикоянапислигини рус ва Европа ёзувчиларининг бадий тажрибалари билан ҳам бойитди. Холмирзаевнинг энг яхши хикоялари қахрамон образининг янги ва ёрқинлиги, композициясининг ўзига хослиги, қахрамонлар тилининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

Совет ҳокимияти йилларида ижодкорларни бобокалони ўзининг серқирра ижоди билан Бойсун ёзувчи-шоир ва адибларни бошлаб берди. Бойсун туманида туғилган шу ерда мактабни тугатиб, Тошкент давлат университетида тахсил олди. У мактабда ўқиб юрганидаёқ ўз иқтидорини намоён этган эди. «Тўлқинлар» (1963), «Ўн саккизга кирмаган ким бор?» (1965), номли насрий асар, қиссалари, «Олис юлдузлар остида», «Ҳаёт абадий», «Оғир тоғ кўчса» номли хикоялар тўплами, «Бодом қишда гуллади» (1968), «Сўнмас ўт» (1985), «Тоғларга қор тушди» (1987), ҳамда «Кўчки» асарларини яратди. У 1989 йилда Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотига, 1991 йилда Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвонига сазовор бўлди. «Шуҳрат» медали билан мукофотланган.

Усмон Азим (тахаллуси, асл исми шарифи Азимов Усмон) 1950 йил 13 августда Бойсун туманида туғилган. 2000 йилда Ўзбекистон халқ шоири, драматург. Тошкент давлат университетини журналистика факултетини 1972 йилда тугатган. Республика радиосида муҳаррир катта муҳаррир ва бош муҳаррир ўринбосари. (1976-1989), Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилоят бўлимида масъул котиб (1989-1990). Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида сектор мудири, етакчи консультант, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси (1991-1994). 2003 йилдан Ўзбек миллий академик драма театрида адабий эмакдош.

Илк китоби-«Инсонни тушуниш» (1979). Шундан сўнг шоирнинг «Ҳолат» (1979), «Оқибат» (1980), «Кўзгу» (1983), «Суръат парчалари» (1985), «Дарс» (1985), «Иккинчи апрель» (1987), «Бахшиёна» (1989), «Фаройиб аждархо» (1990), «Уйғониш азоби» (1991), «Ғусса» (1994), «Узун тун» (1994), «Бор экан-да йўқ экан» (1995), «Сайланма» (1995), «Кўз» (2001) каби шеърини ва «Жоду» (2003) насрий тўпламлари нашр этилган.

Усмон Азим шеърининг уфқини кенгайтириб, насрий шеърлардан бармоқ вазнигача бўлган турли вазнларда ижод қилади. Дастлабки шеърларида инсоннинг давр ва жамият ҳаётидаги ўрнини тушунишга, даврнинг оғриқли

масалаларига эътибор қаратди ва шу жараёнда минбар шеърляти унсурларидан фойдаланди. Кейинчалик шоир ижодида воқеликни фалсафий-тарихийлик воқеа-ҳодисалари орқали идрок ва тасвир этиш махоратини кучайиб борди. 1980 йиллар ижодида кўзга ташланган бахшиёна Рух шеърлятида янги бир йўналиш яратилишига туртки бўлди. 1990 йилларга келиб унинг ижодида кескин ўзгариш юз берди ва шеърлярида суфиёна кайфият акс этди.

Усмон Азим «Бахтли бўлайлик», «Хужжатли филм-учун сюжет», «Баходир ва Малия» сингари радиопьесалар ёзган. У ана шу тажрибадан фойдаланиб, 1990 йилларда драматургия билан жиддий шуғулланди ва «Бир қадам йўл», «Кундуссиз кечалар», «Бозор» (1997), «Алпомишнинг қайтиши» (1998), «Жазава» (2000), «Бахт куши» (2002), «Ўтган замон хангомалари» (2003) пьесаларини ёзди. Бу пьесаларнинг аксари Ўзбек миллий академик драма театрида сахналаштирилган. Усмон Азим бу пьесаларида сахна қонуниятларини яхши хис этувчи, драматург сифатида намоён бўлди. Айни пайтда у ҳам тарихий, ҳам психологик драмалар, ҳам оғзаки ва ёзма адабиёт намуналари асосида замонавий сахна асарларининг ярата олиш истеъдодини намоёиш этди. Усмон Азим шунингдек, кинодраматургияда ҳам қалам тебратиб, «Алишер Навоий» кинокиссаси (1990), «Алпомиш» кинодостони (1997), «Севги» (1998), шу номли хикоя асосида) ва 2-серияли «Алпомиш» (2000) фильмларининг сценариясига муаллифлик қилган Поль Элюар, В.Ваҳиетис, Х.Догларжа, А.Вознесенский, Ю.Марцинкявичюс ва бошқа шоирларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Шеърляри инглиз, францз, немис тилларида таржима қилинган. Маяковский номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлган (1982). «Дўстлик» ордени (1998) билан мукофотланган. Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим 2010 йилда “Фонус” шеърлий тўпламинини нашр этиб, ушбу тўпламда ватан, ҳаёт, инсон тақдирлари, севги-муҳаббат, ҳиммат, садоқат, табиат ва бошқа мавзуларда битилган руҳий кечинмалар ҳақида фикр юритган. Шоир “Ватанни севмоқ иймондандир” ҳадисига амал қилиб, инсон борлиғи моҳиятини, ҳаёт мазмунини, маънавиятнинг мағзи-мағзини ифода этган. Унинг тафаккурида ватансиз ҳаётнинг мазмуни йўқлиги, ватаннинг тинчлиги, инсон қалби билан боғлиқ эканлиги ҳақида мулоҳазалар, фикрлар берилган.

Эркин Аъзам (Азамов Эркин) 1950-йилда туғилган. Замонавий ўзбек адабиёти тараққиётига муносиб хисса қўшиб келаётган истеъдод сохиби ижтимоий ва абадий фаолятида ҳамиша самимийлик, ростгўйликка амал қилади. Қатиятли, талабчан етук малака сохиби бугунги куннинг ижтимоий-сиёсий муаммоларини теран англайди. Уларга изчиллик ва фаоллик билан ёндашади. 1972 йилда Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битириб, 1972-1976 йилларда Ўзбекистон радиосида, 1976-1981 йилларда «Гулистон» журналида, 1981-1986 йилларда «Ёшлик» журналида, 1986-1992 йилларда Ғафур Ғуллом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида ижодий фаолят кўрсатиб, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари, «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири бўлиб ишламоқда. «Чироқлар ўчмаган кеча» номли илк хикоячилар тўплами 1977 йилда нашр этилган. «Отойнинг туғилган йили» (1981), «Олам ям-яшил» (1984), «Жавоб» (1987), «Мир все в цветах» (1989), «Байрамдан бошқа кунлар» (1988), «Пакананинг ошиқ кўнгли» (2001), «Кечикаётган одам» (2002), «Эртак

билан хайрлашув» (2007), «Жаннат ўзи қайдадур» (2007) китоблари адабиёт мухлисларига яхши таниш.

Мустақиллик йилларида унинг асарлари асосида «Чатриморэ», «Пиёда», «Дилхирож», «Эркак», «Забаржад», «Сув ёқалаб», каби бадий фильмлари яратилди. «Ўзбекистон Республикасида хазмат кўрсатган журналист» (1998) фахрий унвонига сазовор бўлди. Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати(1994-1999) этиб сайланди.

Тохир Усмон (Усмонов Тохир) Бойсун шаҳридаги «Шайит» қишлоғида 1932-йилда туғилган. 1958 йилда Самарқанд давлат университетини ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирди. Мохир тажрибали педагог. У ўқувчилик ва талабалиқ йилларидан бошлаб ижод билан шуғулланиб, «Сўнмас ўт», (ёзувчи Шукур Ҳолмирзаев билан ҳамкорликда ёзилган(1984), «Кўчки» (1990), «Кураш йиллари» (1992) (марҳум Норқул Хайитқулов билан ҳамкорликда ёзилган) «Суронли йиллар қиссаси» (1995) «Бойсун баёзи» (1996) (ҳамкорликда) каби бир нечта тарихий- публицистик китоблар муаллифидир. У ижодкор-ўқитувчи. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси. «Шуҳрат» медали билан тақдирланган. (1994).

Саттор Турсун 1946-йилда Пасурхи қишлоғида туғилган. Тожикистонда яшаб, ижод этаётган, асл Бойсунлик тожик адабиёти саҳифасида ўз усули билан мустаҳкам ўрин эгаллади. Адиб асарларидаги мавзу ва ғоялар оламида инсон тақдири тасвирининг аниқ кўламида аксар вақт Сурхон воҳаси содда кишиларининг турмуш тарзи ҳаёти акс этади. Саттор Турсун Сурхон хусусан Бойсун воҳаси билан доимий алоқада, ўз она юрти андишалари билан яшайди. Воҳа кишиларининг ютуғидан чексиз масрур бўлиб, қалбида ғурур сезади.

Тожикистон ҳукумати номидан Бойсунда ўтказилган «Бойсун бахори» (2005) халқаро фольклор фестивалига атаб ўтказилан илмий анжуманда иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан фикрлашди. 1970 йили Тожикистон давлат университетини битириб, «Садойи Шарқ» журнали билан ўз тақдирини узвий боғлади. Таниқли ёзувчи ҳозирда «Помир» журналида муҳаррирдир. Унинг илк хикоялари мажмуаси «Дили гарм» («Иссиқ қалб») (1971) номида чоп этилган бўлса, иккинчи китоби «Сукути куллохо» («Чўққилар сукути») (1974) номида кутубхонларга тақдим этилди. Унинг «Камони Рустам» (1976), «Пайванд» (1976), «Аз субхтошом» («Тонгдан шомгача») (1979), «Барф ҳам мегузарад» («қор ҳам ўтади») (1983), «Мегуянд ки модарам...» (« Айтишларич онам») ва бошқа асарлари дунёга келди. Айниқса ёзувчининг «Се рўзи як бахор» («Бир бахорнинг уч куни») романи унга катта шуҳрат келтирди.

Холиқ Хурсанд ўғли 1945-йилда туғилган. Ўзбек фольклорчилигининг Бойсун-Сурхон воҳаси йўналиши бўйича ижод қилиб, тоғли худудлар халқ оғзаки ижодиёти, қадимий удумлар рақслар, кўшиқлар ва маросимлар соҳасида ўзини истедодини намоиш этган. Сурхон воҳасида, балки мамлакатимизда ўз усули билан мустаҳкам ўрин эгаллади. Айнан унинг ташаббуси, изланиши ва саъй ҳаракати билан 1986 йилда «Бойсун фолклор-этнография халқ дастаси» ташкил этилди ҳамда баддий раҳбар бўлди. Халқ дастасининг барча ютуқлари унинг санъат соҳасидаги ижоди билан бевосита боғлиқдир. Ўзбек халқининг йўқолиб бораётган қадимий маданий мероси: қадимий рақслар, қадимий кўшиқлар, қадимий урф-одатлар ўрганиб, қайта тирилтириб сахнага олиб

чиқишдек мураккаб соҳани охирига етказди. «Суст хотин», «Наврўз», «Хўп майда», «Чорлов», «Лола сайли», «Якку-як», «Уфу-жақала», «Келгин ёр» каби кўшиқлари ва рақслар намоиш этилди.

У болалигидаёқ тарих, адабиёт фанларини, санъатни севиб ўрганди. Бу соҳада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевни ўзини устози деб билади. Илк хикояси 1969 йилда «Гулистон» журналида босилган. «Республика «Ёшлик» журналида, «Чопон кийган аёл» (1998) тарихий романи босилиб чикди. «Ўлганлар ёлғон, гапирмайдилар», «Қиёматдан бир кун олдин» романлари, «Нидо», «Мухаббат кўр туғилади» қиссалари чоп этилди.

У драматик асарлар ёзади. «Кампир топайми дадажон», «Мухаббатим қисматим», «Ўлдинг азиз бўлдинг», «Хотинимнинг уч шайдоси», («Топталган туйғу») драматик асарлари Фарғона, Каттақўрғон, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоят мусикали драма театрларида кўйилди. Республикадаги «Муқимий мусикали драма театрида» «Хотинимнинг уч шайдоси», «Топталган туйғу» Ўзбекистон Республикаси академик театрида, режиссёр М. Умаров билан ҳамкорликда «Аёлгу» асари сахналаштирилиб кўйилди. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Маданият ходими.

Юсуф Вализода Дарбандий (Юсуф Валиқулов) 1936 йилда Бойсуннинг сўлим Дарбанд қишлоғида туғилган. Душанбе давлат университетини 1958-йилда битириб, у ўзбек ва тожик тилларида ижод қилади. Фалсафа фанлар номзоди, доцент Зуллisonайин ижодкор. Унинг кўплаб шеърлари, ғазаллар, мухаммаслар ҳамда абадий, публицистик ва илмий мақолалари босилиб чикди.

Мохир таржимон ҳамдир. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигига бағишланган «Сурхон қасидаси» (2000), шеъри унга шуҳрат келтирди. «Фидо айлай», « Бўлиб муштоқ висолингдан», ва бошқа шеърлари матбуотда эълон қилинди. Мохир таржимон сифатида Навоий (Фоний тахаллуси билан форс тилида ёзган) ғазалларини шунингдек, Камол Хўжандий, Хилолий, Жалолиддин Румий, Хозик ва бошқалар шеърларини ўзбек тилига таржима қилди. Луфтий, Саккокий, Хабибий, Чустий, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Жуманиёз Жабборов, Тўлқин, Марям Турдиева, Моҳидил Каримова ва бошқалар шеърларини тожик тилига таржима қилди. Бойсун воҳа қадриятларининг жонкуяр тарғиботчиси, адабиёт ихлосманди.

Хидир Сувоний (Чоршанбиев Хидир) Бойсун районидаги Пулҳоким қишлоғида 1949-йилда туғилди. Тошкент Қишлоқ хўжалиги ирригация ва механизациялаш институтини 1973 йилда (ТИИИМСХ) битирди. Узок йиллар давомида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатди. Шу билан бирга адабиёт майдонида ҳам баракали ижод қилиб келди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, устози Шукур Холмирзаев унга ижодий баркамоллик тилаган. Унинг «Бойсунга кел», «Алпомишнинг ори», «Алпомишнинг меҳри», «Бойсун менинг кўшиғим», «Бойсун оханглари», «Ўзбекнинг ўз алпи бор» каби китоблари чоп этилган. Хассос ижодкор «Бойсун бахори» халқаро фольклор фестивали мадҳияси матнининг муаллифи.

Полвон Шоимов Бойсун районидаги сўлим Дарбанд қишлоғида 1931-йилда туғилди. Душанбе давлат университетини 1952-йилда битирди. Узок йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлади. Ўлкашунос, қадимшунос, тарихнавис, манбашунос ижодкор юзлаб илмий тарихий манбаларни чуқур ўрганди. Унинг

«Темир дарвоза тоғлари» (1975), «Дарбанд темир дарвозаси» (1977), «Темир дарвоза ёнида» (1982), «Дарбанд оператсияси» (1984), «Яна Дарбанд ҳақида» (1990), «Дарбанди Оханин ҳақида» (1994), «Дарбанддаги жой номлар топоними» (1998), «Йўллар ва Ёзувлар» (2000) каби тарихий мақолалари чоп этилди.

«Дарбанд-қадимий макон» (1999), «Музработ-қадимий диёр» (2002) китоблари нашр этилди. Таниқли археология олимлари академиклар Г.У.Пугаченкова, Э.Т.Ртвеладзе, Балхиной Кармишева, Зоя Аршавская, Тўхташ Аннаев, Шоймардон Рахмонқулов, Француз олими Клод Ранен билан ҳамкорликда Дарбанд тепа, Сополли тепа, Кампиртепа, Жарқўрғон, Фаёзтепа, Қоракамар, Модун, Бобурқалъа, Мунчоқтепа каби тарихий абидаларни ўрганишда шахсан иштирок этди. Қарши, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Хоразм, диёридаги тарихий обидаларни ўрганиш бўйича ўтказилган илмий-анжуманларда қатнашди. Фидойи қадимшунос хали ёзиб улгурмаган жуда кўп тарихий манбаларни ёзиб қолдира олмади, афсус ўзи билан олиб кетди. Начора...

Бойсуннинг табиат шайдоси, хикоянавс ёзувчи **Исмат Норбоев** «Чинор» қишлоғида 1938-йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг журналистика факултетини 1972-йилда битирди. Кўп йиллар Бойсун туман газетасида мухбир бўлиб ишлади. Унинг «Тоғ хикоялари» (1982) илк тўплами «Тоғ сўқмоқларида» (1987) китоби нашр этилди. Унинг ижодий камолоти, адабий парвози ўз йўналишига ўз йўлига хос аломатларда намоён бўлди. Унинг хикояларида тасвирини топган воқеа-ходисалар жозибаси китобхон қалбида узоқ сақланиб қолади. Ва синчков ўқувчини қаноатлантира олиш кучига эга. Унинг қаламига мансуб «Ўрикзор», «Дўл урган турна», «Суғур», «Қайтиш», «Ўлжа арилари», «Хандак асири», «Ўткирнинг бобоси», «Ўзини отган айиқ», «Қайф қилган бўрсик», «Довюррак бола» ва бошқа хикояларининг мавзулари асосан табиат мўъжизалари-ҳайвонот оламига бағишланган. Унинг хикояларининг бош қахрамони айиқ, бўрсик, суғур, каклик, ёввойи чўчка, ит, ари, бўри, тоғ эчкиси, кийик, турна, чил, каклик барчаси ҳайвонот олами аъзолари.

Табиат гўзалликларини куйлаган ижодкор, табиатга ошуфта кишиларни олқишлайди. Табиат дунёсини ва наботот оламини асраш, уни келажак авлодларга безавол етказишдек ҳалол ҳамда ҳолис бир ният билан яшайди. Унинг «Қоплон ва қоплончалар» ва «Довонда» хикояларида инсон ва ҳайвонот оламидаги муносабат тўқнашувлар тасвирланади.

Нарзулла Орифий (Орипов Нарзулло) Бойсун районидаги «Кўрғонча» қишлоғида 1947 йил туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика институтини битирди. Фалсафа фанлар номзоди, зулласонайн ижодкорлардан. «Қишлоқ маданиятини юксалтиришда ўқитувчи зиёлиларнинг роли» (1983), номли илк публицистик тўплами нашр этилган. Унинг «Хофиз даллол» (1991), «Эссиз Наполеон» (1996), «Узоқ яшаш сири» (2000), «Аз ягаам наражед», («Янгамдан ранжиманг», (2000), «Элим юртим деб яшаса одам» (Б.Ёриев билан муаллифликда) (2001), «Эзгуликка бешиқдир дунё» (2008), «Яхшилиқдан қайтар яхшилиқ (2006), «Югурдак» (2008) каби тўпламлари китобхонларга тақдим этилган.

Ижодкорнинг болаларга атаб ёзган айрим шеърлари «Қирк оёқ ва қирк пайпоқ» (1990) тўпламдан ҳам жой олган. Унинг хикояларида ва шеръларида етакчи мавзу халоллик, поклик, комиллик бўлиб, яхшилик, эзгулик ғоялари баён этилган. У ўз шеърларида кишиларни камтарликка чорлайди. Худди шу хислатлар кўпроқ раҳбарларга тегишли эканига ҳам очиқ ишора қилади. Унинг китоблари Ўзбекистон ва Тожикистондаги «Чўлпон», «Ғафур Ғулом», «Янги аср авлоди», «Жайхун», «Насаф», «Адиб» каби нашриётлардан чоп этилган.

Арбоб Чош (Чошев Арбоб) 1934-1978-йилларда яшаб ижод этиб, Бойсун районидаги «Сайроб» қишлоғида туғилган ва ижод қилди. Мактабдан кейин дастлаб Термиз педагогика билим юртида ўқиб, ундан сўнг сабоқ олишни Тошкент давлат университетидан давом эттирди. Олийгоҳни битириб, Тошкент халқ хўжалиги ва Қарши давлат Педагогика институтларида «Сиёсий иқтисод» фанидан маърузалар ўқиди. ЗуллISONийни ижодкор, ўзбек ва тожик тилларида ижод қилди. Ижодкор шоир ўз табиати билан шеърият шайдоси бўлиб, унинг «Сурхон баҳори» (1995) шеърлар тўплами таниқли ижодкор Жума Арабовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли нашр этилди. Тўпламдан шоирнинг турли даврларда ёзган ғазаллари, рубойлари, тўртликлари, айниқса Фузулий, Чустий ва Мушкин ғазалларига битилган муҳаммаслари эътиборга лойиқдир.

Ахмад Эргашев Бойсунлик ижодкор бўлиб, тоғли Мачай қишлоғида 1947 йилда туғилган. Туман марказидаги 1- мактабда ўрта маълумотга эга бўлди, Бухоро давлат Педагогика институтини 1969 йилда битириб, вилоят газетасида 1970-1972-йилларда «Сурхон тонги» (Собиқ Ленин байроғи) да адабий ходим бўлиб ишлади. Ўзи туғилиб ўсган қишлоғига қайтгач узок йиллар мактаб директори, ўқитувчи бўлиб ишлади. Унинг қатор шеърлари республика ва вилоят матбуотларида мунтазам босилди.

Рўзимурод Қаландаров 1942 йилда туғилган, Бойсун адабий муҳити ривожига ўз хиссасини қўшиб келаётган ижодкорлардан биридир. Бу инсоннинг асли касби муҳандис, техника фанлари номзоди (1975) профессор (1992), йигирмага яқин илмий қўлланма ва рисоалар муаллифи. 2010 йил февралгача Термиз Давлат Университетида машинашунослик кафедрасининг профессори бўлиб ишлаб, нафақага чиқди. Унинг «Самога боқиб» (1996), «Панжоб ва панжобликлар» (1997) рисоалари она қишлоғи Панжоб тарихини битикларига туширди. Бу рисоаларда Сурхон воҳасининг сўлим гўшаларидан бири Панжоб ва у ерда яшаган, яшаб ўтган ва ҳозирда яшаб турган кишилар ҳаёти, жой номлари (топонимлар), уруғ-аймоқларни келиб чиқиши, зиёратгоҳлар ўз ифодасини топган. Бу эса воҳа этнографиясини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Унинг ўнлаб шеърлари матбуотда эълон қилинган. «Панжобу Сайроб халқисиз» (1978), «Нон» (1979), «Панжоб жоним-ота юртим» (1981), «Ялқовларга» (1984), «Панжоб» (1990) шеърлари олим-ижодкорга шуҳрат келтирди. ЗуллISONайин ижодкор, ўзбек ва тожик тилларида ижод қилади.

Серка Катаев Бойсун районидаги Панжоб қишлоғида 1941 йил туғилган. Умрининг қарийб 40 йилини халқимиз соғлиғини сақлашдек олижаноб ишга бағишлаб келаётган. Самарқанд давлат Медицина институтини битирди. Вилоят эндокринология дискансеридан 20 йил бош хакам лавозимида баракали меҳнат қилиб, 2001 йил номзодлик диссертациясини химоя қилган, тажрибали шифокор-олим, айна вақтда Термиз шаҳрида «Серко» хусусий эндокринология

клиникасини очиб, аҳолии саломатлигини сақлашга катта хисса қўшди. Шифокор олим ижод билан ҳам шуғулланиб келади. Унинг «Соғлигимиз ўзимизга боғлиқ» (2007), «Оғриқсиз дард» (2007), «Поклик соғлиқ гарови» (2008), «Ишқнинг сирли ўйинлари» (2008), «Навираларимга насихатларим» (2009) ва бошқа рисоалари олим –ижодкорларга шуҳрат келтирди. Зуллисонайн ижодкор.

Ҳамро Эрматов Бойсун районидаги тоғли Мачай қишлоғида 1948 йил туғилган. Душанбе давлат Педагогика институтини 1971 йил битириб, 1982 йил илмий тадқиқотлар натижасида фалсафа фанлари номзоди илмий унвонига эга бўлди. Хозиргача 8 китоб, 20 дан ортиқ рисола 300 дан ортиқ илмий, публицистик, илмий-оммабоп асарлар яратган. 500 дан ортиқ шеър ва дostonлар ёзган. Асарлари инглиз, рус ва фор-тожик тилларида чоп этилган. Олим ижодкор кўпроқ рус тилида ижод қилади Зуллисонайи ижодкор. Унинг «Принцип еданства» (1987), «Философия эпохи» (Давр фалсафаси 1989). «Тарихий тафаккур ва сиёсий маданият» (1992), «Инсоният дард кидиряптими, дармон» (1994), «Ишонч фалсафаси» (2004) каби публицистик рисоаларини ёзади.

Олим файласуф-шоирнинг «Инсон қасидаси» (2002), «Ҳақиқат фалсафаси» (2003) каби шеърӣ дostonларида боқӣ қадриятнинг бугунги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган. Файласуф шоир ҳамиша изланишда. У янги янги асарлар яратиш устида ишламоқда. У том маънода чўлқувар деса ҳам бўлади. Унинг болалига ва ёшлигини бир бўлаги Сурхон-Шеробод чўлида, аниқроғи Музработ даштида ўтган. Шоир ҳаёт, ер, тупроқ, дашту-сахро, чўли биёбон фалсафасини дастлаб ушбу заминда тафаккур ва тасавур эта бошлади. У дастлабки ҳаёт сабоқларини шу чўлдан олди.

Норали Бердиев Бойсун районидаги тоғли Мачай қишлоғида 1946 йил туғилган. У ўзбек ва рус тилларида баробар ижод қилади. У уч қисмдан иборат «Лучшит подорок» («Энг яхши тухфа» номли тўплами чоп этилди. Биринчи қисмида шеър, рубойи ва тўртликларни, иккинчи қисмида А.С.Пушкин шеърларига тақлид (ўхшатма) лар, учинчи қисмида тажрибалар ўрин эгаллаган. Ижодкор олим асосан рус тилида ижод қилади. Атойи, Алишер Навоӣи ва Ғафур Ғулом ижодидан рус тилида ўгирилган шеърлари бор.

Таржима қилиш оғир иш, у кўп меҳнатни талаб қилади, унга матонат билан бирга катта билим ва қунт ҳам лозим. Таржима ишлари билан қизиқувчи ижодкор Алишер Навоӣининг 10 та ғазали, 27 та китъаси, 15 та рубойиси ва 39 та фардлари астойдил рус тилига таржима қилинган, бу ўзбек шеърятини рус тилида тарғиб қилишда ғоят муҳимдир.

Абдумурод Раҳмонов 1949-1996 йилларда яшаб, ижод қилиб, Бойсун районидаги тоғли Мачай қишлоғида туғилган. Термиз Давлат Педагогика институтини битирди. Унинг «Гўзалликнинг туғулиши», «Олтин беланчак», «Шеърят -86», «Ёшлар овози», «Девобча» шеърӣ тўпламлари чоп этилган. Ижодкор –шоирнинг «Хаяжон» номли илк шеърлар тўплами нашр этилди (1983). Унинг «Юракнинг сурати», «Шоирни камситма», «Надомат», «Қирқ ёш», «Йўқолиш», «Қайтаётган турналар» шеърлари билан эл орасида танилди. Республика ижодкор ёшларнинг 4 семинар кенгаши иштирокчиси, халқ ижодиёти кўрик-танловининг совриндори бўлган, ижодкор шоир ўзининг қисқа умри давомида шеърятда ўзига мустақкам пойдевор қуриб кетди.

Кушон Абдулла (Абдуллаев) Музработ районидаги «Тўда» қишлоғида 1967 йил туғилган. Тошкент Давлат Университети, журналистика факултетини битирди.(1992). Истеъдодли ижодкор, шеърлари кишини ўзига тортади. Сабаби шеър- кўнгил мулки, дархақиқат, у мўъжиза, у- туйғулар олами, у- рухият дунёси. «Муборак дамлар» (1995), « Муборак соғинчлар » (1998) ва бошқа шеъррий тўпламлари нашр этилган. Унинг шеърларида соғинч-етакчи мавзу ва бош мазмун. У илк шеърлар тўпламини «Бир соғинч уйғотар саҳарни» (1993) деб номланди. «Бойсун баёзи» (1996) китобининг тўпловчиси ва муаллифларидан бири. Ижодкор ёшларнинг «Истеъдод» жамғармаси Бойсун туман бўлимида масъул котиб бўлиб ишлади.(1996). Унинг «Ўн йил», Сурагдаги қиз «, «Бир қалб видоси», «Сакиратма» («сакиртма») каби шеъррий балладалари ижодкорни элга танитди.

Абдулла Мирзаев Бойсун районидаги «Чилонзор Қишлоғида 1958 йил туғилган. У ўз шеърлар тўпламини «Зарра нур» деб номлаган. Бунда чуқур маъно бор, зеро ҳар бир нарсанинг иптидоси заррадан иборатдир. Заррадан қуёш акс этганидек, табиат ўз ҳаётини сувдан олади, шеър эса она алласидан бошланади, умуман, шеърят халқ ижодиётидан баҳра топади. Унинг шеърлари ҳам айни халқ йўлида битилган халқона кайфият ва халқ куйларига муштарак бир оханг мисралараро жилоланади. Унинг шеърларида инсон омили етакчи ғоявий мазмунни кашф этади.

Худойберди Эшонқулов 1947-1991 йилларда яшаб, ижод қилиб, Бойсун районидаги тоғли Мачай қишлоғида туғилган Очерк нависликда ўз вақтида республика миқёсида эътирофини топган ижодкор. У болалик ва ёшлик даврларини Сурхон-Шеробод даштида, ҳозирги Музработ туманида ўтказди. Унинг «Оқ отли» ва «Олтин беланчак» туркумида чоп этилган шеърлари асосан чўлқуварларга бағишланади. У ўзига хос ижодкор сифатида Бойсун адабий ҳаракатчилиги мактабига ўз хиссасини қўша олган ва ўз сўзини айта олган қаламкашлар тоифасидандир. Ижодкорнинг «Қумтепа ортидаги гуллар» (1981), «Дарахтлар гапиролмайди» (1984), «Оқ нур» (1988), «Кул тағидаги чўғ» (1990) ва шоирлардан Шукур Дадаш («Қутлуғ замин»), Оллаберган Пўлатовлар («Ғунчалар кўшиғи») ҳам муаллифлигида чоп этилган «Олов аждаҳо» тўпламлари мухлислари қалбидан жой олган.

Унинг ижод йўли айрича, бир қарасанг у журналист ва очеркнавис, бир қарасанг шоир ва ёзувчи, яна таржимон, тадқиқотчи ва ҳоказо. Бир кишида шунча фазилат, шунча истеъдод, шунча иқтидор, буларнинг бари бежиз эмас, боиси у чинакам ижодкор эди. Унинг қалами сеҳридан жило топган ҳар бир мисра, ҳар бир сатр кишини мисли йўқ уммон қадар тасаввурга етаклайди.

Жаббор Омонтурдиев 1933 йил Бойсун тумани тоғли Мачай қишлоғида деҳқон-қосиб оиласида таваллуд топган. 1953 йил мактабни аъло баҳоларда тугатиб, Тошкент Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга кирди. Билимдон, ёш истеъдодли Ж.Омонтурдиев 1959 йилда институтни имтиёзли тугатиб, устозлари Мақсуд Шайхзода, Ғ.Ғуломов, М.Асқарова, С.Усмонов, Н.Маллаевлардан илм ўрганиб, катта илм ҳаётига кириб келди. 1959-1961 йилларда ҳозирги Музработ туманида тил-адабиёт фанидан ўқувчиларга дарс бериб ўз билимини мустаҳкамлади. Олиб борган илмий тадқиқотлар натижасида 1965 йилда “Ҳозирги замон ўзбек

тилидаги содда гапларда кесимнинг структураси” мавзусида фан номзоди унвонига эга бўлиб, 1964-1967 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Маъбашунослик” секторини бошқарди. 1967 йилдан ҳозирги давргача Термиз давлат педагогика институтига 1992 йилдан бошлаб, Термиз давлат университетида илмий фаолиятини олиб борди. Ж.Омонтурдиев 10 та илмий монография ва 100 дан ортиқроқ илмий мақолаларини чоп этиб, таниқли тилшунос олим, шоир, ижодкор сифатида эл назарига тушди.

Анвар Омонтурдиев Термиз шаҳрида 1970 йил туғилган. Бойсунлик таниқли олим Жаббор Омонтурдиевнинг ўғлидир Термиз Давлат Университетини тарих-филология факультетини 1992 йил битирди. 2009 йилда филология фанлари доктори ёш умидли ижодкор олим, илк шеърий тўплами «Тонг» номи билан 1994 йилда чоп этилган. Унинг қалам махсули бўлмиш «Авф» пьесаси Республика «Нихол-2000» театр фестивали танловида ўзи режиссёрлигида сахнага қўйилди ва ғоявий юксаклиги тан олиниб, мазкур тадбир лауреати деб топилди. Унинг «Асрдан-асрга» (2006) асари ҳам мухлисларига манзур бўлди. Шеърий назмга солинган обод-ахлоқга, диний афсоналар, ривоятлар ва эртақларга оид «шеърга айланган ривоят» мўъжиз қиссалари чоп этилди. (2005). 2001 йилда «Ота хурматини қилмаса ўғил» номли шеъри тўртинчи синфлар учун яратилган. «Одобнома» дарслигига киритилди. Таниқли филолог олим А.Омонтурдиевнинг “Ўзбек нутқининг эвфемик асослари” (-Т., 2000 й) монографияси, “Профессионал нутқ эвфемикаси” (Тошкент 2006), “Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати” (Тошкент, 2006), “Профессионал нутқ эвфемикаси” монографиялари илмий жамоатчилик томонидан алоҳида ҳурмат билан қабул қилинди. Ёш тадқиқотчи олим 2009 йил 26 июнда Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтида “Профессионал нутқ эвфемикаси” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Жўрабек Рамазонов Бойсунда 1983 йил туғилган. Жўрабек хали ёш бўлсада, ўз сўзини айта олидаган ижодкор, у ҳаёт ходисаларини нозик излайди. Унинг шеърларида туғён бор, унинг шеърларида табиат гарди ва инсон дарди очиқ ифодасини топади. У шеъриятга дадил кириб келмоқда, унинг илк тўпламига таниқли шоир Шафоат Рахматуллаев Термизий сўзбоши битган, демак Шафоат Рахматуллаев ҳам Жўрабекнинг шеърларига махлиё мафтун бўлган кўринади. Унинг «Тавалло» (2008), «Бугун» (2008), «Беозорим» (2009) шеърий тўпламлари чоп этилди. Истиклол йилларида Бойсун адабиёт ҳаракатчанлиги мактабида истеъдодли ёш ижодкорлар сафи кенгайди. У ўзининг хикоянависликка ҳам синаб кўрмоқда. Унинг «Шайтондара» (2009) хикояси дедектив-мистик жанрида ёзди.

Иззатилло Кенжаев 1942-2009 йилларда яшаб, ижод қилиб, Дарбандда туғилган. Аруз вазнида тожик ва ўзбек тилида шеърлари билан элга танилган. Самарқанд Давлат Университетининг тожик филологияси факултетини 1964 йилда битирди. Баддий жихатдан бакуват ғазаллари матбуотда эълон қилинди. Унинг «Садои кух» илк шеърий тўплами Тожикистоннинг «Ирфон» нашриётида 2002 йил чоп этилди. Унинг «Ғазал» (1970), «Муаммо» (1974), «Бирдонахол» (1980), «Баҳор» (1991), «Сурхондарё ўтмиши» (1996) шеърлари тахсинга сазовордир. Ижодкор-ўқитувчининг ёзган шеърлари хофизлар томонидан

куйланмоқда. Унинг шеърларида севги, мухаббат ҳамда тарихни мадҳияловчилик кузатилади. Зуллisonайин ижодкор

Мажит Абдурайимов «Кўктепа қишлоғида 1940 йил туғилган. Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтини 1967 йил битирди. Унинг «Юлдузларда одам бор» (1970) қиссаси «Бир юлдуз кўрдим» (2008), (Шукур Холмирзаевга бағишланган баллада) рисолалари чоп этилди. У насрда ҳам қалам тебратади. «Қисматни қидирар одам» (2008) шеърий тўплами нашр этилди. Ижодкорнинг бирдан бир орзуси Бойсунда Шукур Холмирзаевнинг уй музейини ташкил этиш.

Темир Шукуров 1958 йилда туғилган. Мустақиллик йилларида Бойсун адабий ҳаракатчилигида кўплаб ёш ижодкорлар етишиб чикдилар. Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика институтини 1985 йил битирди. Унинг «Юрагимда қолган қиз», «Эссиз Бойчибор», «Болажон» ва бошқа кўплаб шеърлари чоп этилган.

Зокир Худойшукур (Худойшукуров Зокир) Кофрун қишлоғида 1971 йил туғилган. Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетининг журналистика факултетини 1994 йил битирди. У республика ижодкор-ёшларнинг 4 семинар кенгаши иштирокчиси. Унинг «Суюкли наъво» шеърлар тўпланда «Кўйвор эй дарди Сара», «Кетди», «Мунглиг дуторимни кимлар тутгуси», «Бизга яхшиликдан берингиз хабар» шеърлари унинг «Суюкли маъва» шеърлар тўпламига Нажмиддин Комилов сўз боши ёзган. Унинг шеърлари Дарвешлик ғоялари билан шоирона қалб туйғулари ўзаро ҳамохангдир.

Илхом Рахмон (Рахмонов Илхом) тоғли Мачайда 1974 йил туғилган. Термиз Давлат Университетини битирди. У ижодкор ўқитувчилар адабий анжуманининг рағбатлантирувчи мукофоти совриндори, вилоят ижодкор талабаларнинг адабий анжумани ғолибидир. Унинг «Раъно опам марсияси» ва бошқа шеърлари чоп этилди.

Илхом Рахмат (Рахматов Илхом) Бойсун шаҳрида 1973 йил туғилган. Термиз давлат университетини битирди. Унинг «Ёлғон хаёлларга бўлибман тутқун», «Гулим», «Қалбимда тўлғонар бир гўзал аёл» каби шеърлари чоп этилди.

Зумрад Абдуллаева «Тўда» қишлоғида 1974 йил туғилган. Мустақиллик йилларида Бойсун адабий мухитчилигида қатор ёш талантли хотин-қиз ижодкорлар етишиб чиқишидан фахрланса арзийди. Термиз давлат университетини битирди. У 1988 йилдан буён шеър ёзишни бошлади. Унинг шеърлари «Бойсун», «Сурхон тонги», «Мехнат зафари», «Гулхан» журнали ва газеталарида чоп этилган.

Феруза Султонқулова Тиллокамар қишлоғида 1986 йил туғилган. Термиз давлат университетининг талабаси. Тумандаги иқтидорли ўқувчилар лицейини 2005 йил битирди. «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти тавсия этилганда ўзини иқтидорини кўрсатди. Унинг «Кўз видоси» (2003), «Ой битмас оқшомларимда» (2005), «Ёмғирда ювилган гул» (2009) шеърий тўплamlари нашр этилган.

Ёқуб Норсаидов Тўда қишлоғида 1958 йил туғилган. Термиз давлат Педагогика институтини битирди. «Ижодкор ўқитувчи» кўрик танлов ғолиби. Унинг «Ойдин тунларда», (2004) илк шеърлар тўплами нашр этилган. Шеър

илохий туйғу. У кўнгилдан тўкилиб, кўнгилга бориб тушади. Шеър етиб борган қалб унинг силсиласидан фарахланади. Китобда шоир ижодкорнинг бетакрор ташбехлари ва самимий мисраларга бой.

Эркин Муқимов Пасурхи қишлоғида 1962 йил туғилган. Самарқанд давлат университетини битирди. У ўзбек ва тожик тилларида ижод қилади. Ўқитувчи Зуллисонайин -ижодкор. Унинг «Аз Самарқанди чу канд» («Қандли Самарқанддан») номли китоби (2006) «Йигирманчи асрдан ҳозиргача» (2007) асарлари нашр этилди.

Тўра Рахимов Пулҳоким қишлоғида 1957 йил туғилган. Тошкент Давлат Университетини филология факултетини 1979 йил битирди. У 14 ёшидан бошлаб шеър ёза бошлади. Кўпроқ халқ фольклоршунослиги ҳақида шеър кўшиқ ёзади. 50 дан ортиқ кўшиқ-шеър, 200 дан ортиқ шеъри, 10 дан ортиқ интермедия ёзган. «Алпнома», «Алптепа», «Сиз буюксиз», «Зиёкор» дostonлари ва «Наврўз базми» (2007) сахна асари эл орасида машҳур. Унинг «Бойсун тоғи қояли», «Ошхилола», «Жамалагим», «Най», «Сибизга», «Халак», «Оқсуяк», «От ўйин» каби шеърлари хонандалар ижросида куйланмоқда. Халқ таълим вазирлигининг «Устоз ва мураббийлар ҳақидаги энг яхши асар» танлови (2002) республика босқичида «Сиз буюксиз-Устоз», дostonи фахрли 2 ўринни олди. «Ижодкор-ўқитувчилар» кўрик танловида «Мактаб сахнаси» китоби билан вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллади. 2005-2006 йилларда Бойсундаги 12-мехрибонлик уйининг баддий хаваскорлик ансамбли, «Сен ёлғиз эмассан» республика танловида ижодкор ёзган кўшиқлари фахрли ўринни олди.

Бойсун шеърят мактабида, абадий ҳаракатчилигида Бозор Илёсов, Махкамтош Абраева, Зол Собиров, Ахмад Рўзиқулов, Умбар Ҳамроев, Абдиев, Раҳматилло Шохимардонов, Очил Йўлдошев, Баходир Баротов, Шодди Каримзода, Нурали Ражаб, Саида Насруллаева, Шахноза Бўриева, Ўғилой Нормаматова каби ижодкорлар ўз мухлисларига эгадирлар. Бойсун адабий ҳаракатчилигига оид чизгилар бу борадаги барча жавҳаларни қамраб олган деб бўлмайди. Бу мавзу хали кўплаб янги номлар билан бойитилиши лозим. Ушбу соҳада изланишлар тинмай давом эттирилиши айна муддаодир.

Чориёр Бойсун районидаги Кофрун қишлоғида 1977 йил туғилган. Ўзбекистон Миллий Университетининг фалсафа факультетини битирди. Республика радиосида ишлади. Унинг «Баҳорлардан сўз очар замин» (2001) шеърый тўпламида 28 та шеърлари жамланган. Ёш-изланувчан ижодкордан хали кўп нарсаларни кутиб қоламиз.

Қодир Назаров(1947)ва Ойимҳол Алимардонова(1951). Термиз Давлат Педагогика институтини битирдилар. «Ҳаёт ва Турмуш адаби» (1996) китобининг муаллифлари. Республика таълим маркази илмий кенгаши томонидан мактаб ва коллеж ўқувчиларига дарслик сифатида тавсия этилган.

Эшбой Рўзи Сарқамиш қишлоғида 1952 йил туғилган. Термиз Давлат Педагогика институтини 1975 йил битирди. Унинг қаламига мансуб ижод намуналари матбуотда кўплаб чоп этилган. «Қалёзи ва Гулзебо» (2007) дostonи Алпомиш туркумига кирувчи дostonлардан бўлиб, унинг жуда катта саъй-ҳаракатлари туфайли қишлоқ ва овулларга оралаб ушбу дostonни тиклашга муваффақ бўлди. Унга Сарқамишлик кекса авлод онахон Улуғ момо Кўчқор бахши қизидан ёзиб олган, бу дoston халқ оғзаки ижодий намуналаридан бири

деб эътироф этилди.

Хўшбоқ Холмўминов 1944-19 ва **Хўшмурод Холмўминов(1947)** Бойсун районидаги Дахнаижом кишлоғида туғилган. Қарши Давлат Педагогика Институтини битирган ака-ука ижодкорларнинг «Кўкламнинг бир куни» (2002) илк хикоялари, очерклари ва эсдаликлари ўрин олган китобда олис қирлар орттида қолиб кетган маъсум болалигингиз, ёруғ хотираларимиз ёдга тушади.

Хўшбоқ Холмўминов 1993 йилда «Бойсун тумани атроф худудлари микротопонимлари» мавзуида номзодлик ишини химоя қилди. Унинг «Қайта хикоя», «Назорат ишлари» каби тўпламлари, илмий-методик қўлланмаларга ҳамкор ва муаллифдир.

Ойдин Алимардонова «Газа» кишлоғида 1988 йил туғилган. У 9 ёшидан бошлаб шеърлар ёза бошлаган. Кўрик-танловларда фаол иштирок этди. Кўплаб шеърлари маҳаллий матбуотда эълон қилинган. «Сенинг соғинчинг» (2006) илк шеърый тўпламида «Беғубор болалик», «Акажонларим», «Оножонларга», «Аламлар исканжасида», «Фаришта», «Унутолмасам», «Бахоримнинг еллари», «Юрак ёниб йиғла» каби шеърлари ва тўртликлари ўрин олган. У хали ёш бўлишига қарамасдан келажакни хис этиб ижод қилмоқда.

Худойберди Содиқов Шўроб кишлоғида 1972 йил туғилган. Термиз Давлат Университетини 1996 йил битирди. Ижодкор муаллимнинг «Гулчирой» (2006) илк шеърый тўплами нашр этилди. Бу тўпламда ижодкорнинг «Ватан», «Сурхон», «Бойсун таровати», «Азиз ватан», «Меҳрибонимга», «Гулчирой», «Лола», «Юлдуз», «Қиш» каби шеърлари ва тўртликлари жой олган. Ижодкор ўзини хаяжонга солган, эътиборини тортган воқеа-ҳодисалар, инсонлар ҳақида кўнгилдаги гапни шеърый мисралар орқали кўпчилик эътиборига хавола этади. Ватанга, дўстга, ёрга мухаббат, шоирнинг руҳий ҳолатлари кайфияти унинг ашъорларида ўзининг бадий ифодасини топди.

Равшан Эсанов (Равшани Эхсон) (1945-2007) Бибиширин кишлоғида туғилган. Самарқанд Давлат Университетини 1968 йил битирди. Ижодкор-шоир муаллимнинг «Ашки санг»(2007) илк шеърый тўплами чоп этиб, тожик тилида ижод этди. Унинг шеърый тўпламида 24 та ғазал, байт, рубоийлари ҳамда хикоялари ўрин олган. Шукур Холмирзаев қиссаларини яратди. Бу асарлар 1960-йиллардаги ўзбек қиссаларининг энг яхши намуналаридан бўлиб қолди. Ёзувчининг шу даврда ёзган хикоялари кейинчалик «Олис юлдузлар остида» (1971), «Ҳаёт абадий» (1974), «Оғир тош кучса..» (1980), «Йўллар, йўлдошлар» (1984), «Бодом қишда гуллади» (1986), «Тоғларга кор тушди» (1987) сингари тўпламларидан ўрин олди.

ИЛМ-ТАФАККУР

*Фан жамият тараққиётини олга
силжитувчи куч, восита бўлмоғи
лозим.*

И.А.Каримов

Академиклар, фан докторлари, профессорлар: Жаҳон цивилизацияси тараққиёти инсон ақл заковоти, турмуш тарзи, унинг ҳаётга, яшашга бўлган қизиқиш ҳаваси билан ривожланиб келмоқда. Инсон камолот ва комиллик сари интилиши билан яшашга, янада яхши турмуш кечиришга интилиб, минг йиллар

давомида тинимсиз изланишлар олиб бориб, янги тасаввурлар билан ўз орзуларига эришишга ҳаракат қилган. Шу янгиликлар, эришилган ютуқлар, илму-фан, маърифат, маънавиятни мунтазам ютуғи туфайлидир. Ихтиро ва изланишлар самараси ибтидои одамни мукамал ривожланган онгли одамга айланишга йўл очиб берди. Илк давлатчилик тарихига назар ташласак қаерда илму фанга алоҳида эътибор берилган бўлса ўша ерда сиёсий устқурма, маданий қатлам, сиёсий ғоя ва тафаккурлар амалда ўзини ижобий ютуқларини берган. Миср пирамидалари, Иккидарё оралиғидаги қонунчилик, Ҳиндистон математикаси, астраномияси, Хитой қўл ёзмалари, газеталарни чоп этилиши, Грек-Рим архитектураси, Марказий Осиёдаги сунъий суғориш, илк шаҳар давлатлари, Авесто, Беҳистун ёзувлари, Далварзин шахмат доналари, Сополитепа, Жарқўтондаги илк пахта экиш, кулолчилик саънати шулар жумласидандир. Ўзбекистонда кишилик жамияти шаклланган даврдан бошлаб киши онги тараққий этганлиги ҳақида ниҳоятда кўплаб манбалар бор. Шерободдаги Зараутсой санъат рассомчилиги инсон онгидаги дастлабки кашфиёт ҳозирги фан учун бебаҳо ҳисобланади. Кишилар фан тушунчасини оддийликдан аста-секин ижодий ривожланиш сари такомиллаштириб бориб дастлабки ютуқларга эришди. Мамлакатимизда илк шаҳарсозлик манбаси билан Сополитепа милоддан аввалги III минг йиллик охири ва II йиллик бошларида бронза асрига доир меҳнат қуролларининг такомиллашиб бориши туфайли шаклланган бўлса, Шеробод дарёсининг қадимий ирмоғи ҳисобланган Бўстонсой қирғоқларида жойлашган Жарқўтон илк шаҳар маданияти буни яққол исботидир. Илк илм фан тушунчалари натижасида бу ерда сунъий суғоришга асосланган зироаткорлик, ҳунармандчилик ва чорвачилик ҳўжалиги вужудга келиб, пахта, буғдой уруғларини маданийлаштиришга ҳаракат қилинган. Жамиятни онгли бошқариш туфайли, жамият ижтимоий гуруҳларга ажралиб, оқсоқоллар, ҳарбийлар, ҳунармандлар, савдогарлар, зироаткор ва чорвадор аҳоли қатламлари шаклланди. Жамиятни сиёсий тизими мавжудлигини асословчи шаҳар, қабила, уруғ оқсоқолларига тааллуқли муҳр ва тамғалар бронзадан ясалиб ҳокимиятни асосий сиёсий нуфузини мустаҳкамлади. Бу эса Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликни вижудга келганлигини тасдиқловчи манба бўлиб, ижтимоий фанларни юзага келганлигидан далолат беради. Кишиларни фан ва илмга бўлган қизиқиши туфайли жамият янги ютуқлар сари интилиб, турмуш тарзи яхшиланиб борди. Бойсун ўзининг иқтисодиёти, маданияти ривожини илм-тафаккур аҳлининг хизмати, эришган ютуқлари, илм соҳасидаги бекиёс хизматлари билан мустаҳкамлаб бормоқда. Қадимги даврдан ҳозирги давргача Бойсунлик илм-тафаккур, маърифат фидойилари ватан, жамият ривожини, санъатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб, мамлакатимиз тараққиётига, унинг ривожланишига алоҳида хизмат қилиб келмоқдалар. Бойсунда таваллуд топиб, илм-фанга муносиб ҳисса қўшган 140 дан ортиқ кишилар илмий даража ва унвонга эга. 22 нафар олимлар тарих, фалсафа, педагогика, қишлоқ ҳўжалиги, техника, биология, физикка-математика, ҳуқуқшунослик, кимё фанлари докторлари ва профессорлари бўлиб, улар Термиз, Самарқанд, Тошкент, Душанбе, шунингдек МДХ мамлакатларида илм соҳасида хизмат қилмоқдалар. Таниқли олим Қ.Рашидов 2008 йилда “Бойсунлик олимлар” китобини нашр эттириб, ушбу китобда қадимий Бойсун туманида етишиб чиққан, мамлакатимиз

тараққийети учун ҳалол хизмат қилган ва қилаётган олимлар ҳаёти ва фаолиятига бағишлаган. Шу туфайли Бойсун тарихида ушбу китобни асосий манба сифатида киритиб, олимлар ҳақидаги маълумотларни қисқа баён этишни маъқул топдик.

Мулла Эркаев - (1910-1996) Педагогика фанлари академиясининг академиги, тарих фанлари доктори (1964), профессор(1963). (Тожикистон Республикаси), Амир Қоракулов - Тожикистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (1993), профессор (1994) (Тожикистон Республикаси), Аваз Авлиёкулов - халқаро Нью-Йорк фанлари академиясининг академиги (қишлоқ хўжалиги соҳасида), қишлоқ хўжалиги фанлари доктори. (1993), профессор (1994), Бойқобил Жўракулов - халқаро Нью-Йорк фанлари академиясининг академиги (қишлоқ хўжалиги соҳасида), қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (1991), профессор(1995), Гаффор Самадов - халқаро Транспорт академиясининг академиги (1998), Иқтисод фанлари доктори (1990), профессор (1991), Хайит Тўраев - халқаро информатизация академиясининг академиги, Кимё фанлари доктори (1998), профессор(1999), Жуманазар Холлимўминов-Қозигистон юридик фанлари академиясининг академиги, юридик фанлари доктори(1997), профессор(1999), Ахмад Абдуллаев-филология фанлари доктори(1983), профессор (1991), Сафар Абдуназаров-(1949-2005). Физика-математика фанлари доктори(1992), профессор(1994), Эшниёз Боймуродов-(1945-2005) халқаро Нью-Йорк фанлари академиясининг академиги (математика соҳаси бўйича) физика-математика фанлари доктори, профессор, Давлатбек Саъдуллаев- Россия педагогика ва ижтимоий фанлар академиясининг академиги (1998), филология фанлари доктори, профессор, Рўзибой Нормухоматов-Иқтисод фанлари доктори(2000), профессор, Саиджамол Саидов-қишлоқ хўжалиги фанлари доктори(2004), профессор, Тожикистон Республикаси, Шомат Саматов-фалсафа фанлари доктори (1991), профессор (1993), Шариф Тоғайназаров- юридик фанлари доктори (1985), профессор (1991) (Тожикистон Республикаси), Эшбой Турдикулов- педагогика фанлари доктори (1983), профессор (1991), Шукур Хуррамов-биология фанлари доктори (1990), профессор(1992), Баходир Шойимқулов физика–математика фанлари доктори (2005), профессор, Рўзимурод Қаландаров-техника фанлари номзоди, профессор, Собир Эркаев-физика-математика фанлари доктори, профессор (Россия, Санк Петербург), Равшан Рахмонов- филология фанлари доктори (1998), профессор (Тожикистон Республикаси), Шухрат Тошматов-иктисод фанлари доктори(2008).

Фан номзодлари: Абрахматов Усмон-қишлоқ хўжалиги фанлар номзоди(1982). Абдурахимов Нурали-қишлоқ хўжалиги фанлар номзоди(1996), Абдуллаев Нодир - тиббиёт фанлар номзоди(2003), Абдуллаев Масрур-филология фанлар номзоди(1996), Азизов Нигмонжон-юридик фанлар номзоди(1997), Алибоев Ғуломқодир-қишлоқ хўжалиги фанлар номзоди(1972), Авлиёкулов Қулмамат-тарих фанлар номзоди(1974), Бердиев Норали-фалсафа фанлар номзоди(1987), Бойниёзов Эркин - қишлоқ хўжалиги фанлар номзоди (1994), Бўриев Рустам - иқтисод фанлар номзоди(2005), Бердиев Чори - физика-математика фанлар номзоди(1987), Валикулов Юсуф - фалсафа фанлар номзоди(1990), Валикулова Фароғат - тиббиёт фанлар номзоди, Ёдгоров Абдуғаффор қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди(1981), Жўракулов Собир - педагогика фанлар номзоди(1989),

Исмоилов Умидулла - иқтисод фанлар номзоди(1972), Исмоилов Парда-педагогика фанлар номзоди(1979), Кичкилов Ҳамза тарих фанлари номзоди(1979), Кенжаев Шодимахмат- тиббиёт фанлар номзоди(1986), Кенжаев Акбар- тиббиёт фанлар номзоди.(1999), Кенжаев Исмат - физика-математика фанлар номзоди(1967), Каттаев Серка-тиббиёт фанлар номзоди, Маждидов Файзулло-филалогия фанлар номзоди(1988), Менглиев Алишер - кимё фанлар номзоди(1998), Маматкулов Эшмухаммад- кишлок хўжалиги фанлар номзоди(1971), Маматкаримов Абдусамат-тарих фанлар номзоди(1987), Назаров Норбой-тиббиёт фанлар номзоди(1993), Норқобилов Хуррам - биалогия фанлар номзоди(1971), Омонов Маматкул-кишлоқ хўжалиги фанлар номзоди(1991), Омонов Эркин-иқтисод фанлар номзоди(2005), Орипов Нарзулла-фалсафа фанлар номзоди(1982), Очилдиев Шодди-техника фанлар номзоди.(1982), Омонтурдиев Жаббор-филалогия фанлар номзоди(1965), Панжиев Нормухаммад-филалогия фанлар номзоди(1978), Панжиева Насиба-филалогия фанлар номзоди(2003), Рахимов Саидмусо -филалогия фанлар номзоди(1974), Рахмонов Рауф-физика-матиматика фанлар номзоди.(1990), Равшанов Малик-иқтисод фанлар номзоди (2002), Рамазонов Анвар Иқтисод фанлар номзоди (1978), Саъдуллаев Саъми-тарих фанлар номзоди. (1976), Сатторов Мусмин-кишлоқ хўжалиги фанлар номзоди.(1984), Сариев Норбой-педагогика фанлар номзоди (1975), Сайидқосимов Жаббор-техника фанлар номзоди (1988), Султонов Баходир-иқтисод фанлар номзоди.(1998), Тошқулов Абдуқодир-иқтисод фанлар номзоди (2004), Турдикулова Матлуба- тиббиёт фанлар номзоди, Турсунов Мухитдин- тарих фанлар номзоди(1994), Тўлаганов Рустам-педагогика фанлар номзоди (1993), Тўраев Суюн-педагогика фанлар номзоди (1978), Тўраев Шавкат- техника фанлар номзоди(1994), Тўлаганов Рустам педагогика фанлари номзоди (1993), Турсунов Расул - тарих фанлар номзоди (1999), Тошбоев Олим-, Тошбоева Робия-юримдик фанлар номзоди (2009), Умаров Баходир-фалсафа фанлар номзоди(1986), Умаров Бахром, Умаров Сухроб-фанлар номзоди (2008), Холмаматов Замир-иқтисод фанлар номзоди(1986), Холмўминов Тўлқин-кишлоқ хўжалиги фанлар номзоди(1995), Холмўминов Хўшбок-педагогика фанлар номзоди(1993), Хўжақулов Асқар- кишлок хўжалиги фанлар номзоди(1971), Холмўминов Курбонали-юримдик фанлар номзоди(1974), Холмўминов Жаъфар-фалсафа фанлар номзоди(1993), Хуррамов Алишер-биалогия фанлар номзоди(2006), Шоймуродов Жўра-фалсафа фанлар номзоди(1980), Шукуров Абдухаким физика–математика фанлар номзоди(1972), Эрматов Миршод-физика-матуматика фанлар номзоди(1995), Эрмаматов Шоназар-иқтисод фанлар номзоди(1999), Эрматов Ҳамро-фалсафа фанлар номзоди(1982), Эсанов Жаббор-педагогика фанлар номзоди(1969), Қодиров Баходир-иқтисод фанлар номзоди(1999), Қаххоров Иззат-кишлоқ хўжалиги фанлар номзоди(1974), Хазраткулов Нормўмин-кишлоқ хўжалиги фанлар номзоди(1973), Хайдаров Исмоил-педагогика фанлар номзоди(1997), Хайдаров Илхом-иқтисод фанлар номзоди, Хайдаров Норхидир-юримдик фанлар номзоди, Холмаматов Курбонмурод-кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди(1980), Рўзиқулов Шавкат-тиббиёт фанлар номзоди, Эсонов Ўктам – филология фанлари номзоди.

ХУЛОСА

Ватанимиз тарихини ўрганиш туфайли халқимиз томонидан қўлга киритган ютуқларни оммалаштириш, халқимизнинг этногенези ва этник тарихини ўрганиш, моддий ва маънавий меросимизни тиклаш ҳамда ёш авлод онгига сингдириш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлган Бойсун тарихи бўйича умумлаштирилган ушбу монографияда халқимизнинг этногенези, этник тарихи билан боғлиқ илк манбалар, қадимий турар жой манзилгоҳлари, кишилиқ жамиятининг шаклланиши билан боғлиқ маънавий маданият манбалари илмий таҳлил этилди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки Ўзбекистон тарихида Бойсун худуди билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар жез, илк темир даври манбалари, Аҳамонийлар, Грек-Бақтрия, Салавкийлар, Тохаристон, Кушонлар, Эфталлийлар, Хионийлар тарихи билан боғлиқ бўлиб, ушбу даврларда моддий ва маданий тараққиёт юксак ривожланганлигидан далолат беради. Тарихий манбаларни таҳлил этиш жараёнида Бойсун худуди ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий жараёнларни мунтазам тарзда босқичма-босқич ўз бошидан кечирганлиги, дастлабки диний тасаввурларни пайдо бўлишида, Зардушдийлик, Буддизм, Ислом динларини шаклланиши ва ривожланишида манзилгоҳ эканлиги илми тафаккур, диний дунёқарашни кенг тараққий этганлигини исботловчи манбалар таҳлил этилди. Бойсун қадимдан то ҳозирги вақтгача илми тафаккурнинг ватани, бадий адабиёт ҳамда халқ оғзаки ижодиётининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган ҳудуд сифатида жаҳон жамоатчилигини ўз диққат назарига тортди. Бойсун ўрта асрларда ўзбек давлатчилигининг мустақам ривожланишида, чет эл босқинчиларига қарши курашда, ички низо ва зиддиятларни бартараф этишда, мард, жасур қаҳрамонларни етиштириб чиқарган юрт бўлиши билан бир қаторда, полвонлар, чавандозлар ватани сифатида жаҳонга танилди. Бойсун миллий урф-одатлар, анъаналар, қадриятларга асос солган юрт, миллий ғурур, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ғояларини комил инсонни тарбиялаш каби ўзига хос хусусиятлари билан кишиларни ҳайратга солган. Бухоро амирлиги даврида мустақил беклик сифатида ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий жараёнларда ўз ўрнига эга бўлган, миллий манфаатларни, туйғуларни мукамаллаштириш билан биргаликда Совет ҳокимияти йилларида миллий камситиш, қатағонлик, зўравонлик, маънавий эътиқодларни йўқотишга бўлган уринишлар даврида ўз матонати, бардоши, ватанга бўлган садоқати, келажакка бўлган ишончи билан умид-орзуларга ишониб, ватан озодлиги, юрт ободлиги учун меҳнат қилган фидойи инсонлар сифатида мағрур кураш олиб борди. Мустақиллик йилларида Бойсун обод, кўркам, сўлим маскан сифатида ривожланиб, унинг маънавий қиёфаси юксалиб, XXI аср мўжизаси бўлган Тошғузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлини ўтказишда, янги саноат комплексларни ва конларни ишга туширишда, моддий ва маънавий меросни, миллий урф-одатлар, анъаналарни тиклашда ҳар томонлама ибрат кўрсатиб, жаҳон халқлари назарига тушди.

Бойсун тарихи ёшларимиз онгига ватан туйғусини, инсонпарварликни, ватанпарварликни сингдириш, моддий ва маънавий меросимизни ўрганиш, келажак авлодимизга муносиб бахтли саодатли, тинч осойишта турмуш тарзини

яратиш бўйича халқимиз босиб ўтган тарихий воқеиликни холисона, изчил, кетма-кетлик асосида ўзида мужассамлаштирилган ҳолда илмий монография сифатида китобхонларга тақдим этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
I. Ўзбекистон Республикаси Президенти Асарлари:

1. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» Т-1. -Т., «Ўзбекистон», 1991 йил, 363 бет.
2. Каримов. И.А. Дехқончилик тараққиёти-фаровонлик манбаи -Т., «Ўзбекистон», 1994 йил.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд, -Т., «Ўзбекистон»; 1996.
4. Каримов И.А. Халқ билан ҳамнафас яшаш ва ишлаш олий бурч. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқи. Т-8. -Т., «Ўзбекистон» 574 бетлар.
5. Каримов И.А. «Истиклол йўли: муаммолар ва режалар. XII чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 ва 3 июлда сўзланган нутқ». I Т. -Т.: «Ўзбекистон» 1996. 363-б.
6. Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура» I -Т.: «Ўзбекистон» 1996. 364-б.
7. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. -Т., «Ўзбекистон»; 1997.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари. Т-6. -Т., «Ўзбекистон», 1997 йил, 430 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.:Ўзбекистон, 1999.-689 б.
10. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-жилд. -Т., «Ўзбекистон»; 1999.
11. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т-7. -Т., Ўзбекистон. 1999. 411 б.
12. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т-8, -Т., Ўзбекистон, 2000.-524 б.
13. Каримов И.А. Тадбиркорлик-юксалиш гарови. Т-8. -Т., 2000. 522 бет.
14. Каримов И.А. Соғлом авлод халқимиз келажаги. Т-8. -Т., 2000. 522 б.
15. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш-энг муҳим вазифамиз Т-8. -Т., 2000. 522 б
16. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш-Фаровонлик пойдевори. Т.9. -Т., «Ўзбекистон» 2001. 436 б.
17. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. -Т., «Ўзбекистон» 2001, 437.
18. Каримов И.А. Жайхун соҳилидаги боқий шаҳар. т-10. -Т., «Ўзбекистон» 2002, 426.
19. Каримов И.А. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди. Т-10. -Т., «Ўзбекистон» 2002, 426 б.
20. Каримов И.А. Одамларнинг ташвиш ва орзу-интилишлари билан яшаш фаолиятимиз мезонига айлансин. Т-10. -Т., «Ўзбекистон» 2002. 426 б.
21. Каримов И.А. Раҳбар, етакчи, ўзи ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб яшаши керак. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари

сессиясида сўзланган нутқ. 2001 йил 21 феврал. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-Т. Т.: «Ўзбекистон» 2002. 429-б.

22. Каримов И.А. Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи. 2005 йил, 25 март. “Сурхон тонги”, №60, 1-2 бетлар.

23. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т., “Маънавият”, 2008 й.

II. ҚАРОРЛАР ВА ФАРМОНЛАР.

1. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президиумининг 1991 йил 22 июлидаги «Ўзбекистон ССР худудида жойлашган Иттифоққа бўйсунувчи Давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини Ўзбекистон ССР нинг ҳуқуқий мобелига ўтказиш» тўғрисидаги қарори // Халқ сўзи газетаси, 1991 йил 24 июль.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрдаги «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни // Халқ сўзи газетаси. 1991 йил 20 ноябрь

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги 745-сонли «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини химоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони Ўзбекистон Республикаси Фармонлар ва қарорлар.-Т., «Ўзбекистон»1994 .7-10 бет.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 февралдаги 93-сонли «Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида солиқ тўғрисида»ги қарори || Ўзбекистон Республикаси Фармонлар ва қарорлар.-Т., «Ўзбекистон». 1994 .112-114 бет.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 апрелдаги 216-сонли «Маҳсулотлар ва товарларни сотиш бўйича республика ярмаркаларини ташкил этиш ва уларни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ||Ўзбекситон Республикаси. Фармонлар ва қарорлар, -Т., «Ўзбекистон» 1994 й. 126-128 бет.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 17 августдаги «Ўзбор-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўл линиясини лойиҳалаштириш ва куриш масалалари тўғрисида» ги қарори ||Халқ сўзи газетаси, 1995 йил, 19 август.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ бадий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони || Маърифат газетаси, 1997 йил. 2 апрель.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрельдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора -тадбирлари тўғрисида»ги Фармони || «Ўзбекистон овози» газетаси, 1998 йил. 11 апрель.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори || «Ўзбекистон тарихи» журнали 1999 йил 1-сон, -Т., «Фан», 15 бет.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 1 февралдаги «Халқаро кураш ассосиациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги»ги Фармони || Сурхон тонги газетаси, 1999 йил, 2 апрель
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги «Зулфия» номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони. || «Халқ сўзи» гезетаси, 1999 йил 12 июнь.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 24 июндаги «Давлатга қаршли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.|| «Маърифат» газетаси, 1999 йил, 30 июнь.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 февралдаги «Соғлом авлод» давлат дастури тўғрисидаги Қарори || Халқ сўзи газетаси 2000 йил 16 февраль
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 февралдаги «Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳисобот беришини қисқартириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори||Халқ сўзи газетаси 2000 йил 24 февраль
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 мартдаги «Ўзбекситон Республикаси «Халқ бахшиси» фахрий унвонини бериш тўғрисида» ги Фармони ||Халқ сўзи 2000 йил 16 март.
16. «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонуни ||Халқ сўзи газетаси 2000 йил 9 июнь.
17. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги-кафолатлари тўғрисида»ги 2000 йил 25 майдаги. Ўзбекистон Республикаси Қонуни || Халқ сўзи газетаси 2000 йил 15 июнь
18. «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни || Халқ сўзи газетаси 2000 йил 21 июнь
19. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 31 августдаги «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қарори || Халқ сўзи газетаси 2000 йил 15 июнь
20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 24 январдаги «Қарияларни кадрлаш йили» давлат дастури тўғрисида»ги Қарори || Ма`rifat газетаси 2002 йил 24 январь
21. Ўзбекистон Республикаси 2002 йил 13 декабрдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни || Халқ сўзи газетаси 2003 йил 23 январь
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 январдаги «Тошғузсар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси қурилишини жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарори || Халқ сўзи газетаси 2003 йил, 28 январь
23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 2004 йил. 9 июлдаги «2004-2009 йилларида Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори || Халқ сўзи газетаси, 2000 йил 10 январь

III. Архив ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви

- 3.1. 7-фонд Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги.
- 3.2. 837-фонд Ўзбекистон Республикаси Министрлар совети
- 3.3. 1619-фонд Марказий статистик бошқарма
- 3.4. 93-фонд Ўзбекистон Молия министрлиги.

Сурхондарё вилояти давлат архиви

- 3.5. 1-фонд Сурхондарё вилоят ижроия кўмитаси фонди
- 3.6. 45-фонд Сурхондарё вилоят маданият бошқармаси
- 3.7. 95 фонд Сурхондарё вилоят ижроия кўмитаси фонди
- 3.8. 313 фонд Сурхондарё вилоят ижроия кўмитаси фонди
- 3.9. 404-фонд Сурхондарё вилоят Халқ таълими бошқармаси
- 3.10. 454 фонд Сурхондарё вилоят ижроия кўмитаси фонди
- 3.11. 455 фонд Сурхондарё вилоят Халқ таълими бошқармаси

Сурхондарё вилояти жорий архивлари

- 3.1. Адиб Собир Термизий номидаги вилоят универсиал илмий кутубхонаси жорий архиви 1991-2005 й.
- 3.2. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармаси 1991-2005 йил.1-5 китоблар
- 3.4. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси 1991-2005 йил 1-2 китоблар.
- 3.5. Сурхондарё вилояти маданияти бошқармаси жорий архиви 1991-2005 йиллар.
- 3.7. Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архиви 1991-2005 йиллар
- 3.8. 9.10. Сурхондарё вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси жорий архиви 1998-2005 йиллар
- 3.11. жамғарма. Меҳнаткашлар депутатлари Сурхондарё вилоят Совети ижроия кўмитаси молия бўлими. 1991-2005 йиллар. Жилд сони 2979.
- 3.13.58-жамғарма. Сурхондарё област меҳнаткашлар депутатлари Совети ижроия комитети. 1593. Халқ таълими бўлими, 1991-2005 йиллар.
- 3.17.454-жамғарма. Сурхондарё маданият ишлари бошқармаси. 1948-1998. жилдлари. 1991-2005 йиллар
- 3.18.313-жамғарма. Сурхондарё область санъат бўлимининг мусиқа-драма театри, 1991-2005 йиллар вилоят маданият бошқармаси. 1956-1995. Жилдлари.

IV. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ВА ШАҲАР ТУМАНЛАР ЖОРИЙ АРХИВЛАРИ

- 1) Бойсун туман хокимияти жорий архиви. 1991-2000 йил

V. АДАБИЁТЛАР

1. Алибаева К. Аҳмедов М. Народный музыканты Узбекистана.-Т.: Гослитиздат, 1959.-128 б
2. Аллаберганова Х. Народное образование на подъеме.-Т.:Узбекистан, 1978.-93 с.
3. Абдурахмон Г. Высшая школа и наука в Советского Узбекистан, 1969.-127 с
4. Абдуллаев М. Сатторов М. Тоғлар гавҳари. -Т.: Фан, -2001. 128 б.

5. Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент: “Университет”. 2007. бет-309.
6. Аннаев Т., Тилолов Б., Худойбердиев Ш. Бойсун археологик ёдгорликлари. Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси 1999, 39-бет.
7. Авлиёқулов А., Эргашев Р., Исмоилов Ў. Сурхон юлдузлари. Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси 1995, 87-бет.
8. Ашуров А., Атаджанов А. Этнология. Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2007. 159-бет.
9. Ашуров А. Ўзбек халқининг қадимий этикод ва маросимлари. Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2007. 274-бет.
10. Азамов Э. Жаннат ўзи қайдадир. Т.: “Шарқ”, 2007, 269-бет.
11. Азимов М. Сурхондарё ижодкорлари. Қарши: “Насаф”. 2006. 308-бет.
12. Бердиев Х. Эрматов Х. Сурхондарё тарихидан лавҳалар -Т.1991 й. 70-бет
13. Бердиев О.К., Маҳмудов Х.Б. Сурхондарё ўлкаси табиати. -Термиз., «Жайхун». 1998. 69 бет.
14. Бердиқулов Қ. Қўнғиротлар. Т.: “Ёзувчи”, 21 бет.
15. Бойсун тарихи ва аъёнлари. Тошкент: 2005. Бойсун илмий экспедицияси тўплами. Нашр-2. 343-бет
16. Жанубий Ўзбекистонда география мактабининг шаклланиши ва ривожланиши; Республика илмий-амалий конференциялар материаллари. Термиз шаҳри 2006 йил 20-21 апрел.
17. Иброҳимов А. ва бошқалар. Ватан туйғуси. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 439 б.
18. Иброҳимов Ў., Рафиев Ҳ. Спорт ва кадрят. Т.: “Янги аср авлоди”. 2009. 99-бет.
19. Иброҳимова Д. Бебаҳо мерос дурдонаси. Т.: “Мухаррир”, 2009. 35-бет.
20. Кабириров Ж., Сағдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Тошкент: “Ўқитувчи”. 1990. 158-бет.
21. Каримов Ғ. Соҳибқирон ва Аллома. Т.: “Шарқ”, 2002, 239-бет.
22. Мустабид тузумининг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати. Тарих шохидлиги ва сабоқлари. -Т.: Шарқ, 2000. 67 б.
23. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-китоб. Шарқ-Т.: 2000. 558 б.
24. Мирзо Умар. Муножот. “Фарғона”, 2001, 59-бет.
25. Народное хозяйство Узбекской ССР. 1988 -Т.: Ўзбекистон, 1989. 161 б.
26. Маврулов А. Культура Узбекистана на современном этапе.-Т.: Фан, 1992.-55 с.
27. Назаров П. Тоғлар чорлайди. «Бойсун овози». 1998. 26 август.
28. Нарзулла Орифий. Эзгуликка бешиқдир дунё. Т.: “Turon-Iqbol”. 2008, 74-бет.
29. Нажимов Т.Н. Народные традиции и культура.-Т.:Узбекистан, 1992.-120 с.
30. Нор Ҳайит, Тохир Усмон. Кураш йиллари. Т.: “Меҳнат”, 1992. 132-бет.
31. Наимов М. Сурхондарё ижодкорлари, I, II, III қисмлар. Т.: “Анги аср авлоди”, 2010 йил.
32. Омонтурдиев Ж. Таваллудига 60 йил, илмий педагогик фаолиятига 40 йил тўлди. Термиз. 1993. 19-бет.

33. Рахмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўхна туркий – рун ёзувлари. Т.: “Фан”, 2006. 65-бет.
34. Рашидов Қ. Бойсун олимлари. Т.: “MATRIX PRINT” МНСЈ нашриёти. 2008. 265-бет.
35. Ртвеладзе ЭВ, Аминов М. Сурхондарё. Қомуслар бош таҳририяти. 1996. 220 б.
36. Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти -Т.: Жайхун 1996. 116 б.
37. Рўзиев А.Н. ва бошқалар. Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуини ривожлантириш масалалари. -Т., «Жайхун» 1997 й. 113 бет.
38. Сурхондарё вилояти Ўлкашунослик музейи 60 йил Термиз: нашриётсиз, 1993.-38 б.
39. Сувонова У. Сурхондарё бадий хунармандчилиги. Т.: “Мухаррир” нашриёти. 2010. 31-бет.
40. Умаров И. Ўрта Осиёда Туркий халқларнинг этногенези. (Кўнғиротлар) – 1-китоб, Қарши: “Насаф”, 2003, 35-бет.
41. Термиз. Буюк йўллар чорраҳасидаги кўхна ва янги шаҳар. (муаллифлар жамоаси) -Т.: Шарқ, 2001, 101 б.
42. Турсунов С. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. -Т.: Шарқ, 2001, 382 б.
43. Турсунов С.Н. Сурхондарё вилояти тарихини ўрганиш -Т.: А.Қодирий, 1997. 46-б.
44. Турсунов С.Н. Сурхондарё вилояти топонимлари. Т.: “А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти”. 2008. 151-бет.
45. Турсунов С.Н ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. -Т.: Шарқ, 2004, 605 бет.
46. Трагедия Среднеазиатского Кишлака, I, II, III том. Т.: “Шарқ”, 2006. 655-бет.
47. Тошпўлатов Ж., Жумакулов А. Сурхон Полвонлари. Термиз: “Жайхун”, 1995, 74-бет.
48. Тўхлиев Н., Кременцова А. Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедик маълумотнома. -Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2002, 464 б.
49. Халқ ишончи-олий маъсулият. -Т.: Ўзбекистон, 2000, 477 б
50. Холмирзаев А. Ҳаёт манзаралари. Т.: “Санъат журнали”, 2008. 188-бет.
51. Холмуродов Н. Сурхондарё табиати ва унинг муҳофазаси. Т.: “Chinor ENK”? 1998, 77 бет.
52. Хидиров А. Чағониён тарихи. Т.: “Тошкент Ислон Университети”, 2002. 206-бет.
53. Чоршанбиев А. Муаммоларни ҳамкорлик билан енгаяпмиз. Сурхон тонги. 1995. 11 август.
54. Ўзбекистон Республикаси. -Т.: Ўзбекистон, 1992, 123 б.
55. Ўзбекистон Республикаси. -Т.: Ўзбекистон, 1993, 159 б.
56. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. -Т.: Қомуслар бош таҳририяти. 1997, 653 б.
57. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. -Т.: Шарқ, 2000, II к. 681 б.
58. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. II-Жилд. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти», 2001, 701 б.
59. Ўзбекистон мустақиллик йилларида (1991-1996 йиллар иқтисодий таҳлили). -Т.: Ўзбекистон, 1996. - 107 б.

60. Қаландаров Р. Панжоб ва панжобликлар тарихи. Термиз. “Жайхун”, 1997, 91 бет.
61. Қадимда боғлар қандай яратилган. Т.: “Фан”. 2006. 80-бет.
62. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. «YURIST-MEDIA MARKAZI» нашриёти. Т.: 2008. 183-бет.
63. Қодиров Б. Сурхондарё олимлари. (Боблиографик маълумотлар). Т.: Меҳнат, 1990.-313 б.
64. Қўшоқов Т. Истиқбол сари одимлаётган корхона «Сурхон тонги.» 1995. 10 феврал.
65. Қуллиев Х. Мустабид давлат мафқураси. Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. 1997. 64-бет.
66. Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи.-.: Ўқитувчи, 1996.-174 б.
67. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: “Шарқ”. 2001. 462-бет.

VI. ДАВРИЙ МАТБУОТ

Газеталар

- I. «Бойсун овози» газетаси материаллари 1992-2005 йиллар.
- II. «Маърифат» газетаси материаллари. 1995-2005 йиллар.
- III. «Сурхон тонги» газетаси материаллари. 1991-2005 йиллар.
- IV. «Халқ сўзи» газетаси материаллари. 1993-2005 йиллар.
- V. «Чағониён» газетаси материаллари. 1996-2005 йиллар.
- VI. «Ўзбекистон овози» газетаси материаллари. 1998-2005 йиллар.

Журналлар

1. «Жайхун»: ТерДУ хабарлари, илмий-назарий ва илмий-услубий журнал. 2004-2008.
2. Мозийдан садо, илмий амалий, маънавий маърифий. 1999-2007 йил.
3. Ўзбекистон тарихи журнали, илмий-назарий журнал, 1992-2005 йиллар
4. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1999-2005 йиллар.
5. «Шарқ юлдузи»-1996. №8.
6. Фан ва турмуш. 2000-2005 йиллар

МУНДАРИЖА

К И Р И Ш.....	4-10
I. БОБ. Бойсун қадимги даврида.....	11-17
Бойсун Грек-юнон ва Кушонлар даврида	18-24
Бойсун буюк ипак йўлида.....	24-28
II. БОБ Ўрта асрларда Бойсун.....	28-33
Бойсун тумани археологик ёдгорликлари.....	33-42
Бойсун ҳарбий истехкомлари.....	43-52
Бойсун тарихий манбаларда.....	52-56
III. БОБ Бухоро Амирлиги даврида Бойсун беклиги.....	57-62
XVIII-XX аср бошларида Бойсунда маданий ҳаёт.....	62-76
IV. БОБ. Совет ҳокимияти даврида Бойсуннинг ижтимоий –иқтисодий ва маданий ҳаёти (1921-1991 йиллар).....	77-82
Совет ҳукуматининг миллий камситиш сиёсати.....	82-87
Қатағонлик йилларида Бойсун	87-100
Бойсунда совет ҳокимиятининг жамоалаштириш сиёсати.....	100-102
Бойсун иккинчи жаҳон уруши йилларида.....	102-105
Бойсунда саноат ва қурилиш (1926-1990 йиллар).....	117-123
Бойсунда уй-жой қурилиши ва ижтимоий турмуш тарзи (1970-1990 йиллар).....	124-129
Бойсунда йўл қурилиши.....	129-131
Бойсунда маориф ва маданият (1921-1991 йиллар).....	131-139
Бойсунда соғлиқни-сақлаш тизими(1920-1990 йиллар).....	139-143
Бойсун қишлоқ хўжалиги (1921-1991 йиллар).....	144-168
Бойсунлик фидоий инсонлари.....	168-186
Аёлларнинг жамиятдаги ўрни	186-194
Бойсун меҳрибонлик уйи тарихидан.....	195-199
V. БОБ. Бойсун этнографияси.....	199-201
Бойсун аҳолисининг этник таркиби.....	201-213
Қадимий маҳалла анъаналари.....	213-214
Бойсуннинг анъанавий хўжалиги.....	215-232
Бойсунда - миллий ҳунармандчилик.....	232-240
Бойсун –миллий либослари ва гилам жилоси.....	240-247

Бойсун санъати ва маънавий маданият.....	248-262
Бойсун фольклор этнография халқ дастаси тарихи.....	263-270
Сурхон бахшичилик мактаби.....	270-272
Бойсунлик мусаввирлар.....	272-274
Бойсун аҳолисининг анъанавий турмуш-тарзи ўтмишда ва ҳозирда.....	274-277
Бойсуннинг миллий урф-одатлари.....	277-280
Бойсун пахлавонлар юрти.....	280-293
Бойсун қадамжолари.....	293-306
Бойсун қишлоқлари.....	306-340
VI-БОБ. Бойсун мўъжизалари.....	340-345
Бойсун ариқлари.....	346-352
Бойсунда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси.....	352-359
VII-БОБ. Бойсун-мустақиллик йилларида ижтимоий - иқтисодий ва маданий тараққиёти.....	360-361
Бойсунда қишлоқ хўжалиги.....	362-367
Бойсунда ижтимоий-маиший соҳа.....	367-371
Бойсунда тиббиёт.....	372-375
Бойсун тумани аҳолисини сони.....	375-379
Бойсун саноати.....	379-390
Бойсун туманидаги транспорт ва алоқа хизмати кўрсатиш.....	391-393
Бойсунда халқ таълими ва маданият соҳаси.....	393-404
VIII-БОБ. Бойсунда адабий муҳит(1960-2010-йиллар).....	404-417
Илм-тафаккур.....	417-420
Х У Л О С А.....	421-422
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	423-429
МУНДАРИЖА.....	430-431